



Абдулла Қодирий

АК



2015 1131
8881

**«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2014**



John C. Stennis
U.S. Senator
Mississippi

Абдулла ҚОДИРИЙ

Панланган асағлар



УЎК 821.512.133-3.

КБК 83.3.(5Ў)

К, 53

УЗБ
Нашрга тайрловчи **Хондамир ҚОДИРИИ**
Масъул муҳаррир Тоҳир МАЛИК

Китобда таниқли рассомлар Алишер МИРЗАЕВ ва Тельман
Муҳаммад суратларидан фойдаланилди

Нашриёт муҳаррири Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ,

К, 53 **Қодирий, Абдулла**

Танланган асарлар/ А.Қодирий; нашрга тайёрловчи Х.Қодирий. – Т.: «Sharq», 2014. – 880 б.

Улуг адаб, ўзбек романчилиги асосчиси Абдулла ҚОДИРИЙни таърифтавсифлашга ҳеч зарурат йўқ эса-да, айтиш керакки, у бир умр миллат дарди билан нафас олди, ўзбек қалби жавоқирларини тарона қилди, мозийимизни рўй-рост кўрсатди. Унинг шахси жуда жасур, мардона эди. Миллатнинг хурлиги, баҳт-саодатига бутун истеъодини багишлаган, жонини тиккан Қодирийни ҳалқимиз душманлари қатл этди. Унинг умри ярим иўлда узилди. Нетонгки, у фавқулодда ёрқин истеъоди билан дурдана асарлар битишга улгурган эди. Маскур йилда Абдулла Қодирий таваллудининг 120 йиллиги ва ижодини бошлаганининг 100 йиллиги кўнгил гўзаллиги ва ҳақиқатнинг ўлмаслиги, қолаверса, миллий адабиётимизнинг жаҳоншумул мувофақияти сифатида қизарин нишонланади. Шу муносабат билан ёзувчимизнинг энг сара асарларини биринчи марта бир китоб қатида тақдим қилинди. Бундаги муҳаббат васфи, инсонлик шарафи, ҳалқ қисмати, унинг энг улуғ қадриятлари намунаси, бандачилик ҳатолари мўъжизавий қаламда кўнгилга кириб, олам-олам сурур бериши билан бирга, самимий бир сабоқ улашиши ҳам шубҳасизdir.

10 48680 472
Ko'makchi fond

ISBN 978-9943-26-151-8

| | |
|------------------|--|
| 2019/3/1 9381 | Alisher Navoiy номидаги O'zbekiston MK |
|------------------|--|

УЎК 821.512.133-3
КБК.84.(5Ў)6.

ISBN 978-9943-26-151-8

© **нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси**
Бош таҳририяти, 2014.

Ўткан
КУНЛАР

Ўзбеклар турмишидан тарихий рўмон



ЁЗГҮЧИДАН

Модомику, биз янги даврга оёқ қўйдиқ, бас, биз ҳар бир йўсунда ҳам шу янги даврнинг янгилеклари кетидан эргашамиз ва шунга ўхшаши достончилик, рўмончилик ва ҳикоячиликларда ҳам янгаришга,¹ ҳалқимизни шу замоннинг «Тоҳир-Зухра»лари, «Чор дарвеш»лари, «Фарҳод-Ширин» ва «Баҳромтўр»лари билан танишдириншка ўзимизда мажбурият ҳис этамиз.

Ёзмоқға ниятланганим ушбу — «Ўткан кунлар», янги замон рўмончилиги билан танишиш ўйлига кичкина бир тажриба, яна тўғриси бир ҳавасдир. Маълумки, ҳар бир ишнинг ҳам янги — ибтидоий даврида талай камчилеклар билан майдонга чиқиши, аҳларининг етишмаклари ила секин-секин тузалиб, такомулга юз туттиши табиъий бир ҳолдир. Мана шунинг далласига ҳавасимда жасорат этдим, ҳаваскорлик орқасига кечатурган қусур ва хатолардан чўчиб турмагим.

Мозий² қайтиб иш кўриш хайрлик, дейдилар. Шунга кўра мавзуъни мозийдан, яқин ўткан кунлардан, тарихимизнинг энг кирлик, қора кунлари бўлган кейинги «хон замонлари»дан белгуладим.

Абдулла Қодирий (Жулқунбой)

¹ Янгармоқ — янгиламмоқ.

² Мозий — ўтмиш, ўтган замон.

БИРИНЧИ БҮЛİM

1. Отабек Юсуфбек ҳожи ўғли

1264-инчи ҳижрия¹, даљ² ойининг ўн еттинчиси, қишиқи кунларнинг бири, қуёш ботқан, теваракдан шом азони эштиладир...

Дарбозаси шарқи-жанубига қаратиб қурилған бу донгдор саройни Тошканд, Самарқанд ва Бухоро савдогарлари эгалаганлар, саройдаги бир-икки ҳужрани истисно қилиш билан бошқалари мусофиirlар ила тула. Сарой аҳли кундузги иш кучларидан бўшаб ҳужраларига қайтқанлар, кўб ҳужралар кечлик ош пишириш ила машғул, шунинг учун кундузгига қараганда сарой жонлик: кишиларнинг шакиллашиб сўзлашиллари, хахолаб кулишишлари саройни кўкка кўтаргундек.

Саройнинг тўрида бошқаларга қараганда кўркамрак бир ҳужра, анови ҳужраларга кийиз тўшалгани ҳолда бу ҳужрада қип-қизил гилам, утталарда³ бўз кўрпалар кўрилган бўлса, мунда ипак ва адрес кўрпалар, наригиларда қора чароғ сасиганда, бу ҳужрада шамъ ёнадир, ўзга ҳужраларда енгил табиъатлик, серчақчақ кишилар бўлғанида бу ҳужранинг эгаси бошқача яратилишда.

Оғир табиъатлик, улуғ гавдалик, кўркам ва оқ юзлик, келишкан қора кўзлик, мутаносиб қора қошлиқ ва эндигина мурти сабз урган бир йигит. Бас, бу ҳужра бино ва жиҳоз ёғидан, ҳам эга жиҳатидан дикқатни ўзига жалб этарлик эди. Қандоғдир бир хаёл ичиде ўлтурғучи бу йигит Тошканднинг машхур аъёнаридан бўлған Юсуфбек ҳожининг ўғли — Отабек.

Сарой дарбозасидан икки киши келиб киргач, улардан бирави дарбоза ёнидағи кимдандир сўради:

— Отабек шу саройга тушканми?

Бизга таниш ҳужра кўрсатилиши билан улар шу томонга қараб юрдилар. Бу икки кишининг биттаси гавдага кичик, юзга тўла, озроқ-кина соқол-мурталик, йигирма беш ёшлар чамалиқ бир йигит бўлиб, Марғилоннинг бойларидан Зиё шоҳичи деганинг Раҳмат отлиқ ўғлидир, иккинчиси: узун бўйлик, қора чўтирик юзлик, чағир кўзлик, чувоқ соқол, ўттуз беш ёшларда бўлған кўримсиз бир киши эди. Бу йигиг яхшигина давлатманд бўлса ҳам, лекин шуҳрати нима учундир бойлиги билан бўлмай, «Ҳомид хотинбоз» деб шуҳратланган, кишилар Ҳомид орқасидан сўзлашканда унинг отига тақилған лақабни қўшиб айтмасалар, ёғиз «Ҳомидбой» дейиш ила уни танита олмайдирлар. Ҳомиднинг Отабек билан танишлиғи бўлмаса ҳам Раҳматка яқин қариндош — Зиё шоҳичининг қайниси, Раҳматнинг товаси.

¹ Мелодий 1845—46 йиллар.

² Даљ — 22 январ — 22 феврал

³ Утта — у ерда.

Улар ҳужрага келиб кирдилар. Отабек келгучиларни улуглаб қаршилади.

— Бизни кечириасиз, бек ака, — деб Раҳмат узр айтди, — вақтсиз келиб сизни тинчсизладик.

Отабек уларга юқоридан жой кўрсатар экан, ёқимлиқ бир вазиятда:

— Тинчсизламадингизлар, билъакс қувонтирдингизлар, — деди, — шаҳрингиэга биринчи мартаба келишим бўлғани учун ганишсизлик, ёлғизлиқ мени жуда зериктирган эди.

Шу орада ҳужрага бир чол кириб ул ҳам меҳмонлар билан сўрашиб чиқди. Бу чол Ҳасанали отлиқ бўлиб, олтмиш ёшлар чамасида, чўзиқ юзлик, дўнгтироқ, пешоналик, сариқча мойил, тўгарак қора кўзлик, опшоқ узун соқоллик эди Соқолининг оқлиғига қарамасдан унинг қаддидага кексалик аломатлари сезилмас ва тусида ҳам унча ўзгариш йўқ эди.

Отабек меҳмонларни танчага ўтқузиб, фотиҳадан сўнг Ҳасаналидан сўради:

— Тузикмисиз, ота?

— Худога шукур, — деди Ҳасанали, — бояғидан бир оз енгилладим. Мазмуни ис теккан экан.

— Баъзи юмушлар буюрсам...

— Буюрингиз, ўғлим.

— Раҳмат, ота, бўлмаса бизга чой қайнатиб берингиз-чи.

— Хўб, бегим.

Ҳасанали чиқди. Раҳмат Отабек билан яна бир қайта соғлиқ сўрашкандан кейин сўради:

— Бу киши кимингиз бўладир, бек ака?

Отабек Раҳматнинг саволига жавоб бермай эшикка қаради. Ҳасаналини ҳужрадан узоқлатиб сўнгра жавоб берди:

— Қулимиз.

Бу сўздан нима учундир Ҳомид ажабланган эди.

— Қулингиз?

— Шундоғ.

Ҳасаналини болалиқ вақтида Эрондан киши ўғирлаб келгучи бир туркман кўлидан Отабекнинг бобоси ўн беш тида¹ баробарига сотиб олған эди. Ҳасаналининг Отабеклар оиласида куллиқда бўлғанига элли йиллар чамаси замон ўтиб, энди Отабеклар оиласининг чин бир аъзоси бўлиб кеткан. Хўжаси Юсуфбек ҳожига, айниқса, хўжазодаси Отабекка итоат ва ихлоси том¹ бўлиб, бунинг эвазига улардан ҳам ишонч ва ҳурмат кўрар эди. Ҳасанали ўтгуз ёшлиқ вақтида сотиб олинган бир чўрига уилантирилган бўлса ҳам, аммо ўтул-қизлари бўлмаган, бўлсалар ҳам ёшлиқда ўлиб кетканлар. Шунинг учун бўлса керак, Отабекка ихлос қўйиб, унга ўз боласи каби қарап: «Улганимдан кейин руҳимга бир калима куръон ўқуса, бир вақтлар Ҳасанали ота ҳам бор эди деб ёдласа, менга шуниси кифоя» деб қарор берган ва ҳозирдан

¹ Том — тўла, тўлик.



бошлаб Отабекка бу түгрида сипоришлиар¹ берил, ундан самимий ваъдалар олиб юргучи оқ кўнгил билди.

Ҳасанали устида бўлған ҳалиги гапдан кейин Раҳмат сўради:

— Тошканддан нималар келтирдингиз, бек ака?

— Арзимаган нарсалар: газмол, қалапой афзали² ва бир оз қозон.

— Марғилонда газмол билан қалапой афзалининг бозори чаққон,— деди Ҳомид.

Отабек микрози³ билан шамъ сўхтасини кесиб тузатди. Орада ётсирашка ўхшаш бир ҳол бор, нима учундир бир сўзлаб икки тўхтар эдилар. Бу ўнгтайсиз ҳолатдан чиқиш ва сўзни сўзга улаб юбориш учун Раҳмат тиришкандек кўринар эди.

— Марғилонни қандай тоғдингиз, бек ака, хушландингиҳими, ё⁴..

Бу саволнинг жавобига Отабек иккилангандек ва ўнгтайсизлангандек бўлди.

— Нима десам экан... Марғилонни ҳар ҳолда... хуш кўрдим, Марғилон ~~Туркистонимизнинг тўкугунилик ҳунарида биринчи~~ ~~худидир~~.

Иккиланиб берилган бу жавобдан Ҳомид билан Раҳмат бир-бирла-рига қарабиб олдилар. Отабек бу ҳолатни сезди ва ўзининг сўзини кулгуликка олиб изоҳ берди:

— Келган кунимдан Марғилонингизни хушламай бошлаган эдим. Чунки танишларим йўқ, мусофиричилик билиниб қолаёзған эди. Энди бу соатдан бошлаб Марғилондан розиман, негаки, йўқлаб келгучи сизнинг каби қадрдонлар ҳам бўлур экан.

— Кечирингиз, бек ака, — деди Раҳмат, — мен сизнинг Марғилон келганингизни бу кун отамдан эшилдим. Йўқса, албатта сизни зериктирмас эдим.

— Аниқми?

— Тўғри гап, — деди Раҳмат, — отам Тошканд борғанларида тўп-тўғри сизнинг эшикингизга тушсинларда, сиз саройга тушинг. Бу тараф билан сиздан ўпкани биз қилсан арзийдир.

— Ҳаққингиз бор, — деди Отабек, — аммо биринчидан, сизнинг ҳавлингизни сўроғлаб топиш менга қийинроқ кўринди, ундан сўнг молимизни ортқан туяқашлар шу саройга тайинланған эдилар.

— Ҳар ҳолда бу узр эмас.

Ҳасанали дастурхон ёзиб қумроң киргизди. Одатий такаллуфлар билан дастурхон ва чойга қаралди. Ҳомид нонни ширнига булғар экан сўради:

— Ёшингиз нечада, бек?

Отабекнинг лаби қимирламасдан чой қуйиб ўлтурган Ҳасанали жавоб берди:

— Бекка худо умр берса, бу йил ҳамдуна бўлса тўппа-тўғри йигирма тўрт ёшға қадам қўядилар.

— Йигирма тўрт ёшға кирдимми, ота? — деди бек. — Чиндан ҳам неча ёшға кирганимни ўзим билмайман.

— Йигирма тўрт ёшға кирдингиз, бек.

¹ Сипориш — топширик.

² Қалапой афзали — пошнаси баланд, раңдли ковуш.

³ Микрози — қайчи.

Хомид тағин сүради.

— Уйланғанмисиз?

— Йўқ.

Ҳасанали Отабекнинг ёлриз «йўқ» билан тўхташига қаноатланмади ва бу тўғрида ўз томонидан изоҳлар беришни лозим кўрди:

— Бек учун бир неча жойларға қиз айтдирмак исталинган бўлса ҳам, — деди, — аввал тақдир битмаганилик, ундан кейин бекнинг уйла-нишка бўлган қаршилиқларидан бу кунгача тўй қилолмай келамиз. Улуғ хўжамизнинг қатъий ниятлари бу сафардан қайтгач бекни уйлан-диришдир.

— Манимча, уйланишдек нозик бир иш дунёда йўқдир, — деди Раҳмат ва Отабекка юз ўтириди. — Уйлангач, хотининг табъингта муво-фиқ келса бу жуда яхши; йўқса, мунчалик оғир гап дунёда бўлмас.

Отабек Раҳматнинг бу сўзини самимият билан қаршилади.

— Сўзингизнинг тўғрилиғида шубҳа йўқ, — деди, — аммо шуни ҳам қўшмоқ, керакки, оладирған хотинингиз сизга мувофиқ бўлиши баробарида эр ҳам хотинға мувофиқуттабъ¹ бўлсин.

— Хотинға мувофиқ бўлиш ва бўлмаслиқни унча кераги йўқ, — деди Ҳомид эътирозланиб, — хотинларга «эр» деган исмнинг ўзи ки-фоя... аммо жиян айткандек, хотин деган эрга мувофиқ бўлса бас.

Раҳмат кулиб Отабекка қаради. Отабек ҳам истехзолик табас-сум ораси Ҳомидга кўз қирини ташлади.

— Уйланишдаги ихтиёrimiz, — деди Раҳмат, — ота-оналаримизда бўлғанликдан, оладирған келинлари ўғиллариға ёқса эмас, балки унинг ота-оналари ўзлариға ёқса бас. Бу тўғрида уйлангучи йигит билан эр қилгучи қизнинг лом-мим дейишкага ҳақ ва ихтиёрлари бўлмай, бу одатимиз маъқул ва машруъ ишлардан эмасдир. Масалан, мен ота-онамнинг ёқдиришлари билан уйландим... аммо хотиним ота-онамга мувофиқ бўлса ҳам менга мувофиқ эмас, сиз айткандек, эҳтимол мен ҳам хотинимга мувофиқ эмасдирман... Сўзингиз жуда тўғри, бек ака.

Отабек Раҳматнинг сўзини ихлос билан эшитди ва «сен нима дей-сан?» дегандек қилиб Ҳомидга қаради.

— Жиян, — деди Ҳомид Раҳматка қараб, — бошлаб уйланишинг албатта ота-онанг учун бўлиб улардан ранжиб юришингни ўрни йўқ. Хотининг кўнглингта мувофиқ келмас экан, мувофиқини олиб, хотин-ни икки қилас. Буниси ҳам келишмаса учунчисини ол. Хотиним муво-фиқ эмас деб зорланиб, ҳасратланиб юриш эр кишининг иши эмас.

Раҳмат Отабекка кулимсираб қаради-да, тоғасига жавоб берди.

— Хотин кўпайтириб, улар орасида азобланишнинг нима ҳикмати бўлсин? — деди. — Бир хотин билан муҳаббатлик умр кечирмак, манимча энг маъқул иш. Масалан, икки хотинлиқнинг биттаси сизми? Уйингизда ҳар куни жанжал, бир дақиқа тинчлиғингиз йўқ.

Сенингдек йигитлар учун албатта битта хотин ҳам ортиқчалиқ қиласидир, — деб кулди Ҳомид. — Кўб хотин орасида азобланиш ўзи нима деган сўз? Қамчинингдан қон томса, юзта хотин орасида ҳам

Мувофиқуттабъ — таъбга мос, муносиб.

роҳатланиб тириклик қилаоласан. Мен бу кунгача икки хотин ўртасида туриб жанжалға түйгүнимча йўқ, аммо хотинни учта қилишга ҳам ўйим йўқ эмас.

— Сизга тараф йўқ, тоға.

Ҳомид мағрур бир тусда Отабекка қаради. Отабек унинг сўзидан кулимсираган эди.

Ҳасанали паловга урнаш учун ташқарига чиқди. Отабек меҳмонларга чой қуйиб узатди. Ҳомиднинг ҳалиги сўзидан кейин орадаги баҳс кесилган эди. Учавлари ҳам бир нарсанинг хаёлини сургандек кўринар эдилар. Бир неча вақт шу ҳолда қолишиб Раҳмат тоғасидан сўради:

— Мирзакарим ака қизини эрга бердими, эшитдингизми?

Бу саводдан нима учундир Ҳомиднинг чехраси бузилди ва тилартиламас жавоб берди:

— Бундан хабарим бўлмади. Гумонимча, бермагандир...

Раҳмат сўздан четда қолдирмас учун Отабекни ҳам ораға одди:

— Бизнинг Марғилонда бир қиз бор, — деди, — шундоғ кўхликки, бу ўргада унинг ўхшаси бўлмас, деб ўйлайман.

Ҳомид бир турлиқ вазиятда ер остидан жиянита қаради. Тоғасининг ҳолидан хабарсиз Раҳмат сўзида давом этти:

— Шахримизда Мирзакаримбой отлиғ бир савдогар киши бор, бу шунинг қизидир. Балки сиз Мирзакарим ақани танирсиз, у бир неча вақт Тошканда кутидорлик қилиб турған экан?

— Йўқ... Танимайман.

Ҳомиднинг юзидағи бояғи ҳолат яна ҳам кучланиб гўё тоқатсизланғандек кўринар эди, Раҳмат давом этти:

— Унинг ҳавлиси пойафзал растасининг бурчагидаги иморатдир. Ўзи давлатманд бир киши; Тошканд ашрофларининг¹ кўблари билан алоқадор бўлғанлиқдан балки отангиз билан таниш чиқар.

— Эҳтимол, — деди Отабек ва нима учундир ғайри-ихтиерий бир тебранди. Унинг юзида бир ўзгариш ва вужудида бир чайқалиш бор эди. Үндиаги бу ўзгаришдан Раҳмат хабарсиз бўлса ҳам, аммо Ҳомид уни ер остидан таъқиб этар эди. Бу таъқиб Отабекдаги ҳалиги ўзгаришини лайқабми ёки тасодуфийми эди, бу тўғрида бир мулоҳаза айтиш, албатта мумкин эмас. Яна бир неча вақт жим қолдилар.

— Энди бизнисига қачон меҳмон бўласиз, бек ака?

Раҳматнинг бу сўзи билан Отабек хаёлидан бош қўтарди:

— Худо хоҳлаған вақтда бўлармиз...

— Йўқ, бек ака, — деди Раҳмат, — сиз аниқлаб бир кунни таъйин қилингиз, биз бу ерга сизни таклиф қиласи келганимиз.

— Овора бўлмоқнинг нима зарурати бор?

— Бунда овора бўлиш деган нарса йўқ. Иложи бўлса сизни бу саройдан ҳавлига кўчирамиз. Ҳозирга бир кунни таъйин қилиб бизга меҳмон бўлинг-чи... Отам сизнинг билан ўлтуришиб Тошканд ажволоти тўғрисида сўзлашмакка муштоқдирлар.

¹ Ашроф — ётиборли кишилар, улувлар.



— Бу саройдан сизларни күчиш им оғир, — деди Отабек, — аммо отангизнинг зиёратларига боришга ҳар қаңон ҳозирман.

— Соғ бўлинг, бек ака, борадирған кунингизни таъйин қила оласизми?

— Маълумингиз, кечлари бўш бўламан, шунинг билан бирга отангиз қайси вақтни ихтиёр қилсалар ижобат этишдан ўзга чорам бўлмас.

— Саломат бўлингиз, — деди Раҳмат, — шуни ҳам сиздан сўрайин: ўлтуришкага бегона кишилар ҳам айтисса мумкинми, озор чекмасмиз? Чакирилғандага ҳам ўзимизга яқин ва аҳл кишилар бўлур, масалан, Мирзакарим кутидор каби.

Бу вақт Отабекнинг тусига ҳалигиdek ўзгариш чиқди эрса-да, лекин сездирмасликка тиришиб жавоб берди:

— Маним учун фарқсиз.

Ошдан сўнг меҳмонлар хайрлашиб чиқдилар.

2. Ҳон қизига лойик бир йигит

Отабек ўзи билан кўришкан муңдаги икки ёт кишини танимағанликдан бир-икки қайта уларни кўз остидан кечирди. Буни пайқаған Зиё шоҳичи уларни Отабекка танитди:

— Амакларингизни сиз танимағандирсиз албатта, — деди. — Бу киши отангизнинг яқин дўстларидан Мирзакарим кутидор. Бу зот Андижон саводгарларидан Акрам ҳожи.

Мирзакарим исмлик қирқ беш-элли ёшлар чамасида қора қош, қора кўз, кўркам юз, яхшигина кийингаң бир киши бўлиб, Акрам ҳожи элли беш ёшлар орасидаги бир кекса эди. Отабек қайтадан Мирзакарим кутидорни кўздан кечирди.

— Ота қадрдонлари билан танишдирғанинг учун раҳмат, амак, — деди ва Акрам ҳожи билан Мирзакарим акага тавозуъланди. — Отам сизлардек яқин дўстларига салом айтишни менга амонат топширган эдилар.

— Раҳмат, соғ бўлсинлар.

Мажлис Зиё шоҳичининг уйида Отабекнинг меҳмондорчилиги учун йиғилған, юқорида исмлари ўткан зотлардан бошқа Ҳомид, Раҳмат ҳам Ҳасанали бор эдилар. Танишдирицдан сўнг Отабек билан кутидорнинг кўзлари бир-бирларига тез-тез учраша бошладилар. Кутидор ниманидир Отабекдан сўрамоққа оғзини жўплаб турса ҳам Акрам ҳожи билан Зиё шоҳичининг алланарса тўғрисидаги гаплари кети узилмай давом этар эди. Уларнинг кўзи учунчи тўқнашишда кутидор кулимсираб кўйиб сўради:

— Мени эслай оласизми, бек?

Отабек дикқат ва эътибор билан кутидорни кузатиб жавоб берди:

— Йўқ, амак.

— Неча ёшга бордингиз?

— Йигирма тўрт ёшга...

Кутидор ўзича нима тўғрисидадир ҳисоб юритди-да:

— Вөқиъан сиз мени эслай олмассиз, — деди. — Мен Тошканда қутидорлиқ қылған вақтимда сиз тахминан беш-олти ёшлиқ бола здингиз... Гүёки, мен Тошканда кечагина турғандек ва кечагина сизнинг ҳавлингизда меҳмон бўлғандекман... Аммо ҳақиқатда орадан ўн беш-йигирма йил ўтиб, сиз ҳам катта йигит бўлғансиз, умр — отилған ўқ эмиш.

— Сиз бизнинг ҳавлида бўлғанмисиз?

— Кўб мартабалаб меҳмон бўлдим, — деди қутидор, — ул вақтда бобонгиз ҳам ҳаётда эдилар.

Бу иккисининг сўзларига қулоқ солиб четда ўлтурган Ҳасанали ҳам гапга аралаши:

— Амакингиз бизнинг ҳавлика келиб гурадирган вақтларида сиз ёш бола здингиз, бек, — деди. — Амакингиз сизни саройларга ҳам олиб тушар эдилар.

Отабек уялув аралаш кулимсираб қутидорга қаради:

— Таассуфки, эслай олмайман, — деди. Қутидор тағин нимадир айтмоқчи бўлған эди, Акрам ҳожи унга йўл бермади.

— Ҳожи акамиз бу кунда қандай иш билан машғуллар?

Отабек:

— Тошканд беги ёнида мушовир¹ сифати билан турадирлар.

— Азизбек бу кунда ҳам Тошкандга ҳокимдир?

— Шундоғ.

— Сотқи бек кетсин, Азиз бачча дент, — деди Ҳомид ва Акрам ҳожига қараб кулди. — Яқингинада Мусулмон чўлоқнинг базими шу Азиз бачча билан қизир эди, — деди, улур бир нарса қашф эткандек мағрур, мажлиска қараб чиқди. Ҳомиднинг заруратсиз айб текшириши мажлиска ётроқ туйилган бўлса керак бир-бирларига қарашиб олдилар. Бу ўринсиз текшириш мажлисни бир оз сукутга юборди-да, сўнгра Акрам ҳожи саволида давом этти:

— Ҳокимингиз жуда золим эмиш, бу тўғри сўзми?

— Тўғри сўз, — деди бек. — Азизбек зулмидан аҳоли жуда тўйған.

Отабекнинг бу жавобидан ёлғиз Акрам ҳожигина эмас балки, мажлиснинг бошқа аъзолари ҳам ажабландилар. Отасининг валинеъмати² бўлған бир бекнинг зулмини икror этиш ҳақиқатан ҳам таажжубка лойик эди. Азизбекнинг Туркистон хонлигининг энг золим ва мустабид саналган бекларининг бири ва унинг ўз қарамогида бўлған Тошканд аҳолисига қылған зулмлари Фарғонага достон, аммо Акрам ҳожининг бу саволи Азизбекнинг энг яқини бўлған бир кишининг ўғлини синааб кўришлик учун эди. Бу синаш натижаси Акрам ҳожининг таажжубини ортдирди ва бунинг сиррини билишкага қизиқсанди:

— Отангиз Азизбекнинг мушовири экан, — деди Акрам ҳожи, — нима учун уни бир оз бўлса ҳам йўлга солмайдир?

— Кечирингиз, амак, — деб Отабек кулимсиради, — сиз отамнинг мушовирилигини бошқачароқ онглағанга ўжшадингиз... Бизнинг бекларга ҳукм вақтида ҳам мушовир бўлмоқ имконсиз нарсадир. Отам Азиз-

¹ Мушовир — маслаҳатчи.

² Валинеъмат — аслида неъмат этаси, бокувчи, бу ерда «хўжайн» маъносиди.

бекнинг мушовири ва яқин мусоҳиби¹ саналса ҳам ва лекин бу жузъий ишлардагинадир, бунинг учун сизга бир мисол келтурай, бу иш шу яқин оралардағина бўлди. Тошканддаги жумъалиқ гап мажлисларидан бирида бир киши Азизбекни маҳттар ва бу маҳтовга қарши иккинчиси «нега мунча маҳтаисан, Азизбекнинг асли бир бачча-да» дер. Уларнинг бу музокараларини четдан эшитиб турган хуфиялардан бири бу сўзни Азизбекнинг қулогига етказур. Эртасига Азизбек мазкур икки кишини ўз хузурига олдириб маҳтовчига улуг мансаб ато қилар ва иккинчиси ни ўлимга буюрар... Бу ҳукм мажлисида ҳозир турган отам маҳкумнинг гуноҳини сўраганида Азизбек жаллодга бақирав: «Тезроқ олиб чиқ!» Отам тағин қуллик қилинганида жаллодга буюрар: «Қўлингдағини бўшатиб, ўрнига ҳожини олиб чиқ!» — Мана кўрдингизми, отамнинг қадру қиматини

— Бўлмаса аҳоли хонға шикоятнома ёзмайдирми?

— Нечанчи шикоятномани сўрайсиз, — деди Отабек, — Азизбекдан зулм, жафо кўрганлар билан биргаликда энди ўнинчи шикоятномамизни юборғандирмиз... Лекин хоннинг йўлбошчиси бўлған кишининг ўзи зулмда Азизбекдан неча зина баланд ўринни ишғол эткучи кимса бўлса, биз қандоғ қилайлиқ. Аммо шуниси ҳам борки, шу кейинги вақтларда Азизбек Кўқоннинг ёрлиғ ва фармонларини илтифотсиз қолдира бошлади. «Итоатдан бош тортмасин...» деган мулоҳазада ёзган шикоятномаларимиздан марказнинг кўз юмиши ҳам эҳтимолдир. Ҳарҳолда Тошканд аҳолиси Азизбек истибодидан ортиқ тўйинди, кимдан кўмақ сўрашга ҳам билмайдир.

Юсуфбек ҳожининг қандай одам эканий айниқса Акрам ҳожига онглашилиб, бу тўғрида ортиқ баҳс қилинмади ва сўз бошқа хусусларга ўтди.

Зиёфат самимият билан чақирилғанлиқдан дастурхон қадрлик меҳмонга максус турланган эди. Зиё шоҳичи билан ўғли Раҳматнинг ҳар замон меҳмонларни дастурхонга қисташлари бошқаларнинг иштихоларини очишга сабаб бўлса ҳам, аммо бизнинг Отабекка сира ҳам асар қилмас, хаёлланиб ўлтурас эди. Ул нима тўғрида хаёл суриб, қайси тўғрида ўйлар эди — буни билиш қийин бўлса ҳам, бироқ унинг ҳозирги баъзи ҳаракатлари дикқатни жалб этарлик эдилар: хаёл сурар экан, унинг кўзлари ихтиёrsиз каби қаршисидағи қутидорга қарайдирлар, қутидорнинг кўзи ўзига тушди дегунча кўзини ундан олиб дастурхондаги кўнгли тиламаган нарсаларга урина бошлайдир... Отабекнинг бу ҳолини мажлисларига сезмасалар-да, аммо Ҳомид уни таъқиб эткандек эди.

— Савдо билан қандай шаҳарларга бордингиз, бек? — деб қутидор сўради.

— Ўзимизнинг шаҳарлардан кўпини кўрдим, — деди бек, — ўрис шаҳаридан Шамайга² ҳам бордим.

¹ Мусодиб — ҳамсүқбат.

² Семипалат шаҳри. Хон замонларида Туркистон савдогарларининг ўрис билан олиш-бериш — савдо шаҳарлари бўлғандир (муалиф)

— Ҳа, ҳа, сиз Шамайга ҳам бордингизми? — деб Зиё шоҳичи ажабланди.

— Ўткан йил борған эдим, — деди бек, — боришим ноқулай бир вақтга туғри келиб кўб мاشаққатлар чекдим.

— Чин савдогар сиз эмишсиз, — деди қутидор, — биз шу ёшқа келиб ҳали ўзимизнинг каттароқ шаҳарларимизни ҳам кўралмадик; сиз ўриснинг Шамайигача борғансиз.

— Юрған дарё, ўлтурган бўрё эмиш, — деди Акрам ҳожи.

Ўрис шаҳарларига бориб савдо қилғучилар Туркистонда жуда оз ҳисобда бўлиб, чет элларни кўрган Отабек мажлиска тансиқланди. Урислар тўғрисида аллақандай хаёлий ривоятлар эшишиб юрган қутидор ва Зиё шоҳичиларнинг Отабекдан ҳақиқий ҳолни билгилари келиб, ундан Шамайда кўриб, кечирғанларини сўрадилар. Отабек Шамай хотиротини сўзлаб берди. Ўрисларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётларини эшиткучиларни тонгта қолдириб, ортиқ тафсилоти билан айтиб чиқғач:

— Шамайга бормасимдан илгари ўз ҳукмдорлиғимизни кўриб; бошқалар ҳам шундайдир, деб ўйлар эдим, — деди бек, — лекин Шамай маним фикримни ост-уст қилиб, ўзимни ҳам бутунлай бошқа киши ясади. Мен ўриснинг идора ишларини кўриб, ўз идорамизнинг худди бир ўйинчиқ бўлғанлигини иқрор этишкага мажбур бўлдим... Бизнинг идорамиз бу кунги тартибсизлиги билан кетаберса ҳолимизнинг нима бўлишиға ақдим етмай қолди. Шамайда эканман, қанотим бўлса, ватанимга учсан, тўппа-тўғри хон ўрдасига тушсан-да, ўриснинг ҳукумат қонунларини бирма-бир арз қилсан, хон ҳам арзимни тингласана-да, барча элга ёрлиғ ёзиб ўриснинг идора тартибини дастуриламал этишкага буюрса, мен ҳам бир ой ичидаги ўз элимни ўрисники билан бир қаторда кўрсан... аммо ўз элимга қайтиб кўрдимки, Шамайда ўйлағанларим, ошиққанларим ширин бир хаёл эмиш. Бу ерда сўзимни эшиткучи бирав ҳам бўлмади, бўлсалар ҳам: «Сенинг орзунгни шу хонлар эштадими, шу беклар ижро қиласидими?» деб мени маъюс қилдилар. Илгарироқ мен уларнинг гапига бовар қилмай юрсан, ҳам сўнгидан тўғри сўзни айтканларини билдим. Дарҳақиқат, мозористонда «ҳайя алалфалаҳ»¹ хитобини ким эшитар эди.

Мажлис Отабекнинг Шамай таассуротини мароқ билан эшиткан, шу кунгача ҳеч кимдан эшитилмаган унинг фикрларига ажабланган эди. Истиқбол қайфуси тушига ҳам кирмаган бу Туркистон оталари Отабекнинг даруни дилдан чиқариб айткан гапларидан ҳиссасиз қолмадилар:

— Амири Умархондек одил пошшо бўлса, — деди қутидор, — биз ҳам ўрисдан ошиб кетар эдик.

Зиё шоҳичи:

— Бизнинг бу ҳолга тушишимиз ўз феъли хуйимиздан.

Акрам ҳожи:

— Тўғри.

¹ Ҳайя алалфалаҳ — қутқарилишга шошилинглар, нажотта келинглар (азон чақириғи).

Ҳомид ҳам бошқалардан қолишимас учун: «Худо коғирнинг дунёсини берган» деб қўйди.

— Манимча, ўриснинг биздан юқоридалиғи унинг иттифоқидан бўлса керак, — деди Отабек, — аммо бизнинг кундан-кунга орқага кетишимизга ўз ора низоъимиз сабаб бўлмоқда, деб ўйлайман, бошқа хил айтканда Зиё амакимнинг фикрлари қисман тўгри. Орамизда бу қўрқунч ҳолатка баҳақи тушинадирган яхши одамлар йўқ, билъакс бузғучи ва низоъчи унсурлар томир ёйиб, ҳар замон содда ҳалқни ҳалокат чуқурига қараб тортадирлар. Бу кунги қора чопон¹ ва қипчоқ низоъларини сизга бир тимсол ўрнида кўрсатайин: ўйлаб кўрилсин, бу низоълардан бизга қанчалиқ фойда ва қипчоқ оғайниларга нима манфаат ҳосил бўлмоқда? Фақат бундан фойдалангучилар икки ҳалқ орасига адоват уругини сочиб юргучи бир неча эъвогар бошлиқларгина-дир. Масалан, Мусулмонқулни ким холис одам, деб ўйладир? — Унинг юрт учун қон тўкишдан бошқа нимага фойдаси тегди? Мусулмонқул ўз ғарази йўлида орада йўқ низоъларни қўзғаб, куяви Шералихонни² ўлдириди, гуноҳсиз Муродхонни шаҳид этди, қўй каби ёввош Тошканд ҳокими Салимсоқбекни ўлдириб, ўрнига Азизбекдек золимни белгула-ди ва ўзини мингбоши деб эълон қилиб, ақлсиз бир гўдакни (Худоёрни) хон кўтариб эл елкасига минди. Тузик, агар Мусулмонқул бу ишларни бир яхши мақсадни кузатиб қилағанда, золимларни ўртадан кўта-риб, юртка осойиш берганда, унга ким нима дея олур эди? Ҳолбуки, Тошканд тарихда мисли кўрилмаган Азизбек каби ваҳшийни факат шу Мусулмонқул кўлидан олди. Башарти Мусулмонқул чин инсон бўлса, инсондан ваҳший түғилганини ҳеч ким эшияткан чиқмас. Модомики, ўз ғарази йўлида истибдод орқали эл устига ҳукмрон бўлғучилар йўқо-тилмас эканлар, бизга нажот йўқдир, магар шундай ғаразчиларни улар ким бўлсалар ҳам иш бошидан қувлаш ва улар ўрнига яхши холис одамларни ўтқузиш нажотимизнинг ягона йўлидир.

Отабек мажлиска тамоман янги ва эшитилмаган фикрларни сўзлаб кетти, улар бекнинг оғзиға анқайишиб қолган эдилар. Дарҳақиқат, ўз ора битмас низоъларнинг асли маншаъини³ ул яхши онглаб таҳдил қиласар ва дуруст қиймат берар эди Унинг шу йўсун мулоҳаза ва фикрлари мажлискачувалған ипнинг учини топиб бергандек бўлиб, лафзан бўлмаса ҳам маънан уларнинг таҳсин ва олқишиларини олди.

Отабек хуфттан намози учун таҳорат олишга меҳмонхонадан чиқған эди, унинг кетича:

— Отанинг боласи-да, — деб Зиё шоҳичи меҳмонларга қараб қўйди.

— Умри узоқ бўлсин, — деди Акрам ҳожи, — йигитларимиз ичидаги ақдлиги экан... Агарда хон кўтариш маним қўлимда бўлса эди, хон қилиб Отабекни кўтарар эдим... Ўзи ўқуғанми?

¹ Кипчоқлар ўзбекларни қора чопон, деб атаганлар (мулл.).

Шералихон Мусулмонқулнинг синглисига ўйланган эди. Шералихоннинг ўти Худоёрхон, шу Мусулмонқулнинг синглисидан түғилди. Мусулмонқул яхши иш кўриш учун жияни Худоерга қилини бераб, ўзига куяв қылган эди. Шералихон Норбўтахоннинг акаси. Ҳожибекнинг ўти (мулл.).

² Маншав — бошланиши, келиб чиқиш жойи.

Бу маҳтовлар билан терисига сифмай кеткан Ҳасанали жавоб берди:

— Тошканд Бекларбеги мадрасасининг¹ пешқадам муллабаччалиридан эди. лекин уч йилча бўлди, хўжамиз мадрасадан олиб савдо ишига қўйдилар.

— Худо ҳар нарсадан ҳам берган йигит экан, — деди қутидор.

Аҳди мажлис Отабекни кўкларга кўтариб маҳтар эди, лекин Ҳомид бу маҳташларға иштирок этмас ва нимадандир фижингандек кўринар эди. Шу орада қутидорнинг «уйланганми?» деб Ҳасаналидан сўраши Ҳомидга яна бошқача ҳолат берди. Ҳасаналининг сўрағучига бекнинг қиз ёқдирмаслигини сабаб кўрсатиб, шу кунгача уйланмай келганлигини тафсили билан ҳикоя қилиб беришидан сўнг ул тоқатсизлангандек бўлди:

— Балки бегингизнинг тамаълари хон қизидадир, — деди истеҳзо билан Ҳомид, — бундоғ йигитлар уйланганларида ҳам киши қизини умр бўйи азоб ичида ўтказадирлар...

Сабабига тушиниш қийин бўлған бу истеҳзога қарши Ҳасанали сукут қилмади:

— Мен унинг хон қизини олиш мақсади борлигини билмайман, — деди кулимсираб, — бироқ ул хон қизини олса арзимайдирган йигит эмас... Ҳатто зархарид² қули бўлғаним ҳолда менга ҳам қаттиғ сўз айтишдан сақланған бир йигит ўз никоҳида бўлған озод бир қизға албатта заҳмат бермас, деб ўйлайман. Баъзи хотин урадирган ва хотин устига хотин олиб, хотинлариға зулм қиласидирган ҳайвонсифат кишилардан бўлиб кетиши менимча эҳтимолдан жуда узоқдир, иним мула Ҳомид...

Ҳасанали ўткан фаслда Ҳомиднинг ўз оғзидан хотинлариға қарши қамчи ишлатканини эшиткан эди. Шунга биноан унинг бу охирги жумласи Ҳомидни ерга қаратиб, лом дейишкага мажол бермай қўйди. Зиё шоҳичи қайниси Ҳомидга «Тузлатилдингми?» дегандек қилиб қаради ва Ҳасаналидан афу сўради:

— Кечирасиз, ота, — деди, — бизнинг Ҳомидбой шунақа қўланса гаплар учун яратилған одам.

Қутидор ҳам Ҳасаналининг кўнглини кўтариб тушди:

— Гапингиз тўғри, ота, — деди, — Отабек хон қизига лойиқ бир йигит экан.

Баҳсланиш учун Ҳомидга йўл қолмаган эди. Бир турлик илжайиб ер тегидан Ҳасаналига кўз ташлади.

Ошдан кейин бошлаб Ҳомид, сўнгра бошқа меҳмонлар тарқалишибилар. Отабек билан қутидорнинг йўллари бир бўлғанлиқдан биргалашиб кетдилар. Қутидор ҳавлисига қайрилур экан, бек билан хайрлашди:

— Албатта, бириси кун бизникига марҳамат қиласиз, тузикми?

¹ Бекларбеги — Тошкентнинг олди мадрасаларидан. Эски Жўва майдонида бўлган. 1923—1924 йилларда бузиб юборилган.

² Зархарид — тилла баробарига сотиб олинган.

- Хўб, амак.
- Бизники мана шу бурчақдаги эшик... Қайтага бу кун бизницида қолсангиз бўлмасми-а?
- Раҳмат... Хайр, саломат бўлингиз.
- Улар тўхтаб сўзлашқан ўринларидан хайрлашиб узоқлашгач, шундаги бир бурчақдан чопонига бурканган бир киши чиқиб, ҳалигилар келган томонга қараб юрди...

3. Бек ошиқ

Сарой тинч уйқуда, тун ярим. Ҳасанали ҳужранинг узун бурама қулуфини очиб ичкарига шамъ ёқди ва бекнинг тўшагини ёзиб унинг кириб ётишини кутиб турди. Аммо Отабек нима учундир тез кира бермади. Ҳужра эшигини очилғанидан, шамъ ёқилиб, ўрин ёзилғанидан гўё хабарсиз каби устунга суюланча қотиб турар эди.

— Ўрнингизни ёздим, бек.

Отабек бу сўз билан ҳужрага кирди ва бориб тўшаги ёнига ўлтурди. Ҳасанали бекнинг ешиниб ётишини кутиб турар, чунки уни ётқузиб ёқилған шамъни ўзи билан нариги ҳужрага олиб чиқмоқчи эди. Бироқ Отабек тўшаги ёнига ўлтурди-да, яна ўйлаб қолди... Отабек бир неча кунлардан бери Ҳасаналининг кўзига бошқача кўринар эди.

Ҳасанали Отабекда шу кунгача кўрилмаган қизиқ бир ҳолатка бешолти кундан бери ажабсиниб юрар эди. Ҳасаналини ажабсингирган ҳолат ҳам бекнинг шунинг сингари хаёл ичидан барчани унутиб қўйиши ва бошқа ишларга эътибор ва парвосизлиги эди.

Ҳасанали бекнинг ҳозирги ипидан-нинасигача бўлған қизиқ ҳолини узоқ кузатиб турди. Лекин Отабек хаёл суриндан зерикмаса ҳам Ҳасанали кузатиндан зериқди.

— Менда юмишингиз йўқми?

Отабек бу галини онгламади шекиллик, Ҳасаналининг юзига кўтарилиб қаради-да, яна кўзини бир нуқтаға тикиб қолди. Бу ҳолатдан Ҳасаналининг андишаси ортиб, бекнинг бунчалик ангравланишига қандай маъно беришни ҳам билмас эди. Отабек шу ҳолда тарин қанчагачадир ўлтурди, ниҳоят уйқудан уйғонған кишидек сўчиб ўзини кузаткучига қаради:

— Чиқиб ётмайсизми?

— Менда юмишингиз йўқми?

— Нима юмишим бўлсин, шамъни ҳам олиб кетинг.

Ҳасанали шамъни олиб, ўз ҳужрасига чиқди. Унинг ҳужраси Отабекники билан бир қаторда бўлиб, газмол, пойафзал ва шунинг сингари моллар ила тўлған ва Отабекдан бошқа, алоҳида ҳужрада туриши ҳам шу молларни сақлаб ётиш учун эди. Ҳасанали ўрнини ёзар экан «тавба» деб қўйди.

Юқорида сўзланғанидек, Отабекдати бу ҳолатни бирар ҳафтагардан бери пайқаса ҳам ҳозирғидек андишага тушмаган ва бунчалик

дикқат этмаган эди. Хўжазодасидаги бу ҳолат уни ҳар турлик мулоҳа-заларга олиб кета бошлади. Тўшаги устига ўлтуриб, оқ соқолини ўнг қўли билан тутамлаб ўйлар эди: савдо тўғрисида бирар хато қилдими, Зиё шоҳичиникида таомдан тузукроқ тотинмади, бирар оғриғи бормикин... Мусофирчиликда оғриса... Аммо бу мулоҳазаларининг биттасига ҳам ўзи қаноатланмади. Зеро савдо тўғрилари ундан яширин эмас, оғриғанда ҳам албатта шикоят эшитар эди.

Ўйлаб-ўйлаб бир нарсага ҳам ақди етамагач, ўрнидан туриб тоқчада ёниб турган шамъни ўчирди. Ҳужра орқа-ўнгни ажратиб бўлмаслик қоронгуланди. Қоронгуда тургиниб ҳужра эшигига келди-да, авайлаб фижирлатмай эшикни очди ва секингина ташқариға бош чиқариб саройни кузатди. Киши йўқлиққа қаноат ҳосил этиб, маҳсичан оёғини оҳиста қўйиб Отабек ҳужрасининг ёнида тўхтади, саройни яна қараб чиқди. Сарой қол-қоронги, тинч уйқуда, аммо бу тинчликни сарой отхонасидағи отларнинг карт-корт ҳашак чайнашлари ва атрофдаги хўроздарнинг қичқиришларигина бузар эдилар. Ҳасанали секингина дарича остиға ётиб ҳужра ичига қулоқ солди. Ҳужра ичи тинч эди. Орадан уч-тўрт дақиқа фурсат ўтиб ҳужрадан шип эткан товуш эшитмади. Тағин бир неча дақиқа қулоқ узмай туриб, сўнгра ўрнидан қўзғалмоқчи бўлған эди, ичкаридан «уфф» деган ихраш эшитди. Ҳасаналининг қулоқлари тиккайиб ўрнидан турди, кўзи олаланған эди.

— Бек оғриқ, — деди кўнгилдан ва жазмланиб ҳужра эшигига юриб келди. Эшикни очиб Отабек ёнига кирмакчи эди. Эшикни ита-ришка борған қўлини қолдириб «балки оғриқ эмасдир» деб тўхтади. Яна кирайми, йўқми, деб иккиланиб турғандан кейин юриб, ўзининг ҳужрасига келди. Аммо Отабек тўғрисидағи ташвиши бояғидан ўн қайта ортқан эди. Ешиниб ухларға ётқан бўлса ҳам бекнинг хусуси уни кўз юмғали кўймади. Бек тўғрисида ҳар турлик хаёлларга бормоқда эди. Юсуфбек ҳожининг «Ўғлим ёш, сен дунёнинг иссиқ-совуғини татиған ва маним ишонган кишимсан. Ўғлимнинг ҳар бир ҳолидан хабар олиб туриш сенинг вазифангдир», деб таъкидлаши, Отабекнинг онаси — Ўзбек ойимнинг ёшлиқ кўз билан: «Сени худога, Отамни сенга топширдим!» — деб ёлборишлари, зориллашлари унинг қулоқлари остида тақрорланғандек бўлар эдилар. Ухлаб кеталмади. Кўйнакчан эгнига чопонини ёпиниб ўрнидан турди, ҳужрадан чиқиб Отабек даричаси остиға яна келиб ўлтурди.

Тун аёз, изириқ ел тўрт тарафка югуриб жон ачитмакчи бўлар эди. Ҳасанали ярим яланғоч ҳолда жунжайиб дарича остида, изириқ қучогида ўлтурар эрди. Ул еган совуғига илтифот этмас, вужудини изириққа топшириб, фикрини ҳужра ичига юборған эди. Ҳужра ичига бирмунча қулоқ солиб ўлтурғандан кейин, узун тин олиб бошини тирқищдан узди, Отабекнинг пишиллаб ухлаган товшини эшитиб бир даражада тинчланди. Васвасадан ариёзган бўлса ҳам ўрнидан қўзғалмади, нима учундир тағин ҳам совуққа жунжиб ўлтура берди. Орадан яна бир неча дақиқа фурсат ўтиб, Ҳасанали тамом тинчланди, ҳам туриб кетмакчи бўлди ва шу ҳолатда ичкаридан уйқусираш эшитди:

— «қора күзлари, камон қошлари...»

— А-а-а, — деди Ҳасанали ва қайтадан қулогини тирқишиң олиб борди. Энди унинг бутун борлиғи қулоқ бўлиб айланган, ўзини унутиб барча диққати ҳужра ичига оғқан эди. Ўртадан кўб фурсат ўтмади, бояғи уйқусираш яна такрорланди:

— «Ой қаби юзлар, кулиб боқишилар, чўчиб қочишилар... Уфф!».

Ҳасанали учун биринчидан онглашилмай қолган маънолар бу ке-йинги гап билан ешилди. Ҳасанали эндиги ўлтуришни ортиқча топиб ўрнидан турди, ҳужрасига кирап экан, бошини чайқаб ўзича сўзланди:

— Бек ошиқ!

Ўрни устига чопонини ёпди-да, кўрласи ичига кириб ўлтурди ва «чиндан ошиқми?» деган саволни кўнглидан кечирди. Таниш бўлмаган бир шаҳарда кимнинг бўлса ҳам қизига учрашсин, беш-олти кун ичида бу янглиғ уйқуда ҳам... масалага бу жихат билан қараб бекнинг ишқига ишонгуси келмас эди. Аммо иккинчи томондан қулоги остида бекнинг ўз оғзидан эшитилган — «кулиб боқишилар, чўчиб қочишилар...» жумлалари такрорланғандек бўлиб хўжазодасидаги бир неча кунлик ўзгаришка муҳаббатдан бошқа ҳодиса, деб маъно бералмас эди. Бу икки турлиқ масалаларнинг ўнг-терсини айландириб муҳокама қилди ва ўлчади. Ҳасаналининг ўзи тарозунинг ишонмаслиқ палласида бўлса ҳам — «кулиб боқишилар, чўчиб қочишилар» ҳамон қулоқлари остида такрорланар эдилар. Тун тонг отарға яқинлашган, унинг уйқулиқ мияси ҳеч бир турлиқ бу муаммони еша билмас эди. Кўб ўйласа ҳам бир қарорға кела олмади. Аммо эртага бекниңг ўзини синааб кўрмакчи бўлиб кўзи уйқуға кетди.

4. Марғилон ҳавоси ёқмади

Эрталабки чой ҳозирланған. Отабек хомуш ўлтуруб, Ҳасанали эрса унинг ҳолини таъқиб этмақда эди. Орадаги сўзсизлик бир пиёладан чой ичкунча бузилмади. Охирида Ҳасанали Отабекнинг тусига бир неча қайта кўтарилиб қўйди.

— Бир неча кундан бери хомушроқ кўринасизми?

Отабек савол ташлағучига қараб олди ва тасдиқ ишорасини бериб:

— Билмадим, — деди ва бир оз тўхтаб изоҳ берди. — Хомушлигим сизга ҳам сезицдими, билмадим... Марғилон ҳавоси мизожимга тўғри келмаганга ўхшайдир...

— Айтканингиздек, — деди Ҳасанали. — Марғилоннинг ҳавоси бузик экан, бир-икки кундан бери маним ҳам аҳволим ўзгариб бошлади. Марғилондан тез жўнамасақ мен ҳам ишдан чиқадирған ўхшайман...

Бу гапдан кейин Ҳасаналининг кўзи бекка тикилган эди, агар тундаги уйқусираш Ҳасаналининг ўйлаған эҳтимолига тўғри келса, ўзининг ҳалиги сўзи Отабекка бир ўзгариш беришида шубҳа қилмас эди.

Отабек боши берк кўчада қолғандек бўлди, жавобга қийналди:

— Кетамиз, — деди бир оз ўйлағандан кейин, — мол баҳолари түгрисида битиша олмай турамиз — олғучилар арэон сүрайдирлар. Шунинг учун тағин бир неча кун қолишимизға түри келармикин. Билмадим...

Ҳасаналининг синаши ниҳоятига еткандек бўлди, ҳатто юқоридағи жавобни эшиткан вақтида нима учундир ўзини бир турлик кулигидан аранг тўхтатиб қолған эди. Яна ўртада хомушлик ҳукм суриб, Ҳасанали ишни тузикроқ очиш ва ё шу кўйи қоддириб кетабериш талашида эди. Ҳасанали бекнинг ҳар бир сиррига ўзини маҳрам деб ҳисоблаганликдан, дарҳақиқат Отабекка маҳрам бўлишга лойиқ, бир меҳрибончиликда эга бўлғаниликдан хўжазодаси билан очиқ сўзлашиш фикрига келди. Бир неча дақиқа муқаддима учун режа қуриб ўлтургандан сўнг тилга келди:

— Ўғлим, Отабек.

— Сўзлангиз.

— Айтингиз-чи, мен сизнинг кимингиз?

Отабек, Ҳасаналининг мақсадига тушинолмай мажҳул унга назар ташлади:

— Сизми? — деб кулимсиради. — Отам бўлмасангиз ҳам мени оталиқ муҳаббати билан суйган содиқ ва меҳрибон бир кишимсиз — яъни маънавий отам.

— Баракалла, ўғлим, — деди Ҳасанали, — жавобингиз ўз ўйлағанимчадир. Энди сиздан шуни ҳам сўрайин: хўжасига содиқ бир қул, сизнинг таъбирингизча, маънавий бир падар ўз ўғлиға ёмонлиқ соғинарми, бу тўғрида жавоб берингиз-чи?

Отабек кутилмаган бу саволдан ажабланди:

— Сўзингизга тушунолмадим, ота, — деди, — шундоғ бўлса ҳам жавоб бераман: бу кунгача сиз ёғиз менгагина эмас, бизнинг оиласизга оталиқ мавқиъида туриб, яхшилиқдан бошқани соғинмай кела-сиз.

Ҳасанали тусини бузмади:

— Илгарироқ балки шундоғ бўлғандир, аммо энди, айниқса сиз...

— Айниқса мен... очиб сўзлангиз.

— Айниқса сизнинг менга сақлаған ишончингиз туталганга ўхшаб, ўзимдан қандоғ камчилик ўтканига ҳайратдаман

— Қизиқ, гаплар сўзлайсиз, — деди Отабек, таажжуби ортқан эди. — Менга қандоғ ёмонлиқ сориндингизки, сизга ишончим битсин? Васвасаланишнинг ўрни йўқ, мундан сўнг ҳам сизнинг хайриҳоҳона кенгашларингизга, ҳам вужудингизга муҳтожман, амонатим, бошқам мундан кейин ҳам она қорнида сақданрандек сизда сақданишиға ишонаман ва бунга сизнинг ҳам амин бўлишингиз керак, ота.

— Лекин... тил билан кўнгил бошқа-бошқадир, ўғлим...

Отабек бу терс ва қўрс муқобаладан тоқатсизланди:

— Янглишасиз, ота.

— Янглишмайман, билъакс билиб, қаноатланиб сўзлайман.

- Тилим билан күнглиминг бошқалигини исбот қилингиз Ҳасанали гиналик қиёфада қошларини чимирди ва.
- Мендан яшириб юрган бир сиррингиз бор, — деди.
- Сиздан яширган бир сиррим бор?
- Бор ўғлим, бор, — деди Ҳасанали, — агар даъвонгиз тұғри бўлса, менга чиндан ўз кишим деб қарасангиз ўша сирни яширмангиз.
- Отабек тұсатдан ўзгариб, бояғи асабийлик ҳолатини йўқотти, шундօр бўлса ҳам ўзини йигиб кулган бўлди:
- Ҳали шунақа сиздан яширин сиррим борми?
- Бор.
- Бўлмаса марҳамат қилиб кашфингизни сўзлангиз.
- Ҳасанали пиёлани оғзига кўтариб, чойни хўплади, кашфини очти:
- Марғилонга келган кунлардан бошлаб сизда қизик, бир ҳолат бор, — деди, — сиз бу ҳолатни «Марғилон ҳавоси ёқмади» деб таъбир қиласангиз ҳам мен мундан бошқа нарсалар пайқайман...
- Отабек ўзига қаттиғ тикилиб турған Ҳасаналидан юзини четка буришка мажбур бўлди. Гўё бу сеҳргар чол ҳамма сирни бетдан ўқуб олар эди. Ҳасаналини ҳамон ўзига тикилиб турғанини билиб, манглайини қашиван бўлди:
- Ҳўш, давом этингиз...
- Бу сиррингизни мендан яширмоқчи бўласиз, — деди тамом қаноат билан Ҳасанали, чунки, энди ўз кашфига жуда ишонған эди. — Хайр, яширмоқча ҳам балки ҳаққингиз бордир... аммо шу кўйи сир сақлаш билан бирар натижага етиш мумкинми?

Отабек қип-қизил қизариб гуноҳкорлардек ерга қараган эди. Ҳасаналининг юзига падорона тараҳҳум¹ тузи кириб, кексаларга маҳсус оҳангдор бир товуш билан бекнинг устидаги оғир юкни ола бошлади:

— Айби йўқ, ўғлим, — деди, — муҳаббат жуда оз йигитларга мияссар бўладирған юрак жавҳаридир. Шунинг билан бирга кўб вақтлар кишига заарлик ҳам бўлиб чиқадир. Шунинг учун куч сарф қилиб бўлса ҳам унитиш, кўб ўйламаслиқ керакдир.

Бу кейинги гап билан Отабек кўтарилиб Ҳасаналига қаради ва узоқ тин олиб яна ерга боқди. Гўё бунинг ила «унитиш мумкин эмас» деган қатъий сўзни айткан эди. Ораға сўзсизлик кирди. Иккиси ҳам фикрга толған эди. Ҳасаналининг ортиқча берилиб ўйлаған кезда соқолини қайириб тишлайдирған бир одати бўлиб, ҳозир ҳам соқолини ямлаш билан машғул эди. Узоқ ўйлағандан сўнг ишнинг очилмай қолған қисмини ешишни бошқа вақтга қолдирмоқчи бўлди. Чунки Отабек шунинг ўзига яхшигина қизариниб, бўртинган эди.

5. Киройи куявинг шундօр бўлса

Пойафзал бозори ва унинг бурчагидаги ҳавли... Ўқуғучи албатта бу ҳавлиниң эгаси билан таниш чиқар. Кўримсиз, чирк босиб қорайран,

¹ Тараҳҳум — раҳм, шафқат.



жуда күб хизмат қилиб кексайған, очиб-ёлқаңда ановьи — турлик доди-фарёд қыладирған, бунда санаған сифатларини бир ерга жамлаб натижа чиқарғанда «шарти кетиб, парти қолған» бир дарбозанинг останасыдан уч-түрт қадам ичкарига кирилса Бухоро зиндонларидан бирини ҳис этилур ва қоронғу йүлакнинг ниҳоятидаги ёруғлиқта томон ошиқилур. Қоқилиб-суқилиб йўлак зиндонидан кутилингач бир улуғ ариқ ёқасига, ўрдадек ҳавлига чиқилур ва роҳат тин олинур. Ҳавлининг кунчиқарида кунботишга қаратиб солинган, унча маҳтарлиқ бўлмаса ҳам аммо замонасининг олдинги биноларидан ҳисобланған бир айвон билан бир уйга кўз тушадир. Саҳн ва бинолар киши зотидан бўш, шунинг учун бу ҳавли оиласининг ташқариги қисми — меҳмонхона эканлиги онглашилур. Саҳннинг тун ва кунботар жиҳатлари кичкина ҳужралар билан ўралған ва бу ҳужраларнинг барча эшиклари ёпиқ ва қулфланған ҳолда бўлиб моллар билан бандлиги ва уй эгасининг давлатлик киши бўлғанлиғи билинур. Ҳавлининг жануб тарафи дўконлар орқаси, аммо катта туп гирос ёғочлари қоплаб ётадирлар.

Энди биз ташқари ҳавлини қўйиб меҳмонхонанинг ёнидан ичкарига кирамиз. Ичкари ҳавлининг йўлаги ҳам наригисидек усти ва бағри ёпиқ — қоронғу, йўлакнинг ниҳоятига бориб ўнга юрилса ахтаконага, чапка юрилса биринчи мартаба кирганимиздек улуғ бир ҳавлига чиқармиз. Ҳавлининг тўрт тарафи турлик эҳтиёж бинолари билан ва тўрдаги бинонинг икки бикини катта уйлар билан ўралған бўлиб, шу икки уйнинг орасига ўлтурган кошинкор ва нақшин чорҳари айвон бу ҳавлининг биринчи мартаба кўзга чалинадирған ортиқлиқларидандир. Шу чорҳари айвоннинг ўрта бир ерида, устига атлас кўрпалар ёпилған танчанинг тўрида деворга суюниб, аврасига қора мовут сирилган совсар пўстин кийиб бир киши ўлтурладир. Бу киши билан иккинчи мартаба танишиб ўлтурмаймиз, чунки, бу одам ўқуғучи билан танишқан — Мирзакарим қутидор. Танчанинг икки бикинида икки хотин: булардан биттаси ичидан атлас кўйнак, устидан одими хон атлас гуппи кийган, бошиға оқ даканани хом ташлаған, ўттуз беш ёшлар чамалиқ гўзal, хуш бичим бир хотин. Юзидан мулоимлик, эрига итоат, тўғрилик маънолари томиб турған бу хотин қутидорнинг рафиқаси — Офтоб ойим. Иккинчиси етмишлардан ўткан бир кампир. Офтоб ойимнинг онаси — Ойша биби. Ўчоқ бошида қўполғина, қирқ беш ёшлар чамалиқ яна бир хотин чой қайнатиб юрадир. Бу хотин эрса оиласинг чўриси — Тўйбека. Биз булар билан танишишни шу ерда қолдириб айвоннинг чап тарафидағи дарича орқалик уйга кирамиз, ҳам уйнинг тўрига солинган атлас кўрпа, пар ёстиқ қучоғида совуқдан эринибми ва ё бошқа бир сабаб биланми уйғоқ ётқан бир қизни кўрамиз. Унинг қора зулфи пар ёстиқнинг турлик томонига тартибсиз суратда тўзғиб, қуюқ жингтила кипрак остидағи тимқора кўзлари бир нуқтаға тикилган-да, нимадир бир нарсани кўрган каби... қоп-қора камон, ўтиб кеткан нафис, қийиғ қошлиари чимирилган-да, нимадир бир нарсадан чўчиган каби... тўлған ойдек фуборсиз оқ юзи бир оз қизиллиқга айланган-да, кимдандир уялған каби... Шу вақт кўрпани қайириб ушлаган оқ нозик қўллари билан латиф бурнининг



ўнг томонида, табиъатнинг ниҳоятда уста қўли билан қўндирилған қора холини қашиди ва бошини ёстиқдан олиб ўлтурди. Сариқ рупоҳ атлас кўйнакнинг устидан унинг ўртача кўкраги бир оз кўтарилиб турмоқда эди. Туриб ўлтургач бошини бир силкитди-да, ижирғаниб қўйди. Силкиниш орқасида унинг юзини тўзғиган соч толалари ўраб олиб жонсўз¹ бир суратка киргизди. Бу қиз суратида кўринган малак кутидорнинг қизи — Кумушбиби эди.

Кумушбиби бир неча кундан бери совуқ ҳаво тегдирив, бош оғриги ва кўз тинишка ўхшаш оғриғлардан шикоят қилиб юрар, шунинг учун онаси «тинч ухласин, ортиқ уринмасин» деб бу кун намозга ҳам уйғодирмаған эди.

Кумуш, кийиниб уйдан чиқди. Тўйбека томонидан ҳозирланиб берилган иссиф сув билан юзини ювди. Уйига кириб артиниб, тузатингач айвонга чиқди. Айвондагиларга салом бериб отасининг ёнига келиб ўлтурди.

Кутидор қизини кузатди:

- Тузикмисан, қизим?
- Йўқ, отажон, бошим ҳамон оғриб турадир.

Кутидор қизининг пешонасини ушлади:

— Эй-ҳа, Кумуш, ҳали иссифинг бор, — деди. — Ўзингни тежа қизим, ўрнингни қалин қилиб бурканиб ёт, терласанг ёришарсан, қизим Тўйбека, Кумушнинг чойини оқдаб бер-чи.

Офтоб ойим эрининг сўзини кучлаб тушди:

- Иссифи бор, юзи ҳам қизариб бўртиб турибдир.

Ўзининг руҳсиз товиши билан Ойша буви ҳам гапка аралаши.

— Нах кечаси билмапсиз, нах мени қўрқутиб энка-тенкамни чиқарди. Иситмаси аралаш алланучка сўзларни айтиб чиқди...

Кумушбиби ялат этиб бувисига қараб қўйди.

— Ўша ҳарорати ғаризаники² ҳаммаси, — деди қутидор. — Мен бу кун бирар ҳакимдан сўраб қарайчи... Ол қизим, шу пиёладаги чойингни ич-чи, — деди ва тагин бир қайта қизини кузатди.

Чойни ичиб бўлғандан кейин қутидор фотиҳа ўкуб ўрнидан турди:

— Мен сенга айтиб қўяй, Кумуш, — деди турар экан қутидор. Офтоб ойимга, — бу кунга бир меҳмон айткан эдим. Чўрингни чиқарип меҳмонхонани тозалат. Анови янги қоплаған кўрпаларингни бер, танчага ўшани ёпсин. Катта гиламни ҳам чиқар, уйингда меваларинг бор эдими?

— Бор.

— Бор бўлса яхши. Бир оздан сўнг эт олиб киргузарман, варақи пишириб қўйингиз.

Офтоб ойим варақи пиширишдан бу кунги меҳмоннинг унча-мунча киши бўлмағанлигини билди.

— Қанақа меҳмон эди?

¹ Жонсўз — жон ўртовчи, азоб берувчи.

Ҳарорати ғариза — табиий ҳарорат, иситма.

— Сен танимассан, тошкандлик бир йигит, тағи шу ердаги учтұртта оғайнилар. Тузикми, айтканларимни үқдингми?

— Үқдім-үқдім.

Кумушбиби отасининг сўзига илтифот қылмади. Қутидор дўконига жўнағандан кейин Офтоб ойим Тўйбекани меҳмонхонаға буюрди ва ўзи хамир қилишға ўлтурди. Кумушбиби хомуш эди. Бир нарса тўғрисида ўйлармиди ёки бош оғриғиси кучлиқмиди, ҳар ҳолда намозшом гул каби ёпиқ эди. Қаршисида ўлтурған бувисининг ўткан-кеткандан қилған ҳикояларига эринибгина қулоқ берар ва кўнглини очиш учун айтилган қизиқ сўзларга илжайиш билан жавобланар эди.

Кумушбиби ўзининг бир соатча вақтини шу кўйи кечирди, сўнгра ўрнидан туриб кичкина латиф оёқларига отасининг яқиндағина олиб берган қала кавшини кийди ва ошхона юмиши билан қоришиб ётқан онасининг олдига борди.

Кумушбиби энди ўн еттини кўйиб ўн саккизга қадам босқанлиқдан бўйи ҳам онасига етаёзған, аммо жуссаси онасига кўра тўлароқ эди. Онасининг юмишига бир оз қараб турғандан кейин ташқарига томон кетди. Айвоннинг бир четидан меҳмонхонада гилам тўшаб уринган Тўйбекага қаранган бўлди-да, айвоннинг ўрта устунига келиб суюнди. Энди бояғига қарағанда бир оз енгиллангансумон, жон олғучи қора кўзлари ҳаракатлана бошлиған, бўғриққан қизил юзлари очилинқираған эдилар. Айвон устунига суюнғач, қора қийиф қошлигини чимириб кўча йўлак томонга қаради, бир оз қараб турди-да, айвондан ерга тушиб йўлак томонға, ариқ бўйира кетди. Сув бир дўконнинг остидан чиқиб, бу ҳавлида уч-тўрт қулоч чамаси очиқ ҳаводә оқар ва кўприк-том остига кетар эди. Кумушбиби ариқ бўйидан бир ўринни кўзладида, сакраб нариги юзига ўтди ва чўнқайди. Унинг кўзлари мулоимғина сув устига оғдилар. Ариқнинг мусаффо тиниқ суви ёвошғина оқиб келар. Кумушбибининг қаршисиға етканда гўёки, унинг таъзими учун секингина бир чарх уриб қўяр, ўз устида ўлтурған соҳиранинг¹ сиҳрига мусаххар² бўлған каби тағи бир каттароқ доирада айланғач, оҳистагина кўприк остига оқиб кетар эди. Ариқ сувининг ниҳоятсиз бу ҳаракатини узоқ кўздан кечириб ўлтурғач, қўл узатиб сувдан олди ва юзини ювди. Унинг юзини ўпид тушкан сув томчилари билан ариқ ҳаракатка келиб чайқалди, гўёки сув ичида бир фитна юз берган эди... Иккинчи, учинчи қайталаб юз ювишда бу фитна тағи ҳам кучайди...

Нозик оёқлар толдилар шекиллик, садаф каби оқ тишиларини биринки қайталаб чайди, ариқ бўйини ва унинг сувларини ташлаб кетди

Бояғига қарағанда анчагина енгилланиб ичкарига кирди, ҳаракатлари ҳам бирмунча ўзгарған эди. Ойша буви ундағи бу ўзгаришдан сўйинди:

- Енгил тортдингми, қизим?
- Шукур...
- Энди ортиқ уринма қизим, тинч ўлтур.

¹ Соҳира — сеҳрчи қиз.

² Мусаххар — сеҳрланган, таслим бўлған, бўйсунгани.

* * *

Қишиң күнлари бир тутам, «ҳа, дегунча» кеч бўладир. Бу кун ҳам «ҳа дегунча»га ҳам қолмай кеч бўлған, меҳмонларнинг келишканига ярим соатлаб вақт ўткан эди. Қутидор меҳмонларни ихлос ва самимият билан кутгар, зиёфат қуюқ-суюқлари билан тўла-тўкис давом этар эди. Тўйбека ичкари билан ташқарига¹ югуриб дастурхон янгилар, чой ташир эди. Хизмат тугалаёзгандан кейин Тўйбека ўзининг совуб қолған ошини емак учун Офтоб ойимлар ёнига ўлтуради.

Сўздан сўз чиқиб Офтоб ойим Тўйбекадан сўради:

— Меҳмонлар қанақа кишилар экан, танидингми?

— Нах сиз ёш меҳмонни кўрмабсиз, дунёға келмабсиз, — деди Тўйбека ўнгу терс ош чайнаб, — бир чиройлик, бир ақллик, тағин ўзи ҳаммадан юқорида ўлтурадир; ҳали йигирмага ҳам бормагандир, мўйлаби ҳам эндиғина чиқа бошлиған... Нах бизга куяв бўладирган йигит экан, — деди ва Кумушка қараб қулиб қўйди. Бу сўздан Офтоб ойим ҳам кулимсираб қизига қаради:

— Ана, Кумуш, — деди, — эшитдингми, опантнинг сўзини. Тўйбека сенга эр топқан, сен бўлсанг бошим оғрийдир деб ётасан.

Кумушбибининг сезилар-сезилмас кулимсирашидан ёқутдек иринлари² остидаги садафдек оқ тишлари кўриниб кетди эрса-да, бироқ унинг бу ҳоли тезлик билан тундлиққа алишинди.

— Қолған хизматларингизнинг биттаси энди менга эр топиш эди.

Тўйбека Кумушнинг тундланишини эلامади:

— Эй... синглим, ҳали сен билмайсан, — деди, — у йигитни бир кўргин-да, ху, деб кетабергин... сен туғиҳ шу ёшим билан меним ҳам унга текким келди, — деди ва хаҳолаб юборди.

Кумушбиби чирт этиб юзини Тўйбекадан ўгирди.

— Тезроқ, тегиб қолинг.

— Кошки эди тегалсам, — деди Тўйбека, — мен унинг бир тукига ҳам арзимайман. Аммо сен бўлсанг унинг билан тентлашар эдинг. «Тенг-тенги билан, тезак қоли билан». Ҳа-ҳа-ҳа!..

Тўйбеканинг шунингдек ҳангамалари бошқа вақтларда Кумушни яхшигина кулдирса ҳам ҳозир унга ётишиб келмади шекиллик, аччиғланған кўйи ётиш учун уйига кириб кетди. Офтоб ойим «бачча-маччадир» деб ўйлаған эди. Шунинг учун бу тўғрида сўз очмади.

— Ташқаридан хабар олингизчи, опа, — деди Офтоб ойим, — чой керак бўлдимикин.

Тўйбека нари-бери ошини еб ташқарига чиқиб кетди. Орадан беш дақиқа вақт ўткан ё ўтмаган эди, ҳовлиқиб айвонга келди:

— Туф-э, қуриб кетсин жоним чиқиб кетди-я!

Бир соатдан бери жойнамоздан қўзғалмай тасбиҳ ағдариб ўлтурган Ойша буви Тўйбекани бошдан-оёғ кузатиб яна ишига машғул бўлди. Офтоб ойим илтифотсизгина кулимсираб танчадан сўради:

— Нима бўлди, нега мунча қўрқишиш?

Чўри хотинларда кишидан қочиши расми йўқ эди (муал.).

Иран — лаб, дудок.



Тўйбека дамини ростлаб устуннинг тегига ўлтурди:

— Поччамдан дастурхонни олиб қоқиш учун гилюснинг енидан ўтарманми, аллаким балога туртиниб кетдим. Қўрққанимдан оз қолдики, додлаб юборсан... Чамаси меҳмонларга қараб турған экан.

— Кимбало экан?

— Қоронгуда яхши ажратолмадим, тусини гира-шира анови қора Ҳомидга ўхшатдим. Тағи уми-бошқами — худо билсин, шатир-шутир қилди-да, чиқиб кетди.

* * *

Қутидор меҳмонларни жўнатаб ётиш учун чешинар экан, Офтоб ойим сўради:

— Чиройлик йигит, ақдлик йигит, деб маҳтий-маҳтий Тўйбеканинг ичаги узилди, у ким эди?

— Меҳмонимиз ўша эди, — деди қутидор, — тошкандлик Юсуф-бек ҳожи отлиғ яқин ошнамнинг ўғли.

— Тўйбеканинг маҳтағанича борми, ўзи?

— Бор, — деди қутидор ва ғиталанди¹, — худо кишига ўгул берса шундайини берсин-да.

Офтоб ойим кула-кула Тўйбеканинг Отабек тўғрисида сўзлаган гапларини ва Кумуш билан бўлған можаросини сўзлаб чиқди. Қутидор ҳам кулагидан ўзини тўхтатолмас экан:

— Тентагингнинг ақли бало, киройи куявинг шундоғ бўлса, — деди.

6. Тошқанд устида қонлиқ булутлар

Бу кунларда Марғилонда шундай хабар чиқиб қолди. «Тошқанд ҳокими бўлған Азизбек Кўқонға қарши бош кўтарган. Хон томонидан хирож (закот, солик) учун юборилған девон бекларини ўлдирган!» Иккинчи кун бу хабар тағи ҳам бошқача тўн кийди: «Мусулмон-кул Нормуҳаммад күшбегига беш минг сипоҳ қўшиб, Тошқанд устига жўнатқан!»

Бу хабарлар ҳалқ томонидан жуда оддий, ортиқча совуққонлиқ билан қарши олиндилар. Бу воқіъага ҳеч ким ажабсинмади ва бунда фавқулоддалиқ кўрмади. Ҳалқ бунга ҳақли эди, чунки, бундай тинч-сизликларни энди кўра-кўра жуда ҳам ўрганиб қолған, бу кун бўлмаса эртага ўзининг ботирбошисининг, офтобачасининг, хуллас, ким бўлса ҳам бекларидан бирининг шундай тинчсизлик чиқаришига «мумкин ва бўладирған иш» деб қарап эди. Аммо биз Отабекни бу тўғрида ҳалқ билан биргалаштира олмаймиз. Чунки ул бу хабарга совуққонлиқ билан қарай олмас эди ва қарай олмади. Бу хабарни эшитар экан, еб тургани оғзида, юткани бўғзида қолди: бундай ўзбошимчалиқ орқасидан ўзининг очиқ кўзи, ўтқир зеҳни орқалиқ мудҳиши, фалокатлик манзаралар кўрар, миллатини — ҳалқини — мусулмонини кўрқунч

Ғиталанмоқ — жоналанмоқ.

жар, тегсиз жаҳаннам ёқасида, йиқилиш олдида топар эди-да, сеска-ниб «ўзинг сақла тангри!» дер эди. Бу хабарни эшикандан сўнг гангид эсини йўқотди. Яраси янгиланди:

— Оқ билан қорани ажратолмаған фуқаронинг бир неча ғаразгў мустабидлар кайфи йўлида бир-бирисининг қонига ташна бўлишлари ва натижада истиқболнинг ваҳим кўринишлари!

Шундай қайгулар ичида бўкиб ўлтурап экан. Ҳасанали қўлида бир мактуб билан ҳужрага кирди. Мактубни Отабекка узатиб — «Тошкандан эмиш, отангиздан бўлса керак» деди. Отабек хатни очди: катта қорозда, йўғон қалам билан ёзилған узун бир мактуб эди. Ўқуди (айнан):

«Хувалборий¹ ...кўзимизнинг нури, белимизнинг қуввати, ҳаётимизнинг меваси ўғлимиз мулла Отабекка етиб маълум ва равшан бўлғай-ким, алҳамдуиллоҳ биз дуогўй падарингиз, муштипар онангиз ва яқин дўстларингиз мунда Ҳақ таолонинг ҳифзи ҳимоятида сиҳҳат ва саломат бўлиб кўз нуримизнинг дуойи жонини субҳи шом, балки аллаждавом² раббулоламингдан ражо³ ва таманно⁴ этмакдамиз. Жаноби Ҳақ бод фурсатларда⁵, яқин ва саъид⁶ соатларда тўқис-тугаллик бирлан дийдор кўришмакка насиб ва рўзи қиласин, омин ёраббулоламин. Баъда⁷ сўзимиз: ўғлим, Марғилонга сиҳҳат ва саломат етиш мактубингни олиб ҳақ таолога шукурлар қиласиқ. Бизнинг Тошкандан ахвол сўрасанг, балки Марғилонга ҳам эшишилгантир, мунда Азизбек қандоғидир бир кучка таяниб Кўқонга исён этди. Ҳазина ҳисобини олиш учун келган девон бекларини ўлдириб ўрда гарбозасига осди, бунга қарши Кўқон ҳам тинч ётмаган бўлса керак. Бу кун Кировчидан⁸ беш минг сипоҳ ила Нормуҳаммад қушбегини Тошканга устига буюорилғанигин эшидик. Фуқаронинг тарин қандоғ кўргуликлари бор экан, ўғлим!

Кечагина қонлиқ қиличини фуқаро устига юргузиб турган Азизбекка унинг тири зулми билан қора қонига беланилган ўғлининг, отасининг, онасининг, орасининг мазлум гавдаси тупроқ остига ҳали чириб битмай туриб бу кун ҳалқ яна Азизбекка, ўша қонхўрга ўз қони билан ямин⁹ этди; Азизбекни то ўзининг бир томчи қони қолгунчалиқ ҳимоя қўлмоқда онд ичди. Азизбекнинг буйруғи билан кеча ўрда тегига барча Тошканга ҳалқи йишилган, бу йигинда уламолар ҳам бор, фузало ҳам бор; хуласа, шаҳарнинг ҳар бир синфидан ҳам ҳозир эди. Азизбек ўрда қоровулхонасидан туриб фуқарога салом қиласи.

Азизбекнинг саломига мушарраф бўлғучиларнинг кўзларидан ёшлиар оқмоқда эди. Ўғлим, сен бир қадар оқ билан қорани ажратма оласан, ёзганларимни дикқат билан ўқи.

¹ Хувалборий — ўл тангри, ўл яраттучи

² Аллаждавом — доимо, ҳамиша.

³ Ражо — умид, тилак.

⁴ Таманно — истик, ҳожиҳ.

⁵ Бог фурсат — тез вактда тезликда.

⁶ Саъид — баҳтили.

⁷ Баъд — кейин, сўнг.

⁸ Кировчи — Қурома билан Телов орасида катта бир қишлоқдир (муал.)

⁹ Ямин — онт, қасам.

Азизбек ўрга дарбозасига осилган иккى гавданы кўрсатиб сўради:
«Фуқаро! Кўрасизми бу икки гуноҳкорни, нима учун бу жазора мустаҳқ¹ бўлдишлар?»

Халқ:

«Билмаймиз, тақсир».

Азизбекнинг ўзи жавоб берди:

«Булар Мусулмон чўлоқни саркардаларидан, қипчоқларнинг йўлбошчиларидан ва қора чопоннинг душманларидан бўлган иккى тўнгизнинг гавдалари! Мен буларни сиз қора чопон фуқаром томонидан ўч учун ўлдирдим, сиз қора чопон оғайниларнинг қипчоқ қўлида шаҳид бўлган қариндошларингизнинг рухларини шодландирмоқ учун ўлдирдим! Ёки бу ҳаракатим адолатдан эмасми, фуқаро!»

Халқ жавоб берди:

«Адолат! Хўб қиласиз, тақсир! Қипчоқларнинг жазолари шундай бўлмоғи керак!»

Азизбек мақсадга кучди:

«Сиз қора чопонликларга холисона қилған бу хизматимга қарши албатта қипчоқлар қасдимга тушарлар, мени Тошканг ҳокимлигидан азл² этмакчи ва кўлларидан келса ҳатто ўлдирмакчи бўлурлар! Сиз бу эҳтимолга қандоғ қарайсизлар?!»

Халқ ўзининг қуйидағы жавоби билан кўкни кўтарди:

«Бир томчи қонимиз қолғунча ўўлингизда жон берамиз! Қипчоқларда ҳад бўлғаймики, биз тирик турған жойда сизнинг бир тола мўйинизни ҳам қиласинлар!»

Азизбек халқга ташаккур айттиб ярасини ёрди:

«Рахмат фуқаро! Эшитаманки, қипчоқлар Нормуҳаммаг қушбеги кўл остида Тошканг устига ҳаракат бошлаган эмишлар. Бунга қарши бизнинг ҳозирланишимиз керакми, йўқми фуқаро?!»

Халқ:

«Керак, албатта керак, тақсир! Агар рухсат берсангиз, бу кундан бошлаб кўргонларни тузатма берамиз!»

Азизбек:

«Рахмат фуқаро! Орқамда сизнингдек фуқаром турғанда менга ҳеч бир қайғу йўқдир!»

Халқ:

«Сиз омон бўлиб осойиш ўлтурсангиз, қипчоқда йўл бермаймиз, тақсир! Кўргон тузатишкага фотиҳа берингиз, тақсир!»

Азизбек фотиҳа берди. Халқ уруш ҳозирлигига киришди. Ана, ўғлим, бизнинг халқнинг ҳолига йиғлашини ҳам билмайсан, кулишни ҳам! Ҳар ҳолда Тошканг устига яна қонлик булатлар чиқди, ишнинг охири нима билан тинчланар — бу бир худоганина маълумдир. Бошқа сўзлардан ҳам ортиқроқ эсингта шуни солиб ўтайди, сиёсат тўхриларида ўйлашиброқ сўзла! Арзимаган сабаблар билан талаф³ бўлган жонларни ҳамиша

¹ Мұстаҳқ — мұносиб, лойик.

² Азл — бўшатиш, мансабдан тушириш.

³ Талаф — нобуд бўлиш.

кўз олдингда тут! Сен билан меним кўнгилларимиздаги яратғучига ина маълум бўлиб, аммо Фарғонага мени Азизбекнинг шеридир, деб ўлашлари ва сени бир филначининг ўғли, деб танишлари эҳтимолдан ишроқ эмасдир, шу жиҳатларни мулоҳаза қилиб оёғ бос! Бу тинчсизлик вақтига сен билан меним ҳаётимизнинг таҳлика остига бўлғанигини унумта! Шуни ҳам айтиб қуяйки, бу тинчликсиз босилмагунча Тошканга келмаслигинг маслаҳатдир. Тошкан тинчлангандан кейин (агар саломат бўлсан) ўзим хабар юборурман. Мунда барча ёру дўст саломат, мендан Ҳасаналига салом айт! *Agdoi!* отанг Юсуфбек ҳожи. Тошкан, 27 давл ойига 1264-нчи йилда ёзилди».

Отабек мактубни тугатиб, тушунмай ўткан жумлаларини қайта кўздан кечирар экан, Азизбек воқиъаси устига келганда ихтиёrsиз «тулки» деб юборди.

«...босилмагунча Тошканга келмаслигинг маслаҳатдир!» — бу жумлани ўқуғанда, — ундоғ бўлса сира тинчимангиз, — деди-да, ёвошина илжайиб қўйди...

7. Мажбурият

Кўқондан ҳар кун деярлик хабарлар келиб турар эди. «Кўқон сипоҳи томонидан Тошканд ўралди» деган хабарга энди ўн беш кунлаб вақт ўткан эди. Аммо ҳануз — «Тошканд олинди» деган гап йўқ эди.

Кечадан бери кишилар оғзида: «Нормуҳаммад қушбеги яраланган, Кўқон йигитидан бир ярим минги қирилган» деган хабар юриб кетди. Чамаси Азизбек осонлиқ билан жон берадирган кўринмайдир.

Анови ярасининг устига Тошканд фожиъаси келиб қўшилғач, Отабек тағин ҳам хаёлчанланган, тағин ҳам хомушлигини ортдирган эди. Ҳатто баъзи кунлар ҳужрасидан ташқарига чиқмас, кишилар билан сўзлашмас, бошқача айтканда кундан-кунга гўшанишинликка яқинлашиб борар эди.

Бу кун эрталабки чойдан сўнг Ҳасанали кечаги фикрини чинлаб амалга ошироқчи бўлди. Чунки Отабекдаги ўзгариш — кундан-кунга рангининг синикиб бориши, ҳужрадан четка чиқмаслиги, хомушлиги ва бошқалар Ҳасаналини яхшигина қўрқувға солған, ўзининг фақат томошачигина бўлиб юришидан ризосизланган эди. Дуруст, ул Отабекнинг муҳаббатига воқиф бўлғанидан бери бир дақиқа ҳам уни ўзининг кўз ўнгидан узоқ тутмаган: маҳбубаси ким, кимнинг қизи, бирар эбини қиласа мумкинми? — Мана шунингдек масалаларни текшириб, билиб ҳам ўйлаб келган эди. Аммо бу тўғрида Отабекнинг кўмагига чинлаб бел боғлашдан уни баъзи эҳтимоллар тўхтатиб: «Отабек ёш, ёшлар муҳаббати учар қуш, балки, бу кун-эрта унтиб ҳам юборар» каби мулоҳазаларда бўлинган эди. Ниҳоят Отабекдаги ўйчалиқ ва ўзгача ҳолларнинг кундан-кунга кучайиб бориши Ҳасаналини ҳалиги мулоҳазадан воз кечдириб, бошқа йўсунларни қаратмоқда мажбур этди.

Agdoi — дую қилювчи.

Гарчи унинг қарори бир нуқта устида тўхтаган бўлса ҳам шу ҳолда тиниб турмади, яна юз турлик бошқача йўсунларни ўйлади, минг турлик хаёлларга бориб қайтди, аммо уларнинг биттасини ҳам Отабек оғриғига эм деб топмади ва ниҳоят:

— Кўрай-чи, қадамим муборак бўлармикин, — деб қўйди.

Кечалик ошни ўтказгач, Ҳасанали ўз ҳужрасидан кийиниб чиқди-да Отабек ёнига кирди. Отабек «Бобурнома» мутолааси билан машгул эди. Баъзи бир эҳтимолларга қарши ўзининг ниятини билдирамай:

— Менда юмишингиз йўқми, бек? — деб сўради Ҳасанали. — Ҳаммомга бормоқчи эдим...

Отабек кўзини китобдан узмай жавоб берди:

— Юмишим йўқ, бораверингиз.

Ҳасанали чиқди. Қош қорайиб, қоронғу тушаёзган эди. Ҳаво булут, аччиғ, совук ел тўрт томонға югуран, онда-сонда қор учқунларини қувалаб зириқтирап эди. Эрув вақтида ярим белдан лой кечишкага тўғри келадирган кўчаларнинг лойи қатқалоқданган, шунинг учун юргучи қийналмас, аксича ола-чалпоқ қор пагаларини босищдан вужудга келган оёқ остидағи «тарч-турс» товушлари кишига бир турлик кайф, мусиқавий енгиллик берар эдилар. Дўконлар ёпиқ бўлсалар ҳам чойхоналар очик, кишилар ўртага гулхан солиб, чойхоначининг баччасини гоҳи ўзларига хон кўтариб ва гоҳи «хон қизи» деб ҳам қўядилар. Хон сайлағучилар орасида ёш йигитлар бор бўлғанидек, катта саллалик мулланамолар, етмиш ёшлиқ кексалар ҳам кўринадирлар... Қиши кечалари жуда узун, шунинг учун чойхоналар обод; халқ лаззатланиб баччанинг табаррукланган чойини ичадир, ҳуснига тамошо қилиб худонинг қудратига ҳайрон қоладир...

Ҳасанали Зиё шоҳичининг ташқарисига келиб кирди-да, меҳмонхона даричасига қаради. Дарича тирқишидан қўрилган ёруғлиқ меҳмонхонада киши борлиқни билдирап эди. Ҳасанали тузатиниб олди ва ичкарига кирди. Зиё шоҳичи намоз ўқумоқда бўлиб, меҳмонхона чет кишидан холи эди. Бу тасодуфдан Ҳасанали суйинди ва Зиё аканинг намозни битиришини кутиб ўлтурди. Зиё шоҳичи ёнига салом бериб жойнамоздан орқасига қараб қўйди. Фотиҳага кўл кўтарди. Фотиҳадан сўнг келиб Ҳасанали билан сўрашди:

— Келинг, ота, тинчликми?

— Шукур, тинчлик.

Танча теварагига ўлтуришдилар. Бирмунча вақт сўзсиз эдилар. Зиё шоҳичи бу вақтсиз ташрифка тушуна олмай «нима қилиб юрасан?» дегандек этиб, бир неча қайта Ҳасаналига қараб олди.

— Ажабланмангиз, бой ака, келишимда бир мажбурият бор.

— Сизни Отабек юбордими?

— Йўқ, ўзим келдим, бой ака.

Зиё шоҳичи яна тушина олмади. Тўғриси ҳам Ҳасаналининг бу келиши Зиё ака учун ёт бир иш эди. Чунки Ҳасанали Отабекнинг қули. Қуллар билан жиддий муомалада бўлинмоқ, айниқса Зиё шоҳи-

чилардек одамларға фавқулодда бир иш. Бунинг устига мажбурият остида ўзича келиши...

Зиё аканинг боши қотиб охирда суради:

— Мажбуриятингиз?

Ҳасанали қулимсираб олди:

— Мажбуриятимни эшитсангиз, балки ишонмассиз.

— Хўш.

— Ўзингизга маълумки, — деди тузикланиб Ҳасанали, — Марғилон келганимизга йигирма беш кун, бир ойлар чамаси фурсат ўтди. Шундан бери Отабек дардман.

Зиё ака ажабланган эди:

— Қандай дардманлик, Отабек соғ-ку?

— Тўғри айтасиз, — деди Ҳасанали, — аммо мен ҳам унинг дардига бир неча кунлаб тушинмай юрган эдим.

— Хўш, дарди?

— Муҳаббат.

— Муҳаббат?

— Муҳаббат! — деб тақрорлади Ҳасанали. — Шу йигирма беш кунлик бир муддатнинг ичида ул бутунлай одамгарчиликдан чиқаёзди. Бу ўргада қандай ташвишларга тушмадим, сўрасангиз.

— Кимга муҳаббат кўйған, хабарингиз бўлдими?

— Бўлди. Кутидорнинг қизига.

— Ҳа, ҳа-а! — деб юборди Зиё ака ва бир оз ўйланрандан кейин сўради: — Буни сиз аниқ биласизми?

— Аниқ биламан.

— Ўзи айтдими?

— Ўзи айтмаса ҳам шунга яқинлашдириди.

— Отабек қизни қаерда кўрган?

— Афсуски, буни била олмадим.

Ҳасаналининг келиш мажбурияти ва нима учун келганилиги Зиё акага яхши онглашилди эрса-да, яна шундай бўлса ҳам сўради:

— Энди нима қилимокчисиз?

— Ҳузурингизга келишимнинг бош сабаби ҳам шундандир, — деди Ҳасанали. — Бу тўғрига сиз қандай йўллар кўрсатасиз ва нима кенгашлар берасиз, албатта шунга қараб бир иш қиласиз, деб хизматингизга келдим.

Зиё ака ўйлаб қолди. Қизиқ гап, деб бир-икки қайта нос отиб олди. Бу орада Ҳасанали бошдан-оёқ ҳикояни сўзлаб чиқди.

— Нозик гап, — деди охирда Зиё ака, — агар биз Отабекни бу ердан ўйландириб қўйсақ, ҳожи биздан хафа бўлмасмикин?

— Кўб яшанг, бой ака. Кулингиз ҳам бу тўғрида кўб ўйладим. Хафа бўлса нима чораким, биз шу ишқа мажбур бўлған бўлсақ. Шунинг билан бирга Юсуфбек ҳожи ҳам унчалик ақлсиз кишилардан эмаски, бу гапка хафа бўлса. Аммо мен қутидор кўнадими, йўқми, деб бу томонни ўйлаб турибман?

Зиё ака яна ўйланиб бош қашинди:

— Айтканингиздек масаланинг бу тарафи ҳам нозик, — деди, — аммо қутидорнинг Отабекка қарашини яхши билсан ҳам ўртада йироғлиқ масаласи бор... Қизимни мусофирга бермайман, деб қўярмикин, билмадим...

— Менимча қутидорнинг олдидан бир йўли ўтилсин, — деди Ҳасанали, — агарда кўниб хўб деса-ку хайр, қўнмаган тақдирда бу хабарни Отабекка еткузсак, зора шунинг билан кўнгли совиб тушса.

Ҳасаналининг бу сўзи Зиё акага ҳам маъқул бўлиб тушди:

— Бўлмаса, қутидорникига қачон борилсин, дейсиз?

— Бундаги ихтиёр сиздадир.

Зиё ака ўйлаб турди-да, юзига кулаги чиқарди:

— Ҳозир борамиз, — деди, — биз ҳам умрда бир совчилик қилайлик.

Зиё ака кийиниш учун қўзғалган эди. Ҳасанали ундан сўради:

— Маним ҳам бирга борганим маъқулми ёки ёлғиз ўзингиз?

Зиё ака қўл силкиб:

— Сизнинг боришингиздан зарап йўқ, — деди.

8. Қутлуғ бўлсин!

...Зиё шоҳичининг кулиб айткан сўzlарига қутидор сира ҳам тушинимас ва кутилмаган меҳмонларнинг келиш сабабини сўрамоқдан ийманар эди.

— Оловни қўяттуриб, кудаларга дастурхон олиб чиқингиз.

Зиё шоҳичининг бу кулгулигидан сўнг қутидор танчага олов қалашни қўйиб дастурхон буюриш учун ичкарига қўзғалди. Унинг кетидан Ҳасанали: «Тақдир биткан бўлсин-да», — деб қўйған эди, шоҳичи қатъий қилиб: «Иншоолоҳ битар, шундог йигитни кувавликка қабул қилмаған бир кишини биз одамга санамаймиз», — деди.

Қутидор қайтиб чиқди... Зиё ака билан Ҳасанали маънолиқ қилиб бир-бирларига қарашиб олмоқда эдилар. Қутидор, айниқса Зиё аканинг оғзини пойлаб, кўнгли чақирилмаган меҳмонлардан тушиномиги қийин бўлған бир маънони сезмақда эди. Орадаги сўэсизлик узоқча чўзилабергач, қутидор Ҳасаналидан сўради:

— Бек саломатми?

Зиё ака сўз ўнқови келганини пайқаб Ҳасаналининг жим туришига ишорат қилди ва ўзи жавоб берди:

— Бизнинг сизга чақирилмаган меҳмон бўлишимиз ҳам Отабекнинг соғлиги учундир.

Қутидор бу жавобдан бир нарса тушинолмади ва шунинг учун қайталаб сўради:

— Отабек соғми?

— Бу кунгача Отабек саломат, — деди Зиё ака салмоқлаб, — аммо бекнинг мундан кейинги соғлиги сизнинг қўлингиизда қолғанга ўхшайдир.

Күтидор яна тушиналмай таажжуб билан меҳмонларга қараб олди.

— Тушиналмадим...

— Яъни Отабек бу кунгача саломат, — деди Зиё ака яна. — Аммо мундан кейинги соғлири сизнинг қўлингизда...

— Меним қўлимда?

— Сизнинг ихтиёргизда.

— Отабек каби бир йигитнинг соғлиги ҳар бир ақлли киши учун мақсад бўлса ҳам, — деди таажжуб билан күтидор, — лекин сўзингизнинг шуниси қизиқдирким, бир йигитнинг соғлиги иккинчи бир кишининг ихтиёрида бўласин.

Зиё ака бояни вазиятини бузмади.

— Ажабланмангиз, ўртоқ, — деди, — бекнинг мундан кейинги соғлири сизнинг ихтиёргизда; бу ўйин эмас — тўғри гап.

Күтидор тўсиндан муддаонинг ким ва нима тўғрисида бўлғанилигини пайқаб қолди ва ўзида бир турлик ўнгтайсизлик сезди. Зиё ака Тўйбеканинг ёзган дастурхонини тузатиб, кулчаларни синдириди. Ҳасанали билан күтидорни нонға таклиф қилиб ўзи мақсадни очикроқ онглатмоқчи бўлди:

— Мұҳаббат деган нарса жуда оз кишиларга насиб бўладирған бир дурри бебаҳодир, — деди Зиё ака. — Қадрдонингиз Юсуфбек ҳожининг ўғли Отабек — бир неча кунлардан буён пинҳоний бир дард билан оғрир эди. Кўринишда унинг қули, аммо ҳақиқатда Отабекнинг маънавий падари бўлған Ҳасанали ота унинг маҳфий дардининг асли омилини излайдир, бекнинг ўзи бўлса ўз ҳоли тўғрисида ҳеч нарса сездирмай дардин яширадир. Шундоқ қилиб хўжасига ихлослик Ҳасаналининг тажрибалик кузатишидан бекнинг маҳфий дарди узоқча қочолмай натижада сир очиладир... Шаригъат ишига шарм йўқ, дейдирлар ўртоқ, агарчи сиз билан менга бирмунча оғирроқ бўлса ҳам яна сўзлаб ўтишга ҳожат бор: кунлардан бир кун тақдир шамоли юрадир-да бир кимсанинг ифрат пардаси остида ўлтурган қизининг юзидағи ниқобни кўтариб иккинчи томондан бизнинг Отабекни шу афиғага¹ рўбарў қиласидир. Шу дақиқадан бошлаб бекда у афиғага қарши бир ишқ, ҳам чин бир ишқ тугуладир...

Зиё шоҳичи ўз томонидан ҳам яна бирмунча гапларни қўшиб чатиб, сўзини тутатди. Күтидор яхшигина ўнгтайсизланған эди. Күтидоргина эмас, совчилар ҳам ўнгтайсизланған эдилар. Масаланинг нозиклигига учавлари ҳам тушинарлар ва шунинг учун иттифоқ қилғандек чуқур бир сукутка кеткан эдилар.

Гарчи муддао кун каби ошкора бўлған бўлса ҳам нима учундир күтидор яна ўзини тарофилга солиб сўради:

— У кимнинг қизи эмиш?

Зиё шоҳичи қүтидор тарафидан ўзига бериладирган шу савонни кутиб турған эди.

— Сизнинг каримангиз, — деди.

¹ Афиға — покиҳа қиз.



Кутидор ўзининг жойсиз саволидан ўкиниб ерга қаради. Ўртада тагин сўзсизлик, ўнгайсизлик бошланди. Бир неча фурсат шу йўсун жимгина ўлтуришкандан кейин яна Зиё шоҳичининг ўзига гапиришга тўғри келди:

— Биз, ўзимизнинг бу келишимизда сизнинг учун дунёга орзугулик, бир ўгул ҳадия этканимиздек, иншоolloҳ, қайтишимида ҳам Отабек учун мужассамаи иффат бўлған бир рафиقا тухфа қилармиз.

Бу сўздан кейин Ҳасаналининг юраги безиллай боплали Чунки шу дақиқада қутидор оғзидан ё рад ва ё қабул жавоби эшитар эди Иккинчи томонда, кутилмаган бу совчиликка ишонишни-да, ишонмасни-да билмай шошиб ўлтурган кутидор ҳам ўзининг оғзига тикилиб турғучи икки кишига қандай жавоб айтиш учун гарангсиган эди.

— Отабек каби бир йигитни ўгул қилиш шарафига ноил бўла олсан ўзимни энг баҳтлик оталардан санар эдим, — деди ниҳоят қутидор, — аммо бу туғридағи ҳамма ихтиёр ўз қўлимда бўлмай орада кўкрак сути бериб ўсдирған хотин ҳам бор... Бу иш учун ёлғиз ўзим қабул жавоби берсам-да, онаси бир чеккада қолдирилса, эҳтимол пухта иш қилмаган бўлармиз. Агар маслаҳат кўрсаларингиз бу тўғрида унинг билан кентгашиб кўрар эдим...

Қутидорнинг жавобидан самимият ва ихлос маънолари томиб турар эди Жавобни эшиткан совчиларнинг томирига умид қонлари югуриб кетди.

— Бу от савдоси эмас, умр савдоси биродар, — деди Зиё ака, — янгамиз билан кенгашингиз, Отабек ва отаси тўғриларида билганларингизни сўзлангиз, шундан кейин хўб ўйлашиб бизга жавоб берингиз.

Шу гапдан кейин қутидор меҳмонларни қолдириб ичкарига кирди. Кумушбиби ухлашқа ётқан эди. Тўйбека бўлса ўзининг ўчоқ боши ёнидаги уйчасини титратиб ҳуррак отар эди. Қутидор уи эшигини очар экан айвонда ўзини кутиб ўлтурган Офтоб ойимга деди:

— Шамъни олиб кир-чи одимга.

Уй жиҳозга ѝоятда бой, гўё музахона тусини берар эди. Тахмонда турлиқ рангда атлас ва шоҳилардан қопланған кўрпалар, тахмон тоқчаларига уйилган пар ёстиқлар, қатор-қатор хитойи жононлар: косалар, кўзалар, чинни чойдишлар, лаганлар, кумуш қинлик ханжар ва қиличлар, қалқон ва сипарлар, дорга солинран турлиқ-турлиқ эр ва хотин кийимлари: пўстин, чакмон ва бошқалар, қип-қизил гилам ва шоҳи кўрпачалар киши кўзини қамащдирар даражада эдилар.

Ошиқиб оғзини пойлаган Офтоб ойимга қутидор бир илжайиб қўйди-да:

— Хотин, сен ҳали эшиқдаги сўвчилардан хабарсиздирсан? — деди.

Офтоб ойим эрининг «совчи» хабарини оддийгина қаршилади, чунки энди икки-уч йилдан бери уйларига кун сайи совчилар жамоаси ёғилиб ётқанлиқдан бу совчилар ҳам ўшаларнинг бирисидир, деб ўйлаган эди:

— Хайрлик бўлсин, кимлар совчи?

Қутидор яна бир кулиб қўйди:

— Зиё шоҳичи, тарин сенга номаълум бир киши

Офтоб ойим бу кунги совчиларнинг қутидорға бошқачароқ ўзгариш берганларини пайқади ва буни эрининг самимият ҳам ошиқишидан сезди:

— Ким учун келганлар?

— Бундан ўн беш кунлар илгари биз бир Тошқандлик савдогар йигитни меҳмон қилған эдик, балки эсингдадир?

— Эсимда бор, Тўйбека маҳтаб кирган йигит.

— Ўлма, хотин, — деди қутидор, — ана шу йигит учун келганлар.

Бу сўздан Офтоб ойим безонглаб тушти ва эрига қарши ризосизлик вазиятини олди:

— Мусоғир-ку?

Офтоб ойимнинг бу сўзи билан қутидор бош қашиб олди ва умидсиз бир товушда:

— Мен ҳам шунисига ҳайрон бўлиб қолдим, — деди. — Йўқса ўзи айни биз қидирған, ҳар тўғрида ҳам етук бир йигит эди.

Офтоб ойим бошқа хотинларимиздек эрининг раъий ва хоҳишини, умуман бутун шахсини эҳтиром қилғучи бир хотиндир. Шунинг учун эрининг ҳозирги раъйини гарчи ўз тилагига бус-бутун зид топса ҳам ёлғиз «мусоғирлик» масаласи билангина гапқа хотима бермай, бошқа тарафлардан ҳам камчиликлар топиб асослик суратда қутидорнинг Отабекка томон ҳароратланаётған юрагига совуқ сув сепмакчи бўлди:

— Ўзи қандай кишининг ўсли, отаси сизга танишми?

Офтоб ойимнинг бу саволи ўзи учун зааралик бўлиб чиқди. Чунки қутидор, Юсуфбек ҳожининг қандай киши бўлғанлигини, бу кунда қайси ишда эканлигини ва ўзига бўлған муносабатини майд-чўйда тафсилотлари билан сўзлаб чиқиб, сўзи охирида: «Йигитнинг наслини айбситиб бўлмайдир, тўғрисига кўчканда бу йигит наслан биздан аллақанча юқорида турадир», деб қўйди.

Офтоб ойим энди иккинчи турлик йўл билан кетди:

— Уйланганми, йўқми?

— Уйланмаган. Буни қайсиdir бир мажлисда унинг қулидан эшиткан эдим.

— Ёши нечаларда бор?

— Кўб бўлса йигирма беш ёшларда бўлур, бўлмаса йигирма икки-йигирма учлардан ошқан эмас.

— Нима мажбуриятда бизга куяв бўлмоқчи, Тошқанддан қиз то-пилмаганми?

— Топилса ҳам ёқтирмас экан, — деди қутидор ва ўнграйсиз ҳолатда воқиъани шипшитиб чиқди. Масаланинг бу янглия бошланишига ва бунинг устига эрининг майилланишига Офтоб ойим нима дейишни билмай қолди. Тузик, эрининг майлини анчагина далил ва сабабларга суюниб бўлған бир майл эканини онглаған, куяв бўладирған йигитни ўзларига ўгуллиққа лойик бир кимса эканини ҳам яхши тушинган эди, аммо ҳозир бу гаплардан ҳам илгарироқда «мусоғирлик» масаласи

туар; бир неча йиллардан бери мувофиқ куяв излай-излай ниҳоят тошкандалик бир мусофирига бериш хўрлиғи Офтоб ойим учун оғир эди.

— Энди қандай кенгаш берасан, хотин?

Офтоб ойим ўз фикрини очиқ айтишка юраксина олмас, эрининг кўнгли олинишидан қўрқар, аммо — «мусофири» масаласига жону дилдан қарши эди.

— Сиз мувофиқ кўрган бир ишқа қарши тушиб, раъйингизни қайтаролмайман, — деди қўй ўйлағандан кейин Офтоб ойим, — чунки нима бўлғанда ҳам сизнинг оталиқ исмингиз бор, ҳам кўброк ихтиёр сизнинг кўзингиздадир. Мен албатта кўзингизнинг оқу қораси бўлған ёлиз қизингизни ярамас, бўлмагир кишига тутиб берарсиз, деб билмайман. Бу жиҳат билан бу ишка ризолириб билинса ҳам бироқ қаршилигим шундадирки, куяв тошкандалик бўлғандан сўнг қизингизни ўзи билан бирга олиб кетар ва сиз билан мени ёлиз боламиздан айирав... Бунга қолғанда сизни билмасам-да, аммо менинг бундай жудолиққа сира тоқатим йўқдир... Мана шу тарафни енгилоқ ўйлағанга ўхшадингиз, жоним.

— Сўзларинг тўғри, хотин, — деди ўйлаб қутидор, — лекин тақдир битканданми, нимадан бўлса ҳам бу йигитка қарши кўнглим жисиллаб турадир. Бу фикрим сенга маъқул тушадими, йўқми, ҳар ҳолда биз энди узоқ ўйлашиб ўлтурмайлиқ-да, ўз хоҳишимиизча қилиб жавоб берайлик: масалан, совчиларға ризолифимизни билдириб, аммо Кумушни Марғилондан олиб кетмасликни шарт қиласлик. Агар шартилизни қабул қиласалар ёлиз боламиз икки бўлиб — айни бизнинг муддаомиз; йўқ, қабул қиласалар ул вақтда киналари ўзларидан бўлсин, мана бу маслаҳатка нима дейсан, хотин?

— Мусофирилиғи?

— Биз таънани куяв қилмаймиз, — деди қутидор, — бизга чин йигит керак, ҳалқ «мусофирига берди» деб сўз қиласин.

Офтоб ойим эридаги майлни бошдаёқ, пайқалан эди, шунинг учун тилар-тиламас «ўзингиз биласиз» жавобини берди. Жавобни олиб қутидор совчилар олдига чиқди ва маълум шартни уларга эълон қилди. Бу шартни Отабек исмидан Зиё шоҳичи қабул этиб қутидорни Отабеқдек бир йигитни куяв қилиши билан табриклиди ва шу тақаллуфсиз совчилик илиа умр савдоси биткан ҳисобланди. Икки ёшнинг муҳаббатлик, увалик-жувалик бўлишлариға дуо қилингач совчиларға заррин тўнлар кийдирилди. Ҳасанали қутидорга ўзининг миннатдорчилигини айтиб тутата олмас, сўз ораларида уни дуолар билан гарқ этмақда эди.

— Тўнлар муборак бўлсин!

— Сизга куяв ўтул муборак бўлсин!

Кутидор ихлос ва самимият билан:

— Қутлуғ бўлсин! — деди.

9. Қаршилаш

Бу кунги күтилмаган тун Ҳасанали отани гангиткан, унинг кекса күзлари уйқу билан тамом чаплашиб олған зәилар. Ул бу хабарни эртага эрталаб қайси йўсун билан бекка билдириш йўлларини ўйлар зди. Бу фавқулодда сўйинч хабарни бекнинг қайси йўсунда қаршилашини ўйлар зди. Бу хабарни эшигиш билан Отабекда кўриладирган ўзгаришларни, ҳолларни, ҳаракатларни... барчасини бирма-бир кўнглидан кечирап зди. Бу гапни эшитикач, ҳафталаб ҳужра ичидан чиқмай ётқан бекни кўчаларда, бозорларда, қутидор уйларида шодланиб, руҳланиб юрганини кўрар зди. Бу уйларни тутаткандан кейин унинг кўзлари уйқу сари юмила бошлаб, қаршисиға Отабек келиб тўхтар зди: «Ота, мен сизнинг бу қилған яхшилиғингизни сира унутмасман», деб миннатдорлик қилғандек бўлар зди. Ҳасанали уйғониб кетар ва қайтадан шу тўғрида ўйлаб бошлар зди: «Бечора. Суйганинг тўғрисида ўйлай-ўйлай бошларинг оғриб, оҳлар тортиб ётадирғандирсан... Ёрдамчинг йўқлиғидан умидинг кесилиб, ҳасратингни кимга айтишни билмайдирғандирсан. Қайғирма, бегим. Ҳасанали отанг у тўғрида ҳам сени ёдидан чиқармади... Бу кеча сенинг қайғулиқ кечаларингнинг энг кейингиси ва ойдинлиқ ҳам шеъриятилик тунларингнинг арафасидир, бегим».

Ҳасаналининг кўзлари тагин уйқута кетар, қаршисиға Отабек билан кўжлик, кўркам бир қиз келиб чиқар ва иккиси унга қараб илжа-йишар зәилар: «Бизнинг чин отамизсиз» дегандек бўлар зәилар. Ҳасаналининг яна уйқуси қочар зди. Ёшим олтмиш тўртка етди, ўгул-қизим бўлмади... Дунёдан чароғчисиз бораман... Дарвоқиъ Отабек менга ўгуллиқ қилмасми, хотини менга қиз бўлмасми, уларнинг болалари мени «бобо» деб кетимдан югурмасмикинлар? Тупроқ осларида унтилиб ётқан кезларимда: «Бир вақт Ҳасанали отамиз ҳам бор зди», деб ёдласалар, яхшилиқ билан эсласалар етар менга шу».

Тунлар узок, тонгни отдириб, Отабекни қувондиришга сабр чидамас, кўз юмишға ҳалигидек хаёллар монеъ бўлар зәилар. Шу йўсун ярим уйқу ҳолатда тонгни отдириб сўйинтириш соатлари ҳам етди.

Чойдан кейин ҳужрасига чиқиб кеткан Ҳасанали қўлтурида бир нарса билан кириб бек қаршисиға ўлтурди. Отабекдаги сукут, хаёл, фикр каби ҳолатларни юлиб, юлқиб олиб, улар ўрнига чечак доналари экиб, умид сувлари сепмакчи зди. Ҳасанали:

— Энди муборак бўлсин сизга, — деди.

Отабек тушинолмай Ҳасаналига қаради Ҳасанали илжайган кўйи қўлтуридаги заррин чопонни олиб сандал устига қўйди.

— Бу қандай чопон? — деб сўради бек.

— Муборак бўлсин, дедим-ку.

— Нима муборак бўлсин?

— Сизга иффатлик ва севимлик рафиқа билан қутидордек қайнота, Ҳасаналига келин.



Отабек қизик ҳолатда қолди: бир турлик титраб кетди, кўзлари қинидан чиқар даражага етди. Файриихтиёрий қўзғалиб ўлтургандан кейин сўради:

— Бу нима деган сўзингиз?

— Нима деганимни сўрамангиз ва деганимга ишонаберингиз, — деди кулиб Ҳасанали, — мен сизни қутидорнинг қизига уйландиришша қарор қилиб, қароримни ҳам бу кун кечаси Зиё шоҳичи билан амалга оширдим... яъни қутидорнинг қизига сизнинг учун унашиб келдик.

Отабек гангид шошиб сўради:

— Қайси қизига унашиб келдингиз?

— Кутидорнинг ёлғиз қизига, — деди Ҳасанали, — бундан хотиржамъ бўлингиз, бек. Зиё шоҳичи эрталабки чойни ичиб борарман деган эди, биз унинг билан ҳали тўй кенгашларини қиласиз.

Отабекнинг тузида хурсанд ва хафалиги мажқул бир ҳолат бор эди. Унашиш масаласига қарши тушмаганидек, сўйинчими ҳам ошкор қилмади...

* * *

Кумушбиби уйқудан туриб, фавқулодда бир ҳолга учрайдир:

Бир кечада ҳамманинг тушига «тўй» кириб чиқсан. Тўй учун янги кўрпалар қопламоқчи бўладирлар, пар тўшаклар олмоқчи бўладирлар, куяв учун қандай кийим ярашмори ҳам баҳс қилинадир. Офтоб ойим эрига олтин камар олмоққа буюрадир... Тавба, демай чора йўқ: Офтоб ойимларнинг куявлари ким, қайси қизларини эрга берадирлар, уларнинг Кумушдан ҳам бошқа қизлари борми? — Уларнинг қизлари ёлғиз, ~~демак~~ Кумуш ~~бериладир~~... Тушунарлик гап эмас:

— Эрга ким тегадир?

— Кумуш.

— Кумушбиби куявни ёқтирадирми, йўқми? Бу тўғрида унинг фикрини билиш керак эмасми?

— Сўзлаш ҳам керак эмас, билдириш ҳам.

— Нега?

— Чунки одат шул! Кумуш ота-она ёқтиран кишига рози бўлиш учун мажбур!

Кумушбиби куявнинг ким бўлғанигини Тўйбеканинг шу сўзларидан сўнг пайқаб олди:

— Мана бекачим, — деди кулиб Тўйбека. — Тўйбека опангни сен ҳеч нарса асанамаисан. Бироқ унинг нафси замрда каромати бор. Опанг бир нарсани тилига ва ё кўнглига олдими, даррав фаришталар «омин!» дейдирлар Анови кунги ёш меҳмонни сенга маҳтасам аччиғландинг, аммо келиб-келиб бу кун сени ўшанга бердилар... Энди мундан кейин Тўйбека опангта ихлос қўй, бекачим!

Бу хабарни эшиткучи Кумушбибининг қора кўзлари жиқ ёшга тўлиб, кипраклари ёш билан беландилар.

— Йиғлама, бекачим, — деди Тўйбека, — биз биламиз сизнинг кўз ёшларингизнинг нимага эканин: эрлар сўйинганда кулсалар, сизга ўшаш





қызлар йиғлайдырлар; сизнинг йиғлағанингиз — қувонғанингиз... Мени эрга берганларида сенга ўхшаш мен ҳам йиғлаған әдим, аммо ичимдан никоҳ кунининг тезроқ келишини кута-кута ўлган әдим.

— Тоқатым тутади, опа, — деди Кумуш, — ортиқ сўзламангиз.

— Сўзламайман, — деди Тўйбека, — лекин сирасини сўзлайман... Оҳ, кўрсанг әди бир куявни. Қандай чиройлик, қандай ақдлик эканини билар әдинг, бекачим. Юлдузингиз нах бир-бирингизга тўғри тушкан экан, иккингиз ҳам бир-биравшигиздан камлигингиз йўқ.

Кумушбиби ортиқ чидалмади, қўрқунч бир товуш билан ҳайқирди.

— Оҳ, ўламан, кўб сўзлама!

Кумушнинг бу товшиға Офтоб ойим билан Ойша кампир уйдан югуришиб чиқдилар:

— Нима бўлди, нима бўлди?

Кумушбиби онаси билан бибисининг уйдан чиқишилари ила бошини сандалнинг кўрпасига буркаб, ётиб олди. Тўйбека жуда қўрқкан әди:

— Қаллиғи тўғрисида сўз очқан әдим, мен билан уришди.

Офтоб ойим Тўйбекани қарғаб берди:

— Сен ақдсиз ўлгур, Кумушни уялтиргансан! Тинч юрсанг сени бирав бир нима қиласими? Бор, ишингта бор!

Оналар Кумушнинг бу ҳайқиригини уялганга йўйдилар-да, яна уйга кириб бисот кавлашка, тўй ҳозирлигини кўришкага машғул бўлдилар.

Кумушбиби бир неча фурсаткача шу кўйи бурканиб ётди. Сўнгра ўрнидан туриб ташқари ҳавалига қараб кетди. Кўб йиғлағанлиқдан кўзлари қизарған, қовоқлари шишкан, юзлар бўрткан эди. Аммо бу ўзгаришлар унинг ҳуснини, латофатини бир зарра ҳам камитмай, балки ўн қайта оширган эдилар. Ташқарига чиқрандан кейин айвоннинг тумшүғиға келиб ўлтурди ва ўнг қўлининг кафтига юзини олиб фикрга годди. Шу ҳолда узоқ қолди. Шундан кейин ул қўлини юзидан бўшатди-да, энтиқиб дам олди ва кимнидир излагандек, кимнидир куткандек теварагига қараб қўйди...

— Ариқ бўйи, сирлик ариқ бўйи.

Ёшлиқ кўзлар ариқ бўйига тушиб, нозик оёқлар ариқ бўйи томонга ҳаракатландилар. Ул ариқ бўйига еткач, маълум ўринга сакраб ўтдида, чўнқайди. Бир ҳовуч сув олиб юзидан тўкиб тушириди ва оҳистагина йўлак томонга қараб олғандан кейин сувнинг оқишиға кўзини тикиди. Кумушнинг дардини ҳеч ким билмас, унинг хаёлига ҳеч ким тушинмас, магар шу ариқ бўйи тушингандек, билгандек Сирлик ариқ бўйи унга нималарнидир сўзлар, ундан нималарнидир тинглар, бунга четдан ҳеч ким воказиф бўла олмайдир-да, бўлмоғи ҳам мумкин эмас.

Кўзларидан оққан марварид томчиларини шу сирлик ариқ суви билан ювди, бир мартабагина ювди эмас — қайталаб-қайталаб ювди. Бояғи аччиғидан бирмунча тинчланиб, кўз қизиллиқлари кеткан ҳолда битта-битта босиб ичкарига қайтди.

10. Тўй, қизлар мажлиси

Қутидорнинг ташқарисига эр меҳмонлар, ичкарисига хотин меҳмонлар тўлғанлар, улар қуюқ, суюқ ошлар, ҳолва, нипподалар билан иззатланадирлар. Ташқарида бир қўша созандалар дутор, танбур, гижжак, рубоб, най ва амсоли¹ созлар билан дунёга жон суви сепиб шаҳарнинг машҳур ҳофизлари ашула айтадирлар. Тўй жуда ҳам руҳлик...

Ичкарида хотинлар мажлиси: оналарча айтканда, улар қум-тупроқдек кўб, бироқ мажлиснинг боришида тартиб йўқ, ҳавли юзи ва уйлар хотинлар билан тўлған, қайси ҳавли юзида бир товоқ ошни еб ўлтурадир, ким йиғлаған боласини овитиш билан овора, бирав ёр-ёр ўқуб, тагин биттасининг қувончи ичига сиғмай ҳаҳолаб дунёни бузадир, хуллас, бағ-буғ етти қат кўқдан ошадир...

Офтоб ойим қайгулироқ, тузи бир оз синиқғансумон... Меҳмон кутиб чарчараниданми, нимадан бўлса ҳам жуда калавлаган, баъзан қиладирған ишидан ҳам янгишиб кеткани, масалан, уйга кирмакчи бўлиб таванхонага кириб қолгани кўриладир. Тўйга келган хотинларнинг «Тўйлар муборак, куяв ўгул муборак!» деб сўрашлариға ҳам ишончсиз бир оҳангда «Қутлуғ бўлсин», дейдир.

Офтоб ойим донхонанинг эшигидан туриб хотинлар орасидан кимнидир ўз ёнига чакирди. Ёши эллидан ошқан, кулгуси ичига тўлиб

¹ Амсол — ўхшашлар, монандлар.



тошқан бир хотинни дувурдан¹ чиқиб, ўзига қараб юрганини кўргандан кейин донхонаға кирди. Хотин ҳам ичкарига киргач, Офтоб ойим эшикни қия беклади-да, қайгулик бир боқиш билан хотинға қаради.

— Нега қайгулик кўринасан, Офтоб?

Офтоб ойим узоқ тин олиб эшикка қаради ва ярим товуш билан:

— Шу чоқда ичимга чароғ ёқсалар ҳам ёримайдирда, эгачи, — деди ва кўзига жиқ ёш одди.

— Нега?

— Қизим тўғрисидан

— Қизинга нима бўлди?

— Унашилранига бу кун еттинчи кун, — деди Офтоб ойим, — шундан бери Кумушингиз тун ҳам йиглади, кун ҳам, сабабини сўрасам сира жавоб бермайдир-да, дўлонадек кўз ёшисини оқиза берадир. Бу кун тағин йигиси ошиб тушди. Ҳайтовур ялиниб, яллованиб аранг ҳаммомта юбордик.

Хотин Офтоб ойимнинг бу гапидан ҳайрон бўлди ва ўйлаб сўради:

— Нимабало, куявинг кўрксизми?

— Ўзим кўрмадим, — деди Офтоб ойим, — аммо кўргучиларнинг сўзларига қарагандা ўхшашсиз кўркам, тенгсиз ақлли бир йигит эмиш... Отасининг ўзи йигитни яхши кўриб куяв қилган эди.

— Кумушнинг ўзи йигит тўғрисидан ҳеч нарса билмайдирми?

— Биладир, — деди ойим, — унинг олдида биз жўрттага куявни маҳташамиз, лекин бу маҳтовларни эшиттуси келмай, қайтаға йигиси-ниғина ортдирадир.

Хотиннинг ҳам бу гапдан ҳайрати ортди ва бунда қандай сир борлиғига ақди етмади. Офтоб ойимни юпатиш учун ўткан-кеткандан ва бошда йиграб эрга теккан қизларнинг чимилдиқда йигит билан апоқ-чапоқ бўлишиб кетканларидан ҳикоя қилди:

— Қайғирма, Офтоб, — деди, — куявинг бунчалик сулув бўлса, гап-сўзда тенги бўлмаса, ҳали чимилдиқда қизингнинг печак гулдек бўлиб эрига чирмашқанини кўрамиз.

— Оҳ, опажон, — деди умидсизча ойим, — маним бунга кўнглим чопмайдир.

— Чопсин, Офтоб. Мен бундай йиғлоқ қизларнинг кўпини кўрдим, шундай қизларнинг уялмай-суялмай чимилдиқда ҳатто йигитдан ҳам ортдириб ҳаракат қилғанларини ҳам кўрдим, сенинг қизинг ҳам шуларнинг биттаси, қайғирма, Офтоб.

— Илоҳи шундай бўлсин-да.

— Бўлади-бўлади, — деди кулиб хотин, — шошмачи, Офтоб. Агар қизинг мен айткандек ўзгариб кетса менга нима берар эдинг?

— Сизга бош-оёғ кийим.

— Сўзингдан қайтма, Офтоб. Печак гулдек бўлиб эрига чирмашқанини кўрамиз ҳали, худо кўрсатса, бор, ўйнаб-кулиб меҳмонларингни кут!..

Шундан кейин икави донхонадан чиқиб хотинлар орасига кирди.

¹ Дувур — даара, ўрта.

* * *

Қизлар мажлиси — гуллар, лолалар, түгилар, қумрилар мажлиси! Бу уйда — Кумушбибининг тоғасининг уйида қизлар мажлиси, гуллар мажлиси!

Бу уйга ўттуз-қирқ чамалиқ қизлар йиғилғанлар, йиғилишдан мақсад; қизлар ўзларининг энг латиф, энг гўзал бир аъзоларини бу кун хотинлик, оламига узатмоқчиidlар. Бу узатиш мажлисини жонлик, руҳлик ўтказмак учун барча қизлар ўзларининг энг асиl, энг нафис кийимларини кийиб, фавқулодда ясаниб, ҳусн оламини яна бир қат, яна бир қайта бежабдирлар. Агар бу уйга кириб, бу мажлис аъзолари ни бир мартаba кўздан кечирсангиз, ҳозирданоқ, айтиб қўйиш мумкинки, албатта эсингиз чиқиб кетар:

— Бу гулми, кўхлик? Йўқ наригиси! Ундан кўра буниси! Барисидан ҳам ўттаси!.. Ана шундай қилиб эсдан ҳам ажрарсиз, гул танлашда бир қарорға келалмай эл ичидаги қулгига ҳам қолурсиз, расво ҳам бўлурсиз.

Мана, мажлис аъзолари шунақангги бир-биравидан ўтоқ малаклар, парилар эдилар. Мажлиснинг шоирлари, ўйинчилари, чилдирма ва дуторчилари — барчаси ҳам ҳозир бўлиб фақат Кумушбибигина ҳаммомдан қайтмаған эди. Шунинг учун мажлис очилмаған, очилса ҳам руҳсизроқ, Кумуш келгач, мажлиска руҳ киришига барча ишонадир ва уни тўзимсизланиб кутадир.

Кимдир, орадан биттаси «келишди!» деб юборди. Барча қизлар ўйнинг даричаси ёниға уймалашиб ҳавлиға қарадилар. Чицдан ҳам ул ёнида икки янгаси билан келган эди. Шу чоқда бизга Отабек керак эди! Нега десангиз, ул келсин эди-да, суйганини бир кўрсин эди: ҳаммом билан ул... фақат жонғина сўрайдир, мажруҳ, кўқсларга ўққина отадир... Бошдағи оқ шоҳи рўймол, ичдаги оқ шоҳи кўйнак, устдаги оқ, кумуш заррин сирилган пўстин, бағбақаларни ўраб ўпид турған ёқа қундузларининг келишкани, солиниб тушкан қора жингтила соchlарнинг бўйин теварагига чирмашқани, хом нуқра юзларнинг бўғриққани...

Янгалар Кумушни ҳавлидан туриб қизларға топширдилар:

— Мана Кумушбиби — сизларга, қизлар! Кумушнинг кўнглини яхшилаб очинглар, қизлар!

Икки-уч қиз чопиб ҳавлиға тушдилар-да, Кумушбибидан паранжини олиб уйга бошладилар. Янгалар Кумушни қизларға топшириб кетдилар. Ҳавли эр ва хотиндан бўш, ёлғиз қизларғанина хосланиб қолди.

Кумушбиби бошлиғучи қизлар билан уйга кирди, ундан онгқан атир ислари билан уй тўлди. Қизлар ўзларининг бир турликкина сўзлашишлари билан Кумуш ила кўриша бошладилар.

— Эсонмисиз, саруполар муборак?

Кумушбибининг қизларға берган жавоби эшитилар-эшитилмаслик эди:



— Кутлауғ...

Кумушбиби уйнинг тўрига ўтқузилди. Қизлар уининг теварагига ўлтуришиб олғандан кейин ораға нима учундир бир жимжитлик кирди. Қизлар маънолик қилиб ер остидан Кумушка қарайдирлар. Мажлисда бир хил маъюсият. Қизлар нимани ўйлайдирлар ва нима тўярисида маъюсланадирлар, бу эрса қизларнинг бизга номаълум бўлган ички сирлариdir.

Қизлар ипка чизилған гулдек уй теварагини олғанлар, бунинг устига ёвошлиқ, ўйчанлик уларнинг тусларига маънавий бир ҳусн ва жиҳдият бериб, бирга юз ҳусн қўшқан эди. Агар биз шу кезда заршунослиқ учун енг шимарсак, яъни гулни гулдан ажратадурған бўлсақ бояғидек эсанкираб, мутарафдиц¹ қолмаймиз, чунки Кумушбиби лолалар ичидағи бир гул ва ё юлдузлар орасидағи тўлган ой эди.

Орада ҳамон бояғи жимжитлик ҳукм сурар эди.

Ҳар бир мажлиснинг жонландиргучи, идора қилгучи бир-икки қаҳрамони бор бўлганидек, бу қизлар мажлиси ҳам шундай қаҳрамонлардан холи эмас эди. Мажлисни бунчалик руҳсизланиб, маъюсият ичида қолишиға Гулсинбиби чидағ туролмади:

— Биз нима учун йифилдиқ-да, нимага ер чизишиб ўлтурамиз! — деди. — Биз бу ерга аза очқали келдикми?

Гулсиннинг ёниға Хонимбиби қўшилиши:

— Кўб ўлашманг, ўртоқлар! — деди. — Барибир бу гап ҳаммамизнинг ҳам бошимизда бор! Тур, Савра! Ҳавлиға олов ёқиб чилдирмангни қизит! Аноргул, сен дугорингни ол! Кумушбиби, сиз унча хаёл сурмант, кулиб ўлтуринг. Барибир эртага жойсиз чеккан қайғингиздан ўкинарсиз! — деди-да, мажлисни ост-уст куладириб юборди. Кумушбиби ҳам ихтиёрлик, ихтиёrsиз бу кулгуликка тортилиб, унинг ёвошқина илжайишидан ёқутдек лаблари остидаги садаф каби оқ тишлари бир оз кўриниб қўйдилар.

Шу гапдан кейин мажлиска кутилмаган бир рух кирди. Аноргулнинг қўлидари дутор «Ўртоқлар» куйини танларга ларза бериб, тарона қилди. Хонимбиби қизларга қистатиб ўлтурмай ўрнидан сакраб турдида, ўйнаб ҳам кетди. Дутор ёниға чилдирманинг чертмаги келиб қўшилғандан кейин базм тағин ҳам жонланди. Чапаклар ҳам кўтарилди. Ўйин қизиб борар эди, уйнинг дарича эшиклари бекланиб тоқчаларга шамъ ёқилғандан сўнг, базмнинг рухи яна ошди. Ел билан ўйнашиб ёнған шамъ нури қизларни аллақандай ажиб ҳолатка қўймоқда, мажлис эрса «Алиф лайло» хикояларидағи «парилар» базмини хотирлатмоқда эди. Дутор «Ифор» куйини чалиб, чилдирма ҳам нозик йўл билан унга қўшилиша борди. Ўйин ҳам бир турлик назокат касб этиб, Гулсинбиби йўргалай кетди. Дутор кўнгилнинг аллақандай ингичка жойини қитиқлайдир, чилдирма юракни нимагадир ошиқдириб, Гулсин қизнинг йўргалаши борлиқ аъзони зириллатадир. Базм жуда қизик, жуда кўнгиллик эди.

¹ Мутарафдиц — тарқадудланиш, иккиланиш.



Кумушбибини ҳам бу қизиқ базмдан бошқалардек ҳисса оладыр, сүйиниб кувонадир, деб үйланмасин, чунки унинг вужуди қизлар базми ичида бўлса ҳам хаёли аллақаёқларда учиб юргандек, кўзлари үйнағучи қизларда бўлса ҳам, аммо ҳақиқатда бошқа бир нарсани кўргандек... Кўринишдан натижা чиқариб айтканда, бу қизиқ мажлис унинг учун базм ўрнини эмас, аза жойини тутқандек...

Икки соатлик қизиқ бир базмдан сўнг қизлар чарчадилар-да, ўйинни тўхтатдилар. Гулсин билан Хонимби иди дотор билан қўшиққа ўлтурдилар. Гулсин ўзининг кўнгуроқдек товши билан «Йигларман» куйидан бошлади:

*Ўртоқларим, кўлга олсам торимни,
Беихтиёр ёдлайдирман ёримни!*

Иккинчи қайтариб айтишда унга Хонимби қўшилишди. Бир турлиқ, бир оҳанглиқ нафис, мусиқавий товушлар кишининг борлиқ вужудига, қон томирларига ажойиб бир ўзгариш берган эдилар. Шу чаққача мўлтайиб, хаёл ичида шўнғиб ўлтурған Кумушбиби бир сесканди-да, қўшиқчи қизларга қаради.

Қизлар иккинчи байтка ўтдилар:

*Бир кўриниб яromo¹ қилган кўнглимни,
Қайтиб яна кўралмадим норимни!*

Шу вақт кутилмаган жойда Кумушнинг икки кўзи жиқ ёшқа тўлған эди. Учунчига ўтдилар:

*Агар кўрсам эди яна ёримни,
Багишлардим ҳама йўқу боримни!*

Тўртингчи:

*Билурмикин, билмасмикин у золим:
Кунлар-тунлар тортқан оҳу зоримни!*

Кумуш тоқатсизланғандек эди...

Бешинчи:

*Чинин айтинг ўртоқларим менга сиз,
Қайта бошдан кўрарманми ёримни?*

Кейинги:

*Кетди тоқат, кетди сабрим... кетдилар...
Сингиарман уриб ерга торимни!*

Бу кейинги байтка қулоқ солгучи қолмади. Чунки ёнидаги қизга осилиб йиғлай бошлаган Кумушбибига ҳар ким таажжубда, ҳар кимнинг кўзи, қулоги шунда эди.

— Нима бўлди, Кумуш?

¹ Яromo — асир, талон-тарож

— Нега йиглайсиз, Кумуш опа?
— Бирар жойинг оғрийдирми, Кумуш?
Кумушбиби ўз устига дув йигилған қызларға күзини очиб қаради-да, ҳушёр тортқанлардек бир ҳаракат қилиб қўйди ва тез-тез чўнтағи-дан рўймолини олиб кўзёшисини қуритди.

— Нега йигладинг-а?
Бу саволни бергучи Гулсинга Кумуш куч билан илжайиб қаради-да:

— Ўзим... — деди.
— Вой шўргинангга шўрва тўкиасин, Кумуш! — деди Гулсин, — мен шундай эрни топиб тексам бошим кўкка етар эди!

Гулсиннинг гапига қызлар кулишдилар. Кумуш жуда хафа кўринингдан унинг кўнглини очмоққа тўғри келар эди. Шунинг учун бошқа ўйинларни қўятуриб мажлиснинг энг қызиқ тарафи бўлиб санаалган лапар айтишка кўчдилар. Гулсин куяв рўлинни ўйнар, Хонимбibi Кумуш рўлида, иккисининг бир-бирисига қараб ўқишқан лапарлари барчани кулдириб, ичакларни узар даражада Бироқ Кумушнинг тишининг оқини кўриш жуда қийин, унинг ҳамма иши факат мунграйиб хаёлланишқина...

Қызларға тўйхонадан ошлар, таванлар келиб тортилди. Ошдан кейин янгалар келиб, қызлардан Кумушни сўрадилар. Қызларнинг, «Йўқ, биз Кумушбибини сизларга бермаймиз!» деб ўйнаб айткан сўzlари Кумушбибига чиндек бўлиб эшитилар, янгалар билан уйдан чиқар экан, кўмак сўрагандек қызларға термулиб қарап эди. Шу йўсун қызлар ўзларининг бир ўртоқларини хотинлик дунёсига узатиб, мажлисдан тарқалишдилар.

11. Кутимаган баҳт

Кумушбибидан ваколат олиш ҳам жуда қийин бўлди. Домланинг: Сизким Кумушбиби Мирзакарим қизи, ўзингизни тошкандлик мусулмон Отабек Юсуфбек ҳожи ўғлиға бағишлиамоқ ваколатини амакингиз Мұҳаммадраҳим Йўлдош ўрлига топширдингизми? деган сўроғи олти, етти қайтарилиғандан кейин, шунда ҳам янгалар қистоги остида аранг унинг ризолиги олинди.

Кечки соат бешларда қутидорнинг ҳавлиси тўрт кўз билан куяв келишини кутадир. Куяв учун паловлар, қуюқ-суюқ ошлар, неча турлик неъматлар ҳозирланиб, булар ҳам куявнинг интизорида турадирлар. Ниҳоят соат беш яримларда куяв келди Йигирма-ўтгуз чорлиқ ёш йигитлар — Раҳматнинг ўртоқлари, улар орасида Отабек — куяв кўринди: бошида симоби шоҳи салла, устидан қора мовут сирилган совсар пўстин, ичиде ўзининг Шамайды тиктиргани осмони ранг мовут камзул, мовут шим: оёғида қалапой афзали, белида Кумушбибининг уста кўли билан тикилган шоҳи қийиғ... Юзлар қизил, оғиз ирпайган, кўзлар ўйнаб аллакимни қидирадир. Ошларини еб бўлсалар ҳам жўрттага куяв кўриш учун ўлтурған маҳалла кишилари бир-бирларини турти-



шиб: «Тузик-тузик, куявлікка арзигундек, чакки чаккига түшмәгти, олмаю-анор» дейищилар. Томда куяв кутиб ўлтурған хотинлар ичидан Офтоб ойимнинг эгачиси ошиқиб сингалиси ёнига түщди-да: «Офтоб, даррав исириқ ҳозирла, куявингни ёмон кўздан ўзи асрасин!» деди. Кутидор эшик остида қўл қовишириб меҳмонларни кутиб оладир, ер остидан куявига кўз қирини ташлаб, кишига сездирмай ўзича кулимсираб қўядир. Меҳмонхона айвонида оқ соқоллиқ, кўркам сиймови оғир табиъатлик домла билан Зиё шоҳичи, Ҳасанали, қиз вакили ва тагин бир неча кишилар ўлтурадирлар. Йигитлар куявни домлалар қаршисиға келтуриб тўхтатқандан кейин Отабек вакили бўлған Зиё шоҳичи билан Кумуш қиз вакили Мұхаммадраҳим ораларида маҳр масаласи очиладир. Кўб тортишқандан сўнг куйидаги маблаглар маҳр қилиб белгуланадирлар: уч юз олтин пул, мундан кейин олиб бериш ваъдаси билан Марғилондан ўрдадек бир ҳавли, соғиш учун сигир, асбоби рўзгор... Бунга Отабек ҳам ўз ризолигини билдирадир. Домла хутба бошлайдир. Форсийча ўқулған ҳамд, салавот ва бошқалардан сўнг хутба энг нозик бир ўринға келиб тўхтайдир: «Сизким Отабек Юсуфбек ҳожи ўғли Кумушбиби Мирзакарим қизини ўзингизга шаръий хотинлиқга қабул қиласизми?» — форс тилида сўралған бу савол Отабекнинг кулгусини қистатиб, кўнглидан кечирадир:

— Қабул қиласизми-я?

Ул биринчи сўроқдаёқ — «учиб, қўниб қабул қиласиз» деб жавоб бермакчи бўлса ҳам бироқ ҳалқнинг — «ўлиб турған экан» деб қиласидирған таънасидан чўчиб, жавоб бермайдир. Яна бир қайта юқоридағи «сиз ким фалончи...» жумласи домла тарафидан гакрорланадир. Куявларга учунчи сўроқда жавоб бериш одат ҳукмида бўлса ҳам, Отабек бу такалмуфка чидалмайдир. Гўё учунчи сўроқ ўрнига «Энди олмас экансиз Кумушбибини...» деб мажлис бузиладирғандек сезиладир-да, ҳамма товшини қўйиб, барчага эшитдириб «Қабул қилдиқ!» деб юборадир.

Домла алҳамдуиллоҳ, алҳамдуиллоҳ... билан никоҳни тутатиб мажлис томонидан келип билан куявнинг ҳақларига дуо бошланадир, ҳамма ауоға қўл кўтариб, ҳатто томдағи томошачи хотинларғача «омин»га кўмаклашадирлар ва шундан кейин никоҳ мажлиси ёпиладир. Йигитлар куявни меҳмонхонага олиб кирадирлар, зиёфат бошланадир.

Отабекда бир дақиқага бўлсин тўзим бўлмаған бир вақтда бир неча соатларга қараб чўзилған бу томоқ мажлиси билан албатта ул яхши чиқиша олмайдир. Хуфтанга яқин банаъжи¹ бир иштиҳо билан ейилиб бўшатилған лаган, товоқдар олинниб дастурхонлар йигилди. Бизнингича бир ярим соат, Отабекча аллақанча йил ҳисобланган бир фурсат ўтиб, ниҳоят, янгалар куяв сўрадилар. Икки ёшға муҳаббатлик умр сўраб фотиҳа ўқилғандан сўнг Отабек ичкарига узатилди.

Ҳасанали меҳмонхона айвонида бекни кутиб турар эди:

— Энди куявлик муборак бўлсин, бегим?

— Қутлуг бўлсин.

Ҳасанали бошдан-оёқ, бекни кузатди, оталиқ муҳаббати билан бек-

¹ Банаъжи — оч қоринга.



нинг орқасини силади ва ёшли кўзлари билан дуо қилиб унга ружсат берди. Отабек янгалар кутиб турған тарафка юрди. Ул ҳозир қизиқ ҳолатда эди: бу нима гап, тушими, ўнгими, нима гаплар ўтиб, нималар бўлмоқда, бўлиб турған иш ҳақиқатми?

Биз ичкарига кирамиз: ҳавлиниңг икки томони то Кумушбибининг уйигача қатор куяв куткан хотинлар, бола-чақалар билан тўлған. Баъзан куткучи хотинларниңг кўлида ёниб турған шамъ. Куяв тушадирган уй тўй моллари билан жуда ҳам бежалган. Юқорида ёзилиб ўтилган кутидор уйининг аксар жиҳозлари шу уйга, Кумуш қиз уйига кўчирилган. Бир буларгина эмас хотин-қизлар кўли билан чатиб ишланган турлик зийнат чодирлари билан ҳам бежалган, шиңда катта қандил, қандилда ўттузлаб шамълар ёниб уйни сирлик бир ҳолатка қўядирлар. Бурчакда қизлар мажлисида кўрилган оқ кийимлар билан Кумушбиби турадир... Унинг ҳусни бежалган уйининг оқлари, кўклари, сариқлари ва қизиллари билан товланиб хаёлий бир сиймода... Кўз ёшларини оқузиб янгасининг сўзига қулоқ осмайдир. Ташқаридан эшитилган «куяв! куяв!» сўзи билан тағин ҳам унинг кўз ёшиси кўпайиб туси ҳам ўзгарди. Янгаси Кумушни шу ҳолда қолдириб ўзи югирганича эшикка чиқди. Куяв келар эди: икки томонни сириб олған хотин-қизлар ўртасидан Отабек келар эди. Унинг кетидан Офтоб ойимнинг эгачиси исириқ тутатар эди. Хотинлар қўлларида шамъ билан унга қарап ва кузатиб қолур эдилар. Куяв уйининг ёнига етди. Унинг юзи уятидан жуда қизарған, қочқали жой тополмас эди. Шу кезда уйининг эшиги очилдида, янга томонидан қаршиланди.

— Кирингиз, бек.

Отабекнинг юрак уриши эҳтимол янгасига ҳам эшитилар эди... Отабек уйга киргандан кейин янгаси ташқари чиқиб, эшикни ўзи кўрарлик қия қилиб ёпди... Уйининг тўрида ёнини Отабекка бериб рўймолининг учини тугибми, йиртибми Кумушбиби турадир ва ким келди, деб ёнига қарамайдир. Рўймол тугиши билан машгул латиф қўлларни чет қўл келиб сиқди:

— Жоним!

Кумушбиби бегона қўлдан сесканди ва қўлларини қутқазмоқда тиришиб:

— Ушламангиз, — деди ҳам сиқувчи қўлдан қутилиш учун орқага тисланди.

Титраган ва қовжираган бир товушда:

— Нега қочасиз? Нега қарамайсиз? — деди бек. Кумушбиби шу чоқрача қарамаван ва қарашни ҳам тиламаган эди. Мажбурият остида. ёв қарashi билан секингина душманига қаради... Шу қарашда бирмунча вақт қотиб қолди. Шундан кейин бир неча қадам босиб Отабекнинг пинжига яқин келди ва эсанкираган, ҳаяжонланған бир товуш билан сўради:

— Сиз ўшами?

— Мен ўша, — деди бек. Иккиси ҳам бир-бirisiga беинтиёр термулишиб қолдилар.

Кумушбиби оғир тин олиб.

— Кўзларимга ишонмайман, — деди.

Отабек кўзларини тўлдириб қараб:

— Мен ҳам, — деди.

Шу вақт икки лаб ўз-ўзидан бир-бirisига қовищди... Кичкина нозик қўллар елка устига, кучлик қўллар қўлтиқ остига ёпишилар.

Кумушбиби Отабекнинг юзига узоқ тикилиб турди-да:

— Куттилмаган бир баҳт, — деди ва ўзининг отидек бир нарсанинг товши каби қилиб кулиб юборди. Бу кулиш ҳавлиларгача эшитилди. Қия очилиб турған уй эшиги ҳам қаттирқина бекланди. Кумушбиби Отабекнинг қўлидан ушлаб қўйида ёзиб қўйилган дастурхон спига бошлади:

— Сиз бўлғанилиғингизни илгаридан билганимда бошқача қаршилар эдим, — деди.

— Бошқа деб ўйладингизми?

— Ўйлаш қаерда, сиз бўлурсиз, деб кўнглимга ҳам келмаган эди, — деди-да, тагин кулиб юборди.

Дастурхон ёнида Кумушбибининг латиф билагига Отабек олтин узук солур экан, ул ерга қараған ҳолда эди.

— Мен сизга ҳеч нарса ҳам ҳозирламаган эдим...

— Ҳозирламаганингиз учун ўқинасизми?

— Ўқинмангиз, — деди бек, — сиздан бир нарсани сўрасам аямасиз?

— Аямайман.

Отабек Кумушбибининг лаблари устидаги қора холиға ишорат қилиб.

— Шу ердан бир ўпиш берсангиз, сиз ҳам катта эсдалик ҳозирлан бўлур эдингиз, — деди.

Кумушбиби қизаринди.

* * *

Отабек Марғилон келганинг иккинчи куни пойабзал бозорида бўлған эди. Аср намознинг вақти ўтиб борғаниликдан ул шундаги дўкондорларнинг бирисидан таҳорат олиш учун сув сўради. Кўчадаги сув ариқнинг тегидан — сой оқар, шунинг учун ундан фойдаланиш қулай эмас эди. Дўкондор унга сувнинг қулай ўрнини кўрсатди: «Мана шу бурчакдаги дарбозадан ичкарига кирсангиз, ариқнинг юза жойини топиб таҳорат олурсиз», деди. Отабек дўкондорнинг кўрсатишича қутидорнинг ташқарисига кирди. Шу вақт тасодуфан нима юмиш биландир меҳмонхонадан чиқиб келгучи фариппага кўзи тушди. Кумуш ҳам ариқ ёқасига келиб тўхтаған чингилин¹ йигитка беихтиёр қараб қолди Ихтиёрий эмас, яйри ихтиёрий иккиси ҳам бир-бirisидан бирмунча вақт кўз ололмадилар. Охирда Кумуш нимадандир чўчирандек бўлди. енгилгина бир ҳаракат билан ўзини ичкари йўлак томонга бурди. Бу бурилишдан унинг орқа-ўнгини тутиб ётқан қирқ кокиллари тўлқин-

¹ Чингилин — ижчам, бежирим.

ландилар. Кумуш ичкарига қараб чопар экан, йўл устидан ариқ бўйида қотиб турған йигитка яна бир қараб қўйди ва бу қарашда унга енгилгина бир табассум ҳам ҳадя қиёди... Кумуш ичкарига кириб кўздан ғойиб бўлди, лекин Отабек яна бир неча дақиқа ерга михлангандек қотиб турди... Охирда кузини катта очиб ўткан дақиқада учрашкани хаёлий гўзални истаб хәёлланди. Бироқ ҳақиқат бошқача эди. Таҳорат олмоқ учун ариқ бўйиға ўлтурди. Аммо кўзи хаёл яширинган йўлақда эди. Таҳоратланиб бўлди, яна кўзини ўша тарафдан узолмади. Артиниб олғандан кейин яна оёғ устида тўхтаб қолди. Яширинган гўзал иккичи қайта кўринмади, эҳтимолки, Отабекни ипсиз боғлаб, ўзи қайси бурчақдан бўлса ҳам асири(га) тамоша қилар эди.

Кўб кутди, аср намозини қазо қилиб куч билан қутидор уйидан чиқди ва шу дақиқадан бошлаб унда муҳаббат можароси туғилған эдиким, бу ёни ўқуғучимизга маълумдир. Кумушбиибининг юқорида «Сиз ўшами!» деб сўраши шунга биноан бўлиб, аммо унга масаланинг онглапшилмай қолиши ва чин бахтни билъакс қутиб олиниши қизиқ эди. Шундай қилиб икки ёшнинг биринчи ҳам соғ муҳаббатлари қовишиш билан натижаланди.

12. Ҷақимчилик

— Бу кун етти кун... Отабек қутидорнинг қизига уйланди.

Ул бу хабарни Қўқондан қайтища эшигтан эди. Ўзининг қиёфатига яраша қўрқунч йўллар излар экан, қулоқлари тегида «...қизига уйланди» жумласи такрорланиб турғандек бўлар эди.

Унинг Қўқондан қайтиши иккала хотини учун ҳам улур бир фалокат бўлди. Чунки арзимаган бир сабаб билан иккаласи ҳам яхшигина таёқ еб олди. Шунинг учун икки кундаш унинг олдига киришдан қўрқиб, яна тўғриси — унинг совуқ афтини кўришдан жирканиб ҳавлининг чет-четида юрарлар, икки кундаш билиттифоқ унга ўлим сўрарлар: «Қўқонда ўлса, ўлугини итлар еса биз ачинарми эди», деярлар эди.

Ул ўлтурган кўйи нима тўғрисида бўлса ҳам жуда бош оғритиб ўйлар эди. Шу чоқда унинг тусидан йиртқиличик, бир гуноҳсизнинг устига ҳужумга ҳозирланган ваҳшийлик белгулари кўрилур эди. Ҳарҳолда ул яхшилиққа эмас, қандор ҳам бўлса бир ваҳшийликка йўллар, режалар излар эди. Охири унинг юзида истеҳзолик бир илжайиш кўрилди-да, бир нарсага қарор қўйғандек бир ҳаракат ясади ва ўрнидан сакраб туриб қозиқдаги кирлаб кеткан салласини қўлира олди ва ҳавлига чиқди. Ташқарисида беш дўконлаб иш тўқиб турған ҳалфа шогирдларига баъзи таълимотларни бергач, бир улур дарбоза орқалик, кўчага юрди. Ўралиб битмаган салласини тузата-тузата тор, кирди-чиқдилек кўчалар билан шаҳарнинг кунботар томонига, беклар маҳалласига қараб кетди.

Беклар маҳалласининг бошланишида, жанубга қаратиб қурилған улур бир дарбозанинг ёнида икки нафар миљтиқ ва қиличлик йигит



сўзлашиб турар эдилар. Буларнинг ёнига бизга маълум киши келиб тўхтади ва улардан сўради:

— Бек уйдамилар?

Сўзниг белига тепкани учун йигиттинг бириси ўшшайиб сўрагу-чиға қаради, иккинчиси қўллари орасидари мильтиги билан ичкарига ишорат қилиб жавоб берди:

— Бор!

Дарбозадан ичкарига кирилгач, сарой каби бир ҳавли, айвонда ўн бешка яқин яроғлиқ йигитлар тўнкалардан гулхан солиб, исиниб ўлтурмакда эдилар. Ул тўрдаги айвон орқалиқ юриладирган уйнинг эшигида тургучи йигит оғасининг ёнига борди ва қўрбоши билан учрашмак орзусида бўлғанилигини айтиб ундан киришка ижозат сўради. Йигит оғасининг раҳбарлиги билан ичкарига кирди: бошига кўк салла чулаған, эгнига Үратепанинг босмасидан чакман, белига кумуш камар боғлаб кумуш қинлик қиличини тизасига босқан, қора танлик бўласа ҳам кўкнорими, тарякми истеъмолидан юзи сарғайған қирқ-элли ёшлиар чамалиқ бир киши ёрлиқсумон бир ёзувни ўкуб ўлтурмоқда эди. Қўрбоши келгучининг саломига эътиборсизгина жавобланған бўлди-да, руҳсиз бир товуш билан:

— Нима қилиб юрибсан? — деб сўради.

— Тақсир, сизга арз бор.

Йигит оғаси келгучини қолдириб чиқди. Келгучи эшик ёнида оёғ устида қўл боғлаб турар эди.

— Қандай арзинг бор?

— Тақсир... ижозат берсангиз ўлтурсам...

— Хўб, ўлтур.

Келгучи кўб тутулиб туси ўнгған гилам устидан юриб бориб, қўрбоши қаршисиға тавозиъ билан ўлтурди. Қўрбоши қўлидағи ёзувни буқлаб қўйнига тиқди-да, келгучини ер остидан кузатди:

— Қаерликсан?

— Тақсир... шу ерлик, маргилонлик

— Отинг нима?

— Тақсир... Ҳомид.

— Нима касб қиласан?

— Устакорлик.

— Яхши, арзингни гапир?

Ҳомид ўзининг товшиға ясама бир оҳанг бериб арзини бошлади.

— Жаноби падари арус¹ шаҳаншоҳи Мусулмонқул баҳодир замони адолатларида ҳам, — деди Ҳомид, — қора чопонлиқлар ҳануз тинч ётмай юртни қипчоқ оғаларға қарши оёғландирмоқчи бўладирлар, ишни яна тадбирсиз қора чопонлар кўлиға олиб мамлакатни бузгунлиқда солмоқчи бўладирлар... Биз бундай бузуқилар ёлғиз Тошкандаги Азизбек билан унинг йўлбошчиси бўлған Юсуфбек ҳожи, деб бил-

¹ Падари арус — қайнота.

ган эдик. Бироқ уларнинг уруни бизнинг Марғилонга ҳам сочилаған экан.

Қўрбошининг кўзи ола-кула келди:

— Нима дейсан? У ким экан Марғилонда?

— Биттаси машҳур бузуқи тошкандлик Юсуфбекнинг ҳозирда Марғилонда турғучи ўғли — Отабек исмлик бир йигит, иккинчиси унинг ҳаммаслаки ва қайин отаси бўлған Мирзакарим қутидор.

— Ҳали-я?

— Шундоғ, тақсир.

— Сен бу гапни қаёғдан билдинг?

— Шу кунларда уларнинг бир мажлисларида бўлған эдим, тақсир.

— Ҳўш, ҳўш, мажлисда?

— Мажлисда кўб гаплар ўтди, тақсир, — деди Ҳомид, — мажлиснинг бошлиги бўлған Отабек қипчоқларнинг зулм ва таъаддисини¹, қипчоқлардан ишни олмоқ учун Тошкандда Азизбек ва ўз отаси бошлиқ билғеъл иш бошлаганларини сўзлаб, Марғилоннинг ҳам мундан сўнг оёққа қалқиши кераклигини айтди... Мажлис аҳли, айниқса Мирзакарим унинг сўзини кучлаб тушди. Агар бу ишнинг олдини олинмаса, ҳукумат ва мамлакат учун натижага қўрқунчdir, тақsir.

— Мажлис кимницида эди?

Ҳомид тарафидан кутилмаган бир савол. Ҳомид ўзига берилган бу савол қархисида тараффудланиб қолди. Чунки мажлис ўрнини айтса поччаси билан жияни Раҳматнинг ҳам қўлга тушишлари аниқ ва бунинг билан ул ўз оёғига болта қўйган бўлар эди. Шу мулоҳаза юзасидан ул тутилиқди:

— Мажлис ўрни ёдимда йўқ, тақsir.

Мантиқсиз бу жавобга қарши қўrбоши аччиғи билан бақирди:

— Ёдимда йўқ?

Ҳомид гарангсиди ва бир хил синиқ товушда:

— Эсимда бўлса ҳам нозик бир жой эди, тақsir, — деди.

— Нозик бир жой эдими! — деб қўrбоши заҳарханда қилди. — Агар айтмасанг ўша муттаҳамлар тиқиладирған чуқурға сен ҳам ташланасан.

— Кечирингиз, тақsir.

Қўrбоши йиртқичлардек бўкирди:

— Кечириш йўқ!

Ҳомид учун энг кейинги чорадан бошқа илож йўқ эди — чўнтак кавлашка тутинди ва юз мاشаққат билан ёнчирини чиқарди. Ёнчиқдан ўнга яқин олтинарни саноқсизча олиб, қўrбошига узатди:

— Тақsir... сизга атаған назримиз эди...

Ҳомид кавлана бошлаганданоқ қўrбошининг устидан совук сув сепилган эди. Ул олтинарни ёнига солиб жойлағач, товуш ҳам эски ҳолига қайтиб, сўзлар ҳам мулоҳим тортди.

— Демак, нозик жой эди, дегин Ҳомидбой.

— Тақsir...

— Бадбахтлар шундай маслаҳат қылдиларми ҳали?
— Тақсир... Бу ишнинг олдини олинмаса натижа ёмон албатта.
— Албатта биз ўша бузуқиларнинг жазоларини берармиз... Мен ҳозир бориб бекка арз қиласай, шу кечадан қолдирмай қўлга оламиз муттаҳамларни, — деди қўрбоши.

Ҳомиднинг чеҳраси очилиб кеткан эди. Қўрбоши ўзининг имо ва ишорасига ўтканлиқдан унинг кўзида ўч олиш қувончлари ва ундан кейинги Ҳомиднинг ўзига маълум бўлған бир баҳт умидлари ўинар эдилар. Қўрбоши токчадан давот, қалам олиб олдига қўиди-да, ёзувга ҳозирланиб сўради:

— Аитчи Ҳомидбой, муттаҳамлар кимлар эди?
— Биттаси тошкандлик Юсуфбек ҳожининг ўғли — Отабек.

Қўрбоши ёзди:

— Ҳа-ҳа! Ҳали Юсуфбек ҳожининг ўғли дегин. Бизнинг Марғилонни ҳам қонға ботирмоқчи экан-да, муттаҳамлар, иккинчиси?

— Шу кунларда Отабекка қизини берган марғилонлик Мирзакарим.

— Пес-песни қоронгида топқан экан, учинчиси?

— Отабекнинг қули — Ҳасанали.

— Тўргинчиси?

Ҳомид бир оз ўйлаб жавоб берди:

— Билмадим... Ҳозир Марғилондами, йўқми, андижонлик Акрам ҳожи.

Қўрбоши ёзди:

— Иш катта экан, тагин?

— Энди йўқ, тақсир, — деди Ҳомид ва сўзига шуни ҳам қўшди, — Отабек билан Мирзакарим қўлга олинсалар илоннинг боши янчилган ҳисобланиб, ўзгаларнинг қўлидан иш келадирган одамлар эмас, тақсир.

Қўрбоши ёзувни битириб қўйнига тикди — «Бўлмаса иш битди, эртага эрта билан можарони эшитарсан», — деди. Ҳомид ўрнидан туриб қўрбошига қуллик қилиб чиқди.

13. Қамоқ

«Ёрмозор» мавзиъида шаҳар қўрғониға тиралиб солинган ўрда. Ўрда дарбозасининг саҳни ботмонлаб ҳисобланган мевазор бўлиб, бунда олма, ўрик, нок ва тут ёғочлари хилигина бор эдилар. Дарбозанинг икки биқинини ўраб олған лойига гуллар, нақшлар туширилиб ишланган саккиз газлар юксаклиқда ўрда қўргони, дарбозанинг икки буржига¹ алачами, бўзданми узун чопонлар кийиб, бошлариға қулоқчин қўндириған, қайиш камар устидан килич тақиниб милтиқларига суюнган икки йигит қўринадирлар — булар навбатчи ўрда қоровули, қоронги тушишқа яқинлашқанлиқдан қия ёпилиб турған дарбозани кимдир,

¹ Бурж — қалъа ва қўрғон деворининг бурилиш жойларига ва дарбоза ёnlарига қурилган соқчилар турадиган қоровулхона.



ичкаридан биттаси зичлаб ёпди-да, куч сарф қилиб дарбозанинг зўр занжирини шарақ-шуриқ этиб боғлади. Ҳозир бизга ўрда ичига кириш мумкин бўлмагани учун қўргоннинг ташқари теңрасида айланиб турайлик; дарбозанинг сўл биқинига қараб икки юз адим кетсак қўргон девори тугалаб, буржка етиладир. Қўргон буржига қоровул туриш учун маҳсус манора шакилли жой ясалган бўлса ҳам ҳозирда навбат-чидан холидир. Шундан кейин бир бўшилиқ ер билан қўргоннинг жанубига қараб кетиладир. Тўрт юз адимлаб борилғач, қўргоннинг шарқи-жануби буржига етилиб, бу буржини ҳам ановисидек қоровулсиз топиладир. Бу бурждан қараган кишига қўргоннинг гарби-жануби буржи ҳам кўриниб, шу йўсунда ўрданинг тўрт буржини айланиб чиқиласа бир минг олти юз адим босилған бўлиб ўрданинг гарб томонидан биз танишкан ўрда дарбозасига келинадир.

Ҳозир қоронги ҳам ўбдан тушканлиқдан киши-кишини танимаслиқ, даражада эди. Бояги дарбоза устида қўринган қоровуллар ҳамон қора ҳайкал каби қотиб турар эдилар.

Шаҳар ичидан ўрда дарбозасига қараб келмақда бўлған бир неча от оёғларини эшишиб қоровуллардан биттаси — «туёқ товшими?» деб, иккинчисига савол ташлаб қўиди. Иккинчи қоровул мўралаб-мўралаб йўлға қаради:

- Уч отлиқ қўринадир.
- Вақтсиз келгучи ким экан?

— Бундай вақтда қўрбошидан бошқа киши келмас эди, эҳтимол ўшадир.

Дарвоқиъ, қўрбоши ўзининг икки йигити билан етиб келди ва отидан қўниб жиловини йигитининг қўлиға берар экан, қоровулларга буюрди:

— Дарбозани очсинлар!

Қоровуллар ичкарига хабар бергандан сўнг дарбоза очилиб қўрбoshi ичкарига кирди. Ўрданинг теварак масоҳатини¹ биз чамалаб кўрган здик, шунинг учун ўрданинг қай даража кенг бўлиши ҳам бизга қиёсан маълум. Аммо ўрданинг кўпроқ қисми дарбоза томонида қолдирилиб, жанубга тортилған хатти мустақим бир девор билан бўлинган эди. Нариги томон ўрданинг ичкари қисмини ташкил этиб, унда бек — ҳоким оиласи турар эди. Ўрданинг ташқариги қисмининг уч тарафи (жануб, шарқ, гарб) биносиз, фақат қўргон деворларининг зиналари эди. Аммо иморат қисми дарбоза билан бир қаторда бўлиб, сўл биқинида девонхона, унинг қаторида бўйига қирқ, энiga йигирма олчин жой олған ўн беш даричалик каттакон чорхари уй, ичига элли чоғлиқ бек йигитлари гулхан солиб ўлтурас эдилар. Бу уйнинг қатори ошхона, отхона ва шунингдек, ҳожат уйларини ташкил этар эдилар.

Қўрбоши дарбозабон ёнида тўхтаб, ундан сўради:

- Бек ичкаридамилар?

Дарбозабон дарбозани кучаниб ёпар экан, жавоб берди:

Масоҳат — сатҳ, юза, майдон.

Хатти мустақим — тўғри чизик.

— Билмадим, тақсир.

Үрданинг чароғчиси дарбоза яқинидаги машъала ёғочига ўт бериб, бутун ўрда ичи ёриб кетди. Қўрбоши дарбозанинг ўнг тарафига қараб юрди. Бу томонда ниҳоятда зийнатланиб бино қилинған олий иморатлар бўлиб, шаҳар усталарининг ҳамма санъат ва маҳоратлари шу биноларда гавдаланур эди. Қўрбоши биринчи эшик ёнида турған яроғлик қоровулдан ўтиб, кичикрак, нақшлиқ, бир уйга кирди. Иккинчи эшикдан ўтиб, улут бир золга чиқди. Зол жуда нафис ишланган эди: олтин қандиддаги эллилаб шамъларнинг нури билан мунаққаш деворларнинг олтин, кумуш, кўк-қизил, оқ-пушти, сарик-қора гуллари юлдузлардек яшинаб, уйга бир хаёлийлик берар эдилар. Уйнинг остига тўшалган қизил лола гуллик гилам кишини гўё бир чаманда ҳис этдирад эди. Золнинг тўрида, кичкина ҳалдор бир эшикча ёнида, атлас кўрпача устида ўн беш ёшлар чамалиқ, қизил духобадан кийинган кўркам бир ўғлон палов еб турар эди.

Қўрбоши эшиқдан кирап экан, ўғлонга қараб қулимсиради:

— Ҳа, Аҳмадхон, сиз шу ерда экансиз, — деди.

Аҳмадхон жойидан қўзғалмади:

— Мен ҳамиша шу ерда, қани ошра.

— Раҳмат. Қушбеги ичкаридадирлар?

— Ичкаридалар, — деди Аҳмадхон, — мен тўйиб қолдим, келсангиз-чи.

— Бўлмаса табаррук кўлингиз билан битта ошатингиз.

Аҳмадхон кўлига сиққунча ош олиб қўрбошига тутти, қўрбоши ихлос билан Аҳмадхоннинг қўлидан ошади. Ул ошнифина эмас, ҳатто Аҳмадхоннинг қўлини ҳам ошайдирған эди.

Кўб фурсат ўтмади. Тўрдаги кичкина эшик очилиб ичкаридан тўла юзлик, ўсиқ қошлиқ, оғир қарагучи кўзлик, сийрак соқол, ўрта бўйлик, устидан кимхоб тўн кийиб, белига қилич осқан қирқ, беш ёшлар чамасида бир киши кўринди. Аҳмадхон билан қўрбошининг ўринларидан туриб таъзим қилишларидан бу зотнинг ким эканлиги билинар эди. Бу киши келиб атлас кўрпача устига ўлтурди ва ўзининг салмоқ товши билан:

— Қалай, Холиқбек, — деди, — юртларингиз тинчлики, ўлтуринг.

— Худойға шукур, давлатлари кўланкасида, — деб қўрбоши тавозиъланди ва қўл қовиштириб қушбегининг яқинига чўккалади. Аҳмадхон бўш лаганни дастурхони билан кўтариб қушбеги кирган эшиқдан чиқди.

— Кечаги ўрилар нима бўлди, кўлга туширдингизми?

— Давлатлари кўланкасида... Ўрилардан биттаси тутилди, давлатлари ёри¹ берса қолғанлари ҳам ушланур, деб ўйлайман.

— Бошқа нима хабарлар бор?

Қўрбоши юзига жиддийлик ҳолати берди:

— Давлатлари ёри берса ҳукуматимиз учун қўрқунч бўлған бузуқилар уясини топқандекман, — деди.

¹ Ёри — кўмак, ёрдам.

Қүшбеги ўзига ўнгайсизлик бермақда бўлған қиличини тизасига олиб ҳамон совуққонлиқ билан сўради:

— Қандай бузуқилар уяси?

— Қандай бузуқилар уяси бўлсин, тақсир, — деди қўрбоши, — дунёда қора чопонлиқлардан ҳам кучлирак бузуқилар бўладими?

Қүшбеги кўтарилинқираб олди ва кўzlари бир оз каттароқ очилди:

— Хўш?

— Маълумингиз, улардан Азизбек билан Юсуфбек Тошканда билфеъл исён чиқарип ётадирлар. Бироқ улар шунинг ўзигагина қониқмай, Марғилонни ҳам бузиш фикрига тушканлар ва шу мақсадда бу ерга одам ҳам кўндирганлар.

— Одами ким, танидингизми?

— Танидим, тақсир, — деди қўrбоши мағрур бир оҳангда, — Юсуфбек ҳожининг ўғли ва ўзимизнинг Марғилондан ҳам яна бир неча бузуқилар.

— Юсуфбек ҳожининг ўғли?

— Тақсир... исми Отабек.

Қүшбегининг кўзи ёнди... Манглай этлари тиришиб, сўл қўл билан соқолини тутамлаб фикрга кетди. Бу хабар унга бошқача таъсир берган эди: Тошкандинг Кўқонға қарши исён қилаған бир замонида, исёнчилардан бири ҳам биринчиси бўлиб танилған Юсуфбек ҳожидек бир кимсанинг ўз ўғлини Марғилонга юбориб, бунда ҳам исён чиқариш қасдида бўлмоғи унингча жуда яқин ва шубҳасиз эди.

— Ул ҳозир қаерда турадир?

— Мирзакарим қутидор исмлик бир кишиникида.

— Мирзакарим билан қандай алоқаси бор эмиш?

— Баракалла, тақсир, — деди қўrбоши, — Отабекнинг Марғилондан топқан энг яқин кишиси шу қутидордир. Мундан бир неча кун илгари Отабекка ўз қизини бериб куяв ҳам қилибдир. Айтишларича, Отабекнинг барча режалари шу қутидор билан кенгашиб бўлар экан.

— Уларнинг теварагига кимлар йигилған?

Қўrбоши қўйнидағи ёзувни олиб қүшбегига узатди:

— Ҳозирча менга маълум бўлған бузуқилар шунда.

Қүшбеги ёзувга кўз югуртириб рўйхатдаги кишиларни дарҳол келтуришга буюрди. Қўrбоши қуллик қилиб чиқрач, яна бир қайта ёзувни ўқуб фикрга толди.

* * *

Ўтаббой қүшбеги¹ ҳозиргина ичкари ўрдадан қайтиб чиқран эди. Шу орада қўrбоши кириб унга қуллик қилди:

— Келтирдим, тақсир. Бироқ иккисини тополмадим.

Қүшбеги чидамсизлик билан:

— Отабекни-чи? — деб сўради.

¹ Ўтаббой қүшбеги қитчок бекларининг тузуклариданди. Бу киши Марғилонда 1263—67 ҳижрий йиллар орасида бек бўлиб турди. Мусулмонкунинг азалидан сўнг унинг ўрнига мингбоши Ҳарбия ва бош вазир) бўлиб белгуланди. Марғилонда Ўтаббойдан қолған осор ҳам бор (муал).



Құрбоши мазаффарона жавоб берди:

- Тұтдим, тақсир, қутидорни ҳам.
- Олиб кирингиз.

Қүшбеги тинчланғанда, құрбоши дағыдан ташқариға ишорат берди ва қайтиб қүшбегига рухсат құллығы адо қылды ва ундан изн олиб үлтүрди. Эшиқдан икки қуроллик йигит мұхофазатида Отабек ва қутидор күриниб бекка құллық қылдилар. Қүшбеги яроғың, йигитларни қайтишға буюриб, гунохкорларни ёвошина қилиб үз олдига чакирди. Отабекқа түшинмаслиқдан бошқа үзгариш сезилмаса ҳам қутидор жуда құрққан, ранги үчкан эди. Иккиси тенгликта қүшбегига қарши чўккаладылар. Отабекни ортиқча бир дикқат билан кўз тегидан ўткарғач, қүшбеги сўради:

- Отабек деган сизми?
- Тақсир, ман.
- Тошқандык Юсуфбек ҳожининг ўғлisisiz?
- Тақсир.
- Ҳозир Марғилонда турасизми?
- Тақсир.
- Марғилон келганингизга кўб бўлдими?
- Қирқ кунлар чамаси.
- Марғилонга нима юмиш билан келган эдингиз?
- Савдогарчилик билан, тақсир.
- Ўзингиз ёлғизми?
- Бир кишим бор эди.

Қүшбеги қўлидағи рўйхатка қараб олди ва давом этди:

- Ҳасанали ким бўладир?

Отабекдаги бояғи түшинмаслик бир шубҳага алишинди. Аммо парвосизча жавобини бераверди:

- Қулимиз бўладир, Тошқандан келгандағи йўлдошим шу сиз айткан Ҳасанали эди.
- Ҳасанали бу кунда қаерда?
- Марғилонда.
- Сиз билан бирга турадими?
- Йўқ. Саройда бирмунча молларимиз бўлар эди, саройда молларга қараб турадир.
- Бу киши кимингиз?
- Қайин отамиз.
- Кўбдан берими?
- Бу кун саккизинчи кун...
- Илгари ўзингиз уйланган эдингизми?
- Йўқ.
- Ўзингиз тошқандык бўлатуриб нима мажбурият остида Марғилондан уйландингиз?

Бу саводдан Отабек бир оз ўнгтайсизланиб тўхтади. Аммо бу ўнгтайсизланишдан қүшбенининг олдида бошқа бир ҳақиқат очилғандек бўлди:



— Жавоб берингиз.

— Тақдир, тақсир.

Күшбеги бир оз ўйлаб олиб яна савол берди:

— Марғилонда кимларни танийсиз?

— Марғилонда уч-турт кишидан бошқа одамни танимайман.

— Акрам ҳожини танирсиз?

— Танимайман. Унинг билан бир неча мажлисларда ўлтуришкан эдим.

— Бу кунда Акрам ҳожи ошнантгиз қаерда?

— Билмадим, тақсир, — деди ва қайин отасига қаради.

Қутидор жавоб берди:

— Акрам ҳожи бу кунларда Андижонда бўлса керак, тақсир.

— Хўб. Отабек, сиз жавоб берингиз: Акрам ҳожи билан бўлған мажлисларингиз кимницида эди?

Отабек бундай сўроқларнинг бекорга эмаслигини пайқаб, бунинг тегида қандай бўлса ҳам бир гап борлигига ишонди:

— Биринчи мажлисимиз мундан бир ой чамаси бурун Зиё ака деганинг уида, иккинчиси (кутидорға имо қилиб) бу кишиникида бўлған эди. Шу мажлисларда Акрам ҳожи ҳам бор эди.

— Зиё аканикида бўлған мажлисингизга кимлар иштирок қилди?

— Мен, Зиё шоҳичи, бу киши (кутидор), — деди ва бир оз ўлланиб олди, — Зиё аканинг ўғли — Раҳмат, Акрам ҳожи, Ҳасанали, Ҳомид исмлик яна бир киши.

Ҳомид исмини эшиткан қўрбоши тасдиқ қилғандек бир ҳаракат ясаб қўйди. Күшбеги қўрбошига ер тегидан кўз юбориб олди-да, давом қилди:

— Иккинчи мажлисингизда кимлар бўлди?

— Иккинчи мажлисимида бояғи кишиларгина бўлди. Фақат Ҳомид йўқ, эди.

— Боя, Марғилон келганимга неча кун бўлди, дедингиз?

— Кирқ кунлар чамаси

— Яхши, — деди қүшбеги, — айтингиз-чи, қирқ кунлаб Марғилонда қолишингизнинг сабаби нима эди?

— Маълумки, ҳозир Тошканд қамал (муҳосара) ҳолатидадир. Шундай вақтда Тошкандага қайтиш ўзи ақлсизлик бўлар эди.

— Қорачопончи бўлғанингиз учун, — деди истеҳзо қилиб қүшбеги, — қипчоқ оғайнилардан қўрқдингизми?

— Сўзингизга тушунолмайман, — деди кулиб Отабек. Бу гапни оддий кишига айткандек қилиб сўзлади. Қутидор унинг бу айткан гапидан эмас, кулишидан ниҳоят даражада қўрқувға тушиб ўзида иссиқлиқ-совуғлиқ бир ҳолат ҳис эткан эди. Ҳокимларга гарчи тўғри бўлғанда ҳам дағалроқ сўз айтиш ўлимни тилаш билан teng эди. Ўтаббой қүшбеги замона ҳокимларининг тузуги бўлса ҳам, кўп бўлмаса озроқ уларнинг таъсири бунда ҳам бор эди. Отабекнинг бу гапидан қизишиди:

— Қипчоқ душмани бўлған отангиз Юсуфбек ҳожини унудингизми? Отангизнинг сизга берган ваколати қаерда қолди?

— Қипчоқ душмани ким, отам кимга қандай ваколат берган, худо ҳаққи учун очиб сўзлангиз, йўқса ёриламан, тақсир!

— Ўзингизни тағофууга¹ солмангиз, бек йигит, — деди құшбеги, — отангизнинг ким эканини, сизни Марғилонга нима учун юборванини, қутидор билан мунда қандай ишлар қымкоқда бўлғанилиғингизни, бар-часини ҳужжатлари билан биламиш. Сиз марғилонлик оғайниларни қипчоқларға қарши оёқландирмоқчи бўласиз, буни ҳам яхши биламиш!..

Отабек } — Е олло!
Қутидор

Отабек азбаройи бўғилиб кетканидан кўкимтил товланған, қутидор безгаклардек титрай бошлиған эди. Отабек ўзини куч билан йифиштириди:

— Бунда зўр туҳмат бор, тақсир, — деди, — отамни қипчоқ душмани ва мени Марғилон оғайниларини исёнга ҳозирлаш учун келган, деб ўйлайсизми?

— Ўйламаймиз, аммо яхши биламиш. Қутидорнинг сизга нима учун қизини бериб, куяв қылғанига ҳам яхши тушунамиз.

Қутидор суратдек қотиб қолди. Отабек бўлса ўзидағи ҳаяжонни куч ҳол билан тарқатишига тиришар эди. Құшбеги билан қўрбоши бу икки гуноҳкорни таъқиб этар, улардаги ҳар бир ҳаракатни ўзларича бир нарсага йўяр эдилар.

Уч-тўрт дақиқалик сукутдан кейин Отабек тилга келди:

— Биз бу дақиқада сизнинг фикрингизча гўё бир эъвогар, гўё бир исёнчи бўлиб танилиб турибмиз, — деди бек, — чиндан ҳам шундор кишилармизми, йўқми, буни албатта сизнинг текширишларингиз, ҳақиқатларингиз кўрсатар. Мен сизнинг қиличингиз остида ўлимдан кўрқиб ёки сизга хушомад учун сўзламай ҳукумат кишиларимиз орасида тушинадирған бир одам бўлғанилиғингиз важидан отамнинг ҳам ўзимнинг қандай фикр ва маслак кишиси эканлигимизни айтиб ўтмакчи бўламан: биз на қипчоқларға тарафдор бир киши ва на шаҳарлик оғайниларға. Бу икки фирмә² бизнинг назаримизда бир-бирисидан мумтоз, идора ишида бири-биридан ортиқроқ ҳалқлар эмасдир. Шунга биноан Туркистон ҳалқларининг истиқболларини бу икки фирмәнинг биттасига ҳавола қилиш байни кўйни бўрита топшириш қабилида бўладир. Нега десангиз, ҳар икки томоннинг иш бошиға интилган кишиларининг кўкрагига кўл солиб кўрсангиз, бирисининг фақат эл таламоқ, бойлиқ ортдирмоққагина бўлған гаразини, иккинчисининг кўркли хотинлар, юқори турмишлар учун бўлған мақсадиниғина кўриб, икки орадан «Элни тинчтай, эл ҳам роҳат-тирикчилик қиласин» деган учунчи бир олий мақсадни чароғ ёқиб ахтарсангиз ҳам тополмассиз. Мана биз, тақсир, шу кейинги ишда кўрилмаса ҳам фақат ширин хаёллардагина юрган олий фирмәга ўзимизда тарафдорлик ҳис этамиш.

¹ Тағофул — билиб билмасликка олиш.

² Фирма — гурӯҳ, бўлак.

Отамнинг Азизбекка яқин туриши қипчоқ душмани, қора чопон та-рафдори бўлғанидан эмас, балки бояғи маслакка бир хизмат қилмоқ учундир. Таассуфки, отамнинг Азизбекдан бўлған умиди бўшка кетди: бу кун ул ўзининг ярамас хаёли йўлида хондан юз ўтириди ва бу орада қанча гуноҳсизнинг қони тўкилишига сабаб бўлмоқдадир. Маним бу сўзларимга ишонинг-ишонманг, ихтиёр албатта сиздадир. Аммо бундог энг жўн бўхтон билан қораланишимга виждоним қаршисида сўнг даража муаззабман¹, тақсир!

Күшбеги Отабекнинг бу гапларидан яхшигина тараффудга тушкан эди, аммо — «Азизбекнинг оталифи ва кенгашчиси» бўлған Юсуфбек ҳожининг ўғли бўлиши унинг миясини қотирған, балки, бу гаплар шундай эҳтимолларга қарши дастур қилиб берилган бўлмасин, деган фикрга келгаи эди. Отабекнинг юқоридаги гапларидан сўнг бўлған ундаги ўзгариш ҳам фақат бу ишни яхшилаб текшириш ва ҳозирдан бир ҳукм бермасликкина бўлди.

— Ҳарҳолда сизнинг яхши ниятлик кишилар бўлмаганлиингиз кўзимиз ўнгидадир, — деди қүшбеги, — шунинг учун то ҳақиқат ошкор бўлгунчалик ҳар иккингиз зинданда қоларсиз.

Отабек бир сўз айтмай сукут қилди. Кутидор «чора йўқми?» дегандек қилиб куявига қаради. Күшбенининг ишорати билан йигитлар ҳозир бўлиб, гуноҳкорлар зинданга жўнатиїдилар. Күшбенининг — «Эртага уйида мажлис қурилғанларни ва бу мажлисда иштирок қилған бошқаларни ҳам қўлға олиб, ҳузуримга келтиrintиз!» деган амридан сўнг кўрбоши ҳам рухсат олиб чиқди.

14. Нажот истаб Тошканда

Бу кун саккиз кундан берига — «кутилмаган бир бахт» эгаси бўлиб олған Кумушбиби учун бу ҳол кутилмаган бир баҳтсизлик, кутилмаган бир фалокат эди. Эндиғина «Бекни уйлантиридим, суйганига қўшиб қувонтиридим», деб бу уйлантиришнинг ҳусни ва қубҳини² тузукраккина ўйлай олмаган Ҳасанали учун ҳам бу воқиъа кичкина гал, озгина қайфу эмас эди. Кўзининг оқу қароси, ёлғиз қизини маҳтовлик куявга бериб, қизи билан куявининг бир дақиқа ҳам бир-бирларидан ажраша олмағанларини кўриб кўйнагига сифмай юрган Офтоб ойим учун куявитина эмас, ҳатто эрининг ҳам бу вартага³ тушмори чидай оларлик бир ҳол эмас эди. Кумушбиби ўзининг «кутилмаган бир баҳти» учун ишонмарандай бўлиб юрар эди. Чиндан ҳам муңдан кейин қайтадан қовишмогига ишонмай қўйди. Ҳасанали «кутилдим» деган эди, яна тоғдек қайгура тутилди. Офтоб ойимнинг сўйингани ичига тушди.

Кумушбиби билан Офтоб ойимнинг бу фалокатка қарши топқантутқанлари ёлғиз кўз ёши тўкишкина бўлди. Бу фалокатнинг оғирлиги яна ўзининг тоғдек катталиги билан Ҳасаналининг устига тушди. Кү-

¹ Муаззаб — азобдаман.

² Ҳусни ва қубҳи — яхши ва ёмон томони.

³ Варта — гирдоб, ҳалокатли жой.

мушбиби эри билан отасининг нажотларини кимдан кутишни билмас эди-да, қора кўзларини жиқ ёшга тўлатиб — «энди нима қиласиз?» дегандек Ҳасаналига термулар эди. Қутидор оиласида бошқа эр зоти бўлмаганиқдан Офтоб ойим қариндошларидан «жонкуяр» деб танилган киши Кумушнинг тоғаси Аҳмадбек бўлиб, ул ҳам умрининг кўпини Қўқондами, Хўжандами ўткарап, шунинг учун ундан ҳам ёри кутиш узоқ гап эди. Мана бу жиҳатдан ҳам Кумуш ва онасининг бирдан-бир ишонғанлари яна Ҳасаналининг ўзи эди.

Барча оғирлиқ Ҳасаналининг устида. Ўзингнинг туғилиб ўсқан ерингда оға-иниларинг, билиш-танишларинг бўлиб ҳар нучикда улардан шунингдек оғир кунларда сўз билан, иш билан бир ёрдам ола биласан. Аммо бизнинг Ҳасанали Тошкандада эмас — Марғилонда, мусофаратда, кишиларини танимаган бир шаҳарда. Бошда Ҳасанали Зиё шоҳичи билан унинг ўғли Раҳматдан яхшигина умид туткан, ҳар ҳолда улардан бошқа таянарлиқ кишим йўқ, деб ўйлаған эди. Баҳтка қарши бу фикрдан ҳам тезда қўл ювди. Зиё ака билан Раҳмат ҳам қўлға олиндилар ва Ҳасаналининг ўзи ҳам қидирила бошланди. Ҳасанали ва Кумушбилиарнинг қайғулари яна бир қат ошти, қўрқунчи устига қўрқунч қўшилди. Ҳасанали ҳам Отабеклар билан бирлиқда биринчи кун қўшилиб қамалған бўлар эди, бироқ унинг саройда бўлиши улардан ажралиб қолишиға сабаб бўлған эди. Қўрбоши йигитлари томонидан Ҳасанали ҳам қидирилиб бошланғач, улардаги «балки бу кун, эрта бўшатиб юборарлар» деган умид ҳам бўшга чиқди. Бошда Ҳасанали ўз эрки билан ҳукуматка топширилиб, маҳбусларга жазо келса бирлиқда тортиб, қутилиш мұяссар бўлса бирга кутилишга ўйлаб қараган эди. Унинг бу фикрига Кумуш билан онаси қарши тушдилар: «Сизнинг озод юришингиз маҳбуслар учун балки фойдали бўлар», дедилар. Ҳасаналининг ўзи ҳам уларнинг раъйини мувофиқ топди. Бироқ унинг ташвиши икки қат ошди: ҳар дақиқа ҳадукда, қўрбоши йигитларидан қочиб яширинишга, ҳар соат жой янгилашкан мажбур эди.

Ҳасанали кунларини томоқсиз, тунларини уйқусиз кечира бошлиди: Отабеклар нега қамалдилар, қандай гуноҳлари бор экан? Отабекнинг ипидан-нинасигача бўлған сирри унга маълум эмасмиди? — Бу жиҳат билан ўйлағанда «Қутидорларнинг бирар ишлари балосига қолдиёв», деб фикр қиласар эди. Бу фалокатни умумийроқ текшириб бошласа, ҳалқ орзида мақол ўрнида истеъмол қилинған «Ажалингнинг етиши қилған ёзингингдан¹ эмас — бек акангнинг қонсираши» деган гап кўнглига тушар эди-да, беихтиёр уфлаб юборар эди.

Орадан беш кунлаб ўтди, маҳбуслар зиндан балосидан қутила олмаганиларицек, уларнинг қамалиш сирлари ҳам ҳеч кимга билинмади. Ҳасанали шу беш кун ичида маҳбусларнинг нажотлари йўлида қора пуллик иш чиқара олмаганидек, бундан кейин ҳам бир иш қила олишиға кўзи етмай қолди. Чунки қўрбоши йигитларидан сақдана олишнинг ўзи ҳам унга катта вазифа даражасида эди.

Нихоят, Марғилонда туриш фикридан қайтиб, Тошканд жўнаш

¹ Ёшд — гунок, айб.

хәёлига тушди. Бу кунларда ҳам Тошканд тинчсизлиги бир тарафлик бўлмаған, ҳануз Тошканд Кўқон сипоҳлари томонидан муҳосара ҳолатида эканлиги тўғрисида хабарлар келиб турмоқда эди. Ҳасанали бу гаплардан хабарсиз эмас, Тошкандга кириб олишнинг қай даража қўрқунч бўлғанилиги ҳам унинг кўз ўнгидаги эди. Иш шундоғ бўлса ҳам ул Тошканд жўнаш учун ўзида бир мажбурият ҳис этар, нажот йўлларини энди Тошкандан изламаса бошқа чора йўқ эди. Қарорни шунга бериб, бу фикрини Кумуш билан Офтоб ойимга сўзлади. Уларда эпакалик бир мия, Ҳасаналига йўл кўрсатадирған ихтиёр қолмаған, топқанлари фақат йиғи эди. Ҳасаналининг «Сиз билан маним қўлларимиздан бир иш чиқадирған ўхшамайдир. Нима бўлса ҳам мен Тошканд бориб, нажотни ўша ердан изламасам бўлмас», дейишига қарши Кумушбиби бир хил синиқ товушда:

— Марғилондан топилмаған нажот Тошкандан топилсинми? — деди.

— Биз энди шунга мажбурмиз, қизим, — деди Ҳасанали, — қайнин отангиз эҳтимол бунинг бирар чорасини топар.

— Биз энди шундай қолаберамизми, агар золимлар... — деди-да Кумуш сўзининг охирини айталмай ўқраб юборди. Ҳасанали ҳам ўзини куч ҳол билан йигидан босар экан, Кумушни юпатди:

— Ундай бўлмағир хаёлларга тушманг, қизим, — деди, — қушбеги бошқаларга қараганда инсофлик ҳокимдир. Худо хоҳласа, мен Тошкандан қайтқунча улар ҳам зиндандан қутилурлар.

Бу кун кечаси ул йўл тайёриклигини кўрди. Миниб кетиши учун кутидорнинг саман йўргасини белгулади. Эртаси эрталаб Марғилоннинг Кўқон дарбозасидан биринчи галда чиқғучи Ҳасанали бўлди

15. Тошканд қамалда

Бу кун Тошканд қамалининг элли биринчи куни. Совуқ бир оз юмшаб тушкан, қуёш очиқ ҳавода ҳаракат этмақда эди. Ерлар эриб, ҳамма ёқ шилт-пилт лой, қўрғон кунгираларидағи қировлар буғка айланиб кўкка кўтарилимақда эдилар.

Бу кун тонгдан бошлаб, Тошкандинг Самарқанд дарбозаси томонидан бўлған қўқонлиларнинг ҳужумлари ўzlари учун сўнг даражада ҳалокат билан туталган. Кўқон сипоҳлари эндиғи ҳужумгача шикаст-рехтларини тузатиш, яраларини борлаш, дамларини олиш учун қўрғон ёнидан қаёққадир — қўшларига¹ кетканлар. Қарамоққарина эмас, сўзлашша ҳам даҳшат: Камолон дарбозаси билан Самарқандвача бўлған қўрғон остлари (бу икки дарбоза оралари беш юз адим келадир) бошсиз ва иштондан бошқаси туналган инсон гавдалари билан тўлибдир. Бу очиқ мозористонни қўрғон кунгиралари устида мудофааъдан сўнг чарчаб, қуёшда жилиниб² ўлтурган саллалик, қалпоқлик ва попоқлик Тошканд мудофиълари минг турлик шодликлар ичида томоша қила-дирлар. Бу икки дарбоза орасида икки хил ҳолат ҳукм сурадир —

¹ Қўш — вақтинча қўниш жойи

² Жилиниб — исиниб.



күрғон осталарида жағаннам даҳшати билан яланғоч, боши танидан олиниб қора қониға беланған одам гавдалари ётиб, күрғон устида иккинчи кишилар дунё шоддиги ичида сузадирлар.

Күрғон устидаги қаҳрамонлардан биттаси кула-кула бир саркардана отиб ўлдирғанлыгини сўзлаб: «Падар лаънатини ўзим хўбам отдимда, отининг устидан уч газ кўтарилиб йиқилди!» дейдир. Тарин биттаси ўликлар ичидан кимнидир кўрсатиб: «Ана, ана, ҳов ана! Ўша қипчоқда ўқ, тегиб ўлиб ўлалмаи, юриб юралмай инграб ётқан экан. Қиличим билан бошини шартта кесиб, белидаги олтин камари ва устидаги кимхоб пўстунини олиб чиқдим!» дейдир. Ҳар ким бу кунги урушдаги ўзининг эрликлари билан, кўлға туширган олтин камари, ёқут кўзлик узути, совсар пўстуни, кумуш қинли қиличи ва бошқа ўлжалари билан маҳтанадир.

Шу вақтда күрғон устидан қўшиқ товши эшитиладир:

Замонинг замон бўлсин — ёр,
Азиз бегинг омон бўлсин — ёр.

*Дардига даво топмай — дўст
Норматинг ёниб ўлсин — ёр!*

Биз энди шу ўликлар ёни билан күрғон бўйлаб бир оз илгарига юрсак олти газ юксаклиқда, беш газ кенглиқда, икки ёни саккиз газлик күрғон девори билан ўралған, кунботарға қаратиб қурилған Самарқанд дарбозаси ёнида тўхтармиз. Теварагимиздан душманнинг ҳужум қилиш кўркунчи бўлранлиқдан биз ортиқча чиdamсизлик билан дарбозани қоқа бошлармиз:

— Очингиз бек ака, тезроқ очингиз!

Дарбоза беклари бизга илтифот қилмай ўлтура берадирлар. Бизнинг ўн беш дақиқалиқ жон аччиғида қаҳшаганимиздан кейин дарбозабонлардан биттаси зерикиб секингина күрғон деворига чиқадир-да, мўралаб бизга қарайдир. Ул бизни аниқ тошқандлик бўлғанимизга ишонса дарбозага солинган нортуюнинг бошидек қулфни минг машаққат билан очиб, занжирини тушурадир. Биз ўзимизни ичкарига олғач, дарбозабон ўзининг ҳазми кўтартган қадар бизга пўнғилайдир-да, дарбозани берклаш ҳаракатига тушадир. Энди биз дарбозанинг ҳайъатига қараймиз: ошланған кўй пўстагидан пўстун кийиб, белига бутун бир бўздан белбоғ борлаған ва белбоғига ярим газ чамалиқ калид осқан, туркман попоқдик бир киши. Шундан кейин биз дарбозанинг ўнг томонига қараб юруймиз. Дарбозадан ўн беш адимлар нарида, шийлонга ўхшаш тўрт тарафи очиқ бир бинода дарбоза беклари гулхан солиб, чилим чакиб ўлтурадирлар. Биз кўрғоннинг ости билан илгарилашда давом этамиз. Энди биз бояғи мудофиъларни² ичкаридан кўра-

¹ Нормат — Нормухаммад қушбеги: Тошқандни мұхосара килгучи кўқониллар — қипчоқлар амири лашкари (муал.).

² Мудофиълар ҳалқ ичидан чиқган мерғанлар бўлиб, шунинг учун уларнинг ёш ва кийимлари ҳам турличадир. Үрда йигитлари ёлғиз бекнинг мұхофазатида здилар. Кўрғонлар мұхофазати ҳалқ, кўлида эди (муал.).



миз: мудофиълар қўрғоннинг энг юқорири поғонасида ўзларининг турлиқ тус ва бичикдаги кийимлари билан қайсилари шашвар тутиб, қайсилари милтиқ ушлаб, қўрғон кунгирасига суюниб, бошларини қуёшга бериб ўлтурадирлар. Қўргоннинг Камолон дарбозасигача бўлған қўруқ¹ ўринлари шунингдек мудофиълар билан тўлған бўлиб, ўзига бир турлиқ қўриниш ташкил этадир.

Камолон ва Самарқанд дарбозаларининг ўрта бир ери бўлған қўрғон остида кимхоб тўн кийиб, симоби салла ўраған, белига кумуш боғлаб, қилич тақинган бир бек олдидағи бир уюм нарсага ишорат қилиб ёнидаги бир йигитка ниманидир уқдирмоқда эди. Биз яна элли-олтмиш адим юриб ҳалиги сўзлашиб турған беклар яқинига борсак, қўрғон ташқарисида кўрган даҳшатларимизни ўзининг кўлагасида қолдиратурған яна бир «даҳшатлар тепаси»га кўзимиз тушадир-да, қўрқувимиздан соатлаб ҳушимишни йўқотиб қўйишга мажбур бўламиз.

Уч-тўрт юз инсон бошидан турғузилған бир тепа.

Қаричга келадирган узун соқоллар, бошдағи хун олуд-сийрак сочлар, бўзарған юзлар, қонра беланиб, ярим очиқ ҳолда қорачиқ ўрнини қўрқунч бир оқлиқ босқан кўзлар дунёга ва шу ҳаётка лаънат уқуғандек қарайдирлар. Аиниқса бир бош, эҳтимолки, ҳали йигирма йилни ҳам ўтмагандир, мурти ҳам чиқмаған. Хун олуд қуюқ қошлари остидағи ярим очиқ кўзлари кимнидир излагандек қарайдир... Ярим очиқ иринлари ичидаги оқ тишилари билан тилини гарчча тишлаган-да, гёё шу турмишда, шу бесар² ҳалқ ичидаги туғилғани учун «аттанг» ўқуядир.

Бу бошлар уюми устида турған қўрғон бегиси ёнидаги йигитка бошлар орасидан бирини кўрсатиб, ўз танишларидан бир бекнинг боши бўлганлигини сўзлайдир. Шу пайтда Камолон дарбозаси томонидан яроғланған учта отлиқнинг от чоптириб келганлари кўрилиб, қўрғон устида ўлтурған мудоғифлар ичидаги олағовур қўпти:

— Ҳудайчи³, Сулаймон ҳудайчи! — дейишилар.

Ҳудайчи қўрғон беги қотига' етиб, бек ҳазратларининг ҳозир етиб келишларига башорат берди, яна отининг бошини буриб йигитлари билан орқага қайтди. Ҳудайчи бошининг ҳабаридан бу кунги улут музаффариятни қутлағали Азизбекнинг келиши маълум бўлар эди.

Ҳудайчи жўнағач, қўрғон бегининг пайтавасига қурт тушиб, ти-пирчилаб қолди ва у ёқдан-бу ёққа югира бошлади:

— Ҳой қўрғон устидаги азаматлар! Ҳозир бўлингиз, ясов тортингиз, бек келадирлар! Ҳой Ҳусайнбек, дарбозабонларга югир, ҳозир турсинлар! Фанибек юзбоши, сиз йигитларингизни тартиблангиз! Ясовулбоши, ҳозир бўлингиз!

Қўрғоннинг қўруқ ўрнидаги қаҳрамонлар ҳаракатка келдилар, юқори қўруқдан бир порона қўйига тушиб саф-ясов тортдилар. Шовқин-

¹ Қўруқ — мудофиълар қўрғига саклаб турниладиган жой.

² Хун олуд — қонга беланган.

³ Бесар — боши айланган: ақасиз.

⁴ Ҳудайчи, үдайчи — адҳотант маъносида бўлиб, одатда хон келиш олдидан ҳалдни оғодлантириб ўткучи бекдир Азизбек ўзига ҳудайчи белгулаган эди (муал.)

⁵ Қот — дузур, олд.

сурон орасида қўрғон беги от устида қўргоннинг у бошидан-бу бошига чолиб.

— Ҳозир бўл, йигитлар! Тартибингни тузат, саломга тайёрлан! — деб қичкириб юрар эди. Қаҳрамонлар қўлларидағи миљтиқ, шашвар, ойболта, қилич ва найзалири билан тизилишиб олдилар. Сафнинг ўрта еридан яшил байроқ кўтарилиди. Шунинг билан Азиз парвоначининг истиқболига лозим ва вожиб¹ бўлған барча тартиб ва тантанага ҳозирланилган бўлинди.

16. Азизбек

Орадан уч-тўрт дақиқа ўткандан кейин Камолон тарафидан бир юз чамалиқ саркарда ва йигитлари билан Азизбек кўринди. Тилла жабдуқли қизил айғирға минган, қуёш ёғуси билан турлик туска кириб товланадирған, ёқа ва этакларига олтин уқа тутилган кимхоб тўн кийиб, белидаги олтин камарга кумуш қинли жазоири қилич осқан, бошига оқ шоҳидан салла ўраб, оёқларини кумуш узангига тираган, сийрак қошлиқ, чўққи соқол, бугдой ранглик, қирқ беш-элли ёшлар чамалиқ бир киши эди. Унинг орқасидан қора отға отланиб, зангори мовутдан уқалик тўн кийган, кумуш камарнинг ўнг томонига қилич, сўлиға тўғангча қистирған, бошига барра попоқ кийиб, жин ялаған деганлариdek қошсиз, қорамтил юзлик, икки чакагининг устида бир оз, иягида бир оз сийрак, кўримсиз қора соқоллик, кўзлари ичига ботигроқ, аммо қон куйилғансумон бир киши келар эди. Бу киши Азизбекнинг амири лашкари ва ўнг қўли бўлған Райимбек доддоҳ эди. Унинг қаторидағи иккинчи киши кичикроқ саман отка отланиб, устига Бухоронинг ола байроқ матасидан чопон кийиб, камар ўрнига чопонни тутмалаган, бошига катта салла ўраб, қамчи сопи билан эгарнинг қошиға такя қылған; тўла кўркам юзлик, катта малла кўзлик, узун мош-гуруч соқоллик мулланамо бир зот бўлиб, бу киши яроқсиз эди. Азизбек орқасидан келгучи бу икки отлиқдан сўнг сипоҳлар туркуми бошланиб, зангор мовутдан тизагача тушкан калта камзул, қизил мовутдан шим, оёғда сағри этик, бошда Райимбек доддоҳнинг бошидағи-дек попоқ, аммо уст томони қизил мовутдан, оқ қайишдан камар, сўлиға қилич осилиб, ўнг томонига тўғангча қистирилған ҳар қаторда тўрттадан отлиқ келмақда эдилар. Сипоҳларнинг кексаликлари тўғри-сидағи нуқсонни эътиборга олинмаса, кўриниш мунтазам эди.

Қўрғон устида ясов тортқан қаҳрамонлар қўл боғлаб икки букил-гансумон таъзим билан Азизбекни илгарига ўтказа бошладилар. Азизбек уларга қарши олтин соплик қамчисини кўкрагига кўндаланг қўйиб боши билан ҳам жавоб ишораси бериб олдинлар эди. Шу кезда бошлар уюми ёнида турғон қўрғон бегиси отидан ерга тушиб жиловини қовуштирилган қўллари орасига олди. Бошлар уюми билан Азизбек ораси қирқ-элли от адими қолған эди. Азизбек қаҳрамонларнинг саломларига жавоб қайтаришни ҳам унутиб, кўзини кесик бошларга тикиди. Азизбекнинг орқасидағи саркарда ва сипоҳлар ҳам бу даҳшат уюмига

¹ Вожиб — бажарилishi мажбурий, фарз.

эгарга қийшик ўлтуриб томоша қилиб келар эдилар. Азизбек кишила-ри билан бошлар ёнига келиб тухтади.

Азизбек бирмунча вакт бошларни томоша қилиб турди-да, қарши-да құл болғаған құрғон бегига қараб илжайды:

— Баракалла ғайратларингизга, — деди Азизбек, — бу күн қип-чоқларға рустамона жавоб беріб, үзларини ҳам итдек қирансиз. Бун-чалик ғайрат күрсаткан фуқароларға раҳмат, дунё тургунча турсинлар!

Азизбек ташаккурини битиргач, ҳудайчи құрғон устидаги қаҳра-монларға ҳамма товшини қўйиб қичқирди.

— Бек жаноблари бу кунги рустамона ғайратларингизга раҳмат айтиб, қақларингизга дуо қиласырлар¹

Мудофиълар дунёни бузыб жавоб бердилар:

— Құллиқ тақсир, құллиқ! Тақсиримиз дунё тургунча туриб, сояи давлатлари бопнимиздан кам бўлмасин!

Азизбек қамчисини кўндаланг қўйиб мудофиъларга қуллик қилди ва ҳудайчига буюрди:

— Құрғон бегига кимхоб тўн, юзбошиларға атлас чопон, бошқа йигитларга уч тангадан пул инъом берилсин.

Ҳудайчининг хабаридан сўнг мудофиълар жавоб қайтардилар:

— Давлатлари зиёда бўлсин!

Хазиначилар сипоҳлар орқасидан икки отни етаклашиб ҳудайчи ёнига етдилар. Бир отнинг устига чопонлар ортиған, иккинчи отдаги катта хуржиннинг икки кўзи лиқ танга эди. Бошлаб ҳудайчи от усти-дан бир кимхоб тўнни олиб, құрғон бегига кийидирди. Құрғон беги тўнни кийиб Азизбек ҳақига узун дуо қилди. Сўнгра ҳудайчи бир йигитка тўн қўлтиқлатиб, иккинчи йигитка тангалардан олдириб құрғон беги билан бирга қаҳрамонлар ёнига чиқди. Құрғон бегининг кўрса-тишича кимга уч танга пул, кимга адрес чопон улашилиб бошланди.

Азизбек от устида бошлар уюми теварагида айланиб Райимбек доддоҳ, ва ола-байроқ тўнлик кишига ўзининг таниш саркардаларидан бўлған кимларнингdir бошларини кўрсатмақда, тирик вақтларида нима ишларда бўлинниб ва қора чопониларға қандай зулмлар қилғанларини сўзламакда эди. Азизбекнинг бу гапларини Райимбек доддоҳ самимий эшитса ҳам олабайроқ тўнлик одам «тақсир, тақсир» билан жавоб беріб, бошлар уюмидан жиркангансумон эгарининг қошига кўзини тикиб турмоқда эди.

Ярим соатлик бир фурсатдан кейин қўрғоннинг бошдан-оёқ ясов тортқан қаҳрамонларига инъомлар улашилиб битди-да, ҳудайчи ўзи-нинг куруқ хуржини билан Азизбек қотига келиб қуллик қилди. Азиз-бек қаршисида құл болғаб турған құрғон бегидан сўради:

— Йигитларингизнинг барчаси ҳам қуруқ қолмадими?

— Давлатингиз соясида, тақсир.

— Қипчоқларнинг бу кунги ҳужуми қай вақтда бўлди?

— Тонг ёрир-ёrimас Оқ тепа¹ томонидан тўп ота бошладилар, — деди қўрғон беги, — ўн беш дақиқа ўтар-ўтмас отлиқ қипчоқ қўшин-лари кўриниб Самарқанд дарбозасига югирдилар. Шунгача мен ҳам

¹ Оқ-тепа — Самарқанд дарбозасининг ғарбида бир мавзутъ исми (муал.).

давлатингиз соясида икки дарбоза ораларига мергандарни яйратқан здим. Башлаб Самарқанд дарбозаси қўруғидан отишга буюрдим. Мергандар ўн беш дақиқа орқасини узмай миљтиққа ўт бериб турдилар. Қипчоқлар бизнинг томондан отиған миљтиқ ўқларига чидалмай, Самарқанд дарбозасини ташлаб, Камолон дарбозасига юзландилар. Сўнгра давлатлари кўланкасида Камолон қўруғидаги мергандарни ишқа кўйдим. Бир соат чамаси отишқандан сўнг ёв бизнинг ўқимизга чидалмай, икки дарбоза орасида уч-тўрт юз ўлик қолдириб, қочишга мажбур бўлди. Биздан ёлғиз беш киши ўлиб, тўққиз киши яраланди.

Азизбек жуда завқланған эди, яна бир қайта баракалла ўқуб, сўради:

- Нормат қипчоқ, кўриндими?
- Йўқ тақсир: кўргон яқинига йўламади, йўлағанда...
- Ўшанга ҳозир бўлмоқ керак.

Давлатлари сри берса, албатта бизнинг муддао ҳам шунда...

Азизбек ўз оғзи билан мудофиъларга «Мен сизлардан рози!» деб қичқирди ва мудофиъларнинг қий-чув дуолари остида сипоҳлари билан Самарқанд дарбозасига томон ҳаракат қилди.

Бу кун Азизбек голибият далласида кўргонлардан бир айланиб чиқмоқчи эди. Шунинг учун Самарқанд дарбозасидан ўтиб кўргон ости билан Чақарға қараб юришдилар. Кўргон Чақарнинг чуқур жарлик ариғига тақалиб туталар эди. Чақар суви устига кўргон тиклаш мумкин бўлмай, жарнинг усти қўргондан табиъий бўш эди. Аммо жарнинг нариги томони бир тепадан иборат бўлиб, жануб биқини маълум Чақар суви билан, гарби Бўз сув ва Кўкча ариғи билан ўралған бурун каби бу тепа кўргонсиз ҳам душманнинг ҳужумига ўнгтайсиз эди. Тепа устида сипоҳ туриши учун бир неча бинолар солинган, жануби-гарбиға қаратиб бир, гарбиға қаратиб бир ва шимоли-гарбиға қаратиб яна бир; бариси учта тўп қўйилған эди. Бу тепа устида доимий тўпчи ва коровуллар турар эдилар.

Азизбек сипоҳлари ила жарга тушди ва сув кечиб ҳалиги тепага юзланди. Тўпчи, коровуллар кўздан кечирилиб, уларга бир неча тангадан инъом берилиди. Шундан кейин тепанинг кун чиқишига қараб қайтдилар. Чунки тепанинг бошқа томонлари юқорида айтилгандек бир неча терак бўйи жарлик бўлғанлиқдан Кўкча дарбозасига ўтиш учун Сузук ота мозори яқини билан Кўкча ариғига тушилур ва ундан кейин Кўкча кўргонларига қайтиб келинур эди.

Кўкча кўргонлари қўруғида анови кўргонларнидек мудофиълар кўб бўлмаса ҳам, йўқ ҳам эмас эдилар. Ҳудайчи Азизбекдан илгари-роқда қўриқчиларни огоҳлантириб борар, миљтиқ, шашвар туткан ёш ва кекса муҳофизлар уни саломлаб қарши олар эдилар ва Азизбекнинг «Раҳмат фуқароларим!» сўзини эшишиб яхшигина талтайишиб қолар эдилар. Шу равища Кўкча, Чиратой, Сакбон, Қорасарой, Тахтапул, Лабзах дарбозаларини ўтиб, энг кейин Қашқар дарбозасига етдилар.

¹ Тошканднинг булағдан бошқа яна Кўлон, Қайчас ва Бешёоч исчлиқ дарбозалари бўлиб, ҳаммаси икки дарбозадир. Қайчас дарбозаси бу кунги Тупроқкўронлигинг ўски шаҳар мухошида (Ўқчи маҳаллада) (муал.).



Қашқар дарбозаси ўрдага яқин бўлғани учун мунда муҳофиз ва сипоҳлар талайғина бор эдилар. Уларнинг саломларига кўмилиб, Азизбек Қашқар дарбозасининг муюшига еткан ҳам эди, ташқаридан кимнингдир дарбозани ошиғич тақ-тақ, ургани эшитилиб, Азизбекнинг оти хуркибми, қўрқибми кетига бурулиб тўхтади. Бошқалар ҳам тўхташга мажбур бўлдилар. Азизбек қаршисида қўл боғлаб турған дарбоза бегига бақирди:

— Нега қараб турасан, дарбоза устига чиқ, ким экан у ит?!

Дарбоза беги югуриб қўргон деворига чиқди:

— Тақсир, бир чол!

— Дарбозангни очиб, ичкарига ол! — деди Азизбек. Дарбоза очилди. Ташқаридан саман отини етаклаб Ҳасанали кирди-да, кутилмаган иш устидан чиқғани учун кўрқиб, Азизбекка салом берди.

17. Юсуфбек ҳожи

Райимбек доддоҳнинг ёнидаги бизга таниш олабайроқ тўнлик киши Ҳасаналини кўриши ҳамоно:

— Ҳа-а-а, бизнинг Ҳасанали-ку! — деди, — кел, Ҳасан кўришайлик, Отабек эсонми?

Ҳасанали келиб кўришди, Юсуфбек ҳожи кўришар экан, Азизбекка деди:

— Бу бизнинг кишимиз тақсир, Марғилоңдан келадир.

Азизбек лабини тишлиб қолди. Чунки тақиллатиб, отини ҳуркиткан Ҳасаналини жаллодра топшириш нияти, албатта йўқ эмас эди. Юсуфбек ҳожининг сўзига жавоб бермай йўлида давом этди. Ҳасанали сипоҳлар орқасидан, Юсуфбек ҳожи Азизбек кетидан ўрдага қараб юрдилар. Ўрда дарбозасига еткандан кейин кутиб турған ўрда беги Азизбекнинг қўлтиғидан олиб отдан туширди. Азизбек ўрда ичига кирмакда экан, Юсуфбек ҳожи отдан қўниб сўради:

— Менга рухсатми, бек?

Азизбек йўл устидан ҳожига қаради:

— Рухсат, эртага чойни ўрдага келиб ичинг.

— Яхши, тақсир.

Юсуфбек ҳожи сипоҳлардан бирининг қўлтиқлаши билан отира миниб, нарида кутиб турған Ҳасаналига қараб юрди. Сипоҳлар ҳам ўрда ичига от етаклашиб кира бошладилар.

Юсуфбек ҳожи Ҳасаналининг вақтсиз, ҳам Отабексиз қайтишидан ташвишланган ва қандай бўлса ҳам бир фалокат юз берганига ишонган эди:

— Нега вақтсиз келдинг, Отабек соғми? — деб сўради.

Юсуфбек ҳожи Ҳасаналига етмасданоқ бу саволни берди. Ҳасанали эшитмадими ёхуд эшитса ҳам эшитмаганга солиндими, ҳар нучук жавоб бермади.

— Нега индамайсан?

— Отабек саломат...



- Бўлмаса нега вақтсиз келдинг, Отабек қани?
- Отабекнинг қамалишидан хабар бериш Ҳасанали учун жуда оғир туйилган эди. Ниҳоят кўзидағи ёшини артди-да:
- Отабек Марғилон ҳокими тарафидан қамалди,— деди.
 - Нега, нега? — деди ҳожи, отидан сачраб йиқилишга еткан эди. — Сабаби нима?
 - Сабаби маълум эмас.
 - Астағифируллоҳ, — деб қўйди ҳожи, ўзини бир оз тўхтатқан эди.
- Ҳасанали Отабекнинг Марғилон борғанидан тортиб, қамалиширача бўлған ҳикояларини сўзлаб кетди. Юсуфбек ҳожи бекнинг уйланишини ҳам оддий гаплар қаторида эшлитиб ўткарди.
- Марғилонда туриб бир иш чиқаришга кўзим етмагандан кейин Тошканд келишка мажбур бўлдим,— деди Ҳасанали ва шу гап билан можарони сўзлаб тутатди. Ҳожи вақиъани эшишиб, чукур бир мулоҳаза ичидан борар эди. Унинг қаңдай киши бўлғанини Тошканднинг етти ёшаридан етмиш ешаригача билганлиқдан гузар ва маҳаллаларда унга дуч келган кишилар жойларидан туриб салом берарлар, ҳожи бўлса жавоб қайтаришни билмас, гўё кишиларни ҳам кўрмас эди. Ниҳоят шу ҳолда кўб юргач, орқасида келмакда бўлған Ҳасаналига қараб отининг бошини бурди ва:
- Отабек билан бирга қамалғанларни неча киши дединг? — деб сўради.
 - Уч киши: бири Мирзакарим қутидор, иккинчи Зиё шоҳичи, учунчи Раҳмат.
 - Яхши, сен бу тўртавининг ўлтуришларида бўлғанмидинг?
 - Бўлған эдим.
 - Нима ва қайси тўғриларда сўзлашдилар, Отабек қипчоқларга қарши сўзламадими?
 - Сўзламади. Бошқаларнинг ҳам бу тўғрида сўzlари бўлмади.
 - Уларнинг мажлисларида бўлмаган вақтинг ҳам бўлдими?
 - Ҳар бир ўлтуришларида мен ҳозир эдим.
 - Яхши, сен улар билан қай ерларда ўлтуришдинг?
 - Биринчи мартаба Зиё аканикида бўлдик, иккинчи...
 - Тўжта, Зиё аканикида меҳмонлар неча киши эдилар?
 - Қутидор, Отабек, андижонлик Акрам ҳожи, мен, Зиё аканинг қайниси — Ҳомид деган бирав, Зиё ака ва унинг ўғли... Ҳаммаси етти киши.
- Юсуфбек ҳожи отининг ёлини қамчиси билан тарар экан, уч-тўрт дақиқа ўйлаб қолиб, сўнгра сўради:
- Иккинчи ўлтуриш қаерда бўлди?
 - Иккинчи ўлтуриш Зиё аканикидан икки кун сўнг қутидорникида бўлди. Бу мажлисда ҳам ўша биринчидағи кишилар эдилар. Ёлғиз Ҳомид йўқ эди.
 - Тағин қаерда ўлтуришдингиз?
 - Бошқа жойда ўлтуришмадик... Мундан йигирма кундан кейин тўй бўлди. Тўйда албатта бундай сўзлар гапуришилмайдир.

- Иккинчи мажлисингизда ким ҳали, Ҳомид дедингми, нега йўқ эди?
- Билмадим, нега йўқ эди... Қутидор айтмаган бўлса керак.
- Қамалгучилар: Отабек, қутидор, Зиё ака, Раҳмат, шундоғми?
- Шундоғ, ҳожи.
- Сени ҳам қўрбоши йигитлари қидирдилар?
- Қидирдилар.
- Акрам ҳожи Андикон кеткан эди. Шунинг учун уни тополмадилар, шундоғми?
- Шундоғ.
- Ҳомидни-чи?
- Уни қидирмадилар шекиллик... Отабек қамалгаңдан сўнг алла қаерда кўргандек бўламан.
- Бизга келин бўлмишни, гўзал, дедингми?
- Илоҳи Отабек саломат қутилсин, муҳаббат қўйганича бор...
- Келиннинг сулувлиги Марғилонда маълум эканми?
- Маълум экан, тилларда достон экан.
- Ҳомид уйланган йигитми, билдингми?
- Уйланган. Бизнинг ҳужрага келганда, икки хотини борлигини ўз орзидан эшиткан эдик.
- Ҳомид сизнинг ҳужрага нима учун келган эди? — деб сўради ҳожи, — нега буни боя сўзламаган эдинг?
- Эсимдан чиқибdir, — деб узр айтди Ҳасан, — Ҳомид Раҳмат билан бирга Отабекни Зиё аканикига таклиф қилиали келган эди ва биз уларга ош-сув қилиб жўнаткан эдик. Аммо уларнинг ундей-бундай сўзлари бўлмаран, тўярилиқча келиб кеткан эдилар.
- Яхши, ўша Ҳомидни сен қандай одам, деб ўйлайсан?
- Қўланса сўзлик, ичи қорароқ бир йигит эди, — деди Ҳасанали, бир оз борғач сўради. — Отабекнинг ишини оғир, деб ўйламассиз?
- Ҳожи жавоб бермади. Ул жавоб бергали ҳам қўрқар эди. Унингча иш жуда нозик, ғоятда қўрқунч эди. Чунки, Марғилон зиндонида етгучи қипчоқ душмани бўлган Азизбек оталигининг ўғли эди. Тошканднинг исён чиқарян бир замонида Отабекдек бир йигитнинг Марғилонда қандай гуноҳ билан бўлса-бўлсин ушланиши ҳар жиҳатдан ҳам мудҳиш эди.
- Ул ўғлининг қутилиши йўлида ҳар бир мулоҳаза кўчасига кириб чиқмоқда, аммо ҳар бирисидан ҳам бўш ва умидсиз қайтмоқда эди. Энг сўнг ўғлига ҳужум қилаған бу фалокатнинг тадбиридан ақли ожиз қолди, мияси ишлашдан тўхтади ва шундан сўнг — «Парвардигоро, кексайган кунларимда доғини кўрсатма», деди ва кўз ёшлари билан соқолини ювди.
- Ҳасанали, зинҳор унинг қамалганини онаси билмасин.
- Албатта.
- Шундан сўнг отларини етаклашиб ичкарига кирдилар.

18. Жар

...Бу кун соат ўн иккода Отабек или қутидорнинг исёнчилик гуноҳи билан дорға осилишларини жарчи шаҳарга хабарлаб юрар ва халқ оғзида Отабекларнинг эмиш-мемиш ҳикоялари эди.

Ҳомид или биргалашиб кирган миршабни қўрбоши ташқарига чиқмокға буюрди-да, Ҳомидни ўлтуришкан имлади.

Қўрбоши ниманидир сўзламоқчи бўлса ҳам, негадир унинг тили осонлик билан ҳаракатка келмас ва ўзи ҳам бир турлик ўнгтайсизлиқда эди. Ниҳоят қўрбоши ўзига бир турлик жасорат берди:

— Боболар: «Дунёники мири кам икки» деганилар,— деди, — тўғриси ҳам шундоғ: ўзингни юз ёқва урсанг ҳам тирикликнинг яна бир бошқа ямори чиқиб турадир...

Туйғун¹ Ҳомид қўрбошининг нима мақсади борлигини пайқади:

— Тўғри сўзлайсиз, тақсир, — деди, — дунёники ҳамиша мирикам икки, шу етишмаслик балосидан тўйиб, баъзи вақтларда кишининг дунёдан чиқиб кеткуси келиб қоладир. Яхшиким, дунёда ошна, оғайни деган кимсалар бор... Агар шулар бўлмаса-чи, киши аллақачон дунёдан чиқиб кетадир. Шунинг учун мен оғайниларни кўзларим устида тутаман, уларни муҳтоҷлиқ чөғларида кўрсам, ўзимни гарав қўйиб бўлса ҳам эҳтиёждан чиқаришга тиришаман.

Қўрбоши тизаси устига кўндаланг қўйған қиличининг икки тарафидан босиб, бир қўзғалиб қўйди:

— Бали, бали, мулла Ҳомид, мундай оғайниларнинг садақаси кетсанг ҳам арзир, — деди томоқларини қириб қўйди. — Шу кунларда ўғилчаларнинг ёши етиб, суннати набионани² бажо келтириш тақозо этадир... Тўй керакларидан кўпини тадорик қилған бўласам ҳам, етишмаган ерлари ҳам кўб. Шуни сизнинг келишингиз олдида ўйлаб ўлтурар эдим...

— Бек ака, — деди Ҳомид ва тусига ясама кулиш чиқарди, — сиз аччиғлансангиз ҳам айтай: беклар зоти кишига сира ҳам ошна бўлмас эканлар. Айниқса сиз ҳамон ўзингизнинг беклиғингизга бориб, истиғонгизни³ эскича олиб борасиз... Бошингизда шунчалик қайғингиз бўлур эмиш-да, бир оғиз менга айтмас эмишсиз?

Қўрбоши Ҳомиднинг заковатига қойил бўлиб илжайди:

— Йўқ, йўқ, мулла Ҳомид, — деди, — бу ёқда гап бор: ҳукумат хизматида турғанингдан кейин юз ёқнинг мулоҳазасини қиласан...

— Тузик, бек ака, аммо маним ошначилигим тамом бошқачадир, — деди Ҳомид ва ёнчигини чиқариб бир қўлидан иккинчи қўлиға олтинларни санаб тушира берди. Қўрбошининг кўзи олтинлар устида ўйнаб булар баракасида қиласидирған суннат тўйисини, Марғилон беклари олдида ортдирадирған обрусини ўйламоқда эди. Олтинлардан йигирмаси ажратилгач, саноққа ишонмай кўриб турғаним тушми, деб уйқуси-

¹ Тұлғун — сезтир.

² Суннати набионана — пайғамбарнинг йўл-йўриги

³ Истиғон — эътиборсизлик, кибланиш.

ради. Ҳомид олтинларни узатди, — мана, бек ака, бу арзимаган олтин холис ошналиғимизнинг борланишидир, яна етмагани бўлса қараб турмасмиз.

Қўрбоши титраб, қахшаб олтинларни жойлади. Ҳомиддан ниҳоятда курсанд эди:

— Хўш, мулла Ҳомид, энди бу кунги ҳангамалардан сўзлашайлик, — деди бек. — Поччангиз ила жиянингизнинг бу ишқа оралашиб қолганлари ёмон бўлди-да.

Бу сўздан Ҳомиддинг юзига қайғириш аломати чиқди ва эътибор билан қўрбошининг оғзиға қаради.

Қўрбоши давом этди:

— Бу икки бегуноҳнинг қамалишлариға ҳам ўша ярамас сабаб бўлди. Йўқса уларни қамоққа олишга қушбеги буюрмас эди. Аммо кечаги қушбегига сўзлаған сўзингиз Отабек ила қайнотасини ўлимга маҳкум қилганидек, поччангиз ила жиянингизни бир қадар оқлади-лар. Шунинг учун мен борған сўнг бўладирган ҳукм мажлисида эҳти-мол қариндошларингизни қутқазишга муваффақ бўлурман. Ҳарҳолда қариндошларингизнинг қаттиғ жазо тортишлари шубҳалиқдир, сиз пай-қадингизми, йўқми кеча мен жарчига бу кунги осилғучиларни Отабек или Мирзакарим бўлавонлирини таъйинлаган эдим.

— Марҳаматингизга қуллук, — деди Ҳомид, — аммо шундօр бўлса ҳам қариндошларим тўғрисида хавфдаман. Бунинг бошқачарор бир эбини топиб бўлмасмикин?

Бояғи мукофотлар қўрбошини чинлаб бош оғритишига мажбур этар эди. Бу тўғрида ул анча ўйлаб одди:

— Кеча қушбеги олдида Отабекларни қай равищда айблаб сўзлаған эдингиз, таян бир эшишиб ишнинг режасини олай-чи?

— Қушбегига сўзлараним шундай эди — «Отабек айтди: энди бизнинг Тошканд ҳалқи қипчоқларнинг жабру зулми ва тадбирсиз идораси остида ётиб жуда тўйди. Бошлаб Тошкандан қипчоқ балосини йўқотиш учун Азизбек ва отам бошлиқ исёнга тайёрландилар. Шу мақсадда Марғилон оғайниларини ҳам қипчоқларга қарши оёқландирмоқ учун мени бу ерга юбордилар. Биз токай қипчоқлар қўл остида эзиламиш ва бир ҳовуч далатобларга бош эгамиш, деди. Отабекнинг бу сўзига қутидор ва Акрам ҳожилар қўшилишиб, унга бу йўлда ёрдамлашмакчи бўлдилар. Аммо мен бўлсан бу гапка қарши тушиб: сизларнинг бу фикрларингиз янгишдир, биз уч йил бўйи жаноби Үтаббой қушбенининг қўл осталарида яшаб ҳеч бир зулм кўрмадик. Шу ҳолда хукумат устига иқдомимиз¹ куфрони неъмат² бўлур, дедим. Отабек менга қаттиғ сўзлар айтди. Поччам ила жияним бўлса маним фикримда эдилар, аммо уйимизга келган меҳмон, деб уларга очиқ қаршилик қилимадилар. Бу мажлисдан кейин мен бир неча вақт Отабек ва йўлдошларининг қонлари тўкилмасин, деб бу гапни ичимга солиб юрдим. Бироқ Тошканда Азизбек ва Юсуфбек ҳожилар исёни бошланғандан

¹Иқдом — қадам босиш; ости қилиш.

²Куфрони неъмат — қадрини билмаслик, кўрнамаклик, нонкўрлик.

сүнг, ўзимнинг бу ишимни ҳукуматимиз учун хиёнат билиб, қўрбоши жанобларига хабар бердим. Ўзимнинг содиқона бу хизматим эвазига жанобларидан ожизона ўтингчим шулки, бу сирни сизларга билдиргучи мен бўлғанилиғимни ўзларидан бошқа кимарса билмасин, ҳатто муттаҳамлар ҳам сезмасинлар»— мана, фақирнинг Отабекларни айблашим ва қариндошларни оқлашим холосаси шундан иборатdir.

— Баракалла, — деди қўрбоши, — сизнинг бу гапларинтиж жуда ҳам ўринлик тушкан, мен ишонаманким, Зиё ака билан Раҳмат қутилурлар.

— Буни нимага суюниб айтасиз?

— Суюнчиғингиз маълум, — деди қўрбоши, — қушбегига Отабек ила қутидорни осмоқ фикрини берган бу сўз, поччангиз билан жияннингизни нучук қутқармасин.

— Поччам билан жияним илгариги сўроқда қандай жавоб берган эдилар, буни хотирлай оласизми?

— Уларнинг жавоблари кечаги сизнинг оқлашингизга сира ҳам қарши келмайдир. Чунки улар мажлисида бундай сўз бўлмади, деб тондилар. Бу эрса ўз уйларига келган меҳмонларни риоя¹ қилишлари бўлиб чиқадир-да, яна иш сизнинг оқлашингизга ёпишиб келадир.

Ҳомид тағин бир мулоҳазага тушкан эди. Унинг бу ҳолини кузатиб турған қўрбоши:

— Энди ортиқ ўйламангиз, мулла Ҳомид, — деди,— орада сиз қўрқарлиқ ҳеч бир иш йўқ.

Ҳомид нимадир айтмакчи бўлар эди-да, ўнграйсизланиб тўхтар эди. Бир икки қайта оғзини жўплаб қараса ҳам яна сўзлай олмади. Қўрбоши унинг бу ҳолидан хабар топди:

— Гапуринг, гапуринг, мунда ёт киши йўқ.

Қўрбошининг бу сўзи даҳдасида Ҳомид жасоратланди:

— Бу кун ҳукм мажлисида поччам ила жияним сўзларидан янгишиб кетсалар нима бўладир?

— Нега янгишсиналар, улар билғанларидан ортиқни албатта сўзламаслар. Ўлим деган нарса кўз ўнгига келиб тўхтағандан кейин Отабек-дек меҳмонлар риояси кўнгилдан ювилур, сўзнинг тўрисини айтишка мажбур бўлурлар ва иш ҳам сизнинг айблаш, оқлашларингиз руҳига келиб тўхтар.

Ҳомид яна ҳам ўнграйсизланиб тушди, ўзининг ички сиррига шу чоқғача тушина олмаған қўрбошига лаънатлар ўқур экан:

— Айблаш, оқлаш сўзларимнинг руҳини сиз бир ёққа қўяберинг-да, ишнинг ички томонини мулоҳаза қилинг, қўрбоши ака, — деди.

Хони ила сотилған кўзлар тўқнашдилар-да, бир-бирисидан маъно олишдилар ва орага бир неча дақиқа сўзсизлик, жимжитлик кирди. Қўрбоши чиндан ҳам бу ўрингача Ҳомиднинг ички сиррига мутталиъ² бўлмаған, қўлиға кирган олтиналарни ҳам ёлғиз унинг қариндошларининг қутилишлари йўлидағи чойчақалар, деб билар эди. Аммо энди

¹ Риоя — ҳурматлаш; андиша.

² Мутталиъ — хабардор, огоҳ.

илгари ва ҳозирда киссага тушкан олтиналарни Отабек ила қутидорнинг қон баҳолари эканлигини сезиб виждан тўлқинланади ва мутарафид бўлди. Қўрбошининг бу ҳоли Ҳомидни маълум икки йўл устида қолдирган эди. Бу икки йўл устида қолган Ҳомид саросима эди. Ўзини жаҳаннамга юбориш ва нажотка чиқариш ихтиёри қаршисидағи бекнинг қўлида эди. Унга тез-тез қарап ва ҳол тили билан унга яна кўб олтиналар ваъда қиласи эди. Бу ваъдаларни Ҳомиднинг юзидан ўқутган қўрбоши — «икки кишининг хун баҳолари!» деб қичқирмокда бўлган виждан садосини эшитиб ўлтурмади:

— Энди бунга қарши қандай йўллар кўзлайсиз?

Ҳомид ўзининг нажот томонига оришқанини сезиб энтиқди:

— Қушбегига қиласи айблаш, оқлаш йўлларимни поччам ила жиянимга тушундириш керак, деб ўйлайман.

— Тушундирсан тағин яхши.

— Раҳмат, бек ака, ундор бўлса вақт қочирмасдан уларнинг ёнларига тушиб, то ҳукм вақтиғача уқдира оласизми?

— Мумкин, ўзингиз тушсангиз яна яхши.

Ҳомид бошини чайқади:

— Отабек ила қутидорларнингтина эмас, ҳатто поччам ила жиянимнинг ҳам маним бу ишларда иштироким борлигини билмасликлари керақдир.

— Матькул. Аммо бунда сизнинг мақсадингизга қарши бир гап борким, ҳукм чогида қушбеги сизни йўқласа нима бўладир? Бу тақдирда улар сизнинг бу ишни омили бўлғанлигинизни билмасларми?

Масаланинг бу томони ҳам Ҳомид учун ёмон эди. Фариштадек соғ ҳолда қолмоқчи бўлған Ҳомиднинг бу ҳол сиррини очар, юзидағи никобини олишга, рақиблар ила юзма-юз келишкага мажбур этар эди:

— Ҳукм мажлисида бўлмаслигимни уҳдангизга ололмайсизми?

— Уҳдага олмоқ қийин, — деб бош чайқади қўрбоши, — аммо бу бир эҳтимолгинадир, чунки қушбегининг бир нарсага қарор бергач, оптик текшириб ўлтурадирган одати йўқдир.


Ҳомид узоқ ўйлаб турмади, юзидағи совуқ бир ўзгариш ичида:

— Майли, башарти юзлашмоқча тўғри келганда ҳам мен ҳозир, — деди, шундан сўнг ажралишдилар.

19. Ҳукмнома

Ўткир, қонсираган ханжарини белига осиб, ойболтасини кўтарган жаллод қушбегининг ҳукмига мунтазир эди. Қушбегининг ўнг томонида қўрбошидан тортиб шаҳар аъёнлари, қаршисида Отабек, қутидор, Зиё шоҳичи ва унинг ўғли Раҳмат — гуноҳкорлар ва уларнинг орқасида муҳофиз йигитлар.

Отабек билан қутидорнинг гуноҳлари улур бўлғаниқдан кўлларида кишан, Зиё ака билан Раҳматнинг қўлларида бу нарса йўқ эди. Қутидорнинг юзига ўлик туси кирган, Отабек бўлса гарангсиган қиёфатда. Ановилар ўзларини бирмунча тетик тутмоқда эдилар.



Қүшбеги ўзининг ёзилиб қўйилган ҳукмномасини қўлиға олиб ўқишга ҳозирланди. Ҳамма тип-тинч, ерга қараған эди:

«Менким Марғилон ҳокими Ўтаббой қўшбеги ўз ҳукмимни хоқон ибни хоқон жаноби олий Худоёрхон исми шарифларидан эшигдира-ман...»

Худоёр исмини эшигкучи аъён унинг таъзими учун ўринларидан туриб яна ўлтурдилар.

Қўшбеги ҳукмини ўкуди: «Эътимодлик¹ бир кишининг шаҳодатига биноан тошкандлик Юсуфбек ҳожининг ўғли — Отабек, бу кунда хонимизға қарши бош кўтарган Азиз парвоначи ва ўз отасининг ваколатлари билан Марғилон келиб, бу ердаги фуқароларни ҳам хон жанобига қарши оёқландирмоқчи бўлган. Отабекнинг бу ҳаракати улу-ламир² бўлган жанобга борийлик³ бўлиб, уни, яъни Отабек Юсуфбек ҳожи ўғлини ўлим жазоси билан жазолаш тақозо этадир. Иккинчи, Отабекка бу йўлда кўмакчи бўлиб юрган Марғилон фуқароси Мирзакарим қутидор ҳам шу жазога сазовор тутидар. Зиё шоҳичи билан ўғли Раҳмат бу борийлиқдан хабардор бўлатуриб, вақтида ҳукуматка маълум қўлмаганлари учун бир йилдан зиндан жазосига маҳкум бўлур-лар!»

— Ҳақсиз жазо, — деб Отабек кулимсираб қўйди.. Қутидор бўлса чин ўлиқ тусига кирган эди.

Зиё ака билан ўғли зинданга жўнатилдилар ва Отабек билан қутидор жаллод қўлиға топширилдилар-да, шунинг ила ҳукм мажлиси та-мом бўлди.

Орадан ўн дақиқа чамаси фурсат кечкаи эди, қўшбенининг аъёнга сўзлаб ўлтурган ҳикоясини тезроқ битишини кутмақда бўлган қўрбо-ши ниҳоят чидалмай ўрнидан турди ва:

— Дор остира бориб ҳукм ижроси вақтида ҳозир туришимға ижо-затлари бўладирми? — деб сўради. Ул бу сўзни тугатар-тугатмас ўрда коровули Пирмат кўринди-да, қўшбегига қуллик қилди:

— Бир хотин киши арзим бор дейдир, кирсинми?

Қўшбеги қўрбошиға рухсат ишорасини бериб, Пирматка деди:

— Кирсин.

Ўҳшамаган ерда бир хотиннинг арзга келиши қўрбошининг кўнглига шубҳа содди. Мажхула⁴ хотиннинг қаңдай арзи бўлғанлигини билиб кетишка тиласа ҳам қўшбегидан рухсат олиб қўйғани учун маҳкамадан чиқишига мажбур эди. Қўрбоши маҳкамама эшигидан даҳлизга чиқар экан, эскигина паранжига ўралған бир хотин қўшбеги тўғрисига тўхтаб, букилиб таъзим қилди. Хотинда ҳаяжон ва энтикиш ҳолатлари бор эди. Шунинг учун қўрбошининг бояғи шубҳаси яна кучайди, қўшбенинг кўзидан йўқолиб туриси мақсадида ўзини эшикнинг орқасига олиб кетмай тўхтади.

¹ Эътимод — ишонч.

² Улуламир — буюк амир.

³ Борий — исенчи.

⁴ Мажхула — нотаниш, номаълум.



Хотин шошилиб кавшини ешди-да, эшик остида ниманидир паранжи ичидан охтаринди. Хотиннинг бу ҳаракатига тушинолмай ажабланган қүшбеги:

— Ичкарига кириб арзингизни сузланг, опа, — деди.

Хотин ичкарига кирди ва қүшбеги оддига бориб унга нимадир берди-да, орқасига қайтиб эшик ёнига келиб турди. Хотиннинг бериб кеткан нарсаси уч, турт буқланган бир қороз эди. Қүшбеги секин-секин қороз тахларини оча бошлади...

— Худо ризоси учун тезроқ. Йўқса... икки гуноҳсизнинг қонлариға ботарсиз!

Хотиннинг бу сўзидан аъён бир-бирларига қарашидилар. Қүшбеги тез-тез қороз тахларини очиб битирди ва йўғон қалам билан ёзилган узун бир мактубни ўқумоққа одди. Мактубни ўқуб чиқиш узоқда чўзилғанлиқдан ниҳоятда тоқатсизланган эди. Охирида қүшбеги мактубнинг сўнгроғири келиб тўхтади-да, чақирди:

— Пирмат, Пирмат!

Пирмат югуриб кирди.

— Лаббай, тақсир!

Қүшбенининг товшида шу чоқҷача эшлилмаган бир ҳолат бор эди:

— Даррав ҳалиги осилиш учун юборилган гуноҳкорларнинг орқасидан от билан югир! Дор остидан бўлса ҳам қайтариб кел! Буйрумни қўрбошига айтсанг унар!

Пирмат қуллик қилиб даҳлиз томонга қаради:

— Қўрбоши ҳам шу ердалар, — деди.

— Чакир!

Даҳлиздан қўрбоши кириб қуллик қилди.

— Хизмат, тақсир.

— Яхши, сиз кетмаган экансиз, — деди қүшбеги, — Пирмат билан бориб, дарҳол бояни гуноҳкорларни қайтариб келингиз.

Шубҳасини бекорга бўлмаранини сезган қўрбоши ёнида тик турғучи хотинга қараб олди:

— Сабаб, тақсир?


— Сабабини суриштирадирган вақт эмас, чоп дедим, чоп!

Қўрбоши қуллик қилиб Пирмат билан чиқди. Унинг кейинидан қүшбеги «падар лаънат» деб сўкиниб аъёнларга қаради. Энди хотиннинг ҳаяжони бир оз босила тушкан эди. Қүшбеги қўлидаги хатни яна ўкушга тутинди. Аъёни шаҳар бунчалик ишқа яраган қүшбенининг қўлидаги мактубга ва уни келтиргучи хотинга қарашибмоқда эдилар. Қүшбеги мактубни иккинчи мартаба ўқуб чиқиб хотинга қаради

— Ўлтурингиз, синглим, — деди.

Хотин ўлтурмакчи бўлған эди паранжи ичидан унинг атлас қўйлаклари ва нафис оқ қўллари кўриниб кетди. Қүшбеги ер остидан хотинни қузатди-да, қўлидаги мактубнинг орқа, ўнгини текшириб қаради. Мактуб анчагина уринған, қозози шалоқланған эди. Сўнгра хотиндан сўради:

— Кутидор билан Отабекнинг кими бўласиз, синглим?



— Қутидорнинг қизи, Отабекнинг хотини.

Бу сўзни эшиткучи аъён бир-бирларига қарашиб қўйдилар.

— Буни нега илгарироқ олиб келмадингиз?

Қушбегининг бу саволидан Кумушбиби қўрқунч бир маънони онглади. Гўё «иш ўткан сўнг келибсан» дегандек тушинган эди. Шунинг учун ул титроқ бир овоз билан сўради:

— Энди ярамайдими?

— Йўқ, йўқ, қизим, — деди қушбеги, — мен нега кеча ва ўткан кунларда олиб келмадингиз демакчиман.

Кумушбиби бир энгикиб қўйди ва ўзини тўхтатиб:

— Ўзим ҳам бу мактубни шу букун кўрдим, — деди.

— Мактубни илгари кўрмаган эдингизми?

— Кўрмаган эдим.

— Мактуб қаерда экан?

— Унинг эски камзулининг чўнтағида экан¹.

Шу гапдан кейин қушбеги мактубни ўзига яқин ўлтурган Азим понсад бошига узатди:

— Сиз ҳам ўкуб кўринг-чи, понсад, — деди ва Кумушдан сўради. — Ўқуғанмисиз?

— Ўқуғанман.

— Эрингизнинг ҳукуматка қарши ҳаракатини илгари ҳам билар эдингизми?

— Қанақа ҳаракатини?

— Масалан, биз отангиз билан эрингизни нима учун осмоқчи бўлдик?

— Ҳақсиз, гуноҳсиз!

— Бу мактуб билан эрингизни ўлимдан қутила олишини сизга ким айтди?

— Ўзим билдим.

— Бўлмаса илгаридан эрингизнинг ўша ҳаракатини ҳам билар экансиз-да?

— Йўқ, тақсир, — деди Кумуш. Қушбегининг мақсадига энди тушуниб олган эди, — мен онам билан то шу кунгача уларнинг нима гуноҳ билан қамалғанларини билалмай ҳасратда эдик. Фақат бу кун кишиларнинг оғзидан эшитиб билдики, сиз уни Тошкандан исён чиқарғали келгучи, деб гуноҳкор қилур экансиз. Онам билан маним баҳтимга кутмаган жойдан мўъжизадек бу мактуб топилди-да, мен хизматингизга югирдим... — Кумуш сўзини тутгата олмади, чопишидан ҳаллослаган Пирмат даҳлиздан кўриниб, бекка қуллик қилди:

— Дор ёнидан қайтишдилар!

Кумушбиби сачраб Пирматнинг юзига қаради ва узоқ тин олиб қўйди. Шу чоқгача хат ўкуб ўлтурган понсадбоши мактубдан яхши асарланган эди. Мактубни ёнидагига берар экан, қушбегига деди:

— Бу хат тошкандлик Юсуфбек тўғрисидағи фикримизни тамом

¹ Бу мактуб ўткан фаслларнинг биттасида ёзилиб ўткан эди. Ўқутучи Юсуфбекдожининг Тошканд тинчсизлиги чоғида Отабекка ётган хатини хотирласа керак (муал.).



ўзгартадир, тақсир! Унинг Азизбек томонлиқ бир киши эканлиги Фарғонанинг ҳар бир хос ва оми оғзида нақл қилинса ҳам аммо хеч бир кимса унинг ичига кириб чиқмағандир. Ҳар кимнинг кўнглидагини ёлғиз бир худодан бошқа ким билсин!

«Ёв қочса ботир кўпаяр» қабилидан шу чоқрача лом демай ўлтурган шаҳар аъёнлари ҳам масалани онглаб, сўзга аралаша кетдилар:

— Худо ҳақни ноҳақ қилмади, бечора ёш йигитнинг ҳақсизга қони тўкилмади.

— Кутидордек қўимизож бир одамнинг бундай зўр ишкага оралаш-қанлигига ақл ҳам бовар қилмас эди.

Гўё бу сўзлар Кумушбибининг ўчкан чарогини қайтадан ёқарлар, умид осмонининг йўқолиб, яшириниб кеткан юлдузлари яна қайтадан ўз ўринларига келиб қўнғандек бўлурлар, унинг кўз ўнгидаги жой олган қоралиқлар шу ёқила бошлаған нажот шамълари партави билан ўз-ўзларидан йўқолғандек кўринарлар эди.

Даҳлиз эшиги остида бир дуркум оёқ товушлари эшитилиб кўрбoshi кўринди.

— Келишдилар, тақсир, кирсинарми?

Күшбеги жавоб бериш ўрнига мактубни олиб кўргача остига яширди ва Кумушбибини танbihлади: «Мажлисда маним рухсатимдан бошқа сўзлашингиз отангиз билан эрингизнинг ўлимларини тилашингиздир, тушиндингизми?» Кумуш қабул ифодасини бергандан сўнг күшбеги даҳлизда қараб турған кўрбошига «Кирсиналар» деди.

Кумушбиби уларни боя йўл устида, йигитлар орасида кўрган бўлса ҳам бироқ даҳшат ичида фақат ўрдага қараб югира берган эди. Энди «Кирсиналар» жумласини эшиткач, юраги ортиқча шопириниб кетди, унинг истиқболига туришни ва бўйнига осилиб йиглашни тиласа-да, қаршисидағи «олабўжилар» бунга мониш эдилар. Шу вақт йигитлар олдида, қўлларида кишан бўлғани ҳолда Отабек билан қутидор кирдилар.

— Йигитлар, сиз чиқингиз! Кўрбоши, сиз кишанларни ешингиз! — деб буюрди қүшбеги.

Ўзининг мундан кейинги кўргуликларини фожиъалар водийсида кўрган кўрбоши бошлаб кишан калидини қутидор қўлига солди. Ка-лидни бурар экан, унинг қўли дир-дир қалтирамоқда эди. Ҳомиднинг номаълум бир гарази йўлида курбон қилинаёзган ва бу гаразда ўзининг ҳам иштирокининг борлигига қойил² бўлган кўрбоши ишни бу янглиғ аксланишидан сирнинг очилғанини муқаррар билиб, ўзини шу соат жаллод қўлига топширилишини аниқ кутмакда эди. Минг бало билан қутидор қўлинини бўшнатиб, гал Отабекка етди. Отабек қўлларини бўшатғучи кўрбошининг бунчалик титраб, қалтирашидан ўз рақибларидан биттаси шу киши бўлғанини ўйлади. Гарчи ўзининг нажоти ҳали қоронғу эрса-да, кўрбошини бир синағ кўриш учун ҳамма кучини икки кўзига йигдида, унга қаради. Фавқулодда даҳшат касб эткан

¹ Ҳос — юкори табака, амалдорлар.

² Қойил — иқрор.

унинг кўзлари қаршисида қўрбошининг гуноҳкор кўзлари чидай олмадилар-да, ерга боқдилар. Отабекнинг бу синаши ўз фикрининг тўғри бўлиши билан итифодланди.

Қушбегининг буйруги билан икки гуноҳкор тиз букиб ўлтурдилар. Қўрбоши ҳам тўрбасини йўқотқан гадойдек қушбегининг чап ёнига, Кумушбибининг юқорисига бориб ўлтурди. Отабек ва қутидорнинг кўзлари Кумушшибига тушкан бўлса ҳам ўз қайгулари билан бўлиб унга илтифот қиласа, ҳоким маҳкамасида паранжилик хотиннинг нима қилиб юрганиридаги фавқулоддалик ҳам эсларига келмаган эди. Дор остидан қайтиш сирри, қўлдан кишсанларни олиниш сабаби уларни жуда шоширган, шунинг учун қушбегининг оғзига қараған эдилар. Қушбеги бўлса негадир узоқ ўйлаб ўлтурар, тезда гап очмас эди. Бу ҳолда бутун мажлис аҳли қабзиятда¹, қирқ қулоқ бўлиб унинг оғзига тикилган эдилар. Аммо бу ҳолга қўрбоши жону дилдан гарафдор, шу ҳолда бир неча кунлаб эмас, йиллаб сўзсиз қолишини тилар эди.

— Отабек, — деди қушбеги сўз бошлаб, — кўлга олинған кунингиз менга ўзингиз билан отангизнинг қандай кишилар бўлганингизни, яъни маслакингизни сўзлаған эдингиз. Аммо биз ўшал сўзларингизга далил ва исботсиз ишона олмаймиз. Сизни дор остидан қайтариб келишимиз ҳам ўшал даъвонгизга бирар исботингиз борми ёки қуруқ, бир гапми, деб ҳукмнинг ижросини бир оз фурсатка тўхтатишидир. Энди сиз ўшал даъвонгизни исбот қила оласизми?

— Ўшал кунги маним сўзлағанларим, отам билан маним ички сирларимиз эди, — деди бек, — албатта бунга гувоҳ ва исбот топиш қийиндир. Агарда отам келиб маним сўзимни қувватлағанда ҳам бари бир сиз, ўслини қутқазиш учун сўзлайдир, дер эдингиз-да, эъвогарларнинг гапига ишониб ўз ҳукмингизни қила берар эдингиз.

Яшиндек сүққан унинг бу сўзларидан қушбеги ўзини аранг тўхтатди:

- Демак, ўша сўзларингизни исбот қилиш учун ҳужжатингиз йўқ?
- Йўқ... Исбот учун виждонимдан бошқа шоҳидим йўқ.
- Яқин орада Тошкандан бирар нарса олғанмидингиз?
- Яъни нима?
- Масалан ҳат.

Отабек кўб ўйлай олмади, бутун борлиги билан ҳаракат қилиб қичқирди:

- Одим, одим! Исботим ҳам бор!

Аъени шаҳар унинг бу ҳолига чидаб туролмай кўзларига ёш олдилар.

Отабек яна деди:

- Одам қўшсангиз мен келтирай гувоҳимни!
- Тингчланингиз, Отабек, — деди қушбеги, Отабек бир оз ўзини иғиб олғандан кейин сўради. — нима олған эдингиз?
- Мактуб.
- Кимдан?

¹ Қабзият — диккат бўлиш, диалогика.

- Отамдан.
- Қачон?
- Тошканда исён бошланиш олдиdan.
- Үндан кейин-чи?
- Олмадим.

— Отангиз ўша хатида нималардан баҳс қылар эди?

— Тушунмаган Тошканд ҳалқини Азизбекнинг макрига учканидан, энг охирда... — асарланиб тўхтаб олди,— маним шу ҳолга тушмормини каромат қабилидан сўзлаб, менга бирмунча насиҳатлар ҳам қилган эди.

Отабекнинг бу сўзидан кейин понсадбоши — «энди бўлар» дегандек қилиб қушбегига қаради. Кўрбоши эрса Отабекнинг устида ҳали бунчалик тергашлар борлиғи учун ўзини бир оз тўхтатиб қолди. Қушбеги кўрпача остидан хатни олиб Отабекка кўрсатди

— Бу қанақа мактуб, танийсизми?

Отабек кўргучи кўзларига ишонмағандек:

— Танийман, — деди, — таърифини сизга сўзлараним, отам мактуби! Таажжуб, буни сизга ким келтирди, тақсир?

Қушбеги енгилгина илжайиб Кумушбибига ишорат қилди:

— Нажот фариштаси, — деди. Кутидор билан бек ялт этиб Кумушка қарадилар. Энди Кумуш ортиқ, чида буролмади:

— Отажон, мен қизингиз!

Отабекнинг қулогига эшитилган бу товуш унинг юрагини ингичка ерига бориб теккан эди. Эсини йўқотиб турған қайин отасига қарамай:

— Сизми, Кумушми? — деб сўради.

— Мен, мен!

Бу савол-жавоб ила икки вужуднинг ҳамма ҳасратлари, аламлари бир-бирларига онглашилган, икки товушнинг бир-бirisига келиб қўшилишидан иккисига ҳам тил билан онглатиб бўлмаслиқ, бир ҳол юз берган эди.

— Бу сенми, қизим?

— Мен, отажон!

Бу ўрингача бошқа бир мулоҳазада ўлтурган қушбеги уларнинг сўзларини бўлиб, Отабекдан сўради:

— Кулингиз Ҳасаналини нега шу кунгача топиб бўлмади?

— Қамалған кунимдан берига ундан хабарим йўқ, тақсир, — деди-да, Отабек Кумушка қаради.

— Бу кун ўн икки кун; Ҳасанали ота Тошканд кетмишdir, шундан бери ундан дарак бўлмади, — деди Кумуш.

— Тошканд кетишкага уни нима мажбур қилди? — деб ўринсиз бир савол берган эди қушбеги, Кумушбиби унинг нима учун кетканлигини айтиб қаноатлантириди.

Масала яна хат устига ўтиб, Отабек қушбегидан сўради:

— Кўлингиздаги мактуб билан эҳтимол биз оқланган чиқармиз? — Кушбегидан тасдиқ ишорасини олиб давом этди. — Ҳозир биз сизниң

адолатлик ҳукмнингиздан бир нарсани сўраймиз: ул шулдурким, бизнинг тўғримизда ёмон мақсад билан сизга чақимчилик қилгучи эъвор ва баразгўлар бу мажлиска ҳозирлансишлар-да, ўзларининг машъум кашфларини ва ё кўрган-эшитканларини исбот қилиб бизни қайта бошдан дор остига юборсинлар. Билъакс исбот қилолмас эканлар, бизга қазиган чуқурлариға ўзлари йикитилсанлар! Адолатингиздан бизнинг талабимиз шул! — деди ва қўрбошига қаради. Унинг юзида қўрқиш ва изтироб аломатлари кўрди.

— Талабингиз ўринилек, — деди қушбеги, — аммо хасмингизни¹ бу мажлиска ҳозирлаш учун вақтимиз оздир ва лекин бу кун уни қўлра олармиз ва бириси кун бешовингизни бир ерга жамълаб ўз ҳукмимизни берармиз, — деди. Кумушбибига юзини ўтириди. — Қизим, сизнинг бунчалик заковат ва жасоратингизга отангиз билан эрингиз ҳар қанча ташаккур айтсалар ва ўзларининг чундан сўнгги умрларини сизнинг бахшишингиз², деб билсалар арзир. Мен ҳам сизнинг бу хизматингиз эвазига эрингиз билан отангизни ҳозирдан бошлаб озод қилдим. Аммо Отабек иш бир тарафлик бўлгунча ўзининг қочмаслиги учун кафил беришка мажбурдир.

Ҳамма мол ва мулки билан қутидор Отабекка кафил бўлди ва қушбенинг ҳақида дуо қилиб, учавлари маҳкамадан биргаллашиб чиқдилар.

— Зиё ака билан ўғли Раҳматни бўшатингиз, сўнгра ановини қўлра олингиз! — деган амрни олиб, қўрбоши ҳам силжиди. Шунинг ила бу кунги ҳукм мажлиси тамом бўлиб, шаҳар аъёнлари таажжуб ичидаги тарқала бошладилар.

20. Истиқлол³ дарди

Етмиш кунлик бир муҳосарадан кейин уч минг сипоҳни бир ярим мингта тушуриб, бир ярим минг сипоҳни Тошканд қўргонлари остида курбон бериб, Нормуҳаммад қушбеги қуруқ қайтишга мажбур бўлди.

Бу етмиш кунлик қамал вақтида Азизбекнинг содик фуқаролари бўлған тошкандликлар азтахидил унга хизмат қилиб, жонбозлиқ кўрсатиб, ниҳоят қипчоқларни умидсиз Қўқонға қайтаришга ноил бўлдилар. Ноил бўлдилар, аммо ўзлари ҳам яхшигина бўлиб қолдилар Етмиш кунлик бир қамал, етмиш кунлик четдан ва энг ози қишлоқлардан муносабатни узиб туриш, албатта Тошкандни бўлдириб қўйган эди. Бу етмиш кунлик бир қамал Тошкандинг ҳали йигиштириб кира олмаган донларини, экинларини ёв кўлида қолдирди. Савдо ишлари бутунлай тўхтаб, савдогарлар зўр фалокатка учрадилар. Косиб, фақир халқнинг ҳоли жуда ёмон эди: нонсиз, донсиз, кийимсиз, сувсиз,⁴

¹ Хасм — душман, ракиб.

² Бахшиш — қарам, марҳамат.

³ Истиқлол — мустақиллик.

⁴ Тошкандга сув берадирган «Солор» ариғи қипчоқлар тарафидан бўғилган, ҳатто тегирмоз ишлари ертуюқда қоған эди (муал.).

алоҳозал-қиёс¹сиз, сиз бўлиб энг охирги чекка еткандагина қамал балосидан «ялтирасин, қалтирасин» музafferият билан қутилдиар. Халқ ўзининг бу етмиш кун ичидагина тортқан машаққат ва азбларини қипчоқлар устидан чалған ғалабаси билан бир даража ювди-да, касбига, экин-тикинига уриниб кўришни ўйлади, тўғриси ўйлай ҳам олмади...

Азизбек, мундан кейинги Тошканднинг мустақил ҳукмдори Азизбек! Қипчоқларга чалған ғалабаси учун ул терисига симайтири... Ул энди «Қипчоқлар Тошкандни олиб қолсалар...» деган мудҳиш хавфдан қутилған, ул энди Тошканд ва атрофининг хони, хоқони! Энди духоба ва атласлар устидагина ўлтурмоққа қаноатланмай ўз шаънига, ўз қудратига мувофиқ тожлар, тахтлар ясамоқчи. Ўзининг эски маҳрамига кўнгли тўлмай бошқа бир ўйинчи, ашулачи, ҳусндор бир маҳрам топмоқчи ва ўзининг бу машхур маҳрами билан ер юзига (Туркистон ва Бухорога) донға, шуҳрат чиқармоқчи!

Азизбек энди жуда хотиржамъ эди. Қипчоқларнинг қайтадан Тошканд устига келишларини эҳтимол ҳам тутмас эди. Чунки ўзининг қипчоқларга берган зарбасини уларга юз йилсиз ўнгралиш бермас, деб билар эди.

Ҳамма иш жойида, лекин бир нарсагина кўнгилнингничка, ингичка ерини жароҳатлайдир. Азизбек кўзига ҳозир ёруғ дунё қоронру, бу қоронгулиқ ичидаги бояри ширина хаёллар, ишлатиладирган тожу тахтлар ва бошқалар кўринмай қоладирлар: етмиш кунлик қипчоқ уруши минг турлик йўллар билан йиғилған хазинани барбод берган, хазина қипчоқлар устидан ғалаба ва истиқдол маастликлари йўлида қуриған, фуқаронинг жон отиб, қипчоқларни қириб йўйганлари учун инъомларга, эҳсонларга ва озиқ-овқатларга қурбон қилинған.

Мана шу эди Азизбекнинг кўз ўнгларини қоронгулатадирган жароҳат!

Бу ишнинг кенгашига эмас, берилган қарорни амалга ошириб беришлик учун Юсуфбек ҳожига йигит юбориб, ҳозир уни тўрт кўз билан кутиб ўлтурадар эди. Ниҳоят ярим соатлик бир кутишдан сўнг Юсуфбек ҳожи эшик остидан кўринди. Азизбек одатий қаршилаш ёнига бир навозиш² ҳам илова қилиб, ҳожига юқоридан жой кўрсатди. Бу фавқулодда навозиш сабабини ўйламоққа ҳожининг вақти йўқ, чунки ўзининг қайғуси ўйлашқа, фикрлашқа етарлиқдир. Кўзининг оқу қораси бўлған Отабекнинг ҳоли нима кечти, қоронги зиндононларда, рутубатлик, заҳ ер осталарида очлиқдан, ташналиқдан, совуқлиқдан азиз кўкрагини ерга бериб жон бердимикин? — Золим беклар, қонхўр ҳокимлар, раҳмсиз жаллодлар, машъум дорлар ва қўрқоқ ҳалқлар орасида кекса отасини, муштипар онасини кўралмай дунёдан кетдимикин?

Мана шундай минг турлик васвасалар ичидаги қаршисидағи Азизбекни ҳам унутмоқда эди. Азизбек бўлса «жавоҳир қадалған тожлар, олтин тахтлар, нозанин паривашлар, донғдор маҳрамлар» ҳақидагина ўйлар эди.

¹ Алоҳозал-қиёс — шунга қиесан, шунга мувофиқ.

² Навозиш — сийлаш, марҳамат.

— Ҳожи, — деди Азизбек сўз очиб, — маним сизни ўрдага чақирғаним сабабини албатта билмагандирсиз?

Юсуфбек ҳожи хаёлидан кўз очди:

— Тақсир... чақиришингиз албатта фуқаронинг тинчлиғи, раоёнинг¹ роҳати, ҳукуматнинг барқарор турмоғи учундир.

Ҳожининг бу сўзи Азизбекни яшиндек урди. Унинг кўз ўнглари қоронғиланиб, ҳалиги ширин хаёллар тағи қоронғилиқда яшириндилар. Ул ортиқча ўнғайсизланди ва тилар-тиламас:

— Шундоғ... — деди ва бир оз ўйланиб қолғандан кейин: — Етмиш кунлик қамал билан хазинамиз жуда гарифланди, ҳатто шу кейинги кунларда сипоҳларнинг озиги учун ҳам қийналиб қолдик. Мана шу тўғриларда сизни кенгашка чақирған эдим, — деди.

— Майқул, тақсир.

— Мен бу тўғрида бир қарорға ҳам келиб қўйдим.

— Қарорлари муборак бўлғай.

— Қарорим шундан иборатдирким, эртадан бошлаб юртка ўттуз икки тангадан солиқ сочасиз.

Юсуфбек ҳожи юрт бесаранжомлиги ва ўгул қайғуси билан асабийлашкан эди. Азизбекнинг бу аблажона қарорига қарши қизищди. Азизбекнинг бу золимона буйруғига қарши қаттиғ сўзлар айтишқа ўйласа ҳам аччиини қандай кишига айтилишини ўйлаб, ўзини бир оз ийди.

— Тақсир, амрингизга қарши тушадирған жойим йўқ, — деди. — лекин шунисини бир оз ўйламоқ керакки, юрт етмиш кун қамал кечирди. Онадан тұма азоблар, очлиқлар ўткарди ва ўткармақда. Менга қолса бу кунларда ўттуз икки танга эмас, ўттуз икки қора пул солиш ҳам оғирдир. Юрт беш-үн кун орқа-ўнгини олсин, сўнгра... — Ҳожи сўзини тутата олмади, ҳожининг терс сўзига чидалмаган Азизбек ваҳшийларча ҳайқирди:

— Нима дейсан?!

Ҳожи ишнинг бунчалик ёмонига кетишини ўйламаган эди. Шу дақиқада ишнинг олдини олмаса, энди гап факат Азизбекнинг жаллод чақиришига келиб қолди:

— Тақсир, сиз йиғ, дер экансиз эртага эмас, бу кунданоқ йиға бошлайман. Юрт қани бермасин-чи? Факат менга сизнинг буйруғингиз кифоядир.

Бу сўз Азизбекка сихр каби таъсир қилди, даҳлизда турручи йигит орқалиқ жаллод чақириши жўбланган тили ўз зарарига ҳаракатланди:

— Ўрда бегига айт, ҳожига бир кимхоб тўн чиқариб кийдирсин! — деди.

* * *

Юсуфбек ҳожи эгнида кимхоб чопон билан ўрдадан чиқди. Ўрдадаги «Чопон муборак бўлсин!» деб сўрагучиларға истеҳзо илжайиши остида бир турлиқ мухмал жавоб берар эди. Ул ўрда кўпргутидан ўтар экан, бояғидек қилиб ўзича яна бир кулимсираб қўйди ва телбаларча



ўз-ўзига сўзланиб кетди: «Ўттуз икки тангадан солиқ йир, эмиш... Бир ҳафтадан кейинга қолмасин эмиш... Солиқ йигишда қаршилик қилсанни даррага ётқизиш, мувофиқ кўрилганда осдириш ҳаққи ҳам менга берилган эмиш... Гўё Юсуфбек ҳам ўзидек бир қонхўрға, бир золимга айлансин эмиш... Мен қонхўрлиқ учун худонинг фарз қилған ҳажини адо қилмадим; олдимда ўғлум бор, менда бошқаларнинг ўғлини даррага ётқизиш чоғида кўндаланг келадирган виждан бор, дин бор, диёнат бор. Бизнинг халқни ер ютсин. Азизбекнинг тулкилигига учди-да, унинг кечаги зулмларини унуди, етмиш кунлаб бир замон жон бериб, жон олиб ниҳоят хизмат ҳаққи учун ўттуз икки танга мукофот, энг кейинги бурда нонингни ҳам бер!»

21. Инқилоб

Юсуфбек ҳожи устида бояғи кимхоб гўни билан Шайхантахурнинг Занжирилиға етиб, гузарда йиғилиб ўлтурган ва ўзига салом бериш учун ўринларидан турган халққа хитоб қилди:

— Уйинг куйсин, мусулмонлар! Яхши деб йўлида жон берганинг Азизбек, бу кун сенларга яхшилигингни ўттуз икки танга солиқ билан қайтармоқчи бўлди. Ҳозир сенларга икки йўл: ўғул, қизингни сотиб бўлса ҳам ўттуз икки тангани Азизбек ҳазинасига тўлаш ёки эс борида этакни ёпиб Азизбекни орадан кўтариш... Уйинг куйди, мусулмонлар!

— Ўттуз икки танга!

Халқ Юсуфбек ҳожидан бир зарра ёмонлик ёки бўлмағир бир кенгаш эшитмаган ва шунинг учун ул қаёққа юрса, шу ёққа боришка ҳозир турар эди. Айниқса ўттуз икки танга доврури гузар ахлининг юракларини уюшдириб, буни эшитиш биланоқ исёнга қўл кўйдилар.

Бошлиб Занжирилиқ халқи кўчаларга чип¹ ташлаш, Азизбекка қарши уруш ҳозирлиги кўриш хаёлига тушди. Юсуфбек ҳожи то Эски Жўвага еткунча ўзининг юқоридағи сўзини кўй, гузар халқиға тақрорлаб келмақда эди. Эски Жўвада азим бир жамоат йиғиб, Азизбек билан бўлган можаросини сўзлади ва устидаги кимхобни кўрсатиб истеҳзо тариқасида:

— Солиқни бермангиз демайман, чунки сизнинг итоатингиз менга бундоғ тўнлар берар! — деди.

Халқ ниҳоятда қизишиди. Гўё бириси қувраған тўқайға ўт туртди. Ҳўлу куруқ деганлариdek катта-кичик баробар ёнмоққа олди.

— Яхшилигимизни унуди, тўнғиз! Ўттуз икки тангани яхшилаб берайлик биз унга! Ози бир ой ўтмасданми, андишасиз? — деган сўзлар эшитила бошлади. Даррав уч кишини Себзор, Кўкча ва Беш-еюҷ даҳаларига хабар учун жўнатиљди. Ё қирилиб битиш ва ё Азизбекни орадан кўтаришша фотиха ўқилди.

Орада бир соат ҳам ўтмади, бутун дўконлар ёпилиб, Тошканд кўчалари чиллар билан тўлди. Барча яроғланган, урушка ҳозир эди. Шаҳарнинг олаланиш хабари ўрдага ҳам эшитиљди. Ишни кичкина деб

Чип — ров, баррикада маъносида (муал.).

ўйлаған Азизбек шаҳардан ақвол олиш учун Райимбек дотқони элли чөглиқ йигит билан буюрди. Ақвол олғучилар Занжирлиққа етиш билан нақ ишнинг қай даражага етканини пайқадилар: күчалар чип билан тұлған, чип орқалари шашвар, мильтик, ханжар, найза ушлаган оломон билан лик зди. Райимбек дотқонинг «Чипларни йириштиргиз, ўзларингиз тарқалишингиз!» деб айткан яхши сүзига қулоқ солғучи бўлмади Дотқо дағаллик қылған зди, оломондан биттаси мильтик отиб, икки сипоҳни йиқиб ҳам қўйди.

Кечки соат тўртлар, асрдан бир оз эртароқ ҳукумат аскари билан ҳалқ орасида уруш бошланди. Ярим соатлик отиш, чопищдан сўнг сипоҳлар Занжирлиқ оломонларини қочириб, Баланд масжид чилига етдилар. Жон аччиғига учраган Азизбек ўрдага бирмунча сипоҳ қолдириб, бутун кучини йириштирган ҳолда Райимбек дотқо кўмагига етишди. Бунинг ила сипоҳлар тарин ҳам кучайиб, оломонни Хадрага қараб суриншка муваффақ бўлдилар. Хадра чипида қонлиқ урушлар бошланди. Ўттуз икки танга солиқ хавфида оломон ҳам Бешёюч, Себзор, Кўкча даҳаларидан ўзига ҳар замон яроғлиқ ёрдамлар олиб турмокда зди.

Бу кун кечаси Тошканд қон ичида, маҳаллаларда бўлған ҳукумат кишилари ҳалқ томонидаи ўлдириладирлар, уйларига ўт кўйилиб моллари талонға тушадир. Шаҳарнинг юраклик йигитлари Хадра чилига қараб чопадирлар, юраксиз ва кексалар гузар ва маҳаллаларга тўнкалардан гулхан солиб, «ўттуз икки танға» қайғусида оломонға музоффирият тилайдирлар.

Ярим кечалар вақти оломон Хадрадан Эски Мискарликка қараб суриншка мажбур бўлди. Кутимаган бу суринишлар Юсуфбек ҳожини катта ташвишкага солиб қўйди. Мундан сўнг ҳалқнинг ўзига ишониб туролмай Тошкандин ололмай қайтқан Нормуҳаммад қушбегига ёрдамга етиб келиш учун чопар югуртириди.

Эски Мискарликда икки тараф ҳам тонг отдирилар. Эрталаб яна қонли урушлар бошланди. Аммо ҳалқ энди ўзини анча тутиб қолган ва ҳар дақиқа тўрт тарафдан янги кучлар олиб турар зди. Шунинг учун сипоҳлар бир адим илгари босолмай қолдилар. Аммо ҳалқ сипоҳларни босса босқундек товранар¹ зди. Бу ҳолдан ниҳоятда бўтилған Райимбек дотқо қилич яланглаб, сипоҳлар олдида оломонга қараб югурди. Бироқ унинг бу гайрати ўзи учун ҳалокат билан натижаланиб, Уста Мўминжон исмалик бир мильтик устасининг отқан ўқи билан кўкрагидан яраланиб йиқилди.

Райимбек дотқо Азизбек ҳокимиятининг тираги зди. Унинг қатлидан сўнг сипоҳлардан рух тушти. Ҳатто Азизбекнинг буйругига ҳам қулоқ солмай тўстўска қочиб бошладилар. Ниҳоят Азизбек ҳам ёнидаги кирк, элли содик кишилари билан қочиб, ўрдага қамалишға мажбур бўлди. Юсуфбек ҳожи бошлиқ ер ва кўкка сифаган музофвар ҳалқ ўрда теварагини қуршаб тушди. Азизбек тезда берилмагани учун

¹ Товранмоқ — ҳаракат қиласмоқ, тиришмоқ.

Райимбек Қозокбойбий ўғли Бешероч даҳа, Лаклахона маҳаллалик (муал.).

минглаб халқ үрда атрофидан силжимай, ҳатто ош-сувларини ҳам шунда еб хотиржамъ ётиб одилар.

Азизбек учун кутилмаган фалокатлар юз берган эди. Қочиб қутилиш мумкин бўлғани ҳолда тузоқда тушкандек үрдага ҳам қамалиб берган эди. Нима қиласин, қаноти йўқки учиб қутилса... Қамалишининг иккинчи куни үрда томига чиқти, энг кейинги, ҳам энг пастарин чорани кўрмакчи эди бу хоқон. Бошлаб фуқароға салом берди, сўнгра синик, ва ожиз қолган бир товуш билан халқа узр айтди:

— Энди мен ўзимнинг қилмишларимдан пушаймон бўлдим... Мен сизларнинг қилған яхшиликларингизни унуткан эканман... Сизлар ўзларингизнинг бу ишларингиз билан маним кеткан ақлимни яна миямга ўрнатдингиз... Раҳмат фуқаро... Гуноҳимни кечирингиз, қилмишларимдан пушаймон бўлдим, фуқаро!

Аммо халқ бундай ёлборишиларға, тавба-тазарруъларга қулоқ солмади, чунки иш ўткан, гишт қолипдан кўчкан эди:

— Энди мен эсинг кирдими, ўри? Бурундан ўйлаб иш қилсанг бошингда бу балолар йўқ эди! Сен бизларга нима ишларни қилмадинг? Кун сайин неча гуноҳсизларни осдирған, кесдирған, болаларимизни ятим, оналаримизни қон йиғлатқан сен эмасмисан? Ханжарингни хайф кўриб маҳалларга¹ чаён солиғи солған, оғаларимизни чаён заҳри билан ўлдирган ким эди? Кет тўнриз, кет, тавба қилиш замони ўтди, тақдирингта сен ҳам тан бер! — дер эди халқ.

Халқ шунингдек гаплар билан юз ёқдан унга ҳужум қилиб, ҳатто адабсиз сўзлар билан ҳам сўкар эди. Азизбек ҳамон «Тавба қилдим, фуқаро!» жумласи билан узрини айтиб турар эди:

— Сиз яхшиларим, бу қисқа ўйлашингиз билан ўз оёғингизға ўзингиз болта уриб, яна қипчоқлар кўлиға қарам бўласиз! Маним тавбамни лоақал ўзларингиз учун қабул қилингиз!

Азизбекнинг бу сўзларидан кейин оломон тари қизишиб, қуйидаги сўзлари билан кўкни кўтарди:

— Икки қайта алданиш йўқ! Сендеқ итдан бизга қипчоқ яхши!

Халқнинг бу жавоби ишнинг не даражага етканини онглаторлик эди. Шу гапдан кейин Азизбек тамом умидсизланиб, дунёларча маъюсият ичида томдан тушиб кетди.

Юсуфбек ҳожининг Нормуҳаммад қушбегига юборған чопари Кировчи яқинида унга еткан ва қушбегини тамоми сипоҳлари билан Тошкандга қайтарған эди. Аламзода қушбеги бу сўйинч хабардан учиб-кўниб Азизбекнинг үрдага қамалишининг учунчи куни карнай-сурнай билан етиб келди. Оломон ёнига қипчоқ сипоҳлари келиб қўшилғандан кейин үрдага босиб кирдилар-да, Азизбекни ушлаб ҳам одилар.

Етмиш кун бир муддат овора қилиб, минглаб киши қонини тўкишка сабаб бўлған Азизбекни Кўқонға олиб бориб топшириш Нормуҳаммад қушбеги учун қийматли эди. Ул үрдада ўлтурас экан, бундай улуг душманни кўлиға туширишнинг бош омили бўлған Юсуфбек ҳожига ўз миннатдорчилигини айтиб тутата олмас, унинг бу хизматини хон билан

Мадал — жой, маҷалла.



Мусулмонкулга сўзлаб, унга катта бир мартаба олиб беришкага ваъдалар берар эди. Албатта Юсуфбек ҳожига бу ваъдаларнинг ҳеч аҳамиятийўқ, фақат ул ўғлиниң соғлигини билса ва Марғилон зиндонидан унинг қутқарилишига ваъда олса, унинг учун дунёларча мартаба ва ҳурмат эди. Қушбегининг ваъдасига илтифотсиз қулоқ бериб турди-да:

— Илтифотингиз учун раҳмат, қушбеги, — деди.— Мен энди дунёдан ўтаёзған бир киши; энди мансабларга унча қизиқа олмайман. Агар маним қиласан хизматим шундай илтифотларга лойик кўриладирган бўлса, хон жанобидан сўрайдирған бир неча тилакларим бор.

— Сўрангиз ҳожи, хон бермаганда ҳам олиб беришкага мен кафил.

— Маним биринчи холис тилагим, албатта мазлум халқ тилидан бўладир: мундан сўнг Тошканд ҳокимлигига ҳар қандай бўлмагир одам қўйилмасин.

— Хон жанобининг ҳамма мақсади ҳам шуңда. Чунки биз Азизбек кабилардан халқнифина эмас, балки ўзимизни ҳам қийнатдирмоқдамиз.

Тошканд беклиги тўғрисида кўб музокара ва мусолаҳадан¹ кейин Юсуфбек ҳожи ўз яраси устида тўхтади. Ул биринчи мартаба ўлароқ ўзининг ички касалини ҳозиқ² деб Нормуҳаммад қушбегига очди. Сўзлар экан, юраги мағъум бир эҳтимолнинг даҳшатидан титрар. тили ҳам осонлиқ билан ҳаракатланмас эди. Зоро ўзининг бу ўтичини қуш учкан сўнг отилмоқчи бўлған сопқон қабилидан ҳисоблар ва фойдасиз бир илтимос деб чўчир эди.

— Агар маним бу хизматим хон жанобининг марҳаматига лойик кўрилур экан, — деди ҳожи, — менга энг манзур бўлған мукофот — ўғлимнинг озод қилинишидир. Дунё можаросидан қўл ювмоқчи бўлған бир отара кексайган кунларида фарзанд доғини кўрмасликнинг ўзи ҳам улуғ мукофотдир, — деди ва қўзига ёш оди. Бундан қушбеги ҳам насибасиз қолмай мутаассир³ Юсуфбек ҳожига тасалло берди:

— Қўрқмангиз ҳожи, — деди, — Марғилон ҳокими ўринсиз қон тўкувчи киши эмасдир. Қўқонга борғач, биринчи ишм ўғлингизни қутқариш бўлсин, жойсиз қайгуланмангиз, ҳожи.

— Қуллик, қушбеги, агар бу хизматни ўз зиммангизга олур экан-сиз, устимга катта миннат қўйған бўласиз... Бироқ мен қўрқаманким, сиз Қўқонга бориб еткунча иш вақтидан ўтсин...

Қушбеги ҳам бу тўғрида ўйлаб қолди ва ҳожининг эҳтимолидан чўчиб, шу соатда бир мактуб билан Қўқонга чопар юбормоқчи бўлди-лар, бу ишнинг мувофиқ кишиси албатта Ҳасанали бўлғанлиқдан чо-пар бўлиб белгуланди. Ўн беш кунлардан берига шундай хизматни кутиб ётқан Ҳасанали отнинг бошини Қўқон томонга қараб қўйди-да, дақиқа ичида кўзларга кўринмас бўлиб кетди.

Бир кун кейин Нормуҳаммад қушбеги ҳам бирмунча сипоҳни Тош-

¹ Мусолаҳа — сулд тузиш, келишиш.

² Ҳозиқ — билувчи, тушунувчи.

³ Мутаассир — таъсиранган.



қандда қолдириб, Қўқонға жўнаш ҳаракатига тушди. Тошканд оломонининг талаблари билан Азизбекнинг икки оёғидан арқон билан боғлаб отнинг човира судратма қилдилар.

Сипоҳлар Қўқонға қараб ҳаракат қилар экан, Қўқон дарбозасига тўлған халқ Азизбекнинг от оёқлари остида судралиб кетишига ҳузурланиб томоша қилар эди.

22. «Бир ғариби бечора»

Бу тарихдаги хон ўрдаси Қўқоннинг бу кунда Хода бозор атальян ўринда эди¹. Рўмоннинг ўн учунчи фаслида Марғилон ўрдасининг таърифи ёзилғанликдан ва бу ўрданинг ҳам ташқариги айланаси ўша ўрда қабилидан бир тусда, бир услуб ва бир вусъатда² бўлғанликдан бу ўринда яна қофоз қоралаш ортиқчадир. Ўрда дарбозаси, навбатчи қоровул, дарбоза саҳнининг кенглиги — барчаси ҳам ўшал ўрда сингари, аммо бунинг ташқариги кўринишидаги ортиқлиги тўрт бурчида қадалиб турған навбатчилари эди. Ўрда дарбозасидан ичкарига кирилгач, бундаги тузилиш Марғилондагидан тамоман деярлик бошқача бўлиб чиқар, шунга биноан бу ер билан танишмоқ эҳтиёжи тушар эди.

Ўрданинг ичкариги ўнг, чап биқинлари сипоҳ туриш учун солинган бинолар ва саҳнида биз Тошкандда кўриб танишкан равишча кийимлик сипоҳлар (йигитлар) турким-турким бўлиб, понсафбошилар қараморида қилич уриш машқини таълим олмоқда эдилар. Ўрданинг белидан, яъни шимолдан шарққа қараб бир хатти мустақим билан девор ва бул деворнинг икки тарафини баробар — линг³ ташланиб, ўрданинг ичкари қисмиға хон саройига кириладирган дарбоза қурилған эди. Бу дарбоза эскиргансумон кўринса ҳам асли яратилишидаги нафислик, меъморий санъаткорлик учайёзган бўлса ҳам, бироқ ундаги извир-жизвир сирлар, ўйма нақшлар ҳали ҳам кишини ҳайрон қолдирадлик эдилар. Айниқса дарбозанинг икки биқинидаги «ўтиргмагул» тарзи билан ишланган гулдасталар, дарбоза равоқидаги ганчдан қабартирилиб ясалған бўртма нақшлар, гуллар ҳали ўзларининг нафосатларини унчалик йўқотмаган эдилар. Куёш ғарбга қараб оғсан, улдасталар устига қўндирилған олтин ҳилол аломатлари қуёш нури билан кўзни элитарлик даражада яшнар эдилар. Дарбозанинг икки ёнидаги маҳсус ишланган қоровулхона — суфачаларда икки нафар навбатчи турар эди. Навбатчидан ўтиб, дарбозага кирилса гунбаз равишида йўлак, ўнгга юрилса девонхонага, сўлга кетилса хон маҳкамасига чиқиладир-да, маҳкамама бўсағасида яна ҳалигидек икки нафар навбатчига учрашиладир. Марғилон ўрдасида кўрганимиздек бир даҳлиз, аммо бу ўзининг нақшлари, гуллари, анвоъи сирлари, олийлик ва кўркамлиги билан Марғилонникини кўлагада қолдирадлик эди эрса-да, эскирганлиги унинг ортиқлигига ҳалал бермакда эдилар. Даҳлиздан ичкарига қаралса бир

¹ Бу кунги мөълум ўрдани Худоёрхон ўтининг иккинчи хонлиқ даврида бино қилдирандир. Ёки ўрддан дозир нишона йўқ (муал).

² Вусъат — кентлик

³ Линг — арқ, равик, тоқ.

мунаққаш ва музайян зол, икки томонида хоннинг шоғовулбошилари, ясовулбошилари, дастурхончи ва офтобачилари, тунқатор ва парвоначилари оталиқ, ва меҳтарбошилари ва тағи аллақанча вазир-вузаролари қатор тизилишиб ўлтурмақда эдилар. Золнинг учунчи даричасидан нариғи томон бир юпқа мунаққаш девор билан ажратилган бўлиб, ичкарига кириладирган эшиксиз бир йўл, бу йўл билан ҳалиги девор иккига ажралиб, ҳар бир бўлим деворнинг ўртасида киши боши сиғарлиқ бир туйнук, бу туйнуклар ёнида қўлиға ойболта ушлаган икки нафар жаллод қотиб турар эдилар. Шу жаллодлар орасидан ўтиб учунчи бўлимга кирилса, қаршида ярим газлар юксакликда тўрт оёқдиқ оқ мармардан ясалған тахт устида олтин камарга ғақилған олтин соплик қиличини тизаси устига кўндаланг қўйиб, қизил духобадан тикилган пўстун камзул устидан адрес тўн кийган, бошиға симоби шоҳи салла ўраган ўн саккиз ёшлар чамалиқ, чўзиққина юзлик, буғдой ранглиқ хон ўлтуарар эди. Бу Худоёр эди. Хоннинг сўл томонидағи олтин ҳаллик курси кишидан бўш, ўнгдаги — ички саройга кирадирган эшикча ёнидари курси устида Үратепа чакмани устидан қайиш камар боғлаб, соддагина қилич тақинған, бошиға оқ барра попоқ кийиб, башарасидағи бурни юзи билан бир қаторда деярлик текис яратилған, ўртача соқол, қисиқ кўз, буғдой ранг, ўрта ёшлиқ бир қирғиз — Мусулмонқул ўлтуарар ва ҳозиргина ҳудайчи тарафидан ўзига топширилған ариза ва мактублардан очиб ўқур эди. Ўқуб турған аризаси аҳамиятсиз бўлса керак қорозни иккига йиртди-да, оёғининг остига ташлади ва иккинчи мактубни очди. Буниси Ўш ҳокими тарафидан ёзилған эди:

«Давлатимиз стуни, падари арус¹ шаҳаншоҳи Мусулмонқул баҳодир ҳуазурларига номаи ҳумоюн² баробари Ўш мадорисотига таҳсилда бўлинған фақир қирғиз туллобига³ марҳамат буорғанилари ҳадоё⁴ туллобнинг даражаси имтиёзан тақсим қилингилар. Ашадду⁵ фақир ва эҳтиёжда авқоти⁶ талх⁷ мурурига⁸ мажбур ва масбур⁹ ўлған қирғиз муллалари падари арус шаҳаншоҳининг алтоғи¹⁰ шоҳоналаридан риққатка¹¹ келиб обидийга¹² қилдилар ва Ҳақ таоло гаргоҳи васиъасидан¹³ адуви¹⁴ бадкирдорларига¹⁵ зафареб¹⁶ бўлмоқларини ва Золона¹⁷ яшаб Амир

Падари арус — Қайнота.

Ҳумоюн — муборак, қутлуг.

¹ Тумоб — талабалар.

² Ҳадоёф — ҳаджалар, совғалар.

Ашадду — ўта, ниқоятда

Авқот — вакъллар.

Талх — аччик, ёмон.

Мурур — ўтказиш, кечириш

Масбур — сабр қилувчи.

³ Алтоғ — лутфлар, қарамағар.

Риққат — кўнгил бўшлик, кўнгил юмшоқлиқ.

⁴ Обидийга — кўз еши

⁵ Васиъа — кенг.

⁶ Адув — душман, ёв.

⁷ Бадкирдор — ёмон нияти.

⁸ Зафареб — ғалаба қилувчи, ролиб.

⁹ Золона — «Шоҳнома» асаридағи 100 йилдан ортиқ яшаган Зол образига нисбат берилиб — узоқ вақт яшамоқ мазмунида

Темур Кўрагондек жаҳонгир бўлмоқларига дуо ва ниёз этдишлар. Баъда хотири отир¹ олийларига маҳфий қолмағайким, шаҳар ва атроф эмларимиз давлати азимаи қавиялари² сояи ҳимоятига нобоб бадъаҳдлар хавотир ва хавфидан тинчдиш. Нома охирига ёш шоҳимиз жаноби хоқони хавоқин, султони салотин ҳазратларига ладари арус шаҳаншоҳининг паноҳи ҳимоятларига кўб йиллар давру даврон, официт³ ва саломатлик тилаб навкарлари...»

Мусулмонқул Худоेрга Ўш аҳволини сузлаб, учунчи мактубни очди, бу мактуб хусусий бир кишидан бўлса керак, муҳр ва ўзга такаллуфлардан холи эди:

«Мазлумлар додига, макхурлар⁴ фарёдига ўзининг адолатлик қиличи билан етишкучи Мусулмонқул қипчоқ хизматларига... кўзларим зулм ёши билан жиҳ, кўнглим давлат хоинлари қурқунчидан титраган бир ҳолда қалам тебратаман. Давлатнинг содиқ бир фуқароси, ихлослик бир ўшигити давлат устича ўзининг мудҳиш зарбасини ташлаб турған бир бадъаҳд ўслини ўшандоғки отасининг ваколати бирлан иккинчи бир тинч, улугларға мутеъ, фармонбардор⁵ бир шаҳар аҳшини оёғлан-дирмоқ бўлған эди. Уни исботлари, шоҳидлари бирлан дор остиға тортқучи содиқ бир қулни кўкларга кўтариш ўрнига қамамоқ ва оёғига зулм занжирини урмоқ бўладирлар... Мусулмонқул жанобидек бир баҳодирдан андиша қилмай унинг душманларини сарфароз⁶ айлаб дўстларини ямкин қиласирлар.

Мактубнинг туманлик маъносига тушина олмаган Мусулмонқул бу ўринда тўхтади-да, мактубнинг охирига кўз ташлаб олди:

«Бунгача маним ҳаяжон ва қайгу орасига ёзган ўлларимга балки тушунмагандирсиз, бунинг учун ғазабланмай бу гуноҳимни сизга содиқ бир қулиғим ўйлиға кечиругрсиз. Бу кундаги Тошканд исёнининг бошлиқларидан бўлған Юсуфбек ҳожи Азизбек нонкўрнинг машварати⁷ бирлан марғилонлиқларни ҳам жанобингизга қарши оёғландирмоқ мақсадида ўз ўслини мунда юборған экан. Фақир содиқ қулиңгиз бу зъявагар ўшигитнинг теварагига ўз тараффорларини йириб қурған бир мажлисларига рост келиб ва унинг Марғилонга нима учун келганлигини пайқаб, ниҳоятсиз хавфка тушдим. Унинг сўзлари қипчоқларни йўқотиб, хукуматни шаҳарликлар қулиға олиш эди. Қипчоқлар хайриҳоҳи камина қулингиз бу сирни ичимга ютолмай, бир неча воситалар бирлан Марғилон ҳокими ўтаббойга билдиришим. Ўтаббой күшбеги Юсуфбек ҳожининг ўғли бўлған мазкур Отабек билан унинг тараффори ва қайин отаси Мирзакарим отлиқ кишини кўлга олиб зиндан қилди. Күшбегининг чақириши бирлан ҳузурига ҳозир бўлиб, Отабек оғзидан нимаики эшияткан бўлсан бир-бир сўзлаб бердим. Холис шаҳодатим сўнгида

¹ Хотири отир — дили равшан, бегубор.

² Азимаи қоян — кучли ва кудратли.

³ Официт — тинчлик, омоналик.

⁴ Макхур — қадр-ғазабга дучор бўлған.

Фармонбардор — буйруқни бош товламасдан бажарувчи

Сарфароз — хурсанд, юксак.

Машварат — кенгаш, маслаҳат.

Отабек билан қайин отаси Мирзакаримни қүшбеги осиб ўлдиришкан буюрди. Аммо Үтаббойнинг кисаи хиёнатига Мирзакаримнинг ҳавлисидан келиб тушкан бир ҳалта олтиналар баробарига дор остига еткан эъвогарларни ўлимдан озод қилди, давлатнинг содиқ қулларидан бўлған каминаи холисни муттаҳамлар ерига зиндан қилмоқ ва осиб ўлдиримоқ бўлди. Чунки камина қулингизнинг сизга шикоят қилишимдан бениҳоят кўрқар эрди. Аммо давлатлари ёри бериб, садоқатлик хизматкорларингиздан бўлған Марғилон қурбошисининг ёрдами бирлан Үтаббойнинг чангалидан аранг кутимишга муваффақ бўлдим...»

Мактубнинг шу ерига етканда Мусулмонқул хатдан бош кўтарди. Ҳозир унинг кипраксиз қисиқ кўзларида ўтлар ёнмоқда эди. Қичқириди:

— Чилим!

«Шундоғ қилиб сизнинг ўз кишингиз бўлған Үтаббой туз ҳақингизни унумтди. Бир ҳамён олтин деб душманларингиз тарафига ўтди. Сизнинг хайрихоҳ қулларингиздан бўлған бири ўз шаҳрини ташлаб Кўқон қочмоқча ва улуғ даргоҳингизга сифинмоқча мажбур бўлди. Мен, холис қулингиз ўзимнинг садоқатим эвазига бундай мукофот олганим учун қайғирмайман ва лекин Үтаббой ва Отабек каби хоинларни кундан-кунга куч олиб давлати шаҳриёрига даҳшатлик бир фалокат түғдиришларидан қайғираман. Бу мактуб содиқ бир қулнинг холис садоқатидан бир намунағидир. Мен шунинг шояд ўз бўйнимдаги вазифани адо эткан бўлурман. Шояд давлат душманларини ўз оёғларидан ўтишиб кетишларига сабаб бўлған бўлурман.

Ўзимнинг бу хизматим эвазига бир мукофот олиш муддаосида бўлмаганимдан ва нимаики жаноблари йўлида мashaқат чеккан бўлсан ўзимнинг бир виждоний вазифам деб билиб, бу мактубда ўз отимни ёзишига ҳам тиламадим. Ёш хонимизга тинч ва шавкатлик давр, давлат хоинларига ўлим тилаб бир гарibi бечора».

Мусулмонқул ниҳоятда тутоқкан эди. Ҳозирги борлиқ аламини та-макудан оладиргандек ҳудайчи келтирган чилимга ёпишди-да, шиф-фэтдириб, сархонани сиңдириш даражасига еткузиб тортди. Оғзидан пага-пага тутун чиқарар экан, хатнинг мазмунини Худоёрға сўзлади. Тошканд устига юборган сипоҳлари билан Нормуҳаммад қүшбегини ниҳоят Тошкандин ололмай қайтиш хабарини эшишиб, сўнг даражада маъюсият ичидаги ўлтурган Мусулмонқул учун бу мактуб яра устига туз сепиши қабилидан тағин ҳам аламлик бўлиб тушкан эди.

— Ҳудайчи!

— Лаббай тақсир!

— Мирзани чақир! — деди Мусулмонқул, сўнгра қўлидаги мактубни тахира солар экан, Худоёрға деди: — Эшифтингизми, ўғлим! Азизбек билан Юсуфбек бизга нималар қилмоқчи бўладирлар? Ўзимизнинг содиқ кишимиз, деб ўйлаған Үтаббой ҳам душманларимиз билан биргалашиб бошлаган... Хайр қўлларидан келганни қилиб кўрсиллар-чи, биз ҳам мундан кейин ўшандоқ кўрнамаклар билан қиласидирган муоммалачизни билармиз.

Ўз салтанатига рахна солищдан иборат бўлған бу хабарлардан Худоёрхоннинг мутаассир бўлғанлиги белгусиз, ул бу гапни эшитмасдан илгари қандай бўлса, ҳозирда ҳам шу ҳолда ўзгаришсиз эди. Мусулмонқулнинг ёниб турған, ўтдек тутоқиб сўзлаған гапини сукут билан кечирмаслик учунгина бўлса керак қуруқ ва ширасиз қилиб:

— Ҳаммадан ҳам Ўтабойни айтингиз, абраҳ, бир одам экан, — деди, — мени сийламағанда ҳам сизни риоя қиласа керак эди.

— Яхшилиқ қилған кишингдан ҳеч бир яхшилиқ қайтмас экан, — деди Мусулмонқул. — Жумладан, биттаси кўз ўнгимизда — Азизбек. Мен уни ёшлиғидан бошлаб ўз кўлимда ўстирдим. Тошканд ҳокимлигидан Салимсоқбекни олиб¹ унинг ўрнига ҳоким тайинладик. Бироқ шунчалик яхшилиқларимизға қарши натижада бизга ёғий² бўлди, бўлсин; ул Тошкандинг ўзигагина қаноатланмай Марғилон билан ҳам иш қилмоқчи бўлса, бунисини ҳам биз кўрайлик.

Мирзабоши кириб хонга қуллиқ қилди ва Мусулмонқулга қараб қўл боғлади. Мусулмонқул яна хумори бўлған эди — «Чилим!» деб ташқарига қичқириди, сўнгра мирзобошига деди:

— Ҳозир Марғилон ҳокими Утаббой қушбегига бир хат ёзиб, чопар билан юбор. Хатни олған замон Юсуфбек ҳожининг ўғли Отабек деганни олиб ҳузуримизга келсин!

Мирзабоши қуллиқ қилиб орқаси билан юриб чиқди.

23. Мусулмонқул

Аркони давлат³ йирилиб, Худоёр таҳтига минган, Мусулмонқул хон бўлмаса ҳам хонлиқдан-да юқори бир кучка молик бўлған сиёsat курсисига ўлтурган эди. Бошлаб оталиқ кириб хонга салом берди ва унинг ҳақиға узун дуо қилиб чиқди. Оталиқдан сўнг ўзга аъён бирма-бир кириб, дуо қилиб чиқа бошладилар. Дуохонларнинг энг сўнгида ҳудайчи кўринди, салом ва дуодан кейин юзини Мусулмонқулга ўтириб:

— Марғилон ҳокими Утаббой қушбети ҳузури олийларига кириш учун изн сўрайдир! — деди.

Ҳамма фикри зикри Утаббой устидагина қолған Мусулмонқул бу хабарни эшитиш билан кучлик бир тин олиб ҳудайчига қаради:

— Ёлғиз ўзими ёки ёнида кишилари ҳам борми? — деб сўради. Ҳудайчи яна бир қуллиқ қилди:

— Ўн чорлиқ яроғлиқ йигитлари ҳам бор.

— Тағин-чи?

— Яроғсиз яна бир йигит ҳам кўринди.

— Утаббойнинг ўзини ҳузуримизга киргиз, — деди Мусулмонқул, қуллиқ қилиб чиқа бошлаган ҳудайчини яна тўхтатиб сўради: — Утаббойнинг йигитлари ўрданинг ташқарисидами, ичкарисида?

¹ Салимсоқбек Шераликоннинг катта ўғли. Худоернинг ўтай акасидир. Унинг таҳт даъво қилишидан кўркиб, Мусулмонқул ўлдиртирган эди. Чунки еш Худоер хон бўлиб турған фурсатда Мусулмонқул ўз билитича иш қиласилар, лоақал Худоер эсини таниғунча давр суро олур эди (муал.).

² Ёғий — ев

³ Аркони давлат — давлат арбоблари.

— Тақсир, ичкарисида.
— Яхши, қүшбеги бизнинг ёнға киргандан сўнг ўрда йигитлари уларга ҳозир бўлсинлар!

Худайчи қуллик қилиб чиқди. Унинг кетидан Мусулмонқул товшига музafferият оҳанги бериб хонға деди:

— Уғриларнинг иккиси қопқонга тушди, хон!
— Толеъимиз.

Қүшбеги кирди. Хонға икки букилиб таъзим қилгач, келиб унинг қўлини ўпди. Ўтаббойнинг мулоқоти¹ учун Мусулмонқул ҳам гўё ҳеч нарса кўрмагандек ўрнидан туриб унинг билан қучоқлашиб кўриди. Ўтаббой Мусулмонқулнинг кўрсатиши билан хоннинг чап томонидағи курсига ўлтурди. Ул Мусулмонқулнинг самимий мулоқотидан кўркувлиқ юрагини бир қадар тўхтатиб олған эди. Курсидан яна туриб хонга қуллик қилиб боз² ўлтурди. Мусулмонқул қүшбегини ер тегидан кузатар экан сўради.

— Юртларингиз тинчлиқми, ўзингиз ҳам соғмисиз?

— Алҳамдуиллоҳ, ёш шоҳимизнинг давлатлари ва ҳусни таважжухлари³ соясида юртимиз тинчлик, фуқаромиз жаноби олийнинг дуойи жонлари билан машғуллар.

Худоёр озғина ишорат билан унга ташаккур билдири. Бунга қарши қүшбеги курсидан қўэғалиб қуллик қилди. Мусулмонқул муртини силяб ниманингдир мулоҳазасида эди. Унинг бу ҳоли бирар дақиқага чўзилранлиқдан Худоёр билан қүшбеги унинг оғзиға тикилган эдилар.

— Сизнинг хабарингиз бўлдими, йўқми биз Тошканд устига юборсан Нормуҳаммад қүшбегидан жуда ярамас бир хабар олдиқ, — деб Мусулмонқул Ўтаббойга қаради, ундан хабарсизлик жавобини олгач, сўзида давом этти: — Нормуҳаммад қүшбеги уч минг сипоҳ, билан етмиш кун Тошкандни қамаб ётиб, ниҳоят бир иш чиқара олмай одамлари билан қайтмоққа мажбур бўлибди. Азизбек билан Юсуфбек ҳожиларнинг азтаҳидил қаршиликлари бизнинг кишиларни қуруқ қайтаришга мажбур қилибди. Мана шунинг учун мундан кейин бизнинг бошқа бир йўл билан иш кўрмагимиз тақозо қиласди... Кеча биз кимдандир Юсуфбек ҳожининг ўғли бўлган Отабек деганин сизнинг Марғилонда деб эшитдик. Мундан сўнгри Тошканд тўғрисида кўрадирган тадбирларимиз учун унинг кераги бўлур, деб ўйлаб сиз билан бирга уни ҳузуримизга чақирган эдик... — Бу жойда қүшбеги Мусулмонқулни тўхтатди-да, кулди, сўнгра Худоёрға деди:

— Отабек устида анча можаролар бўлиб ўтди. Бунинг ҳикояси узун, алҳол мингбошининг раъйларини эшитайлик... давом қилингизчи.

— Отабек ўзингиз билан биргами? — деб сўради Мусулмонқул, биргалик жавобини олиб, тамом хотиржамъ бўлган ҳолда давом этди: — Юқорида айтканимдек минбаъд⁴ тадбир йўли билан Азизбекни йўқо-

¹ Мулоқот — учрашиш, кўришиш.

² Боз — яна.

³ Таважжух — қўланиш, хайриҳоҳона қараш, ғамхўрлик.

⁴ Минбаъд — бундан кейин.



тишдан бошқа чорамиз йўқдир. Бизнинг бу кейинги режамиз йўлида иш берадирган киши бўлса ул ҳам менга қолса шу Отабек бўлур. Чунки бошқаларға қараганда унинг Тошканд бориши ва Азизбекнинг яқин одамининг ўғли бўлғани учун унинг билан алоқада бўлиши, заҳар бериш ва ё бошқача бир йўл билан уни орадан кўтара олиши, унга энг қулай бир ишдир. Оғриқнинг тузаласи келса эмчи ўз оёғи билан келур, деганларидек, Отабекни Марғилонда бўлиш хабарини эшитиб хон билан мен жуда қувонищдиқ... Мана сизни чақиришдан бўлған мақсадимиз шудир. Яна сизнинг бу ҳақдаги раъйингиз нима бўлса эшитамиз.

Мусулмонқулнинг бу сўзларига Ўтаббой қушбеги тамом ишонган, аммо Худоёр эрса унинг илгариги мақсадини яхши билганлиқдан бу сўнгги гаплар билан ниҳоятда тарааддуға тушкан эди. Тўғриси ҳам Мусулмонқулнинг бу кейинги гапи кишини мутарафдиц¹ қилмай қўймас эди.

— Бу фикрингиз менимча ҳам маъқул, — деди қушбеги, — аммо бунда бир гап бор, ул ҳам: Отабек бу вазифани ўз бўйнига оладими, йўқми масаласидир. Чунки Отабекнинг Азизбек тарафдори бўлғанилиғига шу ўртада ўзим тегширган бир иш мени шубҳага тушурадир. Шундоғки, мундан йигирма беш кунлар илгари, қўрбошимнинг хабар бериши билан Азизбек тарафидан Марғилонда тўполон чиқарғали келгандир, деб ўйлаб, ёнидаги бир неча кишилари билан зиндонга солдирдим. Унинг Юсуфбек ҳожининг ўғли бўлиши ҳам ўша мулоҳазамнинг тўғрилиғига мени ишонтирас эди. Яна қўрбошига Отабек устидан шикоят қылгучининг шаҳодати билан бу шубҳамга ишониб, мундан беш кун илгари Отабек билан унинг қайин отаси Мирзакарим деган марғилонлиқни ўлим жазосига ҳукм қилдим. Гуноҳкорларни дор остира олиб кетканларига бирмунча фурсат ўткан эди, маҳкамага бир хотин ҳозир бўлиб, қўлимга бир мактуб берди. Ўқуб қарасам, Азизбек Тошкенда Қўқонға қарши исён чиқармоғи бўлиб юрган фурсатда Юсуфбек ҳожи томонидан ўғли Отабекка ёзилған бир мактуб бўлиб маним қўл, оёғимни бўшашибдири. Чунки бу мактуб Юсуфбек ҳожининг Азизбекка тамоман қарши бир киши бўлғанилигини онглатар эди. Гуноҳкорларни дор остидан қайтаришга мажбур бўлдим. Мен фақат шу мактуб далолатига бовар қилиб, гуноҳкорларни бўшата бермай, қўлимдан келганча яна текшириб тергадим. Отабекнинг сўзлари кишини тамом ишонтираслик даражада мактубга мувофиқ эди. Шундоғ бўлса ҳам фақат Мирзакаримни озод қилиб, кейинги тергашлар тамом бўлгунчалиқ Отабекни кафилга бердим. Ўзининг бирар адовати учун бундай гапларни қўзғатиб юрган бўлмасин, деб ҳалиги менга шаҳодат берганни ушлаб Отабек ва бошқалар билан юзлашдирмоқчи бўлғанимда нима сабабдандир ул қочди. Шу кунгача уни топиб бўлмади. Мунинг қочиши гарчи бу шаҳодатнинг бирар адоват юзасидан бўлған сиъоят² эканини онглатар эди эрса ҳам мен яна ҳануз Отабекни кафолатда

¹ Мутарафдиц — ўйланиб қолмоқ, иккимланмоқ.
² Сиъоят — чакимчилик.

сақлар эдимки, жаноби олийдан бу хабар етди Дарҳол Отабекни йигитлардан ўратиб саодатхонаи шаҳсаншоҳига жўнадим. Отабекнинг Маррилон можароси шундан иборат бўлиб, манимча Отабек устида ҳали шундай тергавлар бораётқан бир вақтда унга бундог жавобгарлик вазифани тошириши қалай бўларикин, дейман...

Мусулмонқулдек маккор тулкининг ўйлағанларини қушбегининг тўғри сўзлари ост-уст қилиб, унинг Ўтаббой тўғрисидағи суи занлари бирмунча озайиб тупди. Аммо Мусулмонқулнинг икки киши устига йўналган қаҳру ғазаби ўзининг борлик даҳшати билан фақат Отабек устига тикилди ва Тошканд кўргонлари остида қурбон бўлған сипоҳларининг қонини Азизбекнинг ўнг қўли бўлғаннинг ўғлидан олмоқчи бўлди.

— Юсуфбек ҳожининг мактуби ёнингиздадир?

— Тақсир, — деди қушбеги, мактубни олиб Мусулмонқулга узатди. Мусулмонқул ўнда-сўнда мактубга кўз югуртириб чиқди-да, заҳарханда ичидаги Ўтаббойга қаради:

— Юсуфбек ҳожининг қурған ҳийлаларига тушунмагучи эҳтимол Марғилондан топилмагандур! У тулки ўз ўғлини Марғилонда тўполон чиқариш учун, деб юборишидаёқ ҳар бир эҳтимолга қарши бу мактубни ёзиб берган, бунга Марғилон калваклари тушунмасалар ҳам биз тушуна оламиз! — деди ва мағрут бир тусда Худоёрға қараб қўйди. Кушбеги унинг бу истеҳзосини ютишка мажбур эди. Чунки озғина тилдан тойса ўзининг ҳам Отабек қаторига киритилишини яхши онглар эди. Сукут қилди.

— Ҳудайчи!

— Кулингиз!

— Ҳалиги қушбеги билан бирга келган йигитни ҳузуримизга ҳозира!

Мусулмонқулнинг апти ортиқ даҳшатлиқ бир ҳолга кирган, таҳт устига қўндирилган жонлик Худоёр ҳайкал ҳам сукутда, ўзининг нима бўлишига тушунмаган Ўтаббой ҳам борлик, йўқлиқ ҳолатда...

Отабек ҳудайчи орқасидан кириб хонға таъзим қилди ва қўл боғлаб тўҳтади. Отабек Мусулмонқул отини, унинг йиртқичлигини яхши билса ҳам, аммо шахсан ўзини кўрмаган, шунинг учун хоннинг ёнидаги хоқонға илтифот этмади. Унинг бу илтифотсизлиги Мусулмонқулға асарсиз қолмади-да, аччиғи устига аччиғ, кек устига кек қўшилди ва шулар ичидаги ясалиб чиқған бир истеҳзо илжайиши ва бир товуш билан:

— Манга қаранг, бек йигит, — деди. Отабек ўзига қарағач: — Сиз ким бўласиз? — деб сўради. Ул ҳануз бояғи масхара ҳолатда эди.

— Мен Отабек.

— Дунёда Отабекдан кўпи борми, сиз қандай Отабек?

— Отабек Юсуфбек ҳожи ӯғли.

— Ҳа-а-а, шундог денг-чи... Тошкандлик Юсуфбек ҳожиким, Азизбекимизнинг гумаштаси бўлған зоти шарифнинг ўғиллари?

Отабек бу чўлтоғ супургини таниди ва унинг истеҳзоларини пай-

қади. Ул бундан сўнгри кўргулигини тамом маъноси билан онглаб, маъносиз бу саволларга жавоб бериб ўлтуришдан сукутни хайрлик топди. Гўё ўзининг бу сукути билан Мусулмонқулга маънолик бир жавобни ифода қилас эди. Чиндан ҳам Мусулмонқул бу сукутдан таҳқиrlанди, тутуни кўкка кўтарилар экан, бақирди:

— Нега жавоб бермайсан?!

— Сиз мени қандай таниған бўлсангиз-бўлингиз, мен ўшандор кишининг ўғали, — деди бек. — Мен билан отам сиз билан қушбегига бир неча турлик бўлиб танилсақ-да, ўз виждонимиз олдида бир турлик-кинадирмиз! Шунинг учун сиз тилаган тарафингизга ҳукм қилингизда, буйруғингизни бераверингиз!

Мусулмонқулнинг юзидағи бояғи аччиғлар ерини бир завқданиш вазияти олди. Кулимсираш ичида Отабекни кузатар экан:

— Дав юрагинг бор экан, йигит... Ҳайфки, гуноҳинг бўйнингда¹, — деди ва чақирди: — Жамод!

Эшик ёнида кутиб турган ойболталиқлар ҳаракатландилар:

— Ҳанжаримиз қонсираған!

Жаллодларнинг олдида кирган ҳудайчи хонға арз қилди:

— Тошкандан бир чопар бор, ҳузурингизга кириш учун изн сўрайдир!

Худоёр Мусулмонқулга қаради. Мусулмонқул эрса Отабекни жаллодга топшириш учун ўнгланған тилини қисиша мажбур бўлди. — Кирсин! — деди ва ўзидан амр кутиб турган жаллодларга: — Бир оздан сўнг, — деди, чиқиб турмоққа ишорат қилди. Негаки, чоларнинг Тошкандан бўлиши бу ҳукмда бир оз шошмаслиқни истар, чопар воситаси билан ҳам бу ҳукм эҳтимол ҳақлик бир ҳукм бўлиб чиқар ва Мусулмонқул ҳам лоақал ўз умрида бир мартаба бўлса-да, ўринлик қон тўйкан бўлар эди.

Отабек гарантсигансумон деворга суюнған, муңдаги аллақандай маъноларни онглатқан таҳт, тож, хон, бек каби лаш-лушлар унинг кўз ўнгидаги қора пуллик қадру қийматсиз... Тўғриси ул ажиб бир табиъатка кирган, унинг вужуди қуруқ ва ҳиссиз... Йўқ, ул сезса-да, билса-да, гўё оёғ, қўли боғланиб бўғизланишга ҳозирланган бир қўй каби қайралаётқан пичоққа бутунлай парвосиз, қўрқувсиз томоша қилас эди. Бу турмиш, бу ҳокимият, чеки кўринмаган бу қоронилиқ.. унинг учун сира қизиқарлиқ эмаслар: ул йўқ эди — тинч эди, ул келди — тинчимида, ул яна йўқ бўлса эҳтимол яна тинчир эди. Мана шунинг учун ҳам ул безрайган эди. Фақат... фақат шу турмишдаги биравгина унинг кўнглидан тезроқ ювилмас ва ювилиши ҳам қийиндек... Ниҳоят, бундан ҳам қутилғандек бўлди. Аммо... сўнг нафасида унинг билан видольашса, бўрозига ҳанжар ботар экан, унинг юзига қарабқина қўзи нурсизланса... Унинг ҳамма орзузи шу эди ҳозир.

¹ Мусулмонқулнинг ўзи ҳам фавқулодда юраклик эди. 1853 и. тарихида Мусулмонқул қўқонлиларя асир тушиб, уни тўпдан отиб ўлдириш учун дордек бир нарсанинг устига ўтқузалар Иккинчи томондан тўпка ўт бериш кутиладир. Шу вактда кишилар Мусулмонқулдан сўрайдилар. «Энди қалайсан, чўлоқ?» Мусулмонқул тулибқина жавоб берадир: «Алҳамдуиллоҳ, ҳали ҳам сизлардан юкори бир ерда ўлтурибман!» (Муал.)

Худайчи чопарни бошлаб кирди. Чопар номани тиз букиб Худо-ерға топшириғач, орқасиға қайтиб, кўзини девордаги безрайганга таш-ламасунми... Ул ўзининг хон ҳузурида бўлғанини ҳам унуди-да, ўзини Отабек устига ташлади, Тошканд чопарининг бу кутимаган ҳаракати хонни, Мусулмонқулни, қушбеги ҳам худайчини ва оддинги золда ўлтур-ган аъённи бир ҳайратда қолдириған эди. Отабекнинг тасалло бериши билан Ҳасанали ундан кўл тортди эрса-да, бироқ ундан ҳаяжон, йиғи ҳали аримаган эди.

— Адаб! — деб қичкирди Мусулмонқул, сўнгра ўзига қараб қўл боғлаған Ҳасаналидан сўради: — Сен кимнинг чопари?

— Нормуҳаммад қушбегининг.

— Қаердан?

— Тошкандан, гақсир.

Мусулмонқул таажжуб ичидаги ўзига Худоёр томонидан узатилған номани олди. Очиб киши эшитарлик қилиб ўкуди:

«Ёш хонимизга ва падари арус шаҳаншоҳи Мусулмонқул баҳодир ҳузурларига. Ёш шоҳимизнинг баҳт ва толеълари руҳсиз таңларимизга қайта бошдан рух, маъюс кўнгилларимизга қайтиб чиқмаслиқ умид бағишилади. Фақир қуллари мундан тўрт кунлар илгари Тошканндан сипоҳлар билан умидсиз қайтишига мажбур бўлиб, ул тўғрида ҳузурларига хабар ҳам юбориған эдим. Шу ҳолда биз сипоҳлар билан Кировчи яқинига еткан ҳам эшк, орқамиздан бир чопар етиб Тошканнда Азизбекка қарши исен бошланғанини, бизни кўмак учун Юсуфбек ҳожининг Тошканга чақириғанини сўзлаб, унинг исмидан бир мактуб берди. Мен дарҳол сипоҳларни Тошканг қайтишига буюргим-да, хабар олғани иккинчи куни Тошканга етдим. Биз Тошканга кирганда Юсуфбек ҳожи бошлиқ оломон Азизбекни ўрга ичига қамаб ётар эканлар. Оломон, айниқса Юсуфбек ҳожи бизни жуда яхши қаршиладилар. Биз борғандан кейин ўргага босиб кирдик-да, Азизбекни ушлаб олдиқ. Бошда мен Юсуфбек ҳожини балки, Тошканг беклиги учун таъмаланур деб ўйлаған эдим. Аммо унинг бутун ўрга ва хазина, ашё ва яроқларини маним кулимга топшириши бу фикримни бўшка чиқарди. Юсуфбек ҳожи ниҳоятда таъмасиз, ҳалқ манфаатини кузаткучи бир одам экан. Биноан алайҳи¹ унинг тўғрисидаги бизнинг суи занларимиз² хато бўлиб чиқадир. Унинг Азизбекка қарши ҳалқни оёғландириси ҳам бизнинг Тошканндан жўна-шишимизнинг иккинчи куни Азизбекнинг нечоғлиқ сиқилған ҳалқ устига ўтитуз икки таңгадан чочкан солиги бўлибдур. Тошканг ҳалқи Азизбекнинг ҳийласига алданиб, бизга ёғийлиқ қилғани учун пушаймон ва унинг зулмидан кутмалани важдан хурсанддир.

Мен Юсуфбек ҳожининг бунчалик катта хизмати эвазига хон ҳаз-ратидан улур бир мартаба олиб беришка ваъда берган эдим, ул бунга қарши узр айтиб, Тошканга инсофлик бир бек белгуланса, маним учун киғоя, деди. Унинг хон жанобидан куткан бир марҳамати бор эканким, шу яқинда савдо била Марғилонда юрган ёлриз ўғлини номаълум бир

Биноан алайҳи — шунга биноан

¹ Суи зан — гумон, тахмин, шубда.

сабаб ила Ўтаббой қүшбегининг қамаганлигини эшишибдир. Унинг бу хизматини бирар муроффотка арзигулш курсалар, ўшал қамоқда бўлган ўғлини озод этмак учун хон ҳазратларининг қиласирган иноятлари ҳар бир нарсадан ҳам унга азизроқ бир муроффот бўлур. Фақир қулингизча ҳам Юсуфбек ҳожининг давлатимиз устига кўйган бу миннати кичкина гал эмасдир. Биноан алайҳи унинг ўғли гарчи ўлим жазосига сазовор бўлса ҳам, марҳамати шоҳонанинг жўшка келтирилиши биз навкарларига ҳам мувофиқ кўриладир. Вақтинча Тошканг беклигига Кўшодсҳони белгулаб, ёнига бирмунча сипоҳлар бердим. Ўзим Азизбекни олиб тезга хизматларига юргам керак. Нормуҳаммағ қушбеги, муҳр».

Мусулмонқул мактубни тутатди-да, уятсиз равишда Отабекка қараб илжайди ва ҳудайчига буюрди:

— Иккита заррин тун келтир!

Отабекнинг мўъжиза қабилидан сунг дақиқаларида иккинчи қайта қутилишни кўрган Ўтаббой қүшбеги беихтиёр ёқасини ушлади. Худоёрхон ҳам йиртқич қайинотасининг чангалидан қутилранини табрик қилғандек Отабекка кулиб бокди.

Мусулмонқул оқсоқланиб, ўз қўли билан Отабекка заррин тўн кийгузар экан:

— Отангизнинг катта хизмати соясида ўлимдан қутилранингиздек заррин тўнлик ҳам бўлдингиз, — деб яна бир қайта уятсизланди.

Тагин бир неча кун туриб қайтмоқ учун Отабек Марғилонга, Ҳасанали ота Юсуфбек ҳожини тинчитиш учун Тошкандга жўнадилар.

(Биринчи бўлимнинг сўнгри)

У З Р'

Рўмон, деб сизга тақдим қилинган бу нарса дунёға келиши биланоқ баҳтсизликка учрай бошлаган эди: беш йиллаб босила олмай ётди. Ниҳоят бу кун босилиши мұяссар бўлғанига ҳам турлик зарабаларга учради; имлоси уч-тўршипа имлочилаrimiz томонидан туэтатлиб (!) ажойиб бир қуроқ ҳолига келди, мусаҳҳиларимизнинг мусоҳалалари² орқасида техника жиҳати кўз кўриб қулоқ эшишмаган бир йўсунда чиқди. Буларнинг сабаби босилиши чорига ўзимнинг ҳозир бўла олмағанлигим бўлди. Аммо бу ўринда ўзимнинг жаҳолатим тўхрисида айтиб туришни лозим кўрмайман-да, фақат ўқуғучиларнинг афвларини сўрайман.

Рўмоннинг иккинчи бўлимини бундай хатолардан соф бўла олишига ваъда бера олмасам-да, аммо босилиш тақдирни ношир қўлида бўлғанилигини билдириб қўяман.

Абдулла

¹ Рўмоннинг биринчи бўлими 1925 йилда, иккинчи ва учинчи бўлими 1926 йилда алоҳида Муковаларда нашр этилиб, ушбу узрнома 1925 йилда чиқдан биринчи бўлимига илова қилинган эди. Бу бўлим 1926 йилда қайта нашр этилади. Қўлинтиздаги китобга биринчи бўлимнинг 1926 йилдаги қайта нашрини олдик.

² Мусоҳала — бепарво, беъзтибор қарааш

ИККИНЧИ БҮЛІМ

Азизбек Тошкандан жүнатылды. Унинг ерига Құқондан Нормұхаммад қүшбеги белгуланиб келди.

Азизбекни құлға тушириб бериш билан қипчоқлар наздіда ҳам Юсуфбек ҳожининг қадру қиймати юқориланған зди. Аммо үзининг мансаб суимаслиги важыдан яна эскича «Юсуфбек ҳожи» бўлиб қола берди. Шунинг билан бирга Азизбек ёнида қандай мавқиъ туткан бўлса, Нормұхаммад қүшбеги олдида ундан ҳам юқорироқ ва маънолироқ эътибор қозонди. Унинг ҳар бир раъига Нормұхаммад қүшбеги қонунан мажбур бўлмаса-да, аммо маънан бир мажбурият ҳис этар зди: ўринсизга киши ўлдиришлар, вақтсиз ҳам ўринсиз солик солишлар, беҳуда ўрда исрофотлари, бўлмагур тақиқлар ва ортиқча диний такаллуфотлар бирмунча эбка олиндилар.

Уч йиллаб Азизбек истибодода ээилган Тошканд ҳалқи эркин нафас олди: савдо-сотик, экин-тикин ва қасбикор күтарилиб бошлади. Одамлар жонланғандек бўлиб бу ҳолни:

«Замон-замон дориламон,
Нормат тўрам бўлсин эсон!» —

деб бошлаған уларнинг ашуалали ҳам ифода қиласар зди¹.

1. Ота она орзуси

Ўзбек ойим элли беш ёшлар чамалиқ, ҷала-думбул табиъатлик бир хотин бўлса ҳам, аммо эрига ўткирилиги билан машҳур зди. Унинг ўткирилиги ёлғиз эригагина эмас, Тошканд хотинларига ҳам ом зди. Ўзга хотинлар унинг соясига салом бериб тўйларида, азаларида, қисқаси, тиқ эткан йигинларидағи уйларнинг тўрини Ўзбек ойимға атаган здилар. Бир бугина эмас, қиз чиқаратурған, ўгул уйлантирадирған, суннат тўйи қиладирған хотинлар ўз тўйларини Ўзбек ойим кенгашидан ташқари жўната олмас здилар. Ўзбек ойим аралашқан тўйлик хотинларнинг кўнгилларидағи орзу ҳаваслари ҳам эрлари томонидан камчиликсиз бажарилар, чунки «Ўзбек ойим шундоғ буюрдилар» деган сўз эрлар учун ҳам фарз каби эшитилиб, Ўзбек ойимнинг айтканича ҳозирлик кўрила бошланар зди. Бу томондан қарағанда Ўзбек ойим-

Нормұхаммад қүшбегининг Тошканнадаги бекслик даври таҳминан 1270 дан — 73 йил ҳижрийгачадир. Замона бекларнинг ҳушеррөгидир. Отам хон замонларида ўзи кўриб кечирған ўңзаб беклар ичидан шу Нормұхаммадни чиқариб: «Юртни тинч тутди, куб яхши одам зди, худо рахмати». деб кўяр иди (муал.)

нинг ўткирлиги эрлар томонидан ҳам тасдиқ этилганлигини иқрор қилишга тўғри келадир.

Ўзбек ойим унча-мунча тўю азаларга «кавшим кўчада қолған эмас» деб бормас эди. Шунинг учун хотинлар ўз тўйларини Ўзбек ойим иштироки билан ўтказиб олсалар, ўзларини шаҳарнинг энг баҳталик хотинларидан санаб «манинг тўйимни бек ойим ўз қўллари билан ўтказдилар» деган жумлани мажлисларда ифтихор ўрнида сўзлаб юрар эдилар. Ўзбек ойимнинг обрўси ёлиз шулар билангина чекланиб қолмас, уни ўрда хонимлари ҳам эҳтиром қилиб ўзларининг «онахонлари» деб билар эдилар. Шунга кўра қайси бир вақтларда ўрда ясовуллари Юсуфбек ҳожининг эшигига арава кўндаланг қилиб «ўрда беги оим буюрдилар», деб Ўзбек ойимнинг ясаниб чиқишини кутар эдилар. Бу томон билан қайси бир мажлисларда Ўзбек ойим хотинларнинг эсларини ҳам чиқариб юборар эди: «Кеча ўрда бек ойимдан менга арава келган экан, феълим айнаб турған эди, бормай аравадан бўш қайтардим... Бо жудо, ўрда бекачи бўлса ўзига, дедим», дер эди. Иккинчи вақтда: «Ўткан кун ўрдага борған эдим; хонимлар ётиб қоласиз деб қўймадилар, ноилож бир кече ётиб келдим», деб сўз орасига қистириб кетар эди. Бу сўзларни эшиткучи хотинлар ўзларининг қандоғ бир хотиннинг сұхбатига ноил бўлғанларини ўйлаб, Ўзбек ойимнинг эҳтиромини тагин ҳам кучайтирап эдилар.

Ул ўз уйида ўлтурғанида ҳам устидағи атлас кўйнак билан адрес мурсакни, оқ шохи дакана билан каҳрабо тасбихни қўймай, қиши кунлари танчада пар ёстиқда суялиб, ёз кунлари айвоннинг тўрига ёсланиб Ҳасаналининг хотини бўлған ~~хонимларни~~ чўри қиз Ҳанифага хамирни ачитмасликни, паловни қирмоч олдирмасликни танбихлабкина ўлтурар эди.

Отабекнинг Марғилондан уйланиб қўйиши отаси учун унча ризосизликка мужиб¹ бўлмаса ҳам, аммо унинг ўгул тўйисидан бошлаб, Тошканд қизларини ост-уст қилиб у «бунинг қизи яхши бўлса ҳам, уй-жойлари ярамас экан; бунинг уй-жойлари тузик бўлса ҳам, қизи кўрксиз экан; бунинг қизи-да, уй-жойларида тузик, бироқ зоти пас экан», деб қиз, қуда, уй, жой, насл ва насаб текшириб юргучи Ўзбек ойимнинг Отабекни уйландириб бунинг орқасидан кўратурган орзу-ҳавас, тўю томошаларини шартта кесиб қўйған бу уйланишка нима дейиши ва қандай қараши албатта маълум эди. Битти битти ўғли Марғилон деган жойда, аллакимларнинг қўлида, асли номаълум кишиларнинг қизига уйлансин-да, бу кун-эрта ўзлумнинг орзу-ҳавасини кўраман, деб энтикиб ўлтурған ва ўгул бокиб катта қилган она — Ўзбек ойим икки қўлини бурнига тиқиб қараб қолаберсин...

Бу хабарни Ҳасаналидан эшиткан кунлари ул бу ишқа чидаб туролмади: «Энди менга чундог ўгул керак эмас... Оқ сутимни оқда, кўх сутимни кўкка соғдим... Энди Тошкандга келмасин ул ўзбошимча бетиょқ!», деб бақириб-чақириб, йиглаб-сихтаб, дарду ҳасратни бошига кийиб оди. Орадан ўн беш кун ўтар-ўтмас Марғилондан Отабек кел-

¹ Мужиб — сабаб

ди. Уч ойлаб кўрмаган ўғлини қучоғиға олиб кўришмак ўрнига ундан юзини ўгуриб, сан кимсан, келдингми, деб сўрамади ва саломига алик ҳам олмади. Гўё ухламоқчи бўлған товуқдек ҳурпайиб одди. Отабек онасининг аразига аллақачон тушунган, ҳам шу ҳолни Маргилоңдаёқ куткан эди. Бир-икки қайта узр айтиб кўргацдан сўнг Ўзбек ойимнинг эпақага келишига ишонмай қолди ва шунинг учун ул ҳам гўё билмаган, тушунмаган кишидек юрий берди.

Турған гап, Отабекнинг Маргилоңга узоқ бормай туруши мумкин эмас эди. Ўртадан икки ҳафта ўтар-ўтмас отасига аллақандай баҳона кўрсатиб, йўл ҳозирлигини кўра бошлайдир ва онасиға билдирмаёқ Маргилон жўнайдир. Ўзбек ойим ўғлининг «ўлганни устига чиқиб тениш» қабилидан бўлған бу ҳаракатидан тутуни кўкка чиқиб, борлик қаҳру ғазабини эри устига тўқадир: «Сиз қариб эсингизни еб қолибсиз, ўғлингизни маргилоңлиққа топшириб қўйиб, яна эл ичида бошингизни кўтариб юрмакчи бўласизми?..» дейдир.

Юсуфбек ҳожининг қизиқ бир табигъати бор: хотини билангина эмас, умуман уй ичиси билан ҳар қандай масала устида бўлса бўлсин узоқ сўзлашиб ўлтурмайдир. Отабекми, онасими, Ҳасаналими, ишқилиб уй ичидан бирартасининг сўзлари ва ё кенгашлари бўлса, келиб ҳожининг юзига қарамасдан сўзлай берадилар; мақсад айтиб биткандан сўнг секингина кўгарилиб унинг юзига қарайтилар. Ҳожи бир неча вақт сўзлағучини ўз оғзиға тикилтириб ўлтурғандан сўнг, агар номаъкул бўлса «дуруст эмас» дейдир ва жуда ҳам ўзига номаъкул гап бўлса бир илжайиб қўйиш билан кифояланиб, мундан бошқа сўз айтмайдир ва айтса ҳам уч-тўрт калимадан нарига ошмайдир. Уй ичи унинг бу феълига жуда яхши тушунганиклиаридан кўпинча бир оғиз жавоб олиш билан кифояланадирлар. Аммо Отабек билан бирар тўғрида сўзлашмакчи бўлса, уни аксар меҳмонхонага чақириб ёки чақиртириб оладир. Ўзбек ойим юқоридаги ўзининг итоб¹ ва хитобига эридан бир илжайиб қўйиш жавобини олиб дами ичига тушадилар ва чор-ночор ўттуз кунлаб бир замонни ўзича маргилоңлиқни қараш билан кечира-дир. Отабек Тошкандга қайтиб келиб, «энди араз биткандир» деган ўйда онасиға салом берадир. Араз битиш қаерда, Ўзбек ойимнинг ўғлиға қарши кинаси тарин бир неча қат ортқан, аммо бу гал салом бергучига бир қарайтиб-да, «ўтлим, менга салом бериб нима қиласан, маргилоңлиқ онантининг дуосини ол!» деб юзини четка ўгурадир. Ул онасининг бу киноясини кулгулик билан кечириб, яна эскича аразда қолаберадирлар. Отабек яна ўн беш кунни ўтказиб, тагин бир нозик сабабни ўртаға ташлаб онасининг рухсатисиз Маргилоңга жўнаб соладир. Тагин Ўзбек ойимнинг ранги ўчкан, қони қочқан: товоқни косага, чўмични пиёлала уриб доди фарёд; «Сиз отамисиз, нимасиз ахир, ўғлингизни тийиб олиш сира эсингизга келадими? Ўғлингизнинг бу иши бечиз эмас: маргилоңлиқ сиҳр қилдими, жоду қилдими, ҳайтовур сиз шу йўсунда юрий берсангиз, эрта-индин ўғулдан ажраласиз. Бу калвак

Итоб - таъна, маломат.

ўғлингиз марғилонлиқнинг эшигида қул бўлиб ётиб оладир...» Аммо Юсуфбек ҳожи хотиннинг сўзини бу гал ҳам эламайдир, фақат: «Қўябер, хотин, ўзи соғ бўлса, бир кун эсини топар», деб қўядир. Бир ярим ойлар вақтни Марғилонда ўтказиб, тағин Отабек Тошкандга келадир. Тағин она-бала ораларида кина-кудурат... Тағин араз... Ўн беш кун ўтмасдан яна Андижон сафари, яна Узбек ойимнинг фирони фалакка... Марғилонлиқнинг сиҳрчи-жодучисига ўлим тилаш; мени ўғлимдан ажратса ўзи ҳам суйганидан ажрасин, қарғиш...

Ниҳоят орада! бир йиал чамаси вақт ўтиб Марғилонга қатнаш етти-саккизга еткач, Ўзбек ойимнинг гиди-гидиси билан бўлса керак Юсуфбек ҳожида ҳам бир ўзгариш кўрила бошлайдир. Хотиннинг: «Ўгул ўсдиришни, ўгул тийишни билмайсиз» деб шилталашига: «Нима қил, дейсан энди?» деб сўрайдир.

— Биз Отабекни Тошкандан уйландириб бошини боғламасақ, кун сайин унинг Марғилон югуришидан кутила олмасмиз. Тошкандан уйланса сув қўйғандек тинар-қолар; Марғилон балосини эсидан ҳам чиқарап... — дейдир Ўзбек ойим. Яъни ҳамиша юрагини шопиртириб, миясини машғул қилған муддаони айтиб солиш фурсатини қочирмайдир.

— Ўғлинг қайтсин-чи, бўлмаса...

Эрининг бу сўзига Ўзбек ойим ортиқча қизишадир, лаби-лабига тегмай бобиллаб берадир:

— Сиз шу кунгача барча ихтиёрни ўғлингизга топшириб, болани бола қилмадингиз, бир худбин қилдингиз... Ўгул ўсдириш бу турда бўлмас; ул тиласин-тиламасин шартта-шартта тилаганингизча қилингизда, қараб тураберингиз. Сиз ўзингизнинг шу «ўғлинг билар» деган гапингиз билан қанча яхши жойлардан қолиб, ниҳоят марғилонлиқ балосига йўлиқдингиз... Эндики ихтиёр мақда: ул келгунча бир яхши жойга унашайин-да, келгандан сўнг тўйни ҳам жўнатиб юборайли!

— Туратур-чи...

Ҳожининг бунчалик бўш келиши Ўзбек ойимга қанот-қуйруқ бергандек бўлди ва мундан сўнг тиниб-тинчиб туролмади. Шу гапнинг иккинчи куни Ҳасаналини қўярда-қўймай арава қўшдириб шаҳарнинг тўрт томонига қиз кўриш учун юриб кетди. Марғилонлиқ келиннинг таърифини Ҳасаналидан эшиткан эди. Отабекнинг кўнглини ўша гўзал марғилонлиқдан совитиш йўлида упдан ҳам кўҳлик, упдан ҳам сулук қиз толиши кўйинга тушди. Шунга кўра унга унча-мунча қиз ёқмай, шаҳардаги кўб эшикларни санаашга тўғри келди. Еттинчи мартаба кўчага чиқища Олим понсад деганинг қизи ёқа тушиб ҳожига арз қилинди. Ҳожи бошда хотиннинг бу гапига кулди, ундан кейин «туратур, ўғлинг келсин», деди. Ўзбек ойимнинг бобиллаши кучаябергач: «Нима қилсанг ўзинг бил, башарти ўғлинг кўнмаса мен зўрламайман!» деди. Ўзбек ойим эрига ялиниб бошлади:

— Бир сўзлиғингизни қўйинг, эр; ўзи аслзода, лоақал бир оғиз ўғлингизга айтиб ўтишка ваъда беринг-чи,— деди.

— Яхши. Ваъда ҳам берайин, аммо сан унашмай тур.



— Унашмайман, лекин ўғлингизга унащдик, деб эшилдирамиз...
Тузикми?

— Маъқул.

Шу ўлтуришдан сўнг Ўзбек ойим жуда ҳам жонланиб кетди ва эртасига Олим понсадникига қараб яна арава қўшдириди. Бу иккинчи совчилиқда гўё қудачалардек қарши олини. Олим понсадбошилар: Юсуфбек ҳожига қуда бўлар эканмиз, деб жуда ҳам типирлашиб қолған ва иззат-икромни ҳаддан оширган эдилар. Еган оғиз уялар қаби-лидан Ўзбек ойим ҳам муомалани қудаларча қиади, ҳатто: «Бек отангиз билан мен сўзни бир жойга қўйдик. Фақат иш Отабекнинг келишига қолди» деб қўйди. Кечқурун уйга қайтиб бу айткан сўзини ҳикоя қилған эди, ҳожи лабини тишлаб қолди ва: «Санга сира ақл битмай кетар экан-да», деди.

Бир ойлаб кечиккандан сўнг Отабек қайтиб келди ва бу келиши-нинг виждан азоби ва тиламаган бир таклифни эшилиш учунгина эмас, балки қабул қилиш учун бўлғанлигини пайқади. Ул бу гапни онасининг илгариги ачимсиқ сўзларини ва аразларини туталганидан ва ўрнига сучук сўзлар, силиқ муомалалар битиб «эсон-сор қеядигими, болам»лариданоқ сезган эди. Бундай бўлмагур таклифни эшилмас учун ўзини четка олиб, отаси, айниқса онасига йўлиқишдан қочиб юришка мажбур бўлди. Икки орадаги бу қочиш-кувиш иши узоқча чўзилмай, бир кун меҳмонхонада ота-ўгул сўзлашиб ўлтурганинг устига Ўзбек ойим келиб кирди ва ўлтурмасданоқ ҳожига имлаб қўйди. Бу имқўни Отабек пайқамаган бўлса ҳам лекин анув гапни аниқ шу мажлисда очилишига кўзи етиб, чиқиб кетишининг иложини қилолмади. Ўзбек ойим келиб киргандан сўнг Юсуфбек ҳожи бир неча вақт ўйлаб қолди. Ўзбек ойим депсиниб-депсиниб зрига қараб олар эди. Анчагина сўзсиз ўлтурғандан сўнг ҳожи мулоимона сўз очди.

— Үглим, ҳали сан эшилдингми, йўқми ҳайтовур биз санинг устингдан бир иш қилиб қўйдик...

Отабек маълумки, уларнинг «қилиб қўйган ёки қилмоқчи бўлған ишларини» албатта билар эди. Шундоқ ҳам бўлса билмаганга солинди:

— Ақллик кишиларнинг ўгуллари устидан қилған ишлари албатта номаъқул бўлмас, — деди.

Ҳожи ўрлининг бу жавобидан ерга қаради ва нима деб давом қилишини билмаи қолди. Истеҳзо аралаш хотинига қараб олди. Яна орага жимжитлик кирди. Бу сўзизлик маъносиға Ўзбек ойим тушина олмаган эди. Бир оз қараб ўлтурғач, юраги қайнаб кеткандек бўлди:

— Биз санинг учун Олим понсадбошининг қизига унашиб қўйдик... Энди сан билан тўй маслаҳатини қилишмоқчи эдик...

Отабек онасига бир оғиз сўз демай, маънолик қилиб отасига қараб олди. Ҳожи уятликсумон «шундоғ» деб қўйди.

— Сизларни ранжитиб бўлса ҳам бир мартаба уйланган эдим-ку? Энди...

— Сан уйлансанг биз ранжирмидик? — деди кулиб ҳожи.

— Ранжимасаларингиз...

Хожи тузукланиб ўлтуриб олди.

— Бу ранжишдан эмас, ҳожатдан ўғлим.

— Нима ҳожат?

— Ҳасаналининг сўзига қарағанда, қайин отанг қизини Тошкандга юбормас экан. Ўғил ўсдириб катта қилған онангнинг бўлса олдиға келин қўйуси келадир...

Отабек онасиға қаради:

— Бу кунгача келинсиз ҳам яшаб кедингиз, бундан кейин ҳам шусиз туриб бўларди-ку, — деди.

Ўзбек ойим марғилонлиқ томонидан сиҳрланган ўғлиға қарши қизишиб кетди. Бир йиллардан бери ичига йигиб келган кинасини тўкиб берди:

— Ман сани бу умид билан боқиб катта қилмаған эдим... Сан бизнинг наслимизни кўтариш ўрнига, ерга уриб булғадинг. Биз сани Марғилон андисига бунчалик муккадан кетишингни ўйламаған эдик, адабсиз... Ўзингта қолса шу марғилонлиқни хотинға ҳисоблаб кетаберар экансан-да, уятсиз!..

Отабек ҳам қизищи:

— Хотин бўлмаса нима, ахир?!

— Қошлиқ, кўзлик бир анди!

— Анди деганингиз нима ўзи?

Юсуфбек ҳожи ўғлини босиш ўрнига жавоб бер, дегандек қилиб илжайган ҳолда хотинига қаради. Ўзбек ойим «анди» маъносини билдириб, андиларнинг сиҳрини рад қилиш учун бир оз тутилиқиб қийналди:

— Анди... анди... ўзи хитойми, нима бало... ўзи қалмоқдан тарқаған бўладир... Тушинмаган бўлсанг, лўлиларнинг бир тойифаси...

Бу жавобга Юсуфбек ҳожи ўзини хаҳолаб кулишдан тўхтата олмаратидек, Отабек ҳам кулиб юборди. Хотинининг тирноқ остидан кир излаб ва даъвосининг исботи учун гўлдирашидан ортиқча кулиб кайфланган Юсуфбек ҳожи кўзига чиқған ёшларни артар экан, жиҳдият билан ўғлиға деди:

— Ўғлим, сан онангнинг гапига аччиғланма. Ул ҳар нарса деса фақат Марғилондан уйланганингта қаршилиғидан айтадир. Аммо мендан сўрасанг, Марғилондаги на қудамиз ва на келинимизни ҳеч бир важҳ, билан камсита олмайман, балки бизга қуда бўлмоққа энг мувоғиқ кишилар эди, балли ўғлим, дейман. Санинг тиниб-тинчишинг, ўсиб-унишинг учун қувонмаган ота-она соғқа ҳисобланмайдир. Сан бунга яхши ишон. Аммо бизнинг ҳозирги баъзи бир раъйларимиз санга ётишиб келмас экан, бунга ҳаққинг ҳам бор, лекин иккинчи тарафдан бизни ҳам ҳақсиз ташлаб қўйма. Ўғлим, бизнинг сандан бошқа умид нишонимиз, ҳаёт қувончимиз йўқ. Дунёда кўриб ўтатурған барча орзумиз, ҳавасимиз фақат сантагина қараб қолған. Биз худои таолоға минглаб шукур айтамизким, сан бошқаларнинг фарзандидек эслик-хушлик бўлдинг; кишилардек сан билан ифтихор қиломасақ-да, сан орқалик хижолат чекмасимизга ишондик. Айниқса онанг-

нинг санинг туфайли кечиратурган умидлари тобора ортиб борди. Бу кун онанг санинг оддингга тиз чўкиб ва онанг кўнгли учун мен ҳам ораға тушиб саңдан сўраймиз: сан ўз ҳоҳишинг йўлида уйланган экансан, рафиқанг санга муборак бўлсин. Эслилик даъвосида юрган отонанг тилаги албатта шундан бошқа бўлмас. Шу билан бирга санинг сабаби вужудинг бўлған бир киши ўз ҳёти ичида боласи орқалиқ бир орзу-ҳавас кечирмакчи... Унинг бу орзусига ҳак берасанми, йўқми яна ихтиёр ўзингда...

Ҳожининг бу сўзи Ўзбек ойимга нечоғлиқ ёқдан булса, Отабекни шу қадар ерга қаратқан эди. Ҳожи ўзидан ошириб сўзлаған бу сўзларини шу гал билан тамомлади:

— Билган топиб сўзлар, билмаган қопиб, деганларидек, онангнинг айтмакчи бўлған сўзи фақат шу эди Бояғи гаплари бўлса ўз ҳаққини ҳимоя йўлида унинг пописаларигина бўлиб, мендан ҳам қўра онангнинг феълини ўзинг яхши биласан...

Отабек ҳамон сукутда, Ўзбек ойим бўлса боши билан «шундор» ишорасини берар эди. Юсуфбек ҳожи юқорида ўткан гапларни қуруқ ва асоссиз сўзламаған, балки шу турмишнинг руҳи ва асосини бир даража айтиб ўткан, Отабек эса буни шу муҳитпинг бир ўғли бўлиб эшиткан эди. Тўғриси ҳам ул дадаси томонидан сўзланган ҳалиги қонунга қарши чиқиш учун лозим бўлған кучка молик эмас; бас, кучсизликнинг натижаси эса сукут эди. Ул бир томондан шундай орзу-ҳавас учун бола ўсдирған ота-онани мукофотландирмакчи ва отаси айткан хижолат чекдирмайтурған ўғуллардан бўлмоқчи эди эрса ҳам, иккинчи ёқдан ўзини асир эткан шаҳдо кўзлар унга нафратланиб қарағандек бўлурлар, гўёки вафосиз, ваъдасиз, деб қичқираплар эди. Тўғриси ҳам уни ота-она мукофотига қарши оёқландирмоқчи бўлған нарса ҳалиги кўзларгина, аммо унинг бу исённамо ҳаракатидан бошқа унсурлар қидириш ва чиқариш ўринисиз тушар эди. Ота-она орзусини ифо этишдан¹ бир сония ҳам ўзининг кўз ўнгидан хаёли кетмаган анув илоҳий муҳаббат учун ҳеч бир турлиқ камчилик келмасига ишонса ҳам ҳозир унинг юрагини бошқа бир ҳақиқат тирнай бошлаған ва виждонини фақат шу масалатина ўраб олған эди. Отабекча энг нозик саналған бу масала қаршидаги жавоб кутиб ўлтурғучиларни ниҳоят зериктириди.

— Бизни кутдирма, ўғлим.

Отабек мағлуб бир бокиши билан бу сўзни айткучи отасига қаради ва ялинчоқ бир оҳангда жавоб берди:

— Мен сизларнинг орзуларингизни бажаришқа — агар хурсандчилирингиз шу билан бўлса — ҳар вақт ҳозирман. Аммо бир бечорага кўра-била туриб жабр ҳам хиёнат...

Ҳожи ўрининг мақсадига даррав тушина олмади ва сўради:

— Кимга, хотининггами?

— Йўқ, сизнинг оладирған келинингизга. Ўғлингизнинг вужуди билан орзунгизни қондириш осон бўлса ҳам келинингиз қархисида мени бир жонсиз ҳайкал ўрнида тасаввур қилингиз.

Юсуфбек ҳожи ялт этиб хотинига қаради. Ўзбек ойимнинг бўлса оладирған келинига эътимоди юқорилигидан ўйлаб-нетиб турмади:

— Майли, болам; буёқни ҳозир сан ўйламай қўй, — деди.

Отабек бир оғиз сўз айтмай сукут қилди, Юсуфбек ҳожининг эса ўғлиниң сўзини тўғрилигига, кейиндан юз кўрсататурған кўнгилсиз ишларга ақдли етса ҳам, аммо бир мулоҳаза юзасидан истиқболнинг қоронги ишларини ҳозир унча мулоҳаза қилиб кўрмади:

— Жуда тўғри айтасан, ўғлим; бироқ онангнинг бир мулоҳазасизлигига бошдаёқ мен лабимни тишлаб қолған эдим. Ҳозирда ҳам шу ҳолда қолмоққа мажбурман, — деди ва: — Биз ҳозир андишанинг бандаси, мен эмас онанг биравни ишондириб қўйған: бизнинг оиласдан лафзизлилек чиқиши менга маъқул кўринмайдир.

Отабек ота-она орзусига ўз таъбирича жонсиз ҳайкал бўлиб ризолик берди. Аммо ўз ризолигининг шарти қилиб тўйдан илгари Марғилон бориб келишни ва бир даражага уларга айтиб ўтишни, шундан сўнг тўй бошлишни аҳд қилди. Ишнинг енгил кўчишига сўйингган она Отабекнинг бу шартига лом демасдан кўнди ва орзулик тўйни тез бошлаш учун ўғлини Марғилон кетмакка қистай бошлади.

2. Унутмайсизми?..

Унинг бу галги Марғилон йўлига қўзғалиши ортиқча бир оғирлиқ билан, иккиланиш билан ўралған эди. Кумушбиби учун дунёга сифаслиқ бир шодлиқнинг, кўргучи қўзларига ишона олмаслиқ бир баҳтнинг бу гал кўтариб бўлмайтурған бир қайғу, чираб бўлмайтурған бир ҳасрат бўлиб боришини ул яхши тушунар эди. Ҳар бир гал Марғилон борғанида олиб боратурған пафис совғалари бу гал жуда заҳарлик, ортиқча аламлик бир совғага айланган, Кумушбиби бу совуқ кундаш совғасини кўрганда эҳтимол... нималар бўлар ва қандоғ ҳолларга тушар эди. Бу мудҳиш совғани эҳтимолки, унинг ота-оналари ҳам қабул қилмаслар: бирдан-бир ёлғиз қизлари учун бундай гапнинг ярашмасини айтиб: «Совғанг ҳам керак эмас, ўзинг ҳам» деган жавоб билан юзига ҳам урарлар. Мана, унинг бу галги оғир ҳаракати ва қўзғалишига нималар сабаб эди.

Бу оғриқча орзу эгаларининг қистоқлари ниҳоят берди. Яъни чорночор бу тутуриксиз совғани кўтариб йўлға тushiшқа мажбур бўлди.

Отнинг бошини ўз ихтиёрига қўйған, илгаригидек юрак ошиқишлиари ичида отни тез юришқа қистамай сувга тушкан ноңдек бўкиббўшашиб, юз хил совуқ, ярамас хаёллар қўлида эзилиб, ўзининг дунёда борми-йўқмилигига ҳам тушунмай кета берадир.

Ҳозир кўклам кунлари: қирлар, тоялар, сойлар; кўк-қизил, оқ-қора, сариқ-зангор, пушти-гўлас ва тагин аллақанча ранглик чечаклар билан устларини бежаб, қиши билан тўнгтиб¹ аранг етишкан ошиқирига янги ҳаёт, янги умиқ берадилар. Қиши бўйи аллақайси гўр остал-

¹ Тўнгмоқ — музламоқ.

рида жунжиб чиқған қүш зотлари: чумчуклар, читтаклар, турғайлар, саъвалар ва бошқа аллақанча қүш дуркүмлари ўз түплари билан вижир-вижир, чугур-чугур сайраб куладирлар, ер юзини туткан чечак гиламлари устини ўпид яладирлар, ётиб чўқийдирлар, сағчиб учадирлар... узоқ-узоқдан какку қүш ҳам арзи вужуд қиладир: «какку-какку».

Поенсиз қирларнинг ниҳоятсиз бижир-бижир кўриб тўймаслиқ кўк гиламлари ва уларнинг диморларга мажбурий искаткан даво ислари, ёқимлиқ ҳидлари ҳар қандоғ ишдан чиқаёзған ҳаёт эгасини озина бўлса ҳам эпка ола биладирлар. Шунингдек, бу чечак қирлари ўз бағрида сузиг борған Отабекни ҳам ўзига қаратмай қўймайдир. Унинг фикри анув қоронгулиқлар ичида сусса ҳам кўзи чечак ва сабзалар томошасида, димори ҳидлар истишмомида¹, қулоғи қушлар нағмасида бўладир. Нима бўлса ҳам теварагидаги кўклам бежакларини кўздан кечира борадир. Бора-бора фикри ҳам шу кўринишлардан ҳисса олмоққа бошлайдир.

— Ҳов ана бир қалдирюч, тўғриға қараб ўқдек отилиб борадир, учкан йўлдида вижир-вижир сайраб ҳам кўядир. Қалдирючининг қайғуси йўқ, суйганининг олдиға тезроқ етиш учун шошадирғандир: сайроги ҳам суйганининг кўриш шодлиги учундир... Бахтлик қалдирюч: олған совраси ҳам қўрқунч эмасдир, ота-онасининг ҳам орзу-ҳаваслари йўқдир. Уларнинг турмиш қонунлари жуда енгил, икав-икав, суйган-суйганни оладирлар-да торларда, ерларда, кўкларда учиб юруйбераидирлар. Мен ҳам шу қалдирючдек унинг сари отилиб, вижир-вижир сайраб учар эдим.

Унинг қалдирючлиқ қаноти ота-она мукофоти билан қайрилған. Унга учкали эрк бермайдирлар. Лекин ҳайвон унинг қайрилған қанотига қарамасдан ўзининг эски адим ташлашида қирлар, тоғлар ошиб сувлар кечадир, етти-саккиз қайта бориб келган таниш шаҳарига интилгандан интила берадир. Бу ошишлар, бу кечишлир ўзга вақтларда Отабек учун ҳузур ва ошиқиши багишилаған бўлсалар, бу гал уни нафратландирадирлар, бормай қайтиш фикри ҳалидан-ҳали кўнглига келиб турадир.

Узокда қўш ҳайдаб юрган йигитнинг ашуласи эшигиладир: «Икки ёрни ажратувчи бу фалакнинг гардиши!» Рухлик, кучлик кўкракдан чиқған бу ашгула теваракни зир-р этдириб юборғандек, Отабекка ҳам бошқача бир таъсир берадир. Гўё бу деҳқон унинг истиқболидан ҳикоя қилғандек бўладир. Бу байт деҳқоннинг оғзидан яна такрорланиб тагин теваракни ёнриратадир.² Энди Отабекнинг кўнглидан бир гал ҳам ўтиб кетадир: «Икки ёрни ажратқучи бу фалакнинг гардиши эмас, ота-онанинг орзуси!» Ўзининг сирлик маъносига Отабекнинг истиқболини олиб кўринган бу байт ниҳоят уни йиглатадир. Кўз ёшлари юзи орқалиқ эгарининг қошиға ва отининг ёлига тома бошлайдир...

¹ Истишмом — ҳидлаш, искаш.
² Ёнрирамоқ — янгриамоқ.

Марғилонға турт қўниб кирав эди, бу гал олтинчи қўнишда етди. Теварадан аср азони эшишилган вақтда отдан қўнди. Отини қутидор-нинг йўлагига етаклар экан, негадир юраги ўйнаб кетди. Бу гал ўз одатидан ўн кунлар чамаси кечиккани учун «балки кутиб ўлтурғандир» деб ўйлаб ҳалиги юрак ўйноғиси тагин ҳам кучайди ва йўлакдан меҳмонхона ҳавлисига чиқрач, ихтиёrsиз отининг бўйнига суялиб тўхтамоққа мажбур бўлди.

Чиндан ҳам ул айвоннинг олдида кутиб ўлтурган эди. Хаёлот ичида Отабекнинг келиб кирганини сезмай ҳам қолди. Ниҳоят, қора оҳу кўзларни тўлдириб бунга қаратиб олғач, ўрнидан турди-да, ичкари ҳавлисига бурилиб кета берди. Бу бурилиш маъносига Отабек аллақачон тушуниб қолған, бу ўзининг кечикиб уни зориқдирғани учун... Кечикиш учун бунчалик араз қилған бу гўзалнинг кундаш учун қандоғ ҳолга тушмоғи маълум эди. Отабек тамом бир эсанкирашда қолди. Отини актахонага боғлаб, совға-салом тўлдириб келган ипак хуржинни кўтариб ичкарига кирди. Суюкли куявни йўлакда кўрган Офтоб ойим қилиб турған юмишини улоқтириб Отабекнинг олдига югурди, жонини минг тасаддуқ қилиб кўришкач, кечиккани учун нечоғлиқ ташвишлар тортиб ва қандор тушлар кўрганини лаби-лабига тегмай сўзлай кетди. Аллақаёқларда юрган Тўйбека ҳам югурга келиб сўрашмоққа уялса ҳам, аммо «чиройлик йигит»нинг қўлидағи хуржинни олди.

Офтоб ойим югурга-югурга қат-қат кўрпачалар солиб, куявни ўлтуришка таклиф қидди ва қаршилашни ҳар галгидан ҳам ошириб юборди. Лекин Отабек бу қарши олинишларға жуда ишончсиз қарап, бу кун бўлмаса эртага «ота-она орзуси» билан бу сийланишларни бирдан ўзгариб кетмагига имон келтуриб, қайси йўсунда ўлтуриб олғанини ҳам пайқамас эди. Офтоб ойимнинг бир қанча яхши тилаклар билан бўлған дуосига ҳам ишончсиз қўл кўтарди ва машъум «орзу»нинг бундог яхши дуоларни ост-уст қилишини ўйлади. Фотиҳадан кейин Офтоб ойим товоқни хурмага, хурмани товоққа урушдириб куявга қатиқ, олиб чиқди ва Отабекнинг ичмаганига ҳам қўймай «ичингиз, йўл губорини оладир» деб қистай бошлади. Сўнгра Тўйбекани чой қайнатишга буюриб ўзи куяви билан сўрашди:

— Отангиз, онангиз саломатларми?

— Шукур, сизга салом айтдилар.

— Ҳасанали отам соғми, нега сиз билан келмади?

— Шукур, соғ, баъзи ишлар билан бўлиб келолмади, — бу жавобни бериш ҳомоно қўнглидан кечди: «Нега ёлғон гапирасан, Ҳасанали тўй ҳаракатлари билан машғул эмасми...»

Отабекнинг кириб ўлтурганига бир неча дақиқа фурсат ўткан бўлса ҳам ҳамон Кумуш уйдан чиқмадида, аразини қаттиғ ушлаганча ўлтуриб олди. Офтоб ойим куяви юзида кўрилган ўйчанлиқни Кумушнинг уйдан чиқмағанлиғига йўйиб қизини чақирди:

Күмүш! Кудалинин көлдүмдүй-я, чиқиб сўрашиши ҳам билмай-
тады!

Офтоб ойимнинг шу йўсун чакириши уч-тўрт қайталаб бўлса-да, Күмүш шитимагонга солиниб арзимаган нарсалар билан шугулланған пўлиб чиқиб бермади. Отабеккининг қозидаги ўйчанликқа разм қўйған сейин Офтоб ойимнинг ҳалиги шубҳаси улҳая борди, кувванинг кўзини шамролат қилиб қизни олдинга кирди ва шивирлаб Кумушни уриша бошлади: «Энди! единги қизим, өринг сани деб Тошканд деган шахардан келса-ю, сан ким келди деб олдинга чиқмасанг. Тур, чиқиб сўраш, араслаб кетиб қолса нима қиласан?» Офтоб ойимнинг бу кейинги сўзи чиндан ҳам Кумушни ўйлатиб қўйди: «...Кетиб қолса нима қиласан?» деган жумлани кўнглидан кечирди-да, онасидан илгарироқ гўски, айвон тоқчасидан бир нарса оладирғандек бўлиб, ўзига термулиб турған Отабекка ер остидан секингина бир кулиб боқди ўа тоқчадаги кераксиз бўлған бир пиёлани олиб, яна уйга кириб кетди.

Ўзбек ойимнинг сиҳирчи-жодучи деб қарғаши ҳам ҳикматсиз бир гап эмас. Кумушшибининг бу кулиб қараши Отабекка ажаб бир инқи-лоб ясаған эди. Ундаги оний бу ўзгариш жуда қизиқ ва сира ишонмаслик эди. Ул бу ер тегидан бир кулиб боқиш таъсири билан устидаги тоғдек босиб ётқан «орзу»ни ағдариб солран ва қущдек енгил тортқан эди. Унинг оний бу ўзгариши шундан иборат эди: «Уларнинг орзу ва ризоликлари, бу ризолик шарофати билан топиладирған савоб, юртнинг юқори-қуи гаплари — барчаси ҳам Кумушнинг ёлғиз шу биргина кулиб қараши олдидан ўтаберсин!»

Оний бу ўзгаришдан сўнг тараддуғисиз шу қарорни кўнглидан кечирди: «Уларнинг орзуларини буларга сўзламайман-да, Тошканларига ҳам бормайман».

Ундаги бу ўзгариш оний бўлғанидек жуда жиадий ҳам эди. Кўнглига неча кунлардан бери узала тушиб ётқан бу чигил «бир кулиб боқиш» сиҳри билан ешилган ва Марғилонда доимий турғунликқа деб тутилган эди... Бу ўзгаришдан кейин онадан тутма бўлиб енгил торти, гўёки мундан сўнг ўзиники бўлғандек қилиб ишонч ва сокит¹ кўзлари билан уйга қаради. Шу вақт уй ичидағи ситамгар пари ўзининг сиҳирлик кўзлари билан Отабекка яна кулиб қараб турар эди-да, гўёки шу кулиш билан ўз сиҳрининг қайси даражаларда кучлик бўлғанини сўзлаб фахрланар эди.

* * *

Ўртадан ўн беш кунлар вақт ўтди. Кумушнинг қайталаб сўрашига:

— Чиндан-чиндан: мундан сўнг Тошканд бормайман, — деган жавобни берар эди. Кумуш бу гапка ажабланар, тўғриси, шодланар эди.

* * *

Марғилон келганинг йигирманчи куни. Отабек ҳозиргина қаёққадир чиқиб кеткан эди. Қутидор одатига қарши бозордан кундуз

¹Сокит — тинч, осуда, хотиржам.



АНДРЕЙ

соат учларда қайтиб келди да, Отабекни сүради, йўқлигини билгандан сўнг хотинини меҳмонхонага бошлаб чиқди.

— Тинчликми? — деб сўрагучи Офтоб ойимга сўйинч ва ё қувончилиги билинмаган бир вазият билан жавоб берди:

— Тинчлик.

Меҳмонхонада эру хотин ёнма-ён ўлтурищдилар. Офтоб ойим бу боши-оёги йўқ ишдан ёрилар даражасига етаётган эди.

— Отабекдан ҳеч бир сўз эшитдингми? — деб сўради қутидор.

— Қандай сўз эшитай, ҳар қачон сўзлайдир, албатта мен эшитаман.

— Тошканд тўғрисида ҳеч гап айтмайдими?

— Тошкандга бир гап бўлғанми?

— Тошкандга ҳеч гап бўлмаған, — деб кулимсиради қутидор. — Маним муддаом бошқа тўғриларда. Қизингдан ҳам ҳеч гап эшитмадингми?

— Ҳеч гап... Ҳа, айткандек кеча, эрининг мундан кейин Тошканд бормаслигини сўзлағандек бўлған эди.

Кутидор бир ишка тушунгандек кўзини ўйнатиб олди ва сўради:

— Энди Тошканд бормас эмишми?

— Билмадим; чинми, чин эмасми, ҳайтовур қизингиздан эшиткандек бўлған эдим. Нима, ота-онаси билан уришиб келганми?

— Йўқ, — деди қутидор ва чўнтағидан бир нарсани ола-ола айтди, — мен бу кун Тошканддан қизиқ бир хат олдим.

— Кимдан?

— Кудангдан, — деди қутидор ва хатни оча-оча, — шуни санга ўқуб бермакчиман, — деди.

— Ахир ўзи нима гап? — деб сўради Офтоб ойим.

— Эшитсанг биласан.

«Кудамиз Мирзакарим кутидорга ва қудачамиз хонимга етуб маълум бўлгайким, бизлар мунда соғ-саломатдирмиз ва ул жонибаги¹ сиз хурматлик ва иззатликларни парвардигори оламдин сиҳдатларингизни салоти ҳамса² олдида сўраб турмокдамиз. Баъда маҳфий қолмагайким, куяв ўғлини хизматларига юборилган эрди. Иншоолмоҳ, саломат еткан бўлса керак. Аммо сиз хурматлуларга маълумдир, бизнинг шул Отабекдан ўзга фарзандимиз бўлмай, дунёда ўзимиздан кейин қолдиратурган туёқимиз ва кўз тиккан орзу-ҳавасимиз, умид ҳадафимиз³ фақат шул Отабекдир. Мухтарам сиз буродаримизнинг шул ягона ўғлимилини фарзандликка қабул қилиб, аммо бизнинг келин боламизни Тошкандга юбормаганлари бизнинг жанобларидин бўлған миннатдорлиғимизни ва яна ўғлимилига бўлған марҳаматларини бир оз тугаллай олмадилар. Аммо каминалари бу хусусдаги айни сизнинг устингизга бутунлай юклай олмаймиз, зероки, бизнинг бошимизда бўлған «ёлғиз туёқлиқ» савдоси сизнинг ҳам бошингизда бордир. Начукким, Отабекнинг кўп умри Мар-

¹ Жониб — томон, тараф.

² Салоти ҳамса — беш вақт намоз

³ Ҳадаф — нишон.

ғилонга ўтиб, бизларни ҳам сиз ўйлаған оғырлиққа солмоқсадир. Биродары азиз, сиз маним бу сүзларимдин хафа бўла кўрмангиз, зероки, фақириңгиз бу сўзларни бир йўсин келиш важҳидин ёзиб ўтдимиз. Дунё орзу ҳавас уйи дерлар. Юқорига баён қилинғанидек ва ўзлари билганиларидек, айниқса қудачаларининг дунёга келиб куткани шу ёлғиз ўғулнинг орзу ҳавасидир. Жаноблари бўл ишқа ҳақ берурларми, йўқми, аммо азизларнинг рухсатларини олмасданоқ Отабекни Тошканндан ҳам таалмуқдор қилмоқчи бўлиб, бўл маънига баъзи ҳаракатларини қилиб қўйған эрдик. Аммо бизларнинг бўл раъимизга ўғлингиз қарши тушиб ҳарчандаг қиласа ҳам ниҳоятига онасининг сўзини ерга қолдирмаслик учун қабул қилиған эрди. Аммо бўл тўғрисидаги сиз жанобларининг рухсатларингиз баъсидага жавоб бермакчи бўлиб, хизматларига кеткан эрди. Сиз ҳурматлулар бўл маънини савоб топарсизларми-йўқми, бу жиҳати яна марҳаматларингизга боғлиқдир. Бу мактубни ёзишдан қасдимиз¹ шулким, Отабекнинг у иккинчи тааллуққа асло раъий бўлмай ва яна сизларга айтмай бўл тарафда бизларни хижолат чекдириб қуярми, деб ўйладиқ. Буродари кироми, сиз дунё кўрган бир кишисиз, онасининг бу талабини хўб мулоҳаза қилиб кўрингиз, бу тўғрисидаги раъий ўғлингизга қарагандага ҳам фақирларича сизларда бўлғани важҳидин албатта кўндиришкага саъӣ ва кўшиш² қилурсиз, деб ишонамиз. Отабекнинг иккинчи таалмуқи тўғрисига келин боламизга билдирилмаса хўб эрди. Бизларнинг хурсандчиларимиз йўлида Отабек билан бирга Тошкан тушуб, ўз қўллари билан тўйимизни ўтказишингизга ишониб Юсуфбек ҳожи ва қудачалари. 17-инчи савр³ ойига 1265-инчи ҳижрияда ёзилди».

Қутидор хатни ўқуб битирди-да, хотиниға қаради. Офтоб ойимга бу хат музлик сувга шўнгугиб олиш таъсирини берган ва ўлтурган ерида сирра бўлиб қотиб қолған эди. Оталар учун бундоғ гаплар унчалик ёмон таъсир бермаса-да, хотинларга қандай асар қилиши билгу-лукдир. Офтоб ойим учун гўёки қизининг бирар айби учун бу ишқа мажбур бўлинғандек, Кумуш эса энди эрига суюмсиз, ишдан чиқсан ва бурчакка тиқилған увададек бўлиб кўрина бошлиған эди. Мактубни эшиктан кулоқлари янгиш эшиктандек бўлар эди.

— Тағин ўқуб кўрингиз-чи...

Қутидор хотинининг сўзидан кулади:

— Қайтариб ўқушнинг фойдаси йўқ, хатнинг мақсади сан онгландек, — деди.

Офтоб ойим боши янчилған илондек тўлғанди:

— Қизим устига кундаш?!

Қутидор қафаска янги солинған қущдек уринмакка олган хотинини босмоқ бўлди:

— Ортиқча уринма, илгари ҳақиқатка тушун-чи...

— Ҳақиқати нимаси?

— Бунда гап бор.

¹ Қасд — мақсад, ният.

² Саъӣ ва кўшиш — ҳаракат қилмоқ.

³ Савр — 22 апрель — 21 май.

— Нима гап бор?

— Агар бу ишда күявингнинг ҳам изи сезилганда эди, сан эмас ман ҳам бу гапка чидамас ва қизим устига тушкан бу оғир масалани тинчлик билан қарши олмас эдим. Аммо бунда күявингнинг иштироқи кўрилмай, шунинг ила маним дамим кесилиб қолди. Ҳали унинг қизингга: «Муғдан кейин Тошканд бормайман», деб айтканини сўзлаб ҳдинг-ат!

— Ёғонми, чинми, — деди Офтоб ойим тилар-тиламас, — эшиткацдек бўлған эдим.

— Эшиткацдек бўлған бўлсанг ҳам бу сўз чиндир, — деди қутидор, — нега десанг, хатининг мазмунидан ҳам онглашиладирким, бу иккинчи уйланишга Отабек бутунлай қарши бўлиб, фақат бу гап қудаҳарининггина ишларидир. Шунинг учун күявингнинг уйланишини қизинг устига чин маъноси билан кундаш деб бўлмайдир.

Оғироб оним кутмаган жойда қутидор тамоман Отабекни иккинчи уйланигирин тарафида туриб сўзлар ва ўлганнинг устига чиқиб тепар эди.

— Агар Отабек бу иккинчи уйланишга ризо бўлса эди, биринчидан рухсат олиш учун Марғилонга келиб юрмас...

— Щоптиманг-чи, — деди Офтоб ойим, — ўзингизча нимани сўзлай сенбисиз?

Бу иккиси уйланишда Отабекнинг ризосизлигини.

— Күявингнинг ризоюни бўлмаса худо хайрини берсин, васса-

— Гап шуда эмас-да. — деди кучиб қутидор.

Нимада! — деди қизишб Офтоб ойим. — Қизингиз устига кундади баҳосини ўз қўнингиз билан юқлачакчи бўласиз шекиллик!

Кунингиз совуккина қичиб кучиб қўйди:

— Тушинмай ётибсан, хотин.

— Ҳамма гапка тушиниб турибман.

— Тушинген бўлсанг бу хатка нима деб жавоб берамиш?

— Бизга маъқул эмас, денг.

— Маъқул эмас, дейиш билан иш битмайдир, бирарта дачил кўрсатиш керак.

— Топарсиз, ахир далини.

Кутидор тамоман тўнни тескари кийиб олған хотинига қараб ботини қашиб оди:

— Хатда иккинчи уйлантириш учун бўлған сабабни қизимизни Тошканд юбормаганлигимизда кўрсатиладир, — деди қутидор. — Сан айтканча күявинг Тошкандан иккинчи уйланмасин-да, Кумушни қудаларинг оддига турғун қилиб юборайлик, тузиқми?

— Нега мен ёлғиз қизимни Тошкандга юборай, — деди кўзини олаландириб, — биз қизимизни беришда Марғилондан ташқарига олиб кетмас ваъдаси билан берганмиз.

— Бу гапинг тўғри-я, — деди қутидор, — мен ҳам Кумушни Тошканд юбормоқча қаршиман. Гап бу ерда: биз Отабекдан бу ваъдани

олған чоқда, «Ота-онанғдан кечасан, иккінчи уйланмайсан» деган ваъдани ҳам олғанми әдик?

— Бундай ваъдани берган бўлсин-бўлмасин, — деди Энтикиб, — суюб олғандан сўнг иккінчи уйланиш сўзини ҳам оғзиға олмасин.

— Ким айтди санга, оғзиға олди, деб?

— Ҳеч ким айтмаган бўлса ҳам сиз орага тушманг дейман, ўз оёргингизга ўзингиз болта қўйманг, дейман.

— Пичоқни ўзингга ур, оғримаса бошқаға, деган бир гап бор, — деди жиiddий вазиятда, — мендан ҳам сан яхшироқ тушиниб турибсанки, агарда бизнинг ризолиғимиз бўлмас экан, Отабек сира ҳам иккінчи уйланмайдир. Масалан, биз икав — қудаларнинг ўрнида бўлиб, ёлиз ўғлимиз бошқа бир шаҳарда, биз танимаган бир қизга уйланиб қолғанда — ўйлаб қара, чидай олурми әдик. Ўғлимиз кўнмаганда ҳам ўз шахримиздан иккінчи уйлантиришкага киришмасми әдик. Бу тилагимизга қарши тушиб ўғлимизни ўз шахри ва ўз уйида олиб ўлтурғучи қудаларимизга лаънат ўқуб ўлим тиламасми әдик?

Бу сўз Офтоб ойимни бир оз ўйлатиб қўйди. Лекин ҳали ҳам оёқ узатмаган эди.

— Энди нима қилмоқчисиз?

— Нима қиласар эдим, — деди қутидор, энди ҳамма ихтиёрни ўз қўлиға олиб қўйған эди, — Отабек кўнмаганда ҳам кўндириб, ўзим биргалашиб Тошканд тушаман...

— Қизингиз бечорага...

— Қизимга ҳеч гап йўқ. Ҳали ҳам иззати, ҳурмати ўз қўлида.

— Қуриб кетсин шу дунёнинг ишлари!

— Қизингни Тошканд жўнатишкага кўн бўлмаса.

Офтоб ойим жавоб бериш ўрнига ўқраб-ўқраб йигради.

* * *

Қайнота, қайнота, куяв... Бу уч бурчаклик ўлтурмишдан Отабек кўнглида неча турлук шубҳа туғилмоқда эди. Бу одатдан ташқари чақириқ нега меҳмонхонаға бўлди? Нега Кумуш бу ўлтуришкага чақирилмади? Қайнота, нега унга термулиб боқадир? Қутидор томонидан шу орада ул кутмаган бир савол ҳам ташланиб қўйилди.

— Отабек, уялмай, тортинмай жавоб берингиз; бу гал Тошкандан чиқишингиздаги асл мақсадингиз нимага эди?

Отабек тарафидан кутилмаган бу савол уни шоширди ва нима деб жавоб беришни билмай қолди.

— Ўзим... сизларни кўриш учун.

— Тўғрисини сўзлангиз, бек, — қутидор бу гапни ярим жиiddий қилиб кулиб айтди. Чунки Отабекни шу йўсун баъзи ёқлардан таъмин этмакчи ва унга бу тўғрида жасорат бермакчи эди.

— Айтдим-ку.

— Тўғри айтмадингиз...

Отабек шошқан ҳолда эди:

— Тошкандан чиқғанимдаги мақсадни сўзлаш сизларга бир беҳу-

зурлик берганидек ўзимга ҳам оғир... У тұғрида қатый бир қарорға келганим учун сизларға сүзлаб ўлтуриш ҳам фойдасиз, — деди.

Офтоб ойим зрига қараб олди, қутидор ёвошқина бир товуш билан сүради:

- Сүзлаш оғирми?
- Менгагина эмас, ҳаммамизга ҳам оғир...
- Агарда биз ризолиқ берсамиз-чи?

Эрининг бу жасоратига қарши Офтоб ойимнинг юзига ризосизлик белгуси чиқди. Отабек эрса сесканиб уйқудан уйронғандек бўлди ва иккиланиб сўради:

- Сиз нимага ризолиқ берасиз?
- Бу гал Тошкандан нима мақсадда чиқдан бўлсангиз — ўшанга. Отабек хижолат билан тер чиқарди.
- Тошкандан нима мақсадда келганимни биласизми?
- Биламиз, — деб қуиди қутидор
- Сизни бундай ишқа ризолиқ учун ким ва нима мажбур этадир?
- Ҳеч ким мажбур қилмайдир, — деди кулиб қутидор, — мажбур қилған нарса: шундай кунлар учун ўгул ўсдирған ота-онанинг ризоликларигина, балки сизни ҳам шу гап мажбур қилар.

— Отам билан онамнинг ризоликлари учун шундан бошқа сабаб қуриб қолганиға нима дейишимни ҳам билмайман. Гарчи Тошканда экан чөримда бу ризолиқ йўлиға бел боғлаған бўлсам ҳам, энди бу бел борлашни бутунлай ўринсиз бўлғаниға тушиндим...

Офтоб ойим оз қолдики, «тўғри!» деб қичқирсын. Аммо қутидор хотинига хўмрайиб қаради.

— Қисқароқ ўйлайсиз, Отабек, — деди, — отангиз бизга мурожаат қилмағанда эди, биз бу ишда бетараф қолсақ бўлар эди. Ҳозирда биз ҳам сизнинг сўзингизга қўшилсақ сиз эмас, ёмон отлиқ биз бўламиз.

- Унинг мулоҳазасини қилманг.
- Нега қилмайлиқ?
- Ҳамма айбни маним устимга юклаб жавоб ёзингиз.

Қутидор қуиди ва сўради:

— Тошканда экан чөрингизда отангизнинг таклифини қабул қилған эдингизми?

— Қабул қилған эдим.

— Бизнинг рухсатимизни оғали Марғилонға ҳам келган эдингиз, шундорми?

— Шундог...

— Баракалла, Марғилонға келиб бу гапдан айнадингиз-а?

— Айнадим...

— Энди Тошканда Марғилондан айнаб борасиз?

— Мана кўрдингизми, фақат бу ишда бизгина ёмон отлиқ бўламиз. Ўзингизнинг шу хатонгиз учун ҳам бу гапни қабул қилмоқча мажбуриз.

Отабек нима деб айтишдан ожиз қолди ва ўзининг болалиқ ҳарачатидан сесканди ва хижолат орасида сўради:

- Отам сизга қачон хат ёзран эди?
- Кеча олдим. Демак, күндингиз?
- Мен бу гапка дурустлаб ўйламасдан жавоб бералмайман.
- Қанча ўйласангиз ҳам жавобингиз биргина бўлиши керак; яъни ризолик.

Қутидорнинг бу сўзи жуда ҳам қатъий эди. Бу қатъиятни онглағу-чи кўнгидан чиқараёзған бу масалани чинлаб ўйламоқقا мажбур эди. Нима бўлғанда ҳам кўнглиниң бир чеккасини кирлатиб ётқан бу «отона орзуси» бир томондан қаралғанда жуда енгил кўчкан эди. Аммо иккинчи томондан масаланиң ешилмаган ўринлари ҳам бор эди.

— Яхши, — деди, — мен сизнинг таклифингизга кўнайин, аммо кўтишнинг ва ризоликнинг зарури қизингизда эмасми?

Шу чоққача мунграйиб ўлтурган Офтоб ойим ял этиб эрига боқди, яна чексиз бир меҳрибончилик назари билан Отабекка қаради.

— Сиз қизимишнинг андишасини қилиб ўлтурмангиз, бек, — деди қутидор, — бу ишни энг яхиси унга билдирамаслиқдир, кейинроқ ўзи кўнишиб кетар, бу тарафлардан ташвиш лозим эмас.

— Йўқ, — деди бек, — мен бу ишқа башарти кўнганимда ҳам қизингиздан яширмайман.

— Нега?

— Негаки унинг ризолигини олмасдан туриб, бу ишқа оёғ қўйишим мумкин эмас.

— Агар кўнмаса-чи?

— Кўнмаса, мен ҳам кўнмасликка мажбурман.

Бу узил-кесил сўздан қутидор ўйлаб қолди. Офтоб ойим бўлса, қизининг қадрини бунчалик аршларгача кўтармақда бўлған йигитка ўзида чексиз муҳаббат, поенсиз эҳтиром сезмақда ва нима учундир йиглағуси ва куяви юзидан ўпкуси келмақда эди.

— Тузик, — деди қутидор, — унинг ризолигини ўзингиз олмоқчимисиз?

— Йўқ, негаки қизингиз учун ҳақорат бўлған бу сўзни айтиш маним қўлимдан келадирган иш эмас, — деди. Эру хотин бир-бирла-рига қарашиб қўйдилар. Кейинги сўзни айтиб битиргач, Отабекнинг кўзига ёш келган эди. Ўзининг ҳолидан уяди шекиллик, уларнинг олдидан туриб ташқарига чиқди. Ул чиқрандан сўнг эру хотин яна ярим соатча жанжаллашиб ўлтурдилар.

* * *

Хуфтан намозидан сўнг янгиланган ташвишларни бир оз унутди-рар умиди или шайхироғ ёнига ўлтуриб, Фузулий девонини варакдар эди. Аммо Фузулийнинг ранг-баранг шеърлари устида қаноатланиб тўхтамас, ҳамон вараклағандан-вараклар эди. Шоирнинг нафис шеърлари ҳозир унинг учун тусиз сўзлар йиғиндисидан бошқа бир нарса ҳам эмас эдилар. Ул шу вақт тўсиндан китобни ёпди-да, айвонга қулоқ солди. Чунки ҳозиргина сўзлашиб ўлтурган Кумуш билан онасининг товушлари ўчкан эди. Ул бу ҳолдан шакланди. Айвондан она-боланинг







қаёққадир йўқолғанларини пайқарав, тусида ўзгариш бўлғани ҳолда қайтиб келиб ўлтурди. Нима учундир ҳозир унда бирар фожиъага тушкучининг ҳолати бор эди. Киши изтиробка тушкан кезларда тилаб эмас, ихтиёрсиз баъзи бир йўсунсиз ишларга уринадир. Шунингдек, ул ҳам жиҳдий бир равишда Фузулий мутолаасига берилиди.

Ул ўзининг шубҳасидаги гапка қониъ¹, орадан ярим соатлаб эмас, бир соатлаб вақт ўтиб борган бўлса ҳам бу унга зерикарлик эмас, тез келгандан келмагани яхши; яхшилиқми, ёмонлиқми ҳайтовур бўладирған кўнгилсиз гапни кечиккани яхши... Фузулийни яхшилаб ўқуш кепрак. Шунинг учун ҳам маънолик шеърлардан бошини кўтармайдир-да, гўёки айтарсиз китобка михланган...

Кумушнинг уйга келиб киргани ҳам унга сезилмай қолди. Ул қушлар каби латиф товуш чиқармаслиқ қилиб гилам устидан юриб келдида, секингина шамъ ёнига — Отабек қаршисига ўлтурди. Унинг кўйнагининг чиқарған енгилгина шамоли билан ёниб турган шамъ «лоп» этди-да, кўришкандек, ўйнашқандек бўлди. Бу ҳолдан китоб устига муккадан кетиб ўлтурғучи чўчиб кўтарилиб қаради. Қаршисида. Фузулий таъбирича себи занахдони² негадир қизариб, новаки мижгони кўз ёшлари билан жуфталанган ҳалиги пари эди... Биринчи қаращаёқ куткан ишининг тўғрилиғига инонди ва осийлар³ каби кўзини ерга тикиди. Ул Кумушдан итобомиз сўзлар, аччиғ хитоблар кутар; биринчи итобдаёқ ота-она гуноҳига тавба қилишга ҳозирланар эди. Аммо иш ул куткунча чиқмади. Кутимаган жойда, гўёки уни бу оғир ҳолдан кутқармоқчи бўлғандек:

— Фузулий яхши китоб, — деди Кумуш, — мен ҳам ёлғиз қолған кезларимда бу китобдан бошимни ололмас эдим, сизамми?

Отабек гарангсиб қолған, ўзини овутмоқчи бўлган бу олийжаноб гўзалга нима дейишни билмас, қаердан сўз бошлишқа ҳайрон эди:

- Ким йиғлатди сизни?
- Йиғлабманми?
- Кўзингиз, кипракингиз...
- Ўзи шунақа...
- Йиғлатған мен эмасми?

— Китобни нега ёпдингиз? Очиб ўқунг, мен эшитай.
— Ота-она ризолигини бир томчи кўз ёшингизга арзитдимми?
— Мен рози, мен кўндим, — деди дафъатан Кумуш, бу сўзни нимадандир қўрқрандек шошиб айтди.

- Кўндингиз... нега, а?

Отабек ҳайрат ва таажжуб ичиди эди.

- Негаки, — деди Кумуш, — мен сизга ишонаман...
- Шунинг учун...
- Шунинг учун кўндим...

¹ Қониъ — қаноат қнаган.

² Себи занахдон — батбака

³ Осий — гуноҳкор.

— Күнглингиз фаришталар күнглидек.

— Сизнинг ҳам күнглингиз ..

Икки жон, икки юрак гүёки биттадек бир-бирисини онглар, бири-сидан-бирисига ўтиб юрар эди шу вақт.

— Бўлмаса нега йигладингиз?

Бу саволдан Кумуш бирмунча ўнгвайсизланиб, уят аралаш бир табассум билан:

— Узим... — деди ва кейинидан ўзининг ҳамма тилак ва шартлари маъносини жамъи бўлған, — мени унумайсизми? — деган сўроғини берди. Ул нима деб айтишқа сўз тополмай қолди. Чунки юрак сирини ифода қиласлиқ жумла толиш мумкин эмас эди. Жавоб бериш ўрнига ўзича сўзланди:

«Ота-она орзуси...»

— Биламан, — деди овутқучи товуш билан Кумуш.

— Маним орзумни ҳам биласизми?

Кумуш Отабек яқинига сурилди ва тирсаклари билан унинг тиззасига ёнбошлаб эркаланди...

* * *

Кутидор тарафидан эртага Тошканд жўнаш эълони берилди. Иккисининг ҳамма вақтлари шамъ ёнида сўзлашиб кечди...

3. Қовоқ девонанинг белбоғи

Оч қоринга салимсоқ еб, кўйчой ичишдан зериккан кишилар чойхонага Қовоқ девонанинг кириши билан унга сўз қота қолдилар:

— Келинг-келинг, девона!

— Бир коса чойларинг борми, хўвари?

— Бор-бор, авлия, битта бачча бўласангиз идиши билан сизники.

Қовоқ девона деганимиз ўрта ёш, сийрак соқол, қотма, кун иссиғлиғига қарши ўчакишкандек бошига эски телпак, эгнига пахтасидан бошқаси тўзиб кеткан гупли чопон кийиб, янги бўз белбоғни бешолти айландириб боғлаган ва унга беш-олтига чилим қовоқдан тортиб то сувқовоқ, носқовоқ ва томоша қовоқларғача осқан; қовоқларнинг оғирлиғидан аранг ҳаракат қиласидирған ўз замонасининг машҳур бир девонаси эди. Бу девона Тошкандинг барчасига маълум; беклардан, бойлардан; қисқаси, шаҳарнинг қатта-кичигидан ўзига ихлосманлар ортдирған ва кўбларнинг тарафидан қиласи кароматлари ривоят этилган бир мажнун эди. Шаҳардаги ҳар ким унинг ошинаси, каромати билан бепарво бўлғанлар ҳам унинг қизиқ ҳаракатларига ва тутал сўзларига қизиқар эди. Бу чойхонадагилар ҳам шу кейинги синфдан эдилар.

Бирарта ихлосманд қўлидан боплаб томоқ еган бўлса керак, ҳозир ўшанинг чанқовини босмоқ фикрида эди.

— Баччанг ким, баччанг? Онам мени баччалик учун турмаган... Чойингдан бер, чойингдан!

— Онангиз сизни нима учун туқсан?

— Хоннинг қўйини боқиш учун, қовоқларни белга тақиши учун; чойингдан бер-чи, хўвари!

Девонага бир пиёла чойни ичишкага ҳам тинчлик бермадилар. Улардан биттаси кўзни шамралат қилдида, белдаги қовоқдан биттасини юлиб ҳам қочди. Иш ёмонга айланди. Қувлаб тутолмади. Сўнгра келиб яна бир коса чойни ичди ва унга-бунга қовоғи тўғрисида илтимос қилиб қаради. Бўлмағач, қовоғини қўмсаб ҳўнгир-ҳўнгир йигламоққа олди. Эрмакчиларнинг кутқани ҳам факат унинг ёши мишиғига, мишиғи туптутига қўшилиб йиглаши эди.

Қовоқни юлиб қочқан томдан келиб сүфанинг устидаги сўрига қовоқни осди ва ўзи тушиб девонанинг ёниға келди:

— Қовоқ, ўғрисини ушладингизми, девона?

— Йўқ, ука! Қовоғимдек шишиб ўлсин, қочқанча кетди!

Бирав Эски Жўвада кўрганлигини ва қовоққа миниб кетаётқанини сўзлади. Иккинчиси «зап қовоқ эди-да» деган эди, учинчиси «аттанг-а» деб қўйди. Девонанинг ўпкаси шишиб кетди. Эрмакчилар унинг юрагига галма-гал ўт ёқар эдилар.

— Қовоғингизнинг ўзи бу иқлимда йўқ нарса эдида, — деди бирав. Девона қовоғининг таржумай ҳолини сўзлаб берди:

— Дадам мусаллас қовоқ, ойим мош қовоқ, мен бел қовоқ... — деди. Кулишдилар. Эрмакчилардан биттаси юқорида осилган қовоқни кўрсатиб ажабланди:

— Ийи-ийи, анув кимнинг қовоғи-я?

Девона суюкли қоворини сўрида кўриб қувона кетди:

— Вой хўварингни... жиннилар, вой эси йўқ хўварилар! Қовоғимни бер, жиннилар!

— Тузик-тузик, авлия. Қовоғингизни тушириб берсан нима бера-сиз?

— Сўраганингни ол, жинни... Ойим қишлоғига бек бўл, тентак: тилла жабдуқлиқ от мин, жинни...

— Мен Ойим қишлоғининг беклиги уҳдасидан чиқолмайман. Қовоқларингизнинг касбини айтиб берсангиз бўлади манга.

Девона бу шартка кўнди, қовоқ туширилиб, девонанинг қўлига эсон-омон тегди. Маҳбуба ортиқча бир эҳтиёт ва эътибор билан белга — бошқа йўлдошлари ёниға тутилди.

— Қани, энди бўлсин, девона!

Қовоқ девона белидаги қовоқлардан бигта эгри маймоғини кўрсатиб, — манов Мусулмон чўлоқ, — деди, унинг ёнидағи кичкина томоша қовоқни туртиб, — бунов Худойбачча (Худоёрбачча), — деди, сув қовоғиши эркалаб «Нор калла» (Нормухаммад қушбеги), — деди. Қолған иккита силлиқ қовоқчаларни «носқовоқ, юпқа томоқ», деб қўйди. Эрмакчилар кулишдилар. Бу қовоқ ўғрилари ичидан тезроқ қочиб қутилиш учун кетишкага интилган эди, бирафи ушлаб қолди.

— Тўхтанг ҳали, гап бор! — девона сўкиниб тўхтади. — Манави белингиздаги белбоқни қаердан ўтираб олдингиз?

— Қўй, жувонмарг бўғур!

— Ўткан куни ўғирлатқан белбоинг шу эмасми, Каримқұл? — деб енидағы қаради әрмакчи.

— Ҳа, ҳа, худа ўғирлатқан белборим, тутдик ўғрини!

Қовоқ девона худа белбоғидан ажрайтурғандек икки қўли билан белига ёпицди.

— Саники бу эмас, тентак!

— Йўқ, худа маники шу, еш, бўлмаса миршаб чақираман.

— Хўварингни... нима дейди, бу!

— Тўғри айт, буни қаердан ўғирладинг?!

Девона белбоғининг тутунига азтаҳидил ёпишқани ҳолда:

— Ўғирламадим, тентак, ҳожи поччангни тўйидан олдим, жинни! — деди.

— Ҳожи поччанг ким? Ёлон сўзлама, ўғри!

— Ҳожи поччангни танимайсанми, тентак?

— Тошканда ҳожи поччадан кўпти борми, ўғри?

— Эсинг кетибди, жинни... Юсуфбе ҳожинг-чи. Ахир, тўй бўлди, базм бўлди, ўгул уйланди... қўй, жувонмарг бўғур!

Девона эрмакчилар қўлидан аранг қутилиб чиқди. Аммо уларнинг ичидаги кўзини боғлаған бир киши нима учундир девонанинг орқасидан эргаҳди. Чойхонадан анчагина узоклашқан эдилар.

— Девона! — деб чақириди ҳалиги эргашгучи.

Девона ўзига қараб келгучи бу кўз оғригини таниди. Суюкли қовоқлар устига келган бало бўлмасин учун, кетар экан, қовоқларини эҳтиётлаб ушлади:

— Нима дейсан, кўз оғриги?

— Кўрқмангиз, девона! — деди кўз оғриги ва адимларини тезлатди.

— Нима ишинг бор?

— Тўхтанг.

Девона аранг тўхтади. Кўз оғриги уни чўчитмас учун наридан туриб ёнчиғини кавлий берди.

— Сизга назрим бор.

Бу сўзни эшишиб, девона йўлга тушди. Кўз оғриги унинг кетидан югорди ва:

— Манг! — деб пул кўрсатди. Девона илтифотсиз кетаберган эди: — Тўхта дейман! — деб дўқ урди. Девона нарида тўхтади:

— Келма, келма, кўз оғриги!

Кўз оғриги ўн адимча нарида турди:

— Ҳали, ким ўрлинни уйлантириди, дединг?..

— Ким уйлантириди, дединг?

— Айтдинг-ку чойхонада!..

— Айтдинг-ку чойхонада...

— Белбоқни қаердан олдинг?

— Бувинг берди.

— Тўғри айт!

— Тўйга келдингми?

- Тўйга келдим...
 - Юсуфбеникагами?
 - Юсуфбеникига.
 - Белбогинг йўқми?
 - Йўк.
 - Тўй ўтканда келибсан.
 - Юсуфбе қайси ўғлини уйлантириди?
 - Нечта ўғли бор?
 - Нечта ўғли бор!
 - Битта . Қоратегиндан келдингми, опанг омонми?
 - Омон... қачон уйлантириди?
 - Ўзинг уйланганмисан?.. Қоратегиндан неча кунда келдинг?
 - Беш кунда. Қачон уйлантириди?
 - Эшакка минибми, яёв?
 - Эшакка миниб.
 - Нашанг борми?
 - Бор.
 - Қитта бер-чи.
 - Бераман, оддин айт; қачон уйлантириди?
 - Тўй ўтканда келибсан, тентак... Манга-чи, бир тогора ош тегди.
 - Бозордан ош олиб берсам ейсанми?
 - Юзингта қачон чечак чиқди?
 - Кўз оғриғи бу тутал сўзлардан асабийлашиб кетди:
 - Қачон уйлантириди дейман?
 - Тўй ўтканда келибсан дедим-ку... Бир ҳафта бўлди, ўн кун бўлди, бир ой бўлди. Ҳа, ҳа, чарлари энди бўлар эмиш... чарларга бор. Қоратегин.
 - Тошкандан уйлантирдими?
 - Хи, хи, хи, аҳмоқ. Тошкандан бўлмай, Қоратегиндан уйлантиринми?
- Шундан кейин кўз оғриғи чойхонага қайтди...

4. Жодугар ҳинди

Қайин отасининг оғриған касалидан тузала олмай ва ё тезроқ ўлиб тирикларни қутутирмай «чарлар» балоси билан ўзини ипсиз боғлангани учун сўнг чекда сиқилған, шунга кўра онасига ачитиб сўзламақда эди:

— Ўйлаб-боқинг онажон! Бир бечора сизнинг орзуингизни деб, қизи устига кундаш юклиди ва биргалашиб тўйингизни ўтқузишди. Иш кучидан қолиб, ўн кунлаб Тошканда юрди. Нима бўлганда ҳам биравнинг яхшилигини билиш керак эди.

Ўзбек ойим ўзининг бир ҳафталик сўзини такрорлар эди:

— Энди нима қил дейсан болам, ўтқузмай кетишинг уят.

— Уят дейсиз-да, уятка ўзингиз тушинмайсиз.

Ўзбек ойим ўғлининг терс сўзидан қизишишди.

— Жуда ҳовлиқа берма, ўғлим. Чарлар ҳам ўтар, андининг юзини ҳам кўрарсан!..

— Онажон, — деди Отабек, — сизнинг заҳарлик сўзларингизга нима дейишкага ҳам ҳайронман... Биллоки, манинг ҳовлиқишим сиз айтканча бўлса... хотинимнифина эмас, унинг ота-оналарини андишасида шошаман. Уларнинг кўнгилларига гап келмасин деган мулоҳазада ҳовлиқаман. Мен сизнинг орзунгизга бутунлай қарши тушиб, Тошкандингизни тилга олмаслиқка борғанимда ўша бечоралар сизнинг риоянгиз билан мени бу ерга судрағандек қилиб олиб келдилар... Уятни билсангиз, энг ози шунинг андишаси керак эмасми?

— Бўлмаса ҷарларни кутмагин-да, югира қол, — деди Ўзбек ойим, — марғилонлиқнинг ўқчангдан¹ уранлиғи аниқ экан.

Отабек камоли бўғилғанидан сукут қилишға мажбур бўлди, чунки бу орзу-ҳавас онаси ярани ҳар замон каттароқ оча боришига жуда ҳам уста ва бу усталиқ, унинг барча кутканларининг кундан-кунга бўшка чиқа борғанилиғидан эди. Айниқса унга ҳозир бутун маъноси билан сир онглашилиб, марғилонлиқнинг жодусини жуда ҳам кучлик эканига имон келтириди. Ўзининг орзу-ҳавасини кўрди — кўриш бўлса — орзулғандан ортиқ Бироқ бу орзу-ҳавас орқасидан кутилган марғилонлик балосидан ўзлини қутқариш масаласи унинг тилагича бўлиб чиқмадида, яна марғилонлиқнинг сихри ўтқирилик қилди... Никоҳ, куни Отабекнинг кийимларини жуҳуд домладан ўқутишлар, марғилонлиқдан совитиб тошкандликка иситишлар — барчаси ҳам ҳозир ўз ажзларини² унга иқрор қиласа эдилар. Кейинги «беш-бош» домланинг берган тутатқи, эзиз ички, дуо ва туморлари ҳам негадир таъсир асарини сездирмадилар...

Ўзбек ойим марғилонлиқнинг домласини кучлик эканида шубҳа қилмаса ҳам, аммо бир ишқа жуда ҳайрон эди: жуҳуднинг қилған жодусини — жуҳуд, мусулмон домланикини — мусулмон дафъ қила олур эди; нега булар асар қилмайди сира? — Ҳозир Ўзбек ойим бу нинг сиррини ўйлаб тополмас эди. Бу боши берк кўчада ул узоқ қамалиб қолмади — бунинг сиррини дафъетан топди, ҳам жуда тўғри топди: «Марғилонлиқнинг домласи жуҳуд ҳам эмас, мусулмон ҳам эмас — хинди! Ҳиндиларнинг ҳам ҳанноси³: бас, ҳанноснинг сихрини на мусулмон домласи қайтарсину, на жуҳуд. Ўшал ҳиндининг ўзи қайтармаса, ўзга илож йўқ!»

Нима қилмоқ керак? Тошканда бирарта хинди домласи йўқки, иложини қилиб берса... Энди хотин боши билан Марғилонга мурожаат қилсунми?

Бошқа тушканни кўз кўрар, деган сўз бор. Ўзбек ойим ҳам бошиға тушкан бу қулфатни кўришкага мажбур эди: «Шу галдан қолдирмай Отабекнинг ёнига Ҳасаналини қўшиб Марғилонга юбораман, Ҳасанали у ердаги хинди домлаган учрашиб. Отабек устидаги сихр-жодуларни

¹ Ўқча — хвёл, ўй фикр.

² Ажз — ожиз, кусиз.

³ Ҳаннос — худодан ҳам кўрқмайдиган, касамдан қайткан, маккора.

ешидирсин... Ҳинди ҳар қанча олса ҳам майли, бисотдан у-буни сотиб пул қилиб бераман».

Отабек онасинг қаршисида бояғи сукутка кетканича жим ўлтурар эди. Ўзбек ойим ҳалиги кашфиётдан қутилиб бу тұғрида сүнгі қарорини ҳам береб бұлғач, Отабекка деди:

— Үғлим... янги уйланған отинг бор. Маним олдимда ўлтуриб нима қиласан? Бечора ёлғыз ўлтурибдир.

Отабек онасига бир қараб олди-да, жавоб бермади.

— Бор, болам, бор. Яхши әмас бу ишинг... — Ўзбек ойим сүзини бўлиб дарича ёниға келиб тўхтаған Ойбодоққа қаради.

— Сутчой тайёр бўлди, сузиб кирайми?

— Икки косани келинлик уйга бер, мен билан Ҳасаналинигини шу ерга келтир.

Ойбодоқ кета бошлаган эди, Отабек уни тўхтатди:

— Маникини ҳам шу ерга олиб кир, — деди. Ойбодоқ Ўзбек ойимга қаради. Ўзбек ойим ўғлиға хўмрайди. Отабек хўмрайишга илтифот қилмай, Ойбодоққа «шундоқ қил» ишорасини берди.

— Бўлмаса келинникини ҳам шу ерга бериб, ўзини чақир. Ҳасанали уйида ичсин, — деди Ўзбек ойим. Ойбодоқ кеткач, ўғлидан сўради: — Бу нима қилик, болам?

— Қилиқ әмас.

— Келин билан бирга ичсанг нима бўлар эди? Биравнинг боласини мунчалик хорлаш яхши әмас.

— Бундан хорлағанлиқ чиқмайдир. Ўзини шу ерга чақирдингиз — иш битди.

Ўзбек ойим тагин нимадир айтмакчи эди, Ойбодоқ дастурхон кўтариб кириб қолди.

— Келинга айтдингми?

— Айтдим.

Дастурхон ёзилиб, тушлик чой келди. Ўзбек ойим косасига нон ташлаб кўзи эшикда, яъни келинни кутар эди. Келин эшикдан кўрингач, ўғлиға «қарши ол» дегандек қилиб қараб кўйди. Ўн етти ёшлар чамалиқ, кулчалик юзлик, оппоққина, ўртacha ҳуснлик Зайнаб қайин онасинг тилақ ва шаънига лойик тавозисъ — одоблар билан биттабитта босиб дастурхон ёниға келди. Қайин она томонидан «ўлтуринг» ружсати берилганидан сўнг, қисилиб-қимтиниб товуш чиқармайгина ўлтурди. Ўзбек ойимнинг кўзи ўғлида. Ўғли бўлса чойга нон ҳўллаб емоқда эди. Бир-икки қайта хўмрайиб-хўмрайиб ўғлиға қаради-да, унинг кўзини учрашдира олмагандан кейин, унга сўз қотишга мажбур бўлди:

— Чарларинг ҳам бўла қолмадики, қайин отангни бориб кўрсанг. Ёки чарларсиз ҳам кўра қоласанми?

Зайнаб кўзини эрига тикиб қолди. Отабек салқинрина онасига жавоб берди:

Тошканд одатicha «чарлар» бўлмасдан туриб, куяв қайин ота, қайин онага кўринмайдир (муал).



— Кўрсам бўладир... — деди ва кулимсирагансумол Зайнабка қарали Зайнаб ҳам кулган бўлди. Шу кичкинагина кулимсираш Ўзбек ойимни анча тинчитди. Аммо мусоҳаба шунинг билан тўхталиб, ораға яна бояги жимжитлик кирди. Үғлиниг миридан сирини ажратиб ўлтургучи она яна олазарак оғририга йўлиқди. Зайнабнинг кўзи тез-тез Отабекка тушар, у бўлса хўр-хўр чойни ичар эди. Бу ҳолдан Ўзбек ойим ич-этини еб, юткан луқмасининг мазасини ҳам билмас, қисқаси ўлтурниш сўзсиз, гўё тузсиз ва маъносиз эди. Бу маъносизлик тадбирини кўриш яна Ўзбек ойим устида:

— Келин пошшоға тилла узук буюрдингми?

— Буюрдим. Эрта-индин битиб қолар. — Отабек сўзни чўзмоққа йўл қўймади. Аммо онаси гапдан гап чиқариб, сўзга сўз уламоқчи эди:

— Тилла чочопугингиз бор эдими?

Зайнаб эрига қаради ва ийманибгина жавоб берди:

— Ну...

— Йўқ бўлса олиб бераман, — деди Отабек. Ўзбек ойим ашчагина жонланиб олди. Тағин уйдан-мундан сўз уринтироқчи бўлған эди, унча муваффақиятлик чиқмай бошлади. Сутчойдан сўнг қумғонда чой келди. Зайнаб биринчи пиёлага қуиб ўрнидан турди ва қайин онасига икки қўллаб узатди, иккинчи пиёлани тўлдириб ўрнидан турмоқчи бўлған эди, уни Отабек тўхтатди.

— Мундан кейин чой беришда ўрнингиздан туриб ўлтурманг, — деди. — Ултурган ерингиздан берсангиз ҳам бўладир.

Ласкин бу гап қайин онага ёқмади, эътиroz қилди:

— Нега ундоғ дейсан, бола. Ўриндан туриб чой бериш одамзоднинг зийнатидир, келинларнинг бор-йўғи келинлиги ҳам шунда-ку!

— Сизнинг учун ҳам ўлтуриб чой берсин, демайман; аммо бу такаллуфнинг менга кераги йўқ. — деди ва қўлидағи чойни тез-тез ичиб бўшатди. Фотиҳа ўқуб ўрнидан турар экан: — Албатта сизга ўрнидан туриб чой бериши лозим... — деди ва чиқди. Бу гапни Зайнаб чинга ҳисоблағани учун бошқа нарса пайқамаған, аммо Ўзбек ойим бўзариб қолиб даррав эсига ҳиндининг жодуси келиб тушкан эди.

Шу ўлтуришдан бир соатча кейин Ўзбек ойим уйни холилатиб Ҳасаналини ўз олдига чақиртириб кирди. Ҳасанали бу чақиртириқдан бир нарса ҳам сезмаган, чунки хўжабекасининг ички сиррига унча ошно эмас; чарлар маслаҳатидир, деб ўйламоқда эди. Ўзбек ойим уйнинг эшигини беклаб келди-да, Ҳасаналининг яқинроғига ўлтурди ва ярим товуш билан муддаони оча бошлади.

— Энди иш Тошканд домлалари билан битатурғанга ўхшамайди... Ўйлаб қарасам, марғилонлиқнинг домласи ҳинди экан. Шунинг учун ноилож сани олдимга чақиртиридим. Сан ҳам одамсумол гапимга тушиниб, бу тўғрида ақдинг етканча зеҳнингни югиртиргин... Ўзингта маълумки, кундан-кунга марғилонлиқни унугтиш ерига ҳар соат унга эси борадир. Бу ҳолларнинг барчаси ўша ҳиндининг жодусидан бўлиб, муаккиллар¹ Отабекнинг бўйнидан сиртмоқ солиб Марғилонға тортадирлар...

¹ Муаккил — фаришта.

Ҳасанали хужабекасининг кўбдан бери домлахўжа билан сарғардан бўлиб юришини билса-да, аммо унинг «ҳинди, сиртмоқ, солиб тортиш» каби сўзларига тушинмади. Бекасининг феъли хуйини яхши билгани учун, яъни унинг қарғашидан қўрқиб тушинмаганлигини билдирамади-да, «қани гапнинг теги қаерга борар экан», деб жим қулоқ солған бўлиб ўлтура беди Аммо Ўзбек ойим сўзини ҳалиги ерда тўхтатиб: «Сан шунга нима кенгаш берасан?» деган савонни берди.

— Мен нима дер эдим... Сиз нимани маъқул кўрсангиз шу-да, — деди Ҳасаналининг тушинмаслик орқасида берган бу жавоби Ўзбек ойимга ниҳоятда ётишиб келди:

— Баракалла, Ҳасан. Ана шунинг иложини ўзинг қиласан.

— Яхши...

— Эрта-индин чарлар бўлиб ўтса, албатта Отабек Марғилонға югирадир. Шу вақтда сан ҳам бир нарсани баҳона қилиб бирга Марғилон борасан-да, қаердан бўлса ҳам ўша ҳиндини топасан ва назрини бериб яхшилаб қайтартириқ қилдирасан...

— Кимни?

— Кимни бўлар эди, Отабекни-да.

— Нега?

— Тушинмадингми?

— Тушиниш бўлса — тушиндим... Шунчаки аниқлаб олмоқчимандар.

— Марғилонлиқ-ку Отабекни ҳинди домладан ўзига боғлатиб қўйибдир. Ана шуни сан ҳам пайқаб юргандирсан-ку?

— Пайқамаған бўлсам ҳам аммо мақсадингизга энди тушиндим, — деди кулиб Ҳасанали. — Нияtingиз Отабекни марғилонлиқ келиндан совитиш.

— Баракалла, — деди Ўзбек ойим, — совитишигина эмас, унинг чангалидан Отабекни узил-кесил қутқариш.

Ҳасанали ҳайрон бўлди. Чунки хўжабекасининг марғилонлиқка мунчалик адовати бор деб ўйламас эди.

— Нега энди?

— Ўғлимни марғилонлиқларнинг қўлига бериб қўймайман-да, ахир. Бурун Тошкандда хотини бўлмараң бўлса — энди бор, мундан кейин анди келинга бизнинг муҳтожлигимиз йўқ...

— Хайр, энди нима қилмоқчисиз?

— Нима қилишим кундан ҳам равшан, — деди Ўзбек ойим ва тамом қаноат ва ишонч билан бояғи мақсадни такрорлади: — Ўзингта айтканимдек, Марғилондағи ҳинди домланинг ўзидан бир мартаба қайтартириқ қилдирсақ, марғилонлиқнинг сир-жодулари ботил¹ бўлиб, Отабек ўз-ўзидан андини талоқ қилиб юборадир...

— Сиз марғилонлиқ ҳинди домланинг ўғлингизга қилган жодусини қаердан билдингиз?

¹ Ботил бўлмоқ — бузилмоқ, бўшашибмоқ.

Ўзбек ойим бу савол билан ўзининг кашфидан бир оз шубҳаландида, ишончсиэроқ қилиб:

- Ўзим билдим, — деди.
- Ўзингиз қаёқдан биласиз, ахир бирав айткаңдир сизга?
- Ўз ақдим билан топдим.

Ҳасанали ўзини тутолмай кулиб юборди:

- Лекин шунга қолғанда ақлингиз бир оз янгишибдир...
- Нега?
- Негаки икки ўртада сиҳирчи ҳинди ҳам йўқ, сиҳир қилдирғучи маррилонлик ҳам, Отабек ҳам сиҳирланган эмас.

— Нега бўлмаса Отабек ҳадеб уйланса ҳам Маррилонга ошиқаберадир?

- Бунинг сабабини ҳали ҳам билмайсизми?
- Биламан, сиҳир-жоду қуввати.
- Жодуни ким қилдирадир?
- Қайин отаси, қайин онаси, қолаберса хотини.
- Янглишасиз, ойи.
- Нега янглишаман?
- Сиҳир-жоду қилишдан уларнинг мақсади нима, деб биласиз?
- Калвак ўғлиминг ақдини ўғирлаб, пулини емакчилар.

— Пулини емакчилар? — деб кулади Ҳасанали. — Маррилонлик қудаларингизнинг давлати олдида бизникини йўқ, деса бўладир. Ундан кейин мен яхши биламанки, улар Отабекка уч пуллик ҳам рўзгор қилдирмайдирлар. Буни ўзим яхши билганимдек ўғлиингизнинг ўзидан ҳам «уларнинг рўзгор қилдирмаганларидан жуда сиқиламан» деган сўзини неча қайта эшилдим. Шуни ҳам яхши билмоқ керакким, ўша жодугор қудаларингиз ёмон кишилар бўлғанларида Отабекни Тошкандан уйлантириш сиз ўйлаганча қулай иш бўлмас эди. Ўғлиингизнинг Маррилон борғандан сўнг ваъдасидан айнаганини албатта ҳожидан эшилкан бўлсангиз керак...

Ўзбек ойим енгилаёзган бўлса ҳам, айниқса Ҳасаналидан тил қисиб колғуси келмас эди. Гўёки шунча ўткан гапларга қиймат бермагандек:

- Мен бунинг сиррини энди хўб билиб олдим, — деб қўйди.

Ҳасанали кулади.

— Билсангиз ҳам янглиш онглабсиз, чунки бунинг сирри сиз ўйланча эмас.

— Қандор?

— Ўғлиингизнинг ҳар замон Маррилонга ошиқмоғи... айниқса бу гал қайин ота, қайин оналаридан андиша қилибдир. Ундан кейин...

— Ундан кейин?

— Ундан кейин катта келинингиз ўғлиингизнинг кўз очиб кўргани.

— Кўз очиб кўргани? — деди Ўзбек ойим ва истеҳзоланиб кулади. — Зайнаб ўша маррилонлиқча бўлмапти, дегин?

— Мен қаёғдан билай... Эҳтимол ўғлиингизча шундайдир...

— Ўзинг уларнинг иккисини ҳам кўргансан, индалло¹ сўзла: улардан қайси бирисининг ҳусни ортиқ?

¹ Индалло — худо ҳаққи, рост.

Ҳасанали бу савол қаршисида нима деб айтишкаб билмай қолди...

— Мұхаббат деган нарса ҳуснга қарамайдыр.

— Қарайдирми, йўқми, сандан уни сўраётқаним йўқ. Қайси бири-си кўҳликрак деб сўрайман?

Ҳасанали қийналди ва гапни бошқаға чалғитиши учун:

— Энди маслаҳат нима бўлди? — деб сўради.

— Оддин сўзимга жавоб бер-чи, ер юткур!

— Саволингиз қизиқ, нима деб жавоб беришга ҳайронман... Тўғрисини айтами?

— Тўғрисини!

— Тўғрисини индалло сўзласам, — деди ва қийналиб тўхтади. — ҳар бир гулнинг иси ўз йўлиға.

— Тўғрисини дейман!

— Анув келинингизнинг ўлса ўлиги ортиқ...

— Гапирма-тапирма. — деди Ўзбек ойим, — бошда шу марғилонлиқ балосига ўзинг сабабчи бўлғанмисан, ҳали ҳам ўшанинг томонини олиб сўзлайсан! Сандек соқоли узун, ақли қисқадан кенгаш сўраб ўлтурган мен ҳам аҳмоқ!

Ҳасаналининг чалғитиши ва ҳайрон бўлиши Ўзбек ойимнинг табиъатини яхши билгани учун эди. Ул ўз хоҳишига тескари келган ҳақиқатни кўрмайдирган қизиқ бир табиъатка молик эди.

— Ўзингиз тўғрисини сўзлатиб, тағин нега мендан хафа бўласиз, ойи, — деб муқобала қила бошлаған эди. Ўзбек ойим яна гуруллаб кетди:

— Бўлди-бўлди... тузингни ичиб, тузлиғингга тупурганни худой кўтарсан, — деди.

Ҳасанали хўжабекасининг қаршиш ва койиши остида кула-кула уйдан чиқди.

Бу мусоҳаба кўринишда Ўзбек ойимга унча ўзгариш бермагандек сезилса ҳам, лекин руҳан уни анча бўшашдирған эди.

* * *

Шу гапдан бир ҳафта чамаси кейин ва ҷарлар кутишнинг ўн бешинчи кунлари эди. Отабек меҳмонхонада тоқчадаги китоблар орасидан қандайдир бир китобни ахтарар экан. Ҳасанали унинг ёниға кирди.

— Панжшанба кун ҷарлар эмиш, хабарини бериб кетди.

Отабек китоблардан бирини сугуриб олди ва вараждлар экан, «ҷарлари ҳам қурсин», деб қўйди. Кўнглидан кечирди: — «Бу кун душанба бўлса, тағин орада тўрт кун бор».

— Мана бу ҳат ҳам сизга эмиш, — деди-да, Ҳасанали унга бир мактуб узатди, — боя бирав бериб кеткан эди, — деди ва шошиб-пишиб қазо бўлаёзган аср намозини ўқуш учун жойнамоз ёзди. Отабек мактубнинг унвонига кўз ташлади: «Тошканда маҳалласида турғучи Отабек Юсуфбек ҳожи ўрлиға тегсин». Ким томондан ёзилғанлиги унга маълум бўлиб, қўлидаги китобни тоқчага қўйди ва шоша-пиша ҳатни очди.

Катта қорозда туссизроқ сиёҳ билан ёзилған узун бир хат Унинг кўзи ёзув устида сузди. Сузган сайин негадир унинг тусида улуф бир ўзгариш, вужудида бир титроқ воқиъ эди. Бу хат унга сўйинч берар эдими, даҳшатми ўзидан бошқага мажхул эди. Шу мажхул ўзгаришларнинг сўнг чекига бориб еткандан кейин хатдан кўзини олди ва ихтиёрикми, ихтиёрсизми, ҳайтовур бор товшича «Қўрқутмоқчи!» деб юборди. Бу сўз билан Ҳасанали ҳам нари-бери намозини битирдида, жойнамоздан бурилиб қаради:

— Нима гап?

— Ҳеч гап йўқ, — деди Отабек ва эсанкираш вазиятида унга қаради:

— Қўрқутмоқчи, дедингиз-ку, хат кимдан?

— Хатми? — деди ва шунинг ила бир оз эсини ўзига йигиб олғандек бўлди, — хат келинингиздан... Қўрқутмоқчи бўлиб баъзи бир кинояларни ёзибдир...

Бу гапни айткандан сўнг хатни буқлай берди. Ҳасанали фотиҳа ўқуб Отабек ёнига келди.

— Киноялар ёзиши кечикканингиз учундир, — деди. Отабек тасдик ишорасини бергандек бош силкиб қўйди.

— Айниқса шу гал кечикишингиз бечора келинга оғир тушиб киноялар ёзишга мажбур бўлған, — деди Ҳасанали: — Аниги ҳам бечорага жуда оғир, «кундаш — хотин зотининг ўлуми» деганлар. Энди, нима бўлғанда ҳам орангизда оз қолди, чарларни ўтказа жўнайсиз-да. Отабек жавоб бермади, чунки Ҳасаналининг кейинги сўзидан ризо бўлмаган эди.

Ҳасанали уни тинчтиш учун: — Агар кўнглингиз тинчимаса, — деди кулиб, — сиз ҳам киноялик бир хат ёзиб берингиз. Хат келтиргучи эртага хабар олиб ўтишини билдирган эди.

Отабек бу сўздан бир оз жонлангандек бўлди. Чунки унинг кўнглига бу киноялик мактубни жўрттага ёзилған бўлғанлиғи келиб тушган эди.

— Бу гап тўғрими? — деб сўради.

— Тўғри. Эртага эрта билан келиб, хат бўлса олиб кетмакчи эди.

— Яхши, — деб кулимсиради Отабек, — эрталаб келса хат бераман.

Ҳасанали меҳмонхонадан чиқаёт, ўзини тўхтатиб олғани ҳолда иккинчи қайта хатни кўздан кечирди:

«Вафосизга. Мен ўзимнинг бу мактубимни кўз ёшларим билан ёзаман. Негаки ҳозирда маним ёлриз кўз ёшларимгина эмас, бутун борлигим сиёҳдир. Мен энди оғизлардаги «вафо» сўзига ишонмайман. Чунки мен ўзимнинг вафосига ишонғаним бир йигитдан улуғ вафосизлик кўрдим. Уятимдан кўзларимни очолмайман. Негаки еру кўклар, тоғу тошлар ва дунёдаги барча нарсалар манинг алданғаним учун кулиб масхара қилгандек қарайдирлар... Бу кунимдан, бу ҳасратимдан қутлиш учун ўзимга ажал чақираман. Лекин ажал ҳам мен шўрлиқдан нафралангандек, гўё ул ҳам менга вафосизлик қиласидир.

Бегим, гарчи аччиғлансангиз ҳам айтишка мажбурман: сизда виж-

дон, инсоф, раҳм, ваъда, вафо, яхшилиқни билдиш, боринг-чи, одамгарчиликдан ҳеч гап йўқ эмиш. Билъакс сиз: ҳийлакор бир тулки, оғзи қон бир бўри, раҳмсиз бир жаллоғ, уятсиз бир йигит!

Сизни ҳийлакор дедим: эсингизда борми, сода отамни, гўл онамни қандоғмар қилиб алдадингиз? Ёдингизда борми, шамъ ёнига мени алдаб айткан сўзларингиз, берган ваъдаларингиз, «маним орзум» деб қилған хитобларингиз, тўйкан кўз ёшларингиз?.. Бас, бу ҳийлалар, бу макрлар сиздан бошқа кимда топилсин?

Сизни оғзи қон бир бўри дедим: чунки сизда раҳм йўқ, Сиз ўзингизнинг заҳарлик тишларингиз билан мазмумлар кўксини, баёвлар бағрини чок этасиз; янги очилған гулларни, энди бош тортқан лолаларни вақтпсиз сўлдирасиз, очилиб биттамай ўлдирасиз!

Сизни уятсиз дедим: илгариги ваҳшатингиз билан ўзингизнинг ҳаққингиз бишканингини билатуриб ҳам яна уялмай-қизармай виждонсизлар амрини берасиз ва уятсизлигинизни яна бир қат ортидирасиз!

Мен сизнинг баъзи бир даъволарингизга ҳайрон қоламан: отам Тошканда экан чорга бу гапни айтишга уялан эмишсиз... Гўё бунинг ша номуслик бўлиб кўринмакчисиз шекиллук?!

Онам баъзи вақтларда:

Янги ёр топқанда дўстлар, эскидан кечмоқ керак,
Эскини ўлган санаб, латта кафан бичмоқ керак,

байтими ўқуб қўяр, мен бўлсан ул вақтларда бунинг маъносига тушинмас эдим. Аммо... энди бу байтни кимга айтишганига ва унинг маънолари га хўб тушинмакдаман. Ташландиқлиқнинг сўнг ўтинчи қилиб сиздан шуни сўрайман: учунчи ёр топқанда иккинчи бечорага ҳам шундай уятсизлик қилинмаса эди. Бу тилагим учун ажабланмангиз, чунки, «пичоқни ўзингита ур, оғримаса ўзгага сол», дейдирлар.

Сизга янги ёр, менга уятсизликнинг қурбони бўлиш муборак. Кумуш эмас, Тупроқбиби ёздим. 17 жавзо, 1265-инчи, ишлар Марғилон».

5. Хиёнат

Кутидорнинг Тошкандан ёлғиз қайтиб келиши Кумушни анча энтиқдирган эди. Аммо Отабекка воқиъ бўлған узр масаласи бир қадар уни тинчиди. Ишонар-ишонмас шубҳа ва вассасалардан бир оз ариди: «Ул мени унутмаган, ваъдалари чин, сўзлари тўғри... Ул ҳам мени суръ экан...» деб бурунги одати билан гоҳи эрининг йўлига чиқиб кутмакка ҳам бошлади.

Отасининг келишининг саккизинчи куни эди. Ул бу кечаси кўрган баъзи бир тушларини унинг бу кун келишига йўйди-да, эрталабдан туриб соchlарини ешди. Соchlари орасидағи чигилларини дикқат билан тараб, жом ёнига ўлтурди. Унинг нафис қора соchlари орқа-ўнгига тўзғиб ажиб бир манзара бердилар. Сочини қатиқлаб ва совунлаб ювгач, онасидан иккита қилиб ўрдириди. Офтоб ойимнинг: «Нега қирқ кокил қилмайсан?» деб сўрашига: «Қизингиз энди қизлик давридан

ўтиб, келинлик даврига кирди. Қизингизнинг мундан сўнг куявингиздан бошқа совчилари ҳам йўқ», деб кулди. Аммо бу икки ўрим соч қирқ кокилига қарағанда жуда ҳам ўзига келишиб тушиб, унга яна бир қайта улуғворлиқ ва олийлиқ барышладилар. Сочини ўрдирандан кейин уйига кирди-да, кийимлар тахланган тоқча ёнига тўхтади. Равоқлиқ тоқчада унинг ўн беш чамалиқ, асл кўйнаклари уюлган эди. Сариқ, рупоҳ атласини кийишкага чоғлаб кўрган бўлсада, бироқ кўйнакни олған ерида бу фикридан қайтди. Қизилни... кўкни... олма гулини... қисқаси қайси бирисини кийишкага тараддулданди. Кўйнаклар ичида ўзига ярашмайдирғани йўқ: оқ олма учун барги ҳам, гули ҳам бир... Унинг ўзига сариқ атлас хуш келсада, бироқ ҳозир ўз хоҳишини бир ёққа қўятуриб Отабек кўнглича кийинишкага қарор берди. Чунки Отабек кўпинча қора кўйнак кийишкага қистар эди. Совсар гули қора атлас кўйнагини кийиб, бошиға зангор шоҳи рўймолини солди ва марварид кўзлик кичкина олтун ҳалқани қутидан олиб қулогифа тақди. Шу соддагина ясанишдан сўнг, иккинчи тоқчада тироғлиқ турған кўзги ёнига борди. Кўзги ичидан тўзғиб,чувалиб кўринган соч толаларини тўғрилаб ўзини кузатди Кўзги ичидан кўринган малак ўз эгасини ҳам кайфландириб секингина илжайиб кўйган эди, нариги ёқдағи фитнаи даврон ҳам садафдек оқ тишларини ёқут каби иринлари орасидан кўрсаткандек бўлди. Бу ҳуснга оталиқ вазифасини ўтағандек кўринган латиф бурни ёнидағи қора холини табиийлиғига ишонмағандек қашиб кўрди ва кўзги ёнидан жўнади. Жўнар экан, «...чиройлик бўлса ҳам менинидек ҳоли йўқдир», деб кўнглидан кечирди.

Кечки олов вақтида ташқари ҳовлисида у-буға овора бўлиб юрар эди. Бу кунги кўрган туши уни ортиқ ишонтирган, шунинг учун Тўйбеканинг ташқари ҳавлида қиласидирған юмишини ҳам ўзи бажармоқда. Тўйбекадан сув сепдириб ўзи ер супурар экан, қулоқлари йўлак томондан эшитиладирған оёқ товушларида эди.

Ҳавлидаги икир-чикир ишларни тамомлағач, айвоннинг олдига ўлтуриб тузатинди, тузатинар экан йўлақдан юриб келмақда бўлған бир оёқ товшини эшитиб юраги нима учундир ошиқиниб-шопириниб кетди. Оёқ товши ичкарига яқинлашған сайин ул ўзида титроқ аралаш бир ҳол сезар эди. Ниҳоят, йўлақдаги оёқ товши тугалиб, Кумуш кутмаган жойда паранжилик бир хотин келиб чиқди. Кумуш узоқ бир энтикиб қўйди.

Хотин Кумушка қараб келар эди. Ул ердан бичиб олғандек пакпакана, бурни юзи билан баробар деярлиқ теп-текис, кўзи қоққан қозиқ ўрнидек чуп-чуқур, оғзи қулоги билан қошиқ солишар даражада жуда катта, юзи қирқ йиллик оғриқларникидек сал-сарик, қирқ беш ёшлар чамасида бир хотин эди. Кумушбиби ўзига томон келгучи бу даҳшатлик хотинни умрида биринчи мартаба кўрар эди. «Нима қилиб юрибти бу оч арвоҳ!» деб ўйлади. Хотин ўн адимлаб узоқдан юзига совуқ ва тушда қўрқарлиқ бир кулги тузи берди. Димоги билан «қих» этиб қўйди.

— Хи-хи-хи, айланай сиздан, пошша қиз! Мирзакаримбойнинг

ҳавлилари шуми? — деб сүради. Кумуш «шу» жавобини бергандан сүнг ўзи билан кўришмакчи бўлған бу хотин оддига икки адим юриб тилар-тиламас елкасини тутди. Унинг тўғри мавзун¹ қоматига ердан бичиб олинған жудхиш хотиннинг қўллари зўрга етди-да, «эсонмисиз, пошша қиз» деб сўрашди. Хотин паранжиси билан айвоннинг оддига ўлтуриб олғач, «уфф» деб чайқалди ва «анча йўл экан, тинкаларим куриб кетди-я?» деб шикоятланди.

— Мирзакаримбойнинг ҳавлилари аниқ шуми?

— Шу.

— Сиз кимлари бўласиз бойнинг?

— Мен, қизлари.

— Қих... сизга берсам ҳам бўлар экан, — деди хотин ва ёнчиридан бир хат чиқарди. — Ўғлим Тошканд билан Марғилон орасида қатнаб олиқ-сотиқ қиласадир. Бу гал Тошкандан қайтишида бирав унга шу хатни бериб, Мирзакаримбойнинг ҳавлиларига тез еткузуб берасиз, деб илтимос қиласадир. Қих, хи-хи, айланай сиздан пошша қиз, қих... Махтанғулиқ бўлмасин, ўғлим ҳам ўзимга ўхшаш биравнинг хизмати йўлида ўлиб қутиласадир. бу кун туш вақтида Тошкандан келди-да, онаси билан сўрашишни ҳам билмай шу хатни қўлимға тутқизди. «Жон она, ўзим йўлда жуда уриниб келдим, санга адабсизлик бўлса ҳам даррав Мирзакаримбойнигини сўроғлаб шуни элтиб бер, бергувчи тез берасиз деб ўтинган эди», деди. Мен ҳам кўнгилчангман, айланай пошша қиз, касалдан яқинда турганим учун бир қадам босишига тоқатим бўлмаса ҳам савобдан қуруқ қолмайин, деб сургала-сургала ҳавлингизни сўроғлай-сўроғлай топқунимча ўлиб бўлдим... қих... — деди. Кумуш хатни хотиннинг қўлидан олиб раҳмат айтди ва хатнинг унвонига² кўз ташлади: «Марғилон шаҳрида сокин³ Мирзакарим қутидор ҳавлисира».

— Янгишмабсиз, ойи.

— Нега янгишшай айланай сиздан, пошша қиз. Улур даргоҳларингизни кўчадаги ҳар ким билар экан, — деди хотин ва ялтоқданиб ўринидан турди. — Энди мен кетақолай, боларинам йўлдан оч келиб, бир қошиқ иссиққа зориқиб ўлтургандир.

— Ичкарига киринг, чой қайнатайлиқ.

— Раҳмат, пошша қиз. Анчон ичармиз чой бўлса... қих. Бир кўрган билиш, икки кўрган таниш, дейдирлар...

Кумушшиби хотинни ортиқча қистаб ўлтурмадида, йўлаккача кузатиб борди. Хотин йўлакка бурилар экан қайрилиб тўхтади:

— Бу дунёда шунаقا ҳожат чиқаришлардан топқанмиз, агар Тошкандами, Қўқонғами отангизнинг хат-патлари бўлса ўғлим бажонудил олиб кетадир. Шу ўрталарга келиб қолсан хабар олиб ўтайми? — деб сўради. Кумушнинг «йўқ» дейишшка оғзи бормай «майлингиз, оғир келмаса» деб жавоб берди. Хотин йўлакка бурилди. Кумуш айвон томонига қайтар экан ошиқиб хатни очти. Хат кичикроқ қорозда ўлчавлик сўзлардан иборат эди.

¹ Мавзун — бенуксон, күшбичим

² Унвон — адрес.

³ Сокин — турувчи, яшовчи.



«Кумушбibi бинти' Мирзакаримбойга — завжи² тошкандик Отабек Юсуфбек ҳожи ўелидан. Отанғиз Тошканда экан вактида мен бу ишни очмоққа оғирсинган, тұғриси уялған здим. Маълумингиз Тошкандан уйланғанимдан сұнг ёлғыз бошимға ҳам Тошкандан, ҳам Марғилондан иккى хотин ушлаб туриши оғарлық қила бошлади. Шунинг учун бу иккى хотиннинг бириесидан кечишкә тұғри келиб, ниҳоят турмишам учун енгіл ва орзумга мувофиқ бўлған бир нарсага қарор бердим. Ул ҳам тошкандик хотиним билангина қолиб, сизни талоқ қилиш эди. Мактубни олған кунингиздан бошлаб ўзингизни мендан бегона ва никоҳимдан ташқари ҳисобласангиз бўладир. Маним бу талоқ хатимни албатта шариат пешволари шаръий ҳисоблаб ишдангиз³ битиш билан сизга бошқа эр қилмоққа ихтиёр берсалар керак. Отабек Юсуфбек ҳожи ўели.

13-инчи жавзо⁴, 1265-инчи йил, Тошкан».

...Ул бу мактубни ўзининг сұнг томчи кучи билан ўқуб тамом қилди-да, жонсўз⁵ бир товуш ила «үятсиз!» деб қичқирди ва ерга йиқилиб ўзидан кетди... Йиқилишда қўлидан чиқған қоюз парчаси шамол билан учид бориб боши ёнига тушди. Йўлак панасидан мудҳиш башара чиқиб бир-икки қайта унга кулиб қарағач, йўқолди...

Бозордан қайтқан қутидор ерда ҳүшсиз ётқан қизи устига даҳшат ичида югуриб келди. Чаккасини зах ерга бериб йиқилған ва кесак каби ҳиссиз қизини жон ҳолатда қучорига одди. «Қизим... Кумуш... кўзингни оч!» Аммо Кумушдан жавоб йўқ эди. Даҳшати юз даража ортқан ҳолда Кумушни кўтариб олиб ичкарига юрди. Уйда Офтоб ойим билан Тўйбека кий-чув қўпордилар. Айвонга ётқизған бўлсалар ҳам Кумушни ўзига келтириш чорасини билмай, тұғриси нима чора кўришни эслари топмас эди. Баракат берисинки, эси ярим бўлса ҳам Тўйбека умрида биринчи иш қилди: совуқ сув келтириб Кумушнинг манглай ва қўксига сепкан эди, сесканиб ўзига келди. Ҳушдан ажра-лаёзган бечоралар бу ҳолдан сұнг бир оз жонланғандек бўлдилар. Кумушни совуқ тер босиб бир неча вақт жим ётди, шундан кейин оҳистарина ўнгланиб ётиб олғач, кўзини очди.

— Нима бўлди қизим, кўзингта бир нарса кўриндими?

Кумуш кўзини юмди-да, өнтикиб қўйди. Жавоб бермади. Бу савол отаси томонидан ҳам берилгандан сұнг:

— Мени ташқаридан ким олиб келди? — деб сўради.

— Мен, қизим!

— Ёнимда ҳеч нарса кўрмадингизми?

Кутидор бу саводдан бошқа гап тушунди:

— Йўқ, қизим, сен ўзинг ёлғыз ётар эдинг.

— Шундоқ ё... — деди. Сўзининг сұнгтини айталмади.

¹ Бинти — кит.

² Завж — күёв.

³ Ишда — эрдан ажраган ёки эри ўлған хотинга ҳомиллордиги аниқланғунча шариат бўйича ерга тегиш ман қилинган юз кулилк муддат.

⁴ Жавзо — 22 май - 21 июня

⁵ Жонсўз — жон ўртровчи, азоб берувчи.

— Гапур, гапур, қизим.

— Ёнимда бир хат бор эди... мени бу ҳолға қўйғучи шу хатдир, — деди, бу сўзни ниҳоятда кучланиб айтди.

Вақт хуфтанга яқинлашқан эди. Қизининг ҳалиги жавоби билан сабрсизликка тушкан қутидор қўлиға шамъ олиб ташқарига чиқди ва ердан хатни олди. Қизини бунчалик фалокатка солған хатни олган еридан қўзғалмаёқ ўқуб чиқди. Хат ҳақиқатан жонсўз эди. Қутидорнинг ҳам оз қолдиким, хуши бошидан учсин... Сўнг чекда хўрланған ва фавқулодда чайқалған юраги билан ихтиёrsiz «маккор, инсофсиз!» деди. Кўз ўнглари қоронгуланиб бир неча вақт серрайганча қолди. Яна «яхшилиқни билмаган ҳаромзода» деб қўйди. Боя бу хатдан хабарсиз эди. Энди қизининг олдига кириб, унинг бетига қараш унга жуда ҳам оғирлашқан, чунки бу фожиъанинг бош омили деб ўзини таниған эди. Бориб айвоннинг олдига ўлтурди ва бошини қўллари орасига олди. Бу хўрлик, бу одатдан ташқари уятсизлик бечора қутидорни жуда эзган; нима қилмоқда, хўрланған, таҳқир этилган қизини не йўсунда юптишқа, бу қора кунларни қандоғ қилиб ўтказишкага билмас эди. Шу ҳолда не вақтгачадир қолди. Эрининг кечикишидан хавфка тушиб, Офтоб ойим унинг ёнига чиққанда ҳам ул бояғи ҳолда эди.

Эру хотин қизларининг ёнига кирдилар-да, унинг оёқ томонига ўтиб секин-секин ўлтуришдилар. Анчагина бир-биларига қарашиб қолғач. Офтоб ойим олган таассуротини ичига ютаберишкага чидалмади-да, ёғмурдек кўз ёшини тўка берди. Қутидор ҳам хотинини кутиб турган-дек кўз ёшлари билан соқолини ювмакка олди. Кўзи юмуқ бўлса ҳам уларнинг ҳозирги ҳоларини сезиб ётған Кумушнинг-да қайнаб чиқран кўз ёшлари икки чаккасидан ёстиқга оқиб туша бошлади. Шу чоқда на учундир тоқчада ёниб турган шамъ ҳам лип-лип қилди-да, ўқди... Шунинг ила бу ҳавлини чин маъноси билан қоронгулиқ босди.

* * *

Бу воқиғанинг учунчи куни Кумушбиби йиллаб ётғучи оғриқлар-дек сарғайиб озган, эндиғина ғунчадан чиқаёзган ⁰¹ ёсиман гулни хоин қўлларнинг заҳри сўлитқан, фасод ўчогининг уятсиз муфсидлари¹ хусн бօғининг бу янги эркасини ишонған ва кўз тиккан жиҳати исмидан таҳқир қилдириб умидсиз бир вужуд ёки жонсиз бир ҳайкал ҳолига қўйған эдилар. Унинг кўзларида доимий бир маъюсият, аrimас бир ҳузн,² ҳар онда бир энтикиб чайқалиш эди. Офтоб ойим ҳам сўнг чекда хўрланған эса-да, лекин унга бу хўрликдан бурун у-бу билан қизини овитиши, унинг кўнглини очиб бу совук, уят гапни унудириш, ҳарҳолда кўзининг оқу қораси бўлған Кумушни бирар касалга чалин-маслиги йўлида тиришиш муҳимроқ эди. Ва икки гапнинг бирида «Ортиқ ўйлама, қизим... Эсингдан чиқар, энди хафа бўлғанинг билан сира фойдаси йўқ», дер эди. Кумуш бўлса ҳушсиэларча онасининг

¹ Муфсид — фасод қилувчи, бузуки

² Ҳузн — ҳазин, мунг.

оғзига ағраяр ва ҳар қачон маъюс эди. Кумушнинг бу ҳоли бечора онанинг юрагини узар, юз хил васвасаларга солар эди.

— Кумуш, — деди Офтоб ойим тушлик чойдан кейин, — қайтага тоғангниги бориб келмаймизми?

— Нима қиласиз тоғамнигида?

— Нима қиласар эдик. Ўйнаб куламиз, қайгуларингни кўчага ташлаймиз.

Кумуш онасининг сўзига нима учундир кулди ва «майли» деди.

— Тур бўлмаса, юз-қўлингни ювиб отлан, худо ўлим берсин уятсиз эрингга.

Кумуш мулойимгина қилиб онасиға қараб олди. Ўрнидан туриб Тўйбека ҳозирлаб берган обдаста ёнига ювиниш учун ўлтурди.

Улар тамоман йўлға ҳозирланған эдилар, йўлак томондан ўткан кун хат келтирган хотин кўринди. Кумушнинг кўзига бу хотин оғат каби кўринса ҳам, аммо иккинчи тарафдан ул сўйинди. Онасини келгучи хотин билан танишдириб, ким бўлғанигини сўзлади.

— Хи-хи, айланай бойвуччалардан... Шундоғ қизимниги ўткан эдим, қих... алваъддайн¹, деб йўл устидан бурилиб кирдим... — деб пучук хотин сўзланиб келар эди. Она-бала қўлға олған паранжини ерга қўйишига мажбур бўлдилар. Хотин Кумуш билан кўришкач, ачин-ғансумон сўради: — Ҳа, айланай, пошиша қиз, сизга нима бўлди, жуда ўзингизни олдириб қўйисиз?

Пучукқа жой кўрсатиб, Офтоб ойим жавоб берди:

— Бир-икки кундан бери тоби йўқ.

— Ҳудой сақласин, ҳудой сақласин, — деди хотин, — қих... бевақт келиб сизларни йўлдан тўхтатдимми... Хайр, худо синглимни ёмон кўздан асрасин, — деб фотиҳа ўқуди.

— Хуш келибсиз, — деди Офтоб ойим...

— Хушвақт бўлинглар, айланай, қих... — деди хотин ва Кумушка қараб давом этди, — анув кунги сўзингиз билан йўлдан қайрилиб кирган эдим. Эртага ўлум Тошканд жўнамоқчи, отангизнинг хат-патлари бўлса... қих.

Кумуш жавоб бериш ўнига онасиға қаради. Қизининг қарашидаги маънога тушинган Офтоб ойим «юборатурған хатимиз йўқлир», деб жавоб беди. Бу сўз билан пучук хотин филт этиб Кумушка қараб қўйди. Кумуш онасини унга хабарсиз кўрсатиб жавоб берди.

— Отамнинг хатлари йўқ, менини бор, озина кутишка вақтингиз бўлса, ёзиб берар эдим.

Пучукнинг келишидан мақсади фақат шу ёзиб бериладирган хатгина эди. Кумушнинг ўтинчи унга мой каби ёқиб тушди:

— Ёзиб беринг айланай, пошиша қиз, боратурған жойимдан кечик-сам-да, савоби бор-ку, қих... — деди. Кумуш хотиндан миннатдор бўлиб уйига хат ёзиш учун кирди.

¹ Алваъддайн — ваъдасиз бўлмайин.



* * *

Юқорида Отабек томонидан олинған мактубнинг ҳақиқати мана шу йўсун хиёнатнинг патижаси эдиким, биз энди хиёнат қаҳрамонлари билан ўқуучини танишдирамиз.

6. Иситма орасида

Саратоннинг иккинчи куни... Марғилоннинг шимолида бўлған Б... маҳалласининг кунчиқар томонида жанубга қараб бурулған тор кўчанинг юқориги бурчагида отининг тизгинини ушлагани ҳолда бир йигит кийимига ўлтурган чанг-тўзонларини қоқар эди. Йигитнинг узоққина йўйдан келганлиги, унинг кипрак ва қошларига, ҳам эндинга чиқа бошлиған соқол-муртларига ўлтурған тўзонлардан билгулик эди. Йигитма икки ёшлар чамасида бўлған бу йигит сариқ танлик, уккининг кўзицек чақчайиб, ўйнаб ва ёниб турған қизил кўзлик, юзига парчинлангандек юза (пучук) бурунлик, манглайи қантча ташқарига ўсиб чиқған бўлса, юзи ўшанча ичкарига кеткан, қисқаси вақтсизроқ яратилиб қолған бир маҳлук эди. Бурчақда ердан икки ярим газлар юксаликда кунботишга қаратиб қурилған иккита кўримсиз бир бетлик эшиклар юзларига ёпиқ ҳолда эдилар.

Маълум йигит бошидағи қалпоғини қўлиға олдида, ҳалиги эшикларнинг ўнг томонидағисини очиб, оти билан ичкарига юрди. Эшик ортиқча тор бўлғани учун от сиқилибкина ўтди-да, энди узунгина усти очиқ йўлак бошланди. Йўлакдан сўнг ҳавли эди. Ҳавлининг шарқ ва жануб томонлари бузилиб-ерилиб ётқан эски хароба иморатлар бўлиб, ҳавли юзи турлиқ ахлатлар билан булғанч, гўё йиллардан бери тозалан-маған, супурги кўрмагандек эди. Ҳавлининг ўрта ерида паканагина балиқ тут ўсиб, остиға кул ва бошқа ахлатлар тўпланған эди. Ҳавлининг кунботар томонида харобалиқдан озғина берида бўлған, бояғи йўлакка тирадириб солинган икки даричалик бир уй, бу уй қаторида бир айвон бўлиб, шунинг ила бу ҳавлининг тиккайган биносининг ҳисоби тамом эди. Бу хонадоннинг ошхонаси бўлмагани учун бўлса керак ҳалиги айвоннинг бир бурчагига ўчоқ қурулған. Тутунлар билан айвон деганимиз қоб-қора ис, гўё айвон бўлганига онд ичмақда. Бунинг устига ўчоқ бошидағи товоқ-қошиқлар, товорга ва қозонлар тартибсиз равишда ифлос ётарлар, қозон теварағида уймалашмақда бўлған уч-тўртта товуклар мундаги ифлосликни яна бир қат оширмоқда эдилар. Айвоннинг нариги ёнидағи дарича орқалиқ уйга кирилур эди. Уйнинг ярмиси қуруқ ер — қоро шибдан иборат бўлса-да, аммо тўрида чақич борлаб йилтирамакда бўлған — кир, юлдуз каби илма-тешук жафокаш оқ кийиз, ҳам тахмондағи эски сандиқ устига йигиб кўюлған бир тўда паҳтаси чиқған увадалар кўрпа-ёстиқ отини ўз устиларига олур эдилар. Битта тоқчадари чети учкан, қони қочқан уч-тўртта пиёла ва бир қора қумронни, иккинчи тоқчадари умрида ювиниб кўрмаган қора мис баркашни, бўш қозиқлар кўнгли учун осилған биттагина кир дастурхонни тилга олиш билан бу ҳавлининг бутун жиҳоз-амлоки рўзгорини¹ ёзиб

Амлаки рўзгор — рўзгор бойликлари.

чиқилған бўлинур, бурчақдаги тоқчада қаттиғ нон мүжиб ўлтурғучи сичқонни кўрсатиб ўтилмаса, бу уида бошқа жонлиқ зот ҳам кўринмас эди. Қаршидаги бўғоти тушиб ўртаси емирилган, деворларидан бақа салласи униб чиқған хароба биноларнинг ўнда-сўнда кўрилмақда бўлған эски нақшларидан ва сирларидан бу оиласнинг илгарида давлатлик бир хонадон бўлғанлиги, аммо бу кунда ортиқча фақирликда яшаганлиги онглашилур эди.

Йигит отини тут ёғочиға боғлаб, уйга томон юрган ҳам эди, бурчақдаги хароба уйдан ўзини тузатиб ўқуручининг қутидор ҳавлисида кўргани пакана хотин гўё оналарнинг «зиёндош албасти»лариdek хунук қиёфатда йигитка қараб югуриб кела бошлади. Хотин йигит билан эсон-соғлиқ сўрашқач, иккиси уйга кирдилар. Йигит тўнини ешиб уйнинг тўрига иргитди, бошидан қаллорини олиб қозикқа илди. Шундан сўнг, иккиси ҳам ўлтуришдилар.

— Қалай, — деб сўради хотин, — ишинг ўнгиданми?

— Чакки эмас.

— Ўзи ҳозир шу ерда эди. Эблаб келса шу эди, деб ташвишланиб ўлтурди. Сан келур олдингдагина чиқуб кеткан эди.

— Уйга кетдими?

— Билмадим, келиб қолса керак. Ўзи ҳам қатнай-қатнай ўлаётидир, кеча уч қайта келиб-кетди, қих...

— Нимадан ташвишланадир?

— Ишни айтканимдек қиломаса, ҳамма меҳнат тўрт пул, дейдир.

Йигит кулимсираб олрач, сўради:

— Ўзимизнинг ишлар қалай?

Бу саводдан хотиннинг юзига умидсизлик туси кирди:

— Билмадим, дўстданми, душманданми ҳайтовур олдинг очилмай турадир, совчиликқа чиқмаған куним йўқ, қих... Емон қўшнини ер ютсин; Марайим кудингчи¹ бўшашибандек бўлған эди, уни ҳам қўшнилар ўлгур айнатибдирлар... Ҳомидбой бўлса бу кун унашсаларинг эртага тўйни бошлаймиз дейдир, қих... — Бу сўздан йититнинг кўзлари олайиб алланучик туска кирди.

— Қайси қўшни экан, у?

— Куриб кетсан, емон қўшнилар, қих... Ман санга қайси бир қўшнини тутиб берай, ҳаммаси ҳам айнатар эмиш.

— Сан манга ўша... ни кўрсатиб бер, тобини олиб қўяй ўша онангни ..

Иккиси шу мажарода эдилар Йўлакдан киришидаёқ тутка боғланған ўзининг отидан одамининг келганини билган Ҳомид айвондан айланиб киришкаб сабри чидамай, даричадан ошиб уйга кирди-да, йигит билан қучоқлашиб кўрища кетди. Ўлтурас-ўлтурмас Ҳомид ундан сўрай бошлади:

— Хў-ў-ўш, Содик полvon, ишлар қанақа, Тошкандда нима гаплар бор?

- Нима гаплар бўлсин. Тошканда тинчлик. Баҳона билан Тошкандни ҳам кўриб олдиқ,
- Эшигини топа олдингизми?¹
- Топдим. Айтканингиздек, унинг эшигини Тошканда ҳар ким билур экан.
- Бўлмаса, ҳатни ҳам топширигаңдирсиз?
- Топширдим.
- Бали шер, ҳатни қўлингиздан ким олди?
- Бир чол.
- Юзи чўзикроқ, чаккаси сиқиқроқ чолдир.
- Худди ўзи.
- Ҳатини ҳам олодингизми? — деди ва сабрсизланиб Содикнинг оғзига тикилди. Содик юзига мағрур бир тус ва овозига музafferият оҳангি бериб «ҳатини ҳам олдим», жавобини айтди. Бу жавобдан сўнг Ҳомиднинг оғзининг таноби жуда ҳам қочқан ва Содикнинг елкасига қоқа бошлиған эди. Содик қўйнидаги ҳатни олур экан, ишлаткан ҳийласини ҳикоя қилди:
- Ҳатни чолга бердим-да, эртага Марғилон кетаман, ҳат берсаларингиз бемалол, дедим. Чол бир оз ўйлаб олғандан кейин, ҳозирга ҳатимиз йўқ, сизга малол келмаса эрта билан бир хабар олиб кетмайсизми, ўзингиз ҳозирда қаерда турибсиз, деб сўради. Ман оғирсинган-сумол ўйланиб олдим ва дедим, қўшхонам узоқ бўлса ҳам бир хабар олиб ўтарман, дедим. Ишнинг ўнгланишига қувониб, бир кечани чойхонада кечириб, эртасига ваъда вақтиға яна бордим, имон топкур отам ҳатни муздек қилиб тайёратиб қўйган экан, Марғилон қаердасан, деб бир от, бир қамчи жўнай солдим.
- Ҳомид ҳатни олур экан, Содикнинг елкасига қоқиб «раҳмат, раҳмат», деб қўйди ва: «Биз ҳам сизнинг ҳаракатингизда», деган сўзни ҳам қўшиб қўйди. Ҳатни очар экан, Ҳомиднинг юзида қувонч аралаш бир жиҳдият мушоҳада этилар эди.
- «Умидим юлдузи, орзум чечаги, ҳаётим тираги Кумушимга!
- Киноя ва аччилар билан тўлиқ бўлған мактубингизни олдим. Ҳатни ёзған чоғингизда тамом бир ўт ичида, ғазаб деңгизига сузғанлиғингиз гавдаланиб кўз ўнгимдан ўтдишлар. Ўтдишаргина эмас, ҳатто менга шунчалиқ таъсир этдишларким, гўё маликасининг ғазабига учраған кул қай даражага эс-хушидан айрилса, қилар ишидан, ўлар ўйидан янглишса, манинг-да ҳозирги ҳолим бунинг юз даража юқорисига етди. Тўхриси заҳар олуд мактубингизга одамларча тушина олмадим ва тушишишка ҳам лузум кўрмагим, чунки ғазаб устига айтишлган сўзлар ақми кишиларча лойиқи муҳокама ва мутолаа бўлолмас, гулхандан сўнг аланга ҳисобини ҳеч бир вақтда олинмас. Лекин мактубингизнинг бир ўрнига нима маъно бериш учун тамоман ожиз қолдим: «Илгариги сўзингиз билан ўзингизнинг ҳаққингиз битканлигини билатуриб ҳам яна уялмай, қизармай виждонсизлар амрини бериб куясиз-га, уятсизлиғингизни яна бир қат оширасиз...» ва «Отам Тошканда экан кезда бу

¹ Фарғонада ҳавлини олишк дейдилар (муал.).

гални аитишкага уялган эмишисиз», «гуё бунинг билан номуслик, уятчан бир йигит бўлиб кўринмакчисиз шекиллик?!»

Бу сўзларингиз билан нима демакчи бўласиз, танингиз соғми? Дуруст, ман отангизга бирга кеталмаслигимни, чарларни уч-тўрт кун кутиб қолишимни бир неча вақт айтамай юрдим ва ниҳоят отангиз кетишкага ружсат сўрай бошлиғач, отам орқалиқ узримни айттиридим, бас, бунда қандай уятсизлик бўлсин, гумонимча иситмангиз қаттиғ ушлаган кўринадир ва бу телбаларча мактубингизни иситма орасида ёзган ўхшайсиз...»

Ҳомид мактубнинг бу ўрнига етканда ихтиёrsиз ҳахолаб юбордида, «вой аҳмок» деб қўйди. Пучук хотин билан Содик кулиб унга қарасалар ҳам ул илтифотсиз ўқушида давом этди:

«Мактубни иситма орасида ёзганингизга тамоман қаноат қилдим. Шунинг учун сизни айблашкага ҳаққим йўқ, ҳам сиз маъзурсиз.¹ Бу киноя ва заҳарлик мактубни ёзишга сизни мажбур эткан, мени ҳийлакор тулки, оғзи қон бўри, уятсиз йигит... ва тагин аллақанча мартабаларга миндирилишларимнинг бош омили албатта отангиздан ҳам эшиккан бўлсангиз керак, шу кунгача чарлар балоси билан туткун бўлишим орзу-ҳавас қайин отасининг оғриб етиш шумлигидир. Ниҳоят сизнинг аччиғ ҳатининг баракасида бу кун чарлар хабари ҳам келиб қолди. Сиз манинг бу ҳатимни ўкуб, гуноҳларимни ярлақаб² турған кезларингизда, албатта ман Марғилон йўлида бўлсам керак. Онангизнинг ўқуйтурған байти манинг шаънимга тамоман тескари, чунки ота-она орзуси ҳеч бир вақт янги ёрлик вазифасини ўтai олмас ва ҳамиша бошқаларнинг орзу-ҳаваси бўлиб қола берар. Сиз ўзингизни тупроқ билан тенглашдирмакчи бўлғансиз, лекин ман ҳозир Кумушка ҳам қаноатланмай Олтинбиби деб атамоқ фикрига тушдим...»

Борлигум мұҳаббатингиз алангаси билан туташқани ҳолда завжингиз Отабек. 26 жавозо, 1265-инчи йил. Тошканд.

Мактубнинг бош томонини ўқуғанда Ҳомиднинг юзида кўрилган шодлик ўзгаришлари ҳатнинг охири билан негадир ювиғандек ва шодлик ўрнини чуқур бир мулоҳаза олғандек бўлди. Бир-икки дақиқалик фикрдан сўнг Отабекнинг «Сиз манинг бу ҳатимни ўкуб гуноҳларимни ярлақаб турған кезларингизда, албатта ман Марғилон йўлида бўлсам керак...» жумласини кўзидан ўтказди-да, Содикдан сўради:

- Тошканддан чиқғанингизга неча кун бўлди?
- Олти кун.

Содикнинг жавоби унинг устидаги юкни тагин ҳам оғирлашдирғандек сезилиб ул бошини қўйига энгташдирди ва чувоқ соқолини тузатиб фикрда қолди. Ҳомиддаги кейинги ўзгаришдан хабарсиз тажмондаги увадаларни тузатиш билан овора бўлиб юрган пучук хотин Ҳомиднинг ёнига ўлтуриб, хунук бир илжайиш орасида сўради:

— Қалай, Ҳомидбой, ишлар ўнгиданми? Пошшанисага энди совчиликда бораверамизми?

¹ Маъзур — узрли, кечирапли
Ярлақаш — кечирчок, афя этмоқ.

Ҳомид умидсизча бошини чайқади ва салмоққина қилиб жавоб берди:

— Ишимиз ҳали у даражага еткан эмас, биз ҳозир фақат совчининг йўлидаги биринчи ровнифина буздик.

Ҳомид пучук хотин орқалиқ Кумушнинг хатини одириш билан ўзининг биринчи мартаба юборған хиёнатномасини фавқулодда бир муваффақият билан натижаланганлигини сезиб, Отабек кўкрагига ҳам кўл солиб кўрмак ва унинг Кумушшибига бўлған муносабатини билиб, ҳам шунга қараб иш юритмак учун Кумушнинг мактубини Содик орқалиқ Тошқандга юборған, Содик эса ўқуғучига маълум мактубни Отабекка топшириб, Отабекнинг Кумушка ёзған мактубини ҳам олиб келган эдики, юқорида бу хат Ҳомид томонидан ўқулиб ўтди.

Отабекнинг бу мактуби ортиғи билан ўзининг Кумушка бўлған муносабатининг ҳамон эски ҳолида боқийлигини эълон қилар ва ўзининг осонлиқ билан рақибка берилмаслигини сўзлар эди. Бу йўлда биринчи қадамини муваффақият билан босқан Ҳомид кейингиларини биринчилик кетиши учун қайгуланар эди. Бу кун-эрта Отабек келарда, Кумуш билан топишар. Хиёнатноманинг ўзиники бўлмағанлигини исбот этиб, Ҳомиднинг ўйлаган ишини яна кейинга силтар ёки бутунлайга Ҳомиднинг умидини узар — мана бу очиқ, кўриниб турган эҳтимол эмас, ҳақиқат олдида ул ҳайрон ва бунга қарши тадбир ўйлаш билан гаранг эди. Ул бу тўғрида узоқ ўйлаб турмади, бир нарсага қарор қўйған каби фикрдан кўзини очди ва пучук хотинга деди:

— Жаннат опа, бир чилим берингиз-чи, — Жаннат опа чилим солиш учун қўзғалғач, Содикқа деди. — Иним Содикбой, ишимиз жуда ҳом ҳали.

Содикнинг қизил укки кўзлари ўйнаб жавоб берди:

— Фам еманг, ака, ҳом бўлса ўбдан пишитармиз, ўлмасак.

Содикнинг бу жавоби Ҳомиднинг ишончини мойлағандек бўлди, тўпписини бошидан олиб наматка ташлағач, миннадорлик оҳанги билан:

— Сан билан Жаннат опам тирик бўлсаларингиз пишитармиз, албатта! — деди ва Жаннат опа қўлидаги чилимни олиб такир-тукир қилиб пишитди ва ши-ғ-ғ-ғ этдириб сархонани синдириб юборар даражада ичига торғач, оғзидан чиқған паға-паға тутунлар орасида чилимни Содикқа узатиб, Жаннат опага деди: — Ола, сиз тагин бир мартаба қутидорнинг уйига хат олиб боратурған бўлдингиз...

— Қих, жоним билан айланай. Содик олиб келган хатними?

Ҳомид кулди.

— Йўқ, опа, агар бу хатни олиб борсангиз, шунчалик қилған ишларимиз бирпул деган гап бўладир. Илгариги гал ёэдириб берганимдек ўз режамизга мувофиқлаб Отабек тилидан яна бирини ўмартириб бераман.

— Хи-хи-хи, айланай, қих... Ман бу ишларни қаёқдан билай, Ҳомиджон.

— Албатта билмайсиз. Лекин мундан сўнг яхши билмоғингиз кепрак, озғина янгилишиб кетсангиз ҳам ҳамма қиғанларимиз шамолға учадир, ундан сўнг... — тўсатдан бу ўринда Ҳомиднинг эсига ўзининг бир хатоси келиб тушди: биринчи гал Отабек тилидан ёзган сохта хатини унинг қўл ёзувини мулоҳаза қилмасдан юборган ва бу кунгача бу сирни қутидор, Кумушбилилар томонидан сезилиб қолишидан қўрқиб келмакда эди. Энди бу иккинчи сохта хатни ёздиришда гарчи ҳозир Отабекнинг қўлёзмаси ўз қўлида бўлса ҳам яна кўрқунчи йўқ эмас эди. Эндиги хатни ниҳоятда эҳтиёт билан нусхага қараб ёздиришни кўнглидан ўтказди-да, яна қайси тўғридадир узоқ ўйлаб олғач, Содикқа деди:

— Иним Содикбой, сизга ҳам яна катта бир хизмат бор, башарти.

— Кишининг хизматидан қочқан йигит эмасман!

Ҳомид Содик билан Жаннат опага қараб олди ва: — Шундоқми? — деб ишонмагансумол тақрор сўради, ундан ижобий жавоб олғач, ёнини кавлашдира бериб: — Жаннат опа, — деди, — Содик ҳориб қорни очиб келган кўринадир, ман ҳам эртадан бери томоқ еган эмасман, биз Содик билан сўзлашиб ўлтурсак-да, сиз мана шу пулга гузардан чиқиб бир чорак¹ эт келтириб, шўрба қилиб берсангиз. — Жаннат опа паранжисини ёпиниб этка кетди, сўнгра Ҳомид Содикдан тақрор сўради:

— Кишининг хизматидан қочқан йигит эмасман, денг-чи? — негадир Ҳомид Содикнинг тақрор-тақрор: «қочқон одам эмасман, сина-масдан хизматни айтаберинг», дейишига ишонмас эди. Ниҳоят:

— Башарти сизга буюрадирган хизматим бу кунгача қиған ишларингиздан тамоман бошқа ва оғир бўлса-чи, — деди. Содик Ҳомиднинг мақсадига тушунгандек бўлди ва ўйлаб турмай:

— Одам ўлдиришми? — деб сўради. Ҳомид Содикқа ишонмагани ҳолда бир дақиқа чамаси қараб турди, сўнгра теварагига алантлаб олғач, ҳазил тариқасида:

— Башарти одам ўлдириш бўлса-чи? — деб сўради.

— Бу кунгача иккитасини жойлаштиридим, учунчига ўтса нима қилали? — деди Содик ва мағрур кулиб кўйди. Бу сўздан сўнг Ҳомид устидаги юкни отқандек сўлиш олиб қўйған эди.

— Ман кишининг хизматини унугатурган йигит эмасман, — деди Ҳомид ва давом қилди, — ўғул бола учун ўгул болалигим, ёмон учун ёмонлигим бор, башарти шу хизматни бажариб беришни бўйнингта олсанг, онд билан айтаманки, давлатимнинг ярмиси саники бўлсин!

Содик ўлтурған жойдан қўлини Ҳомидга узатиб «қайтмайсизми?» деб сўради. Ҳомид қўлини олиб «сўз ҳам бир, худо ҳам бир» жавобини берди.

Шу куннинг эртасидан бошлаб, Содик қутидорнинг эшик олди теварагида Отабекни кутмакчи, ул келиб йўлакка кирди дегунча орқадан бориб унинг ишини саранжомламоқчи эди. Содикнинг фикрича бу ишни дарбозадан ташқарида бажариш мувофиқ бўлса ҳам, нима учун-

Бир чорак — уч ярим-тўрт қадоқ чамаси тошдири (муал.).



дир Ҳомид бунга кўнмай қутидорнинг узун қоронги йўлагини қулай билмиш эди. Содикнинг «қай вақтда келар экан?» саволига:

— Албатта, шаҳарнинг дарбозаси эрталаб очилиб, шом билан ёпиладир, гумонимча эрталаб Кўқондан чиқса, аср вақтларида Марғилонга кирадир, — деди ва сўз охирида орада сўзланиб ўтилган шартни яна таъкидлади.

— Яхши ўйла, Содик. Олам ҳодис қўлға тушиб қолсанг, сўроқ кезида айбни фақат ўз бўйнингта олиб, ораға мени қотиштирмайсан.

— Хотиржамъ бўлинг, Содик деганингиз бундай хумсаликни жаллоднинг кўлида ҳам қилмас, азбаройи худо.

— Ундан сўнг иккинчи шарт. бу сир фақат иккимизнинг орамиздарина қоладир, ўзинг ҳам сезган бўлсанг керакким, Жаннат опани этка овора қилишим уни ҳам бу сирдан ташқарида тутиш учун эди.

— Кўнглингизни мендан жуда тўқ тутаберинг, ака! Авғони ханжарингизни бераман деган здингиз-а?

— Шўрба пишгунча келтураман, — деди Ҳомид ва кетди.

7. Қувланиш

Учинчи кундан буёқقا қутидорнинг эшиги теварагидан Содик айрилмас эди... Ҳозир кечки соат еттилар бўлиб қолғани учун бу кун ҳам унинг келмаслигига қарор берган ва кетишини чорлар эди, лекин узоқдан келгучи бирар отлиқни кўрса балки шу бўлмасин, деб яна кутиб қолар эди. Аҳвол билиш учун бўлса керак, Ҳомид ҳам отига қийшиқ миниб ўтиб кетди. Савол назари билан қараган эди, Содик бошини чайқаб жавоб берди. Ниҳоят қутидор ҳам кундаги вақтда бозордан қайтиб уйига кирди Вақт шомра яқинлашиб қолганлиқдан битта-яrimта дўконлар ҳам ёпилиб, ўтқунчилар ҳам сийраксиб қолдилар. Шунча кутканнинг ўн дақиқаси деб бўлса керак, ул ҳамон шу ўртада айланиб юрар эди.

Пойафзал растасининг шарқقا қараб тортилған кўчаси бошидан бир тўда йигитлар мунга қараб келар эдилар. Бошда ул келгучиларни танимаған эди, йигитлар яқинлашиб келгач, ўзининг ўртоқлари эканини билиб ўнграйсизлана бошлади. Ўзини улардан яшириш учун кутидорнинг йўлагини жўблаған ҳам эди, йигитлардан биттаси: «Бу ерда Содик нима қилиб юрибdir», деб юборди, иккинчи йигит «Содикбой, Содикбой!» билан чақиришга тутиниб, шунинг ила Содик бурилған жойида тўхтаб қолишга мажбур бўлди.

— Нега бу ерда тегирмончининг ишсиз қолған эшагидек жунжайиб ўлтурибсан, Содик? — деди бир йигит. Бошқалар бунинг сўзига кулишдилар. Содик ҳам кулгига иштирок қилиб, йигитларнинг яқинига келди.

— Биравда ишм бор эди, шуни кутиб ўлтурибман.

— Содик, — деди ҳалиги йигит ва Содикдан «ҳа» жавобини олғач, — бурнингми Рисолат холамнинг рапидаси? — деди. Йигитлар тагин кўчани кўтариб кулишиб юбордилар.

— Жур, базмга!
— Қанақа базмга?

— Шамшодбекнинг базмига, ҳали Шамшодбекнинг тўйидан хабаринг йўқми? Жур, Содик жияним, башарангми, дўлда қолган таппими?

Содик иккиланиб жавоб берди:

— Ман кейинроқ бораман.

— Эҳ хумса, — деди йигит ва ариқдан сакраб Содикнинг ёнига ўтди. — Андижондаги Қаймоқхон ҳам келибти, базми жамшид десангчи, жур! — Йигит Содикни судрай бошлади. Бошқалар ҳам унинг орқасидан итара кетдилар. Содик ўртоқларининг жабри остида иложсизгина борса ҳам, лекин иккинчи томондан кутканини бу кун ҳам келмаслигига қарори ҳам йўқ эмас эди. Ўн-ўн беш отламдан сўнг ўртоқлариға итартириб ўлтурмасдан ўз ихтиёрича юрий бошлади. Кўчанинг жанубига қараб борар эдилар. Орадаги ғарбға қараб тортилган кўчани ҳам босиб тўғриға ўта бошлаган эдилар, узоқдан от елдириб тўғриға келгучи отлиқни кўрган Содик, кўчанинг ўртасида тўхтади. Ҳалиги муштумзўр йигит уни бир туртди-да: «Юр, юр, итбачча, жинни-минни бўлдингми?» деб судрай бошлади, бошқалар ҳам унга тўрт томондан чукурчиқдек ёпищдилар. Шундай қилиб бечора Содикни ўз ҳолиға қўймай кўчадан анчагина нарига сурғаб кетдилар. Улар бу кўчадан ўттуз-қирқ адимлаб узоқлашған ҳам эдилар, ҳалиги узоқда кўрилган отлиқ тўриқ йўргасини қарсиллатиб катта кўчага чиқди ва йигитлар келган томонға — шимолга буриди. Содик кетар экан, отлиққа бурилиб қаради. Ҳасаналидан хат олғани борғанида отхонада кўрган қора тўриқ отни таниғани он қўлтуриға кириб олған рўдашодан кутилишига тиришиб боқди, лекин уҳдасидан чиқолмағач, кўзини йиртқичларча чаҳчайтириб «ит эмган даъюс!» деди қўлтуғидаги жонлик кишанга...

* * *

У ёқ-бу ёқдан шом азони эшитила бошлаган эди. Маълум отлиқ кутидорнинг дарбозасида отини тўхтатди-да, ўнг оёғини узангудан узи. Шу вақтда шом намозидан қолмас учун шошилишиб қутидор ҳам йўлақдан чиқиб келди. Отини кўчанинг ўртасида қолдириб, қайнотаси билан кўришмак учун югирган куяви олдида намозини ҳам унуткан кутидор дағ-дағ титраб тўхтаған эди. Куришмак учун ўзига узатилған қўлни бўш ҳавода қолдириб, дарбозаси ёниға борди. Бундай муомала олдида Отабекнинг қандай ҳолда қолиши изоҳка унча муҳтож бўлмаса керак. Ул турған жойида қозикдек қоқилиб қолған эди. Қутидорнинг олдиға юришнида билмас, сўзлашқа ҳам тили келмас эди.

— Бу қандай ҳаракат, ота?

Кутидор титроқ ва ҳаяжонли бир товуш билан:

— Уятсизга манинг уйимдан ўрин йўқ, уятсиз билан сўзлашишка ҳам тоқатим йўқ... Борингиз, манинг зшигим ёнида тўхтамангиз! —



деди-да, ўзини ичкарига олди ва дарбозани ёпиб шилдир-шилдир занжирини боғлай бошлади...

Отабек эсини бошиға йиғиб, михланған еридан қўзғалғандан шом намози ўқулиб биткан, кишилар уйларига қайта бошлиғанлар эди. Ул мошинавори келиб отига минди ва «чух» деди, лекин от қўзғалмади. Икки-уч қамчидан сўнг толға боғланған тизгин шарт этиб узилиб кеткач, боя юриб кеткан отини ўткунчилардан биттасининг боғлаб турғанини эслади «Чух» деди. От кўчанинг шарқига қараб кетди.

Бу кетищда унинг хуши ўзида деб айтиш қийин, шунинг учун отнинг бошини қаёққа қараб солғани ҳам белгулук эмас, эҳтимолки унга ҳозир от юрса бас бўлғай. От кўчанинг айрилишиға етиб «энди қаёққа юрамиз» дегандек тўхтаған эди, эгаси яна «чух» деб жавоб берди. От шимолга қараб бурилди. Бу кўча билан узоқ юргач, олтинчи фаслда ўқуғучи билан танишдирилған Б... маҳалласига чиқиб, от яна қай томонга юришини сўраб тўхтади.

— Чух.

От кўчанинг шарқига юриб ўқуғучига маълум бурчакдаги иккита эшикдан ҳам яна шимолга бурилиб, тор кўча бўйлаб узоқ кетди. Вақт хуфтанга яқинлашиб қолғанликдан қоронғи ўбдан тушкан эди. От ўзининг бу галги тўхташида эгасининг чух-чухига ҳам сирт бериб туриб олди ва Отабек кўзини очиб йўл қарашға мажбур бўлди. Отнинг тор

күчанинг ниҳоятига етиб йўлсизлиқдан тўхталганини онглағач, ўткан ишлардан ўзига ҳисоб бера бошлади. Қайнотини эшигида отини йўлга солғанини бир оз эсласа ҳам бошқасини билмас эди. Ҳарҳолда Марғилоннинг четроғидаги боши берк бир кўчада ва катта бир дарбоза ёнида турғанлигини тушинди. Отнинг бошини буришни-да, бурмасни-да билмай бир оз ўйлаб тўхтади. Ул ўйлаб турғанда дарбоза ичкарисидан икки кишининг хайрлашиб ажралишқанлари сезилар эди. Ичкаридаги оёқ товши дарбозага яқинлаша бергач, ул чиқручиға ҳалақит бермас учун отининг бошини четка бурди. Отабек тўхтаган ўрин тўрт томондаги иморатлар билан ўбдан қоронғи, шунинг учун дарбозадан чиқручининг фақат бошидаги оқ салласидан ўзгаси кўзга илинмас эди. Чиқручи дарбоза ёнида турған отликдан чўчибми ва ё ўзичами сўради:

— Ким отда турған?

— Ман, — деди Отабек ва ўзининг мантиқсиз жавобидан ўнграй-сизланиб тузик жавоб беришкага оғзини жўблаган ҳам эди, чиқручи «сиз кимсиз?» деган савол билан уни тўхтатиб қўйди.

— Ман... бир мусоғир ғариб, — деб жавоб берди-да, негадир томишкага интилаган кўз ёшисини куч билан тўхтатиб қолди. — Марғилонга шом вақтида кирган эдим, кўзлаган жойимни тополмай адашдим...

— Қани бўлмаса, журинг бизникига, меҳмон, — айткучининг сўз оҳангидан ўртоқлик бўйи келиб Отабекнинг диморига урса ҳам:

— Раҳмат сизга, ака, — деди, лекин унинг бу сўзи ҳам ўринсиз кеткан эди.

— Ўзингиз адашдим, дедингиз-ку, тарин қаёққа бормоқчи бўласиз?

— Сизга оғир келмаса...

— Оғирлиғи йўқ, юрингиз, — деди ва одинга тушиб Отабекка йўл бошлади: — Ман ҳам сизга ўҳшаган бир ғариб.

Отабек киши орқасидан кетди, одинма-кейин сўзлашмасдангина кўчанинг оёғига қараб борар эдилар. Анчагина юргач, бошловчи «отингизга ҳам жой бор», деб қўйди. Отабек жавоб бермади. Шу кўйи сўзсизгина кўчанинг бурилишига етдилар-да, киши Отабекни тўхташга буюрди, ўзи шошилиб ўқуғучига маълум Жаннат опа эшигининг чап томонидаги иккинчи эшикни очиш учун қулфни тимискилади. Эшикни очиши билан:

— Отдан кўнингиз, меҳмон, — деди отни Отабек қўлидан олғач, — сиз хуржинингизни олиб йўлакдан тўғрига кириберингиз, — деди. Отабек хуржинни кўтариб эшикка кирди, усти ёпиқ қоп-қоронғи йўлакдан ўтиб каттагина бир ҳавлига чиқди ва хуржинни ҳавлиниң ўртасига элатиб қўйди. Киши отни бурчакдаги усти ёпиқ охирғами, суфагами боғлағач, келиб хуржинни олди.

— Қани айвонга, — деб йўл бошлади. Киши Отабекни ўтқузгач, тоқчадан сопол лаган билан қовуқни олиб чақмоқ суртди. Шамъ ёқилди. Бу киши қирқ ёшлар чамалик, қонсиз юзлик, сийраккина соқоллик, кўй кўз, кўб вақт мадраса риёзатини чекканнамо, қотма, узун бўйлик бир одам эди. Айвоннинг полос ва асбобларида унча бойлиқ, кўрилмаса

ҳам пухта, озода, чирк юқтурилмаған йўсунда йигиширилғанлиғидан эгасининг ринд¹ табиъатлик эканига шаҳодат бермакда эди. Айвоннинг сўл томонида кўрилган бир эшик ила уйми, ҳужрами, борлиғи билинар эди.

Уй эгаси Отабекни яхшилаб кўз осидан ўтқузғач, «уради»

— Қорнингиз албатта очдир, меҳмон? — Отабекдан жавоб кутиб турмай ўзи ҳукм ҳам бериб қўйди. — Йўл билан албатта очиқсансиз, савзи-пиёз ва гўштларим ҳаммаси тайёр, факат ўчоққа олов ёқсам, холос, ўзим ҳам ҳали хўрак қилғаним йўқ, кўб эмас озғина, бир чимдимгина қиласман. — Отабекнинг узрига қулоқ бермай ошга урнашкан олди. Отабек энди ўткан ишларни кўз ўнгидан ўткуза бошлиған эди. Бу кунги беш дақиқа орасида бўлиб ўткан воқиъани ҳеч бир йўсун билан миясига сиғдира олмас, чиндан бўлған иш деб ўйлашга ақди бовар қиласmas эди. Лекин қулоқлари остида ҳозиррина айтилган «Уятсизга манинг уйимдан ўрин йўқ... Борингиз, эшигим ёнида тўхтамангиз!» сўзининг садоси қандай бўлса ҳам унга бир ҳақиқатни очиқ сўзлар ва нафсида сезилган хўрланиш ва ҳаяжон буни тасдиқлар, бутина эмас юзига ёпилған дарбозанинг, шилдир-шилдир қилиб борланган занжирнинг садоси ҳам бу ҳақиқатни таъкидлар эди. Бундан сўнг Кумушнинг заҳарлик муаммо мактуби бир сидира кўз ўнгидан ўтиб кетди. Мактубдаги тушиниши қийин бўлған нукта² ва ишоратлар яна бир қайта заҳар сочиб ўткандек бўлдилар. Лекин буларнинг барчасини йигиб очиқ-ойдин бир натижа чиқариш кучидан ожиз, гўё иситма вактида бўлатурған тутуриқсиз, боғланишсиз алжи-билжи ҳолатни кечириб, ишни бир-бирисига боғлай билмас эди. Аммо ҳозирги дақиқада унга энг очиқ таъсир эткан нарса: «Борингиз, эшигим ёнида тўхтамангиз!» жумласи бўлиб, тўлқинланған иззати нафси ҳамиша «қора оҳу кўзларни» кўришка ўрганиши юрак кўзини хўрлик пардаси билан яширишга тиришар эди. Воқиаън турилиб эркалиқдагина ўскан, ҳаётнинг дагал муомаласидан бегона, факат унинг сучук сўзларинигина тинглаб келган Отабекка бу хўрлик турмишдан биринчи зарба эди. Шунинг учун Кумушка багишланған юрак тугунини ешилған ҳолда кўрар, гўё марварид тугилган ҳарир рўймол ўғирлиқдан сўнг оёқ осларида бўб-бўш ётқандек ва эгаси шу ўғирланған жавоҳиротининг аламини чекиб турғандек эди.

Уй эгаси ошга савзи босиб, Отабек ёнига келди, ул бошқа ҳиссиёт ва фикрларини вақтинчага унтиб, ўзини тетикликка олди. Уй эгаси Отабек ёнига ўлтурар экан, сўради:

— Сизники қаерда, меҳмон?

— Тошқанддан, мулла ака.

— Исмингиз?

Отабек манглайнини қашиб олғач, жавоб берди:

— Шокирбек...

— Марғилонга биринчи келишингизми?

¹ Ринг — нозик, синчков.

² Нукта — сир, сирли ибора.

— Биринчи келишим...

— Савдо важхи билан келгандирсиз? — уй эгаси Отабекнинг қиёфат ва уст-бошидан савдогарга ўхшатқан эди.

— Йўқ... Ман асли Кўқонға келган эдим, аммо Марғилонда отам танишларидан биттасида озроқ оласимиз бўлиб, шу кишига учрашиб кетайин, деб Марғилонға ўткан эдим, — Отабек ўзининг ёлғонлашидан ўнгайсизланиб бир оз тўхтаб олди: — Бу кишининг қаерда туриши манга очиқ маълум эмас эди ва Марғилонда бошқа танишим бўлмаганликдан ва вақтнинг кечлигидан адашиб қолдим...

Уй эгаси кулди:

— Насибдан қочиб бўлмайди, Шокирбек; бу кун кечаси менга меҳмон бўлишингиз бор экан. Учраштурған кишингизнинг оти нима?

— Комилбой...

Уй эгаси ўйлаб турди-да:

— Бизнинг бу яқинларда бундай киши йўқ, эҳтимол нарига даҳададир, — деди ва туриб ошиға қараб кетди. Отабек ўзининг қип-қизил ёлғонлашидан виждони олдида қизаринди. Аммо ул бир томондан бунга мажбур ҳам эди, чунки унинг қутидор билан қамалиш ва ўлуимга хукм этилиш тарихи бутун Марғилонға машҳур бўлиб, ҳақиқий исми-ни яширмай айтканда, эҳтимолки бошқа сирларни ҳам очмоққа гўрри келар эди. Уй эгаси қозон ёниға кеткач, ул ҳам ўрнидан туриб ҳавлига туцди. Айвоннинг нариги ёни билан шарққа қараб кирилатурган бир йўлак орқалиқ бир боқчагами, майдонгами чиқилишини билиб шу ёқса юрди ва кичикрак бир мевазорга чиқди. Кечанинг қоронгилиги устига меваларнинг қуюқ япроқлари кўшилишиб, бу майдон айниқса Отабекнинг ҳозирги кўнглига яқинлашиб келар эди. Унинг кўнгил меваси бу кунги қора воқиъа билан қандай ўралиб, йўқолиб кетган бўлса, бундаги дараҳтлар ҳам ўз меваларини кеча ранги билан бўяб, яшил япроқлари ила кўмган эдилар, яъни бунда ўскан дараҳтлар қандай мева берадир — ажратиш қийин эди. Ул шу қоронгизор билан қўшилишиб кеткандек ва қоронгилиқнинг қучорига кира борғандек мевазорнинг ичкарисига юрой борди. Ва ниҳоят бутоклари бағриға солиниб тушкан бир дараҳтнинг остиға ўлтуриб ва бу ўлтуришда узок фурсат қотиб қолғандек ҳаракатсиз эди. Ўн беш дақиқалардан сўнг ичига ел қамалған пуввакдек уффф этиб юборгач, ўрнидан турди. Боқчанинг кунботари билан харобазор иморатларни ёнлаб юрди.

Отабек айвонға қайтиб келганда, уй эгаси ошни дамлаб бўлиб айвонда кутиб ўлтирмақда эди.

— Отингизга озроқ, жоҳори бериб қўйлим.

— Раҳмат, мулла ака, — деди Отабек, уй эгаси нимадир сўзламакчи бўлса ҳам ўнгайсизланған сумон Отабекка тикилиб-тикилиб қўймоқда эди.

— Касбим тўқуғучилиқ, Шокирбек, — деди уй эгаси. Отабек сўзни тугалмаганлигини билиб, унинг оғзиға қараб турар эди:

— Доим заҳда ўлтуриб ишлаганимданми ёки ўзимнинг табиъатимда заифлик борми, ишқилиб нима бўлса ҳам кўп вақтдан бери бедар-

мон тортиб юрибман,— деди ва давом этди, — гоҳо кўкрак ҳам оғриб кўядир. Яқинларда табибларга кўрсаткан эдим, қонингиз оз, қимиз ичинг, хўрак олдидан мавиз¹ истеъмол қилинг, деб кенгаш бердилар. Уларнинг кенгаши бўюнча уч-тўрт кун қимиз ва мавиз истеъмол қилиб боқкан эдим, воқиъан бирмунча фойдаси ҳам маълум бўлди. Сизга буни сўзлаб шуни айтмакчиманки, ош олдидан бир-икки пиёла мавиз ичиб юборсан, албатта бунга сизнинг қаршилиғингиз бўлмас-а? — деди ва кулади.

— Қандай қаршилиғим бўлсин, сиз маъзурсиз.

Уй эгаси илжайган ҳолда ҳужрага кириб, ўзининг таъбирича май змас, бир кўвача мавизни олиб чиқди, тоқчадан пиёла олгач, келиб Отабекнинг ёнига ўлтурди. Мавизни пиёлага чулдиратиб қуяр экан, меҳмонга ер остидан мўралаб кулимсираб қўйди.

— Сизнинг ҳам ичканингиз борми?

— Йўқ.

Тўғриси ҳам Отабек ичкулуқдан қаттиғ ҳазар қиласар ва бу кунгача майни ўзига душман каби кўриб келар эди. Уй эгаси қўйған пиёласини симириб юборғач, сездирмаслик қилиб сесканиб қўйди ва:

— Аниқ ичмаганмисиз? — деб яна сўраған эди, Отабек бошни чайқаш билан кифояланди.

— Қаттиғ узр бўлмағанда ичмаган ҳам маъқул, — деди ва иккинчи пиёлани тўлдирап экан, давом қилди,— лекин бу нарса бир томондан кишининг саломатлигига фойда берса, иккинчи жиҳатдан тирикликнинг қайғу ва аламларини-да унутдириб турад экан. Бошимга ўлгунча унуга олмаслик қайғу-ҳасратлар тушди, Шокирбек. Айниқса кейинги йилларда ўзимга ҳеч бир қаердан овинчоқ тополмай, ниҳоят шу аччир сув билан овинатурган ҳолга келиб қолдим, — деди ва узоқ тин олиб тўлризған пиёласини олдига қўйди. Иккиси ҳам бир неча вақт сукутда қолдилар. Ул иккинчи пиёлани ичкач, Отабекни дикқат билан кузатиб чиқди.

— Агар янглишмасам, сиз ҳам бир оз қаигулироқ кўринасиз, меҳмон, бир пиёлани ичиб юбормайсизми?

— Раҳмат, мулла ака, — деди Отабек, аммо ўзида таърифи сўзланиб ўтилган нарсага бир эҳтиёж сеза бошлаган ва ўзини ҳам маъзурлар қаторига қўяёзған эди Унинг бу ҳолини уи эгаси сездими ёки синааб кўрмакчи бўлдими, ҳайтовур, учунчи пиёлани тўлдириб Отабек-ка узатди:

— Қўлимни қайтарманг, меҳмон. Иккимиз ҳам маъзур кўринамиз.

Отабек узрини айтиб, пиёлани олмай турған эди, ул ҳам пиёлани узатқанча кулиб тураберди.

— Ман мавизни тамом шаръий қилиб тайёрлайман, тунов кун маҳалламизнинг охунлари ҳам ҳалоллигига фатво бериб кетдилар.

Отабек пиёлани олишга мажбур бўлди. Уй эгасининг айтканидек мавиз жуда ҳам тиниқ, яхши чиқған кўкчой каби мусаффо эди. Пиёлага узоқ қараб турмай ичиб ҳам юборди. Оч қоринга тушкан ўткір

¹ Мавиз — майиз (утуҷдан ясалган май).

май вижж этдириб меъдани қайнатди да, томоқ остини ловуллатмоқча олди. Отабекка биринчи пиёлани ичирғандан сўнг, уй эгаси ошни сузишка кетди.

8. Бахт ва баҳтсизлик

Ошни сузиб келтиргач, меҳмонни ошқа таклиф қилишдан бурун яна тоқчадаги кўвачани олиб бир пиёлани тўлдириб ва Отабекка узатди.

— Ичинг буни ҳам, сўнгра ошни еймиз, — деди. Бу гал унча қистатишқа тўғри келмади, биринчи пиёла билан унинг кўз ўнглари жимирилашмакка ва ўзида бир енгиллик ҳис этмакка бошлаган ва бу иккинчи пиёла гўё «мени иссанг тағин ҳам енгил тортасаң», дер эди. Отабекнинг иккинчи пиёласидан сўнг ошга ўлтурдилар. Битта «дон» ҳазмини ҳам тасаввур қилмаган унинг меъдаси кетма-кет тушиб турған луқмаларни эътироэсиз қабул қилмоқда эди. Бундай иштиҳони, эҳтимолки, ул ўз умрида биринчи мартаба кўргандир. Томоқ орасида уй эгасининг берган саволларига яхши жавоб берганидек, ўзи ҳам баъзи сўзларни тўқиб юбормоқда, бояғи оз сўзликлар ўрнини эзмалик бўлмаса ҳам мўътадил бир ҳол олған эди.

Ошдан сўнг лаган ва дастурхонни йигишириб олғучи уй эгасига сархуш ва қизарған кўзлари билан узоқ қараб кўйди. Бу қарап унга миннатдорлиқ ва ташаккур қарashi эди. Уй эгаси Отабекнинг ёнига иккита ёстиқ олиб кўйди ва биттани ўз ёнбошига ҳам олди.

— Ёнбошлангиз, бек, — деди, бошлаб ўзи ёнбошлади Отабек ҳам унга эргашди. Иккисининг орасидағи шамъ ел билан ўйнашибгина нур сепар, иккиси ҳам сўз кўйишқандек шамъга кўз тикиб қандай ўйғадир берилгандек кўринар эдилар. Бир неча вақтдан сўнг уй эгаси кўзини шамъдан олди ва ер остидан Отабекни кузаткач, сўради:

— Уйланганмисиз, бек?

Отабекнинг кайфи кучлики эди ёки сўзни онгламай қолдими, хайтовур шу онда жавоб беролмади.

— Уйланганман.

Сўрагучи бир оз тўхтаб олрач, яна сўради:

— Хотинингизга муҳаббатингиз борми?

Отабек бу савол қаршисида гарангсиб қолғандек бўлди, воқиғъан ораға оғир савол тушкан эди, билинтирмаслик қилиб уфлаб олди.

— Муҳаббатим йўқ.

— Яхши экан, — деди уй эгаси. Отабек унинг бу сўзига тушина олмай, «нега?» дегандек қараб турар эди.

— Сўзимга ажабландингиз шекиллик?

— Йўқ, — деди Отабек, лекин унинг таажужуби уй эгасига очик кўриниб турар эди.

— Балки муҳаббат баҳтлик кишилар учун яхшидир, лекин ўз таж-рибамча, баҳтсиз киши учун бадбаҳтлиқдир. Масалан, сиз агар чиндан ҳам хотинингизга муҳаббатсиз бўлсангиз, ўзингиз ҳам иқрор қила

оласиз: уйга кирсангиз хотинингиз бордек, кўчага чиқсангиз йўқдек, бас, сизга хотиннинг оғирлик ва енгиллиги бирдак. Шундоқ эмасми?

— Шундоқ, — деди Отабек, аммо муҳаббат тўғрисида сўзланган бу сўзлар унинг кайфлик кўзини оча ёздилар.

Уй эгаси давом қилди:

— Мен бу сўзларни ўз ҳолимдан чоғлаб айтаман, эҳтимолки мен янглишарман, — деди ва узоқ тин олгач, сўради: — Сиз уйланганда ўзингиз ёқтириб уйландингизми ёки орадагиларнинг ёқтиришлари биланми?

Отабек сўрағучининг қандай муддаоси борлиғига тушинмай қолди.

— Онамнинг ёқтириши билан.

— Баракалла, — деди уй эгаси ва, — манимча, ҳамма бало ўзинг кўриб, суйиб уйланишда, — деди ва эшиткучиси кутмаган жойда сукутка кетди. Отабек бир кўйнакни ўзидан бурун йирткан киши тўғрисида гўё ўз саргузаштининг эски тарихини мулоҳаза қила бошлиған, қархисида ўлтурғучини-да, қайин ота эшигидан қувланған киши деб билган эди. Қайин отанг сени ҳам қувладими, деб айтмаса ҳам шунга яқин бўлған «суйиган хотинингиз сизни ташлаб кетдими?» деган саволни берди. Уй эгаси бошини чайқади:

— Ташлаб кетишкага — кетди, лекин ўз ихтиёрича эмас, — деди. Отабек бу сўздан сўнг бунинг ҳам қайин отаси ёки қайин онаси томонидан зулм кўрганига ишонсан эди.

— Ёмон одамнинг юзи қурсин, — деб қўйди, бу сўз уй эгасига тушунарлик бўлмади шекиллик, Отабекка савол назари билан қараб олди.

— Эзмалик бўлса ҳам бошимдан ўтканларни сўзлаб берайми, меҳмон? — деди.

Ўз саргузашти билан фарқсизга ўхшаб кўринган бу ҳикояни эшитишкага унинг иштиёқи ортқан эди:

— Сиз сўзламасангиз-да, мен сўзлатмоқчи бўлиб тураг эдим.

— Маним саргузаштимда сиз куткан қизиқлиқ йўқ. Лекин шундай бўлса ҳам сўзлаб берайин, — деди ва ёстиқни кўкрагига қўйиб олгач, ҳикоясини бошлади:

— Мен ўзим асли қўқонлиқман. Ота-онамдан ёшлиқда ятим бўлиб, тогамнинг қўлида ўсдим. Ёшим 17—18 ларга борғандан сўнг ўз куним ўзимга қолиб, бир ўрторимнинг кенгаши билан бундан йигирма йиллар бурун Марғилонга келиб, бу кунги устакоримнинг отасига тўқувчилик хунарига шогирд тушдим. Тўрт йил чамаси қилған хизматимдан сўнг ҳалиги устакорга ҳалфа бўлиб ишлай бошладим. Бошқа йигитлардек ортиқча ўринсиз сарфларим бўлмағани учун оз замон ичидаги уч-тўрт тилла пуллик ҳам бўлдим. Ишимга ихлос билан қарағаним учун манинг тўқувган ишларим ўзгаларниқида қадрлик юрар ва ҳалқ орасида ҳам отим «уста Алим кичкина» бўлиб шухратланган эди. Маълумки, боғандалар¹ олдига кўпинча хотин-қизлар келиб, янги нусха қидириб юрийдирлар. Манинг тўқувган ишларим ва чиқарған нусхаларим ҳам

¹ Боғандага — тўқувчи.

мага мақбул, айниқса хотин-қизлар учун машхур бўлиб, ҳар доим тўкув дўконим ёнидаи хотин-қизлар айрилмас эдилар.

Кунлардан бир кун ҳали кишидан қочар даражага етмаган ўн уч- ўн тўрт ёшлар чамалиқ дўндиққина бир қиз келиб, мен чиқарған янги нусха шоҳидан сўради. Қизнинг сўраган нусхаси тўқилиб ва сотилиб кеткан эди Шунинг учун «йўқ» деб жавоб бердим. Қиз кўзини жов- диратиб туриб, «манинг учун тўқиб беролмайсизми?» деб сўради. Мен қизнинг юзига қараб, «мумкин эмас опа, бир кийимлик шоҳи деб нусха бўяш оғир», дедим. Кейин сўзни айлантириб мендан ваъда олишга тиришар эди. Мен сўз орасида яна унга қараб олдим. Ёнимдаги халфа- лардан биттаси қизга ўла¹, «тўқиб беринг, уста, опани хафа қилманг!» деб қўйди. Учунчи қараща ӯзимда қизга қарши бир яқинлиқ ҳис эткан, унга узоққина қараб қолишга мажбур бўлған эдим. Гарчи қиз айткан нусхани тайёрлаш оғир бўлса ҳам қандайдир бир куч таъсири- да ҳалиги қизга ваъда берив юборибман. Ул чиқиб кеткач, қандай ваъда берганимни ўйлаб кўриб, ваъда куни келса тўқуй олмадим дер- ман, деган сўзни кўнглимдан ўтқуздим, лекин қизнинг гуноҳсиз ўйнаб турған қора кўзлари, қизил олмадек тарам-тарам юzlари ҳамон кўз ўнгимда кўриниб турар эдилар ва «манинг учун тўқиб беролмайсиз- ми?» сўзи қулоқ остимда такрор айтилгандек бўлар эдилар.

Бир неча кун шу йўсун иккиланиб юргач, ниҳоят ўзимга тушинил- маган бир савқ² остида ваъдамни ифога ҳам бошлабман, бир кийим шоҳи, деб ўттуз кийим бўлатурған ипакни бўяш, танда, арқоқ, гўла машаққатлари кўзимга ҳеч кўринибдир. Ваъдамдан икки кун илгариёқ шоҳини тўқиб, унинг келар йўлини пойлар эдим, ул келмас эди. Ниҳоят ваъда куни ҳам келиб ўтди, келмади. Сизга шуни ҳам айтиб қўяйки, бир кўрган кишингизнинг тусини албатта узоқ фурсат хотирингизда тутолмайсиз, лекин бу қиз тўғрисида ман тамом бошқача ҳолатда бўлдим: шундокки, унинг қошини, кўзини, тусини, кўтурчоқдек қадди- ни кўз ўнгимда тута-тута тамом бир йиллик билишлардек бўлиб қолиб- ман. Унинг товуш оҳанглари қулогим хотирасида у даражага яхши сақ- ланмаған бўлса-да, аммо «манинг учун тўқиб беролмайсизми?» сўзини ҳозирғина эшиткандек бўлар эдим.

Ваъда кунидан уч-тўрт кун ўтиб кеткан бўлса ҳам ҳануз ул келмас эди. Мен унинг кўчасини сўраб қолмарамнимдан хафа бўлар эдим. Чун- ки шоҳини ўзим элтиб беришка ҳам энди ҳозирланиб қолған эдим. Бу кутиш кунларимда на учундир ёнимдаги халфа шогирдлар билан бўла- турған муомалаларим ҳам ўзгара бошлаған, яъни сўзларим дағал ва тундликка айланган, гўё бунинг ила Алининг кекини Валидан олар эдим.

Ниҳоят ваъданинг бешинчи куни қиз келди. Қизни кўриш билан мен борлиқ-йўқлиқ ҳолатда қолған, бир неча замон манинг учун сўз топиш ҳам қийинлашқан эди. Қиз шоҳини сўрамай менга термулиб турар эди. Унинг миннатдорчилигини фақат шоҳи билан олмокчи бўла-

¹ Ўла — томон.

² Савқ — йўналиш.

ним учун бу ҳол менга оғир келди. «Нега ваъдага келмадингиз?» дедим. Қиз ўнгтайсизланиб, гуноҳкорларча кўзини ерга тиккани ҳолда сўради:

— Шоҳини сотиб юбордингизми?

Ёнимга қўйиб ўлтурган шоҳини қизга узатдим. Ул шоҳининг орқа-ўнгини ағдариб кўрди ва: «Яхши тўқибсиз», деб менга умидсизча қараб қўйди. Шоҳини менга бериб қўлидаги майда чақаларни олдимга тўқди.

— Шоҳингиз қанча пуллик?

Мен жавоб ўрнига чақаларни санаб чиқдим, битта олтмиш пуллик тангасидан бошқаси бир пуллик, беш пуллик занг босқан чақалар бўлиб, кўб вақтлардан бери йигилиб келганлиги маълум эди. Берган пули шоҳининг ярим баҳосини қоплар-қопламас бўлғанлигини айтдим.

— Тағин қанча керак? — деб сўради.

— Уч танга, — дедим. Қизнинг ўйчан юзини яна қайфу босди. Мен унинг юзидан кагта ҳусндор қизларда кўриладирга! бир улуғлиқ, то-моша қилар эдим ва унинг ўз ваъдасига кела олмағанлиги сиррини онглар эдим. Бу ёш фариштани бу ҳолда қолдиришга кўнглим бўлмади ва дедим:

— Қолғанини қачон олиб келасиз? — Бунга ҳам тез жавоб бермади ва жавобсизлик билан яна ўз ҳолини менга арз қилғандек бўлди.

— Пул топқанда келтирасизми? — дедим-да, унинг жавобини кутмай қўлига шоҳини тутқуздим. Қиз менга ишонмай бошлиған эди:

— Менга ишонасизми?

Мен ишонч билдириб ўлтурмадим:

— Уйингиз қаерда?

— Ч... маҳалласида.

— Кимнинг қизисиз?

— Шариф милиқчининг қизиман.

— Отангиз қариб қолғанми?

— Ўлган. Онам бор.

— Акангиз йўқми?

— Йўқ. Битта кичкина ўғул укам бор.

— Исмингиз нима?

— Саодат.

Шундан сўнг Саодатни шоҳи билан жўнатиб юбордим. Саодат манинг бу ишимга ишонмайғина чиқиб кетди. Халфа шогирлар: «Тузиксиз-ку уста», деб менга пичинг отишдилар. Аммо мен Саодат учун ҳар бир оғирлиқни кўттаргундек кўринар эдим...

Уй эгаси бўлған уста Алим ҳикоясини тўхтатиб, Отабекдан сўради:

— Ҳикоям узайиб кетди шекиллик, зериқдингизми?

Отабек уни ортиқча бир эътибор билан эшитар эди, сархушчасига:

— Сўзлай берингиз, — деди.

Уста Алим давом этди:

— Менга уч танганинг аҳамияти йўқ эди. Аммо Саодат билан боғланиб туришим учун бу уч танга минг танганинг ишини қилар эди. Орадан ўн кунни ўтқузиб, уч танга баҳонаси билан Саодатнинг уйига

бордим. Саодат холасининг уйига кеткан экан, онасира ўзимни танитиб, девор орқалиқ анчагина сўзлашдик: эри ўлиб эркаксиз қолғандан, ип йигириб овқат ўткарганидан ва қизининг кенгашмасдан шоҳи буорғанидан ҳасрат қилиб кетди; сўзининг охирида яна бир ҳафта кутиб туришимни илтимос қилди. Бир ҳафтадан сўнг алоқани узиб қўйиш манинг тинкамни қуритатурган бўлғани учун ишни бошқа режада юргизмакчи бўлиб айтдим:

— Ўзингиз ип йигириб, кун кўриб турган бўлсангиз, сизга уч танга эмас, уч пул бериш ҳам оғир экан, агарда сизга маъқул бўлса кўнглимга бир гап келадир, шундоқки, сиз эркаксиз бўлганингиздак, мен отаонасиз ёлиз йигитман... Кўпинча кир ювдириш ва йиртиқ-ямоқ важхларидан қийналаман. Ўша сиздаги пул эвазига бир неча вақт кирпиirimга қараб, йиртиқ-ямоғимни ямаб берсангиз, қандоқ бўлар экан... Кампир бу сўзимни мамнуният билан қабул қилди ва эртаси кунга кирларимни олиб келиш учун Саодатни юбормоқчи бўлди. Шундоқ қилиб бу кун боғланишини яхши асоска куриб қайтдим. Эртасига Саодат келиб кирларимни олиб кетди. Уч кундан сўнг ювилган кирларни келтириб, тўкув дўконимнинг ёнида анчагина қараб ўлтурди. Мен унинг келиши учун ҳар ҳафта панжшалба күшини белгуладим. Кундан-кун Саодатка қаттироқ боғдана борғанимни онглар эдим, панжшанбани ҳайит сингари қаршилар эдим. Орадан уч-тўрт ҳафта ўткандан сўнг қўлиға «ойингта элтиб бер» деб йигирма-ўтгуз чақа пул ҳам бердим. Саодат билан алоқа қилғанимнинг тўртинчи ойида рамазон ҳайити келди. Фитир рўза баҳонаси билан Саодат учун саккиз тепки хон атлас, онаси билан укасига бўз кўйнак қилиб, Саодатларнинг уйига ўзим чақириб бордим. Саодат мени йўлакдан қаршилади ва гуноҳсизча қўлимдан тутиб ичкарига бошлади. Мен: — Саодат, эсингни едингми, онанг мендан қочмайдими? — дедим. Саодат тортишида давом этиб:

— Қочмайди, ўзи менга устаканг келса қочмайман, деган.

Мен Саодатнинг йўлбошчилиги билан ичкарига кирдим. Айвоннинг одида Саодатнинг онаси ип йигириб ўлтурар экан, қизининг қўлида бегона йигитни кўргач, ҳайрон бўлиб қолған эди. Саодат мени ҳавлиниг ўртасида қўйиб онасининг оддига югурди ва:

— Устакам-ку! — деди. Онаси нари-берида даканасини тузатиб ўрнидан турди. Салом-алиқдан сўнг сўрашдик. Саодат тегимга кўрпача ёзди, мен қўйнимдагини олиб ўртага қўйдим. Фотиҳадан сўнг бир оз ётсирашиб, уялишиб очилишолмай қолдик. Сўнгра кампир Саодатнинг маним тўғримда айтатурган сўзларидан муқаддима қилиб деди:

— Саодат сизни худда ўз акасидек яхши кўрадир, тунов кун ироқи собун олғил, деб ўттуз пул берган экансиз. Собунни олиб келгач, ётиб уйқуси келмади,вой устакамдан айланай,вой устакамнинг умрини худо баҳтимга узун қилсин, деб бутун тонгни-тонг отдириб дуо қилиб чиқди.

Бу сўёни кампир сўзлар экан, мен ўнграйсизланиб кетиб ер остидан Саодатка қараб қўйдим. Саодат қизариб-бўзариб четка бурилиб

олған зди. Кампир давом этди: — Мунчалик бизнинг ҳолимизга қайишғанингиз учун беш вақт намознинг олдида мен ҳам ҳаққингизга дуо килишни унугмайман ва ҳафта сайин қилиб турган марҳаматингизни күриб ўйлайман: худо бандасига меҳрибон, ҳолимизнинг раҳмини еб саховатлик бу йигитни бизга учратди деб, кўнглингиздаги ҳар на тилагингиз ўзи есин. Кампир бир уфлаб олғач, деди: — Манглайим шўрлик экан, болам, Саодатнинг Қаюмжон отлиқ бир акаси бор зди, ёши еттига чиқиб, отаси раҳматлик эндиғина тўй қиласман деб турғандა, қизамиқ деган бир фалакат касал билан оғриб дунёдан ўтди, бунинг устига Саодатнинг отаси ҳам марҳум бўлиб бизларни ора йўлда қолдириб кетди. Лоақал шу бола бўлғанда ҳам зди, биз бу йусун оғир кунларга қолмасми здик, деб ўйлайман, — кўз ёшисини артиб сўзини битирди. — Баңдасининг қўлидан келатургани оҳ-воҳдан нарига ўта олмас экан, болам!..

Мен кўнгил кўтарган бўлдим:

— Олдингизда ёш бўлсалар ҳам қизингиз ва ўғлингиз бор экан, бу кун бўлмаса зартага ахир сиз ҳам ёруғлиқ кунга чиқиб қоларсиз, она, — дедим ва келтурган нарсамни кампирнинг олдиға суриси: — Шу арзимаған нарсани Саодат билан укасига ҳайитликка олиб келган здим, бу айбим учун албатта мендан койимассиз, дедим.

— Одамгарчилигингидан ўргулай, — деди кампир ва оғзига келган сўзлар билан дуо миннатдорчилик қила бошлади. Бояги сўздан кейин уялганича биздан узоқроқда ўлтурган Саодат секингина бизнинг ёнға келди ва қорозға ўралған кийимликни очиб атласни олди. «Бу менгами?» деб мендан сўради ва жавобимни кутиб ҳам турмай йўллик бўзни олди. «Бу Сайфига», деди. Унинг орасидаги одими бўзни кўруб: «Бу ойимга», деди. Саодат бу нарсаларни жуда оддий қилиб кўрди ва соддача ҳалиги сўзларни айтиб қўйди. Гўё бу нарсаларни илгаридан куткан зди. Атласни яхшилаб кўриб чиқғач, ёқтирандек бўлди, бир менга ва бир атласка қараб туриб нимадир айтмакчи бўлса ҳам айтальмади. Мен нима демакчи бўлранлигини сезган здим. Бу орада биз кампир билан ҳасратлашиб турған здик, ул келиб сўзни бўлди:

— Устака, — деди, мен қарадим. — Рўзамисиз?

— Рўзаман.

— Рўза бўлмасангиз чой қайнатар здим, — деди. Онаси кулди.

— Чойни ҳайитда келганимда қайнатиб берарсан, — дедим.

— Ҳайитда келсангиз ош ҳам қилиб берар здим, — деди ва онасиға қаради.

— Акангта ҳар нарса қилсанг ҳам арзийдир, қизим, — деди кампир ва на учундир кўзига ёш олди, мен ҳам аранг кўз ёшимни тўхтатиб қолдим.

— Бўлмаса бу кун ифтор қилақолинг. — Саодатнинг бу сўзига онаси ҳам қўшилиди. Мен узр айтдим. Лекин ҳақиқатда эса, Саодат билан бирга ўлтуриб ифтор қилишни кўнгил истай бошлаган зди. Узоқ сўзлашиб ўлтурдим, бу уйдан чиқиб кетким келмас, бир соат орасида

тамоман очилиб-сочилиб кеткан Саодатнинг болаларча қилигини кўриб тўймас эдим. Саодат гоҳ мен билан, гоҳ атлас билан машғул, бояғи уялиб туришини бир ёққа йигишдириб қўйран, онаси билан мени кулдириб, анчагина кўтарилиб қолған латиф кўкраги устига «сенгинадан айланий!» деб атласни босиб қучоқлар эди. Мен бўлса гўё атлас эмас, қучоқлангучи ўзим бўлгандек кайфланар эдим.

Мен кампир билан хайрлашиб чиқа бошлаган эдим, Саодат «Панжшанба кун борайми», деб сўради. Мен кампирнинг одигига қайтиб бордим-да, айтдим:— Саодатнинг бўйи чўзилиб қолған кўрина-дир, мундан сўнг мактабдан бўшаган вақтида Сайфини юборсангиз қалай бўлар экан ва қўлим бўшаган кезларда ўзим ҳам келиб турарман, — дедим. Гўё кампир ҳам мендан шу сўзни кутиб турған экан, ҳамиятимга ва ақлимга таҳсин ўқуди ва қизига қаради. «Ана, эшигдинги устакангнинг сўзини, энди вақт-бевақт кўчага ҳам чиқаберма!» деди. Мен чиқатуриб Саодатка қараған эдим, мендан ўпкалагансумон кўринди. Аммо манинг бу сўзим бекорга эмас, балки ҳалфа шогирдлардан батъиларининг унга ёмон кўз билан қарағанларини пайқаганим учун эди.

Шу йўсунда Саодатнинг онаси ҳам мендан қочмай қўйиб, алоқамиз тағин ҳам қаттиглашди. Кутмаган бу муваффақиятим бир неча кунгача кўзимдаги уиқуни ҳам қочириб қўйди. Уч-тўрт кун гўё бу кун-эрта Саодатка уйланатурған каби ҳовлиқиб ҳам юрдим.

Унча-мунча нарсани аямаганим учун бўлса керак, тез замонда гўё Саодатлар оиласининг бошлиғи ҳолини олиб қолдим. Жумъа кунлари масалларни кўтариб Саодатларникига борар, Саодатнинг қўлидан ош қилдириб еб қайтар эдим. Саодат кундан-кунга ўсиб борар, шу нусбатда ҳуснига ҳусн қўшилар ва мен баттар унинг мафтуни кесилар эдим. Шу ҳолда орадан икки йил чамаси фурсат ўтиб кетиб, Саодат ҳам ўн олти ёшларға етиб қолди. Энди манинг ошиқона термулишларим маъносини онглий бошлаган, негадир «ака» деб қилатурған хитобларни-да тарқ эткан эди. Икки йилдан бери кампирнинг одигига совчи киргузишни ўйлаб келган бўлсам-да, аммо нима учундир Саодатдек қизра уйланиш баҳтига эришмакни ўзимга тасаввур қилолмас эдим. Бу тўғрида бўлган ҳамма умидим Саодатнинг онасидан эди, балки ўзи сўз очар ва ёким орага киши қўяр, деб кутар эди. Орага бошлаб ўзим совчи қўйишдан ўнгтайсизланар, тўғриси ўзимга тушунилмаган бир хавф остида бу жасоратдан маҳрум эдим.

Бир кун одатимча Саодатлар уйига борган эдим. Ош-сувдан кейин кампир Саодатни ўзоқбоши юмишига юбориб, менга қараб қулади:

— Саодатка бир яхши жойдан куяв чиқиб қолди. Кеча унашсак унашкундеқ ҳам бўлған эдик, бироқ сизнинг маслаҳатингизни олайнин, деб совчиларни қайтардим, — демасинми, устимдан бир чеълак совуқ сув қуйғандек энтиқдим, қандай жавоб беришка тилим келмай қолди. Узоқ вақт кесак каби ҳаракатсиз қолғач, куч орқасида тилимни базур шу сўзга ҳаракатлантиридим:

— Жойи яхши бўлса, ўйлаб кўриш керак..

Куявнинг кимнинг ўрли бўлғанлигини ва қаңдай касб қилишини шарҳ қила бошлаган эди, сабрим тамом битди:

— Ундоғ бўлса кеча совчиларни бекор қайтарибсиз,— дедим. Кампир маним бу киноямга тушунмаган эди:

— Куявнинг теги-тахти менга мъқул бўлишка бўлди-я, фақат энди иш сизнинг кенгашингизга қараб қолди, сиз Саодатка ота бўлмасангиз ҳам лекин оталиқдан юқори ишларни қилиб келасиз. Эндиликда Саодатни узатишда ҳам оталингизни аямангиз, — деди. Бу сўз билан яна ўлганнинг устига чиқиб тепилгандек бўлдим. Чайён каби мени заҳарламақда бўлған кампирнинг тўғри сўзини эшишиб туришкан ортиқ тўзалмадим-да, эртагача ўйлаб жавоб беришни айтиб кампирнинг олдидан чиқдим.

Чиқғач, оёғи куйган товуқдек тўрт томонга югурга бошладим. Эпақалик бир гап эсимга келмас эди. Ниҳоят, акдимни бошимга йиғиб, сирримдан воқиф бир ошнамга кенгаш солдим. Ул узоқ ўйлаб турмай, эртаси кунга томонимдан совчи бўлиб кампирнинг олдиға бормоқчи бўлди. Лекин бутун туни билан кўзимга уйқу келмай, тиканга ағнаған каби азобланар эдим ва сустлигим учун ўз-ўзимни сўкар эдим...

Уста Алим ҳикоясини бу ерга еткузгач, шамънинг сўхтасини миқрозилади ва оғзини пойлаб турғучи Отабекдан «зериқмадингизми?» деб сўраб олиб, давом этди.

— Совчини юбориб тинчий олмадим, ишқа қўлим бормас ва бир жойда тўхтаб туролмас, у ердан туриб бу ерга ўлтурас, минг турлик хаёл билан довдир сифатига кирган эдим. Юборган кишим тезда қайта бермагач, бир-икки бора Саодатлар эшиги ёнига бориб келдим. Ниҳоят, миям шишиб Саодатнинг уйи яқинида бўлған бир ёнғоқнинг соясида ўлтурған эдим, совчим чиқиб қолди-ку: юрагим орқамга тортиб кетди. Ва олдинга тушиб юрий бердим, чунки совчига учрашиб ҳақиқатни онглаш ҳам менга душвор¹ мушкул келган эди.

— Шошма-шошма, ҳо, куяв! — деди совчим. Ҳазилманд бўлғани учун ишнинг чаппа кетканига ишонған, унинг бу «куяв» деган сузини кинояга йўйған эдим, кетабердим. Ул орқамдан тез юриб етди:

— Қани, тўнни еш! — деди ва тўнимни ўзига торта бошлади.

— Юрагим ёрилишга етди, ҳазиллашма! — дедим.

Ҳақиқатан сўзи чин экан, оғзидан ўтдим. Жиқ тўлған кўз ёшимдан ҳам уялиб турмадим. Совчим йўл бўйлаб кампир билан бўлған ҳикоясини сўзлаб кетди: Саодатка бир йилдан бери ҳар кун деярлик совчилар қатнар, кампир ҳаммасига ҳам боши боғлиқ, деб жавоб бериб келар экан. Шунинг баробарида манинг оғзимни пойлар ёки киши қўйишимни кутар экан. Ниҳоят, бир тарафини чин ва бир тарафини сўз олиш муддаоси билан кечаги сўзни менга айткан ва шунга қараб иш қиамоқчи бўлған. Узун сўзининг қисқаси кампирнинг жавоби. бир қизим эмас, юз қизим бўлранда ҳам уста Алимга назир тордим — бўлибдир.

Теримга сиғмас эдим; икки йиллик юрак дардим ниҳоят ҳозиқини

¹ Душвор — қийин, оғир, мушкул

топқан зди. Бир неча кун уялиб кампирнинг олдига бормай юрган здим, ўли орқалиқ йўқлатди. Бордим. Лекин боришимдаги сезгуларимни сизга бу тил билан тушунтиромайман. Мен борлик йўқлиқ эшиқдан кирганимда, Саодат кир ёяр зди. Мени кўргач, қизариниб кетди ва ёйилған кир ортиға яширинар экан, шаҳло кўзларидағи сезилар-сезилмас табассумнинг фарқига бордим.

Кампир билан уялишибкина тўй тўғриларини сўзлашдик. Кампир ортиқча такаллуфлар қилишга йўл қўймаса ҳам, аммо ўзим Саодатнинг кўнгли ўксимасин учун тўйни катта қилишга тарафдор здим. Кампир билан тўй ва никоҳ қунларини муқим қилғач, мен кетишкадар турдим. Саодат кир ёнида менга бир кўрингандан сўнг, қайтиб кўринмаган зди. А, мен бўлсан яна уни бир кўрмакчи ва ўзига бир-икки оғиз сўз айтмакчи здим. Ўчоқбошида қозон ювар экан, тўғри олдига юриб бордим Ул мени сезмадими ёки сезса ҳам билмаганга солинди-ми, ҳайтовур орқаси ўтурурглиқ энгашкан ҳолда ишқа машғул зди. Бир ўрим бўлиб тушкан узун кўнғур сочи унинг ҳаракати билан қўлтуғи остида ўйноқлар зди. Анчагина орқасидан тамошо қилиб турғач:

— Саодат, — дедим. Қаради. Ўчоқда ёнған олов иссиғиданми ёки уятиданми унинг юзи қип-қизил олма зди. Қўлидаги сочири билан олдимга яқин келиб тўхтади. — Эшиздингми, — дедим. Ерга қаради. Уни ортиқча уялтирмас учун эшикка қараб юрий бошладим-да: — Майлими? — деб сўрадим. Жавоб ўрнига:

— Ош емай кетасизми? — деди. Бу унинг иккинчи турлиқ қилиб айтилган «майли» жавоби зди. Бир бугина эмас, кирк йиллик қадрдан хотин томонидан зрига қилинатурган меҳрибончиликнинг энг лаззатлиси зди. Чиқар эканман, «Ош емай кетасизми?» сўзининг кайфига тамом маст бўлган здим.

Уста Алим шу сўнгги сўзларини айтиб битирар экан, Отабекнинг қошлари чимирилиб, гўё ўзининг ҳам шу йўсун хотираларининг абадий қайтиб келмаслик — йўқлиқда чиққанлигини яна бир карра онглар зди. Уста Алим давом этди:

— Ўн кун орасида ҳозирликни битириб тўй қилдиқ. Нихоят, Саодат менини бўлиб, саодатлик қунларим бошланди. Саодатка бўлган муҳаббатим бир даражада сизга маълум бўлғанлиқдан у қунлардаги мастьудиятимни ҳам шу ўлчавға солиб била оласиз.

Рафиқам Саодат чин саъида¹ зди. Бу йил ўзимга кутмаган даражада бир куч ва истиқомат² ортдириб, тўй билан тугалган бойлиғимни қайтарған здим. Туришка Саодатлар уйи ортиқ торлиқ қила бошлаганликдан шу ҳавлини (Жаннат опа ҳавлисига ишора қилиб) ҳозирри кўшнимиздан сотиб олишға муваффақ ҳам бўлдим. Қайн онам, қайним ва эру хотин шу ҳавлига кўчиб келиб тура бошладик. Қундан-кунга Саодатка бўлган муҳаббатим ошқанидек касбим ҳам унумлик бўла бошлаган, уйланишманиг иккинчи йили ҳалиги кўшнимиздан ўзингиз кўрган боқчани ҳам сотиб олған здим. Уйланишманинг учунчи

¹ Саъида — бағтиёр, кутли.

² Истиқомат — дадиллик, мустақиллик, барқарорлик.

йили Саодат юклик бўлди. Эру хотин биримиз ота ва биримиз она бўлмоғимизни ўйлаб қувонар эдик. Кечалари ётиб уйқумиз келмас эди. Нихоят, Саодатнинг ой-куни яқинлашди... — Уста Алим узоқ тин олишдан сўнг давом этди: — ... Яқинлашди... лекин абадий баҳтсизлик кунларим, манхус¹ соатларим ҳам яқинлашди... — деди ва сўздан тўхтади.

— Давом қилингиз, — деди Отабек, уста Алим бир уфлаб олғач:

— Саодат боладан қийналиб уч кунгача азобландида, тўртинчи куни ўлди, — деди.

Отабекнинг кайфи тарқағандек бўлиб, кўзларини зўрайтириб очди ва ўзини ёстиқдан олиб ўлтурғач, сўради:

— Ўлди?!

Уста Алим кўз ёшисини артиб.

— Ўлди, — деди ва давом этди: — дунёга келиб кўрган бирдан-бир қувончимдан айрилган эдим. Ҳаётнинг ҳамма умримга кифоя қиларлик мудҳиш зарбасини шодлиқ ичида қаршилаған эдим. Ойлар бўйинча кўз ёшимни ёмғур каби тўқдим Чунки менга бундан бошқа бир овингчоқ қолмаған эди. Кўз ёшларимнинг тийилмаганини кўрган қайин онам Саодатнинг вафотининг иккинчи йили мени зўрлаб уйлантириди. Лекин бу иккинчи хотин менга Саодат бўлолмади. Ҳақиқатан саодатим кўмилган эди. Кейинги йилларда футурдан кета бошлаган қайин онам қизидан йигирма ой сўнг, ўн бир ёшлиқ ўғлини менга ташлаб дунёдан ўтди. Қайин онамнинг вафотидан сўнг, бийлик² ўз қўлиға қолған кейинги хотиним фахш³ суратда рўзгоримни тўзита бошлади. Ўрилиқча ва тўрилиқча қиморбоз акасига инъом қилишға киришди. Кундан-кунга ишим кейин кетиб, ишлаганим рўзгорга утурвоқ ҳам бўлмай бошлади. Ёмон хотиннинг шум қадами билан уиимдан барака кўтариғанлитигини ва барча баракаларимни рафиқам Саодат билан бирга кўмилганлитигини онглаб, кейинги хотинимни талоқ қилдим. Энди учунчи йилдирки, хотинсиз яшайман ва уйланишни ҳам ўйлаб кўрмайман. Чунки марҳума Саодат билан кечирган кунларимнинг тотли хотиралири менга абадий лаззат бағишилағанлариdek, ҳам аччиғ-аччиғ йиллатадирлар. Уйланишмга кенгаш бергучи ўртоқларимға: — Мен энди дунёдан ўткан киши, бу кун бўлмаса эртага ёр қабри устида ёнган шамъда ўзини ҳалок қилгучи бир парвона, — дейман.

Эндиғи ўйлағаним фақат қайнимни уйлантириш, сўнгра... сўнгра юзни ёруқ қилиб Саодат кучоғига кириш... — деди ва дармонсизланған каби ёстиқда ёнбошлади. Устанинг бу сўнгги сўзи Отабекни ортиқ асалантирган, кўз чуқури бир-икки қайта ёш суви билан тўлиб чиқған эди.

Иккиси ҳам узоқ жим қолдилар. Отабек ўз қайғусини бутунлай деярлик унугтиб қўйған, қаршисидағи ерга сингибкина ёғқан мужассам ишқдан кўз узолмай бошлади. Устанинг мозийсида эмас, ҳолида улут

¹ Манхус — навҳса қолған, бадбаҳт.

² Бидлик — хукмронлик.

³ Фахш — қабих, хунук, ярамас

бир маъно кўрар эди. Аммо унинг истиқболида бир бўшлиқдан ўзга ҳеч гап учрата олмаса-да, яна улуғ бир маъно кўргандек бўлар эди. Ўз истиқболини ҳам шу устаники қабилидан кўрмакчи бўлса-да, бунинг учун бир нарса камдек, етишмагандек келар, иккинчи уста Алим бўлиш учун бир «ўлди» сўзини қўшқан билан ҳам уста Алим бўлиш қийинлигини онглай бошлади, чунки Отабек Кумуш томонидан сўклиган ва ташланған эди. Ҳолбуки, Саодат сўклиган ва ташламаган, балки эрининг бир гуноҳи сабабидан ёш умрини казон қилған ва уста Алим қайин отаси томонидан ҳайвонча қувланмаган... ва қайин ота томонидан куяв йўлиға тузоқ, кўйиллиб, Саодатни чиқариб олиш фикрига тушилмаган, яъни оара шайтанат ораламаган... Бу сўнгги фикрни ул ўйламаган жойдан илҳом қабилидан тўқиб олған эди, яъни ўзининг Тошканддан уйланишига қутидор томонидан ризолиқ берилишини, ҳатто унинг тўйни ўз қўли билан ўтказиб келишини илгаридан ҳозирланиб келинган тузоқ, деб тушинган эди. Муҳокамаси шу ергача келиб еткач, уста Алим даражасига етиш учун ўзида ҳеч бир муносабат кўрмади... Уста Алим ёзиб берган ўринга кириб ётар экан, ўз-ўзига айтар эди: «Қувланиша, таҳқир этилишка лойиқ кўрилган Отабек уста Алим бўлишга ҳам сазовор эмас!» Ул уйқута кетар экан, юраги болаларини учуриб кеткан каррукнинг уясидек бўм-бўш эди.


* * *

Отабек эртаги намозга турғанда кўзи Шамшодбекнинг базмидан аzonда қайтиб келиб, донг қотиб ухлаб ётқан Сайфига тушди. Ўн беш ёшлар чамасида бўлған бу йигит ўзининг ўткур ҳусни билан Саодатдан хабар берар эди.

Бир-икки пиёла чой ичкан бўлди-да, уста Алим билан хайрлашди.

9. Унуполмаса нима қилсин?

Бу гал Отабекнинг кутилмаган равища Марғилондан тез қайтиб келишини Ўзбек ойим ўзининг жухуд домладан қилдириған жодусининг ҳинд сихрини енгланлиги, деб сўйингган эди. Бироқ Отабекнинг кўписинча меҳмонхонада ётиб қолиши уни бу тўғрида шубҳага тушуриб кўйған ва бунда қандай ҳикмат борлирини бевосита билиб олиш учун бирарта ромчи домларга бориш фикрига тушкан эди. Юсуфбек ҳожининг бўлса бундай майда ишларни текшириб юриш учун фурсати ҳам йўқ, унинг Нормуҳаммад қушбеги ёнидан бўшаган вақти понсад ва бекларницида кенгаш ва зиёфатлар билан тугалар эди. Унинг дикқатини жалб эткан нарса бўлса, ул ҳам Отабекнинг тадбирсиз сиёsat ва аҳмоқ, бошлиқлар мавзуъидан олиб қилатурған шикоят ва ҳасратини кейинги кунларда жимжит бўлиб кетканлиги эди. Бу кунларда Отабекка энг яқин турған киши Ҳасанали ота эди. Чунки Отабек бу кейинги кунларини меҳмонхонада ўтказтаналикдан Ҳасаналига ҳам унинг ёнира киришкага бирмунча сўзлашиб ўлтуришкага тўғри кела бошлаган



эди. Шунинг учун Отабекнинг қайғулик ҳоллари, уйқусиз мутолаъада ўткан гуилари ва умуман ундаги ўзгаришлар бу тўғрида Ҳасаналини ўйлатса-да, сабабини сўрашга ботирлиги етмас ва сўрашни ҳам фойдасиз деб билар эди. Чунки ул Отабекдаги бу ҳолларнинг сиррини билгандек, муҳаббати орасига чўб бўлиб тушкан кейинги уйланиши аламидан деб қарор қўйған эди.

Отабекнинг орзулиқ келин олдиға кирмаслиги важҳидан Ўзбек ойим аччиғланди, ниҳоят аччиғига ҷидай олмаган бир куни меҳмонхонада Отабек ётар ўрнини ёзиб турған чоқда кириб келди ва ёзилған ўринни бузиб йиғиб ташлади ва:

— Меҳмонхонада етабериб нима қиласан, ичкарига кириб ёт! — деб жекирди. Лекин ўсли энди илгариги Отабек эмас эди, онасининг жекиругига қулоқ соалади-да, қайтадан ўринни ёзиб бошлади. Ўзбек ойимнинг ғазаби тарин ҳам аланга олди:

— Сўзимни эшитасанми, кар?!

Отабек совуққина қилиб жавоб берди:

— Кар эмасман, лекин сизнинг бу таклифингиз олдида ҳам кар, ҳам кўрман. Бу тўғрида сиз энди ортиқча бош оғритманг!

— Инсофсиз, адолатсиз!

Отабек заҳарханда билан сўради:

— Мен бошда сизга нима деган эдим?

— Нима деган эдинг?

— Келинингиз мендан яхшилиқ кўрмас, демаганми эдим? Сиз билан отам бунга кўнмаганми эдингиз, сиз буни инкор қиласизми?

— Ота-онамдан ваъда олғанман, деб шундай хотинға жабр қилиб юра берасанми?

— Келинингизга жабрни хоҳламасангиз ва ўзингиз айткан инсофка қайтсангиз, энг осон бир йўл бор, — деди ва онасидан маълум «нима?» деб билатурган савонни кутиб тўхтади. Аммо Ўзбек ойим сўроқ ўрнига лабини тишлаб бошини икки елкасига тебратди. — Сиз сўрашни тиламасангиз-да, мен айтай: келинингизга жабрни хоҳламасангиз мендан талоқ қидирингиз ва бир бечорага бу йўсун азоб бериб юрмангиз! — деди ва бир оз тўхтаб давом этди. — Сиз билган инсофни мен ҳам биламан. Бир бечорани фақат сизнинг кайфингиз учун азоб эмас, чеккан хўрлигини ўйлаб ҳар куни бир қат этдан тушаман... Агар ўз кайфингиздан кечсангиз, яхши билингизким, бир эмас икки жонни азобдан қутқарған бўласиз, онажон! — деди.

Ўзбек ойим ўғлиниң бунчалик қатъий кетишини кутмаган эди ва бу йўсун қаттиғ муомалани-да Отабекдан биринчи маргаба кўрар зди. Сўз қайтаришга ўрин тополмадими ва ё жанжалнинг улғайишидан қўрқдими, ҳайтовур узоққина истеҳзоланиб қараб турғач, «эсингни ебсан, болам», деди-да, меҳмонхонадан чиқди.

Отабек ёлғиз меҳмонхонада ётиб кун кечириш билангина қолмади. Кечалари аллақаёқларға кетиб, йўқолатурған одатлар ҳам чиқарди ва бир-икки қайта ортиқча маст бўлған ҳолда қайтиб, Ҳасаналини тамом ҳайратда қолдирди. Ул Отабекка насиҳат қилишни ҳам билмас ва бу сирни биравга айтиш учун ҳам ҳайрон эди.

Бир кун кечаси ул янги одати бўйича аллақаёққа кеткан эди. Ҳасаналининг кўнгли бу кун ҳам бир ишқа гувоҳдик бергандек бўлиб, ичкарида ёткуси келмади, ўринни меҳмонхонага ёзиб, дарбозани занжирлаб келди. Агар бу кун ҳам ул ўша ҳолда қайтса, бир нарса демакчи, яъни қўлидан келган насиҳатни қилмоқчи эди. Ухламай кутиб ўлтурди. Аммо ул тунги соат ўн бир бўлса ҳам келмас, ўн иккода ҳам дараксиз эди. Ниҳоят, кута-кута уйқуси танг қилғач, ўрнига чўзилиб кипрагини кипрагига улаб ётди ва ухлаб қолганини ўзи ҳам сезмай қолди. Орадан номаълум бир муддат ўтиб дарбозанинг сўнақайсиз тақиллашидан чўчиб уйғонди ва йўлакка югурди. Қоронгуда занжирни тимискилар экан, «ким?» деб сўради ва жавобига «мммман» деган сархуш товушни эшилди. Бу товуш унинг юрагини уюшдириб юборган ва «бу кун ҳам шунақа» деган сўзни кўнглидан ўтқузған эди. Занжирни тушуриб, дарбозанинг бир табақасини очиши ҳамоно шу табақага суялиб турган Отабек Ҳасаналининг оёғи остига йиқилиб тутиди. Ҳасанали бу кунги кайфнинг ўтча кетканлигини пайқаран, йўлакни тутиб кеткан ичкулик исидан ўқчиёзған эди. Отабекни суваб меҳмонхонага келтурар экан, икки кўзи ичкари ҳавалининг эшигига, чунки Юсуфбек ҳожининг тунлари ташқарига чиқатурған одатининг шу вақтга тўғри келиб қолишидан юраги така-пука эди. Отабекни ешинтирас экан, ризосиз бир оҳангда деди:

— Ўглим, сизга шу шайтони ишнинг нима зарурати бор?

Отабек маастларча кулади:

— М-м-менга зарурати бўлмаса к-кимга бор?!

— Нима бўлғанда ҳам мен бу ишингиздан рози эмасман, — деди Ҳасанали ва қандай жавоб эшигишини кутиб турди. Отабек ўрнига ётиб олғач, кучлик қилиб бир уфлаб олди. Ҳасанали ундан жавоб кутар экан, бир оздан сўнг жавоб ўрнига хуррак товшини эшилди... Отабекнинг кутилмагандা бу янглиғ ярамас кўчаларга кириб кетишига ҳеч бир турлиқ маънно бералмай боши қотса ҳам, аммо унинг кўз ўнгидан игнага зўрлаб тақилған ип нарига кетмас эди. Ундан сўнг, икки ойлардан бери Марғилонни тилга олмаслиқ-да уни бир оз шубҳага тушириб, «ораларидан бирар совуқчилик ўтдими экан», деб ҳам кўнглидан кечирди. Отабек билан бирга чой ичиш мақсадида эрталаб Ойбодоқнинг дамлаган чойига бормай, Отабекнинг уйғонишини кутиб юрди. Отабек тушка яқин уйғонғач, Ҳасанали чой ҳозирлади. Дастурхон ёзиб ўзини кутиб ўлтурган Ҳасанали ёниға қисиниб-қимтиниб Отабек келди. Тундаги ҳоли эсига тушиб бўлса керак, бошини ердан кўтариб Ҳасаналига қарамас ва бир оғиз бўлсин сўз айтмас эди. Отабекнинг бу ҳоли Ҳасаналининг ничка юрагига қаттиғ таъсир эткан ва ўйлаб қўйған насиҳатларни унугиб, бекзодани бу оғир ҳолдан кутқазиш фикригагина тушкан эди.

— Ёшлик — бебошлиқ, деган экан машойихлар, — деб кулиб қўйди Ҳасанали ва: — Уй ичидан битта-яримтаси сезиб қолмагай деб жуда хавотирда бўлдим... Ҳайтовур ҳеч ким пайқамапти. — деди. Отабек ташаккур эткансумон Ҳасаналига кулиб қаради ва ўзининг бу

кетишидан ризосизлик билдирган каби энтикиб тин олди. Ҳасанали сўзни уринтириб Отабекни ўз ҳолига қўймас эди. Унар-унмасдан баҳс қилиб, ниҳоят, бу унар-унмаснинг охирига шу савонни ҳам улаб юборди:

— Бу гал Марғилонга кечикдингизми?

Биз юқорида ҳам туртиб ўткан эдикким, Отабек на Юсуфбек ҳожига, на Ўзбек ойимга ва на Ҳасаналига Марғилондан тез қайтиб келиш сабабини айтмаган, Марғилон билан узил-кесил алоқаси узил-ганлигини чурқ этиб сўзламаган, сўралмаган сўзга жавоб берилмас қабилидан жимжит аламини ичкулукдан олибгина юрган эди. Икки ойдан бери биринчи мартаба Марғилон тўғрисидан сўралған савол ҳам фақат шу Ҳасаналининг кейинги сўзи бўлиб, сирни очиш ўнқови-да келгандек эди. Лекин жавоб тамом ҳақиқатка муҳойир¹ ва кишини ҳайратка соларлиқ, бўлди:

— Бу кун жўнамоқчи бўлиб турибман, — деди.

Ҳасаналининг шубҳаси бўшка чиқди. Чойдан сўнг ул ўзининг сўзини амалда кўрсатиб, отасидан ҳам ружсат олиб қўйди ва пешиндан кейин йўлга чиқиш учун ҳозирлик ҳам кўра бошлади. Унинг сиррини билгучи ва «энди Марғилонда нима қиласан?» деб сўрагути орада бўлмағанидек, ул бу сўроқни ўз-ўзига ҳам бериб қарамаган эди. Гўё бурунгидек Марғилон йўлига ошиқиб ҳозирланар эди...

Йигирма кун ўтар-ўтмас Марғилондан қайтиб келди. Бу борищдан бирар иш чиқара олдими-йўқми, бу тўгрини биз келаси фасларнинг биридан ўрганармиз.

Келиб Тошканда бир ҳафта чамаси турди, сўнгра ёнига Ҳасаналини олиб Оқмасжи² шаҳрига жўнади. Ул икки йилдан бери тўхтаб қолған савдогарчилик ишини қайтадан бошламоқчи эди...

10. Бизда ким кўб йиграйдир?

Файри машруъ³ талоқ хати текканига олти ойларча фурсат ўтиб кеткан эди. Кумушнинг гўзаллик таърифини ғойибона эшитиб, оғзининг суви келгучи хотинлик ва хотинсиз орзумандлар «ётиб қолғунча, отиб қол!» сўзига амал қилиб, қутидорникига совчиларни турнақатор юбора бошлаган эдилар.

Албатта бунда шубҳа йўқдирким, Кумушнинг эрдан чиқсан хабарини Кумушнинг ўзидан ҳам илгари тушинган ва Отабекдан ҳам илгари сезган Ҳомиднинг совчиси бошқа совчиларнинг муқаддимаси, ёз бошида келатурган қалдирочларнинг йўлбошчиси эди. Ҳомиднинг совчиси бир мартаба келиш билангина қаноатланмади, уч-тўрт қайталаб келиб қутидорға Ҳомиднинг куяв ўғул бўлиш ниятида эканлигини арзуниёз қила бошлади. Натижада Ҳомидбойнинг совчисига берилган жавоб шу бўлди: «Биз Ҳомидбойни ўзимизга куяв ўғул қилишдан ҳеч бир монеълик кўрмаймиз. Аммо қизимиз мундан сўнг эр қиласга қаттиғ

¹ Муҳойир — қарама-қарши.

² Оқмасжид — Қизил Ўрда.

³ Файри машруъ — шарийатта зид.



исрор¹ этадир. Шунга кўра Ҳомидбой бизни кечирсин». Бошқа совчиларға ҳам жавоб шу эди. Қутидор билан Офтоб ойимнинг бу жавоблари ўзларича эмас, балки Кумушнинг кўнглига қараб берилар эди.

Бироқ Кумушбибининг «Ман энди эр қилиб бўлдим, мундан сўнг зрга эҳтиёжим йўқ», деган қатъий жавобига улар узоқ қулоқ солиб туролмадилар, чунки унинг бу исрорини «чиdamаснинг сўзи» деб онглар ва тузукрак жойи чиқсанда, эрга беришка ҳам ҳисоблари йўқ эмас эди. Шунга кўра, келган совчиларнинг ўзларига ёқмаганига гуноҳнинг барини Кумушнинг бўйнига афдариб жавоб берар, аммо иккинчи ёқдан тузукрак жойини кўзлар эдилар.

Кутилмаган ерда шаҳарнинг энг оддинги аъён ва сарватдорларидан² бўлган Салим шарбатдор деганинг Комилбек исмлик ўғлидан совчилар келиб қолди.

Ота-отанинг кутканлари шундай тегу тахтлик куяв бўлғани учун биринчи мартаба совчиларни яхши сўзлар ва қулоқ-суюқ ошлар билан жўнатиб, иккинчи келишкага ўйлашиб жавоб бературган бўлдилар. Эру хотин узоқ ўйлашиб турмай (чунки ўйлаштурған жой эмас эди) совчининг иккинчи келишида жавоб беришкага қарор қўйдилар. Кумушнинг қарши тушмаги тўғрисида, албатта, уларнинг шубҳалари йўқ эди. Шунинг билан бирга ота-онанинг сўзини ерда қолдиради, деб ҳам ўйламас эдилар.

* * *

Куз кунларининг оёғи ва қиши кунларининг боши эди. Дараҳтлардаги сариқ барвлар тукилиб тугалган, ер юзи ўзининг қишиқи сариқ кийимини кийган эди. Тўрт томонининг ўралғанлиғи соясида япроқларини тўкилишдан сақлаб қолған бу гиолос ёғочлари ҳам бу кун тунги қора совуққа чидалмай, енинг озғина ҳаракати билан-да барвларни ширт-ширт узиб ташламоқда эдилар. Ҳаво очиқ бўлиб, қуёш тузуккина кўтарилиган, аммо унинг ўзи ҳам бу кун унча таъсири йўқ, бу кунги қора совуқ қуёш кучинида кескан эди.

Ўрта эшиқдан Кумушбиби кўринди. Бурунги тўлалики кетиб озғинланған ва лекин бу озғинлик унинг ҳуснига камчилик бермай, билъакс юқорилатқанлар Камон қошлари ортиқ мавж уриб ўзини кўрсаткан, бир оз бота тушкан шаҳдо кўзлар тарин ҳам тим қоралиқ, тарин ҳам нурлилик касб эткан эдилар. Бу кунги совуққа қарши кийиб оған совсар пўстинининг ёқалиғи кишининг ҳасадини ортдириб, нафис бағбақаларни ўпид ётар эдилар. Бироқ унда бир камчилик бордек кўринар эди: шаҳдо кўзлар бурунгидек ўйнаб турмас ва сўнг чекдаги бир оғирлиқ билан ҳаракатланар эди. Бир томондан қарагандан бу оғирлиқ-да унга бир олийлик, улуғворлиқ бағишлигаандек. Келиб айвон муйишига ўлтурди-да, кўзларини оғирғина ҳаракатландирив, кетма-кет чип-чип этиб тўкилмақда бўлған хазонларга қаради ва ҳар бир япроқни юқоридан кузатиб ерга қўя борди. Ул ерга тушкан ҳар бир япроқда ўзининг

¹ Исрор — қаттиқ киришиш, ақд қилиш.

² Сарватдор — бадавлат, давлатманд.

таржумаси ҳолини ўқур, ўзини-да мавқиъидан айрилиб, ҳечка чиқиб турған шу хазовлардан айира билмас эди. Айира билмади-да, латиф күкрагини түрт әнлик күтариб тин олди ва күзлари жиқ ёшға тұлды. Енг ичидан бир-бирисига ўтқуэилған икки құlinи баробар күтариб күз ёшини артар экан, ичкари ҳавлидан Офтоб ойим чиқиб келар эди. Үл ер остидан қызига күз қирини ташлаб меҳмонхона эшигини очиша тутиңди. Офтоб ойимнинг орқасидан Ойшабиби ҳам күринди, келиб Кумуш ёнида тұхтаб сұради:

- Нима қилиб ташқарида ўлтурибсан?
- Ұзим, — деди Кумуш қошларини чимириб, четка юзини ўғирди.
- Меҳмонхонага кирсанг, сен билан икки оғиз маслағатимиз бор эди.
- Нима маслағатингиз бор?
- Олдин кир, болам, — деди кампир ва Кумушнинг елқасига қоқиб турғызы. Улар ичкаридаги совчи хотинларни ёлғиз қолдириб, Кумушнинг сүзини олиш учун ташқарига чиқған эдилар. Аммо Кумуш бұлса совчиларнинг олдидан ризосизлигини онглатқандек бир намо-йиши билан кеткан эди. Үл меҳмонхонаға киргандан сұнг ҳам терсайиб тоқчалардан недир ахтарғандек юрина бошлади.
- Тоқчада сан қидирған нарса йўқ, келиб ёнимизға ўлтур, — деди Офтоб ойим.
- Ўлтурғанимдан сизга бир пуллик фойда йўқ, совчинизга ўзингиз билган жавобни бераверинг!
- Ойшабиби қызига маънолик қилиб бир қараб олди:
- Болам, ахир икки оғиз гап эшиш-чи олдин! — деди.
- Кумуш ўлтура бермагач, Офтоб ойим қизиши.
- Қизим, санинг бу қаршилиғингдан муддаонг нима?!
- Сиз билан отамта муддаомни неча қайталаб айтдим-ку: мундан сұнг бу ишни хоҳдамайман.
- Дунёдан тоқ ўтасанми?
- Тоқ ўтаманми, йўқми, буни тангри биладир.

— Ман санинг ҳали ҳам ўша уятсиз эрингдан күнгил узолмаганингни биламан. Санинг бу хомтамаълиғинг кони болалиғингдир Сан яхши билки, мундан сұнг отанг үл уятсизга ўз уйидан жой бермаганидек, уятсизнинг ўзи ҳам узил-кесил сани ташлағандир. Агар сўзимга ишонмасанг мана буни ўқуб қара, деди-да, Кумушка бир қороз узатди ва давом этди. — Биз буни сан унга хат ёзғанингдан сұнг жавоб ўрнида олған эдик. Бироқ ўша вақтда бу уятсизнинг биринчи талок, хатиси ҳам санга етиб ортқанлиқдан бунисини сандан яширган эдик. Ҳамон-да санинг умидинг кесилмагани учун бу хатни ҳам күрсатмакчи бўлдим! — деди. Кумуш қорозни онасидан олди:

«Матлуқам! Кумушбига. Маним биринчи хатим билан сизнинг менга қилатурған эркаликларингизга бир чек қўйшыран каби эди. Лекин бунга тушинмабсизми ва е тушинишкага тиламабсизми, ҳайтовур яна

Матлуқа — талок, қилинган.

ҳам эски эркаликларингизни тарк этмабсиз. Ҳатингизни ўқур ва ўзимни кулгидан тұхтата олмас эдім. Орзуға айб йүқ дейдирлар. Чекдан ошиб қылған ҳужумларингиз эски қадронлигиниз отира кечириладыр. Эндилдікта сизге мендек вафосиз ва ҳайлагар бўлмаган янги эр топилгай эди, деб ағдоу Отабек Юсуфбек ҳожи ўғли, 26 жавзо, 1265-инчи йил, Тошканга».

Мактуб унинг юрак жароқатини қайтадан тирнаб ташлаған эди Кўз ёшини дув-дув тўкиб, хатни ўз тахира солди ва ўзидан жавоб кутиб турған ачаси билан онасига деди:

— Мен бу уятсиз йиртқич билан ярашмоқ учун умид тутмайман, шунинг билан бирга эр ҳам қиласмайман!

— Нега? — деб сўради онаси.

— Негами? — деди Кумуш ва йиглаған қўйи жавоб бериб бошлиди: — Негаки мен ўзимнинг суйған ва мұҳаббат қўйған эримдан бунча уятсизлик, бу янглиғ вафосизлик кўрдим. Энди эр деган шу бўлдими? Мундан кўра дунёдан тоқ ўткан яхшироқ, ёғиз юрган тинчроқдир. Шунинг учун қизингизга эр отидан сўзламанг-да, яфроқ каби титрай-турған юрагига даҳшат ҳам солманг!

Бу сўздан сўнг Офтоб ойимнинг оналиқ қўнгли эриб кеткан, ичкарида жавоб кутиб ўлтурғучи совчиларға қандай баҳона топиб кириши-да ўйлаб ўлтурмаған эди:

— Йиглама, — деди. Кумушни меҳмонхонада қолдириб онаси билан чиқди.

* * *

Салим шарбатдорники қутидорға ниҳоятда маъқул тушиб қолған эди. Шунинг учун хотини ва қизидан сўраб ўлтурмай бир кун дўконидан эркак совчилар билан битишиб ҳам келди ва хотинига «мен бу кун фотиҳа қилиб келдим, нима бўлғанда ҳам энди қизингни кўндириласанг бўлмайдир», деди. Аммо Офтоб ойимнинг эр отини эшитканда титрай бошлайтурған қизи билан учрашмоқда асло тоқати йўқ, эрининг бу сўзини эшитканда тамом ўзини йўқотқан эди. Ул қизини кўндириш учун қутидорға ваъда берганда ўз ҳолини икки ёқдан ўқтанилған ханжар орасида қолғучига ўҳшатар, қайси томонига қимирласа ҳам мұхлиқ¹ яра олишини аниқ билар эди. Шу кундан сўнг бечора онанинг оғир кунлари бошланди. Эрига берган ваъдасини асло бажара билмас, бул ҳақда қизига оғиз очиб сўзлай олмас эди. Ҳар кун бозордан қайтиб келиб биринчи сўзи «кўндиридингми?» бўлиб қолған эридан туни билан койиш эшитар ва кундузлари Кумушка оғиз очишга юраксина олмай азобланар эди.

Бир неча кундан сўнг қутидор ҳам энди ўз хатосини онглаған, чунки ҳар кун деярлик Салим шарбатдорникидан келиб тўй кунини сўрагучи кишига турлиқ-турлиқ баҳоналар айта бериб зериккан ва уятидан дўконга тушишни-да тарк қилиш фикрига келаёзған эди. Бир

¹ Мұхлиқ — ҳалок қилювчи

кун дўкондан ниҳоятда аччиғланиб қайтди ва Офтоб ойимни умрида эшитмаган сўкишлар билан сўқди: «Қизингни деб шаҳарда бош кўтариб юролмайтурған бўлдим. Кўндиранг кўндири, бўлмаса мендан умидингни уз, мен энди санларнинг дастингдан шаҳардан қочиб кетмасам бўлмайдирған даражага етдим!» деди. Эртаси кун бечора она қизира машъум мавзуудан сўз очишга мажбур бўлди. Қизининг ёнига ўлтуриб сўзлаш ўрнига юм-юм йиграй бошлади. Кумуш эса онасини бу ҳолга солған сирдан воқиф, шунинг учун йиги сабабини сўраб ўлтурмаи, ул ҳам кўз ёшиси билан юзини ювмакка тутинди. Она-бала узоқ йиглашибилар, кўз ёшлари биткунча бўзлащдилар.

— Бу кунлардан кўра дунёға келмаган бўлсам эди. Бу тириклигимдан кўра, ўлиб кеткан бўлсам эди! — деди охирда Офтоб ойим.

— Янглиш сўзлайсиз, онажон! — деди Кумуш ва:— Сиз дунёда туришка лойиқ, эдингиз, лекин сизнинг дунёдан тўйишингизга ва қонқон йиглашингизга сабабчи мен бўлдим. Мен сиёҳ баҳт дунёға келмаган бўлсам эди, сизга мунчалик кулфатлар, мунчалик андуҳлар ҳам йўқ эди. Шунинг учун сиз тангридан сўрангким, тезроқ мен машъумани маҳв¹ этиб, сизга уч-тўрт кун тинчлик берсин, онажон! Сизни бу ҳолда кўришка ва ўз тилагим йўлида сизни қурбон этишка ортиқ гоқатим битди. Ташландик, бу қизингиз, қўлма-қўл юргучи бу ўйинчик қизингиз киму, сиздек бир меҳрибон онани қон йиглатиш ким? Йигламангиз, она. Сизнинг тўкиб келган кўз ёшларингизнинг бир томчисига ҳам бу ташландик қизингиз арзимас, сиз отамға манинг ризолигимни ташвишланмай билдираверингиз. Ул ҳам кишилар олдида бу баҳтсиз қизининг таънасига қолмасин. Сиз маним юзимга эзилиб қарамагиз, ўйламай-нетмай ризолигимни билдираверингиз! — деди ва юзига тўзғиб тушкан сочини тўғрилаб олрач, давом этди: — Агар сиз менга ортиқ ачинсангиз, ризолигимнинг бир шарти қилиб тўйни келаси кузга бўлишини айтиб ўтингиз, агарда отам баҳтсиз қизининг бу тилагини қабул этса-этсун, бўлмаса маним бу тилагим ҳам сизнинг бир томчи кўз ёшингизга арзимас, онажон, сизнинг шодлиғингиз йўлида ҳар бир оғирлиқларға бу баҳти қаро қизингиз розидир, онажон!

Офтоб ойим Кумушнинг бу сўзларига тўзиб туролмай, қизини бағриға босиб кучоқлади, она-бала тарин шиддатлик равища кўз ёшира кўмилдилар...

* * *

Офтоб ойимнинг қатъий исрорига биноан қутидор ҳам қизининг шартини қабул эткан. Кудалар ҳам келаси кузгача кутишга рози бўлған эдилар. Демак, келаси кузга қутидор Салим шарбатдор каби бир кишига қудалашиб олганидек, Кумушбиби ҳам Отабек ўрнига Комилбекни алмашдирадир эди.

¹ Маҳв — йўқ, килмок.

11. «Наво» күйи

Халқимиз таъбирича, бу замонлар «мусулмонобод» бўлса-да, бироқ бу тантаналик таъбирни бузиб қўятурган ишлар ҳам йўқ эмас эди. Хон мусулмон, бек мусулмон, халқ мусулмон, бунинг устига юриш-туриш ҳам мусулмонча, ҳукмлар ҳам шариъатча эди. Ўғирлиқ қилған учун қўл кесиладир ва ё дорға осиладир. Зони билан зониялар¹ ҳам пештоқдан ташланадилар, ичкулик ичкан учун қирқ дарра уриладир. Раис афанди мулоғимларига дарра кўтартириб, намозсизларни текширадир, фарзи айн билмаганларни урдирадир эди. Иш шунчалик нозик бўлатуриб ҳам ўғрилар ўз тириклилари орқасидан қолмайдилар. Эш ака билан Тош аканинг уйлари орқасидан тешилиб моллари ўғирлана берадир, пештоқдан қопқа бўғилиб ташланмоқ учун фоҳишалар ҳам етишиб турадилар. Бутун умрида пешонаси сажда кўрмаганлар ҳам кўб, аммо фарзи айннинг бош томонидан тўрт-беш жумлани ҳар ким қийналмасдан сайрий олар эди. Кўб кишиларнинг уйларида мусаллас билан бўзалар хумлаб қайнаб ётса, иккинчи томонда расмий суратда ичкулик сотиш билан тириклик қилучилар ҳам йўқ эмас эдилар. Тошкандинг Чуқур қишлоқ деган ерида қозоқлар томонидан очилған ва ҳамиша рустамнамо² кишилар билан айқириб ётқан бўзахоналар ҳам йўқ эмас эди.³

Беш ойлаб Оқ масжид сафарида юриб кеткач, Отабек тўғри шу Чуқур қишлоқ бўзахоналаридан бирига келиб тушкандек бўлди. Уни кундуз кунлари бўзахонада учратиб бўлмаса-да, аммо бўзахонаға келмаган кечаси жуда оз эди. Бўзагар Отабекнинг ким боласи эканлигини яхши билгани учун ҳамма ишни унинг тилагига қараб қилар, ул келди дегунча оддий бўзахўрлар ёниға ўтқузмай ўзининг маҳсус ҳужрасига олиб кирап, бошқаларға берилатурган лойқа бўзадан бермай, бўзанинг гули билан меҳмон қилар эди.

Ҳозир ҳам ул шу бўзахонада эди. Энди учунчи кўвачани тугатиб, тўргинчини чақирған эди. Бўзагар кирди:

— Бўза берайми, бек? — деб сўради.

— Беринг, — деди ва: — Машшоғингизни ҳам киргизинг!

Вақт ярим кечадан ҳам оғқан, кундуз кунидан бери ичишиб чарчаган хўрандалар бақиришиб-чақиришиб тарқалишқан эдилар. Бўзахона тинчиган эди. Қўлма-қўл юриб чарчаган машшоқ ҳам бўшаб, Отабекдан катта-катта эҳсонлар кўргани учун, вақтнинг кечалигига ҳам эътибор қилмай кирган эди. Машшоқ Отабекнинг сархуш қўлидан бир пиёла бўзани ичкач, дуторини чертиб сўради:

— Қаңдай куйни чалай, бек ака?

Отабек сархуш товуш билан жиддийгина қилиб жавоб берди:

— Билсангиз, ҳайдалиш куйни чалинтиз, ажralиш куйни чалингиз!

¹ Зони, зония — бузук эр ва хотин.

² Рустамнамо — доно, ақалник, давлатманд, забардаст.

³ Бу бўзахопалар Маллахоннинг 1273-ичи йиғ Тошканд ҳокимлиги вақтида барҳам берилади (муал.).



Машшоқ ажабсинган эди:

— Дунёда бундай күйлар борлигини умримда биринчи мартаба эшиитаман, бек ака!

— Дунёда бундай күй йўқ деб ўйлайсизми, сиз эшиитмаган бўлсангиз манинг эшиитканим бор... Билмасангиз, билган куйингизни чалингиз!

Машшоқ дуторини созлар экан, яна сўради:

— Бу күйлар янги чиқғанми?

— Янги чиқған.

— Қаерда эшиитдингиз?

Отабекнинг кайфи тарқағандек бўлиб, машшоққа қаради:

— Бу куиларни Фарғонанинг Марғилонида эшиитдим... — деди.

Дуторни созлаш учун реза күйлардангина олиб турған машшоқ, Отабек кутмаган жойда «Наво»дан бошлаб юборған эди. Куйининг бошланиши биланоқ унинг вужуди зирр этиб кеткандек бўлиб кейинги пиёласини бўшатди ва ихтиёrsиз равишда дуторнинг мунглик товшига берилди. Дутор товши қандайдир ўзининг бир ҳасратини сўзлағандек, ҳикоя қилғандек бўлиб эшитилар эди. Йўқ, бу ҳасратни ул ўз тилидан сўзламас эди — Отабек тилидан сўзлар эди... Отабекнинг кўз ўнгидан ўткан кунлари бирма-бир ўтиб бошладилар-да, ниҳоят «анув» хотира-лари, «анув» ҳангомалари ҳам кўриниш бериб ўтдилар... Йўқ, ўтмади-лар... унинг кўз ўнгига келиб тўхтадилар-да, шу кўйи турабердилар...



Дутор бу кўринишини унинг кўз ўнгига келтириб тўхтатқач, фожиъага ўзи ҳам чидаб туролмагандек йиглий бошлади... Дутор қуруққина йигламас эди, балки бутун коинотни зирр этдириб ва хаста юракларни дирр силкитиб йиглар эди.. Отабек ортиқ чидаб туролмади-да, рўймоли билан кўзини яшириб йигламоққа киришди... Ул кўз ёшларини тўхтатмоқчи бўлар эди. Бироқ ҳозирги ихтиёр ўзида эмас эди — ҳамма ихтиёр дуторнинг ҳазин «Наво»сида, тоқатсиз йигисида эди... Дуторнинг нозик торларидан, тилсимлик юракларидан чикран «Наво» куйи ўз ноласига тушингучи Отабекдек йигитларга жуда мухтож эди. Ўз дардига тушинган бу йигитка борган сайин дардини очиб сўзлар, йиглаб ва инграб сўзлар эди... Эшиткучи эса дунёсини унутиб йиглар, кучини йигиштириб йиглар ва ҳасрату аламини кўз ёшиси билан тўкиб йиглар эди...

Ниҳоят «Наво» куйи унинг бутун танидаги сувларини кўзи орқалиқ тўқдирди-да, фалакнинг тескари ҳаракатидан шикоят этиб кўйди ва дунёда ёлиз ҳасраткина бўлмаганилигини билдиргандек ўзининг «Савт» куйини ер юзига шодлиқ ва сўйинч ёғдириб арз эта бошлади. «Наво»нинг сихирлик «савт»и Отабекнинг кўз ёшларини қуритди-да, бир енгиллик багишлиди. «Наво» билан ювилиб кеткан унинг умида гулзорида янги чечаклар униб чиқди...

* * *

Бу ўлтуришдан сўнг ул бир ойлаб бўзахонага келмай кетди. Марғилондан қайтиб келгач, яна эски одатида давом эта бошлади...

* * *

Отабекнинг ўша воқиъадан сўнгти Марғилон қатнашлари фақат натижасиз қуруққина бир қатнаш эди. Бу қатнашнинг ҳар бирисида уста Алимникига тушар, аммо ҳануз ундан ўзининг сиррини яшириб, Андижондан қайтиб келишини ва ё боришини ва йўл устидан кўриб кетиши учун кирганини айтиб уста Алимни миннатдор қилас эди. Ул Марғилонда кўб тўхтамас, бир кун, узоққа тортилса икки-уч кун туриб қайтар, баъзи вақтларда йўл устидан «Хўжа Маъз» мозорини ҳам тунаб кетар эди. Унинг ўн кунлаб йўл машаққатини ўз устига олиб, Марғилонда қилатурған иши шу машаққатлар эвазига арзуғулиқ эдими, йўқми, ўқуғучи буни қуийдан онглар:

Марғилондан натижасиз, тамоман бўшка қайтиб Тошқанд келгач, Кумушни унуткандек бўлиб уч-тўрт кун у-бу билан овиниб юрар, сўнгра ҳафта, ўн кундан сўнг яна Марғилон тўғрисида ўйлаб бошлар, ўйлаб ўзининг тегига ета олмагач, ўзини қаёққа уришини билмай қолар, шундан сўнг ҳамма аламини Чуқур қишлоққа ҳавола қилиб, ўн-ўн беш кун босим ичканидан сўнг ичкулукдан ҳам лаззатланмай қолар ва шунинг ёнида унинг кўнгли бир нарсанинг бўйини олғандек сезинар, гўё Марғилон борса бир гап бўлатурғандек, бормай қолса кейинчаликда ўзи ўқинатурғандек... Шундан сўнг тўсатдан Марғилон йўлиға тушибо қолар, йўлда борар экан, ўзини тўрт кўз билан кутиб турған-

Лек сезилган Марғилонға ҳар нимадир, бир соат илгарироқ етиш учун ошиқар эди. Лекин... лекин Марғилон дарбозасидан кириши ила унинг ҳоли ўзгариб бошлар, юраги қинидан чиқар даражада ўйнамоққа олур, айниқса пойафзал растасига яқинлашғач, унинг бу изтироби шиддатланур, пойафзал растасининг яқини билан бунчалик ўзгаришда қолган Отабек растанинг ўзида қаңдай ҳолға тушмогини тасаввурдан ожиз келур ва раста кўринди дегунча отининг бошини чапка буриб юборар ва орқасидан кимнингдир «...борингиз, эшигим ёнида тўхтамангиз... уятсиз!» товши эшитилгандек бўлар эди... Ўз-ўзига «ҳақиқатан мен уятсиз», деб қўяр ва шунинг ила ҳамма кутилган-кузатилган гаплар, беш кунлик йўл машиққатлари ҳавога кетар, ҳатто хаёлда эмас, ҳақиқатда ўйлаб қўйған қайнотиши билан хотинини шаритъатка чақириш фикри ҳам унутилар ва йўқолур, «ҳийлагарнинг юзини қозиконада кўрайми, ўзи ҳам курсин, юзи ҳам!» дер эди-да, отини тўғри уста Алимнига қарабсолар эди.

Отабек уста Алимни жуда юқори даражага қўйғанидек, унинг мажлиси билан ҳам анча енгиллашар, ўн ийлардин бери уста Алим юрагида сақланған ва қабрга ҳам бирга кетиши кутилган ишқ тарихини қайта-қайта эшилкуси келаберар, уста Алим ҳам ўзининг ўлган Саодати тўғрисидағи ипидан-игнасигача бўлған хотираларини такрор-такрор ҳикоя қилиб, ҳикояси охирида: «Пешонамга сифмади-да, ўлди», деб қўяр, бу сўз Отабекнинг ҳам юрагига совук сув сепкан таъсирини бериб, ул ҳам кўнглидан: «Маним ҳам пешонамга сифмади-да, тириклиайн ўлди», деган сўзни ўтқузар эди. Шу ҳолда икки-уч кун уста Алимнида туррач, энг сўнгти мартаба Марғилон билан хайрлашкан каби шаҳарнинг ҳар бир нарсасига алвидо назари билан боқар ва боши оғқан томонға кеткандек Марғилоннинг ўнгай келган дарбозасига қараб йўл олур эди. Қўондо бир-икки кун, Кировчида уч-тўрт кун, Қурама, Телов ва шунингдек, қишлоқларда ҳам бир неча кунлаб қўна-қўна ниҳоят, Тошкандга келиб етар яна... яна...

Отабекнинг Марғилонға бориб келиши шу йўсунда эди. Унинг сирри ўзидан бошқа ҳеч кимга маълум бўлмаганлиқдан, орада унинг ҳолига кулгучи ва ундан ҳисоб олғучи бирав ҳам йўқ, фақат ул ҳамма ҳисобни ўз юрагидан олиб, ўз юрагига берар эди. Шу йўсун оромсизлик ва бесаранжомлик ичидан унинг ой-кунлари ўтиб турар эди.

12. Жонсўз бир хабар ва қўрқунч бир кеч

Агар олған ҳисобимиз тўғри чиқса, бу гал унинг Марғилонға қуруқ қатнаб юришининг еттинчи қайтаси эди. 1267-ингчи йилнинг кузи — бу воқиъатга ўн саккиз, ўн тўққуз ойлар ўтиб кеткан эди.

Эрталабки чойдан сўнг, уста Алим ўзининг қайниси билан ошхонаси ёнига янгигина қурған тўқув дўконлари ёнида ипакка оҳор бериш ила овора эди. Аммо ул бўлса, дўконхонанинг устунига суяған кўйи қандайдир бир ўй билан машғулдек кўринар, устанинг Тошканд тўғриларида берган саволларига «шундок, ҳа, йўқ, албатта» каби қисқа

жавоблар билан қарши турар эди. Ул шу кўйи ярим соатлар чамаси сўзсизлик сўнгидан, сўзсизгина кўча эшик томонга чиқиб кета бошлади, уста Алим кўзини ишидан узиб сўради:

— Йўл бўлсин, Шокирбек?

Отабек йўлак ёнидан жавоб берди:

— Шаҳарни бир аиланиб келмакчиман.

— Жуда яхши, — деди уста ва: — аммо пешиндан кечка қолманг, мен ошни дамлаб сизни кутиб ўлтурман, тузикми?

— Тузик, — деди Отабек ва йўлақдан ўтиб эшик оддига — кўчага чиқди. Чиқиши билан нариги эшиқдан Содик ҳам кўриниб қолди-да, Отабек билан тўқнаш келди. Содик илтифотсизгина унга қараб олгач, шоша-шоша ўнгдаги тор кўчага юриб кетди. А Отабек тўғрига, катта кўчага қараб юрди. Ҳаво булат эди. Оқ, булатлар бўлғанлиқдан қуёшнинг нури унча кесилмаган, қуёш тўр рўймол ичида ўлтурған келинлар каби ер юзига сузилиб қарап эди. Булатларнинг оҳистагина сайдидан сезилар-сезилмас ҳафиғ¹ бир шамол юриб, енгиалина бир изғириқ ҳам юзга келиб тўқунар, бу изғириқ кишига унча роҳатсизлик бермаса-да, лекин қаердадир дор қилинмоқда бўлған зигир майининг аччиғ исини димогқа келтуриб уришидан кишига бир беҳузурлик ҳосил бўлар эди. Отабек йўлнинг айрилишига бориб тўхтаган эди. Юзидан иккила-ниш ҳолати сезилар эди. Бу ҳолат икки йўл устида вожъи бўлғанлиқдан онгланмоги енгил, чунки бир томонда пойафзал растасининг йўли, иккинчи ёқда тўғри кўча эди. Узоқ тўхтаб турмай собит ва кучлик адимлар билан пойабзал растасига юрди. Гарчи бу кўча унинг юзига қизариб-оқариш ва бўзариб-сарғайиш туслари берар эди, яна ҳар ҳолда ул собитқадам эди, ўша вожъида сўнг, оналар таъбирича, «илон чиқсан» бу кўчага биринчи кириши, биринчи жасорати эди. Кўчанинг бурилишида яна бир оз унинг адимлари секинлашса ҳам, лекин оддинлашини қўймай бораверди. Узоқдан қутидорнинг тилсимлик дарбозаси кўриниб турар эди... Дарбоза ёнидағи машъум тол дарахти ҳам ному-борак бир ишқа гувоҳлик берган каби бўлар эди. Борлиқ кучини аса-бият марказига йириб, таяин бир қайта дарбозага қараб одди. Бу қара-шида бутун ўткан кунларини яна бир қайта хотирлағандек бўлди ва иҳтизозот² орасида уфлаб юборди. Кўринган голос ёғочларининг остида бир вақтларда кимдир бирав уни кутиб олар эди, энди-чи... Энди кимни кутар экан? — деган савол миясини шипириб кетди... Ул Кумушни тамоман ўз муҳаббатида боқий деб билар ва отасининг зулмига маҳкум, деб тушинар эди. Шунинг учун кўринган голос ёғочининг куз билан сарғайран баргидек Кумушнинг заъфарон юзини кўрди. ўзи учун эмас, унинг қалби парчаланғандек бўлди. Ҳозир ул кутилмаган бир жасоратка молик бўлған каби эди. Кирайми, деб ўйлади, бевосита ўзи билан онглашайми, деб жасоратланди... Лекин... лекин дарбозанинг қаршисидағи машъум тол ёючи унга қараб кулгандек бўлар эди: «Борингиз, эшигим ёнида тўхтамангиз, орсиз...»

¹ Ҳафиғ — енгил, майин.

² Иҳтизозот — титраш, қалтираш.

Ул дарбозага яқинлашаёзған эди, нимадандир чүчіб четка бурилди. Чунки дарбозадан чиқиб қолған иккі кишини күриб, буларнинг бири-ни қайин отаси бўлиб чиқмоғидан ҳурккан эди. Ҳайтовур чиқғучилар begona одамлар бўлиб, олдинға тоба юруй бошладилар. Бояғи «...орсиз» жумласи билан унинг кириш фикри тамоман сўнган эди. Аммо «биравлар» тўғрисида нима бўлғанда ҳам бир гап эшиитмак ҳаваси туғилған эди. Бу чиқғучилар гарчи қутидорнинг ити ҳақида бўлса-да, бир маълумот берарлар-ку, деб ўйлади ва уларга етиб олиш учун адимларини кенгайтирди. Улардан уч-тўрт адим берида борар эди. Баҳтка қарши улар чурқ этмайгина кетар эдилар. Ниҳоят, юз адимча борғандан сўнг, улардан сўз эшитишка тўғри келди; бириси иккинчисига деди:

— Тўй билан никоҳни бу кунга қиласнимиз яхши бўлди.

— Нима, жувонга ҳам тўй бошқа, никоҳ, бошқа бўлармиди? Бордикелди битта жувон қизи бор-ку, мунга тўйни бошқа, никоҳни бошқа қиласмиз деганига ҳайронман.

— Ахир қутидор ҳам бообра одам-да, — деди биринчи киши.

Жонсўз бу хабарни эшиктан Отабекнинг ҳуши бошидан учкан каби бўлди-да, адим узган жойида мижланғандек қотиб қолди. Гўё устидан бир челак қайнаған сувни ағдарған эдилар-да, бутун териси оёғира сидирилиб тушкан эди... Беш дақиқалаб йўл устида эсанкираган, ҳушсизланған кўйи қотиб турғач, мосинавори¹ бирдан юриб кетди... «Кишининг хотинини талоқсиз чиқариб ол-да, бу кун эрга бер», деди ва телбаларча нима учундир кулиб қўйди, ўз-ўзига сўзланиб Марғилон кўчаларида тентакларча югурга бошлади. Унинг бу куни ҳолиға қарааш юракларни ёрганидек тасвирга ҳам қалам кучи ожиздир...

* * *

Ойнинг ўн бешлари бўлса-да, ҳавонинг булутиғи билан ой кўринмас, чин маъноси билан қоронғи кузнинг қоронғи бир туни эди. Бир неча юз йиллардан бери яшаб фавқулодда зўрайиб кеткан «Хўжа Маъоз» мозорининг чакалаги бу қоронғилиқка бир манбаъ каби эди. Кучлик бир ел турған, қандайдир бир ишқа ҳозирланған каби тўрт томонга югуриб юрар эди. Мозор чакалагининг бир бурчагида тутаб ётған тўнка ёнида соchlари ўсиб соқолиға кўшилиб кеткан бир девона бу мудҳиш қоронғилиқка қарши курашкан каби гулханни ёндиришға тиришар, гулхан таварагидан айланиб қўлидаги касави билан тўрт томонидан ковлар эди. Ел борған сайин кучланған борди, чакалак тартибсиз ҳолға кириб кетди, битта-яримта тўкилмай қолған япроқдар шитиршитир тўкилишқа одилар, қарға ва зоғчалар айни уйқу замонида тинчсизлагани учун елга қарши намойиш қиласандек ўғу билан чакалак устидан айланғанда бошладилар. Ел кучайғандан кучайиб борар ва шу нусбатда мозор ичи ҳам яна бир қат кўрқунч ҳолға кирап эди, ел кетма-кет бўкурас, бунга чидал олмаған шоҳ-шаббалар қарс-қурс си-

¹ Мосинавори — машинално, ўз-ўзидан, беихтиёр.





нар, кекса ёроchlар гийқ-гийқ, этиб ёлбориш товши чиқарар эдилар. Ел ортиқча бир ғазаб устида эди, ер юзидағи тиккайған нарсаны букиб-янчыб ташламоқчи бўлғандек пишқирап эди. Чинорлардан бирисини ерни титратиб йикитди, девонанинг гулханини ҳам тўнка-пўнкаси билан кўтариб чакалакнинг ичига отди. Бутун мозор ичини ўт учкунни или тўлдириб, яна кўринишкага бошқача бир тус берди. Мозорни бу ҳолға солғандан сўнг гўё шунинг учун ғайратлангандек бир оз пасая тушди, оч қолған шер каби пишқириб бўкиришлари босилғандек бўлди. Яrim соат чамаси жонсаракка учраб учиб юришкага мажбур бўлған қарғалар елнинг ғазаби босилғанини бир-бирларига хабар бергандек тоғу билан эски ўринларига кўна бошладилар. Кўкни ўраб олнан қора булуллар ҳам тўс-тўска бўлинниб, ой ҳам қора парда ичидан яrim юзини очиб ер юзига мўралаб қўйди. Гунбазнинг қаршисидағи икки туп кекса чинорнинг искеlet каби қуруқ шоҳларига ел билан аллақаёқларга учуб кеткан бойқушлар тўпи ҳам келиб қўна бошладилар. Ой парчаланған қора булуллар билан бекинмачоқ ўйнаған каби ҳали кўриниб, ҳали яширинар эди. Ул ер юзига кулиб қарағанда мозорнинг чакалак қисмиға айтарлик ўзгариш бера олмаса-да гўристон қисмидаги дўмбоқ қабрларни ва уларнинг устидағи мармар қабр тошлигини чуқур бир сукут ичидаги экан, тақдим қиласи эди. Бойқушлар уяси бўлған икки туп чинорнинг қаршисида гунбазга рўбарў-рўбарў қилиб солинған айвон-зиёратхона бор, аммо ой тик кўтарилганликдан зиёратхона

иши қоп-қоронги¹ эди. Чинор шохлари тасбек каби чизилған бойқушлар билан тұлған. Улар ой нуридан унча хурсанд әмаслар, чунки ой ер юзига қулиб қарай бошласа, улар бошларини кафтлари ичига оладирларда, дум-думалоқ бўлиб сиқилиб кетадирлар. Ой булутлар остига кирса, улар роҳатланған каби чиғ-чиғ-чиғ, ки-ки-ки қилиб сайраб ҳам юборадирлар. Бу вақт шу бойқушлар сайроби ичидан инграницын қаби бир товуш ҳам эшитилгандек бўладир.

Масжид манорасидан руҳонийят ёғдирив мунглик азон товши эши-тилди-да, уйқу қучогида ётқан табиъат уйғониб жавоб берган каби жонғираб кетди. «Оллоху акбар»нинг сўнгри такрорида Отабек зиёратхона айвонидан тушди-да, шиддираб оқиб турған ариқ ёнида таҳорат олишка ўлтурди...

13. Қулиб қарамаған баҳт

Энди унинг умиди ортиғи билан узилған эса-да, юрагининг ёниши босилурлиқ, әмас эди. Илон чаққан кишидек довдир ва бесаранжом кўзлари билан теваракка бежо-бежо назар ташлар эди. «Ниҳоят, отаси ўз муддаосига етди, қизини янги куявга топшириб тинчланди, кеча кечаси у...» дер эди-да, мундан кейинги оғулик ҳақиқатни бир турлиқ ҳам ўзига сингдира олмас ва буни ўйламасликка тиришиб ва ўзини алакситмоққа ўла теварагига бежо-бежо назар ташлар эди.

Энди Марғилон қатнаб юришларға хотима берилгандек ва Марғилон ҳам ундан «тағин мендан нима илинжинг бор?» деб сўрағандек бўлар эди. Ул «Хўжа Маъз»дан чиқиб тўғри уста Алимникига қараб борар эди ва у ердан отини миниб умрликка Марғилон билан видоълашмоқчи эди эса-да, ошна бир кимса унинг кўз ўнгига кўрингандек ва бегона раҳмсиз бир йигитнинг қучогидан кутилиш учун ундан им-дод² сўрағандек бўлар эди.

Уста Алим эшигига етаётди. Том бир маъюсият ичидаги бошини қуи солған эди, ўтиб турғучиларни пайқамас, лахша чўғ каби ёниб турған юрак ўти билан сархущдек эди. Қаршидағи Содикнинг эшигидан чиқғучини ҳам пайқамай қолди ва бир қараб олса ҳам танимаған эди. Отабек уста Алимникига келиб киргач, Содикницидан чиқғучи Ҳомид унинг орқасидан қараб йўл устида қотиб қолди ..

* * *

Шокирбекнинг кеча эрталаб чиқғанидан бери даражасиз кетишига ташвишланиб ўлтурған уста Алим уни йўлакда қўриши биланоқ сўради:

— Эйй, баракалла сизга, Шокирбек, қаёғларда қолиб кетдингиз? Жуда ҳам ташвишландим-да ўзим... Нега бир кунда бунчалик ўзингизни олдириб қўйдингиз?

Чиндан ҳам ул ўзини танилмаслик даражада олдириған, ўлат теккан

¹ «Хўжа Маъз» устита солинған гүнбаз ва зиёратхона ҳам масжид, 1265-игчи йилларда Утаббой құшбеги томонидан бино қилингандир (муал.).

² Имдод — кўмак, ёрдам.

кишилардек күзлари ичига чўкиб кеткан эди. Киртайтан кўзига куч билан кулги тузи берди.

- «Хўжа Маъз»га борған эдим...
- Нима учун?
- Тунашка.

Уста Алим таажжуб ичида яна бир қат уни кузатиб чиқди:

- Тунадингиз?..

Отабек айвон пешонасига ўлтурар экан, устани шубҳада қолдирмас учун деди:

- Кўбдан бери бир тунасам, деган хаёлим бор эди.

Бузрукдан сўраитурган тилакларингиз бор эканда, — деди уста Алим ва қулди. Бу вақт иккиси ҳам йўлакда юриб келган оёқ товшига қарадилар. Қўпол қилиб бошига салла ўраган, устага ўхшаш рангизигина бир йигит кириб келар эди. Уста Алим келгучининг истиқболи учун ўрнидан турди: «Эйй, уста Фарфи, келинг-келинг, бормисиз!» деди. Уста Фарфи салом бериб, уста Алим билан кўришди. Отабек кўришишга ҳозирланмаган ҳам эди, аммо келгучининг ўзи қўл узаттида, «саломатмисиз, меҳмон» деб кўришиб олди. Айвонга ўлтургач, фотиҳа ўқулди. Уста Алим келгучини хуш омади қиласа экан:

— Сиз ҳам келар экансиз-а, уста Фарфи, — деб пичинг отиб қўйди. Соғу саломатлик сўралиб бўлинғандан сўнг уста Фарфи қаршидаги янги қуриған тўкув дўконларига ишорат қилиб деди:

- Ишлар катта-ку, уста. Дўконларни ҳам қуриб юборибсиз.

— Дўконни қурғанимизга энди ўн беш кунча бўлиб қолди. Фотиҳа ўқишига келармисиз, деб кутдим, шу чоқчача дарагингиз бўлмади.

— Ўзингизнинг бошингиздан ўткан, уста, — деди. Биравнинг кафилини олғандан сўнг ишни ташлаб чиқиш қийин, жумъанинг шарофатлари билан ошна-оғайниларникига борилмаса бошқа иложи йўқ, ахир ўзингизнинг ҳам бошингиздан ўткан-ку.

— Йўқ-йўқ, — деб қулди уста Алим, — мен сизга ўхшаб дўконнинг устида сира тухум босқан эмасман, симкорни¹ кўзим қиймайдир десангиз, мен ишонар эдим.

— Бу гапингиз тўғри, — деди кулиб уста Фарфи, — жўжалари тушкир йилдан-йилга кўпайиб борадирлар, қозонни сувга ташлаған кунимиз жанжал.

Уста Алим дастурхон ёзиш учун ҳужрасига кирганда уста Фарфи Отабекка қаради.

- Сизники қаердан, меҳмон?

- Тошкандан.

— Жуда яхши, ҳани юқорига чиқинг, меҳмон, — деди. Отабек раҳмат айтиб жойидан кўзгалмади. Уста Фарфи уни яна бир қат кўздан кечириб олгач, чўккалашини бузиб чордана қуриб олди. Дастурхон ёзилиб, эртанги ноништа учун дамлаб қўйилған чой олиниб келинди. Уста Алим Шокирбекни юқорига чиқишига қистаса ҳам ул кавшини ешмай эскича ўлтура берди. Ундан-бундан сўзлашиб чой ичишкага бош-

¹ Симкор — шогирдларга ишбай асосида тўланадиган иш ҳақи.



ладилар. Уста Алим билан уста Фарфининг сўзларида илгарида бир устакорниди ишлаганиклари, мундан йигирма кунлар бурун уста Алимнинг устакор билан нима учундир уришканлиги ва шундан сўнг ўз уйига дўкон қуриб ўзича ишлай бошлиғанилиги онглашилар эди. Уста Фарфи ундан аччиғлашиш сабабини сўраса ҳам ул қаноатландирлик жавоб бермас, фақат «ёмон одам экан, тўнриз» билан кифояланар эди. Шу вақт Отабек қўлидағи пиёласини бўшатди-да, уста Алимга деди:

— Энди менга рухсат берасиз, уста. Мен жўнайман.

Уста Алим ажабсиниб унга қаради ва:

Нега тағиғ кетмакчи бўлиб қолдингиз? Уч-тўрт кун турмоқчи эмасми эдингиз? — деб сўради.

— Марғилондағи ишларим битиб қолди, ўзим ҳам зерикаб бошладим...

— Бўлмаса чой туталсин, шундан сўнг сизга рухсат,— деди уста Алим ва бир шиёла чой тўлдириб берди. Отабекнинг изн сўраши билан бўлинниб қолган саволини уста Фарфи давом эттириди:

— Тўгрисини айтингиз-чи, уста, нима учун устакор билан ачиғлашдингиз?

— У сизга аниқ айтмадими?

— Айтмади. Сўрасам, гапни бошқа тарафка чалғитади.

— Имонсиз, айтишқа уялган,— деди уста Алим ва кимгадир нафратланиб қарағандек бужмайиб қўйди.

— Ҳайтовур сиз билан аччиғлашқан сабабини сўрасам, гапни четка буради.

Уста Алим қўлидағи пиёласини қулт этиб бўшатди-да, устакори билан аччиғлашиш сабабини сўзлаб берди:

— Мен Ҳомиднинг қайним Сайфига ёмон кўз билан қараб юрганини сал-пал сезиб юрар эдим... Уришатурған кунимизнинг эрталабида Сайфини илгарироқ ишка жўнатдим-да, ўзим нимагадир уриниб кечроқ қолиб бордим. Дарбозадан киришим ила ишхона ичидан кимнингдир йиғлаб-ёлборған товшини эшишиб ажабсиндим ва ишхона эшигини очиб кирсам, имонсиз Ҳомид қайнимга зўрлик қилиб турған экан. Эшик очилиш билан чўчиб Сайфини бўшатди-да, менга қаради. Мен аччиғимдан нима дейишни билмай қолган эдим. Тўнғуз ишхонадан чиқиб бошлиған эди: «Сен билан отангга йигирма йиллаб хизмат қилиб, ниҳоят сендан кўрган яхшилиғим шу бўлдими?» дедим. Чурқ этмай чиқиб кетди. Нимагадир, сиз, Карим ва Ортиқбойлар ҳам ишхонага келмаган экансизлар Тўнғуз вақтдан фойдаланиб Сайфига ёпишқан экан. Мана, орамиздан ўткани шул. Унинг орқасидан мен ҳам Сайфини олиб чиқиб келдим-да, иккинчи учрашмай уйга дўкон қуриш ҳаракатига тушдим,— деди. Уста Фарфи ҳам устакорнинг бу қилиғидан нафратланган эди:

— Убба падарлаънати, ҳали шунаقا иш қилди денг-чи? Ўзи одам эмас, ҳали бу унинг ҳунарларининг энг пачоги,— деди ва товшини секинлатиб давом этди: — бадбахт, ақллар ишонмаслиқ даражада бўлган ҳар бир ёмонлиқларни қилас эканки, биз билмас эканмиз.

Отабек уста Алимнинг ҳикоясини илтифот билан эшигкан эди. Шунинг учун ундан сўради:

— Бу қандай Ҳомид, қора чўтур киши эмасми? Мен ҳали уни кўшнингиз уйидан чиқран ҳолда кўрган эдим.

Уста Алим ажабсиниб Отабекка қаради.

— Ўша-ўша, сиз уни қаёқдан танийсиз?

— Унинг билан аллақаерда сўзлашканим бор эди.

Уста Фарфи Отабекка куалги аралаш қараб олиб деди:

— Бўлмаса, унинг қўланса сўзларига хўб завқданғандирсиз.

Отабек маънолик қилиб илжайди. Уларнинг сўзи шу ерга етканда рўймода тугиллик бир нарса кўтаргани ҳолда Сайфи кириб келди, саломдан сўнг уста Фарфи билан кўришди ва Отабекка қараб деди:

— Кечаки сизни кута-кута ошларимиз совиб қолди, бек ака.

— Мен бу кунгами, деб ўйлабман, — деди кулиб Отабек.

Сайфи ҳовлиқиб бир нарса дейишкага ҳозирланар эди:

— Бу кун кечаси ҳаммомнинг оғилида биравни ўлдириб кетибдирлар, — деди.

— Кимни? — деб сўради уста Алим.

— Ким эканини билмадим.

Уста Фарфи жавоб берди:

— Келишимда қўрбошилар бошлиқ ўлукни аравага ортар эканлар, ўлдирилган Салим шарбатдорнинг ўғли бечора Комилбек.

— Тавба, — деб қўйди уста Алим ва сўради: — ўлдиригучи ушланганми?

— Ушланиш қаётда, ўлукнинг ўзини қидира-қидира зўрга ярим кечада топқанлар, — деди уста Фарфи. Отабек бу хабарни совуққина эшишиб ўлтурас эди ва фотиха ўқуб туришкага ҳозирланар эди.

— Гумондор борми? — деди уста.

— Гумондор-ку йўқ, аммо бечоранинг ўлуми жуда қизиқ кунга тўғри келиши ажиб, — деди уста Фарфи ва давом этди: — Кечаки Комилбекнинг Мирзакарим аканинг қизи билан никоҳлари бўлмоқчи экан. Бечора никоҳдан икки соат чамаси илгарироқ ёнига бир ўртоғини олиб ҳаммомга борған ва бир онда ҳаммом ичидан йўқолған, ҳатто унинг ёнидаги киши ҳам қаёқча кетканини сезмай қолған. Қизникида ҳамма тажаммулни¹ тайёрлаб, Комилбекнинг отасидан тортиб никоҳ қиласурган қозиу қуззотларгача куявни кутиб ўлтурас эканлар. Бир вақтда ҳалиги биргалашиб ҳаммомга тушкан йигит ҳовлиқиб қизникига келган, куяв кутиб ўлтурганлар куявдан дарак сўрасалар, ул улардан куявни сўраган ва воқиътни айтиб, ҳаммомда кийимларини ҳам қолдириб бир онда йўқолғанини хабар берган. Шундан сўнг никоҳ-никоҳда, ош-ошда қолиб куявни қидириб кетканлар. Ниҳоят, ярим кечада ҳаммомнинг таҳоратхонаси ёнидаги бир оғилнинг охуридан қонига белашиб ётқани ҳолда топқанлар. Бечора таҳорат учун оғилга кирганда товуш чиқармаслиқ ерига ханжар уриб, охирига тиқиб кеткан

эканлар. Жуда қизиқ гап... Ким ўлдириган ва нима учун ўлдирилган ҳеч ким билмайдир,— деди.

Отабек тамом онглашилмаған бир ҳолатда қолған эди. Бу хабардан қувонишға-да билмас ва хафаланишға ҳам йўл топмас эди. Рақибининг ўлдирилиши унинг тамом сўниб биткан умидини яна қайтарғандек бўлса ҳам, нима учундир ул бу ишдан ўзига тинчлик ортдира олмаған, аксинча тинчсизлана бошлиған эди. Бу фожиъадан ортиқча асанланган уста Алим «вой бечора-бечора», дер эди.

— Бирарта душмани борлиғи маълумдир, ахир? — деб сўраб қўйди.

— Албатта бордир, — деди уста Фарфи ва Отабекка қараб қўйди. Бу қаращдан Отабек борлиқ-йўқлиқ ҳолга кирган эди. Уста Фарфи давом этди: — Дунёда қандай одам йўқ, деб ўйлайсиз, кишининг ризқиға тутурғанлар, охиратини ўйламаганлар ҳамма ёқда ҳам тўлиб ётибдир, — деди, яна Отабекка қараб олди... Отабек ёрилиш даражасига бориб қайтди... Уста Фарфининг бу кейинги қарашини уста Алим пайқаған эди ва уста Фарфининг бу тўғрида бир нарса билиб-да, сўзлашкя Отабекдан мулоҳаза қилиб тўхтадими, деб ўйлаған эди:

— Сўзлай берингиз Фарфибой, бу киши ўзимизницидир, — деди.

— Нимани сўзлай берайин?

— Комилбекнинг душмани тўғрисида билганингизни.

— Мен сизга бир нарсани биламан, дедимми? — деди ва кулиб Отабекка қаради: — Бу одамнинг ўсмоқчилашини қаранг-а?

Бу сўз билан Отабек бир оз енгиллашди.

— Менга бир-икки қайта қараб олғанингиз учун билсангиз ҳам сўзлашкя мендан ётсиңдингизми, деб уста ўйладилар шекилли, — деди Отабек.

— Тўғрисини айтсам, сиз бу тўғрида бир нарса биласиз, лекин сўзлашкя Шокирбекдан чўчиб турасиз, — деди уста.

— Қуруқ тухматни қўйинг-чи, — деди уста Фарфи.

— Қуруқ тухмат эмас, билиб тухмат, — деди уста ва — Шокирбек сиз ўйлаған кишилардан эмас, асло тап тортмай сўзлай беринг, — деди.

— Астағириллоҳ, — деб кулиб қўйди уста Фарфи ва бир оз ўйлаб олғач деди: — Сиз билан менга шу нарсанинг нима зарурати бор, уста!

— Аввало сўзламайтурган бўлғандан сўнг пук бериш¹ керак эмас, тилдан илингандан кейин бизга зарурати бўлмаса ҳам билганин айтиш керак, — деди уста Алим.

Айниқса устадан кўра ҳам Отабек сабрсизлана бошлиған эди. Ҳозиргина ўйлаб турған жўнаш масаласи ҳам унинг эсидан чиқған, чунки рақибининг қотили ким эканлигини билиб олиш ҳаммадан ҳам унга қизиқ ва аҳамиятлик эди.

Уста Фарфи энди айтмаса бўлмаслигини онглади, шунинг учун Сайфига ишонмағансумол қаради.

— Жиян, сен ёшсан ҳали, сенинг оғзингға ишонч йўқ, — деди ва; — бир оз дўконингга бориб тур, аччиғинг чиқса ҳам.

¹ Пук бериш — билдириб қўйиш, ошкор қилиш.



Уста Алим ҳам қайнисини туришкә ишорат қилди ва ўрадан савзи олиб туғрашға буюрди. Бола кеткәч, уста Фарфи оқистагина деди:

— Агар гумоним түғри бўлса, Комилбекнинг қотили Ҳомиддир

Бу сўз Отабекни ажабсингирғандек, уста Алимга ҳам ғарип эши-тилан эди.

— Ҳомид дейсизми?! — деб сўради уста Алим.

— Ҳомид, — деди, яна секингина уста Алимдан сўради: — Сиз Умарбекни Ҳомидга яқин дўст эканлигини биларсиз, албатта?

— Биламан, ҳамма вақт юриш-туриши ўшанинг билан эди.

— Бали, — деди уста Фарфи, — ўша Умарбек билан оралариға яқинда бир совуқлик тушди-да, мундан ўн кунча илгари Ҳомиддинг бир мудҳиши вахҳати тўғрисида Умарбекдан бир сир эшиздим. Ҳомид Комилбекни ўлдирғанда устида бўлмаган бўлсан ҳам, аммо ҳалиги эшиктан сирримнинг далолатига қараб албатта Комилбекнинг қотили Ҳомид деган фикрга тушдим... Сиз мундан уч йилча илгари Марғилон келиб Мирзакарим аканинг қизига уйланган Отабек исмлик тошкандлик бир йигитни ҳалиги қайин ота бўлмиш Мирзакарим aka билан Қамалиб, осилишға ҳукм қилинганларида дор остидан кутқарилиш во-қиъаларини хотирлайсизми?.. Албатта ёдингизда бўлса керак, ҳов, биз Сарибойнинг дўқонида чой ичишиб ўлтурған эдик-ку, ёдингизга тушдими?

— Эсимда бор, эсимда бор, — деди уста Алим ва Отабекдан сўра-ди, — балки сиз танирсиз, Тошканда машҳур бўлған Юсуфбек ҳожи деганинг ўғли

— Танийман, — деди Отабек ва ҳикояни бунча узоқдан солғани ва ўз устида гап юргизгани учун тонг ажаб ичида уста Фарфининг оғзига қараб қотқан эди.

Уста Фарфи ярим-ярим товишда давом этди:

— Ана шу йигитнинг олған хотини жуда ҳам нозанин бир қиз бўлиб, бу қизга бизнинг Ҳомид ҳам харидор экан. Ҳалиғи Отабек қизга уйланиб қўйғач, бизнинг Ҳомид тиканга ағнаб, орадан Отабек билан Мирзакарим акани кўтариш фикрига тушкан ва бўлмаган чақим-чилиқдар билан уларни дор остигача тортишга муваффақ бўлған... — (Сўз бу ерга етканда, Отабек билинтирмаслик қилиб бир энтикиб қўйди). Уста Фарфи давом этиб деди: — Аммо худонинг ҳақни ноҳақ қимласлиги соясида бир мактуб сабаби билан кутмаган жойда дор остидан најжотка чиқғанлар. Булар оқланғач, Ҳомиддинг ўзи қамалатурған бўлиб, аммо қўрбошининг ёрдами орқасида Қўқонға қочиб кутилған ва ул ерда ҳам тинч ётмай Ўтаббой қушбегини поражурлиқда айблаб, Мусулмон чўлоқча ариза берган, — деди ва сўзини бу ерда тўхтатиб устадан сўради: — Узингиз ҳам билсангиз керак, Ҳомид бир кечакий ўқолиб, уч ойлаб бедарак кеткан ва уни қўрбоши йигитлари қидириб юрган эдилар.

Уста Алим тасдиқ ишорасини бериб:

— Сўзлай берингиз, — деди. Аммо Отабек бу даҳшатлиқ ҳақиқатни эшишмақда бўлған қулоқларига ишонмас ва ўзини куч орқасида тутиб турар эди.

Уста Фарфи товшини секинлатиб давом этди:

— Ҳомиднинг Мусулмон чўлоққа берган аризасидан сўнг Отабек билан Ўтаббой қушбеги Қўқонга чақириладирлар-да, сўроқдан сўнг яна оқлиққа чиқадирлар.

Аммо Ҳомид уч ойлаб Марғилон келалмай юргач, ниҳоят яна қўрбoshининг ёрдами билан келишкага ҳам муваффақ бўладир. Бироқ Ҳомид ҳануз тинч ётолмайдир. Фурсати келиш билан яна бир ёмонлик қилмокқа, кутидорнинг қизини ўзиники этишкага ўйлаб юрадир. Тўнғузнинг баҳтига бу фурсат ҳам тўғри келиб, яна ёмонликқа юз қўядир. Шундоқки, Отабекнинг Тошкандан ҳам уйланганини билиб, унинг тилидан бир талоқ хати ёздирадир-да, Мирзакарим аканикига киргизадир.

Отабек ўзини нечоғлиқ босиб ушлаб келган бўлса ҳам, лекин энди ичидан қайнаб тошиб кеткан ҳиссиётини босолмади — «виждансиз, тўнғуз!» деди-да, ихтиёrsиз ўрнидан туриб кетди. Уста Алим ҳам ўзини тинч тутолмади, «Бадбаҳт, кофир!» деб қўйди. Отабекнинг ўзгаришидан уста Фарфи шубҳага тушаёзган бўлса-да, лекин уста Алимнинг ҳам унга қўшилиши уни ўилатиб турмади, Отабек қайтиб ўрнига ўлтурғач, ул давом этди:

— Бу соҳта талоқ хати тўғрисида Отабекнинг нима қилғанлиги Ҳомидга ҳам маълум бўлмайдир. Лекин иш Ҳомиднинг ўйлаганича натижаланиб, бир неча вақтдан сўнг Мирзакарим аканинг қизини талоқ қилиниши хабари чиқиб қоладир. Орадан уч-тўрт ойни ўтказиб, бизнинг Ҳомид Мирзакарим аканикига совчи киргузадир. Аммо Мирзакарим ака унинг совчиларини қуруқ қайтарадир. Бир неча вақтдан сўнг, Ҳомиднинг соҳта талоқ хатиси билан эридан чиқдан қиз Комилбекка бериладир ва нима учундир тўйлари бир неча вақтка кечикиб қоладир-да, орадан бирар йилни ўтказиб, ниҳоят, кеча уларнинг тўй ва никоҳ кунлари эканки, Комилбекнинг ҳаммомда ўлдирилган хабарини эшигиб турибмиз. Мана мен юқоридағи сабабларга биноан Комилбекни ўлдиригучи аниқ Ҳомид, деб ўйлайман, — деди.

Уста Алим бошини чайқаб:

— Бундан шубҳа йўқ, нах Ҳомиднинг ўзи, — деди ва ўзича: — Эх, эсиз мусулмончилик, шунчалик ҳам инсофсизлик бўладими, ўзингнинг бир эмас иккита хотининг бўлатуриб, тағин бир йигитнинг ҳалолига кўз олайтириш... Яна ўзингнинг бўйинг етмаслигини билатуриб ҳам, икки орада бир гуноҳсизнинг қонини тўкиш — эх, шайтон боласи! — деб қўйди.

— Бу бир ит! — деди уста Фарфи. — Томдаги лукмани ўзи ҳам еёлмайдир, бошқага ҳам едирмайдир, нах итнинг ўзи!

Отабек ўз ҳаётидаги фожиъаларнинг манбаи бўлған бир ҳabisni¹ ниҳоят биринчи мартаба таниб турар эди. Бу палид душманга қарши ўзида қўзғалған битмас-тутаммас нафрат ва разаб ҳиссиётини сиррининг фош бўлишидан қўрқиб ичига ютишкага мажбур эди. Шундоқ

¹ Ҳabis — ярамас, ифлос, иопок.

бўлса ҳам ичда қайнаған ҳиссиёт ўз шапрасини унинг юзига очик ташлаб турмоқда, кўзи ўт каби ёнар ва юзи юз хил туска кирар эди.

Анчагина орадан сўз кесилиб қолғандан сўнг уста Фарфи деди:

— Сиз билан мен шу чоқчаҳа Ҳомиднинг бундай ишлари бор эканидан хабарсиз юрганимизга ҳайрон қоламан.

— Ҳайрон қолишга ўрин йўқ, — деди уста Алим,— сиз-ку якинда кириб ишлай бошладингиз. Аммо мен йигирма йиллаб шунинг уйида қолиб сира ҳам Ҳомиднинг ичидағига тушуна олмас эдим ва ҳамиша қўзимга димланган қоронғу ўрадек қўрқунч кўринар эди, — деди ва бир оз тўхтаб олғач, бир нарса топқандек ҳаракат ясади. — Бу гапларнинг бош омшил албатта Ҳомид бўлса ҳам, лекин бунда унинг бошқа ёрдамчилари ҳам бор кўринадир, ёдингизда борми, кўпинча чахчайған кўзлик бир йигит ишхонамизга уни сўраб борар эди?

— Биламан, бу кунда ҳам Ҳомид билан сермуомала, оти Содик бўлиб, сизнинг қўшнингиз эмасми?

— Отангта раҳмат! Ана шу йигит билан унинг онаси бу ишда Ҳомиднинг энг ишончлик ёрдамчилари бўлса керакки, ул икки йилдан бери шу қўшнимниги ҳамиша қатнаб қолсан эди. Содиклар ўз овқатларини ҳам ўтқузолмаган ҳолда факирлиқда яшаб йил сайин менга оз-оз ерларидан сотиб тириклиқ қиласар эдилар. Бир йилча бўлди, бирдан сув олиб қолдилар ва Содик уйланиб ҳам қўйди. Мен ҳайтовур бечора йўлини топиб олди-ёв деб юрар эдим. Энди билсам, Содикни уйлағтиргучи ҳам шу Ҳомид экан, — деди ва Отабекдан сўради: — Сиз ҳали Ҳомиднинг қўшнимниидан чиқиб кетканлигини сўзлаб эдингизми? — Отабек тасдиқ ишорасини бергач, негадир бир энтикиб қўйди. Ҳақиқатан уста Алимнинг бу кейинги сўроғи уни энтикирарлик эди. Ўткан кунларини заҳар билан булагб қелган бу мудхиш душманига қайси йўсун билан жавоб қайтариш йўлларини излаб турған чоқда бу савол берилиб, Ҳомид билан бояғи учрашишини унга хотирлатқан ва энди ҳам кулиб қарамаган баҳтира лаънат ўқутқан эди. Ул ўзининг ҳозирги ҳаётини-да улур таҳлика остида бўлғанлигини ва бу таҳликанинг ўткандагиларга қарағанда тамоман бошқача бир даҳшатда бўлишини онглар эди.

Уста Алим ошхонага бориб ош қилиш ҳаракатига тушкан эди. Отабекнинг тўсатдан кетиш ҳаракатига тушиб қолғанини кўриб:

— Бек, шунча ўлтурғанинг қаторида яна ярим соатка таҳаммул¹ қилсангиз, ошни еб йўлга тушасиз. Мана мен савзини ҳам босдим, — деди.

Отабек қайтиб ўлтурмади ва ҳавлининг ўртасидан туриб узр айтди:

— Раҳмат уста, мен бу кун ошиғич юриб, эрталаб жўнаб кеткан юкларнинг кетидан етиб олмасам бўлмайдир.

— Ошни ташлаб кетсангиз хафа бўламан, қирққа чидаган қирқ бирига ҳам чидай оладир.

— Ўлтуринг-ўлтуринг, меҳмон, — деди уста Фарфи. — Ошка савзи босилди — пишди!



— Мен устанинг ошини биринчи мартаба еб ётқаним йўқ, агар савдогарчиллик омон бўлса, ҳар ўн беш кунда бир келиб устанинг жонига ҳам тегаман,— деди Отабек ва боқчага қараб юрий берди.

Уста Алим ошга савзи босиш билан овора эди:

— Мен сизни зўрламайман, лекин йўл устида қорнингиз очиб қолса, ўзингиздан ўпкаланг, — деди.

Отабек майдонда отини супириб эгарлар экан, майдоннинг ғарбидаги ҳароба уйнинг деворидан бир бош кўтарилиб мунига қараб турар эди. Мундан унинг хабари бормиди, йўқми, лекин ул бу томонига қарамасдан отини эгарлаш билан машғул эди. Ул эгарланиб бўлинган отини ҳавлига қараб етаклай бошлиғандан, ҳалиги қараб турған бош ҳам девордан қўйиға тушиб йўқолди. Ул отини ҳавлиниг ўртасига қантариб қўйиб айвондаги хуржун ва пўстунини олар экан, уста Фарфи билан хайрлашди. Отни Сайфи етаклагани ҳолда уста Алим Отабекни кўчага узатиб чиқди ва унишг қўлтутидан олиб отка миндирап экан, ўпкалаш оҳангида деди:

— Ошни ташлаб кетканингизни унумтманг, бек.

Отабек эгарга ўлтуриб олғач сўради:

— Ҳафа бўлдингизми?

— Нега ҳафа бўлайин, аммо йўлда очиқиб қолишингиз учун сизга ачинаётибман.

— Тайёр ошни ташлаб кетиб, йўлда очлиқдан қийналишимни ўзим ҳам тушуниб турибман, уста, — деди Отабек ва, — бироқ түякашлар билан Андижонда бу кунга учрашиш учун ваъдалашкан эдим, уларга етиб олиб йўл харажатлари учун бир оз оқча бермасам, яъни ўз роҳатимни кўзлаб сизни ошингизни кутиб қолсам, беши кишини кўра-била туриб оч қўйган бўламан.

Уста Алим отнинг жиловидан қўлини олиб сўради:

— Андижон ўткан кезларингизда йўл устидан кириб туришка ваъда берасизми?

— Бўлмаса-чи, — деди Отабек, — шу ўн беш куннинг ичидаги саккиз тепки атласдан лоақал икки кўра йигиб қўйингиз, ёдингиздан чиқармангиз!

— Ёдимда бор, хотиржамъ бўлингиз!

— Хайр, хўш!

— Яхши қол, Сайфи!


Саман йўрга йўлга тушди, човира одатдан ташқари бир-икки қайта келиб тушкан аччиғ қамчи зарби билан бир онда кўздан гойиб бўлиб кетди. Отабекни узоқлатиб уста Алим уйга кирган ҳам эди, Жаннат опанинг эшиги очилди-да, Содиқ от етаклаган ҳолда чиқиб келди. Ул отқа минар экан, эшик ичидаги кўринган Ҳомид — «тезроқ!» — деган амрни берди. Содиқ ҳам Отабек изича отини ҳайдаб юборди..

Уста Алим Отабекни кузатиб келиб, айвон пешонасига ўлтурар экан:

— Табиъати жуда қизиқ йигит-да, — деб қўйди.

Уста Фарфи сўради:

— Бу йигит билан қандай ошналирингиз бор?



— Мен сизга ўзори йили бир йигитнинг Ҳомиднинг дарбозасида адашиб юрганлигини ва мен билан бирга ҳавлига келиб бир кун ётиб кетканлигини сўзлаб эдим, шекиллик?

— Ҳа, ҳа, ҳали ўша йигит шуми?

— Шу. Шундан бери ҳар бир Марғилон келганида ва Андикон ўтканида манинг олдимга кирмасдан кетмайдир. Ўзи жуда оғир ва ақллик йигит, бунинг устига қизиқ табиъати ҳам бор, — деди.

— Қизиги қанақа, — деб сўради уста Фарфи.

— Жуда қизиқ, — деди уста ва кечаги воқиъани сўзлаб чиқди. — Кеча эрталаб шаҳарни бир айланиб келайин деб чиқиб кеткан ва тушлик ошқа етиб келиш учун ваъда ҳам берган эди. Мен ваъда вақтига ошни дамлаб ўлтурибман-ўлтурибман, сира келса-чи! Ниҳоят, сиздан сал илгарироқ келиб турган эди. Сўрасам: «Хўжа Маъз»ни тунаб қолдим, дейдир. Кўзи уйқусизликдан бир қарич ичига тушиб кетибдир. Жуда ҳам табиъати қизиқ йигит.

— Яхши йигит экан, — деб қўйди уста Фарфи.

Ошни еб бўлғанларида у ёқ-бу ёқдан жумъя товши кела бошлаған эди. Шунинг учун чой ичиб ўлтуришкан тўғри келмай уста Фарфи уста Алимдан илгарироқ намози жумъага қўзғалди ва эшиқдан чиқиши билан ўз уйидан келаётқандек кўринган Ҳомидга учрашди.

— Ҳа, уста Фарфи, баҳай? — деди Ҳомид.

— Уста Алимникига келган эдим.

— Бўлмаса зиёфат қуюқ, экан-да!

— Қуюқ! — деди кулиб уста Фарфи. — Уста Алим ўз уйига дўкон курған экан, гилалаб¹ юрмасин деб фотиҳага келган эдим.

— Шундоқми! — деб қўйди Ҳомид. Биргалашиб кета бошладилар.

— Бўлмаса уста Алим ўз уйига дўкон қурибдир, дэнг-чи!

— Дўкон қурибдир.

— Арвоҳ пири бермасдан-а?

— Қишида арвоҳ пири қилиб бермоқчи! — деди уста Фарфи. Яна бир неча дақиқага орадан сўз кесилиб қолди.

— Ош қилиб бергандир?

— Албатта

— Бошқа меҳмони ҳам бор эканми? — деб сўраб қўйди Ҳомид. Уста Фарфи Отабекнинг Ҳомид билан учрашганини хотирлаған эди.

— Тошкандлик бир савдогар меҳмони ҳам бор экан, — деди. Масжидга яқинлашиб қолран эдилар. Ҳомид яна ниманидир сўрамоқчи бўлса ҳам, уста Фарфи шошиб масжида бурилди.

14. Рақиб изидан

Ўн олти-ўн етти кунлик ой оқ булут ичидан қўтосланиб² қўринар эди. Ҳамма хуфтан намозига кириб кеткан, кўчалар сув куйғаңдек тинч эди. Кўчанинг бу тинч пайтидан фойдаланған каби уста Алимнинг эшиги ёнига келиб тўхтаған кимсанинг ким эканлигини билиш

¹ Гила — гина, хафагарчилик.

² Қўтосланиб — ялтираб, жилваланиб.

учун ой ёруқлигига қарши тушкан бўғот халал берар эди. Бўғот пана-сида ва эшик ҳалқасида қадалиб бирмунча вақт ниманидир кутиб турған бу киши ниҳоят, авайлабгина эшикни очиб ўзини йўлакка олди. Тағин анчагина эшикнинг ичкариги қисмида турғач, очишидари эҳтиёт билан эшикни ёпди

Ой ёруқлиги уч бурчак равишда иўлакка тушиб турар эди. Бу номаълум кимса оёқ уни билан юриб келди-да, мўралаб айвонга қара-ди. Айвоннинг тоқчасида шамъ ёниб, Сайфи ўрин ёзиш билан овора эди. Номаълум кимса йўлакнинг қорони қисмига ўзини олиб, кўзини Сайфидан узмаи тура бошлади, Сайфи ўрнини тўшаб бўлғандан сўнг айвоннинг пешонасида ёзилиб ётқап дастурхон ва лаганни кўтариб ҳужрага кирди Йўлақдаги мажхул кимарса гўё шуни кутиб турғандек оёғ учини онда-сонда ташлаб ўзини майдон ичига олди...

Барги тўкилиб қуруқ шохлари билан қолған майдон ичи туманлик ойдин, мажхул киши юзини ойдинга бериб, хароба уй остида қадалиб турғанлиқдан унинг ким эканлигини таниш осон эди. Бу аламзада, зулмдийда юз энг сўнгти курашка ҳозирланған бир йигит эди...

Отабек хароба уй девори ёнида сўнг чекдаги бир эътибор билан ичкарига қулоқ солмоқда эди. Ичкаридан ўтин ёриб ўчоққа ўт қалаш ҳаракатлари эшитилар, гоҳи хотин кишининг товши ҳам келиб қўяр эди. Ул бир-икки қайта оҳиста адимлар билан хароба уйларнинг у боши билан бу бошига бориб келди, яъни ичкарига ошиб тушмак учун қулайроқ ўрин чоғлар эди. Хароба иморатларнинг ўрта бир еридаги раҳнадан ошиб тушиш қулайроқ бўлғани учун шунинг остига шумша-йиб ўлтурди. Ўлтуриши ҳамоно қаёқданdir оёқ товши эшиткандек бўлди-да, секингина ўлтурган жойига ерга сингтандек қилиб ётиб олди. Оёқ товши тўхтаб нариги ёқдан уста Алимнинг товши келди. Уста Алимнинг хуфтандан қайтиб келганлигини онглади ва унинг майдонга кириш эҳтимоли бўлғанлиқдан шу кўйи ётаберди.

Вақт жуда секин ҳаракат қиласи жадиди. Ул ўзининг ҳар бир юрак тепишини санағандек ўтқузар эди. Кузнинг ёқимсиз шамоли ўпкани қичитиб, йўтални қистатар, ул чалқанча ётқан кўйи оғзини ўрамлаб кўмак куткан каби кўкка кўзини тиккан эди.

Орадан бир-бир ярим соатлар чамаси вақт ўтиб кетди. Теваракдан «жаннат қушлари»нинг биринчи товши қичқирилиб ўтди, шу кезда хароба ҳавли томонидан бир неча оёқ товушлари эшитилди-да, ул ўрнидан туриб қулоқ солишига мажбур бўлди. Бирмунча вақт онгла-шилмаған сўзлашиб товушлари келиб турғач, даричанинг фийқ этиб очилишидан сўнг, бу товушлар яна ҳам узоқлашдилар. Отабек деворга интилди ва секингина юқорига кўтарилди. Бузук уйнинг даричасидан нариги қатордаги айвон ва ундаги ўчоқда ёниб турған ўт кўринди. Аммо очиқкина бўлиб уй ичидан кишилар товши келар эди. Ул ўма-рилмаслиқ этиб девор устига минди ва осонгина хароба уй ичига ўзини олди. Чунки уй томи ўтирилиб остига босқанлиқдан уйнинг саҳни жуда ҳам юза эди. Авайлаб уч-турт адим босди-да, уйнинг бузук даричаси ёнига келиб тўхтади ва мўралабқина ҳавли юзига қаради.

Қаршидағи уйнинг ҳар икки даричаси ҳам ёпик, аммо тирқишиларидан шамъ ёруклиги күринар ва бояғыға қарағанда секинроқ бир товушда гунғир-ғүнір сүзлашиш эшитилар зди. Орадан үн беш дақиқа чамаси фурсат үтиб товушлар бир оз юқорилашиб келмакка бошлади. Бу орада үйдан құлира лаган ушлаган бир хотин чиқди-да, қозондан лаганга бир нарсаны күтара берди Отабек гүё шуни кутиб турғандек узоқ бир тин олди ва үзини четка бурди. Хотин лаган билан уйга кириб кеткәч, ичидан тақынған ханжарини қинидан суғуриб олди-да, дамини ойдинға солиб бокди ва ханжарининг учини ёнбошидан орқасыға үткүзіб ушлади, яна уйни кутиб түхтади. Хотин яна чиқран ва тобоқларға шүрба суза бошлаган зди. Уйга бир-икки қатнаб сузилган шүрбаларни ташиб битирған, уйнинг эшигини беклади-да, кириб кетди.

Отабек ҳавлининг ўртасыға, тут ёғочининг ёниға келиб түхтаған ва жанубда киши йүқми, деб аларлар зди. Ул бу түғрида бир қаноат ҳосил эткәч, битта-битта босиб кишилик уйнинг йүлак томонидағи даричаси ёниға етди ва үзини сүнг чекда эхтиётлаб дарича остиға ўлтурди. Ўлтуриши ҳамоно димогиға ичкулик билан шүрба иси келиб уради. Үйдагиларнинг сүзларинигина эмас, ҳатто томоқ чайнашларини ҳам эшиңса бўлар зди. Ичкаридан кимдир бирав шап-шап этиб чайнабдер зди:

— Энди менга берма, Содиқ, Мутал полвонға беравер!

Отабек бу товушнинг кимники бўлғаналигини билган зди.

— Ҳадеб менга бераверасанларми, оралатиб Жаннат опамга ҳам бериб қўй, ха-ха-ха!

— Бизнинг кампирга берсанг қайтармасдан ича берадир!

— Берса ичабераман, қих... үзим хотиш бўлсам ҳам Мутал полвонларнинг ўнини қочираман, қих..

Бу сўздан сүнг, уй ичини кучлиқ бир кулги товши қоплади. Кулги босилрач, сўз бошланди:

— Энди шуни ичасиз, Ҳомид aka!

— Йўқ, Содиқбой иним, мен жуда ҳам бўлиб қолдим, ўзи ҳам жуда кучлиқ чиқран экан.

— Ичмасангиз қўймайман, некин...

— Мутал полвонга бер! Сиз олинг-чи шуни!

— Аниқ ичмайсизми? Кумуш апамнинг саломатлигига ҳам ичмайсизми?

Бу сўзни эшилкан Отабек ихтиёrsиз ўрнидан туриб кетди. Жаннат опанинг хи-хи-хи қилиб кулган товши эшитилди.

— Орага нозик бир исмни келтуриб солмасанг, худо ҳаққи ичмас здим. Қани бўлмаса бер-чи, Кумуш апанғнинг саломатлиги ҳаммадан ҳам менга керакдир.

— Ха-ха-ха, нозик жойдан ушладимми?

Отабек бу сўзларни эшитар экан, зўрга-зўрга үзини даричага ҳужум қилишдан босиб қолған зди. Орада бирмунча майда сўзлар сўзлангач, кимнингдир уффф, деб юборғани эшитилди.

— Тағин нима бўлди, Ҳомид ака?

— Бу кунги гап жуда ҳам мени чўчитиб қўйди-да, Содиқбой!

— Манинг гапимга нима учун ишонмайсиз, ахир! Юз мартаба сизга айтиб ётибман-ку, хумсанни дарбозадан чиқардим, тағин қанчага-ча орқасидан бориб то қарвошларга қўшилиб кеткунча кутдим, сўнгра қайтиб келдим, деб. Агар ўша кетиши бўлса, бу кун худди Қўқонға бориб еткан.

— Эзи, сан билмайсан, ука!

— Некин манга қолса, шу ишдан ҳеч бир қўрқатурған гап йўқ, уста билан танишлиғи бўлса, унинг уйига меҳмон бўлғандир, савдогар-чилиғи бўлса Марғилонға келгандир, ахир кетиб турғандаги сўзини ўз қулогингиз билан эшитдингиз-ку!

— Бу мулоҳазанг тузик-ку, бироқ мен билан аччиғлашқан бир кишиникида меҳмон бўлиши бошни қотирадир, тағин сизларнинг ҳав-лиарингиз ёнида...

— Агар сиррингиздан уста Алимнинг хабари бўлса, ул вақтда қўрқсангиз ҳам арзийдир. Аммо менга қолса у хумпар (Отабекни айтадир) Марғилонда хотини борлигини ҳам унугиб юборған, деб ўйлайман.

— Манинг бу сирримни сиздан бошқа ҳеч ким билмайдир. Умарбек билан бир оз нари-бери бўлиб қолған эдик, ҳайтовур тағин орани очиб юбордик.

— Ундоқ бўлса тағин нимадан қўрқасиз?

— Мен унинг Тошканд кетишини кўз бўяш учун бўлған ҳийлами, деб қўрқаман.

— Хайр, кетмаган ҳам бўлсун: ул ҳолда ўзингиз айткандек қилиб тўппа-тўғри эртага Салим шарбатдорнинг олдига бораман-да, ўғлингни Мирзакарим аканинг илгариги тошқандлик куяви ўлдирди, мен ўз кўзим билан кўрдим, дейман. Ана ундан сўнг хумсанинг ҳолига маймунлар йигласин! Агар ул сиррингизни билган бўлранда ҳам аллақачон келатурған ишқа тушиниб олиб, Марғилондан думини хода қилди, десангиз-чи!

— Қих... Содиқнинг гапи жўялик, — деб қўйди Жаннат опа.

Отабек бу сўз даҳшатидан титраб кеткан эди. Содиқ давом этди:

— Энди ишнинг бўладирғанини ўйлаш керак, сизнинг қўрқоқли-ғингизни кўриб, мана Мутал полвон ҳам ухлаб бошлабдир.

— Ухларним йўқ, ҳез, дорингдан қуй-чи!

— Муталбой ўртоқ, — деди Ҳомид, — биз биравнинг яхшилигини унугатурған киши эмасмиз. Ўртоғингиз Содиқбой мен билан биргалашиб камлик кўрмади, аввали худо, қолаберса мен уни уйлантириб қўйдим... Мен бирав билан ошиначилик қилсам, ҳатто ундан жонимни ҳам аямай, кўнглини олмоқға тиришаман.

Содиқ:

— Муталбой сизни ўбдан яхши биладир, Ҳомид ака! Сизнинг қандай хизматингиз борлигига ҳам қонған... Аммо унинг сиздан бир илти-моси бор экан.

Ҳомид:

— Нима илтимосингиз бор, Муталбой?

Мутал (сархуш):

— Битта я-я-я-римтадан уч-тўрт т-т-танга қ-қ-қарзларим бор эди, Ҳомид ака.

Ҳомид:

— Ошналиқ деган уч-тўрт танга билан боғдана олмайдир, Муталбой! Мен сизга ҳали айтиб қўйдим: манинг ошналиғим ошнадан жонни ҳам аямаслиқ билан бўладир. Уч-турт танга эмас, муҳтоҷ бўлсангиз ўттуз-кирқ танга ҳам сўрай беринг!

Жаннаг опа:

— Илоҳи Ҳомидбой мурод-мақсадига етсин, қих. Ошна-оғанидан дунё аямайдир!

Бир оз вақт танга товши эшитилиб турғач, Ҳомиднинг овози келди:

— Мана, Мутал полвон, ҳозирга оз бўлса ҳам шуни олиб турарсиз, аммо хизмат ҳақингиз ўз йўлига бўладир.

Сархуш:

— Р-раҳмат, Ҳ-ҳомид ака, сиз ж-жонни аямсангиз, м-мен ҳам йўлингизга бошимни тиқдим, жамшиднинг арвойи!

Содик.

— Бизнинг Муталбой ҳам қуруқ йигит эмас!

Ҳомид:

— Дастурхонни йиғишириб олингиз-чи, Жаннат опа!

Лаган-товоқнинг бир-бирисига теккан товши эшитилиб, Отабек ўзини оҳистагина йўлакка олди. Ўзоқ бошида бир-икки дақиқа чамаси товоқ-қошиқ ва оёқ товши эшитилиб турғач, Жаннат опа ҳавлиға тушиб келди ва қўлидағи дастурхонни тут остиға қоқиб кетди. Отабек қайтиб келиб дарича остиға ўлтурган ҳам эди, Ҳомиднинг шу сўзини эшитиб қолди.

— Эшикнинг занжирига бир қараб келингиз-чи, имон топкур Жаннат опа!

Содик:

— Қўрқоқсиз-да, Ҳомид ака, эшикни ўзим занжирлаганман.

Ҳомид:

— Сан ҳали ёшсан, иним Содикбой, сиз чиқаберингиз, Жаннат опа!

Отабек учун вақт ортиқ, танг ва қўрқунч эди. Хароба уйга борай деса, Жаннат опанинг кўриб қолиши аниқ эди. Эшикни очиб чиқиб кетай деса, ўлтуришнинг мақсади ҳали очилмаған бўлиб, бутун машак-қати шамолга кетар эди. Жони ҳалқумира тиқилиб теварагига аланғлади ва йўлакдан нарироқда уста Алимнинг деворига сүёғлиқ турган занбилга кўзи туғди. Занбилнинг остиға яшириниш жуда ҳам ҳавфли эди эса-да, аммо ўлтуришнинг мақсадига қонмай кетиш ундан ҳам хатарлик эди. Сир фош бўла қолса, уч душманга баробар ҳужум қилиши бўйнига олиб қўйди. Уй эшиги очила бошлагандা занбилнинг остиға кириб олган эди. Ўзини нечоғлиқ сиқиб гужанак қилған бўлса

ҳам, аммо бир қарааш билан занбил остида киши борлигини билиш унча қийин эмас эди. Занбил остида ханжарини қисимлаб, гүё сичқонни пойлаған мушукдек ҳужумга ҳозирланиб ётар эди.

Жаннат опа йўлакка томон юриб келди-да, занбил остидағини пайқамай йўлакка бурилди. Ойдиндан эшикнинг занжирилги аник кўриниб турар эди. Шунинг учун эшик ёнига бориб ўлтурмай йўлакнинг ярмидан қайтди. Қайтиши ҳамоно юқоридан учиб ўткан бир-икки мошак қушнинг чев-чев-чев деган товшини эшитиб кўкка қаради. Шимол-шарқига тўғри отилиб ўқдек учиб борған мошак қушларға қарағанича йўлақдан уй томонига қайрилиб кетканини ўзи ҳам сезмай қолди. Жаннат опа айвонига чиқранда, Отабек устидаги занбил тўрт энлик юқорига кўтарилиб, тарин секингина уни босиб тушкан эди. Жаннат опа эшикни очиб, уйга кирганда, ул оҳистагина занбил остидан чиқди, унинг юрак телиши ҳали ҳам шиддатлик эди. Дарича ёнига юриб келди-да, ҳамон ҳужумга ҳозирланғандек ичкарига қулоқ солиб турди. Жаннат опанинг «эшик занжир» деган товшини эшиткач, роҳат тин одди ва дарича ёнига чўнқайди.

Ҳомид:

— Бўлмаса, душанба куни кечасига бўлсин!

Содик:

— Биз қайси кунга десангиз ҳам ҳозирмиз!

Мутал:

— Менга қолса, шу топта борсақ дейман!

Ҳомид:

— Яхшиси душанба кун, ундан нарига ўткани ҳам ярамагандек бериси ҳам фойдасиз бўладир, чунки бир-икки кун бунга ҳозирлик ҳам керак.

Содик:

— Тарин қанақа ҳозирлиги бор?

Ҳомид:

— Олиб чиқрандан сўнг, уни Марғилон ичида олиб туриб бўлмайдир: то ром қилгунча бирарта қишлоқга юборишкага тўғри келадир. Олиб чиқишимиз душанба кечасининг қайси пайтига тўғри келишини ҳам ҳозирдан айтиб бўлмайдир. Олиб чиқран замон Марғилондан чиқарилиб юборилмаса, кундуз куни чиқариш тагин хавфлик. Кечаси маълум, Марғилон дарбозалари ёпиқ бўладир. Шунинг учун бирарта дарбозабонни қўлга олиб қўимогимиз, албатта, керак...

Содик:

— Яхши маслаҳат, қутидорникига қанақа қилиб тушамиш?

Ҳомид:

— Масаланинг бу ёгини ҳам ўйлашимиз керак экан, ҳали!

Содик:

— Энг яхшиси дарбозасидан кириш!

Мутал:

— Дарбозасидан кириб бўлмаса, томидан ошиб тушамиш!

Содик:

— Ха-ха-ха, балли, Мутал тўрам!

Мутал:

— Кулишингни бежо қилма, ҳез Абдикарим! Сан ҳали дунёга келиб нимани кўрдинг-ку, санга кулиш тушиб қолди! Бу бош дунёга келиб нималарни кўрмади-а? Бунақангги қочириқ ишларни энди қилиб турипти, деб ўйлайсанми? Эйха-х-х, Мутал аканг нималарни қиласади? Ха-ха-ха... Мусулмонсан отангнинг арвойи, Ҳомид ака! Бир куни Жонкелдиги ҳасратини қилиб Ҳотам тўранинг ўғлини яхши кўрганлигини, дийдорига тўёлмай бесар бўлғанини арз қилиб қолди-ку, ёнимда Қаландар полвон бор эди, Жонкелдига, бўлмаса ўн оқта¹ бер бизга, биз Қаландар билан бирга дўндиқчангни муҳайё қилиб берайлик, дедим. Жонкелди ўлиб турған экан, қулоқ қоқмай хўб, деди. Биз Қаландар билан тунни ярим қилди-да, Ҳотам тўранинг ҳавлисига келдик. Ишнинг эбини жўблаб қарасақ жуда кашал², девор — тош ҳамин!³ Ошиб тушишнинг сира ўнқови йўқ. Бу ишканни кўрган Қаландарнинг тарбузи қўлтуридан тушиб «беш оқтани қайтариш увол-ку?!» деди. Узимнинг сал шунақангги кайфим баландроқ эди, ханжарчамни қинидан суғуриб олдим-да, тўғри Ҳотам тўранинг дарбозасига бориб чақира бошладим. Бу ишимдан жон-пони чиқиб кеткан Қаландар ёнимта келиб турта бошлади: «Хой, Мутал, санга нима бўлди?» Мен Ҳотам тўрани чақира бериб «төвшингни чиқарма, хотинға ўхшаған йигит», дедим. Қаландар ёнимда туролмади, мени ёлгуз қолдириб ура қочди. Бир вақтда ҳалиги Ҳотам тўра дарбоза орқасига келиб «ким» деди. Мен төвшимға шошилишқан тус бериб «Мен, мен, очинг тезроқ!» дедим. Бечора гўл тўра дарбозани очиб юбориши борми, лип этиб ўзимни ичкарига олдим ва Ҳотам тўрани қўлидан ушлаб ҳавлига бошладим. Бечора энди мени таниған, авзоримнинг бузуклигини ҳам пайқаған эди. Кекирдагига ханжаримни тираб: «Жонингдан умидинг борми, йўқми, ноинсоф!» дедим. Жуда тили шишиб қолған эди хумсанинг — «бовв-бовв» деб тўлдираб жавоб беради . «Бир бечора ўғлингни деб кўкрагини захка бериб ётсин-да, сан тинчкина ўғлингни олиб ёт!.. Қани ўғлинг, ётқан жойини кўрсат!» дедим. Ҳотам тўра дир-дир қалтирас эди, шу кўйи уни айвонга ўзим етаклаб бордимда, ўғлини кўрсатди. Болани уйку аралаш тургузиб кийинтира бошлаған эдим, бир томондан онаси додлаб қолди-ку, ханжаримни олиб унга югирдим. «Төвшингни учир, мочахар... ўғлингни ўлимға олиб бораётқаним йўқ, ниҳояти бир пиела чой ичади-ку келади!» дедим. Қисқаси, илгари даҳшат бериб, кейинидан яхши гайлар билан уларни ишонтириб, лани олиб чиқдим ва Жонкелдига топшириб кетдим... Бахтимга ўша куни битта ҳам миршаб йўлиқмади. Эй-й, Содиқча, сан ҳали нимани кўрдинг-ку, ниманигта ишондинг, бузоқ бўғузлағандек қилиб бир-иккитани сўйган билан одам бўлдинг-қўйдингми? Гап билан бўлиб зангар кайф ҳам тарқаб кетди, қани, қуй-чи бир-иккини!

¹ Оқ танга (муал.).

² Кашал — чаток.

³ Ҳамин — ҳаммаек.

Ҳомид:

— Сизга қойилман, Мутал полвон, сизнинг шунақанги ишларингизни билиб юрганим учун ерга чақиришиб келдим-да!

Мутал:

— Шуни билган бўлсангиз бас, бу ишни менга топшириб қўяберинг!

Ҳомид:

— Содик айткандек дарбозадан киришни хоҳламайман, чунки мирабларнинг оёғ усти.

Мутал:

— Бўлмаса ҳавлининг орқасидан тушамиз!

Ҳомид:

— Орқаси ҳавлидир?

Жаннат опа:

— Қих, ҳалиги оти қурсин... Маликбойнинг майдони-да!

Ҳомид:

— Жуда яхши экан. Бўлмаса томиға шоти етармикин?

Жаннат опа:

— Қих, жуда балан.

Мутал:

— Балан бўлса, зарари йўқ, осони уйнинг тегидан тешамиз, қўямиз!

Ҳомид:

— Қийин бўлмасмикин?

Мутал:

— Ҳаммадан ҳам осони тешиш, мўлжалини яхши олсақ бас.

Ҳомид:

— Бир-икки соатда уни тешиб бўлармиди?

Мутал:

— Ўзи майдонми, ахир?

Жаннат:

— Майдон, қих.

Мутал:

— Яқинида одам йўқми?

Жаннат:

— Йўқ, қих.

Мутал:

— Балли, мўлжални олиб берсаларинг, эртадан бошлаб қазиганим бўлсин.

Ҳомид. Содик:

— Балли, раҳмат полвон!

Мажлиснинг сўзи шу ерга етканда Отабек ўрнидан туриб йўлакка кеди. Эшик занжирига қўлини олиб боргани ҳолда ўйланиб тўхтади ва эшикни очмай орқасига қайтди. Хароба уй орқалиқ уста Алимникига чиқиб айвон ёнида тўхтади, уларнинг хуррак ва пишиллашларига қаноат ҳосил эткач, оёғ уни билан йўлакка ўтди ва эшикни очиб чиқди...

* * *

Ўз оғзидан эшитканимиздек Содик уни, Ҳомиднинг таълимотича Қўқон дарбозасидан чиқариб то карvonларга қўшилиб олғунча таъқиб этиб борган эди. Отабек бу гаъқибни жуда яхши сезганликдан Содик йўлда қолғандан сўнг ҳам яна бир бекат олдинга борған ва иккинчи бекатдан йўлни чаплаб, Тошлоқ дарбозаси орқалиқ яна қайтиб Марғилонга кирган эди.

Уста Фарфининг Ҳомид ва ўзи тўғриларидағи мудҳиш ҳикоясини эшиткач, Марғилонда қолиш ва қайин отасиинг уйига бориб онглашиш ўрнига жуда ошиғичлиқ билан Марғилондан жўнаб кеткан бўлиб кўриниши албатта ўринсизга эмас эди. Чунки Комилбек ўлдирилган бир кунда Ҳомиднинг кўз ўнгида қолиши, билатуриб, ўз-ўзига қабр қазиш, қабргина эмас номусни барбод бериш ва қотиллик исмини олиб халқ олдида шарманда бўлиш бўлур эди, нучукким, биз юқорида Содик оғзидан эшитканимиздек Ҳомид бу тухматдан ҳам қайтmas ва ўз тухматини маҳкама олдида мантиқий равищда исбот ҳам қила олур эди. Мана ул шу мудҳиш, бошка тушмоғи аниқ турған ҳалокатнинг дафъи учун Марғилондан ошиғич чиқиб жўнаған эди. Орқасидан қилинған таъқибни пайқаши эса аввало бу унинг бир мулоҳазаси бўлған эди, иккинчи, отини эгарлар экан, девордан ўзига қараған бош билан бу мулоҳазасини чинга чиқишини билган эди. Учунчи, кўчада уста Алим билан хайрлашар экан, қўшнининг йўлагида кўринган киши кўлагаси яна таъқиб этилишини таъкидлаган эди.

Марғилондан иккинчи бекатка қўниб, чойхонада бир-икки чойдиш чой ичиб узоқ ўйлаған ва Марғилонға қайтиш қуруқ тухматка қолиш билан фарқсиз эканлигини яна бир қат тушинган эди эса-да, Ҳомидни майдонда музaffer ҳолда қолдириб кетишини ҳеч бир турлиқ юрагига сирдира олмаған, гайри расмий яшириниб бўлса ҳам Марғилонда туришқа ва туриб Ҳомиднинг мундан сўнгри режаларини ўрганишқа ва шунга қараб кураш бошлашға қарор берган, шом билан аср ораларида Марғилонға кирган эди. Келиб биринчи келишида тушкан саройга жойлашқан ва жойлашиб тинчий олмаған, яъни таъқибини бу кунданоқ бошлашға қарор берган. Ҳомиднинг ёмонлиқ корхонаси уста Алимнинг қўшнисиникида бўлғанлиғи учун ҳеч бир тарафдудисиз йўлни тўғрилаб Содикнига солған эдики, биз мундан кейинги гапларни юқорида кўриб ўтдик.

Уста Алимнинг эшигини очиб чиқғач, Содикнинг йўлагига қулоқ солиб фўнгир-ғўнгир келган товушни эшитди ва секин-секин йўла тушди.

Душман билан бетма-бет учрашмоқ куни белгуланганликдан ўзининг бу кунги кутилмаган муваффақияти тўғрисида ҳеч бир таажжуб-ланмас, фақат душанба кун кечаси билан мияси машғул эди. Душанба кун кечаси бир эмас, уч душман билан кураш тўғрисидағина ўйлар эди. Бу бирга уч масаласи бир оз унинг миясини қотирған; кишилар ёллаш, ҳукуматка билдириш, қутидорни хабардор қилиб қўйиш мулоҳазаларигача келиб еткан бўлса ҳам, аммо иззати нафси бу қўрқо-



лиққа тамоман зид турар эди. Бора-бора бу мулоҳазасини тамоман күнглидан чиқарып ташлади; на кишилар ёллайтурған, на хукуматка билдиратурған ва на кутидорни хабардор қилатурған бўлди. Чунки рақиб билан дилдорнинг уйи орқасида танҳо олишмоқ, ёр оёғи остида қонлик тупроққа қоришлоқ — унинг утун жуда лаззатлик ва шоирона туила бошлиған эди. Саройга кирар экан ўзича: — Ширин ўлим,— деб қўйди.

Гарчи кечаги тун «Хўжа Мъоз»ни тунаб уйқудан қолған эди, аммо узоқ вақт бу кунги гапларни ўйлаб ётди. Ул ухлаб кетар экан, ўзинигоҳ қонға беланиб ётқан ҳолда гоҳ Кумушни эркалаб турған ҳолда кўрар эди.

15. Душанба кун кечаси

Бу кунги кеч Отабек билан Ҳомиднинг ҳаёт ва мамот масалаларини ўзининг қора қучогига олган қоронги бир тун эди ва булардан қайси бирларининг сўнг соатлари етканлиги шу қоронги тун каби қоронги эди. Отабек бу икки ҳолдан табиъий бирисини бу соат ўзининг кўз ўнгидаги кўярар ва шунга ҳозирланар эди эса-да, аммо Ҳомиднинг ҳаёли фақат гулгина искар, гул сайрига ошиқинар эди...

Олти қарич кенглика бир узундан-узоқ, тор кўча, тор кўча бошида кичкинагина бир эшикча эди. Шом билан хуфтан ўртасида бу кўча бошига бир йигит келиб тўхтади-да, теварагига киши билмас қилиб разм солди. Кўчада ҳеч ким қолмаган, йўл оёғи босилған эди эса-да, ул узоққина қаршисидағи дарбоза ичларини, том устларини, девор рахналарини кузатди ва қаноат ҳосил этиб тор кўчага оҳиста-оҳиста йўл олди. Тор кўчанинг ярмисига еткач, тўсатдан орқасига қайрилиб қарди... Унинг ҳаракати бир нарсадан шубҳаланиб эмас, аммо орқадан душман таъқиби бўлмадими учун эди. Кичкина эшикча ёнига етканда тағин ҳалигидек орқасига қараб қўйди. Бир оз ўйлаб тўхтағач, эшикнинг ўнг томонидағи деворнинг бузук еридан секингина кўтарилиб майдонга мўралади. Эшикнинг қулф ва занжири бўлмай юзига ёпиқ ҳолда турған бўлса ҳам ул эшикка тақилмади, мащаққатланиб деворга минди. Ой шом еб яхшигина қоронги тушкан бўлса ҳам майдон ичининг дараҳтсизлиги учун тиккайган чўб ҳам ажратурлиқ эди. Майдонни кишидан холи билгач, секингина девордан ўзини майдонга олди.

Майдон икки таноб кенглика бўлиб, жануби қутидор ва қўшнисининг иморатлари орқасидан ва бошқа уч жиҳати ҳам шунга ўхшаш бинолардан иборат эди. Майдонга ёзда нимадир экилган, чуқур-чуқур жўяклар тортилған ва ер ёғмур билан ивиб, бўкиб оёқ кўтариб босишга имкон бермас, ҳар бир оёқ узранда уч чорак лой баробар кўтарилиур эди. Қийнала-қийнала майдоннинг жанубига ўтди. Унинг чап қўли томонида бир уйнинг орқа девори бир бўйра эни кесиб туширилган бўлиб қорайиб кўринар эди. Ул бу кесилган ўринни ўткан кун кечаси келиб кўриб кеткани учун қайтадан қараб турмади эса-да, лекин унинг бу бинора илтифотсиз қараши мумкин эмас эди. Бу теги кесилган бино Кумушнинг ўз уйи бўлиб, бу уй ичиде Отабекнинг саодатлик

кунларининг ширин хотиралари сақданар ва шу дақиқада ҳам унинг ҳаёт тираги бўлган Кумушбиби ўлтурар эди. Отабек кўзини тўлдириб биноға қаради, гўё бу қарашда ул дунё малаки билан видоълашар эди. Узоққина биноға қараб олғач, қўйниға қўл солиб бир ҳороз олди, хаёл ичида қорознинг тахларини тузиқлади-да, қайтариб яна қўйнига тиқди. Шундан сўнг биноға яна бир кўз ташлағач, майдоннинг кунботарига юриб, ўн беш адимлаб ҳалиги жойдан йироқлашди. Том шувоғига лой олинған зовур шекиллик ўринни кечаги келишида бикиниш учун белгулаб кеткан эди, келиб шунга тушди-да, кўлини чаккасига қўйиб ёни билан ётиб олди. Гарчи ости кесилган бино билан Отабек тушиб ётқан лойхона бир-бисрисига рўбарў эди. Аммо иморатларнинг кўлагаси ва кечанинг ўтacha қоронғилиғи орқасида лойхонада қиши бўлғанин пайқаш қийин эди.

* * *

Тун ярим бўлиб, оддинги ухлаганлар энди бир уйқуни олған эдилар. Майдон эшиги очилди. Бири орқасидан бири юриб икки кўлага майдонга кирди. Буни пайқаған Отабек ханжарини қинидан чиқариб қўлиға ушлағач, юз тубан ерга узанди... Икки кўлага сўэсизгина ости кесилган бино ёниға келиб тўхтадилар. Келгучиларнинг бири Содик ва иккинчиси Мутал эди. Тумшугини ерга тираб ётқан мушукдек бўлиб Отабек уларни кузатар эди.

Тўхтағач, шивирлаб Содик сўради:

— Тешилаёзганмикин?
— Озғина қолғандир, деб ўйлайман, негаки, пахсанинг энидан бир газ чамаси жой очилян!

Мутал товшини баралла қўйиб сўзлар эди, шунинг учун Содик деди:

— Товшингни секинроқ чиқарсанг-чи.

Мутал белидан тешасини олар экан, унга жавоб берди:

— Ҳали шундан ҳам қўрқасанми, балки ҳали ашуlamни ҳам айтиб юборарман!

— Жиннилиғингни қўй, Мутал ака. Мен ҳам ёнингда турайми?

— Турасанми, йўқми — ихтиёр ўзингда!

Мутал ковақка кириб ковлашкага тутинди.

— Тешани қаттиғ солма, — деди Содик.

— Менга ўргатма, ўзим биламан.

Содик Муталнинг эҳтиётсизлигидан қўрқди шекиллик, бир оз Муталнинг ишига қараб турғач, деди:

— Бўлмаса, мен эшик ёниға бориб турай, тешилди дегунча ҳуштак бер.

— Тузик, ҳали Ҳомид куявинг қаёғда қолди?

— Кўчанинг бошида пойлаб ўлтургандир. Ҳуштагингни эшиккач, уни ҳам чақирайми?

— Чакир, — деди Мутал ва шитир-шитир кесак тушира берди.

Содик эшиқдан чиқған ҳам эди, Отабек секингина бошини кўтар-

ди-да. Мутал сари шувий¹ бошлади. Мутал эса емирилиб тушкан кесакларни ташқарига суриш билан овора эди... Шу вақт унинг құлтуғи остидан узатылған құл ҳиқиқидогидан омбир каби сиқиб одди... Мутал күчлик эди, аммо Отабек ундан ҳам күчлик эди. Сапчиб ҳиқиқидорини ажратиш учун бўлған Муталнинг биринчи ҳаракати бўшка кетди-да, чап биқинига ўткир ханжар ғачча ботирилди... Аммо ул ҳамон бўша-лишига кучанар эди ва күчлик қўл баттарроқ уни сиқар эди. Уч дақиқа-лик курашдан сўнг Мутал бўшашибди, илгариги кучанишлардан қодди ва бир-икки дафъа тўлғаниб жимгина жон берди. Отабек эшик томондан кўзини узмағани ҳолда Мутални судраб ўзи биқинған лойхонаға олиб борди ва кўрқибқина ҳиқиқидокдан қўлинни одди. Муталнинг боши шилқ этиб лойхонаға тушди-да, мангалик уйқуга кетқанлиги маълум бўлди... Отабек битта-битта тешилган бино ёнига келиб эшик томонга ҳуштак берди, жавоб ҳуппаги эшитилгач, тешук ичига кириб ўлтурдид. Тешук-нинг юқорисидан бир оз туйнук очилган бўлғани учун ичкаридан қулоқقا енгилча пишилаш эшитилар эди... Содик яқин еткан эди, кесмадан узоғроқда туриб шивирлади:

— Тешдингми, Мутал?

— Тешдим, бери кел.

Содик кесма ёнига келиб энгашди. Энгашиши ҳамоно қўл ҳиқиқил-доққа тўғри келган эди ва ханжар қорнига ботирилган эди... Содик қўлидағи ханжарини бир-икки қайта солиб кўрса ҳам тегдириш учун кесманинг тубанлиги халал берди, лекин ўзи тетук эди. Отабек сапчиб кесмадан чиқди ва бор кучи билан Содикни босиб тушди... Босиб тушиши ҳамоно аллақайси ери ачишкандек сезилди... Сўл қўли Со-дикнинг ҳиқиқидорида, ханжарлик қўли Содикнинг ханжарлик қўлида эди... Бир оз кучини йиғиб олғач, ҳиқиқидокни бор кучи билан сиқа бошлади. Содик хириллар, шундай бўлса ҳам қўлидағи ханжарни бўшат-мас эди. Эшик томондан Ҳомид ҳам кўриниб қодди... Вақт танг келган эди... Содикнинг кўкрагини қочириб ханжарлик қўлинни бўшатди ва Содикнинг кўкрагига солди. Содикнинг ханжари бир-икки қайта унинг орқасига кучсиз-кучсиз келиб теккан эди. Ханжарини иккинчи уришда Содик бўшашибди ва қўлидан ханжари тушди.

— Ҳомид акангта жуда ҳам меҳрибон экансан, Содик! — деди босиб ётқан жойидан Отабек. — Жонингни ҳам унга курбон қылдинг!

Содик инганиб қўйди.

— Ким хириллайдир? — деди яқинлашиб келган Ҳомид.

— Тезроқ келинг, Ҳомид ака, Отабекни ўлдиридик! — деди шошиб Отабек.

— Аҳ! — деб юриб келди Ҳомид.

Отабек Содикни қолдириб, Ҳомиднинг ханжарлик қўлинни ушлаб одди:

— Мутал ўлди. Содик ҳам ўлим ёқасида. Энда сиз билан иккимиз-гина қолдик!

¹ Шувимоқ — эмакламоқ

Ҳомид қўлини бўшатишка тиришар экан, Отабек салмоққина қилиб деди:

— Ортиқча ошиқмангиз, Ҳомидбой, мен сизнинг ханжарлик қўлингизни бўшатаман ҳозир, аммо шунгача сиз билан икки оғиз сўзим бор!

Ҳомид ҳануз қўлини бўшатишка кучанар эди.

— Кучанмангиз, Ҳомидбой!

— Мард йигит бўлсанг, қўлимни қўй!

— Ошиқма, қўяман, — деди Отабек. Шу чоқда оёғ остида ётқан Содик кўтарилиб-кўтарилиб ўзини отмоқда эди. Отабек Содикдан нарироққа Ҳомидни бошлади. Ҳомид тифизлиқ билан сурилди. Ханжарлик қўли билан туйнукка ишорат қилиб, Отабек сўз бошлади:

— Сиз мендан ҳам яхшироқ биласизки, шу уйда сизни аллақанча машақдатларга солған, чексиз жониворлиқлар ишлаткан ва ҳисобсиз тиллалар тўқдирган, ниҳоят, шу дақиқага келтириб тўхтатқан бирав ухлайдир. Агарда сизнинг маним тилимдан ёзиб берган талоқ ҳатингиз ауруст ҳисобланмаса, бу ухлагучи маним ҳалол рафиқам бўлиб, икки йилдан бери мен ҳам унинг кўйида¹ саргардонман. Демак, сиз билан манинг орамизда шу бирав учун кураш борадир. Лекин сиз шу чоққача маним устимдан муваффақият қозониб келдингиз: қора чопончи, деб дор остиларигача олиб бордингиз, Мусулмонқул қўлига топширдингиз, бу ишларингиз фойдасиз чиқғач, исмимдан талоқнома ёзиб, икки йиллаб рафиқамдан айириб туришка муваффақ бўлдингиз, бу орада гуноҳсиз бир йигитни ҳам ўлдирдингиз. Ниҳоят, ўғрилиқ йўлига тушиб икки йигитингизни маним қўлимда ҳалок қилдингиз.. Энди менга жавоб берингиз-чи: бу ёмонлиқларингизда сиз ҳақдими эдингиз?

— Ҳақдими эдим! — деди Ҳомид ва силтаб ханжарлик қўлини бўшатиб чалқанча йиқилди. Ул қўлини бўшатқан чоқдаёқ Отабек ишини тўғрилаған, яъни Ҳомиднинг қорнини шир этдириб ёриб юборған эди. Ҳомид ҳолсизланиб ётар экан, уни беш қадам наридан кузатиб тек тургучи Отабек заҳарханда ичиде «ҳақдими эдинг?» деб сўради. Кучаниб «ҳақдими эдим!» деди Ҳомид ва қўлидағи ханжарни Отабекка отди, ханжар Отабекнинг ёнига келиб тушди...

Отабек күшхона ўриидан эшикка қараб қўзғалған эди, Ҳомиддан беш-олти қадам нарида ётқан Содикнинг «ҳммм» деган товши эшистиди. Отабек кўнгли алланучкалангани ҳолда майдондан чиқди...

16. Ўзни танитиш

Эртаси кун бутун Марғилон деярлик Маликбойнинг майдонида воқиъ бўлған ишқа жуда ҳайрон эди:

— Мутал билан Содик бўлса шаҳарнинг томтешар йигитларидан, улар қутидорникига ўғрилиқ учун борған бўлсалар борғандирлар... Лекин шаҳарнинг катта бойларидан ҳисобланған Ҳомиднинг иши қизик. Ҳайр, Ҳомиднинг ўғрилиқ ҳунари ҳам бор бўлсин, буларни ким ўлдир-

¹ Кўй — йўл, ишқ, муҳаббат.

ган? Қутидор бўлса эрталаб уйқудан турвач, бу ҳангамани билибдир, жуда ажойиб!

* * *

Кун чошкоҳга етканда Отабек сарой дарбозасидан чиқди. Ул ўзининг сўл қўлини дока билан ўраб борлаған ва кўкрагига кўтариб ушлаган эди. Кеча Ҳомид ханжарлик қўлини силтаб тортқанда, ханжар унинг бош бармоғи орасини суюкка еткунча шипириб кеткан эди. Унинг оёғ олишида ҳам бир оз оқсоқланиш сезилар эди.

Саройдан анча узоқлашкан эди, қаршидан ўзига қараб келгучи Раҳматни кўрди ва чор-ночор сўрашмоққа тўғри келди:

— Ҳа, мулла Раҳмат, саломатмисиз?

Раҳмат ошиқибина унинг билан кўришди:

— Қачон келдингиз, бек ака?

— Келганимга бир-икки кун бўлди... Нега хафа кўринасиз, мулла Раҳмат?

Раҳмат уфлаб олди.

— Эйй, бек ака, бизнинг бошка тушканни душманингизга ҳам кўрсатмасин!

Отабек ажабсиниши тузи кўрсатиб сўради:

— Нима бўлди, уй-ичингиз билан саломатмисиз?

— Ўзингиз биласиз, бултур падар марҳум бўлған эдилар, бу кун яна бошимизга ўлим тушатурған бўлиб қолди, тоғам Ҳомидни аллакимлар чавоғлаб кетибдирлар.

Отабек кўзини олалантирган бўлди:

— Қаерда, кимлар, яраси қўрқунч эмасми?

Раҳмат воқиъани қаерда бўлғанлигини сўзлаб турмади:

— Яраси ёмон, ҳушсиз ҳолда ҳиқиллаб ётибдир. Қорнини тиқдирмакчи бўлған эдим, жарроҳ бўлмайдир, деди.

— Чавоғлагучини айтмадими?

— Тил бўлса айтади да, — деди Раҳмат, — ул йиқилиб ётқан жойда яна икки йигитнинг ўлуги бор экан... Шулардан зарб олғанми деб ўйлайман.

— Худо шифо берсин! — деди Отабек.

Ажралишдилар.

Отабек уста Алимнинг кўчасига бурилғач, Содиқ эшигида уч-тўртта бел борлаған кишиларнинг тобут ясаш билан машғул кўриб тинчсизланниб кетди. Уста Алимнинг йўлагига кирав экан, Жаннат опа билан яна бир хотиннинг йиғи товушларини эшилди...

Жанозага таҳорат олиш учун обдаста ёнига ўлтурган уста Алим Тошканд жўнаб кеткан Шокирбекни орадан уч-тўрт кун ўтмай қайтиб келишига ажабсинган эди:

— Келинг-келинг, Шокирбек... Тошканд жўнамағанми эдингиз?

Отабек айвоннинг одигига ўлтурасар экан, кулди:

— Тошканга бориб келдим...

Уста Алим унинг ҳазилини фаҳмлади да, таҳорат ола-ола қизик воқиъядан сўз очди:

— Марғилоңдан кетмаган бўлсангиз, ўзингиз ҳам эшиткандирсиз, Шокирбек, сиз билан менга таржимаи ҳоллари маълум бўлған Ҳомид билан Содиқни ва тагин Мутал деган яна бир йигитни Мирзакарим аканинг ҳавлиси орқасида ўлдириб кетибдирлар. Ёмонлар ўз жазала-рини топибдирлар.

— Эшитдим, — деди Отабек ва тагин кулиб қўйди.

Уста Алим унинг бу кулгисига эътибор қилмаған эди, сўзида давом этиб сўради:

— Сиз буларни ким ўлдирган деб ўйлайсиз?

— Сиз-чи? — деди Отабек ва тагин илжайиб қўйди.

— Менга қолса, — деди уста Алим, — ўлдиргучи албатта Мирзакарим аканинг куяви Отабекдир.. зап иш қилған-да, мен унга қойилман. Мен унинг Ўтаббой қушбегига қилған муомаласини эшишиб, юрагига бали деган эдим... зап йигит экан-да!

Отабек ўнғайсизланиб кетди. Уста Алим юз-кўзини артиб Отабек-нинг қўлини олиб кўришмакчи бўлған эди, кўзи ўралған докага тушди:

— Қўлингизга нима қилди, Шокирбек?

— Пичоқ кесиб кетди...

— Ёмон кесдими?

— Сал.

Уста Алим Отабекнинг ёнига ўлтурди ва:

— Нега Тошканд жўнамадингиз, бирарта монеъ чиқиб қолдими? — деб сўради.

— Монеъ чиқиб қолди...

— Қандай монеъ? — деди уста.

— Монеъми? — деди Отабек ва кулимсираб: — Мен сизга бир катта гуноҳ қилиб кеткан эдим... Йўлда боратуриб гуноҳимдан ўкиндинг-да, сизга тавба қилғали Қўқондан қайдим... Агар сиз гуноҳимни кечирсангиз, мен шу дақиқада Тошканд жўнайман.

Уста Алим ажабланиб Отабекка қаради:

— Ҳазиллашасиз...

— Ҳазиллашмайман, агар сиз кечиратурган бўлсангиз, гуноҳимни ҳам ҳозир икрор қиласман.

Уста Алим кулимсираб сўради:

— Қани икрор қилингиз бўлмаса.

— Илгари кечиришка ваъда бериб қўйингиз.

— Менга қолса сизнинг ҳеч гуноҳингиз йўқ... Менга номаълум гуноҳингиз бўлса кечирдим.

— Раҳмат, — деди Отабек ва сўради: — Мен ким?

— Сизми, сиз Шокирбек!

Отабек уят аралаш кулиб қўйиб деди:

— Ана уста, маним борлик гуноҳим сизнинг шу кунгача мени Шокирбек, деб билишингиздагина!

— Бўлмаса, сиз ким?

— Гуноҳимни кечиргансиз-а?

— Кечирганман.

— Мен сиз билган Шокирбек эмас, тошкандлик Юсуфбек ҳожининг ўғли ва марғилонлик Мирзакарим аканинг куяви — Отабек!

Уста Алим бир оз ўзини кейинга ташлади ва кўзига жиқ ёш чиқари.

— Сиз-а? — деди. Келиб Отабекни қучоқлади... Бу фавқулодда ҳолга тушуна олмай қолган Сайфи ишини тұхтатиб дүконхонадан қараб турады. Уста йиғлаған ҳолда Отабекни қучоқлаб ўпди-да, айвонга кўрпача сола бошлади.

— Нима қилмоқчи бўласиз, уста? — деб Отабек сўради.

— Мен ўзимнинг янги меҳмонимни кўрпачага ўтқузмоқчи бўламан, — деди кулиб уста Алим.

— Мен сизнинг кўрпачангизга қўб ўлтурғанман, энди менга ортиқча такаллуғингизнинг ҳожати йўқ.

— Тўғри сўзламайсиз, Отабек, бу кунгача маним кўрпачамда ўлтурғиб юрган Шокирбек отлиқ бир йигит эди. Энди мен ўзимнинг янги меҳмоним бўлған Отабекни сийламоқчи бўламан... Қани, Отабек, кўрпачага чиқингиз!

Отабек устанинг латифасига кулди-да, кўрпачага чиқиб ўлтурди. Бу вақт Жаннат опанинг «шаҳид ўлган болам» деб йиғлаған товши эшитилди-да, Отабек гуноҳкор бир юз билан уста Алимга қаради. Ул эса Отабекнинг бу қарашидари маънони сезган эди:

— Зап қильсанлиз, Отабек, — деди уста, — ёмонларнинг жазоси шундай бўладир... Ёнингизда кишиларингиз бор эдими?

— Йўқ.

Уста Алим Отабекка тушуна олмай қараб турғач, сўради:

— Уч душманга қарши ёғиз ўзингиз?

— Ёғиз ўзим! Худо ёмонга жазо бературган бўлса, шундоқ бўлар экан.

Уста Алим тамом ажабда қолған эди:

— Субҳоноллоҳ! Қандай юрагингиз бор экан, Отабек! Қўлингиздан бошқа ерингизда жароҳат йўқми?

— Йўқ. Бўксам устига бир оз ханжар учи тегиб ўткан бўлса ҳам аҳамиятсиз.

— Худога шукур, Отабек! Сизнинг бу ишингиздан қайин отангизнинг хабари бор эдими?

— Йўқ эди. Бу ишни ҳозирғача бир ўзим ва бир тангри билди. Энди бу сирни билгучиларнинг учунчиси сиз бўлдингиз!

— Астагфируллоҳ! — деб қўйди уста Алим. — Рақибингиз Ҳомидни биринчи мартаба уста Фарғи орқалиқ танингизимизми?

— Биринчи мартаба танишим, — деди уфлаб олиб Отабек, — бунга ҳам сизнинг билан бўлған ошналиғим кўмак берганлиқдан сизга миннадорлик қилишдан ожиздирман.

— Сизнинг ақлар ишонмаслиқ қаҳрамонлиингизга юрагим қинидан чиқиш даражасига етди! Отабек Ҳомиднинг бу кейинги режасини қаердан билдингиз?

Отабек кулди.

— Худога шукурлар бўлсунки, маним тортқан оҳларимни қуруққа юбормай, кутмаган ердан сирни билдириди. Мен сизга ҳикоямни бошидан сўзлаб берайми ва ё Ҳомиднинг режасини билишимнигинами?

— Бошидан сўзлангиз, Отабек! — деди ҳовлиқиб уста Алим ва иш тўқиши ила машғул Сайфини савзи тўғрашқа буюорди.

Уста Алимни ҳикоя тингламак учун ҳозирланған кўргач, Отабек деди:

— Таҳоратнинг сабаби ёдингиздан кўтарилиди шекиллик!

— Кўтарилгани йўқ, Отабек, ёмоннинг жанозасидан яхшининг ҳикояси фойдалик кўринадир... Қани, сўздан келинг!

Отабек ўзининг чин дўстига биринчи марта Марғилон келишидан тортиб ҳикоясини сўзлаб кетди. Унинг уч йил ичида бошидан ўтканлари бир соатлик вақтга чўзилиб, Сайфи ошни сузуб келганда йўлда учрашсан Раҳмат билан ҳикоясини тугатди. Уста Алим Отабекнинг елкасига қоқиб дер эрди: — Сизда чин юрак бор, дўстим. Бу юракингиз билан ҳеч вақт дард қолмайсиз, Отабек! Аммо мендан чин исмингизни яшириб келганингиз учун сизни айблай олмайман. Бироқ жумъя кун кечаси Ҳомид изидан маним ҳавлимга кириб-да, менга ўзингизни билдирамай кетканингизга хафа бўламан, худой кўрсатмасин бир фалокат юз берганда нима бўлар эди?

Ошдан сўнг уста Алим шундай фотиҳа ўқуди:

— Душманларингизнинг йўқ бўлганлари чин бўлсин, суйганингиз билан энди масъуд яшанг!

Отабек ташаккур этди. Тағин бир оз чой ичиб сўзлашқандан сўнг, Отабек дафтаридан иккита хат чиқариб деди:

— Сизга оғир келмаса, бир хизмат топширмоқчиман, уста!

— Буюрингиз!

Отабек қўлидари хатларни узатиб:

— Мен шу соатнинг ичида Тошканд жўнашға мажбурман. Шунинг учун сиз бу хатларни қайнин отамникига ўз қўлингиз билан элтиб берасиз.

Уста унинг бу галига тушинаолмай қолди:

— Нега энди Тошканд жўнайсиз, ўзингиз...

— Ўзимга мумкин эмас, чунки... икки томонға ҳам ўнграйсиз. Мен ҳозир кетишкага мажбурман, балки ўзингиз ҳам онгларсиз.

— Онгладим, — деди уста ва: — гап-сўз босилаёзғач, келмакчими-сиз?

— Балки... — деб тўхтади Отабек, — хатларнинг бириси қайнин отамға, иккинчиси унга, — деди.

— Хўб.

— Қайнин отамға ёзғаним қисқа бўлғани учун сиз унга мендан эшитканларингизни сўзлаб қондирасиз. Кутидор билан ишингизни тутатиб қайтишингизда унинг хатини берарсиз, тузиқми?

— Маъқул.

— Учрашқанингиз тўғрисида менга маълумот ёсангиз, тағин миннатдор қиласар эдингиз...

— Баш устига.

Шундан сўнг иккиси қучоқлашиб кўришкач, видоълашдилар.

Отабек эшиқдан чиқғанда Содиқни кўмиб келган қишилар қуръон ўқуб тарқалмоқда эдилар.

17. Хайриҳоҳ қотил

Миршаблар томонидан қўрбоши маҳкамасига сўроққа олиб кетилган қутидор қайтиб йўлакдан кириши билан минг хил ташвища ўлтургучи Офтоб ойим билан Кумушка қайтиб жон кирган каби бўлди. Кумуш отасининг олдига қанот ёзған каби югуриб, унинг соқолини силар экан, сўради:

— Сизга зарар бермадиларми, отажон?

— Йўқ, қизим.

Офтоб ойим эрининг бу сўзини эшитиши билан Хўжа Баҳоваддин йўлиға ўтуриб қўйған етти танга пулинни Тўйбекага бериб, дарров эшонникига жўнатди ва шундан сўнг эридан сўради:

— Сизга айб қўя олмадиларми?

— Худойға шукур, оқландим, — деди қутидор. — Чиндан ҳам менда қандай айб бўлсунки, ўзимиз ҳам бу ҳангамани уйқудан туриб пайқаған бўлсақ. Уйимиз остини ёмонлар тешкан бўлсалар ҳам аммо киши сифаслиқ бўлғанлиги мени оқдиқда чиқарди. Лекин киши сигатурған бўлиб тешилганда ҳам мени айблай олмас эдилар, зероки, уйимиз остини тешкан муттаҳамлар албатта яхши ният билан тешмаган бўлиб, молимиз ва жонимиз қасдида эканликлари маълум эди. Башарти қотил мен бўлиб кўринганимда ҳам молим ва жоним қўруғида ўғриларни ўлдирганлигим учун яна гуноҳкор бўлмас эдим. Ҳарҳолда бу фожиъа бизга зарарсиз бўлиб ўтдиким, бунинг учун ҳак таолога қанча шукур қиласақ ҳам оздир, — деди ва айвонға чиқиб танчага ўлтурғач, Кумушдан сўради: — Ачанг келмадими?

Офтоб ойим жавоб берди:

— Қаттиғ оғриб қолибdir, — ва сўради: — Кимлар ўлдириб кетканни била олмадингизми?

Қутидор ажабсиниб хотинига қаради:

— Қизиқ сўз айтасан-а! — деди. — Бу ишқа бутун шаҳар ҳайрон. Қилни қирққа ёрадирған донолар ҳам бир нарса тўқуй олмайдирлар... Аммо маним кўнглимга келадиргани шулки, бизнинг молимизга кўз олайтурған ўғрилар беш-олти киши бўлиб, уйни тешаёзған вактларида ораларига низо тушиб, бир-бирлари билан пичоқлашқан бўлсалар кепрак.

Кумуш отасининг бу кашфига қарши тушди.

— Бу галингиз тўғри эмас, ота, — деди.

— Нега тўғри эмас?

— Негаки, бир-биравларини ўлдиришиб, бизга зарар бермасдан қуруққина кетмас эдилар.

— Тонг отиб қолғандир ёки улар ҳам ҳолдан тойғандирлар, — деб жавоб берди қутидор.

— Бу орада Ҳомиқ нима қилиб юрибдир, ўзига тузиккина бой киши эмасми эди? — деди Офтоб ойим, бу вақт Кумуш секингингина онасига қараб олған эди.

— Ҳомиқ тийнати бузук бир йигит эди, — деб жавоб берди қутидор — Эҳтимолки, унинг топқан давлати ўғрилиқ орқасидадир, кишининг давлатига қараб ҳукм юрутиш қийин.

— Худойимдан ўргулайки, — деди Кумуш энтикиб ва даҳшатланыб, — ёмонларнинг жазасини ўзи берган. Ўғрилар тешиб олдимға чиқғанларида мен нима қилас эдим? Ох, отажон! Мен ажалимдан беш кун бурун ўлар эдим. Қизингиздан ажралур эдингиз!.. Мени ғафлат уйқуси босмаған бўлса, нега бир газлик пахсани кесар эмишлар ва бошимдан туйнук очар эмишлар-да, мен ҳеч нарса сезмас эмишман

Офтоб ойим бошини чайқаб:

— Шуни айт, қизим! — деди.

Қутидор:

— Худонинг қандай ҳикматлари бордирким, шу кеча-кундузларда бизнинг теварагимизда қонли воқиъалар кўрила бошлиди: бу кун никоҳ деганимизда Комилбекни ҳаммомда ўлдириб кетдилар (Кумушбиби юзида бир енгиллик кўрилди), кеча уйимиз орқасида бир эмас, уч киши ўлдирилдилар. Худо охирини баҳайр қилсин энди...

— Иншоollox, ишнинг охири хайрлиқdir, отажон,— деди Кумуш, — чунки бизнинг молимиға кўз олайтириб ёмон ният билан уйимиз орқасини тешкучиларни ер билан яксон этдириши истиқболимизнинг хайрлик фолларидандир, отажон!

— Тўғри айтасан, қизим, — деди қутидор.

Кумуш ўзининг қўнгуроқдек товши билан давом этди:

— Бу мақтуллар² кимлар бўлса бўлсин, бизнинг уйимиз орқасига яхши ният билан келгучи кишилар эмас ва буларни тупроққа қориш-дирғучи ҳам бизга хайриҳо, бўлған қотил ва ё қотиллардир... Бизга мунча яхшилиқ қилған киши ким бўлса ҳам худо ажрини³ берсин! — деди.

Қутидор қизининг сўзини кучлаб тушди.

— Бизга ёмон ният билан қараган бўлсалар, худо жазоларини берди. Бизга хайриҳо, бўлғанларнинг ҳам хайри жазоларини берар, — деди.

Кумушбиби бу қўрқунч уйда ёта олмаслирини билдиргани учун Офтоб ойим Тўйбекадан Кумушнинг буюмларини иккинчи уйга ташита бошлиди. Қутидор эса бутун кун меҳмонхонасига келиб-кетиб турған кўнгил сўрагучи ошна, ёр-дўстлари билан овора бўлди.

* * *

Шомдан сўнг қутидор эндиғина меҳмонлардан бўшаб ичкарига кирган эди, меҳмонхона йигиштириб қолған Тўйбека қутидор ёнига келиб деди:

Тийнат — хулқ, феъл.

² Мақтул — ўлдирилган, қата қилинган.

³ Ажр — эваз, мукофот, қайтарик.

- Сизни бир киши чақирадир.
 - Қанақа киши, танидингми?
 - Танимадим.
- Кутидор эринибгина ташқарига чиқди-да, меҳмонхонада ўлтурғучи таниш бўлмаган киши билан совуққина кўришиб сўради:
- Хизмат?
 - Уста Алим қутидорға кулимсираб олғач:
 - Рухсатсиз меҳмонхонангизга кирганим учун кечирасиз, — деди.
 - Айби йўқ, мулла, — деди қутидор ва қаршима-қарши ўлтуришдилар.

— Ёмонлар суюқасдидан саломат қутилишингиз муборак бўлсин!

— Тангрига қуллик бўлсин! — деди қутидор. Меҳмонхона қорониланиб кеткани учун ҳавли супириб турғучи Тўйбекага даричадан туриб буюрди: — Шамъ ёқиб чик, Тўйбека!

Шамъ чиқшинини куткандек уста Алим бошини қуий солиб ўлтурар эди. Қутидор «нима юмишинг бор менда» дегандек қилиб унга савол назари билан кўз ташлар ва қуръон тингловчи кишидек бўлиб ўлтурғучи мажҳул кишидан таажжубланар эди. Ниҳоят, шамъ келиб тоқчага кўндирилғач, уста Алим муроқабадан¹ бошини кўтариб қутидорға қаради:

— Мендан таажжубландингиз, — деди ва қўйнидан мактубларни чиқариб биттасини қутидорға узатди, — мендан ҳам бу мактуб ажиброқдир. — деб кулади. Қутидор хатнинг унвонига кўз югиритириб чиқғач, уста Алим айткандек таажжуб ичида хатни очди.. Үқуб битиргач, ул даҳшат ва таажжуб ичида тошдек қотиб қолған эди... Агарда унинг ёнида уста Алим бўлмаганда эди, эҳтимол ул қай вақтларғача серрайиб қолар эди.

— Жон ва оиласинг душмани бўлған бир бадбаҳт энди ўз қилмисшининг жазосини кўрди, буродарим Отабек уларнинг totиқларини хўб боблаб берди, — деди уста Алим ва давом этди: — Шунинг билан сизнинг нажиб² оиласинг даҳшатлик фожитъа даврларини кечириб, энди мастьуд кунлар арафасига етди. Хатни ўқуб сизнинг даҳшатланишингиз эмас, кувонишишингиз, душманингизнинг юз тубан қилғани учун ҳақ таолоға шукур айтишишингиз керақдир!

Кутидор ҳушини бошига йигаёзди ва уфлаб тин олғач, ҳаяжон ичида сўради:

— Мен билан Отабекни қаматдирған ва дор ослариға юборсан Ҳомидми?

— Ҳомид.

— Талоқ хати ёзгучи Отабек эмасми?

— Ҳошо ва калло³, Отабек мундай гапдан хабарсиз. Унинг отидан талоқ хати ёзгучи ҳам шу бадбаҳт Ҳомид.

Мундан сўнг қутидор туриб ичкарига югурди, ярим йўлданоқ танчада ўлтурғучи Офтоб ойим билан Кумушка қичқирди:

¹ Муроқаба — муроҳада қилиш.

² Нажиб — улув.

³ Ҳошо ва калло — шаксиз, шубҳасиз.



— Сир очилди!

Иккиси ҳам сараб қутидорға қарадилар-да, бирдан сұрадилар:

— Нима, қандаи сир?

Қутидор танчага бориб ўлтурмади-да, айвон пешонасидан туриб, құлдығы хатни юқори товуш билан ўқуб чиқди:

«Мұхтарам қайн отамизға!

Сиз билан мени қоронғи зинденларға түшириб, дөр осталарғача тортыкан, бунинг ила ўзининг вахшиёна тилагига етпа олмағандан кейин маним тилимдан сохта талоқ хати ёзиб дарбоза ёнидан ҳайдаттиришка муваффақ бўлған ва бир гуноҳсизни шаҳид эткан Ҳомид исмлик бир тўнгузни ниҳоят, икки йиллик саргардонлигим сўнгига ёрдамчилари билан тупроққа қориширишга муваффақ бўлдим... Сизнинг шонли ҳавлингиз ёнида воқиъ бўлған бу кураш албатта сизни ва уй-ичининг ҳам ёр-дўстларингиши анчагина тинчсизликка қўйған бўлса керак. На чораки, ёмонларни сизнинг ҳавлингиз орқасига рафиқам қасдига бўлғанлари пайтида учратишга тўғри келди ва мен бу ишга мажбур қолдим. Бунинг учун албатта мени кечирарсиз умидидаман. Фақат сизнинг тинчсизланишингиши ва мардумнинг юқори-қўйи сўзи бўлмаса сизга бошқа зарар бўлур, деб ўйлай олмайман. Сиздан бу улуғ гуноҳим учун афв сўраб, ҳайдалған ўғлингиз Отабек Юсуфбек ҳожи ӯғли».

Аммо қутидор «ҳайдалған» сўзини ташлаб ўқуди Мактуб ўқулиб битканда Офтоб ойим, айниқса, Кумуш қутидорнинг бояға ҳолига тушган эдилар. Кумушнинг бу дақиқадаги ҳолини қалам билан чизиб курсатиш албатта мумкин эмас эди. Ул титрар эди, кўкарап эди, тўлғанар эди... Ҳозирги энг кучлик ҳиссиётини ҳиссиётнинг аъло ифодачиси бўлған ёш билан тўкар эди.

Қутидор ўз томонидан ҳам изоҳ бериб чиқди:

— Мен билан Отабекни қаматиб дөр остиға юборгучи, Отабек тилидан сохта талоқ хати ёзиб бир-биримиздан жудо эткучи, Комилбекни ўлдиргучи, уйимиз орқасини тешиб Кумуш қасдида бўлғучи — ҳаммаси ҳам шу баттол Ҳомид экан... Аммо бадбахтни икки кишиси билан тупроққа қоришибириб кеткучи Отабек экан!

Офтоб ойим титраган товуш билан:

— Уятсиз Ҳомид, — деди.

Кумушбиби:

— Бечора бегим, — деб қўйди.

Учави ҳам юракни тўхтатиб олиш учун анчагача жим қолдилар.

— Ўзи эсонмикин? — деб сўради охирда Кумуш.

— Хатира қарағанда соғ, — деди қутидор.

Офтоб ойим сўради:

— Ўзи қаерда эмиш, хатни сизга ким келтурди?

Бу саволдан қутидорнинг эсига меҳмонхонада ўлтурган уста Алим тушкан эди. Ўрнидан иргиб турди-да, хотинига жавоб бермасдан ташқарисига чиқди. Ул уста Алимнинг қаршиисига ўлтурганда, меҳмонхонанинг юқори даричаси остиға Офтоб ойим билан Кумуш хат келтиргучининг сўзини эшлиши учун келиб тўхтаған эдилар.



Кутидор уэр айтди:

— Келтурган хабарингиз таъсирида сизни унугаёзибман...

— Мен буни пайқадим, — деди уста Алим кулиб, — шу йусунда маккор Ҳомиднинг иблисона дасисаси¹ бир оиласи тамом ишдан чиқареэланким, бу турида айниқса сизга сўзлаш ортиқчадир. Аммо арслон юраклик Отабек ҳам бадбахтни шундоғ янчиб ташладиким, бу жуда оз кишилар қўлидан келатурган ишдир.

— Ўриларни ўлдирганда Отабекнинг ёнида неча кишиси бўлган? — деб сўради кутидор.

Уста кулди:

— Отабекнинг танҳо ўзи! — деди.

— Уч кишига танҳо ўзи? — қутидор ишонмаған эди.

— Азаматнинг ёлғиз ўзи! — деб уста Алим илгариги сўзини қайталади.

— Астагфируллоҳ... Нега менга бу тўрида хабар бермаган?

— Сизга хабар бериб ўлтуришни йигитлик отиға эб билмай, ҳатто менга ҳам бир нарса сездирамаган. Мен ҳали бу нуқсони учун айбласам: «Мен ўзимнинг ашаддий душманим билан танҳо курашиб ё жон бермакка ва ё жон олмоққа қарор берган здим. Шунинг учун ҳеч кимга ҳам билдирамадим», дейдир.

Кутидор бир томондан даҳшатка тушса, иккинчи жиҳатдан Отабекнинг дав юрагига ҳайрон қолар эди.

— Ўзига жароҳат олмағанми? — деб сўради кутидор.

— Бўксаси билан қўлидан яраланған бўлса ҳам заарсиздир.

Уста Алим қутидорнинг баъзи бир эътирозларига қарши Отабекнинг қутидор томонидан қувланғанидан тортиб, шундан бери Марғилонға етти-саккиз мартаба келиб кетканини, ҳар бир келишида ўзининг уиига келиб тушканини ва қалин ўртоқ бўлиб олғанларини, шундоқ бўлса ҳам Отабекнинг ўзидан чин исмини яшириб юрганини, жумъя куни уста Фарғидан биринчи мартаба ўз рақибини танишини, ниҳоят бу кунгина унга чин исмини очқанини сўзлаб чиқди.

— Талоқ, ҳати-ку сохта экан, — деди кутидор. — нега бизникига бир келгани билан қайтиб келмади экан?

— Чунки унинг сўзига қараганда, сиз уни оғирроқ тариқа билан дарбозангиз ёнидан жўнатқан экансиз, — деб изоҳлади уста. — Тошканндан уйланишида сизнинг билғеъл бош қўшишингизни фақат қизингизни ундан чиқариб олиш учун қурилған бир ҳийла экан, деб ўллаб, қайтиб эшикингизга оёқ босмаган, ҳатто хотинини қозигча чакириш тўгрисида фикри бўлса ҳам, сиз билан учрашишдан қочиб бу фикридан ҳам қайтқан, яъни сизнинг қизингиз бўлғани учун суйган хотинидан ҳам кечмакка қарор берган.

Кутидор ҳали ҳам Отабекнинг руҳига тушуна олмаган эди:

— Мендан ўзи хафа бўлған бўлса, орага киши қўйса ҳам бўлар эди.

— Шундоғ қылса ҳам бўлар эди, — деди кулиб уста Алим, — мен

¹ Дасиса — макр. ҳийла, найранг.

ҳали ундан шундай деб сўрасам, «Ўзимга ишонмаған киши киши сўзи-га киравмиди, деб ўйладим», дейдир. Кувингизнинг қизиқ табиъатини шундан ҳам яхши билиб олсангиз бўладирким, шу чоққача ота-онала-ри ҳам бу фожиъадан хабарсиз эканлар.

— Қизиқ йигит, — деди қутидор, — мендан ҳам катта нодонлик ўткан.

— Ҳаммаси ҳам тақдирнинг иши, амак, бу орада сиз билан маним ҳеч бир ихтиёrimiz йўқ.

— Албатта йўқ, — деди қутидор ва сўради: — Ўзи сизниқидами?

— Бу кун пешинда Тошканд жўнаб кетди.

Қутидор тушуна олмаған эди:

— Нега-нега? — деб сўради.

— Нега... сабабини мен ҳам яхши тушуна олмадим.

— Қайтиб келадирган вақтини айткандир?

— Бу тўғрини сўраган эдим, муҳмалроқ жавоб берди,— деди уста ва ёнини ковлаб хатни олди. — Бу хат каримангизга бўлса керак, энди менга рұксат, — деди ва фотиҳа ўқуб ўрнидан қўзғалди.

— Мен сизга дастурхон ёздиришни ҳам унугтқанман, қўзғалмангиз!

— Раҳмат, амак, ҳозирча мени кечириб турасиз, аммо бапиржа каттароқ зиёфатни унугмайсиз, — деб кулди уста Алим. Қутидор уни қўчагача кузатиб чиқди.

Кумушбиби дарича орқасидан ҳамма гапни эшитиб олған ва ҳис-сиётини юм-юм йирлаб ўткарган эди.

* * *

Офтоб ойим Кумуш билан бошлишиб ичкарига кирап экан, сўради:

— Ҳомиднинг ёмонлигини бизга улашдириб юрган пучук хотин-нинг шумлиги ўз бошига етиб, ўлганларнинг биттаси ўшанинг ўғли экан, билдингми?

— Ўлганидан менга нима фойда, — деди Кумуш.

Офтоб ойим қизига ажабланган эди.

— Фойдасини кўриб турибсан-ку, ахир.

— Фойдаси Тошкандга кетиб қолғаними?

— Кетиб қолған бўлса, тарин бир кун келар.

— Келмайди, — деди ўқсиб Кумуш, — унинг ҳамма ҳаракати душманидан учини олиш учун экан.

— Ким айтди санга?

— Хат олиб келганинг сўзидан пайқадим.

Офтоб ойим кулди:

— Эринг сани ташлаб кетмас, қўрқма, қизим, — деди, — санинг бошининг тикилган бу балоларни ўзининг ширин жонидан кечиб дафъ қилган Отабек, сени сира ҳам унутмас, санга ёзган хатини отангдан олиб ўқуб кўр-чи олдин.

Кумушбиби йигидан қизарған кўзини катта очиб сўради:

— Менга хат ёзғанми?

— Ҳалиги киши санга атаб дадангга бир хат берди-ку, билмадингми?

Билмадим, — деди. Чунки ул уста Алимнинг «муҳмал жавоб берди» сўзини эшиткач, тамоман ўзини унутиб, берилган хатни пайқамай қолған эди.

Икки йилдан бери суратини кўз ўнгидан кеткуза олмаған, Отабек-нинг юзини кўралмай, сўзини эшита олмаса ҳам ёзған хатини ўкуб эшитиш Кумуш учун катта қийматка молик эди. Отасининг йўлақдан кириши билан латиф кўкраги кучлик тин олиш или кўтарилиб ташланди-да, гўё Отабек билан учрашатурғандек юраги ўйнамоққа бошлади. Кутидор келиб танчага ўлтурғач, ўзига «амонатни топширинг» деган каби қараб турған Кумушка хатни узатди:

— Санга хат.

Кумушбиби уялиб-нетиб турмади ва кимдан, деб ҳам сўраб ўлтурмади, даррав тоқчада ёниб турған шамъ ёнига бориб хатни оча бошлади. Шамъ қаршисида қизарған шахло кўзлари, ёш билан синған жинггила кипраклари, чимирилған тўсдек қора қошлари уни аллақандай бир ҳолга қўйған эдилар. Коши устига тўзғиб тушкан соchlарини тузатиб хатни ўқуди:

«Ой юзлик рафиқам, кундуз қошлиқ маъшуқам Кумуш хонимга!

Шайтон устаси бўлған Ҳомиднинг маним отимдан сизга ёзған талоқ хатиси ила менга қарши ёниб кеткан юракингизнинг нафрат ўти эҳтимол энди ўча тушкандир. Соҳита талоқ хатини олған сўнгингизда менга хитоб қилиб ёзған фикрларингиздан эҳтимол энди қайтада ёзғандирсиз... Бу хатни ёзар экан, муҳаббатингиз билан тўлук бўлған юраким мудҳиш бир ҳақиқат эҳтимолидан яфроқ каби титрар ва ўзининг тўлиб-тошқан ҳасратларини, фарёдларини ифодасидан адашар эди... Сизга очиб сўзлай, гўзал рафиқам: гўё маним бу мактубим сизнинг Комилбек учун ҳасратлиқ ёшлар тўйкан, ўтилик оҳлар тортқан чоғингизда эришар-да унтушкан, эскирган, бир юракнинг арзини тинглай олмассиз ва ёниб турған юрак ўтингиз билан куйдирарсиз...

Аммо хатимни ўкумасангиз-да ва марҳумингиз учун тортқан оҳининг ўтида куйдирсангиз-да, маним учун фарқсиздир. Нега дейсизми? Чунки сиз маним шаръий рафиқамсиз — яхшилиқ билан-да ва ёмонлиқ билан-да мен буни исбот қилишга ҳозирман!

Үйингиз орқасида қулған агадбизликларим, хунхўрликларим учун мени кечирингиз... Чунки мен бу ваҳшийликни ишлашда ихтиёрсиз эдим: ҳаётингизнинг, номусингизнинг сақланиши буни тақозо этар эди... Албатта мен ишонаманким, сиз маним бу яхшилигим учун миннатдорлик қиласиз. Лекин мен бу миннатдорликка ўзимни сазовор ҳисоблай олмайман.

Мен ўшал куни кечаси душманлардан бирини ўлдирдим-да, сўнг даражада заифландим, иккинчи душмандан енгилишимни ва кўйингизда жон беришимни аниқ билиб роҳатланиб кетдим... Маним учун кўйингизда ва оёғингиз учига жон бериш жуда ширин эди ва кўбдан бери юям эди. Шунинг учун яқинроғингизда ўлмак учун, ўлар эканман, сўнг дақиқамда яна бир мартаба бўйингизни олиб ўлиш учун душман томонидан уйингизга очилған туйнукчага кирдим. Кирдим-да, сизни бўйин-

тизни олдим, хафиф тин олгандағы латиф ухлаган товшингизни эшигдим... Шу вақт субҳономлоқ... ўзимда күтилмаган бир күч сезган эдим, иккى эмас, иккى юз душманга мұқобала¹ этишка ўзимда кудрат күрган эдим... Мен ўзимга бағишиланған күч манбаъини жуда яхши онглар эдим, мендагы бу ўзгариш манбаъы уй ичида ухлагучи бир малак эди... Сиз эзингиз!»

Кумушбиби хатнинг бу ўрнига етканда қизариниб, бир оз ўқушдан тұхтаб олди ва давом этди:

«Шундан сұнг иккінчи душманни туйнукдан чиқмаёт ишини битирдим. Бизнинг фожиъамизнинг асл омили бўлған Ҳомид эса гүё маnim кўлимда мушук каби ўйин бўлған, уни кулиб туриб, ўйнаб туриб тилимлаган эдим...

Эзингизда борми, мени дор остидан күтқарив, менга янги ҳаёт бағишиланғанингиз? Бу кеча ҳам бу иккінчи ўзимдан қутқарғучи ва иккінчи мартаба менга ҳаёт бағишилағучи яна сиз бўлдигиз! Шунинг учун миннатдорлик эткучи сиз эмас, мен бўлишига тегишман!

Сиздан эмас, отангиздан бир ўпкалашим бор: соҳита талоқ хатини маним ўз қулем бўлиб, бўлмаганини ажратса олмаган. Гумонимча бу соҳита хат сизга ҳам кўрсатилмаган ўжшайдир, чунки, айниқса, сизнинг кўз ўнгингиздан бу ҳақиқат қутила олмас эди... Ҳарҳолда тақдирнинг бунчалик ўйинлари турған бир замонда биз нима ҳам қила олур эдик? Бу тўғрида мендан ҳам ўткан жойлари бордирким, сизнинг биринчи мартаба менга ёзған хатнинг маъносидан даҳшатлик суратда ўзимни тағофилга солған ва хат келтургучини суриштирмасдан жавоб хати берив юборган эдим. Шунинг ила сизни-да, ўзимни-да Ҳомид қулига ўйин бўлмогимизга катта йўл очқан эдим.

Баъзи эҳтимолларга қарши сиз билан кўришмак менга мұяссар бўлмади. Умримда биринчи мартаба кўнгил орзусша қарши бордим. Чунки манимча орадаги қора тикон супирилган эди. Мундан сұнг ҳамиша менини эзингиз. Мен Тошканнда юарман, аммо кўзим ўнгига сизнинг ҳайкалингиз! Ажабо, бусиз менга мумкинми?!

Завжингиз Отабек».

Кумушбиби хатни ўқуб тугатди-да, югирилаганча уиига кириб кетди. Унинг бу ҳаракатидан қутидор билан Офтоб ойим ажабсинишиб бир-бирларига қарашибан эдилар. Кумушбиби қўлида иккинчи бир мактуб кўтарганича уйдан чиқди-да, шамъ ёнида иккى хатни бир-бирисига солишириб кўрди. Бу хат Ҳомиднинг Отабек тилидан ёзран талоқномаси эди. Бу иккى хат биринчи қаращаёқ иккى киши томонидан ёзилганлиқларини ўз оғизларидан сўзлаб турар эдилар.

Кумушбиби иккى хатни қатор ушлаб отасига кўрсатди:

— Буларга қарангиз, ота! Бизни нечоғлиқ ғафлат босқан экан, — деди.

Қутидор қизининг мақсадига тушиниб иккى турли қўлни даррав пайқаб олди:

¹ Мұқобала — қарши туриш.

- Виждонсиз, иблин, имонсиз, кофир, — деб қўйди.
 Кумушбиби Отабекнинг хатини бувлаб чунчагига солди-да, сохита хатни шамъга тутиб ёндирап экан, отасидан сўради.
 — Шу воқиъдан сўнг куявингиз аниқ келганми эди?
 — Келган эди, қизим.
 — Бечорани нега ҳайдадингиз-да, нега мени, лоақал ойимни бу келишдан хабардор қилмадингиз?
 — Мен унинг келишини бошқа гапка йўйиб, сизларга билдирамаган эдим...
 — Қизингизни талок, қилған бир кишини Тошканд деган жойдан эшикингизга келиши сизга ғариб¹ туолмаганми эди? — деб яна сўради Кумуш.

Кутидор уялиш ва ўкиниш орасида:

- Жаҳолат келса, ақл қочадир, қизим, — деб қўйди
 Офтоб ойим билан кутидор Ҳомиддинг иблисона ишларига «тавбатавба» деб муқобала қилсалар ҳам, аммо Отабекнинг фавқулодда юракини сўз орасида «барака топкур, умринг узоқ бўлгур» билан қарши олар эдилар. Кумушбиби эса бутунлай бошқа қайруда эди. Эру хотиннинг сўзлари Отабекнинг Тошкандга кетиб қолиши тўғрисига келиб тақалди-да, Офтоб ойим Кумушдан сўради:

— Сенга келишидан айтканми?

Кумушбиби шилталаш назари билан уларга қаради ва кескин оҳангда жавоб берди.

— Айтмаган!

Эру хотин маънолик қилиб бир-бирларига қарашиб олғач, орада узоққина сукут бошланди. Кумуш кутидорға савол назари билан биринки қайта қараб ҳам қўйди.

— Келиб қолса яхши, — деди ниҳоят қутидор, — келмаса, Тошкандга ўзимиз тушамиз-да, — деб хотиниға қаради.

Бу сўз Офтоб ойимга ёқмаганликдан юзини четка бурди. Аммо Кумуш отасидан рози қолиб, онасиға қаради.

— Қизинг ҳар қайси ерда бўлса ҳам соғ бўлсин, — деди хотиниға қутидор. — Эрига топшириб, сен билан маним тинчкина дуо қилиб ўлтурганимиз маъқул ўхшайдир.

— Энди қизингизнинг бир қами кундаш балоси эдими? — деди сапчиб Офтоб ойим. Кутидор хотиниға кулиб қаради:

— Эри яхши бўлса, кундаш балоси нима деган гап?

— Эри минг яхши бўлсин, барибир кундаш кундашлигини қила берадир. Машойихлар билмасдан «кундаш» демаганлар.

Кутидор қизига қараб кулади ва хотинини юпатди:

— Ҳамма вақтта эмас, кўрқма.

— Менга қолса бир кунни ҳам кўб кўраман, кундаш билан кечирилган кун — кунми?

— Куявингнинг шунча қилған жонбоэлигини унудингми?

— Нега унутай, — деди Офтоб ойим. — Келсин. Мана бош усти,

¹ Ғариб — ажаб, таажжуబ.



болам бир эмас икки. Улдурки,¹ қизимни кундаш устига юборишига тиш-тиргири билан қаршиман.

— Беш-олти кунга ҳам-а?

— Нече кунга?

— Менга қолса битта-иккита болалиқ бўлғунча турсин, деяр эдим. Сен бунга кўнмасанг, бир-икки ой туриб келсин, лоақал. Бир йигит қизингни деб икки йиллаб сарсон бўлғандა қизингни икки ойлик кундаш азобидан ҳайф кўриш жуда уят, ахир!

Қутидор «битта-иккита болалиқ» сўзини айтканда Кумуш қизариниб ерга қараган зди. Офтоб ойим эрининг қейинги сўзи билан анчагина бўшацди:

— Бир ойдан ортиққа мен рози эмасман, шунда ҳам куявимнинг яхшилиги учун, — деди.

— Ана энди ўзингта келдинг, хотин.

— Ўзимга келсам-келмасам шартим ҳалиги, шунда ҳам ўзим бирга бориб қеламан.

— Албатта, ўзинг бирга борасан, қудаларинг билан танишморинг ҳам зарур.

— Качон юбормоқчи бўласиз энди? — деб сўради Офтоб ойим. Қутидор бир оз ўйлаб олғач, Кумушка қараб жавоб берди:

— Отабек билан кетма-кет чопишиморимиз ҳам унча маъқул кўринмайдир. Ундан сўнг қиши куни арава сафари ҳам қулай иш эмас. Шунинг учун орадаги уч ой қишини ўтказиб жўнармиз, — деди. Кумушнинг уч ой муддатни эшитгач, жуда ҳам ҳурпайиб кеткани учун бўлса керак, — балки ўзи ҳам бирар ойларда келиб қолар, — деган сўзни-да кўшиб қўйди.

(Иккинчи бўлимнинг сўнгти)

¹ Улдурки — шундоқчи.

УЧУНЧИ БҮЛИМ

I. Мусулмонқул истибдодига хотима

Мусулмонқулнинг аҳоли устига бўлған жабру зулми ҳаддан ташқари кетди. Унинг истибоди ўзга шаҳарларга унча сезилмаса ҳам, аммо марказ — Қўқон одамларини жуда тўйдирди. Унинг ўз каифича ойда эмас, ҳафтада солиб турған солиқлари фуқаронинг терисини шилга, арзимаган сабаблар билан қора чопон бекларини осдириб, кесдириб туриши хосни (хавосни) ҳам эсанкиратди. Отиганина хон бўлиб ўлтурғучи Худоёр ҳам осдириш, кесдириш ва ёрлақаш ўз ихтиёрида бўлған — Мусулмонқул майдондан олинмаган фурсатда ўзининг қўғирчоқ сифат юраберишини тушунди. Кўбдан бери унга юрагида кек сақлаб келиб, аммо не тариқада нажотка чиқишини билмади. Чунки ул суннадирган Қўқон бекларини «мана» деганлари Мусулмонқул ва кишилари (қипчоқлар) томонидан осилиб кесилгандар, қолғандари товуш чиқаришга мажолсиз эдилар. Атроф шаҳар ва қишлоқ беклари ҳам аксар қипчоқлардан, яъни Мусулмонқулнинг ўз одамларидан, улардан бир иш кутиш яна мумкин эмас.

Шаҳар халқининг ҳар бир табақаси деярлик Мусулмонқул даккисини еб келган, магар уламо халқи ундан жуда рози, зероки Мусулмонқулнинг биринчи истинодгоҳи¹ ўзининг қипчоқлари бўлса, иккинчиси уламолар эди. Ул уламо орқалик ўз зулмини машруъ бир туска қўйған, ўзи учун зааралик унсурларни йўқотишида шу уламолардан «улуламирга борийлиқ» деган фатвони олишни унугтмаған эди. Уламонинг бу янглиғ истибодни «борийлиқ» ранги билан бўяб бериши мукофоти учун Қўқон ва Андижон каби шаҳарларга маълум мадрасаларни бино қилған ва бу мадрасаларга хизмати билан танилған уламодан мударислар таъйинлаған эди. Аммо Мусулмонқулға яқинлаша олмаған, яъни унинг хизмат ва марҳаматидан четда қолған «нимча»² уламолар ҳам йўқ эмас эдилар.

Азтаҳидил Мусулмонқулнинг оталиғидан қутилишни ва мустақил равишда ҳукмрон бўлишни орзу эткан Худоёр, ниҳоят қайин отаси билан курашда ўзига биринчи истинодгоҳ қилиб шу кейинги синф уламони олди. Мусулмонқул балосидан қутилғандан сўнг Худоёрнинг уларга қиладирған инъом ва эҳсонлари, берадирган мансабларининг нақдек ваъдаси баракасида бу кейинги табақа — Қўқон муллалари ҳаракатка келдилар.

Мусулмонқул тарафдори уламолар унинг сиёсатини шарийатка қанча

¹ Истинодгоҳ — таянчгоҳ.

² Нимча — илми чала.

мутобик¹ күрсатиб келгап бўлсалар, бу кейингилар ҳам ўшанча хило-фи шаръий эканлигини исботка кирищдилар.

Бошда бу ҳаракат албатта «енг ичида» бўлди ва бу ҳаракатнинг бошида Ҳудоёрнинг ўзи турди. Биринчи галда яширин равишда Тош-канд, Андижон, Марғилон ва ўзга шаҳарларнинг ишончлик уламо ва бекларига Мусулмонқул истибодидан қутилишда кўмак бериш учун мурожаатномалар йўлланилди. Бу мурожаатномаларда Мусулмонқулнинг номашрӯй ишлари, Кўқон одамларига қилган жабру зулмлари саналган, кейинги вақтларда хоннинг ўзи ҳам бу зулмлар қаршисида чидаб тура олмаслик ҳолга келганлиги сўзланилган, агарда бошқа ша-ҳар уламо ва ашрофидан кўмак бўлған тақдирда билфеъл Мусулмон-қулға қарши кўтарилишга ҳозир турилганини айтилган эди. Иккинчи галда Кўқон сипоҳларининг қипчоқдан бошқа қисмиға яширин ра-вишда, умуман ановиларға қарши ташвиқот юргизилиб бошланған эди.

Андижон, Марғилон, Наманган каби шаҳарлардан «хон бу ишни маслаҳат кўрсалар, биз ёрдамга ҳозирмиз» деган қуруқ ваъдалар ке-либ, аммо Тошканддаги Юсуфбек ҳожи тўдасидан амалий чораларини ҳам кўрсатилиб ёзилған жавоб мактуби олинған эди.

Мактубда айтилар эди:

«Сиз Ҳўқанд уламои киромларининг Мусулмонқули хунхўрлиғидин фарёғга келиб ва шаръати мустафони орага восита қилиб ёзған маҳфий хатларини олдиқ. Биз Тошканд уламо ва ашрофидин домла Солиҳбек охунг, мулла Юсуфбек ҳожи, саркардалардин Қосим ва Ниёз күшбегилар, Каримқул ва Муҳаммадражаб кўрбоши ҳам Қамбар шар-батдорлар бир орага ўлтуришиб воқиътан Мусулмонқулининг зулм ва тааддиси Ҳўқанд фуқароси ва айни замонда бўлак шаҳар ва қишлоқ, кент аҳолиси устига ҳам баюят ошиб борғанигини музокара ва муко-лама² қилишдиқ. Биз фақирлари ҳам Мусулмонқули ҳаракати бехудаси-ни шаръатга хилоф, юрт ва эл учун музир,³ ҳалойишнинг осоишиш ва умр гузаронлиғи⁴ важҳига ҳалалдир деб билдиқ. Бул маънига ул тождор амиралимўминин мувофақат⁵ кўрсатсалар ул бепарҳез⁶ юсиби⁷ таҳту салтанатнинг ҳайдалмоғи беҳроқдир⁸ ва яна Тошканд мардумлари бул тўғрида ҳақиқат томонига собит қадам бўлмоққа тил беришурмиз. Башарти сиз киромлар ул бепарҳез золимнинг мингбошилиқ вазифаси-дин тард⁹ этишка аздулу жон бел боғлаган бўлсаларингиз, биз фақир-ларнинг ақли қосиримизга¹⁰ бир андиша келадир. Андоғи, Тошканд Ҳўқанд ҳукуматидан юз ўтирган бўлиб худнафсига¹¹ мустақимлик зълон

1 Мутобик — мувоғик, уйун.

2 Муқолама — судбат.

3 Музир — зарарли.

4 Гузаронлик — яшаш, ҳаёт кечириш.

5 Мувофақат — ҳамфирларлик.

6 Бепарҳез — андишасиз, юзсиз.

7 Юсиб — босқинчи.

8 Беҳ — яхши, маъқул.

9 Тард — олиб ташламоқ, ҳайдамоқ.

10 Қосир — қисқа.

11 Худнафсига — ўтига.

қылсын. Бу тақдирда итоатдин бош түлғаган Тошканғ устига албатта Мусулмонкулы золим күшин тортар. Ушбу күшин орасынан сиз киromлар ўз одамларингизни күброк киргүзишкә күшиш қилиб ва яна жаноби тождор ҳам бирга келсиллар. Күшин Тошканға еткан баъдида бизлар ташқариудин ва сизлар ичкаридин бўлиб Мусулмонкулуни орадин кўтаргаймиз. Бул маслаҳат фақирларнинг ақли қосирларимизга кўб тафаккурлар баъдида келиб, яна раъи савоб ўзларига бўлғай. Аммо бул тақдирда қон тўкилмасдин муддао ҳусулга¹ келурму деб ўйлаймиз. Боз маҳфий қолмағайким, Тошканғ беги бўлған зот борасига андиша лозим эрмас, зеро ул одам фуқаронинг осойиши ўйлида жонбозлик қылғучи кишиидир. Бизлар лимаслаҳатан² нима десак, ул бўйин тўлғамас. Иншооллоҳ, бу андишамиз киромларга маъқул тушкан тақдирда жаноби тождорнинг ҳам раъъларини олмоқ ва имкони бўлса ул жанобнинг исми шарифлариудин бизларга писанднома ёзмоқ маржуидир.³ Токи бизлар ишонч бирлан муддаога шурӯъ⁴ қилайликъ.

Бу хат Худоёрнинг қўлиға теккандан кейин хатда кўрсатилган тадбирни жуда маъқул топди ва тезлиқда ўз исмидан ташаккур ва писанднома йўллади. Ижобатни олғандан сўнг юқорида мазкур Тошканғ ашрофлари бир мажлис куриб ўлтуришкә Нормуҳаммад қушбеги (Тошканғ ҳокими)ни ҳам чақирдилар. Мажлисда хондан ва уламодан олинган мурожаатномани ўқуб Нормуҳаммад қушбегига эшиздирдилар. Мажлиска йигилранлардан Юсуфбек ҳожи ва домла Солиҳбек охундлар қушбегининг пир, деб инобат қилған одамлари бўлғанлари учун элнинг осойиши ва мамлакатнинг ободлиги номига бу таклифни, яъни Кўқонға қарши исён эткан бўлиб туришни ул ўз бўйинча олди. Бундан онглашиладирким, Нормуҳаммад қушбеги ҳам ўзининг валинеъмати бўлған Мусулмонкулнинг туткан сиёсатини юрг манфаатига хилоф деб билибдир.

Узоқдамай Нормуҳаммад қушбеги Кўқондан бош тоблаб ўз олдиға мустақил ҳукумат ўзлон қилған бўлди ва Юсуфбек ҳожиларнинг ўйланан тадбирлари айни куткан натижаларни бера бошлади. Итоатдан бош тортқан Тошканға қарши Мусулмонкулнинг тепа сочи тик туриб, адаб бериш ниятида сафар жабдугини тузди. Тошканға қарши айниқса ғазабланган бўлиб кўрингучи Худоёр ҳам бу сафарнинг тадорикини баробар кўришди ва Мусулмонкул билан бирлиқда Тошканғ устига чиқдилар. Йўл устида ҳам Тошканғ билан яширинча сўз олишиб, хатти-ҳаракат чизишиб туришдилар.

Мусулмонкул илфори¹ Чирчиқ бўйига келиб етканда, қушбеги бошлиқ Тошканғ йигитлари ҳам сувнинг бериги юзида ёв кутиб турған эдилар. Туш чоғида икки ёв бир-бирларига қарши келищдилар. Кўқонликларга дам бермайино Тошканғ қўшуни миљтиқларга ўт берди. Мусулмонкул кутмаган жойда қўшунидан бир дуркуми ўз устига қужум

¹ Ҳусул — ҳосил бўлниш, қўлга кириш.

² Лимаслаҳатан — маслаҳат юзасидан.

³ Маржу — умид қилмоқ.

⁴ Шурӯъ — бошлаш, ишга киришиш.

⁵ Илфор — қўшиннинг олд қисми, авангара.

бошлаб ва бир фирмаси Тошканд йигитлари томонира қочиб ўтди. Мусулмонқулнинг ўз йигитлари (қипчоқлар) саросималикда қолиб. Мусулмонқулнинг мудофаасини-да ва қочишни-да билмай қолдилар. Уз устига чуғирчиқдек ёпирилиб келмақда бўлған қўқонлик ва тошкандликларга қарши ўзида куч йўқдигини билган Мусулмонқул бир от ва бир қамчи аранг қўшундан чиқиб қочди ва бир қанча йўлгача қувланди. Бошлук орқасидан қочмоқчи бўлған қипчоқ йигитларига муноди¹ нидо қилди:

— Қипчоқ оғайнилар! Бизнинг ҳамма адоватимиз Мусулмонқулга эди! Сиз оғайнилар илгари хон ёнида қандоғ хизматда бўлған бўлсаларингиз, энди ҳам ўша вазифада қолаберасизлар ва лекин Мусулмонқулга тарафдорларингиз бўлса, тинчликча қўшиндан чиқиб кетсин!

Қипчоқ йигитлари ҳам бир ерга уюшиб, ўз тарафларидан муноди қўйдилар.

— Биз Мусулмонқулни танимаймиз! Бизнинг бошуғимиз Худоёрхондир!

Шундан сўнг қипчоқ ва ўзбек бирга аралашиб кетди, гўё ҳамма адоват Мусулмонқул билан бирга кеткандек бўлиб, икки ҳалқ бирбири билан кўришди. Ўн минглаб ҳалқ янгидан Худоёрға итоат изҳор этиб, чин хонлиқ билан уни муборакбод қилишдилар. Тошканд ҳалқи иззат-икром остида хонни ва Қўқон сипоҳини шаҳарга тушуриб, ўрдада уч кун зиёфат бердилар. Зиёфат асносида иттифоқнинг фойдалари, тарқоқлиқнинг заарлари сўзланилди. Қушбеги ва Юсуфбек ҳожиларнинг таклифи билан Мусулмонқул ўрнига Ўтаббой қушбеги (Марғилон ҳокими) мингбоши белгуланиб, тўртгинчи кун Худоёрхон қўшуни билан Қўқонға қайтди.

* * *

Киши чиқар олди. Мусулмонқул воқиъасидан йигирма кунлар чамаси кейин эди. Мұхаммад Ражаб қўрбошининг уиидан икки-уч қайталаб киши келабергандан кейин, Юсуфбек ҳожи иложсиз қолиб боришига мажбур бўлди.

Йиғинда Мұхаммадниёз қушбеги, Қосим мингбоши, Қамбар шарбатдор, Каримқул понсадлардан тортиб Тошканднинг етуклиқ ашроф ва аъёнидан ўн бешлаб одам бор эди. Меҳмонлар учун мева-чева, қуюқ-суюқ тортиди. Зиёфат тўкун эди. Емак асносида Ниёз қушбеги сўзлаб йиғиннинг мақсади билан аҳли мажлисни танишдира борди:

— Оралар, инилар! Билиндики, оғайнилар бир тан, бир жон бўлсалар қипчоқ касофатидан қутилиш унча қийин тушмас экан. Мундан бир ой илгари биз қандай ҳолда эдик? Мусулмонқулнинг омонсиз қиличи оғайнининг бўрзида эди. Худо ҳожи акамизнинг умрини узун қилиб, бола-чақасининг эгалигини кўрсатсанки, аввало унинг ақдлик тадбири, ундан кейин оғайнининг бир ёқадан бош чиқариши соясида Мусулмонқул балосидан енгилгина қутилдиқ. Аммо бу қутилишни чин қутилиш деб бўлмайдир. Нега десаларингиз, оқ ит бўлмаса, қора ит

¹ Муноди — жарчи.

товоқ-қошиққа тегмақда. Ҳали биз саҳройи қипчоқ элидан узил-кесил кутилғанымиз йўқ. Анови Мусулмонқул бўлмаса, бошқа Алимқулнинг¹ бош кўтариши аниқ, — деди қушбеги ва дастурхондан чўқиниб давом этди. — Нормуҳаммаднинг раъйини деб, ҳамма ихтиёр ўз қўлимизда бўлғани ҳолда, Ўтаббойни мингбоши белгулаб юбордиқ... Бу ҳам ўзимизнинг энг катта хатоларимиздан. Мен ўша кундан бери ўз-ўзимиздан бўғилиб юрийман: Мусулмонқулнинг ити бўлмаса, ўзимиздан мингбоши бўларлиқ одам қуриб қолувдими, дейман. Йўқ, оғалар, темирни қизигида суқиб қолиш керак! Қачонғача биз шу саҳройи итлар билан сану манга боришиб юрамиз? Яххиси шулақи, бу бош оғриғиларни бир варакай орадан кўтариб тинчишайлик. Биз шу ердаги оғайнилар билан кенташиб бир гапка тўхтаб қўйдиқ. Аммо бу маслаҳатнинг ҳожи акамизга ҳам маъқул тушмоғида шубҳа қиласмаймиз. Бу ўйимизга хон ҳам бир нарса демаса керак. Кўкон, Марғилон, Андижон, Ўш ва бошқа ерларнинг оғайнилари ҳам бу гапдан бош тўлғамаслар. Нега десантиз, қипчоқ деган ифлос барчани ҳам жонидан тўйдирди, — деди ва носковогини қоқа-қоқа бир отимини тилининг тегига ташлади.

Юсуфбек ҳожи ҳалиги гап сўзланғанда қўлидаги пиёласини чайқатиб оғир бир ҳолат кечирган ва чуқур бир сукутка кеткан эди. Бошқалар бўлса Ниёз қушбегининг сўзидан кейин бир кўздан деярлик ҳожининг юзига тикилган эдилар. Ҳожи миқ этмай ўлтура бергач, Қамбар шарбатдор ўзининг хипча товши билан қушбегининг галини кучлаб тушди:

— Сўзингиз жуда тўғри, қушбеги, — деди, — сиз айткандек, бизга икки йўл бор: қипчоқни қириб йўйиш ва ёки бутунлай қипчоқ қўлида қолиб кетиш.

Юсуфбек ҳожи кўтарилиб Қамбар шарбатдорга қаради ва мажлиси ер остидан кузатиб чиқиб, яна жим қолди.

Каримқул поинсад ҳожини туртмак мақсадида:

— Кенгашлик иш тарқашмас, деганлар. Ҳожи акамиз ўйлашиб жавоб берсинлар-чи, ахир, — деб қўйди.

— Билмадим... — деди ниҳоят ҳожи, — сизларнинг муддаонтларга тушинмадимми ёки тушинсан ҳам ўзимга ётишиб келмадими, ҳайронман.

Ниёз қушбеги бошини қашиб олди:

— Нимасига ҳайронсиз, ҳожи!

— Мақсадларингиз Қамбарбекнинг айтканидек қипчоқни кесишми?

Қушбеги иккиланмай жавоб берди:

— Кесиш!

— Сизларни, — деб истеҳзоланиб кулди ҳожи, — бу ишқа нима ва ким мажбур қиласадур?

Қушбеги ёронларига қараб олди:

¹ Алимқул (1833—1865) Андижон атрофидағи қирғиз-қипчоқ қабилаларидан бирида тутилган. Кўкон хони Мұжаммад Султон Сайднинг оталиги (мураббийси ва маслаҳатчиси). Русларга қарши кураштган лашкарбошилардан бири. Тошкентнинг Шўртепа мавзигыда бўлган жангда ҳалок бўлиб, Шайхантохур қабристонига дағн қилинган.

— Саволингиз қизиқ, — деди, — сабаби бизлардан ҳам кўра сизга маълум бўлса керак-ку.

— Дуруст айтасиз, — деди ҳожи бошидаги салласини олиб, — Мусулмонкулни ҳайдамоққа мажбур бўлған эдик — ҳайдадик. Барча ёмонлик ўшанинг боши билан бирга кеткандек қипчоқ оғайнилар ила тотуклашдик, қипчоқларнинг эски адоватлари битди... Бас, бизга тарин нима керак?

Ҳожининг бу гапи мажлисни бир-бирисига алланратиб қўйди. Аммо қушбеги сирни бой бермас учун тиришкандек қилиб кулади:

— Мусулмонқул энди тинч ётар, деб ўйлайсизми?

— Албатта ўйламайман, лекин Мусулмонқул тинчмайдир деб ҳўлу куруқ қипчоққа тиғ тортиш ҳеч бир ақлга сифадирған гап эмас. Ўзингиз қушбеги айтинг-чи, биз бу кунгача ёмонлиқни кимдан кўрдик? Қипчоқ отлиғ халқданми ёки унинг санорлиқ бўлған бир неча кишилариданми?

— Нафсилаамрни айтканда, биз қипчоқ деганинг ҳар бирисидан ҳам дакки еб келамиз.

— Сўзингизда янгишлиқ бор, қушбеги! Агар сиз нафсилаамрга қарасантиз икки халқни бир-бирисига совуқ кўрсатиб, адоват тухумини сочиб келгучи бир нечагина одам бор... Менга қолса мамлакатни тинчтиш учун шулар тўғрисида ўйлаш керак. Наинки, тўртта муттаҳамни деб бутун бир халққа ҳужум қилиш!

— Сиз айткандек, ёмон тўрттагина эмас, ҳожи! Саҳродан келган ҳар бир қипчоқ бизнинг елкамизга минмакчи. Бизнинг товоримизга тумшурини тиқмоқчи — бунга қолганда ишни бир оз ентил ўйлаб турибсиз, ҳожи ака!

Қосим мингбоши:

— Ҳожи акамнинг ҳамма гаплари фақат раҳмдиллиқдан айтиладир, — деди. — аммо ўйлаш керакки, қипчоқ бу кунгача озрина оғайнининг қонини тўқдими? Анови кун Маражаббек билан ҳисоблашиб кўрсак, Қўқоннинг ўзидан икки йилнинг ичида етмиш саккиз бек ўлдирилибдир. Ҳали бу ҳисобка фуқародан ўлдирилган бечоралар кирмайдир.

— Мен бу ҳақиқатлардан тониб турганим йўқ, мингбоши. Аммо биз сенга сен, деб жавоб бермасак, бизники ақл ва инсоф доирасидан чиқмаса дейман...

Орадан бирав ҳожининг сўзини бўлди:

— Ақл, инсоф билан иш қила-қила энди жуда тўйдик.

Ҳожи сукут қилди, ўзининг шунчалик гапларини ҳавоға кетиб турғанини, мажлиснинг Ниёз қушбеги руҳида борганилигини яхши сезди. Мундан бошқа Ниёз қушбенинг бундай бир фикрга келиши учун уни нима мажбур қилған — буни ҳам очиқ онглади. Ниёз қушбенинг барча кинаси Ўтаббойнинг мингбоши белгуланган кунидан бошланганини, «мен турған ерда, қипчоқ мингбоши бўлсинми!» деган кек орасида бу фикр фақат унинг томонидан майдонга чиқарилғанлири Юсуфбек ҳожининг мулоҳазасидан ўтди. Мажлиснинг бошқа аъзолариға бўлса, иш йўғидан юмиш чиқаришқа талабгор бекорчилар, деб қаради.



Албатта, эл фойдасидан кўра ўз манфаатини олдинга сургучи бу чўталчи бекларга қарши ҳожининг совуққонлик сақдай олиши ва асабийлашмаслиги мумкин эмасди.

— Беклар, — деди, — маним ҳамма мулоҳазам юрт, эл манфаати нуқтасидан туриб айтиладир. Мен ҳеч бир вақт инкор қилаолмайман-ким, ёғиз ўз ғарази йўлида иш қиласути палид кишилар қипчоқлар орасида бор бўлғанидек, бизда ҳам йўқ эмас... Балки ановиларда ўнлаб бўлса, бизда юзлаб бор. Ўзи бизнинг кўзимизга итдек совуқ кўринган қипчоқбачча Нормуҳаммаднинг эл учун қилиб турған тўғри хизматини мен ўз умримдаги Тошканд беклари орасида бирипчи мартаба кўраман. Буни сиз, яхшилар ҳам инкор қила олмассиз. Бас, айб қипчоқда эмас, балки унинг манфаати шахсиёси йўлида иш кўргучи бошлиқла-рида ва қипчоқлар уилағандек гуноҳ қора чопонлиларда бўлмай, балки унинг уч-тўрт маънисиз бекларида!.. Буродарлар! Ўрус ўз ичимидан чиқадирган фитна-фасодни кутиб, дарбозамиз тегида¹ кўр тўкиб ётибадир. Шундай маҳшар каби бир кунда биз чин ёвға берадирган кучи-мизни ўз қўлимиз билан ўлдирсан, сен фалон деб қирилишсақ, ҳоли-миз нима бўладир. Бу тўғрида ҳам фикр қилгучимиз борми? Кунимиз-нинг коғир қўлига қолиши тўғрисида ҳам ўлаймизми ёки бунга қарши ҳозирлик кўриб қўйғанмизми?!

Ҳожи ўзини тутолмай кўз ёшисини оқ соқолига қўйиб давом этти:

— Мана буродарлар! Сиз ўз қипчоғингиз учун қабр қазиған фур-сатда, сизга иккинчилар тобут чопадир. Биз қипчоққа қилич кўтар-гандар, ўрус бизга тўп ўқладир. Сиз дунёда ўзингизнинг ягона душма-нингиз қилиб қипчоқни кўрсангиз, мен бошқа ёвни ҳар замон ўз яқинимга еткан кураман! — деди ва рўймоли билан кўз ёшисини артиб ўрнидан турди. — Агарда дунёдан ўтаёзған бир кексангизнинг маслаҳатига қулоқ берсаларингиз бу фикрингиздан қайтинг, буродарлар! Илло Юсуфбекни ўлдига чиқариб, бу шум ишингиздан мени ташқарида ҳисоблангиз! — деди ва мажлиснинг ўлтуринг, тўхтаниг сўзи-га қулоқ солмай, ўлтуришни ташлаб чиқди.

Ҳожи дарбозадан чиқмagan ҳам эди, Ниёз қушбеги хаҳолаб кулиб юборди:

— Вой ваҳманг қурғир, ҳожи! Бу кун кўкнори ичкан экан, шекил-лик! — деди.

Бошлиқдан кулгига ружсат берилгач, бошқалар ҳам кулишиб, орада ола-ғовир бошланди.

— Йўқ, — деди Қамбар шарбатдор, — ҳожи аканинг ёши қайтиб, кўнгли жуда ҳам бўшашиб кетибдир!

— Вой хўвари ҳожи, — деди Ниёз қушбеги, — олдидағи овни кўрмай, узоқдаги ёвни кўрадир!

— Худда-худда!

Муҳаммад Ражаб қўрбоши бошини чайқаб Ниёз қушбегига қара-ди:

¹ Оюмасжид ёки Олмота ённда демакчи (мул.).

- Мен сизга айтиб эдим-а, қүшбеги, — деди, — ҳожини ҳар нарсага кундирсангиз ҳам бу гапка күндиralмассиз, деб
- Мен уни кела бермай овора қылғанидан ҳам пайқаған эдим.
- Кече бир оз хомсиган¹ эди, — деди Каримкул понсад.
- Иш бузиди-да, — деб қўйди Мұхаммад Ражаб қўрбоши.
- Нега бузиладир? — деб сўради қүшбеги.
- Сирримиз очилди, албатта ҳожи тинч ётмайдир.
- Сирримиз ҳали очилған эмас, — деди ишонч билан қүшбеги, — агар биз шу ўлтурған оғайнилар бояғи гапда собит қолсақ, сирримизни яна яшириб кетиш мумкин.
- Масалан? — деб сўради Қамбар шарбатдор.
- Ўша сўзимиз — сўз, иттифоқимиз — иттифоқми?
- Мажлис тасдиқ ишорасини бериб:
- Албатта-албатта! — дейиши.
- Сўз битта бўладирган бўлса, — деди қүшбеги, — ҳожининг иши жуда осон, биз ҳозир сўзни бир жойга еткузамиш-да, биримиз ҳожининг олдига бориб, маслаҳатингизни мувофиқ кўрдик, биз янгишқан эканмиз, — деймиз. Албатта, ҳожи ишонадир-да, ҳеч кимга сўзламай қўядир. Биз бўлсақ, енг ичидა ҳозирлик кўра берамиз, ана холос.
- Маъқул гап, тўғри маслаҳат!
- Маъқулликка маъқул, — деди қүшбеги, — аммо гап бу ердаки, биз аниқ ишқа бел боғлаймизми?
- Боғлаймиз, боғлаймиз!
- Баракалла, — деди қүшбеги, — маълум бўладирки, ҳаммамиз ҳам яқдил эканмиз, энди бошқа гапка ўтсақ ҳам бўладир.
- Хонни кўндириб бўлармикин? — деб сўради Қосим мингбоши.
- Қүшбеги кулди:
- Хон кўнган ҳисоб, — деди.
- Бу гап мажлиска унча онглашилмади шекиллик, ажабланиб бир-биirlарига қаращдилар.
- Изоҳ, қүшбеги, изоҳ!
- Қүшбеги изоҳ берди:
- Мен хонни Тошкандан жўнатиш олдида унинг холи вақтини топиб, бу фикримни бир даража арз қилиб ўткан эдим, — деди, — бу фикрим хонга жуда маъқул тушкан бўлса керак, сўзимни эътибор билан тинглаб турди ва жавобида: «Яхши. Ўйлашиб, тадбирлари билан менга фикрингизни ёзинг, мен ҳам ўйлаб кўрарман», деди. Менга қолса бу тўғрида биздан хабар кутиб хоннинг уйқуси ҳам келмай ётқандир: бизга фақат ишнинг ўнақайини топиб хондан тасдиқ этди-ришгина қолган.
- Хон тайёр экан бўлмаса, — деди кулимсираб Қамбар шарбатдор.
- Тайёр экан, тайёр экан!
- Шундан кейин ишнинг ўнақайи тўғрисида музокара ва мубоҳаса

¹ Ҳомсимоқ — шубҳаланмок.

бошланди. Ҳар ким бир турлик фикр баён қилиб, узоқ, бош оғритділар ва натижада хонга қуиідегі нома ёзилди:

«Тождори мусулмонон, хоқон ибни хоқон шаған-шоқи нағжувон, тожи сари хүшбахапон ҳұзури ҳұмоюн олийларыға арзы убудият¹ ағосидин сұнгра биз фақирыл-қақып садоқатпешаш беназир күлларидин арзы баңдалик шулдурким, нақарлари доимулавқот² үл жанобға қылчоқ халойиқи белархезидин бирад осиби³ етарму деб ҳаросидагирмиз.⁴ Ва яна үл ҳаромзода сағрайшарнинг рўйи заминдин⁵ тарошламай⁶ туриб, үл жаноби олийнинг таъмини амниятлари⁷ ҳам биз күлларича кўб хавфу ҳатар остида бўлғандек таҳмин қилинадир. Шул мулоҳаза ва андишалар баъдида биз Тошканғ күлларидин бир нечаларимиз бир ерга жамъ бўлишиб, дуру-дароз⁸ тафаккур ва таҳайюрлар⁹ сўнгтида азбаройи үл шағаншоҳнинг кўб замонлар бошимиз соябон бўлмоқлари умидида бар тақдир үл тождорнинг хотири отир дарё муқотирларига¹⁰ писанд тушиб ижобат оғоз¹¹ қылсалар, бир маънини¹² ва садоқат мақосидига¹³ маҳбуб¹⁴ деб билдиқ. Андоғи, үл халойиқи ғассобларни¹⁴ ўн беш синни солидин болиғ¹⁵ ва етмиш ёшидин күни ҳар бир эркак зотини билотараҳхум¹⁶ қатли ом¹⁷ күлларича сазовордир ва ишо үл муртадин¹⁸ бадтар жобир¹⁹ ва бехирадлардин²⁰ жаноби тождорға ҳаррўз балки ҳар соат ҳавф бордир. Аммо бул тақрирни²¹ ўшал мұайян қатли ом соати етмагунча ҳар бир бехирад ва бөгий бўлмоғи яқин мажҳул одамлардин пўшида²² туттилмоғи маржунидир. Ва лекин үл тождор бир соати саъиди музafferарни мұайян айлаб қаламравларидаги²³ барча шаҳар ва кўйлар, қишлоқ ва кентларнинг садоқати зоҳир ва қалби тоҳир²⁴ күлларига маҳфий номалар кўндириб, сакбаччаларнинг қатли омиға амри олийларини дариг туттмағайлар²⁵. Аммо Хўқанди фирдавс

¹ Убудият — баңдалик, құллик.

² Доимулавқот — қамма вакт.

³ Осиб — зиён, зарар, күлфат.

⁴ Ҳарос — қўрқув.

⁵ Рўйи замин — ер юзи.

⁶ Тарошламоқ — тозаламоқ.

⁷ Амният — тиңчлик, омонлиқ.

⁸ Дуру-дароз — узундан-узоқ.

⁹ Таҳайюр — ҳайратланиш.

¹⁰ Муқотир — қатра, томчи.

¹¹ Оғоз — бошланиш, киришиш, ибтидо.

¹² Мақосид — мақсадлар, муддалар.

¹³ Маҳбуб —

¹⁴ Ғассоб — зулмкор, босқинчи.

¹⁵ Ўн беш синни солидин болиғ — ўн беш ёщдан юқори.

¹⁶ Билотараҳхум — берадм, шафқатсиз.

¹⁷ Қатли ом — қирған.

¹⁸ Муртад — диндан қайтган.

¹⁹ Жобир — жабр қылувчи, золим.

²⁰ Бехирад — акласл, идроксиз.

²¹ Тақрир — қарор.

²² Қаламрав — мұлк, құл остидаги ерлар.

²³ Тоҳир — покиза, пок.

²⁴ Дағиғ туттмоқ — аямок.

монанднинг' ўзида ул шақоватпешалар¹ беҳад ва беҳисоб нүфуска молик бўлғанлари важҳидин биз Тошканг навкарларининг иъонати² бешакку шубҳа вожибдур. Сиз шаҳаншоҳи, ўшал соати музafferни таъйин айлаб, биз қулларига хабар юборсалар, бунда лозим бўлған одамимизни қолдириб ва яна ҳар қаюсимишга тегишилик бир юз, икки юз ва беш юз шигитимизни олиб, ҳалоиқ кўзида гўё жаноби тождорнинг Мусулмон-кули фалокатидин озодлиқга чиқиб мустақил соҳиби тож бўлғанларини муборакбод қўлмоқ учун юрган бўлиб, иъонатларига етармиз ва дарбозагин киришимиз он фажъатан ул галаи сакларга³ ҳужум бошлаб, қатли омга қилич тортармиз. Ва яна маҳфий қолмагайким, Тошкандинг алҳол беклиқ мансабига ўлтурғучи ҳипчок Нормуҳаммад борасига қандоғ фармон бергайлар, бул маънида ҳам ишоратини дария тутмасалар қулларини андишадан озод қилған бўлғайлар. Ушбу болода⁴ мазкур маҳзи⁵ самараи садоқат ақли қосирларимиз хусули натижасини биз қулларига ушбу номани қосиди⁶ қўлидин савоб ва хато, раб ва ижобат, писанд ва нописанд жавобини ирсол⁷ қилсалар ва яна ўз фикри босавобларини изофа⁸ қилиб, қусур ва хатоларимизни танбеҳ этсалар, биз навカリ бежавҳар¹⁰ ва босадоқати бефаросатларни дунё-дунё шоду хуррам қилиб, ул соябони марҳамат ва меҳрибони бошафқатнишиг хизматларига камари хизматни берк¹¹ боғлатқан бўлур эслар, ҳуваллоҳул-мустанъин.

Садоқатнинг мажлисига жамъ бўлгучи навкарларингиз (имзолар)».

Бу нома эртаси кун хонга юбориладирган бўлиб, бунга маҳсус киши белгуланди. Мажлиснинг қўрқунчи Юсуфбек ҳожидан бўлғани учун унга сохита қарорни эшитдирмак тўғрисига Муҳаммад Ниёз қушбегининг ўзи бевосита мажлисдан чиқиб кетди. Шунинг ила бу мажлис тарқалди.

2. Қоронги кунлар

Отабек Марғилоңдан қайтиб келгандан кейин ўн беш кунлар ўтказиб уста Алимдан бир хат олған эди. Уста Алим хатида кутидорга учрашқанини ҳамма майда-чуйдаларигача ёзив келиб айтар эди: «Сиз хиёнатни пайқағунча қайин отангизга қандоғ кинаса сақлаб келган бўлсангиз, ул ҳам сизга ўшандоғ киналиқ экан. Мени ва оиласини таҳқир этди деб, бу ҳақоратни умр бўйи унута олмаслигини тушуниб, ўт ичида юарар экан. Мендан ҳақиқати ҳолни онглаб жуда шошиб қолди, ҳатто

Фирдавс монанд — жаннат сифат.

Шақоватпеша — кулфат келтирувчи.

Иъонат — ердам, кўмак.

¹ Сак — ит.

Боло — юкори.

² Мадр — холис, соф, тоза; факат.

Қосид — элчи, хабарчи.

Ирсол — юбориш, етказиш.

³ Изофа — қўшимча.

⁴ Бежавҳар — зоти паст, насабсиз.

⁵ Берк — маҳкам, қаттиқ.

⁶ Ҳувал-лоҳул-мустанъин — оллоҳ қўмак берувчиидир.

ҳуши бошидан учди. Ичкаридан аниқ маълумот бера олмасам ҳам, аммо уларнинг ҳам қайин отангиз ҳолига тушканларини мулоҳаза қилдим. Қайин отангиз сизнинг ўткан ҳолингизнинг оғирлигини тасаввур қиломаганидек, душманларингизга берган жавобингизни тақдир этиш учун ҳам сўз тополмас эди. Ҳархолда орангиэдаги кинанинг душманингиз билан бирга супирилғанига шубҳа йўқ».

Мактубнинг яна бир ўрнида: «Сизнинг қаерда бўлғанингизни сўраган эди, мен билганимни айтдим. Келармикин деган эди, бунга ҳам ўзингизнинг ўшал муҳмал жавобингизни бердим. Фикримча, қишига бўлмаганда ҳам, кўкламга чиқиб ўзлари Тошканд тушарлар, деб ўйлайман».

Хатнинг охирида: «Сиздан бир кун сўнг Ҳомиг ўлди. Ҳайтовур бир оғиз сўёсиз тўнгиз кўпидир. Мен ўлар чотига ҳам сизга бир тухмат тўқирми, деб кўрқан эдим. Қутидорга ҳеч бир жарима ортмабидирлар. Мақтулларнинг эгалари ҳеч кимни тутиб кўрсатолмаганлари учун маҳкамалар ҳам ишни текширмай қўйдилар. Ўлашимча, ҳеч ким билмагандага ҳам, сирни ўлган Содиқнинг онаси билса керак эди. Аммо унинг ҳам дами ичида, сўраганларга худодан кўрдим, деб жавоб берар эмиш. Бул хотиннинг қулидан ҳар бир иш келадир деб ўйлаб, ўткан кун қайин отангизга айтдим: бегона хотинни ўйингизга ўйлатмасинлар ва четдан келган таомни емасинлар деб. Ҳархолда ёмондан ҳазар лозимдир», деб ёзар эди.

Бу хатдан кейин Марғилондан тиқ эткан хабар бўлмади ва орадан икки ойлаб фурсат ўтиб кетди. Шунинг учун Отабекнинг кунлари қўёш ботиб чиқсан сайнин бир онглашибчиликга, қоронгулиқга кира бориб, ҳар соат аччиғ ва ё сутуклиғи номаълум бир ҳол кечириб бошлади. Баъзи кезларда ул умид қучофида шошиб қолар эди ва иккинчи вақтда ярамас — қора хаёллар билан энтикар эди.

Умидланган кезларда:

— Ой туинуқдан тубанроқда, бу кун бўлмаса эрта — чиммати қўлида, паранжиси устида, сарифми, қорами атлас кўйнаги эгнида дарбозадан кириб келгаңдек ва ўпкаллангандек...

Иккинчи бир вақтда кимнингдир қўйидаги гапини эшитар эди:

— Ул ўзининг душманларини ўлдириш учунгина Марғилонга қатнаб юрган экан, ҳисобини тугатди-да, бедарак кетди, қолди. Тузукроқ жойи чиқса бериб қолайлиқ Кумушни... умри ҳам ўтиб борадир.

Ана шу қора хаёл уни чиндан ёниб турған бир ўт ичига ташлар ва шу чоқ, ўзини мувоҳазага¹ бошлар эди: «Мен нега икки йил сарсон бўлиб юрдим-да, бу сарсонлиқнинг натижасига бориб чиқсанда шундай аҳмоклиқка тушдим?» дер ва Марғилон йўлини кўзлар эди. Аммо энди унга Марғилон бориш ўнақайи сира келмас: «Мен нега келдим-да, энди нега бораман ва нима деб бораман? Қизингизни Тошканд олиб тушарсиз деб кеткан эдим... Сиз олиб туша бермаганингиздан кейин ўзим қайтиб келдим деяйми?» Отабек мана шундай чучмал азоблар ичидаги кейинги кунларини кечира бошлади.

Ой тўлмасдан Марғилон қатнаб турғучи ўслини энди уч ойлаб

¹ Мувоҳаза — койиш.

кўзғалмай қолиши учун Ўзбек ойим эскича яна қувониб кетди. «Кейинги қилдирган иссиг-совуғим кор қилди шекиллик, биратўласига Марғилонни тилига олмаёқ кўйди. Энди хотинифа исиб, меҳмонхонада ётишни ҳам барҳам берса... ҳар нучуқда дуодан қолмайлиқ», деб Зайнабни домланикига қистар эди.

Отабек кейинги вақтларда савдога юришни тарқ қилиб қўйғани учун Ҳасанали ишсиз қолған, узун кун уйда бекор зерикканлиқдан ҳожига айтиб бирмунча дастмоя билан гузардан баққоллиқ дўкон очқан эди. Отабек кўпинча меҳмонхонасидағи кутубхонадан уни-буни ўқуб ўлтураг, ўқушдан зериккан кезларида Ҳасаналининг дўконига чиқар ва гузардан ҳам зериккандан кейин боши оғқан ёқларға, Салор бўйларигача кетар ва тоғи Чуқур қишлоқ томонлариға ҳам тушар эди. Аммо тушкани билан бурунгича ичмас, икки-уч, ортиб кетканда тўрт оёқ¹ ила кифояланар, кўз ўнглари оз-оз жимирашкан, турлиқ хаёллари бирмунча тарқалған ҳолда қайтар ва лекин Ҳасанали ҳам унинг бу кайфини жуда сийрак сеза олур эди.

Ўткан кун Чуқур қишлоқда тушкан эди. Аср вақтларида қайтиб гузарга келди-да, хаёлат билан Ҳасанали дўконига ўлтурди. Отлик, яёв ўткинчилар тўрт томонга қатнаб турадирлар, унинг бу кунги кайфи ўтачароқ кеткан бўлса керак, уларни гира-шира кўзга илгандек қарайдир.

Ҳасанали бир-икки уни кузаткандан кейин сўради:

— Марғилонға нега кетмай юрибсиз?

Бу саводдан унинг кайфи тарқалғандек бўлиб, кўзлари мощдек очилди.

— Ҳавсала йўқ...

— Қайин отангиз кўнса, кўчингизни олиб келсангиз ҳам маъқул эди қатнаб юргандан...

— Қайдам...

Илгари шундай савол чоғларида ўзининг ёлғон жавобларидан жуда хафаланар, Ҳасаналига ўткан гапларни бирин-бирин айтиб бергуси ва «маним уйланишимга сен сабаб бўлған эдинг, энди уни мендан ажратдилар», деб ундан ўз дардига даво истагуси келар эди. Ҳозир ўзида хафалик, ўнграйисизлиқ сезмаган бўлса ҳам бошига «ўзим боролмасамда, Ҳасаналини юборишим ва кезини топиб ўткан гапларни отага ҳикоя қилишим керак эди», деган фикр келди Бора-бора бу фикр унинг бошига жиддий ўринлашиб олди, шу тўғрида чинлаб ўилаб кетиб кайфи ҳам тарқалаётди. Дўконни ёлиб, Ҳасанали билан бирга кетди — йўлда, меҳмонхонада бирга ўлтуриб ош еди, дастурхон устида унинг ўйлағани фақат шу бўлиб қолди. Бироқ бу фикр қарор тусига кириб кета олмади, дақиқа сайин тарқалиб борған кайфидек турлиқ монеъларға учрай бошлади:

— Ҳали Марғилонда ишлар қалайикин? Улар яна айнаб қолмаган-микинлар? Марғилондан бир нарса пайқамай туриб, кишини овора қилишга арзирмикин?..

¹ Оёқ — катта писла.

Бу күн қуёш очиқ ҳавода кезиши учун жим-жим товланиб, ер юзига кулиб қаради. Икки кундан бери қуёш бетини қоплаб, турлик ерларга жон суви сепиш ила чарчаған баҳор булатлари бурчак-бурчакка тарқалиб борар эдилар. Уяларидан чиқиши биланоқ чумчуклар чирқиллашиб, мусичалар ку-кулаштылар. Анови ар-ар теракка уя қўйишига ўйлаған бир жуфт карруклар ҳам вижир-вижир қилишиб кенгаш очдилар. Подачининг товшини эшитиб, далага ошиқсан онасига эргашиб қашқа бузоқ ҳам мағраб юборди. Модасига тегишкани учун томдаги қалтар ҳам бўқорини чиқариб рақибининг теварагида яғрин бера бошлиди... Қисқаси бу күн уйғонишданоқ бутун коинотнинг яхши туш кўриб турғалиши сезилар эди.

Баҳорнинг бу кунги сиҳирлик куни Отабекни ҳам қитиқлади Чойини наридан-бери тутатиб, Ҳасанали кетидан гузарга чиқди. Ул гузарга чиқранда Ҳасаналининг қўшниси бўлған Али эринибкина дўкон тахтасини туширмақда эди. Отабекни кўриш билан дўкон очишни тўхтатди:

— Бу күн бўшмисиз, бек ака?

— Бўшман.

— Бўш бўлсангиз, Минг ўрукка¹ — қимизга борар эдик, — деди Али. — Тўла қозоқ бияларини яйлоққа солибдир.

— Дўконингиз-чи?

Али туширган тахтасини қайтадан жойига қўяберди:

— Дунёнинг иши битар эмишми, бек ака. Хўб десангиз, дўконни ёпаман.

Отабек ярқираб чиқиб келган қуёшга қаради.

— Ёлинг бўлмаса, — деди.

Отабек Ҳасаналининг дўкони воситасида Али билан яқинда танишкан эди. Ул ичи кирсиз, серкулки, очиқфина бир йигит бўлиб, бек билан гўё кўб йиллардан бери бўлған танишларча муомала қиласар эди.

Бекга бу тасодуф жуда қулай келди. Чунки уйдан чиқишиданоқ унинг қасди бу кунни далада ўтқизмак эди. Эт оддилар-да, яёвлашиб Минг ўрукка кетдилар.

«Минг ўрук» мавзити отидан ҳам маълум, бунда минг чорлиқ ўрук дарахти ўсқан учун бўлиб, Шиблининг сувидан бошлаб то Салор ариғиғача қатор-қатор ўруклар эди. Салорнинг нариги ёри нийдек қир, эндиғина кўм-кўк ўт гилами униб чиқған эди. Минг ўрукнинг этаги бўлған Салор бўйича уч-тўртта қозоқ ўтовлари тикилган эдилар. Иккиси Салор бўйига етиб, Тўла қозоқнинг келинчагига этни шўрва қилиш учун бердилар.

Али ўтвдан кийгиз олиб, Салор бўйига ёзди. Келинчак ёстиқ, кўрпача ташлаб берди, Отабек ҳордик чиқариб ясланди.

Қуёш озорсизгина қиздирар эди. Енгилчагина эскан шамол диморқа турлик ўлан исларини келтуриб урар эди. Бир неча қалдирғоч

¹ Минг ўрук — Янги шаҳарнинг бу кунги тахта бозор ва қўй бозор ўринларидир (муал.). Ҳозирги Олой бозоридан Юнусободгача бўлған мавзе.

Салорнинг оқиши бўйлаб учар ва учкан кўйи «валфажри» ўқур эдилар¹. Пойёnsиз қирнинг юқори-кўйи ўринлари якранг кўкат ва кўз илғамайдирган узоқлиқлари туманлангансумон кўриниш берар эдилар. Қушлар, қуртлар сайраши табиъий бир соз хизматини ўтаб кишига ифодаси қийин бўлған бир сезги солар эдилар.

Отабек табиъатнинг шу кўрқам ва латиф кўринишига мафтун бўлиб, бир оз ётқандан кейин «ул ҳам бўлса эди», деб ўйлади ва узоқ тин олиб қўйди.

Бу куннинг кўркамлигидан олған таассуротини Али ичига сиғди ролмади:

— Зап яхши кунми! — деди.

Отабек ҳам шу гўзалликни ўзига татитмай турған дардидан шикоятланди:

— Шундай кунларда каму кўстинг бўлмаса...

— Сизнинг ҳам кам-кўстингиз борми? — деб Али кулимсиради.

— Йўқ, деб ўйлайсизми?

— Ҳаммада бўлғанда ҳам, сизда йўқ, деб биламан.

— Масалан?

— Масаланими, — деди кулиб Али, — сизнинг билан отангизнинг обрўси қушбегида ҳам йўқ, давлат тўғрисида бўлса, очиқарлиқ ерда эмассиз... Иккита тўтидек хотинингиз бек акам учун сочини тараб ўлтурадир... тарин қанақа каму кўст?

Кишининг баҳтини юзакигина кўриб ҳукм қиласуви Али унга қизик кўринди ва кулиб:

— Тўғри айтдингиз! — деди.

— Шукур қилиш керак, бек ака, — деди Али ва ўзининг баҳтсизлигидан, топқанини рўзгордан ортдиромай, шу кунгача уйланалмай келишидан ҳасрат қилиб кетди Отабек унинг ҳасратини диққат билан эшилди, ҳаётнинг зарбаси ҳар кимнинг ўз даражасига қараб ва лекин истисносиз² бўлғанлигини тушинди.

— Дунёнинг иши шунаقا экан, мулла Али, — деб уни юпатиб қўйди. Иккиси ҳам бир неча вақт жим қолдилар.

— Марғилонлик хотинингиздан болангиз бордир?

— Йўқ...

— Бўлса ҳам турмадими, уйланганингизга анча йил бўлған шекиллик?

— Турмади.

Али Отабекнинг ками кўстини шу боласизлиқдан деб ўйлаған эдиг.

— Боласизлиқ учун хафа бўлиш керак эмас, ҳали ёшсиз, бек ака!

Отабек жавоб бермади. Корсонда³ қимиз келди. Бек бир-икки зарангни⁴ ичкандан кейин, ясланиб кўкка қараб ётиб олди. Али бортовшини қўйиб ашгула қилди:

¹ Авом зътиқодича (муал.) Куръонда Фажр сураси (фажр — субҳ, тоңг ёруғлиги) тоңг билан қасамёд этман сўзи билан бошланиб фижр-р-р сўзи билан тутагани учун халқда қадирючиликнинг сайроғини шунга ўжнатиб "валфажри"ни үқиди, дейдилар.

² Истисно — мустасно.

³ Корсон — ёроҷдан ишланган котта товоқ.

⁴ Заранг — зарант ёроҷидан ўйиб ишланган коса.

*Кўзларим йўл устида, келмади ёр,
Ушбу кенг дунё кўзимга бўлди тор.
Қай қароқчи олди ёримнинг йўли,
Мундаги баҳтсиз йигит йўл узра зор...*

- Кўшилишмайсизми, бек ака?
— Ўзингиз яхши айтасиз, тўхтамант!

Али борлиқ овози ила ҳамма ҳунарини ишлатиб, фазал тугалгунча ашулани айтиб борди.

- Тузикми, бек ака?
— Яхши ашулачи экансиз!

— Ундоғ бўлса устидан буни ичиб юборинг, — деди кулиб, бир заранг қимиз узатди Бек қимизни бир симиришда бўшатди-да, энти-киб узоқ қирға қаради, узоқ қараб турди-да, юқоридаги байтни ўқуб оғиз ичидан мингиллади.

*Кўзларим йўл устида, келмади ёр,
Қай қароқчи тўусди ёримнинг йўли...*

- Кўқонға кеткан сипоҳлардан дарак эшитдингизми, бек ака?
Отабекнинг хаёли бўлиниб, Алига қаради:

- Эшитмадим.
— Маним акам ҳам кеткан эди... Ой бориб, омон келишсунлар-да!
— Акангиз йигитмиди?

— Йўқ, мерган эди. Кўқон кетаётқан ўртоқларига қизиқиб, борма деганга кўнмади. Уруш эҳтимоли йўқми, шунчаки фотиҳа учун кетиш-кандирлар-а?

— Ким билсин, — деди бек ва бир оз ўйлаб қолғандан кейин, — бўлмас, — деб қўйди.

Корсондаги қимиз тугаб, шўрва ҳам ичилди. Дастурхонни йифқув-чи келинчакка ўғул тилаб дуо қилинғандан кейин, қўлига ўтгуз чақа сурма пули бердилар ва қирни айланиш, бинафша териш учун туриб кетдилар.

3. Қипчоққа қирғин

Кечки соат тўртларда Қоймос дарбозасидан қайтиб шаҳарга кир-дилар-да, дарбозадан ўн адим нарида боши танидан олинран уч киши-нинг гавдасига йўлиқдилар. Отабек бу ҳолга тушунмади, чунки аҳёнда бир осиладирған гуноҳкор Эски намозгоҳ дорига элитилар эди. Шунга кўра дарбозабонни ҳужрасидан чакириб сўради:

- Булар қандай гуноҳкорлар экан?
Дарбозабон бекни таниб қўл қовиштириди:

- Тақсир, қипчоқлар

- Гуноҳлари нима экан?

Дарбозабон ётқан гавдаларга қараб олди ва бекнинг яқинига кел-ди:

- Ўзлари биларлар-ку, тақсиримнинг... бегимга айткулуги йўқ...
— Гуноҳлари нима, ахир?

— Ахир қипчоқлар-да, тұрам.

Отабек дикқатланды:

— Қипчоқлар эканини билдім, аммо гуноҳлари нима деб сиздан сүраяпман!

Дарбозабон құл қовишиғаннича Отабекка ажабланиб қаради:

— Аниқ хабарлари йўқми тақсиримнинг? — деб яна сўради.

— Йўқ!

— Вой-боёв тақсир, бу кун эрталабдан бери кўринган қипчоқни сўйиб юрдилар-ку. Гуноҳлари суриштирилмади, тақсир, — деди ва ўлукларнинг ёнига юриб келиб изоҳ берди, — мановисини уйидан олиб чиқиб сўйдилар, мановиси маним ёнимда турған дарбозабон эди — раҳматлик. Мановисини танимайман ва лекин ўзи қипчоқ бўлса керак.

Отабек даҳшатланиб ёнидаги Алига қаради. Али эса ётқан жонсиз гавдаларга қараб лабини тишлаб турар эди.

— Кимлар ўлдирди? — деб Отабек даҳшат ичида дарбозабондан сўради.

— Бу ерга келгучилар йигирма чоғлиқ эдилар, ўзимизнинг Тошканд йигитларидан ҳам бор, қўқонлиқлар ҳам кўринадилар. Ўзлари ҳам қипчоқни қидирабериб ҳамма ёқни тозаям ғалвир қилиб юбордилар-да, тақсир... Қўқонға кеткан бекларданми, хонданми, иш қилиб, шунақа буйруқ кепти-да, тақсир... Бизлар хизматкор одам — нимани билайлик, тўрам!

Отабек масалага тушингандек бўлди ва даҳшат ичида Али билан ўйлар тушди. Ўттуз қадам босмай тағин икки ўлукка учрадилар. Ўн адимда бир жонсиз гавда...

Энди Али сўрамай чидамади:

— Наузанбилоҳ¹, бу нима деган гап, бек ака?!

— Сўраманг!

— Йўғ-а, — деди Али, — ахир ҳаммаси ҳам гуноҳкормикин?

— Гуноҳкор!.. — деб заҳарханда қилди бек. — Мусулмонқулини биларсиз, албатта?

— Нега билмай, икки ой илгари қочиғини ҳам кўрдим...

— Билсангиз, — деди бек, — буларнинг ҳаммаси ўшанинг гуноҳига ўлдирилган ўхшайдир!

— Шу ҳам гапми, худоё тавба!

Адим сайин бир ўлукка учрар эдилар. Али санаб келар эди, гузарга етканда саноқ етмишдан ортди. Ҳали бу биргина тўтри кўчанинг ҳисоби бўлиб, кенг Тошканднинг ўзга кўчаларини ҳам ҳисобга олғанда фажиль бир агад ташкил этиши маълум. Гузарнинг ичига кирганда қатор чизилған қирқ чоғлиқ ўлукларни кўрдилар...

Кун асрдан оғиб шомга яқин, шунинг учун гузардаги дўконлардан очуғи уч-тўртта, жумладан, Ҳасанали ҳам ярим очиқ дўконни олдида ўлтурап эди.

— Соғ келдингизми, бек! Биз бу ерда юз хил васвасага тушиб ташвиш тортиқ, — деди Ҳасанали.

¹ Наузанбилоҳ — худо сақласин.

Отабек бошқа хаёлда эди. Ҳасаналининг сўзини гўё эшитмагандек сўради:

— Бу кун дадам қаерда эди?

— Сиздан кейин ўрдага кеткан эдилар. Бир соатдан кейин шошқаннамо қайтиб келдилар-да, сизни сўрадилар, шундан сўнг қаёкка кетканларини билалмадим.

— Қачондан бошлаб қипчоқни сўйдилар?

— Отангизни келиши биланоқ, — деди Ҳасанали ва энтикиб фожиъани ҳикоя қилди. — Эй... бек, раҳмсизлик бунақа бўлар экан... Худда қиёмат бўлди! Бечоралар нима гуноҳ қиодиларикин? Уйида ҳалол касбини қилиб ўлтурғанларга тутиб сўйдилар Эй бечоралар, қандай гуноҳлари бор экан?! Йигитлар тутиб келтуриб турадир, жаллод бош кесиб борадир. Бу ногаҳоний қазодан эслари чиқиб кеткан бечоралар йиглашадирлар. Айниқса бир бўёқчи... худда хум ёнидан тутиб келганлар — қўли бўёқ... Эй худо, мен нима гуноҳ қиодим, деб йифладир... Чидаб бўлмади, дўконини ёпиб қочдим, кўплар ҳам қочдилар... тағин бир...

— Бас, — деди Отабек. Ҳасанали ҳикоядан тўхтади, чунки бекнинг юраги эзилиб оқиши даражасига етиб, Али Отабек билан хайрлашмасданоқ қочқан эди...

Үйга бориб кечки ошни ҳам емади ва отасига ҳам учрашмади, гўё шу йиртқичлар дунёсидан яширингандек оқ кундаёқ тўшагига ётиб, кўрпасига бурканиб олди. Унинг бу ҳолига уй ичи тушинганлари учун, нима қилди, деб сўрамадилар ва ёнига ҳам келмадилар...

Юсуфбек ҳожи эрталаб чойни Отабек билан бирга ичиш учун меҳмонхонага чиқди. Отабек терсайғанча келиб чойга ўлтурди, отасига салом бермади. Чунки ул ўз отасини қипчоқ қирғинининг бош омилларидан деб қарор қўйган эди. Чой яримлай ёзди. Орадан чурқ, эткан сўз чиқмади.

Ниҳоят, ўғлига енгиллик бериш ниятида ҳожи тилга келди:

— Хафа бўлма, ўғлим.

— Сизларга ўҳшаб, — деди истеҳзоланиб, — қувонайми?

Ҳожи ўғлининг қандоғ фикрда ва нима учун терсайғанини билди.

— Янглишасан, ўғлим.

— Ражаббекникидаги мажлисда, — деди заҳарханда билан, — бу йиртқичлиқнинг режачиси ким эди?

Ҳожи энтиқди ва:

— Ражаббекникида бўлған мажлисни сен биласанми?.. — деб сўради.

— Биламан.

— Билсанг, — деди ҳожи, — маним устимга мундоғ тухмат ортишдан уял, бола!

— Ражаббекникида бу кенгаш бўлмаганмиди?

— Бўлған эди.

— Бўлған бўлса, тағин нега ўзингизни қуруқقا оласиз?

Юсуфбек ҳожи боладан кулгандек қилиб илжайди.

— Баъзи енгил муҳокамаларинг онангницидан қолишмайдир, Отабек

бек! — деди. — Мажлисдан хабаринг бўлған бўлса, ким қайси фикрда қолғанини ҳам биларсан?

— Йўқ.

— Мажлисда нимадан баҳс қилинганини-чи?

— Мажлисда нима музокараси бўлғанини ҳам билмайман ва лекин ўша мажлис фақат қипчоқдарга қатли ом учун йигилған экан, деб кеча ишондим. Мажлисингиз аъзоларининг сиздан бошқаси нега йигит тўплаб Қўқонға кетдилар ва улар Қўқонға етмаслариданоқ нега бу ваҳидат бошланди?

— Бу муҳомаманг тўғри. Аммо отангни ҳам шу жониворлар орасига қўшиб ўлтиришинг қисқалиғингдир,— деди. Кўэита ёш олди. — Ўзинг ўйлаб кўр ўтлим, ўз қўлимиз билан ўзимизникини кесишимидан мамлакат учун қандай фойда бор? Башарти мен бу ваҳшатка иштирок қиласан бўлсан, қайси ақд ва қандай манфаатни кузатиб қўшилишкан бўламан? Агарда маним юрг сўрамоққа ва шу восита билан бойлик ортдирмоққа орзум бўлса, бошқалардан ҳам кўра ўз ўтлимга — сенга маълум бўлмасми? Нега ҳар бир нарсага еткан ақдинг шунга қолганда оқсайдир. Нега ёнған юракимга яна сен ҳам заҳар сочасан?!

Титралиб ва тўлқунланиб айтилган бу сўзлар Отабекни ўқинтириди, ўлганинг устига чиқиб тепиш қабилидан бўлған ўз ҳужумининг ҳақсиз эканга тушинди.

Юсуфбек ҳожи битта-битта ётиғи билан мажлис ҳақида баён қилиб, ўзининг қарши тушканини ва уларга уқдира олмагандан кейин, мажлисни ташлаб чиқиб кетканини сўзлаб келиб деди:


— Бирар соатлардан сўнг орқамдан Ниёз қушбеги келиб мендан афу сўради ва мажлиснинг у фикрдан қайтқанини, ўзларининг хатоға кетканларини айтди. Мен хурсанд бўлиб, бу ишнинг зарарини яна исбот қилиб чиқдим. Ниёз мен билан хайрлашар чорида: «Жон ҳожи ака, энди гап шу ерда қолсин, битта-яримта эшиттундек бўлса, биз ерга қараплиқ, бўлмайлик, ўлтиришнинг катта илтимоси сиздан шул», деди. Мен бу иблисона алдовга учиб, бу тўғрида на сенга ва на Нормуҳаммад қушбегига оғиз очмадим ва уларнинг Қўқонға фотиҳа учун кўзғалишларидан ҳам ҳеч бир шубҳаланмадим... Эҳ, шайтонлар!

Ҳожи бир оз тўхтаб давом этди:

— Кеча эрталаб ўрдага борған эдим. Саҳн юзида уч-тўрт юз мусаллаҳ¹ йигитларни биравни куткан ҳолда кўрдим ва илтифотсиз қушбеги маҳкамасига кирдим. Кирсам, Қўқонға кеткан Қаюм понсад учтўртта йигити билан қушбенинг қаршисида турибдир. Қушбеги қўлида бир қоғоз ушлаб, гўё зс-хушидан айрилган каби қотиб ўлтириблир. Мени эшиқдан кўриб, сўзсиз-несиз қўлидаги қоғозни менга чўэди ва бошини тебратиб қўйди. Мен бир нарсага ҳам тушинмаган ҳолда бориб қоғозни олдим... Ўқудим-ўқудимда, маним ҳам ҳушим бошимдан учиб, қушбеги ҳолига тушдим. Бу қоғоз хоннинг ёрлири эди ва бунда тахминан шундай гаплар бор эди:

«Биз Туркистон мамлакатининг хони ўз қаламравимиз ва салтана-

Мусаллаҳ — қуролланган.



тимиз учун қипчоқ тоифасини музир деб билдик. Бу янглиғ хукмимизни ўз қаламравимизда бўлған барча бекларимизга, ҳоким ва қўрбоши ва даҳбошиларимизга билдириб буюрамизким, ушбу фармонимизни олған он дарҳол ўн беш ёшдан то етмиш ёшқача бўлған қипчоқ эр зотини қиличдан кечиргайлар ва ҳеч бир силаи раҳмни восита қилмагайлар. Ушбу хукмимизни ерига еткузишда сустлик қилган мансабдор бизга итоатдан бош тортқан ҳисобланиб, энг қаттиғ жазомизга маҳкум қилинур. Бу хукмимизни шжро эткучи Тошканғ ҳокими Нормухаммағ қушбегига марҳамати шоҳонамиз шулдурким, гарчи сизнинг қипчоқ қавмиға мансубиятингиз бўлса ҳам, Мусулмонқулни ҳайдашда бизга унумласлиқ хайриҳоҳликлар ва хизматлар кўрсатдингиз, биноан алайҳи сиз бу жазодан маъфудирсиз¹ ва садоқатингизда боқий қолиб амримизни ижро этишингизда шубҳа қилмаймиз!»

Қушбегига қарадим, ул ҳам маним оғзимға қараб турар эди. «Буйруқни қачон олдингиз?» деб сўрадим. Ул жавоб ўрнига Қаюм понсадга имлади.

— Мен олиб келдим, — деди Қаюм понсад.

— Сиз Қўқондан олиб келдингизми? — деб сўрадим. Чунки сен айткандек беш-олти кунда Қўқонға бориб-келиш сира ақла сиғмас эди.

— Биз беклар билан Қўқон йўлида эдик, — деди Қаюм, — йўл устида хондан ушбу ёрлиқ келиб қолди. Ниёз қушбеги менга йигит кўшиб бу ҳукмномани ижро қилишда бекка ёрдам бермак учун жўнатди.

Бу сўз менга ҳамма шайтанатни очиб берди ва ўзимнинг иблислар томонидан алданғанимни билдим:

— Эртадан бошлаб ҳукмни ижро қилсақ қалай бўларикин? — деб қушбегига қарадим.

— Мен ҳам шуни ўилаб туриб эдим... — деди қушбеги ва Қаюмга қаради.

Қаюмнинг устодлари ишни кейинга силташимизни илгаридан кўриб қўйған эканлар:

— Эртага қўйиб бўлмас! — деди Қаюм.

— Нега? — дедим.

— Негаки эртагача қипчоқлар қочиб битадирлар.

Мен Қаюмнинг сўзига қулоқ солмадим-да, қушбегидан эртанинг кенгашини сўраған бўлдим. Бу ҳолдан аччиғланған Қаюм ёнимға келиб ўлтурдиди.

— Овора бўлмангиз, ҳожи ака, — деди.

Унинг бу ҳаракатидан аччиғим қистади:

— Сизнинг билан маним бу ишқа аралашмоққа ҳаққимиз йўқ! — дедим.

— Сизники бўлмаса тўғри, аммо менини бор! — деди Қаюм.

— Буйруқ кимнинг отига? — дедим.

— Қушбенининг!

¹ Маъфу - афв этилган, кечирилган

— Бас, сиз билан мен фақат у ёрдам сўрағандагина кетман кўтарамиз, бошқа дахлимиз йўқ! — дедим.

Қаюм заҳарханда билан ёнини кавлаб иккинчи бир буйруқ чиқарди ва менга бериб: «Ўқунгиз!» — деди. Ўқудим.

— Бас, биринчи буйруқни сиз олган экансиз, нега яна қушбегидан фотиха кутиб ўлтурисиз?! — дедим ўт ичида.

— Ҳар нарса бўлғанда ҳам улуғимиз, деб сийлаб турған эдим... — деди Қаюм.

— Эгасини сийлаган итига суяқ ташлар, қилмоқчисиз-да, баракалла! — дедим. — Борингиз, устодларингизнинг васиятини бажарингиз!

— Ҳафа бўлманигиз, ҳожи ака! — деди Қаюм ва қўлимдан қоғозни олиб қушбегидан сўради: — Нима дейсиз энди, бек?

— Маним кенгашимга кирсангиз, эртадан бошлайлик! — деди қушбеги.

— Сира илож йўқ, қушбеги! Чунки барча шаҳар ва кўйларга ҳам фақат шу — бу кунга, деб буюрган экан! — деди Қаюм.

Кушбеги билан мен гўё тоғ остида босириқ бўлған эдик. Бошимизга ҳеч бир гап келмас эди. Қаюм ўрнидан турған ҳолда қушбегидан жавоб кутар эди. Кушбеги кўб фурсат қотиб ўлтурғандан кейин, Қаюмга қўли билан чиқишига ишорат қилиб: «Билганингизни қилаверингиз», — деди. Қаюм ёнидафи йигитлари билан маҳкамадан чиқди. Унинг чиқиши билан қушбегига дедим:

— Энди нима қиласиз?

— Нима қиласиз?

— Ахир қараб қолаберамизми, вақт танг! Қаршира биз ҳам йигит чиқарайлик!

— Қўяберингиз, ҳожи!

— Бечора гуноҳсизлар кесилаберсингиларми?!

— Кесилаберсингилар! — деди қушбеги Мен изтироб ичида унга тушинолмай қолған эдим. Ул йиги ичида тилга кеъди:

— Мамлакатнинг тинчалиги қипчоқларни кесиш билан ҳосил бўлса, майли, кессинлар! Юртнинг ободлиги гуноҳсиз қипчоқнинг қизил қонига қараб қолған бўлса — майли, ўлдирсингилар! Агарда нажотимиз қипчоқ тухумини қуритишида бўлса — мени ҳам оссинлар! Бу палидларнинг марҳаматига мен ҳам муҳтож эмасман!

Ҳозир иноднинг¹ ўрни эмаслигини ҳарчанд уқдирмоқчи бўлдим, кўнмади. Ноилож, ёлғиз ўзим чиқиб қўлимдан келганча қипчоқларни қочиришга ҳаракат қирадим, теваракка кишилар йулладим. Аммо тўрт юз жаллоднинг қаршисиға чиқған бир кишининг уҳдаси албатта бир кишича эди. Муттаҳамлар кўб бечоранинг ёстигини қуритишиға муваффак бўлдилар, — деди ҳожи. — Мана, Отабек, ҳақиқат шул, киши тушинимасдан туриб биравга тұхмат түкимайдир.

Отабек ўзининг ўринсиз гапидан уялғаннамо ерга қаради ва бирмунча вақт фикрга кетиб ўлтурғандан сўнг сўради:

¹ Инос — ўжарлик, қийиқлик.

— Йиртқичларнинг бу қирғиндан қандай муддаолари ҳосил бўларкин?

— Мақсадлари жуда очиқ, — деди ҳожи, — биттаси мингбоши бўлмоқчи, иккинчиси Нормуҳаммад ўрнига минмакчи, учунчиси яна бир шаҳарни ўзига қарам қилмоқчи. Ҳон эрса Мусулмонқулга бўлған адвокатини қипчоқни қириб аламдан чиқмоқчи. Менга қолса ўртада шундан бошқа ҳеч гап йўқ, ўғлим. — деди ва бир оз тўхтаб давом этди: — Мен кўб умримни шу юртнинг тинчлиги ва фуқаронинг осойиши учун сарф қилиб, ўзимга азобдан бошқа ҳеч бир қаноат ҳосил қиломмадим. Иттифоқни не эл эканини билмаган, ёлғиз ўз манфаати шахсияси йўлида бир-бирини еб, ичкан мансабпаст, дунёпаст ва шухратпаст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди. Биз шу ҳолда кетадирган, бир-биrimизнинг тегимизга сув қуядирган бўлсақ яқиндирки, ўрус истибоди ўзининг ифлос оёғи билан Туркистонимизни булғатар ва биз бўлсақ ўз қўнимиз билан келгуси наслимизнинг бўйнига ўрус бўйиндиригини кийдирган бўлармиз. Ўз наслини ўз қўли билан коғир қўлиға тутқин қилиб топширгучи — биз кўр ва ақласиз оталарга худонинг лаънати албатта тушар, ўғлим! Боболарнинг муқаддас гавдаси мадфун¹ Туркистонимизни тўнғузхона қилишга ҳозирланған биз иtlар яратучининг қаҳрига албатта йўлиқармиз! Темур Кўрагон каби доҳийларнинг, Мирзо Бобур каби фотихларнинг, Форобий, Улуғбек ва Али Сино каби олимларнинг ўсиб-унган ва нашъу намо қилғанлари бир ўлкани ҳалокат чуқуриға қараб судрағучи албатта тангрининг қаҳриға сазовордир, ўғлим! Гуноҳсиз бечораларни бўғизлаб, болаларни ятим, хоналарини вайрон қилғучи золимлар — қуртлар ва қушлар, ердан ўсиб чиқған гиёҳлар қарғишиға нишонадир, ўғлим!..

4. Ой этак билан ёпилмас

Чой тугалган эди. Отабек фотиҳа ўқуб, ўрнидан қўзғалмоқчи бўлди.
— Турма!

Юсуфбек ҳожи тарафидан берилган амирона бу бўйруғ Отабекни қайтадан ўлтуриб қолишга мажбур этди ва отасига «нима хизматингиз бор?» дегандек қилиб қаради. Юсуфбек ҳожи бир сўз демасдан салласини олиб тизасига қўйди, бош қашиниб яна салласини кийди. Дадасининг салла олиб бош қашиниши кейинидан кўпинча ўзини бир тергав остида кўрар эди. Шунинг учун яна бир мартаба дадасига қараб қўйди.

Чини билан ҳам ҳожининг тусиғаги бояғи ҳасрат ва қайғу аломатлари йўқолиб, уларнинг жойини шарқ оталиғи вазияти олди.

— Марғилонда нима ишлар қилдинг?

Кутилмаган бу саволга Отабек нима деб айтишини билмай қолди. Жавоб ўрнига хавли томонға қаранди.

¹ Мадфун — дағи қилинган

- Сендан сўраяпман, Отабек
- Сизга хабар бергучи нима ишлар қилғанимни ҳам айткандир...
- Жўн одамлар қаторида одам ўлдириб юрдим, дегин?
Отабекнинг юзида кулимсираш билинди.
- Жўн одамлар қаторида эмас, — деди, — мажбурлар қаторида, зўрланғанлар қаторида...

Хожи ўғлининг киноясига тушунмади:

- Одам ўлдириш учун сени ким зўрлаб мажбур қилди?
- Ҳали билмайсизми?
- Билмайман, — деди ҳожи, — айтишларига қараганда сени ҳеч ким мажбур қилмаган.

— Мени зўрлаган ва мажбур қилған эдилар, дада, — деди заҳарханда билан. — Йўқса, сизнинг ўғлингиз бўлған бир йигитнинг шаънига албатта одам ўлдириш уят ва номусдир.

— Ким сени мажбур қилди, ахир?

— Сиз, онам!

— Эсинг ўзингдами, йигит?

— Ўзимда, — деди ўгул. — Сиз ўзингизнинг орзу-ҳавасингиз йўлида мени мажбур қилдингиз ва душманларимга йўлни катта қилиб очиб бердингиз. Мен бу жониворликни хоҳ-ноҳоҳ ишлашга мажбур қолдим.

— Шундоғми, — деди ҳожи ўз гуноҳи ўкулига тушкан ҳолда, — ундоғ бўлса, бизни кечир, ўғлим.

— Сизни гуноҳкор қилишга ва гуноҳингизни кечишкага маним ҳаққим йўқ, дада. Лекин гуноҳсиз бўлатуриб, ҳам яна мувоҳаза остига тушканим учун ўзимни мудофаа қилишга мажбурман...

Хожи лабини тишлиб, бошини чайқади.

— Хом сут эмган бандамиз, — деди, — хайр, бу айбни-ку бизнинг бўйнимизга қўясан, дарҳақиқат қўшишга ҳаққинг ҳам бордир... Аммо ораларингга ёмонлар оралаған экан, шунча муддатдан бери неги мени хабардор қилмадинг? Ёки бунда ҳам бирав сени индамасликка мажбур қилдими?

— Ҳеч ким мажбур қилмади, — деди, — аммо мени шу вартага ташлаған дўстларимдан... кўмак сўраш ҳам маъқул кўринмади...

Хожи бошини қуий солди. Ўғлининг кейинги сўзи унга жуда таъсир қилған эди... Нима қиссинки, Отабек тўғри гални айтар эди...

— Биз сени Тошкандан уйлантирсак-да, — деди ниҳоят ҳожи, — катта хотинингдан ажратиш фикрида эмас здик. Агар сен шу хаёл билан биздан сиррингни яшириб келган бўлсанг, катта аҳмоқлик қилибсан, болам.

Отабек дадасининг бу кейинги сўзига қарши ҳеч нарса демади, гўё ҳамма аламини юқоридаги икки жумла билан чиқариб юборгандек жимгина сомиълик¹ даражасига тушди. Аммо натижани тезроқ эшишиб олиш учун унинг юраги қайнаған ошдек шопирилар эди.

Хожи давом этди:

— Кишининг бошиға бир иш тушканда, даррав биравдан кенгаш

Сомиъ — эшичувчи, тингловчи.

ва ёрдам сўрайдир. Ҳатто ота-онасидан ҳам сир сакдаған бир йигитни ўз ўғлум бўлиб чиқғани менга қизиқ кўринаадир. Қайин отанг менга бир хат ёзибдир, ўқуб-ўқуб мазмунига тушинолмай ҳайрон бўламан. Ой сайн Марғилон бориб туар эди-ку, деб ўйлайман. Ҳатни икки-уч қайта ўқуб чиқғандан кейин, билсам ҳақиқат шу эмиш... Мирзакарим-нинг ёзганига қарағанда бирмунча янгишиқ ундан ҳам ўткан кўринаадир ва лекин сенинг болалинг олдида уники ҳолвадир... Яхшики, бу ақлсизлигинг бошқаларнинг бошига кўринган... Ўзинг айт, агар менга шу касалингни бир оғиз билдирсанг, мен қайин отангга хат ёзмасми эдим, Ҳасаналини юбориб ҳақиқатни очмасмидим ва бу тақдирда одам ўлдириб юришларга қандай ҳожат қолар эди?

Отабекнинг бошига бу гапларнинг бир ҳарфи бўлсин ўрнашмас ва ўзи куткан натижага бориб стиш учунгина қийналар эди.

— Шунчалик ишларни қилиб, нега охирда қайин отангга йўлиқмай келдинг?

— Шунга мажбур эдим.

— Марғилонга энди қачон борасан?

Отабек ўйланаб қолди. Чунки бу «қачон бориш» масаласини яхшилаб ешмак керак эди ва уни ешмак ҳам қийин эди, узоқ ўйланғандан кейин:

— Маълум эмас, — деди.

Гарчи бекнинг юраги ҳозир бўлса ҳам Марғилонга қараб учишқа тайёр эди. Бироқ унинг юрагидан ҳам кучлик бўлған яна бир нарса бу «бориш» масаласиничувалтириб «маълум эмас» бир ҳолга қўйған эди.

— Қайин отанг келин болани олиб шу ҳафта ичи йўлга чиқмоқчи экан, — деди ҳожи, — тарихига қарағанда хатнинг ёзилғанига ўн кунлаб бор, эҳтимолки, эрта-индин келиб қолсалар, тўрдаги уйни бўшатдириб, полос ёзиш керак эди...

Ул бу гапни эшитар экан борлиқ, йўқлиқ — иш қилиб аллақандоғ қизиқ бир ҳолат кечирди. Иссиғ бир нарса баданига тегиб кеткандек ҳуркиниб қўйди ва «ниҳоят, энди ми?» дегандек қилиб энтиқди. Кўз ўнгидан биравнинг сурати ўтиб сархушланди ва тил билан онглатиб бўлмаслиқ бир соғиниш чиdamсизлиги ичидаги бу ивир-живир ҳолатдан тангиб кўз очди. Кўз очди, бироқ ўзига «нима дейсан?» деб қараб турғучи отасига мувоғиқ жавоб беришни билмади. Юсуфбек ҳожи эса ўғлининг бу сустликка ўхшаб кўринган ҳолини ёмонга йўйди. Марғилон деган шаҳардан катта ўзини кичик олиб қизи или келаётқан Мирзакарим акага ўғлининг хўрлиқ келтиришидан чўчиди. Шунга биноан Отабекни эпақага олиш учун унга кулки туюлган бир қанча насиҳатларни чизди:

— Ўғлим, — деди, — сийларанни сийлаш керак, энди сенга қадрсизланған бўлсалар, аммо бизнинг қошимизда уларнинг қадру қийматлари юқори, қутидор бўлса кўз очиб кўрган кудамиз, хотининг бўлса бош келинимиз. Агар сен мени отам дейдирган бўлсанг, шуларнинг кўнглини олмоқча тириш. Қайин отангдан мени кувлади, деб кўнглинг олинмасин, чунки у бечора ҳам бир шайтоннинг васвасаси билан бу

хатога түшкан. Ҳарҳолда ҳурматларини бажо келтир, Марғилон деган шаҳардан сенинг юзингни, деб келадирлар.

Отасининг бу сўзлари унинг истиқболи учун яхши таъминотлар берар, гўё мажбурият остида ота насиҳатини қулоқға оладирғандек бўйин эгиб ўлтураср эди.

— Агар уларнинг келиш кунларини аниқ билсак,— деди ҳожи, — сен йўлдан қаршилаб кирап эдинг.

Отабек жавоб бермади.

— Ҳарҳолда ўттаси кун мўлжал, сен чиқмасанг ҳам Ҳасанали чиқсин йўлга.

— Майли чиқсан, — деди Отабек.

5. Мактуб

Ҳожи шундан кейин ўғлидан бир даража қаноатланди ва чойга фотиҳа ўқуб, ўрнидан турар чоғида ёнидан бир хат чиқариб узатди:

— Хатнинг ичидан чиқди. Келиндан — сента бўлса керак, — деди.

Отабек мактубни олиб отасининг кетишини кутиб қолди. Хат саккиз бувланиб, қизил ипак билан бир-икки еридан чатилған ва Отабекка аталған эди. Отасининг узқолашини кутар экан, юраги ёмонлаған отдек типирчилар эди. Тикилган ипакларни сўқди ва мактубни очиб оч кўзини ишқа қўйди:

«*Юсуф савдосига бекарор Зулайҳо исмидан, Мажнун ишқида йиғланган Лайли отидан — сизга бошимдаги сочларимнинг тукларича беҳад салом. — Мендан — ҳадду-ҳисобсиз гуноҳ, сиздан — кечириш. Ўткан ишқа салавот. Чунки шу икки ўш ичига кечирған қора кунларни эска олиш маним учун ўша кунларни қайтадан бошдан кечиришилик сингари, ул кунларни сиз унутшиг, унутманг, аммо мен унутдим. Шунинг учун сўзимни ўзимни охирғи, ҳам чин баҳт ислари ҳидлаган тарихимдан бошлайман.*

Сиз — қочқоқсиз, нари-бери тил учида менга бир нарса ёзғандек бўлиб қочқансиз, икки ўш бўйи Марғилон келиб юришларингизни мен ўзимча евшим, лекин топиб евшим: сизнинг барча машақатларингиз — душманларингиздан ўч олиш учун бўлғанини онгладим. Йўқса, мени кўрар эдингиз, кўргингиз келмаганда ҳам бошқалар сизни кўрар эдилар, тўяр эдилар... Мен каби баҳтсиз, мен каби ювғаси кўб сизни зериктириб, жондан тўйдирған бўлса ажаб эмаски, қоча бошлагансиз... Қочсангиз қочиб кўрингиз, аммо мен бу кундан бошлаб биравларни қувишқа бел боғладим: отам билан онам рафоқатларида¹ хизматингизга — чўрилишингизга эрта-индин юраман, суйганингиз кундашим олдиға қадру қийматимнинг нима бўлишини ҳам биламан... Сиз олийжанобсиз: эски қадрдошлиқ ҳурматига кўнгил учун кулиб боқарсиз... Лоақал шугина билан ҳам баҳтсизни масъуда қиларсиз. Аммо... суйганингиз — кенжангизнинг жекиришларидан, қарғанишларидан беҳад кўрқаман, ўзим-

¹ Рафоқат — ҳачиртқлиқ, йўлдошлик, эшлик.

га ўйқ кўрқаман. Шу яқин орадаги унинг билан бўладирган масъуд дақиқаларингизда худо йўлиға вагъда олингиз — мени оғримасин, рақибам келди деб ўйламасин. Ниҳояти мақсадим икки дўстка бир чўрилик ва шу муносабат билан биравларни кўриб юриш...

Хатим охирига шуни ҳам айтуб қуяй: ўч қайтиб, мен ҳам кўчадан ҳайдалмасам эди, деган ҳавф ҳамиша кўнглимда. Агар худо ярлақаб эшикингида ўринлашиб олсан, ўёғини ўзим билар эдим...

*Эрта-индин кўзимга ўйл кўринур,
Йўл босишилиқ кўнгилга бир умр кўринур...*

З-инчи ҳамал, Марғилон, Кумушингиз ёэдим».

Отабекнинг сўйинчи ичига сиғмаслик, ўзини йўқотиб қўйған ҳолда илжаяр эди. Хатни иккинчи қайта ўқуб чиқиб яна сўйина бошлиған эди, кечаги манзаралар унга кўриниш бергандек бўлдилар. Ул сесканди, кўз ўнгидан кечаги мазлум гавдалар бирма-бир ўтиб, ул ошиғич равишида хатни буқлади ва улардан яширгандек чўнчагига тиқди, ирғиб ўрнидан туриб кетди...

Кўчани бир айланиб келгандан сўнг, бояғи манзаралардан бир оз кутилғандек бўлиб яна мактуб эсига тушди. Меҳмонхонанинг даричасига қия турған ҳолда хатни яна ўқуб чиқди. Лекин бу гал ҳам хат бояғидек сўйинч эмас, кечаги мазлумларга таъзия тутқандек оғир маъно берди: «Аммо... суйганингиз — жекиришларидан, қарғанишларидан беҳад кўрқаман...» Боя нима учун сўйинганига ўз-ўзидан ҳайрон бўлиб бошлиди. Чиндан ҳам мактубнинг мунда кўчирилган жумласи, ўйлаб қарағанда, ҳеч қандай кувончга йўл қўймаслик даражада қора маънолик эди. Бу жумла келасидаги онглашилиб битмаган, лекин бўлиши аниқға ўхшаган ярамас ва тинчсиз бир ҳаётнинг гўё муқаддимаси эди...

Отабек Кумуш айткандек кундаш, яъни Зайнабдан унча қўрқмаса ҳам, аммо дарднинг энг давосизи бўлған онаси тўғрисида юраги титради. Умрининг энг қийматлик кунларини оғулаган, икки йил бўйи давосиз дардга мубтало қилған, ярамас ва ишончсиз йўлларда санқишиға сабаб бўлған ўз онаси эмасмиди? Ва рақибларга, душманларга йўл очиб берган шу онанинг орзуси эмасмиди?

Бутун шаҳарни алроқ-далроқ қилиб кўҳлик қиз қидирған, ниҳоят чиройлилиқда танҳо, ақллилиқда якто топиб, тўйлар, томошалар, орзу ва ҳаваслар билан ўғлиға «хотин бу бўлибдир!» деган ифтихор ва мағрурият ила тақдим қилған суюкли келини устига гўё ўчакишкандек бўлиб келадирған Марғилон парисига нима ва қандай муомала қилар эди.

Кумуш кундашнинг жекиришидангина чўчиған бўлса, Отабек бу чўчишни ўзининг кўлагасида қолдиратурғон онаси тўғрисида тамом ақлинни йўқотиб қўйди.

6. Ўзбек ойим — оғма, Зайнабнинг дарди

Юсуфбек ҳожи чала-думбул табиатлик хотинининг феъли хўйини яхши билгани учун ўткан воқиъларни, яъни Отабек сирларини унга очмасликқа қарор берган бўлса ҳам, аммо марғилонлиқ келин ва қудаларнинг келишларидан хабар беришни лозим деб топди. Чунки хотинининг марғилонлиқ келинга бўлған адоватини Отабекдан ҳам яхшироқ билар ва унинг «Ўғлингиз Марғилондан уйланмади, бир балодан уйланди!» деб қиласидирган шикоятларини ҳамма вақт эшитар, доимо иссиғ-совуқчи домла, хўжаларницида бош оғритиб юришини ҳам билар эди. Шунинг учун ўз тарафидан Ўзбек ойим тушкурни яхшилаб эбка олмок, юз қизарадирган ишларга қарши чораларни кўрмак фикрига тушди.

Чолу кампирнинг ҳар бир ўлтуришларида сўз Ўзбек ойим томонидан бошландими, албатта ноқобил ўгул билан марғилонлиқ «анди» келин устида бўлар ва унинг учун энг аҳамиятлик масала фақаттина шугина бўлиб кўринар эди.

Бошқа кезларда кампирнинг бу тўғридари дод-ҳасратини кулгулик билан ва кам ҳавсалалик билан эшитса ҳам, аммо бу гал Ўзбек ойимнинг ўша эски ашуласини ортиқча бир тўзимсизлик орасида куттар эди. Кампирнинг дарди ғўзада, сичқоннинг кўзи донлик кўзада, деганларицек, бизнинг Ўзбек ойимизнинг ҳам дарди бўзада эди. Сўз уринди, сўздан — сўз чиқди, ниҳоят ҳожининг кутканидек ўгул ҳасрати ҳам бошланди:

— Аҳмоқингиз бир оз эсини йиғқан кўринадир, — деди Ўзбек ойим, — ҳайтовур уч ойдан бери Марғилонни эсидан чиқариб қўйди.

Ҳожи кулди:

— Иссиқ-совиғинг кор қиландир...

— Билмадим... Ҳар нучук сув қуйғандек бўлди, қолди. Илоҳи эм тушкан бўлсин...

— Илоҳи эм тушсин, — деб кулди ҳожи.

Ўзбек ойим эрининг истеҳзосига тушуниб қолди ва лаби-лабига тегмай бобиллай кетди:

— Нега куласиз? — деб депсинди. — Бу кунгача кулиб-ку, ўғлингиздан ажрала ёздингиз. Энди нега сиз ҳам... худоё тавба қилдим...

— Зўри бехуда миён шиканад.

— Илоҳи тожикингиз курсин! — деди Ўзбек ойим.— Мен тўғрисини айтсан, бу гапларнинг ҳаммасига сиз сабаб бўлмоқдасиз, эр. Яккаш кулиш, яккаш кулги! Ундан кўра ўгул-қиз ўсдиришга уқувим йўқ, деб айтинг!

Ҳожи тарин кулди:

— Ҳа, уқувим йўқ, ойимча!

— Кулинг-е, кулинг! Худо ўлим берсин кулгуга! — деди Ўзбек ойим ва аччири билан юзини четка ўтириди.

— Менга қара, хотин, — деди ҳожи жиддий тусда. Ўзбек ойим қаради. — Ўринсиз чирансанг, белинг синадир, дейди тожиклар. Шун-

га ўжшаш ўзинг жойсиз чиранганингдек, мени ҳам ўз ёнингға тортмоқчи бўласан.

- Бўлмаса маним барча ҳаракатларим ўринсиз экан-да?
- Ўринсиз.
- Нега ўринсиз бўлар экан?
- Сенинг муддаонг, — деди ҳожи, — марғилонлиқ келинни ўғлингдан ажратиб юбориш ва бу келининг билан қолдириш — шундоғми?
- Албатта шундоғ!

— Мана бу ҳаракатингни ўринсиз чираниш, дейдилар. Нега десанг, билфарз¹ ўғлингни олдингта олсангда, ундан сўрасанг «қайси хотининг билан бўлишни хоҳдайсан? Хоҳламаганингни қўй», деб. Ана шу вақтда ўғлинг нима дер эди? Нима дейишини ўзинг ҳам яхши билсанг керак, хотин!

— Биламан, — деди Ўзбек ойим, — марғилонликнинг домласи кучлик. Ўслим бечоранинг бошини айлантириб, кўнглини хиппа ўзига боғларан.

Юсуфбек ҳожи ўзини кулагидан яна тўхтата олмади:

— Яхши, — деди, — сен ҳам-ку уч йилдан бери Тошканддаги ҳамма домла-хўжаларнинг эшигига бирма-бир кириб чиқдинг. Бас, сен ҳам нега ўғлингнинг кўнглини Зайнабка хиппа қилиб боғлай олмадинг?

Ўзбек ойим эрининг бу саволидан ҳайрон бўлиб турмади:

— Марғилонликнинг домласи сиҳирчи ҳинди эди. Мен бўлсам, бу ердан ҳинди домла топа олмадим.

Ҳожи энди кулмади. Чунки хотинининг ҳолига ачина бошларан эди.

— Бундоғ ақлсиз ишларни қўяйлик, хотин, — деб мулоимона сўзлаб кетди, — бир оз ақлга ён бериб иш қилған киши ҳеч бир вақт дард қилмайдир. Модомики, иккимизнинг ёлғиз ишончимиз шу ўғлимиз экан ва унинг соғлиқ, шодлиги бизнинг тириклигимизнинг тираги экан, бас, бизга лозими унинг хурсандлиғи нима билан бўлса, шуни ахтаришдир. Мен яхши биламанки, сен бу ишларни фақат ўғлингни аяганингдан қиласан ва сенда шундан бошқа ҳеч бир мақсад йўқ, бу тарафдан қараганда сени ҳам айблаб ўлтуриш осон эмас... Шуни ҳам яхши билғилким, ўғлингнинг ой сайин Марғилонға қатнаб туриши сени хафа қиласа, мени ҳам сендан баттар аччиғимни қистатар, ҳатто баъзи кезларда сўкиб юбориш даражаларигача бориб қайтар эдим. Аммо сенинг жаҳлингни чиқариб кулишим бўлса, фақат «ўлганимдан куляман, юзимни ерга сураман» қабилидан бўлиб, бунга сен тушинимас эдинг. Ниҳоят сен айткандек жоним ҳиқилдоғимра етди-да, ўғлингни бу гал Марғилонға борма, деб йўлдан қайтариб қолгучи ҳам мен — ўзим бўлдим...

Ўзбек ойим бошини терватиб сўзни эшитиб келар эди. Бу кейинги сўзни эшиткандан кейин бошини кўксигача еткузиб, «баракалла, раҳмат» дегандек қилиб қўйди.

¹ Билфарз — фаразан, айтайлик

Хожи давом этди.

— Маним бу тўхтатиб юбормай қўйғанимдан хабарсизлигинг учун бўлса керак, кўнглинг домлахўжанинг дуосига кетиб қолди ва мен сенинг сўзингдан кулдим. Чунки ҳақиқатда бунинг сабабчиси ўзим эдим. .

Ўзбек ойим эридан ўпкалади:

— Нега ахир мени хабардор қилмайсиз?

— Бу тўғрида менда ҳам айб бор, — деди ҳожи, — сен билан ўзимнинг муддаоларимиз бир, деб ўйлаганим учун Отабекни койиб тўхтатқанимдан сўнг сенга кенташ олмасданоқ қудаларингга бир хат езган ва келин болани Тошкандга олиб келишларини сўраган эдим. Ҳайтовур сўзимни ерда қолдирмаган ўхшайлар, бу кун қудадан битта жавоб хати олдим. Ақлли кишиларнинг садагаси кетсанг ҳам арзидир: «Шу чоқгача сизларга айтдирмасданоқ зиёратларингизга боришимиз керак эди. Ҳатингизни ўқуб ниҳоятда хижолат чекдик, айниқса келин болангиз бек ойимға қайси юз билан қарайман, деб юзини юлди. Бу адабсизлигини борғандан сўнг албатта юзига солмаслар, деб ишонамиз», дейдир...

Ўзбек ойим эрига анқайғанча қараб турар эди. Ҳақиқатан ҳам дожининг усталиги Ўзбек ойимдек думбул табиъатлик хотинларни гангитаралик эди.

Ул хотинининг жавобини кутиб ўлтурмасданоқ, том устига том ёпа борди:

Қайси уйни бўшатдирсақ экан? — деб сўради ва жавоб кутмасдан, — қудаларингни нима билан кутишни бўлса ўзинг биласан: тuya сўйиб чорлаганингда ҳам келмайдирган кишилар, — деди.

Ўзбек ойимнинг мияси айнадими ёки ўзи айткан сихирчи ҳиндинг дуоси асар қилдими, ҳар нучук уч йиллик адоватлар ва кина-кудуратлар барчаси ҳам аллақаётра қараб учиб кетдилар ва уларнинг ўрнини «икки келинлик бўлиш» масаласи келиб олди Ўзоқ-яқин хотинларнинг «Ҳой, Ўзбек ойимнинг марғилонлиқ келини ҳам келибdir, худди тўтининг боласи эмиш. Юргилар, бир кўриб келайлик», деган сўзлари эшитилгандек бўлди. Шу чоқгача Зайнабка ялиниб, ялпокланниб кун кўриб келган бўлса, мундан сўнг бир қўша келинни ўзининг оёвлари остида ялиниб юрган ҳолда кўрди.

— Ҳар нима бўлганда ҳам теги нозик, — деди ойим, — иззати учун шу уйимизни бўшатиб берамизми?

— Ўзинг биласан.

— Биз тўрдаги уйга кўчиб ўтсак ҳам бўладир. Ахир теги нозик...

Уч йиллик кина ва адоват ўрнига ниҳоятда олий марҳамат ва меҳрибончилиқ келиб ўлтурган эди. Уч йиллик эмас, уч дақиқалиқ ўзгаришдан Ўзбек ойимнинг юзи қизармас ва қизаришни ҳам билмас, ҳатто ўғул-қиз ўсдиришни билмагучи Юсуфбек ҳожидан аллақанча юқориларда юрар эди. Юсуфбек ҳожи эса хотинидаги бу кулгулик ўзгариш учун ажабланмади ва кулмади, чунки бу кулки табиъатка молик бўлған хотин билан энди ўттуз беш йиллаб бирга яшар эди.

Ўзбек ойимни шу ҳолга келтирғандан кейин ундан сўраб қўйди:

— Зайнабка ҳам бу хабарни ётиғи билан айтиб қўямизми?

— Сиз билан мен бир ишни мувофиқ кўрганимиздан кейин Зайнабка чикора¹, — деди Ўзбек ойим. Мундан уч дақиқа илгари саодати учун тиришилган орзулиқ Зайнабнинг оқибати ҳам шу бўлиб қолған эди.

— Гап унда эмас, — деди ҳожи, — умр, муроса деган гаплар бор, айниқса кундашлик иши қийин, коса-косага текканда ғиди-ғиди гаплар кўпайса, бизга эмас, ўғлингта ҳам татимай қоладир.

— Чақир дейсизми?

— Чақир.

Ўзбек ойим Зайнаб билан Отабекнинг кутилмаган равищда очилиб сўзлашиб ўлтурғанлари устидан чиқди.

— Ўгул-қизнинг кенгашими?

Отабек кулимсираб Зайнабка қаради, Зайнаб эса тузатиниб ўрнидан турди ва қайин онасига жой кўрсатиб:

— Шунақаға ўхшайдир, ойи. Ўгул-қизнинг кенгаши худда шу кунга йигилиб қолған экан, — деди ва кулимсираб эрига қаради.

Ўзбек ойим ўлтурмади ва уни-буни суриштириб, ўйлаб турмади:

— Иккаласига бир пардан кўйнаклик ол! Бирини паст, бирини баланд қилма, бу хотининг бўлғанда ул ҳам кўз очиб кўрганинг... Зайнаб, сен мен билан жур-чи, ҳожи отанг чақиряптилар, — деди.

Томдан тараша тушкандек қилиб сўзланған юқоридағи гапларга бошда уларнинг иккави ҳам тушинмади. Аммо бир оздан сўнг Отабек айтилган тельва-тескари сўзларнинг маъносини онглаб олди, онасининг нима бўлса ҳам Марғилон тарафка оғишқанини ва ўзининг кучлик бир душмандан қутилаётганини билиб Зайнабни нима учун чақирилғанини ҳам пайқади. Зайнаб эса бир нарса тушинмаган ҳолда қайин онаси билан чиқди.

Қайин она, келин қаршисиға келиб ўлтуришкандан кейин, ҳожи Зайнабка қараб олди.

— Болам, Зайнаб, — деди, — биз Марғилондаги опанг кўчини олиб келмакчи бўлдиқ.. Сен шунга нима дейсан?

Зайнаб ялат этиб қайин онасига қаради, чунки Ўзбек ойимнинг бояги гапи энди унга онглашилған эди. Дўстни душман ёнида кўриб билинар-билинмас қилиб энтиқди.

— Мен нима дер эдим...

— Гап нима дейиш ва нима демасингда эмас, ойим! — деди ҳожи. — Гап шундаки, ул келган чоқда эгачи-сингилдек бўлиб кета оласанми, деб сўрамоқчиман

— Бўлиб кетармиз...

— Эгачи-сингил бўлиб кетарсиз-а? — деб такрор сўради қайин ота.

— Билмадим...

— Нега тағин билмай қолдинг?

¹ Чикора — йўл бўлсин

Зайнаб бирмунча вақт ўйланиб қолди.

— Қарс икки қўлдан чиқадир, — деди Зайнаб, — мен яхши бўлганим билан опам ёмон бўлса, ҳозирги берган ваъдамдан нима фойда бўлсин.

— Жуда тўғри гапирдинг, болам, сендан олган ваъдани ундан ҳам оламиз.

Зайнаб сукут қилди.

— Зайнаб сиз ўйлаған келинлардан эмас, — деди Ўзбек ойим, — худоға шукур, ақл-ҳуши бошида

— Бошқа гапларни кўнглингта келтурма, қизим. Марғилонлик келин билан сенинг бизга ҳеч бир фарқларинг йўқ, иккавларинг ҳам боламизнинг қўшоги — боламизсиз!

Зайнаб бошини иргатиб қўйди. Юсуфбек ҳожининг дуосидан сўнг, Зайнаб Отабекнинг олдига кирди.

Отабек Зайнабнинг юзидағи маъюсликни биринчи қўрищаёқ сезди. Бир оз жимгина қарши-қарши ўлтуришдилар, иккисига ҳам сўз айтиш ўнгтайсиз ва алланарса монеъдек эди.

— Нега чақирған эканлар? — деб ниҳоят Отабек сўраб юборди.

— Билиб туриб сўрайсизми? — деди Зайнаб кучланиб кулган ҳолда.

— Нимани билиб туриб?

— Марғилондан келадирган кишингизни.

Отабек қийин ҳолатда қолди ва оғзига шу гап келди:

— Мунда маним ихтиёrim йўқ... ҳамма ишни отам қилаётидир.

— Отангиз қылсалар ҳам сизнинг кўнглингиздагича.

— Нима кўнглимдагича?

— Суйганингиз билан биратўласига қўшилиб олиш, албатта, сизнинг кўнглингиздагича...

— Мен уни суюманми?..

— Албатта суюсиз...

Отабек ўзини тинч ушлаган ҳолда:

— Янглишасиз! — деди.

— Ҳеч янглишмайман, — деди Зайнаб, — сиз уйланишаёқ уни суюб олгансиз, мени бўлса... мен ота-онангизнинг орзуларича, — деди ва кўзига жиқ ёш олди.

Отабек оғир ҳолга тушди, бу тўғри сўз уни тамом эсанкиратди ва бу ҳақиқатка қарши бориш, яъни ёлғонлаш яна оғир эди. Шундай бўлса ҳам ёлғонламай чораси бўлмади:

— Бошда... суюб уйланганим сиз айтканча тўғри, аммо ҳозир ундоғ эмас,— деди.

— Ишонмайман

— Нега ишонмайсиз, ишонинг...

Зайнаб бир оз унга қараб турғандан кейин:

— Ишонмаганимнинг сабаби бор, — деди.

Отабек тинчсизланди:

— Сабабини... сўзланг...

— Менга уйланганингизга қанча бўлди?

— Икки...

— Шу икки йилдан бери менга бўлған алоқангиз бир зарра ҳам ўзгарган эмас, — деди Зайнаб, — мени хотин ўрнида кўрмайсиз!

— Бекор гап...

— Бекор гап эмас, жоним, — деди Зайнаб қизишишкан ҳолда. — Марғилондан қайтқандан кейинги кунларингизни меҳмонхонада кечириб келишингиздан албатта тона олмассиз. Шу ҳам умид билан бир ёстиққа бош қўйған эди, деб маним тўғримда ўйлаб қарамаслиғингизнинг сабаби ҳам ўзингизга...

Зайнаб сўзини битира олмади, четка қараб кўз ёшисини тўқди. Отабек гўё төр остида қолған эди.

— Сиз тамом бошқача тушинибсиз...

— Бўлмаса, бу гапларнинг сабаби нима?

— Сабаби жуда очик, — деди Отабек. Лекин нимани сабаб қилиб кўрсатишни ўзи ҳам билмас эди.

— Айтингиз ахир?

— Ўзингиз ҳам биларсиз, деб ўйлайман.

— Мен ҳеч нарса билмайман.

— Биласиз.

— Худо ҳаққи билмайман.

— Билмасангиз... — деди бек, — билмаганингиз яхши. Сизга ўз оғзим билан икрор қилишга уяламан...

— Мендан-а, хотинингиздан уяласизми?

— Уялмайинми?

— Уялманг.

— Уялмасам... мизожим заиф...

Зайнаб ишонар-ишонмас унга қаради.

— Тўғри сўзламадингиз...

— Ишонмасангиз ўзингиз билинг, лекин ҳақиқат гап шу, сиздан узоқда юришимнинг сабаби ҳам шундა.

— Ишонганимда ҳам бу ҳол ташқарида ётиб юришингиз учун катта сабаб бўла олмайдир Чунки мен фақат шунинг учун сиздан ўпкаломайман, — деди ва кўзини тўлдириб Отабекка қаради. — Менга сизнинг мизожингиз керак эмас... Ўзингиз!.. — деди ва йиғлаб ёлборған ҳолда Отабекнинг қучорига ўзини ташлади. Отабек Зайнабнинг шу қадар юрак дарди борлигини биринчи мартаба билар эди. Бечора Зайнаб жонсиз ҳайкални ўпид қучоқлар ва ёлборар эди.

7. Қудаларни кутиб олиш

Кечаги кирган савдогарлардан қудаларнинг бу кун аниқ кириш хабарларини билган эдилар. Нарироқдан кузатиб кириш учун Ҳасанали йўл устига кеткан, Юсуфбек ҳожининг ўзи иш бошида туриб, Ойбодокқа ташқари ҳавлини тозалатар эди. Ичкарида бўлса, Ўзбек ойим қўшни хотинлардан бир нечасини ҳашарга айтиб, ҳаммани жой-жойига қўйдирған, ҳавли юзини ҳам ёғ тушса ялағундек ҳолга келтурган эди. Аммо ўз уйини бўшатдириб, гилам солиб қўйғанига энди уч кунлаб бор,

кудаларнинг зиёфати учун керак бўлган ҳамма нарсаларни ҳам ҳозирлатқан, улар келиб тушди дегунча, бўғизлатиш учун, деб бир гўнон қўини оғилинг устунига қантаттириб қўйған эди. Кумуш билан Зайнабка аталиб олинған хон атласларга кўнгли тўлмай «ҳар нучук-да теги нозик, бу бўлса энди кўп кийди, атласнинг ёнига яна бир хитойи латта олингиз», деб марғилонлиқнинг кўйнагини бир қўша қилдиран, битта хитойи жужим мурсакни кам кўриб, ёнига ўзининг қиймат баҳо заррин мурсагини ва иккита рўймолга ҳам қониқмай, ўзининг келинлигидан ўролмай қолған қалмоқи саллачасини қўшқан эди.

Зайнаб ҳам унча хафа кўринмас, қайин онасининг буйруқларини эски ҳолича бажариб юрар ва ҳозирда уйга кириб олиб меҳмонлар келиб тушди дегунча, олдилариға ёзиш учун дастурхон ясатар эди.

Ўзбек ойим ҳашарчи хотиндан бирига таңдирга ўт қўйишни буюрди-да, ўзи Зайнабнинг олдига келди:

— Дастурхонинг битдими, болам? — деб сўради.

— Битди. Ташқарининг асали камга ўхшайдир.

— Кам бўлса, даррав омбордан керагича олиб чиқ, ундан кейин хамирингта ўзинг қара, Ойбодоқнинг қўли тегмас, хамир гуп бериб кетибди. — деди ва даричадан кўтарилиб дастурхоналарни кузатди, — дастурхонинг тузик ~~варакини~~ эсингдан чиқарма, — деди ва ўрта йўлакда кўринган Юсуфбек ҳожини ўзига имлади. — Бери келинг.

Юсуфбек ҳожи бошида оқ тўпписи ва эгнида оқ олача тўни билан устидан белини боғлаган эди. Ўзбек ойим ёнига секин-секин юриб келди:

— Нима гап?

— Дастурхонларимизга бир қараб қўйинг-чи?

Ҳожи парвосизгина қилиб қараған бўлди:

— Ўзингта ёқса бўпти, — деди.

— Қассоб айтканмисиз, тағин улар келгандан сўнг шошиб қолмайлик.

— Қассоб тайёр, ҳозир бўғизлатсақ бўлмайдими?

— Йўқ, — деди Ўзбек ойим, — ош эгаси билан ширин. Ҳа, айткандек, қудангизникига юборған кишингиз келдими?

Асал учун шошиб борған Зайнаб тўхтаб қайин отасининг оғзиға қаради.

— Бориб келди, — деди ҳожи, — Алимбек даласига кеткан экан, хотин қудалар келишмакчи бўлишибдир.

Зайнаб асалга кетди. Ҳожи Ўзбек ойимнинг ёнига юриб келди ва секин сўради:

— Зайнаб хафа эмасми?

— Нимага хафа бўлар эди.

— Ахир, сўрайман-да.

— Туппа-тузик, — деди Ўзбек ойим, — ташқарингиздан Ойбодоқ қутилаётдими?

— Қутилиб қолди. Маҳалладан ҳам уч-тўртта киши айтдим, ошни кўпроқ қилиш керак.

— Хўб.

Ҳожи уён-буёнға аланғлаб олғандан кейин сүради:

- Үрлинг қаеғда, күрінмайдими?
- Ташқарыда зди-ку.
- Боя шуёққа киргандек бўлган зди.
- Гузар-пузарга чиқғандир, — деди Ўзбек ойим.

Ойбодоқ ташқарини йиғиштириб кирди. Ҳожи меҳмонхонага чиқиб кетди. Ўзбек ойимнинг амрича Ойбодоқ, Зайнаб ва ҳашарчи хотинлар кулча ясашра ўлтурдилар.

Кун тушдан оғқанда ҳамма саранжом олинран зди. Ўзбек ойим тўйга борадирган хотинлардек ясангац, эгнида одими хон атлас кўйнак, бошида оқ шоҳи дакана, кўзида сурма зди. Ўзбек ойимнинг: «Келинни хор тутар экан демасинлар. сен ҳам ўзингни тузат», деб айткани учун Зайнаб ҳам тамом ипакларга кўмилиб ясанди, кечака эрга теккан янги келинлар суратига кирган зди.

Зайнабнинг онаси — Моҳира ойим, опаси — Хушрўйбиби ва янгаси Ҳанифанисолар ҳам келишдилар. Ўзбек ойимнинг кўнгил тортар қўшниларидан Карима отин, Шарофат чевар ва Маҳина бонулар ҳам ясаниб-тусаниб чиқдилар. Ўн чорлик хотин бўлишиб совутмачоқ дастурхонга¹ ўлтуришдилар. Ўзбек ойим мажлиска — марғилонлик куданинг одамгарчиликни билишидан, Отабекни Тошкандан уйлантиришга қарши лом-мим демай, қайтача ўзи куяви билан бирга келиб, тўйни утказишиб кетканидан, Марғилондаги обрусидан ва давлатидан баҳс қилиб айтар зди:

— Бечоранинг бори-йўғи пешонасидағи боласи шу бизнинг келинимиз. Отабекни ўз боласидан ҳам яхши кўриб, «Ўғлим бўлса шундоғ бўлар зди-да, мендан кейин ҳамма давлатим шуники, илоҳи омон бўлсин», дер экан.

Моҳира ойим алланучкалангани ҳолатда жавоб берар зди:

— Ҳа, айланай қуда, қарс икки қўлдан чиқадир, деганлар... Бузоқ яхши бўлса, икки онани ҳам эмар экан...

Қуешнинг қиздиришидан чангчи чиқиб кеткан ҳавлига сув сепиб турган Ойбодоқ, ташқаридаги гулдир-гулдирни эшилди ва чопиб меҳмонлар ўлтурған уйнинг даричаси ёнига келди: «Келишканга ўхшайдирлар», деди. Ўзбек ойим гапириб турган сўзини ярим йўлда қолдириб, ўрнидан турди ва меҳмонлар ҳам унга эргащдилар. Зайнаб бўзарған ҳолатда уйига югуриб кетди. Ўзбек ойим бошлиқ хотинлар ҳавли юзасига тушдилар. Моҳира ойим қизи Хушрўйнинг қулогига нимадир шивирлаб кулиб қўйди. Ўзбек ойим ўрта эшикка бориб етмаған ҳам зди, нариги ёқдан қўшнининг боласи югуриб кириб қолди.

— Сўйинчи беринг, бек буви, кенномийм келдил!

Ўзбек ойим чўнчагига қўлини солиб беш-үн пул олиб берди. Бола орқасидан Ҳасанали кўринди:

— Қани, ойи, кўрманани беринг-чи, мен сизнинг қочқоқ келинингизни тутиб келдим! — деди ва йўлакка қараб: — Тўхтанг, тўхтанг, илгари мен сўйинчимни ундириб олай.

¹ Совутмачоқ дастурхон — наридан-бери тайерланган, супта дастурхон.

Йўлақдан Офтоб ойим кўринди. Паранжиси бошида, чашмбанди қўлида эди. Ҳасанали Ўзбек ойим билан танишдири:

— Бу киши қудачангиз — Офтоб ойим бўладирлар.

Ўзбек ойим Офтоб ойим билан саломлашиб қучоқлаша кетдилар. Ўзбек ойимдан кейин бошқа хотинлар унинг билан кўришиб чиқдилар. Ҳамманинг кўзи алонғ-жалонғ келди. Кумушни ахтаришар эдилар. Кумуш ҳали ичкарига кирган эмас. Ўзбек ойимнинг икки кўзи йўлақда, Ҳасанали бир йўлакка ва бир Ўзбек ойимга қараб нима учундир кўзини қисиб қўяр эди. Хотинлар билан кўришиб четда турган Офтоб ойим қудаси ёнига келди: «Уялиб турғандир», деб кулди. Ўзбек ойим кулимсираб йўлак томонга:

— Ҳой, пошша келин! — деди, — бизлар кутиб қолдиқ-а, уялманг болам! Ҳасаналининг кўрманаси бўлса тайёр!

Ҳасанали йўлакка қараб имлади. Қип-қизарған ҳолда Кумуш кўринди: паранжиси қўлида, қора атлас кўйнак эгнида, зангор латта мурсак устида, оқ шоҳи рўймол бошида эди. Шаҳло кўзлари кулимсирашка яқин ҳолда уятлик эдилар.

Ҳасанали танитди:

— Мана бу киши қайин онангиз — бек ойим бўладирлар.

Кумуш салом берди ва қўлидағи паранжисини ерга ташлади, югириб келиб ўзини Ўзбек ойимнинг қучогига оди. Ўзбек ойим ҳам уни маҳкам сиқиб қучоқдаб олған, юзидан шап-шап ўпидайтаниб, ўргулар ва тикилиб-тиклиб нима учундир йиглар эди... Кутиб турган хотинлар, Моҳира ойим, Хушрўй ва Ҳанифалар Кумушни кўрган он бир-бирларига қаравиб лабларини тишлащдилар...

Қайин она-келин бир дақиқа чамаси кўришиб қолдилар. Сўнгра Кумуш бошқалар билан бир-бир кўришиб чиқди. Ўзбек ойим ҳар бир хотинни ким бўлғанини унга танитиб борди. Энг кейин орқадан Зайнаб кўринди. Чунки ул уйдан энди чиқиб келган эди. Ўзбек ойим кулиб Кумушка қаради.

— Қани, ўзинг тани-чи, ким экан бу?

Кумуш ҳайрон бўлиб қолмади... Ипаклар ичига ғарқ бўлаған Зайнабка қараб олиб, унга томон адим ташлади:

— Зайнаб опам! — деди. Зайнаб ҳам кулимсираган ҳолда Кумушка яқинлашиб келди... Икки кундаш «эсонмисиз, омонмисиз, эсон-омон юрибсизми...» сўзлари билан озорсиз қилиб бир-бирининг елкасига ва қўлтиқ остиға қўл юборищдилар. Улар кўришиб турғанда йўлақдан Юсуфбек ҳожи кўриниб, қочадирған хотинлар ўзларини четка олдилар. Ҳожи уларнинг олдига — юзага чиқғач, Офтоб ойим салом бериб рўймоли билан томон осталарини ўраб олди. Ҳожи қудачаси билан сўрашиб:

— Баракалла, синглим! Ҳайтовур чарчамай келдингларми, мен сизларни овора қилдимов, — деб узр айтиб кулган ва уялиб борған қудачасига енгиллик берган бўлди.

— Қани, бек отаси, кўрманани беринг-чи! — деди Ўзбек ойим Кумушни имлаб.



Кумуш уялиб зўрганина салом берди ва Юсуфбек ҳожининг яқинига келиб бўйин эгди. Ҳожи қўли билан Кумушнинг елкасига қоқиб сўйди ва Кумушнинг манілайига тегизиб олған ўз қўлини ўпди:

— Бизнинг Марғилонда ҳам шундаи келинимиз бор экан-ку, биз билмай юрган эканмиз-да, — деб теварагига қараб кулинди ва қўлини дуога очди. — Бизни шунчалик сийлаб келибсизлар, бу яхшилиқларнингиз биздан қайтмаса, худодан қайтсин. Оллоҳ таоло ёшларга тинч ва баракатлик умр берсин. Илоҳим тақаббул дуо¹...

Ҳамма дуога юз сийлашдилар. Сўнгра Юсуфбек ҳожи Кумуш билан Зайнабка қаради:

— Мен сизларнинг кўришиб турғанларингизни кўриб жуда қувондим, — деди. — Мундан сўнг ҳам шу йўсунда бир-бирларингизга эгачи-сингидек бўлмоқларингизни тилайман, — деди ва Ўзбек ойимга:

— Қани, меҳмонларни ичкарига олинглар, — деб ўзи ташқариға бурилди.

8. Зимнан адоват

Шундан кейин Ўзбек ойим оддинга тушиб, қудаси билан Кумушни уйга бошлиди. Уларнинг кетидан бошқа меҳмонлар юрдилар. Ўзбек ойим йўл устидан Ойбодоққа:

— Тезроқ чойингта қара, бечораларнинг аравада ичаги узувландир, — деди ва Офтоб ойим билан Кумушка, — мен сизлардан жуда хафман, — деб қўйди.

Офтоб ойим Кумушка қараниб жавоб берди:

— Айтсангиз, айтмасангиз биз жуда уятлик бўлғанмиз.

Үйнинг даҳлизига кирдилар. Ўзбек ойим уларни тўрга таклиф қилди:

— Қани, юқорига! — деди.

Офтоб ойим тўрга ҳаракат қиласа ҳам, Кумуш бошқа меҳмонлардан уялиб тўхтади, Ўзбек ойим уни қистаб тушди:

— Ийманма, Кумуш отин, бу кун-эрта бизга янги келинсан, учунчи кундан бошлаб сен мугомбирнинг бошингда тегирмон юргизишни ўзим яхши биламан! — деди. Офтоб ойим ва кейиндагилар кулишдилар. — Яна ҳали сен маним собунимга кир ювиб кўрганинг йўқ! — деб қўйди. Бу гал Кумуш ҳам кулимсираб олди. Тўрга Офтоб ойим ва Моҳира қудачалар ўлтурдилар. Офтоб ойимнинг сўлига Кумуш, Кумушнинг ёнига Хушрўй, Моҳира ойимнинг ўнгига Ҳанифа, ундан кейин Карима отин, Шарофат чевар ва Махинабонулар қатор чизилишдилар. Энг оёғда Ўзбек ойимнинг ўзи ўлтурди. Карима отин қўл очиб дуо қилағандан кейин, Ўзбек ойим «Хуш келибсиз» қилди. Мундан сўнг ҳамманинг кўзи итифоқ қилағандек Кумушка тушди. Кумуш уялиб ерга қаради. Бир неча вақт жим қолишиб Моҳира ойим Офтоб ойимдан сўради:

— Марғилондан етиб келгунча ҳам жуда бир ерга еткандирсизлар?

— Унча чарчаганимиз йўқ, — деди Офтоб ойим, — ўзи Марғилон-

¹ Илоҳим тақаббул дуо — эй худойим, дуоларимизни қабула эт.

дан Тошкандача арава йўли ўн кунлик экан, биз чарчамайлиқ, деб секин-секин ўн икки кунда келдик.

— Йўл лойдир? — деб сўради Маҳинабону.

— Лой эмас, — деди Офтоб ойим, — йўл жуда яхши экан — икки ёқда кўм-кўк майса, қирларда лолалар, йўлнинг жуда ҳам томоша вақти экан.

Сўз навбати Ўзбек ойимга келди:

— Келмаганингизда Отабекни энди сира ҳам юбормаслиққа қарор қўйган эдим, — деди, — бооо худо, ўғлим, уч йилдан бери ой сайин Марғилонга қатнаб зерикмадингми, энди улар ҳам келсин ахир, деб йўлдан тўхтатқан эдим.

Кумуш Отабек исмини эшиткач, секингина кўтарилиб қўйди. Офтоб ойим Ҳасаналидан ҳамма сирни ўрганиб олған, шунинг учун Ўзбек ойимнинг довдирашига тушунди:

— Юзимизга солмасангиз ҳам жуда уятлик бўлғанмиз, — деди.

Зайнаб дастурхон кўтариб кирди ва меҳмонларга «Хуш келибсиз» айткандан сўнг дастурхонни ёзди. Даҳлиздан — Ойбодоқ қўлидан ясалған баркашларни олар экан, бир-икки қайта ер остидан Кумушка кўз юборди ва Кумушнинг кўзи ҳам унинг кейинги қарашида тўқнашиб олди. Баркашлар қўйилиб бўлди. Ойбодоқ тўрт чойдиш чойни мис теклиги билан киргузиб берди. Зайнаб чойдишлар ёнига меҳмонларга чой қуиши учун ўлтурди. Ўзбек ойим чиқиб борған Ойбодоқни тўхтатиб сўради:

— Қассоб келганмикин?

— Боя келган эди. Ойимлардин фотиҳа олиб берсангиз, қўйни чиқариб берар эдим.

Ўзбек ойим қудачасига қаради:

— Фотиҳа берасизми, қуда!

Офтоб ойим Моҳира ойимга қаради

— Фотиҳа берингиз, ойи!

— Қўй сизга аталған, — деди Моҳира ойим — Фотиҳа бериш сизнинг ҳаққингиз, биз бўлсақ фотиҳани кўб бергандиз...

Ўзбек ойим ҳам «сиз беринг» дегандек қилиб Офтоб ойимга имлади. Офтоб ойим уялинқираб фотиҳа берди. Ойбодоқ чиқрандан кейин дастурхонга қарадилар ва «олинг-олинг» билан бир-бирларини қисташа бошладилар. Бояридек кўбчиликнинг кўзи Кумушда эди. Айниқса Ўзбек ойим сукланиб унга қарар ва томоқча қистар эди:

— Ол болам, ол! Мен томоқдан уялатурған кишини ёмон кўраман. Ёки эшиқдан киришингданоқ сансирай бошлаганим учун хафа бўлдингми?

— Хафа бўлиш эмас, сўйиндим, — деди Кумуш ва дастурхондан чўқинди.

Офтоб ойим:

— Сансирашингиз уч йилдан бери Кумушни болам, деб юрганингизни бизга очиқ онглатади. Айниқса мен бунинг учун сиздан миннадорман.

Карима отин:

— Киши ўз боласини сансирайдир, бегонани ҳам сансирасин-чи.

Зайнаб:

— Мени ҳам чимилдиқдан чиқишим биланоқ сансираган эдилар...

Ўзбек ойим:

— Мен яқин кўрган кишимни сизсирай олмайман,— деб маҳтан-ғансумон бўлиб олди. — Ҳой Кумуш, ол, жилла қўриса анув варақидан бир-иккита е, юрагинг узилғандир

Кумуш узр айтди:

— Чарчадим шекиллик, — деди, — иштиҳом бўғилғанга ўхшайдир...

Ўзбек ойим кудди:

— Иштиҳонг бўғилған бўлса чарчағанингники эмас, эрингни соғин-ғанингники, — деди. Бирдан ҳамма кулиб юбордилар. Зайнаб ҳам кулгута иштирок қилди... Аммо Кумуш юзини четка ўтирган эди. Эҳтимолки, қайн онасининг заковатига ичидан таҳсин ўкур эди.

Ўзбек ойим Офтоб ва Моҳира қудаларни дастурхонга қистади:

— Олинг қуда, сиз ёшларни қўяберинг, буларни йигит асраса, сиз билан мени томоқ асрайдир.

Яна куалги бошланди. Офтоб ойим ўзини тутолмай кулар эди. Кумуш ҳам очиқ кулиб, куалги орасида Зайнабка қараб олди — Зайнаб ҳам кулар эди...

Куалги босилиб тушкандан кейин, Зайнабнинг янгаси Кумушдан сўради:

— Бегингиз билан кўришмаганингизга қанча бўлди?

Кумуш даҳшатланиб онасига қаради. Офтоб ойим жавоб берди:

— Уч ой шекиллик.

Хушрўй ўзининг золим кўзини ўинатди:

— Ҳа, бўлмаса холам айтканлариdek иштиҳонгиз бўғилғани ўшаники.

— Тўғри, тўғри¹ — дейишди хотинлар.

— Мен ўзим биламан, — деди Ўзбек ойим, — жўрттага Отабекни уч ой тўхтатиб қўидим-ку, ахир!

Кумушнинг кўнглидан кечди: «Аниқ биласиз, жўрттага тўхтатдингиз!»

Офтоб ойим кулиб жавоб берди:

— Жилла уники бўлмаса керак. Маним ҳам иштиҳом бўғилғандек...

Ўзбек ойимнинг эсига Отабек тушкан эди.

— Ҳой, айткандек, Отабекни кўрдингизми? — деб Офтоб ойимдан сўради:

— Йўқ.

Ўзбек ойим Зайнабка қаради:

— Ташқаридаликин?

— Йўқ, эмишлар... — деди Зайнаб.

Ўзбек ойим ажабланди:

— Боя отанг ҳам сўраган эдилар... — деди, — қаёққа кеткан экан, ақлсиз... Эрталаб сенга ҳеч нарса демабимиди?

Кумуш Зайнабнинг оғзига тикилди. Зайнаб ҳам унга қараб олди:

— Эрталаб мендан уст тўнларини сўраган эдилар, — деди, — мен тўнни бериб қаёққа боришларини сўраганимда, бир жойда ишим бор, деган эдилар...

Зайнаб зимнан Кумушни чақиб олди. Кумуш лой каби бўшашиб, Офтоб ойим ҳам оғир тортди. Зайнабнинг қариндошлари кулган сумон бир-бирларига қарашиб олдилар. Ўзбек ойим орадан ўткан сирни пайқади: «Бирарта зарур иши чиқғандир», деди. Шу вақт даричадан Ҳасанали кўринди, қўлида бир меш қимиз кўтарган эди, даричадан туриб меҳмонларни «Хуш келибсиз» қилди¹ ва қимизни узатиб Офтоб ойимга қараб кулади:

— Қимизни куявингиз сизга киргизди.

Офтоб ойимнинг ҳуши ўзига келиб, Кумушнинг юзига қон югирди. Ановилар бўлса, энди буларнинг ҳолига тушиб бўзрайишдилар.

Қимиз билан енгиллашкан Ўзбек ойим Ҳасаналидан сўради:

— Қачон кедди?

— Ҳозир.

— Қаёққа йўқолған экан, аҳмоқ?

Ҳасанали изоҳ берди:

— Кеча ҳожи унга иш буюрган эканлар Билмадим, кеча нима билан овора бўлиб хизматни унугткан ва бу кун эрталаб эсига тушиб меҳмонлар келгунча бориб келарман, деб шунга кеткан экан. Борадирған жойи узогроқда бўлиб, кечиккан ва йўлдан келатуриб бу гуноҳига икки меш қимиз олған... Ҳали қимизни менга бериб: «Кириб айтинг, жуда уятлик бўлдим, кечирсинлар», дейдир, — деди ва кулади.

Карима отин:

— Кечирилмайдир, қимиз ўзи нима деган гап, — деди.

Офтоб ойим меҳмонларга қараб чиқғандан кейин Ҳасаналига кулиб жавоб берди.

— Ўзимиз жуда чўллаб келган здик, шунинг учун кечирдик.

— Балли-балли! — деди Ҳасанали. — Мен кечирганингизни чиқиб айтаман.

— Чиқиб айтинг, — деди Офтоб ойим.

— Сиз-чи? — деб сўради Ҳасанали Кумушдан.

Кумуш бақадек қотиб ўлтурган Зайнабка қаради ва уялинқираб жавоб берди:

— Мен ҳам кечирдим...

— Сизнинг икки бошдан кечиришингизни ўзим ҳам билар эдим, — деди Ҳасанали. Бўғоз-қисир уй ичини кулги босди.

Кулгидан сўнг Ўзбек ойим:

— Нега ўзи кирмади? — деб сўради.

— Қайин отаси билан сўзлашиб ўлтурибдир...

¹ Хотинлар орасида қулдан қочиш йўқ, эди (муал.)



Ҳасанали кеткандан кейин Ўзбек ойим Ойбодоқда, қимизни мис тороға бўшатишка буюрди. Қўй сўйилиб тайёр бўлған эди. Ўзбек ойим ҳудачасининг раъйини сўради:

— Нима буюрасиз?

— Мендан сўраб ўлтурманг, меҳмонлар нимани хоҳласалар биз ҳам ўшангага ёрмиз.

Ўзбек ойим томоқ буюриш учун ҳавлига тушди. Зайнаб мис тороға ағдариликан қимизни чўмичлаб косаларга қуиб меҳмонларга тутди.

9. Ҳожи этак силккан

Тўрда қутидор, унинг ёнида маҳалланинг имоми Юнус Муҳаммад охунд, юрт ораси Пирназар жаллод¹ ва Сотиболди отлиғ яна бир кекса ўлтурапар эдилар. Пирназар жаллоднинг ёнида Отабек ва Сотиболди аканинг каторида Юсуфбек ҳожи эдилар. Оёрда Ҳасанали мешдан қимиз қуяр эди.

Сўз тўртинчи куни бўлиб ўткан қипчоқ қирғини устида кетиб, Юсуфбек ҳожи бу тўғрида сўзлар эди.

— Мен биз ҳалқнинг одам бўлишимиздан тамом умидимни кесиб қўйдим... Эсимни таниғанимдан бери амал демай, мансаб демай фақат шу мусулмонлар манфаатини кўзлаб келиб, оёғида ўзини қушбеги, мингбоши олған уч-тўртта манфаатпарастлардан гўё ёш бола каби алдандим... Улуламир бўлған киши ҳам шу манфаатпарастларнинг ҳароб фикрларига қулоқ бериб, биздек одамлардан бу тўғрида бир оғиз кенгаш сўрашни унугтди. Ҳолбуки, Мусулмонқул балосидан уни најотка чиқарғучиларнинг биттаси биз эдик. Натижада эрса сўзи — сўз, кенгаши — кенгаши бўлғанлар шу уч-тўртта калла бузарлар бўлиб, бизга ўхшаганларнинг даражамиз ёш боладек алданиш экан...

Юнус Муҳаммад охунд унинг сўзини бўлди:

— Эй ҳожи, — деди, — ҳамма фасод ууламирда, агар ууламир ауруст одам бўлса, уч-тўртта муттаҳамнинг ёмонлиги ҳеч қаерга бормас ва бунча гуноҳсиз бечоранинг қони ўринсиз тўкилмас эди. Жаноби пайғамбари худо ҳадиси шарифларида айтадирларким, «Бисмилла-ҳир-роҳманир-роҳим қола ан-набию алайҳиссалом: Изо васада ал-амру ило ғайри аҳлиҳи фантазир ас-соата, яъни ул сарвари коинот марҳамат қилурларким, агар бир қавмнинг иши ноаҳл одамга топширилған бўлса, бас, ўшал қавмнинг қиёматини яқин бил, яъни ҳалокатига мунтазир бўл». Бас, бизнинг корларимиз ҳам кўб фурсатлардан бери ноаҳл одамларнинг қўлига қолиб ва ҳар замон ул нобакорлар бизларнинг бошимизга анвоғи кулфатларни соладирлар. Илоҳи кори бадлари ўз бошлари бирлан дафъ бўлғай.

— Саддақта ё расулилоҳ², — деди ҳожи ва ҳадисни тақрорлади: —

¹ Илгарилардан жаллодлик қилиб, ҳозирда бу касбни ташлаған. Аммо жадид лақаби қолған (муал.).

² Саддақта е расулилоҳ — тўғри айтдингиз, е пайғамбар.



«Изо васада ал-амру ило ғайри ахлиҳи фангазир ас-соата» —вой бўлсин биз бадбахтларнинг ҳолига, — деди. Бир оз маъюсланиб тўхтади ва домла тарафидан бўлингган сўзини шу гаплар билан тамомлади:

— Шу кунгача бўлмаганларга бўлишмоқчи бўлиб умримнинг ниҳоятига етиб қолдим, — деди. Соқолини тутамлади. — Бу соқол шу эл қайғусида оқарди. Бу кўнгил шу манфаатпарастлар таъсирида қорайди. Ёшим олтмиш бешка етиб бир вақт бўлсин ибодатимни жаноби ҳаққа бевосита йўналтирганимни ва кўнгил кўзим очилиб қилған саждамни хотирлаи олмайман. Бу алданишим эрса, ҳақ тарафидан бир танбех, бўлмаганларга бўлишмоқчи бўлғаним учун бир киноядир. Энди мундан кейинги беш кунлик умрим дунё можароларидан этак силкиб тўшаши охират тадорикини қўлмогим учун ғанимат кўринадир.

Бу сўз мажлиска бир маъюсият берди. Кўб вақт ҳаммалари сукутда қолдилар. Ҳожининг гапи айниқса Пирназар акага таъсир қилған эди. Ул ўз ҳунари руҳида мулоҳазасини сўзлади:

— Ёмонларни битта-битта, териб-териб бош кесмасдан элни тинчтиш қўйин, — деди.

Бу сўздан кейин мажлис аҳли ҳожининг оғзиға қарадилар. Ҳожи кулиб қўиди, бир оздан кейин:

— Тўғри айтдингиз, жаллод, — деди, — бу тақдирда ёнингизда ўлтурған бизнинг ўғулни ҳам кўмакингизга чақира оласиз...

Ҳамма кулиб юборди. Қутидор ер остидан Отабекка қулимсираб қаради. Отабек дадасининг киноясига тушиниб қип-қизил лавлагидек бўлди Яхшики қутидор ва Ҳасаналидан бошқа ҳеч ким бу кинояга тушинмас эди.

Пирназар aka жиiddийча Отабекка қаради.

— Отабек менга ўхшаган жаллодкина эмас, амири лашкар бўла оладир. Сиз фотиха берсангиз ва Отабек амр берса мен худо ҳаққи ёмоннинг бошини олишдан қайтсан, — деди.

— Бизнинг каттадан-кичигимизнинг, — деди ҳожи, — топқан-тутқанимиз фақат бош олиш... Биз ўйлаймизки, гўё бош олиш билан олам тинчийдир ва биз ўз ҳоҳлағанимизни қила оламиз. Тузик, жаллод айткандек, ёмоннинг бошини олмоқча мен ҳам қарши эмасман ва лекин бунинг нозик шартлари бор; аввало манфаати шахсиясидан кечиб, фақат эл баҳти учун бош тикканлар жамоаси керак ва бу жамоанинг ўз маслаки йўлида кузаткан маълум бир нишонаси бўлмоги зарур. Ана шундан кейин ҳалиги нишонага қараб интилишда оёғ остиға элашкан чўп-хасларни супира бориш лозим. Мали шундагина тўкилган қонлар ўринлик ва машруъ, берилган бошлар чин қурбон ҳисобланадирлар. Йўқса, сизнинг бош олишингиз ҳам ановиларнинг қирғинидан фарқлик бўлолмас, — деди ва бир оз тўхтаб олғандан кейин афсусланди, — шу ёшға етиб бу ҳалқ орасида ҳалиги жамоани уч-тўрт нафардан ортиқ учратолмадим, афсус.

Яна бирмунча гаплар ўткандан кейин ҳаммалари масжида чиқиб пешинни ўқуб кириш учун қўзғалдилар Отабек ҳам кўбчилик билан бирга қўзғалған эди. Ҳасанали уни тўхтатди:

— Сиз тұхтанғыз, Отабек, — деди. Кишилар ҳавли юзига түшкандан кейин, — ичкарига бир кириб чиқмасанғыз айб бўладир... Бояғи ишиңгизни бўлса зўрга ёлғон-яшиқ билан уларнинг қўнглидан чиқардим.

Отабек нихоятда бўшашиб ҳолда қайтиб ўрнига ўлтурди:

— Майли, бўлмаса... — деди.

10. Ҳасаналининг ҳийласи

Киши ортиқча қўрққанда гангид аъзоси ҳаракатсиз ва оғриқ ҳолга тушадирким, албатта буни биз қаттиғ қўрққандан деб биламиш. Дарҳаққиқат, бизнинг қаршимизга йўлбарс чиқса, биз қаттиғ қўрқамиз, чунки бизни ўлум кутадир, инсон учун дунёда ўлумдан қўрқунч нарса иўқ. Биноан алайҳи биз бундаги қўрқувни табиий ҳисоблаймиз. Аммо қизиги шундаким, бизни дунё баҳти кутканда, бизга саодат башорати берилганда нега биз ўлум куткандаги ҳолга тушамиз ва узвий ташкилотимиз (ўрганизмамиз) биринчидағи ҳолатни кечирадир?

Отабек ҳам ҳозир шу кейинги ҳолатка түшкан эди. Эрта биландан бошланған бу ҳолат Ҳасаналининг кейинги сўзи билан тамом бир даҳшат касб этди ва ҳушсизларча ўлтуриб қолди.

Ҳасанали киргандан сўнг қилинадирған муомалани таълим берди:

— Онангиз билан Зайнаб анови можароларингиздан хабарсиздирлар, буни қайин онангиз билан келинга ҳам уқдириб қўйғанман. Улар билан сўрашиб, сўзлашқанингизда, гўё уч ойдан беригина кўришмаганлардек бўлингиз.

Отабек бўзариб энтиқди:

— Ул-ку осон... — деди.

— Қийини қайси?

— Шу чоқрача тушинмадингизми?

Ҳасанали Отабекнинг юзига узоқ тикилиб қолди...

— Иигит эмасмисиз, эй баракалла.

— Иигитлик билан юракни тўхтатиш...

Ҳасанали ҳам ўйлаб қолди. Дарҳаққиқат, Отабекнинг ҳозирги ҳоли нозик эди. Ҳасанали бир неча қайта бош қашиниб ва соқол тутамлаб ўйланди. Нихоят, ўзича кулинди:

— Тўхтанг бўлмаса, — деди. — мен бир иш қилайки...

— Нима иш қилмоқчисиз?

— Сиз ҳозир сўраманг, аммо шу дақиқадан бошлаб ихтиёрингизни менга топиштиринг.

Отабек кучланиб кулди:

— Нима, ахир? — деб яна сўради.

— Сўраманг, — деди Ҳасанали, — сиз тинчкина таҳоратингизни олиб, намозингизни ўқуй беринг.

Ҳасанали шу сўзни айтиб меҳмонхонадан чиқди. Отабек Ҳасанали тарафидан тасҳир¹ этилгандек, туриб таҳорат олди ва меҳмонхонага

¹ Тасҳир — сөхрланган.

кириб «таробих» бошлади... Орадан ярим соат чамаси вақт ўткан эди, Ҳасанали ичкаридан чиқиб келди.

Отабек эса ҳануз рукуъда¹, сужуда² эди.

— Ўқуб бўлмадингизми? — деб сўради даричадан.

Отабек ёнига салом бермасдан унга қаради. Бу ҳолга Ҳасаналининг кулгуси қистаб қелса ҳам, ўзини зўрга тўхтатти:

— Қани, мен билан юринг.

— Қаёққа юраман.

— Ичкарига.

— Тағинми?

Ҳасанали кулди:

— Энди кирсангиз бир мартаба бўладир, — деди. — Сиз... ҳозир ўрта йўлақдан секингина маним уйимга кирасиз.. Хотинлар намоз ўқуб ётибдирлар, сизни ҳеч ким кўрмайдир. Сиз киргандан кейин мен эшикни устингиздан ёпиб оламан-да, бир оздан сўнг олдингизра келлининг ёлғиз ўзини киргузаман... тузикми?

— Тузик...

— Қани, туриңг тезроқ!

Отабек турди. Учрашишка ҳали анчагина вақт бор, шунинг учун унинг юраги тинч сумол эди. Ўрта йўлакка кирдилар. Олдинда борған Ҳасанали тўхтади ва уйнинг эшигини кўрсатиб «ўтинг!» деди. Отабек унинг айтканича қилиб ўзини уига олди. Ҳасанали Отабекни уига киргузандан сўнг келиб эшикни қияроқ равишда ёпди ва даричани нариги ўйдан қарағанда киши кўринмаслик қилиб қийғоч очди. Шундан кейин ул ўзича нимагадир кулимсираб хотинлар олдига кетди.

Отабек киргузилган Ҳасаналининг уйи Ойбодоқ она тарафидан тозагина йиғиширилиб, ўрта ҳоллик кишиларнинг уйидек асбоб, жиҳозлар билан зийнатланган эди. Деворлар ганчланган, шиплар сирланган, оёғ ости алвон гуллик кийиз билан тўшалган ва тахмонга кирпўш кўрпалар осилған эди. Отабек кафшини даҳлизга ешди-да, уй бўйича бир-икки қайта юринди ва энтикиб нафас олди. Шу вақт тахмонга осилған кирпўш ўз-ўзидан қимиirlағандек бўлди. Бу қимиirlашни Отабек пайқамади. Ҳалиги қимиirlаған кирпўш бирдан очилиб кетиб Отабек сўчиди... Бирав тахмондан унга қараб кулимсираб эди. Отабек титрар эди... Бир оздан сўнг иккиси ҳам ўзларини бирмунча тўхтатдилар-да, бир-бирларига томон юришиб келдилар ва сўзсизгина қучоқлашдилар... Отабек сунбул ислик соchlардан руҳ олар, Кумуш гўё унинг бағриға сингиб кеткан эди. Бу ҳол бир дақиқа чамаси давом эткандан кейин бир оз ажралишқан кўйи уйнинг оёғига юриб бордилар ва тиза-батиза ўлтурдилар... Бириси ҳам сўзлай олмас, фақат термулишар эдилар. Неча дақиқағача шу ҳолатда бўлдилар. Ниҳоят, Кумуш кулаги аралаш кўзига ёш олди.

— Сиз... қочқоқсиз, — деди.

— Сиз...

¹ Рукуъ — намозда икки букилиб туриш.

² Сужуда — бошли ерга қўйиш.



9 — Абдулла Кодирий

- Мен?
- Сиз қувлоқсиз.
- Ажаб қиласан, — деди Кумуш ва шапалоги билан эрининг юзига секингина уриб кўйди.
- Бу ёқда ҳам...
- У ёқда Зайнаб урсин.
- Зайнабнинг... уришка ҳаққи йўқ.
- Кумушнинг кўзида ҳалигача кўрилмаган бир шодлиқ ўйнади:
- Тўғри айтасизми?
- Тўғри айтаман!
- Мана бўлмаса, — деди Кумуш. Отабекнинг иккинчи юзини ҳам силагандек қилиб кўйди. Яна кулимсирашиб, термулишиб қолдилар...
- Бираяннинг ғамида куйиб қаридим, — деди Кумуш.
- Бекор айтасиз... Мени айтсангиз тўғри.
- Сизнimi? — деди Кумуш. — Сиз энди қирчиллабсиз!!
- Тўғри гапирмадингиз.
- Тўғри гапирдим.
- Аммо сиз...
- Мен?
- Кейин айтаман...
- Кумуш ўпкалади:
- Айтинг ҳозир, — деди ва жоду кўзини аллақандай ҳолатка кўиди. Отабек жавоб ўрнида Кумушнинг юзидан ўпди... Кумуш ўзини кутқазиб ўрнидан турди.
- Яхши қолинг энди.
- Отабек тушунолмай унга қаради:
- Нима бўлди сизга, қаёққа борасиз?
- Марғилонга...
- Бу кун кеч бўлиб қолди, эртага кетарсиз.
- Кумуш кулиб Отабекнинг юзига урди:
- Бизнинг овлоқда кўришканимизни, — деди, — ойим ва Ҳасана-ли отамдан бошқа ҳеч ким билмайдир, айниқса Зайнабнингиз билса яхши эмас.
- Билса нима қиласадир?
- Ҳеч нарса қиласадир... Яхши эмас-да, — деди, — бир оздан кейин чиқиб ойим билан сўрашинг, кирмаганингиз учун қайин оналингиз сўйинишиб ўлаёттилар.
- Кумуш яна бир кулиб қарағандан кейин уйдан чиқди. Отабек энди тамом ўзини босиб олган, эндиғи юрак уриши фақат ҳалиги фаришта томонга ошиқибқина эди. Ўзи ёлғиз қолғандан сўнг нимага бўлса илжайди ва Ҳасаналига илгариғидан ҳам куюқроқ ўзида муҳаббат сезди. Шу дақиқадан бошлаб кечирадирган масъуд кунларини тасаввурдан ожиз ва Зайнаб тўррисида ўйлаб ҳам қарамас, бошқа гап эсига-да

Қирчилаш — одатда корга айтиладир. Масалан, қаттиғ совукда еқрар қор қирчиллайдир. Шундан олиб, айни етилган йигитларни қирчилмама йилгит, дейдилар (муал.).

келмас эди. Орадан Кумушнинг уига кириб олиши фурсат ўткандан кейин, уйдан чиқди ва парвосизча меҳмонлар ўлтурган уйга борди. Унинг келишини ўз уиидан кўрган Зайнаб югирганча Отабек орқасидан меҳмонлар олдиға кирди. Уйдагилар Отабекни кўриш ила ўринларидан турганлар, фақат Ўзбек ойим «ҳап» этканча ўлтурас эди. Отабек Офтоб ойим билан кўриши... Офтоб ойим уни қучоқлаб юзидан ўпди ва кўзига ёш оди... Сўнгра кичкина қайин онаси билан, Зайнабнинг опаси ва бошқалар билан сўрашиб чиқди ва кулимсираган ҳолда Кумушка «эсонмисиз...» деб кўйди. Кумуш ҳам «шукур» деб кулинди. Сўрашиш тамом бўлгандан кейин ўлтуришдилар Отабек онасининг ёнига, Зайнаб унинг ёнига ўлтуредилар. Кумуш Зайнабнинг бу қилиғига ғижиниб бир-икки қайта ер остидан унга кўз юборди.

Фотиха ўкулиб куяв қайин онаға узр айтди:

— Аввало сизлар келгунча қайтарман, деб эрталаб бир гуноҳ қилдим. Ундан кейин меҳмонхонадан қўзгалолмай иккинчи уятка қолдим...

Офтоб ойим:

— Боламизникини айби йўқ,

Ўзбек ойим:

— Қимиз киргузив қайин онангнииг орзини ҳўлламаганингда нах балора қолиб здинг, болам.

Кулишдилар. Карима отин:

— Кумушой бўлса, сен эримни яширгансан, деб Зайнабнинг энгката-тengкасини чиқарди.

Яна кулгу бир-бирига элашди. Зайнабнинг бояғи ишига Кумушнинг ғаши келганини айтилмаса, ҳозир ул ҳам жуда очилған, кулар ва ер остидан Отабекка кўз қирини ташлар, Зайнаб бўлса Кумушни таъқиб этар эди. Мажлиска бир оз жимжитлик киргандан сўнг Отабек ҳам ўз томонидан бир кулгу тўқумоқчи бўлиб, Зайнаб билан Кумушка қараб оди:

— Мен бир ишқа ҳайронман, — деди.

— Нимага? — деб сўради Моҳира ойим.

— Нега Зайнаб семизу Кумуш озғин?!

Ўзбек ойим жавобланди:

— Бунииг ҳикматини мендан сўра, болам, — деди, — Кумушнинг ўзинига ўхшаш серфирк кўринадир, Зайнаб бўлса менга ўхшаш қувноқ.

Отабекни ўзига ўхшатқани учун Кумуш қайин онасидан рози бўлди. Аммо Зайнаб ўзини Отабекдан четка қоққани учун Ўзбек ойимга ғижинди.

Ўзбек ойимнинг бу фикрига Карима отин қарши тушди:

— Янглишдингиз, ойи, — деди, — бундаги фарқни Юсуф-Зулайҳо қиссаларини ўқуган киши биладир... Уч ой деган фурсат озғина вақт эмас, Кумуш хонимнинг озғани соғинишники!

Карима отин қош кўяман, деб кўз чиқараёди. Яъни Отабек билан Кумушни Юсуф-Зулайҳога ўхшатиб, Зайнаб ва қариндошларини ўтичига ташлаған эди.

— Ўзбек ойимничи тўғри, — деди Моҳира ойим,— Зайнаб қувнок, Кумушниса маним кўзимга ҳам серфиркга ўхшаб кўринадирлар ..

— Тўғри-тўғри, — деди Хушрўй.

Кумуш билан Офтоб ойим орадан кечкан сирга тушуниб жим ўлтуар эдилар. Кумуш ер остидан Отабекка ризосизча кўз ташлади.

— Тўхтанглар-чи, — деди Отабек, ҳамма унга қарадилар, — ҳеч қайсиларингиз ҳам тополмадингиз.

— Тополмаган бўлсақ, ўзингиз айтинг! — деди Шарофат чевар.

— Ўзларингиз тополмагандан кейин мен айтиб нима қилай?

— Мен топдим, ҳах шайтон! — деди Карима отин. — Қизил гулнинг ҳам ўз олдиға, оқ гулнинг ҳам ўз олдиға иси бор, демакчи!

Ҳамма бирдан кулишиб:

— Худда-худда! — дейишилар.

Отабек кулиб ўрнидан турди ва «тополмадингиз, тополмадингиз» деганча уйдан чиқди. Кумуш билан Офтоб ойимнинг кўнгиллари бирдек бўлса ҳам бу кашфдан кейин Зайнаб билан Моҳира ойим анча енгиллашдилар. Бу қий-чув орқасидан меҳмонларга қуюқ-суюқ берилди.

11. Кумушнинг сўз ўюни

Шомга яқин меҳмонлар тарқалишилар. Меҳмонхонада ҳожи, қутидор, Ҳасанали ва Отабек қолган эдилар.

Ичкарида Ўзбек ойим меҳмонларни кузатиб бўлиб, Кумуш билан онасидан ҳўппак¹ олар эди.

— Мен сизлардан жуда хафа бўлган эдим. Сизларни чурук латтага туғиб, тоқчага ташлаш даражасига еттан эдим. Наҳотки уч йил бўлсаю — бир йўли ўз билгуларингизча келмасаларингиз. Ўрлим бечора ой ўтмасдан бўзчининг моккисидек қатнаб турса... Ахир маним ҳам ўзимга яраша обрўм бор. Тошканда кимсан, Юсуфбек ҳожи деганинг кўчиман². Худоёрхон ҳам бир кун кечаси келиб бизга меҳмон бўлдилар... Қушбегининг уй ичлари бўлса, бир ишни маним кенгашимсиз қилимайдирлар... Шунча обрў кўрган бир киши келиб-келиб наҳотки ўз кудасидан ва келинидан мунчалик обрўсизлик кўрса... Шаҳардаги каттадан кичик эртаю кеч қулоқ-миямни ейдирки, ҳой, марғилонлиқ келинингиз келдиларми, нега шундоғ келинингиз бўлатуриб Марғилонга ташлаб қўйибсиз? Мен бўлсам ҳеч сўз тополмаганимдан айтаман: — Келинимнинг онаси касал эмиш... Иккинчи вақтда: — Келиним бечора мунглур³.. дейман. Энди кўрсам милтиқнинг ўқидек, пушти гулнинг тўқидек келиним бор экан... Мен бу адабсизга тарин ўзим ўлтурган уйимни бўшатиб берибман-а, — дер эди.

Ўзбек ойимнинг дали-гулилигидан Офтоб ойим ва Кумуш унга жуда ўзлашиб олғанлар, унинг сўзига тоҳуқ кулиб, тоҳуқ узр айттар эдилар.

¹ Ҳўппак — гина, ўпка.

² Қўч — юқ, хотин (қўчма маънода).

³ Мунглур — ожиг, муштилар.

Ҳозир уйда Отабек бўлмағани учунми, нимадан бўлса ҳам ҳар нучук Зайнаб ўз уйида куймаланишиб ётар ва меҳмонларни Ўзбек ойимнинг танҳо ўзига ташлаған эди.

Тоқчаларга шамълар ёқилиб, вақт хуфтанга яқинлашиб қолғандан сўнг уйга Отабек кирди. Ул киргандан кейин Офтоб ойим билан Ўзбек ойим улар олдида ўлтуришни эб билмадилар-да, сирлашиш учун бошқа уйга чиқиб кетдилар. Уларнинг чиқиб кетишини кутиб турғандек, кўлиға бир чойдиш чой кўтаргани ҳолда Зайнаб кирди ва Отабекдан чой ичиб, ичмасини сўради. Отабек ичмайман, деб жавоб берган эди, Кумуш ораға тушди.

— Мен ичаман, ўзингиз ҳам ўлтуринг.

Зайнаб унча қистатмади, ўлтуриб Кумушка чой қуиб берга бошлади. Кумуш уни сўзга солиб сўради:

— Маним бало-қазодек етиб келишим учун хафа бўлғандирсиз?

Зайнаб Отабекка қараб олди:

— Нега хафа бўлай, — деди, — сиз келмаганингизда ҳам ўзлари борар эдилар.

— Бормас эдилар! — деди Кумуш. — Мен билан уришиб келган эдилар...

Отабек Кумушка ер остидан кулиб қаради, Кумуш ҳам кулиб жавоб берди.

— Шу киши бирав билан уришадирларми? — деди Зайнаб. — Икки йилдан бери менга бир оғиз қаттиғ сўз айтканларини билмайман...

Тўғри айтасиз, — деди Кумуш, — бу киши эмас, мен уришкан эдим... Бу кишида сира гуноҳ йўқ ва аразимизга бир тўнгуз сабабчи бўлран эди.

— Ким бало экан ул? — деди Зайнаб.

— Бизнинг шаҳарнинг энг ярамаси, — деди Кумуш ва Отабекдан сўради, — сиз эшитдингизми, яқинда ўшани бир бек ўлдирибdir?

Отабек кулимсиради:

— Эшитдим...

— Ўша бекнинг ҳақиға эшиткан кунимдан бери дуо қилиб келаман...

Зайнаб сўради:

— Сизларда қандай душманлиғи бор экан?

Отабек «энди нима дейсан» дегандек қилиб Кумушка қаради. Кумуш бўлса парвосиз жавоб берди:

— Ўша тўнгиз уйланмакчи бўлиб маним бир ўргонимга совчи қўйиб юрар эди... Мен эрса ўргонимни унга тегищдан айнаткан эдим. Айнатишими ҳалиғи тўнгузнинг қулоғига етиб мени бу кишига чақибdir. Бу киши бўлса, нега биравни ўртасига тушасан, деб мендан хафа бўлдилар...

«Бу киши» Кумушнинг ёлрон уюшдиришидан кулди, Зайнаб эрса Эрини оқдаб тушди:

— Айб сизда экан, — деди, — сиз ҳам нега биравнинг ўртасига тушасиз?

— Айб мендаликка менда, — деди Кумуш ва Отабекка қаради. — Нафсилаамрга қарағанда айб бизнинг орамизга чўп бўлиб тушкан холамнинг қизи Зайнабда, шундօг эмасми? — деб сўради.

Отабек сачраб Кумушка юз ўтирилди:

— Бу ўртаға Зайнабни нимага келтуриб тиқасиз, энди?

Кумуш кулди ва эски ҳолини бузмади:

— Сиз ҳовлиқманг, бек, — деди, — тунови кун холамникига борған эдим, холам қизи Зайнабдан шикоят қилиб ҳамма гапни Ҳомид чўчқанинг қулогига еткизгучи ўз қизи Зайнаб гумбаз бўлғанини бирма-бир айтиб берди, билдингизми?

Отабек зўрга-зўрга ҳахолашдан ўзини тутиб қолди:

— Нима бўлғандა ҳам айб сизда, нега бошда ўзингиз бу ишка аралашдингиз, ахир? — деди

Зайнаб.

— Ўзингизнинг аралашишингиз чакки-да, — деб қўйди.

Кумуш жиҳдий тус олди:

— Сиз айткандек Зайнаб гумбазда ҳам айб йўқ, менга қолса ҳамма гуноҳ бек отам билан хон ойимда, — деди. — Орзу-ҳаваслик жойни қидирмасдан қизларини бир кишига бериб қўя қолсалар — албатта бу савдолар йўқ эди. Наҳотки икки йилдан бери неча бечорани зирқатнатиб овора қилсалар, Тошканд қишлоғи билан Марғилоннинг ораси озғина йўлми, ахир?

Отабек ҳахолаб юборди:

— Ҳамон айбни ўз бўйнингизга олмайсиз, астажфируллоҳ...

Зайнаб Кумушдан:

— Бек отангиз билан хон ойингиз ким?

— Ҳалиги мен айткан ўртоғимнинг ота-оналари... Орзу-ҳавас қидириб бечора қизларини қаритиб қўйдилар.

— Нега сиз тайёр куявдан ўртоғингизни айнатдингиз?

— Давлати бўлса ҳам ўзи тери намойиш эди... Киши давлат учун эрга теккандан ерга тексин...

— Албатта, — деди Зайнаб.

Отабек Кумушнинг сўз ўюнига ажабланар ва ҳой шайтон, дегандек унга қарап эди.

Кумуш яна тинчий олмади:

— Бизнинг уришиб қолишимиз учун Карим сандиқчининг ҳам даҳли бор, — деди.

Отабек жўрттага сўради:

— Қандай даҳли бўлсин. Сизга қолса, бутун шаҳар даҳлдор экандা?

— Шошманг жоним, — деди Кумуш, — нега ўйламай-нетмай эшигига бош уриб келган бир йигитни қувлаб соладир?

— Астажфируллоҳ... унинг қувланишига ҳам Ҳомид сабаб бўлған. Ҳомиднинг ёмонлиғига эрса сиз сабаб бўлғансиз...



Зайнаб нимадир сўрамоқчи бўлған эди, Кумуш унга йўл бермади.

— У ҳам эмас, бу ҳам эмас, — деди. — ҳаммаси худонинг тақдиди.

Отабек:

— Ана энди тўғри айтдингиз.

Кумуш:

— Икки ўргада дум қидириб қулоқдан ҳам ажралған пучук ойминг ҳоли ҳам худонинг тақдиди!

Отабек кулади. Зайнаб кейинги сўзларга тушина олмаған, шунга кўра Кумушдан изоҳлар олмоқчи эди. Кумуш унга изоҳлар уюшдиришни хоҳламаганиликдан сўзни четка чалғитиб юборди.

— Неча ёшқа кирдингиз, Зайнаб опа?

— Ўн тўққузга шекиллик.

— Ҳали сиз бола экансиз, — деди Кумуш.

— Сиз нечага кирдингиз?

— Мени сўраманг, мен энди қариб қолдим...

Зайнаб унга ҳасадланиб қаради ва кучланиб айтди:

— Ҳали ёшқа ўхтайсиз-ку.

— Неча ёшқа кирган деб ўилайсиз?

Зайнаб Кумушнинг тўлиб етмаган гавдасига ва ўн олти ёшлар чамалиқ губор тегмаган ҳуснига ҳайрон бўлиб, мuloҳазасини айтишдан кўрқди. Зайнабка қолса эҳтимолки Кумуш ўзидан ҳам ёш чиқар эди.

— Мен қаёқдан билай...

— Йигирмага кирдим.

— Мендан бир ёш катта экансиз.

— Сиздан албатта каттаман, — деди Кумуш.

Кумушнинг «албатта каттаман» деган сўзини Отабек ичидан тасдиқлади, унинг ҳуснагина эмас, ақдда ва бошқада Зайнабдан неча баробар юқорида эканини ўлади. Орага бир неча дақиқалиқ сўзсизлик кирди Отабек ер остидан Кумушка нигоҳ ташлар, Зайнаб гиламнинг попутини чирмаб ниманингдир ҳаёлини сурар, Кумуш бўлса ҳеч кимга ҳам қарамай мудраған сумон ўлтурас эди. Кумушни бу ҳолда кўриб Отабекнинг юраги ачиди...

— Йўлда чарчаган кўринасиз, Кумуш.

Зайнаб гиламдан кўзини оди, Кумуш мудрашдан сўчиди...

— Қайдам...

— Биз кетайлик, сиз тиншиб ухланг, — деди Отабек.

— Майли... Хуфтани ҳам ўқуй олмайдирған ўхтайман.

— Зарари йўқ, — деди, — ёлғиз қўрқмайсизми... Ёнингизда Зайнаб ётсинми?

— Зайнабниса сиз билан ётсин... Мен ёлғизлиқга ўрганганман...

— Онангизни чақириб берайлик бўлмаса.

— Раҳмат.

— Ёлғиз ётиб қолганингизни айниқса ойим эшитса...

— Сиз билан Зайнабниса ёлғиз ётиб қолғанимни айтмасангиз, ҳеч ким билмайдир... Ўрин ўшами?

Зайнаб нимагадир жуда ҳам қувониб кетди. Шунинг учун бўлса

керак. Кумушни ўрин ёзишға қўймай ўзи пар тўшакни олиб ерга солди. Кумуш мудраган кўйи Зайнабка ташаккур айтиб тўрдаги бурчакка ўлтуриб одди. Отабек бериги бурчакдан туриб уни қўли билан янар ва кулимсираб хўмраяр эди. Кумуш мудраган кўйи, сузилган кўйи илжайиб жавоб берар эди...

Ўринни солиб битиргандан кейин. Зайнаб қаноатланиб уйдан чиқмоқчи бўлған эди, уни Кумуш тўхтатди:

— Зайнабниса, — деди, Зайнаб қаради, — бу кишини ташқарига чиқиб ётишға қўйманг, тузиқми?

— Нимага?

— Нимагаки, дадамнинг кўнглига гап келадир.

— Хўб, — деди Зайнаб ва эшилдингми дегандек қилиб эрига қараб олғандан кейин уйдан чиқди. Унинг кетича Кумуш Отабекка қаттиғ қилиб айтди:

— Қани, сиз ҳам уйингизга..

Зайнаб жуда ишонған ҳолда ўз уйига бориб етди.

— Чиндан айтиб ётибман, эшиласизми?

Отабек ўзини юфлатка солиб Кумушнинг ёнига борди:

— Сиз...

— Мен?

— Сиз қувсиз...

— Мен қув эмасман, — деди кулиб Кумуш, — мен ҳали урушилиқ ҳолдаман, ярашқаним йўқ.

— Боя нималарни сўзладингиз, сир очиладими, деб жоним бўғозимга келди.

— Нега сир очилсин? — деди. — Мен сиз билан ўткан ишлар ҳақида сўзлашмоқчи бўлиб турар эдим— ўзи жўрттага кириб келди. Мен ҳам сўзимни тўхтатмай жўрттага бошқа йўлда айтиб чиқдим. Нима, бир нарса пайқадими?

— Пайқамади-ку... Шундоғ бўлса ҳам мен жуда қўрқдим.

— Ҳали шу юрагингиз билан уч кишини ўлдирдингизми, мен ишонмайман, — деди Кумуш ва Отабекнинг ханжар теккан қўлининг чизигига кўзи тушди. — Пичоқ ёмон кесипти... Чумчук сўйдингизми? Қани чиқинг, мен ётаман.

— Ёта берингиз.

— Сизнинг олдингизда ешинаими?

— Улсангиз мен юзимни ўтириб турай, — деди ва юзини четка бурди.

— Қараманг бўлмаса, — деди Кумуш ешинар экан, «бўлғани йўқ, бўлғани йўқ» деган сўзни беш-олти қайта такрорлади ва ўринга кириб олғандан кейин ҳам «бўлғани йўқ, бўлғани йўқ» деб кулар эди.

Отабек ниҳоятсиз «бўлғани йўқ»дан зерикиб қаради:

— Алдамчи.

— Бу алдашлар — алдаш эмас, сиз ҳали қараб туринг, қочқоқ.

— Аниқ қўрқмайсизми ёлғиз?

— Нега қўрқай, икки йил ёлғиз ётиб, энди жуда ўргандим. Эҳти-мол сиз ёлғизлиқдан қўрқарсиз.



- Киноянгиз...
- Бу киноя эмас, тўғри сўзим, — деди Кумуш, — мен бу ҳолда ёлриз ҳам эмасман...
- Бу нима деган сўзингиз тагин?
- Яъни ҳамроҳим бор, деганим — мендан қўрқманг, деганим...
- Отабек яна тушинмади...
- Ҳамроҳингиз...

Ҳамроҳимми? — деди Кумуш. — Ҳамроҳим биравнинг хаёли, биравнинг фикри. Бас, бундан ҳам яхши рафиқ борми? Баъзи вақтларда бу йўлдош уйқудан ҳам ширин.

Отабек «ҳамроҳ»га тушинди ва ётиб Кумушнинг юзидан ўпди:

- Лекин мен бу сўзингизга ишонмайман.
- Нега ишонмайсиз?
- Негаки, сиз анови... кечаси ҳамроҳсиз эдингиз... Пиш-пиш ухлар здингиз...

Кумуш Отабекнинг елкасига қўлини ташлади:

— Ушал вақтларда ҳамроҳсиз ухлаганим тўғри, — деди, — чунки биравлардан бутунлай умидим кесилган, ҳамроҳим менга ҳамиша умидсизликгина берар, даҳшатимнигина ортдирар эди. Аммо ўша кунларда уйқу менга жуда ширин бир нарса бўлиб қолган, мен уйқудагина биравларни кўрар ва кундузлари ҳам уйқу қидирар эдим. Энди бўлса яна йўлдошим хаёл... Тагин нима дейсиз?

— Ҳеч нарса демайман... Лекин сиз икки йил бурунни Кумуш эмассиз.

Кумуш кўрпага бурканиб олди:

— Чиқинг... уйқум келди.

Отабек зўргагина ўрнидан турди... Ул узорлашқандан кейин Кумуш секингнига юзидан кўрпани олди ва мурдоқ кўзлари билан Отабекка кулимсираб қаради. Отабек ҳавлидари оёғ товшини эшлитиб, тоқчадаги шамълардан учтасини ўчирилан эди, даричадан Зайнаб кўринди: «Ҳали ҳам шу ерда экансиз, мен сизни ташқариға чиқфансиз, деб ўйлабман...» деди. Отабек жавоб бермай қолган шамъларни ўчириди. Зайнабнинг «ҳали ҳам шу ерда...» сўзи билан Кумушнинг кўзи уйқудан очи-либ кеткан эди... Отабек эшикни ёпиб чиқди.

12. Кундаш — кундашdir

Кумуш қайин отаси билан қайин онасига уч-тўрт куннинг ичидаёқ ўзини кўрсатиб қўйди, ширин ва ақллик муомалалари билан уларни ўзига мафтун қилди. Юсуфбек ҳожи «бу одам фарзанди эмас — фаришта» дер, орада Зайнаб бўлмаса «фаришта», деб атамоқقا ҳам ҳозир эди. Ўзбек ойим бўлса эски кина ва адоватларни қайтиб келмас дунёсига жўнатди Теваракдан марғилонлиқ келинни кўриш учун келгучи хотинларға муомалани яна ҳам юқорироқдан туриб қила бошлади. Ҳар бир «келинингиз ажабми?» деб Кумушка сукланғучи хотинларга, «Маним чин келиним Марғилонда эди-да!» дер эди. Гоҳо Ўзбек ойимнинг



ўзи ҳам Кумушнинг ҳуснига ва муомласига ажаблана бошлар, ҳожини овалогроқда учратиб қолса, «алҳазар, ўғлинигиздан — уйланган хотини қаранг», деб қўяр, ҳожи бўлса, «ўзинг билган сиҳри ҳици сенинг ҳам бошингни айлантирибдир...» деб илжайгандা, Ўзбек ойим «рост, бу келиннинг ҳуснидан ҳам бошқа яна тагин бир алоҳида хосијати борга ўхшайдир!» деб кулар эди. Кумуш ўзини кўргали келгучи хотинлардан кўпроқ олқиши олса (албатта ошкора эмас), хотинларнинг жўнаши биланоқ даррав юзбек ойим Ойбодоқдан исириқ тутатдириб аввал Кумушка, ундан кейин кўнгли қолмасин, деб Зайнабка солдирап, агар Отабек кўриниб қолса, уни ҳам қуруқ қолдирмас эди.

Эгасини сийлаған иттига суюк ташлар, қабилидан қизлари туфайли билан қутидор ва Офтоб ойимлар ҳам жуда яхши иззат кўрар эдилар. Қутидор келганидан бери бир соат ҳам уйда бекор қолмай, ҳар кун Юсуфбек ҳожининг мухлисларидан бирининг уйида меҳмон ва ҳожининг суҳбатидан мамнун эди. Офтоб ойимни бўлса Ўзбек ойим ўтқизғали жой топмас, қуда сўзи ўрнига — синглим деб хитоб қиласар, ошни ҳам унинг раъйини сўрамасдан буюрмас эди.

Келганларининг ўн бешинчи кунигача шаҳарнинг казо ва казо хотинларини қабул қилиб ўткардилар. Яъни Офтоб ойим Тошкандинг юзбоши ойимидан тортиб, понсадбоши, қўрбоши то ўрда ойимларига-ча танишиб олди ва уларнинг ҳар бирларидан кутилмаган даражада иззат, ҳурмат кўрди. Бу ойимларнинг ҳар бирларидан — «албатта бизникига меҳмон бўлмасдан кетмайсиз, эгачи»¹, деган таклифлар ҳам ҳисобсиз эди. Ўзбек ойимнинг лозим топишича, бу таклифлардан фактат ўн чорлути ижобат этиладирган бўлиб ва биринчи мартаба Нормуҳаммад қушбегининг хотини Сорабек ойимниги, яъни ўрдага борилмоқчи эди

Ўн олтинчи кун меҳмон оёғи товсилланиб, Ўзбек ойим Сорабек ойимга ўзларининг боришлиаридан хабар юборди ва Ҳасаналига аравани қўшмоққа буюрди. Ўрда ойимларининг турмушларини кўрмагани учун Кумушнинг ҳам улар билан бирга боргуси келди ва эрталаб чой устида Зайнаб тилга келтуриб, «Зайнабингиз ҳам борадими» деб сўраганида, Ўзбек ойим: «Зайнаб бир мартаба бориш бўлса борған», деб жавоб берди.

— Мен-чи?

— Сен ҳам бормайсан.

Кумушнинг маъюсланиб қилған сукутидан кейин, Ўзбек ойим мундоғ изоҳ бериб чиқди:

— Сен Тошкандаги Юсуфбек ҳожининг келини бўласан, болам! Чорламаган жойга¹ бориш учун сенинг кафшинг кўчада қолган эмас, — деди.

Отабек қаёққадир от миниб кеткан эди. Юсуфбек ҳожи билан қутидор Солиҳбек² охундинг Кўкалдош ҳужрасига меҳмон бўлиб

¹ Чорлашдан мақсад маъсус ҳозирлиқдан сўнг чорлануучига кийимлар, сарполар тиқдириб чедмонига ҷағирийдир (муал).

² Солиҳбек окунда доддоҳ (1812—1868) замонасининг катта уламоларидан бўлган. Тошкандин руслардан ҳимоя килган.

кеттәнлар. Фақат бу күн уйда қоладирғанлар — Кумуш, Зайнаб ва Ойбодоқ әдилар.

Ўзбек ойим йулаккача қузатиб чиққан Кумуш билан Зайнабка қараб арава ёнидан қулди:

— Икки кундаш уйни холи топиб тагин юлишманглар! Ойбодоқ, сен кундашлардан хабарсиз қолма!

Офтоб ойим аравага минар экан:

— Худой сақласин, ойи! Шукур, иккаласининг ҳам ақл-ҳуши бошида! — деди.

— Булар кундаш эмас — эгачи-сингил-ку! — деди отнинг жиловидан Ҳасанали.

— Мени ташлаб кетканингиз аламини Зайнабдан олмасам кимдан олай, — деди кулиб Кумуш ва дарбозанинг ҳалқаси билан уйнар экан: — А, юлишамизми? — деб Зайнабдан сўради. Зайнаб жавоб бермади.

Ўзбек ойим Ойбодоқقا баъзи таълимотларни бергандан кейин келинларга:

— Тушда иссирсиз қолманглар! — деди. Арава қўзғалди.

Зайнаб илгарироқ, Кумуш кейинроқ ичкарига қайтиб кирдилар. Кундашининг сўёзиз, несиз ўз уйига кириб кеткани учун ўйланиб, бир оз ҳавли юзида тўхтади, сўнгра бу ҳам ўз уйига бурилди.

Кундан-кунга Зайнабнинг сусайиб, ўзига бегоналашиб борғанини ул яхши онглар эди. Бу күн бўлса ўинаб айткан сўзи жавобсиз ҳам қолдирилиб, бу ҳол яна унинг миясини қотирди. Кўнглида бир хираклик билан бориб дарича енига ўлтурди. Зайнабнинг ҳасадини қўзватмас учун Отабек билан муомалада қилған эҳтиётлари заррача фойда бермаганига ҳайрон, энди қайси йўсунда миросани созлаш йўлларини ўилар эди. Ўн беш күн ичидаёқ бунча кескинлашкан Зайнабнинг ички адсоватининг бир ойда қайси даражаларга бориб етишини ўйлар ва мироса бу ҳолда кеткан тақдирда бу уйда узоқ қола олмасини фаҳмлар эди. Лекин бу уйдан чиқиб кетишни, бир-икки ойлаб Отабекни Зайнаб қўлиға топшириб қўйишни яна мувофиқ кўрмас, яъни Кумушда ҳам бир қизғанчиқлиқ ҳисси уйғонған... Фикри шу ерга етканда қайси кунидир Отабекнинг Зайнабка бошқачароқ қилиб кулиб қарагани ва Зайнабнинг шу вақтдаги ойдек жозибалик тўла юзи кўрингандек бўлди... Бу кўринишдан сўнг ул сакраб ўрнидан турди-да, тоқчадаги ойнани олди ва ўзига қаради...

Маълумки, киши ойнага боққанда нечоғлиқ айбсиз бўлса ҳам ўзини бир камчилиги орқалиқ кўрадир. Шунга ўхшаш бу қараща Кумуш ҳам ўз-ўзидан рози қолмади. Шаҳло кўзлар, ўсиқ жинггила кипраклар, қундуз қош ва қора холлар ва бошқа латофатлар ўзига писанд бўлмадилар... Ўзини Зайнабка қарагаида сиқиқ, ёш, боласифат кўрди... Ойнани тоқчага қўйиб Зайнабка чинлаб ҳасадланган ҳолда келиб бояғи ўрнига ўлтурди. Анчагина ўйлаб ўлтурғандан кейин кўнглига «у мени суйса бўлди-да», деган гап келди... Узининг бу хукмига рози бўлмади, гўё ўзининг суйилиши бир неча ойлиқагина ўхшар, Зайнабнинг тўлаған ойдек юзи бу суйилишга шу беш-ўн куннинг ичидаёқ хотима бературғандек кўринар эди. Шу кўриниш орасида Зайнабни яна ўз кўзидан

яхшилаб ўткармакка ва унинг ҳусн кучини синамоқда қарор бераб ўрнидан турди...

Кумуш кирганда Зайнаб дарича ёнида тўппи тикиб ўлтураг эди.

— Ойим айткандек, — деди кулиб Кумуш, — сиз билан юлишқали келдим.

Зайнаб тўпписини қўйиб ўрнидан турди:

— Мен ҳам олдингизга чиқайми, деб турған эдим...

Кумуш истеҳзо билан кулди:

— Тўппи тикиб ўлтурибсиз-ку, маним олдимға чиқармидингиз, баракалла сизга, — деди. Зайнаб бир сабаб кўрсаталмай ўнгтайсиз ҳолда қолди. Дарҳақиқат, унинг бу иши очиқдан-очик болаларча кетган эди. Кумуш уни ўнгтайсиз ҳолдан чиқариш учун тикилган тўппини ердан олиб кўрган бўлди.

— Чокни яхши тикар экансиз, кимга?

— Биравга атаганим йўқ, ахир биттаси кияр .. Ўлтуринг.

Икки кундаш қарши-қарши ўлтуришдилар. Кумуш унга тикилиб-тиклиб қарап эди... Зайнаб бояғи ўнгтайсизликдан ҳали чиқиб етмаган, қизаринқираб ерга боқдан эди. Бир-икки дақиқани сўзсиз кечирдилар.

— Чиқмаганимни ҳам кўнглингизга олибсиз-да, — деди ниҳонт Зайнаб.

— Нега кўнглимга олай, мен ёш боламанми, — деди,— келганимга ўн беш кун бўлмасдан ўзингизни четка тортиб бошладингиз... Мен сиз билан эгачи-сингил бўлармиз, деб ўйлаган эдим...

— Ҳали нима бўлибмиз... Арзимаган гапни ҳам кўнглингизга олаберсангиз..

— Бу арзимаган гапми? — деди Кумуш. — Уйда ҳеч ким йўқлиги-ни билатуриб ўзингизни четка тортасиз... Бу эса юзингни кўришга тоқатим йўқ, деганингиз бўладир.

— Қўйинг-чи... Ўзингиз ҳар бир нарсани ҳам кўнглингизга олаберар экансиз... мен унақа эмасман...

Бошланишда анчайин ҳазилга ўхшаб кўринган бу кинахонлиқ кутилмаган жойда бир тус олиб кетди. Кумуш ўн беш кунлардан бери иирилиб келган аччиғини бирваракай тўкиб солди:

— Мен кўнгламга олсам арзидирганини билиб оламан, — деди

— Олдингизра чиқмаганим юзингизни кўрмаслик учун бўлганини сиз қаёқдан билдингиз, маним ичимга кириб чиқмагандирсиз-ку, ахир?

Зайнаб ҳам анча қизишиб олди. Кумуш ундан ҳам ошиб тушди:

— Билиш учун ичингизга кириб чиқишим шарт эмас... Баъзи ишларингиз ичингиздагини менга очиқ сўзлайдир.

— Қайси ишларим?

— Сўраманг...

— Билмаган бўлсам билдириб қўйинг. ахир.

— Айтсам яна аччиғингиз қистайдир...

— Тўри гап бўлса аччиғим сира қистамайдир...

Яқинроқда юмиш қилиб юрган Онбодоқ эшитмасин учун секинроқ товушда:

— Қистамаса айтай, — деди Кумуш, — эрингиз маним олдимга кирса, нега ишиңгиз бўлса-бўлмаса кириб ўлтуриб оласиз-да, ёғиз қолғанимда кирмайсиз?

— Шундоғ деярсиз, деб турған эдим ўзим ҳам, — деди Зайнаб, — киришимни ҳам кўнглингизга олған бўлсангиз, энди мундан сўнг кирмаганим бўлсин.

— Қани тўғри гапка аччиғингизнинг қистамагани?

— Ахир, эрингиз билан ёғиз ўлтурғанингизда мундан сўнг кирмайин деяпман-ку.

— Эгриликка олманг, Зайнаб, — деди Кумуш, — мен бу гапни ёнимда эрим бўлғандা кирма, деб айтмадим, балки бояти сўзимнинг исботи учун айтдим...

Бу ўринда иккиси ҳам жим бўлдилар. Ойбодоқ даричага келган эди:

— Тушлик ош вақти бўлдими, нима томоқ қиласамикин?

Кумуш Зайнабка қаради:

— Нима томоқ буюрамиз?

— Сиздан сўрайтги...

— Зайнабниса яхши кўрган томоқни қилингиз, — деди Кумуш.

— Лагмон қилайми? — деб Ойбодоқ Зайнабка қаради.

— Томоқда иштиҳом йўқ, ўзингиз билганингизча қилаберинг.

Ойбодоқ кетди. Унинг кети билан Зайнаб «тавба» деб қўйди.

— Тавба деманг, Зайнаб... Бу гаплар айниқса сиз билан менга келишмаса ҳам азбаройи мени ёғиз ташлаб қўйғанингиздан айтдим... Мен сизнинг ўйингизга бутун умрга келган эмасман... Атиги уч-тўрт кун қайин ота, қайин оналаримни кўриб кетиш учунгина келганман. Шунчаликка бир-биравимииздан четлашиб, минғайишиб юришимиз кишига оғир келар экан.

Кумушнинг «уч-тўрт куни...» билан Зайнаб ёришиб кетгандек бўлди:

— Вой ўлай, Кумуш опа, — деди Зайнаб бўшашқан оҳангда, — чиндан ҳам кўнглингизга олибсиз дейман. Кўнглимда тариқдек ёмонлиғим бўлса, эртагача етмайин.

«Кетиш» сўзини эшлитиб онд ичиб бошлаган Зайнабка Кумуш ичдан кулиб қўйди ва «энди ўлсам ҳам кетмай, сен қараб тур!» деб янди.

Шундан кейин орадари гап-сўз тўхтағандек бўлди. Кумуш тизасини кучоқлаб ниманидир хаёлида, Зайнаб бўлса қатимини узун тортиб тўпписини тикар эди. Анчагина шу ҳолатда қатим тортқандан сўнг Зайнаб секингина қаршисидаги ғайри расмий ёвга ёвларча қаради. Узоққина қараб турғандан кейин ўзига ҳам сездирмаслик қилиб энтиди, яна уч-тўрт қатим тортти...

— Сиз мунчалик қўрқмасангиз ҳам бўлар эди...

Кумуш бир оз жавобсиз қолди ва сурилиб деворга суялди:

— Нимадан ҳам қўрқмасам бўлар эди?

— Ахир... жек қўрмасангиз¹ ҳам... дейман-да...

- Мен кимни жек кўрибман?
- Биларсиз ахир, кимни...
- Уят, Зайнаб!
- Сизники ҳам уят!

Яна икки кундаш ҳужумга ҳозирланишқан хўрзлардек бир-бirlарининг устларига ҳурпайищдилар.

- Нимам уят? — деб сўради Кумуш.
- Мен эрим билан ўлтурганда устимга кирма, дейишингиз албатта уят.

— Аввало мен бу сўзни сизнинг ҳалиги қилифингизра қарши айтдим. Агар сиз буни чинга ҳисоблаған бўлсангиз, мен ҳам сиздан чинча сўрайин: сиз эрингиз билан ўлтурганда мен устингизга кирдимми?

Зайнаб бу саволнинг жавобига қолғанда бир оз тутилиқди. Чунки Отабек Зайнаб ёнида бўлғанда Кумушнинг кирганини хотирлай олмади.

— Сиз кирсангиз албатта кўкрагингиздан итармас эдим, — деди Зайнаб. — Ўзингиз жек кўрганингиз учун мени ҳам ўзингиздек фаҳмлаб кирмайсиз.

— Кишини бўғасиз, Зайнаб! Гапка темирчилик яхши эмас!

— Гапка темирчиликдан худой сақласин, ота-бобом темирчи ўткан эмас.

— Ким сизга — отанг темирчи деялти?

— Ахир сўзингизнинг сираси шунга келади-да...

— Тавба, — деб кулади Кумуш, — жек кўрасан, деб бир айтасиз, ўзингдек фаҳмлайсан, деб узиб улайсиз, сен кўрқмасанг ҳам бўлади, деб тарин нина тиқасиз... Мана шуни гапка темирчи, деб айтадилар.

— Рост-да ахир, сиз кўрқмасангиз ҳам...

— Сўзлай беринг.

— Ахир...

Зайнаб ўзининг хатосини онгли ва гапуралмай гўлдиради. Кумуш эса буни сезиб Зайнабнинг ўз оғзидан иқорот этдириш кўйига тушди.

— Мен тушиндим, — деди, — сен кўрқмасанг ҳам бўлади, эринг сени яхши кўради, демакчисиз.

Зайнаб ишини тўхтатиб бўзрайғанча Кумушка қараб қолди... Бу хатосини ўнглаш учун эсига ҳеч гап келмас эди:

— Ахир... менга ўжшаш сизни ҳам ишондириб қўйғандирлар.

— Сизни нимага ишондирғанлар?

— Ахир... Мен сенсиз туролмайман, деб сизга ҳам айткандирлар...

— Ҳеч.

— Сизга айтмаган бўлсалар... менга юз қайталаб айтадирлар... У кишини сизга ҳам шунақалар, деб ўйлабман...

Ўзи асло ишонмаған шунча ёлон гапларни бояри довдираш ҳолатида илҳом равишда тўқиб юборди. Унинг бу довдир гаплари талаба қозонмоқчи бўлған Кумушни довдиратти, бояри ойна ёнида туғилған шубҳаси чинга чиқғандек бўлди ва муҳокама хусусиятини йўқотди. Зайнаб тўғри айтади, деб ўйлади, агар уни яхши кўрмаганда Тошкандга келишимни кутиб ўлтурармиди?..



Зайнаб бу ёлғонлаш натижасыдан құрқиб, үнгү терс ишига епишиди. Кумуш мөддий ҳаётидан айрилған жонивордек бўшаши. Ойбодоқ она тарафидан икки кундаш ўртасига қўйилған тушлик бир неча вақт совиб ётди. Зайнабнинг қўрқа-писа «олинг, опа»сидан сўнг икки тараф ҳам лагандан чимчиган бўлишдилар-да, бирин-сирин қўлни дастурхон четига артишдилар...

Шундан бирар соат кейин Отабек қайтиб Зайнаб томондан қарши олинди. Уст тўнини ешиб Зайнабка бергандан сўнг, қайси уйга кириш тўғрисида ҳавли юзасида бир оз тараффудданиб қолди. Теварагида ғилдирлаб юрган Зайнабнинг уйига кирабериш учун Кумушнинг мулоҳазасини қиласар, Кумушнинг оддига кирмак учун Зайнабни ўйлар эди. Кумуш уйда кўринмади, шунга кўра «ухлагандир» деб ўйлаб Зайнаб билан кирди. Зайнаб оёри олти, қўли етти бўлған ҳолда эрини тўрт қават қўрпача устига ўтқузиб, ёнига учта пар ёстиқни уиди. Эрининг маҳсисини артишка кўмаклашиб, еллиб қўймок учун изн сўради. Отабек узр айгиб бунчалик меҳрибончилик матьносидан чўчиб қўйди. Отда келган бўлса ҳам купининг иссиғлиғидан бир пиёла чойга мухтож эди. Чой сўзи оғзидан чиқмасданоқ Зайнаб ўчоқ бошиға югуриб кетди. Унинг кети билан Кумушнинг уйига қаради. Эшик ва даричалар очик бўлсалар ҳам уйда бирав кўринмади.

Кумуш келгандан бери Отабек кун сайин ўзини сиқиқроқ бир доирага кириб борғанилигини сезар эди. Адимини санааб босиш, бир чўқиб саккиз ёқса қарашиб каби эҳтиётларга таълимотсизоқ ўрганиб

қолған, бунинг устига бир хил ўнгғайсизлири ҳам йүк эмас эди... Унинг ўткан күнлари, яъни Кумушка Марғилоңда қиладырған мұомала ва алоқаси Зайнабка қоронғи, шу қоронрилиқдан фойдаланиб Зайнаб билан мұомаласи ўзи тилаганча. Аммо энді ўша ҳолатни давом этдириш мүмкин эмас эди Кумушка кулиб қараса, Зайнабка ҳам шундог қилмоққа, унга қандоғ мұомала қылса, бунга ҳам шундог қилишға мажбур зди. Бироқ бунинг бириңчиси юрақдан, иккінчиси... Бириңчисини тавсиф қилиб күрсатиш нұчукким, биз шу ўрингача күб қоғозларни қоралаб келамиз, ўқуғучини ҳам зериктирмай орқамиздан зргащдирғандек бўла-миз, чунки Отабек ва Кумуш ишқларида самимият, яна тўғриси шеърият бор зди. Иккинчи масала устига ўтиб таҳдил қилмоқчи бўлсақ, Отабекда мажбуриятдан бошқа ҳеч гап тополмаймиз, топган билан ўқуғучига қизиқарлиқ бир нарса чиқмайдир. Қаҳрамонимизнинг ҳозирги «мажбурияти» сабабларини муҳтарам ўқуғучилар яхши ҳис этсалар ҳам яна биз бир даража ўз томонимиздан уларни санағат кўрсатамиз:

Дин адолатка буорадир ва ота-онанинг ҳурматлари кўндаланг, мажбуриятнинг энг кучлиги ҳам нозиги — мундан бир неча ҳафта илгари Зайнаб аввал мартаба юрак дардини кўз ёшлиари ичида очиб берди. Ҳаммадан ҳам мана шу кейингиси Отабекни сиқиб ташлаған зди. Бу дард айниқса Отабекка уч йилдан бери синашта, ул бу дарднинг аччиғчучугини уч йил бўйи тотиб келар ва шунинг учун ҳам бояғи оғирлиқни ўз устига олмоққа мажбур зди...

Зайнаб унга икки пиёла чойни ичиргандан сўнг сўради:

— Сизни кеч қайтарсиз, деб ош қолдирмаған эдик, совуғроқ бўлса ҳам озроқ олиб қўйған здим... есангиз?

Отабек очиқиб келган зди. «майли, беринг», деди. Бояғи гап билан ейилмаган лағмон Отабекнинг олдига келди. Устидаги қиймаси билан лаганнинг бузилмаганини кўриб Отабек сўради:

— Ўзларинг емадингларми?

— Едик. Кумуш опам ҳам шу ерда эдилар... Лағмонни унча хушламас эканлар, шекиллик, яхши емадилар... У киши емаганларидан кейин мен ҳам еб ўлтурғали иймандим...

— Емаган бўлсангиз, сиз ҳам олишинг. — деди бек.

Зайнаб эридан ийманмай биргалашди.

Хўрак ораси Отабек Зайнабдан сўраб, Кумушнинг ухлаб етқанини билди. Томоқдан кейин Отабек ҳам бир оз ухлаб олиш учун ётди. Кўзи уйқута борғач, фақат шуни кутиб ўлтурған Зайнаб кўлида елпутичи билан ёстиқ ёнига келди Эри жуда ухлаб кеткандан сўнг елпий бошлади... Елпир экан, Зайнабнинг кўзи Кумушнинг уйида зди...

Зайнаб ўзининг бу тасодуфий мұваффақиятини кундаш назаридан ўткузиди олмоқчи ва бояғи датвосини бир даража амалда ҳам кўрсатмакчи зди.

Зайнаб шу ҳолда узоқ фурсат эрини елпиди ва натижада маълум кўрукни одатдан ташқари бир мұваффақият ичида кундаш назаридан ўтказди: нима юмиш биландир уйдан чиқған Кумуш Отабекнинг ёстиғи енида қўлиға елпутич ушлаган Зайнабка кўз қирини ташлаб ўтди.



Бирар соатдан кейин Отабек уйғонди. Зайнаб ҳам кундаш юрагини ун қылғучи ел тегирмөнини тухтатмоқча мажбур бўлди.

Отабек уйга кирганда ёстиқ бетини тартибсиз соч ўримлари билан чулғатиб Кумуш ухлар эди. Отабек бир неча дақиқа унинг уйқулиқ ҳолатига термулиб қолди ва унга роҳатсизлик бермас учун секингина орқасиға қайтиди. Уй эшигидан чиқар чоғида яна бир қараб олди... Энди уйқулиқ кўз очилған эди.

— Тинч ухлай беринг, мен кетаман.

Кумуш кўз юмиш ўрнига ёстиқдан бошини узди ва ерга тушкан рўймолини ўраб, ўлтурди. Унинг кўзи уйқудан қолран кишиларнинг кўзидек қизарған эди. Отабек қайтиб кирди.

— Нега қўзғалдингиз, ухланг, — деди. Кумуш жавоб бермади, қовоғи солиғ эди. — Кўзингиз қизариб кетипти, ухлай олмадингизми?

— Тобим йўқ...

— Худой сақласин, — деди бек ва Кумуш ёнига ўлтурди, — қаерингиз оғрийдир?

— Билмайман, — деди. Кўзи тоқчадаги алланарсаларда эди.

Отабек бу терс жавобни ҳазил фаҳмлаб кулади ва Кумушнинг манглайига қўлини тегизди:

— Нега билмайсиз?

— Қўлингизни олинг.

— Нега олай?

— Мендан ҳазар лозим...

— Сиздан ҳазар қилмайман...

Кумушнинг кўзида бир турлик ғилтилаш бор эди:

— Зайнабданчи? — деб гўради.

Отабек дафъатан жавоб бералмай ҳавали томонга қараб қўйди:

— Буни... мендан ҳам сиз яхши биласиз.

Отабекнинг алланглаб жавоб бериши Зайнабнинг бояги даъвосини чинга чиқарғандек бўлиб, Кумуш жуда ҳам тўнини тескари кийди ва юзини четка бурди:

— Ялдақликни¹ қўйинг.

Отабек бу ҳолга тушинолмай, Кумушнинг кўзига жиқ тўлған ёш яна уни шошириб қўйди. Шундор ҳам бўлса кулимсираб:

— Уйқудан сўл ёнингиз билан турибсиз, — деди.

— Чунки маним ўнг ёним билан турғузадирган кишим йўқ...

— Адоват шунинг учунми ҳали? — деди бек ва кулиб юборди

Кумуш кўз ёшисини артди:

— Ҳа, шунинг учун.

— Шунинг учун бўлса арзимайди...

Кумуш кўтарилиб кетди:

— Икки юзламалигиниз ва тил тегида тил сақлаганингиз ҳам арзимайдими?

— Тушинмай ётибман...

— Албатта тушинмайсиз ва тушинишни ҳам тиламайсиз.

¹ Ялдақлик — икки юзламалик.

Ул Кумушдан мундай терс гапларни умрида биринчи мартаба эши-тар эди. Бир онда неча хил эхтимолларни ўйлаб чиқди:

- Зайнаб сизга бир нарса дедими?
- Деди, «Сенсиз туролмайман» деб айткан сўзларингизни ҳам деди.

Унга нима бўлса ҳам икки кундаш ўртасидан анча гаплар ўткани бир даража маълум бўлиб, Зайнабнинг ёлғон-яшиқ гаплар билан Кумуш юрагига ўт ёққанини пайқади. Аммо бояги ярим жиiddий вазиятини бузмай сўради.

- Зайнабнинг сўзига сиз ишондингиз?

- Ишонмайдирған гапми?

— Яхши, мен унга шундай деб айткан ҳам бўлайин, лекин шунда ҳам сизнинг хафаланишингиз менга қизиқ туюладир. Айниқса сиздан бу гап...

Кумуш индамади. Отабек унинг орқа сочидан тутиб секингина ерга босди:

- Қани гапуринг-чи менга, орангиздан бир гап ўтдими. — деб сўради.

- Ҳа ўтди, — деди Кумуш ва четка қараб қулимсиради.

- Ўн беш кун бўлмасдан?

- Мендан бошқа хотин бўлса Зайнабнингиз билан биринчи кундан ноқ аразлашар эди...

- Худо хайрингизни берсин...

- Кесатманг.

- Кесатмасам гапуринг.

Кумушнинг рақобат ўти бир оз ўча тушкан эди, уч-тўрт кунлик можародан яхшиянина ҳасрат очилди. Отабек ҳасратни ярим жиiddий тинглаб борди. Зайнабнинг кейинги сўзи ва сўнгги елпитеш фожиъалари ҳам ҳасрат қолипига бирма-бир кириб чиқди. Ҳасрат туталгандан сўнг Отабекнинг юзидаги бояги ярим жиiddийлик кетиб, унинг ўрнини ўйчанлиқ олди. Ул шу ҳолатда анчагина сўзсиз қолди ва охирда ўзидан натижа кутиб ўлтургучи Кумушка қараб қулиб кўйди.

- Нега қуласиз?

- Чунки йиғламоққа арзимайдир.

Кумушнинг қошлари чимирилди:

- Зайнабнингизнинг бу қилиғига мен чидалмайман.

— Чидаш ва чидамасни ҳозирча бир тарафка қўйиб турдилек, — деди Отабек, — аммо ҳаммадан илгари сиздан сўрайман: менга ишончингиз борми?

- Бор, ҳам йўқ. — деди Кумуш ва қулимсираб бир оз ўйланиб олди, — Зайнабнинг ҳалигидек гаплари кишини шубҳага солар экан...

- Аммо сизни шубҳадан чиқаратурған ҳужжатларингиз албатта йўқ эмас эди.

Кумуш уяланнамо юзини четка бурди, Отабек товшини секинлатиб давом этди:

- Ўткан кун сиздан «Тошканда қоласизми, йўқми?» деб сўрага-

ним ҳам фақат шунга ўхшаш гаплар билан сиз хафаланманг, деб айтилган эди. Агарда сиз сиқилар экансиз, ҳали ҳам Тошканда қолмаслиғингиз менга маъқул кўринадир. Чунки мен сизни шунинг сингари ўринсиз озор чекишингизни хоҳдамайман.

— Сиз қувламасангиз, мен Марғилонға бормайман.

Отабек кулади.

— Агар сиз шунга ўхшаш арзимаган гаплар учун маним устимга ҳужум қиласберсангиз, албатта қувлайман.

Кумуш бир хил ўпкалаган боқишиди:

— Сизга ишонсан бўладими? — деб сўради.

— Юрагингиздан сўранг.

— Юрагим... Юрагим ишонма, дейди.

— Бўлмаса бу юрак сўзи эмас.

— Албатта юрак сўзи.

— Юрагингизнинг ишонма, дейишка бирар важи бордир?

— Бор.

— Бўлса айтинг.

— Юрагим: қувланишия ким сазовор, деб сиздан сўрайди... Сиз ҳам ўз юрагингиздан олиб жавоб беринг.

Отабек мақсадда тушинди, дафъатан жавоб беришка ҳайрон бўлиб қолди. Дарҳақиқат, Кумуш энг нозик жойдан ушлаган эди.

Кумуш Отабекдан жавоб кутиб ўлтурмай яна деди:

— Бошқалар юрагини синаб кўришкага қурдатим етмаса ҳам маним юрагим икки нарсани ўз ичига сиёдира олмайдир...

— Сенинг юрагинг икки нарсани ўз ичига сиёдирадир, демакчисиз.

— Демакчи эмасман, — деди Кумуш, — чунки бу ҳеч вақт бўлади-рган гап эмас...

Кумуш ҳамон юқорида айтилган бир маънонигина ифода қилмоқчи бўлар эди. Аммо Отабек Кумушнинг тўсиндан ўзгариб кеткан характер қатъиятига ва бир кундаёқ, бунчалик масофани ўткан кескинликка жуда таажжубда, қаршисидағининг суратида эмас, сийратида¹ қизик бир ўзгариш кўрар эди.

— Мақсадингизга яхши тушинаман, — деди охирда, — ҳар жиҳатдан қаралғанда ҳам сиз бу тўғрида ҳақлисиз. Аммо ўшангача... балки буни ўзингиз ҳис этарсиз, деб ўйлайман...

Кумуш индамай қўйди. Эҳтимолки, ул кейинги масала тўғрисида эрининг фикрини билиб қўймоқчи эди...

13. Эсон бўлсақ кўришармиз

Тошканда келишнинг йигирманчи кунидан қутидор Марғилонға қайтиш фикрига тушди. Ҳожи ва Отабеклар яна бир неча ҳафта қолиша қистасалар ҳам бўлмай узр айтди: «Уй ёлиз, фақат Тўйбека билан Ойша она; ҳоллари нима кечти, нима қўйди маълум эмас. Бошқа тарафдан ўзимнинг савдо ишларим ҳам ўлда-жўлда, шунчалик меҳмон

¹ Сийрат — икки ҳолат.

бўлдиқ. Бас, қылған иззат ва икромларингиз учун раҳмат», деди. Ҳожининг: «Энди келин болани юбормаймиз-да», деб қулишига: «Маним болам эмас — сизники, у ер ҳам, бу ер ҳам ўзининг уйи, жанобингиз нимани мувофиқ кўрсалар, менга ҳам маъқули ўша», деди. Ҳожи бирмунча гап айлантириб, «Ўргадан анови гаплар ўтмаган бўлса эди, албатта бу ерда олиб қолмас, зероки, сизнинг бағрингизни бўш қўйиш инсофдан бўлмас эди. Агар сизга оғир тушмаса юртдаги гап-сўз босилгунча бирар йил Тошкандда турсин, сўнгра Марғилон борсин, дердим», деди. Қутидорга ҳам бу мулоҳаза жуда маъқул тушиб «бу мулоҳазалари беандоза тўғри, албатта мунда бирар йил туриши лозим ва лобид!» деб жавоб берди.

Кумушнинг Тошкандда қолишига отаси шундай ёвош қаради, бу тўғрида Офтоб ойимнинг фикр ва ризолиги билан ҳисоблашиш эмас, ҳатто уни кўнглига ҳам келтуриб кўрмади. Ҳолбуки Марғилондан чиқишида Офтоб ойимнинг «Кумушни Тошкандда қолдирмайсиз!» деб қўйған биринчи шартига қайта-қайта қўл қўйғучи шу қутидор эди. Сўзни чўзмоққа ҳожат йўқ: эрларимизнинг Офтоб ойимларга қараши ҳамиша шундан бошқа эмас.

Қайтиш хабари Офтоб ойим қулогига етишкандан кейин унинг аввалғи учрашиши қизи билан эди. Чунки эрига қарағанда ҳам кўброк ихтиёрни қизида бўлғанини яхши билар эди.

Шу хабарни Ҳасаналидан эшитиши ила тўғри Кумушнинг ёнига кирди:

— Кумуш, — деди қулимсираб. — қайтар эмишмиз, даданг айтибтилар.

Кумуш қўлида нимадир тикиб ўлтурған эди. Кўзини ишдан олмади:

— Қайтсаларингиз хайр-хўш.

Бечора она қизининг лоуболи¹ бу галидан бўщашиб кетди ва не зайдада ўлтуриб олғанини билмади:

— Нима дейсан?

Кумуш илжайиб онасиға қараб қўйди, яна ишини тика берди:

— Кетсаларингиз хайр-хўш.

— Сен-чи?

— Мен қоламан.

Офтоб ойим тушинолмай қизига бир неча вақт тикилиб турди. Кумуш унга қарамай нина санчар эди.

— Ҳазилингни қўй.

— Ҳазилим эмас — чиним.

— Уят эмасми?

Кумуш кулди:

— Нега уят бўлсин?

— Қўй-чи!

— Қолсам ўз эримники, — деди Кумуш, — бегона эмаски уят бўласа...

Офтоб ойим ўт ичидаги қолвандек тобланди:

¹ Лоуболи — бепарво, бегам.

— Бирав қол, демаса ҳам қолаберасанми?

Кумуш ишини ёниға қўйиб энди онасиға қаради:

— Аввало бу ерда қолишимға сиздан бошқа ҳеч бир қарши киши йўқ. Зайнаб сизнинг ёнингизга ўтса ҳам, бироқ унинг хоҳишини менга аҳамияти йўқ.

— Эсинг ўзингдами, бола?

— Ўзимда, — деди куалиб, — ман сизнинг қизингиз Кумуш... Ҳозир Тошканда ўз эримнида ўлтурибман...

— Эрим, деб түқдан онангдан кечасанми, юзсиз?

— Йўқ, кечмайман, фақат бир неча вақт соринибқина юраман.

Офтоб ойим қизининг бу гапини эшитиб йиглаб юборди:

— Онангнинг ўша соринишқа тоқати йўқ, — деди.— ман сани кундашлик уйга ишонмаиман...

— Кундашим битта бўлса, дўстларим саккизта.

Офтоб ойим кўз ёшисини артди:

— Кундаш билан ҳазил ўйнама, қизим.

Кумуш гўё Зайнаб устига ҳужум ясайтурғандек ҳурпайди:

— Ул кундаш бўлғанда мен кундаш эмасми?

— Минг қиласанда ҳам, — деди онаси, — сен чин кундаш бўлолмайсан.

— Нимага?

— Нимагаки эринг сен тарафда, чин кундашлик ва чин душманлик Зайнаб тарафда.

Кумуш кулимсираб онасининг қулогига шивирлади:

— Бу тўрида хотиржамъ бўлинг.

— Нима учун хотиржамъ бўлай?

— Агар Зайнаб манга кундашлик қиласерса, куявингиз унинг жавобини бермакчи... Шунинг учун ҳам маним бу ерда қолишим маъқул.

— Жавобини берса, қайтиб келишлик қочмас...

— Ман кетсан, — деди Кумуш, — ҳеч қачон Зайнабка жавоб бермайдир.

— Нега бермайдир?

— Шунинг учунки қудачангиз келинсиз қоламан деб ораға тушадир, аммо мен шу ерда бўлсан, албатта тилига калтак келадир.

Офтоб ойим ҳамон оёғ узатмади, қизига ялиниб кўрди:

— Ёш жонинг бор, қизим, — деди. — биравга ёмонлиқ соринма, ман билан бирга кет, нима қилишса ўзлук-ўзи қилишсин... Зайнаб ҳам умид билан бир ёстиққа бош қўйран.

— Сиз тушинмай ётибсиз, — деди Кумуш ва эшиқдан оёғ говшини сезиб гапни шу ерда тўхтатди. Ўзбек ойим сўзланиб кирди:

— Нега мунча шошмок, ёв қувладими, ақалли бир ой бўлсин...

Марғилон деган юртдан от-отлаб, тия қўмлаб¹ кел эмиш-да, бир ойғина турмай кет эмиш! — Офтоб ойим билан Кумуш унинг ҳурматига ўринларидан турдилар. Ўзбек ойим ўлтура-ўлтура сўради. — Ҳали эшитдингларми?

¹ Қўмлаб — түяниң эгари.



— Эшигдик, — деди Офтоб ойим, — биз ҳам шунинг можаросида эдик.

— Ахир шу ҳам гапми, худда аллакимларга ўхшаб.

Офтоб ойим узр айтди:

— Уйимиз ёлғиз, шунчалик сизларни озор чекдиридик... Бегона кишиникида ҳам йигирма кун турайлиқ-чи... Худда ўз уйимиздек яйраб-яшнадик, шарофатларингиз соясида кўб кишилар билан танишлик, иззат-икромларингиз таърифидан ожизмиз... Энди навбат сизларнинг ҳам бизнинг шаҳарларга боришларингизга келди.

— Бекор гап, — деди Ўзбек ойим, — ҳали қудаларимизни муддаодагидек сийлай олғанимиз йўқ, шу ҳолда жўнатсақ бизнинг шаъни мизга яхши эмас... Мен қудамнинг олдига чиқаман, бизга номус келтирмакчи бўлса эртага жўнайберсин.

Офтоб ойим такрор узр айтди:

— Бизни уялтироқчи бўлсангиз майли, чиқинг, агар хурсандлигимизга қарасангиз, қўйинг Кумушингиз ҳам; шунча турғанимиз бас, энди Зайнабни олиб ойимнинг ўzlари бизникига борсинлар, дейди...

Кетиши орасига Кумуш ҳам келтурилиб сиқилғач Ўзбек ойимнинг ҳалиги одамгарчиликлари кейинги навбатка қолди.

— Ҳали Кумуш ҳам кетмакчими?

Кумуш кулимсираб онасиға қаради. Офтоб ойим узр айтди:

— Шукур, сизнинг олдингизда Зайнабниса бор. Маним бўлса қанот-қуйруғим шу Кумуш. Айниқса, Кумушингизга жавоб бермасантиз бўлмас, ойи.

Ўзбек ойим Кумушка хўмрайиб олди:

— Йўқ-йўқ, Офтоббону, — деди, — сизларга жавоб берсам-да, Кумушка йўқ.

— Шу галча жавоб берасиз, мен сиздан сўрайман.

— Сўзингиз ерда қоладир, був Офтоб, бир оз андиша ҳам лозим, — деди ва Кумушка юзини ўтириди, — уят эмасми, келин? Кеча келдинг сурилиб, бу кун кеткин бурилиб.

— Менда ихтиёр йўқ, ойижон, — деди Кумуш, — сизлар нимани маъқул кўрсаларингиз менга барибир.

Ўзбек ойим боши билан келинига ризолик билдириб «баракалла» деб қўйди. Офтоб ойим қизига ўқрайинқираб ер тегидан қаради:

— Албатта Кумуш нима ҳам десин? — деди, — Кумушнинг ҳам ҳалигидек қололмаслиги фақат мени кўзи қиймагани учун... бўлмаса албатта кетмас эди.

Ўзбек ойим бир гапдан тоймай: «Кетиши уят, Отабек, уч ийл қатнағанда қизингиз бир йилгина Тошканда турса пима қипти...» каби сўзларни ўзгаришсиз бир мақомда айтилиб турғандан кейин Офтоб ойим бошқа йўл тутмоқчи бўлиб, Кумушни ўйдан чиқиб туришка буюрди. Кумуш чиқрандан сўнг:

— Қизини менга қолдиришга аяди деманг, ойи, — деб қўйди, — мунда бошқа мулоҳазалар ҳам йўқ эмас...

— Айтинг

— Айтсам шуки, — деди бечора она, — Кумушингизнинг феъли хуйи ўзимга маълум: эрка ўскан, лавзи тез, кундашликка чидайдирган сиёқи йўқ, ҳар кун Зайнабингиз билан гиди-бири қилабериб сизни қийнаб қўярмикин дейман... Бир куни келганда онаси қуртур бир оғиз айтмаган эди, деб мендан ранжирмикинсиз дейман... Тана бузоқнинг турқи туқфанига тамға деганларидек, албатта менга равшан... Аразчи десангиз ҳам шу, ичи қоралиқ десангиз ҳам шунда...

Шунча тўқумадан Ўзбек ойимнинг юзида ҳеч бир ўзгариш сезилмади:

— Албатта унақа гап ҳар кимда ҳам бўлади, — деди, — шукур, мен билан ҳожи отангиз тирик бўлсақ, ундоғ гапларга йўл қўймаймиз. Зайнаб бўлса худонинг яратқан махлуқи; уриш ва араз деган гапни билмайдир.

— Зайнабингизнинг феъли албатта сизга маълум экан, аммо мен Кумушни сизга яхши, деб айталмайман.

— Ўз боласини ёмонлагучини, — деди кулиб Ўзбек ойим, — мен ўз умримда биринчи мартаба кўрдим... Ундан кўра боламни сенга ишонмайман, деб айтинг.

— Нега ишонмайман, фақат қозонимдағини сизға сузиб қўйдим...

— Нима бўлғанда ҳам Кумушка жавоб йўқ.

— Хўб қолсин, — деди Офтоб ойим, жони куйиб асабийлашкан эди, — Кумушдан ҳар на ёмонлик кўрсангиз мендан ўтка қилманг.

— Қизингизга ёмонликни ўзингиз ўргатиб кетмасангиз сиздан ўткам йўқ.

Икки қуда ҳавли юзасига тушканда Кумуш саҳн бўйлаб юриниб турар эди. Улар Зайнабнинг уйига тўтири кирдилар. Зайнаб уларни қаршилаб ўтқазди ва ачиниш оҳангидаги Офтоб ойимга деди:

— Қайтар эмишсизлар, деб эшитдим. Бирар ой ҳам турмас экансизлар-да.

— Анча турдик айланай, був Зайнаб, — деди Офтоб ойим, — энди навбат сизларнинг боришлинигизга қолди.

Учунчи сўзни Ўзбек ойим олди:

— Шунча айтдим — бўлмади, ёв қувлатими билмадим. Оппоқ ойингга қолса, Кумуш опангни ҳам бирга олиб кетмакчи.

Зайнаб бир турлук ҳолга тушди. Кучлангандек қилиб:

— Улар нега кетсинлар! — деди.

Офтоб ойим қудасига қараб қўйди:

— Кетмаса бўлмайдир, був Зайнаб. Бир чеккаси сизнинг эс-хушигиз жойида, маним Кумуш опангиздан бошқа ҳеч кимим йўқ, қолса-ку майли, бироқ мени Кумушсиз ўлди, денг. Шунга қолғанда қайин онангиз бир оз тушинмай туриптилар.

Зайнаб ер остидан қайин онасиға кўз юборди. Ўзбек ойим ҳануз тиритишиб ётқан қудасига қарши қизищи:

— Қўйинг-чи, — деди, — беш-олти кун қизсиз турған киши бир нарса бўйтими?!?

— Сиз тушинмаяпсиз ойи... ҳали тагин дадаси биладилар.

— Мен сенга айттай, Зайнаб, — деди Ўзбек ойим ва энди қудаси-

нинг гапига қулоқ солмай қўйди, — опоқ ойингнинг ҳамма мулоҳазаси сенданга ўхшайди. Зайнаб сиқиласмикин, икки ўртага совуқчилик ораламасмикин, деб қўрқади. Мен: Зайнаб сиз ўйлаған келинлардан эмас, тегу тахтилик, аслзода, Кумушни сийламаганда ҳам бизни сийлайди, — десам ҳам унамайди...

— Мени худо уриптими, — деди Зайнаб.

Офтоб ойим қудасининг кейинги гапидан анча сиқилди. Гўё ўзи Кумушни қолдиришга тарафдор бўлса ҳам, фақат Зайнабнинг кундашлик қилишидан қўрқиб турғандек кўрсатилган эди.

— Янглишяпсиз, ойи.

— Янглишсам, янглишмасам Кумуш бу уйдан силжимайдир.

Офтоб ойим бўғилиб, фойдасиз тортишиб ўлтуришни тарқ қилди. Энди бу тўғрида эрига мурожаат қишлоқчи эди...

Марғилонгача аравани Ҳасанали минадирган бўлди. Чунки Марғилондан арава миниб келгучи ёлланилған киши бўлиб, Тошканда келишнинг эртаси куни ҳисобини олған эди. Қудаларнинг қайтиши чинга айлангандан кейин, йўл тарафдуди бошланди. Ўзбек ойим бўғирсоқ қовиртириш, талқон туйдириш, тўқоч ёпдириш билан машғул бўлди.

Офтоб ойим эридан ҳам кўлинни ювив кўлтутига урган эди. «Ҳожи афаңди бирар йил турсин, деб айтди. Энди бир йилни ўзимизга кўрмасак бўлмас. Икки ёғимизни бир этукка тиқишимиз уятка ўхшайдир», дейиши ва сўзга қулоқ ҳам солмай — «мехмонхонада ҳожи бор, сен билан йўлакда эзилишиб ўлтуролмайман, номус!» деб бурилиб кетиши бечорани жуда ҳам эсанкиратиб ташлади. Охирда Отабекка ҳам мурожаат қилиб қўрди. Ундан ҳам асли мақсадни ҳосил қилолмай, фақат уларнидан жўяликроқ узр эшитди. Отабек қайин онасининг фикрига қисман қўшилиб «Нима бўлса ҳам беш-үн кун оғирлиқни маним учун ўз устингизга оласиз. Агар мен сизинг талабингизни маъқул қиладирган бўлсан, айниқса қизингизнинг кўнглига шубҳа келадир... Сизга айткулуги йўқ, бу тўғрига маним аралашмоғим яхши бўлмас. Кундаш адовати борасидаги фикрларингиз тўғри ва лекин иш у даражаларга етмас, деб ўйлайман... Жуда бўлмағанда Кумушнинг ўзини олдингизга жўнатарман, хотиржамъ бўлинг!» деди.

Офтоб ойим шу йўсун ҳар тарафдан ҳам умидсизланиб, менгравсиб қолди. Кумушни кўрган сайин алланучка юраги ачир, жудолик кунларини асло тасаввур қилолмас эди. Кумуш бўлса, онасининг ҳозирги ҳолига ачинрандек, унга яқинлашмай, четлаб юрар ва иккинчи тарафдан Зайнабнинг бир ярим қарич осилиб кеткан қовоқ-дудогига истех-золаниб томоша қилас эди.

Йўл ҳозирликлари битиб, Ўзбек ойимнинг Ойша кампирга атаб тикдирган саруполари ҳам битди. Бу кун меҳмонларнинг энг сўнгги кечалари эди. Ўзбек ойим ярим кечаларгача қудачаси билан сўзлашиб ўлтурди.

Сўнгра Офтоб ойим билан Кумушни ёлғиз қолдириб ўз уйига ётқали чиқди. Она-бала бу кечани бирга кечирмакчи эдилар. Офтоб ойим қудасининг кетидан қизига ҳайфсиниб¹ қўйди.

¹ Ҳайфсиниб — ачинмок, афсусланмок.

- Онангни фироқ ўтида ёндиришдан уялмадинг, қизим.
- Нега ёнар экансиз..
- Нега ёнмайин ахир, дунёға келиб сендан бошқа овингчорим бўлмаса... Агар қўлимдан келса ачиб ва ёниб турган юрагимни сенга очиб кўрсатар эдим... Кошки эди бир шаҳаргинада бўлсанг.

Кумуш онасининг юрагидаги ўтни ҳозир синамасдан ҳам ҳис эткан, чунки йигирма йил ўз қучогида ўсдирған онадан ажралиш унинг ўзига ҳам оғир туғулиб бошлиған эди.

- Беш-олти ой... ҳеч нарса бўлмас, ойи. Эсон бўлсақ тагин кўришармиз.

Офтоб ойим кўз ёшисини дув тўкиб юборди. Начоғлик ўзини қаттиғ ушлаган Кумуш ҳам сиррини яшиrolмади... Она-бала бир неча вақт йиги ичида бўғилдилар.

- Қолишға-қолдинг, — деди охирда она, — аммо қайин ота ва қайин оналарингта хизмат қил, яхшилиқни қўлингдан берма, айниқса, кундашингга ёмонлик соғинма, яхшилиқdir, ёмонлиқdir ҳар нимаики ўзлари қилсинглар, зинҳор сен аралашма.

— Маним нима ишим бор...

- Албатта ишинг бўлмас... Шундор бўлса ҳам мен кечаги сузингдан чўчиб қолдим. Кундашингнинг кўриниши баёвға ўхшаса ҳам, аммо ўзи писмиқ экан... Бундай одамдан албатта ҳазар керак. Агар ораларингга савуқчилик тушадирған бўлса, сен ўчакишиб юрма, яхшиси қайин отангга узрингни айтиб, бу уйдан кетиш ҳаракатини қил. Мен бу тўрида эринг билан ҳам сўзлашиб қўйдим, тузикми?

— Тузик.

- Худойға шукр, қўлингда хатинг бор, ўлганнинг устига чиқиб тепкандек хат-хабарсиз қўйма. Ҳар бир ўн беш кунда хат ёзиб эрингга бер.

— Албатта, сиз ҳам унугманг.

- Бир оз жим қолдилар... Офтоб ойим энтикиб оғир нафас олди ва маъюсона Кумушка қаради. Кумуш ўринсизча онасиға қараб илжайди. Бу ўринсиз ишдан Офтоб ойим аччиғланди:

— Маним ҳолим сенга кулгими, қизим?

- Йўқ, — деб яна қулимсиради Кумуш, — бир-икки кундан бери сиз айтадирган...

— Нима мен айтадирган?


- Ахир... — деб қизаринди Кумуш, — кўнглим айнар эди. деб айтар эдингиз-ку...

Офтоб ойимнинг ҳам юзида бир қулимсираш кўрилди:

— Тўғрими?

- Билмадим... — деди, ерга қараб қизарди, — ўткан кундан бери кўнглим айнагандек бўлади... Айниқса палов исидан кўнглим кетади... Аччиғ нарсалар егим келади...

— Муборак бўлсин, — деди Офтоб ойим, кулди. Кумуш ижирғаниб ўзича алланарса сўзланди. Офтоб ойим энгташиб Кумушнинг қулоғига шивирлади. — Бу сирни эрингдан бошқа ҳеч кимга билдириш, қайин онант ҳам енгил хотин, айниқса кундашинг сеза кўрмасин.



Кумуш маъқул ишорасини берди. Она-бала бир ўрин ёзиб ётдилар. Кўб вақткача Офтоб ойимнинг ивир-шивири набира тўғрисида бўлиб қолди. Кўзига уйқу келмай «шуни ҳам кўрар кун бўлармикин?» дер эди.

Саҳар пайтида туриб чой ичдилар. Субҳ намозини ўқуб, арава қўшилди. Аравага чиқадирған майда-чуйда ташилиб битди. От жиловида Ҳасанали, арава ёнида қутидор ва ҳожи сўзлашиб турар эдилар. Отабек арава орқасига нарвонча чиқариб қўйди. Хотин-халаж ҳамма йўлакка йирилиб, Офтоб ойим бирин-бирин кузаткучи хотинлар билан кўришиб чиқди. Энг сўнг Кумушни бағрига босиб йирлаб юборди. Кумуш ҳам ўзини тутиб туролмади. Бошқалар ҳам йиридан насибасиз қолмадилар.

— Худойга топширдим, Кумуш, қазом етиб кўралмай ўлсам, мандан рози бўл!

— Сиз ҳам, ойи!..

Қутидор ҳам кўчадан йўлакка кириб қизининг манглайидан ўпди:

— Кўришкунча, қизим.

— Хайр, отажон.

Йўлакка Юсуфбек ҳожи юзланиб умумий дуога қўл кўтарилиди. Дуодан сўнг Отабек тўриқ йўргани чиқариб қутидорга тутди. Офтоб ойим яна бир қайта қизи билан қучоғлашғач, Отабекнинг кўмаги билан йиғлаған кўйи нарвончадан аравага минди ва соябон орқалиқ олдинга ўтди. Қутидор Юсуфбек ҳожи билан саломлашиб қучоғлашғандан кейин Отабекнинг қўлатиглаши билан отқа минди. Отабек ҳам аравага, Офтоб ойим ёнига чиқиб ўлтурғач, умумий «Оллоҳу акбар!» дан сўнг Ҳасанали отни йўлга солди.

Кумуш дарбоза ёнига чиқран эди:

— Хайр, онажон! Маним учун бувимни қучоғлаб қўйинг. Ўртоқларимга салом айтинг!

— Худойга топширдим, Кумуш, яхши қолинг, қуда!

— Яхши боринг, був Офтоб!

— Яхши қолинг, був Зайнаб!

— Яхши боринг, опоқ ойи!

Арава кўчадан бурилғунча «яхши қолинг, яхши боринг, салом айтинг» сўzlари тақрорланиб турди. Арава катта кўчадан бурилиб, кўздан йўқолғач, энг кейинда қолиб йиғлаған кўйи Кумуш ичкарига кирди. Отабек бир неча бекаткача меҳмонларни кузатиб бориб, сўнгра қайтмоқчи эди.

14. Хушрўйбиби ва Зайнаб

Хушрўйбиби Зайнабнинг эгачисидир. Моҳирафонудан икки ўгул ва икки қиз дунёга келиб, тўнгучи Азимбек, ундан кейингиси Хушрўй (ёшлиғида Хушрўй ўрнига Хушра дер эдилар), учунчиси Каримбек ва тўртинчиси бизнинг Зайнаб эди. Зайнаб эгачиси Хушрўйдан етти ёш чамаси кичик эди. Гарчи бу икки эгачи-сингил бир қориндан талашиб тушкан бўлсалар ҳам, сажия — характерда таниб бўлмаслик даражада



бир-бирларидан фарқлик эдилар. Сажиядагина эмас, сурат ва сиймо вожида ҳам катта ўзгаликлари бор эди.

Хушрўй узун бўйлик, қотмароқ ва зарча танлик эди Зайнаб қисқа бўй, гўштдор ва оқ танлик эди. Хушрўйнинг ҳаракати енгил ва лавзи тез эди. Зайнаб лоппос ва ўнта сўзга аранг битта жавоб қайтарадирған эди. Хушрўйнинг кўзи ўйнаб, ҳар секунтда ўн ёқда аланғлар эди. Синглиси бўлса бираш билан бетма-бет келиб сўзлапқанида ҳам кўзини ҳамиша бир нуқтадан узмас эди. Хушрўйга болалиқ чоғидаёқ уйичи ва қўни-қўшни «шаддод» деб исм берганлар, чунки ул кимдан бўлса-бўлсин, айтканини килдирмай қўймас, агар бирарта иш унинг тилагига тескари кетса шовқин-суронни худда бошига кийиб олар эди. Шунинг учун Хушрўйнинг раъйини билмасдан қозон осилмас, унга ёқмаған гапка оғиз очилас, ул бор жойда қадам ҳам саналиб босилур эди.

Зайнаб эгачисининг аксича ўз яқинларидан «писмиқ» деб исм олған, онаси бўлса аччиғи чиқғандა «мингаймас ўлгур» деб уни қарғар эди. Айниқса қуида зикр қиладирған ҳолимиз бу икки опа-сипгилнинг характеристидаги фарқларини очиб кўрсатиш учун етадир:

Моҳира ойим ҳар бир ҳайитдан бираш ойлар илгари эрига айтиб болаларига кийимлик олдирар эди. Олдирған кийимлик Хушрўйға ёқмаса даррав ярамаганини айтиб алмашдириб беришкан дадасини мажбур этар ва кўнглидағини ҳосил қилиб тинчир эди. Аммо Зайнаб бўлса ўзига келган кийимликка қарши бошда бир нарса демас, кийимлик бичилиб ва тикилиб ҳам арафа кунлари келиб еткандан кейин ҳурпайиб ҳеч ким билан сўзлашмай қўяр эди. Моҳира ойим қизининг бирарта ишдан норозилигини пайқаб «Мингаймас, писмиқ ўлгур, тагин нима жин урди сени?» деб сўрағанида, Зайнаб қовоқ-дудорини солиб бир оғиз ҳам жавоб бермас эди. Ниҳоят эртага ҳайит деган куни Зайнабнинг ҳурпайиши йиги билан алмашар ва йиги ораси мақсад очилса ҳам кўпинча натижасиз қолар эди. Бираш жойга меҳмондорчилик учун борадирған бўлсалар, Хушрўй ҳаммадан илгари эълон этар эди: «Мен ҳам бораман!» Албатта уни қолдириб кетиш учун энди ҳеч кимда ҳад йўқ. Иккинчи вақт: «Мен бормайман!» Бу тақдирда уни бир қадам силжитилсан-чи! Аммо Зайнаб онаси билан янгаси Ҳанифа бир жойга отланадирған бўлсалар, «бораман, бормайман» демас, улар ҳам йиғламаған болага сут берилмас қабилидан индашмасдан меҳмондорчиликка кетар эдилар. Кечқурун қайтиб келсалар бир бурчакда Зайнаб йиғлаб ўлтурипти:

— Нега йиғлайсан?

— Нега мени бирга олиб кетмадингиз...

Зайнабнинг шу феъли балоғатка етиб, эрга теккандан кейин ҳам ўзгармади.

Отабекнинг Зайнабка бўлған муносабатини ўқуғучига албатта сўзлагулуги йўқ. Эри унга ойлаб, йиллаб қарамай қўйғанида ҳам ул их деб товуш чиқармади. Отабекнинг бу ҳолига қарши чиқғути ва Зайнабни йўл-йўруққа солғути яна фақат Ўзбек ойим эдик, бунинг сабаби ҳам

иззатлик ўқуғучимизга бир даражада маълум бўлса керак. Сут билан кирган жон билан чиқар деганиларидек, Ўзбек ойимнинг ўшал вақтлардаги ташвиқотлари ҳам унинг тарафидан фақат «келинилик» мажбурияти остида қабул қилинар, масалан, қайин она — «фалончи домлара бориб мундоғ қил, Зайнаб», деб буюрмагунча ўрнидан қўзғалмас ва шунинг билан бирга эрининг ташлаб қўйиши тўғрисида онаси, эгачиси ва бошқа яқинларига чурқ этиб оғиз очмас эди. Зайнабнинг бу ҳолига ҳукман — «эрининг қараш ва қарамаслиғи унинг учун фарқсиз эди» деб айтиш албатта тўғри бўлмайдир. Чунки кундашининг Тошканда келиш хабарини эшиткан Зайнабни биз юқорида Отабек қучогига ташланган ҳолда кўриб эдик. Хулоса, Зайнабнинг болалиқ вақти билан ҳозирги ҳолини чақишириб қарасақ кўрамиз; ёш Зайнаб бир ой илгари тикилиб қўйилған кийимнинг ўзига ёқмаганини фақат арафа куни айтиб, йиглайдир, бу кунги Зайнаб ўзининг муҳаббатини эрига фақат кундаши келиб етар олдида эълон қиласидир.

Биз юқорида ёш Хушрой билан ўқуғучини бир даражада танишдирған эдик. Энди унинг оила ҳаёти билан ҳам танишдиришкага мажбурмиз:

Хушройнинг эрга тегиши ҳам ўзига ўхшаш фавқулодда бўлған эди. Масалан аксарият қизларимиз ота-она кимни мувоғиқ кўрса, шунга тегишка мажбурдирлар. Лекин Хушройники мундоғ бўлмади. Хушрой ўн саккиз ёшқа еткандан кейин унга совчилар кела бошлидирлар.¹ Табиъий Хушройнинг феълини яхши билган ота-она унинг раъйини олмасдан туриб бир иш қилмоқдан кўрқадирлар. Олим понсадбошига маъқул бўлған неча йигитлар, Моҳира ойимга ёқдан қанча тегу тахтлиқ хонадонлар Хушрой томонидан рад қилина борадир. «Фалончининг ўғлими?» деб сўрайдир Хушрой ва онасидан жавоб кутмай: «Худой кўтарсан эрни. Ўшанга текканимдан кўра, қаро ерга текканим яхши!» дейдир. Бир неча вақт шу йўсун Хушройнинг раъйига қараб эр-хотин зерикадирларда, ўзларича бир жойга қудалашмоқчи бўладирлар Уларнинг андишасини билган Хушрой бошда бунга қарши бир нарса демайдир. Аммо узил-кесил фотиха ўқуб, қудалashiш учун уйларига келган совчи ва қуда хотинларнинг олдилирига келиб бетларига айтадир: «Ҳали мен эрсираб қолғаним йўқ, фотиха ўқуб ташвиш чекмай уйларингта жўнай беринглар». Моҳира ойим бу юэзизликдан ер ёрилса ерга киргундек бўладир. Совчилар эрса мундоғ уятсиз қиздан алҳазар ўқушиб жўнайдирлар. Албатта ота-онанинг бунга қарши чоралари қарғиш ва ранжишдан нарига ўтолмайдир. Ораси Азимбекнинг Хушрой устига кўтарган мушти ҳам «нега мени урасиз, мен фалонлик қилдимми?» деган ҳақлиқ сўз билан дармонсизланадир.

Шу вожиъадан сўнг совчилар оёғи узиладир. Хушрой учун ҳеч ким оғиз солмай қўядир. Чунки бояри совчилар бу фавқулодда муомалани кўринган биравга достон қилиб ўқайдирлар. Моҳира ойим таънага тил очадир: «Энди дунёдан эрсиз ўтасан, қизим!»

Уруслар Туркистонни босгунча қизлар 18—20 ёшқа тўлмасдан эрга тега олмас эдилар Ҳатто камбараллар қизи 25 гача ҳам эр кутар эдилар. Бунинг сабаблари: ўз ора уруп ва қирилишлар билан эрлар хотинарга қараганда оз эдилар ва ул замоннинг хотин-қизлари қозиргидек азобда эмас, иркинроқ яшаб, яхши учрир эдилар (муал.).

Лекин Хушрўй ҳануз пинагини бузмайдир: «Эр қуриб кеткан эмас-дир, хоҳласам эртагаёқ эрга тега оламан», дейдир.

Үртадан бир неча вақт ўтиб Азимбекнинг ўртоқларидан бўлган Нусратбек отлиғ бир бекникидан хотин устига совчилар келадир. Монира ойим эридан фикр сўраш ўрнига қизига арз қиласадир ва Хушрўй мунга қолғанда кулоқ қоқмайдир. Бу розилиқни эшишиб отаси ва ораси жуда сўйинишадирлар. Зеро Нусратбек беклар ичида обрўликроқ кишининг ўғли ва ҳозирги тутиб турган иши ҳам анча донглик бўладир. Шунинг учун унииг хотинлик бўлиш камчилиги ҳам эътиборга олинмайдир. Фотиҳанинг иккинчи ҳафтаси тўй-никоҳлари бўлиб, Хушрўйнинг Нусратбек билан чодирда қилған биринчи муомаласидан тил бириклириб эрга теккани хотинларға маълум бўладир.

Хушрўй чодирдан чиқмасданоқ чой ташиб, хизмат қилиб юрган кундашига кесатуқ билан ҳужум бошлайдир. Иккинчи ва учунчи кунларда тўппа-тўғри кундаш устига сапчайдир. Ҳафта, ўн кун ўтмасдан эрини ўз томонига оғищдириб кундаши ёнига киргизмаёқ қўядир. Иккинчи ва учунчи ҳафталарда ўчоқбошини ўз қўлига олиб кундашини иккита ёш боласи билан томоқ важидан ҳам сиқа бошлайдир. Нусратбек бўлса кўчага чиқранда беклик даъвосини қилиб, уйига кирганда Хушрўйбекка мутеъ. Бечора катта хотин Хушрўйнинг доимий ҳужумига маҳкум қолиб, эридан лоақал иккита гўдаклари юзи учун бўлсин марҳамат кўрмай азобланадир. Иккинчи ойлардан бошлаб Хушрўй кундашини бўғиб уриш одатини чиқарадир ва ўрим-ўрим кундаш сочини алафдек юлиб олишдан ҳам тортинмайдир.

Тамом жонидан тўйган бечора кундаш учунчи ойга чида боролмай эридан талоқ сўрайдир. Ноилож Нусратбек ҳам унга жавоб беришка мажбур бўладир. Аламзада бечора икки гўдакни эрига ташлаб кетмакчи бўлганида Хушрўйдан очиқасига шу гапни эшиладир: «Итдан бўлған қурбонлиққа ярамас! Болаларингдан умидингни узган бўлсанг, итбаччаларингни бу уйда қолдир!» Хушрўйнинг оғзидан чиқған бу таҳдид бечора онанинг юрагини уюшдирадир. Дарҳақиқат, Хушрўйнинг бу ишдан ҳам тоймаслигини аниқ билиб, йиғлай-йиғлай болаларини ўзи билан бирга олиб кетадир.

Хушрўй уч ой ичида томир ёйиб қолған бир оилани илдизи билан юлқиб ташлаб тинчийдир. Мундан бошқа Нусратбек каби бир одамни ҳам ўз ишоратига қаратадир.

Энди етти-саккиз йил бор, ул ўз кайфича яшаб келадир. Ҳар нарсадан ҳам мамнун, бироқ... Шунча муддатдан бери она бўлолмаганидан хафа, ҳамма қайру ҳасрати ана шу тумасликда. Мундан икки йилча бурун эри Нусратбек: «Олти йилдан бери турмайсан, кўрсатмаган товупинг қолмади. Энди нима қиласиз?» деб кулган эди, Хушрўй эрининг мақсади нима эканини пайқаб: «Боласиз киши дунёда туролмайдирған бўлса, бир оз заҳарни бошлаб сизга бераман, ундан кейин ўзим ейман!» деди. Шундан кейин Нусратбек мундоғ гапни иккинчи гапирмай қўйди. Дарҳақиқат, Хушрўйнинг бу сўзини ҳазил деб бўлмас эди.

15. Эсини киргизди

«Кундашлик уйда кунда жанжал» деганлар. Албатта буни айткучи киши ўиламасдан ва билмасдан айтмагандир. Жилла, ҳар куни жанжал бўлмаганда ҳам ҳафтада, ўн кунда бир тўполон чиқмаса албатта кундашни кундаш, деб бўлмас. Нега десангиз, бизнинг баъзи бир кундашсиз, чиқитсиз оиласарда ҳам икки, уч кунда товоқ-қошиқ синиб, торо-ра янгиланганини ҳар қайсимиз биламиз, бас, энди кундашлик оиласаримизга қелганда-чи, албатта юқоридаи — «кундашлик уйда кунда жанжал» мақолини тўғриға, чинга чиқармасдан чора йўқ.

Мен — ёзғучи, «Ўткан кунлар» ҳикояларини отам марҳумдан неча қайталаб эшилсан ҳам зерикмас эдим, фақат бир жойигина мени зериктирап эди. Бу кун мен шу «Ўткан кунлар»ни қаламга олғанимда ҳам ўша ўзимни зериктирган фаслини ташлаб ўтишка мажбур бўлдим. Дарҳақиқат, ўз орамизда кундаш жанжалини ким билмасин? Арзимаган гап устида дунё бузган кундаш тўполонлари кимнинг қулогига ёқсин? Ўқуғучининг қимматлик вақтини аяғаимдек, қаламни ҳам бу ғиди-бидидан озод қилишни мувофиқ кўрдим. Мени кечирсингилар.

Зайнаб хафалиги ошқан кезларда қариндош-уруглариникига юриб чигилини ешар эди. Уч-тўрт ойининг ичида икки мартаба эгачиси Хушрўйникида ҳам меҳмон бўлиб кетди. Аммо ҳозиргиси учунчи мартаба келиши эди.

— Нуҷук худо ярлақади! — деб Хушрўй синглисини қаршилади. Сунбула¹ ойининг мўътадил ҳавосига қарамасдан Зайнаб маржон-маржон терлаган эди.

— Нега мунча ўзингни олдириб қўйдинг, Зайнаб! Уйингдан тинчмисан, эринг эсон-омон юриптими?

— Куриб кетсин, — деди Зайнаб ва кўзига ёш олди. Хушрўи ачиниш ўрнига кууди.

— Кел, айвонга чиқ, — деди, — ойимникида эдинг-ми?

— Йўқ.

— Уйингдан келдингми?

— Ҳа.

Хушрўй синглисини ўтқазиб чўрисига чой буюрди. Фотиҳадан кейин «поччам эсон, омонмилар?» деб сўрағучи синглисига:

— Поччанг ўлсин! — деди аччиғланиб Хушрўй. — Нажмиддинбек деганинг даласига кеткан эди. Тўрт кундан бери дову дараксиз, ўлдими, қолдими — билмайман.

Зайнаб уч-тўрт ойининг ичида киши танимаслиқ ҳолга тушкан эди Илгариги тўлалигининг ярмисини йўқотқанидек тусига қаримсиқлик кирган, кўз ҳаракатида ҳам бир бесаранжомлиқ зоҳир ва буларнинг устига ҳар қачон унда кўрилган «оғирлик» ўрнига асабийликка яқин бир вазият ўлтурғандек эди. Зайнаб эгачисининг ҳалиги галига ризосизлиқ билдириди:

— Ношкур экансиз, опа, — деди, — поччамдан нолишингиз яхши

¹ Сунбула — 22 август — 21 сентябр.

эмас, сизнинг ҳам бошингизга маним кунимни солса нима қилар эдингиз?

— Мен ҳам Зайнаб бўлсам, албатта солар эди, — деб кулди Хушрой, — менга қолса ҳар ким ўз нафсига яхшилиқ ёки ёмонлиқни ўзи хозирлайдир...

— Тавба денг, опа.

— Мен шу чоқғача, — деди Хушрой, — баңдасига бош эгишни ва баңдаси олдида тавба қилишни ор билдим ва шу орланишим орқасида ҳар кимнинг устида юрдим...

— Катта галирманг.

— Катта галирсам ва галирмасам, — деди Хушрой, — маним феълим ҳар кимга маълум ва ҳаммадан ҳам сенга очик... Кўйчи бу гапларни, ўзинг тинчмисан?

— Тинчлигим қурсин...

— Айтсанг, айтмасанг, — деди опаси, — албатта тинчлигинг қуриған.

— Қуриған қурисин...

— Сенинг тинчлиғингни ҳеч ким қуриғтан эмас, Зайнаб! Ҳамма жабрни ўзинг-ўзингта қилаяпсан!

— Ҳамиша шу гапни айтиб қолғансиз, — деб ўпкалади Зайнаб, — дунёда ким ўзига жабрни хоҳлайдир?

— Сен ва сенга ўхшаганлар.

— Худо урар...

— Айтсанг, айтмасанг худо уриб қўйипти.

— Шундай кунларга мен қолай дедимми?

— Дегансан!

Зайнаб опасининг истеҳзолик юзига қаради ва унинг нима демакчи бўлғаниға тушунолмади:

— Деган бўлсам айтинг...

— Сен маним қандай қилиб эрга текканимни биласанми?

— Биламан...

— Билсанг билганингча тур, — деди Хушрой, — энди келайлик сенинг эрга тегишингта: албатта тона олмассан, сенинг эр қилишда тариқча ихтиёргинг ва ризолигинг йўқ эди, эҳтимолки ихтиёр нима, орзу нима ўзинг ҳам пайқамас эдинг. Балки ихтиёр ва орзуларинг ҳам бўлғандир — бироқ уни ҳеч ким майдонда кўрмас эди. Шунинг учун тизгининг ойинг билан дадангнинг қўлида, бошқача айтканда уларнинг туга ортқан юки, кимга сотса, қаерга жўнатса ихтиёrsиз эдинг... Единга борми, никоҳ, куним мен кулиб, чақчақлаб аравага миндим, сен бўлсанг, уйдан йиғлаб чиқдинг ва эрингникига йиғлаб бординг... Яхши, эринг сенга ёқди, аммо эринг фақат сенга ёқсан билан иш битмаслигини яна хотирингта келтирмадинг. Эринг сени ташлаб қўйди, сен чурқ этмадинг, истиқболинг тўғрисида ўйламадинг... Фақат ғалвир сувдан кўтарилгандан сўнгтина, сен ўзингни ҳар тарафка ташлай бошладинг... Лекин энди бир минг тоблансанг ҳам натижা ўзингнинг феълингча — битта: сенинг учун ҳар кун бир ўлим ёки ўша уйдан бошингни олиб чиқиши.

Хушрўйнинг раҳмсиз муҳокамасидан оқған бу ҳақиқатлар Зайнабни йиглатди.

— Мен шундай бўлар, деб ўйламаган эдим...

— Сен ўйлашни билармидинг? — деб кулди Хушрўй.

— Бирав ўрай деса, сиз куласиз!

— Мен йиглашни билмайман! Кишилар йиглағандা, маним кулгим қистайдир.

— Маним ўрнимда бўлсангиз, сиз ҳам йигидан бош кўттармас эдингиз...

— Сенинг ерингда бўлсан биласанми нима қиласр эдим, Зайнаб, — деди Хушрўй, — дунёсини ост-уст қиласр эдим, бир томчи ёшимни юз томчи заҳар билан қўшиб ташлар эдим.

Зайнаб кейинги гап билан эгачисининг юзига кўтарилиб қаради ва Хушрўйнинг юзида золимона бир истеҳзо кўрди.

Яхши, — деди Зайнаб бир хил синиқ товушда, — ҳамма дўстларингиз сизга душман бўлсин, уч йилдан бери сизнинг сўзингизни айтиб ёнингизда келган қайин онангиз ҳам душманингиз ёнига ўтсин: ҳатто сизни туқдан ота-онангиз ҳам «сабр қил, болам!» деб қуруқ сўз айтиб ўлтурсинар... Бас, шу ҳолатда сиз йигламай нима қиласр эдингиз?

Хушрўй пинагини бузмай яна кулди:

— Душман ўзи нима деган сўз? — деди. — Мен сенга боя ҳам айтдим: кишининг дунёда дўсти йўқ, магар нафсига ўзи дўст, кишининг дунёда душмани йўқ, магар нафсига ўзи душман! Масалан сен ўзинг: отангта, онангта дўстим, деб ишондинг, аммо улардан нима яхшилиқ кўрдинг? Бу кун уларнинг «сабр қил, болам!» деб берган кенгашлари сенинг ярангта малҳам бўларми? Албатта бўлмас. Бошдаёқ эринг сенга қарамай қўйди. Аммо сен қайин онангнинг ваъдасига ва тағин алланарсаларига ишондинг... Узинг ўйла, болани она турадир. лекин унга муҳаббатни ҳам она туриб берадими? Албатта мумкин эмас. Сен бечора шунга ҳам ишондинг. Энди гап нима? Отанг сенга сабр едирадир, қайин онанг бўлса кундашинг дуосида... сен бўлсанг йиги қучогида...

— Сиздан ўзимни чақдирғали келган эмасман! — деди йиглаған кўйи Зайнаб, — ўз уйимда ҳам тегмай чақдирған газандаларим бор... Сиз ҳам маним куйган жонимга ўт ёқманг-да, агар қўлингиздан келса, бу ўртанған синглингизни тинчтинг.

— Сен ҳеч тинчий олмайсан...

— Ҳар нарсага аклингиз етади... Лоақал бу баҳтсиз синглингиз учун биргина бош оғритсангиз-чи... Устимга шу бало келгандан бери эшигингизга неча қайта келиб қуруқ, қайтдим, эндиғина сиз ҳам...

Хушрўй бир оз Зайнабнинг юзига қараб турғандан кейин:

— Маним кенгашимга юрасанми? — деб сўради.

— Жўяллик бўлса нега юрмай.

— Юрсанг, — деди Хушрўй, — чиқ эрингдан.

Зайнаб ўкраб юборди:

— Ўзим ҳам шундоғ деярсиз, деб турған эдим...

Хушрўй:

— Негаки сенинг дардингнинг давоси, менга қолса фақат шу.

— Қандай қилиб чиқай, ахир...

— Эрдан чиқранлар қандай қилса, сен ҳам шундай қиласан!

Зайнаб жавоб бермади. Чўри хотин ўртаға дастурхон ёзиб чой келтирди, Хушрўй хизматчини ўтоқбоши юмишларига буюриб чойни ўзи қўйди.

— Дастурхонга қара, Зайнаб!

— Иштиҳом бутилди...

— Маним айтканимни қилсанг иштиҳонг ҳам очиладир.

— Эрим... эримни кўзим қандай қийсин.

— Жавоб сўрасант, — деди кулиб Хушрўй, — сени талоқ қилиш учун зингнинг кўзи қиядими?

— Билмайман...

— Албатта яхши биласан, қияди! Аммо сен аҳмоқсан, кўрпангта қараб оёқ узатишни, қарс икки қўлдан чиқишини билмайсан!

— Этагингни қоқиб кетабер, дейсизми?

— Чунки шундан бошқа чоранг йўқ!

— Сен ҳасратда ўл, кундашинг яйраб-яшнасин, шуми мақсадингиз?

— Ҳозир ҳасратда эмасмисан, кундашинг яйрамайдими?

— Тузик, — деди Зайнаб, — лекин ҳар қадамда унинг ҳузурини бузаман, бир чўқитиб ўн қаратаман.

Хушрўй кулди:

— Бундан нима чиқади?

— Ишқилиб келгиндини тинчитмайман.

— Сен тинчитмасанг, — деди Хушрўй, — бошқалар сени тинчитар...

— У нима деганингиз?

— Яъни роҳатини бузаверсанг, эринг сени қўяр?..

Зайнаб бу ҳақиқат олдида ўйланиб қолди. Хушрўй ўзининг ваҳший кўзлари билан синглисига қараб кулимсирап эди. Бу кулимсираш ораси «кўлингдан нима келади?» дегандек бўлар эди. Зайнабнинг тузи шу чоққача кўрилмаган равишда ўзгариб кетди. Негадир тинмай оқиб турған кўз ёшиси ҳам қуриди ва товшида ҳам ҳануз эшитилмаган кескин бир оҳанг бор эди:

— Эсимни киритдингиз, опа, — деди, — раҳмат сизга.

— Раҳматингни менга айтма, — деди Хушрўй, — ишонсанг юрагингга айтарсан...

16. Ой — куни яқин эди

Кумушнинг ой-куни яқин эди. Набиралик бўладирған Ўзбек ойимнинг иши бошидан ошқан, Кумушнинг ойи турмасданоқ ул бешик ясатиш билан машгул эди. Дояча ким, ақиқага нечта қўй керак, нечанчи кунда тўй ўтказиладир, нечта эркак, нечта хотин айтиладир ва кимлар? Мана шунингдек масалалар билан Ўзбек ойимнинг мияси



жуда шишкан эди. Кумушда кўрилган баъзи нишоналарга биноан на-
бирасининг ўғул бўлишида шубҳа қилмас — «ўғул туғасан, Кумуш,
мен ҳам Отабекни сенга ўхшаш енгил кўтартган эдим», дер эди. Ку-
мушни хизматдан бўшатилиб баъзи ўчоқбоши юмишларини Зайнаб
идорасига топширилғанига энди бир ойлаб бор.

Ўзбек ойим набира масаласида қаича хурсанд бўлса, Отабек шун-
чалик хафа, чунки Кумушни кўрган сайин уста Алим фожиъасини
хотирлар эди. Юсуфбек ҳожи маълум алданишдан сўнг юрт ишидан
қўл ювған, кўб вақтини меҳмонхонада «Куръон» ва «Далойил»¹ ўкуб
кечирар, кундаш ораси бузилиб, ўртадан сўз чиқғанини гоҳо эшитса,
иккала келинни ўз олдиға чақиртириб, уларни қатор ўтқазар эди. Ав-
вало Кумушдан ўпка қилиб: «Ойим, ҳар нима сиз каттасиз, Зайнаб ёш,
каттадан-кичикка шафқат лозим, мундоғ яхши эмас!» ва Зайнабка
қараб: «Болам Зайнаб отин! Сиздан ҳали ёшлиқ ғурури кетмаган, ле-
кин маним болам бўлранлиғингизни сиз ҳам унутманг!» дер ва шунинг
сингари юмшоқ таплардан кейин иккисини дуо қилиб бир-бирисига
салом бердирап — «ана, шундоғ бўлсип, опоқ қизларим!» деб кетишка
руҳсат берар эди. Улар кеткандан кейин албатта Ўзбек ойим эри ёниға
кирар, ҳожи бўлса хотиниға сизсираб: «Сиз икки келин ушлашни
бilmabsiz, Зайнабка жабр қилған кўринасиз, айниқса Зайнабнинг
кўнглига қарашингиз керак, Отабекка ҳам насиҳатингиз лозим!» дер
эди. Ўзбек ойим шундай кезларда Кумушнинг ёнини олиб «Зайнабни
худой кўтарсан, айб ўзида...» деб бошласа, ҳожи унинг орзини аранг
тўхтатур: «Секин-секин, уят! Қайин она деганинг адл туриши лозим.
Зайнаб сиз билан маним орзу ҳавасимиз эмасми?»

Аммо набира масаласидаги Ўзбек ойимнинг баъзи бир қуюшқон-
дан ташқари ҳаракатларини ҳам босқучи яна ҳожи эди: «Зайнаб бор,
Зайнабни унутдингизми. Ўз келиннинг Зайнабни!»

Мундан ўн беш кунча илгари Кумуш онасига бир хат ёзған эди-
ким, аҳамиятига кўра биз бу ўринда кўчирамиз:

«Онажон, куявингизнинг ёзғанларидан ташқари мен сизга шу билан
олтинчи хат ёздим. Аммо сиздан учта ва дадамдан иккита хат олдим.
Айниқса дадамнинг кейинги хатидаги қора хабар билан гори дунё²
кўзимга торайди. Ўлим ҳақ, аммо бечора бувим жон берар экан, ёнида
туриб дуосини олиб қолмаганим учун кўб ҳасрат чекдим. Айниқса мусо-
софиричилгум ёмон асар қилди. Кўз ёшларим билан юзимни ювдим. Бу
кун бешинчи кундан бери раҳматлик бувим арвоҳига атаб куръон бош-
ладим, хатим қилиб багишлайман. Худо яриқи раҳмат қилсин, сизга
сабр берсин. Энди мусофири қизингизнинг баҳтига сиз ўлманг, омин.

Баъда маълум бўлсинки, алҳамдуллоҳ, куявингиз ва қудаларингиз
саломатидирлар ва уларнинг сояларида мен қизингиз ҳам ўйнаб-кулиб
юрибман. Сизни ва отамни жуда соғиндим, агарда оғир оёқ бўлмасам
эди, қиши бўлишига қарамасдан Марғилонга жўнар эдим. Қудангиз —
қайин онамнинг сўзига қарагандга, келаси ойра кўзим ёрип эмиш. Қудан-

¹ Далойил — диний китобнинг номи.

² Дори дунё — дунё тириклиги, ташвиши

гиз мени на ерга ва на кукка ишонадир, ўн беш кундан бери қулимни совуқ сувга ҳам урдирмаи қўйди. Ўзи гўёки тўйга ҳозирланғандек бешик ясаб, сарла тикиб юрийдир... Маним бўлса нима учундир юрагимда бир кўркув бор... Ўткан ҳаттиаримда кундашим билан миросамиз келишмай турганини кулгулук тарзида ёзган эдим. Нафси замарда эрса, орамиз бузилган, мен ҳам ўшал вақтларда чин кундашлик тўнини кийган эдим. Зайнабнинг битмас хусумати эса ғолибо¹ маним иккя ҳаттиарим ошкор бўлган кундан бошланди. Сизнинг бошинигиздан кундашлик савдоси ўтмаган бўлса ҳам тушунсангиз керак: биз икав агар қўйиб берсалар гўё бир-биримизни еб-ичмакчи эдик... У кунлардаги ҳолимдан ўзимга энди ҳисоб беришка ҳам уяламан... Яхшики, бизнинг можаролардан қайин отам жуда сийрак хабардор бўлди. Шундоқ ҳам бўлса бу жанжаллар тоҳо унинг қулогига етиб қолар ва биз иккя ёв унинг олдиға чақирилиб насиҳатини эшиштар ва лекин яна ёмонлиғимиздан қолмас эдик. Сиз рањиссангиз ҳам айттай: қайин отамни ўз дадамдан ҳам яхши кўраман. Бу яхши кўришим куявингизнинг дадаси бўлғани учун эмас, балки унинг нур ичига чўмилғандек бўлиб кўринган сиймосини, ойим деб хитоб қўйландаги мулоийим, беозор ва муассир- сўзини яхши кўраман. Үл насиҳат учун оғиз очса вужудим эриб кеткандек ва бир турлук ухлаб ҳузурланғандек. Қисқаси, Зайнаб билан жанжаллашиб нинг ўзи бир ҳузур ва жанжалдан бўшалгач, қайин отамнинг қаршисиға ўлтуриб насиҳат эшиши ўндан ҳам яхши ҳузур... Сиз маним телба сўзларимдан аччиланманг. Агар бу гапимнинг тўғрилигини билмакчи бўлсангиз, Тошканг келингизда, қайин отамнинг насиҳатини ўз қулоғингиз билан эшишинг-да, ўндан кейин сўзимга қўймат беринг.

Шу йўсун Зайнаб билан уятсизча кўб олишдик, бу ит-мушукликдан биз зерикмасак-да, куявингизнинг жонидан тўйдираёздиқ. Мундан бир-мунча илгари ул биз иккя кундашнинг юзимизга: «Агар шу ҳолда давом этаберсаларинг икавларингта ҳам баробар жавоб бериб қуттиламан!» деди. Унинг бу таҳдиди иккимизга эмас, балки биттамизгагина хос эди. Мен бу таҳдииддан албатта қўрқмадим, аммо «Зайнаб тушиниб қолмаса яхши эди», деб курқдим. Дарвоқиъ натижажа мен қўрқканча бўлди. Зайнаб бу таҳдииддан сўнг онасининг ўйига аразлаганнамо кеттиб қолди. Улардан ҳам яхшигина дақки еган бўлса керак, бир неча кундан сўнг ёвошқина бўлиб қайтиб келди. Энди шу воқиълага иккя ой чамаси вақт ўтди ва лекин орамиздан жанжал чиқмади. Мен жўрттата баъзи гапларни тескариликка олиб қўрсам ҳам ул чурқ этмайдир. Унинг бу ҳоли эрса маним учун яхши эмас, ул яна кўб вақт бизнинг орамизда тикан бўлмоқчи...

Келаси ойдан жуда юрагим уюшадир... Кечалари кукка қараб келаси ой шу кутиларда ёруғ дунёда борманми, ўйқманми дейман... Ойша бувим марҳум бўлмаганда шу ой ичи ўзингиз Тошкангта етиб келар эдингиз. Аза ҳамма вақт топилади десангиз, қизингизнинг кўнили учун ҳали ҳам келганинг яхши. Дадамга маним арзимни айтсангиз, албатта қай-

¹ Ғолибо — асосан.

² Муассир — таъсирили.

тармас. Мендан дадамга беҳағ салом. Келаси ойдан қўрқаман... Қўришалмасак мендан рози бўлинг, дадам ва бошқа ёру дўстлар ҳам. Кумуш ёзим. Тошканд, 1269-инчи йил I қавс¹ ойига».

Кумуш ўз ҳагида ёзғанидек, дарҳақиқат, Зайнаб шу кейинги қунларда ёвошка тортқан, ўн оғизға бир оғиз сўз қайтартмас, тинчкина, мулойимгина, яъни мундан бир йил бурунрича эди. Қайин она тарафидан «Опангнинг кўзи ёрир вақти етди, ўчоқбоши ишларингни энди ўз қўлингга ол!» деб қилинған таклифни мамнуният билан қабул этиб, ҳатто Ойбодоқ онани ҳам ўчоқбоши юмишидан халос эта ёзған, унга фақат ҳавли супуриш, уй йигиш ва шунга ўхшаш майда ишларнигина қолдирған эди. Зайнабдаги бу ўзгариш фақат ҳалиги тараф билангина қолмай, эри тўғрисида ҳам шундор эди. Отабек ўз ёниға кирса — кирдингми демас ва кирмаса — кирмадинг демас эди. Эрининг баъзи бир самимияти қоронғуроқ муомалаларига қарши Зайнаб ҳам муҳмал-рак қилиб кулиб кўяр эди.

* * *

Ой туғиб, мўлжал яқин етди. Марғилондан ҳам Офтоб ойимнинг йўлга чиқиши хабари келди. Лекин Кумулца маълум оғриқ бошланған эди. Оғриқнинг биринчи куни Кумуш ҳеч кимга сездирмай юрди. Аммо иккинчи кун буни бошлаб Отабек, ундан кейин Ўзбек ойим сезди. Отабек маълум ҳавф остида бу сирдан кишига оғиз очиш учун ўзида мажол топмаса ҳам, Ўзбек ойим даррав Ҳасаналини мундан олти ой илгари белгуланиб қўйилған доя хотинга югуртиргди.

Доя келгандан сўнг ичкари ҳавли эркак зотидан тозаланди. Кумушни ўқтин-ўқтин оғриқ ушламақда, доя хотин ва Ўзбек ойим унга ўзлари билган удимлар билан ёрдамлашмоқда эдилар. Кечка томон дард жуда кучайиб кетди, ўқтин-ўқтин дам-бадамга алишинди.

Ташқарида Отабек йўқ эди. Ҳасанали дарбоза билан меҳмонхона орасида қўлини-қўлиға ишқаб юриниб турар ва қайта-қайта ахтахонаға кириб тўриқ йўрганинг у ер, бу ерини супирад эди. Ҳожи булса хурсанд ва хафалиги номаълум бир қиёфатда «Далойил» ўқур эди, ҳар беш дақиқада ичкари томонга қулоқ солиб тўхтар, гоҳо даричадан Ҳасаналини чақириб «тинчликми» деб сўрар эди.

Улар масжииддан шомни ўқуб киргач, ичкаридан Ойбодоқ кечлик олиб чиқди. Ундан на Ҳасанали ва на ҳожи оғиз очиб ҳол сўрамадилар. Таом устида Отабекнинг йўқдиги ҳам ҳис этилмади. Сўзлашмасдангина лагандан бирмунча чўқиран бўлдила-да. қўл артищдилар.

— Хуфттан айтилдими? — деб сўради ҳожи.

— Эшитмадим... Чиқа берсак ҳам бўлар, — деди Ҳасанали. Шу вақт ичкаридан хотинларнинг фавқулодда қий-чув товушлари эшитилиб, иккисининг ҳам қулоқлари тиккайди ва қўрқа-писа бир-бирла-рига қаращдилар. Қий-чув орасидан заиф йиги товши ҳам келиб қўйди... Иккиси бирмунча кулимсираб олдилар, лекин шундор бўлса ҳам яна чурқ этиб оғиз очмадилар. Орадан кўб фурсат ўтмади, ичкаридан Ой-

бодоқ ютуриб чиқди ва даричадан туриб «сўйинчи!» деди. Ҳожи ёнчини кавлай бериб «алҳамдуиллоҳ» деб қўйди. Ҳасанали ҳам илжайиб ёнчиқ кавлашша тутинди ва:

- Угулми, ҳолва?¹ — деб сўради хотинидан.
- Ўгул!
- Баракалла.

Ҳожи кулимсираб қўлидаги уч-тўртта оқ танга билан битта тиллани Ойбодоққа узатди — «Тангаларни ўзинг ол, тиллани доячага бер!» деди. Ҳасанали сўйинчисини топширгандан сўнг дуога қўл очди: «Оллоҳ таоло умри билан берган бўлсин». Шундан кейин хотиржамъ бўлған ҳолда хуфтанга кетдилар.

Отабек меҳмонхонага яқинлашиши билан чақалоқ йигисини эшишиб ихтиёrsиз ичкари ҳавлига томон бурилди ва йўлакда онасира йўлиқди. Қоронғу бўлса ҳам Ўзбек ойимнинг тусидаги шодлик белгулари очик кўриниб турар эди:

- Ўгул муборак бўлсун, болам!
- Ўзи тетикми?
- Тетик!
- Оддига кирайми?

— Йўқ, — деди Ўзбек ойим, — чиллалик уйга кечаси кўчадан келиб кириш яхши эмас... Ичкари кирсанг тўғри Зайнабнинг оддига бор. Даданг шундами?

- Ўзи?..

— Ўзи яхши, хотиржам бўл, — деди Ўзбек ойим, орқасира қайтди. Отабек кетига бурилиб ташқари йўлакдан киргучи дадаси билан Ҳасанали шапрасини олди ва ўиланиб тўхтади. Айниқса ҳозирги пайтда дадаси билан тўқнашиш унинг учун бир оз ўнграйсизроқ туюлган эди. Шу йўсун бирмунча вақт йўлакда туриб, сўнгра ичкарига томон юрди. Зайнабнинг уйига ўтар экан, бир неча қайта Кумуш ётқан уй тарафка қараб олди.

- Ўгул муборак бўлсин!

Зайнаб эрини шу сўз билан кулиб қаршилади, Отабек ҳам кулимсираб «қутлуғ бўлсин!» деб қўйди. Ўлтургандан кейин Зайнаб ўзича кулинди:

— Ҳалиги... — деди. «Ҳалиги» дан кейин айтадирган жумласини унугиб қўйдими ёки ўйлаб қолдими, нима бўлса ҳам айталмади. Отабек унинг оғзини кулимсираган ҳолда бир оз кутиб «хўш, ҳалиги..?» деб сўради.

- Ҳалиги ..
 - Ўёғи?
 - Оти қурсин... ҳа, айткандек, ошингизни ейсизми?
 - Ейман.
 - Совиб қолмаган бўлса — шу.
- Отабек эртадан бери ҳеч нарса емаб эди.
- Қандор бўлса ҳам, — деди.

¹ Тошканде «қиз турди» ўрнига «ҳолва турди» дейдирлар (муал.).

Ҳозир Зайнабнинг чеҳраси очиқдек кўринса ҳам, аммо бу очиқ чеҳранинг замерида уни жиддийроқ машғул қилған яна бир гап бордек, яъни кўринишдан шошқанлиқ ва ё шунинг сингари бир ҳол унинг шу очиқ чеҳраси остига яшириғандек эди. Зайнабнинг ўн беш дақиқалиқ муомаласида Отабек юқориги каби «эсдан чиқариш» ҳолатига бир неча қайта учради ва охирда сўрамоқда мажбур бўлди:

— Нега ҳолингиз паришон?

Зайнаб қулди:

— Нега паришон бўлсин.

— Маним кўзимга паришон кўринасиз.

— Тўғри, — деди Зайнаб, — қўрқдим...

— Нимадан қўрқдингиз?

— Туғишдан...

— Қийналдими?

— Қийналиш ҳам гапми, — деди Зайнаб, — ўз кўзингиз билан кўрмаганингиз учун ишонмайсиз.

— Ойим мундоғ демаган эди-ку?

— Сиздан яширганлар.

Отабекнинг юраги жуда уюшиб кетди. Ҳатто кундашини паришони хотир қилған бу гап Отабекка қандоғ таъсир қилиши кўб тафсилга муҳтож эмас. Бу тўғрида Зайнабка яна савол ташлаб тафсилот олишдан қўрқди, ҳам узоқ ўлтуролмади. Чойини наридан-бери ичиб, ўрунини тўшатиб ётди. Зайнаб шамъни ўчирди. Ҳали ётмоққа вақт эрта эди — Зайнаб Кумушлик уйга — хотинлар олдира чиқиб кетди.

Отабек ухлаш учун ётқан бўлса ҳам ҳалиги гап уни кўз юмдирмай қўйди, ўнг, сўл, чалқанча ётиб бокар эди. Лекин Зайнабнинг «қийналиш ҳам гапми?» жумласи қулоғи остидан кетмас эди... Кумушнинг уйидан кети узилмай келиб турған хотинларнинг ғўнғир-ғўнғири ҳам унинг уйқусига халал берар ва ора-чора гўдакнинг йиглаған товши ҳам эшитилар эди. Бу маъсум товушқа қарши унда бир хил яқинлик — оталиқ ҳисси қўзғалғандек бўлса ҳам, аммо бошқа қора хаёллар ичида тез йўқолур эди. Шу йўсун ивир-живир, аччир ва сучук ҳолат ичида ухлаб кетди. Бир-икки кун миёнасидағи кечинмалар турлиқ ранг билан унинг уйқулиқ димогида акслана бошлидилар... Сўчиб уйғонди... Ёнида Кумуш... Зайнаб йўқ эди. Уйқулик кўзи билан нариги уйга қулоқ солди, ҳануз бояғи товушни эшитди ва ўнг ёнини босиб қўрпага бурканди, мундан кейин тинч ухлаб кетди...

Туши кўрар эди: «Чаманда гуллар очилған эмиш... Бу гулшан унинг ўзиники эмиш... Ул ранго-ранг чечаклардан кўзини ололмас эмиш. Теваракқа келган ёвдан хавф бор эмиш.. Ханжарини ушлаб ёвға қарши чиқған эмиш... Ёв қочқан эмиш... Ёв орасида онаси ҳам бор, отаси ҳам кўринар эмиш... Қайтиб чаманга кирса бир сигир гулни босиб, янчиб ўтлаб юрган эмиш... Бу ҳолдан ўзини унуткан ва қўлидағи ханжари билан сигирга югирган эмиш... Сигир эмас — сариқ сочлик албасти эмиш... Дармонсизланған ва ханжари қўлидан тушкан эмиш... Дунёни қоронғулиқ босқан эмиш...» Сўчиб уйғонди ва ўз ёнида ухлаб ётқан



Зайнабни кўрди. Ҳалиги босинқирашдан юраги гуп-гуп урад ва вужудини тер босқан эди. Секингина ўнг ёниға ағдарилиб ҳавли томонга қараб ётди. Унинг ағдарилиши билан Зайнабнинг кўзи оҳистагина очилиб яна ёпиди.

Вақт саҳарга яқин, теваракдаги хўроздлар кетма-кет қичқирав эдилар. Яқин орадаги обжувоз пойқўпининг зарби ерни силкитиб-силкитиб тўлқин берар эди. Нариги уйда ёниб ёткан шамъ нури дарича тирқишидан милт-милт кўзга илинур, аммо шип эткан товуш ёшлилмас эди. Ул қайтиб ухласётмади. Кумушнинг кечаги қийналиши тўғрисида хаёлланиб кетди. Субҳазони айтилиб, секин-секин тонг ёриб борди, маҳалла масжидидан ҳам аzon товши келгач, ул таҳорат олмоқ учун кўзгалди.

Кумушнинг ёниға кириш қулай бўлсин, деб иоништани Зайнабнинг уйида қилди. Ўзбек ойим тарафидан кириш учун рухсат берилган эди. Чойдан кейин дояча Кумуш ёнидан бир оз вақтга чиқиб турди. Тўрга Кумуш ётқизилган, унинг оёғ томонида Ўзбек ойим чақалоқни кўтариб ўлтурган эди. Отабек кирганда ўзининг синиқсан юзи, ичкарига ботинқираған кўзи билан Кумуш илжайиб унга қаради. Отабек тутилинқираб, «муборак бўлсин!» деди. Кумуш жавоб ўрнига уялиб юзини кўрпага яширди. Ўзбек ойим:

— Берганга қуллик бўлсин, ўлтур, — деди.

Отабек Кумушнинг бош томонига ўлтурди. Ўзбек ойим фотиҳа

ўқуди. Сўнгра чақалоқни Отабекка яқинлашдириб, — тойчоримнинг кўрманасини чиқар, дадаси. — Отабек қизариб болага қаради. Кумуш юзини яна кўрпага яшириб олди.

— Ўзингиз тузиқмисиз?

— Шукур...

— Қийналибсиз, деб эшитдим...

— Тұғмоқ ҳазилми сенга, — деди Ўзбек ойим.

Кумуш Отабекни ўзига имлади ва қулогифа шивирлади: «Сизнинг гуноҳингизга...»

— Хўрак қилдингиэмі?

Ўзбек ойим.

— Кечадан бери ичига иссиғ киргани йўқ. Зайнабка айтай сутлик атала қилиб берсин, — деди.

— Албатта! — деди Отабек ва онасиға бир тилла сўйинчи бергандан сўнг хотиржамълик билан уйдан чиқди.

Тушлиқдан кейин Отабек меҳмонхонада китоб мутолаа қилур, даҳлиздә Ҳасанали узилган от асбобларини улаб тикар. Ҳожи масжидгами, бошқағами кеткан эди. Шу вақт ичкаридан Ойбодоқ чиқиб Отабек ёниға келди:

— Бек, сиз уйга кириб чиқар эмишсиз, — деди.

Отабек китобни белгуулук қилиб ёпди:

— Тинчлиқми?

— Тинчлик... даррав киринг-чи!

Отабек Ойбодоқ билан кетма-кет ичкарига кирди. Зайнаб ранги ўчкан ҳолда Кумушнинг уйидан чиқиб келар эди.

— Нима гап? — деб ундан сўради Отабек.

— Билмадим, — деди, — опам кўнгиллари айнаб қусяптилар...

Отабек эшик ёниға келгандан сўнг уйдан бир неча хотин паранжи ёпиниб чиқдилар-да, ул уйга кирди. Ўзбек ойим жом ушлаган, Кумуш жомга ўқчиб қусар эди.

— Нима бўлди?

Кумуш жавоб бералмади.

— Билмадим... боятдан бери тўхтовсиз қусяпти, — деди Ўзбек ойим. Қусиб чарчаған Кумуш ҳолсизланиб бошини ёстиқча ташлади. Ўқчиб ёшланған кўзлари билан эрига қараб олди.

— Ёқмайдирған хўрак бергансиз.

— Ёқмайдирған ҳеч нарса егани йўқ, — деди онаси,— ўша атала-дан бошқа хўрак қилмади. Ундан ҳам ярим косагина ичди. Қолғани ана тоқчада...

Ўзбек ойимнинг гапи тугамасдан Кумуш яна жомга интилди. Отабек унинг бошини тутди.

— Табиб айтдирайми?

— Айтдир. Маним ҳам кўнглимга шу келиб турган эди.

Отабек Кумушнинг қусуғи биткунча турди-да, сўнгра югуриб ташқариға чиқди. Ҳасанали ҳануз бояри ишда эди.

— Ота, сиз югуриб табибга боринг-чи!



Ҳасанали ишини ташлади:

— Нима гап?

— Келинингиз боядан бери қусар эмиш.

Ҳасанали табибга югурди. Отабек қайтиб уйга кирди. Чақалоқни Зайнаб кўттарган, Кумуш ҳамон қусмоқда... Кумуш ҳолсизланиб ўзини ёстиқقا олди. Қовоқ остлари кўкарған, ёнига келган Отабекка ҳам қарамоққа мажолсиз эди.

— Тузикмисиз?

— Кўнглим.

Отабекнинг ҳамма бадани титраб кетди, шундօр бўлса ҳам ўзини қаттиғ ушлади:

— Қатиқ ичириб кўрдингизми? — деди онасига.

— Иўқ.

— Қатиқ буюринг!

Ойбодоқ қатиқ келтиргунча Кумуш яна жомга интилди. Бир-икки ўқчиб қусқандан кейин, Отабекнинг қўлидаги сув билан оғзини чайли ва пиёладаги қатиқдан бир-икки ҳўплаб, ўзини ёстиқقا ташлади. Ҳарорати кучлик, юрак уриши фавқулодда тез эди. Отабек унинг манглайини қўли билан босиб ушлаган эди, бир оз тинчигандек бўлди. Ўзбек ойим бурчакда бола кўтариб ўлтурган Зайнабдан чақалоқни олиб, уни жомни тўкиб келиш카 буюрди. Отабекни манглайдада турған қўли қизиб кетиб, иккинчи қўлинин алмашдиришга мажбур бўлди Манглайдада со-вуклик ҳис этиб Кумуш кўзини очди.

— Кўнглингиз босилдими?

Кумуш жавоб ўрнида ёстиқдан қўзғалди. Жом йўқ эди. Отабек шошиб тоқчадаги хитойи норин товоқни олди. Кумуш қусди. Бу гал қусуқ бояғи қатиқ аралаш кўкимтил ва сарғимтил нарсалар эди. Оғзи-ни чайғандан кейин Отабек қатиқни таклиф қилған эди, ичмади ва ўзини ёстиқقا отди...

Табиб келди хабарини эшитиб, Отабек жонланғандек бўлди. Уй эшигига жом кўтариб келган Зайнаб кейининга қайтди. Ўзбек ойим ҳам чақалоқни кўтариб уйдан чиқди. Отабек табибнинг ҳурматига туришни унутиб Кумушнинг манглайини босқанча ўлтурас эди. Табиб Отабекдан воқиғьани сўраб билгандан сўнг Кумушнинг томирини кўриб лабини тишлаб қолди ва товоқдаги қусуқни ҳидлаб қаради:

— Бу кун нима хўрак қилған экан?

— Атала.

— Ўша таомдан бир оз қолғани бормикин?

— Бор! — деди Отабек ва боя онаси кўрсаткан жойдан косани олиб табиб қўлига берди. Табиб косадан бармоғига бир оз элашдириб ялади ва даррав туфлаб ташлади.

— Заҳар ичибити!


Отабек сапчиб кетди, туси қўрқунч ҳолга кирган эди...

— Бекор гап!

Табиб Отабекнинг ҳозирги ҳолатидан даҳшатка келди...

— Мен ҳозир дағъи учун дору юбораман, — деди ва қўзғалди.

Отабек ҳам билан биргаллашиб ўрнидан турди:



— Заҳарни ким беради?

Нима дейишкага ҳам ҳайрон табиб.

— Ман... ман... ўзингиз ўйлаб кўринг-чи... Ман даррав дору юборай, даррав ичиринг, тузиқми? — деди.

— Билдим, билдим! — деди бечора Отабек. — Зайнаб, Зайнаб, Зайнаб... Жалаб! Юборинг, юборинг, даррав юборинг!

Табиб кетди, Отабек телбаларча югуриб Кумушнинг бошиға келди, юзини очиб манглайнини босди ва ўпди... Кумуш кўзини очиб куч билан сўл кўлини эрининг елкасига ташлади... Қўлида чақалоқ билан Ўзбек ойим кирди.

— Зайнабни чақир, Зайнабни!

Ўзбек ойим табиб сўзидан хабардор эди:

— Зайнаб! Зайнаб!

Зайнаб югуриб уйга кирди. Туси мурдадек оқарған эди. Отабек Кумушни кўйиб ердаги аталани олди:

— Ич муни, ич жалаб!

Зайнаб орқага тисланди... Отабек косани унга отди. Зайнабнинг кийими атала билан беланди. Шунинг устига даҳлиздан Юсуфбек ҳожи кўринди.

— Кет, жалаб, кет! Талоқсан, талоқ!

«Талоқ» сўзини эшиткан Кумушнинг кўзи ярқ этиб очилиб, яна юмиди... Ҳожи воқъиъани табибдан эшиткан, шунинг учун ҳозирги фожиа саҳнасидан ажабланиб турмади.

— Чик, Зайнаб, чик! — деди ул ҳам. — Лаънат сендек хотинга!

Зайнаб четланиб уйдан чиқди... Ҳожи Кумушнинг бошиға келиб ўлтурди. Отабек ва онаси оёғ устида эдилар. Кумушнинг кўзи юмиқ, соchlари юзи устида паришон эди. Ҳожи ўз кўли билан соchlарни тузатиб Кумушнинг кўкимтил товланган юзини кўрди ва манглайнини босди...

— Ойим... Ойим!.. — деди ҳожи. Кумуш кўзини очиб бесаранжом унга назар ташлади ва таниб... кўзғалмоқчи бўлди.

— Кўзғалманг, ойим... кўзғалманг!

Кумушнинг кўз ёшиси чаккасидан оқиб тушди... Ҳожи ҳам ўзини тұхтатолмай, Кумушнинг ёшини артиб, бошини силади:

— Худо шифо берар, болам!


Кумуш жомга қўзғалди, Отабек келиб қўлтиқлади, ҳожи ҳам унинг бошини тутди... Бу гал қусук қонға айланган эди, бурнидан ҳам бир неча томчи қон оқди... Қусуб ётвач, кўзи ярқиллаб очилиб кетди ва теварагига бетоқат қаради:

— Ойи... дада... — сўнгра, — бегим, — деб ингранди... Эрининг юзини юзига қўйди, уялғансумон кўзини юмди...

* * *

Эртаси кун дағн маросими бўлди. Жанозага Тошканднинг ҳар бир маҳалласидан деярлик кишилар иштирок қилди. Факат мактұланинг энг яқинларигина бу тантанага етиб келалмадилар.





Бечора она, бечора ота!..

Учунчи күн улар ҳам келиб етдилар... Уларнинг ҳозирги ҳолини тасвир этиш мумкинми?!

Еттинчи күн хатми қуръон қилиниб ҳалқа ош берилди ва шу муносабат билан чақалоққа «Ёдгорбек» деб исм қўйилди.

Кумушнинг яқинлариғина эмас, балки фожиъадан хабардор бўлған шаҳарнинг катта-кичиги Зайнабка бериладирган жазони эрта-кеч кутмакда здилар. Бироқ фожиъанинг ўнинчи кунларида Зайнабнинг жинни бўлиб, очик қўйи кўчада юрган хабари ва оғаси томонидан ушланниб кишангага солинган можароси эшитилди. Зайнабнинг жунуни қозилар ва табиблар тарафидан ҳам тасдиқ этилгач, унинг устидаги жазо кўтарили. Дарҳақиқат, ақдан озиб кўчаларда очик кезиш ва кишангага тушишнинг ўзи ҳам Зайнаб учун кичкина жазо ҳисобланмас эди.

Фожиъанинг йигирманчи кунида яна хатми қуръон қилиниб, бутун юртка ош берилгандан сўнг, бечора болу паридан¹ айрилғанлар Марғилонға қайтиш ҳаракатига тушдилар. Ёдгорбек ҳам Офтоб ойимнинг кучогида кетмакчи, унинг олиб кетилишига қарши ҳеч ким йўқ эди.

Энг кейинги видоълашиш куни етди. Отабек, қутидор ва Офтоб ойим (...) қабристонининг икки туп қуриған чинор ёғочи орасира тургузилған янги хиштин сағана қаршисида тўхтадилар. Сағананинг ўнг бошидағи тошдан ўйиб ясалған лавҳа кўзга чақилиб турар эди:

Ла илаҳа илла-оллоҳу Мұхаммаду-расул-уллоҳ
Ҳазиҳил марқадул мунавварату лил мазлуматил
машхудати ал-мағфурати.

Кумушбibi бинти Мирзакарим Марғиноний, тарихи таваллуди 1248, вафоти 1269 йил ҳижрий, жумод-ул-аввал.

Бу лавҳа бир дилпорадан хусн санамига ёдгордир.

Бунда мадфун кундаш балосининг намоен бир курбонидир.

Аё чарх, этдинг ортуқ жабр бунёд,
Кўзим ёшлиғ, тилимда қолди фарёд.
Ҳаётим лолазоридин аюрдинг,
Ёқиб жоним, кулим кўкка совурдинг

Бечора она чидалмади, қабрни қучоғлаб уввос тортди. Отабек ҳам қабр ёниға тиз чўкиб, кўз ёшиси билан тупроқни лой қила берди... Қутидор лавҳа қаршисида эди. Лавҳани ўқуб чиқғандан кейин ул ҳам пик-пик йирглаб юборди. Ярим соат чамаси шул ҳолда қолдилар.

Қуръон ўқушга ҳеч кимда мажол йўқ эди.

Қаршидағи бинога Юсуфбек ҳожи тарафидан кўйилған қори буларнинг ҳолига тушунди. Секин-секин қориҳонадан чиқиб келди ва нарида ўлтуриб қуръон ўқуди. Офтоб ойимнинг ноласи босилса ҳам, лекин кўз ёшиси тийилмади. Бир улгина эмас, ановлар ҳам шу ҳолда здилар. Фотиҳа тортилғандан сўнг қутидор ва Офтоб ойим қорига пул бердилар. Қори кеткандан кейин ҳар қайсилари ўзларини босиб алоҳида-алоҳида қуръон ўқуб бағишиладилар, сўнгра оҳиста-оҳиста йўл

¹ Болу пар — қанот.

олиб қабр билан видоълашдилар. Гүё Кумуш «мендан рози бўлинг!..» деб онасиға хитоб қилас, Офтоб ойим орқасига қарай-қарай йиглаб келар эди...

Отабек уларни уйга қўйиб, қабр ёнига келди ва туни билан шунда қолди. Эрта билан Ҳасанали аравани қўшиб тайёрлаған, маида-чуйда аравага ташилар эди. Энг кейинда Офтоб ойим Кумушнинг кийимлари билан Едгорбекни кўтариб чиқди, кейинроқ Юсуфбек ҳожи билан қутидор кўриндилар. Қутидор видоълашиб аравага чиқсанда кўча тарафдан Отабек кела берди, келиб отнинг жиловини ушлади ва от устига мингган Ҳасаналита — «тушинг отдан!» деди. Ҳасанали отдан тушди. Отабек иргиб отқа минди ва қутидордан сўради:

— Отни ҳайдайми?

Қутидор билан ҳожи тушинишолмай бир-бирларига қаращдилар. Йўлакда турган Ўзбек ойим дарбозадан мўралаб қўйди. Қутидор индамагани учун Отабек ўзича отни ҳайдаб юборди.

— Хайр!

— Хўш!

Марғilonға жўнайдирған Ҳасанали гангид қўчанинг ўртасидан ҳожига қаради. Ҳожи йўлакдаги ойимга ер остидан кўз қирини ташлади... Отабек ортиға қарамасдан аравани ҳайдар эди...

17. Хотима

Бир йилдан сўнг Отабек уста Алим билан бирга Тошканд келди. Ҳожи ва Ўзбек ойим оғиз очиб ундан ранжий олмадилар. Ул меҳмонлар каби эди. На отаси ва на онаси билан очилиб сузлашмади. Уста Алим билан бир ҳафта чамаси Тошканда туриб энг сунгги кеч ёлииз кўйи Кумуш қабри ёнида бўлди. Кеча ойдин, қабристон тиб-тинч, узоғроқдан қуръон товши эшишилар эди. Икки туб чинор бутоқларида қўниб ўлтурган уч-тўртта бойқушлар, қабр ёнига тизланган Отабек ва юқори, қўйи дўмбайган қабрлар бу тиловатка сомиль каби эдилар. Қуръон оятлари қабристон ичита оғир оҳангда оқар эди. Қабр ёнига тиз чўккан йигитнинг кўз ёшлари ҳам қуръон оятларига қўшилишиб оқар эди. Бирар соатдан кейин тиловат тўхталди. Отабек ҳолсизланиб оёғ узра турди ва орқасидаги ярим яланюоч кўлагани кўриб бир неча қадам қабр томонға тисланди... Кўлага ялинғансумол унга яқин юриб келди...

— Ким бу?

— Мен Кумуш!..

Отабек товуш эгасини таниди. Бу мажнунна Зайнаб эди.

— Кет мундан!

— Мен Кумуш! — деди яна Зайнаб, аммо кетмай иложи қолмади. Зероки дунёдаги энг яқин кишиси унга «кет!» амрини берган эди. Зайнаб орқасига қарай-қарай Отабекдан узоқлашди. Отабек қайтиб унга қарамади, қабр ёнига тиз чўқди...



ALDEP 91

Эртаси кун Ўзбек ойим йиглай-йиглай Ёдгорбек учун тикдириган кийимларини ўғлиға топширди. Отабек уста Алим билан бирга Марғилонға жүнади. Бундан сўнг Отабек Тошкандга қайтиб келмади, бир неча қайта Ўзбек ойимнинг ўзи Марғилон бориб келди.


1277-нчи йилнинг куз кезларида бўлса керак, Юсуфбек ҳожи Қаноатшодан¹ бир хат олди. Қаноатшо Авлиё отадан ёзар эди.

«Ўғлинигиз Отабек яна бир киши билан бизнинг қўшунга эди. Олмата устидаги ўрус билан тўқунишмамизда биринчи сафимизни шу икки йигит олди ва қаҳрамонона урушиб шаҳид бўлди. Мен ўз қўлим билан шкисини дағн этдим...»

Юсуфбек ҳожи хатми қуръон қилиб юрга ош берди, Ўзбек ойим қора кийиб таъзия очди.

Б и т д и.

¹ Қаноатшо — Ҳозирги Тожикистоннинг Қоратегинидан. Қўқон хонъарининг бир нечасида амири лашкар лавозимида, шунингдек Туркистон вилоятининг докими бўлган. Русларга қарши Курашганлардан. Бухорога залчи бўлиб борганда амир Музаффархон томонидан қатл этилади.



ЕЗГҮЧИДАН

Кейинги Марғилон боришишмда яқын ўртоқдардан Ёггорбек тұғриси-
ни сурештириб билдім: Ёггорбек ушбу асрнинг ўн түккүз ва йигірман-
чи очылқ ішләре миёнасыда вафот қылған, ундан иккі ўгул қолибдір.
Үгүлларидан биттаси бу кунда Марғилоннинг масъул ишчиларидан бўлиб,
шккинчиси Фарғона босмачилари орасида экан. Бу кунда ному нишон-
сиз, ўлук-тириги маълум эмас, дейдилар.

«ҮТКАН КУНЛАР»¹

«Үткан кунлар» романы қайси йили ёзила бошлагани ҳақида на муаллифдан, на бошқалардан бирон маълумот эшитганман ва ўқиганман. Лекин шундай далил бу масалани бир қадар аниқлашга ёрдам беради.

«Үткан кунлар»нинг айрим боблари 1923—1924 йилларда «Инқилоб» журналида босилиб турган. Масалан: «Отабек Юсуфбек ҳожи ўғли», «Хон қизига лойиқ бир йигит», «Бек ошиқ», «Марғилон ҳавоси ёқмади», «Киройи күявинг шундоғ бўлса», «Мажбурият», «Чакимчилик» каби боблар. Босилган боблар чуқаддимасида сўз боши («Ёзгучидан») берилиб, тагига «Тошкент, 1920 йил» деб тарих қўйилган. Бундан англайлардики, романга сўз боши 1920 йилда ёзилган. Демак, «Үткан кунлар»ни яратиш фикри муаллифда гарчи кўпдан туғилган бўлса ҳам ёзишга 1918—1919 йиллардан, яъни йигирма тўрт-йигирма беш ёшлардан киришганлари таҳмин қилинади.

Шуниси ҳам эътиборлики, романнинг журнал босмаларини китоб босмасига солишириб қаралса, баъзи таҳририй тузатишлардан қатъи назар, шундай бир факт кўзга ташланади: журналда босилган боблар номланмай фақат рақамланган; китобдагиси эса ҳар бир бобга ном кўйилган... Бундан кўриналики, биринчи роман бирданига ҳозирги ҳолга келган змас.

1932—1936 йиллар миёнасида Самарқанд давлат университетининг тил-адабиёт факултетида ўқиган Ёқуб Алиев исмли бор қўшнимиз бўларди. Ўзи мендан беш-олти ёш катта, унча-мунча шеър, ҳикоялар ҳам машқ қилиб юрар эди (1938 йили вафот этди). Ёқуб Алиев ёзги таътилда Тошкентга қайтарди-да, дадам билан сұхбатлашиш иштиёқида баъзан бизнигига ҳашарга чиқар, биргалашиб бор ишларига қарашар ва иш чори дадамга адабиётга оид турии саволлар берар, дадам эса унинг саволларига эринмай жавоб қайтарар эдилар. Шундай сұхбатларнинг бирида дадам «Үткан кунлар» романининг ёзилиш тарихини қўйидагича ҳикоя қилган эдилар:

«Қарийб ярим умрини хон замонларида яшаган, талай ўтмиш воқеаларнинг шоҳиди бўлган отам ёшлигимда қизик-қизик хотираларни сўзлаб бераради. Бу хотиралар менда тарихга қизикиш уйротди. Сўнгра ўша даврларимиз тарихига оид анча китоб манбалари билан ҳам танишиб чиқдим. Қўлим қаламга хийла келиб қолгач, менда ана шу ўтмишимиздан Farb романчилиги асосида каттароқ бир асар яратиш ҳаваси туғилди. Тарихий воқеалар бошимда шу қадар кўп, гўё қайнар, менга тинчлик бермас эдилар. Аммо бу воқеаларни қаңдай қилиб бир илга тизишни, қорозга туширишни тассавур қила олмасдим. Узоқ вақт ўйлаб, излаб юрдим

Кунларнинг бирида богимизга отамни кўргани эшак миниб шаҳардан бир чол меҳмон бўлиб чиқди. Меҳмонни мен танимасдим. У отамнинг эски қадрдени экан. Меҳмон қилдик. Отам шу чоғларда юз ёшларда бўлиб, меҳмон эса ундан беш-үн ёш кичик кўринар эди. Улар сұхбат қиларкан, қулоқлари оғирлашиб қолгани учун бир-бирларининг сўзларини яхши эшита олмас эдилар. Шу сабабли менга улар ўртасида тилмоч бўлиб, чой қуйиб ўтиришга тўғри кеди. Отам меҳмондан сўради: «Андижондаги хотинингиздан неча болангиз бор?» Уларнинг сұхбатидан мен англадимки, бу меҳмон тошкентлик бўлиб,

¹ «Отам ҳақида» китобидан олинди.

уйли-жойли, бола-чақали киши экан. Аммо ёшлиқ чөларидан сандо важи билан Аңдижонга бориб қолиб, у ерда күп йиллаб истиқомат қылған, Аңдижондан ҳам уйланиб, бола-чақали бўлган ва кексайгач, ўз шаҳрига қайтиб келган экан.

Меҳмоннинг ана шу соддагина тарихи менга чувалган ипнинг учини топиб бергандай, ёзмоқчи бўлган «Ўткан кунлар» романининг шаклини чизиб бергандай бўлди. Шу асосда бошимда воқеани аста-секин кенгайтира, ривожлантира бошладим Беш-олти ойлаб хаёл суриним натижасида романим ҳозирги шаклига келди ва қўлимга қалам олдим. »

Қодирий романни ёзишга ҳозирлик кўрганда фақат оғзаки эшиттан, китоблардан ўқиган манбалар билан чекланиб қолмайдилар, албатта. У киши асар воқелигини — ҳаётийлигини ошириш, тўғри тасаввур бериш мақсадида маълумот тўплаш учун Фарғона водийсига бир неча бор сафар ҳам қилдилар.

«Мен бир асар ёзишдан аввал шу ёзмоқчи бўлган нарсам ҳақидаги материалларни пухта ўрганиб чиқаман. Бирор жой тўғрисида асар ёзмоқчи бўлсан, ўша жойни неча марта баъзан эсам-да, яна бориб текшириб, яхшироқ ўрганиб келаман», — деб ёзган эдилар Абдулла Қодирий 1935 йили «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилган «Ёзувчи ўз иши тўғрисида» номли мақолаларида.

— *Менинг Фарғона шаҳарларига материал ишлар учун сафар қилган чөвларим жуда хавфли йиллар эди, — деб ҳикоя қиласилар баъзан ошлавий сұхбатларимизда, — бир гал, Фарғонага борганимда, чойхонага чой ичуб ўтирасам, тўсатдан милтиклар отилиб, чойхонани отликлар келиб ўради. Чойхўрларнинг баъзиси қочиб улгурса ҳам, кўпчилиги, жумладан мен ҳам куршовда қолдик. Чамаси отликлар чойхоначининг кўпроқ пули борлиги тўғрисида хабар топган эканми, тўғри бориб ён-верини тинтишди, бор-йўқ пулини олиб жўнаб кетишиди.*

Қодирий Фарғона шаҳарларига бориб, нималар қилган ва қандай материаллар тўплашни кўэдада туттганлар? У кишининг турли вақтларда бирон муносабати келиб айтган сўзларига кўра мен шуни англардимки, муаллиф шаҳар, қишлоқлар кезиб кўп яшаган, ўша даврни кўрган, эшиттан шахсларни излаганлар, улар билан сұхбатлашганлар ва асардаги ҳар бир ҳаракат ўринларини аниқлаган, мўлжаллаганлар.

— *Мен Марғонон кўчаларига юриб, карвонсарой, эски ўрда ўринларини белгиладим. Мирзакарим қутидор, Уста Алим, Ҳомид, Содиқлар уйини таҳминладим ва «Хўжа Маъз»да бир кечада тунадим, — дердилар дадам, баъзан ҳушлари келганда, бизнинг роман ҳақидаги майдада-чўйда эзма саволларимизга жавоб бериб, — «Хўжа Маъз»да ёлриз тунадим. Масжиқ айвонига узак ўтирадим. Ҳаммаёқ қорониши; одам деган гап йўқ... Бора-бора уйку босди. Ухлаб олмоқчи бўлдим. Бироқ ётиб кўз юма олмадим. Чунки туновчилар келтирганми, масжидга қандала кўп экан, чақавериб безор қилди. Ҳовлига тушуб ёттай десам, турли ҳашаротлардан хинф қиласидим... Ниҳоят тобутхонага кириб ётдиг...*

Қодирий асарни ишончли тасвиrlашга қанчалик эътибор берганлари ҳақида «Ёзувчи ўз иши тўғрисида» номли мақолаларида яна шундай мисол келтирайлилар: «Ўткан кунлар»ни ёзиш чоига Марғононга борганимда, бир кўчадан ўта туриб, намозшом маҳалига, дар қилинаётган зигирётнинг ҳиси бурнимга уриди, мен буни эса тутиб қолишга тиришдим. «Ўткан кунлар»нинг бир жойига шу кичкина детални киргизилганида, берилётган тасвирнинг яна ҳам одам ишонарли бўлиб чиққани эсимда..»

Мөхробдан ЧАЁН

Худоёрхон ва муншиилари ҳаётидан тарихии рўмон



РЎМОННИНГ МАВЗУЪИ ТЎРИСИДА

Туркистон феодалларининг кейинги вакили бўлған Худоернинг ўз хоҳиши йўлида дехқон оммаси ва майда ҳунарманд – косиб синфини қурбон қилиши, мамлакат хотин-қизларини истаганча тасарруф этиши, бунга қарши қелгучилар тиласа ким бўлмасин, раҳмсиз жазо бериши рўмоннинг мавзуигидир. Худоёрнинг бу йўлдаги биринчи истинодиҳи бўлған уламолар, уларнинг ички-ташқи аҳволи, ахлоқи, мадраса ва оила ҳаёти, уламода инсоний ҳис битканлиги ва қолғани ҳам хабосат¹ пардаси остида сезилмас даражага етканлини мундарижа сифдириған қадар баён қилинадир. Булар рўмоннинг номарғуб – манфий қаҳрамонлари. Иккиси тарафда мазкур қора кучларга қарши «тубан» синф – камбағаллар, уларнинг хонлик тузилишига, қора куч – уламо алайҳига² чиқиши. Меҳнаткаш камбағалларнинг ахлоқи, сажияси, оиласи, турмиши ва бир-бирига алоқаси, самимияти.

Албатта, мен бу сўнгги марғуб қаҳрамонларни ўзбек тарихининг ҳазми кўтартган қадар ўз ҳолича олишқа тиришдим. Уларнинг хон ва уламога қарши исёни табиъий – шаръийдир. Чунки шундан ортиги сохта бўлиши устига китобнинг қадрини ҳам тушурар эди. Шу икки синф курашини тасвир қилиш воситасида хон ҳарами, хотинлари, қирқ қизлар, тарихий ва этнографий лавҳалар, ўзбек ҳаёти, қизиқчилиги, танқидчилиги, ўзбек хотин-қизлари орасидари истеъдод, шоирлар, аз-киячалик ва бошқа яна кўб нуқталарни қамраб олинди.

Рўмонда яна бундан бошқа бир кўб жиҳатлар бор. Уларни бу ерда санаб ўлтуриш ҳожат эмас, улар муҳттарам ўқуручининг назаридан қочиб қутилмас.

Абдула Қодирий (Жулқунбой)
Тошканг, 1928-нчи йил, 5 феврал

¹ Хабосат – иопоклик.

² Алайҳи – ҳурматли

— Агар Фарҳоднинг Ширин, бўлса Мажнунларнинг Лайлоси
Насиб ўлмиш менга гулшан аро гулларнинг — Раъноси.
(Мирзо)

Агар ор этса Лайли ҳақлидир Қайснинг жунунидин
Не баҳт Раъно харидоринг талаб аҳдининг — Мирзоси.
(Раъно)

1. РАЪНОНИНГ ЭГАСИ

Солиҳ маҳдум бу кун одатдан гашқари ешилиб кетди, масжиддан чиқиб тўғри қассобиниг олдиға борди, бир тангалик гўшт, саккиз пуллик пиёз олиб ҳавлисига келди. Мактабда ҳусниҳат машқ қилиб ўлтургучи болалар ичидан иккитасини гулзорни супуриб, сув сепишса буюди ва ўзи гўштни кўтариб ичкарига кирди.

Нигор ойим ҳозириниң қизларни озод қўюб, кўкрак боласини бағрига олган эди. Раъно ҳавли юзида иккита укасининг ўртасига тушиб, уларнинг лой ўюниға иштирок этар, ер супуриб ётқан соч ўрумларининг тупроқда белашканидан хабарсиз эди.

Гўшт кўтариб йўлақдан кирган Солиҳ маҳдумнинг кўзи Раъононинг шу ҳолига тушди:

— Балли Раъно, ана жиннилик! — деди Маҳдум, — атлас кўилак сенга ҳайф, сенга бўздан бошқаси албатта ҳайф!

Раъно ўрнидан турди, дадасидан уялиб лойлик кўлларини орқасига яшириди.

— Уят эмасми, юв кўлингни, юв! Укаларингни бола десам, сен улардан ҳам ошиб тушасан!

Раъно югуриб ариққа кетди. Нигор ойим ўлтурган жойидан «Раъононинг ақли тушсин» деб кулиб қўйди. Солиҳ маҳдум ҳануз Раънодан койиб келар эди:

— Ишинг бўлмаса китоб ўқи, ҳусниҳат ол, сен кулолнинг қизи эмассанки...

Солиҳ маҳдум гўштни Нигор ойимнинг ёнига қўюб, ўзи зина билан айвонга чиқди.

Маҳдум томонидан Раъононинг тергалиши Нигор ойимни унча машғул этмади. Аммо ҳозир унинг кўнглига келган масала эрининг чиқим важига фавқулодда ешилиб кетиши эди. Тўғри, Нигор ойимнинг ошхонасига шунингдек бир неча чораклаб гўшталар кўб келар эди, фақат эри томонидан эмас. Солиҳ маҳдумнинг жўмардлиги кўпинча йигирма пайса¹ этдан нариға ошмас, шунда ҳам болалардан мўмайроқ «озодлик» келиб қолса ёки «панжшанбалик» куткандан ортироқ тушса.

Шунинг учун Нигор ойим бу жўмардлиқ ҳақини эрига бералмади:

— Гўштни кўброқ олибсизми... Анвар буорғаними? — деб сўради.

¹ Пайса — таҳминан 50 грамм.

— Йўқ, — деди маҳдум салласини қозиқقا ила-ила. — бир манти қилайлиқ, — дедим, — манти еганимизга кўб бўлди, валлоҳи аълам...

Раъно ювиниб келди, дадасига уят аралаш бир қараб олди-да, Нигор ойимнинг ёнига ўлтурди ва онасининг бағрида эмиб ётқан чақалоқнинг кичкина мимит қўлларини суюб ўпди.

Солиҳ маҳдум ешиниб келиб, она-боланинг устида тўхтади.

— Сен мундан кейин кичкина бўлмайсан қизим, Раъно, — деди маҳдум насиҳатомуз, — шу укаларинг билан қилиб ўлтурған ишингни киши кўрса нима дейди. Иншооллоҳ, уй эгаси бўлишға яқинлашиб қолдинг. Энди тош-тарозуни ҳам шунга қараб қўйишинг керак, қизим.

Раъно қизариниб онасиға қаради, яна мимит қўлни ўпишкага машғул бўлди.

— Раъони эгасига топширмагунингизча, — деди Нигор ойим, — қуюлмайдирғанға ўхшайдир.

Бу сўздан Раъно уялиб, бошини чақалоқнинг бағриға тиқиб олди. Солиҳ маҳдум кулимсиган кўйи даҳлизга юруб борди ва оёғини кафшига узатди.

— Тур, ётма Раъно! — деди даҳлиздан, — гўштни онангға тўғраб бер, пиёзни арт! Анвар аканг ҳам келиб қолар, таом асрға тайёр бўласин!

Раъно дадасини узоғлатиб, бошини кўтарди, онасиға ўпка аралаш кулиб қаради. Унинг бу қарашидан онасининг бояри сўзига қарши ризосизлик онглашилмас, балки шодлиқ маънолари ўқулур эди. Дарҳақиқат, эр-у хотин ораларида ўткан икки калима сўз шу оила гулшанида ўскан Раъононинг истиқболини очик белгилар эди Нигор ойим «Раъони эгасига топширмагунингизча...» деб гарчи бирмунча қўполроқ таъбир билан бўлса ҳам «Раъононинг эгаси» борлигини сўзлар. Раъно эрса «эгаси»нинг ким эканлигини яхши билгани ва уни қанот қоқиб қарши олғани учун жоду кўзида ризосизлик эмас, сурур маънолари ўйнатар эди.

Дадасининг — «Анвар аканг ҳам келиб қолар, таоминг асрға тайёр бўласин!» жумласи Раънога яна очик, яна равшан таъминот берар эди...

2. АМИР УМАРХОННИНГ КАИЗИ

Солиҳ маҳдум 1230 – 1290 нчи ҳижрий йилларда «Ҳўқанди фирдавсмонанд»да яшаган бир муаллим ва имом, ўз замонасининг истилоҳи билан айтканда «мактабдор домла»дир. Солиҳ маҳдум синфи жиҳатдан уламо оиласига мансуб бўлиб, бобоси Олимхон ва Умархон даврларида муфтилик, қозилиқ мансабларида хизмат қилған, отаси эрса Қўқоннинг Мадали (Муҳаммадали) хон⁴ мадрасасида неча йиллар мударрис бўлғандир. Қисқаси маҳдумнинг ота-боболари хонлар қошида мумтоз

Истилоҳ — атама

Олимхон Норбуتابий ўвали (1775 – 1811) 1798 – 1811 йилларда Қўқон хоти бўлғац

Умархон (1785 – 1822) Олимхоннинг укаси 1811 – 1822 йилларда Қўқон хоти бўлғац

⁴ Мадалихон (Муҳаммадалихон) Умархон ўвали (1806 – 1842) 1822 – 1842 йилларда Қўқон хоти бўйтаг

ва халқ назарида «шарафлик ва мұхтарам» мавқиғи ушлаб келгандар. Бироқ ну мұмтоз силсила бизнинг маҳдумгача етиб келалмай, Мадалихоннинг қатли билан бирга кесилган, бунинг можароси эрса қуидағи-чадир:

Туркистан хонлиги тарихидан хабардор кишиларга маълумдирким, Амир Умархон охир умрида ўз саройидаги ёш канизлардан бирига мұхаббат қўядир Каниз ёш бўлғанлиги ва балоғатка етмаганилиги учун уни никоҳига ололмай вақт кутадур. Шу кутиб юриш йилларида Умархон муродига еталмай вафот қиласадир, таҳтка ўғли Мадалихон мина-дир. Орадан бир неча йиллар ўтиб бояғи каниз қиз балоғатка эриша-дир ва бир ҳуснига ўн ҳусн қўшулиб отанинг боласи бўлған Мадалихонни ҳам ўзига ошиқ қиласадир. Ўз саройида ўскан бу қизни ёш хон ҳамиша кўз ўнгидага юритса ҳам бироқ... тарихининг бизга хабар бери-шига қарағанда Мадалихон шу қизнинг дардидага неча йиллар ёнадир. Чунки уламолар бу гўзалини Мадалига она мақомида ҳисоблаб, нима учундир хоннинг орзусига кўндаланг келадирлар:

«Отангиз, агарчанди канизни ўз никоҳларига олмаған бўлсалар ҳам ва лекин балоғатка эришкоч оларман, деб ният қиласадир. Бинобарин, бу каниз сизга она мақомида, шариъат рухсат бермайдир!» дейдирлар.

Мадалихон бу фатводан кейин дардини ичига ютишга мажбур бўлиб, аммо иккинчи тарафдан ўзининг орзусига қарши борған уламони се-кин-секин «илмий» ишлардан олиб улар ўрнига янгиларини қўя бош-лайдир. Ўз орзусига замин ҳозирлағач, бир неча йилни ўткариб, яна уламонга шу тўғрида фатво сўраб мурожаат қиласадир. Табиъий, яқинда-гини оғзи ошқа еткан янги уламолар ўз валийи неъматлари бўлған Мадалихонига хиёнат қиласадирлар-да:

«Ба нағди мужтаҳидини киром асли эътибор ақди шаръийдир.¹ Отангиз марҳум – никоҳланаман деб айткан бўлсалар ҳам никоҳлан-дим, деб айтмаганлар. Бас, амирал мўъминин мазкурани худ нафсла-рига² ақди шаърий³ қиласалар жоиз ва дурустдир. Валлоҳи аълам бис-савоб», деб фатвономани «бинни муфти марҳум», «бинни мударрис марҳум», «бинни Ҳўқандий марҳум» – мұхри баҳайбатлари билан қалашдириб берадирлар ва Мадалихон тўй ва томошалар билан мурод-мақсадига етадир...

Кимларнинг воситаси биландир мазкура гўзал канизнинг таърифи Бухоро амири – амир Насрулло – (Ботур)⁴ хонға етиб, ул ҳам илга-ридан ҳалиги канизга ғойибона ошиқ бўлған эди. Аммо қайси йўл билан бўлса ҳам шу канизни қўлға киргизиш фикрида бош оғритиб, нос чакиб юрган Ботирхоннинг қулогига бу хабари жонсўз⁵ етиб ду-моғидан дуд чиқадир ва дарҳол Букоропинг забардаст уламо, муфти,

¹ Ба нағди мужтаҳидини киром асли эътибор ақди шаръийдир – курматта лоник дин алломаларининг назарича асосий эътибор шариат қонувларига қаратилиши керак

² Ҳуд нағсида – ўз нағсида

³ Ақди шаръий – шаръий никоҳ.

⁴ Амир Баҳодир (Ботур) – Насруллохон (1826–1860 ийларда хонлик қиласадир) назарига айтилувчи лақаб.

⁵ Жонсўз – жон ўртоғчи, азоб берувчи

аълам, ҳоказо ва ало-ҳозалқиёс пешволарини ўз ҳузурига чорлаб, дар-ғазаб воқиъани сўзлаидир ва улардан дарҳол бир «фатвойи баҳайбат»-ни талаб қилғанида уламойи киром ҳам дарон ботаҳорат-бетаҳорат, масалани эшитар-ешиитмас фатво ёзадирларким:

«Бир жамоа мўминларга амир бўлған зотнинг вазифаи шаръийси шулдурким, исломда устивор турғай, аҳкоми исломни¹ камокон² ижро қиласай. Ҳар бир амириким аркони исломдан³ заррача юз ўтурса, ул кимарса жамоаи ислом устига амир эмас, шарирдир.⁴ Наузанбillaҳ-ким Фарғона ва Туркистон мамлакатининг алҳол⁵ амири бўлған Муҳаммадалихон волиддининг⁶ манкуҳаси,⁷ яъни волидай айни ва ризоъисини⁸ ўз ақдиға олибдир, наузанбillaҳи, наузанбillaҳи. Оят ва аҳодиси шарифа ва ба чаҳори мазҳаб⁹ ва ба назди мужтаҳидини киром ва уламои зул-эҳтиром¹⁰ муттафақун¹¹ алайҳи коғирдир. Казолика¹² ўшандор муртаддинг қатли аввало дигар¹³ ислом амирларига ва баъд аз¹⁴ барча мўъминларга фарзи айнадир!»

Дарвоқиъ «холисона» бу фатвога амир Насруллохон «бетарафона» қиймат бериб, «дин йўлида холис бир жиҳоди акбар»¹⁵ деб жамиғи қўшунлари билан Фарғона устига юриш қиласадир. Амири Насруллонинг бу «холисона» жиҳоди Туркистон хонлиги томонидан қандай муқоваматларга¹⁶ учради ва икки тарафдан қанча бошлар кесилди, албатта бу тўғрида бизнинг ишимиз йўқдир. Фақат бу можародан бизга кераклик нуқта шундаким, натижада Мадалихон шикаст топди, ҳам амири Насрулло томонидан қатл қилинди. Мадалихонға фатво ёзib берган Қўқон уламоларидан бир нечалари ҳад урулдилар¹⁷ ва бир нечалари қочиб қутулдилар. Амири Насрулло бўлса Фарғона ҳукуматига ўз кишисини кўйди, фатҳу нусрат¹⁸ билан канизни олиб Бухорора қайтди.

Мақсадга келсак, Мадалихонға фатво ёзib беришда иштирок қиласан ва Насрулло томонидан ҳад урулған уламоларнинг бири шу биз-

¹ Аҳкоми ислом – ислом ҳукмлари, қонунлари.

² Камокон – бекаму кўст.

³ Аркони ислом – ислом рукнлари, асослари.

⁴ Шарир – емонланк қилювчи, зараркунанда

⁵ Алҳол – дозирги, бутунги.

⁶ Волид – ота.

⁷ Манкуҳа – никоҳли хотин

⁸ Волидай айни ва ризоъи – ўзи ва эмитган онасини олибдир .. (муал.).

⁹ Ба чаҳори мазҳаб – суннӣлик йўналишидаги шаръиатнинг ҳанафия, маликия, шофиъия, ҳанбалия мағълублари.

¹⁰ Зул-эҳтиром – эҳтиром ёғаси.

¹¹ Муттафақун – келишишган.

¹² Казолика – шуннинг учун.

¹³ Дигар – бошқа, ўтга.

¹⁴ Баъдат – кейин, сўнг.

¹⁵ Жиҳоди акбар – узут юриш, уруш.

¹⁶ Муқовамат – қаршилик.

¹⁷ Ҳад урмоқ – жаллод томонидан жазоланувчининг умуртқа поронасига шикаст бериш, паралиж қилиш.

¹⁸ Фатҳу нусрат – галаба

нинг Солиҳ маҳдумнинг отаси эди. Ҳад урулғандан сўнг кўб яшомали, ўлди ва шунинг билан бу оиланинг бурунги имтиёз ва шарафи ҳам битди. Чунки мундан сўнг Туркистон таҳтига ўлтурган хонларнинг ҳаммалари деярлик Бухоро амирининг ҳимоясида каби эдилар. Ва Мадалихоннинг фатвосига иштирок қилған уламолар ҳамиша эътиборсиз, мардуд¹ бўлиб қолдилар.

3. МАҲДУМНИНГ УЙЛАНИШИ ВА МАКТАБДОРИГИ

Солиҳ маҳдум отасининг вафотида йигирма ёшлиқ талаба эди. Отаси марҳум бўлғандан сўнг ўзидан бир неча ёш каттароқ оғаси Марғилонга имом бўлиб оиласи билан кўчиб кетди. Солиҳ маҳдум онаси ва ўн олти ёшлиқ Наъима исмий синглиси билан Кўқонда қолди. Бирар жойдан келим бўлмаганиликдан бу оила кўб тангликка тушиб охирда Солиҳ маҳдум таҳсили тарқ этишкан, қорин тўйдирарлиқ бир касб излашкан мажбур бўлди.

Албатта, Солиҳ маҳдум оғирроқ касбни уҳда қилолмас, имоматка бўлса соқоли чиқмаганиликдан яролмас эди. Кўб озор чекиб ниҳоят қориндош-уруг ва маҳалла кишиларининг кенгашлари билан ўз уйига мактаб очди, маҳалладан беш-ўнта бола йиғди ва енг шимариб мактабдорликка бошлиди.

Бир неча йил мактаб ривожга миннади, яъни болалар ўн беш-йигирматадан нариға ўтмай, «панижшанбалик» аранг рўзгорға етиб гурар эди. Маҳдум ва оиласининг шундан бошқа даромад манбаълари бўлмагани учун ҳарҳолда, яна шунга қаноат қилмоққа мажбур эдилар.

Ўгул йигирмага, қиз ўн бешка етдими – оналарнинг дарди келин ва куяв савдоси бўлиб қоладир. Шунга ўхшаш маҳдумнинг онаси Моҳлар ойимнинг касали гўё «дард устига чилқон» эди: маҳдумнинг ёши йигирматадан ошти, Наъима ҳам ўн саккизга тўлди, яъни келин ҳам керак, куяв ҳам. Наъима тўғрисидан ташвиш йўқ, ҳусн, одоб, юмиш, ҳаммасидан кўнгил тўқ, бек бўлмаса – бекзода, мударрис бўлмаса – мукаррир.

Аммо маҳдум масаласи бироз мушкироқ эди. топиш-тутиш маълум, отасидан қолгани фақат ички ташки ҳавли, мундан бошқа ҳеч гап. Бас, Моҳлар ойим ўз тириклигида маҳдумнинг «бошини икки» қиласаса, ўзидан сўнг унинг уйлана олиши амри маҳол. Шуни кўзда тутиб Моҳлар ойим маҳдумнинг уйланишига мазкура Наъимани восита қилмоқчи бўлди. Яъни Наъимани узатиб эвазига узатилаган жойдан келин олмоқчи эди. Қарши қуда бўлмоқ учун қизлиқ ва ўгуллик ҳавлини учратиш ва бунинг устига «насл-у насабда текислик», олинадирган келиннинг силлиқина бўлиши – ана шундай мушкилотлар орқасида икки йил чамаси Наъиманинг умри саргайиб ўтди. Юрган эмасми, дегандек юртчилиқда юрак оғриғига даво топилмай қолмас. Шунга ўхшаш Моҳлар ойимнинг яраси ҳам ниҳоят учунчи йилда давосини топди:

Мардуғ бўлмоқ – Кувилмоқ.
Мукаррир – ассистент.

Хон ўрдасининг мутаваффо¹ мирзоларидан биттасининг мадрасада ўқуб юрган ўти бор эди ва уйида чақич чайнаб ўлтурган ўн олти ёшлиқ қизчаси ҳам бор эди. Бу оила Моҳлар ойимнинг таклифини маълмамнуният қабул этди. Чунки «ўхшатмай учратмас» дегандек нариги тараф ҳам Моҳлар ойимнинг биттаси эди. Совчилар Наъимани ёқтириб, Моҳлар ойимнинг таклифини қабул қилиб кетдилар Моҳлар ойим марҳум мирзонинг уйига қиз кўргали бориб ул ҳам «қизи жажжигина экан» деб келди. Кувалар кўрулиб улар ҳам зарарсиз топидилар. Шарту шароит сўзлашилди: икки орада қалин-палин деган гаплар йўқ, ҳар ким ўз улушкига тушкан ош-сувини қиласидир, келинни ўраб чирмаб оладир, вассалом.

«Ҳай этти, хуй этти, икки коски тўй этти» деганлариdek ҳар икки тўй ҳам бир ҳафта ичида ўтги, Наъимахоним уёққа кетиб, Нигорхоним буёққа келди. Шундай қилиб Солиҳ маҳдум хотинлиқ бўлди.

Солиҳ маҳдумнинг мактаб иши ҳам учунчи йилдан бошлаб бир оз жонланған, болалар ҳам ўтгуз-қирққа еткан эдилар.

Солиҳ маҳдум ўтгуз ёшларға борғанда мактабдорлири ҳам яхшиғина шуҳрат топадир, шогирдлар сони бир юзга етадир. Мехмонхона торлиқ қиранлиқдан мактаб учун маҳсус бино ёпадир, ичло, иншо ва ҳусниҳат машқи учун алоҳида хона айирадир. Маҳдум ёлғиз шунинг билангина қаноатланмай хотини Нигорхонимни ҳам ишқа соладир, яъни унинг саводини тузатиб «отин биби» қиласидир. Икки-уч гузарнинг қизлари Нигорхонимнинг сабогига йигиладирлар. Қисқаси, маҳдум мактабдорлиқда яхши шуҳрат қозонғанидек, уй-рўзгорини, юриштуриш, кийим-солим ва бошқа тарафларини ҳам гузатиб оладир.

Қирқ ёшларида маҳаллага имом бўладир ва мактабини яна ҳам кенгайтириб, шу даҳанинг ҳар бир табақаси ичида «устоз мулла Солиҳ маҳдум» бўлиб таниладир. Масалан, ўзида савод чиқарған косиб, савдогар, муллабачча (мадраса талабаси) ва шунингдек янги бўғимларга устозлик унвонини оладир. Ҳатто кейинги вақтларда унинг шогирдларидан хон ўрдасигача бориб кирганлари бордирким, маҳдумнинг бу муваффакиятини бошқа бобларимизда ўқурсиз.


4. МАҲДУМНИНГ БАЪЗИ ХИСЛАТЛАРИ

Юқоридан ўқуғучига бир даража онглашилган бўлса керакки, яқин йигирма йиллардан бери маҳдумнинг келими шаҳар ёки қишлоқ, сўраб турған бир бекча бўлмаса-да, ундан қийироқ, ҳарҳолда шаҳар мадрасасида дарсгўлиқ қилиб, вақфни ўз қабзига² оларан бир мударриснинг тушибидан албатта кўб. Келимнинг шу йўсун яхши бўлишига қарамасдан унинг табиъатида ҳарчанд тиришилса ҳам маҳтаб бўлмайдирған хусусиятлар бор: хасисликка ўхшаган ҳолат, ташаъгирилик каби одат, ичқоралиқ сингари ҳаракат ва амсоли...

¹ Мутаваффо – вафот итан.

² Матъамамнуният – мачнуният билан

³ Қабі – тутам, чантал, ости.



Ёш чорида отаси ўлиб, қаттиғчиликда ўсди, унинг баъзи ярашмаран ҳаракатлари балки ўша қаттиғчиликнинг руҳка сингиб қолған ёмон таъсиридир. Ҳарҳолда бизнинг мундаги вазифамиз маҳдумни таҳдил қилиш эмас, балки унинг шахсига хиёнат ва бўхтон қилишдан сақла-ниб, яъни ортдирмай ва камитмай ўқуғучига бутун тақдим эта билиш-дир.

Ойни этак билан яшириб бўлмайдир. Маҳдумнинг хасисликка ўхшаш ҳолатлари албатта бор эди. Маҳдум топиб-тутмаған йилларда бу ишни йўқлиқдан қиласидир, десак-да, кейинги вақтларда ҳам шу одатини тарк этмагани учун табиъатида бирмулча хасислик бор экан, деймиз.

Кўйлак-иштонининг аксар етти-саккиз жойидан ямоғи бўладир. Етти қишдан бери гуппи – чопон янгилагани маълум эмас, фақат қишил келиб кеткан сайин алак гуппининг енги ўзгарибкина турадир ва астарни йил сайин янгидан янги ямоқлар билан бойийдир, шу гуппи бутун умрида биргина мартаба ва шунда ҳам маҳдумдан беруҳсат аммо. Ни-гор ойимнинг зўри билан тоғораға тушиб чўмилди. Бу кунда бўлса тўрт йил бурунғи гусли,¹ етти йиллик тузи, турлиқ-турлиқ ямоғи билан саккизинчи қишил маҳдум поччасига содиқона хизмат қилиш учун бўтжома ичида ўзига куч йигиб ётадир. Маҳалла ҳазилмаңдлари маҳдумнинг бу чопонира «молтопар» деб исм берганлар, гуппи кийилиб чиқиған кун маҳдумга сездирмай «молтопар» савдодан қайтибти... ҳали бакувват, иш қилиб ямоққа чарчамасанг яна ўн йиллингми, Мамарайим!» деб кулишадирлар.

Қисқаси: беш-олти қайта бошлатилиб қўнжи бир қарича келган айбаки- маҳси, чарми уст-устига уюлиб ердан уч эллик чамаси кўтарилиган икки чорак вазнлик кафш, ёши маҳалла кишиларининг қўбларига маълум бўлмаган, ҳарчанд эҳтиёт қилинса ҳам неча жойидан попилтириги осилған оқбўз салла маҳалла кишиларининг эрмаклари-дандир. Булардан бошқа ҳайт кунлари ва тўйлардагина кийиладирган банорас тўни, совук қаттироқ бўлғандан ичидан киядирган адрес гупписи ҳам бор. Маҳалла ҳазилмаңдлари банорас тўнни «зарурат» деб атаван бўлсалар ҳам, адрес гуппига ҳали ном қўйгунча йўқлар, чунки бунинг дунёға келганига фақат тўрт-беш йилина бўлғандир.

Кези келганда маҳдумнинг ёзлиқ кийимларини ҳам бир сидра айт-тиб кетайлик: йўллук, қизил қалами бўздан яхтак, оқ, бўздан жиҳақ ёқалиқ кенг кўйлак (чунки тор бўлса йиртиладир) ва лозим (яъни иштон) ҳамда сарпойчан кийишкага енгилча сағри² кафш, аммо салла қишин, ёзин битта.

5. ОИЛА ВА КИШИЛАР БИЛАН МУОМАЛА

Маҳдум оиласини ҳам кийим-кечак важидан ўзи каби гутар эди. Кийим-кечакдагина эмас, ҳатто озиқ-овқат тўғриларида ҳам унинг анчагина келишимсиз қилиқлариға йўлиқилар эди. Масалан, бир ой

¹ Гусл – юваниш.

Айбаки – мол терисидан ишланган сифати паст чарм.

² Сағри – от терисининг дуч томон қис мидин таисерланган чарм

тўлмасдан кир ювишга рухсат бермас, агар Нигор ойимнинг бир ойсиз кир ювғанини кўриб қолса — «кийимни тогорада чурутасан!» деб, ғовға солар эди. Йкки ҳафтасиз паловни кўрмаслар (озодлик ошлари, албатта мундан мустасно), кўб овқатлари убра, туппа, мастава, қўғурма шўрба бўлар эди.

Нигор ойимнинг қозони йўқча, елча гўшти фақат палов шарофати билангина кўрар эди. Лекин маҳдум баъзи нарсалар билан ошхонани яхшигина мўлиқдирар, масалан: шалғам, қовоқ, лавлаги. Бу тўғрида хотини ҳарчанд рад қиласа ҳам, қоплаб шалғам, йигирма-ўтгузлаб қовоқ харид қилишини кўймас — «шалғам — Биби Фотима Зуҳранинг дуолари баракати, қовоқ бўлса ҳазрати Юнуснинг мўъжизалари», деб баҳоси арzon ва лекин хосияти кўб бўлған бу маблағлар¹ билан ошхонани тўлдира берар эди. Ҳар ҳафта бир-икки мартаба қовоқ сомса ёпдирмай қолмас, аммо — «ёғни кам сол, қовоқнинг таъмини бузадир!» деб таъкидлашни ҳам унутмас эди. Уйда нон ёпилмаганидек, бозордан ҳам сотиб олинмас, чунки, панжшанбалик нон етиб, ортиб ётар, ҳатто баъзи вақтларда бозорга ҳам чиқар эди.

Маҳдумнинг ўқуғучи болалар билан муомаласи жуда яхши эди. Савогини билмаган ёки шўхлик қилған болаларни ҳар қанча сўкиб, койиса, дўқ уриб, давара қиласа ҳам урмас, бу жиҳат билан бутун Қўқон болаларининг муҳаббатларини ўзига жалб эткан эди. Аммо «озодлик» масаласида болалардан ҳеч кимни ҳам афу этмас, бой боласига «озодлик» лозим бўлған бўлса, албатта ундиришка, камбағал боласидан мумкин қадар узиб олишга ҳаракат қилас; болалар Ҳафтияқ, Куръон, Сўфи Омлоёр ва шунга ўхшаш китоб бошлиласалар озодлик мажбурий, мактабдан мәъзун² бўлғанларнинг зиёфат қилиб маҳдумга сарупо беришлари қоидада бор бўлса ҳам, лекин аксар болалар бу тўғрида домлани — «ана-мана» билан алдаб кетарлар, сахийроқ оталар бу маросимни адо этиб «устоз»ни рози қилмасалар, кўбчилик маҳдумни ранжитар эдилар Панжшанбалик бўлса мактабнинг асос ҳаққи ва булардан бошқа «Кулёға қўймок — Аммаға бўғирсоқ — Ёсинға юпқа»³ деган гаплар ҳам бўлар эди. Болалар ҳар йили бир марта «бўрё пули» ва ойига бир неча бора «супурги пули» ҳам тўлаб турадар эдилар.

Маҳдум мумкин қадар болаларни ўз мактабига жалб қилишга тиришар, айниқса, бой ва бек болаларни ўз қўлиға олиш учун ҳар бир чорани кўрар эди. Масалан, бой ва аъёндан бирининг ўғли бошқа мактабда ўқуб юрган бўлса, уни болалар воситаси билан ўз мактабига чақирап, нима ўқуғанини, нималар билганини сўрар, бола савоғидан яхши жавоб бералмаса «сиизда айб иўқ, ўслим, устозингиз бироз шундайроқ одам... хўб, хўб; бизнинг мактабларга ҳам келиб юринг! Мен ўзим сизни жуда дўст тутаман-да!» дер эди. Табиъий, боланинг шу кундан бошлаб ўз домласидан кўнгли совур, тез кунда маҳдумнинг мактабига келиб кирап эди Баъзи вақт чет мактаб болалари билан

¹ Маблағ — бойлик.

Маъзун — рухсат, изн олган.

² Кулё — «Кулё айюҳал-коғириң» ояти билан бошланувчи сурा.

Амма — «Амма ятасоалун» ибораси билан бошланувчи сурा.

«Ёсин» — сураси

шундай муомалани кўчаларда ҳам қилар ва ўғли бўлган бой ва ашрофларга ҳам жуда сертакаллуф, хоксорона салом бериб, танимаса ҳам улар билан сўрашар, нечта ўғли борлигини ва уларнинг ўқуб-ўкумаганлиқларини, ўқушга ихлосларини текшириб, ўзининг таълимида қўлланған енгил усулларини ҳам бирмунча тиқиллатиб ўтар эди. Табиъий, маҳдумнинг бундай харакатлари кўпинча фойдасиз бўлмас, мактабига янгидан янги шогирдлар тўпланиб турар эдилар.

Ўз қаторидаги мактабдор домлаларни асло кўралмас, уларга қарши юрагида умрлик кек сақлар эди. Баъзи мажлисларда йўсуни келиб қолса – «ҳа, мулла фалончими, кўб болаларнинг умрини зойиль қиляпти, деб эшитаман.. шогирдларидан бир нечаси шикоят қилишиб менга келишкан эдилар. Қандай қилай, шогирдларим ўзимдан етиб ортсалар ҳам умрлари зойиль бўлмасин, дедим», дер ва эшиткучиларга сездирмай рақибини чимчилар; кези келди дегунча иккинчи мактабдор тўғрисида шу йўсун замзама сўзлар эди.

Маҳдум бўйчан, олагўшт, сийрак мўй, оқ тан, истараси иссиғ бир домла эди. Ёши эллидан ошқан, соч ва соқолида бирмунча оқлар кўринар эди. Киши билан сўзлашканда, айниқса, бир нарсадан таажжубланганда сийрак ва лекин тўғри, бақувват ўскан соқолини тутамлаб, ўнг кўзини бироз қисиб қарап, одат қилғандан бўлса керак, тап орасида «ҳабба» деган сўзни кўтироқ ишлатар эди. Домланинг бу «ҳабба»си нима маънода қўлланилар, ўзидан бошқа ҳеч ким билмаганидек, ундан бу тўғрида изоҳ ҳам сўрамаган эдилар. Ҳарҳолда «ҳабба – ҳабали» ёки «ҳа, баракалла» бўлса керак. Чунки ул бир нарсадан хурсанд ва рози бўлғанда аксар «ҳабба» деб юборадир.

Шу ергача бир неча саҳифаларни маҳдумнинг таърифи билан тўлдиридик. Эҳтимолки, домланинг фийбатини ҳам қилдик ва қилармиз. Лекин шунисидан хотиржаммизки, йўқни йўндиримадик, маҳдумнинг шаънида бор гапларнигина ёздик ва ёзармиз. Маҳдумнинг ҳамма нуқсонини ювиб кетарлик бир жумладан сўнг яна ўз ишимизда бўламиз: нима бўлғанда ҳам маҳдум ўз замонасининг энг олдинги домлаларидан, Кўқон аксариятининг саводхон бўлишларига сабабчи устозлардан, ҳатто улуғ хизматларга киши етишдириб бергучи нодир муаллимлардан эди

6. НИГОРХОНИМ

Нигорхоним бошда эрдан ёлчимади. Аввало эрининг фақирлиги, бойигандан сўнг бўлса унинг зарбулмасал бўларлиқ ҳасислиги бечорани кўб йиғлатди. «Хотин кишининг боши уй ичининг оғир тоши» эмиш... Ҳозир ўзи қирқ ёшқа кирган бўлса, йигирма беш йилдан бери шу мумсук эр билан тириклиқ қилиб келадир. Бу кун ўн етти ёшлиқ Раъно каби қизга, саккиз ёшлиқ Маҳмуд (Раъно билан Маҳмуд орасида икки бола нобуд бўлған), олти ёшлиқ Мансур ва бешиқдаги Масъулларга она бўлди.

Нигорхоним Кўқоннинг кўб хотиналирига қарағанда сабрлик ва қаноатлик экан. Дунеда ўз ўғлининг ҳасислигига чидалмаган она бўла-

дими, ҳолбуки маҳдумнинг онаси – Моҳлар ойим ўғлиниңг бу қадар ихна¹ ва сиқиқлиғига тоқат қиломай норозилиқ юзасидан Марнилондаги ўғлиниңг ёнига кўчиб кетиб, ўша ерда вафот этди. Нигорхоним эрса тишни тишка қўйди, эримдан яйраб-яшинаған бўлсам, қизимдан ва олдимға қўйған ўғулларимдан ёлчирман, деб умидаланди. Дарҳақиқат, сабрлик бу хоним ҳозирданоқ шу ўз олдиға қўйған болаларининг бири ва тўнгучи бўлған Раъносининг туғайлидан бир қадар рўшнолик кўриб бошлади ва ойнинг ўн беши қоронги бўлса, ўн беши ёруғ эканига ишонди.

Бир ямоқчи ёки мардикорчи ўз хотинини урадир, сўқадир, тепкилайдир. Бу ҳол уларда аксар фақирлиқ авжига мингани кезларда воқиль бўладир Агар ямоқчи кекираврлик даражада томоқни болта қиласа, иши ўнгидан келиб истиқболи бирмунча таъминлангандек бўлса, дарҳол вазият ишонмаслиқ равишда ўзгариб кетадир: гап-сўз жойида, хотинни уриш ўрниға орқасини силаш, сўкиш ўрниға ялиниш ва арзи муҳаббат. Хотин ҳам кечаги калтак зарбини унуткан, кина ўрниға садоқат; гёй айтарсизким, Юсуф Зулайхоларми деб.

Юқори табақа оиласларга кириб қарасақ, мунда тамоман бошқача манзара кўрамиз: қорин тўқ, бирар нарсага эҳтиёж йўқ, истиқбол таъмин ва лекин бояғи фожигъя буларда кучлирак, шунинг каби бу фожиъалар муваққатий² ҳам эмас, сабабини топиш ҳам қийин. Яхши, ямоқчику ярамас тузулишқа қарши бўлған кекини кўзи тиниб хотинидан олған эди. Аммо кейингиларнинг турмуш шароитлари яхши, ҳамма нарса ўз орзуларича, бас, шу ҳолда уларнинг уй можаролари ва болачани ит каби сиқишлиари нимадан?..

Шунга ўхшашиб бизнинг маҳдумнинг ҳам ғояси бирни икки қилиш, бешни ўн қилиш эди. Яхши кечиниш учун турмас, аммо кўпайтириш учун яшар эди. Нигорхонимни урмас ва лекин ургандан беш баттар қилиб сиқар эди. Икки юз тиллодан кўб оқчаси (бу оқчаларни ҳусули³ тўғрисида кейин сўз бўлур) ва саводлик бўлған болалар зиёфатидан кийган икки сандиқча сарпоси бор эди. Олтундан сарф қилмараманида ҳам лоақал шу кийимликлардан на хотинини ва на болаларини фойдалантирас ва на ўзини ихналиқдан кутқарар эди. Буни ҳам қўниб турдайлиқ, Нигор ойим йигирма-ўттуз қизни ўқутиб улардан тушкан «озодлик» ва «панжшанбалик» пулларга ҳам эга бўлолмас, ҳар кун деярлик муҳтарам маҳдум поччага ҳисобини батамом топшуриб туришқа мажбур эди. Маҳдум бунинг эвазига ҳар йил бозорнинг энг дағал бўзидан бир пар кўилак, лозим олиб берар, янги гуппи билан ёзлиқ мурсакни бўлса, Нигор ойим беш-олти йилсиз кўрмас эди.

Нигор ойим қисқа бўйлик, писта пўчоқ тарғил кўзлик, зарча танлиқ, юзидағи онда-сонда чечак ўрунлари бўлмагандан ҳусндор бир хотин эди. Ўз болалари билангина эмас, ҳатто шогирдлари бўлған қизлар билан ҳам жуда юмшоқ муомала қилар, ортиқча аччириланған кезлар-

¹ Ихна – сиртқи куринишига эътибор бермовчи.

² Муваққат – вақтинча.

³ Ҳусул – косил бўлаши.

да «бетинг қурсин» деб, қошини чимириб олар эди. Эрига ўхшаш «озодлик» учун болаларни сиқмас, билъакс «бўшлиғи» учун ўзи маҳдум томонидан сиқилар эди. Оз ва маънолиқ қилиб сўзлар, хотинлар билан муомаласини бошқа отинбилиардек юқоридан туриб қилас, соддача сұхбатлашар эди. Хотинлар маҳдум домланинг баъзи қилиқларидан кулишсалар ҳам Нигор ойимнинг орқасидан фийбат сўзламаслар, олдида қандай ҳурматласалар, кейинидан ҳам ўшанча эҳтиромлаб, унинг маҳдумдек зиқна кишининг қўлиға қарам бўлғаниға ачиниб «пешона — дея айланай, қолу бало», дейишар эдилар.

7. РАЪНО

Исм билан жисм аксар бир-бирисига мувофиқ тушмайдир. Меним ёш вақтим, айниқса, гузаллик қидирған маррур чөғларим эди. Оила-миздами, бошқа ердами, баҳарҳол хотирамда яхши қолмаган, Лола отлиғ бир қизнинг чеварлиги тўғрисида сўз бўлди. Мажлис аҳли менга яқин, яъни улар олдида ҳусндан баҳс очиш уят бўладирған кишилар эдилар. Шунинг учун менга Лоланинг чеварлигидан кўра муҳимроқ бўлған «ҳусни» масаласида изоҳот сўрашнинг имкони бўлмади. Лекин Лола исмининг остида бир малакни кўрган — «Лоланинг исмига ўхшаш ҳусни ҳам бор», деб ўйлаған эдим. Шу кундан бошлаб Лолани кўриш ҳажрига тушдим. Бўйи еткан қизларни кўра олиш бу кунларда ҳам амри маҳол бўлғанидек мундан ўн йиллар илгарида яна мушкироқ эди. Неча вақт «ҳижрон ўтида ёниб», кўча пойлаб, ниҳоят, Лолани сув олиш учун кўза ушлаб чиққан ҳолатда учратдим. Бурнидаги булоқисидан бошқа (агар булоқи ҳуснга қўшилса) «Лола»ликка арзийдирган ҳеч гап йўқ эди.

Яқиндағи бир боладан сув олғучининг ким эканини сўраган эдим:
— Лола опам, — деди.

Боланинг талаффузи менга «Мола опам» бўлиб эшишилди. Бир неча кунлар бу қизнинг отини «Лола» деб қўйғанлари учун аччиғланиб юрдим. Чунки, афу этасиз, ўша кезларда шундай тўғриларда аччиғланишга ҳаққим бор эди...

Аммо Раънонинг исми — жисмига ёхуд ҳуснига жуда мувофиқ тушкан эди Мен рассом эмасман. Агар менда шу санъат бўлғанда эди, сўз билан билжираб ўлтурмас, шу ўрунда сизга Раънонинг расмини тортиб кўрсатар, қўяр, фақат менга Раъно гулининг сувигина кўпроқ керак бўлар эди.

Солиҳ маҳдум хасис, таъмагир, ҳарҳолда сажиёси эътибори билан уни яхшилар қаторига қўйиб бўлмайдир. Ва лекин табиъат хасис эмас, тикандан гул, аридан бол яратаберадир. Шунга ўхшаш тиканлик ёғочдан хуш ислик, латиф кўрунишлик Раъно яратилған эди.

Бизнинг ўзбекларда, айниқса Қўқонға маҳсус бир тус, сариқда мойил бир тус бор. Лекин бу тусни кесдириб сариқ деб бўлмайдир. Чунки биз оғриқ кишининг тусини сариқ деймиз. Зарча, заъфар туслари ҳам бунга дагаллик қиласидирлар. Таъбиrimиз қўпол тушмаса, бу

гузал қиз, оч раъно гулининг тусида ёки оқ сарик тусда яратилған эди. Аъзода ўскан тукларга ҳам ҳалиги туснинг таъсири бўладир. Раъно-нинг сочи гунгурт-қора, яъни қуёшсиз жойларда қора кўринса ҳам қуёшда бир оз сариш бўлиб кўринар эди. Шунга ўхшашиб Раъононинг кўзида ҳам бунинг асари кўруладир: мудавварга¹ мойилроқ жоду кўзи кишига қаттиқ қарағандан бошқача яна бир турлук қизғиши нур сочар эди. Кипраклари остида нафис бир сурма доираси бор эди. Қоши тулаш каби кўринса ҳам кўндаланг ётқан икки қилич орасини нафис бир қуюлиб кўтарилиш ажратиб турар эди. Бурни ҳеч бир мунаққидга- беришмаслик мутаносиб, ҳар замон уялиш табассумига ҳозир турған нафис ириларининг юқориги қисмида сезилар-сезилмас туклар кўкарған эди. Юзи чўзиқ ҳам эмас, ой кулча ҳам деб бўлмас, кишига кулиб қарағандা қизил олма осталарида иккита замма равишлик шакл ҳосил бўлар, гўё бизга чин раъно гули очилған ҳолатда кўринар эди. Соchlари жуда қуюқ, саноқсиз кокиллар Раъононинг орқа, ўнгини тутиб ётар, қадди узунлиқ билан қисқалиқнинг ўргаси, дўндуқ бармоқдарининг жимжилогида хина гуллари, ҳарҳолда бу қиз ёлиз Кўқоннинггина эмас, умуман Фарғонанинг куйларига кўшулиб маҳтадирған гўзалларидан эди.

Раъно Нигор ойимнинг тўнғучи, бу йил ўн етти ёшни тўлдурадир. Саводни отасидан ўкуб, ўн тўрт ёшида ибтидоий мактаб прўграмида бўлған барча дарсларни битирған, масалан: диний қисмдан – «Ҳафтияқ», «Қуръон», «Чаҳор китоб», «Сўфи Омлоёр», «Маслаки муттақин», адабиётдан – Навоийнинг барча асарлари, девони Фузулий маъ² Лайли Мажнун; Амирий, Фазлий ва шулардек, чигатой-ўзбек катта шоирларининг асарлари; форсийдан – Хожа Ҳофиз Шерозий ва Мирзо Бедил, ҳусниҳат, иншо ва бошқалар. Бу кунларда бўлса бир томондан, қизларға сабоқ бериб онасиға кўмаклашса, иккинчи тарафдан, отасида кофия (араб нахв ва сарфи) ҳамда Шайхи Саъдийнинг «Гулистон»идан дарс оладир ва шунинг қаторида ўзи яхши кўрган чигатой-ўзбек шоирларининг бадигъя асарларидан алоҳида бир мажмуъя тузуб юрийдир. Баъзан «овлогроқ жойларда» ўзича манзумалар тўқуса ҳам, бироқ буларнинг иси ўзидан четка чиқмайдир. Агар тўқуған шеър ёки манзумаси ўзига мъткулдек тушса, фақат бир кишигагина кўрсатиб оладир. Ва ул киши ҳам бу сирни четка чиқармайдирған ишончлик ўз кишиси.

Қисқаси биз юқорида Раъононинг шеърий бир ҳуснини кўрганимиздек, уни фазл ва заковатда ҳам ўткан ҳон замонлари асрининг нодир учрайдирган якто фозила қизларидан санаймиз ва санашға ҳам ўзимизда мажбурият ҳис этамиз.

Раъно қанча жиддий бўлса ҳам яна унда болалик табиъати бутун кўйи сакланадир: укаларининг бутун ўлонига комил ҳуқуқли бир аъзо тариқасида иштирок этадир, онасининг кўзини чалғитиб ўқуугучи қизлар билан жанжаллашиб оладир, қизлар сабоқларини билмасалар араз-

¹Мудаввар – тўтарак.

²Мунаққид – танқидчи

³Маъ – билан.

лаб, уларни ўқутмай ташлаб кеткан чөллари, арзимаган гаңдан тез мутаассир бўлған кезлари кўб бўладир. Раъно ўзининг мундай ҳара-катларига қарши онасидан яхши-ёмон мукофот олмаса ҳам, кўпинча отасидан танбих эшитадир. Койиш эшиткани учунгина эмас, уй-рўзгор тўғриларида онасини сиқиб ушлаганидан ва фохиш танглигидан¹ ранжид отасини унча хушламайдир. Отасидан аччиғланған кезларда онасиға жиддий қилиб: «Ҳамма айб ўзингизда, отамдан кўра тузукроқ эрни топиб тегсангиз мунчалик қийналишиб юрмас эдик», деб бўғилған Нигор ойимни кулдурадир.

Қаттиғ ранжиган бир кун отаси – Солиҳ маҳдумга багишлаб қизиқ бир ҳажв ёзган ва «ўз кишисига» кўрсатиб уни кулдурган здиким, биз кулгулик учун бу ўрунга бир неча мисраъини кўчирамиз:

*Ёллар тўклиса ерга ётиб ялар тақсирим,
Бўлса бозорда пастлик сотиб олар тақсирим.
Меним учун бир зирақ, Раънбонуға жевак,²
Деса ойим – «Не керак?!» юмма талар тақсирим.
«Кулоқ тешиш фазл эмас, пулни топиш ҳазл эмас,
Жевак тақиши фарз эмас!» Фавю солар тақсирим.*

Мухтарам ўқуғучини қаҳрамонларимизнинг бир қисми билан танишдиришни шу ерда тўхтатамиз. Уларнинг ички ва ташки табиъатлари яхши ешилмаган бўлса, ҳикоямизнинг давомида яна ҳам очилиб ва кенгайиб борар, деб ортиқча тафсияга киришмадик.

8. БИР ЎРДАЛИК

Маҳдумнинг ҳавлиси уч қабат эди. Кўчадан биринчи қабатда меҳмонхона, мактабхона ва машқхона эди. Иккинчи қабат мураббаъ³ ярим таноб чамаси боқча, бунда шафттолу, олма, анжир каби мевалик дараҳтлар ва бир неча кекса сўри токлар қулп уриб ўсқан эдилар. Маҳдумнинг болалар кучидан яхши фойдаланғани учун бўлса керак, боқчанинг ҳар бир қариши бўш қолмаган, унда ҳар турлук кўқатлардан бор эди. Ўртадаги сўрининг ости бир ярим газ кўтарилиб ишланган суфа, суфанинг уч тарафига ёз гуллари экилган, райҳон ва бошқа чечаклар атрофка ўз атриётларини онгқитиб ётар эдилар. Биринчи қабатдан киргач, боқчанинг суфасига ҳамда ичкарига юруладирган йўлкалар бор эди.

Ҳозир мезон⁴ ойининг иккинчи ҳафталари, боқчанинг мевалари етилинкираған, айниқса сўридаги қора ҳусайнин узумлардан гўё боллар томиб ётар эди. Йўлкаларга сув сепилган, суфага гилам солинмаса ҳам гуллик кийиз тўшалиб, уч тарафига кўрпачалар ёзилған эди.

Маҳдум этни уйга бериб чиқғандан кейин икки соат чамаси ҳус-

¹ Фоҳиш танглиги – ортиқча сиқув.

² Жевак – кизмарнинг бу кунда истеъмолдан қолған кўкрак зийнати (муал.).

Мураббаъ – тўрт бўрчак, квадрат.

⁴ Мезон – 22 сентябр – 21 октябр.

нихатдаги болалар билан шуғулланди, орадан «абжад» сўзини дуруст ёзиб чиқарған бир боланинг қўлини боғлаб уйига юборди. Бола уйидан «қўл ешар» олиб келгандан сунг ҳаммага жавоб бериб, бу кунги вазифасини тамомлади.

Маҳдум машқхонадан чиқиб ичкари киришга адим узган ҳолатда дарбозадан силоҳи кийимда бир киши кирди ва маҳдумга табассум билан салом бериб, яқинча юриб келди. Ўрданинг девонхона хизматчилари кийимида бўлған бу кишини маҳдум ўз умрида биринчи марта таба кўрар эди. Жавоб саломдан кейин кўришдилар. Маҳдум тарафдудланиб, мақсад сўрашдан ўнгтайсизланиб меҳмонни меҳмонхонага бошлади. Меҳмон ҳам гакаллуфланмай домланинг орқасидан меҳмонхонага кирди, ўлтуришдилар, сўнг фотиҳа ўқулди Ўрдалик табассум ичидан маҳдумга қарагандан сўнг йигиштириниб олди.

— Хато қиласам жаноблари мирзо Анварнинг устозлари бўлсалар керак?

- Фақир...
- Уй ичлари билан хўб саломатмилар?
- Алҳамдуиллоҳ.

Маҳдумга кутулаган равищда меҳрибон муомала қиласути бу ўрдалик қирқ ёшлар чамасида, узун бўйлик, қора узун соқоллик, симоби салласининг пешини туширган қорача туслик бир йигит эди.

— Каминалари ҳам, — деди ўрдалик, — мирзо Анвар билан бирга девонхонада ишлайман. Балки қулоқларига чатилеман бўлса керак, исмим Султонали мирзо.

— Хўб, хўб, — деди кулиб маҳдум, — Анвардан эшитканим бор эди, жанобарининг тавсифларини эшитканман. Начук Худо ёрлақади? Фақирхонага ташрифлари билан бисёр хушнуд бўлдим.

— Адабсизлик бўлса ҳам, — деди мирзо Султонали, — муборакхоналарига бостириб келдим. Бунга ҳам буродарим мирзо Анварнинг муҳаббати мажбур қилди.

Султоналининг бу кейинги сўзи мақсадни бир даража домлана онглата ёзи Кайфланиш, ҳузурланиш маҳдумнинг юзида ўрунлашқан эди. Кўзини қисинқираф Султоналига қаради.

— Хўб, хўб, — деди маҳдум, — мулла Муҳаммад Ражаб марҳумнинг ўрнига бош мунший таъйин қилинди, қўлим тегиб бу тўғрида Анвар билан сўзлашолмадим?

— Ҳозир таъйин қилинғунча йўқ, эрта-индин таъйин қилинар, деб турамиз.

- Кўб яхши, номзадлар бордир?

— Бор, — деди Султонали, — бир неча номзадлар ҳазрати хонга манзур қилинганлар, жумладан шоир Мадҳий, мулла Шаҳодат муфти ва бошқа яна бир нечалар. Масмуъингиз¹ бўлса керак гарчи ўзи ризолик бермаса ҳам бир неча мирзолар шогирдингиз мирзо Анварнинг ҳам номзадини холис ариза билан жанобга манзур қилған эдик. Умид Худодан, ёрлиғ мирзо Анварга қойим- бўлур, деб турамиз.

Масмуъ – юшистилган

Қойим – қарор.



Маҳдум соқолини тутамлаб шипка қаради. Гүё Султоналиниң кейинги икки жұмласига қайси йұсун мұқобала қилишдан ожиз зди.

— Бир неча яхшиларнинг Анварга бўлған ҳусни таважжұхларини эшиткан здим, — деди маҳдум миннатдор оҳангда, — аммо фақирға шуниси мушкилроқ кўринадирким, башарти Анвар бош муншийлик вазифасига ёрлиғ олғундек бўлса, бу лавозимотни адо қила олурми, каминанинг назаримда бош муншийлик алалхусус ул жанобнинг ҳузурларида беҳад улуғ ва мушкил кўринадир?

Султонали енгилча кулиб қўйди:

— Бош муншийлик лавозимоти борасидаги фикрингиз дарҳақиқат тўғри, — деди, — аммо мирзо Анварнинг уҳда қила олиши мұхаққақдир.¹ Зеро, Анварнинг бу борадаги истеъоди жанобларидан кўра каминага маълумдир, бу тўғридан хотиржамъ бўлсинлар.

— Дарвоқиъ, Анварга кўб меҳнатим сингган, — деди маҳдум маҳтандансумон, — бир қариш ёшидан бошлаб каминанинг таълимидә ўсти, ўз қўлимда гарбия топқан неча юз, балки минглаб шогирдларим ичида кўб таважжұхим² шу болаға бўлди. Ушбу сабабдан ҳам мунчалик мустаъид³ бўлған бўлса ажаб эмас, деб ўйлайман... Ва лекин ҳологи⁴ сўзим шунинг учундирким, фазли ва истеъоди кофий⁵ бўлса ҳам ёшлиқ, кам тажрибалик қилмасмукин, деб мулоҳаза қилурман.

— Бўстони маърифат ва гулшани ҳақиқат, — деди Султонали, — Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳи⁶ ўн икки ёшлирида дарсгўлиқ қилиб ва ҳоказо кутуби мутабаррака таълифотига ҳам ибтидо қилған⁷ эканларким, бу каромат жанобларидан пўшида эмасдир. Бас, индалъуқало⁸ ёшлиқнинг ҳеч бир нуқс ва аҳамияти йўқ, аммо фазлу заковат лозимдир. Масалан, каминангиз таҳсилда «Ақоид»ғача⁹ бордим ва қарийб ўн йилдан бери мирзолиқ қилурман. Ўз ҳунаримда яхши тажриба ҳам ортдирдим, шунинг билан бирга нафси замрни иқрор этишкага мажбурманким шогирдингиз мирзо Анвардан кўб даражага қуидаман: таҳрирда,¹⁰ тақрир¹¹ ва фароизда¹² Анварингизнинг ёрдамиға мұхтожман. Ҳолбуки ёшим ундан баробар катта, мен ўкуған дарсларни эҳтимол Анвар ўқумаган... Анварнинг заковатига ёлғиз мен эмас марҳум мунший мулла Мұхаммад Ражабнинг ўзи ҳам таҳсин қиласын тажрибалик қилар, ажойиб ўғлон деб

Мұхаққақ – ҳақиқат.

Таважжұх – тътибор

Мұспатығ – қобиляйтили, истеъододи.

¹ Ҳологи – ҳалиғи.

Кофий – етарли.

Имоми Аъзам (такалуси, мелодий – 699–767) – исми Абу Ҳанифа Нұсьмон ибни Собит. Исломдагы ҳанағия қазхабининг асосчеси.

Кутуби мутабаррака таълифотига ҳам ибтидо қилған – табаррук китоблар езишга ҳам бошлиған қаналар.

² Индалъуқало – оқиллар нағиди.

Илгариги таҳсилда толибининг масалан: «Овомил», «Кофия», «Шарҳи мулло Жочий», «Мұхтасар» юқорироқ даражада «Ақонд» (Оллоҳнинг борлигини тасдиқловчи илм). сўнгидаги эса «Тағсир» илмларини ўқиганларига қараб илм даражаси белгиланган.

Тадрір – етиш.

¹¹ Такрир – матнининг мағлұмнинин түшүнтириш.

¹² Фароиз – мусулмончиликда мерос масалаларини ўрганиш илми

күяр эди. Меним мирзо Анварни бу ўрунга саъи қилишим¹ бўлса бир гараз юзасидан эмас, холисонадир. Агар гаразга ҳисобланса, масалан: «Бирарта ноаҳлнинг қўл остида ишлагандан, аҳдининг жарида тишланган маъқул» сўзига биноандир. Лекин мирзо Анвар нима учундир биз бир неча мирзоларнинг раъйимизга қарши тушиб, биздан ранжиб юрийдир Ҳатто жанобға бир ариза киргизиб, меним номзадим янглиш кўрсатилибдир, мен бу вазифани уҳда қилолмайман, деб узр баён қилмоқчи эмиш. Унинг бу йўсун иноди нима учун, билалмадик. Факир, оғайнилар тарафидан гарчи адабсизлик бўлса ҳам ҳузурларига илтимос учун келдим. Аввало мирзо Анварга оталиклари, сониян устозлиқлари бор. Сиз жаноб тарғиб қиласангиз ва кенгаш берсангиз қабул қиласар, деб ўйладик.

— Ҳабба! — деди маҳдум хурсандлик билан, — бу тўғрида яхши сўзлашмаган эдик, сўзлашармиз, иншооллоҳ, кўнар.

— Саломат бўлингиз, тақсир.

Маҳдум соқолини ушлаб кўзини қисди:

— Боя пешин асносида, — деди, — қавмлар каминадан истифкор-қилишдиларким, «ўғлингиз Анвар мунший таъйинланар эмиш, ушбу ахбор тўғрими?» деб... Мазмуни шаҳарга ҳам машҳур бўлган экан-да?

— Балки, — деди кулиб Султонали ва бир оздан кейин оҳиста сир йўсунида қилиб сўзлади, — ўрда ичидан бир нечаларимиз устоз мулла Муҳаммад Ниёз домлага² ва ҳарамдан Оғача ойимра³ Анвар тўғрисида илтимос қилишдик. Шунинг учун мирзо Анварнинг бош мунший таъйин қилинишига шубҳа қиласангиз. Фақат уни кўндирилса бас.

— Ва лекин, — деди маҳдум ниҳоятда очилған қиёфатда, — бу тадбирларингиз беандоза маъқул бўлибдир, яъни масалан, жанобға домла шоғовул ва малика хонимларни восита қилишларингиз...

— Биз ҳам шундай ўйлаймиз. Энди умид Худодан, натижага ҳам орзумизча бўлғай.

— Иншооллоҳ,

— Демак, мирзо Анварни кўндириш вазифаси одобсизлиқ бўлса ҳам сизга қолди-да, тақсир? — деб Султонали такрор сўради.

— Хотиржамъ, — деди маҳдум қаноат билан, — албатта иоинсофни кўндирисамиз керак.

Шундан сўнг Султонали ўзининг бу ерга келганини Анварга билдири-масликни таъкидлаб, ўрнидан турди. Маҳдумнинг азтаҳидил «моҳазаримиз⁴ бор эди» деб қистасиға қарши узр айтиб хайрлашди. Маҳдум аксар ўз уйига келгучи кишиларга қиласандирған фавқулодда бир такаллуф билан уни дарбозагача узатиб чиқди.

¹ Саъи қалиш — ундаш даъват этиш.

² Истифкор — сўрамоқ.

³ Худоёрнинг шоғовулбошиси — илмия вазири, «Тарихи Шаҳрухий»нинг муаллифи, шоир (муал.).

⁴ Худоёрнинг суюкли хотуни (муал.).

⁵ Маджалар — таом.

9. ЎПКА ВА ҲАЗИЛ

Истиқболнинг ширин хаёлариға кўмилган ҳолда маҳдум аср намози учун таҳорат олар эди. Таҳоратда тартибни риоя қилиш суннат¹, аммо маҳдум тарки суннат қўлмокда. Ҳатто ўқуладирған дуоларни ҳам ўрунсиз ишлатмақда эди. Маҳдум шу йўсун бетартиб таҳоратланиб ичкарига кирди. Нигор ойим ошхонада мантиларни қасқонга териб қозонга уяр, Раъно бўлса айвонда кичкина укалари орасида ўлтуурар эди.

Дадаси йўлакдан кўриниш билан Раъно Масъудни кўтариб турди. Ва қозиқдаги салла-чопонни олиб аивон муюшиға келди. Болалар ҳам дадалари олдида адабланишдилар.

— Анвар аканг келмади, суфа ёлғиз, — деди маҳдум, чопон, саллан кия-кия, — асрга бориб келгунимча, сен суфага чиқиб турчи, Раъно.

— Хўб.

Отаси чиқиб, кетқач, Раъно қўлида укаси билан ташқарира йўл солди. Унинг кетидан Маҳмуд ва Мансурлар ҳам чопищдилар.

— Раънапа, Раънапа! — деб Мансур йиги аралаш ўзидан чопиб ўтмакчи бўлған Маҳмуднинг устидан Раъно опасига арз қилди. Раъно боқчанинг суфасига етаёзған эди. Мансурнинг йиги шовқуни яна ҳам кучайиб рақобат ўти ёниб кеткач, Раъно тўхтаб Маҳмудни койишша мажбур бўлди:

— Маҳмуд, Маҳмуд, эси йўқ Маҳмуд!

Маҳмуд тўхтади, аммо Мансурдан олдинга ўткан эди. Мансур бу марлубиятка чидалмай асабийланиб, ерга ўлтуриб олди ва дунёни бузуб фарёд қўпорди. Раъно келиб Мансурни турғизди ва кийимига ўлтурган чангларни қоқти:

— Йиғлама, опаси, йиғлама, — деди, — ҳали дадаси Маҳмудни дум-дум! Қараб турчи, сен Маҳмуд, отанг келганда айтмасамми?!

Мансур «Раънапа»сининг ҳимоясидан сўнг унинг етагида суфага қараб юрди. Аммо Маҳмуд анча эзилган эди:

— Дадам йима² қиласди? — деб сўради турған жойидан.

— Келсинчи, ҳали. Тунови кунги чивиқ эсингдан чиқдими?

Маҳмуд жавоб бералмади. Унинг кўзида аччиғ аралаш қўрқув бор эди. Раъно кичкина укаси бағрида суфага чиқиб ўлтурди. Мансур «Раънапа»сининг елкасига суюниб, йўл устида серрайиб қолған Маҳмудга ғолибона бир турда истеҳзо қиласди. Маҳмуд бу ҳолга ортиқ чида буролмади. Узининг енгилишига сабабчи бўлған Раънодан ўч олмоқ мақсадида:

— Муллатанинг хотини, муллатанинг хотини .. эй, эй, эй!

Раъно кулди:

— Қараб тур, қараб тур, сен адабсиз, — деди ва Маҳмудга ҳужум қиладирғандек қўзалиб қўйди.

¹ Суннат — одат.

² Йима — нима (муал.).

— Билдим, билдим: муллатанинг хотини, муллатанинг хотини! —
деди Маҳмуд ва ичкарига қараб қочти

Раъно кулимсираб Мансурга қаради:

— Шундайми, мен муллатанинг хотиними-а? — деб сўради. Мансур жавоб ўрнига йўлакка қаради ва сўюнчи ичига сифмаған ҳолда сүфанинг зинасига югурди ва қичқирди:

— Муллата, муллата телли, телли!

Раъно ҳам йўлакка қараб қизариниб кетди ва одига тушиб тартибсизланган сочини орқасиға ташлаб тузатинди. Йўлакда кўринган ёш йигит («муллата») сүфанинг йўли бўйинча келмақда эди. Қора чивик бекасамдан ипак тўн кийган мавзун қад Анвар биринчи қараашдаёк кўзга дўндиқ, ва кўркам кўринар эди. Қора сурмалик кўзи Раънода экан, ўзига югуриб келгучи Мансурга йўл устида чўнқайиб кучогини очти. Мансурнинг юзидан ўпкач, кўтариб сүфага юрди. Анварни қаршиламоқ учун бўлса керак, Раъно ҳам ўрнидан туриб сүфанинг зинасига яқинлашди. Ва табассум аралаш — «Ҳорманг» деди

— Соғ бўлинг.

Анвар сүфага чиқиб, Мансурни ерга қўйди. Кафшини еша-еша Раъно томонга энгашиб, ўзига талпиниб турған Масъуднинг юзидан ўлти ва уни Раънодан олди. Масъуд Анварнинг қўлиға ўткач, сапчиб гувранди ва қийқириб товланди. Раъно икки қўлини узатиб «кел менга, кел» деди. Масъуд буралиб Анварнинг бағриға сикилди. Кулишдилар. Анвар болани ўпиб сўйди. Раъно Масъудни янди: «Сен қараб тур, бижи бола» деди. Анвар болани кўтарганча кўрпачага ўлтурди. Чап тизасига Мансур ёпишди ва унинг ёнига Раъно қўшилди... Шу йўсун икки орада бирмунча вақт Масъудни сўйищдилар. Анвар болани Раънога бергандан кейин симоби шоҳи салласини олиб ёстиқда ташлади ва рўймоли билан қоп-қора бўлиб чиқа бошлиған муртини тузатди. Раъно қаршида тик турар эди.

— Тинчликми?

— Бетингчлик, — деди кулиб Раъно.

— Айни муддао экан бўлмаса... Ҳа, айткандек, — деди Анвар ўлтурган сүфасига ишорат қилиб, — бу кун жой катта солинган?

— Меҳмон келар эмиш.

— Ёлғонинг қурсин, Раъно, — деди Анвар кулимсиб, — қандай меҳмон?

— Мен қаёқдан билай, қандай меҳмон... фотиҳага кишилар келар эмиш, деб эшилдим.

— Фотиҳаси қанақа?

— Билмасам қанақа?

Анвар ўйланиб, яна кулимсиди:

— Сенинг фотиҳанг бўлмасин?

— Меним қандай фотиҳам бўлсин, мен ҳали тирикман.

— Тескарига бурма, балки сени эрга бермакчиidlар?

Раъно қизариб турди-да, яна гапни кулгуликка олди:

— Мени кимга берар эмишлар?



— Сеними? — деди кулиб Анвар, — сени хондан бошқа ким ол-син?

Раъно қўлидағи укасига қараған ҳолда:

— Сиз шунга маслаҳат берсангиз... мен қандоғ қиласай, — деди ва Мансурни чақириди, — тур Мансур, кетамиз.

Раънода аччиғланиш намойиши бор эди. Анвар Раънодаги бу ўзгаришдан ўнгтайсизликқа тушди:

— Раъно, — деди. Раъно зинадан тушиб бошлиған ҳолда тўхтади, — чинини сўзла, меҳмон келиши аниқми?

— Меҳмон келиши аниқ, ҳам келди, — деди Раъно жиддий.

Анвар ажабланди:

— Меҳмон келди?

— Келди.

Анвар теваракка қаранди:

— Қани меҳмон?

Раъно қўли билан Анварнинг ўзига ишорат қилди:

— Ана меҳмон, — деди

Анвар кулди.

— Мен меҳмонми?

Раъно жиддий равиш билан:

— Албатта, сиз бизга меҳмонсиз.

Анвар яна кулди. Бироқ унинг бу сўнгги кулишида кучланиш бор эди:

— Мен сизга меҳмонми?

Раъно кулимсиб ер остидан Анварга қаради ва қўлидағи хархашалана бошлиған болани овигиши учун тебранди.

— Билмасам...

Раънонинг юзидан бояғи жиддият йўқолғандек эди. Анвар ҳам маънолик ҳазилни ташлаб чин ҳазилга ўтди:

— Меҳмоннинг қорни оч, Раъно, — деди, — албатта қадрлик меҳмон учун тансикроқ таом пиширгандирсиз, деб ўйлайман. Бу кунги таомингиз исмини лутфан марҳамат қиласангиз эди.

— Меҳмоннинг вазифаси, — деди Раъно жавобан, — иззати билан ўлтуриш ва олдига қўйған нарсани маҳтаб-маҳтаб ейишидир...

— Тўғри айтасиз, отин биби, — деди Анвар, — бироқ бу кунги меҳмондорчилиғингиз ҳам кечагидек убра билан бўлса, маҳтаб-маҳтаб қўлингизга қайтариб беришим ҳам аниқдир.

Раъно бутун товшини қўйиб кулиб юборди:

— Бу кун қўтurmа шўрбаға, — деди Раъно култи ичида, — қаттиргон тўғраб ейсиз, жаз ўрнига шалғам чайнайсиз.

— Офарин, — деди Анвар, — бу кунги меҳмондорчилиғингиздан қарийб мамнун бўладирғанға ўхшайман. Агар мумкин бўлса, шуни ҳам билсамки, бу кунги шалғам шўрба катта отин бибининг қўлларидан тановул қилинадирми ёки кичик отин бибининг?

— Меҳмон учун бунинг фарқи йўқдир...

— Бироз янглишасиз Раънобону, — деди Анвар, — чунки қўлдан-қўлнинг катта фарқи бор.



— Фарқи бўлса... бу кун кичик отин бибининг қўлларидан шалғам шўрба тановул қиласиз.

— Бу ҳолда афу этасиз, Раънобону... Башарти кичик отинбибининг қўлларидан тановул қиладирған бўлсак, шалғам шўрба эмас, бизнинг учун қуш шўрбадир.

Бунга қарши Раъно нимадир айтмакчи бўлған эди, ташқаридан оёғ товшини сезди, Анварга бир кулиб қаради-да, Мансурни етаклаб ич-карига чопди.

10. ХАЙРИХОҲ БИР ОДАМ

Раъно ичкарига қайрилмасдан боқчага маҳдум кирди ва ташқарини чақириди:

— Марҳамат Шаҳидбек, марҳамат!

Раъно ичкарига кириши билан домланинг орқасидан ҳарсиллаган, гурсиллаган элли ёшлар чамалиқ семиз бир киши кўринди. Кўк салласи манглайнинг усти билан ўралиб, ўсиқ қоши қовоғига ётқан бу бекнинг белидаги кумуш камари бениҳоят ўсиб тушкан қорнини юқорига кўтариб туриш вазифасини адо қиласр эди.

Эшик остида Шаҳидбек билан маҳдум ораларида онглашилмаслик юз берди:

— Сиз юринг!

— Сиз юринг!

— Мен рози!

— Адабсизлик бўлади-да, хррр...

Ортиқча такаллуфни Шаҳидбекнинг ўзи қабул қиласа ҳам гўшти қабул қилмас эди Такаллуфланиб ўлтурса борған сайин ўзига бехузурлик ортар эди. Шунинг учун маҳдумнинг олдига тушшиб жўнади ва йўл устида «мирзо Анвар ҳам келган экан, хррр...» деб қўйди.

Анвар уларни қарши олди, суфага чиқдилар. Шаҳидбек Анвар билан энтика-энтика кўришкач, жой кўрсатилмасданоқ суфанинг тўрига ташланди. Чунки зинадан чиқишида анча эзилган, такаллуфгача кутишка тоқати қолмаған эди. Фотиҳадан сўнг ўлтурган ерида уст тўнини ешди, белидан камарини олиб ёнига қўйди, салласини чиқариб ёстикнинг устига ташлади ва рўймоли билан манглайидаги терларини артиб ўзини еллиди:

— Хўб саломатмисиз, мирзо, хррр?

— Шукур, ўзларидан сўрасак?

— Алҳамдуиллоҳ.

Сўнгра маҳдум Анвардан ҳол сўради:

— Бироз кечиқдингизми, Анвар?

— Зарурроқ ишлар бор эди.

— Сармунший қазо қилиб, — деди Шаҳидбек. — ҳамма оғирлик сизнинг устингизга тушкан бўлса керак, мирзо, хррр?

— Шундай, — деди Анвар, — лекин баъзи вақт вилоятларга оширич юбориладирған нома ва фармонлар чиқиб қоладир. Шундай кезларда ҳатто тунаб ишлашкан ҳам тўғри келадир.



Шаҳидбек қайта бошдан манглайига терилиб қолған терларини артди:

— Иложи йўқ, иложи йўқ...

Анвар ер тегидан маҳдумга кўз қирини ташлағач, ўрнидан туриб тўнини ешди ва зинага бориб кафшини кия бошлиған эди, маҳдум буюрди:

— Ичкарига кириб, хабар олинг, гаом тайёр бўлған бўлса, олиб чиқсангиз ҳам маъқул.

— Хўб.

Анвар ичкарига кетди. Унинг орқасидан қузатиб турған Шаҳидбек маҳдумга қаради:

— Мирзонинг тарбиянгизга келганига кўб бўлған чиқар?

— Қарийб ўн тўрт йил.

— Ўз фарзандларидек бўлиб қолған-да?

— Ундан ҳам афзал.

— Ожизалари ҳам етиб қолған бўлса керак?

— Иншооллоҳ,

— Худо ёш берсин, — деди Шаҳидбек, — мирзони ўзларига домод¹ қилсалар ҳам бўлар экан, хррр...

— Ушбу мулоҳазамиз ҳам йўқ эмас, — деди маҳдум. — Модомики, болани ёшлиғидан ўз фарзандимиздек парвариш қилдиқ, эндиликда ўзимизга домод ҳам бўлсин, деб ожизамизни сўратғучи кўб олий насаб хонадонлардан қатъи назар қилиб келамиз...

— Баракалла, — деди Шаҳидбек, — асли инсоф шудир... Иккиланчи, домодлиқ учун насабдан илгари илму адаб, фазлу камол лозимдирким, бу ҳам ўзларидан маҳфий эмас, хррр...

— Ҳабба, — деди маҳдум кўзини қисиб, — биз ҳам шу гапларни мулоҳаза қилиб қолдиқ.

Шаҳидбек маҳдумнинг маҳалла аҳларидан бўлиб, Худоерхон закотчиларининг биридир. Мундан илгари Шаҳидбекнинг маҳдум билан унча яқинлиги йўқ ва ҳатто ўзған йилларда маҳалла кишиларидан баъзиларини маҳдумнинг имоматига қарши қўзғатиб юрган эди. Домла билан дўстлашиш тарихи эрса икки-уч кундан бериdir. Чунки шу кунларда Анварнинг сармунший бўлиш эҳтимоли шаҳарнинг катта-кичиклари орасида сўзлашилиб қолди. Шу эҳтимол натижасида маҳдумнинг дўст ва душманлари ўйлашга мажбур бўлдилар. Жумладан, бизнинг Шаҳидбек закотчимиз ҳам шу бир неча куннинг орасида қарийб бир чорак этини йўқотаёди. Чунки закотчилар қисман бош мунший қўл остидағи молия беклариidlар. Агарда Шаҳидбек маҳдум билан алоқасини тузатмаган ҳолатда Анвар мунший таъйинланиб қолса, бирар «фожиъа» бўлиш эҳтимоли бор эди. Шаҳидбек фикрича, гё ю маҳдум Анварга: «Фалоншибек фалон вақтда менга мундай адоват қилған эди. Энди фурсат келганда сен уни закотчиликдан бекор қил», деб буюрар, Анвар ҳам устозининг сўзини ерда қолдирмай сармунший бўлған кунидаёқ Шаҳидбекни хизматдан бўшатдирар эди...

Домод — күёв.

Шаҳидбек Анварнинг сармунший бўлишини, табиъий, хоҳламас эди. Аммо Анварга қарши бир иш қилиш кучига ҳам молик эмас эди. Гарчи, ҳозирда Анварнинг сармунший белгиланиши бир эҳтимол бўлса ҳам, Шаҳидбек ҳар эҳтимолга қарши чора кўриб қўймоқчи бўлди. Мундан уч-тўрт кун илгари маҳдумга яқинлашиш андишасида аввало унга иқтидо¹ қилиб, намоз ўқуди (илгари маҳдумнинг орқасида намоз ўқумас эди). Хуфтан намозидан кейин ҳалқага кириб маҳдумнинг тиловатига сомеъ бўлди. Иккинчи кун эрталабки намоздан сўнг маҳдумга салом берди ва ундан аҳвол сўраб: ...» Эшитиб жуда хурсанд бўлдим, ҳар начук сармуншийнинг ўз кишиларимиздан бўлғани яхши; бу тўғрида ўрдалик оғайниларга илтимос ҳам қилиб қўйдим», деди. Маҳдум ўз ишида қанча пишиқ бўлса ҳам, лекин дўст билан душманни ажратолмас, яна тўғриси – неча йиллик адоваратларни икки оғиз ширин сўз ёки беш пул манфаат эвазига унугиб юборгучи эди. Бунда ҳам шундай бўлди: «Баччаталоқ адоваратни ташлаб шайтонга ҳай берибди. Анварнинг сармунший бўлишига суюнибdir, шайтони зўр бўлса ҳам, инсофи чакки эмас», деб Шаҳидбекка дўстона муомала қилди ва Анварнинг иши тўғрисида билганини сўзлади; ҳали аср намозига чиққанда яна Шаҳидбек билан учрашиб сўзлашди ва Анвар «аҳмоқ»нинг бу ишқа норизолигидан шикоятланди. Шаҳидбек бироз ўйлағандан кейин: «Мен ўзим мирзо Анвар билан бир сўзлашай бўлмаса...», деди. Чунки башарти Анвар бош мунший бўлиб қолса ва бунда ўзининг ҳам иштироқи бўлса албатта . ҳа-дея. Шу мулоҳазада Шаҳидбекнинг кўзи алла-қанча жойларни кўриб олди.

– Мирзонинг уйда бўлиш вақтини айтсангиз, ўзим олдиға кирада эдим, – деди.

Анвар «бекор гап, анчайин бўлмарур гап», деб маҳдумнинг бу тўғридағи саволларига аҳамиятсизгина қилиб жавоб берар ва шунинг учун маҳдум ҳам бу кунгача масалага ишончсиз қараб келар эди. Алҳол эрса бу гап бутун Қўқон ҳалқи оғзида сўзланиб қолди ва бунинг устига Султонали мирзо маҳдумдан жиҳдий илтимос ҳам қилиб кетди. Шу сабабларга биноан маҳдумнинг назарида Анварни кўндириш масаласи жиҳдийлашкан ва Шаҳидбекнинг ҳалиги сўзидан кейин ўз ёнига кўмакчилар, кенгашчилар олиш лузумини ҳам ҳис эткан эди. Шу мулоҳаза билан Шаҳидбекнинг ҳалиги таклифини маълмамнуният қабул қилди:

– Ҳабба... алҳол Анвар уйга келган бўлса керак; лозим топсангиз мен билан бирга марҳамат қилингиз, – деди.

11. МАҲДУМНИНГ ТАҲДИДИ

Анвар ўртага дастурхон ёзиб, икки лаган манти чиқариб қўйди, уч киши қамти ўлтуриб, манти тановул қилишдилар. Таом асноси Шаҳидбек секин-секин мақсадга ёндашиб келди

– Ҳалқ оғзида дув-дув гап, – деди манти чайнаб, – гўё сиз

¹ Иқтидо – зргашиш.

мархұм сармуншың үрнің насы¹ қилинар эмишсиз, деб... Бу ҳақиқат галми ёки овозами, яхши пайқолмадық. Бу сұзнинг ҳақиқатини ҳозир үзи сиздан әшитамизку ва лекин сизга хайрихоқ бўлған тақсирим ва мендек кишиларни бу шойиъа-бениҳоят хурсанд қилди, хррр... Дарҳа-қиқат, бу мартабага ниҳоятда лаёқатингиз бор эканини үрда арбобла-ридан ҳам әшитамиз...

Шаҳидбек сұзни шу жойға келтириб маҳдумга қаради. Маҳдум соқолидаги хамир ушогини олиб, меҳмонни лаганга тарғиб қилди.

— Кечака ва ўткан күнларда, — деди маҳдум лагандан олған манти-сини қўлида ушлаган кўйи, — бу шойиъаларға мен ҳам ишонмагандек здим. Аммо бу кунги довруқ мени ҳам таажжубка кўйди. Вокиъан Анвар сармуншылыкка мансуб қилинса не гаройиблиги бор? Алҳам-дулилоҳ, фазли кофий, ақли солим², истеъдод бўлса боз инчинин³...

Анвар қўли лаганда экан, кулимсиб қўйди. Шаҳидбек кеч ҳарорати ва манти иссиқлиги таъсирида яна ўбдан терлаган эди. Рўймоли билан манглай ва бўйин ғерларини артар экан, Анварга қаради:

— Хўш, мирзо Анвар?

— Шундай гаплар бор, — деди Анвар, маҳдумга кўз қирини юбо-риб, — аммо бу гаплар меним хоҳишим ва рағбатим хорижидан бўлмоқда. Шунинг учун бу шойиъаларға аҳамият беришқа арзимайдир.

Шаҳидбек маҳдум билан кўз урушдириб олди.

— Яъни сиз сармуншылыкни хоҳдамайсиз? — деб сўради.

— Албатта.

— Сабаб?

— Сабаби шулки, — деди Анвар, — кўзини дастурхоннинг алла-қайси нұқтасига тиккан ҳолда, — мен бунингдек масъул, айниқса, тантаналик вазифаларга ҳаваскор эмасман.

— Албатта, шундай-ку, — деди Шаҳидбек, — аммо киши, алалхусус⁴ сизга ўхшаш йигитлар ҳамиша бир ерда ўлтуриб қолмайдирлар. Тажриба, истеъдодлари ўскан сайин, юқорироқ мартабаларга мина борадирлар. Шунингдек, сизни ҳам юқори мартабага кўтармакчига ўхшайдирларким, хррр... буни сизнинг ҳаваскорлигингиз эмас, фаз-лиигиз тақозо қилиб, бунда сиз асосан ҳар қанча қарши бўлсангиз ҳам, хррр... лаёқатингиз яна сизни бу хизматни қабул қилишга мажбур этадир.

— Кишилар муболага қилағандек менда истеъдод йўқ, — деди Анвар, бошини кўтармаган ҳолда. — Ундан кейин үрдаға кечагина борған менга ўхшаш ёшларнинг «бош мирзо бўламан», деб умидланишлари айни бир кулгидир. Яъни, демакчиманки, бу вазифа тамаъида ўн, йигирма ва балки ўттуз йиллаб кўзини тўрт қилиб келган муншийлар, муфғи ва шоирлар бор. Уларнинг ёнида менга ўхшаш бир ёш тажри-

¹ Насб — танинлаш.

² Шойиъа — ғайлан тарқалган хабар.

³ Ақли солим — соғлом ақа.

⁴ Инчинин (инчунин) — шунингдек.

⁵ Аллахуттус — хусусан.

басизнинг ҳам тамаъланиши кулги эмасми? Айниқса, ўрдадаги урфи одатларни ва тажрибаларни ўз кўзидан ва бошидан кечириб турған кишилар томонидан бу шойитъани дуруст деб ишонилишига таажжуб қиласман...

Шаҳидбек қўлинин артари экан кулади:

- Шу ишончизлиғингизнинг ўзи ҳам бир болалиқ.
- Болалиқ, болалиқ, — деб қўйди маҳдум.

Манти тановул қилиниб битди. Маҳдум лаганлар тегини ичиб-ялади. Фотиҳадан сўнг, лаган ва дастурхонларни ичкарига элтмакчи бўлған Анварни Шаҳидбек тўхтатди:

— Лаганларни қўйиб туринг-чи мирзо, илгари ҳалиги масалани ешайлик.

Анвар қўлидағи дастурхон ва лаганини суфа лабига қўйиб ўлтурди. Маҳдум гулдурос билан кекириб, устидан «алҳамдуиллоҳ» ҳам деб олди.

— Хўш, мирзо Анвар?

— Гап боярича, бек ака, — деди Анвар, — бу масала аҳамият беришкага арзимайдир.

Шаҳидбек маҳдумга қаради. Маҳдум Анварни жеркти.

- Арзийдирми, йўқми, ахир, сўзга қулоқ бер-да, Анвар болам.
- Хўб, марҳамат қиссинилар.
- Эшитишимизга қарагандо, — деди қўлинин ўйнатиб Шаҳидбек. — Жанобға мансур қилинғанлар орасида сизнинг номзадингиз бор экан.

Анвар кулимсиди:

- Бор деб эшитдим.
- Ўрдадаги ишончлик кишиларнинг сўзларига қарагандо, ёрлиғ сизнинг отингизга бўлар эмиш.
- «Бўлди» билан «бўлар эмиш» орасида катта фарқ бор.
- Хўб, — деди ўзини еллиб Шаҳидбек, — биз бу иккисини бир ёқса қўяйлик-да, икки орадан «башарти бўлса» феълини олайлик, хе-хе-хе... Башарти ёрлиғ сизнинг исмингизга бўлиб қолса, сиз шунда нима қиласиз?

Анвар кулиб маҳдумга кўз қирини ташлади.

— Сиз бу «башарти бўлса»га ҳам ишонманг, бек ака.

Маҳдум хўмрайиб Анварга қараб қўйди. Шаҳидбек яна сўради:

- Ахир, шу эҳтимолга қарши жавоб беринг-да, хррр.
- Мен истеъфо ва узр аризаси берар эдим...
- Ҳамоқат!! — деди маҳдум ва тескари қараб олди.

Шаҳидбек таассуф қилған каби бошини чайқади:

- Бу сўзингиз билан бояри гапингизга қарши бордингиз. Боя «мен-дан бошка бўладирғанлар ҳам бор, мен бу ишқа умидланмасам ҳам бўладир», дегандек қилған эдингиз, ҳозир эрса бошка нарсани айтасиз, хррр.

— Куфрони неъмат, нон тепкулик, — деди маҳдум. Анвар яна кулимсиди, аммо жиҳдий тус олған эди:

Ҳамоқат — аҳмоқлик.

— Хайр, кишилар ўйлағандек, менинг мирзобошилиққа истеъдод ва лаёқатим ҳам бўлсин, агар ёслир берсалар, бу вазифани қабул ҳам қилайин, — деди, — аммо анови — йигирма-ўттуз йилдан бери шу мансабнинг қайғусида келган кишилар тинч ётадир, деб ўйлайсизми, ҳар замон оёғимдан чалмайдирлар деб ишонасизми? Мана шу андишада тубан ва аҳамиятсиз бўлса ҳам, ҳозирги хизматимни аъло кўраман ва шу мулоҳаза билан тақсирим айтканлариdek, куфрони неъмат қилимоқчи бўламан.

Шаҳидбек маҳдумга қаради, маҳдум Анварга қарши чиқди:

— Сен ўз ишингни билиб қилсанг, вазифангда сустлик кўрсатмасанг, — деди баланд товуш билан, — сенга бутун олам душман бўлғанд ҳам бир мўйингни ҳам қилолмас. Чунки ҳақ ҳамиша ғолибdir, ҳақсизлик эрса мағлуб. Тұхмат ва бўхтон хавфида маъракадан¹ юз ўтуриш — йигитларнинг иши бўлмас. Чунончи, ушбунинг мисоли туркійда ҳам бор: «Чумчукдан кўрқиб, тариқ, экмаган», деб кўрқоқ кишиларни масхара қиладирлар. Шунга ўхшаш сен ҳам чумчукдан кўрқиб, тариқ, экмагучилар хилидан бўлсанг... мен янгишиб юрган эканманды, болам!

— Ҳақиқат... — деб кулди Анвар ва бироз ўлланиб тўхтади. — Ҳақнинг ҳақсизлиққа ғолиб келганини оғизда эшитсан ҳам, шу чоққача амалда кўралмадим, — деди, — масалан, мендан ҳам ўзингизга равшанроқдирким, мирзолардан Сайдикон, мулла Сиддиқ ва Мўминжонларнинг бошиға қандай фалокатларни солмадилар, ҳолбуки ҳақиқатда улар хон ўйлағанча хиёнатчи кишилар эмас, фақат бу учавининг ёмонлиқлари бир неча адоватлик мирзоларнинг тўқума тұхмат ва бўхтонлари эди², Айниқса, ўзим бир неча йилдан бери ўрдада ишлаб, шунингдек ўз ора фиску фасодларни ҳар кун учратмақдаман ва шунинг учун булғанч бир муҳитда мундай талашлиқ вазифани ўз устимга олишдан хазар қиласаман.

— Сенинг мисолинг, — деди маҳдум бирмунча кучанган ҳолатда, — нодиран воқиъадир... Агар шундай ҳодисаларни ўйлаб турсанг, ўрдада эмас, ҳатто кўчада ҳам юришинг маҳоддир. Бахting бунчалик кулган экан, жабонат³ билан давлат қушини қўлдан учтуриш куфрони пеъмат, болам!

¹ Маърака — жанг майдони

Бир вақт Худоер, «одил подшоҳ» бўлмоқ, ниятида мазкур уч мирюни маҳфий равишда вилоятларга жўнатиб, уларға: «Золим бекларим. порахўр қози ва бошқа амалдорларим бўлса, менга билиб берингиз, мен уларнинг жазоларини бераман», деб буюрадир. Сайдикон, мулла Сиддиқ ва Мўминжон — бу учави вилоят, туманларда неча вақт маҳфий кезиб, бек, қози, умуман, мансабдорларни текшириб чиқадирлар. Уларнинг тўғри баҳо беришлари натижасида матъмурлардан қарийб тўксон фойзи золим ва порахўр кўрсатилардирлар. Хон бу ҳолга ҳайрон бўлиб, ўрдадан бир неча кишиларга сирни очадир. Бу кишилар бояғи уч мирзонинг рақибларидан бўлиб, хотга иғво қиласидирларким: «Мирзолар ўзларига пора бергучиларни яхши кўрсатиб, бермажгушиларни емон кўрсатадирлар. Йўқса сизнинг овони адолатингизда шунчалик емонлар бўладими? Бу кўрнамаклар нафс сўзига кириб, жанобингизнинг аксар содик қулларингизни сиздан юз ўтуришларига ва салтанатингизга раҳна солишига сабабчи бўлмасинлар», деб. «Одил подшоҳ» бу иғвога лакда учб мазкур уч мирзонинг қулоқ-бурунларини кесиб, ўзларини ўрдадан ҳайдашка ва улар кўрсаткан ўн фойз яхши кишиларни ҳам ишдан олишга буюрадилар. Анвар эса юқорида шу воқиъа ишорат қиласидандир (муал.).

² Жабонат — юраксизлик, кўрқоқлик.



— Ҳа, тақсир, — деди Шаҳидбек, — айни ҳикмат сўзлайсиз... Укам мирзо Анвар, бахт деган нарса йигитка бутун умрда фақат бир марта-ба қарайдир, хррр, агар шунда маҳкам тутиб қолсангиз, хўб, бўлмаса ҳамиша отнинг кейинги оёғисиз-да.

— Тилак ва ташвиқотларингиз холисона бўлғани учун ташаккур айтаман, — деди Анвар, — яна шу ҳолда мени маъзур кўрасиз...

Маҳдум яна қизишди, ўнг кўзини қисиб, бир ёқдама Анварга қара-ди. Чунки ул жуда аччиғи чиқсан кезларда кишига шу хилда қарап эди.

— Мен ким, Анвар?

— Сиз... Сиз устозим...

— Бас, устозингнинг, — деди маҳдум, — шу қунгача қайси таъли-мидан зарар ва қайси кенгашидан зоеглиғ тортдинг?

— Нафдан бошқа ҳеч. Лекин ўз умримда бир густохлик¹ қилмоқ-чиман.

Маҳдум яна аччиғланиб, бир-икки тамшанди:

— Бошқа нарсага густохлик қилсанг қыл, илло ҳозирғи инодинг айни ҳамоқат! — деди қўлини пахсалаб, — агар мен сенга устоз ва ота бўлсам, бу ишка қулоқ қоқма, илло ўзинг бил, тузикми?!

Анвар индамади, чунки маҳдум кейинги жумла билан маълум бир таҳдиғача бориб еткан эди.

— Қизицманг, қизицманг, — деди Шаҳидбек, — мирзо Анвар сиз ўйлаған йигитлардан эмас. Албатта, мирзо Анвар айткандек, хррр... ўрдада ўшандай гаплар ҳам йўқ эмас ва лекин мен азмойишиб² бўлсам, хрр, шуни айтиб қўяйки, ўрдадаги каттадан кичик мирзо Анварга ҳур-мат билан қарайдир. Чумолини оғритмаган кишига ким ҳам адоват қилсин, хррр...

— Ҳабба! — деди маҳдум, — энди нима қолди; орада гўдаклик хавфидан бошқа ҳеч гап йўқ... Ойида қирқ тилло вазифа, анвоъи ҳади шоҳона, яна — элдан кўриладирган обрў, ҳурмат, ҳай, ҳай, ҳай...

Маҳдумнинг кейинги жумласи Анварни кулимситди. Кучланиб жи-диятини сақдаған ҳолда:

— Ҳозирча мени бош мунший қилиб ёрлиғ берганлари йўқ, — деди, — шунинг учун бу тўғрида сўзлашиш менга қолса ҳали эртарок, кўринадир.

— Мен ҳам буни билиб турибман, болам Анвар — деди маҳдум мулоимлашиб. — Башарти бу мартабани Худойи таоло сенги насиб қилса, ҳалигидек болалиқ ақдинг билан нобуд қилиб қўймагил, деб сўзлайман. Эшитишимга қараганда, жанобга бир ариза ёзиб, узр баён қилмоқчи эмишсан...

— Ким айтди?

— Ким айтканини қўябер, аммо бояғи ҳаракатларинг бу кори бад-дан ҳам қайтмаслиғингта бизни ишонтирадир. Дарҳақиқат, ушбу хабар тўғрими?

Густох — адабсиз, андишасиз; ёркин, эрка.

Азмошиш — мушоҳада, ўйлаш.

— Сизга арз қилған киши балки билиб сүзлагандир... Башарти сиз бу фикримни маъқул топмасангиз... албатта.

— Ҳабба, — деди маҳдум тамом очилған қиёфатда. — гўдаклик лозим эмас, жабонат кўб мазмум¹ суфат, «Осилаш ҳам баланд дорға осил» мақоли кўб пурҳикмат сўй.

Маҳдум шу гапни айтиш ораси қонеъ² ва мағрур Шаҳидбекка қараб олди. Чунки ул бу мағруриятка икки жиҳатдан ҳақли эди; «башарти сиз маъқул кўрмасангиз...», деб Анвар ўз ризолиқ сиёқини маҳдумнинг ёлғиз шахси билан билдириди, ҳам шу жумла билан устозидан бошқаларнинг ўз раъйига қарши бора олмаслиқларини онглатди.

Яхшигина тушурилган манти ва одатдан ташқари энтишиб, ҳаллослаб кўб сўзлаш натижасида Шаҳидбек чарчаб, ёстиққа суюниб қолған эди. Шунинг учун ул икки орадаги онглашишни ёнбошлиған кўйи табрик этди:

— Балли, мирзо, балли, гап шундай бўлсин, хррр..

Бир-икки пиёла чой ичишкандан сўнг, маҳдум билан Шаҳидбек фогиҳа ўқуб, шом намозига қўзғалишдилар. Анвар Шаҳидбекни ўрта эшиккacha кузатиб борди. Шаҳидбек Анвар билан хайрлашар экан:

— Иншоolloҳ ёрлиғ оларсиз, деб ўйлайман.. Бир неча закотчилар тўғрисида сиз билан кенгашадирган гаплар ҳам бор. Ўз фарзандимиздек йигитсиз, сизнинг мирзобоши тайинланишингиз бизга айни муддАО, — деди.

— Ёвда бўлса, тезаги тегар эмиш. Анвар ўз болангиз-да.

Анвар уларнинг сўзига қарши мажҳул бир вазият сақлаған ҳолда бош қимирлатиб суфага қайтди.

12. БАХМАЛБОФДА ФАҚИР БИР ОИЛА

Анвар 1267³-нчи ҳижрия миёналирида Кўқоннинг Бахмалбоф маҳалласида⁴ фақир бир оиласида дунёра келди. Оналар тукдан болаларини сизга «тилаб-тилаб олған фалоним», деб, оталар «Худой берган ўғулча» деб тақдим этадирлар. Аммо бизнинг Анвар бўлса онасининг «тилаб-тилаб олғани» эмас ва отаси ҳам уни «ўғулчага» ҳисобламаган эди. Отасининг касби бўёқчилик, ҳамиша ярим белидан нил сувига чўимилиб ётқан бир камбағал ва бир қарич, икки қарич болалардан бештасига дада эди. Шу беиш боланинг ёнига иззатсиз, ҳурматсиз олтинчи «меҳмон» бўлиб, бизнинг Анвар қўшилди. Яъни Анвар тилаб олинған бола эмас, дадаси билан онасининг тилакларига қарши, фақат уларнинг бахтсизлик ва қашшоқлиқларига хизмат қылғучи бўлиб туғилди. Бола тилаб олинса, сўйинч-кувонч, ноғорачи-сурнайчи ва шунга ўхшаш чўзма-чалпак, ис-чароф маросимлари нуқсонсиз ижро этиладир. Аммо Анварнинг дунёра келиши муғдай маросим, тантаналар ва орзу-ҳавас-

¹ Мазмум — айб, ёмон.

² Консъ — рози.

³ Мелодий ҳисоб билан 1850–51 йиллар.

⁴ Бахмалбоф маҳалла — духоба тўқуидурғанлар маҳалласи (муал.).

лар билан бус-бутун алоқасиз эди. Масалан онаси ўз ёниға доя чақириб тақаллуфланмади, тұнғуч қызы Нодиранинг құмагида туғди; болаларини құни-қүшниға сүйинчи учун чиқармади. Чунки қүшниларнинг қайси ҳолингға туғдиган?» ёки «ўзи ўлгур ит мижозми?», деб таъна қилишларидан чүчиidi.

Шу ҳолда етти-саккыз кунлаб Анварнинг дунёға «таширифи» сир бўлиб кечти. Анвар охорлиқ янги йўргак кўрмаганидек, оғаларидан бирининг эски бешигига тўққузинчи кун беланди эмас, тикилди.

Анварнинг «чилласи чароғ кўрмаган» бўлса ҳеч боки йўқdir, бироқ йигирма кунлаб бешикда исмисиз ётиши қизиқdir, чунки янги «қадрлик меҳмон»га от қўйиш на отасининг эсига ва на онасининг хотириға келган эди. Орадан йигирима кун ўтса-ку, болага исм қўймасалар, деб ота-онани айблаш оғир. Балки Салим бўёқчининг тириклиқдан қўли бўшамагандир. Анорбибининг бўлса олти боланинг хархашасидан қулоғи тинчимай мияси суюлгандир, ҳарҳолда бу «қадрлик» боланинг оти муҳтарам маҳалла имоми тарафидан қўйилмаганидек, ота-она томонларидан ҳам насиб бўлмади. Исм қўйиш вазифасини йигирма иккинчи кунларда ўн икки ёшлиқ Нодира адо қилди.

Нодира ўз яқинларидағи маҳдумлардан бирининг боласини яхши кийими, аиниқса, ёқимлиқ эшитилган «Анвар» исмига суқданиб, ҳавасланиб юрар эди. Ўйлаб-нетиб турмади-да, янги чақалоқ укасининг отини ҳам «Анвар» деб атади ва бешикда чалқанча ётиб, нурсиз қора кўзлари билан дадасининг факир ҳаётига «разм қўйған» бу чақалоқнинг теварагидан айланиб, «Анваржон, Анваржон!» деб хитоб қила бошлади. Шуни ҳам айтиб қўйиш керакки, Анварнинг дунёға келишини бирдан бир табрик этиб сўйинган шу Нодира эди. Сўнгроқ яна унга оналиқ мартабасида қолгучи, ҳатто шу кунгача Анварнинг энг меҳрибон кишиси бўлиб келгучи яна шу Нодирадир.

Шу йўсун Салим бўёқчининг мавридсиз лайлаклари ичида бемаҳал фуррак бўлиб Анвар ҳам яшай бошлади. Болалари кўпайган сайин Салим аканинг иши ҳам кейинга кетканидек, кундан кун, эҳтиёждан эҳтиёжға ўтиб борар эди. Анвар уч ёшқа кирганда, беш йиллардан бери Салим акага ёпишиб олган бобосир касали унинг ёқасидан олиб йикитишиға муваффақ бўлди. Яъни Салим ака қонсираб, дармонсизланниб ётиб қолди. Муолажага пул керак, мундан ҳам илгари оиласининг умумий касали бўлған озиққа ҳам шу нарса керак. Салим бўёқчи сармоясидағи нил, туз ва шунга ўхшаш дастмояларни сотиб муолажа қилдиран бўлди. Дард анча улрайран эди. Бу чиқимлар фойда ўрниға зарар келтирдилар. Дўкон дастгоҳини сотиб, рўзгор қилди. Булар ҳам биткандан кейин бу оиласининг оғир кунлари бошланди. Очлиқ, ялан-роҷалиқ, айниқса касал боқиши.

Шу қиши айниқса қаттиғ келган эди. Совукдан сақданиш учун уларнинг ҳозирликлари йўқ. Ўпкасига совук тегдириб Салим аканинг тўртингчи боласи ўлди. Кўкламга чиқар-чиқмас Салим бўёқчининг ўзи ҳам дунё билан видолашди. Бунинг устига Анвар, яна икки орасига қизамиқ тошиб бир бола мунда ҳам ўлиб берди. Шу йўсун олти ой ичида

Анорбиби эридан ва икки боласидан айрилиб, түрт гудак орасида тирик бева бўлиб қолди. Нодиранинг бўии чўзилиб қолған, ҳар начук бир жойини топиб кетар, аммо учта ёш боланинг иши қийин эди. Эридан болаларнинг тарбиясига ярарлик, ҳеч гап қолмаган, бир-иккита хум, уч-тўртта мўнди ва шунга ўхшаш резров, бошқа бир бало ҳам йўқ. Анорбиби меҳнат билан яшаб, етти-саккизни туғиб, ёши ҳам қирқларга бориб, тусига ажин кириб, кексаймаса ҳам қаримсиқ бўлиб қолған, шунинг учун бирартага тегиб олиши тўғрисида ўйлаш ҳам бехуда.

Анорбибига ўхшаш тул хотинларнинг қиласидирган ишлари ҳар кимга ҳам маълум: маҳаллада дастурхончилик, бойлар эшигида оқсочилик, ҳунармандроқ бўлса – кинначилик ва ҳоказо. Анорбиби шу ҳунарларнинг ҳаммасига ҳам қобилият эълон қилиб, болаларини боқиш фикрига тушди. Ва бу орада қизи Нодирани бир бўзчи боласига узатиб, юкини ҳам бироз енгиллатди.

13. ТАНИЙСАНМИ, ШУ ЖАЖЖИ ҚИЗНИ?

Фалакми кажрафткор, гурмушми bemaza, ҳарҳолда Анварларнинг толеъи яна пастлик қилди. Бир кун Анорбиби биравникида юмуш қила туриб тўсиндан оғриб қолди, бир соатнинг ичида тилидан ҳам айрилди Занбила солиб ўз уйига келтириб ташладилар. Болаларнинг фифони фалакка чиқди. Куюви табибга югурди. Натижада юрак фалажига йўлиқдани маълум бўлиб, шу кун кечаси ҳатто уч гўдаги тўғрисида бир оғиз васият қиломай вафот этди. Мозорға элтдилар. Тобут олдида икки оғаси билан олти ёшлиқ Анвар ҳам йиглаб борди.

Ўн бир ёшлиқ Темир, тўққиз ёшлиқ Қобил ва Анварларни тарбия қилиш оғирлиги Нодиранинг устига тушди. Марҳума онасининг ёдгорлари бўлған бу уч болани бегоналар қўлида хор қилиб қўйишни Нодира истамаса ҳам, эрининг фақирлиги бунга монеъ эди. Таъзия кунлари ўткандан кейин ўғулликқа деб сўрағанларга икки болани бериб юборди ва Анварни ўзи билан олиб, онасининг қақир-қуқурларини бир аравага ортиб эрининг уйига келди.

Нодира онаси ўрнига Анварнинг бошини силади, ювиб-таради ва Анварнинг истиқболи учун қайғирди. Отаси ва ўз эрининг касбларига яхши баҳо бермагани учун Анварни бошқа киши қилмоқ фикрига тушти. уни ўқутмоқчи, ҳатто мадрасаларга юбормоқчи ва шу йўсун муллалиқ даражасига еткузуб, отасининг уйига чароғчи қилмоқчи эди. Анварни ўзлари турған маҳалладан бир гузар нари бўлған Солиҳ маҳдумнинг мактабига берди. Анвар «такта»дан ўқуш бошлади, зеҳнининг тиниклиғидан бўлса керак, ўн бир ёшида саводи чиқаёзди. Бироқ ўқища қанча баҳтли бўлса, пешанада ўшанча баҳтсиз эди. Шундоқки, Нодира икки болалиқ бўлған эди. Эри: «Укангта едириб-кыйдирайми ёки ўз болаларингними? Укангни кишига шогирд бериб юбор», деб Нодирани қисташга турди. Бечора Нодира оғир ҳолда Анварни кишига шогирд бериб, ўқушини зоеъ қилишга кўзи қиймайдир, эрига муқобала учун

хеч бир мантиқ тополмайдыр. Чунки эрининг ҳоли ўзига маълум. Шу йўсун яна бир йил ўтиб, Анвар тўгрисида эри билан ачиф-тизиқ бўлған бир кун паранжисини ёпиниб кўчага чиқди ва тўғри Солиҳ маҳдумнинг уйига борди. Шу вақтларда Солиҳ маҳдумнинг онаси Марғилонға кетмаган эди.

Нодира Моҳлар ойимга йирлаб ҳасрат қилди. Ҳамма саргузаштларини бирма-бир сўзлади. Шу бола учун эридан чеккан изоларини чизиб:

— Улуғ даргоҳларингизга шу ятим боланинг умри зоёъ бўлмасми-кин, ўқуши жувонмарг қилинмасмикин, деб келдим. Бир парча нонларингизни аямай, ятим бошини силасаларингиз, деб келдим, — деди.

«Қуш тилини қуш биладир», деганларидек, Нодиранинг самимий арзи бандачилиги Моҳлар ойим билан Нигор келиннинг юракларини эзди ва шу онда Моҳлар ойим мактабхонадаги болалар ичидан Анварни чақиритириб олди. Анвар келишкан, дўндиқ бола эди.

— Домласи мақтайдирған ўзимнинг зеҳнлик болам-ку, — деди Моҳлар ойим Анварни кўриши билан ва Нодирага таскин берди.

— Хўб, қизим, хўб, поччаси боқмаса боқмасин, мен ўзим боқаман, ўқутиб катта мулла қиласман.

Анвар поччасининг кейинги кунлардаги давал муомалалари сабабини ўйлаб, хафаланиб юрар эди. Моҳлар ойимнинг ҳалиги сўзи билан масалага тушунди ва ятимона бошини қуини солди. Бу ҳолдан опаси таъсиrlаниб, кўзига ёш олди.

— Йигламант, жувон, — деди Моҳлар ойим, — йўқлиқ қурсин, йўқлиқ. Поччаси камбараж бўлса, унда ҳам гуноҳ йўқ, ҳамма гап тақдири азалдан. Яхши: бу кунданоқ бола сизникига бормайдир, ўз ёнимда ўғлим бўлиб ётадир. Отинг нима, катта йигит?

— Анвар...

— Оҳ, отинг ҳам ўзингта ўхшаш чиройлик экан... Манови дўндиқ қизни танийсанми?

Шу ўртада ўйнаб юрған олти ёшлар чамалиқ Раъно югуриб келиб, Моҳлар ойимнинг бағриға кирди. Анвар ўзидан ҳам дўндиқроқ Раъно-га қараб кулди:

— Раънохон, — деди

Моҳлар ойим Раънони бағридан чиқариб буюрди:

— Бор, Анвар акангга салом қил!

Раъно келинларча Анварга салом қилди ва жазб қилинғандек Анварнинг яқинига бориб тўхтади.

— Кўриш, Анвар! — деди ойим.

Анвар Раънони бағриға олиб қучоқлади. Шу ҳолда Моҳлар ойим кулимсиди.

— Агар ўлмасам, шу дўндиқ қизимни бериб, Анварни ўзимга куяв қиласман.

Анвар уялиб бағридағини бўшатиб юборди. Хотинлар кулишдилар. Шу йўсун Нодира Моҳлар ойимдан жуда хурсанд бўлгани ҳолда уйига қайтиб кетди.

Ўз уйида бир нонхўр ортиши маҳдумга, албатта, ёқмас эди Бироқ, онасининг раъйини қайтаришдан ҳам ожиз эди. Шундог ҳам бўлса, «томоғи-ку, енгил, кийими оғирроқ. Кийимини опасининг устига қўймабсиз-да» — деди. Моҳлар ойим «Кийими бир гап бўлар Кипи-лар масжид, мадраса солғанда, биз бир ятим боқсақ, арзимайдими? Сенга оғирлиқ қиласа, ўз бисотимдан кийинтиарман, болам», — деди.

Анвар ўн икки ёшида учунчи оилани кўрди. Лекин бу охирғиси Анвар учун ҳар жиҳатдан ҳам қулай бўлди: ўқушини давом этдирад, қорни панжшанбалик нонлар билан тўқ, уст-боши ямоқ бўлса ҳам, яланроҷ эмас эди. Бу учунчи оилага кўчишда Анварни энг хурсанд қиласан нарса мактабдаги болаларнинг озор беришларидан қутилиши ва домланинг асрани ўғли мақомини олиши бўлди. Болалар уни эҳтиром қилмасалар ҳам унга бурунгича ёмон муомала қилишдан ҳайиқиб қолдилар. Анварга бу уйда ортиқча юмиш ҳам йўқ, чунки ҳар қанча уй хизматлари мактаб болаларидан ортмас, ўқушдан бўшаган вақтини Раъонони ўйнатиб кечираш эди.

Ўн уч ёшида мактаб прўграммасини битириб, ёш бўлса ҳам ҳалфалик, яъни домлага кўмакчилик қила бошлади. Ва ҳар кун болалар озод бўлғандан кейин маҳдум унга коғиядан¹ дарс берар ва «Гулистони Саъдий»дан бир неча банд ўқутиб, маъноси билан ёдлатар эди.

Ўн беш ёшида мактабни ёлғиз ўзи идора қилиш даражасига етка-нидек, яхшиғина форсийхон ва бир даража араб тилига ошно бўлди. Маҳдум мундан бир неча вақт илгарилар Анварни мадрасага узатиш тўғрисида сўзланиб юрса ҳам, ҳозир бу гапни оғзиға олмай қўйди. Чунки мактаб ишида ялқовланиб Анварга суюниб қолди ва мадраса масаласини унутдириш мақсадида, араб, форс наҳв сарфидан² ўзи дарс беришка киришди.

Маҳдум Анварга шу жиҳат билан иноқ эди. Аммо Моҳлар ойимнинг Анвар билан муомаласи холис ва самимий бўлиб, ул Анварга ўз боласидек меҳрибон ва ҳар вақт: «Кўнглингни бузма, Анвар йигит; кўрасанми шу жажжи қизни? Албатта сенга бердираман!» дер эди. Лекин Моҳлар ойим ваъдасига еталмади Маҳдумдан аразлаб Марғилон кетишка мажбур бўлди. Бироқ, кетар чоғида ҳам Анварни унутмади. Ниғор келинни ўз ёниға чакириб: «Куявлик учун Анвардан яхшироқ йигитни тополмассиз, Раънога Худойим умр бериб, бўйи етса, албатта Анварга бердиргин» — деди.

14. ЧИН ЎРТОҚ

Анвар ёшлиғида бўшантгина бир бола эди. Ўз тенгги болалар билан оз алоқа қиласа, уларга кам аралашар ва ортиқча ўйнаб-кулмас, ҳамиша унинг кўзида бир мунг ётар эди. Бу ҳолат балки оила баҳтсизлигидан, ота-она бағрида яйрамаганлиқдан туғилғандир, десак, унинг икки ораси мундай эмас эдилар. Бир онадан алвон хил бола туғиладир,

¹ Коғия — араб тили грамматикаси.

² Наҳв — синтаксис, сарф — морфология.

деганлариңек, Анварнинг яратилиши оғаларига нусбатан бошқача эди. Махдумнинг уйида тура бошлағач, Анварда бироз ўзгариш күрилди. Шунда ҳам болалар билан алоқасини эскича юрутиб, фақат Раъно ёнидарина ўйин-кулки боласига алишинар, Раъонони етаклаб бокчаға, күчадаги катта сув бўйлариға чиқиб ҳамроҳини боқчадағи гулларнинг исми, учиб юрган қушларнинг навъи, катта оқар сувлар ва айниқса Раъно каби ёш қизчалар учун бу сувларга йиқилиш хавфи ва шунишг-дек, бошқа масалалар билан уни танишдирап, күчада ўлик кўтарганларни кўрса, бирарта боланинг отаси ёки онаси ўлганлитини сўзлаб, бунинг орқасидан: «Меним ҳам онам ўлганда ўшандоқ қилиб кўтарган эдилар .. Мен ҳам шу боладек мозорға йиғлаб борган эдим», деб қўяр эди. Раъно ҳам Анварнинг сўзига диққат билан қулоқ солар ва кўпин-ча ҳисобсиз саволлар ила уни кўмиб ташлар. лекин Анвар зерикмас, ҳар бир сўроқда жавоб бериб, Раъонони қаноатландиришга тиришар эди.

Анвар ёш бўлса ҳам жиiddий ва кичкина мияси муҳокамага қобил, бошқа кишилар устига тушкан баҳтсизлиқдан ҳам мутаассур бўлғучи эди.

Бола чоғиданоқ энг яхши кўрган нарсаси гулзор ва ундаги гуллар эди. Махдумнинг оиласига келиб тура бошлағандан сўнг боқчанинг гулзор қисмини ўз идораси остига оди. Гулларни суториш, ўтларни юлиб, тозалаш вазифаларини ўзи бажарди. Гуллардан ҳеч кимга уз-дирмас, бир боланинг узиб олғанини кўрса, ўзи хафа бўлғанидек, болани ҳам хафа қилар эди. Болаларнинг дараги билан ҳар кимнинг уйида бўлған янги гуллардан кўчат ва уруғ олиб, йилдан йилга гулзорни бойитди. Ёз кунлари келса, болаларни капалак ва олтин кўнгуз тутиб келишка буюрар; қийнамай, озор бермай заҳасиз капалак тутиб келганларга саборини ўқутиб қўйиш билан мукофот берар, капалак ва олтин кўнгузларни гулзорда учуриб юборар, агар улар гулларга қўниб қолсалар, ўзида йўқ сўюнар эди. Шунинг учун аксар ёз кунлари махдумнинг боқчаси оқ, нимранг, ола, зантор, мalla, ложувард ва бошқа тус капалакларнинг ял-юлт учишлари билан алоҳида бир кўринишка кирад, Анварнинг ўқушдан бўшаған кезлари гуллар ичида ва шу капалаклар орасида кечар эди.

Анвар ҳар ким учун ҳам сўйимлик ва хушмуомаласи барчага баробар эди. Аммо айниқса хуш кўрган кишиларидан биринчиси Раъно ва иккинчиси мактабдаги шогирдлардан сабоқдош шериги Насим исмлик бола эди. Насим билан Анвар жуда яқин дўст, бир-бирини онглағучи сирдош ўртоқ эдилар. Гарчи Насимнинг отаси Кўқоннинггина эмас, бутун хонлиқнинг танилган кишиларидан ва бу икки боланинг синфий айрмалиқлари ер билан кўкча, лекин ёш дўстлар бунинг фарқига етмаслар. Насим «Хоннинг миrzабошивининг ўғлимани», деб ҳаволан-мағанидек, Анвар ҳам «Салим бўёқчининг ятими, Солиҳ махдумнинг асрандисиман», деб андиша қилмас эди. Бу икки бола бир жойда сухбатка киришсалар, четдаги бир киши Анварни йиртиқ бўз кийимлар ичида ва Насимни шоҳи-адраслар билан гарқ ҳолда кўриб, албатта

«бу гадойбачча билан бекбаччанинг ўзаро нима муносабатлари бор?» деб таажжубланар, лекин дўстлар ҳали бунинг айирмасини идрок қилмаслар эди.

Аксар жумъа кунлари маҳдумдан изн олиб, Анвар шу ўртоғининг уйига борар, кечкача Насим билан «сұхбатлашиб» қайтиб келар эди. Анвар шу муносабат билан Насимнинг отаси Мұхаммад Ражаб пойгачининг илтифотига ноил ҳам бўлди. Насим ўртоғи Анварнинг ятимлигини отасига билдириб, мажбур қылған бўлса керак, бир неча ҳайит мавсумларида Мұхаммад Ражаббек Анварга кийимлар ҳам берди. Бу илтифот икки дўстнинг алоқаларини бир-бирларига яна қаттироқ боғлади, айниқса, маҳдумнинг димогини чоғ қилди. Зоро, Анварнинг, Мұхаммад Ражаб каби бир кишининг ўғли билан дўстлашиши бир камолат бўлғанидек, дўстлиқнинг ҳатто сарполар кийишқача бориб етиши маҳдумнинг назарида яна айни фазилат эди... Шу сарпо кийиш воқиъасидан сўнг маҳдум Анварга бошқача қараб қолди ва ичидан «сен одам бўладирган кўринасан», деб қўйди.

Бахтка қарши, бу дўстлик алоқаси узоқ давом эталмади. Бир кун орадаги дўстлик риштасини ўлим яғмогари келиб узди. Насим ўн беш ёшлиар чамасида чечак касали билан оғриди ва замонасидағи чечакдан эмлаш аҳамиятига тушунмағанлик, яъни хонлик жаҳолатига фожиъ қурбон бўлди. Мұхаммад Ражаббек ва оиласи учун бу мусибат, албатта, оғир эди. Бироқ, улардан ҳам Анвар учун оғир бир ҳасрат бўлди. Ҳатто, кўз ёшини марҳумнинг ота-онасидан ҳам кўброқ Анвар тўқди десак, муболага қилмаган бўлурмиз. Уч кун мактаб ва маҳдумни унтиб, Мұхаммад Ражаббек ҳавлисида туриб қолди. Ҳар оқшом Насимнинг қабри устида бир соатлаб йиглаб ўлтурди. Бу ёшнинг самимий чин дўстлиғи ва ўртоғига садокати ҳар кимни таажжубка қўйди.

Анварнинг биринчи мартаба марҳум дўстига атаб ёзған марсияси мотамлиқ ота-онани яна бўзлатқан эдиким, биз марсиядан бир неча мисраъини куйида кўрсатамиз:

Очилмай сўлса ҳар гул гунчаси пиру жувон¹ йиглар,
Эмас пиру, жувон, балки ҳамма аҳли жаҳон йиглар.

Ажал яғмогари боғи зако² ичра узиб занжир,
Раҳмсиз эзса маъсум лолаларни, чун ҳазон йиглар.

Насимим кетди оламдин мени қайгу аро ташлаб,
Кўзимдин оқса хун ҳеч бир ажаб ўйқ, чунки қон йиглар.

Жаҳонга зори танҳо мен ятимга ҳамнишин, силдор,
Фарибликнинг диёрига адашкан нотавон йиглар...

Мулла Мұхаммад Ражаббек пойгачи ўғлининг содиқ дўстига шу кундан эътиборан бошқача қараб қолди. Бир жиҳатдан маъсумият,

¹ Пири жувон — кексаю ёш.

Боғи зако — ақл боғи.

иккинчидан кўриниб турған истеъдод Муҳаммад Ражабbekни Анварга илтифот этишқа мажбур қилди. Гарчи Анварнинг юқоридағи марсияси болалик хархашасидан иборат эди зерсада, яна унинг истиқболидан хабар олиш учун яхши мезонлик вазифасини ҳам ўтар эди.

Мулла Муҳаммад Ражабbek аввало ўз илтифотини Анварнинг марсиясидан бир байтини Насимнинг қабр тошига олиш билан бошлади. Сўнгра Анварнинг «дунёда мен ятим ўрготингга танҳо сирдон ва дилдор (кўнгил кўтаргучи) эдинг. Бу кун мен сендеқ дўстдан айрилиб, яна гурбат диёрида нотавон йиглайман!» деб афсус ва надомат қилишига қарши, яъни Анварнинг ятимлик ва фариблигига йўл қолдирмаслик учун мулла Муҳаммад Ражабbek ўғлиниң содик дўстига ўз оталигини кўрсатмакчи бўлди.

Анвар уч ҳафтагача хатми қуръон кечлари Муҳаммад Ражабbek уйига келиб турар эди. Охирги хатми Қуръон кечи Муҳаммад Ражабbek Анвардан аҳвол сўради:

- Домлангиз саломатми?
- Шукур.
- Ўқушингиз яхшими?
- Бирмунча.
- Домланинг уйида турасиз?
- Тақсир.
- Сиқилмайсизми?
- Йўқ.
- Илми ҳисоб ўқуғанингиз борми?
- Йўқ, тақсир.
- Домлангиз илми ҳисобни билурмикин?
- Билмаслар деб ўйлайман.
- Агар мен бир домла таъйин қиласам, ҳисоб ўқуйсизми?
- Устозим рухсат берсалар, албатта ўқуйман.
- Хўб... бўлмаса эрта кечка домлангиз шу ерга келиб, менга учрашисин.
- Хўб, тақсир.

Эртаси куни маҳдум келди, Муҳаммад Ражабbek маҳдум билан сўзлашиб, Анварни ўрда хизматига олиш фикрида бўлғанлигини, бунинг учун арабча, форсийчадан яна ҳам чуқурроқ маълумот олиши лозимлигини ва ҳисоб ўрганиши кераклигини айтди. Маҳдум Муҳаммад Ражабbekning Анварга мунчалик марҳамати учун бироз шошиб қолса ҳам, лекин бу меҳрибончилик сабабига яхши тутпунганилиги жиҳатдан аввало бекнинг ятимпарварлигини, сўнгра Анварнинг зако ва истеъдодини маҳтади. Анварни одам қилиш йўлида чеккан ўз машақкатларини ҳам шикоят йўсунида сўзлаб чиқғач, бу кунларда ёхтимоми том¹ бирлан Анварга форс ва арабийдан дарс бериб турғанини ва алҳол ҳам Анвар форсийча тазкира ва таҳрирлар ёза олишини баён қилиб, неча хил узрлар ичида ўзининг илми ҳисобдан баҳрасизлигини

бидириди, яъни Анварнинг илми ҳисоб ўрганиши учун бошқа муаллим керак бўлур, деди. Муҳаммад Ражаббек бу тўғрига ўзи домла топмоқчи бўлиб маҳдумга рухсат берди.

15. МАҲДУМНИНГ БАХТИ

Шу кундан бошлаб Анварнинг ҳаётида янги саҳифа очиладир. Яъни маҳдум Анварга илгаригича — истиқболи қоронгу бир ятим, деб қарамай, балки Анвар каби ўз ўғли бўлмаганига ўкуна бошлайдир. Дар ҳақиқат, унинг ўкунишига арзийдирган чигил масалалар ҳам туғуладирким, масалан: Анвар ўрда хизматига кириб қолса, ойига беш тилло, ўн тилло нақдина даромад қилиб турса, бу маблағлар...

Шундай истиқболдағи бу «маблағлар» масаласи маҳдумнинг ичини ари бўлиб талайдир. «Ўн ёщдан бери ўқутиб, едириб, кийдириб келаман: албатта, даромад маним ҳаққим бўлур», деб ўиласа ҳам, бу ҳумидан ўзи унча рози бўлинқирамайдир. Ҳархолда масала чигил...

Моҳлар ойимнинг Раъонони Алварга бериш тўғрисидағи «беъмани, аҳамиятсиз» сўзлари ўша вақтларда маҳдумнинг энсасини қотирған бўлса, ҳозир шу ҳақда чинлаб ўйладигина эмас балки «ҳалигидек Анварнинг баҳти очилиб кетса, нима маломати бор. Ятимлик айб эмас, инсон учун фазлу камол лозим, кулиб турған баҳт ҳожат, наслу насабнинг ҳеч аҳамияти йўқ. Раъононинг ҳуснига ҳар ким ҳам таҳсин қилур: Анвар албатта йўқ демас...» Бу борада мол ва жонни бир қилишдан бошқа маслаҳат йўқ», деган қарорға дафъатан келиб қолди. Мундан бирар ойлар илгари Нигор ойимға: «Анвар балоратга етаёзди. Сен билан Раънога шаръян номаҳрам, ундан қочишларинг лозим», деган бўлса ҳам, бу буйруқ ҳозиргача амалга ошмаған эди ва бундан кейин ҳам амалга ошмайдирған бўлди. Зоро, маҳдумнинг фикрича Анварга оғир туюлиш эҳтимоли бор эди...

Анвар Муҳаммад Ражаб пойгачи тарафидан белгиланган бир муфтида ҳисоб, иншо (таҳрир) қоидаларини ўргана бошлади. Маҳдум ҳам жон отиб араб ва форсийдан таълимни кучайтириди. Анвар бир йил ичида ҳисоб ва иншо қоидаларини ўрганди. Ва бошқа дарсларида ҳам яхши муваффақият қозонди. ҳам шу кўкламдан эътиборан ҳар кун ўрдаға бориб, Муҳаммад Ражаб мунший қўл остидағи мирзолар ёнида дафтардорлик, номанавислик усулларини тажриба қила бошлади. Бир йил чамаси маошсиз тажриба кўрди. Шунда ҳам ҳафта сайин Муҳаммад Ражаббек ўз киссасидан уч-тўрт танга чой пули бериб турар эди. Анвар шу арзимаган уч-тўрт тангани ҳам маҳдумнинг қўлиға келтириб берар ва ҳафта сайин ўзига устозининг умидини каттароқ, боғлатиб берар эди.

Анвар бир йиллик тажрибада ўрдадаги дафтардорлик, форсийча ва туркча номанавислик¹ хунарларини тамоман деярлик ўрганиб тажрибалик мирзолар қаторига кирди. Сармуншийнинг оғзидан чиқсан маъ-

¹ Дафтар ва номалар ҳар икки тилда юритилар эди (муал.).

нони тартибка солиб нома, ёрлиғ ёки бошқача бир тазкирани таҳрир қила олар, мирзолар жумлани ғалат ифода қилиб, сармуншийдан аксар танбех, эшитканларида. Анвар бундай танбехқа жуда сийрак учрар зди.

Иккинчи йилдан бошлаб етти тилло моҳона¹ билан маошлиқ мирзолар қаторига ўтди. Маҳонадан ташқари солиқлардан ҳам дархонлик² қорози олди. Солиқлардан дарҳонлик маҳдумнинг рўзгорига катта енгиллик зди. Чунки сўнгги йилларда хонлик, томонидан ҳалқ устига тушкан ва тушиб турған солиқлар беҳад ва тўлаб бўлмаслиқ здиким, бу ҳақда келаси бобларимизда сўз бўлур. Шу хурсандлик баробарида биринчи ойнинг етти тиллоси яхлит ҳолда маҳдумнинг қўлиға тегиши гўё тўй устига тўй зди. Домланинг етти тиллони олгандағи ҳолини тасвир қилиш, албатта қийиндир; кўзлари ғилайлашқан, афтида қизик ўзгариш кўрилиб, оғзининг танопи узоқ саёҳатни ихтиёр қилған — «ҳабба... ҳосилинг дуруст, Анвар болам, лекин шулга эҳтиёт бўл, бўтам!» — деган зди. Етти тиллонинг қўлдан чиқиш хабари Нигор оймнинг қулогига етишкач, Анвардан ранжиди: «Ҳамма, пулингни домланға чакки берибсан, Анвар, уст-бошингни, кўрпа-ёстиргингни, ортиб қолса Раъно укангнинг устини тузатишинг керак зди. Домланг туфлаб туғищдан бошқани кошки билса!» — деди.

Маҳдум етти тилло «нақдина»ни олиб қанча шодланған бўлса, ўшанчалик ташвишқа ҳам тушди. Унинг фикрича, замона ёмон, бузуқилар бениҳоят; мумкинки, Анварни ўзидан айнатиб оғзи ошқа етканда, бошини тошқа тегдирсалар... Раънони Анварга никоҳлаб бошини боғлаб қўяйми, деб ўйлади. Бироқ, Раъно ҳали ўн бир ёшда зди. Иккинчи кун Анвар ишдан қайтиб келгач, маҳдум уни боқчара олиб кирди. Боқчадан кунгай ҳам кўкрак бир ўрунни кўрсатди:

— Ана шу ерга сенга атаб бир уй, бир айвон, ошхона ва ахтаконаси билан иморат солсан дейман... Ҳабба, Анвар? — деб сўради. Анвар кулади:

— Иморатка элли тиллодан кам пул етмайдир. Маним бўлса бир пулим йўқ. Бўладирғани ҳам фотиҳа бергунингизча албатта сизники ва ойимларники, — деди.

— Ҳабба... ҳимматингта! — деб юборди маҳдум, — албатта-ку, шундай ва лекин ўша ниятларингдан кейин бояридек алоҳида пул йифсанг дейман-да... Албатта, бу гап уч-тўрт йилсиз эмас-да.

Шу вақт Раъно нарида бола кўтариб турар зди. Маҳдум Раънони ўзенига чақириб, унга ҳам ҳалиги ўрунни кўрсатти:

— Ҳабба... мана шу ерга Анвар акангта уй солиб берамиз, Раъно. Бу сенга қалай ўхшайдир, қизим?

Раъно отасининг сўзига тушунмади:

— Анвар акамнинг ётадирған меҳмонхонаси борку, — деди.
— Хе-хе-хе, боласан, қизим боласан, — деб кулади маҳдум. — Анвар аканг токай меҳмонхонада ётади дейсан. Ахир бир кун уйланади, бамисоли сен бўлсанг эрга тегасан... Ахир уи керак-да, қизим.

¹ Модона — ойлик.
Дарлон — озод шишиш.

Бу сўздан Анвар қизариб кетди. Раъно Анварга қараб олди ва дадасига аччиғ қылған каби бурулиб ичкарига жўнади. Маҳдум Анварга усталиқ билан бир маънони онглатиб, таъминот берганидек, бузуқиларнинг васвасасига қарши дам ҳам солған эди... Бу дам солиш Анварга ҳам таъсирсиз қолмади. Шу кунгача Раънонинг ёш, маъсум ҳуснига умидсиз қарайдирған бўлса, бундан кейин унга умид ва истиқболнинг ширин хаёллари билан термуладирған бўлди.

Маҳдум ўзининг чеккан ташвишида ҳақли бўлиб чиқди. Анварнинг теварагида «холис» маслаҳаттўлар ҳам кўринишиб қолдилар. Айниқса бу «холис»лардан бири поччаси эди. Поччаси етти тилло дарагини эшлиб энтиқди. Эрининг тазийки остида Нодира ҳам кенгашка турди.

— Поччанг, бизнинг ҳанлиға келиб турсин, ўзим уйлантириб қўяман, дейди.

Анвар бошқаларнинг кенгашига қулоқ солмаганидек, опасининг сўзига ҳам илтифот қилмади. Маҳдум жавоб бермагунча бу уйдан кетмаслигини билдириб, фақат поччасига ёрдам бериб туриш ваъдаси билан опасини тинчтитди.

Анвар иккинчи ой маошидан уч тиллони ўзида қолдириб, уйга кийим-кечак олиш учун изн сўраған эди, маҳдум «шу иш чаккида, болам. Хайр, бундан сўнг шу номаъқулчилик бўлмасин!» — деб аранг кўнди. Нигор ойим, Раъно ва ўзига кийимлilar сотиб олди. Нигор ойим шоллар, Раъно атлас кийдилар.

Нигор ойим Анварнинг пинжига кириб олиб, ўз йўлиға сола бошлади. Маошининг ҳаммасини маҳдумга бермасликка, шунга ўхшаш кам-кўстларга ҳам яратиб туришга ундар эди. Анварнинг андишасини рад қилиб: «Ҳар қанча берсанг ҳам дадаси ола берадир. Лекин берганингни сен билан бизга миси ҳам юқмас. Шундай бўлағандан кейин, ишни ўйлаб қилиш керак», дер эди. Чунки Нигор ойим эрининг Анварга қаттиғ ботина олмаслигини сезар эди. Шундай бўлса ҳам Анвар еттисаккиз ойғача топқанини маҳдумга бериб, дуосини олиб турди. Лекин маҳдум шунчалик даромад билан ҳам эски табиъатини бир зарра ўзгартмас, ҳамон эски тос, эски ҳаммом: ҳар кун суюқ ош, Ҳудо ёрлаған кун озодлиқнинг палови, шунда ҳам Анвар кеч келиб совиран ошни ер, уйда иссиг нон ёпилмас, ҳамиша панжшанба кун йигифаған нон суви қочиб, тарақлаб келаси панжшанбагача кафолатни ўз устига олар эди. Бора-бора Анвар ҳам бу ҳолдан сикилиб, Нигор ойимнинг кенгашича иш қилмоққа мажбур бўлди. Олтин бериб қуруқ дуо ва миннатдорчилик олишдан, дуосиз еб-ичишини аъло кўрди Уйга гўшт ва бошқа масаллиғ олиб бериб, хоҳлаған таомини буюриб турди; ўзи яхши кийинганидек, Нигор ойим, Раъноларни ҳам яхши кийинтирди. Нодира опасира, жиянларига кийимлар олиб берди; икки тиллони Маргилонда оғриб ётқан Моҳлар ойимга совға-салом қилиб юборди.

Бу ўзгариш маҳдумни довдиратиб қўйди ва кўрқа-писа «бу ой харожатлабсизми, болам?» — деб сўраған эди, «кам-кўстларни тузатиб олдиқ» — деган жавобни берди. Иккиси ойда, кўрпа-ёстиқларни тузатиб, маҳдумнинг кўзи тўрт бўла бергач, икки тилолик «холис» дуо

ҳам олиб қўйди. Лекин маҳдум бу ҳолдан анча шошқан эди. Бирар шайтон йўлдан оздирдими, деб астагфируллоҳ ўқур эди. Анварнинг эскича очиқ юз билан муомала қилиб фақат «нақдина» важҳидангина дам бўлиб қолиши, топқанини «бемаза» овқатларга, кийим-кечак ва бошқа «бехуда молояъни»ларга¹ сарф қилиши маҳдумни кўб тангликка солған эди.

— Бўтам Анвар, — деди бир кун маҳдум, — дунё деган кўб ноёб нарса; кишининг бир куни бўлса йиглаб-сихтаб ўтиб кета берадир, илло, зар қадрига етиш керак. менда бўлса ўзингда турғандек гап, болам.

Бундай «муассир» насиҳатлар ҳам Анварга кор қилмади. Чунки Нигор ойим ва Раънолар билан бу тўғрида қатъий битишиб қўйған эди. Шу билан бирга маҳдумнинг ойлиқ вазифасини икки тиллодан ҳам камайтирмади. Инсон ҳар нарсага қобил... бора-бора маҳдум шунга ҳам қаноат қиласидирган бўлиб, ҳисоб-китобни эсидан чиқарди. Бироқ, ой сайин икки тиллони олғандა «қолғани» тўғрисида бироз юраги ачишиб қўяр эди.

16. ХОННИНГ ИЛТИФОТИ

Девонда расмий мирзо бўлишининг учунчи йилида Анвар жуда катта эътибор қозонған эди. Айниқса, туркий таҳрирда мизоларнинг ҳар бирисидан устун чиройлик услуги, осон таркиб- ва ифодаси бор эди. Буни мизолардан бошлаб сарой шоирлари, сарой муфтилари, бош мунший Муҳаммад Ражаббек, ҳатто хоннинг ўзи ҳам эътироф қиласар эдилар.

Худоёр муҳр босиш асноси ёзилған ёрлиғ ва номаларни ўқутиб эшитар, муншийларнинг эшитилмаган араб ва форс сўзлари орқалиқ тўқуған ярим туркий жумлаларига аксар вақт тушунмас: «Эналаринг арапқа текканма?» деб мирзо, муфтиларни койир эди.² Аммо, Анварнинг ёзган ҳар бир жумласини мусикий каби роҳатланиб, тушуниб тинглар ва «шу бала барилариндан ҳам ўқуғанрақ чиқар!» деб, бошқа мизоларнинг юрагига ўт ёқар эди.

Муҳаммад Ражаб мунший кейинги кунларда мұхим тазкиралар таҳририни Анварга топширадирган бўлди. Ўзи бирар жойга кетадирлан бўлса, девон идорасини Анвар қарамоғиға қолдирар, ҳар бир тўғрида

Молояъни – қийматсиз нарса.

² Таркиб – жумла тутиш

³ Худоёр кипчоклар ичилла ўскани учун тили ўзбекчадир Эналаринг сўнгидаги «нг» ҳарфини «нг» равишida қалин сўзлайдир. Бу кунги фарғона ўзбекларида ҳам йайниқса қишлоқларда юмшоқ «нг» ўрнида қалин «нг» ишлатиш кўб эшитиладир. Ҳозирги ислоҳ қилинган ҳарфимизда бу қалин «нг»пинг махсус шакли ўйқадир. Ёнданда (н-г) ҳарфларидан бир товуш ясалса ҳам бироқ ўқуғанда ҳар ким буни ўз маҳражидан чиқаролмаг, инглиш ўқур. Бу қалин «нг» ўзбекча бир неча сўнгагина ишлатилмай кўб (эллилаб) сўнда ишчымол қилинганни учун манимча алоҳида бир шакл қабул қилиш ёхтиежи ҳис этиладир. Масалан машхурлари: занғ, панғ, ланғ, даранг, қалангиг-қасанғи, данғ, тўнғуз, шанғи, тўнғилламоқ, тўнғ, тўнғуч ва анғиз, тинг башқалар. Эски «нинг» «нг» равишida ислоҳ қилинган. Бу йўрон «нг» ҳам «н» ҳарфининг устига уч нуқта қўюлиб етилсамикин (чувал).

ҳам бошқалардан кура Анварга ишонар эди. Зеро, Анвар ҳар бир ишни туғри ва холис адо қилар, вазифасидан ташқари ишларга киришмас, оладирған машидаң ортиқча тамаъга тушмас эди. Бу ўрунда Анварнинг бир хусусиятини атайноқ ёзиб ўтишқа бурчлимиз: ўрус истибдод идораси ёнидаги мусулмон қозихоналари ва улардаги мирзоларни ҳар ким хотирлайдир. Ўша мирзоларнинг унар-унмаска «қалам учи» сўрашлари, кичкина ишни улғайтиб мазана¹ чиқариш ҳаракатлари ҳам бизга маълумдир.

Шу қозихона мирзолари, баайни ҳикоямизнинг мавзути бўлған Худоёр саройи муншийларининг кичкина нусхалари эдилар. Ҳонға ёзиладирған арзи-додлар сарой мирзоларида ташқарида таҳрир қилинған бўлса, аксар вақт ишқа ошмас эди. Яъни четда ёзилған ариза қабул қилинса ҳам, ариза эгаси қалам учини бегона қилғани учун аризани ҳонға ва сармуншийга кўрсатмай, йиртиб ташлар эдилар. Ариза эгаси натижага сўраса, «аризангизни саводсиз киши ёзған экан; жаноб илтифотсиз қолдирдилар», — деб саводлиқ кишидан бошқа ариза ёздириб беришқа маслаҳат кўрсатар эдилар. Ариза бергучи иккинчи марта баҳаржатланиб, сарой мирзоларининг ўзларида ёздиришга мажбур бўлар эди. Мундан бошқа, бир-бирлари устидан ҳонға шикоят қилиш, ўз ора битмас адоват ҳам давом этиб, аксар бир-бирларининг тегига сув ҳам қўйиб турадар эдилар. Яна аксарият мирзолар ҳоннинг хуфиялик хизматини ҳам адо қилиб, шахсий адоват ёки ҳонға яхши кўруниш учун фуқародан нечаларнинг гуноҳсиз қонига чўмилиб, мудҳиш фожиъаларга ҳам сабабчи бўлар эдилар. Шунинг учун халқ айниқса, камбаражлар сарой мирзоларига нафрат билан қарар, улар ёниға яқинлашишдан кўрқар, иложисизликдан икки букулиб салом берар эди.

Лекин Анвар тамаъни, шайтанатни, адоватни айниқса, хуфияликни билмас, девонда ўзига топширилған вазифанигина адо қилар, алалхусус мазлумлар додномасини ҳонға эшитдиришқа ва яхши натижалантиришқа тиришар эди. Ул ўзининг шу тўғрилиги соясида ҳамиша анови мирзоларнинг ишига билоқас² ҳалал бериб, чиришини³ бузуб турадар, ҳам шу ва бошқача сабаблардан уларнинг адоватига яхшиғина ҳадаф⁴ ҳам бўлған эди. Бирок, Анварнинг ҳомийси — Муҳаммад Ражаббек катта эътибор ва нуфузга молик, ҳам ҳонға инобатлик, шунинг учун мирзолар Анварга қарши ҳеч нарса қиломас эдилар. Мирзолар орасида Анварга тиши-тирноги билан қарши бўлған Шаҳодат муфти каби кекса мирзолар яшаганларидек, унинг истеъдод ва закосига холис мафтун бўлған Султонали қаби мирзолар ҳам бор эдилар.

Шу йўсун тажриба йилидан ташқари беш сана саройда ишлаб келар эдиким, мундан ўн беш кунлар мукаддам сармунший Муҳаммад Ражаб пойгачи бир ҳафтагина оғриб, вафот этди. Анвар ўзига самимий меҳрибон бўлған бир кишидан айрилди. Неча йиллардан бери Муҳам-

Мазана — ширинкома.

² Билоқас — қасдиги, ният қилмай.

³ Чириши — бигтаётган ишни булиш.

⁴ Ҳадаф — нишон.

мад Ражаббекнинг ўлумини ёки бошқача бир фалокатини кутиб, ундан сўнг бош муншийликка ўзини чөрлаб юрган Шаҳодат муфти хизмат билан қишлоқда чиқиб кетканлиги учун, муваққат равища бош муншийлик вазифасини Анвар адо қила бошлади. Ва шу бир неча кун ичида Анварнинг бош мунший бўлиш шойиъаси юриб қолдиким, ҳозирга бу тўғрида бир мулоҳаза айтиш қийиндир. Чунки бу мансабга интилгучи казо ва казолар, шоир ва фузалолар кўбидир.

17. АНВАРНИНГ АНДИШАСИ

Анвар Шаҳидбек билан маҳдумнинг сўзларига қарши мажҳул бир вазиятда бош қимирилатиб суфага қайтди. Уларнинг чиқиб кетишлари ни кутиб турғандек ички эшиқдан Раъно кўринди. Ҳар замон титраб, учеб кетишкага ҳозир турған бошидағи сариф атлас парчасини бир қўли билан босиб ушлаган эди. Анвар Раъонони шу ҳолда кўриб, суфа ёнидағи очилған гуллар устида тўхтади. Раъно келар экан, ўпкалик кўз билан Анварга кулимсиб қарап эди. Келиб суфа лабида турған бўш лаганларга тақида.

— Бу кунги меҳмондорчилигимиздан рози бўлған ўхшайсиз, Анвар ака, — деди қайрилиб Раъно.

— Жуда рози бўлдим, — деди Анвар ва Раъононинг ёнига келди, — айниқса, сенинг қўлинг билан тугилган мантилардан жуда мамнун бўлдим, Раъно.

Раъно лаганлардан қўлини олиб, тирсаги билан суфага суюнди:

— Маним қўлим билан тугилган мантиларни қаёқдан билдингиз?
— Қаёқдан билдингиз? — деб Анвар кулди, қўлида бир дона қашқар гули бор эди, — айниқса, сенинг қўлинг нимага теккан бўлса, мен ўшани даррав сезаман.

— Мен туккан мантилар қандай экан?
— Танимайди дейсанми?
— Танимайсиз.
— Чоклари дикқат билан чимтилган, тўрт бурчаги иккига қовиширилған, дўндиқ... танимайди, деб ўйлайсанми? Мен нуқул сен туккан мантиларни танлаб едим...

— Мазалиқ эканми?
— Мазалиқ нима деган сўз, — деди Анвар, — мана шу қашқарнинг қизил гули ёдингдами, биз бу гулни келтириб ўтқузран йилимиз пушти ранглик бўлиб очилған эди. Икки йил ўтмай қизил туска кирди. Биласанми бу нимадан?

Раъно Анварнинг жиiddий қилиб берган бу саволига тушунмади:

— Офтоб қизартирғандир.
— Янглишасан, Раъно, — деди Анвар, — мен бу гулнинг қизариш сирини ҳам биламан, бунинг қизаришига ҳам сен сабаб, сенинг ҳип-қизил лабинг..

— Ҳазилни қўйинг, — деди шу гулдек қизарған Раъно — Шаҳид семиз нима учун келган экан, сизни мирзобоши қилмоқчилар шекиллик?

— Бу гапни қўй, Раъно, ишонмасанг ойнаға қара, сенинг лабинг билан шу қизил гул ранги орасида фарқ борми, мана, қара?..

Анвар томонидан лабига тегизилган гулдан Раъно ўзини олиб қочди:

— Ҳазил ўлсин... Сизни мирзобоши қилмоқчиларми?

— Мени ҳар бало қилмоқчилар... Лекин бўлмаган сўз.

— Нега бўлмаган сўз, шаҳарга овоза бўлған эмиш-ку?

Анвар орқаси билан сакраб суфа лабига оёқ солинтириб ўлтурди. Раъно бояғича унинг ёнида суфага суюнди.

— Овоза ҳақиқат эмасдир.

— Шамол бўлмаса, теракнинг боши қимирламас эмиш. Балки сизни мирзобоши таъйин қилурлар.

— Мени мирзобоши, таъйин қилсалар яхшими, Раъно?

— Яхшими, ёмонми, мен қайдан билай?

— Ёмон, Раъно.

— Нега ёмон?

— Ифлос иш. Агар бошқа касб топсам, ўрдани бутунлай ташлаб кетар эдим.

— Ифлос иш?.. Сизнинг бек поччангиз ҳам шу хизматни қилар эди-ку?

— Мен бек почча бўлолмайман, Раъно, ўрдадаги тўкулиб турған гуноҳсиз қонлар, доим теваракдан эшитилиб турған оху зорлар маним юрагимни эзадир, тинчлиғимни оладир. Яна мен мирзобоши бўлиб қолсам, бу оху зорларнинг, тўкилган маъсум қонларнинг ичида билғеъл¹ сузарман. Бу вақт маним азобим бевосигта бўлур. Балки бунда иштирок ҳам қиларман. Чунки хонга яхши кўруниш учун кўб ишларни унинг истагича кўрсатиш, зулм пичогини қайраб бериш, шу мансабда узоқ яшаморимнинг асос шартидир. Лекин мен бундай виждон-сизлик учун яратилмаган ўхшайман. Мадҳ-у сано, олқиши ва дуо замираiga яширинган зулмдан фарёд, ҳақсизликдан дод маънолариға малҳам бўлиш, албатта маним қўлимдан келмас. Чунки «соябони марҳамат» виждон кенгашига қулоқ солгучи «аҳмоқ»лардан эмасдир. Да-дангнинг феъли сенга маълум, Раъно. Дунёда «манфаат»дан бошқани кўрмайдир. Маним нима учун бу мансабдан қочқанлиғимнинг фарқига бормай, «куфрони неъмат қиласан, ойниа фалон тилло», деб дафъатан Қўрқоқлиғимға ҳукм чиқарадир. Да-дангта бояги узрларни кўрсатиш тошнинг қулогига аzon айтиш билан бир бўлғани учун сукут қилдим. Агар орада бир киши бўлмаса эди, гарчи, бош мирзолиқ ҳозир бир хаёл эрсада, ўшандა ҳам шу овозага бўйин сунмас эдим, Раъно.

Раъно Анварнинг кўзига тўғри тикилиб, сўзни тинглади. Унинг тусида Анварга ачиниш вазияти бор эди:

— Яхши ният билан мирзолиқни қабул қилсангиз, — деди, — аҳолидан ёрдам қўлингизни йигмасангиз, шу ҳолда барча гуноҳ сизнинг бўйнингиздан соқит бўладир, Анвар ака.

— Тўғри, — деди Анвар, — лекин гап бунда эмас, Раъно, мен

¹ Билғоръи — амалда.

шундай бўлишини тилар эдим. Бошқалар мен тилаганча қилмайдилар, биноан алайҳи, масъулият маним бўйнимдан соқит бўлди, деб тинчланиш мумкин эмасдир. Сен тамоман бошқача тушунган бир масала, сенинг ҳаракатинг ва истагинг аксича натижаланиб турса, руҳан эзиласан, вижданаң азобланасан. Мана асли мушкилот шу нұқтададир. Йўқса гардандан соқит қилиб қўйиш ҳар нарсадан ҳам қулай вазифа, аммо маънавий мағлубият оғир масала, Раъно.

Раъно Анварнинг мақсадига тушунди шекиллик, бир неча вақт жим қолди ва қаршисидағи йигитнинг ўйчан юзига бир-икки қараб олди.

- Демак, мирзобошилиқни қабул қилмайсиз?
- Агар топширсалар, қабул қиласман.
- Шунчалик мушкилот ичида?
- Чунки отанг буни мендан талаб қиласдир.
- Отамнинг қандай бийлиги бор?

Маъсум бу саводдан сўнг Анвар энтишиб қўйди ва Раъони бир фурсат кўздан кечириб турди:

- Жуда катта бийлиги бор, — деб яна энтиқди.

Раъно қайтиб сўрамади. Гёё ул ҳам бундаги бийликка тушунган эди. Секингина лаганларга қўлини юбориб, Анварга бўштоброқ қаради:

- Чой ичасизми?
- Кейинроқ ичаман.

Раъно лаганларни кўтариб жўнади. Атлас кўйлак ичида тўлқинлангиб кўринган унинг латиф гавдаси алҳол Анварнинг кўз ҳадафи эди.

- Мен хуфтанга чиқмайман, Раъно!

Раъно ярим йўлда тўхтаб, кулимсираган ҳолда Анварга қаради:

- Чиқарман! — деди.

18. ЖИЛОВХОНАДА БИР ЖАНЖАЛ

Аср намози учун масжид жиловхонасира энди уч киши йигилган эди. Жиловхонанинг тўрида ўлтурган қора тўнлик, ўттуз өшлар чамасида рангсиз ва ёшлиғиға қарамасдан қуюқ соқолини баҳайбат ўстуриб, бир бурдагина юзига от тўрба осқан каби бир киши эди. Унинг ёнида бўз яхтак боричини осилтириб, хандалақдек бўқори билан ўнг томорини зийнатлаган ўрта яшар яна бир «ҳусни Юсуф» кўринар эди. Унинг қаторида ошловдек чўзуқ юзлик, оқ бўз кўйлаги ердан тўрт энлик кўтарилиб, бўз салласи гардани аралаш ўралған учунчи нозанин ўлтурас эди.

Булардан биринчи мухтарам шу масжиднинг ёш имом ва хатиби Абдураҳмон домла бўлиб, иккинчиси маҳалланинг ширин сўз ғийбатчиларидан Самад бўқоқ, учунчиси масжиднинг муаззини Шукур сўфи эди. Самад бўқоқ билан Шукур сўфи имом афандининг мулоимона, ҳам битта-битта айни мақомига чертиб ва қатор териб борған сўзига сомиъ эдилар

— Ўрда ичида шунчалик оқил ва донолар тулиб ёткан бир фурсатда, таҳсил кўрмаган, нодон бир гўдакка бундай улуғ бир вазифа, валлоҳи атълам топширилмас деб ўйлайман. Бу вазифани уҳда қиласок учун кўп гап керак. Аввало ақли солим, сониян, таҳсили том лозим, ваҳоланки, сиз айткан йигит ўткан саналар Солиҳ маҳдумда савод ўқуб, биздан ҳижжа¹ ўрганиб юрар эди. Баҳарҳол бу хабарга ақл бовар қилмайдир...

— Ҳа-а, таҳсир, — деди Самад бўқоқ ва Шукур сўфини тирсаги билан туртти, — бу бала киму, ўрдаға миrzабошилиқ ким. Замонанинг зайди минан, бояғидек Мамаражаб миrzабошининг ярдамида ўрдаға киришиб қоған-да... баяғидек оппоққина бўлса Мамаражаб ўз ёнига оған-да...

Ином бўқоқнинг сўзини тинглаган ҳолда, икки кўзини ерга қараткан эди.

— Юртнинг сўзига қараб айтаяппан-да, — деди Шукур сўфи, енгилган оҳангда, — гарчи бир неча кундан бери катта-киччикнинг оғзида шу гап.

— Кўбчиликнинг оғзини тикиб бўлардима, сўфи.

Самад бўқоқнинг бу сўнгги ғийқиллашида томоги остидағи йўғон томирлари туртиб чиқди. Ином ҳамон икки кўзи ерда бўлғани ҳолда кичкина бошини қимиратди:

— Ўрдадан бирар киши масхара учун хабар тарқатқандир.

— Ҳа-а, таҳсир.

Шу ҳолда жиловхонаға тўртинчи киши кириб келди. Буниси жиккак, қирқ билан элликнинг ораси, елкаси туртиб чиқған Сафар бўзчи исмлиқ эди. Иномга салом берив, сўфининг ёнига ўлтурди ва сўзга бироз қулоқ солғач, тушунар-тушунмас баҳска аралашиб қолди.

— Иншоолло, шу йигит миrzaboши бўлар, — деди Сафар бўзчи сұхбатнинг руҳини билмаган ҳолда, — ўзи ажаб зукко йигит, фуқаро-парвар бола: бўғани маъқул, а, лаббай, таҳсир?

Ином ерга қараган ҳолда бошини қимиратиб қўйди. Самад бўқоқ хўмрайиб Сафар бўзчиға қаради:

— Э, акиллай берасанда, Сафар, — деди бўқоқ, — биз нима деяп-биз-ку, сен нима деяпсан.

— Хўш, нима деяпсанлар?

— Овоза гап деяпмиза, миrzaboшилиқда катта миlla керак деяп-миза.

— У миlla эмас эканми?

— Миlla бўлса ҳам, ҳашаки миllалардан-да.

— Ашунга қоғанда чалғибсан, Самад, — деди Сафар бўзчи, — хат битишқа келланда қўявур, камбағалга қайишқанини кўрсанг, ҳа, бўлди дейсан.

— Занталагинг кимга қайиша қопти?

— Ҳаммага, ҳаммага, — деди Сафар, — мени ўзимга ҳам ёрдам қилди-да, яшагуринг.

Ҳижжа — сабок.



— Ҳа-а, хуш?

— Бултур ана шу кезда, — деди Сафар энгашинқираб, — бозорға саккизта бўз олиб тушкан эдим. Бирарта мушкил ифво қилдими, закотчининг томоги тақилладими, ҳарчи фалакат, қўлтуғимдаги бўзни ёппо олди, қўйди; «отанг яхши, онанг яхши, косибман, савдогар бўлсан уйим кўйсин»... Асти қўйса-чи... Бир йиллик закотинг деб кўтарди, кетти Кўлингдан нима келади, Самад. Хафалигим ошиб, уйга қуруқ қайтдим. Майдо-чуйда кутиб ўлтурган бола-чақанинг кути учти. Мол кетти — жон кетти, ишка ҳам қўлим бормайди. Энди бўлар иш бўлған десанг юрак ачийди, дастмоя ҳам ғалтакка чиқадиган. Арза-парза биттирсамми дейман. Кўчада унга-бунга кенгаш солсан, арзанг маъкул дейишиди. Шу яқинда, ўзи ўрдада турадиган бир арзачи бор эмиш. Кеткан устига кеткан деб, дўкон теги яримта бўз бор экан, қўлтуғимга тикиб олдим. Ана шу тобларда сўроғлаб арзачи мирзаникига борсан, ҳозир ўрдадан келиб, энди тўнини ешиб турған экан. Ёш, навқирон йигит, «салом, алик», «ҳорма», «бор бўл». «Шундай, шундай гап; бир парча арза биттирсан, деб келган эдим». Ўрдалиқقا гап уқдириш киёматдан қийин, тақсир. Лекин бу йигитда гаврлик¹ сиёқи йўқ, Шукур сўфи Гапка қониб олиб, қулоқ қоқмай «хўб». Арзанинг бир ерига закотчининг оти тушар экан, неча қайта сўраса ҳам билмадим, ундан кейин афти башарасини уқдириб эдим, тусмоллаб биттасининг отини ёзди, чоғи. «Энди кета беринг, арзани ўзим топшираман», — дейди Жавобини ҳам икки кундан кейин ўзидан олар эмишман...

— Манави осонлиқни қаранг, тақсир. Дуо қилиб қалам учисига бўзни узатдим, олмайди. «Ёпирай, озсиңди-ёв, қурғур» деб кўрқдим. «Арза ўрунласа, яна хизмат қиласмиш, мирзабоши». Яна йўқ, «тоза фалакат бости» — деб турсам, «арзага ҳақ олмайман; бўзингни олиб кетавур» — дегани экан. Барака топқурни қаранг, тақсир. А, шундақа одам ҳам бўладими, Самад оға. «Олтин олмасант, дуо ол» — деб қўлнимни очтим. Ҳа, энди буни қўявлуринг. Эртаси кечкурун гула тўғрилаб ўлтурсан, эшикни бирав тақиллатади. «Ҳа, келавуринг». Дўкон-хонага бўз қўлтуқлаған бир киши кирди.

- Сафарбой сизми?
- Ҳа, биз.
- Арза берганмидингиз?
- Берган эдим.
- Отангизнинг оти нима?
- Маматбой.

Қўлтуғидаги бўзни олдимга ташлади. Ҳудда кечаги бўзларим: таппа-тақ саккизта.

- Бўзларингизни олдингиз-а?
- Ҳа, олдим.
- Хайр.
- Ҳўш.

Бу яхшилиқ арзадан ҳам бурун мирзабошидан бўлди, деб ўйладим.

¹ Гавр, гобр — оташлараст, исломни танимаслик.

Балаларнинг кенгаши билан икки бўзни кўтариб шом пайтида мирзанинг уйига бордим. Чакирдим, чиқди. Миннатдорчилик билан икки бўзни узатдим; асти олсачи. «Яхтакка бўзим бор, кетавуринг», дейди. «Сотиб, пулини берайми», десам «гулим ҳам кўб» дейди. Ақалли биттасини ҳам олмади. Яна дуо қилиб бўз билан қайтдим. Фаришта ҳам шунчалик бўлар, деб ўйлаб қолдим, Шукур сўфи! А, шундай йигит мирзабоши бўлмай ким бўлсин. Самадбой! Кўбни дуоси кўл деганлар; ишонмасанглар, ана тақсиридан сўранглар!

Ҳикояни эшлиши асноси имомда бир гижиниш вазияти бор эди. Ҳикоя биткач, заҳарханда билан Самад бўқоққа қаради, дами кесилаёзган бўқоқ бундан рухланди.

— Ёлонни ҳам ямламай ютадиган бўлибсанда, Сафар, — деди бўқоқ.

Сафар бўзчи тўсундан ўзгариб кетди. Ранги ўчинқиради:

— Азбаройи Худо, қасамми?

— Иккита бўзни икки кўллаб оборсанг, — деди Самад бўқоқ, — қайси аҳмоқ олмай қайтарар экан? Ёлонни сал киши ишонадиган қилиб гапириш керак, Сафар!

— Азбаройи Худо, олмади! — деди Сафар ва асабийланиб ўрнидан туриб кетди, — шу каъбатуллонинг ичидаги ўлтуриб ёлон гапирган одам мусулмон эмас, кишининг қасамига ишонмаган ҳам етти маҳзабда мўмин эмас!

Сафар аканинг азтажидил аччиғланранини сезган имом орага тушти:

— Бундай яхшилиқни ҳар ким ҳам қила оладир, Сафар ака, — деди, — шунинг учун мирзобошининг сизга қилған яхшилиғига мен ишондим. Аммо бизнинг баҳсимиз унинг бева-бечорага қилған яхшилиғи тўғрисида бўлмай, бу одам ўрдадаги мирзоларга бошлиқ бўла оладирми, яъни ўшандоғ катта ишнинг уҳдасидан чиқадирми, устида-дир.

— Баракалла, тақсир, — деди Сафар бўзчи турған еридан, — менга қолса, иншоолло, уҳдасидан чиқади!

Имом Сафар бўзчига тушуна олмай, бироз тикилиб турғандан кеъин сўради:

— Унинг уҳда қилишини сиз қаёқдан биласиз?

— Худой билдирса, биламан-да, тақсир?

— Хўш?

— Ахир, кўбчиликнинг дуоси кўл-да, тақсир!

— Кўбчиликнинг дуоси кўл бўлса яхши, — деди имом, — аммо бу хизматка унинг илми кофийми?

— Ковфий, тақсир, ковфий!

— Ахир, сиз кофийларгини қаёқдан биласиз?

— Ахир... ковфий эмаслигини сиз ҳам қаёқдан биласиз, тақсир?

— Кофий эмаслигини мен шундан биламанки, — деди имом аччиғини ичига ютқан ҳолда, — бундай мансабга минадирган киши Бухоройи шарифда тақсил кўрмаганда ҳам, лоақал Ҳўқанд мадрасаларида

ўқуған бўлиши керак, аммо сизнинг мирзобоингиз саводхонлиқдан бошқани билмайдир.

- Билмаганини сиз қаёқдан биласиз тақсир?
- Чунки мен уни ўз қўлимда ўқутқанман... бир ятим бола эди.
- Худонинг бериши, тақсир, — деди Сафар, ўйлаб-нетиб турмай,
- жанобингиз Бухоройи шарифда неча йил ўқуб ниҳояти маҳаллага имом бўлдингиз... Худой бермаса шундай, тақсир. Ул бўлса мадраса кўрмасдан мирзаларнинг мирзаси бўлмоқчи; Худой берса шундай, тақсир.

Сафар бўзчининг бу сўзидан имомнинг қонсиз ранги яна қонсизланған, оламунчоқ кўзи алланучка ҳолатка кирган эди.

- Абраҳ одам экансан! — деди.

- Сиз ҳам аҳмақ мулла экансиз! — деди Сафар бўзчи.

Имом ғазаби билан ўрнидан туриб Сафар бўзчига хезланған эди, уни Самад бўқоқ ушлаб қолди.

— Падар лаънат, адабсиз! — деди Самад, — домлаға шундай сўзни айтасанми-я?

Сафар бўзчи турған ўрнидан силжимади:

— Чўзма кекиртагингни, бўқоқ, — деди, — қани қўйиб берчи тақсирингни, ёқалашсинчи мен минан! Андишанинг отини қўрқоқ қўйдингми?!

Шукур сўфи ўрнида бақа бўлиб қолған, имом бўлса гўё ҳужум қилмоқчилик Самад бўқоқни итарар эди. Самад бўқоқ гийбатдан бошқа ишка ярамағани учун, имомнинг ёрдамиға етиш чамаси йўқ эди.

— Шу адабсизлигинг билан, — деди Самад насиҳатомуз, — яна домланинг орқасида намоз ўқусанми, Сафар, а!

— Ўқумасам кутиламанми сенлардан!

— Ўқумасанг бор, жўна!!!

— Ҳе... — деб сўкинди Сафар бўзчи ва жиловхонадан чиқиб жўнади. Унинг орқасича «падар лаънат жоҳил» деб сўкинди имом ва илгариги ўрнига борди. Бир неча вақт учавлари ҳам сўзсиз ўлтурдилар.

— Бир ит-да, тақсир, хафа бўлманг.

Имом жавоб бермади. Яна бир неча киши келиб қўшилгач, Шукур сўфи мезанага чиқиб аzon айтди. Асрни ўқуш учун масжида кирдилар.

19. ИФЛОС БИР МОЗИЙ

Имомнинг табъи жуда сустланди Шом ва хуфтан асноларида ҳам ҳеч ким билан сўзлашмади. Сафар бўзчининг «Бухоройи шарифда неча йил ўқуб келиб, ниҳояти маҳаллага имом бўлдингиз. Худой бермаса шундай бўлади, тақсир» — деган сўзи заҳарли ханжар каби унинг юрагида янгидан янги жароҳат очар эди.

Дарҳақиқат, Сафарнинг бу сўзи имомнинг эски жароҳатини мудхиш тузлаб ташлади. Бу жароҳат шу кунгача ичдантина фасодланиб



юрган бўлса, бу кун Сафар бўзчи каби бир «бемаъни» бу ярали раҳмсиз суратда ёриб юборди. Самад бўқоқ ва Шукур сўфи каби bemазалар олдида имомнинг обрўсини тўқди. Бу бир ёқдан. Иккинчи тарафдан, Сафарнинг «ул бўлса, мадраса кўрмасдан мирзоларнинг мирзоси бўлмоқчи...» жумласи яна дард устига чипқон. Яъни имомнинг ҳасад ути тўрт томондан пуфланди, тўё ул икки олов ўртасида қолғандек бўлди.

Анварнинг бош муншийликка ярамайдирғанигини, илмсиз, фазлилизигини нега бунча исбот қилишга тиришди? Сафар бўзчи каби бир «аблаҳ» билан баҳслашиб, ўзига нега бунча хафалик ортдирди? Гарчи, Анварга холис қиймат бермакчи бўлғанида ҳам буни Сафар каби илмсиз, нодон бир кишига тушундирмоқ учун қандай ҳожат бор эди? Бунинг сабабини сўзлашдан илгари имом афандининг ўткан тарихига бироз кўз ташлаб олишга мажбурмиз. Чунки бусиз ўқуғучимизни таъмин қилиш мумкин эмасdir.

Ҳозирғи имомимиз – мулла Абдураҳмон мундан йигирма йиллар муқаддам, қисқафина, аҳамиятсизгина «Раҳмон» исми билан аталар эди. Абдураҳмоннинг отаси уламо наслидан, аммо бу шараф нима сабаб биландир, унинг отасига насиб бўлмаган, бироқ Абдураҳмоннинг амаклари ота касбини ушлаб, таҳсил кўрган жойлари Бухорода катта мударрислардан саналар эдилар. Абдураҳмон ёш бола экан, отаси ўлиб, онаси ва ота томонлари тарбиясида қолди. Ўн беш ёшларғача Солих маҳдум мактабида савод ўқурач, мударрис амакларидан Бухоройи шарифка келиб таҳсил қилишга даъват хати олди. Хатда Абдураҳмоннинг бобо касблари уламолик эканини, шунинг учун бошқа касбларга уруниб умр зоеъ қилиш абаслиги¹, ўз тарбияларида таҳсил кўриш лузуми сўзланар эди. Бу даъват Абдураҳмоннинг онасига ва бошқа яқинларига жуда маъқул тушиб, уни Бухорова жўнатиш қарорига келдилар. Абдураҳмон ҳам истиқболдаги мударрис, муфтилик ширин хаёллари ичida Бухорога сафар қилди.

Катта амак Бухоронинг «Хўжа Порсо» мадрасасининг мударриси бўлиб, Абдураҳмон шу кишининг тарбиясига келган эди. Абдураҳмон силлиқкина бола, мадраса муллабаччалари албатта шундай силлиқ болара ўч.... Шунга биноан домла мударрис гарчи мадрасадан ҳужра бериш мумкин бўлса ҳам, мазкур ишончсизлиқ мажбуриятида Абдураҳмонни ўз меҳмонхонасига жойлаштириди. Шу ҳолда Абдураҳмон таҳсил бошлади.

Домла мударрис «замона бузуқлигини» назарга олғани учун Абдураҳмонни ҳалиги тўғрисидан жуда қаттиғ назорат қиласар эди. Бироқ, домлаларнинг бундай бузуқликка қарши бора олишлари мумкини эди? Уларнинг ўзлари шу «маҳрам» балосига гирифтор, яъни бузуқликка манба бўла туриб ҳам яна «замона бузуқлиги»дан шикоят қилишлари ўша вақтлардағи «мадраса мантиқи»га ҳеч бир баҳссиз сига олур эдиким, бу тўғрида менга осила кўрмангиз. Кишининг боласини бузиш ҳар бир салласи муazzам, илми «фавқулодда», ўзи

¹ Абас – беғойда, бедуда.

«варасатул-анбиё»¹ саналған зотлар назарида ва вијждонида маъфу, аммо ўз ўғлира бошқалар ўшандор ҳайвонлиқни қиладирған бўлса. «Замона бузук, эҳтиёт шарт!»

Шу йўсун домла мударрис буродарзодасини яхши эҳтиёт билан, ҳатто шомдан кейин дарбозага қулф солиб тарбия қилар, мадрасадаги оти ёмонга йиртилган хоҳ ёш, хоҳ кекса умуман, талабалар мажлисига яқинлашдирмас эди.

Киши аввало моҳхов ёки пеc бўлмасин, бўлдими, бетдан бўлмаса – елқадан, кўлдан сув очмаса – оёқдан, ҳарҳолда оқаберадир. Шунга ўйаш жамият ҳам бир касал билан оғридими, унинг ҳар бир табақа ёки синфиға, яна тўғриси, фардига² шу касал сироят³ қилмай қолмайдир. Домла мударрис буродарзодасини мадраса муллабаччалиридан ҳар қанча эҳтиёт қиласа ҳам, яна амният⁴ остида эмас эди. Мадрасадан ташқарида ҳам Абдураҳмонни кўз остига олгучи «муллабаччалар» йўқ эмас эдилар, масала четларнинг кўз олайтиришиға етканда, табиъий, домла мударриснинг кўлидан ҳеч иш келмай қолди.

Домла назоратни эскича давом этдириб, хотиржамъ юриданда бир неча жувонбоз савдогарлар Абдураҳмон билан алоқа қилиб қўйган эдилар. Домла мударрис эрта-кеч Абдураҳмонни кўз ўнгидан юбормас, хуфтандан кейин дарбозага қулф солар, Абдураҳмонни меҳмонхонада ётқузиб, сўнгра ўзи ичкарига ухлагали кирап; зиёфатка бориладирған бўлса, ўзи билан бирга олиб юрар эди. Яна шу ҳолда Абдураҳмонни қандай қилиб буза олсинлар? Таассуф, бузян эдилар. Баччабозлиқда маҳсус ҳунар ва найранглар ижод қилган омилкор савдогарлардан бир нечаси «Абдураҳмонча»ни йўлдан оздирған эдилар.

Домла мударрис хотиржамъ ичкарига ухлагали киргандан кейин меҳмонхонанинг кўча томон даричасига кичкина бир кесак тиқ этиб тегар, гўё ешиниб ётқан Абдураҳмонча бу ишорадан сўнг туриб кийинар ва секингина даричани очар, эшик очилған кўчадан бир ўрим арқон тўп этиб меҳмонхонага ташланар эди. Абдураҳмонча арқоннинг бир учини меҳмонхонанинг даричасига боғлаб, иккинчи учига ўзи осилиб кўчага тушар, арқонни бўй етарлик қилиб яширгач, нарида кутиб ўлтурган «одам ўғриси» билан бирга базм ўрнига жўнар эди. У ерда бўлса беш-үн «ошибқар» Абдураҳмончани келиши он билиттироқ «Бухоро амрлиги»га кўтариб, амру фармонига итоат қилурлар:

«Мулла Абдураҳмонжон, жаноби олий, гарам, аз сараён гардам, балонгни олай!»⁵ каби мадҳу саноларга кўмилган «Абдураҳмонча» ҳар бир ишни ўз тилагича юритар: май учун соқий бўлар, заифона кўйлак лозим ва бошига кокил кийиб ўн олти ёшар қиз суратига кирап; чойға лабини тегизиб «табаррук» қилар; дутор, танбурга йўргалаб ўюнчи бўлар; бошидағи кокил билан «ошибқар»ни раҳмсиз қамчилаб ситам-

Варасатул-анбиё – пайтамбарлар авлади.

Фарғ – шахс, кимса, киши.

Сироят – таъсир.

Амният – тинчлик, хотиржамълик.

Гарам, аз сараён гардам, балонгни олай – айланай, бошингта жоним фидо, дардингни олай.



гар ва золимга айланар, энг охирда... Қисқаси бу бобдаги бор чорамиз учун ҳам ярарлық ҳолга келган ёки көлтирилін зди.

Уч йилгача шу йусун «ошиқдар» күнглини овлаб келиб, бир кун сир очилиб қолди. Домла мударрис бу номуска чидалмай Абдураҳмон-ни ўз уйидан қувлади. Абдураҳмон тавба қилиб, домла мударрисдан лоақал мадрасада туришни сүради. Восита-васоит билан изн ҳосил қилиб, мадрасада истиқомат қила бошлади. Энди ишрат навбати мадраса жигар сұхталарига...¹ Икки йил чамаси мадраса афроди² орасыда چандир каби саккыз тарафдан тишланиб юргандан кейин соқол-мурти чиқиб, ҳусн сармояси заволга юз тутди ва кундан кун «бозор касодланыб» харидор озайди. Абдураҳмон уч йил бүйи савдогарлар орасыда «ахлоқ тузаткан» бўлса, яна икки йил мадрасада туриб шу тузалган ахлоқни «камолатка» эриштирди. Шунинг учун анвоъи эркалийка, неча хил мукайифотка, ранг-баранг «иззат, ҳурматка» ўрганган күнгли бу харидорсизлик балосига туз сепкан ярадек ачир зди. Кўбни кўрган бу кичик бош баъзи уят найрангларга ҳам уриниб кўрар, масалан «вақтсиз чиқсан» соқол-муртларини мўйчинак билан териб, ҳар кун ўн қайта ойнага қарап, янги харидор топиш мақсадида кун сайин бозор-растга, кўй-гузарлар сайрига чиқар зди...

Маълумдирким, дўндиқчалар аввало оқчаси кўб, бел оғрии кўрмаган бойларға насиб бўлурлар. Улар зерикиб ташлағач, ўрта ҳол «ташна»лар домига тушарлар. Соқол-мурт чиқиб давонгилиқдан¹ хабар келгач, учунчи табақа, яъни бўйни йўрон, ғўлабурлар истифодасига кечарлар. Шунга ўхшаш бизнинг Абдураҳмон ҳам мўйчинак ушлаган даврида шу учунчи табақа – чойхонанишин, тавкарғир⁴ ва бобойи бангилар орасидан ўзига замин топди. Унинг бу учунчи давридаги аҳволини ёзишга қалам мавзурдир. Шу йўсун бу кейинги табақа орасыда ҳам уч йил чамаси иш кўргач, ажойиб бир дунёдийда, мисли озшалоқ, ҳамма шароитлари билан мадрасалик бир безори ва чапан ҳолда баччалик даври билан видолащи. Чунки, башара нонға чумоли ёпишқандек соқол мурт билан тўлиб, мўйчинакка сўз берарлик бўлмади.

20. ҲУШЁРАИҚ

Ҳозир Абдураҳмон ўзининг яқин мозийсида усти ширнига белан-ган от тезақдан бошқа бир нарса кўрмаганидек, истиқболида ҳам эпақалиқ бир ҳол тасаввур қилолмас зди. Бир неча ойлар ниҳоятда руҳсиз, кайфсиз ва дарсига ҳам ҳавсаласиз давом этиб юрди. Гўё бу кунларда бениҳоят ичкулукдан сўнг бош оғриги даврини кечирав зди. Шу йўсун кўб вақт руҳий хасталиқ кечириб, кутилмаганда жонланиб кетди. Яъни «Ақоид»нинг шарҳига яхши тушуниш учун беш бармоғини оғзиға тикқандек енг шимарди.

Жигар сўхта – ошиқи бекарор.

Афрод – шаҳслар кишилар, кимсалар.

Давонгилик – ўсмирилик даври.

Тавкарғир – қиморда кутуқдан чўтал оловччи.



Юқоридағи рух тушиш даврида ул мозийсідәғи каби әркалик, амру фармон ва шұхрат учун қайғирған, күб бош оғритиб әндиги шұхратни мүйчинак истеъмоли билан эмас, балки ақоид, шарх, ва ҳавоший¹ воситасида тоғмоқчи бұлған, яғни фарди ғоясига² диний олимлиқ либосини кийдириш фикрига келган зди. Беш йил «ғоя» учун қатты берилиб, рутубатлық құжрада захлаб, саломатлиги учун умр бўйи аримайдирған ориглиқ, рангизилк ортдириб, йигирма саккиз ёшида «хатми кутуб»³ қилишта муваффақ, бўлди. Беш йиллик ўзгаришдан сўнг домла мударрис Абдураҳмоннинг эски гуноҳдарини кечирган зди. Ўз ёнидан бирмунча сарф этиб, Абдураҳмон учун хатм тўйи қилиб берди.

Мулла Абдураҳмон Қўқон сафарига ҳозирланар зди. Кўнгли Қўқонда ўзини кутиб турған уламолиқ шұхратига; муфтилик, қози ва аъламлик мансабига ошиқинар зди. Унинг фикрича, Қўқондағи қариндош-урұғлар ҳам ёш олимнинг истиқболига ҳозирлик кўргандек здилар.

Шу йўсун ошиқлар ёр васлига ошиққандек мулла Абдураҳмон ҳам ўз шаҳрига елиб-югуриб етди. Ул ўйлаганча истиқболға бутун Қўқон кўчиб чиқмаса ҳам, қариндош-урұғдан уч-тўрт киши, маҳалла кексаларидан иккита савобталаб чол дарбоза ёнида кутиб одилар. Бу содача истиқбол қилиниш Абдураҳмоннинг Бухорода туриб қылған ширин хаёлиға биринчи зарба зди. Уйига бориб тушти. Бир неча кунгача фотиҳаҳонлик, ҳордик чиқариш маросимлари давом этид. Лекин бундан ҳам қаноатлана олмади, билъакс, жини отланди. Чунки зиёрат қылғучиларнинг аксариси мертуқ-сертуқ, қавм-у қариндошлар, узокъяқин кўз таниш мадраса талабалари ва бир неча маҳалла имомлари бўлиб, ул куткан асосий моялар⁴, яғни мударрис, пешволар, муфтиуламолар ва бек-бекзодалар, бообру ашпроф ва боёнлар зиёратчилар орасида ақалли кўз оғриғи учун ҳам кўринмадилар. Бу иккинчи зарба зди.

Зиёрат қилишта «қўли тегмаган» бальзилар узр мақомида ўз уйлагиға «максус зиёфат» билан чақираплар, деб кутди. Баҳтка қарши, бу умид ҳам бўш чиқди. Бир неча қариндошларнинг титраб-қахшаб қилған зиёфатлари билан «уйдан уйга ўтиб неъматлар ичида сузиб юриш» хаёли ҳам «бир хаёл» бўлиб қолди. Бу учунчи зарба зди.

Бир ой ўтмай қавм-у қариндошларнинг+да зиёфатлари ниҳоятига этиб, бева онасининг туппасига қаноат этишкага мажбур бўлиб қолди. Бухорода ўйлаганча бирар мадрасанинг мударрислиги ёки бу топилманда мукаррирлигигина эмас, ҳатто нариги маҳалланинг имоматини олиш ҳам қийин келди. Ўзидан икки маҳалла нарида бўлған ҳозирғи масжид, имоматига таъйин қылмоқчи бўлған здилар, бунга ҳам монит чиқди; мулла Абдураҳмон алҳол суннатни бажо келтирмаган, яғни, уйланмай, тарки суннат қилған кишининг имоматида нуқс бор, дейи-

¹ Ҳавоший – ҳошиналар, бирон китобнинг шарҳига берилгап шарх.

² Фарғояси – Аллоҳнинг бирлигини англаш ғоясидир. Юқоридағи жумладан мана шуғани, яғни Аллоҳнинг яккаю ғұназдығы ғоясини диний илмлар билан исботлаш нағарда тутилди.

³ Хатми кутуб – китобларни уқиб тутатиши.

⁴ Моя – асл хода, асл одамлар

шиб, маҳалладаги баъзи тақводорлар эътиroz қилдилар. Шундан кейин бир неча ёр-дўстлар, тўй чиқимини ўзаро устларига олишиб, уни уйландириш фикрига туштилар. Бухородаги «хәёллар» зер-у забар¹ бўлган ҳолда, мулла Абдураҳмон уйланиш шарти билан ҳалиги маҳалла имоматига ўтди. Ҳозир шунчалик паст ишқа ҳам бўйин эгиш зарурати бор эди...

Мулла Абдураҳмоннинг совчилари ибтадаан Солих маҳдумнинг қизи – Раъно учун бордилар. Чунки Раъононинг ҳусни бу даҳада машҳур, ундан кейин Абдураҳмоннинг ўзи Солих маҳдумида савод ўкуб юрган фурсатда ёш Раъонони кўрган, учунчидан – ёш олим кекса домланинг қизига уиласа, яна бир ҳусн бўлар эди. Аиниқса, мулла Абдураҳмон ҳануз Раъононинг эрга берилмаганлиги хабарини эшиткач, бу тасодифни истиқболининг хайрлик фоллари сирасига киритди. Раъно бу ўн йил ичида яна етилган бўлса керак, деб тўйни кутмаёқ унинг хәёлий сиймосини қучоқлай бошлиди Мактабдор домлаларға қарагандада ўз илм ва мартабасини аллақанча юқори қўйғанлиқдан, Солих маҳдумнинг қулоқ қоқмай домод қилишига ишонар ва бу кунми, эртами, Раъонони чиндан дар оғуш этиш учун ошиқар эди. Лекин тақдир бунда ҳам уни алдади. Совчилар Нигор ойимдан бўлмаган узрни олиб келдилар: «Қизлари ҳали ёш эмиш, энди ўн икки ёшқа кирган эмиш...»

Мулла Абдураҳмон хотинлар сўзига ишонмай Солих маҳдумнинг ўз олдига маҳалладан бир-иккита кексани совчи қилиб юборди. Бу совчилар ҳам яна аччиғроқ жавоб билан келдилар. «Солих маҳдум қизини ўрдада мирзолик қиласидирган Анвар исмлик бир йигитка фотиха ўкуб қўйған экан. Фотиха қилмағанда, албатта сизга берар экан, кўб афсус чекти».

Бу жавобдан кейин Абдураҳмоннинг дами ичига тушиб, ўз тақдирiga лаънат ўқуди. Аммо кўнглида Раъонони оладирған Анвар исмлик йигитка қарши бир кек туғилди. Бу жавоб чиндан тўярими, найранги йўқми, деб ўрдада хизмат қиласидирган Алвар отлиқ мирзони сўраштириди. Тўғрилигини билиш устига ҳатто бу Анварни кимлигини ҳам хотирлади: ўзи Бухорога кетар олдида Солих маҳумнинг мактабида ўкуб юрган ўша ятим бола эмиш. Уч-тўрт йиллардан бери ўрдада мирзолик қилиб, неча тилло моҳона олар эмиш... Бу сўраштириб билишдан кейин Абдураҳмоннинг ичи яна ёниб кетди; Бухорода ҳатми кутуб қилиб келган бир «олим», ақалли бир маҳалла имоматига хархашасиз ўталмасин-да, унинг ҳаром тикига арзимаган бир бесавод ятим ва баднажот исқирт ўрдадан фалон тилло вазифадор бўлсин ва шу гуфайлда Раъно каби бир қизни ҳам ўзиники қылсин: бу айниқса, киши чидарлик гап эмас эди.

Мулла Абдураҳмон бутун камолатини ишқа қўйиб, имомат ва ҳатибликка шурув² қилди. Ҳар кун қавмларига амри маъруф, наҳийа анилмункар³ айтиб, хусусан, ҳар ҳафта жумъя куни амри маъруфни

¹ Зеру забар – остин-устин, вайрон.

Ибтадаан – бошлиб, дастлаб.

² Шурув – бошлаш, ишга киришиш.

³ Наҳийа анилмункар – ёчонлиқдан қайтариш.

кенгроқ доирада юритиб, кўбларнинг кўнглини эритишкага муваффак ҳам бўлди. Изҳори фазл ниятида қилинган бу кўз бўяш кўбларнинг диққатини ўзига жалб этиб, ҳатто унинг амри маъруфини тинглаш учун жумъя кунлари чет маҳаллалардан оғиб, кишилар кела бошлилар. Бу муваффақиятдан чатнаёзған мулла Абдураҳмон кучангандан кучанар, айниқса, орада хонга тегишлик ҳукуматдор беклардан кўриниб қолса, жаннат ва жаҳаннам устидағи масалани дарҳол хонга итоат, бекларга ҳурмат билан айрибошлаб олар эди. Ҳаммабоп бўлишга қарандан, айниқса, хонбоб бўлишга тиришар эди. Унинг бу жонбозлиги бошқа тўғриларда бирар амалий натижага эришмаса ҳам, фақат бир важида ниҳоятда яхши самара берди. Унинг «дарёи фазли»га мафтун бўлган савдогарлардан бири қиз қариндошини бериб, ўзига куяв қидди. Яхши оиласа куяв бўлғанидек, шаҳардаги бошқа давлатмандлар билан ҳам алоқа борлади ва уларнинг зиёфатлари воситасида баъзи мадрасаларнинг мударрислари, мукаррирлари билан ҳам танишди, қисқаси, бироз бурни кўтарилаётди. Фақат энди ўрдаға яқинлаша олса... Аммо ҳануз бу мұяссар эмас-да.

Имомнинг кўнгли Анвар қаршисиға озғина кирилик эканини ўқуғучи юқоридан онглади. Унинг кўнглидаги шу ознина кир Анварнинг кўтарилишидан тинчсиз эди.

— Нодон Анвар ўрдадан қувланиш ерида сармуншийлик мансабига минмакчи.

Холис муҳокама кўпинча муҳокама бўлиб қоладир. Аммо ғаразлиқ фикр аксар сўзлагучини шарманда қиласадир. Шунга ўхшаш, мулла Абдураҳмон ҳам муҳокамасига озғина ғараз аралаштириб, Сафар бўзчининг аччиғ ҳақоратига ҳадаф бўлди.

Шундай, ул Анварга кекли эди. Шунинг билан бирга Анварга қарши амалда бир иш қилиш кучидан ҳам маҳрум эди. Балки сиз «Энди имом афанди уйланиб олибдир, Раънога эҳтиёжи қолмабдир, бас, шу ҳолда кек сағлашга қандай мантиқ бор?» дерсиз. Бу жуда содда муҳокама. Аслида бу кек Раъно билан бошланған бўлса ҳам, ҳозирда доирани бошқача ушлаган. Масалап, дейсизми? Масалан, Сафар бўзчи жуда билиб сўзлади: «Сиз шунча йил Бухорода ўқуб келиб, ниҳояти маҳаллага бир имом бўлдингиз, ул бўлса...»

Битишка маҳкум бўлған кекни мана шу «неча йил Бухорода ўқуб келганлик ёки Бухорга бормаса ҳам кимсан фалоний бўлганлик» сақлаб туар эди. Агар сиз содда бўлсангиз, масалага Сафар бўзчи каби қараб «Худой берса шундай» дерсиз, яна галка тушунмассиз. Абдураҳмон каби кишиларнинг табиъатига тушуниш албатта, қийин ва тушунмаган маъқул.

21. ЁРАИФ БЕРИШ МАРОСИМИ

Ёрлигнинг кимнинг исмига ёзилғанлигини эрталабданоқ ўрдада ҳар ким сезиб қолди. Девонда эски одатича ўз ишини қилиб ўлтурғучи Анварнинг ёниға дам-бадам мирзо ва ғайри сарой ходимлари келиб,



оқистарина уни табрик этиб кетар эдилар. Анвар табрикларга илти-фотсиз, оддий вазиятда, хонға эшитдирилиши зарур, атроф ҳокимларидан бу кун келган нома ва аризаларнинг муҳимини аҳамиятсизидан ажратиб, худайчига топшириш учун тайёрлар, баъзиларини биринчи хонада олдига давот-қалам қўйиб дафттар устида ўлтурган мирзо, муфтиларга ҳавола қиласди.

Сармунший хонасида Анвардан бошқа яна икки номанавис бор эди. Бу иккиси қоғозга михлангандек гап-сўзсиз савағич қаламни қирр-қирр қороз устидан юритиб турар эдилар. Бу қовоқ-тумшуғи осилиб кетканларнинг биттаси Шаҳодат муфти бўлиб, номзади хонға манзур қилингандардан эди. Иккинчиси шоир «Мадҳий»нинг сармунший бўлишини орзу қилган Калоншоҳ отлиғ яна бир пешқадам мирзо эди.

Биринчи хонадаги ўн бешка яқин мирзолар ҳам турлиси турли вазиятда: Султонали мирзога ўхшаганлар ер остидан ёнидағисига кулиб муомала қиласди ва баъзилари Шаҳодат муфти каби тўнини тескари кийиб олған кўринар эди. Анвар ёнидағиларнинг бу ўзгаришларидан сиқилғансумон ҳар бир аризани кўриб чиқиш ораси уларга қараб олар эди. Қаршисидағи иккиси гўё мум тишлиған каби сўзсиз эдилар.

— Бу кундан мени мазоҳ қилиб бошладилар, — деди ниҳоят Анвар, — гўё мен сармунший бўлар эмишман...

Шаҳодат муфти савағич қаламини давотка бир-икки тиқиб олғач, кўзи қоғозда экан, жавоб берди:

— Бўлсангиз ажаб эмас...

— Иўқ, — деди Анвар ариза бувлаб, — сиз қишлоқда бўлғанингиз сабабдан келгунингизча ишлар тўхтаб қолмасин, деб вазифамдан ташқари ишларга уриндим. Эртадан бу вазифани ўзингиз олингиз, тақсир, мен бу мазоҳларга чидай олмайман.

Шаҳодат муфти қарийб бутун кўкрагини ёпқан баҳайбат мошгуруч соқолини қалам билан таради:

— Мазоҳ бўлмаса керак, — деди билинтирмайгина энтикиб, — алҳол ёшсиз, муҳофазангиз бутун, зерикиш сизнинг учун айб бўлади... Биз энди бу ишни кўб қилиб зерикканмиз...

— Албатта, — деди муфтининг ёнидағи Калоншоҳ, мирзо кўзини қоғоздан олмаған ҳолда, — мазоҳларга қулоқ солиш керак эмас.

Анвар табрикларни бир қадар ҳақиқатка яқин кўрар эди. Аммо уларга «мазоҳ» деб таъбир қилиши, ўзини маълум ўнгтайсизлиқдан кутқариш ва уларга ҳам енгиллик бериш учун эди. Бироқ Калоншоҳ, миғронинг кейинги сўзи яна уни эзиб, очиқдан очиқ бўлған бу адоватка қарши қандай муқобала қилишдан ожиз келди. Шу ҳолда биринчи хонанинг даҳлизидан худайчи кўринди ва турған жойидан Анварни чақирди:

— Мирзо Анвар!

Анвар, худайчи учун ажратқан аризаларни қўлиға олиб ўрнидан турди:

— Аризалар тайёр... Ҳузурингизга чиқармоқчи бўлиб турған эдим¹.

¹ Ариза ва бошқа гаплар хонга худайчи томонидан тақдим қилинадир (муал).

Худайчи бошини чайқади:

— Аризаларни ҳозирча қўйиб турингиз, — деб ерга ишорат қилди, — ўзингиз мен билан бирга келингиз.

— Қаёққа, тақсир?

— Ҳузури муборакка.

Мирзолар бир-бирларига қарашиб олдилар. Шаҳодат муфти бўзра-иб ҳамроҳига қаради. Анвар эса қўлида аризалари билан ҳайрат ичиди. Даҳлизда уни кутиб турған худайчи яна танбех қилди:

— Мен сизга айтаман, Анвар.

Анвар, қўлидағини ўз жойига қўйиб, худайчи орқасидан чиқди.

Хон тахтда эди. Ўнг тараф курсида Абдураҳмон офтобачи¹ ва сўлда шоир мулла Ниёз домла қўл боғлаб ўлтуар эдилар. Биринчи хонадан Худоёр ҳузурига кирадирган эшикнинг икки ёнида ойболта кўтарган икки жаллод сурат каби қотқанлар, улар қаторида хон улуғлари — аъён ва сарой беклари чизилишиб ўлтурғанлар эди.

Худайчи «ҳузури муборакка» кириб таъзим қилди...

— Ҷақирдингма? — деди хон.

— Тақсир.

— Изн берамиз.

Худайчи қуллик қилған кўйи орқаси билан юриб, биринчи хона-нинг даҳлизига келди ва даҳлизда кутиб турған Анварни «ҳузури муборак» сари йўлға солди.

Анвар «ҳузури муборак»нинг эшигида тўхтаб, таъзим адо қилди ва унинг ёнидағиларға ҳам ярим таъзим ишорасини берди.

— Ишларинг яқшима, мирза? — деб сўради хон.

— Дуолари баракасида, қиблагоҳ, — деди Анвар.

Хон мулла Ниёз домларга қаради:

— Бу жигит бизнинг мирзалар орасида ўбдан кўринади, — деди.

Домла Ниёз ўрнидан қўзғалиб олди.

— Файзи шаҳданшоҳий.

— Мен бу жигитни мирзабаши қилмақчи бўлдим, — деди хон ва тизаси тегидан бир қоғоз олиб, домла Ниёзга узатти, — ўқунғ, домла.

Домла Ниёз ўрнидан туриб, қорозни олиб ўпди, Абдураҳмон офтобачи ва унга эргашиб биринчи хонадаги аъёнлар баробар ўрунларидан туришдилар.

Домла Ниёз турған кўйи ёрлиғни ўқуди:

«Ба исми субҳонаҳу. Амруллоҳи фаризатун ва амруно вобиж². Биз-ким Фарюна мамлакатининг хоқони султон ибни султон, аъни Сайд Худоёрхон сўзимиз: Жулуси солисамизнинг³ учунчи санаси мутобиқи⁴ 1287 ичи ҳижрия⁵ моҳи сафарнинг 25 ичиси⁶, ушбу ёрлиғимизни бер-

Абдураҳмон офтобачи — Мусулмонкулнинг ўтили (муал).

² Оллоҳнинг амри фарздири, бизнинг амримиз вожибидир.

³ Жулуси солиса — учунчи марта ўлтуриш (тахтга).

⁴ Мутобиқ — чувоғик, уйғун.

⁵ Мелодий ҳисоб билан 1872 йил.

⁶ Моҳи сафар — сафар ойи, қамария йил ҳисобида иккинчи ой номи.

дик хуқандлик мулла мирзо Анварғаким, мазкур мулла мирзо Анвар бинни Салимбой шаръи шариф узра устивор турууб, амримизга инқиёд¹ этиб девонбеки унвон дигар садри муншийлик умури² вазо-йифларимизни кама янбаги³ адo қылғай деб. Адоиҳ ҳадама⁴ асноси биз амири вазифа мутлақалъинон⁵ дорус-салтананинг⁶ ҳаққи шаръийисига хиёнат қилишдан ижтиоб⁷, адолатимиз ойинасини даноат⁸ губороти бирлан халалдор айлашдин пархез, арзи доди фуқаромиз суръати истимоид⁹ иҳмол¹⁰ ва сустлик кўрсатмай интишори¹¹ адолатимиз кўшишида субхи шом машгул ва мабзул¹², дикқат ва эътибори том қылғай деб ва яна мазкур исмига ёрлиғ мактуб бўлмиш итоатига афроди¹³ девонхонамиз маъмурлар¹⁴ деб, муҳри шоҳонамиз бирлан ушбу ёрлиғни таъкид ва такрир¹⁵ этдик».

Домла Ниёз ёрлиғни тугатиб, қоғозни манглайиға кўтарди ва икки кўллаб Худоёрға узатди.

Худоёр ёрлиғни олиб қаршида бош букиб турған Анварга ишорат қилиди. Анвар югуриб қелиб, ёрлиғни олиб ўпти ва уни салласига санчиб, орқаси билан юриб, илгариги ўрнига бориб тўхтади.

Домла Ниёз Анвар тарафидан дуоға қўл очти:

— Давлати шаҳаншоҳи рўз-барўз афзун, душманони амир-алмўминини сарнигун бошад. Аллоҳи таоло сояи зиллаллаҳиро, аз сари раиятон кам накунад...¹⁶

Худовандо, бигардоний балоро,
Зи оғатҳо, нигаҳ ғорий ту моро.
Ба ҳаққи ҳарду гисӯй Муҳаммад,
Забун гардон забардастони моро!¹⁷

Дуо асноси, айниқса, биринчи хонадаги аъённинг йиги ва риққат оҳанглиқ «омин, омин» садолари «ҳузури муборак»ни титратти. Дуодан кейин худайчи икки тўн келтириб, кимхобни домла Ниёзга ва

Инқиёд — бўйсуниш.

² Умур — ишлар

¹ Кама янбаги — талаб даражасида, кўнгилдагидек.

⁴ Адоиҳ ҳадама — хизматларни бажариш

Мутлақалъинон — ўз-ўзига мустақил.

⁵ Дорус-салтана — мамлакат.

⁷ Ижтиоб — чётганиш.

⁸ Даноат — паскашлиқ, тубанлик.

Испимов — эшитиш, қулоқ, солиш, тинглаш,

Иҳмол — эътиборсизлик

¹¹ Интишор — ёйилиш, тарқалиш.

¹² Мабзул — багишламоқ.

Афроғ — одамлар, кишилар

¹⁴ Маъмур — амр қилинган.

¹⁵ Тақрир — қарор.

¹⁶ Шаҳашшоҳнинг давлати кун сайин кўпайиб, амиралмўмининнинг душманлари йўқ, бўласин. Аллоҳ таоло Худо соясини фуқаро бошидан кам қилмасин.

¹⁷ Эй Худо, сен балоларни қайтарғучидирсан,

Оғатлардан бизни саклагучидирсан.

Муҳаммаднинг икки кокили ҳурматига,

Бизга юлиб келгучиларни забун қил (муал.).

қора бахмалдан тикилган мирзобошилиқ хилъатини Анварга кийдириди. Кимхобни кийиб олғач, мулла Ниёз «саҳоватда Ҳотамитойдан, адолатда Нўширавони одилдан» ортироқ ул жанобнинг ҳақдига яна янги дуо ва саюлар тўкуди, гўё «амиралмўминин»ни кўмди ва ўзи ҳам қайнади. Бундан сўнг маросим итмомига¹ етиб, Анвар секин-секин орқаси билан юриб биринчи хонага ва ундаги аъённинг табрикларига кўмилиб, даҳлизга чиқди.

Анвар девонхона саҳнига етканда ичкаридаги каттадан кичик мирзо, муншийлар янги бошликларини муборакбод қилгали ўрунларидан қўзғалдилар. Ҳозир баъзиларининг устида бояри «онглашиловчиликлар» гўё бўлмагандек, ҳатто мулла Шаҳодат муфти ҳам ҳеч нарсани кўрмагандек, ўз умрида биринчи мартаба Анварнинг ҳурматига ўрнидан турди.

— Муборак, муборак! Боракалло, мирзо Анвар! — деди.

Баъзи муншийлардаги ярим соатлиқ бу ўзгаришдан таажжуб қилинмасинким, бунинг сабаби оддий ва очиқдир. Сармунший — демак, агарчи соқоли кўксини тутқан Шаҳодат муфти кабиларнинг бўлса ҳам хўжасидир. Шу соатдан бошлаб уларнинг тақдирни шу бир кишининг қўлидадир.

Анвар самимий ва риё аралаш табриклардан анча ўнграйсизланған эди. Бошидаги ёрлиғни қўлиға олиб, ўз-ўзидан таажжубланганнамо атрофидағи мирзоларға қаради:

— Жанобнинг амирлари билан, — деди Анвар уларга хитобан, — энг оғир ва жавобгарлик бир хизматни ўз устимга олишқа мажбур бўлдим. Бу мажбуриятим ўзимга эътимод қилганимдан эмас, балки сизнингдек оталарим, оғаларимга такягоҳ деб ишонганимдандир. Ўйлайманким, бундай мажбуриятда қолған бир укангизни албатта ерга қаратмассизлар ва ундан марҳаматларингни аямассизлар... Мен сизларнинг сояларингизда тарбияландим, менга ўз шогирдларингиздек муомалада бўлиб келдингизлар. Бу кун мен расман сизларга бошлиқ бўлиш мажбуриятида қолған эканман, яна ҳеч аҳамияти йўқдир. Мақсад мундан кейин ҳам менга кечаги Анвар каби такаллуфсиз муомалада бўлишларингиз ва ҳурматлар билан мени ранжитмасликларингиздир. Чунки содда муомала яқинлиқ ва меҳрибонлик белгисидир.

— Бу кунгача биз сизни мархум мулла Мұҳаммад Ражабbekнинг шогирди бўлғанилингиз учун эҳтиром қилмадик, — деди жавобан Султонали мирзо, — балки сизнинг истеъододингизни ҳурмат қилдик. Мундан сўнг ҳам бош мирзолилингизни эмас, мирзо Анварлигинизни эҳтиром қиласиз.

Мулла Шаҳодат муфти ер остидан Султоналига хўмрайиб қаради ва нос отиб ўз жойига бориб ўлтурди.

— Сиз ҳамиша мени муболағангиз билан уялтирасиз, мулла Султонали ака, — деди Анвар. — Агар менга ҳурмат лозим бўлса, муболаға билан эмас, яна такрор айтаман, бир қариндошингиз қаторида такаллуфсиз муомала қилиш билан бўлсин.

¹ Итмом — тамомлаш, туталлаш.



Фотиҳадан сўнг ҳар ким ўз ишига ўлтурди. Анвар ҳам баҳмал тўнни еша бошлаган эди, ёниға Султонали мирзо келди:

— Анвар, сиз уига борсангиз яхши эди.

— Нима учун?

— Ёрлиғ олганингизни хабар қилиш учун шаҳарга ҳозир жарчи чиқар. Ўингизга сизни муборакбод қилари кишилар келса...

— Аввало меним уйим йўқ. Ундан кейин мени муборакбод қиладирган танишларим ҳам йўқ. — деди Анвар қўл силтаб, — бундан хотиржамъ бўлингиз.

— Ёшлиқ қиласиз, Анвар.

Анвар жавоб бериш ўрнига кулимсираб қўйди ва жойига ўлтуриб, аризалар кўра бошлади.

22. АДРАС ТЎН ВА ИССИФ НОН «ФОЖИАСИ»

Ёрлиғ олишнинг иккинчи соатларида бутун шаҳарга бу хабар тарқалиб кетди. Ўрада жарчиси бозор ва уруниш жойларда тўхтаб:

— Айюҳаннос! Билмаган билсин — эшитмаган эшитсан:

*Вақтики, ажал паймонаси тўлди,
Мунший мулла Мұҳаммад Ражаббек ўлди!*

*Фазл боғига очилған бир гул,
Яъни гул шоҳига қўнған булбул.*

*Ба номи мулла мирзо Анвар,
Камолига мусалламдир¹ аксар.*

*Хўзури муборакдан олиб ёрлиғ,
Майдони қаламкашлиқда қилур сухандонлиғ.*

*Ҳар кимсанингким баҳти кулса,
Шоҳига жону дил ила хизмат қилса.*


*Лутфу шоҳонага сазовор бўлғай,
Атрофи зару зевар ила тўлғай!..*

манзумаси билан жар солиб юар эди.

Кечаги хабарларга кулиги ва мазоҳ тариқасида қараған шаҳар уламо ва ашрофлари бу қунги ҳақиқат олдида ҳар замон ёқа ушлаб: «Тавба, бу қандай бемазалик? Бир беному нишонга бунча илтифот!» дер эдилар. Шаҳарнинг аксарият қисми бўлған камбагал-косиблар бу масала устида бир хилдароқ фикр қилиб «ким бўлса ҳам ўзи инсофлик бўлсин, нима дединг-а, Мамарайим?» каби сода жумла билан орзуларининг нимада эканини гавдалантирас, аммо Анварга иши тушиб, унинг шафқатини кўрган Сафар бўзчи кабилар бу хабардан жуда ҳам хурсанд: «Қилимишидан топти бу йигит, бўғани жуда маъқул» деб, янги мирзобошининг таърифини қилар эдилар.

Маҳдум бу хабарни илгаридан кутиб турған бўлса ҳам, яна шошиб

¹ Мусаллам — тан бермоқ, қойил бўлмоқ.



қолди. Сўйинчига келган йигитни тўхтатиб қўйиб, дарҳол икки болани меҳмонхонани супуриб жой солишқа буюрди ва бошқа болаларни ёппа озод қўйиб юборди. Алланғ-талланғ ичкарига кириб, ўқуғучи қизлар ичидағи Нигор ойимни ўз ёнига чақирди:

— Ҳай, — деди, — Анварингдан киши келди, сандигингни оч-чи!

Нигор ойим маҳдумнинг шошиб айткан бу сўзига тушунмади

— Анвардан нима учун киши келади, сандиқни нега очай?

— Ҳай, аҳмақсан, — деди маҳдум энтикиб, — Анвар ёрлиғ олған, сўйинчига йигит келди; сандиқни очиб, шунга бир нарса бериб юборайлик, дейман, тез бўл!

Нигор ойим ҳам шошилинқиради, уйга кириб, сандиқнинг калидиди-ни тополмай тўрт томонни излар, маҳдум даҳлииздан туриб уни койир эди. Калид топила бермагач, маҳдумнинг тоқати тугади, чиқиб қизлар ичидан Раънони чақирди.

— Топдим, топдим! — деди Нигор ойим.

Маҳдум уйга қайтиб кирди. Нигор ойим сандиқни очиб сўради:

— Қандай тўндан олай?

— Бўздан ол, бўздан.

Шу вақт Раъно ҳам уйга кирди. Маҳдум қизира қараб кулди:

— Бахтинг-да, қизим, — деди, — Анвар аканг сармунший бўлиб-дир.

Раъно кулимсираб четка қаради:

— Мени нега чақирған эдингиз?

— Сандиқнинг калидини биласанми, деб чақирған эдим, калид топилди.

Нигор ойим бир бўз тўнни олиб, эрига кўрсатти:

— Шуниси бўладими?

— Ҳа бўлади, ташла.

— Ўрдадан келган кишига шу тўнни бериб бўлармикин?

Раъно ҳам бўз тўнга эътиroz қилди:

— Бериб бўлмайди, уят.

Маҳдум ўйлаб қолди:

— Бўлмаса, — деди иккиланиб, — жўнроқ адрасдан олчи, — Нигор ойим бир адрас тўн олиб маҳдумнинг қўлиға берди. Маҳдум тўнни ёруққа солиб кўрди:

— Йўқ, адрас ҳайф. Раъно, — деди тўнни тахиға солиб, — ҳалиги бўзни беравур.


— Бўз тўн бергандан, бермаган яхши, — деди аччиғланиб Раъно, — арзимаган нарса учун Анвар акамни уялтирасизми?

Раънонинг ёнига Нигор ойим ҳам қўшулди:

— Киши уялгулик бўлмасин, Раъно.

— Ҳайф-да, ҳайф, — деди маҳдум, адрас тўнни салмоғлаб кўриб. Бояри шошилиш ҳолати ҳозир йўқ, аммо юзида ачиниш вазияти бор эди. — Увол-да, увол, қизим, ипаги жуда қуюқ экан.

— Ипаги қуюқ бўлса, ҳеч нарса қилмас, — деди асабийланиб Раъно. — Кишининг иззати нафси ундан ҳам қуюқ.



— Хайр, хайр, — деди маҳдум, адрас тун билан видолашқандек. — Сен қизларингни озод қўй, Нигор, дастурхон тайёrlаб, чой қайнат. Фотиҳага одамлар келса керак. Сен Раъно, соchlарингни ювиб, сал одамшаванда бўлиб юрсанг бўлмайдими, қизим?

Маҳдум шу сўзни айтиб чиқди. Раъно маҳдумнинг орқасидан нима учундир кулиб юзини қўллари билан яширди. Нигор ойим югуриб эрининг орқасидан чиқди:

— Ҳай, Раъно! — деди ҳавлида кетиб борған маҳдумга, — нонларимизнинг суви қочқан, ҳамир қилишга вақт оз, бозордан иссиғ нон олдирасизми?

Бу гап маҳдумга адрас тўннинг алами устидан туз сепкан таъсири ни берди.

Ҳавли ўртасида бош қашиниб қолди ва кўзини қисиб, хотинига қаради:

— Жуда қаттиғми?

— Жуда қаттиғ, ҳатто ушатишқа ҳам қўлнинг кучи етмас.

Жавоб яна фалокатлироқ эди. «Хўб, нон олдирман» дейишкага ҳам маҳдумнинг мажоли қолмаған ҳолда бошини қуи солиб, жавобсиз ташқарига жўнади. Мехмонхона саҳнида кутиб ўлтурган йигитка ўз қўли билан адрас тўнни кийдирди. Йигит дарбозадан чиққунча ҳам маҳдумнинг қўзи «хайф кеткан» адрас тўнда, ҳатто ундан Анварнинг келаётқан хабарини сўрашни ҳам унуткан эди. Ҳавли супургучи бола сув сепмай чангитиб юборғани учун уни «аблаҳ, кучук!» деб койиди. Мехмонхонада кўрпача ёзиб турған боланинг ёниға кириб, кўмаклашди ва боланинг укувсизлиғидан ранжиб, буни ҳам бирмунча ачитиб олди.

— Сен чопиб гузарга чиқ, — деди болага, жой солиниб бўлғандан кейин. — Катта толнинг тегида Совур новвойнинг дўкони бор. «Маҳдум домлага йигирма дона нон керак экан. Нархи қанчадан?» деб даррав сўраб кел. «Маҳдум домлага» дегин, «арzon қилиб айтар эмишилиз, пули нақд эмиш» дегин... «Янги мирзобошининг ўрдадап меҳмонлари келар экан» дегин... Югур!

Болани нарх билишка жўнатиб, ҳавлига чиқди. Ҳавлидаги бола сувни кўб сепиб, ерни лой қилиб юборған эди, яна койиди ва дарбоза олди — кўчага ҳам сув септириб, ичкари кирди.

— Қизларни озод қўйибсан, яхши, — деди маҳдум Нигор ойимга. — Биз-ку, шу хабарни кутиб турған эдик. Шундай бўлғандан кейин, нон-понингни тўғрилаб турмайсанми; ун бўлса-ку бор, аглаҳ, қани менга уч-тўртта ионингдан олиб кўрсатчи.

Раъно онасининг сўзи билан қутидан беш-олти дона нон олиб, дадасининг қўлига берди. Дарҳақиқат, бир-бирига ўхшамаған нонлар тарашадек қотиб қолған эдилар. Маҳдум уруниб кўриб, биттасини ҳам синдиришга кучи етмади. Раъно юзини четка ўтуриб, кулиб тураг эди. Маҳдум урина-урина ниҳоят ўзи ҳам кулди.

— Зор қолғуринг жуда ҳам қотипти-да, кун ҳам иссиқ-да, Раъно?

Бу сўздан Раъно баттарроқ кулиб юборди Нигор ойим ҳам кулим-сиди:



— Ахир, ўзингиз кечагина мен хамир қилай десам койидингиз, — деди Нигор ойим. — Биз-ку майли, куни бўйи ишлаб келган Анварга жабр. Шунчалик рўзгор қилиб, лоақал юмшоғроқ нон едирмасак... Киши жуда ҳам уялади.

— Мен иссиқ нонга бола юбордим, — деди маҳдум қаттиғ нонларни Раънога бериб. — Анварга жабр бўладир, деб ўйласанг мундан кейин ўзига лойиқ, оз-оз нон ёпиб тур. Сен билан мен бўлсақ қаттиғ нонни ҳам ея берамиз: жазаси чойга бўктириш-да.

Маҳдум айтмаса ҳам Нигор ойим Анвар билан Раънога яширинчи юмшоқ нон ёпиб берар, фақат бу кун ўша нондан бир-иккита қолған эди. Маҳдум энди нон сотиб олишни бўйниға олиб, ташқарига чиқди Нарх билиб келган болага йигирма пул бериб, орқаси куймаганини олиш шарти билан нонига юборди.

Анварнинг «танишсизлик ва уйсизлик» фикрининг аксича фотиҳа-хонлар ҳам кўриниб қолдилар, иккинчи, учунчи дуркум фотиҳахонлар келгандан сўнг, маҳдум Анвар олдиға киши ёбориб, уни чақиртириб келишка мажбур бўлди.

Шу кун кечкача шаҳарнинг ҳамма табақаларидан ҳам фотиҳахонлар келиб турдилар. Ҳатто Анварнинг нодоилигидан кулиб ёқа ушлаган уламолар, бой ва ашрофлар муборакбодчиларнинг аксариятини ташкил этар эдилар. Чунки бу кейинги табақа замонасозлик, мувосо¹ ва тадбир орқасида яшаручидирлар. Анвар ўзини табрик қилгучи уламо ва ашрофлар юзидан очиқ равишда риё, шайтанат ва тамаъ ўқур, камбағаллардан содда самимият кўрар эди.

23. КИТОБ СЎЗИ

Асрдан бироз илгарироқ эди. Маҳдум дарбоза ёнида муборакбодчи мударрислардан бирини икки бувланиб таъзим қолған ҳолда узатар эди. Ҳазрати мударрис хайрлашқан жойида яна тўхтаб томоқ қириб олди.

— Ҳай, мулла Солих, яна бир гапни фаромуш қилибман, — деди ҳазрати мударрис. Солих маҳдум югуриб ҳазратнинг ёниға келди. — Мирзога айтишни эп кўрмадим, масалан, ривоят ва ҳоказо масалаларга ҳожат тушса, биздан бегона қилмасин... Жанобингиз шуни ҳам таъйинлаб қўясиз.

- Ҳуб, тақсир, ҳуб.
- Фаромуш қилмассиз, албатта?
- Хотиржамъ тақсир.

Маҳдум уламо, амалдор ва ғайрилардан шунинг каби сипоришларни тўрт-беш соатдан бери қабул қила-қила жуда мияси суюлған эди. Ҳозирги илтимосни ҳам ўшалар қаторида бўйниға олиб, ҳазрат мударрисни жўнатди.

Нари-бери бўз салласини бошига чулғаб, сарпойчан кафшини шап-

¹ Мувосо — муроса қилиш, келишиш.

шуб босиб, дарбозадан ичкарига кириб бормоқда бўлған Сафар бўзчи-ни маҳдум тўхтатди:

— Хўш, хўш, ука, — деди Сафар бўзчиға. — Йўл бўлсин сизга?

Чунки маҳдум муборакбодчи камбағаллар у ёқда турсин, ҳатто уламо ва бойлардан ҳам ҳозир зериккан эди. Бу зерикишкага иккинчи марта ба ион олдиришнинг ҳам алоқаси бор эди. Сафар бўзчи остона ёнидан маҳдумга қийшайиб қаради:

— Лаббай, тақсир? — деди.

— Йўл бўлсин сизга?

— Мирзо Анвар инимга Худо марта ба ато қилған эмиш деб эшитдим, — деди Сафар бўзчи, — пиrimни зиёрат қиласай, деб келяшсан...

— Келганингиз маъқул, илло ўзи ҳозир жуда чарчаб қолғанда, четдан дуо қилиб турсангиз ҳам кифоя, ука.

Сафар бўзчи бошини қашиб, яна маҳдумнинг афтига қараб қўйди:

— Зиёрат қилиб чиқа бераман, тақсир. Башқа гап йўқ, тақсир.

Маҳдум Сафар бўзчининг илгарисига ўтти:

— Майлику, ука, ранжитасиз-да.

— Садағаси кетай мирзонинг, — деди Сафар бўзчи маҳдумнинг қаторига бориб, — барака топқурнинг ўзи ранжийдирган йигит эмас, хоккор-да, тақсир, кўрсангиз биларсиз-ку, мен минан жуда қадрдан-да, тақсир.

Маҳдум асабийлашиброқ Сафар бўзчининг бетига қаради. Сафар бўзчи ҳам маҳдумга бироз тикилиб турғач, илжайди.

— Кўрсангиз биларсиз, мен минан жуда қадрдан-да, тақсир, — деди яна ва маҳдумга илтифот қилмай, ичкарига юруй берди. Бир неча марта ба келиб Анварнинг меҳмонхонасиға ўрганиб қолған, шунга биноан бу тўғрида маҳдумнинг ёрдамиға муҳтож ҳам эмас эди.

Анвар меҳмонхонада Шаҳидбек ва яна бир саркарданамо билан сўзлашиб ўлтурас эди. Сафар бўзчини даҳлиза кўриб ўрнидан турди. Иккиси неча йиллик қадрдонлар каби самимий кўрищдилар. Сафар бўзчи кўзида ёши билан Анварни табрик қилди. Анвар унга ўз ёнидан жой кўрсатиб ўлтуришдилар. Сафар бўзчининг фотиҳасига анови икки бек аранг кўл кўтариб қўйдилар.

— Закотчидан тинчмисиз? — деб Анвар кулади.

— Худойға шукур, давлатингизда, мирзам.

— Бозорлар яхшими?

— Бир навъи... ҳарчи тириклик тебраниб туради, ука.

Сафар бўзчининг бояги ҳаракатидан аччиғланиб ташқарида қолран маҳдумнинг кимни ҳам бўлса ичкарига таклиф қилған товши эшитилди. Сафар билан Анварнинг сўzlари бўлинишкага мажбур бўлди.

Мулла Абдураҳмон Анвар билан ёнма-ён ўлтурғучи «дўсти» Сафар бўзчини меҳмонхонанинг даҳлизига киришидаёқ кўриб қолди ва сариқ тузи бўзарив кеткан ҳолда ичкарига қадам узди. Сафар бўзчининг ҳурмати учун лоақал кимир этмаган беклар ҳам мулла Абдураҳмоннинг истиқболига кўзғалишдилар. Маҳдум мулла Абдураҳмон билан Анварни бир-бирларига танишдирди.

— Балки хотирларсиз, мирзо Анвар, — деди маҳдум, — сиз маним кўлимга келган йилларингизда мулла Абдураҳмон акангиз ҳам бизнинг мактабда ўқур эдилар.

— Хотиримда. Хўб саломатмилар, тақсир?

— Алҳамдулилоҳ, — деди Абдураҳмон ва ер остидан Сафар бўзчиға қараб қўйди, — мартабалари муборак бўлсин.

— Қутлуғ, тақсир, қани, марҳамат қилсиналар.

Ўлтуришдилар, фотиҳадан сўнг яна бир давра аҳвол сўрашилди. Ҳозирги тасодуф жуда қизиқ тушкан эди. Мулла Абдураҳмон бу учрашишдан ниҳоятда ўнграйсизланған. Анварни табрик этиш учун оғиз очишра қодир эмас ва ҳар замон қаршисидағи «бемаъни»га қараб қўяр эди. Шу ҳолда бир неча фурсат сўёзсиз ўлтуришкандан кейин, Анвар кўбчиликни дастурхонға тақлиф қилди ва Шаҳидбек мулла Абдураҳмонни сўзга тортиди.

— Нима лавозимотдалар, тақсирим?

— Имоматда, — деди Абдураҳмон ва ер тегидан Анварга кўз юбориб олди, — Бухордан келганимиздан бери имоматдамиз... Мадрасада ҳам бирмунча мукаррирлигимиз бор...

— Кўб яхши экан; имоматлари қайси маҳаллада?

— Бизнинг маҳаллада, — деди сўзга аралашиб Сафар бўзчи, — тақсиримнинг илмлари жуда дарё, ўzlари Бухорда хатим китоб қилгандар.

Шаҳидбек гўё кўнгил учун яна:

— Кўб яхши экан, — деб қўйди.

— Мулла Абдураҳмоннинг илми дарҳақиқат яхши бўлған деб эшитаман, — деди маҳдум.

Сафар бўзчи мулла Абдураҳмоннинг тилагига қарши яна сўзлаб кетди:

— Яхшилиқка келганда — яхши, бироқ, тақсиримнинг толеълари бироз пастлик қилиб турди. Бўлмаса мударрислик, муфтилик, мирзалик — буларнинг барисига ҳам тақсирим етук... Фақат толеъ паст-да, бек бобо. Мана энди мирзам оталиқ қилиб ўрдадан бирар иш топиб берсалар, тақсиримға ҳам офтоб тегса ажаб эмас. Ўзлари ҳам бир ҳафтадан бери мирзамнинг ҳақлариға дуода эдилар... а, тақсир, шундай эмасми?

Мулла Абдураҳмон Сафар бўзчининг қаршисида ҳозир ҳар бир разолатка ҳам бўйин эгар эди. Манглайидағи терини артиб, бесаранжом аҳди мажлиска қараб чиқди ва ғулдирағансумон:

— Шундай, — деб юборди.

Маҳдум Сафар бўзчини мулла Абдураҳмон тарафидан воситачилик учун жўрттага келган, деб ўйлади.

— Мулла Абдураҳмон ўзимизники, — деди маҳдум, — албатта мирзо Анвар қўлидан келган ёрдамини аямас.

— Албатта, мунший тариқасида ўрдага олинса ҳам бўлади — деди утта¹ бек.

Утта — нариги, анови.

Анвар ватъда бериб қўйиши эп билмаганидан, сусиз ўлтурас эди. Мулла Абдураҳмон ҳар замон манглай терини артиб олар эди. Сафар бўзчи тунови кунги адабсизликни тақсиримнинг кўнглидан чиқардим, деб мулла Абдураҳмоннинг кўзини учратишка ва оғина бўлса ҳам тақсиримдан миннатдорчилик олишга тиришар эди. Бирмунча вакт шу кўйи сўзиз ўлтуришкандан кейин беклар фотиха ўкуб қўзгалмоқчи бўлдилар. Сафар бўэчининг яна оғзини очиб юборищдан кўркиб, ҳатто қимир этмай ўлтурган имом ҳам бекларнинг фотиҳасига қушулишиб ўрнидан турди. Сафар бўзчи ҳам мирзонинг ҳақига дуо қилиб имомга эргашти. Чунки имом билан биргалашиб кетиш орзуси, шу баҳонада тунови кунги паст-баланд гапларни мулла Абдураҳмоннинг кўнглидан чиқариш нияти бор эди.

Анвар билан хайрлашиб, тўрт киши баробар кўчага чиқдилар. Ўттуз қадам чамаси бирга бориб, Шаҳидбек ўз ҳавлисига бурулди. Яна бироз борғандан сўнг иккинчи бек ҳам бошқа кўчага кириб кетди. Мулла Абдураҳмон ҳам Сафарбой «дўсти» билан бирга юришни хоҳламади шекириллик тез-тез адим ташлаб ҳамроҳлик алоқасини узмоқчи бўлди. Бунга қарши Сафар aka уч ҳатлаб бир босиб, Абдураҳмоннинг ёнидан чиқди. Бу ҳолдан яна имомнинг феъли айнаб, йўл устида бирдан тўхтади ва Сафарнинг афтига бир турли мушук қараши қилди:

— Нега тўхтадингиз, боравуринг.

Сафар бўзчи Абдураҳмоннинг тўхтағанидан хабарсиз икки-уч адим нариға ўткан эди:

— Биргалашиб борамиз-да, тақсир.

— Мен сиз билан юришни хоҳламайман, жўнанг, жўнанг!

Сафар бўзчи тушунолмай бироз қараб қолди:

— Нега, тақсир?

— Нега дейди-я, аҳмақ одам...

— Ўзларингизни айтишларингизга қараганда, мусулмон киши учун кина сақлаш бир рўймолни ювиб қурутқанча экан, — деди Сафар бўзчи, — бизлар бўлсақ тўрт кундан бери шайтонни апичлаб юруймиз... Шуниси ҳам кифоя-да, тақсир.

— Астағфирулло, — деди имом, — сиз ўша куни маним устимга уч кунлик гап қиёдингизми?

— Шайтоннинг ишида, тақсир, — деди Сафар, — ахир, яна маним айтканим бўлди-ку, мен бунга бир нарса деяпманми? Недир кинани қўяйлиқ деяпман-да.

Мулла Абдураҳмон истиғфор айтиб, йўлга тушти. Сафар бўзчи ҳам мулоиймфина унинг ёнида қўл қовуштириб жўнади.

— Хўш, кинани ташлаған бўлсангиз, — деди йўлакай имом, — нега боя уларнинг олдида оғзингизга келганини ўтладингиз?

— Яхшилиқдан бошқа ҳеч гап айтмадим. Фақат илмингизни мақтадим.

— Бошқа гап айтмадингизми?

— Нима дедим, ахир? Шунчалик билимлари бўлса ҳам, толеълари оғина пастлик қилиб турадир, дедим. Бу тўғри гап эмасми, тақсир?

— Мен сизга мирзодан хизмат сўраб беринг, ~~хизмат~~ ваколат берган змас эдим-ку.

— Ваколат-ку, йўқ... Ахир, токай илмингизни хор қилиб масжида ётасиз... Ахир, биравни ука, биравни ака деб сиз ҳам тузукроқ, ишка қатишинг-да, тақсир.

— Астарғирилло... Балки менга подшоҳлиқдан ҳам шу имомат яхшидир.

— Бе-е-е, гўрними, тақсир — деди Сафар бўзчи, — у гапни қўининг, нафсилаамр гап яхши. Шаҳардаги бирарта мударрис домлани ўшандака мирзабоши кўтарсалар йўқ дерми?.. Вой-боёв, тақсир, сизга ҳам ўрдадаги бир мирзаликни берса, деб, «сизнинг ҳаққингизга тақсирим дуода бўлдилар», дедим-да. Маним холислигимни шундан ҳам пайқасангиз бўлар эди, ука.

— Астарғирилло, — деди яна имом, — дарҳақиқат, мен уни шундай, деб дуо қиласанмиш... Ёароннинг нима кераги бор?

— Тақсирим бўлсангиз ҳам ҳали ёшсиз-да, — деб кулди Сафар. — Башарти ростини сўзлаб «сизнинг мирзабоши бўлишингизни тақсирим кўраамаган эдилар» десам, хурсанд бўлармидингиз, вах-хах-хах, хех-хех-хех... Йўқ, тақсир, ўзингиз ҳам Бухорода ўқуған бўлсангиз керак: китоблар икки жойда ёлғон айтишни маъқул деган эканлар; биттаси — эру хотининг орасида, иккинчиси — икки мўминни битириш учун. Буни Худо раҳмати домлам ўқуб берар эдилар. Шу гап қулоғимда қолған экан, мен дуруғ¹ айткан бўлсам китоб сўзига амал қилдим-да, икки мўминни битиштириш учун сўзладим-да.

Мулла Абдураҳмон яна оғиз очолмади. Чунки Сафар бўзчи «китоб сўзи» билан уни енгид қўйди. Маҳаллага келиб етдилар. Сафар бўзчи кинани тамоман кўнглидан ювиб ташлаған эди. Шомни мулла Абдураҳмон орқасида ўқуш учун масжидга кирди. Жиловхонадаги намоз кутиб ўлтурган қавмлар ичидан Самад бўқоқ, Шукур сўфилар ҳам кўринар эдилар. Сафарнинг имом билан бирга масжидга киришидан таажжубланган Самад бўқоқ уни туртиб сўради:

— Ярашдингларми?

— Кина деган рўймолни ювиб қуритқунча, — деди Сафар бўэчи, — янги мирзабошининг уйидан домла билан бирга фотиха ўқуб келамиз. Ҳали эшиздингми, ўша маним мирзам ёрлиғ опти-я.

Самад бўқоқ индамай четка бурулиб кетди. Шукур сўфи шом намози учун такбир тушура бошлади.

24. ШОИРНИНГ СИРРИ

Ўн беш куннинг ичida маҳдумнинг меҳмонхонаси расмий бир маҳкамага айланалоэди. Ўрдаға ариза билан мурожаат қиладирған ҳар ким, ҳатто расмий кишилар ҳам аввал маслаҳат сўраш учун Анварнинг ёнига келар эдилар. Кундузлари ўрда девонини бошқариш, эрталаб ва кечқурун ўз уйида хусусий кишиларни қабул қилиш, албатта, Анвар

¹ Дуруғ — ёарон

учун оғир эди. Аммо бу оғирлиқ бурундан сармунший бўлған кишининг устидаги қонуний вазифаси ҳисобланиб келганлиқдан кишиларни уйда қабул қилишға, Анвар мажбур эди. Бу хусусда камбағалларнинг берадирган заҳматлари Анварга унча оғир тушмаса ҳам, беклар, уламо ва бойларники аксар чұмал ва машаққатли бўлар эди. Чунки камбағалнинг кеңгаш сўраб келиши жуда муҳим ишлар устида, масалан: бир бекнинг қылған зулми устидан шикоят, жуда камбағал бўлғани учун солиқлардан дархонлиқ сўраш ва ҳоказо... Кейингилар эса, масалан, бир мударрис иккинчи мударрис устидан шикоят қилиб, бу тўғрида домла Ниёз Мұхаммад шуюовулбошининг қулогига андақкина гинғиллатиб қўйишни сўрар; бир закотчи иккинчи бир закотчининг хиёнатидан «холисона» шикоят қилас, бир савдогар ўзининг жуда факирилигидан ҳасратланиб, закотдан озод қилинишини сўрар; агар закотдан қутқазиб юборса, Анварнинг «кўнглини тўлатиш»ка ҳозирлигини ҳам билдирап эди. Анвар бу кейинги илтимосчилардан гоҳ аччиғланиб, гоҳ, кулар, ҳарҳолда бир неча дақиқалиқ ваъдалар билан уларни жўнаткунча эси кетар эди.

Бу сўнгғиларнинг ташрифлари Анварга қанча бехузурлик берса, маҳдумга ўшанча мағрурият ва лаззат барышлар, ҳатто Анвар ўрдада бўлған кезларда ҳам уларни меҳмонхонага қабул қилиб, Анвар келгунча унга қанча сифоришлиар ва аксар сифоришчиларнинг ўзларини тўплаб турар эди. Юқорида Сафар бўзчи билан воқъиъ бўлғанидек, маҳдум ариза ва кенгашка келгучи косиб ва тўни эскилар иличиша олмас, ўлгунча уларни ёмон кўриб, «мирзо бу кун келмайди, сиз билан гаплашишка фурсати йўқ, бемаъни бўлманг» каби гаплар билан камбағалларни эшиқдан қайтаришға тиришар эди. Анварнинг бирарта камбағал билан «ээилишиб» ўлтурганини кўрса, ичидан аччиғланиб «куллушайъин яржигу ило аслихи...» паст ҳамиша пастлигини қиласидир... Сут билан кирган – жон билан чиқар, мақоли кўб тўғри сўз, деб ўйлар ва энсаси қотиб, четка кетар эди.

Маҳдум шу кунгача Анвар билан Раъноларнинг тўйларини қилишга шошилмасдан келар эди. Лекин бунда бир қанча сабаблар бўлиб, жумладан – Анварнинг Раънога қаттиғ боғланганини яхши сезганлиги ва шунинг орқасида Анвардан «котиржамъ»лиги эди. Шошилмаслиқнинг иккинчи, ҳам кучлик сабаби мумкин қадар тўйни узоққа чўзиб, шу воситада Анварни сориш... чунки тўй қилиниб, Раъно Анварга берилса, бу даромаднинг қатъиян кесилиш эҳтимоли бор эди.

Анвар бош муншийлик даражасини олғандан кейин маҳдум илгариги «сиёсат»ни яна давом этдириш ва этдирмаслик тўғрисида иккиланиб қолди. Зеро, Анвар ҳозир бутун шаҳарга донғ тортқан, шаҳарнинг уламоси, ашрофи, бек ва бекбаччаси Анварни танийдир; Анварга мазкур олий табақаларнинг ҳар қайсиси ҳам ўз қизини бериб, куяв қилишга тайёр. Бас, шу ҳолда яна маҳдум эски тадбир билан амал қиласа мумкинми?

...Маҳдум ноилож сармунший бўлишни йигирманчи кунларида Нигор ойим билан кенгашиб, мирзо Султоналига мурожаат қилиш маж-

буриятида қолди. Токи мирзо Султонали Анварнинг ризолигини олиб берсин.

Анвар кечқурун ўрдадан қайтишга ҳозирланар эди. Хон аъёларға рухсат бериб ҳарамга кирган, ўрданинг кундузлик ходимлари тарқалишиб, фақат кеча беклари, хон соқчилари, доимий ходимлар қолган эдилар. Энг кейинга қолиб Анвар билан Султонали мирзо ҳам ўрдадан чиқдилар. Уларнинг орқасидан ўрда дарбозаси ёпилди.

Султонали мирзо Анварнинг ташки аҳволи билан яхши таниш бўлса ҳам, унинг ички сиррига воқиф эмас, чунки Анвар хусусий ҳаёти, айниқса, Раънога алоқасидан ҳеч кимга оғиз очмас эди Анварнинг маҳдум ҳавлисида туришини жойсизлиқдан ва ёшлиқдан, шунда ўсиб ўргангандан, деб юрган Султонали мирзо бу кун эрталаб ўз уйига келган маҳдумнинг сўзидан кейин бироз ҳақиқатка тушунгандек бўлди. Айниқса, маҳдумнинг ҳеч бир муқаддимасиз «Ожизамиз билан мирзо Анварнинг тўйларини қилмоқ ниятимиз бор эди. Шу тўғрида жанобингиз мирзо Анвардан тўйға урунишимиз учун бир калима жавоб олиб берсангиз» деб, тўғридан тўғри фақат тўй вақтини белгилашни сўраши Султонали мирзога яна бошқа сирларни онглаткан эди.

Иккиси йўл бўйлаб сўзлашиб борар эдилар:

— Маним сўзимга кирсангиз албатта бир от олингиз, — деди Султонали мирзо, — айниқса, сизга энди пиёда юриш келишмайдир.

Анвар боягича яна кулди.

— От минишнинг нима ҳожати бор, модомики, тайёр оёғ отимиз бўлганда...

— Маъқул-ку, мундан сўнг яхши эмас-да.

— Ҳозир яхши эмас экан, — деди Анвар, — мен бу хизматдан тушкандан сўнг пиёда юриш яхши бўладими?

— Нега тушар экансиз... Кўб йиллар шу вазифада қоласиз.

Анвар кулиб қўйди:

— Лекин, манимча, бир йил ҳам қололмасман.. Агар оғам бўлсангиз, Ҳудодан сўрангки, бўйнимға бирар бўхтон ортилмай, азл қилинайин.

— Бўлмаған васвасаларга тушасиз, Анвар.

— Шаҳодат муфтингизнинг афтига сира қарайсизми, шоирингизнинг пичингларини пайқайсизми? Агар шу жонуворлар мендан сармуншийликни тинчлик билан олсалар, ўзимни жуда ҳам баҳтилик кишилардан санар эдим... Шунчалик зўр харидорлари турған бир замонда бу вазифани менга келиб тўхтаганиға ҳануз ақдим бовар қилмайдир... Бу воқитъя ё мени ўта баҳтиёрликқа ёки фожиъ бир фалокатка олиб борар. Сиз айтканча васвасамга ёхуд бошқа бир бадбинлигимга биноан кейинги эҳтимол...

— На Шаҳодат муфти ва на шоирнинг қўлидан бир пуллик иш келса, мендан домангир бўла берингиз, — деди Султонали, — сизнинг сармунший бўлишингиз ҳарҳолда бир ҳақиқат эди. Негаки, кўб йиллардан бери хиёнат, иervo билан кун кечириб, етти ёшлиқ гўдакнинг ҳам назарида икки пуллик обрўси қолмаган муфтининг сиррини ёлриз

менгина эмас, бутун шаҳар, ҳатто хоннинг ўзи ҳам биладир. Бас, бу жиҳатдан унинг ёрлиғ ололмаслиги аниқ эди. Домла Бурҳон маҳдумнинг бўлса, шоғовул билан оралари бузук; агар хон ёрлигини унинг исмига буюрганда ҳам шоғовул домла ёзмас эди. Мундан бошқа домла Бурхоннинг лоқайдлиги, девонхонани ост-уст қилиши бўладирган савдо... Шоир «Мадҳий»нинг бўлса яна аҳволи маълум: хонни маҳташ, ўзига ёқмағанни ҳажв қилиш, хотинбозлиқ, баччабозлиқ билан овора бир бетаъйин. Мундан ташқари, «Мадҳий»нинг ёрлиғ ололмаслигига яна бир сабаб бор эдиким, бу сирни ўрдадан фақат биз бир неча кишиларгина билар эдик...

- Хўш?
- Буни сўраманг-да, кулманг.
- Хўш, хўш?

Султонали мирзо кулди ва товшини секинлатиб деди:

- Шоир ҳарамдаги канизларнинг бири билан алоқа борлаган экан...
- Хўш, ундан сўнг?
- Бу ҳолни сезган иккинчи бир каниз хонни бу алоқадан хабардор қиладир. Хон канизни ҳарамдан ҳайдаганидек, шоирни ҳам ҳузурига чорлаб, ўбдан оғиз-бўғзига, ҳатто энасининг ўсма-сурмасигача қолдирмайдир... Шоир аранг тавба қилиб қутиладир.

Анвар кулди:

- Шунинг учун унга ёрлиғ берилмади, дейсиз?
- Албатта. Шоирнинг эси бўлса бўйини бошоқда узатмай, саройдан ҳайдалмаганига ҳам шукур қилса бўлар эди. Бинобарин, сизнинг хаёлларингиз тамоман ўрунсиз. Яхши, ҳозир кўнмасангиз ҳам шиёда юриб зерикканингиздан кейин от минишга мажбур бўларсиз. Шунинг учун буни қўйиб турайлик-да, отдан ҳам зарурроқ масалага ўтайлик, масалан, бошингизни икки қилиш учун, албатта вақт еткандир, деб ўйлайман?

- Қаёқдағи гапларни топасиз, Султонали ака.
- Ҳазили йўқ. Уйланиш сизга ҳам фарз, ҳам қарз. Бунга қолғанда, албатта бир узр кўрсаталмассиз.

Анвар кулимсиб қўйди:

- Уйланишни ҳам бекор бўлишгача тўхтатиб турсақ, дейман.
- Ана гап, — деди Султонали, — балки умр бўйи шу вазифада қолиб кетарсиз. Шу ҳолда бутун умр хотинсиз юриш, ҳах-ҳах...
- Ким бир вазифада умр бўйи қолған бўлсин.
- Қолғанлар кўб. Масалан, Муҳаммад Ражаббек марҳум; Муҳаммадалихон замонидан бери девон билан олишиб келар эди. Мен сизга жиiddий аитаман: шаҳардан кимнинг қизини ёқтирангиз ҳам биз олиб беришха ҳаракат қиласиз.

- Раҳмат...
- Чиндан сўзлайман, Анвар.

Анвар ярим жиiddий Султоналига қаради ва унинг ўзидан жавоб кутканини сезиб:

- Хўб, мен бу тўғрида домла билан кенгашиб, сизга жавоб берайин, — деди.



— Бу кун эрталаб домла бизникига келган эди, — деди Султонали жиiddий турда, — домланинг сўз даромадига қарағанда, сизни ўзига куяв қилиш фикри борға ўхшайди. Сизнинг ризолигингиз биланми, йўқми, бунисини билалмадим...

Анвар қизариңди. Жавоб бериш ўрнига «натижажа?» дегандек қилиб унга савол назари билан қаради.

— Домланинг гапига қарағанда, бошқа тарафлар биткан кўринди — деди Султонали давом этиб, — фақат ул маним воситамда тўйни бошлиш учун сиздан изн олгали келган экан. Ман бу тўғриға сиздан жавоб олиб бермакчи бўлдим.

Анвар кулди. Аммо бу кулиш унинг бояги кулгуларидан тамоман бошқа, яъни баҳтиёриқ кулгуси эди.

— Яхши, — деди Анвар ва ўн қадам чамаси сўзсиз борди. — Яхши, мен эртагача ўилашиб, сизга жавобини бераман.

— Матькул, агар бу кун домлана учрашсам, жавобни эртага оламан деяйми?

— Албатта.

— Хайр, Худонинг паноҳига, Анвар.

— Хўш, Султонали ака.

Иккиси ажralишдилар.

25. ҲАЁТ ШАМЬИ

Неча йиллар Анварнинг кўнглини машқул эткан бир муаммо ниҳоят орзуға мувофиқ ҳал қилинғандек, яъни шубҳа ичида қизарған муҳаббат гунчаси висол хабари билан очилаётгандек ва қуруқ томоша билан кечкан унинг ой, йиллари бу кун Раъно гулини искаш башоратига ноил бўлғандек эди. Дарҳақиқат, бунча йиллардан бери маҳдумнинг эшигига қолиши, опаси Нодиранинг «Мен сени онамнинг уйига чароғчи бўларсан, деб сўйинган эдим. Ўз истиқболинг учун қайғирмай, бир кишини семиртириб юришинг ақлли йигитларнинг иши эмас, Анвар» каби таъналарига бўйин эзиши ва ҳатто шу уйдан силжимаслик фикрида ўзи тиламаган вазифаларга ҳам уриниши яна шу башоратни олиш учун эмасмиди?

Истиқбол сўзини ҳар ким ҳар турлиқ тушунадир. Анвар ўз истиқболини ёлғиз муҳаббат орқалиқ кўрар эди. Ота-онанинг чарогини ёқиш учун аввало ўзига бир шамъи ҳаёт топмоқчи ва ўзи шамъсиз туриб, ота-онаға чароғ ёқиши асло тасаввур қилолмас, яъни истиқбол Анварнинг фарди ҳаётида¹ ёлғиз муҳаббат эди.

Йигитлар ўз истиқболлари қайғусида янги бино, янги рўзгор тузийдирлар ва ҳатто дунёда ҳаёлий ҳам бўлмаган рафиқалари учун кийим тикдирадирлар... Анвар эрса аввало Раъно каби бир рафиқага эга бўлмоқчи ва шу воситада бошқа масалаларга қарамоқчи эди.

Анвар Султонали мирзога бояги ваъдани бериб, бу хабар билан юраги шопиринған ҳолда уйга келди. Мехмонхонада ўзини кутиб

¹Фарди ҳаёт — шахсий ҳаёт.

ўлтурганлар билан нари-бери ишни битириб, ичкари кирди. Унинг бу кириши ҳар кундагидек киши билмас, тасодуфий эмас, Раъонони кўришдан бошқа яна маънум бир маънони Раънодан ўқуш учун эди.

Раъно айвоннинг устунига суюниб китоб ўқур, Нигор ойим ўчоқ бошида овқат пишириш билан машгул эди. Раъно ўзига қараб келгучи Анварга ер остидан кулимсиб олғач, бироз кўриниб турған оёқ учларини сариф атлас кўйлаги билан яширди, атлас кўйлакни яхшигина туртиб турған сирлик кўкраги устига ён ўрим соchlарини олиб ташлади. Анвар яқинлашрач, секингина китобдан кўзини олиб, «ҳорманг» деди, яна китобка юз ўғирди. Анвар келди ва унинг қўлидағи китобка қаради.

— Умар Хайём, — деди ва Раъононинг қаршисига, ҳавлига оёғ солинтириб ўлтурди. — Қани, ўқучи эшитайлик.

Раъно китобни секингина ёпиб, Анварга узатди:

- Сиз ўқунг, мен эшитай.
- Ўзинг ўқи, баҳилсан-да.
- Мен тўғри ўқуй олмасам, тунови кунгидек куласиз...
- Жўрттага хато ўқуб ўзинг кулдирдинг... Ўқи, Раъно.

Раъно китобни ерга қўйди:

- Мен ўқуб зериқдим...
- Маним учун ўқуб бер, деяпман.

Раъно йўлакка ишорат қилди:

- Дадам келиб қолади.
- Қаёқдан бу қадар уятчан бўлиб қолдинг?

Раъно табассум билан жавоб берди ва унда бироз қизариниш белгиси бор эди. Анвар бу ҳолдан бир нарса сезгандек, сўзни бошқага бурди:

— Кун иссиқми, терлабсан. Раъно?

Раъно бурни устидаги билинар-билинмас марварид резаларини рўймоли билан артди.

— Терлашим иссиқдан эмас, — деди кулимсираб Раъно, — бошқа нарсадан...

— Нимадан, Қани?

Раъно бироз эски қулавич ва мунаққидлик ҳолатига кирди:

— Сиз беклашқанингиздан бери... сизни кўрсам уяладирған бўлиб қолибман. Терлашим ҳам сиздан уялранимра...

— Кесатуқ ҳунаринг эсингдан чиқдими, деб турған эдим. Ҳар начук ёдингда экан. Тағин хўш?

— Хон жанобнинг муншийлар муншийси бўлған бир йигитнинг салобати борлигини ким инкор этсин. Албатта, бу тўғрида канизингизга ҳақ берарсиз деб ўйлайман.

— Хўб, ҳақ бердик, — деди кулиб Анвар ва ўрнидан турди. — Башарти, канизимиз уялмасалар, бизнинг ҳам бир амримиз бор амр қиласақ уялмасмикишлар?

— Амрингизга маҳжуби инқиёд¹ этишка канизингиз ҳозир.

Маҳжуби инқиёд — яширинча бўйсуниш.

— Канизларнинг ўз хўжалари билан ўлтуриб муомала қилишлари мумкинми? Амра га инқиёд этишдан илгари шу тўрида жавоб берсангиз...

Раъно иргиб ўрнидан турди, гўё канизлардек, икки қўли ёнида ва боши кўксидаги афу сўради:

— Инсон муштақ аз нисёнаст...¹ Канизи бетамиз ҳамиша афу атоға лойиқдир, чунки зархарид- хўжасига содиқдир.

Анвар, очиқ ва ўюн-кулгини бир дақиқа ҳам қўйиб туролмаған парининг санъаткор шу вазиятига кулимсираган кўйи анча қараб турди, ҳам ўзининг хўжалиқ рўлини бузмай.

— Мен суфада бўламан, фурсат топиб ёнимга чик, сенга айтадирган маҳфий бир сўзим бор, — деди.

Раъно канизлар каби бош букиб «ҳозирман» ишорасини берди ва табассумга мойил жоду кўзлари билан Анварга оҳиста бош кўтариб қаради... Анвар ўзини завқ ҳам кулгидан тўхтатолмаған ҳолда ташқарига бурулиб жўнади. Ўчоқ бошида машғул Нигор ойим ҳам қизининг кейинги ҳаракатидан кулиб, Анварга қаради. Лекин, Раъно билан Анварнинг доимий шунингдек ўюнларига тушуниб қолғани учун бу тўрида гап айлантиримади:

— Ошим пишиб қолди, Анвар, — деди ўчоқ бошидан кулимсиб, — суфада бўласизми?

— Бўламан.

— Отангиз аср намозидан чиқиб, бир жойга бориб келаман, деган эдилар. Сизнинг ошингилини сузиб чиқара берайми?

— Майли.

— Ташқарида болалар кўринса айтиб юборингиз-чи.

— Хўб.

Анвар маҳдумнинг қаёқка бориб келишини ўйлаған ҳолда ташқарига чиқди.

Шомдан бир оз эртароқ эди. Енгилча бир шамол суфа атрофидаги гулларни эринибкина қимиirlатар ва бу қимиirlatiшдан райҳонларнинг ўткур иси ўқтин-ўқтин димоғқа келиб уринарди. Ўн икки-ўн уч кунлик ой кўкнинг шарқи-жануби қисмидан туссизгина бўлиб кўтарилиб келмақда, қуёш ботқан сайин унинг чехраси ҳар замон очилиб бормоқда эди. Шаҳар подаси қайтиб, теваракдан сигир ва бузоқларнинг ма-а-а-му-у-у-лари, қўзичоқ ва қўйларнинг ба-а-а-бу-у-у-лари ёшлилиб турар эди.

Анвар суфада ўрда юмишларидан баъзисини таҳрир қилиш билан машғул экан, ичкаридан Раъно чиқиб келди. Гўё Анвар Раънонинг келишидан хабарсизча ўз ишига қаттиғ берилган эди. Раъно оҳистагина Анварнинг ёнига келиб, суфага суюнди, икки қўли билан иягини кўтариб, оралиқдан Анварнинг таҳририга қаради. Анвар ҳам мулоим-ғина кулимсиб Раънога кўз қирини ташлаб олғач, гўё илтифотсиз яна

Инсон чуштақ аз нигенаст. — фаромушхотирилик айрим пайтларда инсон учун хос хусусиятдир.

Зархарид — кул.

қаламини қоралаб, қоюз устига бир-икки калима ёэди. Аммо учунчи калимага ўтканда қалами қўлида ўйланиб қолди ва бояғидек ёнидариға кулимсиб қаради. Раъононинг ҳам кўзи унга тўқнашиб бироз бир-биrlарига кулимсираган ҳолда тикилишдилар...

- Нега тўхтадингиз, ёза беринг.
- Сенинг қиаган ишинг доим шундай, Раъно.
- Масалан?
- Масалан... Ҳамиша иш чорида келиб, фикрни бўласан.
- Мен ораға сўз аралаштиридимми?.. Ёза беринг, мен шундай қараб турман.

Анвар Раънога ўнгланиб ўлтурди:

- Фойдаси йўқ энди, фикрни ўғирладинг.
- Мен фикр ўғриси эмасман... Қани ёзинг.

Анвар қўлидаги ёзилған қоғозни кўйиб, иккинчи оқ қоғоз олди:

- Энди бошқа нарса ёзаман?
- Майли ёзинг.
- Сен ҳам жавоб ёзсанг, хўбми?
- Хўб.
- Гунови кундагидек жавоб тополмасанг нима қилай?

Раъно суфага оёғ солинтириб ўлтуриб олди

- Юзимга бир шапалоқ уринг, лекин сажъ қофияси осон бўлиш шарти билан.

– Маъкул, – деб кулди Анвар ва Раънога қараган ҳолда ўйланди.

Бу ўйланишдан Раъно қошларини чимириб эътиroz этди:

- Кўб ўйламанг.

Анвар жавоб бериш ўрнига қаламини қоралаб ёэди:

*Агар Фарҳоднинг Ширин, бўлса Мажнунларнинг Лайлоси,
Насиб ўлмиш менга гулшан аро гулларнинг «Раъно»си.*

Анварнини қаламидан қоғозга тушиб борған сўзларни таъқиб эткан Раъно, қоғоздан кўзини олиб қизарди ва бош чайқаб тескарига қарди.

- Қани, жавоб, Раъно?

Раъно шу кўйи бир оз Анварга қарамай турди ва қайрилиб унинг қўлидан қалам-қоғозни олди-да:

- Уят қилмайсизми? – деб сўради.
- Маним ёзғанимни сен уят қилмасанг, мен ҳам сенинг ёзғанингни уят қилмайман. Лекин шарт шуки, маним икки йўлимға айни жавоб бўлсин.

Раъно яна бироз ўйланиб, Анвардан яширинчи ёэди:

*Агар ор этса Лайли ҳақлиидир Қайснинг жунунидин,
Не баҳт, Раъно, харидоринг талаб аҳлининг «Мирзо»си.*

Раъно ёзувни Анварнинг олдиға ташлаб, қизарған ва кулимсираган ҳолатда чопиб гуллар ёнига кетди. Анвар жавобни ўқуб завқланди:

- Офарин, Раъно, лекин биравнинг устида ортиқчароқ муболага қилибсан.



Раъно гуллар ёнидан Анварга жиddий қаради:

— Сиз ҳам муболага қилған эдингиз.

— Маники муболага эмас, — деди Анвар, — масалан, сен ҳозир гуллар ёнидасан, ҳам чиндан-да, гулларнинг раъносисан... Мана, мен яна ёза бошладим; жавобга ҳозирлан, Раъно.

Раъно ютуриб Анварнинг ёнига келди ва унинг қаламидан томған сўзларни ўқуб борди:

*Ҳамиша хавфда кўнглим бу муҳаббат интиҳосидин,
Мени ҳам этмаса мажнун дебон Раънонинг савдоси.*

Раъно кейинги мисраъни ўқуб ўйланиб қолди. Анвар ҳозирги Раънонинг ўйчан кўзига анчагина тикилиб туркач, кулимсиди:

— Жавоби қийин келдими, Раъно?

— Қаламни беринг, — деди Раъно ўпкалаган қиёфатда қўл узатиб,

— ўйлағали ҳам фурсат бермайсиз.

Ёзи:

*Муҳаббат жомидин нўш айлаган¹ аҳли зако бўлмиш,
Фунуни тибда мажнундир кишининг куйса сафроси.*

— Енгдинг, Раъно, енгдинг, — деди Анвар, — лекин кейинги мисраъда бир хато қилдинг...

— Масалан?

— Тибнинг айтишича, сафро эмас, қон куйса, киши жинни бўладир...

— Коннинг бузулишига аввало сафронинг куйиши керак, сафро куймай туриб қон бузулмаидир... Хўш, яна ёзасизми ёки енгилдингизми?

— Енгилдим...

— Енгилган бўлсангиз, ютугимни беринг

Анвар юзини тутиб берди. Раъно бўшқина унинг юзига уриб қўйди.

— Агар шу гал ҳам енгсам, — деди Анвар ачиниб, — мен сени уриб ўлтурмас эдим...

— Нима қилар эдингиз?

— Энди фойдаси йўқ.

— Айтинг-да, агар менга ҳам маъқул бўлса, урваним ҳисоб эмас, бўшқина урдим-ку.

— Лекин сен уни қилолмайсан...

— Нега қилолмайман, қани айтинг-чи.

— Қилолмайсан... — деб кулди ва бироз айтишқа кучланиб турди.

— Мен... мен сенинг юзингта қўлим билан эмас, оғзим билан урар эдим...

Раъно қизариб ерга қаради. Юзга оғиз билан уришни ул ўз умрида биринчи мартаба эшитканлиги учун қизаришқа ва ерга қарашга ҳақли ҳам эди. Ўзининг ёзған муҳаббатка оид шеърлари ва Анварга берган ҳалигидек жавоблари билан чин бир маҳбуба ва маъшуқа бўлиб кўринса

¹ Нуш айламоқ — ичмоқ

ҳам, лекин кейинги гапларга ҳануз ошна эмас ва юзга оғиз билан уришлардан тамом бегона эди. Бу гап Анварнинг ҳам биринчи жасорати бўлиб, иккиси-да шу «янгилик»нинг ўнгайсизлигида қолдилар.

Гумбази нилигун қандилида шамъи кофурийлар ёқила бошлиған эди. Ой ҳам бироз нурланиб, турмушка янги қадам босқан бу икки ёшнинг ҳозирги ҳолларидан кулимсигандек кўринар эди. Бояғидан бирмунча кучаятушкан шамол гулни гулга қовишириб, гўё бу икки ёшга: «Сиз ҳам мана шу гуллар каби қовишинг» дегандек бўлар эди. Ўнгайсизлиқда қолған Раъно хижолат аралаш Анварга кулимсиб бош кўтарди.

- Мен сизнинг «амрингизга» мувофиқ чиқған эдим.
- Амримга мувофиқми? — деди Анвар ва Раъононинг кўзига тўғри қараб илжайди. — Шомдан кейин.
- Нима шомдан кейин?
- «Амримга» мувофиқ чиқишинг.
- Ҳозир-чи?
- Ҳозир мумкин эмас.

Раъно ўпка билан Анварга қаради ва туриб ичкарига жўнади.

26. НЕГА ЕРГА ҚАРАЙСАН, РАЪНО?

Кучлик шамол кўтарилиб, боқчадаги ҳар нарсани тўрт тарафка бука бошлиди. Кўча чанглари кўкка кўтарилиб, ой ва юлдузлар нурини хирароқ бир ҳолға қўйдилар. Чигирткалар чириллаши, кечча ҳашаротларининг нағмаси кучлик шамол товши билан кесилди. Суфа устидаги сўри ҳар замон тўрт томонға чайқалиб, ўз остида ўлтурғучиларнинг бетларини гоҳ, кўрсатиб, гоҳ яшириб, улар билан ўйнашқандек теварракка ҳусайнин гужумларини бир-икки бора узуб ташлади.

Анвар ўзидан нарироққа тушкан бир шингил узумни олиб еди ва бир-икки гужумни ҳамроҳига узатти:

- Ма, Раъно...
 - Мен емайман.
 - Мен ҳам сенга егин демайман.
- Раъно ўз ёнидаги гужумларни йириб, Анварга берди.
- Мана узум есангиз... Менда нима юмишингиз бор?
 - Баракалла... Тўкилган узумларни йигиб бер-чи, менга.

Раъно яна бир нечта гужумларни териб узатти.

- Қани, юмишингиз?
- Сенда нима юмишим бўлсин, Раъно. Ҳар кунги ўзинг билган гап... сўзлашиб ўлтурармиз; узум тўкилса, менга териб берарсан, деб чақирған эдим.
- Дадам ҳуфтандан қайтиб қолади. Галингиз бўлмаса, мен кетаман.
- Ҳуфтани ҳали ўқулған эмас, аzon ҳозир айтилди. Башарти дадамиз ҳуфтани ўқумай келиб қолса, бунинг ҳийласи осон: даррав анави гулнинг тегига яширинамиз.

- Башарти дадам бизни қидириб гулнинг тегидан топса, нима қиласиз?
 - Нима қилар эдик? Сен уйингта кетасан, мен бўлсан мөхмонхона.
 - Иккавингиз гулнинг тегида нима қилиб ўлгурган эдингиз, деб сўраса, нима жавоб берамиз?
 - Ўзимиз ўлтурган эдик, деймиз.
 - Нима учун, деса-чи?
 - Қизингиз уялғани учун, деймиз.
- Раъно кулиб ўрнидан турди ва суфадаи кўзи илғаған ғужумларни териб Анварга берди:
- Хайр, юмишингиз бўлмаса, мен кетдим, шамолдан қулоғим битти.
 - Гапим бор, гапим, — деди Анвар, — кел, айтаман.
- Раъно қаитиб келди.
- Айтинг.
 - Ўлтур.
- Раъно Анварнинг қаршисига ўлтуради. Ўлтуриши билан кучлик шамол юриб бошидағи рўймолни учурди ва олиб бориб Анварнинг бетига ёпти.
- Ха-ха-ха, шамол сиздан ўчимни олди. Қани, гапуринг.
 - Анвар рўймолни қисимиға олди.
 - Ҳозир гапираман, лекин шартим бор.
 - Айтинг шартингизни.
 - Аччирланмайсан.
 - Ҳў...
 - Уялмайсан.
- Раъно масалаға тушунгандек ўйланиб қолди.
- Рўймолимни беринг.
 - Рўймолинг учиб кетди... Шартимга кўндингми?
- Раъно жавоб бермади. Анвар Раъононинг олачалпоқ кўлага ичида хаёлий бўлиб кўринган юзига қаради. Унинг ҳаё ичида олийлиқ, касб эткан жоду кўзи Анварнинг ҳозирги мақсадига тушунгандликни ифода қилар эди. Бирмунча вақт шу кўни сўzsиз қолдилар. Шамол дам кўтарилиб, дам босилар эди. Шамол асноси гуллар ҳам келинлар каби ҳар томонига эгилишиб салом беришиб олар эдилар.
- Анвар ўзини суфанинг қоронри қисимиға олди. Раънога айтмакчи бўлган сўзи эҳтимол унинг ўзига ҳам ўнграйсизлиқ берар эди.
- Туғилрандан сўнг ўсиш, ўскандан сўнг икав-икав бўлиб яшаш бор, — деди Анвар ва бироз тўхталиб олди. — Жуфтлик ёғиз кишилар орасидағина эмас, ер юзидағи ҳар бир маҳлуқда ҳам бор... Масалан, тоғлардағи охулар, ўрмонлардағи тўтилар, чамандаги булбуллар ҳам ёғиз эмас, жуфай яшайдирлар... Сенингча қандай, мен уни билмайман, аммо жуфтланишнинг, манимча энг муҳим бир шарти борким, ул ҳам икки тарафнинг муҳаббат занжири билан бир-бирларига қаттиғ боғланишлариdir... Биз икав ёшлиқдан бирга яшаб келамиз.

орамизда махфий сирларимиз йўқ ва бизнинг ўз ора сирларимизга воқиф бўлған чет кишилар ҳам йўқ. Шунга биноан сен билан маним ҳар бир тўғрида ҳам очик сўзлашмагимизга ҳеч бир монеълиқ бўлмас, деб ўйлайман... Агар янгишмасам, иккимизнинг бир-биrimizга муомалаларимиз самимий ва юракларимиз тепиши ҳамоҳангдир. Ёки янгиш сўзладимми, Раъно?

Раънонинг ерга қараган кўзи секингни Анварга кўтарилиб, яна ерга оғди. Анвар унга бироз қараб турғач, сўзида давом этди:

— Сен эшитдингми, йўқми, билмадим, улар иккимизни жуфтлаштирмакчи бўлиб, бу кун мендан киши орқалиқ тўй вақтини белгилашни сўратқан эдилар, мен эртага жавоб бермакчи бўлдим... Сени бу ерда тутишим ҳам сен билан кенгашиб, эртага шунинг жавобини уларга айтишдир... Нега ерга қарайсан, Раъно?

Раъно бошини кўтариб кулимсиди ва юзини четка ўтиргди...

— Сен уял, уялма, улар бизни жуфтлаштирадилар. Марҳума Мөхларбибининг фотиҳаси ерда қолмас. Алар сен шундан юра берайлик, десанг, мен ҳам уларга сенинг жавобингни айтаман... Гапир, Раъно.

— Юра берайлик, — деди Раъно юзини четка ўтирган ҳолда, — уларга нима оғирлиги бор?

Раънонинг ӯзу сўзи Анварнинг устидаги юкни кўтариб ташлағандек бўлди.

— Иккимиздан бошқага, албатта оғирлиги йўқ... Лекин, сен айтканча, қачонгача юра берайлик? Уларга бир муҳлат кўрсатишимиш керак, Раъно.

— Қаригунимизча...

— Қаригунимизча, деб муҳлат сўрайми?

— Улгунимизча...

Анвар кулди ва сурулиб Раънонинг ёнига келди. Гўё уни ўзига қаратмоқчи бўлғандек, елкасига қўл юборди...

— Менга қара, тўғри жавоб бер, Раъно.

Раъно қулоги остига теккан иссиғлиқдан чўчиб юзини ўнглаган эди, тасадуған лаби ҳалити иссиғлиққа учрашди... Иложсиз каби лабини иккигичи ҳароратлик лабдан ажратолмай, бир неча сония кутиб қолди. Кучлик шамол қўзғалған эди. Шамол, гўё кўмаклашкан каби орқадан эсиб, Раънони Анвар томонга майл этдирад эди. Терак орқасида қолған ой ҳам кучлик елининг кўмагида терак бошидан буларга мўралаб олди. Икки ёшнинг ҳозирги ҳолини яқиндан томоша қилмоқчи бўлған туссиз бир юлдуз кўк саҳнининг ерга яқинроқ қисмига учиб тушибди...

— Жавоб бер, Раъно.

— Бу ҳолда мен жавоб бералмайман...

— Жавоб бермасанг, мен ҳам сени бўшатмайман.

— Дадам келиб қолади...

— Дадангдан бу кун жавоб олдим.

Раъно Анварнинг ияги остига сўл чаккасини қўйиб четка қаради.

— Сиз хоҳлаған вақтда бўлсин.

- Менга қолса эртага...
- Майли...

Анвар ияги остидағи мулойимлашқан қызниң қозидан ўпти ва унинг түзгіған соchlарини түгрилаб, ҳаётбахш кокилларнинг муаттар бўйини узоқ ҳидлади

— Чин сўзла, мен сенинг раъйинг билан уларга жавоб айтмакчиман, Раъно.

- Кўкламга...
- Чинингми?
- Чиним.

— Хўб бўлгай. Мен эртага, тўйимиз қўкламга бўлсин, деб жавоб айтаман... ерлар кўк гиламлар билан бежалганда, ҳар тарафни бинафша чечаклари босқанда, қушлар уя қайғусини чекканда, биз ҳам тўй қиласмиз; чимилидиқда бахт созини тинглаб, истиқбол куйини куйлармиз... Шундайми, Раъно?

- Шундай.

— Ундан сўнг маним оғушимда шунинг сингари даданг келиб қолишидан қўрқиб, киши қўлиға тушкан қуш боласидек типирчиламассан. Шу ҳуснинг, шу малоҳатинг ва шу латофатинг билан тамом менини бўларсан, шундайми?

Раъно жавоб бермай, Анварнинг оғушидан ўзини қутқарив ўрнидан турди. Суфанинг зинасига бориб кафшини кийди ва Анварнинг қувлашидан қўрқиб, сағчиб ерга тушти...

— Жавоб айтиб кет, Раъно.
— Ҳа, шундай, — деди Раъно, гул ёнида рўймолини түгрилаб. — Энди сизнинг олдингизга чиқмайман.

- Нега чиқмайсан?
- Негаки жуда ёмон киши бўлибсиз.. Мен аямга айтаман.

Анвар кулади.

- Нимани айтасан?
- Ҳаммасини айтаман.

Шу вақт ўрта эшиқдан кириб келган маҳдум уларнинг сўзини бўлди, ичкарига кетиб борған Раъонони тўхтатиб, «Анвар акангла чой бердингми, қизим?» деб сўради.

27. ЗУЛМ ЎЧОҒИ

Худоерхонға 1283-нчи йилда¹ учунчи мартаба таҳтка чиқиш насиб бўлди. Унинг охирги салтанати хонлиқ истибодининг аччиг зулм ва таъаддиларининг² жонсуз қора саҳифаларини ташкил этадир. 1283-нчи ҳижрийдан 1292-нчигача бўлган саккиз йил, Худоёрнинг эркин нафас олиб, Фарғона устида ўзи тилаганча қамчи ўйнатқан ва зулм тиғини камбаражлар қони билан сарбаст бўяған сўнгри давридир. Мамлакатни обод қилиш баҳонаси билан 1284-нчи йилда Қўқон косибларини ҳақ-

¹ Мелодий ҳисоби билан 1864 – 65 йиллар.

² Таъадду – азоб

сиз — муфт¹ ишлатиб янги раста, карвонсарой, пахтасарой ва коппонлар бино қилдирди. 1285-нчи йилда Қўқоннинг Ўрганч мавзеъида машхур Оқсаройни солдирди, узоқ жойдан ариғ қазитиб келиб, Оқсарой атрофии суғортириди. Иссиғ кунларда салқинлаш, малика хонимлар билан ишрат қуриш учун «Бори Эрам» ясатди. Онаси Ҳоким ойимнинг васиятига мувоғик, 1286-нчи йилда «Ҳоким ойим мадрасаси» деб машхур мадрасани, яна шу йилда Амир Умархон тарафидан асоси қўйилган маълум янги ўрдани ҳам теварагида боғ ва гулзорлари билан ишлатиб битирди².

1286—87-нчи йилларда «Улуғ наҳр», «Хон ариғ» деб машхур ариғни қазитди. 1287-нчи йилда ўз номидаги «Мадрасаси олий»ни ва «Дахмай шоҳон»ни, 1288-нчи йилда Қўқоннинг эски қаландархонасини бузиб, янгидан таъмир, ҳам ўлган оғаси Султонмуродхон исмига мадраса бино қилдирди. Ва ушбу йил ўғли Ўрмонхоннинг хатнаси учун бир юз йигирма кун ош бериб, тўрт ойлик тўй эълон қилди. Шундеки, ҳар кун икки юз қозон ош дамланар, саккиз юз танур нон ёпилар, икки юзлаб улоқ берилар, мамлакатдан тўйға келгучи аъёнга ҳар кун минглаб тўн кийдирилар эди.

Бу қадар саховат, бунчалик дабдаба, албатта, хазинадаги олтинлар кучи билан бўлғандир, деб баъзиларнинг кўнглига келар. Хонлар ва подшоҳдар хазинасидаги олтинлар манбаъи ҳам фуқаронинг билак кучидир. Лекин Худоёрнинг саховатиешалиги ва маъмуриятпарварлиги меҳнаткашнинг хазинага олтин суратида йигилған кучидан эмас, бевосита билак кучидан, кўз ёшидан эди. Чунки Муҳаммадалихон давридан бошланған (1240) ўзаро таҳт талаши, ўзбек-қипчоқ жанжали ва бошқа тўполонлар хазинани ялаб-юлқдан, Худоёр 1283-нчи йил таҳтка ўлтуришида эшиги очиқ — бўш хазинагатина эга бўлған эди.

Бу «маъмурият даври» саналған беш-олти йиллар Фарғона фуқароларининг омҳузинлари³, қора кунлари бўлған эди. Худоёрнинг Сирдарёдан сув чиқариш можаросини мисол учун олайлик:

Хоннинг раъии сув чиқаришга тўхтади. Хазинанинг бўшлирини, ўйланған ишнинг ниҳоятда улуғлигини андиша қиласади. Қаламравидаги барча шаҳар ва қишлоқларға саркорлар, чўғоллар тарқатди. Улар ҳалқдан солиқ йигишқа, ёрдам тўплашқа буюрилған эдилар. Бу ихтиёрий равишдаги ҳозирлиқдан сўнг, «мамлакатимдаги ҳар бир хонадон битта кетман ва битта мардикор берсин!» деб истисносиз умумий бир фармон ҳам бўлди. Қамчиси кўқда тобланиб, ханжари заҳар сочқан «хон ҳазратнинг буйруғига» ким қарши бора олсин. Ҳар бир оила, гарчи, рўзгор бошлугини бўлса ҳам, битта кетман билан хон таъйин қилған жойга йўллай бошлади. Бойлар битта мардикор ёллаб бериш устига от ёки арава ҳам топишқа мажбур эдилар.

Эни олти, бўйи (чукурлиғи) беш газдан ўп беш газгача қазиладир-

¹ Муфт — текин, бепул.

² Эски ўрда Шаҳруххоннинг ўғли Абдукаримхон тарафидан 1145 ҳижрия миеналарида бино қиласан. Куджённинг ортуларига жавоб бералмайдирган ҳолга келиб эскирган эди (муал.).

³ Омҳутн — умумий хафалик.

ған ариғнинг узунлиги ўтгуз чақирим ва шу ўтгуз чақиримлиқ ариғ қазилиб битканда, Наманган ва Андикон туманларидан икки минг ботмонғача ер сүборилар эди. Шу йўсуп ариғ қазила бошланди. Лекин ишчи кўб, озиқ-овқат йўқ эди. Бойлар киши ёллаб қутулғанлар, ўтгуз чақиримлиқ ариғ хатига бола-чақасини оч ташлаб, кетман кўтариб келган нуқул меҳнаткаш, косиб ва деҳқонлар чизилғанлар эди. Ўз ёнларидан сарф қилиш учун оқчалари, ҳукумат тарафидан бериладирган овқатнинг салмоғи йўқ эди. Иссиф қуёш остида гиёҳсиз чўл бағрида кетман одатдагидан кўброқ ем талаб қиласадир. Ариғ қазувчиларнинг овқатдан силлалари қуриб, иликлари пучайган, ердан ўн қадоқ тупроқ олиб ирнитишқа эмас, ҳатто кетманинг ўзини кўтаришкага ҳам дармонсиз эдилар. Хон тарафидан улар устига ишбоши қилиб белгиланган саркорлар, очлиқ ялқовлигини чинга ҳисоблаб, қулоқ эшитмаган сўкишлар билан бечораларни таҳқир этар, сулайиб йиқилмағунча кетмани ташлатмас эдилар. Ҳар ўн беш-йигирма кунда ариғ бошига келиб турғучи хон, саркорларнинг сиъояти¹ билан ҳар бора бир-икки меҳнаткашни ялқовлиқда, ўзига итоатсизлиқда айблаб, кўбчилик кўз ўнгида бўғизлатар ва ҳар гал келиб кетишида шунинг сингари мазлумлар қони билан янги «Хон ариғ»ни намлаб турар, бу зулмни ўз кўзлали билан кўриб турған бечоралар очлиқка, дармонсизлиқка қарамай, жон аччиғида ишқа ёпишар эдилар.

Шу йўсун зулм зарби остида ниҳоятда улуғ иш бир йилга ҳам қолмай итмомига еткан, минг чақиримлар бўйлаб Сирнинг сирлик суви кумуш каби оққан, гиёҳ унмаган чўллар меҳнаткашлар қони баробарига ям-яшил кўкарған эди. Шу мисолдан онглашилған бўлса керакким, хоннинг маъмуриятпарварлиги, яъни унинг мадрасалар, бофлар, қасрлар, сарой-расталар ва даҳмалар бино қилиши, тўрт ойлаб тўй бериши хазинада асрлардан бери йиғилиб ётқан олтиналарни сарф қилиб эмас, тўғридан-тўғри фуқарони муфт, мажбурий ишлатиш йўли билан эди.

Хоннинг гарчи зулм билан бўлса ҳам солған мадрасаларига, қаздирған ариғларига таҳсин қилиғучи, «золим бўлса ҳам, маъмуриятпарвар экан» дегучи баъзи биравлар орамизда топилиб қолур. Шунинг учун хонни «маъмуриятпарвар» қиласан омиллар устида тўхталиб оламиз:

Хон икки мартаба таҳтдан ҳайдалиб, анчагина тажриба ортдириған, учунчи мартаба таҳтга ўлтуриши маданиятилик ўрус истибдодининг Тошкандин олиб Хўжандга ҳам кўл узатқан саналарга тўғри келган эди. Бу кунги шароит тажрибалиқ хонни бошқача сиёsat ушлашка мажбур этар эди. Ниҳоятда қаттиғ қўллиқ бўлиш, юқори табақа ҳисобланған уламони, ашроғни ўзига қаратиш лозим ва таҳтига аждаҳо каби оғиз очиб келмакда бўлған ўрусларга қарши ўз маданиятини қуриб, жавоб бериши керак эди. Шунинг учун меҳнаткашни раҳмсиз ишлатиб мадрасалар бино қилмоқда, ариғлар чиқармоқда, сарой ва расталар, қаландархона ва ўрдалар ёпмоқда эди. Абдукаримхондан бери



үнлаб хонларға яраб келган ўрданы бузиб, янги ўрда бино қилиши ўз кайфига қарағанда ҳам ўрусларга жонилик, күрсатиш, ялтирасин шаңнұшкада билан Фарғонани ўз қўлида сакълаб қолиш учун эди.

Үчадирған чароғ ёниб үчадир, мақоли каби Туркистан хонларида сийрак кўрилган бу маъмуриятпарварлик бизга қолса, шу омиллардан турилған ва бунда самимий ҳеч нарса йўқ, эди.

28. ҲАРАМ

Янги ўрда юқорида ёзғанимиздек, ҳақиқатан шукуҳлик, хушманзара бино қилинған эдиким, унинг ҳозирги харобасидан ҳам кўрса бўлур.

Ўрда кўргонининг ташқари айланаси (тўрт томони) ажойиб гулзорлар, анвоъи мевалик дараҳтлар билан зийнатланган. Бу боғни махтаб Худоёрнинг ўз шоири Мулла Ниёз Мұхаммад:

«*Же он қасре саодат даврида боғи жаҳон оро,
Муаттар бўлди гулзоридин олам гумбази ҳазро¹.*

*Шаҳи волоки берди зеб боғ ичра раёҳиндин,
Ўшал кун тутди ер саҳнини бўйи анбари соро².*

*Ясарда тарҳини тарроҳлар³ андоғ сакиз гулшан,
Бу гулшан ҳар бирисин топшилар юз минг чаман оро.*

*Ки ҳар ашжор⁴ асморини⁵ таъмида шакар мазмар⁶,
Очарға шаккар оғзин муддашиққа наҳад оро.*

*Хиёбон расталардин боғ тонди зеби ороиши,
Гулистонига бергандек чаман оро гули ҳумро⁷.*

*Жаҳон боғига ҳарна неъматидир бунда ул мавжуд,
Насиб эткай сенга юз йилғача ҳақ эй жаҳондоро⁸...»*

дейдир ва Худоёрға бу борда юз йиллаб роҳатланмоқ учун дуо қиласадир.

Домла Ниёз Мұхаммад айткандек, гулшанинг уч тарафи хиёбон, расталар ва бунда эртадан-кечкача ҳалқ қайнашиб турар эди. Ўрда боғинини эшигига доим қоровуллар қараб турғанлиқдан, ўрдага алоқаси бўлмаган кишилар бокқа киралмаслар, факат ҳафтада бир кун, хоннинг кўнгил очиш соатларида, баъзи мустасно зотлар учун боғининг йўли очиқ бўлур эди. Бокқа кирилгандан кейин, тўғрида янги ўрданинг дарбозаси, муҳташам музаяқакор тоқ ва равоқлар кўзни қамашдирар, киши гўё ўзини хон ҳузурида, истибодод салобати сезар ва

¹ Ҳазро – кўк яшил.

Соф – тоға, соф.

Тарроҳ – лойиҳади.

² Ашжор – дараҳт.

Асмор – мевалар.

Мазмар – замери, ичи.

Ҳумро – қизил.

Жаҳондоро – жаҳонни эгалловчи ҳукчадор.



мутантан¹, ва музайян² қасрдан рух олиш ўрниға, билъакс, бир даҳшат ва хавф ҳис эта бошлар эди. Ўрданинг хиштин, кунгирадор қўргонлари ости билан жазойири қилич тақинған маҳсус муҳофиз йигитлар айланниб, бегона кишини қўргон яқиниға йўлатмаслар, айниқса, ўрданинг юқори қисмидан қўйилған ҳарам дарбозасига яқинлашиш учун, ҳатто ўрданинг ўз ходимлариға ҳам рухсат йўқ эди. Ҳарам дарбозасидан юргучилар ёлиз хоннинг ўғли – шаҳзода, хоннинг хотин қариндошлари, канизлар, доя хотинлар, яна баъзи «маҳсус» юмишларга хон томонидан белгиланган заифаларгина эдилар. Бу дарбозадан хоннинг ўзи ҳам юрмас, чунки унинг ҳарамига кирадирган йўли ўз маҳкамаси ва шаҳнишин орқалиқ эди.

1287-нчи йилнинг сунбула ойи, яъни эрта кузнинг кўклам ҳавосига яқин турған салқинча бир куни. Кечки соат бешларда ўрда ичида қайнаб турған ҳаёт бироз тинчиб тушти, дарбоза ёнларидағи қоровуллар ичкарига киши киригмай қўйдилар. Ўрда хизматчилари, масалан, беклар, мирзолар, ясовуллар ва шулар сингари «сайид»³ ходимлари бирин-сирин чиқиб тарқала бошладилар. Биринчи дарбозанинг икки бикинида тургучи қоровул йигитлар ўрданинг улуғ дарражалик бекларни таъзим билан узатар, мансаби қўйироқ ясовуллар билан мутояба қилишиб қолар эдилар. Саркардалардан баъзиси дарбоза ташқарисида хизматчи тарафидан қантарилиб турған отининг ёниға келиб, отни қараб чиқар, яхши бокмағани, ёки тоза супурмағани учун сайисни⁴ койиб олар ва сўкуниш ораси сайис кўмагида отиға миниб жўнаб кетар эди.

Дарбозабонлар ўрдада зарур юмиши борлигини сўзлаб, илтижо қилгучи ҳар қандай кишини ҳам ҳозир ичкарига йўлатмаслар ва асабийланиб койиб қайтарарлар эди.

– Бу ўзи қандай одам, қулогига ун босқанму! – деб жекириниб турған биринчи дарбозабон узоқдаги кимгадир қараб қолди, кўзи ўша тарафда экан бояги сўзини такрорлади, – боравуринг, оғизни очмане, шери Яздон⁵ келганда ҳам ичкари киритмаймуз!

Илтижо қилгучи умидсиз дарбозадан йироқлашди. Унинг кетича дарбоза ёнида банорас паранжилик бир хотин пайдо бўлиб, ичкарига парвосиз кира берди «Шери Яздон»ни ҳам киритмайдирган дарбозабонлар хотинни бошдан оёғ кузатиб, индашмай қараб қола бердилар. Хотин ичкари кириб, тўғриға қараб юрди, асл ўрданинг улуғ муҳташам дарбозасига яқинлашқандан кейин ўнгдаги айри йўлга бурилди.

Хотин ҳарам дарбозасини чоғлаб борар эди. Қўргон остидағи соқчилар хотинға ёвош-ёвош қараб олиш билан кифояланар ва уни таниғандан парвосизча ўз ёнларидан кечирар эдилар.

¹ Мутантан – тантанавор.

² Музайян – зийнатланган, безатилган.

³ Сайид – Амир демокчи

⁴ Сайис – отбоқар.

⁵ Шери Яздон – ҳалифа Алига берилган нисбат.

Хотин ҳарам дарбозаси ёниға етиб, останага қадам босқан чогида бўсағадаги йигит «виш» этдириб қиличини қинидан суғурди.

— Тўхтанд!

Хотин тўхтади ва йигитка қараб бетидаги чашмандини қия очти. Иигитнинг жиддияти кулимсирашқа мубаддал¹ бўлиб, ҳаводаги қиличини қайтариб филофифа солди. Хотин юзини очқан кўйи ичкарига юрди. Ўттуз беш ёшларда кўринган бу гўзал хотин ҳарам ходималаридан Гулшанбону эди.

Гулшанбону Худоёрнинг иккинчи даврида ўз ҳусни билан бир неча мартаба хоннинг илтифотига сазовор бўлған ҳарам канизларидан эди. Худоёр таҳтни ташлаб, Бухорга қочишига мажбур бўлғандан кейин, орасини ғаири шаръий ишларда, жумладан, хотинбозлиқда айблаб, таҳтта мингган Маллахон ўз даъвосига мувофиқ Худоёр ҳарамидаги юзлаб хотинларни ўз йигитлари орасида хотинлиққа тақсим қилиб юборди Шу жумладан, Гулшанбону ҳам Маллахон тарафидан Худоёрға қарши урушда қаҳрамонлик кўрсаткан бир йигитка инъом қилиниб, шундан бери ўша йигитнинг никоҳида хотин эди. Худоёр учунчи мартаба таҳтка мингандан кейин, Гулшан хоннинг ёниға келиб, эски «Қадрдонлиқ» номига ҳарамдан бир хизмат сўрағанида, «марҳаматлик» хон Гулшаннинг арзини ерда қолдирмай, ҳарам ходимларининг жуда озларига насиб бўладирған улуғ бир мартаба ато қилдиким, биз Гулшанга топширилған вазифанинг нимадан иборатлигин қўйида кўрармиз.

Гулшан дарбозадан ичкари киргандан кейин, паранжи остида бослиб тартибсизланган соchlарини тузатди, чанг ўлтурган нилий ранг товор кўйлагининг этакларини қокти, қўлидаги ёқут ва зумурад кўзлик олтин узукларини тўғрилаб тақти ва шундан сўнг зиналардан юқорига қараб чиқа бошлади. Йигирманчи зинадан кейин узун — ўрданинг эни қадар бир йўлак бошланиб, унинг ўнг-сўлини ўн чорлиқ бухори чакма эшиклар зийнатлаган эдилар. Бу эшиклар ҳарамдаги алоҳида ҳавлилар ва улар даромадини² кўрсатар эдилар.

Гулшан узун йулакка чиқиб, ўнгдаги биринчи эшикни итарди. Ичкари тарафдан кекса бир ходима — эшик очар хола кўриниб, Гулшанга салом берди ва «хуш келдилар» — деди. Гулшанни ичкари киритиб, эшикни беклади. Бу, ҳарамнинг кичкинагина сув ҳавлиси эди. Ўртадари мис ҳовузда кўм-кўк сув мавж уриб, бир неча канизлар ҳовуздан сув олмоқда эдилар. Ҳавлининг шимолидаги ходималар турадирған кичкина бир уйдан бошқа мунда бино йўқ, фақат жанубда ҳалигидек бир эшик бор эди. Сув ҳавлисидаги бу ҳовуз ҳарамнинг бутун эҳтиёжини ўтар, уни ҳафтада бир неча мартаба маҳсус соатларда мешкоблар томонидан тўлдириб турилар эди.

Гулшан паранжисини қўлиға олиб, эшик томонга юрди. Эшик ёниға келиб секин-секин ҳалқани чертди. Эшик ичкаридан очилиб, бунда ҳам эшик очар хола кўринди. Лекин буниси ёшқина бир каниз эди.

¹ Мубоддал — алмашинган.

² Даромад — йўлак.

Гулшандан паранжи, чашмбандни олиб, секингина «хуш келдилар» — деди. Бу ҳарамнинг биринчи ҳавлиси эди. Ҳавлининг тўрт томони нақшинкор, ойнабанд, гул чакилган даричалик, ҳаммаси бир хил бичикда танобий (зол) уйлар, ҳар бир уига маҳсус даҳлизлар ва бир-бирига ямашдириб солинған хоналарни шу даҳлизлар бир-биридан ажратиб турад эдилар. У қадар кенг бўлмаган саҳн остиға хишт тўшалган, ҳавли юзида тўрт-бешта қизил шолдан кўйлак ва бошларига сариф шолдан рўймол ўраб, оёқларига бедонадан кафш, маҳси кийган ёш канизлар сочилган ҳолда вазифалари орқасидан юрас эдилар. Уларнинг шу яқинда турған душманга сездирмасликка тиришкандек ёки уйқуда ётқан мудҳиш йиртқични уиготиб юборишдан қўрқандек, оёқларини ерга секин босиб, авайлаб қўзнатишлари ва бир-бирлари билан имлашиб, ночор қолғанде ярим товуш чиқариб муомала қилишлари бу ҳавлида нимадир бир фавқулодда ахвол борлигини сездирар эди. Гулшан ҳам бу ахволга тушунгандек улар билан оҳиста сўрашди ва канизларнинг биридан ярим товуш ичидаги сўради:

- Онҳазратим?
- Шаҳнишиндалар, — деди каниз, товшини четка чиқармаслиқка тиришиб.

Шаҳнишин — хоннинг хос ҳужраси, хон овқатланадирған, ухлайдирған ҳам хотинларни қабул қиласидирған уй бўлиб, сув ҳавлисининг қатори билан то тахт ўрнатилган маҳкамагача қатор уч хона танобий уйлардан иборат эди. Бу уйлар шаҳнишинликка мувофиқ бошқа бинолардан баланд қилиб солинған эдилар. Ҳавлининг шарқий томони маҳкамага қаратиб солинған бинолар орқаси, жануби хос ойимлар — яъни хонимлар танобийси, ғарби — қисман танобий ва қисман ошхона ва ҳарам хазинаси биноларини ва бошқа ҳавлиларга чиқиши учун даромадларни ташкил этар эди Гулшан, «шаҳнишиндалар» жавобидан сўнг, тараффудлангандек бўлди. Бироз иккиланиб турғандан кейин, яна бир қайта сочини, рўймолини, кийимини тузатиб олди ва шаҳнишин томонига бурулди.

— Ойихоним чақирадирлар, — деб бир каниз шивирлади.

Гулшан уч-тўрт қадам босқан эди, тўрдаги танобийдан чиқиб келган канизнинг ҳалиги сўзи билан тўхтади ва сўзсиз каниз томонига бурулди. Гулшан кирганде даҳлизнинг тўрида уч нафар каниз санама¹ тикиб ўлтурас эдилар. Улар билан саломлашди. Ул саломлашқан аснода ичкари танобийдан олти ёшлар чамалик, оқ туслик, қора кўзлик кўркамгина бир бола сариф атлас кўйлагини ҳиллиратиб чиқиб келди

— Ассалому алайкум... Соғмилар, шаҳзодам, — деди Гулшан қўлини кўкрагига қўйиб, болага букилинқираған ҳолатда.

Шаҳзода жавобсиз кулимсираб, Гулшанга бироз қараб турди-да, ичкарига кириб кетди.

Гулшан кафшандозда оёрини ешиб, гиламга чиқди. Даҳлиз ўн бир ёроҷлиқ катта мунаққаш уйдан иборат бўлиб, тахмонида атлас ва адрес кўрпа, кўрпачалар уюлған, тоқчалари анвойи хитойи ва қашқар чин-

¹ Санама — ироки

нилари, Бухоро мис ва кумуш идишлари билан зийнатланган эди. Гулшан кафшини еша бошлиғач, юқоридағи санама тикувчилар ҳам үрунларидан турған эдилар, келиб күришдилар. Улар күришиб бўлганда, бояғи каниз ичкаридан чикли

— Кирсинлар, — деди Гулшанга.

29. ОҒАЧА ОЙИМ

Гулшан эшикка юриб келиб, рўймол — лачагини тузатти ва ичкарига қадам босди. Эшик ичкарисида қўл қовиштириб турған каниз букилиб таъзим қилди.

— Сафо келдилар!.

Асл гиламлар, баҳмал кўрпачалар, олтин ва кумуш асбоблар билан зийнатланган танобий уйнинг орқа ва ўнги деярлик кўзни қамащидарлик шукуҳларга қарқ бўлған эди. Танобийнинг ҳавли томонига қурулған учта кичкина теразаларнинг ойналари ҳам бундаги асл ашёларнинг турлиқ навъи қабилидан ҳар кўзи ҳар рангда жилваланаар ва уларнинг акси зиёси билан шилга осилған олтин қандил алвон гусда товланар эди. Танобийнинг тўрида, ипак жойнамоз устида қиблага қараб ўлтурған ойим тизасига ясланиян шаҳзодани эркалаб, ёниға қайрилди. Эшикдан кириб, қўл қовиштириб тўхтаган Гулшан икки букилиб салом берди.

— Келинг, Гулшан, — деди ойим, — ўлгуринг, ваалайкум ассалом.

Гулшан таъзим билан биринчи даричанинг юқорисиға бориб ўлтурди ва дуога қўл кўтарди.

— Ойи хонимнинг баҳт ва обрўлари зиёда, шаҳзодамнинг умрлари узун бўлсин.

Эшик ёнида тик турған каниз дуо асноси ўлтуриб фотиҳа ўқушди. Фотиҳадан сўнг яна ўрнидан туриб қадалди. Ойим ҳамон шаҳзодани эркалаб жойнамоз устида ўлтурасар эди.

Жияқлиқ атлас кўйлак, Бухоро кундалидан желатка ва бошиға санама рўймол ўраган ўттуз беш ёшлар чамалиқ бу хоним — Хоннинг муътамад¹ хотини Оғача ойим ва шаҳзода эса хоннинг суюклиқ ўғли — Ўрмонбек эди Оғача ойимнинг хитой хонимлариникига ўхшаш қора бодом кўзи ва умуман сиймоси туркистон қизи эмаслигини айтиб турар, бироқ тилида бегоналиқ сезилмас эди. Оғача ойимнинг асли исми Масъуда хоним, аммо «Оғача ойим» деб машҳур бўлиши унинг қашқар қизи бўлғанлиғидандир. Ўйғурлар биздаги «хоним, бекач» дейиши ўрнида «օғача» дейдирлар. Масъуда Ўш атрофида турғун бўлған уйғурлардан Ибодуллахўжа деганинг қизи, Худоёр ўзининг иккинчи давлатида бунга уйланган эди.

Худоёр таҳтни ташлаб Бухороға кетишкага мажбур бўлғандан кейин кўб хотинлари унга вафосизлиқ билан эр қилиб кетканлари ҳолда, шу

¹ Сафо келдилар — хуш келдилар.

Кундал — зар ишлар билан тўқилган қимматбаҳо мато.

² Муътамад — ишончли, ўтиимодди.

Оғача ойим эрининг хорлиқ ва мұхтожлик күтіларига шерик бўлиб юрган ва шу вафодорлиғи жиҳатидан хоннинг эътиимодини қозонған эди. Иккинчидан, Оғача ойим Худоёрниң ҳарам хотинлари ичидә ақллик, тадбирлик ва шу сөйда ҳарамнинг барча хонимлари ва юзлаб канизлари бунинг идорасиға топширилған эдилар. Юзлаб кундашлар орасидағи жанжаллар Оғачаниң ислоҳиға¹ келиб тухтар, ҳарамдан ҳар кимса бунинг сўзига қулоқ солишига мажбур, ҳатто хоннинг ўзи ҳам хотинлари орасидағи онглашимовчиликларни Оғачаниң ислоҳиға ҳавола қылғучи эди. Янги кийим бериш вақти етканда, кимта қандай кийимлик лозим, ким қандай нарсага мұхтож – бу масала ҳам Оғача ойим тарафидан ҳал қилиниб, ҳазиначига буюрилар ва ҳозирланилған кийимликлар унинг томонидан тақсим қилинар эди. Бундан бошқа, кундалик ошхона овқати ҳам Оғачаниң белгилаши билан пиширилар, ойим ва каниз, доя ва чеварларнинг ҳаммомга боришлари, бекларнинг тўйиға чиқишилари ва шунга ўхшаш лозим-омадалар ҳам бу ойимнинг кўрсатишига мувофиқ эди. Баъзан Оғача ойим мамлакат ишларига ҳам оралашиб олар, гоҳо ўз фикрига хонни унатиб ҳам қўяр эди. Худоёрнинг хотинларидан кичик Шоҳ ойим² вафот этиб, ундан бир бола – Ўрмонбек ятим қолған эди. Худоёр Ўрмонбекни жуда яхши кўрар ва ўзига валихаҳ белгилаган эди. Кичик Шоҳ ойим ўлгандан кейин Ўрмонбекни ҳарамда эътиимодлик бўлған Оғача ойимга топширди. Шундан бери ул Ўрмонбекни ўз боласидек тарбия қилиб келар ва бу сабабдан ҳам хоннинг назарида унинг қадри жуда юқори кўтарилилган эди.

Оғача ойим ҳануз Гулшанта илтифотсиз, Ўрмонбек билан сўзлашмакда эди.

– Жуда шўх бўлибсан, ўғлим. Мен сени отахонингга чақиб бир урдираи.

- Будана берсангиз шўхлиқ қилмайман.
- Буданаларингни ўлдириб битирдинг-ку, золим, буданаларни яна қайдан олайлиқ.
- Мен ўлдирмадим, ўзлари ўлиб бутдилар.
- Зийракни нега урдинг?
- Зийрак менга будана топмади.

Оғача ойим эшик ёнида тик турған канизра қаради:

– Кел, Мисқол, – деди ва Ўрмонбекнинг орқасини силади. – Сен ғуманг билан ўйнаб кир, буданани эртага топдирармиз.

Каниз Ўрмонбекни етаклаб чиқа бошлади.

– Оддимга ҳеч ким кирмасин, – деди Оғача ойим. – Эшикни ёпиб чиқ.

Улар чиқиач Оғача ойим Гулшанни ўз яқинига чақириб, жойнамоздан кўрпачага сурилиб ўлтурди, такрор – «яқинроқ келинг, Гулшан», деб таклиф қилди. Оғача ойимнинг бирар мұхим сўзи борлигини сезгани Гулшанбону қўл қовиштириб, ойимнинг яқинига бориб тиэ чўкти.

– Шаҳардан нима хабарлар топдингиз, Гулшанбону?

Ислод – тузатиш, тўтилаш.

Шурон – бетининг кити (муал.).

- Шаҳар хабарлари ойи хонимдан махфий эмасдир.
- Ўзингиз тинч турасизми, уй ичингиз сормилар?
- Шукур... Онҳазратим ва ойи хонимнинг сояйи давлатларида.
- Ишларингиз қандай? — деди кулимсираб Оғача ойим. — Бизга кундашлар топиб бўладими?

Бу саводдан Гулшан бошини қўйи солди, Оғача ойим кулимсиганча Гулшандан жавоб кутиб турар эди.

- Сиз бизга кундаш изласангиз ҳам, — деди Оғача ойим, — албатта, ўз ихтиёргизча эмас, саййиднинг амрлари билан; шунинг учун бу тўғрида мен сизни айблай олмайман.

Бу сўз билан Гулшан бироз хижолатдан чиққандек бўлди.

- Албатта, ойи хоним...
- Сўзимни ерда қолдирмаслигингизга ишонғаним важидан, — деди Оғача жиҳдий тус олиб, — сиз билан бу тўғрида махфий бир-икки оғиз гаплашмакчи эдим.

— Канизингизнинг боши устиға, ойи хоним.

Оғача ойим деворға суялған ёстиқни тирсаги остиға тортиб такя қилиди.

— Мен бу гапимни ўткан кун Ботирбоши холага ҳам айтиб қўйдим. Лекин саййиднинг қулоқларига еткурмаслик шартдир. Бу тўғрида холадан ҳам сиз эҳтиётлироқсиз, деб ишонаман. Чунки сизнинг мен билан эски қадрдоналигингиз бор.

- Чўрингиз сўз улашдиришини ёмон кўрадир, ойи хоним.
- Албатта, шундай бўлмоғи лозим, — деди Оғача ойим, — ўзгалирдан ҳам сизга айткулуги йўқ, Гулшан. Саййиднинг никоҳларида биз ўнлаб кундашмиз...¹ Агар канизларни ҳам қўшиб ҳисобланса, кундашларнинг саноғи бир юздан ортадир. Ботирбоши хола, яна бир нечалар ва атрофдаги бекларимизнинг таважжухлари соясида² саййиднинг ҳарамлари уч-тўрт йилнинг ичидаги бунчалик чўриларга эга бўлди... Янги ва кенг ўрдаға келиб яирашармиз деган эдик, баракатларингизда кундан-кун баттарроқ сиқилишиб борамиз. Ҳатто ичкари ҳавлиларда бир уйга саккиз, тўққуз каниз жойлашишига тўғри келиб қолди. Бу ҳол давом этса, бирар йиллар ичидаги яна бир янги ўрда солишка тўғри келадир. Бу, албатта, мумкин эмас. Ундан сўнг саййиднинг ҳамма диққатларини ҳарамга тортилса, мамлакат иши ҳалалдор бўлишида ва бунинг уволини бизлар кўтаришимизда шубҳа йўқ. Мана шу андишаларга бориб, сиз билан кенгашмакчи эдим... Бу андишам Ботирбоши холага ҳам маъқул тушиб, ваъда берди. Сиз ҳам шу гапларни яхши ўйлаб, ўз фикрингизни менга сўзланг-чи, Гулшанбону.

Гулшан Оғача ойимнинг мақсадига тушунмагандек бироз ўйланиб турди:

¹ Шаригъатда тўрттадан ортиқча хотин олиш йўқдир. Худоернинг расмий никоҳидаги хотини тўрттадан ошмас, яъни, янги хотин оладирган бўлса, тўртнчи хотинини канизликка кечириб, ўрнига янгисини қўйиб турар эди. Оғача канизликка кечирилганларни ҳам бунда қўшиб ҳисобладириб (муал.).

² Атроф докимлари хупомад тариқасида чиройли қизларни хонға юбориб турғучи эдилар... (муал.).

- Муддаоларига чўрингиз тушунмадим, ойи хоним.
- Тушунмаган бўлсангиз, — деди Оғача, — мундан сўнг ҳарамга хотин ва қаниз келтирилмасин, дейман.

Гулшан бошини қўйи солди. Чамаси, Оғача ойимнинг таклифи унга ёқмағансумон эди Дарҳақиқат, оғиздари ошни оддириш ҳар ким учун ҳам бир хил эмасдир.

- Биз каминаларда нима гап, айланай ойи хоним... Биз, ҳарна қиласақ, онҳазратимнинг буйруқлари билан қиласмиз... Биз онҳазратнинг отқан ўқларимиз.

Оғача ойим Гулшанинг қўзига анча тикилиб қолди. Лекин Гулшан қўзини ундан қочириб ерга бокди.

- Албатта, биз саййиднинг отқан ўқларимиз, — деди Оғача ойим қизиқишишқаннамо. — Лекин, хўжам буюрди, деб ишнинг ўнг-терсига қарамай югурга бериш аҳмоқлиқдир. Агар сиз билан мен он ҳазратнинг холис қуллари бўлсақ, саййиднинг давлатларига ражна солмайлик, дўсти нодонлик қилмайлик. Мана бу — холис қуллик даъвосида бўлған бизнинг қўлимиздан келадир... Зоҳиран, саййидга хиёнат кўринса-да, ҳақиқатда холис дўстлик, деб сизга бу таклифни қилдим. Саййидни кунчилайди¹, деб бошингизга келтира кўрмангки, ҳозир ҳам мен онҳазратнинг бир юзинчи хотини бўламан Юз хотиннинг биттаси бўла туриб, кундашлиқ қилиш ўзи телбалиқдир. Лекин, орада бир ғаразбўлса ул ҳам сизга айтканимдек, холис қуллик — чин давлатхоҳлиқдир², тушундингизми, Гулшан.

Гулшан «биз саййиднинг отқан ўқларимиз» деб Оғача ойимни аччиғландирған эди. Ўз хатосига тушунган Гулшан узр айтди.

- Мен сизга бу гапни бошқа мақсадда айтдим, ойи хоним. Биз, дедим... албатта, биз...

- Агар сиз бунда ноилож бўлсангиз, мендан йўл сўранг.
- Пир бўлиб қўлимдан тутсангиз, онҳазратимнинг ўгуруларида бошим фидо бўлсин.
- Гап шундай бўлса, иккимизнинг бу ишқа кўмаклашувимиз ёки сукут қилишимиз давлатхоҳлиқ эмас, душманлиқдир, — деди Оғача ойим.
- Маним сизга кенгашим — бундан сўнг устингиздаги хизматка бироз ўйлашиб қадам босищдир.

- Мени итобга³ тутсалар?..
- Бунинг тадбири осон, — деди Оғача. — Аввал шуки, саййиднинг кўэларига оз кўрининг, кўрингизда сулук чўри тополмадим, деб узр айтинг. Сизни, тополмабсан деб қийин-қистоқقا олмаслар, жазога тортмаслар. Мұхтожлиқдан кўрқсангиз мен бор, мен сизга қўлимдан келган ёрдамни қиларман. Маъқулми, Гулшанбону.

Кейинги жумла билан Гулшанинг чеҳраси очилиб кетди.

- Хўб, айланай ойи хоним.
- Аҳсан!

¹ Кунчи — раشك қилиш, қизраниш.

² Ғараз — мақсад, ният, муддоқ.

³ Давлатхоҳ — ҳайриҳоҳ; дўст.

⁴ Итоб — татъна.

Даҳлизда санама тикиб ўлтурган канизлардан бири – хазинадор югуриб кирди.

– Лаббай.

– Опанғға икки тилло бер, устига мунсак ёп!

Аҳсан икки қўлини қўкрагига қўйиб, таъзим қилғандан сўнг, чиқиб кетди

– Шундай одатингизча маним олдимға келиб туравуринг, керагингиз бўлса тортинимай айтинг.

Гулшан бош букиб қуллик қилди. Эшик очилиб, қўлида адрас мунсаги билан Аҳсан кирди ва Гулшаннинг устида тўхтади. Гулшан ўрнидан туриб ойимға бош эгди. Шу ҳолда Аҳсан мунсакни унинг устига ёпиб, қўлиға икки тиллони ҳам узатди. Гулшан устида мунсаги билан оҳистагина ўлтурди. Аҳсан ҳам турған жойига чўккалади. Гулшан дуога қўл кўтарди. Аҳсан омин, деди. Дуодан сўнг Гулшан ва хазинадор – Аҳсан оҳиста-оҳиста орқалари билан юриб, Оғача ойимнинг ҳузуридан чиқдилар.

30. ХОНИМ ОЙИМЛАР

Гулшан эгнида мунсаги билан даҳлизга чиқиб, ундаги қанизлар томонидан «илтифотга лойиқ қўрилгани» учун табрик қилинди. Кафшандозда кийинар экан, кўзи тўғридағи шахнишинда эди. Канизлар билан хўшлашиб ҳавлига тушди.

Юқорида сўзланганидек, бу ҳавлида хоннинг суюкли хотинлари ўзларига хос доя, чевар, қанизлар ва қуллари билан турар эдилар.

Оғача ойимнинг қаторидағи иккинчи танобий хоннинг суюкли хотини Розия ойимға қарап эди. Розия ойим гарчи ўткан йиллардагина хонға никоҳланган бўлса ҳам, ўзининг хаёлий ҳусни билан «сайийд»-нинг илтифотини жалб этиб, ҳарамда биринчи мавқуъга мингган хонимдир. Хизматига тўрт каниз ва икки қул ҳадя қилинган бу ойим асли кошғарлиқ бўлған Охундженбой деганинг қизидир. Розия хоним қизлик чоғида Қўқон бойларидан Жонбобо отлиғ бир кишига тегиб, бир бола туққандан кейин эри ўладир. Бундан сўнг қўқонлиқ Миён Фазл Ваҳҳоб ҳазратка эрга чиқадир. Гулшанбонура ўхшаш хуфиялар «сайийд»нинг қулогига еткирган бўлсалар керак, бир кун хон, тўсиндан арава юбориб, Розия хонимни «мехмон»га чақиради...

Хоннинг ҳукмига қарши Миён Фазл Ваҳҳоб нима ҳам қила олсин. Розия хоним хон ҳарамида бир кечада қўниб, эртаси уйига қайтадир. Ул уйига қайтиб келганда Миён Фазл Ваҳҳоб Розия хонимнинг қўлиға талоқ ҳати топшириб, етти арава мол билан ўрдаға жўнатадир... Миён Фазл Ваҳҳоб бу ишни қўрқанидан қилғанми ёки хонға аччиғ тариқасидами, ҳарҳолда буниси ҳатто Розия ойимнинг ўзига ҳам қоронгидир¹.

¹ Ҳарам тўғрисидаги маълумотимизнинг аксариси бу кунда ҳам ҳает бўлған шу Розия ойимдан олинди. Ҳозир туксон ешларға еткан бу кампир ўзининг кучлик хотираси билан бизга қимматлик маълумотлар берди. Ҳануз сақданиб келган баъзи ҳусусиятлари билан бизни таажжубка солди. Мұхтарама Розия ойимға ва икки орада воситачи бўлиб устимга миннат қўйған қўқонлиқ, дўстим Босит Қодирийға ташаккур ва раҳматлар айтишқа бурчлиман (муз.).

Гулшан Розия ойимнинг даромадига етканда икки нафар каниз даҳлиздан чиқиб, бўсаганинг икки томонида кўл борлаб ва бош букиб тўхтадилар. Шу ҳолда ичкаридан гўё юзи сут билан сурориғандек оқ, қуралай кўзи ойсиз ва булатлиқ кечасидан ҳам қорароқ, қадди сарв каби мавзун, қора сочи тақимини ўпкан, уст-боши ипак ва олтиналар билан фарқ бир хоним хиромон чиқиб келди. Бошидағи ҳисобсиз коқилларини санама тикилган оқ ҳарир рўймол билан озорсизгина бөвлаган, ёқа ва этакларига нафис жияқ бириктирган хонатлас кўйлак, бухоро кундалидан қирғоқларига олтин уқа (кўр) тутулған енгиз желатка кийиб, ёқут кўзлик олтин тутмаларни бўшқина солған, ҳуснда мисли оз бу нозанин хоннинг суюкли хотини – мазкура Розия хоним эди. Розия хоним орқасидан саккизтўқуз ёшлар чамалиқ, кўз ва тишидан бошқа аъзосида оқи йўқ, бир бола кўриниб, хонимни таъқиб этди. Бу ёш югурдак қулча хонимнинг ҳар бир майдага хизматларига тайёр каби оёғ олар эди¹.

Розия хонимга қарши келгучи Гулшан букилиб салом қилди. Розия хоним ишорат билан жавоб бергач, «эсонмисиз» деди ва унинг жавобини ҳам кутмай шаҳнишин томонга қараб йўл солди

Гулшан Розия ойимнинг қўйисидағи даҳлизга юзланиб, ундаги канализлардан Қурбон ойимнинг сорлигини сўраб ўтди. Қурбон ойим танобийсидан сўнг ҳавлининг кун ботишига мойил бино Шодмон ойимга қарашлиқ ва шу билан ҳарамнинг биринчи ҳавлисидағи ойимлар ҳисоби битадир².

Куллар аксар тожик ва ҳабашдан бўлиб етти ёшдан ўн икки ёшрача эдилар ва ҳарамдан бундан юкори ўшдаги куллар сақланас, кул ўн икки ёшга етканда ҳарамдан чиқарилиб, ўрдадаги бирар хизматка белгиланар эди. дейдир Розия ойим. Эрлиги олинған (бичилған) куллар Худоернинг онаси Ҳоким ойим – Жорқин ойимгача (1285 йилда вафот) факат икки нафар бўлиб: Эшмат саркор, Тошмат саркор: (ҳар иккави ҳабаш) булар ҳам хондан ташқари ҳарамга киralмас эканлар. Ҳар кун эрталаб хон онасига салом бергали киргандан ҳалиги икки нафар кул ҳам хоннинг орқасида кириб. Ҳоким ойимга салом бергандан сўнг яна хон билан бирга чиқишиб кетар эканлар (бу иккиси Шералихондан қолған, Ҳоким ойимга яқин, қадрдан куллар бўлғанга ўхшайдир).

Розия ойимнинг айтишига қарағанда, шу икки кулдан бошқаларнинг эрлиги йўқотилмаган экан. Бундак онглашиладирким. Худоёр ҳарами тўғрисида ёзгучи ўрусларнинг кул (евнух)ларни каниз ва хонимлар билан аралаш юрган ҳолда кўрсатишлари муболарадир.

Розия ойим яна тафсилага киришиб: «Хон биринчи мартаға таҳтдан ҳандалишида ўзига қарашлиқ ёш куллардан бир нечасини Жиззаххаз эзтиб ўқутди ва сўнгига даврида уларни батъи мансабларга кўйди. Улар: Шоғулом жарчибоши, Жамил Файзуло ва Муллача казиначилар. Давлат удайчи. Давлат саркор ва Шопсанд кўрбошилар» дейдир. Бу куллар ҳам ҳарамга киralмаганлариdek, эрликлари ҳам жойида экан (муал).

Розия ойимнинг айтишига қарағанда, Худоёр ўзининг уч карра хонлиқ даврида шу хотинларга уйланган: 1) Қозоқ тўра – Розия ойим бунинг отасини аниқ айтломайдир Лекин, ўзи қирғизлардан эди. дейдир. Фикримизча, Мусулмонкулининг қизи шу бўлсамикин?.. Хизматида тўрт канизи бўлған; 2) Анбарчик тўра – Үратепада юзбеги бўлған Худоёрбек валламишининг қизи; 3) Катта пошшо ойим – қўқонлик Ҳўжа Калон тўранинг қизи, Насриддин бекнинг онаси, хизматида етти каниз тўрт кул; 4) Қўқонлик ойим – Қўқоннинг Сармозор даҳасидан, кимнинг қизи эканини Розия ойим билмайдир. Хон биринчи мартаға таҳтдан кувланғач, эрга тегиб кеткан; 5) Қурбон ойим – гумалардан (Жория, хизматкор), Үрмонбекнинг казиначиси, хизматида икки кул, уч каниз. 6) Гулзода бекач – гумалардан, хизматида тўрт каниз. Шаҳзоҳақон исмлик бир қизи бўлиб. 1919 йилда ўлган; 7) Ширин бекач – гумалардан, хизматида уч каниз, икки кул. Тўра пошша исмлик бир қизи бўлиб, қўқонлик Кароматхон тўрага берилган, 8) Исфаралик ойим – Исфаралик Ҳабиб эшоннинг қизи. Бундан Моҳзодаҳон исмлик бир қиз тутулиб, қўқонлик

Гулшан ҳавлиниң күн ботиши – ошхона ва бошқа рўзбор уйлари ёни билан бориб бир эшик орқали бизга маълум узун йўлакка чиқди. Йўлакда сув ҳавлисидан чиқиб келган бир каниз Гулшанни кўриши он кўлидаги сувлик кашкулни ерга кўйиб югурди:

– Эсонмисиз? Мунсак муборак, аямлар соғми?

Гулшан қўл учи билан кўришди:

– Ўзинг ўйнаб қулиб юрубсанми? Мунисхон пошша ойим саломатмилар? Биби пошша ойим ёзилиб келдиларми?

– Шукур, шукур, бизнинг ҳавлига киринг.

– Киарман, – деди Гулшан ва устидаги мунсакни еча берди. – Сен маним келганимни уларга айтма. Мен ўзим бироздан кейин чиқарман.

Каниз орқасиға бурилиши билан йўлакнинг юқори эшикларидан бири тарақ-туруқ очилиб, ичкаридан икки ёш оёғ ялан каниз қувлашиб чиқдилар. Гулшанни мунсак билан овора кўрган қизлар шу тарафка қараб югурдилар.

Сафохон тўранинг ўти Исахонга берилган (Моқъюда алдолтирик эмиш). Худоёр иккинчи хонлик даврида Исфаралик ойимни гарикда айблаб, баҳона билан ўрдадан ҳайдаб юборган.

Худоёрининг иккинчи хонлик даврида олган хотинлари: 9) Мунисхон пошша – қўқонлик. Фозихон тўранинг қизи, хизматида саккиз каниз, тўрт кул. Бундан Сайид Умарбек исмлик ўтул тутулган. Сайид Умарбек – кунда Рошидан рафтун, Тўра қишлоқда турар эмиш; 10) Поишшобону ойим – Қўкоңда машхур Баҳодирхон тўранинг синглиси, Муҳаммад Аминбек билан Чорсолакон пошшанинг онаси, хизматида тўқуз каниз, беш кул. 11) Масъудаҳон (Оғача ойим) Ибодуллохўжа қизи. Фансуруллобекнинг онаси; 12) Кишибиби (Қизойим) – Худоёрининг тораси Гадойбой дастқонинг қизи. Бу аслда Шомуроднинг хотини бўлиб. Шомурод ўлгандан кейин Ҳоким ойим Бухорода ўти Худоерга Кишибини никоҳдаб берган, хизматида беш чўри, уч кул; 13) Кичик Шоҳойим – Шутун ҳокимининг қизи, Ўрмонбекнинг онаси, боланинг чилласи чиқмай ўлган; 14) Тўқтапошша (Чиндовуллик ойим) – Намангандумани Чиндовул қишлоғининг хўжা қизларидан, хизматида тўрт каниз, уч кул. 15) Катта Шоҳойим – Дорбоз ҳокимининг қизи, хизматида етти чўри, катта Шоҳойимдан Сайид Фансурулло исмлик ўтул тутулиб, беш ёшида экан, Марғилонда Пўладхон ўлдирган; 16) Гуландом бекач – гумалардан, бундан Офтобкон исмлик қиз тутулиб. Худоёр вактида, ўн уч ёшида ўлган. 17) Моқбегим бекач – гумалардан. Биняминбекнинг онаси, хизматида уч кул, уч чўри; 18) Гулқиз бекач – Ҳумалардан. 19) Асал бекач – гумалардан. Учунчи хонлик даврида; 20) Қоратегинлик ойим – Қоратегин ҳокимининг қизи, хизматида етти чўри; 21) Биби пошша (эқавотлиқ ойим) – Намангандуманинг экавот қишлоғининг катта эшони Ҳўжам пошша тўранинг қизи, хизматида уч чўри, икки кул бўлган; бу ойимдан Сайид Фансурулло исмлик ўтул тутулиб, боланинг уч ёшида Пўладхон ўлдирган. 22) Розия ойим – (шу маълумотларни берувчи) Розия ойимдан Сайид Умарбек отли ўтул бўлса ҳам уч ёшида ўлган. 23) Қамбар пошша – Ҳўжакалон тўранинг кичик қизи. Катта пошша ойим ўлгандан кейин болдиш олган, хизматида уч каниз. 24) Ойнисахон пошша – Турсун оталикнинг қизи; 25) Тухфаниса ойим – Олатиарик қозисининг қизи; бу қизга ўйлангандан ўттуз етти кун кейин Худоёр ўрусларга сиғиниб Тошканд келган. 26) Ҳамроҳ биби ойим – қўқонлик Нурматбой деганинг қизи; 27) Саиданисо (чимёнлик ойим) киргизлардан бирининг қизи. 28) Шодмон ойим – гумалардан; хонга суюкли эчиш, хизматида уч чўри, уч кул, 29) Гулбону бекач – гумалардан; хизматида бир чўри, бундан Озодадон исмлик бир қиз тутулиб, қўқонлик Баҳодирхон тўрага келин бўлган; 30) Руҳафзо бекач; 31) Сайқал бекач; 32) Санавбар бекач; 33) Аргувони бекач; 34) Ниғор бекач; 35) Рузон бекач. Бу олатови ҳам гумалардан эмиш.

Бу ерда езилганлар Худоёрининг тутал хотинлари хисоби бўлмас, деб ўйлайман. Чунки Розия ойимнинг хотиридан бавзиси кўтарилган бўлиши мумкинлар. Биз Розия ойимнинг ёнида эканмиз, ўртоқ Босит:

– Ҳон неча хотин олган эди, ойи? – деб ҳазил тарикасида тақрор савол берди. Розия ойим мендан иймантан қиёфада:

– Ҳон қурсин, унинг олган хотинларининг хисоб-китоби йўқ, болам, – деди ва манимча жуда тўғри сўғни айтди (мул).

— Гулшанжон, Гулшанжон! Эсонмисиз, омонмисиз? Сарпа қутлуг!
Шўх канизларнинг бири Гулшанинг олдидан ва иккинчиси ёнидан
ўрамалаб, бирининг оғзидан иккинчиси «Гулшанжон, эсонмисиз!»ни
олиб эсанкиратдилар.

— Бўлди, бўлди! Шўх байтал ўлгурлар! — деди Гулшан, — ойимлар
эшитса, нима деган гап бўлади?

Қизлар Гулшанинг сўзига қулоқ солмай, келган тарафларига қараб
уни судрадилар.

— Тўқ байтал! Гулшанжон — Тўқ байтал!

Гулшан аччиғланса ҳам, яна уларнинг сўз ва ҳаракатидан кулишка
мажбур эди.

— Курб кеткурлар... Шунинг учун ҳам сенларнинг олдингга кир-
гим келмайди-да!

Сўзга илтифотсиз, ўюн билан борган канизлардан бири Гулшан-
нинг кўлидаги мунсакни титкилаб ўзига тортди:

— Қайси гўрдан олдинг, менга берсангчи шуни!

— Ол, ол! — деди Гулшан мунсакни бўшатиб, — ўлимлик қиласан!

— Албатта тобутимга ёпарлар!

Йўлакнинг бошидаги эшикка етдилар ва учиси бирдан сиқилишиб
ичкарига кирдилар.

31. ҚИРҚ ҚИЗЛАР

Гулшанлар кирган ҳавли «Қирқ қизлар» деб аталар эди. Бунда
хоннинг кўнгил очишига хизмат қилгучи «Қирқ қизлар» тураг эдилар.
Бу ҳавли ундаги ўюнчи, созанда ва навозанда канизларнинг сонидан
олиб, «Қирқ қизлар» аталған эди.

Худоёрнинг ҳарам канизлари сони бир юз элли беш нафар бўлиб,
булардан ўн тўрт нафар оқ саройда, саккиз нафар шаҳнишинда, яъни
хоннинг ётиш-туришига маҳсус, саккиз нафар Ўрмонбекка қарагучи,
ӯн нафар доялар ҳузурида, йигирма беш нафар шу «Қирқ қизлар»да
ва қолғанлари ҳар қайси хоним ойимларнинг хизматида эдилар.

Ҳавли юзида тўп ўйнағучи «Қирқ қизлар»дан етти-саккизи Гулшан
олдига югурдилар.

- Эсонмисиз!
- Елиб югуриб ҳорманг!
- Эрингиз ўлмадими?
- Шаҳар йигитлари омонми!

Бу қизлар ҳалигилардан қолишмайдирған шўх эдилар. Гулшан ҳам
энди жиёдият сақлаб турмади:

— Зерикмай ўлтурибсанларми? Ичларингда туғиб қўйранларинг
йўқми? Ўйнаш қилиб тутилмадингларми?

Бу ҳавли тўртта кичик ва битта зўр танобий уйдан, ҳам «Қирқ
қизлар»га маҳсус ошхона ва бошқалардан ташкил топиб, қизлар кичик
уйларга жойлашқан эдилар. Уларнинг ясанига келганда, юқоридаги



канизларда күрилгандек – қызил шол күйлак, сарығ гуллик қызил шол рүймол, шуваматос ёки адрес желатка эди. Ҳозирги түп ўюнига иштирок этувчи қизларнинг ҳаммаси деярлик ялан оёғ бўлиб, юмишдаги ва ошхонада ош пиширғучи қизлар дуранглик бедона кафшлар кийган эдилар. Аксарият, йигирмадан ошқан қизлар, ичларида ўн олти, ўн етти ёшликлари ҳам кўринар эди. Бу қизлар мамлакатнинг ҳар тарафидағи беклардан хонга ҳадя тариқасида юборилғанлар, шунинг учун улар терма дўндиқлар эдилар. Чўри исми билан ҳарамга келган кунлари ҳар бирлари ҳам хоннинг «илтифоти»га бир-икки мартабагина «лойиқ» кўрилиб, сўнгра «Қирқ қизлар» ичига ҳавола қилинған эдилар. Улар ҳануз ҳам шаҳарнинг машхур хотинлари бўлған Нусрат ҳофиз, Ботирбоши хола, Тилло ҳофиз, Тоғи ҳофиз, Мисқол ҳофиз, Хон оғача, Мисоқ оғача, Улуғ ўюнчи, Шоҳбачча, Ражабхон, Тош ҳофиз ва ҳатто марғилонлиқ Зебихонлардан ўюнга, созга, ашулага таълим олиб келарлар ва шунинг учун ҳар бирлари ўз ҳунарларида яхши санъаткор бўлған эдилар. Жумъя куни етканда бу ҳавлидаги катта танобий тартибка солинар, «қирқ қизлар» янги кийимлар кийиб, упазилклар кўярлар, турли зийнатлар тақиб, ажойиб суратда базмга ҳозирланарлар эди. Жумъя намозидан кейин хон баъзан ёнида Розия ва Оғача ойимлар билан бу ҳавлига ўтар ва катта танобийнинг тўрига кўюлған маҳсус курсига ўлтуриб. «Қирқ қизлар» базмини кўрар эди...

Шу йўсун қизлар Гулшанни ҳавли ўргасидаги түп ўюнига судрадилар. Гулшан ўюнига иштирок этишда тихирлиқ қилиб кўрган эди, қизлар зўр келдилар. Ноилож ул ҳам ўйнамоққа мажбур бўлди. Бир чеккада ўлтуриб ешинди. Шу қизлардек ялан оёғ, бош ялан бўлди. Товор кўйлагини аяб липпа урди, енгини тирсаги юқорисигача шимарди ва ички кийимини ҳам болдириғача кўтарди.

Қизлар ўзлари ясаған катта ипак коптокни Гулшанга бердилар:

– Марра беш-ўн; ҳар ўнда бир айланиш; агар тўпни маррага еткармай қочирсангиз, ҳар биримизни апичиб, ҳавлини бир айлантириб чиқасиз! – дейишиди қизлар.

Гулшан шартни эшишиб ўлланиб турди.

– Агар маррага еткарсам?
– Биз апичиб айлантирамиз!
– Қочинглар бўлмаса! – деди Гулшан ўртага тушиб, – тўпка тегсанглар, менга ҳадук берсанглар ҳисоб эмас!

Қизлар унинг шартига кўниб ҳавлининг теварагига тарқалишдилар. Гулшан ўйинни бошлади. Тўп чиқағон эди. Гулшан биринчи ўнни мұваффақият билан тамомлади. Ўн иккинчи урушда биринчи ўн учун айланған эди, Гулшаннинг узун соchlари атрофка тарқалиб, ҳатто кўкраги ҳам ларзага келди... Қизлар қийқиришиб куладилар. Иккинчи ўннинг айланиши ҳам шу йўсун кулги берди. Лекин учунчи ўннинг ерга саккизинчи урулишида копток қочти. Гулшан коптокни ҳарчанд кувлааб юқори чиқаришға урунса ҳам бўлмади, ерда думалаб қолди. Қизлар қийқириқ ичида чапак уриб юбордилар ва Гулшани ўраб олдилар. Гулшан чиқиб қочишға хезланса ҳам бўлмади, ул кутмаганда бир қиз орқадан келиб сакраб минди...

— Хих, эшагим!

Қизлар кулишар әдилар. Икки қиз Гулшанинг олд ўрум сочидан ушлаб етаклади. Бу томошага ҳатто уйдаги ва ошхонадаги қизлар ҳам қизиқсандылар. Биринчи қизни ҳавли айлантириб чиқкан әди, иккинчиши минди... Шу йўсун бечора Гулшан ўнлаб қизни ўз устига миндириб, орқаси яғир бўлаёзи. Яна ўюн бошланди...

Шомга яқин ош тайёр бўлиб, қизлар ўз қўшоқлари билан уйларига кирдилар. Гулшан ҳам бир қўшоқ қизларга қўшулиб, ўртадаги уйга кирди. Қизларнинг ўзидек уйнинг полос ва жиҳозлари ҳам бесаранжом әди. Унда бир рўймол, бунда бир маҳси, нарида яна бир нарса... Хулласи, уй ивиришиб ётар әди.

Гулшан бу ҳолдан ранжиб қизларни урушти:

— Сенларга ҳеч сон кирмади... Қачон кўрсам, уйларинг лўлининг хуржун солған елкаси!

— Лўлининг хуржун солған елкаси бўлса, — деди Нозик отлиғ бир қиз, — ўзинг йигиштириб бер, Гулшан опа!

— Менми, менга нима?

— Менга ҳам нима?

— Сенинг турадирған уйинг, — деди Гулшан, — йигиштирсанг, кўнглинг равшан бўлади.

— Уй йигиштирилмаса ҳам кўнглим равшан, — деди Нозик ва ёнидағи Тұхфага қараб кулди. — Тұхфа, сенинг ҳам кўнглинг равшанми?

Тұхфа оғзини катта очиб, Гулшанинг олдига келди:

— Мана, ўз кўзинг билан қара, опа: кўнглим чилчироғ ёққандек равшан, кўрдингми?

— Кўрдим, кўрдим, — деди Гулшан, юзини четка ўтуриб. — Кўнглинг равшанлиги устига яна бир нарса ҳам тилабдир...

— Нима тилабдир, эрми? — деди учунчи ёқдан Қумри. — Кўнгилдагини топар экансан, опа! Меникига ҳам қара-чи, нима тилар экан?

— Сеники ҳам эр, — деб кулди Гулшан. — Буларга бир сўзни айтда, қоч! Ош келди. Нозик, дастурхонингни ёз!

Нозик дастурхон ёзди. Ўртага икки хитой лаганда палов қўйилиб, Гулшан билан етти қиз ошқа ўлтурдилар. Кенгаш-пенгаш бўлмади. Хуфтандан кейин уйлардаги қизлар бирин-сирин катта танобийга йиғила бошладилар. Икки чилдирма қизиттилди ва дутор, танбур, фижжак, чанг каби чалгувлар созланди. Қизлар ўзаро базмга ҳозирланар әдилар ва ҳар кеч ҳам базм билан кўнгил ёзар әдилар. Дарҳақиқат, эрқаклар дунёсидан алоқаси кесилган мазлума, оила ҳаётидан маҳрум бечоралар шундан бошқа нима билан ҳам овинсин? Уларнинг овунчоги — кундузлари ўюн, кечалари базм ва тунлари уйқу ҳам туш әди.

Қизларга маҳсус назокат билан соз чалинар әди. Созга йўлбошчилик қилған чилдирма ярим товушда гумбирлар, қўнгуроқлари шинғирлар әди. Катта қандидаги чилчироғ нури остида ҳарам қизларининг хусни ял-ёнар, ўртада ўйнағучининг маммалари мақом билан силки-

нар ва «Қирқ қызлар»даги кундалик базмга одат қылған бошқа ҳавли канизлари билан танобий борған сайн тұла борар эди.

Үйончи құллық қилиб, сақнадан чиқди. Унинг үрниға Нозик құзғалди. Нозик сақнага чиқиши билан чилдирма ҳам бошқа куйга ўтди:

— Бак-бакант, бак-бакант...

Чилдирмага сөзлар замланғандан кейин, икки ўртадан узук ва шұх бир күй туғиљди. Нозик ўртада хиромон бир тарафқа ўткан эди, қызларнинг баъзисидан соз каби шұх ва нағис оқаңг эшитиљди:

Очилғанда лолалар, териб юргай болалар,
Аитингиз-чи, холалар, ўткан дүңдиқ созмицир?
 Ўткан дүңдиқ созмицир?
Термулраним билмаса, писандига иммаса,
Рахми асло келмаса, менга қылған нозмицир?
 Чеккан жабрим озмицир?

Нозик ўйнар, қызларнинг ашуласига аъзо ҳаракати билан тасдиқ ишорасини берар ва бунда нағис бир саңыат күрсатар эди.

Бағрим ўтда ёнади, ёрим мендан тонади,
Кулни йүкқа санади, мендан ё аразмицир?
 Мендан ё аразмицир?
Ёрим юзи гул эзур, зулфлари сунбул эзур,
Лаҳза күрган күл эзур, ёки бул пардоғозмицир?
 Ёки бул пардоғозмицир?
Хұммор күзинг ўйнатиб, ошиқни арzon сотиб,
Исән лойига ботиб, жабру сиптам бозмицир?
 Жабру сиптам бозмицир?
Тирнамагил сен ярам, ишглатма күб, қыл карам,
Түрган үрнингдир ҳарам, яъни шоҳим базмицир!
 Яъни шоҳим базмицир!
Ою ыллар ишлагаң, бағрин ҳар дам тиелаган,
Хасратидан биғлагаң¹, баҳтсиз бир қиз Назмицир!
 Баҳтсиз бир қиз Назмицир!

Кейинги байтлар оғир бир фожиъети тасвир қылдылар: ойлар, йиллар ишлагаң, ҳасратидан ҳүшсиз ийқиляған баҳтсиз бир қызның жонсұз фаредини гавдалантириб күрсатдилар. Бу ўрунда шұх күй лобарғина қилиб бир ҳасратка таржимонлиқ этди. Юқоридан бошлаб ўйноқи рұхда күйлаб келған қызлар ва доим нозу карашмада бўлған ўртадаги үйончи ҳам бундаги оғир маънени үзича олишқа тирищдилар...

Ою ыллар ишлагаң, бағрин ҳар дам тиелаган,
Хасратидан биғлагаң, баҳтсиз бир қиз Назмицир!

Бу «баҳтсиз бир қиз» базмдаги қызларнинг ҳар қаюсига маълум эди. Фақат бу мажлисда унинг фарёди иштирок этса ҳам, үзи иштирок этмас, беҳисоб фарёдлар, фигонлар, ҳасратлар билан чарчаған бу қиз

¹ Биғлагаң – биғиляған, ҳүшсиз ийқиляған (муал.).

хозир тупроқ остида тинчиб ухлар эди. Унинг таржимаи ҳолини «Қирқ қизлар»дан ҳар ким билганидек, ҳатто уни қўмсаб йиғлағучилар ҳали ҳам топилар эдилар. Дарҳақиқат, озодликдан маҳрум этилган мазлума қизларга неча асарлар қолдириб кетган бир шоирани ким билмасин, кўбчиликнинг айтолмаган ҳасратини куйларга солиб берган шоирани ким унусин? Ошиқидан айрилган бир маъшуқа, номусига тўқунилган бир мазлуманинг фарёди кимларнинг юрагига кириб ўлтурмасин?

Шундай... Мундан бирар йиллар илгари шу «Қирқ қизлар» ичida Назми исмлик бир қиз ўлган эди. Бу шу қизнинг тўқуран байтларидан бири эди. Қизларнинг сўзига қараганда, Назми Қўқон қишлоқдари-нинг биридан, чиройлик қиз экан. Назми холасининг ўғли билан се-вишкан, ҳагто тўй кунлари ҳам яқинлашқан экан. Отаси жуда камба-гал дехқон бўлиб, Худоёрнинг неча йиллик солиқларини тўламаган экан.

Худоёр чўроллари (золим табиъатлиқ, раҳмсиз солиқ, йигувчилар) қишлоққа чиқиб, Назмининг отасини сикқанлар, ургачилар... Қизидан бошқа мол тополмай, уч йиллик солиқ бадалига Назмини тутиб, Худо-ёрға тортиқ қиласанлар. Хонға Назмининг ҳусни ёққан, уни доя хотин-ларға қўшиб ҳаммомга юборган. Худоёр бир-икки кеч бечоранинг номусига тегиб, сўнгра «Қирқ қизлар»га қўшқан... Назми шунда икки йил чамаси куилаб, йирлаб юрган, «Қирқ қизлар»га кўб янгиликлар берган ва охирда ўзи сил бўлиб ўлган...

Назмининг охирги икки байтидан сўнг базм битди. Ҳар ким ўз жойига тарқади

32. НОЗИК

Гулшан бояғи етти қизлар ёнида ухламоқчи эди. Нозик билан Тұхфа ўрун ёзар эдилар. Қумри Гулшанга шўхлиқ қилар эди.

— Сен аҳмоқсан, Гулшан опа! — дер эди Қумри. — Эрингни ёлриз ташлаб биз «бўйдоқлар» ичida нима маъно топасан?

— Алжимай ўл! — деди Гулшан. — Сенлардан, албатта, маъно топмайман... Сенларнинг ўйлағанларинг фақат...

— Бўлмаса сен нимани ўйлайсан?

— Мен тириклик тўғрисида ўйлайман. Сенлар тўқлиқда шўхлиқ қиласанлар. Бир вақт мен ҳам хоним ойимларға чўри эдим. Бирок сенлардек...


Ҳамма қизларнинг қулоқ-кўзи Гулшаннинг оғзида эди. Ўрунни ёзиб битирган Тұхфа сўради:

— Сен ўйламасмидинг?

Гулшан бироз жавобсиз, кулимсираб турди.

— Ўйласам ҳам сенларча ҳар кимнинг оддида ваддирамас эдим.. . Бу ўзи шайтоннинг иши. Намоз ўқусанг, рўза тутсанг, хаёлингга бу нарса ҳеч келмас. Мана биттаси Зарифа, сенлардек уят сўзга ориз очмайдир.

— Ва-ха-ха-ха! — деб кулиб юборди Қумри. — Айт-чи ўзинг, Зарифа, сен кеча қандай туш кўрдинг?



— Қуриб кет, — деди Зарифа юзини четка ўтуриб. — Кишини күрган туси билан айбламакчи...

Қызлар бирин-бирин келиб ўрунлари устига ўлтурдилар. Ўрун қатор ва бир-бирига тақаштириб солинган эди. Гулшан ўзи учун четроқдағи ўрунни тәнләди.

— Күйлак ешар! — деди Қумри турған күйи ва күйлагини ешиб ташлади. — Иштон солар!

Қызлардан уч-түрттаси Нозикни таъқиб этдилар ва шарт-шурт бир-бирининг яланғоч этига урушиб шартак олишдилар. Қип-яланғач қизлар билан күлгі бошланды.

— Сенларнинг ёнингда ётқан киши гуноқкор бўлади, — деди Гулшан бошини кўрпага буркаб. — Агар билсанглар, ҳар қайсинг иккита, учта боланинг онаси бўладиган ўшдасанлар.

— Тўғри айтасиз, айланай Гулшан, — деди Қумри яланғоч ўзини шамъя солиб. — Менга яна бир қараб кўринг-чи, балки беш боланинг онаси бўлсам ҳам арзир.

Ҳамма кулишиб юборди. Кўрпани бироз очиб қараған Гулшан ҳам бу ҳоддан ичи қотиб кулади.

— Шамъни ўчир.

Қумри тоқчадаги шамъни ўчирди. Уй қоронриланди. Энди «нари ёт, бери ёт» билан бир-бирларини итариб, суриб кўрпани тўрт томонга тортишиб жанжаллаша бошладилар.

— Ухлатасанларми, йўқми? — деди Гулшан жекириниб.

— Жим, жим, — деди ярим товуш билан Қумри. — Гулшан бизнинг уйга ухлағали келган экан.

— Уйида эри ухлатмайсан бечорани.

— Мен шунинг учун ҳам эрга тегмайман-да, — деди Қумри. — Эр деганинг оти ўчсин, кишини ухлатмайди.

— Ухла, бечора, ухла, — деди Тұхфа, — «Қирқ қызлар»дан саранжомингни олиб кет.

Яна күлгі кўтарилиди. Гулшан ҳарчанд ўзини ушласа ҳам яна қизларнинг кулагисига тортилди.

— Гап-сўзда ҳам бир маъни бўлиши керак, — деди Гулшан, бўшдан бўшка ҳиринг-ҳиринг, бундан кўра тинч ухлаған яхши.

— Маъни ўзи нима, Гулшан опа?

— Маънининг маънисини сўрама, Тұхфа, — деди Қумри. — Гулшан опам жавоб берсин, бизнинг шу «Қирқ қызлар»да қамалиб ётқанимизда ҳам маъни бормикин?

— Уни кўявур, — деди қызлардан яна бири, — Гулшан опам эрини ёлғиз ташлаб, биз маънисизларнинг ичидаги яна бир маънисиз бўлиб ётипти; шунда ҳам бир маъни бормикин?

— Товушларинг ўчсин.

— Бор, бор, — деди аллаким. — Бизга ҳамроҳ топиб келади.

— Бизга ҳамроҳ топиб келганида ҳам маъни борми?

— Нега маъни бўлмасин, бизга ўхшаш маънисиз кўпаяди.

— Қирилиб кет ҳаммаларинг... Энди маънисизни кўпайтирмайман, тинч ухлаларинг.

- Баракалла, — деди Нозик. — Ана энди сизга ҳам маъни кирипти.
- Бекор айтибсан, Нозик, Гулшан опамга маъни кирганига кўб бўлған.
- Масалан, қачон кирган?
- Анчадан бери... Эрга текканингизга қанча йил бўлди, Гулшан опа?

Қизлар яна шаққиллашиб кулдилар.

- Бемаза гапни қўйинглар, ухлайлик.
- Ухлашни бироз қўйиб тур, Гулшан опа, — деди Нозик. — Мен сенга мазалик бир ҳикоя айтсам эшитасан-ми?

— Ҳикоянг қурсин...

— Ўзи мазалик гап. Эшитмасанг, барибир ухлатмайман.

Гулшан мингиллаб ўрнида афдарилиди.

— Айт, лекин чўзма.

— Чўзмайман. Сенлар ҳам жим ёт, овсинлар!

Бир-бирини қитиглаб, ҳиринглашкан қизлар Нозикнинг сўзига қулоқ солмадилар.

- Тухфа, Қумри! — деб ҳайқирди Нозик. — Тинчимасанглар бўраман, майлими?

Нозикнинг таҳдида қулоқ солувчи яна бўлмади. Нозик иргиб ўрнидан турған эди, қизлар кўрпага яшириндилар.

— Оғзингга аямай ураман, Наврӯз!

Кўрпа ичида қизларнинг пиқиллаши эшитилса ҳам, бояғи тўполон биткандек бўлди.

— Уйгоқмисан, Гулшан опа?

— Гапуравер.

Қизларга яна бир мартаба танбеҳ ясағандан кейин Нозик ўз ўрнига келиб ўлтурди.

- Бир кун эрталаб биз ҳаммомдан келар эдик, — деб ҳикоя бошлиди Нозик, — бизга йўл устидан бир йигит ҳамроҳ бўлди...

— Эски дард, — деди аллаким, қизлар пиқиллашиб юбордилар.

— Эски гап бўлса, кишини эшиткали қўймайсанларми?.. Мен Гулшан опамга сўзлаб бермакчиман, сенлар эшитмасанглар. ухлаларинг ё бўлмаса, сўзни қовиштируларинг!

- Сўэлай бер, биз тинч ётамиз, — деди Тухфа, — Наврӯз, Қумри. Ҳамроҳ, жим ёт-да, ахир!

— Шундай, Гулшан опа, йўлдан бизга бир йигит ҳамроҳ бўлди. Ўзи қандай йигит деб сўра: сурма қўйғандек оҳу кўзи бор, қизил олмадек таранг юзи бор, энди чиқиб келган кук майса мўйлаби, Розия хоними-никидан ҳам нафисроқ қалам қоши... Устига кийган беқасам тўни ўзига шундай ярашқанки, биз қизлар ихтиёrsиз унга қаращдик; а, шундайми, Тухфа?

Тухфа тасдиқ қилди, Гулшандан уйроқлик жавобини олиб, Нозик давом этди:

- Ёш, уятчан йигитка ўхшади. Йигирма чоғлиқ қизнинг ўзига тикилганидан уялиб, ерга қаради... Бизни ҳаммомга олиб бориучи На-

сиба хола билан Ханифа доя эдилар. Улар бизни йигитка айланишкан ҳолда күриб, тез юришқа кистадилар. Биз йигитка қарай-қарай ночор қадам босар эдик. Йигитча бўлса биздан қолишмай бирга келар эди. Биз ўрда дарбозасига етаёзган эдик мен қайрилиб орқамға қарадим. Ёш йигит ҳамон ўн қадам нарида келар эди... Шайтон васваса қилиб кўнглимга бир гап келди. Секин-секин сурилиб, қизлардан кейин қола бордим. Энг орқага чиқғач, бошимдағи рўймолни олиб, паранжи ичидан ерга ташлаб юбордим... Дарбозага яқинлашқан эдик, дарбозани очиб дарбозабонлар четлащдилар. Рўймолим ерга тушдими, йўқми — билмас эдим, лекин дарбозадан ташқарида тушиб қолишини тилар эдим... иш кутканча чиқмади, деб афсус қилдим, чунки дарбозадан ўн адим ичкари кирган эдик, дарбоза ёпилмасдан яна орқамға қайрилдим. Ўзимдан беш қадам нарида тушкан рўймолимни бояри йигит энгашиб ердан олар эди. Мен бурулиб йўлимға кета бердим...

— Опа, рўймолингиз тушти!

Юрагим орзиқиб тўхтадим. Йигитча рўймолимни келтирди, тусида бироз кулимсиш бор эди.

— Сизникидир? — деб сўради.

— Менини, — деб қўлидан олдим, раҳмат айтиш ҳам эсимдан чиққан. Дўндиқ йигит бошқа сўз айтмади. Рўймолни менга бериб ўрданнинг улуғ дарбозасига қараб кетди. Мен бўшашғанча қизлар орқасидан ҳарамга судралидим. Мен йигитни бир адим наридан кўрдим, товшини ҳам эшилдим, қўли ҳам қўлимға тегди шекиллик. Ухламайсанми, опа?

— Уйроқман, — деди Гулшан. — Хўш, ундан сўнг нима бўлди?

— Нима бўлғанини ҳозир сўзлаб бераман.. Юрагим ўйнаған ҳолда «Қирқ қизлар»ға кирдим, «опа, рўймолингиз тушти, сизникими?» жумлаласи қулогим остидан кетмайди ва суврати кўз ўнгимга келган сайин, юрагим орзиқади. У ёқни ўйлайман, бу ёқни ўйлайман, ўйимнинг бошига еталмайман, аммо юрагимга бир парча олов ташланған, ёнаберадир. Ичимдаги шу ўт билан гўё мен маст бўлғанман, бошим шишкан, кўзим тинған, юрғанимни-турғанимни билмайман. Нега кўрдим, нега қарадим? Нега рўймолимни ташладим, нега олиб берди, нега ўрдаға киради? Бу ўзи жин, мени жинни қилмоқчи... Ох, яна бир кўрсам эди! Ҳаммом борғанларнинг ҳар биридан сўрайман: «Йўлдаги йигитни сен кўрдингми?» «Кўрдим»... «Кўрган бўлсаларинг сенларнинг ҳам юракларинг ёнадими, яна кўргинг келадими?» «Йўқ». Шундан сўнг унинг жин бўлғанилиғига ишониб қоламан: мен жинга тегишдим, жин мени чалди, дейман. «Бизнинг ўрдада шундай йигит борми?» «Йўқ», «Сенлар ҳам унинг орқамиздан ўрдаға эргашиб кирганини кўрдингларми?» «Йўқ». Демак, мени жин чалған... Тухфа бўлса: «Сен пари йигитка ошиқ бўлғансан», деб кулади. Мен унинг сўзига ишонаман. «Балки пари йигитдир, ул ҳам мени яхши кўргандир», дейман. Шундан кейин мен кута бошладим. Агар яхши кўрган бўлса, мени ўз юртига олиб кетар, деб ўйладим. Эрта кутдим, кеч кутдим, пари йигитдан дарак йўқ. Ўн беш кундан сўнг яна ҳаммомга бориш чори етди. Мен сўйиндим, балки бу кун парилар юртига кетарман, деб ўйладим. Шу

орзуда ҳаммадан илгари мен отландим. Бордик. Ҳаммомдан чиқиб пари йигит билан учрашкан жойға яқынлашқан здик, юрагим үйнай бошлади. Учрашилганда қиладирған ишоратларни ўйлаб қўйған здим. Агар четдан туриб ўзига имласа, қизлардан ажралиб қолмоқчи здим. Маълум жойға етдик... Пари йигит йўқ. У ёқ-бу ёқда, тор кўча ичларига қарадим, яна йўқ. Баданимга совуқ тер чиқди, қизлардан ажралиб, йўлда тўхтаб қолғанимни ҳам билмайман. Бир вақт Насиба холанинг чақирған товши билан кўзим очилди ва не зайдада қизларга етиб олғанимни билмадим. Ўрда дарбозасига еткунча неча қайта орқамга қарадим, — деди Нозик ва узоқ тин олиб, бир оз тўхтади. — Шундай, мен пари йигитка ошиқман. Уч ойдан бери ошиқман, Гулшан опа.

— Пари йигитка ошиқмисан, хе-хе-хе.

— Нега қуласан, Гулшан опа?.. Ишонмасанг, Тухфадан сўра.

— Ошиқлигингға кулмайман, — деди Гулшан кулиб. — Сен айткан йигит пари эмас.

Нозик ўрнидан салчиб турди.

— Ким бўлмаса?

— Одам!

— Одам? Сен уни кўрганмисан?

— Кўрганман... ўзи бизнинг ўрдада... Ҳозир пойгачининг ўрниға ким ўлтурган, билласанми?

— Биламан, мирзо Анвар оталир киши.

— Сен ошиқ бўлған «пари йигит» шу...

Тухфа бирдан ҳаҳолаб юборди. Бу кулагидан уйқуға борған қизлардан баъзиси сўчиб кетди.

— Мирзо Анварга ошиқ бўлған экансан, Нозик.

Нозик ҳамон қотиб турар эди...

— Шу қадар ёш йигит мирзобоши бўлғанми, Гулшан опа?

— Бўлған.

— Бўлса ҳам арзиди, — деди Нозик, — ўзи уйланганмикин?

— Мен қаёқдан билай, уйланганми, эмасми?.. Уйланмаган бўлғандага ҳам сени олмас.

Нозик бир неча вақт жим қолди...

— Албатта, мени олмас, — деди Нозик, унинг товшида шу чоққача эштилмаган бир синиқлиқ оҳанги бор эди. — Албатта, сен айтканча, мени олмас. Менга ит теккан, мен...

Гулшан жавоб бермади. Бирордан сўнг қатордан пишиллаган товушлар эштилди ва бу пишиллашни ора-чора пиқ-пиқ йиглаған товуш бузар эди.

33. ЯНГИ «ҲУНАР»

Ичкаридан чиқиб келган маҳдум мирзобошини кутиб ўлтурғучилар ичида мулла Абдураҳмонни ҳам кўриб қолди.

— Бахайр, мулла Абдураҳмон, бахайр.. Ваалайкум ассалом.

Солих маҳдум мулла Абдураҳмон билан кўришди ва уни кишилардан айриб меҳмонхонаға олиб кирди.

- Хўш, ҳабба... Хўб саломатмисиз?
- Алҳамдуиллоҳ... Ўзларининг сиҳҳатлари?
- Парвардигорга минг қатра... Хўш, қадамлариға ҳасанот?
- Мен тунови кунги марҳаматлари юзасидан... — деди мулла Абдураҳмон, — башарти мирзо Анвар жаноблари мувофиқ кўрсалар, муншийликка кирсамми, деган ниятда...
- Кўб яхши, кўб яхши, — деди маҳдум, — не ғаройиблиғи бор, илмингиз кофий, фақат иншо... иншодаги нуқсонингизга албатта Анвар устозлик қилас, қараб турмас... Ҳусниҳат важида сизга таълим ҳожат бўлмаса керак.
- Тахрир ва иншода ҳам устозга муҳтоҷлик оз, — деди бироз нафси олинган қиёфада, — мирзо Анвар каби бўлмасамиз ҳам ундан берироқ, тақсир...

— Яна яхши, яна яхши. Аммо, лекин девонхонадаги барча мирзо, муфтilarга қараганда Анварнинг таҳрири фосихроқ¹ эмиш. Бу, албатта, таълим хосияти... Кам-кўст ўрганилса, бешак манфаати бўлур. Хўб... Мирзо Анварга ўзлари тасодиф келмакчиларми ёки мен восита бўлсан дурустми?

— Билмадим... Ўзлари восита бўлсалар ҳам маъқулми, деб ўйлайман?

— Воситалик ҳам дуруст, зеро, хотиржамъ сўзлашармиз, соний сизнинг камолатингиздан мирзобошини қаноатландириш зарурати ҳам бор, — деди маҳдум ва бироз ўйлаб тўхтади. — Ҳабба, девонхона қавоидича², янги мирзо малака ҳосил қилғунча вазифа емас экан. Бизнинг Анвар ҳам ибтидо вазифасиз хизмат қилған эди.

— Моҳонада аҳамият оз, зеро, машшатимиз имомат орқасида таъмин, тақсир.

— Ҳабба, бу тарафдан ҳам ташвиш оз экан. Иншода чобақдаст³ бўлиб олсангиз, вазифа важҳи осон... Файраз, боби олийга алоқа, калон ва калонзодалар билан робита ҳам кишига кўб манфаат берадир. Бу жиҳати сизга кўб ғанимаг. — деди маҳдум ва товшини секинлатди. — Имомат билан бир жойға етиб бўлмайдир... Аммо бу андишангиз бениҳоят маъқул. Сиз ўзимизнинг фарзандимизсиз; зеро ўз болаларимизнинг ўрда билан алоқадор бўлишлари бизга айни манфаат. Хотиржамъ, мулла Абдураҳмон, мен Анварга сизнинг важҳингизни тушунтируман. Албатта ўз ёнига олар.

Абдураҳмон маҳдумга раҳмат айтди ва кетиш учун қўзғалди.

— Қай вақт ҳабар олсан бўлур экан? Албатта, жавоб ўзларидан бўлса керак?

— Ҳабба, эртага баъдаз бомдод. — деди маҳдум. — Нега қўзғалдингиз, чой, нон, моҳазар...

— Раҳмат, тақсир.

Маҳдум мулла Абдураҳмонни ҳавлигача кузатиб чиқди ва хайрлашиб, Анварни кутиб ўлтурғанлар ёнига келди. Ҳар кимдан ахвол ва

^{Фигид} — чиройли.

^{Қавоид} — қоидалар, тартиблар.

^{Чобақдаст} — чаққон, эпчила.

кутиш учун сабаб сўради. Тўни янгироқларнинг болалари қаерда ўқушини, башарти, шу даҳадан бўлсалар, нима учун болаларини бошқа мактабка берганликларини текширди. Айниқса, кутиб ўлтурғучилар ичидаги ямоқ тўнлик, қўли қадоқ бир деҳқон маҳдумнинг диққатини ўзига жалб эткан эди.

— Хўй-ўш, ким, ҳали сиз қишлоқдан келган кўринасиз. — деди маҳдум, — қани, айтинг-чи, касал нима?

Деҳқон маҳдумнинг ҳурматига ўрнидан туриб, қўл қовиши гирди:

— Ўн уч таноп еримиз бор эди, тақсир... Чамаси янғиш бўғандада, ўттуз уч танопқа ҳақ соғанлар. Мен шунга арза ёздирайма, деб...

— Ҳиммм, — деди маҳдум, — қишлоғингизда оқсоқол йўқми?

— Бўған минан, тақсир... қулоқ соладиган эмас.

Маҳдум яна бир мартаба деҳқонни бошдан оёқ кўздан кечирди.

— Ариза ёздиришқа чақа керак бўлади, ука. Чақангиз бўлмаса, оворагарчиликка арзимайди, иним...

Деҳқон белини тимискилаб, гўё чақасини кўрсатадирғандек ҳарачатланди.

— Чақасиз арзага келиб жинни бўғанмизма, тақсир.

Маҳдум деҳқоннинг чақаси борлигига қаноат қиласа ҳам, Анвардан хотиржамъ эмас эди. Чунки «зарношунос» Анварнинг шу деҳқонва ўхшаш камбағаллар ишини битириб бериб, улардан «чақа» олмаслигини билар эди. Ҳатто шу тўғрида Анварга «бу ишингиз зарношунослиқ, болам», деб насиҳатлар қиласа ҳам, бир натижажа чирмаган, шунга биноан «заршунос» маҳдум яқиндан бери қизиқ бир ҳунар ижод қилған эди. Маҳдум кўпинча кишилар Анварга учрашиб тарқалғунча, иўлақда ўлтуриб олар эди. Анварга йўлиқиб чиққан ҳар бир кишини тўхтатиб, натижани билар, ариза ёздирган ёки бошқача бир кенгаш олған бўлса, ҳақ берган, бермаганлигини сўрар. Анвар берилган ҳақни олмай қайтарған чиқса, дарҳол — «сиз чақани оз бергансиз-да, мўлроқ берсангиз, албатта олар эди. Хўб, майли, борини менга ташлаб кетинг, ўзим уни кўндираман», деб ариза ёздиричининг бор ақчасини қоқмалаб қолар эди. Ҳатто баъзи вақт икки оғиз сўз билан қайтиб чиққан кишидан ҳам бир нарса ундиришқа тиришар. «мишиқ офтобга текин чиқмайдир, сиздан ақча сўрашқа ийманган-да, менга бир нарса ташлаб кетсангиз, ўзим унга бериб қўярман. Ўзингизга беришқа уялибдир, деб айтарман. Ҳабба, яна ишингиз тушишига яхши-да», дер эди.

Маҳдум бир неча ҳафтадан бери бу «ҳунар»ни ўзига касб қилиб олған, Анвар ариза ва кенгашдан бир пул ишламаган кунларда, ул неча тангаларни йўлақда ўлтуриб топар эди. Кишиларни жўнатиб хотиржамъ бўлғач, жарақ-жарақ ақча билан ичкарига кириб кетар, ичкарида бу кунги «даромад»ни санаб, бир пулни беш пулдан, тангани чақадан ажратиб, «ҳе, гап билгунча иш бил, бачча талоқ», деб ўзича кулар ёди Албатта, бу ҳунарни ўй ичидагилардан яширап, айниқса, Анвардан «беҳад» андиша қиласа эди.

Маҳдум аср намозига кеткан пайтда Анвар ўрдадан қайтиб келди. Маҳдум шошиб ва асрни чала ўқуб келса ҳам, яна баҳтлик одамлардан анчаси ишни битириб тарқаған эдилар. Маҳдум аттант ўқуб меҳмон-

хона даричасидан қайтди, аср азонини кеч айткан сўфидан ранжиди. Ичкарида яна бир неча киши кўрингани учун эски одатича, гўё биравни куткандек, йўлакка келиб турди. Бироздан кейин меҳмонхонадан бир мулланамо чиқиб келди. Маҳдум чиқучини ёқтиргмагандек ер остидан кўзини гилайлатиб қарагач, бирдан вазиятини ўзгартди:

— Ассалому алайкум, келган эканлар, тақсирим!

— Ваалайкум ассалом! Хўб саломатмисиз, Солих маҳдум? Мирзо Анварда андак юмишими бўлур экан... Яшагуриигиз, кўб зийрак бола: кичкина ариза ёздириб олдим... Хўб саломатмисиз, маҳдум?

Маҳдумнинг оғзидан ҳар турлук такаллуфлар чиқса ҳам, унинг нима учун ариза ёздирганини сўрамади. Чунки бу одам шу ўртанинг эшонларида вўлиб, гадойдан хайр кутиш маъносиз эди. Мундан бошқа, эшонни сўзга тутса, «келаси даромад»нинг ҳам кўлдан кетиш эҳтимоли бор, шунга биноан маҳдум сўзни мухтасар қилмоқчи бўлди:

— Кўб яхши, кўб яхши, келиб турсинлар, тақсирим!

— Келамиз, келамиз... Мирзо Анварга фотиха ҳам лозим. Ўзингиз бир зиёфат қилиб чақирай ҳам демайсиз, маҳдум... Мен мирзога айтдим: бу хизматингиз билан қутулмайсиз, бир зиёфат қилиб чақирасиз, дедим. Мирзо кўб саҳий табиъат кўринади. Қачон келсангиз зиёфатимиз тайёр, эшон почча, дейди. Болаларнинг тўйини қиласр эмишсиз, деб эшитдим. Мирзодан сўрасам, кулгулик билан тўғри жавоб бермади. Кори хайрни тўхтатмаган яхши... Хўш, тўй қачон, маҳдум?

Маҳдум бу дуру дароз «бемаънилик»дан анча тоқатсизланран, ичкаридан бир киши чиқиб кетмасин, деб кўзи бесаранжом эди.

— Тўйни кўклиамга бошласак, деб турибмиз!

— Фурсатни узоққа олибсиз-да. Хайр, ҳар нарса вақти соатига етиб бўладир. Тўйларингиз ҳам кичкина бўлмас деб ўйлайман. Тўрт даҳанинг казолари ҳам тўйға айтилсалар керак, ҳарам хонимларини ҳам бир кун кутарсиз... Зеро, куяв болангиз кичкина одам эмас. Бирар минг тўн кетиши бу ерда турған гап. Албатта, тўйға келганларнинг кўллари қуруқ бўлмас... Ҳарам хонимлари бўлса, юз тилолик сарпосиз келмаслар, қизингизга чўри ҳадя қилсалар ҳам ажаб эмас. Албатта, даромадга яраша буромад деган гап бор.

Маҳдум, меҳмонхонадан юриб келган оёқ товшини эшитиб, ёмонлаған отдеқ типирчилади. Эшон бўлса ҳамон булбул каби сайраб борар эди:

— Тўйдан қўрқиши керак эмас. Кори хайрникини Аллоҳ таолонинг ўзи еткирар экан. Сизнинг тўйингизку, албатта, бошқаларницидан кўб катта бўладир. Яна шундай бўлса ҳам, таваккал билан қулични кент ёза бериш керак. Худо хоҳласа, тўй кунларингиз ўзим келиб тураман. Тўй кўрмаган киши учун, албатта, одам кутиш қийин. Лекин менга ўхшаш одамдан иккитаси бир кунда беш минг кишини кута оладир.

Меҳмонхонадан чиқиб келган бир хотин киши эди, уларнинг ёнидан шовиллағанча ўтиб кетди. Маҳдум олазарак гоҳ эшонга, гоҳ хотинга қараб қолди.

— Аёллар бўлса ичкаридан хотиржамъ бўлишсин... Бизнинг аёллар тўйда хотин кутиб, жуда омилкор бўлишиб қолган. Тўйдан бирар ҳафта илгари ҳабар берилса, албатта, бош усти, аёлларни юборамиз... Ҳаёлингиз паришон кўринади, маҳдум, бирар аъзонгида алам борми, мулла Солих?

Ҳақиқатан ҳам маҳдум ҳозир жуда бесаранжом бўлган эди. Чунки меҳмонхонадан иккинчи оёғ товши юриб келар эди.

— Йўқ, баҳузур.

— Шундай, тўйда одам кутишдан хотиржамъ бўласиз. Тўйдан илгари ҳалиги зиёфатни унумтсанг-чи, мулла Солих. Шу баҳонада мирзо Анвар билан ҳам бир сұхбатлашайлик...

Бояғи дәққон йўлақдаги икки «журматлик» зотка таъзим қилиб, дарбозага ўтди. Бетоқат маҳдум эшоннинг сўзига қулоқ солмай:

— Сиз тўхтаб туриңг-чи, ука, — деди.

Дәққон нарида тўхтади. Эшон яна сўзида давом этди:

— Агар фурсатингиз бўлса, мен шу ҳафта ичи бўш эдим, мирзо Анвар ҳар қачон ҳам тайёр экан. Такаллуфнинг унча ҳам ҳожати йўқ, Мантими, сомсами, ишқилиб, оғизга ёқадирғанроқ таом бўлса кифоя.. Вақтини белгилаб, мактаб болаларидан бирини бизнинг уйга юборсангиз бас.

— Хўб, тақсир.

— Бўлмаса, гап шундай бўлсин. Ўзингиз ҳам бизни йўқлаб уйга борсангиз, қадамингиз кира тилайдими? Хайр, мулла, Солих, кўргунча Худойнинг паноҳига.

— Хайр, тақсир, хайр.

Маҳдум эшонни ҳатто дарбозагача кузатиб чиқишира ҳам энсаси қотиб, дәққон ёнида тўхтади:

— Нима гап, ариза ёздиридингизми, ука?

— Йўқ, тақсир, — деди дәққон, — тақсирим шу қовозни питиб бердилар, танопчиға кўрсатадуған қовоз экан.

— Кўб яхши, — деди маҳдум, — қалам учи бердингизми?

— Йўқ. Чақа берсам олмади, тақсирим.

— Озғина бер...

Маҳдум «озғина бергансиз» демакчи эди, бироқ «озғина бер» билан тилини тишилаб, дами ичига кетишкага мажбур бўлди. Чунки ҳозир меҳмонхона томондан Анвар келиб чиқсан ва маҳдумга салом берган эди.

— Ваалайк... Мен, шундай, масжииддан, — деди маҳдум шошқан ҳолатда ва ўз оғзига қараб турған дәққонға ишорат қилди. — ишингиз биткан бўлса боравуринг.

34. ХАЙРУЛ·УМУРИ АВСАТУҲО

Дәққон «озғина бер» деб тиланучига нима беришини билмаган ҳолда йўлақдан чиқиб кетди. Маҳдум терлаган, довдираган йўсунда Анвар билан ичкарига юрди. Бироз сўzsиз борғандан кейин секин Анварнинг афтига қараб қўйди.



— Фози эшон ҳузурингизда экан, — деди маҳдум, — ўзи кўб бемаъни одам... Зиёфат-миёфат деб яқин бир соат вақтимни оди. Ўзи кўб таммось одам. Сизга ҳам зиёфатдан дам урган бўлса керак?

Анвар илжайиб бош ирғатди. Маҳдум Фози эшондан койиб давом этди:

— Тамаъ ўзи кўб мазмум¹ суфат... Чунончи, азза ман қанаъ, залла ман тамаъ...² Отаси марҳум ҳам беҳад тамаъкор эди. Ит еганини қусиб, ўғли ундан ҳам расвороқ чиқибдир. Бу авлоднинг каттадан кичиги бир-биридан баттар... Муфт ариза ёздирибсан, кета бер. Яна бу ўртада зиёфат ба чи маъни?

Анвар маҳдумнинг сўзига кулиб, орқада борар эди. Маҳдум ичкарига томон сўзланиб киради:

— Такаллуф лозим эмас эмиш: мантими, сомсами — ҳар начук оғизга ёқадирған таом бўлса кифоя эмиш. Қабоб бўлса емасмидингиз, эшон?! Тўйға ўзи бош бўлиб гуар эмиш, одам кутишни бениҳоят билар эмиш. Эй... ман сандек гаммоъни тўйбоши қилиб, телба бўлдимми? Уйидан тоқ келиб жуфт кетмакчи-да, бу таммоъ.

Маҳдум шу сўз билан ичкарига кириб, ҳавли саҳнида чақалоқ кўтариб турған Раъно ёнидан айвонга ўтди. Маҳдумнинг орқасида кирган Анвар Раънонинг олдида тўхтаб, ундан чақалоқни оди. Отасининг юзида аччиғланиш сезган Раъно Анварга «нима гап?» деган каби им қилған эди, Анвар кўз қисиб арзимаганлик ишорасини берди.

Маҳдум айвонга чиқиб ўлтурагар чоғида яна бир «астағфирулло» деб қўйди. Чунки кайфи жуда ҳам бузулған эди. Илгари масжиiddан кеч қайтиш билан бузулған авзо, Фози эшоннинг «пастлиги» ила жуда ҳам авжига чиққан эди. Бу кунги кутилган «даромад» сартопо³ фалокатка учраб, маҳдумнинг кўнглини ғаш қилған, айниқса дехқоннинг ҳам текинга қутулиши ва ўзининг Анвар олдида шарманда бўлаёзиши... Буларнинг ҳаммасига шу «паст», «таммоъ» сабабчи ва шунинг учун ҳам маҳдум Фози эшон тўғрисида ҳар бир сўзни айтишдан тортиниб турмади.

Анвар ҳавли юзида чақалоқни восита қилиб, Раъно билан сўзлашар эди. Маҳдум кечки ош пишириш билан машғул Нигор ойимдан таомнинг тайёр бўлиш вақтини сўраб, Анварни ўз ёнига чақирди.

— Қани, бу ёққа, Анвар! — деди маҳдум. — Таомни шу ерда тановул қиласақ ҳам бўлур... Сен, Раъно, укаларингта қара-чи: Мансур ташқарида кўрингандек эди; дарбозани ҳам занжирлаб кир, қизим!

Раъно ташқариға чиқиб кетди. Анвар қўлида чақалоқ билан айвон муюшига келиб ўлтурди. Чақалоқ Анвар қўлидан иргиб ҳар тарафка талинар ва турлик товушлар чиқариб қичқирар эди. Маҳдум чақалоқнинг ҳаракатига қизиқсиди.

— Мам-мам, мам-мам-мам, — деди қўлинни чақалоққа уйнатиб, — ду-ду-дув, ду-ду-дув... ҳай баччаталоқ, ҳай баччаталоқ! .. Беҳад шўх бўлибти-да, беҳад, ду-ду-дув!

¹ емон, жато.

² Қаноатли — ализ, тамаъли киши хордир (муал.).

³ Сартопо — бошдан-оек.

Чақалоқ маҳдумга талпинар, кичкина құлларини гоҳ очиб, гоҳ юмар зди.

— Кел, йигит, кел! Алхол хом-да, хом; қизамиқ чиқиб ўтса зди. Ду-ду-дув!

Раъно укаларини бошлаб кирди. Маҳдум чақалоқни қўниб, болаларни койиб кетди:

— Ҳай бемаънилар! Чакирмаса, уйга киришни билмайсанлар! Кийимни қара, кийимни! Турпоққа ағнадингми, эшшак! Қоқ, қоқ, ешиб қоқ! Аттант-а, эсиз кийим... Буларни энди нима қиласа бўлади, Анвар?

Анвар маҳдумдан қўрқиб турған болаларнинг аҳволиға қараб қулимсиди:

— Эси кириб қолар.

— Қиёматдами? Буларнинг татигини бермасам... ҳе, кўзларинг қурсин! Раъно, сен акангта кўрпача солиб, укангни ол, онангра айт, ошдам еган бўлса, сузсин!

Раъно айвонга кўрпача ёзиб, Анвардан чақалоқни олди ва онаси-нинг ёнига кетди:

— Анвар, қани кўрпачага чиқинг! Қўлларингни ювиб кел, эшшак-лар!

Болалар югуришиб ариққа кетдилар, Анвар ҳам қўл ювиш учун болалар орқасидан борди. Ариқнинг суви жуда лойқа зди. Анвар болаларни ариқдан қайтариб, обдастадаги тиник сувдан уларнинг қўлига қуиб, ювингтириди. Навбат ўзига етканда айвонда туриб, маҳдум бақирди:

— Раъно, акангнинг қўлиға сув қуй!

Анвар Раъононинг келиб сув қуишиға қарамаи, ўзи ювина берди. Раъно етиб келгунча қўлини ювиб олди. Маҳдум қизидан аччиғланди:

— Жуда суст қадамсан-а, Раъно. Сени талқон еб сувга юборған киши қайтиб келгуннингча, тиқилиб ўлади!

Маҳдумнинг ташбиҳидан Анвар ва Раъно кулишдилар. Сўэни жойида ишлаткани учун бўлса керак, маҳдумнинг ўзи ҳам кулимсиради:

— Тўғри-да, мирзо Анвар, қўли суст косибдан оёги чаққон гадой яхши эмиш!

Улар яна кулишдилар. Маҳдум завқланди. Анвар кўрпачага чиққандан кейин Раъно ўргаға дастурхон солди. Нигор ойим сопол лаганда палов келтириб, ҳаммалари бирга ошқа ўлтурдилар. Ош ўхшаллан зди. Биринчи ошамдаёқ маҳдум Нигор ойимни тақдир этти:

— Бу кунги ошинг дуруст, Нигор... Бироқ, гўштни кўб солибсан.

Нигор ойим кулимсиб Анварга қаради:

— Гўшт кўб бўлса ош ўхшаладир.

— Хайрул-умури авсатудо. Нигор¹.

— Бу сўзниг ошқа гўштни кўб-оз солиш билан нима алоқаси бор?

Раъно онасининг бу сўзи билан пик этиб кулади. Анвар юзидағи кулгини яшириш учун четка қаради.

¹ Ҳар ишнинг ўртаси яхшидир, еки, ишда тътидол яхши (муал.).

— Ҳадиснинг ҳукми ом¹, Нигор, — деди маҳдум. — Бундаги умур — умурид-дунё², умурид-дунё иборат аз ҳаракати аҳли мўмин. Инчинин³, ҳадиснинг амалиёти охират учун ҳам ҳукми жорийдир⁴... Масалан, шабу рўз савм⁵ ва салот⁶ мўмин кишини жисман нотавон ва нафақаи аҳли аёлдан ожиз қиласидир. Бас, бу ҳолда ибодатнинг касрати, яъни тоатда ифрот⁷ ҳам хайрул-умурга қўшилмас, зеро, фарз ва суннат банда учун кофий эрди. Маънойи кофий чист, ай авсат⁸... Бинобарин, бу ҳадиси шариф рўзгорот борасида дастур тутилса, яна айни ҳикмат ва савоб. Масалан, ошқа йигирма пайса гўшт солмоқчисан; аммо «авсат» қилмоқ ниятида, мазкурдан ўн пайсани ажратиб қолдинг... Бас, ҳикматни томоша қил; эртаси кун ошинг яна жазлик, яъни «авсат» билан икки кунлик эҳтиёждан қутилиб, савобга ҳам даҳлдор бўлдинг. Ҳикмати дигар⁹ дунё важҳинг¹⁰ яхши эрди. Таомни яхши мазалик еб, нафсинг яхши ошқа ҳў¹¹ қилди. Вақти келиб, афтодаҳол бўлдинг, куннинг гўштсиз таомга қолди; аммо нафси амморангни¹² сержаз ошқа ҳў қилдиғанинг важҳидан гўштсиз ош оғзингра ёқмайдир, бу — бир азият; сониян: лазиз ошқа ҳў қилған нафсинг тақозаси билан, анвоъи ҳабосатларга ва мазмум кирдорларга¹³ иртико¹⁴ қилмоғинг хавфи ҳам бордир; бу нимадан келди? Албатта «авсат»ка риоясизлиғингдан.

Маҳдумнинг «амри маъруфи» Нигор ойимга қаратиб сўзланса ҳам, ҳақиқатда умумий, яъни, бир ўқ билан бир неча қушни урмоқчи эди. Бироқ, қаршиға қараб отилған бу ўқдан маҳдумнинг ўзи ҳам амин эмас, агар лаган теварагидаги ўлтурғучилардан бири туриб, бошқаларидан қатъи назар, фақат бу кунги хайрул-умурингизни мисолга олайлик; «Йўлақдаги «умурид-дунёнгиз» ўзингиз айткан «авсат»ка кирадими?» деб сўраса, билмадикки, маҳдум нима деб жавоб берар эди. Мадраса кўрган Солиҳ маҳдум, балки бу саволдан ҳам шошиб қолмас. Китобнинг «нафақа» баҳсидан варақ очиб, «нафақаи аҳли аёл» учун бўлған «ҳаракат»нинг фарзлиғидан ва бундаги ҳисобсиз савоблардан дам уриб, «нафақа» билан иши йўқ баъзиларни «ерга қаратса» ҳам мумкин эди... Лекин ўқ еганлардан ҳеч бириси маҳдумга қарши чиқмаганлариdek, унинг сўзини тасдиқ этиш белгисини ҳам кўрсатмадилар. Эҳтимолки, улар муқобалага ожиз эдилар ёки қарши чиқиша орада бошқача бир сабаб бор эди. Фақат бир-бирисига қарши ўлтурған икки ёш маънолик, кўз уриштириб кулимсиidlар.

Пайтамбарнинг буйроти ҳаммага тегишлик.

- Умурид-дунё — дунё ишлари.
- Инчинин — (инчунин) шунингдек.
- Ҳукми жорий — ярайдиган ҳукм.
- Савм — рӯза.
- Салот — намоз.
- Ифрот — ҳаддан ошиши.
- Етарли деганинг маъноси нима, бу демак ўртачаликдир.
- Ҳикмати дигор — бошқа бир ҳикмат.
- Дунё қажға — бойлик.
- ¹¹ Ҳў — одат
- ¹² Нафси аммар — доим ёмолликка буюриб турувчи нафс.
- ¹³ Кирдор — одат, қиалик, иши.
- ¹⁴ Иртико — ҳаракат.



Маҳдум амри маъруфдан кейин ошқа қаради, кўб вақт сўзсиз фақат ошдан бош кўтармади. Маҳдумнинг даъвосича, ҳар бир ишлар ҳам «авсат» мезондир. Лекин ош олишда бу «мезон» унугиди. Бошқалар ора-чора бир гўшт қўшиб олганда, маҳдум бир ошами ҳам гўштсиз юбормаслиққа тиришиб борди, яъни «авсат»дан ўтиб «аъло»да иш кўрди...

Ошни яримлатқанда, маҳдум лагандан бош кўтариб, Анварни тузкроқ олишга таклиф қилди, болаларни ошни тўкиб ейишда айблаб, Раъонни чипхўрлиги учун койиди:

- Чипхўрсан-да, қизим... Шу ҳам ош ейишми?
- Менини адно¹, — деди Раъно.

Бу сўз Анвар ва Нигор ойимларни товуш чиқариб кулишка мажбур этди

- Сенга бир сўз тегмасин, қизим, — деди кулиб маҳдум. — Ошни суст еган киши, ишда ҳам суст бўладир
- Бўлмаса, ошни «аъло» ейиш керак экан-да...
- Оғзинг куймаса аълоси ҳам дуруст.

Яна кулишдилар.

— Ҳай, воқиъян, — деди маҳдум, кулаги ораси тўхтаб. — Мирзобошидан бир илтимосимиз бор экан, ёдимдан чиқаёзған экан... Ким ҳали... ҳабба, боя мулла Абдураҳмон келган эди. Ўшал ватъдамизга мувофиқ сиз билан учрашмакчи экан. Чори ул ҳам мирзолиққа киришмак-чи. Хўб, мен мирзо Анвар билан гаплашиб қўярман, ўз ёнига олса керак дедим. Ўзи яхши мулла бўлған кўринади, закки табъ² йигит...

Анвар бироз ўйлаб турди.

- Ким у мулла Абдураҳмон, хотирлай олмадим?
- Ўэзимизнинг мулла Абдураҳмон-чи, ахир... Ёсли олган кунингиз фотиҳага келган ёш имом.

Анвар яна бош чайқади:

- Ҳеч бир эсимда йўқ.
- Хўб, — деди маҳдум ўнг кўзини қисиб. — Ўшал кун фотиҳага келган бўзчи муҳлисингизни хотирлайсизми?
- Хотирлайман.
- Ҳабба, энди ўшал бўзчининг устига кирган ёш муллани ҳам хотирлаб қаранг.
- Хотиримга келди... Ўзи ёшлиғида бизнинг мактабда ўқуян?
- Ҳабба, — деди маҳдум ва баҳска Нигор ойимни ҳам тортди, — уни сен ҳам биласан.
- Мен қаёқдан билай?
- Ўзи Бухорода ўкуб келган, Раънога бир неча қайта совчилар юбориб юрган одам.

Нигор ойим боши билан «танидим» ишорасини бериб, Анварга секин кўз қирини юборди. Раъно «совчи» сўзи билан энсаси қотқандек сочиқни олиб қўлинни артди. Маҳдум кейинги сўзини ўйлаб айтди-

¹ Адно — паст; оғзина

² Закки табъ — озода табиат

МИ, йўқми – ҳар начук Анварда ғаюрлик каби бир ҳис уйғониб, ўзидан жавоб куткучи маҳдумга илтифотсиз, Раъндан сочиқни сўради.

– Нега қўл артасиз, Анвар. Кун бўйи оч юриб, еган ошингиз шуми?

Анвар Нигор ойимга раҳмат айтиб тўйғанини сўзлади ва қўл артар экан, чақалоққа гап қотди.

– Анвар билан Раъннинг тупроғи бир жойдан олинған, – деди маҳдум ош ошалаб, чунки ҳануз уники «авсат»ка етмаган эди, – иккиси ҳам кам таом.

Маҳдумнинг бу сўзи юқоридағи гуноҳини ювғандек бўлди. Улар бир-бирларига қаравшиб, илжайищдилар. Нигор ойим ҳам оғирлиқдан чиқди.

– Шундай, Анвар... Шу йигитни ўз ёнингизға олсангиз, қалай бўлар экан?

– Ҳозирча мирзоға эҳтиёжимиз йўқ.

– Мирзога эҳтиёжингиз бўлмаса ҳам, яна шундай кишиларни олғанингиз маъқул, деб ўйлайман. Зоро бундайлар ўзингизга синамол, яна ўз тарбиянгизда етишсалар бошқалардан сизга хайриҳоҳроқ, инчинин, хизматингизга азтаҳидил камарбаста бўлурлар. Бу ҳам бир маслаҳат-да, болам Анвар.

– Ўйлашиб кўрармиз.

– Ўйлашкан албатта яхши ва лекин мен буни кўб вақтлардан бери андиша қилур эдим. Билохир¹, амниятингиз учун бу тадбирни кўб пухта идрок қилдим. Зоро, Султонали мирзодек ҳамкуфларингиз² кўпайса хайриятингиз, деган мулоҳаза фикримга келди.

– Балки тўғридир...

Анварнинг кўзи дастурхонда эди. Бу тўғрида қатъиятсиз муҳмал жавоблар беришидан недир туйинган Раъно Анвардан кўз олмай турар эди. Нигор ойим Мансурга қолған ошни едириб қўйиш билан орачора гапка ҳам қулоқ солғандек бўлар эди.

Маҳдум кекириб, сочик сўради.

– Бу андишанинг ҳақлиғида шак йўқ, Анвар, – деди ва дастурхондаги донларни териб, оғзиға ташлади. – Менга таслим бўлиб, ибтадаан шу мулла Абдураҳмонни ўз ёнингизға олинг. Ул бир неча ойғача муфт хизмат қилишга ҳам рози.

– Масала унинг муфт ёки ҳақли хизмат қилишида эмас.

– Яъни, масалан?

– Мен янги мирзо бошлаб борсам, у ердагиларга оғир келмасмийин, деб ўйлайман.

– Ул мажжонан³ хизмат қиласи, бас, мирзоларингизға нима оғирлиқ?

– Яна ҳарҳолда, бир-икки ойдан кейин бўлса ҳам уларга раҳобат-

¹ Билохир – ниҳоят.

² Ҳамисуф – сафдош, дўст.

³ Мажжонан – текинга.

чи ортади... Айниқса бизнинг Шаҳодат муфти кабиларнинг феъли сизга ҳам маълум.

— Шаҳодат муфти ўзи қандай ит! — деди маҳдум. — Андишамиз ҳам бамисоли шундай итлар қаршисира ўз кишингизни тиккайтариш эмасми? Ёшлиғингиз бор, болам, ёки янги мирзо олишда биравнинг ружсатига ҳожат борми?

— Йўқ.

— Ана холос. Аз карнайчи як куф. Мен эрта унга айтай, ҳузурингизга бораверсин.

— Бориши қочмас... Илгари мен у ердаги баъзилар билан кенгашин-чи.

— Ҳўб, уларнинг юзи учун кенгашкан матькул: аммо, баҳарҳол олмоқ керак.

Маҳдум фотиҳа ўқуб, шом намозига қўзғалди. Ташқи йўлакка ет-канда, ёдиға Фози эшоннинг бемаънилиги келиб тушти, шу қаторда тўй, тўйға иштирок этадирган казолар, хоним ойимлар, ҳаммадан ҳам муҳим ва қизиги ёмғур каби ёғиладирган тўёна ва уларнинг саранжоми... Сўфи такбир тушуар экан, маҳдумнинг кўнглидан «Раънога чўри қўша кўрмасинлар-да, тишлик ҳайвоннинг бўлганидан бўлмагани яхши» деган андиша кечти...

35. ХОН КЎНГИЛ ОЧМОҚЧИ

Қавс оий¹ кирган бўлса ҳам, ҳаво мўтадил, кун жумъя эди. Ўрда боғига сув сепилиб, суптурилган, ўртадаги шаҳсуфага лолагул гилам ёзилиб, хоннинг ўлтуриши учун баҳмал кўрпача устидан арслон тери-си ташланған эди. Ҳозир шаҳсуфа хон ва аъёндан холи, аммо шаҳсуфа қаршисидарни нимсуфалар вазирлар, саркардалар, қозикалон, шайху-лислом, қози-күззот, раис ва шаҳарнинг зўр уламолари — мударрислар, аҳди тариқат эшонлар, ўрда ходимлари ва энг пастарини кўрбоши ва даҳбошилар билан лиқ тўлған эди. Уламо қисмида умуман банорас тўн, оқ салобатлик салла, вазир ва саркардаларда кимхоб ва баҳмал тўнлар, бошларида баъзан салла ва баъзан ўсиқ баррадан тикилган телпаклар ҳиллирар эди.

Хон бу кун жумъя намозигача кўнгил очмоқчи ва бундаги йиғил-ғанлар шу кўнгил очиш соатидаги иштирок эткучи хоннинг кўнгил тортарлари, яъни мамлакат аъёнлари эдилар. Хон ҳали ички ўрдадан чиқмаған, ҳамма раъият «жаноби олий»ни кутиб муҳташам дарбозага кўз тикканлар эди. Шаҳсуфадан бироз нарида, атрофи бордои билан ўргалиқ бир кала пайдо бўлған ва бу кала ичидаги бир неча киши сухбат қуриб ўлтуруар эдилар. Бир неча дақиқа куткандан сўнг, муҳташам дарбозада Дарвеш удайчи кўриниб, қаршисидаги раъиятка ўрундан туриш ишоратини берди. Бирдан ҳамма шув этиб қўзғалди. Дарвеш удайчи дарбоза ёнига ўтиб, рукуъга² борди. Ичкаридан кимхоб тўн

¹ Қавс — 22 ноябр — 21

² Руку — бош эгиш.

билан иўғон қорини үраған, оқ шоҳи салласини манглайиғача туширган Худоер кўринди. Хон кўриниши билан барча раъият ҳам удайчи каби рукуъга кетдилар. Худоёр орқасидан ёш Ўрмонбек қизил баҳмалдан тикилган сипоҳи кийим билан отасини таъқиб этар эди. Бунинг орқасидан қизил мовутдан шаҳзода каби кийиниб, силоҳ¹ тақинған ва ҳар қаторға тўрт нафардан терилган ўн олти-ўн етти яшар, ёш ва хушрўй сипоҳлар (маҳрамлар) чиқдилар. Хон шаҳсуфага қараб келди. Ўнинчи қатордан сўнг ёш сипоҳлар туркуми узулиб, яхши интизомлик қирқ нафар навжувон шаҳзода орқасида хонни таъқиб этар эдилар. Шу ҳолда нимсузфаларнинг биридан чалгулар товши келди. Созлар нафис ва оҳангдор қилиб «Сарбозча» куйини чаҳдилар. Куй созда қайтариб олингач, хон орқасидаги ёш сипоҳларнинг бир қисмидан шу куйнинг ашуласи эшитилди:

*Шаҳаншоҳим, шаҳаншоҳим, баҳтингиз кулсин!
Давлатингиз, шавкатингиз душманлар курсин!*

*Қалқон ушлаб, ханжар таққан ёвлар майдонга!
Номуссизлар, вафосизлик қилдингму хонга!*

*Бизнинг айткан назримиз бор шоҳимардонга!
Аҳдин бузиб, динни сотқан бўялрай қонга!*

*Шаҳаншоҳим, шаҳаншоҳим, баҳтингиз кулсин!
Давлатингиз, шавкатингиз душманлар кўрсин!*

Хон суфанинг зинасига етиб, юқори минди. Шаҳзода ҳам отасини таъқиб этди. Ёш сипоҳлар хон ва Ўрмонбекни зинада қолдириб, тўйриға ўтдилар, суфадан айланиб бориб, хоннинг муҳофазатига, яъни Худоёр ўлтурадирган арслон терисининг орқасига саф торта бошладилар. Хон бориб арслон терисига ўлтурди. Ўрмонбекни ўзининг ўнг томонига оди. Раъият ҳамон рукуъда... Ёш сипоҳлар суфанинг уч тарафини қуршаб олған эдилар. Хон жойлашғач, рукуъдагиларга тиккайиш ишратини берди. Барча бош кўтариб, қўл қовиштирди. Соз ҳам тўхтади. Суфанинг зинасида удайчи ҳозир бўлиб, қўлини кўтарди, раъият ҳам унинг билан баробар дуога қўл очдилар.

— Душманлар хароб, мунофиқлар бетоб ўлсин... Онҳазратимнинг давлатларига Худо тавфиқуadolat берсин!

Дуодан сўнг барча юз сийпади. Хон удайчига бир нарса деб ишорат қилди.

— Мингбоши, қушбеги, домла шоғовул, жаноб шайхулислом, оталиқ ва амсоли ҳазратка ул жаноб ўз ҳузурларидан жой меҳрибончилик қиласидирлар!

Удайчи санааран кишилар бирин-бирин шаҳсуфага чиқиб хонга салом ва таъзимдан кейин атрофлаб тура бошладилар. Суфага ўн чөвлиқ аркон² чиққандан сўнг, хон удайчига яна бир нарса деб қўйди.

¹ Силоҳ — курол-аслаҳа.

² Аркон — давлат арబблари

— Фароғат ато қилдилар!

Сипоҳлардан бошқа барча тик турғанлар шув этиб ўлтурдилар. У ер-бу ердан йўталган товуш эшитилди.

Удайчи хонға арз қилди:

— Онҳазратимнинг давлатларига Худо тавғиқ-у адолат берсин...

Кулларидан бири валинеъматимга икки калима арзим бор, дейдир!

Хон келсин, ишоратини қилди. Барчанинг кўзи бояғи бордонлиқ, уйга тушти. Бордон ичидан узун бўйлик, қора соқоллиқ, устида мalla тўн, симоби бўз салласининг пешини бир қарич осилтирган бир киши чиқди; тамқин, виқор билан битта-битта юриб келиб, зина ёнида хонға қарши тўхтади... Хондан тортиб ҳаммага табассум туси кирган эди. Киши хонға қарши турған ҳолда салласини тузатди, соқол-муртини силади, тўнини қоқиб, олдини ўради, сўнгра хотиржамъ рукуъга борди. Бирдан хон ва раъият кулиб юбордилар. Бу киши Худоёрнинг энг яхши кўрган қизиги Зокир-гов эди.

Зокир-гов бошини рукуъдан кўтариб, гўё жаноза ўқуван кишидек, икки елкасига салом берди. Яна гурр этиб кулиб юбордилар. Зинанинг иккинчи бошида турған Дарвеш удайчи Зокир-говга танбиҳ берди:

— Кимнинг ҳузурида турғанингизни унутманг!

Зокир-гов қўли қовиширилған ҳолда, гавдасини қимиратмай ёнидаги удайчига қаради:

— Ўзим ҳам билиб турибман, бу ерда аҳмоқ бор, деб ўйлайсанми?

— Хўш?

— Хонимға арзим бор!

Яна гурр эткан кулги борни тутиб кетди¹.

Удайчи:

— Арзинг бўлса, додрас² ҳузуридасан, гапур!

— Арзимни ўйлаб туриппан-да, ўйлағали ҳам қўймайсанми? — деди Зокир-гов — Еки мен ҳам сўзимдан янглишиб Жаббор жиннидек осилиб кетайми?

— Арзга келиб турғанингга бир ош пишар вақт бўлди!

— Мен ҳам арзимни миямда пишириб олаётгиман-да; пишмаған ош ич оғритадими-а, тақсирлар?

— Арзингни йўлда ўйлаб келмабсан-да!

— Эй, девонами бу ўзи! — деди Зокир-гов. — Йўлда ўйлаш учун бундан бошқа касал йўқми?

— Йўлда нимани ўйладинг?

— Хон ҳузурига бораётгиман, деб ўлимни ўйладим, ятим қоладирған болаларимни, мен ўлгандан сўнг эрга тегадирған янгангизни ўйладим! (Кулги.)

— Жанобни ва шу қадар раъиятни маътал³ қўйма!

— Хе-хе-хе! — деб кулем Зокир-гов. — Сизлар ҳар кун минглаб

¹ Бундаги кулгига сабаб «хоним» сўзидир Чунки бигъда «хоним» — хотиги кишига айтиладир (муал.).

² Додрас — олампаноҳ, хон.

³ Маътал — кутмок.



кишини ўрда тегида маътал қўйғанларингида, мен бир нафас маътал қўйсам, хе-хе-хе!.. Тақсир, сизга арз!

Хон, «айт» деган каби бош иргатди.

— Тақсиригда биринчи арз шуки, — деди Зокир-гов, — ёнимда турған шу бақа афтни мендан нари қилсангиз, зеро, бунингизнинг дағдагаси сизникидан ҳам ўтадиган кўринади! (*Кулғи*).

Худоер удайчига, суфага чиқ, ишоратини қилди. Зокир-гов қўлини дуора очти:

— Онҳазратимнинг давлатлари кам, ўзларида ғам, кўзларида нам, душманларида дам, қадларида ҳам бўлмасин... Шаҳзодамнинг бошларида бахт, осталарида таҳт ўйнаб, ёш умрларига ажали бевақт етмасин... Шоҳи бахтиёрнинг хизматларига бел боғларан оқ салла, кўк салла, тўни малла оталаримизнинг диллари ҳам ҳамеша соқоллариdek оқ бўлсин, омин! Соний, арзи бандалигимиз шулки, биз, дарбадари девона, ақлу ҳущдин бетона, ҳалқ тилида афсона, элкезар ғарифона қулларингиз дарду алам ютар эрдик, қаламравингизнинг бир четидан ўтар эрдик. Дедиларким, бу диёрнинг хоқони, Искандари сони, зару зевар кони, элнинг ошу нони, яъни саховатда Хотам, қаҳри келса мотам... гурабо¹ ёридир ва яна сизлардек бозори касод дарбадарлар, энаси кўчада туқсан бепадарларга ҳам эҳсони жорийдир, деб биз аҳли тамаъ бечора, нафс илгига овора ғариблар ҳар қайсимиз беш пайса, ўн пайса тамаъ халидан ютиб, даргоҳингизга юзландик, токи эски-туски ҳунарларимизни арз қилсақ, жанобингизни беш пул, ўн пул қарз қилсақ, деб... (*Кулғи*.)

— Қўл, ҳунарингизни кўрсатинг — деди хон.

36. ҚИЗИҚЛАР

Зокир-гов хонга қуллик қилди ва икки-уч қадам бордон томонга юриб, бутун товши билан чақирди:

— Баҳромбой! Ҳов, Баҳромбой!!!

Бордон ичидан бир оёғида кафш, иккинчиси кафшсиз ~~хонга~~ очик кир яхтагидан бадани кўринган, бир қўли билан елкасини қашиб, иккинчиси билан иштонбоғини ушлаган, бош ялан бир йигит чиқди.

— Эшак ҳантрадима! — деди Баҳром ва у ёқ-бу ёққа алонглаб олғандан кейин, яхтагининг чокини ахтарди. — Сингли талоқ битни қочирдим-да! (*Кулғи*.)

— Баҳром деяппан, менга қара!

— Э-ей, Зокир ака, сен чақирдингма... Ҳа, нима гап?

— Хонни кўндиридим!

— Кўндиридингма?.. Мен ҳам айтдим-ку, хон ўзи лақма эмиш, деб. (*Кулғи*.)

— Улар қани?

— Уларингма? Уларинг ичкарида ятилти

¹ Гурабо — ғариблар.

Илғиғ — қўл

- Нима қилиб ятиptи.
 - Қүй десам бўлмади, бир пой кафшимни икави, хузур қил-и-иб еб ятиptи! (*Қаттиқ қулги*)
- Зокир-гов аччиғланди.
- Сенларга ҳеч бир ақл кирмади-да... Энди хоннинг олдига бир пой кафш билан чиқасанми?

Баҳром ўйланиб бошини қашиди.

- Чиқсам чиқавураман-да. Хоннинг ҳам менга ўхшашан бир одам-да, ака! (*Кулги*.)

— Кир, кир, падарлаънат, даррав уларингни олиб чиқ!

Баҳром елкасини қашиб, кафшик оёғи билан кафшсиз оёғини «тап-чиp, тап-чиp» ерга босиб ичкарига кириб кетди. Бироздан сўнг икки ҳамроҳини бошлаб чиқди. Чиқданлардан бири пак-пакана, юп-юмалоқ, лўп-лўнда бир маҳлуқ эди. Унинг гавдаси бу қадар «келишкан» бўлиши устига, башараси ҳам шунга монанд тушкан, томогининг остида чўтури қовундек бўқоқ ғовлаб ётар эди. Унинг гавдаси мисоли бир гупчак бўлса, шу гупчакнинг юқорисига катта бир сув қовоқни бош бўлсин, деб ўрнатқан эдилар. Ва бу ялтир қовоқнинг бетида кўз бўлиб, куёшда қовжираған иккита ғулун туршак, оғиз ерида бир кафш, бурун ўрнида юқорига қараб ўрмалаған баҳайбат бир қўрбақа ва қулоқ мақомида сув қовоқнинг икки бағриға тирадиған икки ошлов турар эди. Кош ва бошдаги соч тўғрисида оғиз очиб бўлмас, аммо беш-ўн тук, яъни соқол-мурт фира-шира кўзга чалинар эди. Сепкил ва чечак доғи бу бетни «музояқакор» қилиб кўрсатканидек, оёғидаги чорик, устидаги қисқа, эски алак чопон, белидаги беш-ўн айлантириб боғланған бўз белбоқ, бошининг учдан бир қисмигагина қўниб ўлтурган тор пилга тўппи бир «ҳусн»га яна бир юз «ҳусн» қўшиб арз қиласар эди. Бу маҳлуқ доимий ўрдада турадирған хоннинг кундалик қизиги мулла Баҳтиёр эди. Иккинчиси мулла Баҳтиёр билан ўчакишкандек, жуда узун бўйлиқ, рилай кўзлик, ажина қошиқдек юзлик, қотма, ўзининг бўйидан ҳам узунроқ тўн ва бошига қаландар кулоҳи кийиб, ялан оёғ, ўрга яшар Давлат исмлик яна бир қизик эди.

Зокир-гов булаrни қарши олди.

- Э, ҳаромзодалар, — деди Зокир-гов қўлинни пахсалаб, — андак нафсларингни тийсанглар, хотинларинг талоқ бўладими?! Бунинг бир пой кафши қани?

Баҳром маъюс бўйин солиб турди, Баҳтиёр билан Давлат лабини артиб, бир-бирига қарашди:

- Айт!
- Сен айт.
- Нима деб айтаман?
- Еганимиз йўқ, деб айт...

Баҳтиёр икки қўли билан белбоғига такя қилиб, қаддини ростлади ва бошини бироз орқасига мойил тутиб, қаққайди:

— Билиб сўзла, ака, биз еганимиз йўқ!

Зокир-гов индамасдангина Баҳтиёрнинг ёниға ўтди ва озорсиз қилиб унинг намойишкор кўриниб турған бўқоғини салмоқлади:



— Кафшнинг ўқчаси тиқилиб қолипти-ку, иним! — деди Зокир-гов. Кучлик кулги күтарили. Сўнгра вазиятини ўзгартириб, уларга уқдириди: — Биз ҳозир хоннинг ҳузурига борамиз, эшиласанларми... Учавинг ҳам адаблик, мутавозиз¹ бўлиб кўрин. Хонға учрашканларингда, икки букулиб қуллиқ қил, ундан кейин хонни дуо қиласанлар. Тузукми? Қани, келаберларинг орқамдан!

Тўрттави, бири орқасидан бири чизилишиб, шаҳсуфа ёнига бордилар. Зокир-гов зина ёнида тўхтаған эди, орқадагилар бир-бирига туртинишиб, бири у ёқقا, бири бу ёқقا, учунчиси хонға орқа ўтирган ҳолда тўхталишдилар. Бу ҳолдан хабарсиз Зокир-гов уларни хонға тақдим этди:

— Кулбаччаларингиз... саломга келдилар. (*Кулги.*)

Зокир-гов уларнинг ҳолидан хабар топиб, шошди ва ошиқиб, уларнинг бетини хонға қаратди.

— Ҳай, бепадарлар, ҳай, беадаблар... тўғрингда ўлтурган кишига баробар қуллиқ қил.

Учави баробар қуллиқ қилдилар, кулги бошланди. Чунки уларнинг ҳар бири бошқа кишига қуллиқ қилиб, хон четда қолған эди.

Зокир-гов хонға узр айтиб, уларни койиди:

— Кимга қуллиқ қилдинглар?!

— Тўғримизда ўлтурганга.

— Лўнда бўл, лўнда; учавинг ҳам!.. Дуо қил, дуо!

Учави дуога кўл очти, кўл очқанча бир неча вақт қарашиб турди, сўнгра тирсаги билан бир-бирини туртиша бошлади. «Сен қил, сен...» Кулги күтарили. Улардан товуш чиқа бермагач, Зокир-говнинг ўзи кўл очти

— Омин де, ҳўқизлар! — деди. Улар «омин, омин» деб турдилар. — Шояд дуо қабул бўлса... Аллоҳ таолонинг мулла Бахтиёр ва Давлат каби закки бандаларига бизнинг эҳтиёжимиз йўқ. Шунинг учун дуо қиласизки, бу учавининг жонини тезроқ олсин ва бандаларини бу фалокатдан қутқарсин, омин!

Учави ҳам фотиҳага юз сийпашкан эдилар, яна атрофни гурр эткан кулги бости Фотиҳадан сўнг Зокир-гов уларни йўлга солди:

— Тилак қил, тилак; бақрайиб турасанларми? Учави яна бир-бирини туртишиб, ўз ора бир нарса сўзлашиб олдилар. Давлат нимадир айтиб, суфага ўлтурганларга ишорат қилди... Орадан Баҳром тилакка оғиз очти:

— Салла-калла, шоп-у шалопни кўриб, ўзимиз ҳам жуда қўрқсанга ўхшаймиз... Манови Давлат бўлса — «Бу ўлтурганларнинг ҳаммаси ҳам одамхўр деяпти. (*Кулги.*) Энди тилагимиз шуки, бизларга жавоб берсалар, жойимизга тинчкина кетсак... (*Кулги.*) Илоҳи мана шу ўлтурганларга Худойим инсоф берсин... (*Кулги.*) Юрагимиз жудаям чиқиб кетаяпти! (*Кулги.*)

— Ҳай, тилакларинг билан бориб ёт! — деди Зокир-гов ёнига уриб. — Қочиб қол, еб қўяди!!

¹ Мутавозизъ — кибрсиз, одобли, таълимли.

Орадан «дод» деган товуш чиқди, учави ҳам уч томонға қочар экан, Бахтиёр Давлатнинг оёғига чалиниб йиқилди. (Қаттиқ кули.) Бахром билан Давлат олпонғ-толпонғ бордонға кириб кетдилар... Зо-кир-гов Бахтиёрни тутиб қолди.

— Қўйи, ака, қўй! — деб йиглади Бахтиёр, — бекорга ўлиб кетмай, бала-чақам бор.

— Емайди сени!

— Ейди, ака, ейди! Манови бекингнинг кўзига қара... вой-воя-а-а, қўйовор! (Кули.)

— Мен сенларга аччиғ айтим-а, падар лаънат!

— Менда ўчинг борға ўхшайди, ака! Анови домланг нах одамхўрнинг ўзи, кийимингни ҳам ешдириб ўлтурмайди... Уягини сўрасанг. хонингта ҳам ишонмай қолдим! (Кули.)

Бахтиёр силтаниб Зокир-говнинг қўлидан чиқди ва ғидирағандек бордонға қараб қочти. Зокир-гов ҳам уни қувлағанча бордонға кирди.

Бироздан сўнг тузукроқ, кийимда, бошиға салла ўраб, оёғига сағри кафш билан қўлида жойнамоз каби бир нарсани кўтариб бордондан Давлат чиқди. Хонға таъзим қилғандан сўнг, жойнамозни ерга ёзди. Хонға таъзим қилиб: «Шайхулислом Валихон тўра! шу ерга марҳамат қилар эканлар!» — деди. Хон мулла Ниёз домланинг ёнида ўлтурган шайхулислом Валихон тўрага қаради. Аҳволга тушунмаган шайхулислом «Нима гап?» дегандек қилиб, жойнамоз ёнидаги Давлатка кўз кирини ташлади. Давлат «Ҳеч гап» деган ишорани бериб, бордонға қайтиб кетди. Демак, ҳозир шайхулислом Валихон тўрага муқаллид бўлмоқчи эдилар. Буни пайқаған ҳалқ секин-секин, бир-бириси билан имлашиб, кулимсишдилар ва барчанинг кўзи бордон уйда бўлди. Бир вақт бордон эшигидан банорас тўн кийиб, ўнг қўлиға асо ушлаган ва сўл қўлида адрес рўймолға тугиклик китоб кўтарган шайхулислом Валихон тўра (Зокир-гов) кўринди. Шайхулислом каби қадди бироз букик ва қадам қўйиши ҳам Валихон тўрадек икки тарафка майил эди. Барчанинг кўзи ва диққати ҳар икки шайхулисломда бўлди. Хон ёнидаги ҳақиқий шайхулислом эса қип-қизарған ва ҳар он «тавба» деб қўяр эди.

«Шайхулислом» йўл устида тўхтади ва ерда тушиб ётқан бир нарсани асосининг учи билан текшириб кўрди ва уни туртиб четка чиқарғач, йўлида давом этди. Кўбчилик чидалмади, гур этиб кулиб юборди. Валихон тўранинг ўзи ҳам тавба аралаш кулиб қўйди. Чунки Зокир-гов ҳеч бир нуқсонсиз муқаллид бўлмоқда эди. Жойнамоз ёнига етди, асосини шайхулислом асоси ёниға тиради, кағини ешиб жойнамозга чиқди. Ўлтуриб китобни тиззасига қўйди ва пичир-пичир дуо ўкуб юзини сийпади.

«Шайхулислом» ўёқ-буёқни қарагандан кейин чақирди:

— Мирзо Ҳамдам-ҳай, мирзо Ҳамдам-ҳай!

Кули кўтарилиди, айниқса, шайхулислом ёнида ўлтурган домлалар қаттиғ қулдилар.

Бу кипи асли чустлик бўлиб, шайхулислом ва янги содинған Ҳоким ойим мадрасасининг бош мударриси (муал.).

— Мирзо Ҳамдам-ҳай...

Бордоңдан Баҳром чиқди, ул ҳам муллаёна кийинган эди.

— Лаббай!

Баҳром «шайхулислом» қаршисиға келиб, салом берди. «Шайхулислом» жавоб бериб, жойнамоз ёниға ешкан кафшиға қаради.

— Ҳай, шу кафшимни бир пок қилинг, мирзо Ҳамдам, — «Мирзо Ҳамдам» тавозиъ билан чўнтағидан рўймолини олиб, кафшни арта бошлиди ва шу вақтда бордон ичидан, ул ҳам муллаёна кийимда мулла Баҳтиёр чиқиб келди; «шайхулислом» қаршисиға келиб, салом берди.

— Ваалайкум ассалом! — деди «шайхулислом» ва келгучининг антибошиға қараб олди. — Шинед, бачча, шинед!

Баҳтиёр ўлтурди.

— Ҳўш, писар, чи гап?

— Тақсир... сизга.. арзим бор эди... Подшоҳимиз янги мадраса бино қиранлар, деб илм талабида қишлоқдан тушкан эдим; бир ҳужра берсангиз, деб сизға арзға...

— Ҳўб, ҳўб... Шумо гужойи?¹

— Тақсир, Олтиариқдан...

— Аттанг, аттанг, — деди «шайхулислом», — барвақтроқ келмаб-сиз-да, бачча, акун² ҳамма ҳужраларга жой йўқ, муллабаччалар жойлашиб қолган.

— Муллаларнинг арасиға қўйсангиз ҳам бўлавурари менга, — деди тавозиъланиб Баҳтиёр. — Биз қишлоқ одами... сикилишсақ ҳам ётавурамиз, тақсир!

— Ҳўб, ҳўб... Акун ҳужраларимиз муллабаччалар минан беҳад тўлган, ҳолонки бир тариқ ҳам сифмайди, биз дуруғ сўзламаймиз, бошидон³...

Ҳақиқий шайхулислом масалага тушуниб тер чиқара бошлиди. Баҳтиёр (муллабачча) маъюс фотиҳа ўқуб «шайхулислом» ҳузуридан кетди. «Мирзо Ҳамдам» кафшни туфлаб, тозалаб бўлғандан кейин «шайхулислом»нинг қаршисиға ўлтурди. Нариги ёқдан «шайхулислом» рўбар-рўсига Давлат келиб тўхтади.

— Ассалому алайкум, тўра почча! — деди Давлат ва кафшини ешиб келиб, «шайхулислом» билан қўл олишиб кўришди. — Ҳўб саломат, оғият ҳастедми⁴, тақсир?

— Худоро шукур, Худоро шукур.

Давлат рухсат, фалон кутмай «шайхулислом»нинг ёниға ўлтуриб олди.

— Ба жаноб арз...

— Бисёр ҳўб, арз кунед⁵.

— Очик гов: бизга бир ҳужра берсалар, деб келдик-да, тўра почча!

— Ҳўб... Гужойи?

¹ Шумо гужойи — сиз қаерликсиз.

² Акун — (акнун) — энди.

³ Бошидон — ўргулай.

⁴ Оғият ҳастедми — тинчмисиз.

⁵ Жуда ҳам яхши, арзингизни айтинг.

- Тақсир, чустий, ба жаноби шумо ҳамشاҳрий¹.
- Яъни писари ки?
- Писари усто Мұхаммад собунгар.
- Хўб, хўб, — деди «шайхулислом» ва «мирзо Ҳамдам»га буюрди, — ба ҳамин одам як ҳужра додан гир²!

Давлат дуо қилиб «шайхулислом» ҳузуридан кетди. Қўқонлиқ муллабачча рўлида Бахтиёр келди. Унга яна. «Биз дуруғ сўзламаймиз, мадрасамизга бир тарик ҳам сифмайди», деган жавоб бериб жўнатилди. Давлат яна чустлик бир толиби илм бўлиб келган эди, «мирзо Ҳамдам» орқалик «додан гир!» буйруги берилиди. Қаттиғ кулаги кўтарилиди. Хон ва домла Ниёзнинг кўзларига ёшлар чиқди. Аммо шайхулислом дам-бадам мантглай терини артиб олар эди. Зокир-гов хонга қуллик қилиб, шогирдлари ёнига борди. Хон ва раъият янги қизиқлиқни кутиб қолдилар.

37. БИРИКИШ

Далв ойи³, қаттиғ қиш. Девоннинг ҳар икки хонасиға бир нечадан сандал қўйилган эди. Ҳар бир сандала тўрттадан мирзо жойлашиб, дафтар таҳрири, ёрлиғ иншоси билан машғул эдилар. Хон ҳузурига чақирилган Анвар ярим соат чамаси кечикиб чиқди. Анвар ўз хонасиға келиб киргандга, четдаги танчада Шаҳодат муфти бошлиқ мулла Абдураҳмон ва Калоншоҳ мирзолар нима тўғрисидадир, оҳиста-оҳиста сўзлашиб ўлтуар эдилар. Эшикда Анвар кўриниши билан уларнинг сұхбати кесилди ва ҳар ким ўз қўлидаги ишқа қаради.

- Эҳи, эҳи, — деб йўталини Шаҳодат муфти, — нима фармон бор, мирзо Анвар?
- Ҳеч гап, — деди Анвар ўз танчасига жойлашиб. — Ўш, Андижон ҳокимларига нома буюрилди... Сиз мулла Абдураҳмон ака, қўлингиз-дагини неча нусха тайёрладингиз?

Мулла Абдураҳмон ёнидаги қорозларни санади:

- Уч нусха.
- Яна бир нусха ёсангиз бас. Закотчи исмини қўймағандирсиз?
- Қўймадим.
- Жуда яхши, ўзим қўярман. Қўлингиздагини тезроқ ёзиб битирсангиз, яна бир иш бор, — деди Анвар ва Шаҳодат муфтига юз ўтириди. — Тақсир, сиздан бир илтимос; кечаги Абдушукур понсадга маҳзарни⁴ ўзингиз ёзиб бермасангиз бўлмайдирған кўринади. Боя менга яна учрашди; гулдур-гулдур қиласди, мақсадига ҳеч бир тушуналмадим. Чамаси, унинг даво кониятини сиз яхшироқ билар экансиз?
- Қўйинг шу бош оғригини, — деди муфти, — неча бора менга иши тушиб, бирав мартаба ҳақ берганини хотирламайман.

¹ Чустликман, сиз жанобларига ҳамшаҳарман.

² Шу одамга бир ҳужра бергин.

³ Далв ойи – 22 январ – 21 февраль.

⁴ Маҳзар – ариза.



- Ҳақ олиб беришкә мен кафил.
- Эй-ҳа, мен ололмағанни сиз олармидингиз?
- Ололмасам, сизге ўз ёнимдан тұлай, тақсир; ишқилиб, шунинг дағында мени күтқаринг-чи.

Шаҳодат муфти индамади. Анвар қороз олиб, бир нарса ёза бошлади. Шаҳодат муфти охистагина ёнидаги Абдураҳмонни туртиб қўйди ва Анварга ишорат қилиб, «ана аҳвол» дегандек илжайди. Яъни унинг ҳаракати «кўрдингми мирзобошини, қўлидан маҳзар ёзиш ҳам келмайди» мазмунида эди. Мулла Абдураҳмон оҳиста бош кўтариб кулимсиди. Бу гапдан хабардор бўлиб ўлтурган Калоншоҳ мирзо қўлини оғзиға карнай қилиб Анварга тўғрилади, яъни, жиртак чалди. Шу ҳолда эшиқдан Султонали мирзо кириб, Калоншоҳга тикилиб қолди...

— Маймунлик муборак!

Иш билан машғул Анвар қороздан бошини кўтариб, эшиқдаги Султонали мирзога қаради:

- Нима гап?
- Ҳеч гап, — деб кулди Султонали, аммо кўзида разаб ўти ёнар эди. — Мен бояги қорозга кирган эдим.

Анвар ёнидаги қорозлар ичидан бир ариза ажратди:

- Жавоб мен айтканча бўлсин.
- Хўб.

Султонали қорозни олиб чиқар экан, яна уларга қараб қўйди. Уларнинг учави жиiddий равишда ишга берилган, қороздан бош кўтармас эдилар. Султонали чиқиб кетди. Бироздан кейин Шаҳодат муфти сеқин бош кўтариб Анварга қаради. Анвар ўз ишига қаттиғ бояланған эди. Шаҳодат муфти Калоншоҳ билан кўз тўқнаштириб, «яхши бўлмади», деган хаби бош чайқади. Калоншоҳ аҳамиятсиз кўз қисди. Одатдагидан ҳам ранги ўчкан Абдураҳмон булатнинг ҳозирги им-ишоратига иштирок этмай, ўз ишига қараған эди.

Солиҳ маҳдумнинг ўша сўзи билан Абдураҳмон ишқа олинған эди. Уч ойдан бери Анвар қошида — ўз ҳузурида мирзолиқ қилиб келар ва иккинчи ойдан беш тиллолиқ моҳонага ҳам ёзилеман эди. Бир ойлар чамаси Анварга садоқат билан, унинг қаноти остиға киргандек ишлади. Бу орада Шаҳодат муфти ва Калоншоҳ мирзо кабилар билан сирдон бўлмаса ҳам танишди, яқинлашди. Бошда Шаҳодат муфтилар уни ётсенишиб унинг ёнида ҳар турлик гийбатларни қилишдан чўчиidlар. Чунки мулла Абдураҳмоннинг Анвар кишиси бўлиши таҳмин қилинған эди. Иккинчи ойдан моҳонага ёзилиши ҳам уларнинг ўз андишаларида янгишмаганлиқларини кўрсатди. Бироқ Абдураҳмоннинг баъзи ҳаракатлари, масалан, мирзо Анварнинг арабча, форсийча лафзлардан холи, содда таҳририни нусхаларга кўчирап экан — «аттаому било милҳи» (тузсиз ош), деб кулиб кўйиши муфтиларни ўйлатиб қўяр, бу таънани чин кўнгилдан чиққанига шубҳаланишни-да, шубҳаланмасни-да, билмас эдилар. Шундай фурсатларда «аламзада» муфтилар ҳам бирар латифа сўзлашкага тутунар, аксар, латифа мазмунини бир тарафка буриб юритар эдилар. Баъзан Шаҳодат муфти ишдан чарчаған каби оҳ тор-

тиб, ўзича «мутул-асаду филғабоби жуъан ва лаҳмут-тайри ютраҳу лил-килоб»¹, деса, иккинчи ёқдан Калоншоҳ мирзо шу мақолнинг давомини сўзлаб «ва хинизиру яному фил-фириш ва улул-уқули яному алат-туроб»², дерди. Мулла Абдураҳмон уларнинг кинояси мазмунига тушунибми ёки тушунмасданми — ҳаржолда бир илжайиб кўяр эди.

Шу йўсун иккинчи ойда бу икки муфти мулла Абдураҳмонни синаб вақт кечирдилар. Абдураҳмон ҳам ўзининг аксар сўз ва ҳаракатлари билан уларни шубҳадан чиқара борди, ниҳоят икки муфти учунчи ёш «олим»ни ҳам, гарчи бир «нодон» тарафидан келтирилган бўлса ҳам «қадршунос» деб билдилар ва учунчи ойдан уни ҳам, ўз ёnlариға олиб сирдон бўлишдилар. Бояғидек, «қозикона маҳзарлари» уларга дастмоя бўлди. Анвар ўзи вақт тополмай, бирар нарсани муфтиларга ҳавола қиласидирған бўлса, «мирзобошининг тиши ўтмади» деб кулишдилар. Мулла Абдураҳмон ҳам валинеъмати бўлған Анварнинг риоясини³ унтаёзди. Чунки мазкур икки муфтининг таъсирлари кучлик бўлиши устига, ўзи ҳам уларга мойил, ҳатто бу камситишлардан лаззат олғучи эди...

Анвар икки муфтининг фийбатларини яхши билса ҳам, Абдураҳмоннинг бу фийбатда иштироки борлигини сезмас эди. Фақат яқиндан бери Султонали мирзо Абдураҳмоннинг бунда иштироки борлиғига воқиф бўлди. Ҳатто шу тўғрида Анварга баъзи сўзларни ҳам айтди. «Мулла Абдураҳмондан нон емаймиз, сизга қарши қаттиғ қутурған икки итимиз бор эди, энди учунчисини ўзингиз келтирганга ўхшайсиз...»

Кечка томон мирзолар тарқалишдилар. Бироқ бизнинг муфтилар ҳануз қўзғалмас эдилар. Анвар эса ҳаммадан кейин чиққучи эди. Икки муфтининг қўзғалмаслиқларига ўзи сабабчи бўлғанлигини яхши билган Султонали мирзо Анвар билан хайрлашиб чиқди. Шундан бироз сўнг муфтилар ҳам кетишша чоғандилар.

Ҳаво совук, тўрт эллик чамаси қор ёғиб, кўча бетини ёпқан эди. Қўйконнинг ўзига маҳсус изририқ, бу қор билан яхши қуролланиб, кишининг қулоқ-тумшугини заҳар каби ялаб ўтар эди. Кишилар телпакни бостириб кийган ёки саллани қулоқ ва манглай аралаш ўраб, бўз гуппини тумшуқчача кўтарған эдилар. Кўча бўйлаб ҳар ким чолар, бир нарсадан қуруқ қоладиррандек югурап эди. Бу кунги совук билан қор ҳар кимга ҳам ғарчалиқ кафш инъом қилған, бой ва беклар оёридағи бедона, сағри қала кафшлар билан камбағал косиблар кийган утика⁴, айбаки⁵ кафшларнинг ўзаро фарқи қолмаган ва ҳатто баъзилар оёғидағи ёроч кафшлар ҳам ажойиб нағманавозлиқ қилар эдилар.

¹ Арслон чангалзорда очликдан жон берадир, аммо итни қуш гўшти билан бокадирлар (муал.).

² Тўғиғуз ҳузур қилиб тўшакда ухлайдир, оқиллар тупроқда етадирлар (муал.).

³ Риоя — ҳурмат, андиша.

⁴ Утика — бузоқ терисидан тайёрланган кўн.

⁵ Айбаки — мол терисидан ишланган сифатсиз тери.

38. ФАРИБ КҮНГЛИ

Анвар бошқалар каби югурмаса ҳам елиб келар эди. Хишткүпрукка етканда, катта сув ёнидағи хужра эшигида құсқы¹ пустунга үралыб түрған қоровул унинг олдига тушиб салом берди:

— Совуққа қотқан күринасиз, тақсир... Гулханимиз бор.

Анвар түмшүгини түнідан чиқариб илжайды ва тутун чиқиб түрған әшикка бурилди, қоровул олдинда келиб, әшикни очиб берди. Анвар ишқарига кирди. Тутун билан қоп-қорайған, пасткина қоронғи ҳужраның үртасида гулхан ёниб, алангаси түрига үрлар эди. Гулхан ёнида құліға касав тутқан Султонали мирзо олов жұнаштириб үлтуар эди.

— Сиз ҳам совуққа қотқанларданмисиз?! — деб кулади Анвар.

— Жон олов — жон эр, депти бир хотин... Гулхан үтлик йигитнинг иссиқ қучори эмиш. Қани, бу ёққа маржамат!

Қоровул ва Султонали мирзоларнинг қисташлари билан Анвар гулханнинг түрига, тұрт қатланиб солинган кийизга үлтуриб, құлни оловга тұтди.

— Үзингиз үлтурмайсизми, ака, үлтуринг!

Анварнинг бу сүзи билан адаб сақлаб түрған қоровул гулханнинг бир чеккасига чүқкалаб, гулхан ёнидағи қора құмғонни оловға тираброқ қўйди.

— Совуқ тузук бўлди, — деди Анвар исиниб. — Үрдадан чиқиб, үзингизни гулханга урибсиз-да?

— Қарасам уйга еткунча қотадирғанман, Тойир акамнинг туйнуғида тутун кўриб, әшикни очсан, иш катта. Хирадик бўлса ҳам кирдим, нима қилади... Бироқ, сизни Тойир акамнинг ўзи чақириб кирғанга ўхшайди, ҳали сизга чой дамлайман, деб овора бўлса ҳам эҳтимол...

Тойир ака құмғонни яна олов томонға итариб қўйди:

— Ҳозир дамлаймиз, тақсир, ҳозир. Сув ҳам қалқиб қолибдир, яхши кўқ чойимиз ҳам бор.

— Үзларингиз ичмасангиз, меним учун ҳожат эмас, мен ҳозир кетаман.

— Шу гулханни ташлаб, қаёққа?

— Уйга... Балки кишилар кутиб үлтурган чиқарлар.

— Шундай совуқда сизни ким кутсии, чойни дамлай беринг, Тойир ака, миразобошини юбормаймиз.

— Шундай бўлсин, тақсир... Ғарибларнинг чойидан ҳам бир ичиб қўйсиналар, — деди Тойир ака ва ўрнидан туриб бурчақдаги ёрилған тарағшадан бир қулоқни келтириб гулхан ёниға ташлади. Қайнаб тошқан құмғонни оловдан олиб, чой дамлади.

— Тойир акамнинг гулханини ташлаб кетиш бўлмайди, — деди Султонали, — бир-икки пиёла чойидан ҳам ичиш керак, бир-икки калима сұхбатини ҳам эшлиши керак.

Анвар илжайиб қўйди. Тойир ака қозиқдағи тутунни очиб тўрт-

Күсқы — жуладур, иски.



бешта ион, бир ҳовиҷ каттақўрғон магиз олиб, кичкина баркашчага солди. Баркашни Анвар олдига келтириб, узр айтди:

- Камбағалчилик, тақсир, олдингизга дастурхон ёзолмадик...
- Нима айби бор, — деди Анвар, — мен шундай қоронғи уйда гулхан ёнида ўлтуришни ва шу ҳолда чой ичишни жуда яхши кўраман.
- Бу ўлтуришнинг ўз олдига бир нашъаси бор, — деди Султонали.
- Бор... Шоирона, дарвешона бир маъноси бор. Мен ёш, ятим чоғим, опамнинг уйида шу ҳолни кўрар эдим. Язнам қашшоқ косиб эди. Қиши келди дегунча гулхан ёқар ва шу йўсун гулхан ёнида ўлтуриб чой ичар эдик. Шу гулхан ҳаёти ҳануз меним эсимдан чиқмайдир ва шу ҳаётка ҳамиша кўнгилда бир муҳаббат сақлайман.

Тойир ака Анварга сопол пиёлада чой узатди. Гулхан кейинги қаланган тарашалар билан аллангаланиб ёнди. Қоронғи ҳужра ёришиб, учкунлар билан зийнатлаанди.

- Бола-чақангиз борми, Тойир ака?
- Йўқ, тақсир... Шу ерда юртни дуо қилиб ётаман.
- Тойир акам ҳам сизга ўхшайди, — деб кулади Султонали. — Тўйни кўкламга қолдирғанингиз яхши бўлмади, қиши кунлари Тойир акамдек ёғиззлик...
- Чунки мен Тойир акам турмишини яхши кўраман... Дардисарнинг нима кераги бор-а, Тойир ака?

Тойир ака қўлида касав билан олов тўғрилар эди.

- Қурби еткан кишининг бола-чақа қилғани маъқул, тақсир.
- Нима учун?

Тойир ака олов жўнашдириб, бироз жавобсиз ўлтурди. Соқолмуртига учиб тушкан учқун кулларини селлиб ташлади.

- Худой фарзанд берса, қариган кунларингизда ишингизга ярайди, — деб қўйди Тойир ака, яна бироз олов тўғрилаб турди. — Менда ҳеч ким йўқ... Ёшим эллидан ошқан, тақсир... Ҳозир куч-куват бор, бир нарса топиб бўлади... Бир вақт келар, куч кетар, шунда менга ким қарайди, тақсир? Иссиқ жон, мен оғриб ётарман. бир қошиқ сувға муҳтож бўларман... Шунда сувни менга ким беради, тақсир? Ўлим ҳак, ажал етиб амонатни олса, кўзим юмилса, бир чеккада ўлиб қолганимни ким билади, тақсир?.. Кишининг бола-чақаси бўғандада шундай гаплар йўқми, деб ўйлайман-да.

— Тўғри гап, — деди Султонали, — дарҳақиқат, киши қандай кунларга қолишини билмайди. Тойир акам айтканча, бола-чақа бўлса, бироз кўнгил тўқи-да.

Анвар бироз сўёзсиз, ўйланниб турди, қўлидаги пиёласини бўшатиб, Тойир акага узатти.

- Уйлантириб қўяйлиқми сизни?
- Тойир ака миннатдор оҳангда кулади.
- Э, жонингдан, тақсир, — деди, — энди бўлмайди.
- Нега бўлмайди?
- Соқолға қаранг, ўлим иси келади...
- Бўлмаған гап... Сиз биздан ҳам ёш кўринасиз.

— Күнгил қарыған тақсир, күнгил, — деди Тойир ака, құлинни күкрагига тегизиб олди. — Энди күнгил ҳеч нарса ҳам тиламайды, факт тинчлиқ тилайди... Тинчлиқ қачон бўлади, унисини билмаймиз-да.

Сўэни яна айлантиришкага йўл қолмади. Анвар ер остидан Султоналига кўз юборди. Султонали маънолик бош иргатиб қўйди. Тойир ака ўз олдидаи ёниб ўчкан хокаларни кулдан ажратиб, тулханга ташлар эди. Бояги шиддати йўқолған гулхан нафис кўк тутун чиқариб оҳистагина чайқалиб ёнар эди. Куллар кўкка учар, чўғлар кулга ботар, чалалар чўққа айланар эдилар... Учави ҳам сўз қўйишқандек анча вақт гулханнинг шу ҳолини таъкиб этдилар.

39. БИШУЙ, ЭЙ ХИРАДМАНД...

— Муфтиларингиз меним орқамдан жўнаған бўлсалар керак, мирзо Анвар?

Хаёли бошқа нарсада бўлған Анвар Султоналиниңг сўзига тушубнибми, эмасми, ҳар начук бош иргатиб қўйди.

— Мен сиз билан хайрлашиб кўчага чиқсан, «дўстингиз» Мулла Абдураҳмон уларни кутиб турған экан. Чамаси кундузги «сұҳбат»нинг мобаъди¹ бўлса керак?!

Анвар хаёли билан видоълашқандек, тилар-тиламас Султоналига юз ўгиради.

— Қандай сұҳбатнинг?

— Сұҳбатнинг эмас, ғийбатнинг.

Анвар кулди:

— Сиз мулла Абдураҳмон домлани кўралмай қолдингиз.

— Масала кўралмаслиқда эмас, унинг нолойиқ ҳаракатида, дўст кўриниб душманлик кўчасига киришида.

— Биз унинг чин кўнглини билишдан ожизмиз.

— Ҳарҳолда бу калтакесак бизга дўст эмас.

— Хўш? — деб кулди Анвар.

— Муфтilar бизга дўстми, душманми?

— Балки душмандирлар, лекин биз уларга душман эмасмиз.

— Бали! — деди Султонали мирзо. — Башарти бизнинг ёрдамимизда ишлак бўлған бир одам, эрта-кеч бизнинг душманимиз ҳисобланған кишилар билан ҳамсұҳбат бўлса, ориз-бурун ўпишса, биз унга қандай баҳо беришимиз керак? Бундай одамни биз очиқдан-очиқ душман ёки аҳмоқ деймиз. Аммо мулла Абдураҳмон аҳмоқ эмас, кўб иш кўрган туллак! Энди фақат унинг душманлик тарафи қолди, ҳам бу аник. Меним ҳукмимга қаноат қилмасангиз, ҳикматка қаранг. Шайх Саъдий:

«Бишуй, эй хирадман, аз он дўст даст,

Ки бо душманонат бувад ҳамнашаст»², —

дейдирлар...

¹ Мобаъд — давоми.

² «Бишуй, эй хирадман, аз он дўст даст,

Ки бо душманонат бувад ҳамнашаст». (Саъдий.)

(Эй ҳушёр киши! Душманларинг билан бирга ўлтуришкан — ҳамсұҳбат бўлган дўстингдан кўл ковил (муал.)

- Мен мулла Абдураҳмонни яхши киши, деб ўйлайманми?
- Ўйламайсиз, бироқ унинг ўзига яраша муомала қилмайсиз, шу билан бирга анови муттаҳамларни ҳам ҳаддидан оширасиз!
- Анвар баркашдаги магиздан бир-икки дона олиб қўлида ушлади.
- Сизнингча, улар билан қандай муомала қилишимиз керак?
- Мулла Абдураҳмонни ўрдадан жўнатиш керак; тинчкина имом ва хатиблигини қилсин. Муфтиларга ҳам қозихонадан бирар вазифа топилиб қолар.

Анвар бош тебратиб кулди. Тойир ака гулханга ўтун қалаб шом учун жойнамоз ёэди. Султонали мирзо имом бўлиб, уч киши шомга турдилар. Шомни ўқуб гулхан ёнига ўлтуруар экан. Султонали сўради:

- Еки уларни ўрдадан жўнатиш осон эмасми?
- Осон, бироқ осон ишда лаззат йўқ, — деб кулди Анвар. — Сизнинг шу гапингиз билан бир киши ёдимга тушди: ўзи мулла Абдураҳмоннинг қавмларидан бўлған оқ, кўнгилли содда бир киши бор. Оти... ха, оти Сафарбой, касби бўзчилик. Ўткан кун ўрдадан қайтиб борсам, шу киши уйда мени кутиб ўлтурибdir. Хўш, келинг, Сафар ака? — Куйган-пишкан, менга «арз» қилди: мулла Абдураҳмоннинг бир дўстидан эшиткан эмиш, гўё мулла Абдураҳмон биравга «Мирзо Анварнинг тегига яқинда сув келади» деган эмиш... «Бу нима деган гап, мирзо, нега сизнинг тегингизга сув келади?» — деб сўрайди. Мен кулдим... «Ҳозирча тегим қуруқ, башарти тегимга сув келса, бўзчиликни ўргатасизми?» — деб сўрадим. Саволимга жавоб бермайди, фақат сизнинг сўзингизни айтиб: «Имомимиз фисқи-фасод, бундай кишини ҳайдаганингиз маъ-кул», — дейди. Сизга ёқадирган сўзни айтдимми, Султонали ака?!

— Бу киши сизга чин дўст экан, — деди Султонали жиддий. — Мен ўз фикримда янглашмасман. Бу калтакесак юткан чаённинг юрагида, Худой билсин, сизга қарши катта адоват бор.

- Шу чоқдacha олов кавлаб жим ўлтурган Тойир ака сўзга қотишли:
- Сафар, елкаси чиққан, жиккак йигит эмасми, тақсир?
- Бали, бали.
- У меним ошнам бўлади. Эҳей; у билан биз ҳар ёз бирга мардикор ишлар эдик; ўзи ўбдан яхши йигит.
- Вассалом, — деди Султонали мирзо. — Бас, Абдураҳмон ҳам адоватда муфтилардан қолишмайдир. Шунча яхшилиқни билмаган киши...
- Яхшилиқ қил, дарёға ташла; балиқ билмаса, Холик¹ билур, деганлар. Фузулий: «Даҳр² бир бозор-дир, ҳар ким матоъин арз здар» деб жуда тўғри сўзлайдир. Шунга ўхшаш биз ҳам, ўзимизда бўлған матоъни бозорга соламиз, улар ҳам бисотларини кавлаб шундан бошқасини тополмайдирлар.

¹ Холик — Яратувчи, Худо.

² Даҳр — дуне, олам.

— Бу шундай, мирзо Анвар, аммо ўзингизни душмандан мудофаа қилиш керакми, йўқми?

— Мен нимани душмандан мудофаа қилай? — деб кулди Анвар. — Агар уларнинг адовати мендан бош муншийликни олиш учун бўлса, марҳамат қилсинлар, ҳатто ўзим уларга ёрдам ҳам берай. Тўғри, сиз уларнинг номуссизона ҳаракатларидан қизишасиз, аччиғланасиз. Менчи, мен ҳам бир инсон, кўқдан тушкан фаришта эмасман; ўз устимдаги гийбатлардан, ҳайвонча қилиқлардан, иззати нафсимга тўқинган ҳаракатлардан аччиғланаман. Сиз айтканча, уларни ўрдадан ҳайлап мулоҳазаларигача бориб етаман. Бироқ, баъзи андишалар мени тўхтатиб қўядир Аввало, улар билан тенглашиб меним учун камчилик кўринадир; иккинчи, уларни девондан ҳайдаш тўғрисиға келганда яна андишалар бор: башарти муфтиларни девондан чиқарсан, халқ нима дейди, беш кун амалга миниб, ўтгуз йиллиқ мирзоларни қадр қилмади, демайдими? Агар улар тинчкина чиқиб кетса-ку, яхши, билъакс, хон ва шоговул домлалар воситасида яна кириб олса, мен нима деган одам бўламан? Бу ҳолда бир адоват устига юз адоват замланишида шубҳа йўқ. Энди мулла Абдураҳмон тўғрисида: бошда мен бу кишини ўрдага олишга қарши бўлиб, биринчи кўришимдаёқ бу мулладан яхшилик кутмаган эдим. Бироқ, сизга айтканимча, ўртада нозик бир киши восита бўлди, шундан кейин ноилож хизматка олишقا мажбурият туғулади. Мулла Абдураҳмон ифлослар қаторига ўткан экан, иши осон, жўнатиб юбориш қўлимиздан келади. Ва лекин, фикримча, уни ҳам жўнатиш маслаҳат эмас. Аввало хизматка олмаслиқ керак эди; олиғач, уч ой утмасдан жўнатиш.. Жуда оғир; агар ифлос бўлса унинг табиъати, биз ўзгарта олмаймиз, ҳар ким тилаган ошини ичадир.

Султонали мирзо муфтилар тўғрисида бир нарса деялмаса ҳам, Абдураҳмонни жўнатилиға исрор этди¹.

— Ҳуб, муфтилар қолсин, яна бир неча кун сасишин. Бироқ, Абдураҳмонни тўхтатманг, агар сиз шу чувалчангнинг баҳридан ўтсангиз, ҳамроҳларига катта ибрат кўрсаткан бўласиз.

Анвар кулиб қўйди.

— Сиз меним дўстимга қаттиғ тикилдингиз...

— Тикилишка — тикилдим, — деди Султонали мирзо жиддий, — сиз лоақал шуни ҳам жўнатмасангиз, мен кетаман Муфтиларнинг афтини кўриб қийналар эдим. Энди бу учунчи ифлоснинг юзига қарашка тоқатим қолмади!

Султонали жиддийлашкан эди, Анвар яна қарши боришни мувофиқ кўрмади.

— Ҳуб, — деди, — сиз шуни маслаҳат кўрсангиз, жўнатайлик.

— Бали! — деди Султонали. — Сиздан яна бир талаф эртадан бошлиб мени ўз ҳузурингизга олинг, токи муфтилар эртадан кечкача гийбат сўзлаб, маймун бўлиб вақт кечирмасинлар.

— Бу ҳам осон, — деб кулди Анвар, — улар мен йўқ вақтдан фойдаланиб, юрак бўшатар эдилар. Энди бундан ҳам бечораларни маҳрум этмакчисиз; бу қадар зулм...

Султонали яна кулмади:

— Қилғанга қиласиз-да.

Шундан кейин кетишкага чорландилар. Анвар қўзгалар экан, ёнчиидан бир тилло олиб, Тойир акага узатти. Тойир ака билибми, билмасданми, ҳарҳолда тиллони қўлига олғандан сўнг, яна тез қайтариб берди:

— Уят, уят бўлади.

— Бу пул ўзимга, деб ўйламанг, деди Анвар Тойир аканинг қўлини итариб, — сиз бу пулга ўтун, магиз, ортиб қолса чой оласиз. Султонали акам билан келганимизда гулхани бундан ҳам катта қилиб берасиз.

— Сизлар келсаларинг ҳаммасиям ўзимиёндан топилади.

Анвар пулни олмади. Тойир ака маслаҳат сўрағандек Султоналига қаради. Султонали дуо қилиб, олинг, деган каби ишорат қилди. Тойир аканинг дуосидан кейин чиқдилар.

40. АЛДАШ УЧУН БОЛА ЯХШИ

Бир неча кунлардан бери Сафар бўзчи хурсанд эди. Мулла Абдураҳмоннинг хизматдан чиқишига ўзим сабаб бўлдим, деб ўйлар; ўз сўзи билан мулла Абдураҳмон каби бир кишининг сувға тушкан нондек шилқиллаб қолишига: «Кўрпангта қараб оёғ узат, муллавачча!» — деб ўзича кулиб қўяр эди. Кеча Самад бўқоқни кўчада учратиб, пи-чинг отди: «Мирзабошимнинг тегига сув кетипти-я, гапингни тўғри чиқишига қара, Самад?» — деди. Чунки Анварга бориб айткан хабарни шу Самад бўқоқдан эшиткан эди. Самад бўқоқ унинг бу пичингидан қизарди: «Қулоғимға янгиш кирган экан-да, абраҳ!» — деб гапни кулгуликка бурди Сафар бўзчи ҳам «пайрав» қилди. «Бир қўчқорнинг боши кеткунча, минглаб қўйнинг боши кесилар эмиш, деб айт домлангфа!» — деди. Самад бўқоқ индамади.

Сафар бўзчи мулла Абдураҳмоннинг хизматдан бўшатилғанини эшиткандан бери «Мирзамни бир кўрсам» деб Анварнинг олдиға боришка чоғланиб қолди. Бироқ, дастгоҳ, ёнидан қўзғалишқа ишни қизғанди. Бу кун иш тўқур экан, ўзича қарор берди: «Бу кун чоршанба, эрта панжшанба... жумъя кун мен ҳам бўш, мирзам ҳам бўш. Ҳа, индин борғаним маъқул.

Шомдан бироз илгарироқ Сафар ака ишдан чиқди Куннинг совуклигига ҳам қарамай музлаган совук, сувда таҳорат қилди, нари-бери бўз салласини чулғаб, масжидга югурди. Ул жиловхонадан кирганда, масжиднинг тўрдаги хужрасидан мулла Шаҳодат муфти, Калоншоҳ мирзо ва мулла Абдураҳмонлар намозга чиқиб келар эдилар. Сафар бўзчи ҳар икки муфтининг ҳам ўрдада туришларини яхши билар эди. Мулла Абдураҳмонни ўрдага яна оладиган бўлибдирларми, деб ўйлади

ва уч уламо келиб масжидга киргунларича адаб сақлаб, масжидинг бўсағасида қўл боелаб турди. Улар келиб масжидга кирап экан, мулла Абдураҳмон кўзининг пахтасини чиқариб, Сафар бўзчиға қараб ўтди, улар орқасидан Сафар бўзчи ҳам хонақоҳға кирди. Аммо ҳалиги қарашдан сўнг Сафар бўзчининг бошидан: «Бу муллалар ҳам домламдек ўрдадан ҳайдалгандармикин? Мирзамнинг гийбатига йигилишқанлармикин?» – деган бир фикр ўтиб кетди.

Сўфи такбир тушурди, мулла Абдураҳмон меҳробка ўтди, муфти ва бошқалар унга иқтидо қилдилар. Ином қироатда, Сафар бўзчи сомиълик¹ ўриға – «манови кетман соқолнинг афти хунук, ўтгасининг авзойи бузук, домламнинг бўлса гурраги бола очкан... Учави ҳам аламзода бўлсами? Домламнинг кўнглини кўтаргали келганлардир, ёки мирзам билан икки орани битиштирмакчиларми?.. Мирзамнинг битишмагани маъқул, икки оғиз гап учун ҳанузгача кек сақлаған домла...» – деб ўйлар эди. Шу йўсун васвасаланиб шом намозини қандай ўқутанини ўзи ҳам билмади, аммо ётиб туришдан эринмади. Фотиҳадан сўнг жамоат тарқала бошлади. Беш-олти киши, жумладан, Сафар бўзчи ҳам адаб сақлаб, домлалар масжиддан чиққунча қўзғалишмадилар. Улар чиқиб кеткандан сўнг сўфи шамъни ўчирди, бошқалар масжиддан тарқадилар. Сафар бўзчи саҳнга тушиб ҳужрага қаради; ҳужра даричасидан шамъ ёруқлиги тушар, ичкаридан қўлида куроқ дастурхон ушлаган, ўн бир-ўн икки ёшлиқ бир бола чиқиб келар эди.

Сафар бўзчи жиловхонага ўтиб тўхтади. Ҳужрадан келган бола ўз ёнига еткач, болани олдинга ўткариб, унинг орқасидан кўчага чиқди. Бола кўчанинг ўнг томонига қараб кетди. Сафар аканинг ҳавлиси кўчанинг чапида эди, лекин ул ўз ҳавлиси томонга юрмаи, шу бола орқасидан борди.

– Ҳой, Шукур сўфининг ўғли!

Шукур сўфининг ўғли – бола, йўл устида тўхтади. Сафар бўзчи унинг ёнига етиб олди.

– Қани юравур, сенинг отинг Маматқул-а?

– Ҳа.

– Маматқул... Сен бизнинг Асқарбойни танийсанми?

Бола ажаблангансумон Сафар бўзчиға қараб олди.

– Асқар мени ўртоғим-да, шу топқача билмайсиз экан-да!

– Ҳа, ҳа... ўзинг ҳам яхши йигит кўринасан... Масжида нима қилиб юрган эдинг?

– Ином поччамнинг ҳужраларида чай қўйиб бердим. Катта домлалар меҳмон бўб кепти.

– Ҳа, ҳа... Энди қаёққа борасан?

– Ином поччамнинг уйларидан ош об келаман-да.

– Туппа-тузук дасёр бўлиб қопсан-да. Ош олиб келганингдан кейин таргин чой қўйиб берарсан ҳали?

– Ҳа, қўйиб бераман. Домла поччалар жўнагунча хизмат қилиб турман.

— Ҳа, ҳа... Катта домлалар қачон келишди экан?
— Дадам азонаға чиққанда келишди-да, қўйиб берган чайимни шу тоғта ичишашяпти.

Сафар бўзчи ўн қадамча сўзсиз борди.

— Узинг кўб яхши боласан-да, Маматқул, домла поччаларинг нима дейишияпти?

— Ҳали гапуришканлари йўқ-да.

— Маматқул-чи, шу домла поччаларнинг сўзига яхши қулоқ солиб, тиғнаб оған киши бемалол жаннатка кириб кетавурари-да... Сен ҳам уларнинг сўзини тиғнаб оласанми?

— Ҳа, тиғнаб оламан. Дадам савоб бўлади, деяпти.

— Бали, Маматқул, жуда яхши тиғнаб ол-да... Агар сен шу домла поччаларнинг сўзини яхши тиғнаб, улар жўнағандан кейин менга бориб сўзлаб берсанг-чи, Маматқул, мен сенга ўн пул бераман-да.

Маматқул тушуналмаслик ичида Сафар бўзчиға қаради:

— Чин айтаяпсизми, Сафар aka?

— Ёғрони йўқ-да, Маматқул, — деди Сафар бўзчи ва бўз яхтагининг чўнтағини силкитиб жарақлатди. — Кўраяпсанми чақаларни... Агар уларнинг гапини тиғнаб менга сўзласанг-чи, ўн пулни олавурасан-да, Маматқул.

— Тунда сизнинг олдингизга борғани қўрқаманда.

— Нимадан қўрқасан, Маматқул? Асқар ўртоғинг кечаси ҳам қўрқмасдан юравурди.

— Мен итдан қўрқаман-да.

— Бизнинг кўчада ит йўқ-ку, тентак, қўрқсанг эта-метан бор. Агар имом поччанг энди кетавур деса-чи, Маматқул, хўб, деб ҳужрадан чиқ-да, ҳеч кимга билдирамай, дарчанинг тегидан гапни эшит, ҳами?

Маматқул нима учундир илжайиб қўйди ва маъқул деган каби бош иргатди.

— Қўрқмасанг, улар жўнағандан кейин бизникига бор, мен дўконда иш тўқуб ўлтураман; ўн пулни олиб келавурасан-да, сендан нима кетди, Маматқул...

— Тузук.

Бола шу сўзни айтиб кичкина, тор кўчага бурулди. Сафар бўзчи боланинг орқасидан бироз қараб турғандан сўнг, орқасига қайтди. Сафар бўзчи болара берган ўзининг бу ваколати билан келаси кун миrzобoshinинг олдига яна бир гап топиб бормоқчи эди. Унинг фикрича, эҳтимолки, кейинги домла поччалар ҳам ўрдадан ҳайдалишқа лойик, миrzoboshiга душман бўлиб чиқар эдилар. Шу хаёллар билан келиб, уйига кирди. Эрини кута-кута қозондаги тупласи аталага айланган Тўхтабиби Сафар бўзчини койиб қарши олди.

41. ЧАҚАНГИЗ СИЙҚА ЭМАСМИ?

Ул аксар шом ва эрталабки намозларнигина масжидда ўқуб, қолғанларини уйида адо қилас, пешин, аср, хуфтанларга вақт тополмас эди. Аммо бу кеч жўртта хуфтангча чиқмади. Яъни Маматқул ўн пул



учун шошиб, топқан ғапини кишилар орасида сўзлаб берса эҳтимол эди. Ошдан сўнг ишхонасига чиқди Дастиғоҳ, ёнидағи қора чароғни ёқиб ўришдаги узукларни улади, аймашқан ипларни ешди, чигилларни ёзиб тароғлади, оғзи билан охор буркиб, яна таради ва энг сўнг қурутиш учун ўришни елиди. Ўриш тўқишика росгланғандан кейин, эски тўпидаги найчага солинган ипларни (арқоқни) олиб, дастгоҳка тушти, тиф ва гулани орқага сурин моккини ростлади.

Қора чароғ аранг-аранг дастгоҳни ёритар, елкаси ташқариға туртиб, кўкраги ичка ботқан Сафар бўзчи, гўё дастгоҳка қуюлиб қўйғандек кўринар эди. Тепки босищдан ғич-ғич қилган нағма эшишилар ва бу нағма оҳангига ўйнағучи мокки у ёқ-бу ёққа ўтиб турар, лаҳза сайин арқоқ-ўриш бирлашиб, тўрт эллик бўз ҳосил қилар эди. Сафар бўзчининг бир кечлик ишига бир охор мўлжал бўлиб, қора чароғнинг мойи ҳам соат вазифасини ўтар, яъни қора чароққа тўлдирилған мой ҳар кун бир охорга етиб битар эди.

Сафар бўзчи новорт ёғочини ўраб, оҳорлиқ тандага – ўришка мўралади ва нос отиб, кўча томонға қулоқ солди. Чунки ул ҳануз Маматқулнинг келишидан умиқдор эди. Бир оз қулоқ солиб турғандан кейин, моккига янги найча жойлаб, яна ишқа уринди. Ичкарида чарх тоблаб найча солиш билан машғул Тўхтабиби кўйлак енгини иплик ўришчалар билан тўлдириб чиқди. Гап-сўзсиз, ўришчаларни эски тўппига ағдариб, бўшалған найчаларни йиғиб олди.

– Оёғим совуқ қотти, оловнинг иложини қил-чи.

– Ўт ёқиб берайми?

– Ҳа, бали, уч-тўртта тарашани кертиб кирсанг бўлади.

Тўхтабиби чиқиб кетди. Сафар aka асабийланғандек тез-тез тепки босиб ишқа қаради. Мокки тўхтовсиз икки ёққа салчиб турди. Ўн дақиқа чамаси шу ҳолда иш қизғин давом эткандан кейин, бирдан мокки тўхтади, Сафар бўзчи ташқариға қулоқ солиб қолди. Кўча эшик «Рийқ» этиб очилиб, йўлақдан кичкина оёқ товши келди. Сафар бўзчи моккиси қўлида ўзича илжайди, яна бир-икки оёқ босқандан кейин, дўйконхона эшиги очилди.

– Бали, Маматқулим, бали... Эшикни ёп, эшикни!

Маматқул эшикни ёдди ва икки қўлинни оғзига кўтариб исинди.

– Совуқ қотдингми, Маматқул? Ҳозир олов ёқамиз, ҳозир... Боядан бери Маматқул келади, деб ўн пулни сақлаб ўлтурибпан-да.

Шу пайтда эшик қияғина очилиб, яна ёпилди.

– Киравур, Тўхта, киравур: ўзингнинг Маматқулинг-ку.

Тараша кўтариби Тўхтабиби кирди ва Маматқулга қаради.

– Маматқулмидинг, – деди Тўхтабиби. – Бемаҳалда нима қилиб юрибсан, болам? Энанг эсон-сор юриптими?

Маматқул Тўхтабибининг сўзига бош ирғатиб, Сафар бўзчиға қаради...

– Маматқулнинг менда иши бор, холаси. Оловни тезроқ ёқ, Маматқул совуқ қотипти...

Тұхтабиби үтунни гулхан үрнің ташлаб, құлидағи қовғасини қора чароққа тутиб ёндири ді ва бориб үтунни ёқди.

— Уларни жүннатиб келдінгімі, үглім Маматқул?.. Бали, бали. Ёнларингра яна бошқа киши ҳам келдіми?

— Йўқ.

— Ҳа, ҳа... Имом поччанг сенга кетавур демапти-да?

— Мен тағын иккі қайта чай қўйиб бердим-ку: мен кетсам уларга ким чай қўйиб берарди. Мен чайни қўйиб, гапни тигнаб ўлтурдим.

— Бали, бали, — деди Сафар кулиб ва хотиниң қараб қўйди. — Йигит деганинг ана шундай бўлсин-да, бизнинг Асқарбойлар ҳам «йигит»да. Қани. Маматқул, гулханнинг ёниға борайлиқ-чи, исиниб гапиришшамиз-да.

Иккиси гуруллаб ёнған олов ёниға чўнқайдилар. Сафар ака оёрини кафишидан чиқариб оловга тутди.

— Асқарбой ухлаб қоғанми, дейман, хола?

— Ухлаб қоған, — деди Тұхтабиби ва бориб дасттоҳ ёнидағи бўшаган наичаларни йигиб олди. — Шуларни тўлдириб берсам, бу кечага етар?

— Тўлдиравур-чи, кўрамиз-да.

Тұхтабиби дўконхонадан чиқди. Сафар бўзчи Маматқулға қараб илжайди. Маматқул ҳам ўз навбатида илжайиб, Сафар бўзчининг чақалиқ чўнтағига кўз ташлади ва нима учундир энтикиб қўйди.

— Хўш, Маматқул охун?

Маматқул ўйлаб иккиланди:

— Китоб... китоб сўзини айтишмади-да, ҳа... Катта домлам Курғандаги¹ ижжани² ўқуған эди, мен...

Сафар бўзчи боланинг андишасига тушуниб кулади:

— Сен уқуб ололмадингми, аттанг. Майли, уқуб олванингни айта бер.

Маматқул енгилланиш нафаси ютди, кўзини беихтиёр Сафар бўзчининг чўнтағига тиқди.

— Китоб сўзи бўмаса ҳам чақани беравурасизми, Сафар ака?

Сафар бўзчи кулагидан ўзини тўхтата олмади, чўнтағидан чақаларни чиқариб қўлиға олди:

— Беравураман-да. Кўраяпсанми?.. Шундан ўнови сеники.

— Имом поччам, — деди Маматқул кўзини чақадан ололмагани ҳолда, — имом поччам ўзи ўрадага миrzабoshi бўған экан-да... Ўша хат битадуған жайда мулла эмас бир киши катта бўб қоған экан... Ўша мулла эмас хоми киши имом поччамни хат битишкага тозаси экан, деб миrzахонадан чиқарған экан-да... Али миrzо деган киши имом поччамни унга ёмонлапти...

Сафар бўзчи Маматқулнинг сўзини бўлди:

— Кимга ёмонлапти?

— Ўша мулла эмас хоми кишига ёмонлаптида... Шуннан кейин

¹ Курған – Куръон.

² Илжа – хижжа.



имом поччамни чиқарыпти. Энди катта домламларни ҳам ўрдадан чиқарсам, деб юрған экан. Ўзи жуда ёмон киши экан-да... Катта домламлар буни нима қиласыз энди, деб имом поччамнинг олдига келишипти экан-да, — деди Маматқул ва бир неча фурсат Сафар бўэчининг қўлидаги чақага қараб турди. — Чакангиз сийقا эмасми, Сафар ака? — деб сўради.

Сафар ака кулди, чақадан бештасини ажратиб Маматқулга узатти.

— Мана, ўзинг кўр-чи.

Маматқул чақани олиб, у ёқ-бу ёғини текшириди:

— Мухри бутун экан. Бир пулга ўн пайса ҳолва берармикин, Сафар ака?

— Нега бермасин. Чақани чўнтағингта солиб қўй, қолғанини сўзлаб бўранингдан кейин оласан. Катта домлалар кенгашка келган эканлар, дегин?

— Ҳа... Чақами белборимга тутсам тушиб қолмасмикин?

— Ҳозир тутма, мандан яна беш пулни олғанингдан кейин, қўшиб тутарсан.

Маматқул қўлидаги пуани жарақлатиб ўйнади ва шунинг орқасидан ижирғаниб шикоятланди:

— Оғим ивишиб қоған.

— Чўнқайиб ўлтурма.

Маматқул ўлтуриб олғандан кейин, яна ижирғанди:

— Игна санчаяпти?

— Қулоқ солма, сўзлай бер, ҳозир ўзи тузалиб қолади.

— А, шундайми, — деди Маматқул маҳсисини силаб. — Сизники ҳам ашундақа бўладими, Сафар ака?.. Катта домлам соқолини тутамлаб, ўшани янди, тузоққа тушар, деди. Имом поччам ўйлаб ўлтурди, ундан кейин... Санчяпти-ку, Сафар ака?

— Ҳозир тузаласан, хўш?

— Ундан кейин... Сизларга маъқул бўлса, бир гап хотиримга келади, деди. Ўша кўклам чиқса уйланади, деди...

Сафар бўзчи Маматқулни тўхтатиб сўради:

— Ўша ким, ўша?

— Ўша-да, мулла эмас, синглиталоқ-да... Ўзингиз ҳам сурай берайди экансиз-да!.. Оладуган хотини чиройлик, деб эшиштаман, деди. Бу ҳам бир гап-да, шу қизни хонға тўғриласақ бўладимикан, деди. Катта домлалар маъқул дейишди. Ҳай-ҳай дейишди... Шу ерда Маматқул бироз ўйлаб қолди, — бунинг давоси гулчин бўлади, дейишди.

Сафар бўзчи кейинги сўзни такрорлади:

— Гулчин бўлади, дейишди?

Маматқулнинг ўзи ҳам бу тўғрида иккисигандек бўлди.

— Мен яхши пайқамадим-да: давоси гулчин бўлади, дейишди... гулчай... йўқ.

— Ундан кейин?

— Шу, бўлди.

— Бари?

— Бари шу... Мен ташқарига чай қўйғани чиққанимда гап тифнамадим-да.

— Маъқул, маъқул, — деди Сафар бўзчи, — ундан кейин улар кетдиларми?

— Кетдилар. Имом поччам энди уйингга бор, деди менга... Чақани берсангиз қўшиб тутар эдим.

Сафар бўзчи кулиб, қўлидағи чақадан яна беш пулни узатди.

— Мендан ўн пул олганингни ҳар кимга сўзлаб юрма, тузукми? Ҳа, ундан кейин бу гапни ҳеч кимга айтма, домлаларингнинг сўзи савобсиз гаплар экан... Уйингга ёлғиз кеткали қўрқмайсанми?

Маматқул бироз ўлланиб, белидаги чақа тугунини қўли билан ушлади. Сафар аканинг «қўрқмайсанми» саволига жавоб бермай, бориб эшикни очди ва юргурганча чиқиб кетди.

42. ҚУВ ОДАМ ЭКАН

Сафар бўзчи дарбозадан кирганда, ичкаридан ясамол бир хотин чиқиб қолди. Мундай яхши кийинган ва ҳусндор хотинни ул ўз умрида биринчи мартаба кўргани учун бўлса керак, хотин яшириниб олгунча ундан кўзини олмай қаради. Таажжуб ва ҳайрат ичида келиб меҳмонхонага кирди. Меҳмонхонада Анвар йўқ, Анвар ўриида бегона бир киши — Султонали мирзо ўлтурар эди. Сафар бўзчи салом берди. Султонали мирзо жавоб бериб, ўлтурган жойидан Сафар бўзчига жой кўрсатди. Сафар бўзчи бироз сўzsиз ўлтурғандан кейин, «мирзасини» сўради. Султонали мирзо, Анварнинг беклардан бириникига бир зарур иш билан кетканлигини ва бироздан сўнг келишини сўзлаб, ундан мирзода қандай юмиши борлигини савол қилди.

— Юмиш-ку, йўқ, тақсир, — деди Сафар. — Биз бир холис дуогўй одам... Мирзамни бир зиёрат қиласай, деб келган эдим.

Султонали Сафар бўзчини бир нарсанинг тамаъида юрган киши, деб ўлади. Чунки Анварнинг қўли очиқлигини, унга кўб ҳожатмандларнинг ўрганиб қолғанлиқларини яхши билар эди. Аммо Сафар бўзчи Султоналининг силлиқ муомаласидан хурсанд бўлиб, унга қарши ўзида дўстлик сезди. Бироз жим ўлтурғандан кейин Сафар яна тилга келди:

— Барака топсин мирзам одамжон-да, одамжон; биздек фақирлар билан ҳам оғайни, сизлар билан ҳам шундай, барча баробар.

Бу сўз Султонали мирзонинг бояги фикрига қарши сўзланғандек тушди. Сафар бўзчининг мирзо билан оғайнилиқ даъвоси уни таажжубга солди.

Шундай, шундай... Мирзо, сиз айтканча, барчага баробар йигит, — деди Султонали — Нима касб қиласиз?

— Бўзчилик, тақсир. Лекин мирзам, сен бўзчисан, деб биздан ҳазар қилмайди, биз шунисига адо-да, тақсир... Бўлмаса гузаримизнинг оқсоқоли ҳам икки оғиз гапимизга қулоқ солсин-чи. Нафсамбир гап яхши-да, тақсир.

Сафар бўзчининг «нафсамбир» гапи Султоналини беихтиёр куладирди.

— Тўғри айтасиз. Исмингиз нима?

— Биз деворнинг кавагида ётқан бир одам-да. Ўзимиз киму, исмингиз нима бўлар эди. Шаҳарнинг Олим қовоғи¹ эмасмизки, айткан он таниб олсангиз.

Султонали мирзо яна кулди, — «нафси ламр» гаплардан завқланиб, ул ҳам Сафар бўзчиға қарши ўзида яқинлик ҳис этди ва бироз ўйлаб турди.

— Исмингизни айтсангиз, балки мен танир эдим... Сиз бўзчи бўлсангиз, ўткан ҳафта мирзо Анварга бир сўз айткан эмасмисиз?

— Айткан бўлсам эҳтимол; нега десангиз, қўл бўшағандা мирзамнинг зиёратига келиб тураманда.

— Сиз... Сиз мулла Абдураҳмоннинг қавмларидан эмасмисиз?

— Хе-хе-хе... Худда, тақсир.

— Агар янгишмасам, исмингиз Сафарбой чиқар?

Сафар бўзчи завқланиб, кайфланиб кулиб юборди:

— Мирзам айткан эканлар-да.

Султонали мирзо ҳам кулди ва кулги ораси латифа қилди:

— Сиз ўзингизни паст уриб Олим қовоқ эмасманки, отимни айткан он танисанг дейсиз, ҳолбуки, сизни ўрданинг мирзобошиси, шаҳарнинг қўрбоши, даҳбошиси ҳам танийдир.

— Тавба қиппан, тавба қиппан, — деди Сафар. — Мен ўз қадримни билмай юрган эканман-да.

Иккиси ҳангама сўқиб бир неча пайт кулишдилар ва бир онда эски қадрдонлар ҳолига ўтишдилар. Султонали уни «Сафар ака» деб хитоб қила бошлади ва мулла Абдураҳмоннинг кейинги аҳволидан тўради Сафар бўзчи мулла Абдураҳмоннинг бўшатилғанидан хурсандлигини изҳор қилди ва унинг лаби гезарид юрганини сўзлаб, Султоналини кулдирди.

— Шунчалик ҳолинг бор экан, думингга қумғон борлашинг нима ҳожат эди, деб кулаган. Эгри тўнкага — эгри тўқмоқ; мирзам хўб яхши қилганлар-да.

— Шундай, — деб кулди Султонали, — кишиларга энди нима дер экан, балки қулогингизга чалинғандир?

Сафар бўзчи ўнг қовоғи устини силаб одди ва қўлининг текис ўсмаган тирноқларига қаради.

— Бу тўғридағи сўзини эшитканим йўқ-ку... Энди ўзи ёмон одам-да.

— Масалан, ёмонлиғи?

— Ёмонлиғи... — деб яна тирноғига қараб қолди, — ишқилиб, тақсир, шу одамни пайини қирқсам, дейди-да. Илгари холисанлилло душман бўлса, энди аламзада бўлди-да...

Сафар бўзчининг содда кўнглида яширинган сир оз-оз сиртига ҳам тепиб турар эди. Унинг — «...энди аламзада бўлди-да» жумласидан шубҳаланиб қолған Султонали жиҳдий тус одди:

¹ Худореға чёт мамлакатлардан мол көлтириб сотручи машхур савдогар (муал.).

— Мен мирзо Анвар билан бирга турман, Сафар ака, — деди. — Мирзо билан бизнинг орамизда ҳеч бир яширин гап бўлмайди. Масалан, сизни тусмол билан танишшим, мулла Абдураҳмон тўғрисида келиб айткан сўзингизни билишим...

- Мен буни билиб туриппан, тақсир.
- Билиб турған бўлсангиз, — деди Султонали ўпкалик қиёфатда, — нега мендан шубҳаланасиз?
- Йўқ, йўқ, ука, мен Худой ҳақди ..
- Бўлмаса, нега мулла Абдураҳмон тўғрисидаги саволимга тузук жавоб бермайсиз?
- Мен айтдим-ку, ёмон одам-да, ўзи...

— Унинг ёмон одамлигини ўзим ҳам биламан. Аммо мени ҳам ёмон одам деб ўйлаганингиз учун Хўб, ҳали мирзо Анвар келганда ўша мендан яшириб турған гапингизни сўзларсиз, мен шунда сизни уялтиарман...

Сафар бўзчи бирдан кулиб юборди ва қўли билан Султоналини яниб қўйди:

- Уят қилсангиз ҳам нафсамбирини айтай, анча қув одам экансиз. Бу содда баҳо Султоналини кулдириди:
- Сиз мендан ҳам қувроқ экансиз.
- Мен топқан гапимни мирзамни ўзига айтай, деган эдим-да.
- Албатта айтасиз, лекин мен ҳам эшитсам, зарар қилмайди. Хўш, «аламзада» нима қилмоқчи?
- Аламзадами? — деб кулди Сафар ва бироз ўйлаб турди. — Ўрдада турадиган бўлсангиз, анови катта гўзим муфтиларингиз бор-ку?

— Бор, бор: пул берсангиз ҳаром ўлган эшакнинг ҳалоллириға фатво берадирган муфтилар. Хўш?

— Гапларингиз ҳам қизиқ экан... Ана шу муфтиларингиздан иккитаси ўткан кун домламизнинг ҳужрасига меҳмон бўлишиди...

Сафар бўзчи ўткан фаслда ёзилған можарони бир-бир сўзлаб борди. Эшиткучи бўзчининг соддагина қилиб сир олишини кулиб завқданашиб тинглаб турди.

— Боланинг сўзи кўб тутал келди, тақсир. Чамаси мирзам бир қизға уйланмакчи экан-да. Қизи қурғур чиройлиқ бўлса, кўйинг-чи, шу қизни хонга олдирмоқчи бўлғанлар-да. Кишига алам қилғандан кейин ҳар бир куракни бемалол...

Султонали мирзо бу сўзни эшитиш билан бирдан ўзгариб кетди, кўзи катта очилиб, манглайида узун-узун ажинлар ҳосил бўлди:

- Тутилмаган гап... Хўш, сўзлай беринг-чи?
- Боланинг хуллас гали шу, — деди Сафар ва бироз жим қараб турди. — Ҳа, ҳа, яна бир нарса ҳам бор экан: улар шуни мувофиқ кўрганларидан кейин — «бунинг давоси гулчин» деб айткан эмишлар. Мен боланинг бу сўзига ҳарчанд тушуналмадим. Бола янглишқанми ёки муллаларнинг шундаи тожикиси ҳам бўладими, мен энди авом одамман-да. тақсир.

Султонали мирзо шу жумла устида ўйладими ёки бошқача бир андиша уни машгул этдими, баҳархол, бирар дақиқа чамаси сўзсиз хаёл суреб қолди. Сафар бўэчи эса, бу ҳоддан бад олиб, манглайнини қашиди. Қашир экан, бармоқ ораси Султонали мирзонинг юзидан бир нарса ўқушқа тиришар эди.

— Улар қайси кун шу маслаҳатни қилған эдилар? — деб сўради Султонали мирзо.

— Ўткан кун, тақсир.

— Яъни орада кеча панжшанба ўткан?

— Бали, бали.

Султонали бошини чайқаб тебранди. Сўнгра мирзо Анварнинг кўкламга чиқиб уйланмакчи бўлғанини, қиз эса, шу ўйнинг боласи эканини, домлалар мирзо Анварнинг обрўсини тўкиш фикрига тушканликларини сўзлаб чиқди:

— Раҳмат сизга, Сафар ака, — деди Султонали. — Сиз мирзо Анварнинг обрўсиға тўқунмоқчи бўлған бир ёмонлиқнинг хабарини оддиндан олиб келгансизким, мирзо Анварнинг бир дўсти бўлишим сифати билан сизга миннатдорчилик изҳор қиласман ва шунинг билан бирга бу хабарни мирзога билдирамаслигингизни, ҳозирча бу сирнинг иккимизнинг орамиздағина қолишини сиздан сўрайман. Негаки, мирзо Анварни бу хабар билан ташвишка солған бўламиз. Мирзога бу хабарни айтишдан илгари ошиғич равищда сиз билган ифлослар қаршисиға чиқиб ишлазимиз, мирzonинг обрўсиға тўқунадирған ёмонлиқни даф қилишимиз ва шундан кейингина бўлиб ўткан бу можарони унга сўзлазимиз керакка ўхшайди. Мен ҳозир мирзо Анвар қайтиб келмасданоқ, шу гап орқасидан бир жойга бораман... Борадирған жойимни сизга айтиб ҳам қўяй: «Давоси гулчин» жумласидаги «гулчин» сўзини бола янгиш онглаған, улар — «девоси Гулшан» деганлар. Зероки «Гулшан» сўзи бир хотиннинг исми бўлиб, бу хотин хонға чиройлик қизлар топиб бергучи ҳарам далласидир¹. Улар ўзларининг ифлос ниятлагрига шу хотин орқалиқ етмакчи, шу воситада мирзо Анвардан ўч олмоқчи бўлғанлар. Фурсатни қочирмай шу хотиннинг оддига боришим керак. Гапка тушунган чиқарсиз, Сафар ака.

— Тушундим, садағанг кетай, тақсир.

— Гап шундай бўлсин; иш бартараф бўлғунча бу тўрида мирзога оғиз оча кўрманг, жон ака, — деди тақрор Султонали ва ўрнидан турди. — Мен мирзо Анвар келмасдан жўнай, келса юбормайдир. Сиздан мени сўраса, бир киши чақириб кетди, дерсиз, дурустми?

— Хўб, мен ҳам сиз билан кетаберсам?

— Иўқ, сиз ўлтуринг, меним дарагимни айтиб уни хотиржамъ қилинг. Ундан кейин келаси жумъя, албатта шу ерга келиб мендан натижани эшигарсиз, мирзо билан учавимиз ўлтуришиб сухбатлашармиз, маъқулми?

— Хўб.

Султонали хайрлашиб, ошиғич меҳмонхонадан чиқди.

¹ Дама — қўшмачи

43. ЧҮЛОҚ ҚУШ

Айвонда салла ўраб овора бўлған маҳдум йўлақдан «зайфа» шарпасини олиб, танчада санама тикиб ўлтургучи Раънога:

— Йўлақда хотин киши кўринади, хабар ол-чи, болам, — деди. Раъно йўлақда ярмисини кўрсатиб ёндама турған хотиннинг олдига борди.

— Ассалому алайкум...

Хотин саломга жавоб бериб, йўлак томонга ўтди ва Раънони ўз олдига имлади. Ясамол, пўстун кийган бу хотин Раънонинг диққатини ўзига жалб этди. Бориб кўришди.

— Насиббекнинг ҳавлилари шу эмасми, отин қиз?

— Йўқ, — деб кулди Раъно, — биз Насиббекнинг қўшнисимиз.

Хотин бошдан оёқ Раънога қараб чиқди:

— Шўрим қурсин, — деб қўл силкиди хотин, — мен адашиб сизларни овора қилибман... Кези келганда танишиб қўйғани айби йўқ, бу кимнинг ҳавлиси?

— Солиҳ маҳдумнинг.

— Мен адашмай кетай, жуда уят бўлибти-да, ҳали мен маҳдум поччамнинг ҳавлиларига кирдимми... Сиз кимлари?

— Мен... қизлари.

— Кўб яшанг, исминги?

— Раъно... Қани, бу ёқقا.

— Раҳмат, Раънохон... Насиббекнинг уйи сизнинг қайси тарафин-гиздаги эшик бўлади?

— Сўлимиздаги биринчи дарбоза.

— Раҳмат, Раънохон.

Хотин хайрлашиш ўрнига, яна бироз Раънога қараб турди. Раъно бу ҳолдан ўнгғайсизланиб, ерга қаради. Хотин кулимсиб олғандан кейин, Раъно билан хўшлишиб орқасига қайтди, ташқарига чиқиб, Сафар бўзчиға учрашди...

Раъно хотинни жўнатиб, ичкарига киргандা, маҳдум «зарурат» тўнини кийиб, ўзига оро берган ҳолда, айвондан тушиб келар эди. Хотиннинг ким эканини сўрагандан кейин, Раънога бу кунги рўзигор ишлари тўғрисида баъзи таълимотларни берди. Чунки Ниғор ойим бу кун эрталаб қариндошларникига меҳмон бўлиб кеткан, Раъно уйда ёлғиз қолған эди.

— Онанг кеч қайтади, бинобарин, таомни барвақтроқ қилсанг ҳам бўлади... Ҳабба, таомни ўзинг билан Анвар акангта лойиқ қил, мен бўлсам тўйдан албатта тўйиб келаман, онанг ҳам оч келмас, — деди ва бир неча қадам юриб, яна тўхтади. — Анвар акангдан, нима таом қилай, деб сўрасанг яхши бўлади, қизим!

Раъно отасига маъқул ишоратини бериб айвонга келди, маҳдум чиқиб кетди. Раъно айвонда бир неча вақт санама тикиб ўлтургандан кейин, ишини йиғиштириди, рафдаги китоблардан бирини олиб очди. Китоб устида ҳам анча шуғулланиб, бундан ҳам зериқди. Сўнгра ўрни-



дан туриб, ташқарига йўл солди. Боқча эшиги ёнига келганда, Анвар ташқарида ким биландир хайрлашар эди. Раъно эшик ёнида кутиб турди. Бироздан кейин Анвар ёлғиз қолиб, шу томонга – ичкарига қараб кела бошлиғандек бўлди. Раъно кулимсиб ўзини эшик панасига одди.

– Ассалом.

Бир-икки қадам олдинга ўткан Анвар мулоиймрина эшитилган «ассалом» сўзи билан чўчиб, ёнига қаради ва жуда ҳам кўрқсан киши бўлиб атрофига туфлай бошлади.

- Жоним чиқиб кетди... Бу нима қилғанинг, ҳой қиз!
- Буми, бу сизни чўчитканим.
- Хўш, нима қилиб юрибсан?
- Сизга ош қилиб берайми, деб сўрағали чиқсан эдим.
- Отамдан сўра.

Раъно отасининг тўйға кетканини ва сўзини айтди. Анвар кулимсиди.

– Уч қават ҳавлида иккимиз ёлғиз қолсақ қандай баҳт бу?.. Бўлмаса мен дарбозани занжирлаб келай.

– Ҳа... занжирлаб келинг...

– Нега аччиғланасан, яхши қиз, мен ичкари кирсам, меҳмонхона-нинг ёлғиз қолишини ўйламайсанми?

Раъно истиғноланди.

– Мен сизни ичкарига таклиф қилғали чиқмадим, нима ош қилишни сўрағали чиқдим.

– Мақсадингга тушуниб турибман, аммо сен ёлғиз зерикмагил деяпман.

– Мен зерикмайман... Қандай ош қилай?

– Қайси хилини буюрсам экан? – деб ўз-ўзига савол берди Анвар. – Убрага уқувинг йўқ, паловни ланж қиласан, сомсани ёпол-майсан, туппани кесалмайсан, сенга қайла буюргандан, атала қил деган яхши, чунки эзилтириб юборасан, манти тўғрисида ўйлаш ҳам ортиқча... Яна шу ҳолда қандай ош қилай, деб дўқ урғанинг қизиқ.

– Мен уқувсиз бўлсам, ўзингиз ош қилинг.

– Мен ҳам ош қилишни яхши билмайман, шунинг билан бирга дўқ ҳам урмайман, – деди Анвар. – Лекин икки ёрти-бир бутун бўлсақ эҳтимол яхши ош қилармиз... Сен бориб ўчоқ ҳаракатини кўра-бер, сабзи-пиёз тўғрашни менга қўй, хўбми, яхши қиз?

Раъно жавоб бермади, ўпка памойиши остида ичкарига жўнади. Анвар кулги ораси ташқарига чиқди...

Раъно ўчоққа оловни ёқиб қозонни ювар, Анвар ўчоқбоштининг суфасига энгашкан кўйи сабзи тўғрар эди. Раъно ҳануз ўпка сақлаб, Анварнинг саволларига жавоб бермас, унинг қизиқлиқ сўзларига ҳам тескари қараб кулар, қулгисини унга кўрсатмас эди.

– Хотин кишининг чархи билан ўчогига тегма, деган гап тўғри эмиш... Албатта, сен хотин киши эмассан-ку, бироқ, «куллу шайъин

яржиъу ила аслихи»¹. Сабзини майда түграйми, йирик? Бир бор эмиш, бир йүқ эмиш, ўткан замонда бир қиз бор эмиш: кўзига тутун кириб юм-юм йифлаган эмиш. Сабабини сўрасалар, ўтун ҳўл эмиш, аммо қизнинг аччиғи хийли мўл эмиш... Тескари қараб кулма, ҳой қиз! Ўх, латта келтир, қўлимни кестим!

Раъно ялт этиб Анварнинг қўлиға қаради ва алданғанини билиб яна ўз ишида давом этди.

— Кўлингни кессанг ҳам бу қиз ишонмайди. Сочинг куяди, яхши қиз.

Раъно сочини орқасига ташлаб, ўчоқбоши суфасига чиқди; қозонра ёр солиб, Анварнинг олдиға гўшт билан пиёз келтириб қўйди. Анвар гўштни тўғраб, яна тегажаклик бошлади:

— Тўйинглар қачон, ҳой қиз... Жавоб берсанг-чи, ахир, агар насрни писанд қиласанг, назм билан ҳам сўрай.

*Нагма унлари,
Баҳор кунлари,
Ишрат тунлари,
Етарми, Раъно?*

Раъно секин илжайиб, Анварга ён қаради, сўнгра кўзини ўчоқ ёнидаги бир нуқтага олиб, ҳаракатсиз қолди.

— Насрга жавоб бералмаган, назмга... Ўзим ҳам қизиқман-да, — деди Анвар.

Раъно бир неча вақт бояғича ҳаракатсиз, Анварнинг пичингтига илтифотсиз турди, сўнгра Анвар томонга бироз майл этиб илжайди:

*Кечакундузлар,
Қизарди юзлар,
Уятли сўзлар
Битарми, мирзо? —*

деди ва орадан озиғина фурсат кечириб яна:

*Ўчоқ бошидан,
Дўсти қошидан, —
Қараб Рошидан²
Кетарми, мирзо? —*

деди ва шунинг орқасиданоқ:

*Манглайн қашиб,
Мендан ҳам ошиб,
Жавобим шошиб
Етарми, мирзо?!*

Анвар уст-устига тушкан қатор бу ҳужумлар остида шошиб қолди, байтларнинг қайси бирисига жавоб беришни билмай кулди.

¹ Куллу шайъин яржиъу ила аслихи — ҳар бир нарса ўз аслига қайтади.

² Кўён туманида бир қишлоқ исми (муал.).

— Лўли экан бу қиз! — деди.

Раъно ўчоқ ёнига чўнқайиб олов жўнашдирап экан, ер остидан Анварга қараб илжайди:

— Жавоб.

Анвар кулимсиган ҳолда ўйлаб қолди.

Нозмицир, ҳаё?

Билмадим, аё,

Гўзал, дилбаро.

Анвар охирги мисраъни айталмай тутилиқди, чунки қофия топиш қийин эди. «Кетар, етар» вазнлик сўзлар қофия учун камбагал бўлиб, ўхшашлари тўрт-бештадан ошмас ва шулар ҳам Раъно томонидан олиниб биткан эдилар. Анвар ҳар қанча уриниб, кейинги мисраъга қофия тополмагандан сўнг, Раънога қўшилишиб кулишди.

— Күшингизнинг боши билан икки қаноти бор, лекин оёғи йўқ.

— Күш учун бош билан икки қанот кифоя, Раъно... Күш учеби юрса, бас!

— Чўлоқ қүқда учеби чарчагандан кейин дарахтка қўнолмайди, аммо ерга тушса мушук еб қўяди, — деди Раъно ва кулиб қотиб қолди.

Кучлик кулгидан Раънонинг кўзи ёшланиб, ўсиқ кипраги жуфтalandi, кулги ва ўчоқ ҳарорати билан икки юзи қизил олмаға айланиб, латиф бурни устида марварид резалари ҳосил бўлди.

Анвар ўзининг мағлубиятидан хафа эмас, Раънонинг ҳуснидаги ҳозирги ажиб ўзгариш муваффакиятидан ўзини тутолмай кулгучи шоиранинг намойишкор хурсандлиги Анвар учун бир юз мағлубиятка азизлик эди.

44. ҚОП ЙЎҚОТДИНФИЗМИ?

Султонали мирзо «Қушбеги» маҳалласига келиб, бир дарбозага кирди. Қоронги йўлакдан юриб бориб, ички эшикни тақирлатди. Ичкаридан «Ҳозир!» деган товуш эшитилгандан кейин бир неча қадам орқага қайтиб келди. Бир оздан сўнг ичкаридан беқасам чопонини елкасига хом ташлаған, маҳсисиз оёғига сафри кафш кийиб кўйлакчан баданини чопони билан ўраган қирқ ёшлар чамалиқ бир йигит чиқди ва Султонали мирзога салом бергандан сўнг, шошиб чопонининг енгини кийди, келиб кўришиди

— Марҳамат, тақсир.

Бу киши молатопар хотинни олиб, суяги тинчиб қолған Холбой — Гулшанинг эри эди. Уйида эрта-кеч бекор ётиб, Гулшанинг топиб келганига қаноат қиласар, фақат ош пишириб, ҳавли супурав эди. Бошқа оиласарда хотинлар уй иши билан бўлиб, эркаклар кўча ишини қилсалар, Холбой аканинг оиласи тамоман шунинг зиддига қурилған эди. Султонали мирзо Гулшанинг ўрдага кеттанганлигини эшитиб, сillasи қуруди, бир неча вақт фикрга толиб қолди.

— Ўрдаға кеткәнлигини аниқ биласизми?

— Бундан чиқиб бир жойға бормоқчи эди, — деди Холбой, — agar иши битса — туғри ўрдаға кетмакчи, битмаса уйға қайтиб келмакчи эди. Шу өзіншінде қайтиб келмагани учун, ўрдаға бордими, деб ўйлаб туриппан.

— Сиз ўша борадыраң жойини биларсиз?

— Пайқолмадим, тақсир.

Султонали мирзо тинкаси құруғандек орқасыра тисланиб, йүлак-нинг тоқчасыра ўлтурди ва манглайини қашиди:

— Кече янгамни ҳеч ким йўқлаб келдими?

Холбой бироз ўлланыб соқоли остини чимчилади.

— Йўқлаб келган экан, мен уйда йўқ эдим.

Султоналиниң тузи ўзгариб, бошини қимирлатиб қўйди, шипка, кўчага қаранди.

— Агар янгам келса, мени айтарсиз, мен яна қайтиб келаман... Уйдан силжимай, мени кутсин, катта бир иш бор дурустми?

Султонали мирзо Холбойдан ваъда олиб кўчага чиқди, илдам-илдам оёғ қўйиб, келган томония йўл солди Қинғир-қийшиқ кўчалар бўйлаб борар, кўчада кўринган ҳар бир хотинни текшириб оёғ босишига қараб ўтказар эди. Бозорчага етканда теваракдан жумъя азони эшитилди. Кўчада дуркум-дуркум салла ўраган халқ масжидларга қараб оқар, ул эрса жумъани унугиб аллақаёқча чопар эди. Солиҳ маҳдум кўчасини босиб тўғрига ўтди, ўн қадамча юриб тўхтади. Бироз тараф-дуланиб турғандан сўнг, орқасыра қайтиб, Солиҳ маҳдум кўчасига кирди. Дарбоза қия очилиб туар, ташқари кишидан холи, меҳмонхона қулфланған эди. Султонали мирзо боқча эшигида тўхтаб, тирқищдан мўралади. Хотин киши йўқлигига қаноатланғандан кейин, боқчага қадам бости ва секин-секин юриб ичкари ҳавлиниң эшигида тўхтади.

— Мирзо Анвар, ҳов, мирзо Анвар!

Чақириш уч-тўрт такрорланғандан кейин, йўлакдан гурс-гурс оёқ товши келди. Султонали мирзо ўзини эшикнинг ёнига олиб, яна чақириди. Ичкаридан: «Йўқлар!» деган жавоб бўлди.

— Қаёқдалар?

— Жумъага кетдилар.

Султонали роҳат нафас олғандек кўриниб, кўзини эшик остонасира тикди:

— Сиздан сўраб кетсам ҳам бўлар, синглим... Шу ерга бир хотин келдими?

— Йўқ... Ҳа, боя бир хотин адашиб кирган эди, — деган жавоб бўлди.

Султоналиниң кўзи олаланиб, пешонасида қатор ажинлар зоҳир бўлди.

— Адашиб кирди?

— Ҳа.

— Адашиб кирганига қанча бўлди?

— Боя, эрталаб.

Султонали бошини чайқади. Раънога раҳмат айткандан кейин, ташқарига қараб юрди. Кўчага чиқиб яна бояғича оғизини қўлиға олғандек, югуриб кетди. Ўрдағача бир ярим чақирим чамаси йўл бўлиб, ул бу масофани ўн беш дақиқа ичида бости. Ҳавонинг совук бўлишига қарамай, манглайидан тер куйған ҳолда ўрданинг биринчи дарбозасига келиб етди. Дарбозабонлар ёнида тўхтаб сўзлашди, манглай терини артиб, дарбоза суфачасига ўлтурди.

— Қол йўқотдинғизми, тақсир, — деб кулди дарбозабонлардан бири.

- Ўхшаш... Жаноб жумъага чиқдиларми?
- Чикмадилар.

Султонали мирзо дамини ростлаған каби бироз сўёсиз ўлтурди.

— Ҳарамга бирар хотин кирдими?
— Битта кирмади, — деб кулди дарбозабонларнинг бири. — Беш ўни кирди чамаси...

Султонали унинг ҳангамасига кучланиб кулди, аммо яна оғиз очишга мажолсиз каби ўлтуриб қолди. Чунки, энди мундан нарига югурга олмас, қўлни шундан ортиқчаға етмас эди. Кўзини ерга тикиб, икки соатдан бери қылған ҳаракатларининг шамолға кетканини хотирлади. Абдураҳмон ва шериклари ўзларининг ифлос мақсадлариға етмасалар, деб энтиқди, айниқса мирзо Анварнинг душманлари олдида обрўси тўкулиши унга оғир туюлди. Бу оғирлиқнинг устига Абдураҳмон тўғрисида қылған ўзининг худраълигини¹ хотирлағач, яна ҳам кўнгли ғаш тортди. Бу жиҳат билан гўё ёмонлиқнинг бош омили Султоналининг ўзи бўлиб чиқар. «Агар мен Абдураҳмонни ўрдадан чиқариб юборишқа исрор этмасам, мирзони бу ишқа мажбур қилмасам, балки бу адватлар бўлмасмиди?» — деб ўйлар, Анварнинг таъна қилмаслигини билса ҳам, яна маънан эзилишини, унинг юзига қаролмаслигини чамалар эди. Андишаси шу жойға еткандан кейин ўрнидан турди, дарбозанинг кичкина эшикчасини очиб, ичкарига кирди Тўғри йўлни кўйиб, қор остида босилиб қолған собиқ гулзорлар ичи билан айланиб юрди. Ички ўрда қўрғонлари остида яроғлик йигитлар айланиб турар эдилар. Султонали мирзо юра-юра ўрданинг чап муюшига, қоровул йигитлардан бирининг яқинига етиб, у билан сўрашди, бир-икки оғиз сўзлашиб, ўрданинг шарқига юзланди. Бундаги дарбоза беклари билан борди-кељди айтишиб. «Жумъа кун нима қилиб юрибсиз?» — деган саволга: «Бу кун жаноб кўнгил очмоқчилар, деб эшиткан эдим» — жавобини берди. Булар ёнида ҳам бироз ўлтуриб, яна қўзралди, ўрданинг шимол қисмиға ўтди. Ҳарам ва хон оиласига маҳсус янги даҳма теварагида уч-тўрт нафар қора қулчалар ичида Ўрмонбек ўқ ўйнаб юрар эди. Султонали мирзо даҳмага қараб борди, «кичкина хон»га таъзим қилғандан сўнг, даҳманинг бир чеккасига ўлтуриб, Қуръон ўкуди. Аммо кўзи ўйнаб юрган болаларда, тили қироатда эди. Фотиҳадан сўнг қориҳонанинг айвон муюшига чўнқайиб, болаларнинг ўюнига томоша қилди. Ўрмонбек камончага ўқ қўйиб отар, ўқлар кўкка кўтарилиб турли

¹ Худраъй — ўжарлик, узбилармонлик.

масофага бориб тушар, қулчалар отилған ўқларни териб келиб Ўрмонбекка берар здилар. Отилған ўқлардан бири Султоналиниң оёғи остиға келиб тушти. Султонали энгашып ердан ўқни одди, ўқнинг уринған патини түғрилаб ўлтурдиди. Шу ҳолда қулчаларниң бири югуриб етди. Гап-сўзсиз ўқда қўлини узатқан эди, Султонали қулчанинг бўйи етмайдиган қилиб қўлини юқори кўтарди.

— Ўқни беринг, ака, тақсир қафа бўлати!

Султонали ҳазиллашкан бўлиб, ўқни юқорида кўтариб тураберди.

— Сен Гулшан опани танийсанми?

— Танисам не?! Беринг ўқни!

— Шошма хувари, Гулшан опа бу кун ҳарамга келдими?

— Келса не?..

— Ўқ ўйнаб бўлғандан сўнг Гулшан опани менга чақириб бер, дурустми?

— Қўп.

Султонали ўқни қулчанинг қўлиға ушлатди, аммо яна қўйиб юбормай қўргон ости билан юриб турған йигитларга қаради...

— Аниқ чақириб берасанми, ўғлим?

— Қўп дедим-кув.

— Мени танийсан-а?

— Сизни? Сиз мирзо — тақсир

Султонали ўқни бериб юборди. Қулча югуриб Ўрмонбек ёнига кетди. Султонали қўргон остидағи йигитларга кўз қирини ташлаб, уларни ўзидан парвосиз топди. Чунки унинг ҳозирги иши, яъни, бола орқалиқ ҳарам билан алоқа тутиши қўрқинчли саналар, башарти бу хил гап сезилиб қолса, катта фалокатларга ҳам сабабчи бўлар эди. Ўрмонбек яна бироз ўқ отқандан сўнг, зерикуб, камончани ерга ташлади ва ўзи ҳарам дарбозасига қараб жўнади. Қулчалар ҳам уни таъқиб этдилар. Султонали мирзо болаларни ҳарамга киргизиб, қабрларға яна «фотиха» ўқуди ва секин-секин орқасира қайтди.

45. «ФОТИХА – МУҲРИ ХУДОДИР»

Маҳдум чувирлашиб ўқуб ётқан болаларға тўхталиш ишоратини бериб, ўзи иргиб ўрнидан турди ва шошқанча мактабхонадан чиқиб, сахи ўртасида турған икки нафар машҳур беклар истиқболига югурди. Улар билан энгашиб кўришкандан сўнг, бориб меҳмонхона эшигини очди.

— Марҳамат, тақсирлар, марҳамат!

Маҳдум бу қадар шошиб қолишга ҳақли эди. Чунки, келгучиларнинг ҳар иккиси ҳам хон ёнида мўтабар ва ҳамиша унга мусоҳиб¹ беклардан здилар. Улар меҳмонхонаға кириб ўлтургандан кейин, маҳдум ўрнидан туриб, қўл қовуштириди ва «хуш келдилар!» — деди. Мехмонлар ҳам маҳдумнинг хурматига қўзғалишиб қўйдилар.

¹ Мусоҳиб — сұхбатдош.

— Начук Худо ярлақади, тақсирлар? Фарибхонамизни муборак қадамларингиз билан мунаввар этканларингиз учун ҳазорон раҳмат.

Беклар маҳдумга ташаккур айтдилар. Абдурауф тунқотар ҳамроҳига қараб олғандан кейин «ташриф» сабабига тил очди:

— Жаноби пушти паноҳ, бизни зиёратларига буюрдилар, сизга улуғ меҳрибоналиқ ато қилдилар.

Маҳдум жойидан қўзғалиб ўлтурди, аммо «жаноб»нинг «марҳамат»-ларига тушуналмай шошиді Тунқотарнинг сўзига Мұҳаммад Шариф дастурхончи изоҳ берди:

— Ҳар кимса ҳам пушти паноҳнинг марҳаматларига лойиқ кўрила олмаидир. Пушти паноҳ, ўзларини домодлиққа чөглаб, бу башоратни бизлар орқалиқ сизга еткаришкага амр қилдилар...

Маҳдум бояғидек яна қўзғалиб олса ҳам, аммо товши чиқмай, сукутка кетиб қолди.

— Тақсиримда ожиза борлирини пушти паноҳ эшиткан эканлар... — деди тунқотар. — Мирзо Анвар каби донишманд етиштирган киши оқила ва жамила¹ қиз ҳам тарбия қилмаганмукин деган андишага борибидирлар... Шогирдингизга қилған марҳаматни жанобингиз ва каримангиз учун ҳам дариф тутмаслик ниятида, бизни хизматингизга буюрдилар. Албатта, бу марҳаматнинг нечорлиқ улуғлигини сизга сўзлаб ўлтуриш ҳам ҳожат эмас.

— Қуллик, раҳмат, пушти паноҳнинг давлатлари зиёда бўлсин, — деди маҳдум узоқ сукутдан бош кўтариб. — Бир эмас, юз қизимиз бўлғанда ҳам жанобнинг канизликларига назр қилиш вазифамиз эди. Аммо камина ва ожизамида бир қанча гуноҳлар, нуқсонлар, узрлар бор, тақсирлар.

— Беайб парвардигор, — деди тунқотар. — Банда ҳамиша маъзур ва хатоликдир, тақсир.

Маҳдум бош иргатиб бироз сукутда ўлтурди, сўнгра кўзини тунқотарнинг тиззасига тикиди.

— Жанобларига ожизона узр... Аввало камина ожиз, нотавон, афтодаҳол; пушти паноҳ, жиҳатларидан содир бўлған улуғ марҳаматка сазовор ва лойиқ эмасдирман; сониян — ожизамиз олампаноҳдек улуғ зотка ҳамхоб бўлмоқ учун кофий тарбия олмаган бир қулбаччадир. Бас, биз шу кайфиятда онҳазратнинг меҳрибонликларига арзирму, тақсирлар?

— Пушти паноҳнинг сизнингдек аҳли илмларга қаратилган дарё марҳаматлари арзитар, тақсир.

Тунқотар бу марҳаматнинг беҳад улуғлигини шарҳ қилиб кетди. Маҳдум бир неча фурсат сукутда ўлтургандан кейин, тунқотарнинг муболагаларига бош иргатиб қўйди.

— Шак йўқ, шак йўқ, мен онҳазратка мусалламман² ва лекин... ва лекин бир узри факирни андишага қўядир: ожизани бир важҳ билан

¹ Жамила — чиройли, гўзал.

² Мусалламман — хоннинг ихтиёрларидағи одамман

мирзо Анварга ишонтирган эдик... мана шу масала каминага бироз мушкил келадир...

Бу сўздан тунқотар дастурхончига қаради, дастурхончи қўл силкиб кулди:

— Ҳеч боки йўқ, — деди дастурхончи, — мирзо Анвар пушти паноҳнинг ўз кишилари, бу хабарни мирзо эшитса, шубҳасиз, севина-дир.

— Ишооллоҳ,

— Биз бориб онҳазратка жанобингизнинг дуонгизни эшитдирамиз: ҳусни қабулингизни, ижобатингизни уқдирамиз.. Жанобнинг хурсанд бўлишларида шубҳа йўқ, тақсир, — деди дастурхончи ва бошқа сўзга йўл қўймай; ҳатто кейинги масалаларга ҳам келиб етди. — Тўй фурсатини таъйин қилиш албатта, онҳазратнинг ихтиёrlарига... Қани тунқотар, фотиҳа қилайлик, фотиҳа — муҳри Худодир!

Тунқотар фотиҳага қўл очди, маҳдум саросима ҳолатда уларни гаъқиб этди. Фотиҳадан сўнг «совчилар» ҳеч нарсага қарамай қўзғалдилар. Ўн беш дақиқалиқ бу ҳодисадан маҳдумнинг мияси шишди, ҳатто айтишкага чорлаб турған муҳим бир сўзини ҳам унуди. Уларни дарбозага кузатиб чиқар экан, мазкур йўқотиб қўйған муҳим сўзини хотирласам, деб кучанар эди. Беклар билан хайрлашар чоқдагина бирдан «ҳабба» деб юборди Унинг совчиларга айтмакчи бўлған сўзи ҳақиқатан муҳим, яъни бу воқиъа хабарини Анварга шуbekлар воситаси билан етказиш эди. Улар бу илтимосни маълмамнуният қабул қилдилар, мирзога ётиғи билан сўзлаб, маҳдумнинг маъзур қолғанигини унга уқдирмоқчи бўлдилар.

Маҳдум «улуғ меҳмонлар»ни жўнатиб, меҳмонхонаға қайтиб келди. Мияси ҳануз тузукрак муҳокамага қобил эмас, кутилмаган бу ҳодиса ўзи учун фойдалиқми, зааралиқми — имтиёз¹ қиломас эди. Анварни аяганлиқми ёки ундан уялғанлиқми, баҳарҳол, кўнглида бир хил ғашлик, чигаллик бор эди. Муҳокама ҳар турлиқ: тўйни илгарироқ қилиб қўисақ бўлар экан, деб ўиласа, иккинчи тарафдан, «хонға падари аруслик» масаласи орага кўндаланг тушиб, яна фикричувалиб кетар эди. Бир тарафдан Анвар, иккинчи тарафдан хон... Шу йўсун, фикри бир йўлда тинолмай гангиган ҳолда меҳмонхонани ёпиб чиқди.

Маҳдумни мактабхона эшигига кўрган болалар чувиралишиб сабоқ такрорлашкан тутиндилар. Лекин маҳдумга ҳозирғи чувур-чувур ёқмади; унинг учун ҳозир тинчлик, кутилмаган ҳодисанинг ўнг-терсини ўйлаш керак туолди. Маҳдум кириб ўз ўрниға ўлтургач, болаларни тўхташга буюрди. Болалар жим бўлғандан кейин «озод!» деб юборди. Болалар домлаға салом бериб, бир онда мактабхонани бўшатиб кетдилар. Маҳдум дарс ўрнидан қўзғалмай яна ўйлаб қолди.

Анвар тўғрисидағи кўнгил ғашлиғи бир турлиқ бўлса ҳам, бошқа тарафдан анчагина яхши умидлар тугулиб қолдилар. Хонға қайин ота бўлиш эл қошида кичкина гап эмас эди. Қалин тўғрисида подшоҳ-

Куявдан күп маблағ күтилса бўлар эди. Агар Худо ўтул набира ато қилса, Худоёрнинг таҳт вориси бўлиш эҳтимоли ҳам бор эди... Тўйнинг кейинга силтаниши эса, тақдир иши; Раъононинг тақдери хонга битилган, шунга биноан Анвар тўйни кейинга силташкага, биткан ишни йитиришкага¹ мажбур эди... Яна шу ҳолда ва шунча япги умидлар ичида кўнгилдан ҳалиги ғашликни, ўзига номаълум илинжни юваб юбора олмади. Яна бироз шу тўғрида қийналиб ўлтургач, Анварга қарши ўзида бир аччиғ сезди: «Тўйни кўкламга қўй, деб унга ким айтди? Бу ўзи ҳар ишда ҳам суст қадам. Энди, хон сўратқандан кейин рад қилишга кимнинг ҳадди бор!» – деб кўнглидан кечирди. Шундан сўнг ул озигина тинчиди, яна бир мулчча фикрланиб ўлтургандан кейин кўз ўнтига – қалин учун бериладирган бир саноч² олтин, эл қошидаги обрў, энг охирда Худоёрнинг таҳт вориси бўлган хонзода келиб кечдилар. Ўзини эл сўраб турған ёш хон ёнида кўриб, илжайди...

Шу йўсун маҳдум ўзини босиб олди, кўқдан тушкандек бу совчиликни ўз истиқболининг хайрлик фоли, файзи илохий, деб қувонди, ҳануз кўнглини ғаш қилиб турған Анвар масаласини хотириға келтирмасликка, «хаёли фосид»³дан қочишиқа қарор берди. Маҳдум шуни ўзига маъқул қилғандан кейин бошқа кишилар андишасини, айниқса уйдагилар раъйини ўйлаб турмади. Ўзича саодат бўлиб кўринган бу фожиға хабари билан Нигор ойимни эсанкиратди, йиглатди. Раъно эрса танчада ўқуб ўлтурган Хайём рубоиёти устига ҳушсиз бошини кўйди.

– Ўн йиллаб бизга кийдирған, едирған бечора Анварга оқибатимиз шу бўлдими! Шўрлик Раъно бир юз хотин ёнига юз биринчи кундаш бўлиб борадими? – деб йиглади Нигор ойим.

Раъононинг ҳозирги аҳволини биз ёзиб ўлтурмаймиз. Аммо маҳдум уларнинг ҳар иккисини аҳмокқа чиқариб, ўзи «оқиллар» қаторига ўтди.

46. ЙИГИТ!

Маълумки, кеча Султонали мирзо қул болаға Гулшанни чақиришни таъйинлаб, ўрдадан чиққан эди. Шу чиқищда ўрда атрофидан силжимай, кечгача Гулшанни кутди. Аср намозидан бироз кейинроқ ўрдадан уч-тўртта хотинлар чиқдилар, буларнинг орасида Гулшан ҳам бор эди. Султонали мирзо хотинлар билан сўрашиб (чунки ўрдаға алоқалиқ хотинларнинг ҳаммаси унга таниш), Гулшанни четка чақирди, унинг билан сўзлашиб иш қўлдан кетканлигини ва душманларнинг яна бир ифлос найрангларини онглади. Шундоғки, Гулшаннинг ёнига боргучи мулла Абдураҳмон, гўё ўзини Солиҳ маҳдум тарафидан юборилгучи қилиб кўрсаткан. Ҳатто мулла Абдураҳмон орқалиқ Солиҳ маҳдум, қизимни хонга маҳтасин, деб Гулшангага бир неча тилло ҳам бериб юборған эмиш...

¹ Йитмоқ – Йўқ қилмоқ, барбод бўлмоқ.

² Саноч – тери тўрва, идиш

³ Хаёли фосид – бузук хаёл



— Мен қиз топишни икки-уч ойлардан бери ташлаб юборған эдим, — деди Гулшан, — кишининг ҳожати чиқсин, дедим. Кейинчалик ўзимга гап тегдирмаслик учун аввал бориб қизини кўрдим; қизни ёқтириганимдан сўнг не андишалар ичида хонга келиб арз қилдим... Мен у қизнинг мирзо Анварга айтдириғанлигини, ўртада адоват борлигини туш билайми, Султонали ака... Энди иш ўтди, мен хоннинг олдига кириб кечаги сизга маҳтаған қизим фалон экан, деб айта олмайман. Мирзо Анвар уйланадирган бўлса, мен кўриб қўйған яхши қизлар бор, айбонам¹ учун мирзо Анварга мен бошқа бир қиз топиб берай.

Султоналининг тарбузи қўлтуғидан тушиб, Абдураҳмон ва шерикларидан ғижинған ҳолда, Гулшан билан хайрлашди. Бутун кун зир югуриб юрганига эмас, ифлосларнинг ғализ муваффақиятига чидамас эди. Бу чучмал адоват билан ингичка табиъатлик Анварнинг не кайфијатка тушишини тасаввур қиломас; ит феъл, қадр билмас хонга аччириклиб мирзолиқни ташлаб кетмаса, деб кўрқар эди.

Гулшан айтканча, иш ўткан, гап мазмунича, албатта хон Солиқ маҳдумга куяв бўлмай қўймас, ҳозир бунинг қаршисича бирар тадбир топиш жуда қийин ва бу хабарни Анварга айтиш-айтмаслик масаласи ҳам яна оғир. Султонали мирзо бу гапдан Анварни хабардор қилиш ва қилмаслик тўғрисида кўб ўйлади. Қанча мулоҳазалардан кейин уни хабардор қилишни маъқул кўрди. Чунки юзда тўқсон тўққузга қарши бир эҳтимолина бу фожиъанинг бўлмай қолишлиғи тарафида эди. Анварни хабардор қилса, эҳтимолки, унинг ўзи бирар чора топар ёки масала Султонали ўйлағанча унинг учун аҳамиятлик бўлиб чиқмас, башарти аҳамиятлик бўлғанда ҳам фожиъани кутиб, ўзини босиб қарши олиш ногаҳонийсига қараганда хийла енгил кўчар эди.

Султонали эрталаб уйқудан туриб, намозни ўқуди, болалари ёнида чой ичмай, Солиқ маҳдумнинг ҳавлисига қараб кетди.

Меҳмонхонада ўрдаға кетмакчи бўлиб турған Анвар Султоналини ранжиб қарши олди:

— Шундай ҳам иш бўладими, кеча нега мен келгунча кетиб қолдингиз?

— Бирав чакириб келди-да .. Мен ўз ўрнимга Сафар акамни ташлаб кетдим-ку.

Анвар ўпкалик илжайиб, ундан чой ичкан-ичмаганлигини сўради. Султонали гўё ўзини шу яқиндаги қариндошлардан бириникида қолған ва шунда нонушта қилиб, йўл устидан Анварнинг олдига кирган каби кўрсатди. Иккиси биргалашиб йўлға тушдилар. Кўчада йигирма қадам чамаси боррандан сўнг, Анвар кулимсиб Султоналининг кўзига қаради:

— Кеча иккинчи дафъа бизнинг ҳавлига кимни сўраб келдингиз?

Султонали манглайнини қашиди:

— Мен чақириб келганда сиз уйдамидингиз?

— Мен уйда эдим, — деб кулди Анвар ва бироз жим борди. —

¹ Айбона — тарар учун тўланадиган жарима.

Мен уйда бўлмасам ҳам, уйдагилар сизни таниғанлар. Уйдан шу хабарни эшитиб, кечадан бери таажжубка тушдим... Хўш, сиз сўраған хотин ким? Ўзи нима гап?

— Арзимаган гап...

— Қани?

Султонали масаланинг қурай кўчишидан енгил тортиб, бироз сўзсиз борди.

— Кулги гап... Сизга бироз тегишлиги бўлса ҳам арзимайдир... Арзимаса ҳам?

— Галуринг... Сизнинг келиб юрганингизни эшитканимдан бери анча ташвиш чекдим.

— Сизга бир сўзни айтиб ҳам бўлмайди, — деб қулди Султонали, — игнани түддек, хасни харидек кўрасиз.

— Менми? Хайр, дунёни сел ювса ҳам тўпуғимга чиқмасин, сўзлангиз.

Султонали ҳикояни Сафар бўзчидан бошлади. Лекин жиiddий эмас, ярим жиiddий қилиб мулла Абдураҳмон ва муфти бечораларнинг ақлиға гўё шундан бошқа пастлик ва масхарароқ фикр келмаган, шу қадар аҳамиятсиз, тубанлиқ билан гўё ўч олмоқчи бўлғанлар руҳида сўзлаб борди. Анварнинг бир неча кундан бери ўзи тушунмай чеккан ташвиши, кўнгил ғашлиги ҳақиқатка айланиб борса ҳам, Сафар бўзчининг болани алдаб йўлга солишидан, сир олишидан ва Абдураҳмонларни камситиб, масхаралаб қилинган ташбихлардан кўб ўрунда кулиб, Султонали мирзога енгиллик берди. Сўз Гулшан билан учрашиш ва ундан олинған жавобка етканда, Анварнинг туси ўзгариб, кипрак ослари учиб кетди. Аммо кутилмаган равишда яна совуққонлик сақлади.

— Зарари йўқ, — деди Анвар бир хил вазиятда қўл силтаб. — Мен улардан бу хилда ифлослик вужудга келишини тасаввур қилмаган бўлсан ҳам, лекин ҳарҳолда адоват куткан эдим... Зарари йўқ, Султонали ака.

Султонали Анварнинг товуш оҳангидаги ўзгаришша эътибор этмаган бўлса керак, ҳануз бояғи ярим жиiddий руҳидан сиљимади.

— Саллалик эшакларнинг диринглаши оғиҳонағача... Улар мирзо Анвар уйланмакчи бўлған қизни хонга тўғрилаб, шуинг билан гўё ўч олмоқчилар. Мирзо Анвар хотинсиз қолсин, демакчи-да, бу аҳмоқлар. Ҳолбуки, бутун мамлакат қизлари мирзо Анвар учун соч тараиди. Агар сиз хоҳласангиз қозикалон ёки домла шоғовул ва шулар сингари қалонполарга куяв бўлолмайсизми? Кесак отиб арслонни енгмакчи бўлған галварсларнинг ишига кулгим қистайдир...

— Зарари йўқ...

— Раҳмат, Анвар. Мен сизнинг баъзи тўғриларда юрагингиз кенглигидан аччирланар эдим... Дарҳақиқат, ўйлаб қарасам, юрак кенглиги ўзи бир фазилат эмиш... Бундан бошқа маъно онгламангиз, Анвар. Муфти кабиларнинг паст, бачкана адоватининг киппи қитиғига тегиши бўлмаса, сиз ва дўстларингизча ҳам қиз оти деган топилмайдирған матоъ эмас.

— Албатта.

Анвар ўзини фавқулодда текис ушлаб борар, ҳозир унда бояғи ўзгаришларнинг ҳеч бириси ҳам кўринмас эди. Султонали мирзо бу бемаза гапни Анварнинг кўнглидан чиқаришқа тиришиб ҳалигидек юпатишларни оғзидан қўймас, эшикучи эса қисқафина жумла билан унинг фикрига қўшулар ёки илжайиб, тасдиқ ишорасини берар эди. Иккиси бирга девонға кирдилар. Ишка илгарироқ қелган мирзолар ёзув билан машгул эдилар. Анвар мирзолар билан саломлашиб сўрашди, ҳатто ҳеч гап бўлмаған каби Шаҳодат муфтилардан ҳам аҳвол ва соғлиқ сўради Муфтиларни кўриши ҳамоно нафрати жунбушка кирган Султоналининг бу ҳолдан таажжуби ортиб Анварга қаради ва кўнглидан «йигит» деган сўэни кечирди. Султонали айтканча, шубҳасиз, бу йигитнинг кўнгли ёлғиз муҳаббаткагина эмас, муҳаббатдан ғайри фазилатларга ҳам қобил эди.

Султонали мирзо ҳам нариги хонадан Анварнинг ҳузурига ўткан Шаҳодат муфтилар қаторида ўлтуриб ишлар эди Анвар бу кунги нома ва аризаларни йиғишириб удайчига топширди, девоннинг ўзига тегишилик бўлғанларини мирзолар орасида тақсим қилди. Ҳар ким ўз вазифасига берилиб, орага жимжитлик кирди Фақат бу тинчликни савоғич қаламларнинг қофоз устида қириллаши ва гоҳо буқланган қорозларнинг шалдираши бузар эди. Шу ҳол бир соат чамаси давом эткандан сўнг, онда-сонда сўз ҳам қўзғалди. Анвар ҳузуридагилардан Шаҳодат муфти қороз-қаламни ёнига қўйиб сандалда исинди.

— Мулла Наврўз кўб паст одам-да, — деди муфти, — унинг иши кечадан бери менга ажаб таъсир қиласди-да...

— Паст, паст, — деди Калоншоҳ.

Султонали Анварга қараб қўйди. Анварнинг эса кўзи ёзувда эди.

— Шунча кишининг илтижосини ерда қолдириши ўзи ярамаслиқ... Қазоси етиб ўлган экан, келиннинг молига нима дахлинг бор? Бу одамият эмас-да.

— Паст кишида одамият нима қиласин.

Султонали кулимсираб, бир-икки қайта муфтиларга қараб олди.

— Уйингга икки тарафдан шунча одам йифилди, сўзга кирмай, уларни овора қилдинг, лоақал бир лаган ош билан уларни жўнатсанг ўлиб қолармидинг... э, ҳайф сендек мумсукка!¹

— Мен ҳам мулла Наврўзни бунчалик билмас эдим, — деди Калоншоҳ, — одамиятни еб қўйған киши экан.

Султоналининг ранги ўчиб, қовоқ ослари пиrr-пиrr уча бошлаган эди.

— Қизиқ баҳсни қиласиз, — тақсирлар, — деди бирдан Султонали, — шу замонда одамият қолдими? Агар оғигина андиша қилиб кўрсак, сиз ҳам, биз ҳам одамиятни пок-покиза еб қўйған чиқамиз. Бу замонда ўзгани қўя туриб ҳатто ўзларингиздан ҳам одамият кутмасангиз бўлади, тақсирлар!

Юраги тор — асабий Султоналининг бу сўзи «ширин сухбат» устидаги муфтиларни ҳайрон қилиб қўйди. Анвар Султоналига қараб

¹ Мумсук — ўтакеттап касис, бакил, зиқна.

унинг кўзини учраталмади. Чунки ул ҳалиги сўзларни айтиб, қўлидағи таҳрирга берилган эди.

— Сиз ажаб одамсиз-да, Султонали, — деди муфти. — Биз нима деяпмиз-ку, сиз нимадан ўтлайсиз.

— Сизлар одамиятдан баҳс қилаётисизларми, ахир? Мен ҳам бу вақтда одамият йўқлиғидан зорландим-да...

— Сизнинг сўзингиз ажаб, Султонали. Сиз бизнинг одамиятимиз йўқлиғини бир жойда кўрганимисиз ёки димонгизга футур етиб қолғанми?

Анвар Султоналиниң кўзини учратишкан урунди, аммо Султонали муфтиларга юз ўтуриб ўлтурди.

— Сизларниң одамиятингиз йўқлиғини ҳеч бир жойда кўрганим ва эшитканим йўқ албатта, — деб заҳарханда қилди Султонали. — Аммо ҳозир ўз нафсимдан бир ҳисоб олиб кўрсан, ҳатто шу ҳафтанинг ичидаёқ неча жиноятка иртиқоб¹ қилғаниман. Шунинг учун ҳам бояги сўзни айтдим-да. Йўқса, меним ким билан қанчалиқ ишим бўлсин, тақсирлар...

Муфтиларниң ранги бўзариб, иттифоқлапқандек Анварга қараб кўйдилар ва Султоналидан зорланғандек бош чайқадилар.

— Султонали ака, — деди Анвар зорланған оҳангда, — тақсирларим айтканча, димонгизга бироз футур етканга ўхшайдир: шундай гаплар нима ҳожат, нима алоқаси бор? Тинчкина ишингизга қарасангиз-чи, Худо хайр берсин.

Сўнгра Анвар муфтилар томонга кулимсиб, Султоналиниң гапига аҳамият бермасликка ишорат қилди. Шаҳодат муфти бир нарсаларни айтиб ишига қаради. Султонали ҳам кулиб, гўё Анварга итоат қилғандек, сўзсизгина, қаламини қўлиға ушлади. Ҳар ким ўз ишига қараб, орада яна бояғича тинчлик бошланди.

Кечка томон мирзолар тарқалишиб, орада Султонали ва муфтилар ҳам бирин-сирин чиқиб кетдилар. Энг сўнгға қолиб қўзғалған Анвар девонхона даҳлизида тунқотария учрашди. Тунқотар Анвар билан ҳазиллашкандек, унинг қўлидан ушлаб ичкарига — девонға бошлади. Ичкарига кирдилар.

— Хизмат, тақсир?

— Хизмат шуки, — деб кулди тунқотар, — сизнинг устингиздан бир ўқтамлик қилинди?

— Яхши... Эшитсам бўладими?

— Жаноб бу кун бизни устозингиз Солих маҳдумникига қулчиликка юборған эдилар. Бориб эшитсамиз, фотиҳа сизга бўлған экан... Биз қиблагоҳ учун кечарсиз, деб ўладик...

Анвар бу заҳарлик сўз билан илон каби тўлғаниб олса ҳам, бутун кучини сарф қилиб, сир бермасликка тиришди.

— Атиги шу гапми?

— Шу гап, мирзо Анвар.

— Арзимаган гап... Буни мендан сўрамасангиз ҳам бўлар эди.

¹ Иртиқоб — машғул бўлиш, кўл уриш

- Раҳмат, мирзо, мен сизнинг бу садоқатингизни жанобга сўзлайман.
- Йўқ, йўқ, — деди Анвар бош чайқаб, — зинҳор гапирманг, зинҳор.
- Нега ахир, нега? Жаноб ҳам ўзларининг содик қулларини таниб кўйсинарлар-да.

Анвар мажхул оҳангда кулади: «Айтманг, мен хоҳламайман» — деди яна. Иккиси биргалашиб девондан чиқдилар.

Ҳаво текис қорамтил булат билан ўралған, Қўқоннинг машҳур шамоли қанот ёйған эди. Қорамтил булатлардан қуирикоқда олақарғалар қанот қимирлатмай саёҳат қилас ва онда-сонда ёмур қатралари томчилар эди. Шу вақтда кўпрук ёниға келиб тўхтаған Анвар қаёқда бориб ётсан, деб тараффудланди...

47. ОЧИҚ ХАТ

Шом намозини ўқуб қайтқан маҳдум меҳмонхонанинг эшигини очиқ кўрди. Унинг келганлигини фаҳмлаб, тўғри ичкарига ўтди. Бирордан кейин товоқда ош кўтариб Нигор ойим чиқди. Йифидан кипраклари терилиб, чуқур андиша ичида бошини қуи солған эди. Нигор ойим кирганда Анвар чароғпояга шамъ ёқар эди. Нигор ойим дастурхон ёзиб, товоқни Анварнинг олдига қўяр экан, бирдан пиқ-пиқ йирлаб юборди. Анвар ҳайрон бўлиб қолмади, йири сабабига тушунди.

— Нега йиглайсиз? Тақдирни ўзгартириб бўладими? Хафа бўлиш яхши эмас, сиз шундай бўласин деганимдингиз...

Нигор ойим жавоб қайтармади, йирлаған кўйи меҳмонхонадан чиқишига ошиқди. Анвар ошдан бир-икки луқма олиб, қўлинни артди, сандал кўрпасини бағрига тортиб, кучли ва узун тин олди.

Чароғпоядаги шамъ бедиллар юрагидек титраб, меҳмонхонани аранг-аранг ёритар, шамънинг титрори билан кўзини бир нуқтага тиккан Анварнинг ҳозирги хаёлчан юзи ҳам қалтирағандек кўринар эди. Меҳмонхона тип-тинч, фақат бу тинчликни ташқарида ёқан ёмғурнинг кучсиз шитирлаши, ўқтинг-ўқтинг қўзғалиб қўйған шамолнинг даричага келиб уруниши ва аллақайси том бошидағи бир мушукнинг мавлаган товши бузар эди. Дарича тирқишидан келиб кирган кейинги шамол чароғпоядаги титроқ шамъни ўчураёзиб, меҳмонхона қоронғиланди ва шу чоғда ичкаридан чиқиб келган оёқ товши билан Анвар хаёлдан кўз очиб, танча устидаги товоқда қўл узатди ва товоқни ушлаганча бироз қулоқ солиб турди Оёқ товшининг меҳмонхонадан узоқлашқанини, маҳдумнинг хуфтан учун масжидга ўтканини фаҳмлади ва товоқни ўлтрган жойидан орқасидағи тоқчага олиб қўйди. Орадан бир пиёла чой ичиш фурсати кечкандан кейин яна оёқ товши эшитилди Буниси адим сайин меҳмонхонара яқинлашиб келар эди. Меҳмонхона даҳлизида қўлида чойдиш кўтарган Раъно қўринди... Икки кўзи қип-қизаруб, қовоқлари олудек кўпчитан, юзида ҳам зўриқиши аломати бор эди. Ерга қараған ҳолда оқ чойдишни Анварнинг ёниға келтириб қўйди,

тоқчадары пиёлани олиб чойдишдаги чой билан чайқади, пиёлани со-
чиқлағач, яна чайиб иккисини Аңварнинг ёнига сурди ва бирдан ўкраб
юзини танча устига қўйди...

— Раъно, Раъно — деди шошиб Аңвар. — Боламисан, ҳали ҳеч гап
бўлғани йўқ-ку.

Раъно бошини кўтартмай, пиқ-пиқ йиғлар эди. Аңвар уни юпатиб,
ялингиз ҳолда йигидан тўхтатишқа уринар эди.

— Бекорга йиглайсан, Раъно Йигидан бир фойда чиққанини эшиг-
канмисан ёки мени ҳам йиглатмоқчимисан?.. Агар ўйлаб кўрсанг, йиғ-
лаш сенинг ҳаққинг эмас, меним ҳаққим, ҳолбуки мен йигламайман.
Негаки, йиги энг сўнгги иш... Мен йиглаған кишини ёқтирамай-
ман. Тур, жоним, тур.

Аңвар Раънонинг сочини силади, икки қўли билан бошини кўта-
риб, юзидан ўпти.

— Мендан кўнгли қолсин десанг, йигла. Юзингни ёш билан ювиб-
сан, Раъно, ўнглан, мен юзингни артиб қўяй. Ўзингга кел, ақлингни
йиғ, оғир қиз бўлиб, сўзимга қулоқ сол.

Раъно юзини четка ўтуриб, бошидаги рўймоли билан юзини артди,
узун энтиқди.

— Йиглаб бир натижага етиб бўладими? Ҳеч. Кўзинг яна ёшланди,
сен йиграй бер, мен сўзламайман, Раъно.

Раъно яна четка қараб кўзини қурутди. Аңвар пиёлага чой қўйиб,
Раънога узатти:

— Ма, Раъно, ич.

Раъно ичмайман дегандек, бош чайқади. Аңвар қистаб чойни ол-
дирди.

— Ҳаммасини ичмасанг ҳам бир-икки ҳўпла.

Раъно Аңвар айтканча, икки-уч ҳўплаб, пиёлани олдига қўйди.
Аңвар ўрнидан туриб даҳлизга чиқди, қўлида обдаста, дастшў кўтариб
Раънонинг ёнига келди.

— Юв юзингни, Раъно.

Аңвар сув қўйиб турди. Раъно юзини ювди. Аңвар қозикдан сочиқ
келтириб берди. Раъно артинди.

— Ана тамом... Энди одамшаванда сўзлашайлик, йиги нима ҳожат.

Раъно қайгуларини озайтиргандек энтиқди, ўзига яrim жиддий
тиклиб турган йигитка жавобан илжайди.

— Яна бир кул, Раъно.


Раъно бирдан тундлиққа оғищди.

— Кулги соати эмас...

— Кулги соати бўлмаса, йиги фурсати ҳам эмас, — деди Аңвар
ўлтуриб. — Сенинг мурассасъ¹ халтачага ўхшаш кичкинагина юрагинг
бор, ичини қийматли тошлар билан тўлдирғансан. Бу кун қазо фарро-
ши² шу мурассасъ халтачадаги қийматли тошлар орасига қўпол бир
нарса келтириб ташлади... Табиъий, сенинг кичкина юрагинг бу қўпол-

¹ Мурассасъ — кимматбадо тошлар билан безалган.

² Қазо фарроши — Аллоҳнинг иродаси, тақдир



лиқни күтара олмади, қийматли тошлар сиқылдилар, сен йигладинг, сенинг каби мен ҳам шу қўполлиқни қабул қилишда қаттиғ энтиқдим, бироқ йигламадим. Негаки, бу қўполлиқ меним юрагимдаги жа-воҳирни сиқиб чиқара олмас, фақат унга тангликина берар эди, сенга ҳам шундай эмасми, Раъно? Ҳўш, энди бизнинг фожиъамиз сабабига келайлик. Бу ҳодиса тўғридан-тўғри хоннинг ўзидан келган тап эмас. Хон – ҳазми ҳар бир ифлослиқни ҳам кўтарадирган катта бир ҳай-вон. Унинг теварагида майда ҳашаротлар кўб, булар ҳам ўзларига яраша ҳайвонлиқ истайдилар. Бироқ, қўл қисқа, шунинг билан бирга ётиб қолишқа кўнгил тинчимайдир. Шундан кейин хон – катта ҳай-вонни қитиқлаб ишқа соладилар... Балки ёдингдадир, мулла Абдурах-мон исмлик бири сенинг хариоринг эди, шоир айтканча:

Мендин ўтиб гулга бўйи етмаги,
Умиғ узуб ўз йўлиға кетмаги

Хабаринг бор, мен отангнинг тазиқи остида уни ўрда хизматига олдим, ул ўрдадаги бир неча ифлослар билан биргалашиб, меним қар-шимга ишлади... Мен... уни ўрдадан жўнатдим, натижада ҳозирги иф-лосликка енг шимардилар. Бироқ, улар бизни бир-биrimиздан ажратса оладиларми? Йўқ. Мажозий ажралиш – ажралиш эмасдир, чунки биз бир-биrimизга мажозий боғланмағанмиз, ҳақиқий боғланишни эса қатъ этиш¹ ифлослар уҳдасидан келмас. Бас, шу ҳолда биз икав нега хафа бўлайлик, Раъно? Ишқ давоси авом ўйлағанча васл эмас – ҳажрдир. Зоро, васл ишқ ўгини сўндиргучи, ҳажр эса камолатка эриштиргучи-дир... Сен шу иккидан қайси бирисини танлайсан, Раъно?

Раъно кўзини тиззасига тикиб, қўли билан шолча илини чирмаб ўлтурап эди. Ҳалиги савол Анвар тарафидан яна такрорланди.

– Мен кейингисини... Бироқ, хоннинг ифлос тўшагида ётмайман.

Анвар бир неча вақт сукутда ўлтурди. Раънонинг жавоби унга оғир тақсир қилған эди...

– Буни мен ҳам хоҳдамас эдим... Бироқ, ифлослар меним чора йўлларимнинг ҳаммасини кесдилар, Раъно. Яна ўйлашмоқ учун фурсат бор, айниқса, сен бирар тадбирни мувофиқ кўрсанг мен бош эгаман... Сени йиглатиб ҳайвон чангалига бермасман.. Шундай, сен йиглама, ақлли қизларча ҳаракат қилас, мен...

Анвар сўзини тугата олмади, меҳмонхона эшигида маҳдум кўринди:

– Ичкарига кир, Раъно, бевақт бу ерда нима қилиб ўлтурибсан?

Анварнинг вужуди физз этиб кетди: қаршисида бояғича ўлтурган Раънога «тур, жўна» деган каби ишорат қилди, лекин Раъно қимириламади. Маҳдум бошқа сўз айтмай, даҳлиздан орқасига қайтди.

Анвар жуда ҳам оғир тортқан эди. Ҳақиқатан ҳам маҳдумнинг бу ҳаракати ақдсизча, аҳмоқларча эди. Анварга оғир келишини ўйламай бу «буйрук» билан Раънонинг кундалик одатини манъ қиласар, ҳар қачон ўз вақтида ўлтурган Раъно гўё бу кун «бевакт» ўлтурап эди. Бундан

Қатъ этмоқ – узмоқ.

бошқа, унинг Анварга учрашмай намойишкор чиқиб кетиши, қандайдир яна бир маънони онглатқандек ҳам бўлар эди.

Раъононинг юзидағи қайғи белгилари йўқолиб, унинг ўрнини ғазаб, нафрат аломатлари олди.

— Андишасиз!

— Зарари йўқ, аччиғланма, — деди Анвар. — Энди бошқа сўзимиз ҳам йўққа ўхшайдир...

Раъно яна бироз қўзғалмай ўлтуриб қолди, сўнгра кўзига жиқ, ёш олиб, меҳмонхонадан чиқди.

Эрта билан Нигор ойим чой олиб чиққанда, меҳмонхонада Анвар йўқ, сандал устида очиқ бир хат ётар эди:

«Меҳрибон хола.

Ёшлиқдан сизнинг тарбиянгизда ўсдим, сизга ва тақсиримга кўб заҳматлар бердим. Бу заҳмат бағалига тегишилик ҳақ қайтаролмаган, хизмат қилолмаган ҳолда маълум сабаблар тазиёки остига сизнинг шафқатли тарбиянгиздан кетишка мажбур бўлдим. Сўнгра уйдаги менга алоқадор барча нарсалар, шу жумладан, ўзингиздаги амонат олтинлар ҳам оиласигизга мендан ҳадядир. Мен олтинларни қизингизнинг тўйиға атаб ўтиқан эдим, мундан сунг ҳам шу оқчани Раъононинг тўйиға сарф қиласангиз, деб сўрайман. Мени ўйқлаб келгучиларга ўрга дарагини айтмиса эди. Шафқат ва марҳаматингиз билан гуноҳимни кечиравсиэ умидига:

Анвар».

48. ТЎЙ АРАФАСИДА

Хоннинг совчилари иккинчи мартаба келиб тўй вақтини тайинладилар: келаси жумъа маҳдумнинг уйида тўй ижро қилиниб, маросимдан сўнг Раъно ўрдаға юбориладирған бўлди. Тўй вақти белгилангандан бир кун кейин тўй жамарғаси ҳам келди. Хоннинг ҳадяси уч юз тилло пул, шу қадар қийматка арзийдирған шоҳона сарполар, маҳдумга алоҳида илтифот қилинған «раисулмакотиблик»¹ унвонларидан иборат эди.

Шунчалик илтифотлар ичida гангид қолған маҳдум уч кундан бери дараксиз кеткан Анвар тўғрисида ўйлай олмади, фақат бундан «ҳамоқат», «андишасизлик» деган натижа чиқариб тинчиди. Нигор ойим эрса ўзини бирмунча босиб олди, гоҳо Анварга юраги ачиб қўйса ҳам, уни ошиғич келган тўй ҳозирлиги масаласи иктиёrsиз равишда бу тўғрини ўйлай олмаслиққа мажбур этди.

Раъно!.. Маълумки, бу кунларда Раънога тикилган фалокат беҳад улуғдир: фалокатлик, ҳалокатлик кунлар яқинлашадир. Бунинг устига уч кундан бери Анвар дараксиз. Анвар «висол — муҳаббатни ўлдургучи, ҳажр эса — камолатка эрищдиргучидир», деб Раъони ҳамишаликка ташлаб кетдими ёки маҳдумнинг бемаза муомаласидан кўнгли олиниб, араз қилдими? Ҳолбуки ҳозирғи кунлар араз, аччиғ ва фалонлар-

¹ Раисулмакотиблик — мактабмр раиси.



ни кўтариадирган вақтлар эмас, ҳеч бўлмаганда бечора қизга гап билан, сўз билан маънавий ёрдам бериб туриш соатлариdir. Бечора Раъно ҳамиша яхшилиқ, ақлалик кўриб келган бир кишисидан ҳам охирда дағаллиқ кўрар, вафосизлик бўйини олар эди. Шу дудама фалокат бир неча кун ичида Раъно гулини сўлитаёзди, ҳатто жоду кўзлар ёш тўкишдан ҳам тўхтадилар.

Раъно сандалда ўлтуриб жумъя куни – мудхиш жумъя куни тўғрисида ўйлар эди. Бу кун сешанба, жумъагача яна икки кун бор. Фақат икки кунгина... Раъно бундан ортиқни кўз ўнгига келтира олмас, гўё ўзини жар ёқасида кўрган кишидек панжшанба кечдан беихтиёр, гўё савқи табиъий¹ остида орқасига тисарилар эди. Шундан кейин Анвар тўғрисида хаёл суриб, унга – Анварга қарши ўзида кучлик бир кек сезар, шундай оғир соатларда ташлаб кеткан «йигит» яна бир кўринса, қандай киноялар билан истиқбол қилишини – кутиб олишини ўйлар эди: «Ҳамма даъволарингиз пуч! Сиз, мирзобошлиқдан маҳрум бўламан, деб қўрқдингиз, бизнинг уйда ўн ийл турсангиз ҳам, отамнинг феълини билмаганимидингиз? Холонки, мен сизни хондан ҳам юқори ўрунга қўйған эдим. Энди фурсат қўлдан кеткач, нима учун келдингиз?..» Лекин ул кейинги итоби маъносидан ўзига ҳисоб бермас, агар бунга қарши Анвар: «Қандай иш ва фурсат ўткандан кейин келдим?» – деб сўраса, эҳтимолки, Раъно сукут қилас, чунки ҳозиргача унинг фикрига вақти ўтадирган бирар чора келмаганидек ва бу тўғрида ўйлаб ҳам кўрмаган, фақат бу фожиға қаршисида такягоҳ², деб Анварни истаган, Анвар эса кўздан йўқолиб, Раънонинг мажруҳ юрагида яна янги бир жароҳат очқан эди.

Нигор ойим ошиғич ҳозирликлар орқасидан чопиб юрар, бешикда ётиб зериккан Масъуд қичқириб йиглар эди. Бояри хаёллар ичида ўлтурган Раъно узоқ энтиқди ва асабий ҳаракат билан ўрнидан туриб, бешик ёнига келди. Тебраткан билан бола тийила бермагач, уни йигланган кўйи ташлаб, ҳавлига тушти ва нариги айвонда юмиш қилиб ўлтургучи онасиға «эмизинг!» деб асабий ҳайқирди, ўзи йўлак томонга қараб ўтди.

Боқчада Маҳмуд ва Мансурлар қўшни болалари билан ўқ отиб ўйнар эдилар. Атроф олашовур қор билан ёпилған, сўри остидағи сувфанинг четлари ёғин билан нураб, устидан бир неча жойи узун-узун ёрилған эди.

Суфа ёнида тўхтаған Раъно болалар ичидағи Маҳмудни чақириб, сўради:

- Маҳмуд, даданг қаерда?
- Дадам... бозорда.
- Ташқарида ким бор?
- Ичким.

Раъно бошқа сўз айтмай ўрта эшикка келди. Маҳмуд айтканча, ташқарида ҳеч ким йўқ, тўй муносабати билан мактаб шогирдлари бир

¹ Савқи табиъий – табиий ҳаракат.

² Такягоҳ – суюнчик.

неча кунга озод қўйилған эдилар. Нима мақсад биландир ташқарира чиққан Раъно меҳмонхона эшигини қулфланған кўриб, машқонага қараб келди. Эшик занжирини тушурниб ичкари кирди. Саҳнидаги бўрё ва бордонларичувалиб, титилиб ётқан машқонанинг ҳар бир тоқчасига кўз ташлаб, бирар нарса излагандек юринди. Тўрдаги тоқчадан устига кўк сир берилган бир давотни олиб қаради. Давотнинг ичидағи лосларини қора-сариқ тусда қуриб қолған кўргач, оёқ остига ташлаб машқонадан чиқди.

— Маҳмуд!

Камончасига ўқ қадаб ётқан Маҳмуд ўрта эшиқдан турған опасига қаради.

— Ҳмм?

— Бери кел.

Маҳмуд тилар-тиламас опаси — Раънонинг ёниға келди.

— Ҳмм?

Раъно Маҳмудга ўз орқасидан келишкя ишорат қилиб, яна машқонага қараб кетди. Маҳмуд қўлидағи камончасини турли тарафка ўқтала-ўқтала Раъно билан машқонага кирди. Улар иккиси бир неча вақт машқонада қайси тўғридадир сўзлашиб қолдилар.

Уйда хат ёзиб ўлтурган Раъно онасининг ким биландир ҳавли юзида қўришиб, сўзлашқанини эшигиди ва бироздан сўнг юмалоқина, тўла-тўкис бир бўғоз хотинни айвон муюшида кўриб, ёзувини тўхтатишқа мажбур бўлди. Чунки хотин Раънони кўриб қолған, шунинг учун бўғоз хотин билан чиқиб кўришиш Раънога лозим бўлған эди. Раъно чиқиб кўришди. Нигор ойим танимаған меҳмонни сандалга тақлиф қилди.

— Бу ёққа, айланай, бу ёққа.

Хотин қистатмай сандалга чиқиб ўлтурди, кўзи Раънода экан, фотиха ўқуб рўмол-лачагини тузатди:

— Танимаған хотин нима қилиб юрийди, деб ўйларсизлар, айланай, — деди хотин ва чўнтағидан бир қоғоз чиқарди. — Мирзо биринки кундан берли бизникидалар... Танисаларингиз керак, ўргулай, мен мирзо Султоналининг кўчлари¹ бўламан... Китобсиз зериқдим, уйда бир китобим бор эди, деб боя — эрта билан шу қофозни берибтилар, айланай...

Хотиндан бу сўзни эшитиб Нигор ойим ачиниш ва уялиш вазиятига кирди. Танчадан нарироқда тик турған Раъно Нигор ойимдан қизғанғандек, келиб хотиннинг қўлидағи буқланган қофозни олди.

— Мирзодан уятлиғимиз... Айниқса, уч кундан бери қаёқларда қолди, деб ич-етимни едим, — деди Нигор ойим. — Тақдирға ҳеч нарса деб бўлмас экан... Биз мирзо билан уланишармиз деб ўйлаған эдик.

— Тақдирни азал, айланай, — деди хотин. — Мирзо ҳам юртда иккита ақил бўлса, биттаси. Сизлардан ҳануз миннатдор эканлар; шундай, шундай иш бўғандан кейин келишкя андиша қилиб қоғанлар-да, айланай.

¹ Кўчлари — хотинлари.

Улар шу сўзда экан, Раъно уйга кирди:

«Холамға, сўнгра Раънога. Беҳад салом ва дую. Мендан ранжимангиз, на учунким шундан бошқа чорам шўқдир. Хат олиб боргучидан Шайхи Саъдий кулмиётини¹ бериб юборсангиз, бўш соатларимдан фойдаланаар эдим. Раънога маълум бўлсинким, бундан сўнг сенга меним машқларим (шеър дафтарим) керак бўлмас ва ўзинг билан олиб юришинг ҳам эҳтиётдан эмас. Агар хафа бўлмасанг, шуни ҳам бериб юбор. Соғлиқ ахволотингиздан ёзингиз.

Aggou Анвар».

Хат шу қисқа жумлалардан иборат, яна шундай ҳам бўлса Раъно учун қийматли эди.

Ҳали ёзиб бошлиған қоғозни нима учундир йиртиб ташлади, айвондагиларнинг ўзаро сўзлашиб турғанларидан фойдаланиб, жавоб ёзишқа шошилди

49. РАМЗ

Анвардан бироз илгарироқ қайтқан Султонали оғилхона айвонида сигир соғиб ётқан хотини устида тўхтади.

— Бордингми, Рузвон?

— Бордим, — деди Рузвон ва эмчақдан «пов-пов» сут соғища давом этди. — Бордим, олиб келдим.

— Мехмонхонага олов қиласандирсан?

Рузвон боши билан «қилдим», ишорасини берди.

Султонали мирзо уйга ўтди, салла-чопонини ешиб, яна хотинининг ёнига келди.

— Бузоқни ешиб юборинг-чи, айланай. — Султонали мирзо устунга болланған бузоқни ешиб юборди. Бузоқ онасининг эмчагига ёпишди. Рузвон хурмадаги сутни кўтариб ҳужрага ўтди, Султонали ҳам хотини орқасидан кирди.

— Хўш, нима гап бўлди, Рузвон?

Рузвон хурмадаги сутни товоқларга бўлар эди

— Бордим, хатни бердим, чой қайнатдилар, талай гапуришиб ўлтургандан кейин, китобни олиб қайтдим.

— Кимлар бор экан?

— Отин хола, қизи.

— Қизи қалай?

Рузвон афсус қиласандек, бошини икки елкасига иргатди ва тилини тағлайига тегизиб «чалоқ» этдириб кўйди.

— Мен, мирзобоши жуда хафа кўринади, деганингиздан ҳам шуни ўйлаған эдим. Баайни сурат: киши ҳам бундай бежирим бўлар экан.

— Ҳа, ҳа!

— Чамаси улар ошиқ-маъшук, балоҳўр хон лоақал шунга чўвагини тиқмаса нима қиласар эди. Бечора қиз, шундай хафа, шундай хафа. Дор-дунёси² қоп-коронги.

¹ Кулмиёт — шоирнинг асарлар тўплами.

² Дор-дунё — кўнгил, ич.

- Ҳа, ҳа... Отин холаси-чи?
- У бечора ҳам ҳайрон, «болаларимнинг сўйинчи ичига тушти», — дейди.

Султонали афсуслангандек бош чайқаб қўйди.

— Китобни қаерға қўйибсан?

— Меҳмонхонада... Ҳа, айтканча, ичида кичкина хат ҳам бор.

Султонали мирзо кечлик ош тўғрисида баъзи гапларни айтиб, таш-қариға чиқди. Меҳмонхона очик эди. Тирсаги билан танчага такя қилған Анвар Саъдий куллиётини варақлар эди. Султонали кириши билан Анвар китобни ёнига олиб қўйди ва кучлаигандек илжайди.

— Раҳмат, олиб келган эканлар.

— Китобнинг ичида хат бор эмиш, балки кўргандирсиз?

Анвар хатни кўрмаган эди, китобни қайтадан очиб, муқовадан тўрт буқланган бир қоғозни олди. Хат масаласи билан Анварнинг бироз шошиб қолғанини сезган бўлса керак, уйда бир иши борлигини сўзлаб, Султонали меҳмонхонадан чиқди. Анвар хатни очди.

«Хурматлик Анвар ака, ассалому алайкум. Ҳаммамиз соғ ва саломатмиз. Келин ойим орқалиқ бериб юборған хатингизни олдиқ, соғлиғингизни, тинчлиғингизни ўқуб ва эшишиб жуда хурсанд бўлдиқ: шлоҳи, саломат бўлсинлар. Соний, биздан аҳвол сўрасангиз алҳамдулилоҳ тинчмиз, хотиржамъ бўлурсиз. Сўратиб юборған китобнингизни бериб юбордим. Аямдан сизга салом, боқий сўзни Шайхи Саъдийдан ўқурсиз деб хатни мухтасар қилдим, Раъно».

Анвар езувни қўлида ушлаган ҳолда қараб қолди. Бироз ўиланиб турғандан кейин, хатни яна ўқуб ҳар бир жумла устида тўхталиб ўтди «Соғлиғингизни, тинчлиғингизни эшишиб жуда хурсанд бўлдиқ» жумласи билан «сиз тинчиб кетдингиз» демакчи эди. Чунки, шу жумладан кейинги — «илоҳи, саломат бўлсинлар» кинояси буни таъкид қиласр, «соний, биздан аҳвол сўрасангиз, алҳамдулилоҳ тинчмиз, хотиржамъ, бўлурсиз», яна киноя, аммо энг кейинги — «боқий сўзни Шайхи Саъдийдан ўқурсиз деб хатни мухтасар қилдим» жумласи бироз ўрунсиз каби эди. Анвар бу жумлани «мундан сўнг ёнингизда Раъно йўқ, бўи вақтингизни Шайхи Саъдий ўқуб кечириңгиз» маъносида тушунди.

Анвар қоғозни буклаб китобнинг муқовасига содди ва хатнинг оғир маъноси таъсирида энтикиб суқутка борди. Унинг бу кунларда кечириб турған ҳоли жуда оғир, бу оғирлиқ устига Раъононинг мазлумона ёрдам сўраб киноялар ёзиши яна аламлиқ эди. Чора нима? Бу фожиъани дафъ қилиш учун бирар йўл, бирар хил тадбир? Фақат бир йўл, энг сўнгги чора: Худоёр олдида сирни очиш, Раънога ва Раъононинг эса ўзига қарши муҳаббатларини фош қилиб, хоннинг оёғига бош уриш — ялиниш, ёлбориш... Ҳайҳот, бу разолатни Анварнинг нафси ҳазм қилолмаганидек, «адолатланоҳ»нинг ҳам бу тўғрида «марҳамат»лари шубҳалик. Башарти Анвар шу разолатка иртикоф этса, адабсизлик, уятсизликда айбланиб, бирар жазога йўлиқиши ҳам яқин эҳтимолдир.

Маънан ва жисман ээилган, айникса, ҳозирги аҳвол ичида кўз ўнги

¹ Мухтасар — қиска



қоронғиланған Анвар меҳмонхонаға кириб келгучи Султоналидан ҳам ибо құлмай, гүё ҳүшсиз каби бошини иккі қўли орасига олиб, сандал устига энгашти... Масала билан бирмунча таниш Султонали мирзо бу ҳолни дафъатан бояғи хат мазмунидан деб ўлади. Уялласин, деган каби бир нарса излаган бўлиб, тоқчаларни айланди... Анвар қаддини ростлаб, узун нафас олди ва Султоналига ўлтуринг ишоратини қилди. Султонали ўлтурди.

— Нега үндайсиз, Анвар?

Анвар кучланиб илжайди

— Ҳалиги хат мени хафа қилди, — деди ва бироз тўхталиб турди. — Сиздан яширап сир йўқ, хат ёзгучи билан орамизда анчадан бери яқинлик, каби бир гап бор эди. Маълум гаплар туғилғач, мен ўзимни четка олишни, қатъий алоқа қилишни мувофиқ кўриб, сизнинг устингизга келдим. Воситангиз билан бу кун хат ёзиб, мендан ранжидир, тинчиб кетдингиз деб, киноя қиласди. Ёш, ақлсизга нима ҳам деб бўлсин, фақат дикқатлик... Мана, ўкуб кўрингиз, сартопо киноя

Султонали кулимсиди, аммо ўзида ўнграйсизлик, тузида қизариши бор эди. Хатни мирзонинг қўлидан олиб ўкуди. Ўкуб чиққач, ёзувнинг яна аллақайси жумласига иккичи мартаба қаради.

— Қизик, «бокий сўзни Шайхи Саъдийдан ўқурсиз, деб хатни мухтасар қилдим...» Бу жумла билан нима демакчи?

— Бу ҳам киноя, — деди Анвар, — бундан сўнг меним туримда ўйламай, бўш вақтингизни Шайхи Саъдий ўқуб кечирингиз, демакчи бўлса керак.

Султонали мажҳул ҳаракат ясади.

— Балки...

Бу мұхмал тасдиқ ва мажҳул вазият Анварни шубҳага туширди

— Ҳўш, сизнинг фикрингизча?

— Мен... Мен ҳам сизнинг фикрингизга келиб қолдим; мен бошқачароқ тушунганд эканман.

— Масалан?

— Мен: «Китобнинг ичида яна бир хат бор, қолян сўзни шундан ўқурсиз» деб.

— Эҳтимол сизники тўғридир, — деб алганлади. — Бу ҳам бир эринмаганлик бўлсин; китоб ичини ахтариб кўрайми?

Султонали кулди.

— Майли... Мен уйга кириб, таом етилган бўлса, олиб чиқай.

Султонали кетди. Анвар китобнинг ўнг-терсини очиб, ахтара бошлиди. Ҳеч нарса кўрина бермагандан кейин бирма-бир саҳифа очиб боришдан ҳам эринмади. Бош тарафдан ўттузлаб саҳифа текширилган эдиким, Султоналиниң фоли ҳақиқатка ошиб, саҳифа орасига булавсиз кўйилған бир хат четига қоқилиб чиқди. Анвар шошди.

«Андиша ва эҳтиёт юзасидан бир хатни алоҳида ёзиб, китоб ичига яширдим: Анвар ака, оғир соатларда ёнингизда тургучи дўстдир; қочқучи эсаким — буни сизнинг хўкмингизга ҳавола қиласман. Ваъда бериш осон, лекин уҳдаси машаққат; бундан сўнг шуни ҳам хотирда

яхши тутингиз. Оғир дақиқаларда арзимас гапни күнгилга олиш сизнинг каби олижаноблар иши бўлур, деб ким ўйласин. Бахтсиз бир қизнинг нажоти учун тебранмадингиз, деб сизни айблаб бўлмас; бироқ, бахтсиз Раъно таҳлика остида қолғанда, уни бу кун-эрта бир фожиға кутканда вафолик, деб билган бир кишисидан бу янглиғ жафо кўриши нақлларда ўқулғанми, афсоналарда тўкулғанми? Шу қадар гуноҳим бор эмиш, деб хафа бўлмангиз, Анвар ака. Башарти шу гуноҳларнинг ювилиб кетишини тиласангиз, сизга бир хизмат бор, ҳам сизнинг учун энг осон хизмат: эртага чаҳоршанба кечқурун, тиласангиз — очиқча, тиламасангиз — яширинча бўлса ҳам бизникига келингиз, мен билан охирги мартаба видоълашингиз. Чунки сиз нашъу намо қилған жойда Раънони ҳалокат кутадир».

Анвар ёзувни онда-сонда ўқуб, тезлик билан китобка қайтариб солди, саҳифалар орасида қолдириб, устига янги саҳифалар уя борди. Чунки лаганда манти кўтарган Султонали даҳлизга қараб ўткан эди.

— Борми? — деди Султонали лагани сандал устига қўйиб. — Валлоҳи аълам, маъно сиз тушунгандир. Мен янглишқан чиқарман.

Анвар унинг сўзини тасдиқ қилған каби бош иргатиб, китобни спди, қўл юврали даҳлизга чиқди.

50. МАЪШУҚА МАҲБАСИ¹

Раънонинг иккинчи хати Анвар учун яна бир ташвиш эди. Унинг ёнига борищдан ҳеч бир мантиқ топмас, билъакс, юрак ўтининг аланга олишини, жароҳатларнинг янгилашишини кўрар эди. Китоб баҳонаси билан хат ёзиб, ўз дарагини айтиб, эвазига шундай ташвиш ортдириб олған Анвар, кечаги кунаарда ҳиссиётка қаттиғ берилиб, китоб сўратиш оқибатини яхши муҳокама эталмаганидан пушаймон эди. Шунинг билан бирга ўзининг мундан сўнгги ҳаракатида ҳам амният² сезмас эди. Чунки Раънога учрашишдан ҳеч бир фойда тасаввур қилмаган муҳокамаси қаршисидағи кучлик бир майл, Раънога йўлиқишидан фойда эмас маъно кўрсатар эди... Учрашилганда шубҳа йўқум, Раъно йиглар, кўнгилни бузар, шундан бошқа иш чиқмас, лекин иккинчи тарафда неча йиллик муҳаббат яна шу фожиғ учрашишга мойил каби эди.

Ул тун бўйи учрашишнинг яхши ва ёмон тарафларини ўйлаб, ухлай олмади, ора-чора ухлаб кеткан аснолари ҳам яна шу учрашишга алоқадор тушлар билан кечди. Ҳар қанча ақл изи билан ҳаракат қилишга тиришса-да, яна учрашмаслик, сукут қилиб кетишлик эб кўринмас эди. Учрашиш — нечоғлиқ тадбирсизлик, жон койитиш бўлмасин, Раънонинг: «Мен билан охирги мартаба видолашингиз, сиз нашъу намо қилған жойда мени ҳалокат кутадир» жумласи ҳар қандайдур андишаликни енгтарлик ва бу жонсўз хитобадан кўз юмиш йигитлик шаънига ярашадирган кўринмас эди.

¹ Маҳбас — ҳибсона, қамоқчона.

Амният — тиячлик.

Анвар қатыяиң бориши қарорига келганды, девонда үлтүриб ишлар Унинг эндиги тараддуди учрашиш ёки учрашмаслик борасида эмас, Раъннинг олдига очиқча бориши, яширинчами түғрисида эди. Башарти очиқ борса, маҳдумнинг шубҳаланиши, Раънни четка қоқиб ёки уларни таъқиб этиб, яраға туз сепиши, Анварнинг иззати нафсига тўқуниши аниқ. Яширин борса... Орада хиёнат, бузук пият бўлмагандан кейин яшириниб юриш нима ҳожат? Хайр, яширинча ҳам борсин, баногоҳ, маҳдум кўриб қолса... Унинг учун бу масалани ҳал қилиш жуда ҳам мушкил эди

Иккиси кечкурун қайтишиб келдилар: Султонали мирзо кундаги каби Анварни яхши ошлар билан меҳмон қилди. Шомни ўқуғандан кейин Анвар «бир неча соат ичида жиянлари олдига бориб келиш учун» Султонали мирзодан изн олиб чиқди.

Қишининг охирги кунлари, кўчада қора совуқ билан извириқ юрар эди. Тўққуз-ўн кунлик ой шаҳарнинг қоқ устида чети қорайған сариқ баркашдек ялтираб турар эди. Маҳалла болалари эшикма-эшик юриб – «Барот келди, биддингизми, идиш-товоқ ювдингизми?» ашуласини айттар эдилар.

Анвар маҳдумнинг маҳалласига келиб етканда, киши танимаслиқ даражада қоронги тушди ва шу қаторда Алварнинг кўнглидаги қорон-илиқ ҳам кучайди, юрак уриши эътидолдан чиқиб, ўғри кишидек атрофга қарана бошлади. Бундан бирар ҳафта илгари баҳт бўйини онрқитқан бу маҳалла ҳозир шунинг зидди билан ҳувиллар; ҳаммаёқ тим қоронги, фақат у маҳалла устида нурланиб кўринган ойғина унинг кўнглини ёритар, бироқ... Бироқ, қажрафтор фалак¹ уни ҳам бағрида қора доғи билан ўрда томонига қараб судрар эди.

Анвар ёпиқ ҳолда турған дарбоза ёнига келиб оҳиста итарди. Дарбозани занжир кўриб, кўз ўнги қоронғиланди... Бир неча фурсат дарбоза ёнида қадалиб турғандан сўнг, тўғриға ўтди. Йигирма қадам чамаси юриб, қўшнининг дарбозасини итарди, буниси очиқ эди Қоронги йўлакка кирди. Ул маҳдумнинг хуфтангага чиқишидан фойдаланмоқчи, хуфтанг азони айтилғандан кейин ҳам дарбоза очилмаса, сўнгра қайтиб кетмакчи эди Узоқ кутишка тўғри келмади, маҳалла масжида хуфтанг азони айтилди, шундан бироз кейин Раънолар дарбозаси ҳам рий-киллаб очиуди.

Дарбозадан чиқсан оёқ товши Анварга яқинлаб келар эди. Анварнинг юраги арзиқиб, қўшни дарбозасининг ички томонидан очиқ табақа орқалиқ йўлга мўралар эди. Раънолар дарбозасидан чиққучи тўғриға ўтиши билан Анвар турған йўлакнинг ичкарисидан ҳам оёқ товши келиб қолди. Анвар шошди, маҳдум беш-олти қадам йироқлашқач, йўлакдан чиқишика мажбур бўлди. Анвар оёғидан товуш чиқармаслиққа тиришиб, секин-секин дарбозага юриб келди. Орқадаги оёғ товушларининг узоқлашия борганини сезиб, хотиржамъ ичкарига кириб олди. Меҳмонхона саҳнида бироз аланглаб турғандан кейин, тўғри-

1 Қажрафтор фалак – яри айланувчи фалак

ва — машқхона эшигига ўтди. Машқхона эшигини очар экан, орқасиға — дарбоза йулагига қаранди.

Даричалари ёпиқ машқхонанинг ичи ҳосидлар¹ юргидек қоп-қоронғи, даромад ҳам ёпилғандан сўнг уй гүё лаҳад тусига кирди. Зулумот ичиди қолған Анвар орқа-ўнгтини ажратолмай бўрё устини чоғлаб бир-икки қадам юриб келди ва икки қўли билан тизасини кучоғлаб чўнқаиди. Даричалар тирқишидан тушкан ёруғлик билан зулумот бироз кучсизланди, шунда ҳам унинг кўз ўнгти қов-каби қоронғи эди. Ҳамма тиш-тинч қулоқ остидафи чивиллашишдан бошқа товуш эшитилмас, ора-чора узоқдан келган бола йигиси бу тиғчиликни бузғандек бўлар эди. Шу ҳолда орадан неча дақиқалар ўтиб кетди. Бир вақт ер ости дукиллагандек бўлди. Бу дукиллаш секин-секин оёқ товшиға мубаддал бўлиб, унинг қулоқлари тиккайди. Ичкаридан чиққап бираав йўлакками, меҳмонхонағами ўтиб кетди. Анвар энгиқди, меҳмонхона-нинг эшиги очилиб бироздан кейин яна ёпилди, ҳавли саҳнида яна бираав юринди. Борған сайин машқхонаға яқинлашиб келган оёқ товши билан Анвар тоқатсизланди. Эшик очилиши билан беихтиёр ўрнидан туриб кетди...

- Анвар ака.
- Мен...

Эшик очқан Раъно эди, бир-икки қадам ичкарига кириб тўхтади. Анварга озрина қараб турғач, узун нафас олиб орқасиға қайтди. Анвар бу ҳолнинг сабабига тушуналмаганидек, уни чиқармай тўхтатишқа ҳам ўзида жасорат топмади. Бираар дақиқадан сўнг эшикда яна Раъно кўриниб, Анварнинг оддига қорамтил бир нарса келтириб қўйди.

— Сизга кўрпача олиб келдим, — деди шивирлаб, — уйга аммам ва холамлар келишкан, мен уларни ухлатиб чиқаман...

Раъно шу сўзни айтиб, орқасиға қайта берди, эшикни бояғича ёлиб, ҳужрадаи йироқлашди. Аҳволга бироз тушунган Анвар кўрпачани бўрёға солиб, устига чиқди ва эркин нафас олиб ёнбошлади. Энди Раънонинг ҳарҳолда чиқишини билса ҳам, бироқ қачон чиқишини билмас эди. Орадан бироз фурсат кечканда дарбоза очилиб ёпилди. Анварнинг қулоғи тиккайиб, қаддини ростлаб ўлтуришқа мажбур бўлди. Оёқ товши яқинлашди, узоклашди ва охирда битиб ҳам кетди.

Вақт жуда қийинлик билан ўтар, ташқарида «тиқ» эткан товуш уни бир аланглатар эди. Бир товук² ўтканига талай вақт бўлса ҳам, ҳамон Раъно дараксиз. Юраги сиқилған Анвар тоҳ, ўлтуриб, тоҳ ёнбошлар, совуқда музлаб кеткан маҳсилик оёғини турли вазиятка солиб кўрар эди. Шу азоб ичиди яна талай вақт кечти. Маъшуқа маҳбасига тушкан Анвар ўлтуриб чидалмади. Кафшини кийиб, ўрнидан турди, музлаган оёғини иситиш ва оғриққа киргаш аъзосини ҳаракатлантириш учун уй бўйинча кезина бошлади. Неча вақт саҳнай аланиб, яна ўлтурди. Ой ҳам бота бошлаган, чунки четдаги дарича тирқиши орқалиқ тушив

¹ Ҳосид — ҳасад қилювчи, бахил.

² Товук — хўрот қичқириғи.

турган күчсиз ойдин изи ҳам йўқолиб, уйни қоронғилиқ босқан, тева-ракдан чалинған довулларнинг «гум-гум» оҳанги ичида хўроздар иқ-кинчи мартаба қичқириб юборган эдилар. Анвар бироз ёнбошлағандан кейин яна ўрнидан турди, кафшини кийиб келиб, эшикни очди, саҳнга тушиб кўзини уқалади. Кўқда дуркум-дуркум юлдузлар сайр этар эдилар. Том бошидан ботишқа яқинлашқан ой нури аранг-аранг кўзга чалинар эди. Анвар тоза ҳаво исқаб узун нафас олди.

— Зерикмадингизми?

51. ЖАСУР ҚИЗ

Қулоғи остидағина айтилган бу сўз Анварни чўчитди ва ўз ёнида кўлида бир нарса кўтариб турган Раъонони кўрди.

— Уларни ухлатмай чиқолмадим.. Уйга кирайлик, Анвар ака.

Юраги арзиқдан Анвар Раъононинг орқасидан машқхонаға кирди. Иккиси кўрпача устига ёнма-ён ўлтуришдилар.

— Китоб ичидағи хатни пайқамайсизми, деб қўрқан эдим, — деди ярим товуш билан Раъно. — Пайқамасангиз...

— Ўзинг ҳамма гапка тушуна туриб, яна бунчалик аччиғ ёзганинг нимадир, Раъно?

— Чунки шунчалик аччиғ ёзмасам, — деди Раъно товшида титроқ оҳанг билан, — сиз келмас эдингиз... Сиз... Сиз мирзобошилиқни яхши кўрасиз-а?

Анвар бу муносабатсиз саводдан бироз ҳайрон бўлиб турди.

— Тушунмадим... Нима демакчисан?

— Сиз мирзобошилиқни яхши кўрасизми, деяпман?

— Яқинда мирзалиқни ташламоқчиман, Раъно?

— Мирзалиқни ташлағандан сўнг нима иш қиласиз?

— Кўқондан кетаман, саёҳат қиласман.

— Мени... мени ҳам ўзингиз билан олиб кетмайсизми?

Анвар яна тушунмади. Раъононинг юзига анча қараб турди:

— Сен... сенга мумкинми, Раъно?

— Мумкин, — деб қалтиранди Раъно. — Мирзобошилиқни ҳозирдан зътиборан ташласангиз мумкин...

Бу сўз Анварни ҳам қалтиратиб юборди.

— Нима деяпсан, Раъно?

Раъно бир неча вақт жавоб бералмай турди. Ўзини тўхтатиб олиш, ҳаяжонини тиндириш оғир эди.

— Ҳалиги.. ҳалиги сўзингиз чин бўлса, мен ҳам сиз билан кетишни хоҳлайман... Башарти сизга оғир ошмасам...

Анвар жим бўлиб қолди, тушига ҳам кирмаган бу таклифка нима дейишини билмай энтиқди...

— Башарти сизга оғир ошмасам, — деди такрор Раъно.

«Жасур қиз» деб ўлади Анвар. Чиндан ҳам бу жасурона исён хотин-қизлар томонидан Худоёрнинг ҳайвоний истагига қарши биринчи кўтарилиш эди. Анвар истиқболда қанчалиқ мушкилот ва хатар



Күрмасин, бу жасоратни хуш қабул қилишға мажбур, чунки мұхаббатдан ҳам илгари йигиттік тақозоси шу эди

Ул ўз яқында түрған қора гутунни ушлаб қаради.

— Бу нима, Раъно?

— Бу... бу сизнинг эски кийимларингиз.

— Нима учун бу?

— Башарти сиз хоҳласангиз.

Анвар паранжими, ~~хам~~ чамалаган эди. Мантиқсиз бу жавоб уни шоширди.

— Хўб, сенинг ризолифинг ~~нўлиди~~. — деди Анвар ярим товушда.

— Меним эски кийимларим сенга нима даркор?

Раъно жавоб бериш ўрниға узун сўлиш олиб ёнидаги тутунни еша бошлиди.

— Паранжи олмадингми, ахир?

— Ҳозир... — деди Раъно ва қоронгида бир нарсалар қила берди.

Паранжиси ҳам бордир, деб ўлаған Анвар уни ўз ҳолига қўйиб турди. Бирар дақиқадан кейин Раъно ердан бир нарсани тутиб қўзғалди, паранжи каби узайған нарса ичидан «чоқ» эткан бир нарса ерга тушти.

— Топлиб олинг шуни.

Анвар ерни тимискилади.

— Нима эди?

— Аямга берган амонатингиз.

Анвар тушкан нарса олтинлар эканини пайқади, узоқни ўйлаған Раънога қарши юрагида яна ҳароратлироқ мұхаббат сезди.

— Топдингизми?

— Топдим.

— Туринг энди.

Анвар Раъно билан бошлашиб хужрадан чиқди ва ўз ёнида паранжи ёпинган қизни эмас, телпак ва тўн кийган ёш, ўспурин бир йигитни кўрди...

— Бу нимаси, Раъно?

Раъно жавоб бериш ўрниға йўлакка қараб юра берди. Дарбозани очиб кўчага чиққандан сўнг, Анвар Раънонинг оддига тушиб, йўл бошлиди ва ўзида енгиллик ҳис этди. Чунки Раънонинг йигит суратига кириши андозасиз маъқул; бемаҳалда паранжилик хотинни бошлаб юриш миршаб ва қоровулларда ҳам турли шубҳа тудирғани каби, Анварнинг ўзи учун ҳам ўнгтайсиз бўлар эди. Гўё бир ўртоги билан кетиб борғандек парвосиз кўринган Анвар, бурилишқа етканда ўзидан ўн қадам орқадари ҳамроҳини кутиб турди. Фуруби¹ яқинлашқан қип-қизил ой Анвар тўхтаған муюшга кўлага каби заиф нур сочар эди. Раъно Анвар ёнига етиб «қаёққа юрамиз», деган каби бир йўлға ва бир ҳамроҳига қаради. Соч ўрумларини телпак остиға босиб, тўни тўпури устига тушаёзган «ёш йигит» Анварнинг кўзига яна ҳам дўндуқ-

¹ Фуруб — ойнинг ботиши.



роқ, күринди. Анвар Раънонинг тўнини бироз кўтариброк ушлатди, онда-сонда телпақдан чиқиб қолған соч толаларини яширди ва «ўнгта» деган ишоратни қилди. Раъно олдинда, ундан икки-уч қадам орқада Анвар йўлга тушдилар Енгил бедона маҳсиси билан қала кафши кичкина оёғига жуда ҳам келишкан Раъно, гёё учкандек тез юриб борар, орқада келган Анвар ғояи омолга¹ ошиққандек ундан қолишмасқа тиришар эди. Узоқ юрдилар. Элли қадам чамаси нарида гулхан ва гулхан теварагида уч-тўргт нафар кишилар кўриниб, Раъно тўхталди.

— Тўхтама, Раъно, — деди орқадан Анвар, — сен писанд қилмандек, парвосиз гулхан ёнидан ўта бер, мен улар билан сўзлашиб қолсам, нарироқда кутиб тур.

— Миршаблар бемаҳалда кўймас эмиш-ку.

— Мен билан сени кўяр... Қўрқмай боравур.

Раъно иккилангансумон йўлга тушти, гулхангача ўн қадам қолғанда миршаблардан бири ҳайқирди:

— Тўхта!

Раъно Анварга қараб тараффудланди Анвар юра беришка ишорат қилиб, тезлик билан гулхан ёнига етди. Анварни таниған миршаб ва коровуллар таъзиман ўрунларидан қўзғалдилар.

— Қўзғалманглар, — деди Анвар гулханда исиниб, — даҳбоши ҳам шу ерда эканлар...

Анвар «даҳбоши» деб атаган юм-юмалоқ киши Қорунбой исмлик бўлиб, миршабларнинг қизикроғи, шунинг учун ундан «даҳбоши» деб истеҳзо қиласар эдилар:

— Ёнингизда бесақал билан бемаҳалда нима қилиб юрибсиз, тақсир? Одамзодга ишониб бўлмас эканда..

Анвар, «даҳбоши»нинг кўзи Раънога тушиб қолғанини онглади. Гулхандан ўттуз қадамча нарига бориб тўхтаран «бесақал»га кўз қирини ташлади.

— Зиёфатда эдик, даҳбоши.

— Ҳа-а-а-а менам айтдим... Уй бу ёқда қолиб, энди қаёққа кетапсиз, тақсир?

Анвар қўлинни яқиндан иситмакчи бўлиб гулхан тарафка бир қадам бости

— Эшиғмадингизми, ҳали?.. Мен Раис кўчадан... янги ҳавли олдим.

— Муборак, муборак.

Анвар қутлуғ айтиб, улар билан хайрлашди. Миршаблар унинг ҳурмати учун қўзғалишиб қолдилар.

Гулханчилардан элли қадамлаб узоқлашқач, Раъно Анварнинг етиб келиши учун йўл устида тўхтади.

— Нима деяпти у гўрсўхта?

Анвар ҳиринглаб кулди ва Раънонинг елкасига қоқди:

— Юр, юр, йигитча Гўрсўхта гўғри айтяпти.

— Етаёздиқми, қаерға борамиз?

— Яқин, қолди, кечаги хотиннинг уйига...

¹ Ғояи омол – умид-максад.

Раъно олдинға тушиб кетди, узоққина сұзсиз борғандан кейин орқасиға қайрилиб сүради:

- Узлари яхши одамларми?
- Яхши, яхши, — деди Айвар ва ўн қадам чамаси индамай борди.
- Сен уй эгасидан қочиб ўлтурма, ўзи меним оғам... Тузукми, Раъно?
- Хўб.

Яна бироз юриб торроқ бир кўчага бурилдилар. Султоалининг дарбозасига еткунча иккиси ҳам оғиз очиб галиришмадилар.

52. ДЎСТАЛИҚ «КАРОМАТИ»

Эрталаб хоннинг ҳарамдан чиқиш вақти яқинлашқан, салом ва истиқбол учун хослардан саккиз-тўққузи йиғилған эдилар. Шу кутиш асноси эшиқда ҳовлиқиб Султоали кўринди. Қора бармоғи билан хослар ичидаги Абдурауф тунқотарни ўз тарафига имлаб, орқасиға қайтди. Абдурауф тунқотар ажабланган ҳолда даҳлизга чиқиб, ўзини четка олиб турған Султоалига, нима гап, деган ишоратни қилди Султоали лабини тишлаб, қўли билан тунқотарни ўз ёниға чақирди. Тунқотар маҳсичан оёғини ерга босиб Султоалининг ёниға келди.

— Хўш?

Султоали бошини икки елкасига иргатиб, лабини тишлаб олди.

- Мирзобошимизнинг миси чиқиб қолди-ку.
- Хўш, хўш?

Султоали тунқотарнинг қулови остиға энгашти ва ярим товуш ичидаги деди:

- Мирзо Айвардан онҳазратка номуссизона бир хиёнат содир бўлди.


Тунқотар бошини қўйироқ тушуриб, Султоалининг афтига эгри қаради:

— Масалан?

— Мирзо Айвар уч-тўрт кундан бери меним ҳавлимда қўниб юрар эди, — деди Султоали ва сўз ораси у ёқ-бу ёққа қараб қўйди. — Чамаси устозига бир хиёнат қилғандан кейин меним ҳавлимда ётиб юрган экан... Ўз устозини билмаган бу бепадар, олампаноҳнинг ҳам бетларига оёқ қўйищдан тоймай, мазкур устозининг қиблагоҳ учун мувофиқ қўрилган қизини йўлдан оздириб, бу кун кечаси уни қочириб меним ҳавлимга олиб келди... Гарчи ўз ҳавлимда ётқан меҳмоним ва дўсти қадрдоним бўлса ҳам, валинеъматимнинг ҳаққи намакларини унугкан бу беҳаёнинг андишасизлигидан ҳар мўйим бир ништардек кийимимдан тешиб чиқаётди. Унинг йигитлигига тилда таҳсин ўқуб, ичдан лаънат айтиб, жанобни хабардор қилиш учун югуриб келаётқаним-да, бек ака.

Тунқотарнинг кўзи қинидан чиқаётсиб, бир-икки қайта соқолини қўли билан букиб ямлади.

— Падар лаънат. Ўзи ҳозир сизнинг уйингизда?



— Ҳа, ҳа... Қиз ҳам шунда. Жанобнинг раъйларини билиш қийинку, бироқ менга қолса, вақт қочирмай уни ҳозироқ қўлға олиш керакда.

— Бўлмаса-чи, — деди тунқотар елкасини қисиб, — мен ҳозир арз қиласай. Раҳмат сизга.

Тунқотар ҳузури хоска кириш учун шошилди. Султонали хоннинг «ҳаққи намагини» бенуқсон адо қилиб, хотиржамъ девонға қайтди. Анварнинг энг содик кишисининг охирғи «каромати» ниҳоят шу бўлди.

Кўб фурсат ўтмади. Девоннинг даричаси ёниға келган тунқотар Султоналига чиқ ишоратини қилиб, ўзи нарироққа кетди. Ҳовлиққан, энтиккан Султонали оёғини онда-сонда ташлаб, девонхонадан чиқиб келди.

— Марҳамат?

— Ушлашка буюрдилар.

— Айни қаромат, — деди Султонали. — Иккисини ҳам албатта?

— Албатта.

Ёниға тўрт нафар ясовул олиб, Султонали йўлға тушти. Ташқи дарбоза ёниға қантарилған отлардан бирисига миниб, тунқотар ҳам уларнинг изига кирди. Озғина юргандан кейин, тунқотар яёвлардан ўзди. Унга етиб юриш учун Султонали ва ясовуллар елиб бордилар. От билан баробар югуришар, озғина кейинда қолсалар, отлик тунқотар тез юришға қистар эди. Шу йўсун ҳаллослашиб, узоқ чоптилар... Бурулишқа етканда Султонали бироз сустланиб, ўзидан ўн от адими йирокда борған тунқотарни чақириб тўхтатди ва қўлини ўнгта силтади. Тор кўчага кириб кетдилар. Уч дақиқа чамаси елгандан сўнг, Султоналининг дарбозаси кўринди. Султонали тўхтади...

— Ўша кўриниб гурған дарбоза... Озғина таҳаммул қилинсин-чи, бек почча, меним киришим яхши бўлмас, дейман?..

Тўрт адимча оддинда борған тунқотар отнинг жилавини тортди.

— Нима учун?

— Меним дўстлик отим бор... Мен четроқда турсам маъқул бўлмасми?

— Маъқул, маъқул.

— Раҳмат... Дарбозадан кирсангиз меҳмонхона бор; ул шунда бўлса керак, қиз эса ичкарида эди.

Султонали шу сўзни айтиб, ўзини қаршидағи дарбоза йўлагига олди. Тунқотар йигитлар билан дарбозага қараб кетди. Дарбозанинг ҳар икки табақаси ҳам лангтилаб очилған, ичқари тарафдан хотин ва эр кишининг сўзлашкан товушлари эшитилар эди. Тунқотар отдан тушиб жилавини ясовуллардан бирининг қўлиға берди:

— Сен от билан шу ерда турасан, дарбозадан на хотин ва на эркак кишини чиқармайсан, — деди тунқотар. — Сиз йигитлар, мени орқамдан кирингиз, Анварни кўрганингиз он ҳеч нарсага қарамай, қўлини боғлангиз.

Ясовуллар садоқат нишони кўрсатдилар. Тунқотар уч-тўрт қадам



ичкари юрди ва йўлак даромадида тўхтаб ичкарига қулоқ солди. Ичкаридан эр ва хотин сўзларини эшилди.

- Шарманда бўлдим, расво бўлдим!..
- Шарманда бўлиш ҳеч гап эмас, — деди ичдан тунқотар.
- Вой шўрим курсин!..
- Албатта шўринг куруйди, моча!.. — деди тунқотар.

Тунқотар, йигитларга «орқамдан» ишоратини қилиб, бирдан саҳнга чиқди... Саҳннинг ўртасида қўлида бир қоғоз ушлаб, бошини қуий солған Солиҳ маҳдум тураг эди. Маҳдумнинг ёнида икки киши, улардан берироқда паранжилик уч хотин қадалған эдилар. Тунқотар ва ясовулларнинг шапраси билан ҳамма чўчиб кетди. Маҳдум қўлини бир-бирига уриб, оҳ чекти:

- Шарманда бўлдим, расво бўлдим!

Тунқотар шошиб, олпонғ-толпонғ маҳдумнинг ёнига келиб етди.

- Нима гап?

Маҳдум шарт этиб, пешонасига уриб, йиглади:

— Сўзлагали тил йўқ... Жанобнинг олдиларида шармисор, ғазабка сазовор бўлдим... Эрталаб уйғонсақ, бепадар ожизамиз йўқ... Саросима ўён-буён югуриб турғанимизда, мирзо Султоналиницидан, қизингиз бизницида, деган хабар борди. Биз аёллар билан югуришиб келсак, бир онда...

- Хўш, хўш?

— Ҳаромзода Анвар уни йўлдан оздириб, бу ердан ҳам олиб қочибдири... Ҳарчанд ичкари ва ташқарини излаб, ушбу хатдан ғайри асар топмадик... ЭвоХ!..

Хотинарнинг биридан йиги товши эшигилди. Тунқотар маҳдумнинг қўлидағи хатни юлқандек ўз қўлиға олди.

«Иззатлик мирзо Султонали оғамизга! Маълум бўлсинким, синглингиз билан маслаҳатлашиб ўз ҳаётимиз учун сизницига туришни хавфлик, деб ўйладиқ. Гарчи дўст кўринсангиз ҳам, баъзи нолойиқ ҳаракатларингиз бизни шубҳага солди. Айниқса, хотинингизнинг Раънога бузук қиз билан қилған каби муомаласи яна бизни хавотирга туширги. Шуларга мабни¹ алдаган каби сизни ўргаға жўнатишқа, сиздан сўнг уйингиздан кетишкага мажбур бўлдиқ. Дунёда дўсти содикни топиш қийин экан. Сизга ҳарчанд: «Мен ошиқман, қиз маъшуқамдир, олампаноюқа қилған бу хиёнатим ёлғиз ўз тарафимдан содир бўлған жиноят эмас», — десам ҳам сиз «Ёшлиқ қилибсан, марҳаматлик подшоҳинг ҳақини унубиссан!» дейсиз. Лекин сиз шу қиз йўлига ҳатто бош муншийликдан ҳам кечиб турғанимни ўйламайсиз. Бунинг учун мен сиздан ранжимайман. Аммо сизни инсон фаҳмлаб, уйингизга дўст олиб келганда бу қадар тундлиқ, бу қадар риоясизлигинги кишига қаттиғ таъсир қиласидир. Ичкарига ҳатто қиз бечоранинг бошиға ёстиқ ҳам бермаганилар. Баракалла сизга, баракалла янгамизга, баракалла одамгарчиликка!..

Agdoi дўстингиз Анвар»

— Одамгарчиликни ҳам билади, бу туз кўр қирур! — деди заҳар-

¹ Мабни — биноан.

ханда ичида тунқотар ва хатни букиб ёниға солди. — Ичкаридан мирзо Султоналиниң хотинини чақириб беринглар-чи!

Хотинардан бири ичкарига қўзғалди. Рузвон йўлақда турған бўлса керак, хотин ички эшик ёнида тўхтаб, йўлак билан сўзлашди. Тунқотар эшик ёниға келди.

- Сиз шундамисиз, янга?
- Ҳа, айланай.
- Сиз бу гаплардан нима биласиз?

Рузвон эшик шанасиға яшириниб, бироз жавобсиз турди ва биринки томоқ қириб қўйди:

— Уч кундан бери мирзо Анвар отлиғ йигит бизнинг меҳмонхонада ётиб турар эди, айланай... Шу йигит бу кун ярим кечада бир қизни бошлаб келди, мен ҳайрон бўлиб мирзонгиздан сўрасам, шундай-шундай гап... Жуда хафа бўлиб кетдик-да, айланай. Кет дегали юз чида-маиди, киши чакирғали яна вақт эмас; мирзонгиз билан кенгашиб, эмди ҳарчи эрталабгача жой берайлик, тонг отса, буларнинг татиғини бергучилар топилар-ку, ахир, дейишдик. Тонг отди, мирзо Анвар у кишига: «Мен бунда яна бир кун тураман, шунгача бизни эҳтиёт қиласангиз бўлади», деган эмиш. Мирzonгиз шошиб ўрдаға кетди, у кишидан кейин мен ҳам тинч ўлтуралмадим, айланай. Қўшнимизнинг боласини қизнинг уйига чоптирдим. Бир вақт мен билан сандалда ўлтурган қиз уйдан чиқди, мен ташқариға чиққуси келдими, деб бепарво ўлтурабериппан, айланай... Шу чиққани билан қайтиб кирмади-қўйди Кўнглим яш тортиб, ҳавлига чиқиб қарадим. Йўқ, ташқарида-микин деб шу турған жойимга келган эдим, уёқдан булар келишиб қолди... Бўған гап шу, айланай!

Тунқотар афсус чекиб маҳдумнинг ёнида турған кишиларга яқин келди.

- Сизлар нима қилиб юрасиз бу ерда?
- Биз... биз мирзо Султоналиниң қўшнилари бўламиз.
- Жуда яхши, хизмат?!

Тунқотарнинг кариҳ¹ бу муқобаласидан кишилар сиқилиб қолдилар.

— Мен кўчада эдим, — деди бириси қўрқа-писа, — у ёқдан домла билан аёллар келиша берди... Аёллар йиглашқанға мирzonинг уйидагир гап бўлғанми, деб...

- Текин томошачиман, дегин... Хўб, сен-чи?
- Мен ҳам мирзо Султоналига қўшни бўламан, — деди иккинчи киши: буниси ўзига бироз тетикроқ эди. — Бироқ мен, сизларнинг гапларингизни эшлитиб, бир нарсага ҳайрон бўлиб туриппан-да.
- Нимага ҳайрон бўласан?
- Мен шунга ҳайрон бўляпманки, янгамнинг сўзига қараганда, мирзо Анвар ўз ёнида паранжилик хотин билан чиқиб кетса керак эди... Боя мен уни дарбозадан чиқиб борғанида кўрдим, ёнида хотин-потин деган гап йўқ эди.

¹ Кариҳ — екимсиз, хунук

- Ёлғизмиди?
- Ёлғиз-ку эмас эди, бироқ ёнидагиси аёл эмас, дўндиққина бир бесақал эди.

Тунқотар қўшнининг сўзига тушунмади, елкасини қисиб қўйди.

- Сиз аниқ кўрибсиз, Карим ака, — деди у ёқдан Рузвон. — Киз кечаси келганида ҳам эркак кийимида эди.

— Уб, падар лаънат! — деб юборди тунқотар.

Устиға тоғ ағдарилған маҳдум бошини яна қуириққа солиб, ҳўнгир-ҳўнгир йиглади.

— Бўлар иш бўлған... — деди тунқотар атрофига хитобан, — уларку, албатта, қўлға тушиб жазосини топар, бироқ жанобнинг шаънила-рига жуда оғир гап. Биноан алайх, шу ердаги сирга воқиф бўлғанлар-нинг вазифаси бу ҳодисани кишиига сўзламаслик, кўрган-кечирганини шу ерда қолдириб кетишилик!

Кишилардан: «Албатта, албатта!» деган жавоб бўлди. Сўнгра тунқотар маҳдумнинг ёниға келди.

— Сизда гуноҳ, йўқ, бироқ қиз ўсдиришни билмас экансиз.

— Бандамиз, бандамиз, — деб йиглади маҳдум. — Илоҳи жувонмарг бўлсин, мени ерга қаратди.

Паранжидағи хотинларнинг бири Нигор ойим пиқ-пиқ йиглади. Тарбузи қўлтуридан тушкан тунқотар ясовулларнинг олдиға тушиб, тарс-турс қўчага чиқди, йигитлардан бирининг кўмагида отқа миниб, жилавини қўйди. Султонали яширинған дарбозага етканда йўлакай чақириб ўтди:

— Мирзо Султонали, чиқинг. Қочқан, падар лаънатлар!

Султонали кўзини катта очиб, дарбозадан чиқди.

— А. чинми?

— Қочқан, — деди тунқотар ҳатни Султоналига узатиб, — ўқуб, яна менга қайтаринг, жанобга ҳам кўрсатишимиш керак...

...Султонали шу ҳодисанинг иккинчи куни хонга қилған садоқатининг самарасини ҳам кўрди, яъни бош мунший бўлиб белгиланди

53. ЧАЁННИНГ НАМОЙИШИ

Бу кеч масжид ҳужраси яна обод, катта шамъни тоқчага қўндириб, очик танчага писта кўмир солиб, маъюс, бир-бирига ёнма-ён ўлтурғу-чи икки муфти қўлларини оловга товлар эдилар. Ҳужранинг тўрдаги тоқласига беш-олти дона қалин муқовалиқ китоблар терилган, уларнинг варақ тахида — «Шарҳи мулло Жомий», «Ақоиди маъалҷаво-ший», «Ҳикматул-айн», «Алвиқоя», «Сияри шариф» каби сўзлар ёзилған эди. Кун ботиш тоқча деворига гул равишида туширилган дуо ёки шунинг каби муқаддас калималар ёзиғлиқ бир қоғоз ёпиширилган. Сирлар билан турланган қозикларнинг бирига бева хотиннинг декчасидек бир салла илинган эди.

Шаҳодат муфти касавни олиб, чўғни титди ва кенг кўкрагини шишириб нафас олди.

- Ажаб бедаво дард-да.
- Калоншоҳ мирзо бошини иргатиб қўйди.
- «Сўйган ёрим сен бўлсанг, кўрган куним не бўлғай», — ^{леб} давом этди муфти. — Улуламир қадрошунос бўлғандан сўнг қийин экан. Шу оқпадарнинг қўл остида ишлагандан девонни ташлаб кеткан беҳроқ.

- Сабр қилинг, домла, сабр: «Инналлоҳа маъассобирин»¹.
- Албаттга... Ва лекин Султоналидек бемаънига бош эккандан, ҳар рўз ўн таёқ етган яхши.

Хуфтанинн ўқуғандан сўнг таҳорат янгилаб юргучи мулла Абдураҳмон ҳужра эшигида кўринди. Кичкина ховонча бошидаги оқ, тепчима тўпли ва қора узун соқоли уни хиндиларнинг савдогари қиёфатига қўйған эди. Мулла Абдураҳмон ичкари кириб, қозикдаги саллани оқ, тўпли устидан кийди.

- Мен жанобларнинг сўзлари билан уйга овқат буюрмадим-а?
- Лозим эмас, биз уйдан овқатланиб келганимиз.
- Мулла Абдураҳмон танча ёнига келиб ўltурди ва ер остидан Шаҳодат муфтига қараб илжайди.
- Шундай қилиб, мирзо Анварни қиз билан қочирдингиз?
- Қочириш бўлса, қочирдик ва лекин қордан қутулиб ёмғурга тутилдиқ, мулла Абдураҳмон.
- Мен эшитдим.
- Куллу явмин батар² — буниси ундан ҳам қабиҳроқ бўлди... Беш кундан бери юраклар зардобка тўлди, мулла Абдураҳмон, — деди муфти. — Кеча бизникига йўқлаб борған экансиз. Сиз кетибсиз, мен келибман-да; кўб афсус қилдим. Бу кун мулла Калоншоҳни олиб, сиз билан суҳбатлашиб қайтайлик, деган ниятда...

- Куллук тақсир, қуллук, — деб мулла Абдураҳмон қимиirlаб ўltурди. — Мен Анвар билан Султонали можаросини фақат кечада мурзо Бойсдан эшитдим. Бу тўғрини аникроқ билиш учун жанобингизнинг хизматингизга борғаним эди... Хўш, ҳаводис³ нима?

— Ҳаводисми? Қани сўзланг-чи, мулла Калоншоҳ.

Калоншоҳ, сўзлай беринг, дегандек Шаҳодат муфтининг ўзига ишорат қилди. Шаҳодат муфти кўзини юминқираб, ҳаводисдан саҳифа очди:

- Ҳаводис шулки, Анвар борасира сизнинг олған нишонингиз жидан тўюри тушиб, биз куткандан ҳам зиёдроқ самарага эришкан, яъни мағрур гўдагимиз қизни олиб қочқан...

Мулла Абдураҳмон ҳакимона⁴ илжайди, Шаҳодат муфти давом этди:

- Чамаси, нисфи шаб асноси, дўстим, деб ёнида қиз, Султоналининг уйига келган. Султонали тонг откунча икки гўдакнинг қўйинини туч ёнғокка тўлатиб чиқсан, эрта билан улар уйқуда ётқанда, Султо-

Аллоҳ сабр қилгучилар билан биргадир (Оят.) (муал.).

Куллу явмин батар — кундан-кун баттар.

¹ Ҳаводис — ҳодисалар, воқеалар.

² Ҳакимона — доноларча.

нали ўрдаға югуриб келган; воқынан тунқотарға сўзлаб, тунқотар хонға йўлиқиб, хоннинг буйруғи билан ёnlарига ясовуллар олиб келсалар, ошиқ-маъшук йўқ, улар жойида Султоналига аталған бир сабнома¹ бор... Чамаси, Султонали абллаҳдик қилиб, Анварни бад олдириб қўйған ва тонг вақти, улар уйқуда экан чоқда ғойиб бўлиб, яна шубҳани ортдириған бўлса керак. Султонали Анвар билан қизни тутиб бералмаса ҳам, баҳархол хонға яхши кўриниб, Анварнинг ўрнини олишқа муваффақ бўлди. Барча ҳаводис мана шундан иборат.

Абдураҳмон ҳикояни эшиткандан кейин, бир неча вақт сўзсиз ўлтурди. Танчадаги оловни тузатар экан, ер остидан муфтиларга қараб илжайди.

— Мирзо Бойсдан ҳам шу маолни² эшиткан эдим, — деди ниҳоят. — Жанобларнинг фикрлари балки тўғридир, аммо мен бу маолдан бироз шубҳа қиласман...

— Яъни, масалан?

Абдураҳмон қўлини ўйнаб, яна бироз сукутда ўлтурди, сўнгра лаби оҳиста-оҳиста очилиб юмилади:

— Бу ҳаммаси Султонали билан Анварнинг ўюнидир, деб ўйлайман... Бу андишамга бир неча сабаблар ҳам бор. Жаноблардин махфий эмасдирким, биз ўзаро қандай яқин бўлсақ, Султонали билан Анвар ҳам ўзаро шундай қалин дўст здилар. Бинобарин, ақла «қарға қарғанинг кўзини чўкур эканми?» деган савол келадир; жаноблари шу борани қандай тушундилар экан.

Шаҳодат муфти Калоншоҳқа қараб қўйди, Калоншоҳ парвосизроқ кўринар эди. Орада яна бир неча вақт сукут ҳукм сурди.

— Султонали сармунший бўлиш учун дўстидан кечса ҳам мумкин, — деди муфти. — Иккинчи тарафдан, сизнинг фикрингиз ҳам эҳтимолдан баъид³ эмас.

— Султонали дўстидан кечмай туриб ҳам бу найрангни қиласа мумкин эмасми, домла? — деб кулади Абдураҳмон. — Масалан, хон олмоқчи бўлған қизни қочирғучи Анвар икки бошдан-ку, қайтиб сармунший бўлолмайдир, бошқа тарафдан, хиёнаткор дўсти бўлиб танилған Султоналининг ҳам ҳаёти таҳлика остида турадир... Бас, шу ҳолда бу найранг тўқилған бўлса, яна тўрриси, шу ҳийлани Султоналининг амнияти талаб қилған бўлса, сиз билан мен гайраз қандай мантиққа суюна оламиз?

Шаҳодат муфти ўрнидан турди, Абдураҳмоннинг ёнига келиб орқасини қоқди:

— Раҳмат, ўғлим, раҳмат. Сени туққан онангта ва ўқутған устозингта раҳмат.

Абдураҳмон ерга қараған ҳолда илжайди. Шаҳодат муфти унинг ақлига таҳсин ўқий-ўқий, нос чакиб, ўз жойира ўлтурди.

¹ Сабнома — сўжиб, таҳқир қилиб ётилған ҳат (муал.).

² Маол — мазмун, маъно.

³ Баъид — узоқ.

— Мулла Калоншоқ-а, шу гап бизнинг ақдимизга асло келмабтида?

Шаҳодат муфтининг хурсандлигига қўшулмай, тунд ўлтурғучи Калоншоҳ, парвосиз қўлини оловга иситди.

— Мен шу андишани ҳам қилған эдим, — деди бироздан кейин Калоншоҳ, — лекин ақдим бовар қилмаған эди ва ҳозир ҳам бу фикрга қўшула олмайман.

— Сабаб?

— Бойс шулки, Султонали Анварга сунқасд қилмағанда ҳам унга ҳеч гап йўқ эди. Аммо ул хонга қаробат¹ ҳосил қилиш учун азтаҳидил Анварнинг қасдига тушканким, бунда шубҳа йўқ.

Ўзгалар тарафидан сўзланган фикр ёки баҳс ҳар қанча мантиқий бўлганда ҳам Калоншоҳнинг қарши чиқиш феъли бор эди. Унинг бу феълига яхши тушуниб қолған Шаҳодат муфти бош чайқади.

— Биз янгишамиз.

Калоншоҳ яна юқоридағи сўзини тақрорлади:

— Бачи маъни янлишамиз? Мулла Абдураҳмоннинг ўзи ҳам ўйлаб кўрсин, башарти Султонали дўстлик юзасидан Анварни қочириб юборғанда ҳам унга ҳеч бир зарар йўқ эди. Бас, Султоналиниң ҳамма ҳаракати тўғри, Анварга хиёнат қилиши мансаб умидида эканлиги шубҳасиз.

Орада ўз фикрига қарши шунча рафдия ўтса ҳам парвосиз, гўё муроқабада² ўлтурғучи мулла Абдураҳмон яна илжайиб бош кўтарди.

— Султоналиниң Анвар билан ати-қатилиги ўрдада ҳар кимга маълум-ку, домла. Башарти ўз уйида турған Анварнинг хиёнати тўғрисида ўзини тағофулға солса, мардумнинг кўнглига нима гап келар эди, айниқса, жаноблагингиз қандай андишага тушар эдингиз... Ожизнинг фикримча, ул найрангбозлар бир ўқ билан неча қушни урғанлар, масалан жанобга Султоналиниң садоқати зоҳир бўлди, сармуншийлик вазифасига беозор' ўлтуриб олди ва учунчидан, мардум кўзини бўяди.

— Баҳарҳол.. баҳарҳол Анварга қарши чиқмағанда ҳам Султоналини на хон ва на биз айблай олар эдик.

— Хўш?

— Хўш-пўши йўқ, — деди қизишиб қолған Калоншоҳ — биравнинг устига айб кўйиш учун, шаръян шоҳидлар лозим, даъвони исбот қилиш керак... Ҳах-ҳах-ҳах, сен фалончи гуноҳкор билан дўст эдинг. деб кишини айблаш. Масалан, ушбу даъвони қилғучи ўзингиз ҳам уларнинг маслаҳати устида бўлмагансиз; фақат шундаймикин, деган мулоҳазада сўзлайсиз, ҳолбуки, сизнинг сўзингизнинг шаръян тўрт пуллик қиймати йўқ, ука...

Калоншоҳ жуда қизишиб кетди, «шаръян сўзингизнинг тўрт пуллик қиймати йўқ, ука» таҳқири билан мулла Абдураҳмон ҳам бўзариб олди.

¹ Қаробат — яқинлик.

² Муроқаба — мушоҳада қилиш

- Меним сўзим бир мулоҳаза, тақсир, мулоҳаза шаръян исботка буюрилмаған. Ҳоказо, ўзингиз айтканча, гуё маснад¹ учун жон отиб юрған Султоналиниң зоҳир² ҳаракатига ҳам ишониб бўлмайдир.
- Шунинг каби, сизникига ҳам вусуқ³ йўқ.
- Мен айтаяпман-ку...

Жанжалнинг каттага кетишини фаҳмлаган Шаҳодат муфти Абдураҳмоннинг сўзиши бўлиб, ораға тушди:

- Баҳс нима ҳожат? Мулла Калоншоҳники ҳам тўғри, сизники ҳам ҳақиқат... Аммо ҳозирги масаламиз қайси фикр тўғрилиги устида эмас, қайси йўл билан Султоналини бу ўрундан олиб ташлаймиз борасида.

Кўб йиллардан бери бирга юриб, ўз руҳига тушуниб қолған Шаҳодат муфтининг бу сўзи билан Калоншоҳ озғина ёришди.

- Ана бу бошқа масала, — деди, — мулла Абдураҳмоннинг фикрини тўғрими, эгрими, суриштирумай, унга фақат бир тадбир деб қарсангиз бу бошқа гап, аммо маҳзи ҳақиқат⁴, деб билиш бус-бутун хато.

Шаҳодат муфти бу масалани ёпиб, иккинчи тарафка ўтишка шошилди. Чунки Абдураҳмон яна бир илжайиб икки оғиз сўз айтса, Калоншоҳнинг оғзини тикиш орир ошар, Шаҳодат муфти буни яхши онглар эди.

- Халос, халос, — деди муфти, — менда воқиъ ҳологи фараҳ⁵ ҳам фақат шунинг устида, йўқса, илми ғайбни⁶ ким билибдир. Аммо мулла Абдураҳмон мулоҳазасининг қиймати шундаким, Султонали муаммосини тез ҳал қиласа бўлур.

Муфтининг сифориш⁷ сўзлаши билан Калоншоҳ жуда ҳам ўзига келиб қолди ва «ҳалли қандай» деб ёвошқина сўраб ҳам қўйди.

- Ҳалли осон, жуда осон, — деди муфти. — Биз мулла Абдураҳмоннинг мулоҳазаси айни билан жанобга бир ариза ёзамиз, холос.

Мулла Абдураҳмон намойишкор Калоншоҳка қараб, ўнг қўли билан манглайнини қашиди.. Аммо Калоншоҳ қаноатланмагандек қилиб бош чайқади.

- Хон Султоналиниң садоқатига қаноат ҳосил қилған, яна шу ҳолда бу аризага ишонадирми?

— Агар ҳақиқатни айтилса, хон ўзидан бошқа ҳеч кимга эътимод қилмайдир, — деди муфти, — хайр, Султоналига эътимод қўйган ҳам бўлсин, яна бу тақдирда ҳам биз аризани ёза берамиз. Нега? Агар ишонса, Султоналини ўрдадан ҳайдар, ишонмаса, яна бизга нима зарар, бу гап сизга қандай ўхшайди, мулла Абдураҳмон?

Абдураҳмон кўзини катта очиб, тўғри топқан каби бош ирғатди.

¹ Маснад — мартаба.

² Зоҳир — ошкора, очик.

³ Вусуқ — ишонч.

⁴ Маҳзи — фақат тўғри гап.

⁵ Менда воқиъ ҳологи фараҳ — мендаги ҳалиги курсандлик.

⁶ Илми ғайб — ғойибни билиш, келажакда бўладиган воқеани олдиндан билиш. Бу хусусият фикрат Аллоҳга ҳосдир.

⁷ Сифориш — меҳрибионлик, дурмат.

— Аризамиз ўрунласа кўб яхши, билъакс, ўрдадан ўзимиз ҳайдалурмиз, — деди Калоншоҳ.

— Нима учун? — деб сўради муфти.

— Ахир аризани ким берганлиги маълум-ку.

— Йўқ, — деди муфти. — Биз ариза остиға имзо қўймаймиз, Калоншоҳ.

— Имзосиз ариза мұттамад¹ бўлмас.

— Мұттамад бўлсин-бўлмасин бизга нима зарар; баҳарнавъ шу эҳтимолни хоннинг қулоғига еткарсак бас-да, Калоншоҳ.

— Кимнинг дастхати билан ёзасиз?

— Бу осон, сиз бунисидан хотиржамъ бўлинг, Калоншоҳ!

Калоншоҳ ноилож ариза ёзишқа роғиб² бўлди. Аризанинг шу мажлиса, мулла Абдураҳмон ҳузурида ёзилиши мувофиқ кўрилиб, муфти таҳрирга ўлтурди

54. ИККИ ХИЛ САДОҚАТ

Кечаси ёмғур савалағандек ёғиб турадир... Қоп-қоронғи, олти қаричлик, тор кўчанинг муюшида турған бир кўлага ёмғурдан қочқан каби, кичкина эшик панасиға сиқилған ва зўр бериб эшикни қоқадир.

— Ким?

— Мен, очинг.

— Сафармиссан?

— Ҳо.

— Эшик занжири «ширқ» этиб кўтарилди. Ёмғурда бўккан Сафар ўзини торғина, олди очик йўлакка олиб, эшикни занжирлади.

— Тинчликми?

— Тинчлик, — деди эшик очқан кампир. — Нега кеч қолдинг, Сафар?

— Ёмғурни кўрмайсизми...

Сафар кампирнинг орқасидан сўзланиб саҳнга чиқди. Тор саҳнинг йўлак қаторида, тўрт бўйра эни катталигида ости бир қаричқина ердан кўтарилиб ишланған каталак айвоннинг тўр тоқчасида қора чароғ сасиб ёнадир. Сандалнинг бир чеккасида гўза суғуриб ўлтуруғучи бир кекса кўр киши кўлидаги гўза пўчоқ ва суғурған пахтаси билан бошини баланд кўтариб ҳавлидаги сўзга қулоқ солиб турадир Сандалнинг иккинчи тарафида, юзини рўймоли билан яширған, хотинми, қизми — ўлтуриб, сандалнинг учунчи томонида, бир тўда чиқарилған пахта орасида чиғириқ, кўринадир...

— Ойим қизим бизни жудаям уялтириди, Сафар, — деб сўзланди кампир. — Шунча қайтарсақ ҳам бўлмайди, эрта-кеч отасининг ёнида гўза суғуришади.

— Синглим зериккандир-да, опа, — деди Сафар. — Эсон-омон ўлтурибсизми, почча, ассалом алайкум.

¹ Мұыламад — ишончли.

² Роғиб — мойил.

Кўр киши бошини яна ҳам баландроқ кўтариб, икки тарафка чаиқади.

— Ваалайкум салом... Ҳа, нега жим бўлиб кетдинг, Сафар? Мулланинг оддига кирақо, ёмғурда ивидингми, хўб.

Сафар танчадаги юзини яширгучига қарамаслиқда тиришиб даромади айвондан бўлған ҳужра эшигига чиқди.

— Эски ҳикояларингизни сўзлаб, опамни зериктирмай ўлтурибсизми, почча?

— Ҳа, ҳа, — деди кўр киши, — қизимнинг ўзиям ҳикояга жуда уста экан-да, дам мен ҳикоя айтаман, дам ойим қизим айтади: асти қўйсанг-чи бизни, Сафар.

— Бали, бали.

Сафар ҳужранинг эшигини очиб, ичкарига кирди. Сандал устига қора чароғ қўйиб, оддига китоб ёзған Анвар Сафар бўзчининг истиқболига қўзғалди.

— Ўлтулинг, ўлтулинг, шу ишингиз ёмон-да, мирзам... Саломатмисиз? Зерикмадингларми? Уч кун кечикдим-а. Мендан хафа бўлған чиқарсиз-ов... Ҳа деганда у ёқдан хабар бўлавермади, унинг устига аёллар навқасланиб¹ қолди...

— Зарари йўқ, тоза ивибсиз, Сафар ака. Асли бу кун ҳам чакки овора бўлғансиз.

— Жаззаси чопонни солиб ташлаш-да, мирзам, — деди Сафар чопонини ешиб. — Қани ўлтулинг... Юртда тинчлик, ёр-дўстдан сизга салом, мирза оғайнингиз хотиржамъ мирзабошлиқни қиласяпти... Мен бўлсам, сенгаям бали, устозингтаям, деб юриплан.

Анвар илжайди. Сафар бўзчи сандал ёнига ўлтуриб, маҳсисининг қўнжидан бир қороз оди. Анвар қорозни ундан олиб сандал устига қўйди. Қозиқда осилған чопонини келтириб, Сафарнинг яхтакчан елкасига ётти.

— Шамоллайсиз, Сафар ака, ўраниб ўлтулинг.

— Ҳамма вақт кайиб қоғансиз-да, мирзам, — деди Сафар ва устига ёпиғлан бекасам чопоннинг астар-аврасини текширди. — Тоза яхтак киймаган эдим, бунингиз менга увал-да, ука, — деб сиқилинқиради.

Анвар ўлтурагер экан, эътиборсиз қўл силқди ва сандал устидан хатни олиб очди:

«Баланд мақом, лойиқи эҳтиром, буродарум мирзо Анвар.

Дўстлар шод, душманлар ғамгин, явми саодат² яқинdir. Фалак қажравлиги аҳли салоҳ³ устига ҳар рўз ҳар ранг⁴ жавр түғдирса ҳам, ба ҳамаҳол⁵ лайли залиманинг⁶ явми навираси⁷, риёзати қавиянинг⁸, ажри

¹ Навқасланиш — ҳолсизланиш, дармонсизланиш, касалга чалиниш.

² Явми саодат — саодатли кунлар.

³ Аҳли салоҳ — тўғри кишилар.

⁴ Ранг — турли.

⁵ Ба ҳамаҳол — ҳамиша.

⁶ Лайли залима — қора тун.

⁷ Явми навирига — нурул кун.

⁸ Риёзати қавия — катта машҳадат.

азимаси¹ бордир. Жаноби сарвари коинот², мушриклар³ шарридин⁴ сакланмоқ учун ўзларини төр паноҳига олған эрдиларким⁵, бу амсолингиз⁶ каби уммати ҳақиқияттарға⁷ сұннат бўлди. Баъда, камина дўсти хосдин⁸ арзи ихлос⁹ шудирким, барча тағбирларимиз шоҳи мажнунга¹⁰ ва гайри ашқиёға¹¹ баайни афсун каби таъсир қилиб, ўткан хатда ёзган мулоҳазаларим хаёлдин ҳақиқатка ошмоқда. Каминага хоннинг эътиоди ёндошмоқда ва ул андишаларимиз эҳтимоли биздин узоқлашмоқдадир. Можаро бир неча күн сир бўлиб кечса ҳам, алҳол ўргадин баъзилар бу сирга воқиф бўлғанга ўхшайдирлар, маъаҳозо¹² очиқ сўзлашкан ҳеч кимда ҳағ йўқ. Аммо, иккинчи тарафдин, сизни излашкан маҳфий буйруқлар берилди, дарбоза беклари ёнига хуфиялар юборилди, бинобарин, сиздин илтимос, ушбу хавфлар кўтарилгунча бениҳоят эҳтиётда бўлиш, Тошканд ниятини бир неча ҳафтага мавқуф¹³ қўйишдир. Хизматингизга Сафарбой билан ушбу хатни озғина кечиктириб юборишам боиси ҳам, мазкур хавфлар борлиғидин бўлиб, маълумингиздир. Сафарбойнинг табиъатига андак бебоклик¹⁴ ва лоқайслиқ бор. Бинобарин, муҳобароти дигаримизни¹⁵ унинг аёли воситасига қилсанми, деган андишадаман. Зоро, аел киши, ба ҳарҳол, мардум назарига яхши ва кундуз кунлари борса ҳам хавфсиз. Аммо бошқа эҳтиёт ўзингизга мунҳасир¹⁶. Зинҳор ва садди¹⁷ зинҳор, ҳамсоялардин хотиржамъ бўлинмасин. Соний – сизга тегишилик гариба¹⁸ хабар шудирким, кеча ўргадин қайтиб келсан, меҳмонхона саҳнига уч нафар йигит ўлтурибдир. Ҳар учави ҳам бизнинг Фарғона кийимида бўлмаган бу йигитларни ариза ёздирили келганими, деб ўладим. Салом-аликдин сўнг уларни меҳмонхонага олиб кирдим. Истифҳоми¹⁹ сабаби ташрифдин сўнг, йигитлардин бири меним ким эканлигимни аниқлаб олди, баъда, афсус чекиб, сизнинг можаронгизни сўзлади. Мен тамом ҳайратда қолиб, хуфияларми, деган андишага тушдим. Бу ҳодисани кимдан эшишдингиз, мирзо Анварга қандай алоқангиз бор, деб сўрадим. Опамдан эшишдим, ўзим мирзо Анварнинг

¹ Ажри азима – улуғ муроғот.

Жаноби сарвари коинот – пайғамбар.

² Мушрик – Аллоҳга ишонмовчи, будпараст.

³ Шарр – ёмонлик, гуноҳ, иш.

⁴ Мұхаммад пайғамбар исломни ошкора таркиб этаёттан даврида Макка мушрикларининг таъқибидан Мадина шаҳрига кўчиди, Абу Бакр билан бирга йўлда юрда жон саклайдилар. Султонали шунга мисол қиляпти.

⁵ Амсол – мисол.

⁶ Уммати ҳақиқият – пайғамбар йўлидан борганилар.

⁷ Дўстли хос – яқин дўст.

⁸ Арзи ихлос – самимий арз.

⁹ Шоҳи мажнун – ошиқ хон.

¹⁰ Гайри ашқиёғ – ўзга золимлар.

¹¹ Маъаҳозо – шу билан бирга.

Мавқуф – тўхтатиш

¹² Бебоклик – 1. Ҳайнқасмалик. 2. Мулоҳазасизлик.

¹³ Муҳобароти дигар – бундан кейинги ёзишма, аълоқа.

¹⁴ Мунҳасир – борлик.

¹⁵ Саг – юз.

¹⁶ Гариба – ажаб, таажжубли.

¹⁷ Истифҳом – сўраб билиш.



ораси бўламан, деган жавобни берди. Мен таажжуубда қолдим; зоро, оғангиз борлигини сиздин эшиштмаган эдим. Ўткан хатимда ёзғанимча, бу йигитка ҳам опангизга берган жавобни айтдим, яъни, ўзимни оқлаш учун ҳодисага бирмунча ёлғон аралаштириб сўзладим. Йигит-оғангиз бўлмиш афсус чекти, ўн йиллардин бери Кўқонда бўлмаганигини, бу-хоролик бир саркарда эшигида хизмат қилғанигини, қариндошларини кўриш учун Бухородан Самарқандга келиб, у ергари катта орасини тополмаганини, ундан Кўқонга ўтиб, бунда ҳам сизга ўйлиқоммай қолғанини сўзлади. Баъдаз унинг устидаги шубҳам бир оз зойш¹ бўлиб, кўнгил кўтардим. Оғангиз бўлмишининг ёнидаги йигитлар бизнинг бу тарафнинг кишисига ўжшамайдирлар. Булар оғангиз бўлмишининг ҳамроҳлари, Кўқонни томоша қилғали келган эмишлар. Сизга оғалик даъво қилгучининг исми Қобилбой, туси сизга ўхшаб келса ҳам, ўзи тўла, паҳлавон йигит ва ҳар учави ҳам забардаст кўринишлар. Ҳарчанд қистасам ҳам, уларни овқатқа тўхтатиб бўлмаги. Сиз кечаги мактубингизда меним сармунший тайинланишимдин ташвишланиб, орада муфтшлар, Абдураҳмонлар бор, сизга бирар заҳмат етариши, деган андишани ёзибсиз. Воқиътан, меним учун бу ҳафф бор, бундан кўз юмид бўлмас. Модомики, «садоқатим он ҳазратка офтобдин равшанроқ бўлди, девонга мендин гайри мавсукроқ² киши топилмаги, баъдаз сармуншийлик менга ҳавола қилинди, холос». Ўткан хатимда ёзғанимдек, бу «марҳамат»дан бош тортишқа ҳеч бир йўл топмадим, агар узр баён қиласам, сизни тутиб беришка бўлған ҳаракатимнинг соҳталиги очилиш экътимоли бор эди. Чунки хонга садоқат бизнинг «одамлар» фикрича, бирар манфаат тақозосидир. Агар мен хонга «садоқатмик қул» эканман, бу «садоқат» замирида бир манфаатим бўлмоғи лозимдирким, ул ҳам ўз дўйстимни ҳалоги «садоқатимга» курбон қилиб, эвазига сармуншийлик маснадини олишимдир. Башарти шу маснаддин бош тортсан, менга ишончсизлик тугулиши шубҳасиз эди. Бас, шу мажбуриятда мен бу вазифани қабул қилдим. Менга заҳмат етиши тўғрисида сиз ташвиш чека кўрмангиз, модомики, тақдирим шу экан, тағири³ мумкин эмасдир. Бу йўлда қанчалик заҳмат чекмайин ва ҳатто бошим ҳам кептасин, меним учун қийматлироғи инсонга садоқат ва шу садоқатни то ўлгунча кўлдин бермаслиkdir. Синглимиз Раънобибшага салом айтурсиз. Отапоналарига ҳеч бир зарар бўлмаги, фақат «ҳадия»ларнигина қайтариб олдилар. Охирги сўзим яна экътиётлик устида: зинқор-зинҳор ҳар экътимолга қарши ҳозир турдисин.

Аддои мирзо Султонали».

Анвар мактубни тутатиб, олдида ёниб турған қора чароққа тутиб, кўйдирди.

- Эҳтиёт керак-а, Сафар ака?
- Албатта, мирзам, албатта.
- Бу кеч қоласизми, кетасизми?

¹ Зойш — йўқолмок, аримок.

² Мавсук — ишончлар

³ Тағири — ўзарттиш



- Кетмасам бўлмайди, Султоналингиз хафа қиласди, ука.
Анвар қудди.
- Кетсангиз, хат ёзиб туришим керак экан, — деди ва тоқчадан сиёҳ-қалам олди. — Исидингизми, Сафар ака?
- Ҳа, ҳа... Жон кириб қолди, мирзам

* * *

...Биз ўткан 51-фаслда Анвар билан Раъонни Султоналининг дарбозасида қўйиб, 52-фаслга сакраган эдик. Шунда чала қолған бир неча аҳволни ҳозир айтиб кечмасак, муҳтарам ўқуучига Султонали масаласи бироз онглашилмай қоладирган кўринди. Шундорки, Анварнинг мажбурият остида Раъно билан келиши Султоналини жуда ҳам шошибириб қўйди. Икки орада кучлик муҳаббат борлиғига яна бир карра амалда қаноат ҳосил қылғанидек, уларнинг истиқболини қоронғилиқда кўрди. Яна шу ҳолда матонатини йўқотмай, «дўстинг учун қон ют» мақолидаги каби, уларни қаҳрамонлиқда табрик этди. Анвар эса фақат ўз истиқболи устидагина қайтириб қолмай — чунки Раъно ва ўзининг истиқболлари мундан кейин ё чик, ё пук эди — аммо икки ўртада бу ботқоққа тойиб кетиши аниқ бўлған Султонали масаласида жиҳдийроқ ўйлади. Зоро, мулла Абдураҳмонга илҳом бўлғанидек Анвар тинчкина Раъонни ёнига олиб қочса, албатта Султонали ушланар эди. Мулла Абдураҳмоннинг фикрларидан ташқари, Султоналининг ўз хотини Рузрониби орқалиқ маҳдумнинг уйи билан қилинган китоб алоқаси ҳам бор, энг охирда муфти ва Абдураҳмонларнинг Султоналига кучлик адноватлари... Шу мулоҳазаларини Султоналига баён қилиб, фикр сўрағанида, ундан аҳамиятсиз жавоб олди. Чунки дўстлиқ тақозоси ҳар қандай оғирлиқ қархисида матонат, кўкрак керищdir, бошингга тофийиқилиш эҳтимоли бўлғанда ҳам турған жойингдан силжимаслиқdir — Султонали шу эски қонун тобиъларидан ягона вакил эди. Лекин Анвар ўз дўстини балоға қўйишни хоҳдамади. Ҳар эҳтимолга қарши чора кўришни лозим топиб, ўқуучига маълум йўлларни Султоналига тақлиф қилди. Табиъий, ул кўнди. Шу йўсун эртага ўйналатурған томошага Султоналининг хотини ҳам ўргатилди, ҳатто ярим кечада қўшни Каримбой ҳам уйқудан уйротилиб, бир тилло баробарига ёлон гувоҳ тикланди ва шу ондан бошлаб Анвар билан Раъно Каримбойнинг уйига чиқиб яшириндилар

Маълумдирким, эртаси кун ҳар ким ўз рўлини яхши адо қилиб, иш жуда силмиқ ўтди, ҳатто бу ўртада Солиҳ маҳдум ҳам оқданиб қолди. Султонали шу кун кечқурун Тойир акани Сафар бўзчиға юборди. Чунки бу ишда сирдон бўлиш ва Султоналига кўмаклашиш учун энг мувофиқ ҳам ишончлик киши бирдан-бир Сафар бўзчи эди. Хуфтан асносида Сафар бўзчи етиб келди, воқиъани эшитиб, дафъатан мирзо ни яшириш учун шаҳарнинг четроғида бўлған язнасининг уйини жўплади. Дарҳол язнаси, яъни опасининг уйига югуриб жой ҳозирлатди ва шу кечасида ёқ Анвар билан Раъонни элтиб жойлаштиридиким, қолрани ўқуғичимиизга маълумдир. Аммо Анварнинг ҳийласи хон ва яқинлариға

шундай яхши таъсир қылдиким, биз буни Султоналиниң сармуншый белгиланишидан онглаймиз.

* * *

«Қирр-қирр» хат ёзиб борган Анвар, савогич қалам учини сочига суйкаб, қаламга ёпишқан лос қылчирини тушурап экан. Сафар бўзчиға юз ўтири:

— Мундан сўнгги келишингизда мирзо Султонали ёнингизға бир киши қўшса керак. Сиз шу йигитни бу ерга олиб келасиз, ўзи меним оғам бўладир, хўбми?

— Хўб, мирзам, хўб. Мирза оғайнингизга шуни тайинлаб битсангиз бўлди-да.

— Шундай, мен битяпман.

Анвар яна ёзувға қаради. Сафар бўзчи сандал кўрпасига ўраниброқ ўлтурди. Ташқарида ёмғур тинаёзиб, кучлик шамол қўзғалған, ёмғур томчиларни гоҳо том устига тўпиллатиб қаттиғ тушурап, дарича тир-қишидан кирган шамол билан қора чароғ чайқалиб-чайқалиб ёнар, айвондаги кампирнинг чиғириғидан ғижиллаб чиққан товуш мушук бола мавлаган каби ҳужрага эшитилиб турап эди.

55. БАРИМТА

Кун чошткоҳдан ошиб, Чорсуда ҳалқ олағовири бошланса ҳам, шундаги бўш дўконларнинг бирида уч нафар йигит ҳануз донг қотиб ухлар эди. Чорсуда бўлиб турған тарс-тўполон гўё бу уч йигитни аллалар эди. Бошиға биттадан шапарак кир ёстиқ қўйиб, остиға яланқ-ават тақир кўрпача ёзған ва устига гуппи чопонини ёпиб, яна шу ҳолда баҳузур хуррак отиб ухлаған бу уч йигит мусофирига ўхшар здилар. Улар шу йўсун роҳат қилиб ётқанда, таҳтабандлик дўкон ёнига ташқаридан бирав келиб тўхтади ва ҳамма товшини қўйиб, бақириб юборди: «Тўхта, ҳовв Наврўзқул!»

Ухларучиларнинг иккиси пинагини бузмади, аммо дўконнинг тўрида ётқан чувак бир йигит сўчиб, бошини кўтарди, уйқулиқ кўз билан атрофига қарағандан кейин, ҳамёза тортди, керишди, сўнгра энг четда ёттучига кўзи тушиб, ёнидағи йигитни туртди:

— Тур, Шариф, тур, пешин бўлубту.

Иккинчи йигит кўзини очди:

— Эй, қўйсанг-чи, Раҳем.

— Тур-да, ахи, ана Қобелбой ҳам кеб тўхтабту.

Шарифбой ёстиқдан бурилиб, ёнидағи учунчи йигитка қаради:

— Палаънат, қачон келган экан?

— Ким билсин... Инисини бо учратдимикин? Кани, уйғот-чи, паллаънатини.

Шарифбой ётқан жойидан қўлини узатиб, Қобилбойнинг муртидан тортди, Қобилбой финшиб уйроңди:

— Тек ёт, Шариф



- Инингга йўлиқдингми?
- Йўлиқдим, икавингта салом айтди, — деди Қобилбой ва юзини улардан четка ўтуриб олди. — Бироз тинч қўй, ухлайман.
- Эби, эби, — деди Раҳим, — буродаринг аҳволини гапур-да, ахи. Бар падари уйқуки, пешинга чикин¹ бўлса; кўчага бўлиб ёткан тўпалингни гўшингта иласанми?
- Кеч келдим, кўб жоврама-чи, Раҳим.
- Қорунни тўйғузиб, сўғун, ухла, акун² қорунлар ҳам пиёз бўлиб тўхтабту, нонуштани қаерга қиласиз, Шариф?
- Чойхонага қиласиз.
- Кани, сен ҳам кафанингни ёпиниб шунда чикин ётма, палаънатинг бо ухлаб кетдими?

Иккиси туриб кийина бошладилар. Раҳим узун белбогини тўғрилар экан, бир қанча чақа ва танглари ерга сочилиб тушти.

— Уҳў, уҳў, сабил, — деди Раҳим пулларни териб. — Худо буларни ҳам кўб кўрди чоғи, акун, Қўқонинг бизга тўғри келмади, иш топилмайде, пул сочиладе, оч қоласиз чоғи, Шариф?

— Қобелбойнинг Қўқонжонига лаънат, — деди Шариф, — лоақал темирчи ҳам шогирд олмайди, бизга бирон иш топиб бермаса, тўптуғри нархар Қобелнинг устига минамиз.

Буларнинг вақирлашиға уйқуси ўчиб кеткан Қобил, тўнғур-тўнғур бир нарсаларни сўзлаб, ёстиқдан бошини кўтарди.

- Чумчуқдек чирқиллашдинглар-да, тоҷиклар, — деди Қобил. — Ишсиз қолған бўлсаларинг, Тошкандга кетамиз.
- Ана-ана, яна тогди гавни, — деди Раҳим. — Валдир-валдир қиласан, Қобелбой акун, Тошканд бориш учун пул кани?
- Пул топилади.
- Пул топилади? — деб кулди Раҳим, — бу бепадар бойбаччангни қара, Шарифбой.

— Пул топилади, — деди яна Қобилбой ва яхтагининг чўнтагига қўй солди. — Паст одамларсан-да: биринг темирчининг ўғли, иккингинг шустагарнинг³ боласи...

— Вой-вой, — деди Раҳим, — назари баланд бўёқчининг ўғлидан хафа бўллем!

Қобилбой чўнтагидан бир нарса олиб, уларнинг оёғи остиға ташлади ва ўзи оғзини катта очиб, ҳамёза тортди.

— Ана пул, керак бўлса ол, сендеқ ифлосларни бир йил боқади.

Раҳим билан Шарифбойнинг оёқлари остиға икки тилло келиб тушти, улар бир олтинларға ва бир Қобилбойға қараб қолдилар.

- Эби, кимни ўлдурудинг?
- Ота касбим одам ўлдириш эмас.
- Иниси берган, — деди Шариф. — Кани, ининг билан кўришдингми, Қобел?

¹ Чикин — ... гача.

² Акун [акнун] — энди.

³ Шустагор — мато оҳорловчи.

- Кўришдим.
- Одами нағз бўлған?
- Одами нағз.
- Акун шу қочиб ёта берайкан-да, — деди Раҳим. — Бирон чора боқсин-да, айтмадинг-чи, ахи?
- Айтдим... Пайт топиб ҳаммамиз Тошканд кетмакчи бўлдиқ,
- Бале-бале! — деди Раҳим ва Шарифка қараб қош қоқти. — Тошканд кетамиз дегани тексиз эмас экан-да, палаънатингни. Ҳай иш битти. Қобелбой, Тошкандга юрамиз, ўрусингни ҳам бир кўрайлик.

Шариф ерда ётқан икки тиллони олиб Қобилга узатти:

- Ма, тиллонигни киссангга тик, Қобел.

Қобил олмади.

- Тилло ўзларингта, икавинг бир тиллодан бўлиб ол.
- Аччирингни қўй, ахи биз сенга даҳанаки айтдик-да.
- Қобил кулди ва парвосиз кийина берди.
- Олмайсанми, палаънат?
- Узларингга деяппан-ку, ишим сенларга атаб берди.
- Биздан қарзи йўқ-ку, ахи?

— Тушунмаган одамларсан-да, — деди Қобил. — Иним қочиб ётқан ҳолда уларни меҳмон қиломадим, деб сенларга шу икки тиллони бериб юборди... Энди тушундингми?

— Вой, палаънат... Ҳали сан бизни ўз пулимиз билан бетимизга урдинг?

Қобил кулди. Улар иккиси бирининг оғзидан бири олиб, Қобилни паст уриб, Анварни мақтаб кетдилар.

— Сан отанг ўғли эмассан, агар отанг ўғли бўлсанг, мирзо Анвардек меҳмондуст бўлайдинг. Мирзо Анвар меҳмоннинг бетини кўрмай, бошидан тилло нисор³ қилғанда, сан палаънат бизни туконхонага қамаб кўясан. Буродаринг бўлмаса, Қўқонжонингни кўтариб оғзингта урайдик, мурунингдин мағзи саринг оқиб тушайди!

Қобил бир нарса деб тўнриллади.

— Э, тўнриллама, палаънат. Биз пул ошноси эмас, одам ошноси... Сани бозори подшога олиб чиқса, оғзига тиши бор деб саккиз пулга ҳам олмайди, ба Худо!

Улар шу ҳангаманинг устида эдиларким, Чорсудаги шовқин-сурон ичидан баҳайбат бир ҳайқириқ эшлилди: бозор ола-ювири бирдан кесилиб, бу учави ҳам ташқарига қулоқ солиб қолдилар:

Эй-й-и-й-й-й...

— Бозор аро йигилишиб гул терганлар!
Қасам ёёлаб, подшога сўз берганлар!
Мирзо Анвар отлиғ элга маълум киши,
Ўрга ичра қаламкашлик эрги иши.

¹ Тексиз — бекор.

² Шу вактларда Тошканд ўрус қўлида эканлиги унтутилмасин (муал.).

³ Нисор — сочиш.



Арзимаган гуноҳига қочди, кетди.
Бундин андак подшоға озор етди.
Үнинг дўсти Султонали номлиғ мирзо,
Бу қочишидан чекмакдадир беҳад изо
Мирзо Анвар гуноҳига тойилди зор,
Халойиқни тўхтатишдан мақсадим бор.
Эрта пешин асносида Султонали,
Орсиз Анвар гуноҳига ўлгай, бали.
Жамиятга ҳозир бўлса осий Анвар,
Ёки унинг дўсти ошносидин бирар.
Гуноҳинга Султонали ўлар, десин,
Эрта пешин вақти, афсус, сўлар десин.
Имонлик қул нафси учун дўстин сотмас,
Гуноҳи йўқ ошносини ўтка отмас.
Кулоқ солған гуноҳсизнинг фарёдига,
Дард қолмагай, етар ҳар вақт муродига!

Жарчи тўхтади, шовқин-сурон яна эскича давом этди. Жарнинг давомида қулоғи тикқайиб, кўзи катта очилган Қобилбой сукутка кетди...

— Нега хомуш тўхтадинг, Қобил? Акун жарчинг нима деб вақирлади?

Қобил жавобсиз бошини чайқади.

— Гапур, — деди Шариф. — Мирзо Анвар, осий Анвар, деяпти чоги?

Қобил яна жавоб бермади.

— Забонинг бор, ахи, буродарингни тутканлар-чи?
— Йўқ.
— Бўлмаса нега ундей чикин хомуш тўхтадинг?
— Энди тутмакчилар...
— Энди тутмакчилар? — деб заҳарханда қилди Раҳим. — Дарди харинани тутади.

— Тушунмай ётибсанлар, анови кун биз бир мираннинг уйига борған эдик-а.

— Ҳай.

— Ана шуни, сен Анварнинг дўсти эдинг, деб баримта¹ ушлаганлар.. Эртагача Анвар келмаса, шу Султоналини ўлдурар эмишлар...

Жар маъносига энди тушунган йигитларнинг юзида бирдан ўзгариш кўрилди, кўзларида разаб, нафрат ўти ёнди:

— Бу хон йўқ², бу даюс! — деди Раҳим. — Акун санинг лабингта кесакни ман суртай, ўртоғим Шарифни ўлдир? Бу хон йўқ, бу даюс. Азбаройи Худо, даюс!

Қобил лабини тишлиб, секинроқ ишоратини қилди. Чунки хуйлануб кеткан Раҳим бутун дўконхонани бошига кийиб бақира бошлади.

¹ Баримта — гаров.

² Бу хон эмас... (муал.).



- Бу хон йук, бу даюс! Вой дар даҳанат хонашада!..
- Секин-секин! — деди қўрқувлик Қобил ва ўрнидан туриб кетди.
- бир фойдаси борми, жинни!
- Вой дар даҳанат хонашада!..

Қобил югуриб бориб, дўконхона эшигидан кўчага қаради.

— Қўй акун, даюсинг мени ҳам бўғиз қилсин... Вой дар даҳанат...

Раҳимнинг эскидан шунинг сингари асабий оғриғи бор эди. Шариф билан Қобил унинг феълига яхши тушунар, ул бирар ҳақсизликка дуч келса, гарчи масаланинг ўзига таалуқи бўлмагандан ҳам шунинг сингари жинни бўлиб олар эди. Раҳим уч-тўрт дақиқа сўкуниб, титраб дўконхонани бошига кўтаргандан кейин тинчиди, Қобил дўконхона эшигини ёпиб, ўртоқлари ёнига келди. Учави бир неча вақт хомуш ўлатурдилар.

— Шу бевафо дунёга бир иш қиласиз, Қобилбой, — деди яна қўзи олаланган Раҳим. — Даюсингни зиндан қаерга?

— Зинданни нима қиласан?

— Ана ман бор, ана Шариф, ана сан, — деди Раҳим. — Шу тунга учавимиз бориб ё ўласиз, ё шу бечорангни рўшноликка оламиз.

Қобил манглай остидан Шарифка кўз юборди. Шариф кулимсиб, Раҳимга қаради.

— Э, сенгачи бало шуд¹?

— Ҳеч чи, — деди Раҳим. — Акун биз дунёга нима олиб борамез, ҳай ўллук; дунёга ўн тилло пулимиз қолайдими, ё уйга сочини тараб тўхтаран хотунимиз қолайдими?

— Йўқ, қолайтикони йўқ, — деди кулиб Шариф.

— Дастана гир, — деди Раҳим. Шариф билан Қобилга икки қўлини ҷузиб, улар иккиси ҳам илжайган кўйи қўлларини бердилар. — Лаф-затон якми?

— Як-як, Раҳим дав.

— Ҳазилаш нест?

— Нест.

— Тамом, — деди икки қўлини бўшатиб Раҳим. — Шуд.

Бу аҳдашишдан сўнг учави ҳам хомуш қолдилар. Ташқарида шов-кин-сурон давом этар, узогроқ жойдан қаландарлар талқини эшитилар ва дўкон ёнидағи бир каллапаз зўр бериб ёғлиқ хасипини мақтар эди. Полос устидаги чўпларни ўйнаб ўлтурган Қобилбой узоқ сукутдан бош кўтарди.

— Меним бир неча ерларга боришим керак экан.

— Қаёнга?

— Кеча мени олиб кеткан бўзчининг уйига, ундан кейин инимнинг оддига.

— Нима учун?

— Балки Султоналининг қамалиши ёлғондир, агар чин бўлса, иним билан албатта кенгашиб керак. Ўрунсиз кучаниб қолмайлик-да.

Шариф Қобилнинг сўзини маъқуллаб, бош иратди.

¹ Э, сенга нима бало бўлди?

— Ҳай, кет, — деди Раҳим. — Биз шу ерга бўламиз, ханжарларни чархга тоблаймиз. Кўб тўхтама, палаънат.

Шариф ва Қобил унинг жиҳдиятидан кулимсищдилар. Қобил дўкондан чиқди.

56. ХАЙР ЭНДИ, РАЪНО!

Хотин-қизлар жинсидан иродаси кучлик, ҳатто эрлардан ҳам жасурроқ шахсларни кўб учратамиз. Шунинг билан бирга, уларни нақадар кучлик иродага молик бўлмасинлар, яна ҳиссиётларига мағлуб кўрамиз. Масалан: ҳикоямиз қаҳрамони Раънонинг жасорати, хонга қарши исёни, ҳатто маъюс қолган Анварни йўлга солиши — ўз замонаси учунгина эмас, бизнинг ҳозирги асримиз учун ҳам лойиқи таҳсин ва Раъно ёшлиқ қизларимизга ибратдир. Лекин иродаси кучлик шу Раъно ҳозир яна ҳиссиёти қўлида мағлуб эди.

Бу кечада Анвар оғаси билан кенгашиб, шу кунлар миёнасида Тошканд кетишни ўзига жазм қилди. Раънога ҳам Қўқон билан видоълашиш оғир сезилмади. Аммо, масала қатъий ҳал қилингач, Раънода бир тарафдан кўрқунч, иккинчи тарафдан қизиқ, яна бир жасорат туғуди; кампир билан биргалашиб ота маҳалласига борар эмиш, ўзи биравнинг йўлагида туриб, кампир орқали онасини айтдириб чиқар эмиш.

Туни билан шуни ўйлаб чиқсан Раъно, эрталабдан бери Анварни хафа қилар, ўз сўзида исорор этар эди. Кичкина ҳужранинг сандалида қаршима-қарши ўлтурғучи Анвар ва Раъно бир-бирисидан ўпкалик қиёфатда эдилар.

— Ҳиссиётка қаттиғ берилибсан, Раъно... Ҳар қадамингда сени бир фалокат кутадир, менга қолса аямга ҳам ишониб бўлмас.

— Паранжи ичида борған Раънони таниш учун ҳеч кимда каромат йўқ; аямга нега ишониб бўлмасин?

— Сен қочқан, аянгнинг обрўсини тўйкан қизсан...

— Ҳеч, ҳеч... Аямнинг кўнглини мен яхши биламан, аям сиз ўйлан хотинлардан эмас, ҳеч.

— Яхши, йўлда ҳам сени ҳеч ким танимасин, кампир ҳам аянгни алдаб олиб чиқсин, аянгнинг ўзига ҳам ишонайлиқ; яна ҳарҳолда меним учун шу қасдингдан кечсанг нима бўлади Раъно? Биз Тошкандга бориб еткан кунимизок, соғлигимизни ва узримизни айтиб, хат ёзармиз-ку, жоним.

Раъно жавоб бериш ўрнига бирдан йиглади, анча вақт кўз ёшини юзи орқалиқ тўкиб турди.

— Балки мен... аям билан абадий кўришмасман.

— Ҳай Раъно, Раъно, — деди Анвар. — Худоёр юз йил яшайди, биз Тошкандда ўламиз, деб ўйлайсанми? Ҳайр, кўб бўлса Худоёр яна беш йил яшасин, ваҳоланки, унинг зулми шу йўсун давом этканда, биз чамалаған бу фурсат ҳам кўб; зеро, зулм неқадар кучайса, унинг умри шунча қисқа бўлиши тажрибалар билан событдир. Агар шунгача ҳам сабринг етмаса, бошқа чораси топилар, Раъно, масалан, аянгни Тош-



кандаға чақирапмиз ёки бироз эскиткандан сүнг Қўқонға ўзимиз ҳам келсак бўлади.

Раъно жавобсиз яна кўз ёшисини тўка берди, бу ҳолдан сиқилған Анвар, Раънога бироз қараб турди:

— Хўб, йиглама. Ҳали бир-икки кунсиз йўла чиқолмасмиз, бу кун кечаси акам келса, эрта бозорга чиқиб йўл ҳозирлигини кўрса, ҳар-ҳолда бириси кун кечкурун жўнашимиз ҳам аниқ эмас. Бинобарин сен ошиқмасанг ҳам бўлади. Ундан сўнг, сенинг ўйлаған йўлинг жуда қалтис, бу тўғрида бошқачароқ тадбир топармиз...

Раъно индамади, бир энтикиб ором ҳавосини ютди ва рўимоли билан кўз ёшисини қуритди. Анвар ўпкалик илжайиб Раънони янди. Улар шу ҳолда экан, ҳужра девори кўча тарафдан уч-тўрт қайта гурс-гурс урилди. Иккисининг ҳам қулоқлари тиккайиб бир-бирисига савол назари юбордилар...

— Бегона киши эмас, — деди бироздан кейин Анвар.— Мен Сафар aka билан кундузи учун девор уришни шарт қилған эдим... Сен чиқиб кампирга айт, эшикни очсин.

Раъно ҳужрадан чиқди. Бирар дақиқадан кейин ҳавли саҳнига бир неча оёқлар кирди. Бемаҳал йўқлашдан Анварнинг кўнгли ғаш тортиб, келгучини Сафар aka бўлар деб ўлади. Ҳужра эшиги очилиб ичкарига бири орқасидан бири — Қобилбой билан Сафарбой кирдилар. Анвар яна онглашилмовчилик ичида қолди, Сафар аканинг тинчсиз — ҳаяжонли кўзи Анварнинг илгаридан кўриб қўйған бир неча эҳтимолларини хотирлатиб, уларга жой кўрсатди.

— Вақтсиз йўқлашларингиз сабабсиз бўлмас, — деди товшини секинроқ чиқариб Анвар. — Биздан хабар топқанларми?

Сафар ҳамроҳига қараб, икки қўлини қовуштириб енглари ичига олди.

— Йўқ...

— Султоналини қамағанларми? — деб яна сўради Анвар .— Қамағанлардир?

Сафар ва Қобил бир-бирларига қарашдилар.

— Шундай, миrzam, шундай.. Бизлар жуда ҳайрон бўлиб қолдиқ-да.

Анварда қонсизланиш ва кипрак осларида ҳаракат кўрилди.

— Зарари йўқ, қутқарамиз... Қачон қамағанлар?

— Кеча кечкурун... Боя бизнинг уйга Султоналининг хотини келган эди, мен шундан эшитдим. Унинг устига акангиз бориб қолди...

— Сиз кимдан эшитдингиз, aka?

Жарчи хабарини ва бу тўғрида ўртоқлари билан берган қарорини Қобилбой сўзлади. Анвар оғасининг сўзини жиддий эшитиб, бир неча вақт ўйлаб ўлтурди.

— Сиз ва ўртоқларингизнинг ҳамиятларингизга раҳмат... Лекин бу йўл билан Султоналини қутқариш қийинроқ, балки мумкин ҳам бўлмас, деб ўйлайман.

— Агар биз унинг қамалған жойини билсак, нима учун мумкин

бўлмасин, Анвар? Ўртоқларим юраксиз йигитлар эмас, бу ёғидан хотиржамъ бўлингиз.

— Раҳмат. Албатта, бу жасоратни юраксиз кишилар қилолмас. Меним бу жасоратка умиқсиз қаравашим сабаби шунинг учунки, бундай шартлик ва нозик ҳабслар¹ аксар ўрданинг ўзидағи овоққа қамалғучи эди.

— Ўрдаға кириш қийинми?

Анвар бош чайқади.

— Ҳеч мумкин эмас, тун бўйи элли нафар йигит ўрда қўрғони остидан айланиб турадир

Қобилбой маъюс Сафар бўзчиға қаради. Сафар бўзчи зўр бериб мўйлабини тишлаб, узар эди.

— Зинданға қамаган бўлсалар, эби бор экан-да, тақсир.

— Эби... Зинданға қамашлари эҳтимолдан узок, Сафар ака

Яна бир неча фурсат сукутда қолдилар. Қобилбой ҳар он тўпписини қайириб, бошини қашир эди. Анвар сандал кўрпасидаги бир ипни узуб олмоқчи бўлғандек қўлини силтар эди.

— Зиндандан хабар олдиришимиз керак экан-да, Анвар?

— Хабар олинса... бўлади.

Қобилбой Анвардан шу жавобни олиб, Сафар бўзчиға юз ўғирди:

— Мирзонинг уйига бир киши юборсақ-да унинг хотини эрига таом келтирган бўлиб зинданга борса... Шу қандай бўлар экан, Сафар ака?

— Маъқул, ука, маъқул.

— Сизга-чи, Анвар?

Анвар тўғри ишорасини берди.

— Бояғи андишамизни ҳам айтиб ўтайлик, — деди Қобилбой. — Биз йўлда бир тўғрини мулоҳаза қилиб келдик, Анвар. Сўзнинг рости шуки... Сиз бу уйдан ҳозир кетсангиз маъқул. Ҳарчи одам боласи-да. Ҳалигиdek жони кўзига кўриниб иқрор бўлиб қўйса...

Анвар бош чайқаб, кулимсиди.

— Султонали ундан одам эмас, бундан хотиржамъ, — деди Анвар қаноат билан ва бироз ўйлаб турди... — Аммо Султоналининг хотини, тўғриси, бироз хавфлироқ; хотин киши эримни қутқараман, деб но-донлиқ қиласа, иш расво...

Сафар бўзчи боя Султоналининг хотини келганда, Қобилбойнинг ниятини эшлитиб хотиржамъ бўлғанини сўзлади.

— Жуда яхши қилинган, раҳмат... Ҳали унинг уйига киши юборсангиз, яна уқдириш, хотиржамъ қилиш керак, шундай ишонтирилсинки, эрта пешингача эрининг озод бўлишиға шубҳаси қолмасин, ҳатто уни бу йўсун алданса ҳам бўладир. Эрта билангача қутқарилса, хўб, қутқарилмаса Анварнинг ўзи бориб қутқарар эмиш, агар сен шунгача сабр қилмасанг, эрингнинг яна жазо тортишиға сабаб бўласан, дейилсин.

— Хўб, мирзам, хўб.

¹ Ҳабс — маҳбус.

Сизга яна бир хизмат, Сафар ака, — деди Анвар, Сафар ҳозирлик ишорасини қилиб, энгашиб олди. — Хизмат шуки, синглингиз мен билан бирга турмаса, сиз олиб кетсангиз..

— Хўб, хўб.

Анвар ўрнидан турди ва ҳозир қайтиб киришини сўзлаб ҳужрадан чиқди. Кўр киши зўр бериб йўза суғуар, кампир чиғириқ чиқарар, Раъно эса, кўзини бир нуқтаға тикиб, сандал ёнида ўлтуар эди. Анвар ҳавалига тушиб, Раъонони ўз тарафига имлади. Иккиси ҳавлиниң чеккарогига бордилар.

Эшигдингми, Раъно?

— Нимани?

— Уларнинг сўзини?

— Йўқ.

— Бизнинг бу ердалиримизни сезиш эҳтимоллари бор экан, Султонали қамалған, икror қилса эҳтимол эмиш...

Раъононинг кўзи қавариб кетди.

— Ах?

— Кўрқма... Сен ҳозир Сафар ака билан кетасан, мен ҳам бошқа жойға бораман. Йўл ҳозирлигини кўриб битиргунча бир неча кун айрилишиб турмасак бўлмас... Сен бориб кийин.

— Ростданми?

— Ростдан, сен қўрқма, фақат бу бир эҳтиёт, ҳозир Султоналиниң қамалишидан бошқа гап йўқ.

— Кийимларим ҳужрада...

— Ҳужрада бўлса улар чиққандан кейин кириб кийинарсан.

Иккиси айвонга қайтиб, Анвар ҳужрага кирди.

— Синглингиз ҳозир кийинади, — деди Анвар — Бирга юриш бўлмас, иккавингиз бироз илгарида, Раъно орқада борсин.

— Хўб.

— Ундан кейин сиз зиндан хабарини билиб, хуфтан чоғи меним оддимра келингиз, Қобил ака.

Қобил ваъда ишоратини бериб, Сафар ака билан ҳужрадан чиқди. Раъно кириб кийина бошлади. Анвар маъюс эди, бироз шошинқираб кийинган Раъононинг латиф юзига қаттиғ тикилган эди.

— Сиз кимникига борасиз?

— Менми, мен. мен шу яқиндаги биравникига.

— Мен ҳам сиз билан турсам бўлмасмиди?

— Йўқ, ҳавф бор.

Раъно айрилгуси келмагандек уфлади. Кийиниб бўлиб паранжисини ҳам қўлиға олди, Анвар ҳужранинг бурчагига ўтиб, Раъонони ўз ёнига имлади. Раъно келгач, Анвар уни қаттиғ кучоқдаб ўпди.

— Акам сенинг ёнинга мендан хабар етказиб турар, сенга бошқа ёрдамлар ҳам қилас, Раъно.

— Тошкандга тезроқ, кетайлик, мен . уч кундан ортиқда қўнмайман.

— Хўб... яна бир ўпай, Раъно.

Раъно табассум ичида яна юзини тутиб берди. Анвар бир неча вақт унинг юзидан ажраломай турди.

— Бўлди... Улар кутишиб қолғандирлар.

Анвар уни бўшатди...

— Пулни сен олиб кет, Раъно, меним эсим йўқ, йўқотиб қўярман.

Раъно бурчакдаги кийиз тахидан бир ҳамён олтинни одди.

— Сизга бир-икки тилло бериб кетайми, балки керак бўлар?

Анвар керак эмас, деб бош чайқади. Раъно ҳамёндан икки тилло олиб, Анварга кўрсатди:

— Шу икки тиллони холам билан отамга биттадан бериб кетаман?

— Бер, бер... Хайр энди Раъно!

Раъно ҳам, хайр, дегандек бош иргади ва шошиб ҳужрадан чиқди. Раъно айвондагилар билан хайрлашар экан, ҳужрада қолган Анварнинг икки кўзи жиқ ёшқа тўлиб, кўкраги кучлик-кучлик силкинди ва гавдаси ўзига оғирлиқ қилғандек деворға бориб суюнди...

57. ҚЎРҚУНЧ БИР ЖАСОРАТ

Қобилбой бу сўзни эшиткучи қулоқлариға ишонмағандек, Анварнинг яқинроғига сурилди.

— Нима деяпсиз, Анвар, мен яхши онгламадим?

Анвар яна ўша сўзини такрорлади. Қобилбой энди бироз орқасига қочиб кўзини катта очди ва бир неча вақт қотиб турди...

— Сиз нима қилмоқчисиз, ука. Ўз оёғингиз билан... Йўқ, бу бўлмаган гап. Балки бу хоннинг унга пописасидир, шу ҳийла билан мақсадига етмакчиdir Қўйинг бу гапни, ука, қўйинг...

Анвар ҳамон бояғи вазиятда, кўзини бир нуқтаға тикиб, сандал устидаги қофозни оғаси яқинроғига суриб қўйди...

— Башарти пописа бўлмаса?.. — деди Анвар. — Хон пописани билмайди, унинг ҳамма ҳаракати жиддий. Шундай, сиз бу хатни эртага унинг қўлиға берасиз ва ундан ҳар бир ёрдамингизни аямайсиз.

— Бу ақиллиқ гап эмас, ука...

— Мен энди шунга қарор берганман, — деди Анвар ўзгаришсиз.

— Бу азмдан қайтиш йўқ... Фақат, сиз ундан ёрдамингизни аямасликка менга сўз берсангиз бўлди.

Қобилбой энтиқди, хатни қўлиға олиб, бир неча фурсат сукутда ўлтурди... Сўнгра бирдан ўрнидан туриб ҳужрадан чиқа бошлади.

— Йўл бўлсин?

— Кетяппан.

— Хайр, кечирингиз.

Қобилбойдан жавоб бўлмади.

* * *

Кун қиёмга яқинлашқан. Яна бирар соатдан сўнг Султоналини ўлимга олиб чиқар эдилар. Ўрда ҳеч бир ўзгаришсиз, одатий такаллум-фида ҳаракатланар, баҳмал ва заррин кийган саркардалар ичкари би-



лан ташқарига тұхтөвсиз қатнашиб турар здилар. Бу кунги девонда бир неча мұхтараларнинг чақ-чақи билан яна бошқача рух, иккى кундан бері яна девон хизматини адо қила бошлаған бир мұхтарам ёш олимнинг мулойим сиймоси мирзолар орасини яна мұнаввар эткан ва юзидан ғолибият маъноси чакиллаб түрған иккى муфтининг мутоябларига ёш олимнинг майин нигоҳи ҳар замон илжаяр зди.

— Унинг учун иккى йўл, — дер зди Шаҳодат муфти, — ё аммазодасини топиб бериш, ё ўлим, фақат иккى йўл.

— Албатта шундай, — деб унинг сўзини тасдиқ қиласар зди мулла Абдураҳмон. — Топиб берганда ҳам яна жазо бор, бу тарафи ҳам унуттилмасин.

— Яна қандай жазо? — деб ажабланар зди мулла Калоншоҳ.

— Топиб беришни бўйинга олмаслиқ, гуноҳсизлик деган сўздир. Аммо Анварнинг қаерга кетканини билмаса, қандай қиласин? Бас, бу ҳолда Султонали қатл қилинадир, гуноҳсиз ўлдириладир... Бунга ким сабаб, унинг қони кимни тутадир? Мен шунисига ҳайронманда.

Бу бийрон жавоб мулла Калоншоҳга ёқинқирамас зди.

— Топиб беришни бўйинга олмаслиқ, гуноҳсизлик деган сўздир. Дарҳақиқат, Анварнинг қаерга кетканини билмаса, қандай қиласин? Бас, бу ҳолда Султонали қатл қилинадир, гуноҳсиз ўлдириладир... Бунга ким сабаб, унинг қони кимни тутадир? Мен шунисига ҳайронманда.

Бу сўз қаршидағи иккى мұхтарамни лом дедирмай қўйиб, чақ-чақ шу ерда шарт кесилди. Шаръий либос кийдириб, ўз менлигини ишка ошириған мулла Калоншоҳ ғолиб ва мағур, қўлидағи таҳрирга қаради.

Шундай: шу соат ичида Султоналини ўлим жазосига олиб чиқар здилар. Ўрдадан ҳар ким унинг нажот топишига ишоимас; хоннинг олдига чақирилди — ўлди, башарти гуноҳи бўлиб, иқрор қиласа, яна жазога қолди, вассалом. Аммо Анвар хон ҳузурига келиб ўзини унинг ҳукмига топширадир, чин йигитлик йўли билан дўстини қутқарадир, деган хаёлга ким ишонсин? Кеча жарчи кўй-гузарларни айланиб, Анварни инсофка чакириди, киши қонига қолмаслиқ фазилатини таранум эттириди. Бироқ, Анварнинг бундай «ҳамоқати»ға ахлоқан сукут этиб, вижданан музлаган ўрда арбоби ва бошқалар ишонсинми?

Шундай: ўрда арбоби бу кун пешиндан бироз илгарироқ мужассам бир виждон, тоғқорак бир йигит ва ўлим сари кулиб келгучи бир арслонни ўз тарихида биринчи мартаба кўрди ва тонг ажабда қолди. Бу улур жасорат бир неча дақиқаларғача зулм итларини сукутка солди, уларни ишдан тўхтатди. Ўрда арбобларининг маҳкамада ўлтурғанлари эшик ёниға чиқиб, йўлда борғанлари ҳаракатсиз қолиб, парвосиз ҳар ким ёнидан саломлашиб ўткучи арслонни тамоша қилдилар.

Анвар девонхона қаршиисига етканда, нима мақсад биландир даричалар ва эшик ёнидан мўралашқучи мирзоларга умумий бир таъзим ифода қилди ва собит қадам зиналарга оёқ қўйиб, юқорига, хон ҳузурига чиқиб кетди. Пойтахт бўсағасидаги доимий ясовуллардан ўтиб, даҳлизда тўхтади. Чунки бундан нарига ўтиш учун ҳудайчи воситасида хондан рухсат олдириш лозимдир. Биринчи эшик ёнида қўл қовишти-

риб турғучи Дарвеш худайчи таажжуб ва ҳайрат ичида Анварни қаршилаб, иккинчи хонадаги «жаноб» ҳузурига кетди.

Тахтига такя қылған Худоёр икки күзи тұғрисиға икки жаллодни қўйиб, ёнидари домла шоғовул. Турсун оталиқ, ва ғайри бир неча аъёнлар билан сұхбатлашар эди.

— Пушти паноҳо! — деди худайчи, — хиёнаткор ўз ихтиёри билан келиб, домиadolatингизга таслим бўлмоқчи!

— Хиянаткариң ким?

— Мирзо Анвар!

Хон сесканиб кетди, ҳамнишиналар ҳам алонғ-жалонғ бўлдилар.

— Келтир!

Худайчи құллиқ қилиб, орқасиға қайтди. Даҳлиздаги Анвар биринчи хонадаги аъённи ҳайратка солиб, иккинчи танобийнинг бўсағасида, жаллодлар ўртасида тўхтади ва хонға таъзим адо қилди.

Рақибни бу қадар жасоратда кўрган Худоёрнинг кипрак остлари учиб, соқол туклари силкинди ва бироз сўз тополмагандек тамшаниб турди.

— Сен бизга хиянат қилдинг, ит ували!

Анвар бош иргатди.

— Иқрорман.

— Тузимни унутдинг!

— Тонмайман.

— Иқрорсен, тонмайсен, ўбдан иш! — деди заҳарханда қилиб хон, — ўлувдан ҳам қайтмайсан!

— Мен сиздан марҳамат сўраб келган эмасман, — деди илжайиб Анвар. — Ўзимни ўлимга бериб, бир гуноҳсизни кутқазиш учун келганиман.

Ҳамнишиналар лабларини тишладилар. Худоёр истеҳзолик кулди.

— Пусулмончилик қигансан-да?

— Албатта, — деди Анвар, — бошқалар киши гуноҳи учун гуноҳсизни тутиб пусулмончилиқдан чиққач, мен пусулмонлиқ билан ўлиши ўбдан билдим.

Бу жавоб Худоёрни қип-қизил туска қўйиб, манглайида терлар кўринди, разаб ўти аланга олди.

— Сенинг қиган ишиңг пусулмончилиқда борми, ит ували?

— Мусулмончилиқда юзлаб хотин устига, бир камбағал уйланмакчи бўлған қизға ҳам зўрлиқ қилиш борми, қиблаи олам.

— Чиқар буни, жаллод!

Жаллодлар ҳаракатландилар.

— Ханжаримиз қонсираған!

Анвар бош чайқаб кулди.

— Гуноҳсизни меним кўз ўнгимда банддан озод қилинмас экан, Анварни бу ердан чиқара олмаслар, қиблаи олам, — деди ва ўзини ташқариға торта бошлиған жаллодларни арслонларча силтаб юборди, — сизда адолат борми, жаноб?!

Қўрқунч бу ҳайқириқ Худоёрни инсофка келтирди. Жаллодларни

тұхташқа ва ҳудайчини Султоналини ҳозирлашга буюрди. Күзи қонланған Анвар икки құлни ёниға ташлаб Худоёр қаршисида туриб қолди. Ҳамма сұкутда... Шундай фурсатларда гуноқкорни адабсиз сўзлар билан сўкиб турғучи Худоёр ҳам жим. Чунки, атьён назарида ҳар бир адабсизлигига Анвар тарафидан кучлик бир ҳақорат олиш эҳтимоли бор. Шайхи Саъдий айтканча, дунёда ҳәтидан қўл ювгучидек тили узун киши бўлмас. Дарҳақиқат, инсонни разолатка солғучи унинг манфаати тақозаси, қола берса ўлимдир. Бу иккисидан кечгучига эса на подшоҳнинг қаҳри ва на жаҳаннамнинг қаъри фарқсиздир.

Кўб фурсат ўтмай ҳудайчининг орқасида Султонали кирди, хонға қарши турғучини таниб, титради... Титрап экан, Анвардан бироз кейинди туриб хонға таъзим қилди.

— Сиз озод бўлдингиз, — деди хон, — девонға чиқиб ўз ишинизга қаран!

Султонали ихтиёrsизча хон томонға букулиб олди... Анвар «истехзали» вазиятда Султоналита ён қаради:

— Меним қаршимға ишлаб, жанобга неқадар содик қолсангиз ҳам, садоқатингиз сизни нажотка чиқара олмади, бильакс, сиз ўйлаганча мен — инсофсиз сизни қутқардим... Сиз шуни унугмасангиз бўлди, Султонали ака, — деди Анвар ва хонға ишорат қилди. — Қўнимни боғласинлар, чиқариб ўлдирсинлар.

Султонали орқасига қайтди, қайтар экан, кўзидан бир неча томчи ёши оқиб тушди. Жаллодлардан бири келиб, Анварнинг құлни орқасига боғлади. Анварнинг қўли боғланар экан, Мұҳаммад Ниёз домла ўрнидан туриб, хонға қуллик қилди.

— Шу адабсизнинг гуноҳини меним учун кечсинлар.

Хон юзини четка ўгиради:

— Растана чиқарин!

Анвар хонни ва ҳамнишиналарини масхаралагандек таъзим адо қилди. Жаллод олдинға тушди, унинг орқасидан Анвар юрди ва орқадан икки нафар қуроллиқ ясавул эргаштилар. Анвар ўзини ўрдага киришида қандай тетик туткан бўлса, ўлим сари чиқишида ҳам ўшандоғ парвосиз эди. Кўзи тушкан таниш ҳар кимса билан «Хайр, хўш» деган каби имлашиб олар эди. Ранги кув ўчиб ҳушсиз каби ташқи дарбоза ёнида турған Султонали билан ҳам алоҳида видоълашди. Анварнинг қарашидаги маънога тушунган Султоналининг юраги сув бўлиб оқди ва ҳушсиз, ҳиссиз, Анвар кўздан йўқолгунча қараб қолди...

Янги растада ҳалқ қайнашар эди. Қўлида яланғоч ханжарини ушлаб, белига ойболтасини қистирған манфур жаллод орқасидан келгучи маҳқумга кўзи тушкан ҳалқдан баъзиси жазо майдонира қараб оғиди ва баъзиси нафратланган кўйи ўзини четка тортди. Жазо майдони янги раста билан ўрда борининг муюшида бир дор ва остиға қон оқизиш учун қазилған чукурдан иборат эди. Дор остиға келиб етдилар. Бир онда дор атроғига юзлаб йигилган томошабин ҳалқни ясовуллар четланишқа буюрдилар. Ҳалқ орқага силяжиган бўлиб, яна сиқилиша берди. Дор остида Анварнинг қўли ешилиб, таҳорат олиш учун унга

сув берилди. Чунки бу маҳкумнинг қонгуний ҳаққи эди. Анвар таҳорат олар экан, жаллод ва ясовуллар ханжар яланғочлаб унинг теврагини куршаб турдилар. Анвар таҳоратланиб, устидаги түнини ерга езди. Жаллодлар доирани бироз кенгайтиб, Анвар икки ракаъат намоз ўқуди. Дуюдан сўнг Анвар ўрнидан турди, қўлини боғлашқа бериб, атрофига бесаранжом аланғлади. Теваракни сириб олған халқ олдида манфур кўзини мойландириб ўз устига тўп-тўғри қараб турған мулла Абдураҳмонни кўрди. Анвар титради. Абдураҳмон илжайди...

— Кулишка ҳаққингиз бор, домла, чунки ўч оласиз, — деди Анвар Бирдан ҳамманинг кўзи Абдураҳмонга гущди. — Фақат сиз ифлослик натижасида куласиз, мен... мен тўғрилиқ самарасини ўраман, сиз ифлос виждан билан болисиз, мен соғ виждан билан мағлубман... Мени дор остиға ким келтирди? Виждан эмасми, тақсир?! Сизни бу ерда ким томошабин қилди. Ифлослик эмасми, тақсир?!

Халқ чуқур сукутда, ўз орасида турған «пешво»га киналик кўз билан тикилган эди... Жаллод қўли боғланган Анварни дор томонга олиб борди. Анвар ўз ихтиёрича чуқур ёниға ўлтурди ва ханжарини яниб келган жаллодга қўли билан «озғина тўхтант» ишоратини қилиб, Абдураҳмон томонга кулди:

— Меним ҳолимни кўрингиз, домла, — деди Анвар кулган юзда, — қўлим боғланған, устимда ханжар ялтирайди. Лекин мен куламан... Нима учун бундай, тақсир? Чунки виждан роҳатда, жон тинч, юракда ишқ... Дуруст, мен кўмилгач, қабрим устида кўкси доғлиқ қизил лолалар кўкаар... Нимадан бу? Бу — сизнинг каби тубанлар соғсан из...

Томошабинлар тоқатсизланғандек кўриндилар, Анвар узаниб ётди... Жаллод ханжарини ентига яниб Анвар устига энгташти.

...Энгташти, бироқ орқадан берилган кучлик бир зарб билан Анварнинг устидан ошиб, мукканча чуқурға йиқилди Жаллоддан беш қадам нарида турған ясовуллар ҳам кўқдаги ханжарлик қўлларини остиға букалмай, кимлар биландир олишиб ётар эдилар ва шу онда кучлик шапалоқ товши эшитилиб, салласи чувалган бир ёш мулла ерга ўлтуриб қолди. Халқ тартибсизланди.. Қобилбой Анварнинг дастбандини кесди ва иккиси тартибсизлик ичига кириб йўқолдилар. Қуролсизландирилған ясовуллар гурр этиб турли томонга сочилаған халқ ичидан дўст-душманни ажратолмай гарангсиidlар. Шу вақт бутун аъзоси эски қонларға беланган жаллод чуқурдан чиқишқа интилар эди...

* * *

Шу воқиъдан икки кун сўнг ярим кечака вақти, Бешариқ билан Хўжанд дарбозалари ўртасидаги қўрғон девори остиға тўргт нафар кўлага келиб тўхтади... Йигирма икки-йигирма уч кунлик ой ҳали унча кўтарила олмаван, айниқса озғина кўтарилиб чиққан ой нуриға қўрғон девори тўскун эди. Кўлагалар бирин-бирин қўрғон деворига тирмаша бошладилар. Биринчи мартаба кунгира ёниға чуққути эмаклаб юриб

атрофни текшириди, текширгучининг бетига ой нури сепилиб, таниш бир юз — Сафар бўзчи зоҳир бўлди. Қўргон ташқариси кенг дараҳтсиз қир, туманлик — хира ойдин ва узоқдан бир неча туп яланғоч дараҳтлар кўлагаси кўринар эди. Сафар бўзчи ўзидан бир зина кўйида турған ҳамроҳларини бирин-бирин ўз ёнига чиқара бошлади. Анвар, паранжилик Раъно, энг охирда қўлида арқон кўтарган Султонали юкорига чиқдилар. Султонали аста-секин кунгира ёнига келиб, оста қаради.

— Саккиз газ бор, — деди шивирлаб Султонали. — Келинг, Анвар...

Анварнинг қўлтуғи остидан арқон солиниб боғланди. Султонали ва Сафар бўзчи Анвар билан қучоқлашиб кўришдилар... Сўнгра Анвар кунгира ёнига келиб, қўйига осилди. Сафар билан Султонали арқонни секин-секин юбориб турдилар.

— Етдим, — деган товуш келди қўйидан ва бироздан сўнг арқон ҳам бўшалди. — Тортинг...

Арқон тортилиб олинди. Паранжиси аралаш Раъно ҳам арқонга боғланди.

— Арқонни қаттиғ ушлаб, оёингизни девориа тираб тушасиз, Раъно... Энди омон бўлинг, синглим...

— Келин ойимларға салом айтинг сиз ҳам, амаки.

Раъно тоҳ, ҷалғиб, тоҳ тўхтаб, қўйига силжиди. Ерга тушишка бир газ чамаси масофа қолғанда девор остида кутиб турған Анвар уни кўтариб олди.

— Қўйинг, ўзим тушаман.

— Тегимиз ариқ, лойға ботасан.

Анвар шу сўзни айтиб, уч-тўрт қадам босди, Раънони «Туя тойди» аригининг нариги чеккасига чиқариб қўйди. Раъно қўлтуғи остидағи арқонни ешди, арқон девор устига томон сорилиб олди. Анвар яна қўргон девори остига юриб чиқди ва секин юқорини чақирди:

— Султонали ака!

Қўргон кунгирасидан Султоналиниг кўлагаси қўйига энгашти.

— Эҳтиёт бўлингиз, Султонали ака, — деди Анвар. — Сиз ҳам шу ҳафтадан кечикманг. Такрор айтаман: зинҳор кўриниш фикрига туша кўрманг.

— Хотиржамъ, хотиржамъ

Чунки Анварнинг кутилған кунидан бошлаб Султонали ҳам яши-ринган эди. Гарчи, хон уни қайтадан йўқламаса ҳам, яна шу эҳтиётни мувофиқ кўрган эдилар. Султонали уй ишларини саранжомлаш учун улардан бир ҳафта кейинроқ йўлга чиқмоқчи эди.

Анвар «Туя тойди» аригидан Раъно ёнига ўтиб, охирги мартаба хайларашдилар.

— Хайр, Султонали ака, хайр, Сафар ака!

— Хайр, амакилар!

— Аллоҳнинг паноҳига, Анвар!

— Сафаринглар бехатар бўлсин!

Күргөн устидагилардан кимдир бири пик-пик, йиллади. Айвар Раънни олдига солиб, узокда күринган дараҳт күлагасига қараб юрди. Ер жуда ботқоқ, ҳар бир қадам аранг ердан узилар эди. Йигирма қадам чамаси борғач, Раъннинг кафши лойға тишлашиб оёғ узолмай тұхтади. Икки қадам орқада келган Айвар Раънни күтариб олди.

- Меним этигим бор, чимга чиққунча жим тур — деди Айвар.
- Қүйинг, уяламан...

Айвар жавоб бермади. Ўтгуз қадам чамаси бориб Раънни ерга қүйди ва қүргөн устидан ҳануз мұралашыб түрғучи күлагаларга «кетинг» деган каби құл чайқади. Иккиси яна бошлашиб кетдилар. Улар үн беш қадам босар-босмас дараҳт күлагаси остидан икки отлиқ югуриб чиқди ва бир онда Раънолар ёниға келиб, отлиқдан бириси «тұп» этиб ерга тушти ва жилавни Айварга түғрилаб турди.

- Акун, сувор бўлинг.

Айвар Раҳим күмагида отқа минди. Ұзангидан оёғини чиқариб Раънни чақирди. Раъно — Айвар билан, Раҳим — Шариф билан мингашыб олдилар. Айвар яна қүргөн кунгирасига қаради. Ҳануз икки күлага күринар эди. Қамчисини уларга түғрилаб силкитди, отни йўлға солди. Дараҳт күлагаси остида соябонлиқ араванинг шотисига такя қылған Қобилбой уларни қаршилади. Раъно от орқасидан аравага ўтди. Айвар ҳам отдан қўниб, аравага — Раъно ёниға чиқди. Раҳим ўз отира миниб, Қобилбой аравани йўлға солди. Икки отлиқ араванинг икки шотиси ёниға кириб қўзғалдилар. Тўғун¹ темири ердаги майдада тошларға уруниб, шақ-шук товуш чиқара бошлади. Арава ва отлиқлар күлагаси дақиқа сайин кичиклаша борди, бора-бора кенг қирнинг бағрида кўзга кўринмас бўлиб кетди. Фақат, яна бироз тўғуннинг кучсиз-кучсиз тошқа уриниши эшитилиб турди...

Б и т г и.

¹ Тўғун — ғидиракнинг ташки гардиши



МИРЗО АНВАРНИНГ КЕЙИНГИ ҲАЁТИ ТЎҒРИСИДА

Мен мирзо Анвар ҳикоясини марҳум отамдан эшиткан эдим. Мирзо Анвар Қўқондан қочиб келиб, уч-тўрт йил чамаси Тошканднинг машхур Эскижўва маҳалласида турған. Ул вақтларда бизнинг ҳавлимиш шу Эскижўвада бўлиб, мирзо Анвар отамга қўшни эмиш.

«Қўқондан бир мирзо кўчиб келиб, фалончининг ҳавлисини ижарага олған эмиш», деган гап чиқиб қолди, — деб ҳикоя қилас эди чол. — Мен мирзо хабарини эшитсан ҳам, бир ҳафтагача ўзини кўралмадим. Рўза кунларининг бирида биз масжиiddан шом намозини ўқуб чиқар эдикким, сўфи: «Ҳаммангизни Худоёрхоннинг мирзоси ифторга таклиф қилған», — деди. Биз йигирма чоғлиқ киши янги қўшнининг уйига бордик. Бир уй ва бир айвонга яхши полослар солинган, кўрпачалар ёзилған, ўртада анвоъи дастурхонлар... Биз уйга кириб ўттургандан кейин эшик ёнида хушсурат бир йигит кўринди. Бизга тавозиъланниб хуш омади айтди. Мирзо Анвар, дегани шу эмиш. Биз ифторга қарадик, мирзодан аҳвол сўрадик, тошкандик бўлгумиз келди, деб кулди. Биз — тошкандиклар хўш кўрадирган норин қилдирибдир, хўб едик... Домла билан бир нечалар фотиҳага яқин ташқариға чиқиб кетдилар. Биз нима воқиъ бўлғаниға тушунмадик. Орадан бироз ўткандан кейин яна қайтиб кирдилар. Дастурхонлар йифилиб иш фотиҳага тўхталаған эдиким, домланинг олдиға бир коса сув келтириб қўйдилар. Домла никоҳ хутбасини бошлади... Биз ҳайрон бўлдик. Хутба охириға етиб, мирзо Анварга бир қизни никоҳладилар; биз, мирзо билан қизнинг ҳакқиға дуо қилиб, тарқалишдик. Лекин хилофи одат бу никоҳ, ҳар биrimизни таажжуғба солди. Яна бирар ҳафта ўткач, бир нечамиз мирзо билан таниш бўлиб олдик, кейинроқ мирзони улфатчилигимизга ҳам олиб кела бошладиқ ва шунда мирzonинг ўз оғзидан Худоёр билан кечкан можаросини эшитдик, таажжубландик ва минбаъд мирзога ихлосимиз ортди...»

Чолнинг сўзига қарағанда мирзо Анвар Худоёрнинг қўли етмайдирган Тошкандда (ўрус қўл остида) тинч, аммо жуда ҳам фақир яшаган, бойларға мирзолик қилса ҳам, даромади доимий бўлмаган. Тошкандда туришининг учунчи йилларидан Худоёрдан бир афвнома олиб, қашшоқлик жонига теккан мирзо Анвар, ўйлаб турмай, Раъно билан Қўқонға қайтқан. Орадан уч-тўрт ой ўткач, Қўқондан келгучилар мирzonинг ўлдурилганлигини сўзлаганлар. Нега ўлдурилган, эски «гуноҳи» учунми, бошқа сабаб биланми ёхуд «афвнома» ҳам мулла

Абдураҳмонларнинг найрангги бўлғанми, отам бу тарафими яхши билмас эди.

Мен ушбу китобка материал йиғиш учун Кўқон бордим, яшаған кишилар билан сўзлашиб юрдим: ўзи Худоёр девонида ишламаган бўлса ҳам, Худоёр мирзоюрига ҳамаср бўлған бир кекса мирзога учрашдим Унинг сўзига қараганда, миরзо Анвар ўлдурilmagan. Худоёрдан сўнг анча йил яшаб, ўз ажали билан ўлган эмиш. Мен ҳайрон бўлиб қолдим ва икки ўргада тараддудланиб, миризонинг кейинги ҳаётини шу ҳолда битиришка мажбур бўлдим.

Абдулла Қодирий – Жулқунбой

Тошканг, 1928-нчи йил 15-феврал

Диёри БАКР

(шeърлар, ҳикоялар, саҳна асарлари, ҳангама, фельетон ва мақолалар)



ТҮЙ

Қиңди бу вақт биңда жавлон түй,
Оқчаси йүқни этди ҳайрон түй.
Бир-биридин ошурдилар түйни,
Төңди равнақ, ғайратила боён түй.
Беш кун үтмай түйни сүнгидин
Кетибон мулклар боис фиғон түй.
Боён түйиге ерлилар қараб
Этди сарф токи тандаги жон түй.
Эй ғанийларимиз¹, эй факирларимиз,
Амр этубдурму бизға Қуръон түй.
Мұндайин ишлар шаръимизда йүқ
Кори маъжус², кори шайтон түй.
Ишламас шундай ақллик киши
Йұламас асло ақын вијдон түй.
Үтса түй бирла ёзу қишимиз,
Айлагай бизни ерға яқсон түй
Келингиз дүстлар, дин қариндошлар,
Ташласун бұлса гар мусулмон түй.

«Садойи Туркестон» 1915 йыл, 64-сон, 20 март, 2-бет.

АҲВОЛИМИЗ!

Күр бизнинг аҳволимиз, гафлатда қандай ётамиз.
Жойи келган чорида вијдонни шұлға сотамиз.
Ұлнимизга на адаб, на фан, на яхши сўйламак
На худони буйруги бўлган улум¹ ўрготамиз
Коримиз шундан иборат бўлди ушбу вақтда
Ўнтадин бедона боқиб ёзу қиши сайротамиз
Хамда ҳар кун такяларда наша кўкнори чекиб
Баччага кокил солиб, оҳ-воҳ илан ўйнотамиз
Қариямиз, боёнимиз, балки бу вақт оҳвондамиз
Ногоҳон кўрсак агар бир бесоқолни қотамиз
Ўргадан чиқса агар миллатни яхши суйгучи
Биз ани даҳрий² санаб, түғанғча бирла отамиз
Келингиз ёшлар, зиёлилар бу кун ғайрат қилинг
Ухлаганларни агар Қодир эсак уйютамиз.

1915 йыл.

Ғаний — бой.

Маъжус — оташпараст.

Улум — илмлар.

— коғир.

МИЛЛАТИМГА БИР ҚАРОР!

Кел эй миллат, бу кун бир маслаҳат бирлан қарор ўлсун,
Бу кундан ўтган ишларга пушаймон бирла ор ўлсун,
Қилайлук бул куни ғайрат хама бирдан қилиб ҳиммат.
Жаҳолат чўл саҳросига минбаъд сабзавор ўлсун.
Бу нодонлик биза қилмиш эди тўрт фаслни қищдек,
Жаҳонни зимиstonи дўнуб¹ фасли баҳор ўлсун.
Аяшмай кумуш-олтунни ҳама боёнлар асло,
Солиб дорилфунунлар ҳам макотиблар² ҳазор ўлсун.
Ўқушун миллат авлоди бизни доим дуо айлаб,
Қилиб тахсил улумларни фунуна³ яхши ёр ўлсун.
Очайлук жамиъатлар, кўб ийрайлук ҳам ионатлар⁴,
Ки токи ятим ва бечора бекасга⁵ мадор ўлсун
Неча чорлар бўлубдурким, қочибмиз биз тараққийдин.
Бу кун бир илтифот бирлан бу йўлга бир гузор ўлсун.
Жаҳолат сассиги бизни ҳамиша беҳузур этди,
Бу кун илмнинг бўйи бирлан димоғлар мушкибор ўлсун.
Бизнинг жоҳиллигимизни кўриб ул шод бўлганлар,
Кўруб машғулиятимизни илмга шармисор ўлсун.
Кимиким журъат айлаб, бул қаломларға амал қиласа,
Жаҳонда исми ани паҳлавон номдор ўлсун.
Бу кун мен сўзладим оз нутқ сиза то Қодир ўлгунча,
Илоҳи айласун таъсир шу сўз сизга бакор⁶ ўлсун⁷.

ФИКР АЙЛАГИЛ

Оқило фикр айлагида, ки на ишлаюр аҳли ватан,
Қайси фосиқ, қайси жоҳил, қайсиси бўлди чапан?

Қилдилар бир-бириға душманликни ҳар вақт беибо,
Бир-бирини айбин очмоқга киришдилар бажан.

Ер сотарлар элда неча тўй бажо этмак учун,
Чунки бидъатин йўлида ҳам фидодур жону тан.

Пулни кўб исроф этармиз, бизга тўғри келмагай,
Тўлибон тошти бу вақт ул ақчалардин рестурган.

¹ Айлони — қайтмоқ

² Макотиб — мактаблар

³ Фунун — дунарлар; фанлар

⁴ Иона — ердам, кўмак

⁵ Бекас — ҳеч кими йўқ, елиз одам

⁶ Бакор — эдтиёж, дожат

⁷ «Аҳволимиз», «Миллатимга бир қарор» шеърлари илк марта «Жувонбоз» ҳикоясига илова ҳолида нашр этилган эди.

Занлари¹ соҳибжамолу ҳам сатанг деб ўйлама,
Еб-ичиб жир битмаган андоғ сигири белабон².

Қизларин бўйнида кўруб зебигардон ҳам тумор,
Ўйламангиз олма деб жумласи нафъсиз, зиён.

Тушса пул қўлиға гар, соатча тўхтаб турмагай,
Чунки нодонни қўлида мушт туфроқдур суман³.

Қодирий наздингиза оз ҳасратидан сўйлади,
Айб этуб қилманг ҳақорат, муҳтарам аҳли ватан.

*Тошканг, Абдулла Қодирий жанобларингиззур.
(«Оина» журнали, 1915 ишл, 12-сон.)*

¹ Зан — аел

² белабон — сутсиз

³ суман — олтин.

БАХТСИЗ КҮЁВ

Теётр рисоласи

Туркистон майшатидан олинганд түрт пардали фожиъа

ҮЙНОВЧИЛАР:

Солиҳ — 25 яшар, күёв бўладургон йигит.
Абдураҳим — 45 яшар, Солиҳнинг амакиси.
Файзибой — 50 яшар, Солиҳнинг қайнотаси.
Домла-имом — 50 яшар.
Элликбоши — 35 яшар, янги фикр.
Бой — 45 яшар, Солиҳга пул беручи, ижарахўр.
Рахима — 16 яшар, Солиҳ оладурғон қиз.
Приступ ва миршаб

БИРИНЧИ ПАРДА

Меҳмонхона, ўнга кирадурган эшик, сўлда бир тераза, қозуқларда чопон, салла, белбоғ ва шунга ўхшашиб нимарсалар, меҳмонхонанинг остига намат солинганд, Солиҳ кичикроқ кўрпача устида олдига дастурхонга нон, бир чойнак чой қуюб, нондан еб, чойдан ичиди ўлтурапар, бир оздан сўнг Абдураҳим кирап.

АБДУРАҲИМ — (кирап ўйталуб)

СОЛИҲ — (Абдураҳимни қараб, сакраб ўрнидан туруб)

Ассаломуалайкум, келинг, амаки (Абдураҳимни мулоқотига¹ уч-тўрт қадам юрап).

АБДУРАҲИМ — Ваалейкумассалом (кўл олишуб, эсонми, омонми сўзлари билан ҳол-аҳвол сўрашурлар).

СОЛИҲ — Қани, амаки, кўрпачага ўлтуриңг! (кўли билан ишорат қилур).

АБДУРАҲИМ — Хўб, хўб, чойинг ҳам бор эканми? Ўзинг ҳам ўлтур (ўлтураплар), омин, Оллоҳ ишингта ривож берсуп, оллоҳуакбар (фотиҳа ўқурлар).

СОЛИҲ — Хуш келубсиз, амаки нечук худо ярлақади, келин ойим, укаларим, эсон-омон юрубдиларми? Қани, нонга марҳамат қилинг, (чой қуяр).

¹ Мулоқот — кўришини, учрашини

АБДУРАХИМ — Хушвақт бўл, Худоға шукур, ҳаммалари саломат, янганг сенга кўб салом деб юборди, бу кун сени тўғрингга бир гап чиқиб қолди. Сенга маълум қилай, яна ўзингни кўб вақтдан буён кўрганим йўқ эди, кўриб ҳам келай, деб келдум (*нон тановул қилур*).

СОЛИХ — (*чой беруб*) Жуда яхши, мен ҳам сизни соғинган эдим.

АБДУРАХИМ — (*пиёла қулиса*) Уйингга боруб келсанг бўлмайдими? Неча зарур гаплар бўладир, борасан деб кўз тутаман, бормайсан, ҳар куни бормасанг ҳам беш-олти кунда бир боруб турсанг, ишинг қоладурми?

СОЛИХ — Айтканингиздек неча бора бу кун борайин деб ўйлайман, ўзингизга маълум, бировнинг хизматкори бўлгандан кейин қийин бўлур экан, бораман деган куним хўжайнин иш буюруб кўядир, боролмай қоламан. Кеча-кечаси, ҳовлиға боруб ётиб келсам бўладур-ку, ҳовлида ёлғуз ўзим ёткани зерикаман, яна ораси узоқ иўл, бул ерда бирга ишлайдурган оға-инилар бор, ҳар кечаси бирга гаплашиб ётиб, биров-бировимизга ўрганишиб қолганмиз, улардан ажрагим ҳам келмайдур.

АБДУРАХИМ — Хайр, ундоқ бўлса, сендан сўрайдурган гапим бор, агар хўб десанг айтаман (*пиёланы бўшатуб, Солиҳга беруб*). Менга чой берма, уйда жуда кўб ичиб келдум.

СОЛИХ — Хайр, қани нима гап экан, сўйланг эшитай?

АБДУРАХИМ — Сўзим шулки, ота-онангнинг ўлганлариға тўрт йил бўлуб қолди, шундан буён шу хўжайнингда хизматда юрубсан, қанча оқча йиғдинг?

СОЛИХ — Оқча йиғолганим йўқ, топкан пулим ўз харажатимга кетуб турибдур.

АБДУРАХИМ — Солиҳ болам, айтабер, ўйламаки амаким мендан сўраб олур деб, оқчанг ўзингга буюрсин, кўрқма!

СОЛИХ — (*Ерга қараб, озроқ ўйлаб*) Уч юз сўмра яқин оқча йиғдим.

АБДУРАХИМ — Балли-балли, баракалла ўғлум, шул замонда хўб йигибсан-да (*бир оз сўздан тўхтаб*). Мен сени сиртингдан неча вақтдан буён, отангнинг ошнаси Файзибой билан, қизини сенга олуб бермакчи бўлуб сўйлашуб юрар эдим. Бугун эрта билан менинг уйимга Файзибой келиб, агар Солиҳга қизимни олуб берадурган бўлсангиз, вақтироқ ҳаракат қилинг, бўлмаса бир бошқа совчи келуб турубдир, қизимни Солиҳга олуб бермасангизлар, келуб турган совчиға қуда бўлуб қолсам ҳам эҳтимол, деди. Мен унга бўлса, Солиҳдан сўраб, кечқурун жавоб берай, деб мунда келдим, мен сендан қанча оқчанг бор, деб сўраганимнинг сабаби шул эди, мана, алҳамдулилоҳ мунча оқчага молик бўлубсан. Уйланиб, уйингда ота-онангнинг чирокларини ёқсанг, аларни арвоҳлари мендан ҳам кўброқ сендан хушнуд бўлур эди, яна ўзинг ҳовлида ёлғуз ётолмайман дейсан, хотун олгандан сўнг зерикмай, ҳовлида ётадурган бўласан. Файзибойни ўзинг яхши биласан, дастурхонлик, обрўлик, ҳам қизига кўб мол қиласурган одамдур. Энди менга, хўб, бўлади, деб жавоб берсанг, эртага маҳалладан эллик-боши ва домла-имомни олуб, Файзибойникига боруб, фотиҳа ҳам,

олур-солуғларни гаплашиб, биратұласига түй бўладурган қилуб келаман, қани, нима жавоб берасан?

СОЛИХ — (*Erga қараб, сукут қылур*).

АБДУРАҲИМ — Уялма, бу сўзим шариъатда бор гап.

СОЛИХ — (*Абдураҳимга қараб*) Йўқ амаки, уялганим йўқ, ҳозирда хотин оламан, деган ўй кўкрагимда йўқ, ҳозир вақти эмас.

АБДУРАҲИМ — Нега ундоқ дейсан, хотун олмоқ фарз ва суннат эмасми, хотун олмоқни вақти-бевакти бўладурми? Ҳар кимга вақти бўлмаса ҳам сендек йигитга зарурдур, хусусан сенга ҳам фарз, ҳам қарздир. Чунки уйингда ҳеч киминг йўқ, яна икки-уч йил юрсанг, уйингни том-деворини шикаст-рехтларига қарамасанг, вайрон бўлмоғи муқаррардир. Уйланган вақтингда уйларингта қараб турарсан, мундан ҳам фойданг бор.

СОЛИХ — Хўб, тузук, сўзингиз тўғри. Бу сўзларингизга жуда ишонаман, лекин замонамида ёмон бидъат, исрофлар тараққий топкан, унча-мунҷа оқчага бу вақтда уйланнамак қийин, мени оқчам бояги айтканим. Сизга хўб, хотун оламан, уйланаман десам, Файзибай мендан замонаға мувофиқ оқча олса, ул вақтда мен қарздор-абгор² бўлуб қолсам, иш қандай бўлур, ҳозир авф этасиз амаки?

АБДУРАҲИМ — Вой, қўрқоқ экансан-ку, ҳозирги замонда қайси бир йигит қарздор бўлмай уйланяпти, озроқ қарздор бўлсанг, бошинг омон бўлса, саҳалда¹ қарзингни узуб қўясан, яна Файзибай кўб катта тўй қиласмайман, дейдур, замонани тўйидек сендан кўб оқча кетмаса керак, бу сенга хўб қулайдур, хўб деявер.

СОЛИХ — (*оз уйлаб туруб*) Хайр, қарздор бўлуб қоламанда, ўзингиз биласиз амаки, сазангиз ўлмасун? Отам ўрнига отамсиз, нима қиласангиз ихтиёр ўзингизда.

АБДУРАҲИМ — Ана энди ўзингга келдинг, баракалла, балли, мен букун Файзибойга хабар бераман, эртага элликбоши, домла-имом билан фотиҳага ҳам олур-солуғга келамиз деб. Ул ҳам маҳалласини катталарига хабар беруб, тараффуд қилиб турар, оллоҳуакбар (*ўрнидан туруб*). Менга жавоб, вақтликроқ, Файзибойга хабар бермасам бўлмай-аур.

СОЛИХ — (*ўрнидан туруб*) Кетасизми амаки?

АБДУРАҲИМ — Шундоқ, энди омон бўл, мендан хўжайинингга салом дегин, хайр (чиқиб кетар).

СОЛИХ — (*бир-икки қадам юруб*). Хайр, бўлмаса мендан уйдагиларга салом айтинг (*хомушилик билан ўрнига келуб ўлтурас, ҳалға қараб*) Қандай гап бўлди, шул замонда камбарад кишини тўйига бир ярим минг сўм кетуб турган иш, бошимда отам-онам йўқки, мени ғамимни есалар ва мен учун ҳаракат қиласалар. Оҳ яраткан худойим, ўзинг ишимни тўғриламасанг, мен етим бандангнинг кори оғирдур (*деб кўз сиши қилуб чўнтиғиган дастрўймолини олуб, кўзини артар*).

(Парда тушар)

¹ Қарздор-абгор — қарзни тўлолмайтурган қарздор (муалиф)

² Саҳалда — саҳал вақтда, оз муддат ичида (муалиф)



ИККИНЧИ ПАРДА

Файзобойнинг меҳмонхонаси, сулда кирадурган эшик, ўнга икки гарича, меҳмонхона остиға намат, саҳнани уч тарафида расмий кўрпача, бир қозуқда қул сочук, бир токчада бир паднус нон, яна бир паднусда тарелкаларда ширинлик мевалар, устиға дастурхон ёпилган, яна бир токчада тўрт дона тўн тўйда берилурган, бир оздан сўнг маҳамасининг домла-имоми билан Файзобой кирад.

ДОМЛА-ИМОМ — Ҳа-ҳа, иш катта-ку, нима гап, мен ҳам айтдим, бир гап бор-ку, Файзобойницида, деб (токчагаги тўйларга қараб), туй бўладурганга ўхшайди, токчада тўнлар.

ФАЙЗИБОЙ — Қани юқорига ўлтуринг, тақсир, гаплашурмиз (тўрға ўлтуарлар).

ДОМЛА-ИМОМ — Омин, Оллоқ зиёда қилсун, оллоҳуакбар (фотиҳа ўқурлар). Қани, гапиринг?

ФАЙЗИБОЙ — Ожизаға Абдураҳимбой элликбоши билан фотиҳага келмакчи, яна олуғ-солуғ қилинса ҳам ихтимол, шу сабабдан сизни чақириб келдимки, юрт кўргансиз, юртдаги олуғ-солуғларга тушунуб қолгансиз, мени тарафимдан гаплашсангиз деб.

ДОМЛА-ИМОМ — Ҳа, ҳа, ҳа жуда яхши бўлубдур, худо зиёда қилсун, Абдураҳимнинг ўғлини куёв қилдингизми?

ФАЙЗИБОЙ — Йўқ, ўлуб кеткан акасининг ўғлини.

ДОМЛА-ИМОМ — Тузук, тузук Собирбойниш ўғли Солиҳними?

ФАЙЗИБОЙ — Шундок, тақсир.

ДОМЛА-ИМОМ — Яхши қилубсиз. Меҳнаткаш, етимлиқда қаттиғчиликни кўб кўрган йигит (шул вақтда эшикдан Абдураҳим ила элликбоши киурлар, салом беришуб, домла-имом, Файзобой ўринларидан туруб, келганилар билан кўришурлар, Файзобой меҳмонларга тўрдан жой кўрсатуб ўтказар).

АБДУРАҲИМ — (домла-имомга) Тақсир, бир фотиҳа ўқуб кўйинг.

ДОМЛА-ИМОМ — (қўлини кўтаруб) Омин, тўй устиға тўйлар бўлсун, оллоҳуакбар (ҳаммалари фотиҳа ўқурлар).

ФАЙЗИБОЙ — (ўрнидан туруб) Хуш келубсиз меҳмонлар.

ҲАММАЛАРИ — Хушвақт бўлинг, балли, раҳмат.

ФАЙЗИБОЙ — (меҳмонлар олдиға дастурхон солиб, токчагаги паднусларни келтуруб қуяр, яна самовор паднусни, пиёлаларни келтуруб қуюб, самовор келтирмоқча чиқиб кетар).

ДОМЛА-ИМОМ — (нонларни сингириб қуюб). Қани, меҳмонлар, нонга марҳамат қилинглар (ҳаммалари нон тановул қилурлар)

ДОМЛА-ИМОМ — (Абдураҳимга қараб) Жуда яхши ғайрат қилубсиз, эшишиб, зиёда хурсанд бўлдум.

АБДУРАҲИМ — Шундок бўлди тақсир, мен ғайрат қилмасам, Солиҳнинг ҳеч кими йўқ, бир ёқда ҳовлиси бузулуб кетмоқда; хотун олуб берсам, уйға қараб, ҳовлисини бузмасдан ўлтуар, деб ўйладум.

ДОМЛА-ИМОМ — Шундок, кўп савобга даҳлдор бўлубсиз (Файзобой самовор олиб кируб қуюб, чой кўймоқча бошлар, парданинг охирриғача, ўлтурганиларга оз-оздан чой қуюб бериб турар).

ДОМЛА-ИМОМ — Элликбоши, бир фотиңа қилуб қўйсақ, яхши бўлур эди. (*Файзебойга қараб*), сиз нима дейсиз?

ЭЛЛИКБОШИ — Жуда яхши бўлади.

ФАЙЗИБОЙ — Ўзларингиз биласиз.

ДОМЛА-ИМОМ — Қани бўлмаса, қўлингизларни кўтаринглар (*ҳаммалари қулларини фотиҳага очурлар*) Омин, Оллоҳ ҳар иккисининг умрини узоқ қилиб, қўшақарутсан, серфарзанд, сердавлат қилсан, оллоҳуакбар.

ЭЛЛИКБОШИ — (*Файзебойга қараб*) Файзебой ака, сизга биринки калима сўз айтаман, агар хўб десангиз?

ФАЙЗИБОЙ — Хўб, қани, эшитай, сўйланг (*ҳаммалари тингларлар*)

ЭЛЛИКБОШИ — Сўзим шулки, совчигарчилик олуғ-солуғи сўйлашилмаса, чунки куёв бўлмиш йигит ўзингизга матълум, етим, ҳам камбағал. Яна олуғ-солуғ шариъатда йўқ гап. Олуғ-солуғ қилинса, куёвдан кўб оқча олинса, қарздор бўлуб қолса, яхши эмас, дейман. Кераклик нарсаларга озроққина оқча олуб, никоҳдаб берсангиз, шариъатдаги иш бўлур эди.

ФАЙЗИБОЙ — Олуғ-солуғ бўлмаса тўй-тўй бўладими? Менинг ҳам бошимда бир қизим бор, орзу-ҳаваслик дунё, яхшилаб орзу-ҳавас қилсан, деган ниятимда бор. (*домлаға қараб*) Тақсир, бу кишининг сўзлари дурустми?

ДОМЛА-ИМОМ — Бу кишининг айтканларидек қилсангиз ҳалқа кулги бўласиз. Олуғ-солуғ қилинмаса бўлмайдур (*элликбошига қараб*). Олуғ-солуғ юртни расми, буни қилманг демоқингиз айб гап!

ЭЛЛИКБОШИ — Мен шариъати мустафо бўйинча иш тутилса деб эдим, гуноҳ ўткан бўлса, афв этасизлар. Олуғ-солуғ сўйлашилса, сўйлашилсин. (*Абдураҳимга*) Абдураҳим ака, сиз нима дейсиз?

АБДУРАҲИМ — Ўзларингиздан гап қоладими? Солиқга жуда ҳам оғир бўладурған бўлмасун.

ФАЙЗИБОЙ — (*домлаға*) Тақсир, қани, олуғ-солуғни юртда хўб кўргансиз, ҳам эшитгансиз, сўйланг?

ДОМЛА-ИМОМ — Бўлмаса совчигарчилик бирла катта тўйни бир қилуб сўйлаймизда, чунки енгилрок бўладур

ФАЙЗИБОЙ — Йўқ, бошқа-бошқа сўйлансан.

ДОМЛА-ИМОМ — Ҳаммасини бир қилаверамиз, осонроқ бўладур. (*Абдураҳим ва элликбошига қараб*). Мен сўйлай, сизлар яхшилаб тинглаб туринглар, ҳар икки тўйда беш юз сўм пул, ўн беш қўй, бир от, тўрт ботмон буғдой, тўрт ботмон бринч, қажавада майиз, туршак, ўн яшук ҳар хил қанд ва шириналлик, йигирма қуюм ҳолва, уч минг дона катта нон, қозонда нишолда, қизларига ўн бош-оёқ, кийим, кимхоб, духоба, шоҳи, атлас, мовут, чидаган, чит ва бошқалар; ҳар биридан кўйлак, камзул ва мазкурларга лойик қимматбаҳо рўмоллар, яна уч дона паранжи шоҳи, духоба, адрес, уч дона кавуш-масхи, қавм-қариндошлирига, ўзларига, заифаларига бош-оёқ, кийим.

ЭЛЛИКБОШИ — Йўқ, домла, жуда ошируб гапурдингиз, йигитнинг ҳоли ўзингизга маълум, жабр бўладурган бўлмасун.

ФАЙЗИБОЙ — (гомлаға қараб) Жуда кам айтдингиз, мен мунга рози эмасман. Юрт урфи қайда, ҳа, ҳа, яна неча нарсаларни қолдурдингиз. (элликбошига) Яна сизнинг ошируб юбордингиз, деган сўзингизга ҳайронман.

ДОМЛА-ИМОМ — (элликбошига) Ўзингизнинг хабарингиз бор, Аҳмадбой үгуллариға қандай тўй қилуб, хотун олуб бердилар. Бу ул одамнинг тўйини учқунидек ҳам эмаску!!!

ЭЛЛИКБОШИ — Ундоқ исрофчи бойларни қўяберсангизчи, тақсир, ҳоллари ўзингизга маълум, ҳар кимдан қарздор бўлуб туруб, қўлларидағи бироннинг оқчасини тўй томошага исроф қилиб, пулдорни пулни топиб беролмай, синиб, мулк-ашёдан ажralуб ётканларини кўрмадингизми? Уларнинг тўйини тўй деманг, охири аза-ку, тақсир!

АБДУРАҲИМ — (Файзибойга) Камайтуринг. Солиҳни биласиз, ҳеч нимаси йўқ, етим, мундақантги ошуқча оламан деманг!

ФАЙЗИБОЙ — Ҳали мен мунга кўнмайман, домла жуда кам айтуб кўйдилар.

ДОМЛА-ИМОМ — (Файзибойга) Майли, кам бўлса ҳам, чунки куёвингиз етим йигит, шунинг учун ортуқча айтмадум, (Абдураҳимга) сизлардан бу пул ва бошқа нарсаларни олгани билан ўзига сарф қила-дур, ҳамёнга соладур, деб ўйламанг?

ФАЙЗИБОЙ — Мен сизларга ном-баном тушундурал; сўраган ғаллалар тўйни олишга, ҳам нонига кетадур. Қўй ва отлар сўйилуб, ергўшти ошга кетадур, бунинг ичиди чарлар, юз кўрсатарлари ҳам бор. Пулға мис асбоб, икки дона палак, икки дона гулкўрпа, саккиз дона дорпўш, қизимға бўюнтумор, қўлтуқтумор, тиллақош зираклар, мундан бошқа майдა-чўйда нарсалар билан тамомланадур. Нонлар бўлса, тўйга келганларга тарқатиладур, ҳолва, бошқа нарсалар ҳам. Энди тушундингизларми, менга мундан нима қоладур.

ЭЛЛИКБОШИ — Мен сиздан сўрайин, мис асбоблар кераклик нарсалар, мунга кўб кеткандан бир юз сўм кетадур, палак, гул-кўрпа, дорпўш, бўюнтумор, қўлтуқтумор, тиллақошлардан нима фойда чиқадур, улар нимага керак?

ФАЙЗИБОЙ — Палак, гулкўрпа, дорпўшлар тўйда уйни зийнати, тумор, тиллақошларни қизимиз тақадур.

ЭЛЛИКБОШИ — Ўға булардан бошқа зийнат қуриб қолибдурму? Қизингизга шанир-шуннир қилуб тия мисоллик тумор таққандан нима фойда, мен буларнинг ҳаммасини биламан; беш-олти кундин сўнг сандукда ётадур, аларни сандук хузурини кўрадур, тийинга арзимайдурган нарсаларга куёв бечорадин кўб оқча олуб кўчадагиларга ош, нон беруб исроф қилсангиз, яна кераги йўқ, палак-халак, тумор-пуморларга пул исроф қилсангиз, куёвингиз бечора қарздор бўлуб қолса, ғамандуҳини қизингиз бирга тортадур, шариъатга мувофиқ тўй қилсангиз, куёвингиз бекарз бўлса, қизингиз баҳузур берам умргузаронлик қиласди.

ФАИЗИБОЙ — Ҳали ҳам мен, патир ушатар, совчигарчилик сўрағаним йўқ, мундан ортуқ шариъатдаги тўй қандоқ бўлади?

ЭЛЛИКБОШИ — Шаъриати мустафода шундоқки, куёв тарафидин қизға маҳр таъинламоқ, сўнгра бир коса сув билан никоҳламоқ. Муҳаммад алайхиссалом йигитдан пул олғил, палақ, гулкўрпа, дорпўш, тумор, қўлтуктумор қилил, йигит қарздор бўлуб қолса ҳам майли, дейдиларму? Ҳозирда биз туркистонликлардин бошқа жумла мусулмонлар, хусусан Макка, Мадина, истамбуллilar юқоридаги айтканимдек қилиб қизни эрга берадурлар, куёвдан оқча сўрамоқни номусулмонлик деб биладурлар ва бизлардек исроф қилмайдилар. (Домлана қараб) Тақсир, сиз ҳам толиби улумсиз, Худо ва расулимизнинг буйруғлари шундоқ эмасми? Ва бу кишининг сўраганлари шариъатдан ташқари эмасми?

ДОМЛА-ИМОМ — Ҳар жойни мусулмонларининг бир расми бўлади: бизларға ҳам шундоқ қилмоқ расмдур

ЭЛЛИКБОШИ — Ҳар жойнинг мусулмонларини эмас. Бошқа вилоят мусулмонлари шариъатка мувофиқ расм билан қиладурлар. Аммо бизлар шариъатка тескари жоҳилият замонидан қолган бидъат ила қиласиз.

ФАЙЗИБОЙ — Агарда бизлар шариъатка мувофиқ қизимизни эрга берсак, ҳалқ бизни айб қилуб куладилар, мунга нима дейсиз, бизни ҳалқға кулаги бўлганимиз яхшимиз?

ЭЛЛИКБОШИ — Ҳалқ шариъатни масхара қиладиларми? Сиз мени айтканимни қилаберинг, ҳалқ сиздан кулса, шариъат буйругини қилдим десангиз, ҳеч ким нима деёлмайдур, агар айб қилса, гуноҳкор бўладур.

ФАЙЗИБОЙ — Мундоқ сўзни узуб, улайдурга экансиз, жуда мени гаранг қилдингиз, энди бўлди, бўлди. Домла-имомнинг айтканларини берсаларингиз мана, бўлмаса ўзларингиз биласиз, мен юртнинг расми ни ташлаб, қизимни эрга беролмайман, энди гапни кўб чўзманг, минг гапурганингизда заррача менга таъсир қилмайдур.

ЭЛЛИКБОШИ — Хайр, хайр, мендан ўткан бўлса афв этурсиз, мен сизға куёвингизга қариндош эмасман, шунчаки, шундоқ бидъатлар бўлмаса эди, деб сўзни узайтирдим. Жабр қилсангиз куёвингизга қилурсиз, гуноҳи бўйнингизга, менга нима фойда, нима зарап (егра қараб сукут қшур).

ДОМЛА-ИМОМ — (Абдураҳимға қараб) Сиз хўб деяберинг, бундақангни яҳман деб ўлтурманг, тўйга кеткан оқчани Худо ўзи еткузадур, қарздор бўлса бўлар. Қарз узилар, хотун ёнга қолар, деган сўз бор. Элликбоши қаёвдаги бўлмаган сўзларни гапуриб, сизни сустлантуриб қўйдилар, ул кишининг сўзини қўяберинг.

АБДУРАҲИМ — Хайр, бўлмаса билганингизни қилинглар.

ДОМЛА-ИМОМ — Қўлингларни кўтаринглар! (Ҳаммалари фотиҳаға очурлар, домла ичида узоқ дуо қшур) Омин, омлоҳуакбар, баракалло! (Абдураҳим ва Файзибойға қараб) Энди муборак бўлсун?

АБДУРАҲИМ ва **ФАЙЗИБОЙ** — Қуллук, қуллук.

ФАИЗИБОЙ — (Абдураҳимға қараб) Түйни ушбу таъйин бўлгандан кам юборсангиз, ҳеч кўнмайман, сўйлашканни батамом юборурсиз!

АБДУРАҲИМ — Хотиржам бўлинг, бир нима қилурмиз.

ЭЛЛИКБОШИ — (ўрнидан туруб). Энди менга жавоб, кетаман. (Эшикға қараб юрар).

ФАЙЗИБОЙ — Ўтиратуринг, ош тайёр!

ЭЛЛИКБОШИ — Балли раҳмат, егандек бўлдум (ҳаммалари ўринларидан турарлар).

ФАЙЗИБОЙ — Сизлар ўлтурибсизлар-да.

ДОМЛА-ИМОМ — Йўқ, бизлар ҳам кетамиз.

ФАЙЗИБОЙ — Тўхтанглар бўлмаса (чакмон турган токчадан чакмонларни олуб, домлаға, Абдураҳимға кийгузарлар, элликбошига наъбат келганда киймас).

ФАЙЗИБОЙ — Сабаб, киймайсиз? Бояги гапимға хафа бўлдингизми?

ЭЛЛИКБОШИ — Йўқ, тўн киймайман, деб аҳд қилғанман.

ФАЙЗИБОЙ — Тўйникини кийганингизда яхши бўлур эди, чунки тўйники табаррук эди. (Абдураҳимға қараб) Эртага хотунлар билан бамаслаҳат тўйнинг хабарини берарман.

АБДУРАҲИМ — Хўб, хўб (ҳаммалари чиқуб кетарлар, Файзибой саҳнага. Ҳайр, ҳайр деб қолур).

(парда тушар)

УЧУНЧИ ПАРДА

Солиҳнинг уйи, сўлдан кирадурган эшик ёнига дарича, саҳна остиға оқ, эски намат солинган, тўрда узун, эски кўрпача солуғлуқ, токчаларда пиёла, эски чойнак, қорақумғон ва бошқалар, парда кўтарилган вақтда Солиҳ саҳнани супуруб юрар.

АБДУРАҲИМ — (кирап) Эй болам, шундамудинг, сени хўжайинингнида деб борган эдим. Йўқ экансан, жуда овора бўлуб қайтдим. Уйингта келган экансан, мен келдим деб, менга хабар берсанг бўлмасмуди. мен овора бўлуб хўжайинингникига бормас эдим (тўрга чиқуб кўрпачага ўлтурар).

СОЛИХ — (Супургусин бир чеккаға ташлаб) Келинг амаки, уйдан бир хабар олай, деб бу кун шунда келган эдим, сизга хабар бермаганимнинг важхи уйингизда бормусиз, йўқмусиз деб ўйладим. (Абдураҳимнинг ёнига ўлтурар).

АБДУРАҲИМ — Яхши келубсан, мени сенга бироз гапларим бор эди, жуда терлаб-пишиб кетдум (бошидан самасини олуб, ёнига қўюб, гастрўймоли билан ўзини бироз елипур).

СОЛИХ — Амаки, чой-нон олуб келайму?

АБДУРАҲИМ — Йўқ, чой-ноннинг вақти бор. Кеча сени жавобинг билан маҳалладан Мулла Карим элликбошини олуб Файзибойникига фотиҳа, ҳам олуғ-солуқга бордук, билмайман нима бало бўлди, Файзибой қадимғи ваъдаларидан қайтдиму? Юртдаги расмни оламан, деб

кичкина туйға күнмади. Элликбоши бечора шариъатдан ундоқ-мундоқ деб күб гапурган эди, бечорани күб беобрү қилди, Файзибойнинг маҳалласининг домла-имоми ёмон одам экан, юрг урфи тарк бўлмасун деб, Файзибойни қутуртириди, мен ноилож бўлуб, ошиқ бўлса ҳам хўб бўлади, деб кўнуб, чопон кийиб келдум, уйда чўтлаб боқсам, тўйға тахминан бир минг беш юз сўм кетар экан.

СОЛИХ — Бундақангি оғир нарсалар сўраган бўлса, бўлмайди, деб қуда бўлмай келганингиз яхши эди, қанча оқча ва қанчадан ғалла олар эмиш?

АБДУРАҲИМ — Беш юз сўм шул, тўрт ботмондан ғалла, шунга ўхшаш майда-чўйдалар.

СОЛИХ — (кўзлари олайиб) Вой баёв, бу қандақангি гап, майда-чўйдасини ўзиға ҳам етти-саккиз юз сўм кетадур, мени ўзингиз биласиз, ундоқ оқча ва ғаллалар беруб хотун олмоқға қувватим етмайдур. Қарздор бўлмоқим оник кўрунуб турган иш, ҳали ҳам бунча нарса беруб хотун оломайдур, деб жавобини беринг.

АБДУРАҲИМ — Энди бўлар иш бўлди. Беш-олти юз сўм қарздор бўлсанг-бўлубсан, қувватим етмайдур, демоқ йигит кишиға айб гап, энди тишингни-тишингиға қўй, ундақангি гапингни қилма!

СОЛИХ — Йўқ, жавобини беринг, ҳозир қарздор бўлуб хотун олмайман. Қарздор бўлсан қарзимни ким берадур (*юзини тескари қшур*).

АБДУРАҲИМ — Эй, аҳмоқ экансан-ку, ярамас гапларни гапурма. Фотиҳа Худонинг муҳри, дебдурлар, фотиҳадан қайтсанг кишини фотиҳа урадур, «кейинги пушмон жонга душман» дегандек, бир касалға йўлуқуб, кейин пушаймон бўлуб юрма. Яна менинг феълимни айнатма (*зарда ва аччиқлар билан гапурар*). Қарздор бўлсанг бир гап бўлуб кетар, ўртада турганни уялтуруб кўядурган иш қилма.

СОЛИХ — Хайр, мен кўндум, энди кимдан қарз сўрайман, мен ҳеч кимни танимасам!

АБДУРАҲИМ — Сен мунга ташвиш қилма, мен кеча Қосимбой билан сўйлашкан эдим, сенга оқча қарз бермоқчи эди. Мен Қосимбойнинг олдиға боруб, мунда олуб келурман. Қанча ижара оламан деса, хўб деябер (*Саласини кийиб, ўрнидан туруб, чиқиб кетар*).

СОЛИХ — (Абдураҳимнинг кетидан гапурмоқчи бўлуб, гапуролмай қолур, ҳалқа қараб) Менга хотун олмоқ бир балойи азим бўлди, олмайин десам, амакимнинг аччиғи бояги, оламан десам, бир талай қарздор бўлуб қолсан. Энди қандоқ қиласман? Эй Худо, ўзинг осон қил. Бу нима деган гап-ки, хотун олмоқға бир ярим минг сўм шул кетса?! Раҳматли дадамдан эшитар эдимки, онангни дадаси менга бир тийин чиқимсиз қизини никоҳлаб берган эди деб. Яна бобом раҳматли мадрасаса мударрис эдилар, ул киши шариъатга мувофиқ иш қилганларми ёки мувофиқ эмас? Албатта мувофиқ бўлса керак, чунки бобом Туркистонда биринчи уламолардан эдилар. Энди — бу замонда олук-солук, ғалла, яна нима балолар чиқиб кетди, хотун олған йигит қарздор бўлмасдан уйлана олмайдур. Қанчалари ер-жойларидан ажрамоқ-

далар. Мана мен ҳам ўшаларнинг жумласидан бўладурғанга ўхшайман. Эй Оллоҳ, бул бидъатларни ўзингдан бошқа чорасини тополмайди, ўзинг осон қилас. (Мундан сўнг қовоғини солуб, хафа бўлуб ўлтурагар, бир оздан кейин Абдураҳим кираг).

АБДУРАҲИМ — (кираг) Тур, Солих, ўлтурма, бой келди, пул сўрасам йўқ демагил, агар йўқ десанг, жуда хафа қиласман, салом беруб бой билан кўруш!

СОЛИХ — (сакраб ўрнидан турар, Абдураҳимга) Шундами бой?

АБДУРАҲИМ — Ҳа, шунда (эшикга қараб) Кираберинг бой ака.

БОЙ — (кираг)

СОЛИХ — (салом беруб кўришар, бойни юқорига чиқаруб ўлтурлар).

БОЙ — Омин, қадам етди, бало етмасун, оллоҳуакбар (ҳаммалари фотиҳа ўқурлар).

АБДУРАҲИМ — (ўрнидан туруб) Хуш кўрдаук, бой ака.

БОЙ — Хушвақт бўлинг, раҳмат (Солихга қараб) — Болам, сизга оқча керакми?

СОЛИХ — Шундоқ бой ака!

БОЙ — Қанча оқча керак, бир-икки юз сўм бўлса бўладими?

СОЛИХ — Амаким биладилар.

БОЙ — (Абдураҳимга қараб) Керагини айтинг (егра қараб ўлтурагар).

АБДУРАҲИМ — Тўқкуз юз сўм бўлса бўлади.

БОЙ — Жуда яхши, неча ойда берасизлар?

АБДУРАҲИМ — Худо Солихга қувват берса, бир йилда беради.

БОЙ — (Солихга) Мен шу шартлар бирлан оқча бераманки, аввал тўқкуз юз сўмга бир юз сўм ижара қўшуб бериб, бир минг сўмга ҳам вексил берасиз ҳам ҳовли ва ҳовлидаги ҳамма нарсаларни натариусдан гаров (залўқ) қилуб берасиз: «Срўгида берсам хўб, бўлмаса ҳамма ҳовли ва ҳовлидаги ҳамма нарсаларим шул бойники» деб, иккинчи, олти ойдан бир кун ўтқузмасдан тулимни батамом берасиз ҳам ҳужжатингизни оласиз, агар шул шартларга хўб десаларингиз, оқча бераман, бўлмаса йўқ.

АБДУРАҲИМ — Ижарасини камроқ қилинг ва срўгини бир йил қилинг, токи тўламоқда осон бўлсун, яна Солих, вексилни ўзини берса бўлади, чунки ҳамма бойларга одат шул, гаровни қўйинг!

БОЙ — Ўзингиз биласиз, замон ёмон бўлуб кеткан, бу вақтда бирорванинг ҳақида ҳеч ким кўркмайдур, шунчаки ишонишқа гаров қилуб оламан, ҳам ўзимнинг одатим ҳамиша шундоқ, ижарасини камайтуролмайман, срўти ҳам шундоқ.

АБДУРАҲИМ — Ҳар нима бўлса ҳам сахал жўнроқ қилинг, Солихга жабр бўлмасун.

БОЙ — Мен бир гапураман, айлантуруб ўлтурушга тобим йўқ, бўлса хўб дeng, булмаса менга жавоб беринг.

АБДУРАҲИМ — Хайр, нима десантгиз шул, мен нима ҳам дедим (егра қараб ўлтураг).

БОЙ — (*Солиҳга қараб*) Вексилға қўл қўйишни биласизми?

СОЛИҲ — Ҳа, бой ака, биламан.

БОЙ — (*Солиҳдан*) Жуда яхши, ҳовлиниг неча саржинлиги маълумми?

СОЛИҲ — Ҳа маълум, илгари куни ўлчаткан эдим, жамъи тўқсон саккиз саржин келди.

БОЙ — (*чўнтағидан қоғоз-қалам олуб, Солиҳга*) Ҳовлини фарб тарафи кимға муттасил?⁴ Шарқи кимға муттасил? Жануби кимға муттасил? Шимоли кимға муттасил?

СОЛИҲ — (*қўли билан тўрт тарафга ишорат қилуб*) Буёқ, Эшмуҳаммад акага, буёқ Турсун акага, буёқ Каримбой акага, буёқ Абдураҳим амакимга.

БОЙ — (*ёзуб олуб*) Баракалло, энди бўлди, туринглар, натариусга борамиз, вақти ўтмасун, пулни ҳам ўшал жойда бераман.

АБДУРАҲИМ — Аввал чой ичиб олайлук, сизға чой келтурсун?

БОЙ — Балли, раҳмат, натариусни вақти ўтмасун, Ҳудо ҳоҳласа, бошқа вақтда ичамиз.

АБДУРАҲИМ — (*Солиҳга*) Тур, вақтлироқ борайлук.

СОЛИҲ — Ҳўб (*ҳаммалари чиқушиб кетар*)

(*Парда тушар*)

ТЎРТИНЧИ ПАРДА

Учунчи пардагаги саҳнанинг айни, фақат келинларниг уйидек дорлўшлар осилинур ва таҳтмоннинг устидан кирпўш осилинур, токчаларга ҳар хил асбоблар қўйилур, тўрға кўрпача солингган, устида Раҳима халқга қараб дўпли тикуб ўлтурад. Бироздан кейин Солиҳ кирап, повестка кўтаруб.

СОЛИҲ — (*кўлига повестканни кўтариб, хафалик қиёфатда қовоғини солуб*) Оҳ, нима балоларға гирифтор бўлдум, қандоқ мушкул ишларға қолдум, оҳ, эсиз бошим (*саҳнанинг тўриға — Раҳиманинг ёнига ўлтурад*).

РАҲИМА — (*Солиҳнинг башарасига қараб*) Нега хафага ўхшайсиз, ким чақирған экан?

СОЛИҲ — (*ерга қараб ўлтуруб Раҳимага жавоб бермас*).

РАҲИМА — Нега гапурмайсиз, қўлингиздаги қандака қоғоз?

СОЛИҲ — Эй-й, сўраб нима қиласан, шўрим қуриди-ку? Тўйдаги қарзимни ваъдасидан уч ой ўткан эди. Бу кун соат 12 яча пул топуб берсам ҳўб, бўлмаса бой ила судя, пристуф тушиб ҳовлимни, молларимни ўзига ўткузар эмиш, оҳ, шўрим қурсин, оҳ (*тиззасига урад, ҳўнграб ўшелар*), оҳ, сен билан менинг ҳолимиз хароб. Бизларни кўчага ҳайдар эмиш, оҳ қайдан мен дунёға келган эканман (*чўнтағидан дастрўймолини олуб кўзини артур*).

РАҲИМА — Бўлмаса, соат 12 яча тўлаёлмайсизми?

⁴ Муттасил — епизиган, туташган



СОЛИХ — Нимани тұлайман! Ҳол-ақволим үзингга маълумку, яна мендан тұлаәлмайсизми, деб сұрагани уялмайсанми? Менда соат 12 ғаша нақд бир минг сүм қайда бўладур?

РАҲИМА — (ерга қараб үйлар ва Солихга) Амакингиздан оқча сўрамадингизми?

СОЛИХ — Сўрадим, пулим йўқ деди, у бечорадан ҳам эллик сүм олуб, яна тўхтармукин, деб бойға пулининг ижарасига берганман (эрхотун ийглашурлар, шул вақтда Файзибай кирап).

ФАЙЗИБОЙ — Ҳа, нима гап, нега ийглашиб ўлтурубсизлар? (Солихнинг олдига келуб ўлтурар).

СОЛИХ — (ёшини артуб) Үзингизнинг хабарингиз бор, тўйда бир минг сүм қарздор бўлуб, ҳовли, ашёни пулдорға гаров қилуб берган эдим, ваъдасидан уч ой ўтди, тұлаәлмадум, букун соат 12 да бой билан судя, приступ' тушуб, ҳовли ва ашёларни ўзига ўткузуб, бизни ҳайдаб, бутун чиқарар эмиш, хонавайрон бўлганимизга ийглашамиз (ҳўнграб яна үйлар). Энди умидимиз сиздан, бир илож қилуб ёрдам қиласангиз, сиздан бошқа таянадурганимиз йўқ, (повесткани берар).

ФАЙЗИБОЙ — (повесткани олуб, бироз ўйлаб туруб) Мен қандоқ қиласман, бир тийин оқчам йўқ, ўёгини сўрасангиз, шу кеча-кундузда овқатға ҳам пул йўқ. Абдураҳим амакингиздан сўрамадингизми? Бир илож қилса бўлмасму эди?

СОЛИХ — Сўрадим, уни ҳам оқчаси йўқ экан.

ФАЙЗИБОЙ — (Повесткани ерга кўюб, ўрнидан туруб, қизира) Қизим мен сени кўргани келган эдим, ийглама энди, омон бўл, зериксанг ҳовлиға боруб кел! (чиқиб кетар).

РАҲИМА — (юзини ўраб, отасига қарамасдан үйлаб қолур, Файзибой чиқиб кеткандан сўнг кетидан.) Ҳар ишни сиз қилдингиз, куёвингиздан кўб оқча олмай ва исроф қилмаганингизда, куёвингиз қарздор бўлмас эди ва мундоқ ташвишқа қолмас эдук (яна үйлар).

СОЛИХ — (ўрнидан туруб, эшикни маҳкамлаб келуб, тоқчадан бир пичоқ олиб Раҳимага) Энди мендан рози бўл, шарманда бўлганимдан ўзимни-ўзим ўлдурганим яхши.

РАҲИМА — (сакраб ўрнидан туруб) Сизга нима бўлди,вой ўлай (Солихнинг пичоқлик кўлини ушлар).

СОЛИХ — Ҳовли, ашёдан ажралуб, кўчада қандоқ, юраоламан, ундан кўра ўлганим яхшироқ, кўй қўлумни, мендан рози бўл, мен ҳам розиман (кўлини силтар, Раҳима кўймас).

РАҲИМА — (қаттиғ овоз бирла ийлар ва ялинур).

СОЛИХ — Ушлама, ўзингни-ўзинг хафа қилма, ўзимни ўлдурмасам иложи йўқ.

РАҲИМА — Бўлмаса мен сиздан ажралиб дунёда туролмайман, аввал менга пичоқ уруб ўлдуринг. Сизни ўлигингилини кўрмоқга тоқатим йўқ, кўрмай ҳам куймай! (кўкрагини тутуб бериб, үйлаб турар).

СОЛИХ — Қўй, ёш жонингта жабр қилма, сени ўлдурушға қўлим бормайди (елкасига қўли билан қоқар, иккаласи ийглашурлар).

Приступ — пристав.



РАҲИМА — Ўзингизни ўлдурап бўлсангиз, аввал мени ўлдуринг, сиздан ажралиб туролмайман бу дунёда.

СОЛИХ — Сени ўлдиришкага асло қўлим бормайди, сен бу дунёда тур, мени ўлганим яхшироқ (ўз-ўзига пичоқ урмоқчи бўлар).

РАҲИМА — (сакраб Солихдан пичоқни олиб, ўз биқинига урап, чалқанчасига ишқилур, қўлидан пичоқ бир тарафга тушар, типиrlар ва оҳлар тортар, жон берар).

СОЛИХ — (Йиглай-йиглаи қозикдан жойнамоз олуб келиб Раҳиманинг устига ёпар ва юзидан ўпуб, Раҳимага қараб) Эй вафодор ёrim, мени деб ширин жонингдан кечдинг, маҳшар куни Худо ва расул алайҳиссалом олдида мени эрим жабр билан ўлдурди демагил, ажалингга мени сабаб бўлмадим, балки ўзингнинг отанг сабаб бўлди. Мендан шаритъатдан ташқари оқча олиб қарздор қилди ва ёш умримизни хазон қилди. Сени ва мени бевақт ўлумимизга исроф сабаб бўлди. Худо хоҳласа маҳшар кунида отанг Файзибой жавобгар бўлса керак. Ох, эсиз ёш жоним, эй худовандим! Бизларни ўлимимизга сабаб бўлган ўзингга маълум (Раҳиманинг бош тарафига ўтуб ўзига бирдан пичоқ уруб, ишқилиб, хиримлаб-хиримлаб жон берар. Бироздан сўнг бой, приступ кираплар).

БОЙ ВА ПРИСТУФ — (ўлуб ётғанларни кўруб чўчуб, бир четда мўралаб, қараб турар, приступ ҳуштак чалур, ўзи ўлукларни кўкрагига кулоқ солуб).

ПРИСТУФ — (бойга) Душа нет, кажется себя убивали.

БОЙ — Незнаю (шул вақтда мишло, Абдураҳим, эмликбоши, Файзибой, домла-имом югурушуб кираплар).

ФАЙЗИБОЙ — (югуруб боруб, қизини ўлук кўриб, ҳўнграб йиеламоқга бошлар) Вой болам,вой болам!

АБДУРАҲИМ — (Солихнинг устига ўзини ташлаб) Етимгинам болам, воҳ болам, оҳ болам!...

(Абдураҳим, Файзибой секин-секин йиглаб, ўлукларнинг олдида ўлтурар, бошқалари қатор турарлар)

ЭЛЛИКБОШИ — (бойга) Бой ака, нима воқеа бўлди, буларни ким ўлдурди?

БОЙ — Бизларнинг хабаримиз йўқ, мени Солихда бир минг сўм пулим бор эди, ваъдасидан уч ой ўткан эди. Букун повестка юборган эдимки, соат 12 гача берсанг хўб, бўлмаса уйингни ўзумга ўткузуб оламан деб. Повестка берганга айткан эканки, «Бу кун приступ тушаурган бўлса, мен бундай шармандалика чидолмайман, ўзумни ўзум ўлдурман» деб. Биз приступ билан келуб, шул воқеани кўрдук, мундан бошқа гацдан хабаримиз йўқ (приступка) Шундоқми тўра?

ПРИСТУФ — Шундак, шундак, бизники шуни кўрди.

ЭЛЛИКБОШИ — Хўп, тушундим, ҳовалисидан ажралганига чидолмай, ўзини ўлдирибдур, хотини ҳам эрининг ўлувиға чидолмай, ул ҳам ўлганға ўхшайдур (Файзибой ва Абдураҳимга) йиғидан тўхтанглар, йиғининг фойдаси йўқ (тўхтаплар)

ЭЛЛИКБОШИ — Файзибой ака! Куёвингиз бирла қизингизнинг ўлимига нима сабаб бўлди, биласизми?



ФАЙЗИБОИ — Йўқ, сабабини билмайман.

ЭЛЛИКБОШИ — Мен сизга сабабини айтсам, сизни бекор шаритъатдан ташқари тўй қилуб, куёвингиздан кўб оқча олуб қарздор қилганингиз сабаб бўлди. Ушал вақтда мен сизга айтдим, бекор исроф қилманг, куёвингиздан кўб оқча сўраманг, юртка обрў қиласман деб, ош-нон беруб, Худо ва расулнинг буйругларидан чиқманг, дедим. Сиз мени сўзимни қулоқға олмадингиз ва шаритъатга бўйунсунмадингиз ва мени беобрў қилдингиз, мана куёвингиз қарздор бўлган экан, мулкашёдан ва ширин жондан ажрабдир. Сиз ҳам жонингиздин, ширин қизингиздин ажралдингиз. Бу дунёда кўрган фам сизга фам эмас: маҳшар куни Худованди карим олдида итобга^{*} қолмоғингиз эмди уёғда турубдир. (*халқга қараб*) Сизлар ҳам шундоқ исроф қилмоқдасиз. Исрофни зиёнини кўрдингизлар, Файзибойдан ибрат олинглар, кўрдингизларми, исроф қилуб, охири ҳоли нима бўлди? Шаритъати мустафоға бўйунсунинглар, энди кўзларингизни очинглар. Бидъат тўйға исроф бўладурган оқчага ўғлинигизларни ўқутинглар, ёки жамияти хайрияга иона қилинглар. Ўғул ўқутмоқ яхши ҳам фарздор, тўйға исроф қилмоқ бидъатдур. Яна қиз эрга бермоқни оғирлашдурганларингизни бир катта зиёни шулки, баъзи йигитларимиз ўттуз-қирқ, ёшғача уйланмай юрарлар. Сабаби эса хотун олмоқ оғирлашгани, унга бир минг сўм, бир ярим минг оқча керак бўладур. Бул оқчани тополмай, ноилож бўлуб... қандай номаъкучиллар қилуб номимизни ёмонликга чиқаруб, бутун ислом оламини бўлғатадурлар. Мунга кимлар сабаб бўлди? Албатта қизлик оталар. Муни гуноҳиси кимга? Албатта, қизлик оталарға, чунки шаритъатда йўқ нарсаларни оламан, дейлар, ва йигитларимизни мундоқ нарсалар берувға кувватлари етмайдур-да, шундай бадкорликни ихтиёр қиласилар. Яна қизлик оталарға айтаманки, қадимги одатимизни ташласак, халқға кулги бўламиз, деб уйламасунлар. Кулган кишилар, гуноҳдари азм бўлиб, шаритъатга бўюнсунмаган бўладурлар.

(*Файзибойға*) Энди сизга Худо сабр берсун. Йиғининг фойдаси йўқ. Ҳар нарса қилдингиз, ўзингизга қилдингиз, ўз оёғингизга болта урдингиз. (*Бойға*) — Бир-икки кун тўхтанг, ўлук кўмилгандан сўнг ҳовлини сотдируб олурсиз.

БОЙ — Хўб, бўлмаса, ўзингиз молларни сахлаб берасиз.

ЭЛЛИКБОШИ — Жуда яхши (*бой, приступ чиқиб кетар, халқа*) Ҳар маҳалланинг домла-имомига зарурдурки, ўзининг қавмиға мундоқ ишларнинг зиёнини билдуруб, манъ қилмоғи ва шаритъатда йўқлигини билдиримоғи. (*Домла-имомга қараб*) — Тақсир, сиз ҳам шунга сабаб бўлдингиз. Агарда сиз менинг ёнимга қўшулуб, Файзибойни қайтарганингизда мундоқ исроф қиласас эди.

ДОМЛА-ИМОМ — Мен билмадим, пешонасида бор экан.

МИРШАБ — Энди ҳаммаларингиз чиқингизлар. Мен уйни қулуплаб оламан, ҳозир дўхтур келса керак (*ҳаммалари чиқарлар, миршаб ҳам эшикни беркитуб чиқиб кетар*).

(*Парда тушар*)

1915 йил

* Итоб — қарғиш, таъна.



ЖУВОНБОЗ

Рўмон

Ҳамал ойини ўнбешлари бўлуб, баҳор аввали эди. Ҳаволар исиб, баҳор шамоллари дараҳтларни ҳар тарафга эгмакда эди ва ҳар хил паррандалар дараҳтларда бир-бирлари билан ўйнашиб, ёқимлик овозлар билан сайрашмақда эди. Қиши билан танчада ётиб зериккан Солиҳа ҳам офтобға қарши солинган айвонига уйидан кўчиб чикиб ёлғуз ўзи дўфи тикмақда, баъзи ашулаардан билганича айтмақда эди. Гоҳогоҳо эрининг савдодан келмай кечикканига хавф қилуб «эримга нима бўлди, савдодан ҳар йили бу вақтдан илгари келур эди ва хат ҳам ёзмади», деб қўрқуб ҳам қўяр эди. Ҳам ўғли Саъдулладан хафа бўлуб, «Саъдула тушқур на мадрасада турмаса, на уйига келмаса, на дадасига хат ёзуб омон-эсонлигини билмаса, бола бўлуб акли кирмади. Саъдуллани қуриб кеткур Раҳим шайтон алдаб йўлдан чиқарди, унга ота ҳам керак эмас, она ҳам керак эмас, уй ҳам керак эмас, Раҳимжон бесоқоли ўлгур бўлса бўлди. Раҳимжон ўлгур мунга бир бало бўлди, кеча-кундуз самоворда, улоқда, тақида, билмайман, яна қаёғларда! Нахотки ўғлумни бир кун уйига юбормаса, энди мундоқ Раҳимжон билап юраберса иссиқ-совуқчи домлага бориб уч танга билан ўғлумни Раҳимжондан совутиб қўймасам бўлмайдиган ўхшайди», деб хўрсиниб қўяр эди. Шул вақтда бирор эшикни қоқди, Солиҳа оёғяланг юргурганча йўлакға боруб «Кимсиз?» деди. Эшикдаги «Мен Рауфбой аками олдидан хат келтурдим, ҳовлиси шулми?» деди. «Ҳа уйлари шул, ўзлари эсон-омон юрубдирларми?» «Ҳа, соғ-саломат юрубдурлар, сизга ва ўтлингизга салом деб юбордилар, шул ҳафта ичи келуб қолсалар керак. Мана бу хатни олинг» деб эшикни тирқишидан хатни ташлаб жўнаб кетди. Солиҳа ердан хатни олуб, шошиб-шишиб очиб ўқумоқда бошлади. Солиҳани онаси катта отун бўлғанликдан қизи Солиҳани ҳам ўқутуб отунбиби қилган эди. Солиҳа улкан жойларға боруб дийдиё китобларидан ўқуб авома хотунларни йиғлатиб юргани учун шаҳарда отун номи билан исми чиқған эди. Солиҳа ярим соатғача хатни ўқуб зўрга шул зайдардаги мазмунни тоғди.

«Дуойи салом, Рауфбой падарингиздан мулла Саъдулла ўлемизга маълум бўлсунки, бул ерда алҳамдулилоҳ сиҳат ва саломатдурмиз ва сизни ҳар онда худованди олам саломат сақласун. Яна сўз шулки неча вақтдан буён сизга саломатлигимизни хат ёзуб маълум қилолмаганимизнинг сабаби хат ёзадурган одам топилмаганидур. Бу хатни ҳам нўғай мактабига боруб бир болага ёздурудим. Биз яна ҳафталарки. Худо хоҳласа боруб қолсамиз керак. Биздан онангиз ва бошқа сўраган қавму қариндошларға саломимизни айтасиз. Мехрибон отангиз Рауфбой ... йилда ҳамалда... шаҳрида». Солиҳа сўйинганидан хатни қайтакайта ўқумоқда эди. Сўнгра уй асбобларини йиғиштириуб, супурмоқга ва чойнак пиёла, самоворларни ювмакға бошлади, чунки Рауфбой ифлос жойларни ёмон кўрар эди.

Саъдуллани, бу дадасидан келган хатдан хабари ҳам йўқ, мадраса-

дан чиққандан буён Рауфбойни рўзгорига ҳаражатга юборган 150 сўм пулини самоворларда, гоҳо пивахоналарда, Раҳимжон бесоқоли билан сарф қилуб уйига ўн, ўнбеш кунда бир келса келуб, келмаса самовор ва нўминаларда Раҳимжонни айшини суруб юрар эди. Бу кунлардаги айшу роҳатлари бутун бу дунёда юрганигини эсидин чиқарган ва ўзини бир бошқа дунёда юрган каби кўрар эди. Ҳам дадаси Рауфбойни келурини пойламакда эди, чунки 150 сўм пул 15 кунга етмаганингидан оқчасиз қолған эди. Шул сабабдан «Раҳимжон бесақалим пул топуб бер ёки фалон жойга олуб бор, деса қандоқ қиласман, пулимни йўқлигини билуб мендан аразлаб қайтуб қолса бесоқолимдан ажралуб қиласман», деган хаёл билан «дадам келса бир ҳийла билан кўброк пулидан олуб қолурман» деб Рауфбойни пойлар эди. Саъдуллани баҳтиға Фойббой ака ўғли Раҳимжонни мадрасадан чақириб олған эди. Чунки мадрасада Раҳимжон совуқроқ бўлгани учун, муллабаччалар яхши кўрушуб бир-бирларига ғашлик қилуб, Фойббой акаға «ўғулунг фалон муллабачча бирлан мундоғ иш қилди ва фалон, фистон», деганлари учун Фойббой аканинг аччиғи чикуб: «Бул вақтни муллабаччалири ҳам курсун, ўзи ҳам курсун, мулла бўлуб менга нима фойда қилуб берар эди, мундоғ маломат бўлуб юргандин ўқумагани яхши», деб мадрасадан чиқариб олған, эди. Саъдулла мадрасадаги муллабаччалар ичиди Раҳимжонни энг яхши кўрадиргандардан эди. Саъдуллани ёши йигирма тўртларда бўлуб, тўққуз ёшида мактабга кируб, йигирма ёшида базур саводхон бўлган эди. Рауфбой ака «ўғлум мулла бўладиргандава ўҳшайдир», деган хаёл билан мадрасаса берган эди. Саъдулла тўрт йилдан буён «Кофия»¹ ўқумакда бўлуб, кўбда дарсга иштаҳаси бўлмай дойим умри шериклари билан бесоқолбозлик илмида ўтуб, ўқуган со搏қлари «фалонни ўғли хўб етилибдир. Ануни ўғлини бир кечаси базм килишни иложи бормикан...»лардан иборат эди. Рауфбойни қариб кўрган ёлғуз ўғли бўлганлиқдин, мударрис афандига «койиманг, кўнгли оғри масун», дегани учун мударрис афанди Саъдуллани баъзи беадабчиликларини назар вақтига олмас эдилар.

Рауфбой ўзи айтқан кунида уйига етуб келди. Хотуни ва Саъдулла билан кўришди. Бонқадан тўлави борликдан олуб келган оқчасини тўлади ва ўрнига тўрт минг бешоз сўмлик вексел қўйди. Рауфбойни ёши олтмиш тўртларда бўлуб, ёшлик вақтида замонани йигитларига ўҳшаб, бесоқолбозлик, қиморбозлик... бозлик, шунга ўхшашиб ичкуликларга ўрганмай топкан оқчасини туфлаб-туғиб кўпайтурган эди. Буни баҳтиға хотуни Солиҳа ҳам ўзига тузукроқ кишини қизи бўлганлиқдан бир минг сўмга яқин ўз меросидан келтуруб берган эди. Рауфбой учтўрт минг сўмлик бўлуб Туркистоннинг машҳур катта шахарларида савдогарчилик қилур эди, ҳамма шаҳарларга Рауфбой деб от таниткан эди. Бойлиғига мағрут бўлиб ўғли Саъдуллани карнай қўюб, неча кун ош беруб тўй қиласан эди. Ва бу тўйнинг шарофатидан шаҳар бойларини саъйлари билан бир-икки бонқадан кредит ҳам очкан эди. Учтўр (бонқага қўйилган векселни қўриладурган кун) куни бўлуб бонқага чи-

¹ Кофия — араб тили грамматикаси.

қиб, қўйған векселини ўткан, ўтмаганилигини сўраганида иккинчи учўтга қолганилиги учун иккинчи учўт кунини кутиб турди. Савдогарчилик қиладурган шаҳридаги дўстидан бир хат келди, мазмуни шундан иборат эди:

«Дуойи салом, камина Каримбой дўстингиздан ҳурматлу Рауфбой аўстимга маълум бўлсунки, сиз мунда эканлиғингизда бозоримиз касод эди, ҳозирда савдолар яхши бўлуб кетди, хусусан сизни баъзи матоларингизни оладурган чин (хитой) савдогарлари келдилар, мен келурингизга тўхтатуб турубман, агарда жанобингизга фойда керак бўлса, шул хатни олган замон кечани эрта олуб жўнанг. Икки-уч кун хаёллаб қолсангиз, савдогарларнинг кегуви муқаррарадур, дўстингиз Каримбой. Ўнинчи ҳамалда Туркисгон шаҳрида.» Бу хатка Рауфбой ҳайрон бўлди, беш-олти кун тўхтаб банкадан пулни олуб кетай деса кечга қолади, сўнгра Саъдулла га натариусдан давренность (ваколат) қилуб берди ва ҳам «пулни банкадан олгандан сўнг менга юборарсан, чунки арzon баҳоға мол оламан, кўб фойда қилсанм Худо коҳласа яна келганимда сени уйлантуруб қўяман», деб таъкидлами яна Саъдуллани мадрасага боруб ўқувини, бекор юрмаслигини ўтунуб, савдоға жўнади. Учўт эртаси Саъдулла банкага чиқиб тўрт минг сўмлик вексел ўткан экан, ҳушвақталик билан олди. Ҳар вақт ўйлар эдики, «дадамдан кўброқ оқча олуб Раҳимжон билан томоша қилсанм» деб. Лекин дадасининг кўб оқча бермаслигига ақли етуб ноумид бўлур эди. Шул сабабдан «дадам койирмукин пул сўрасам», деб оқча сўрамаган эди. Мана энди қўлига мўмайгина пул гущди. Саъдуллани хурсандлигига борит бўлди. Раҳимжонни ёнига олуб аввалги томошаларига машғул бўлдилар. Саъдулла ни шаҳри мусулмонларни катта шаҳри бўлганлигидан мусулмонлар ғайрати билан бир минглаб пивахона, беш юзлаб бангихона, бир юзлаб наша, кўкнорихона, эликлаб хуфя қиморхона, ўттузлаб бачалик такия, яна бундин бошқа алланималар, чойхоналар, яна ҳар жумъя куни мусулмонлар ўзаро йиғилуб, оқча йиғиб, улоқ чопар эдилар. Раҳимжонни улоқ чопуға хоҳиши борлиқдан Саъдуллаға айтуб учюз сўмға от олдуруб, ҳар жума куни улоқ чопуға бошлади. Шаҳарда баъзи йигитларга «фalon бойбачча жувонига учюз сўмға от олуб берган эмиш», деган овозалар ҳам бўлуб турганига, Саъдулла чин кўнглидан жувонбозликни ўлгунча тарқ қилмасликга қарор беруб қўйган эди. Бир жумъя куни Раҳимжон улоқ чопқан вақтда оти бир нарсаға қоқилиб, йиқилиб маъюб бўлгани учун Саъдулла олган пулидан неча ҳисса камнига сотиб, яна бир от олуб берган эди. Яна бир кун улоқ чопкан вақтида оти бир нарсадан ҳуркиб, олиб қочиб йиқитди, Раҳимжонни қўли синди.

Саъдулла «бесақалимни ўлдириб қўйса қандоқ қиласман», деб отни ярим баҳосига сотиб, бир неча кун Раҳимжонни табибга кўрсатмоқға бошлаб, қанча шули табибга кетди. Раҳимжон тузаландин кейин улоқ чопуни ташлаб, шаҳардаги такяларда, қиморхоналарда, пивахонада, нўмир рестўрапларда Саъдулла иккаласи юрмоқға бошладилар. Бир неча вақтдин кейин, Рауфбойдан ўғли Саъдуллаға бир хат келди, шул мазмунда эди.

«Маълум бўлсунки, мулла Саъдулла ўғлумга, агарда бонқадан пулни олган бўлсангиз ёнингизда сақдамай, тезлиқда почтадин менга юборинг, чунки муңда оқчага ниҳоятда зарурмен, арzon нархлик моллар бор, шу молларни олсан кўб фойда қиласам керак, албатта шул хатни олган замон юборинг».

Бу орада Раҳимжоннинг дадасининг кўб қарзи бўлуб, пулдорлар қаттиғ қистаганиқдан Фойиббой ака Саъдуллаға «ўғлум сиз билан юруб бир тийин бўлсун фойда қиласа? Бекор сиз билан юруб нима қиладур? Энди бир бошқа кишига хизматка қўюб юбораман» деганида Саъдулла «менга ҳамиша бир одам керак, бўлмаса мен қарзингизни берайин», деб етти юз сўм пул бергани учун, банкадан олган оқчаси тамомланган ҳисобига етиб қолған эди. Шул сабабдан отасига шул равишда жавоб ёзди: «Мен ҳам муңда савдогарчилик қилуб, анчагина фойдалик бўлдум, молларимни сотиб, оқча қилуб тезлик ила сизга юбораман, муңдан хотиржамъ бўласиз»дан иборат хат ёзди. Муңдан сўнг Раҳимжон билан аввалги айш-ишратда давом этмақда эди. Баъзи вақтларда рестўрандан маст бўлишиб яrim кечада қайтишларида, йўлда ёмон одамлар ушлаб, уруб, сўкуб ўтгуз, қирқ сўм пулларини олур эдилар. Шундай қилуб оз вақтда банкадан олган оқчалар тамомланди. Саъдулланинг кармонидан бирда хабари йўқ эди. Яна бир кун рестўранға чиқишиб ичишиб, жўнамоқчи бўлуб, Саъдулла кармонига қаранганди пули адо бўлганлиқдан рестўранчи Саъдулланинг тун, камзулларини гаровра олуб қолганига ниҳоятда тажанг бўлуб, яна Раҳимжоннинг иккинчи куни ёнига келмаганига чидай олмай, бир неча оғаниниларидан оқча сўраганида «йўқ» жавобини эшигтгач, онаси Солиҳдан беркитиб, сандуқ, самовор, намад яна бошқа нимарсаларни уйидан ўтурлаб сотмоқда бошлади. Бул оқчалар ҳам туталғач, ноилож бўлиб, боғидаги теракни ҳеч кимға билдурмай арzonға соткани учун пулга серобгарчилик бўлуб қолди.

Жумъя куни кечқурун Саъдулла, Раҳимжон янги камзул, янги тўн, янги кафш маҳсиларини киймоқда бошладилар. Чунки Карим паҳдавон гапга таклиф қилган эди. Гапга бордилар, буларға меҳмонхонани тўридан жой тегди, таомлар ейилди, дастурхонлар кўтарилиди, бир оз аутфоззлик² ҳам бўлуб ўтди. Саъдуллаға бир ҳодиса иш рўй бердики, агар муندор иш бўлурини илгаридан билса, ўзи ва бесоқоли Раҳимжон, минг сўм фойда бўлганда ҳам бу жойға қадам босмас эдилар. Ва Саъдулла бир неча гапхўрларнинг «Саъдулла бойбаччаликни даврини хўб сурвотди-да, яна мундор чиройлик боланинг ёнига солиб юрубдур», деганиларига ва бошқа гапхўрларнинг «бу боланинг кўйида қанча минг пулни барбод берди, ҳар қанча қиласа Саъдуллаға ярашадур, чунки отаси кўрган», деганиларига бирда шишинмас эди. Бу ҳодиса ҳам Раҳимжонға гапхўрларнинг кокил солулари³, Саъдулла «бесақалимға кокил солдурмайман», деганида калтаклаб, оёғ қўлинни боғлаб ошҳо-

² Аутфоззлик — кочирма гап.

³ Кокил солиш — илгари шаръий ҳукмилар замонида эржаклар аёллардан айри бўлгани учун эркаклар кирқ, кокил сочни дўлтининг гирдига улаб, уни бесоқол болага кийдириб ўйинга тушириб, томоша килганилар.

наға ётқузыб қўюладир. Гапхўрларнинг Саъдуллаға бу қилган ишлари жуда қаттиғ таъсир қилмиш ва ўзининг урувчиларнинг «хўб сизларни-ми?» деб янган⁴ ва уруб боғловчиларнинг бошчилари, Эшназар, Боқи саркор, Кичикхўжа жўрабоши эканликларини ҳам билиб қўймиш эди. Субҳ вақтида Саъдулланинг оёғ-қўлини бўшатиб, Раҳимжон бесоқоли билан жўнатиб юбордилар. Кечасидаги гапхўрларнинг қилган ношойиста ишларини кишига айтмасликга гапхўрлардан Раҳимжон ватъда олган эди. Раҳимжоннинг бу аламларға чидомлай Саъдуллаға қаттиғ қарши сўзлар ила: «Агар мени хўрлиқға солучиларни ўлдурмасанг сен билан юрмайман», деганича, Саъдулла «менга ҳам жуда таъсир қилди, сен айтмасанг ҳам буларнинг ишини бажараман», деб хотиржамъ қилмиш эди. Яна бир муҳимроқ иш Саъдуллоға рўй берган бўлса, ул ҳам гапхўрларнинг ўлдурмоқликни плонини тузмак эди. Бир куни Саъдулла билан чойхўрлиқда ўлтурганида юқорида исмлари зикир этилмиш чапан йигитларни кўриб сўйлашиб, чаҳоршанба куни оға-иниларини чақириб, ичкулик мажлиси қилмак бўлғанлигини билдириб, буларнинг ҳам ул мажлисга чақирғанида, чапанлар Саъдуллаға узр айтиб: «Йигитчилик-да, у куни сизға беодобчилик қилиб бесоқолингизға кокил солдук», деганларида Саъдулла «нима бўлмайди, дейсиз, йигитчиликда, мунга хафа бўлмайман, кишини шайтон йўлдан чиқарганда отаси бўлса ҳам кўзига кўрунмайдур», деб, хафа бўлмаган бўлиб, боғида зиёфат қилувини ва боғга боруларини қаттиғ ўтинган эди.

Мундоғ плонни илгаридан Раҳимжонга ҳам билдуруб қўйгани учун Раҳимжон ҳам Эшназар, Боқи саркор, Кичик хўжа жўрабошиларга: «албатта борға чиқарсизлар чунки мен мадрасадан бир неча хушрўй муллабаччаларни олиб чиқаман», деганига чапанлар (бу ўладурган дунёга бир мазалашиб келайлик-а) деб зиёфатға бормоқға ваъда берганлар эди.

Саъдулла чойхонадан қайтиб Раҳимжонга «Хўб иш қилдимму? Худо хоҳласа ҳаммасининг тегига етаман», деган ва яниган эди. Чапанларнинг зиёфат қиладурган куни, Саъдулла боғига чиқуб, тараддуд қилуб ва уйидаги ароқ кўшилган мусалласни хумчаси билан олиб чиқган ва Раҳимжон ҳам бир неча хил таомларни пиншурмоқ ҳаракатида, қозонға оловни ёқмоқда эди. Мехмонлар ваъда қилган вақтларида келишдилар. Саъдулла, Раҳимжон қаршу олиб ўтқуздилар ва таомларни меҳмонлар олдиға қўйдилар. Таомлар ейилиб, дастурхон кўтарилиди, мусалласни хумчаси билан келтуриб, Раҳимжон косагул бўлуб, меҳмонларга қуюб бермоққа бошлади Чапанлар «хўб ўткур бўлубди-да, ҳозирим — ҳузурим», деб майни сувдек симиromoқға бошладилар. Хумчадаги май таомом тутади, меҳмонлар ҳам ҳар тарафка йиқилиб ётиб қолдилар. Мундан кейинги боғда бўлган воқиъани била олмаганимиздан ёза олмадук.

Орадан бир-икки кун ўтди, Эшназар, Боқи саркор, Кичикхўжа жўрабошилар кўринмадилар, ҳам уйларига келмадилар. Оталари ҳар тарафға хабар юбориб, «кўрган кишилар бўлса хабар берилсун», деб полицияга ҳам матълум қилуб қўйдилар. Полиция тафтиш қилмоқقا

⁴ Янмоқ — пўлписа.

бошлаб, баъзи гапхўрлар сўзига қараб, Раҳимжон, Саъдуллаларни чақируб: «йўқолганлардан хабарларинг борми?» деб сўраганида «йўқ, кўрганимиз йўқ», деб тонганликларидан, полиция «илгари йўқолганларни танир эдингларми?» деб сўради. Раҳимжон, Саъдулла «йўқ, танимас эдук» деб умрларида бир мартаба бўлсун мундօф йигитларнинг танимаган ва гаплашмаганликларини билдурудилар. Лекин баҳтга қарши, мазкур йўқолганлар билан илгари гаплашиб ва самовор-чойхоналарда бирга чойхўрлик қилуб юрганларини бир неча йигитлар маълум қилғанликдан полиция фаҳмлаб, ҳар иккисининг уиларини тафтиш қилиб, иккисидан ҳам қонлик кўйлаклар топди. Полицияга бу катта нишона бўлди. Ва Раҳимжон бунга бир сабаб кўрсатиб беролмай йиғламоқга бошлаб, иши етти, саккиз ойға судралди. Ҳар бир сўровда суд қаттиғ-қаттиғ қийновлар билан сўраганикдан Саъдулла, Раҳимжон бу азобларга чидолмай мундан ўлумни яхшироқ билуб, «кошки ўлимга буюрилсанг эди», деб Саъдулла тубандаги сўзлар билан иқрор қилди «Йўқолганларнинг йўқолувлариға ўзлари сабаб бўлдилар, нега бирорнинг бесоқолиға зўрлик қилуб, кокил соладурлар ва неча минг сўмларни бесоқол кўйида барбод беруб юрганин калтаклаб, беҳурмат қилаурлар, мундок беодобларнинг жазолари шу бўлса керак», деди ва Раҳимжон ҳам ўлдурғанлигиға очиқ иқрор қилди.

Бу сўзлардан судга маълум бўлдики, батаҳқиқ¹ шулар ўлдурғанлар. Судда бир неча вақт маслаҳат қилиниб жувонбоз бирлан бесоқолни ўнбеш йилга Сибирга ҳукм қилдилар. Туркистонда мундай ишлар ҳамиша давом этуб турганини кўрувчи ва билувчи ҳар бир ақлли мусулмон киши, шариъати исломиятда манъ қилинмиш, мундօф хунук бесоқолбозлик одатини давом этдирувчи, Туркистон мусулмонлари аҳволларига афсуслар қилуб, бекорга неча мингча пулларни исроф қилувчи, бесоқол талашида мусулмон мусулмонга душманлик ортдирувани ва бир-бирларидан қон тўкувни, бесоқолбозлик сабаби бирлан жиноят кўпаяоб ёш-ёш йигитлар ўн-ўн беш йиларини Сибирда, минг турлук азоб ва ҳўрлик билан зое қилувларини, ҳам дунёдаги ғайри миллатларга мусулмонлик исмини булгатиб кўрсатувларини ва ўзлари кулки бўлмоқларини яна бу дунёда хор ва охиратда худонинг қаҳр-ғазабига гирифтор, Муҳаммад алайҳиссаломнинг олдиларида шармисор, ва шафоатларидан бенасиб бўлувларига ачиниб, мундօф хилофи шаръи² ишларнинг кони бўлган Туркистондан бошқа шаҳарларга қочиб кеткуси келур эди.

1915 йил

¹ Батаҳқиқ — ҳақиқатан.

² Хилофи шаръи — шариъатта тайд.

ШОДМАРГ

Мулла Карим ҳожининг ёши етмиш ёшларда йиғида бошига кўб жабр-жафолар тушмиш, дунёдаги ҳамма азобларни тортиш эди.

Балки сиз «мулла Карим ҳожи жуда камбағал бўлған экан, шунинг учун фақирлик азобини, очлик жафосини торғандир», деб ўйларсиз. Йўқ, Карим ҳожи камбағал эмас эди. Жуда бой бўлмаса ҳам, беш-ўн минг оқчаси, ўн-ўн бепп ботмон шоликор ва бир қўраси, яна булар устига хатми кутуб¹ ҳам қиласан, замонадан хабардор, мусулмонларнинг фойда зарарига тушунувчи эди.

Энди мендан «ўзига етарлик дунёси, хатми кутуб қиласан, замонадан хабардор бўлса, нима учун жабр-жафо чеккан?» — деб сўрарсиз албатта. Мулла Карим ҳожининг жафо чекувига ҳалиги замонадан хабардорлиги, мусулмонларнинг фойда-зарарига тушунувчилиги эди. Мулла Карим ҳожининг қисқача таржима ҳоли мана бу:

Бир вақт мулла Карим ҳожи охунднинг шахрида қози сайлови бўлған эди (бу вақт қирқ ёшларида эди). Савдогар қозилар эллибошлиарга ва ҳокимларга минглаб, юзлаб пора тиқиб, қозилиқни сотиб олғач, бизнинг Карим ҳожи қози бўлувчilar ила этишган ва уларни «хоинлар, золимлар, золим ёрдамчилари!» деб қичқирған эди.

Қози бўлувчilar нафсониятка кетиб, юқори ҳукуматка мулла Карим охунд устидан: «Сиз — ҳукумат, золим экансиз, биз — қозилар, сизларнинг хоин ёрдамчилигиз эканмиз, шахримиз муллаларидан мулла Карим охунд, сиз — ҳукуматимизни «золим» ва бизларни «золим ёрдамчилари» деб атади. Жазосини берувингиз маржудир.² Мундоқ ҳукуматка қарши кишиларнинг йўқ қилувингизни ўтинализ» деб ариза бердилар. Ҳукумат бу аризани кўруви билан дарров жандарма юбориб, Мулла Карим охундни турмага олдириди. Тўғри сўзлик жазосини тортиб, сўровсиз, несиз, икки ой ётди, уч ой ётди, тўрт ой ётди. Бешинчи ойда сўроқ бўлди. Карим охунд тўғри сўзлик ўлдиридан¹ сўнг:

— Ҳукуматни золим дебсан, — деб сўраган саволига:

— Жуда тўғри дедим, чунки ҳукумат жамоатнинг сайлаған кишисини жамоат ишига киритмайдилар, ўз тиловинча иш юритадир. Жамоат бирор фойда-зарарни ажратувчини сайловга қарор берса, дарров ҳукумат ва ҳукумат бўрилари сапчийдилар. Мундай ҳукуматни такро-ро «золим» ва ҳукумат тарафидан қўйилган маъмурларни «золим ёрдамчилари» дейман, — деди. Суд ўлим жазосини буюрса ҳам, бъэзи суддагилар девона ва телбаликка қарор бериб, ўн беш йил катр³ жазоси илиа кифояландилар.

Ой ўтди, йил ўтди. Мулла Карим охунд дунёда кўрмаган азоблар ва жафоларни тортиди. Ва ҳамиша Оллоҳ-таолодан золимларнинг жазоси-

¹Хатми-кутуб — бирор доирадаги мактабиги, мадрасани ўқиб тутатиш.

²Маржу — умид, орзу.

³Ўладигицан — бўлганидан.

⁴Катр — каторга, сургун.

ни тилади. Ўн беш йилни азоб-уқубат, ҳасрат ва болаларининг фироқида ўтказиб, жамоат ишина аралашмаслик вазифаси ила ватанина қайтди. Болаларни ёнида кўбда турмади. Ҳаж ниятида сафар қилди. Муқаддас зиёрат жойларида Оллоҳ-таолодан золимларнинг жазосини тилади. Ҳаждан ҳам қайтди. Жамоатка аралашмаслик вазифаси ўлдуфиндан, золим ҳукумат зулмидан ҳаммаслаклари ила бирлиқда шикоятланув ила кифояланди. Мундан сўнг ҳукумат жафосина илинмади. Илингандга ҳам Қора тўрага (пристав) ўрнидан туриб, таъзим қилмагани учун уч ой турмада ётган эди.

Энди четдангина ҳукумат зулмига, мусулмонларнинг эзилганинга, шу золим ҳукумат иш бошида турар бўлса тез вақтларда мусулмонларнинг инқирозга юз тутувларина чин-чиндан ачиниб, куйиниб золимлар ҳақиға дуойи бадлар ила кифояланди.

Бу золим адолатсизлик мулла Карим ҳожини жабр-жафо, ҳасрат афсус ила қартайтириди, ёши етмишга етди.

Ҳар кун ўғли бозордан қайтсанда янги хабарлар сўровчи бўлғанликдан бу кун ҳам янги хабарлар сўради. Ўғли суюнган тусда: — Суюнчи беринг ота! Ҳалқ ва аскар бир бўлиб, ҳукуматни ўриндан туширган, ҳамма иш ҳалқ қўлига ўткан, эски ҳукумат маъмурлари ўриндан туширилиб, қўлга олинган, министрлар ҳам ҳисб этилған, подшо ҳам қамалған, ҳуррият эълон қилинған, деди. Мулла Карим ота: — Ҳуррият?! — деди, орқасига йиқилди. Үғиллари юзига сув сепдилар. Лекин ул ҳушсиз эмас эди, балки шодмарг¹ бўлған эди.

«Нажот»² 1917 йил, 21 март.

САЙЛОВМИ, БОСҚУНЧИЛИКМИ?

(айнан)

Уламо ва бойларимиз иттифоқга келмовлари ила баробар сайловни зўр тартибсизлик ила ўтқаздилар. «Шўрои ислом»га товуш берувчига такfir³ қилувлардин ва бошқа зўрлик ила ўз нўмирларини ҳалққа таратувдин, учунчи нўмирни олмай ўнунчига товуш берувни хоҳлаганларни маҳалладан чиқармоқ, ўлук-тиригига кирмаслик ила таҳдид қилдилар. Сайлов куни низомга хилоф ўлароқ, ҳар кимни ўз тарафига кучлаб ундадилар. Масалан бизнинг «Беш оғоч» даҳасина тобеъ «Хўжа Нуридин»⁴ мозорида шундай воқиъалар бўлди: эрта билан сайловга бормоқ, қасди ила кўчага чиқдим. Катта салмалик муллалар, зўр қоринлик бойлар қўлларинда даста-даста ўз сайлов нўмирларин олиб баланд овоз ила ўткан-кетканларга ўз нўмирларин тарғиб қилмақда, хаттоки

¹ Шодмарг — шодлий кайфиятидан ўлом.

² «Нажот» — газетаси 1917 йилнинг март ойидан мувакқат ҳукуматнинг нашр афкори бўлиб чиқдан, газета феврал инқилобини мақтаб, ёки ҳукуматни танқид қилган, 20-сони чиқкан, мукаррири — Мунавварқори.

³ Такfir — коғирига чиқариш, бедин ҳисоблаш.

⁴ «Хўжа Нуридин» — Хўжа Нуридин Тошкандий — Ҳожа Ахрор Валий Убайдулоҳнинг муриди, вафоти 1511 йил.



«Үнүнчини олмаган коғир! Үнүнчини хоҳлаган бадмазжаб!»¹ деб қич-қирмаңда эдилар. Бу зотларнинг ҳадларидан бунча тажовуз қилганла-риға таассуф чекиб, участка эшикига етдим.

Бу ерда кўлларинда учунчи нўмири қояз ушлаган муллалар ва ма-халла имомлари дасталаб бўлиб, контрол равишинда гекшириб, агарда учунчи тарафдори бўлса хўб, ўнунчи бўлса неча хил мазаммат² ила қўлидан конвертин олиб, ўз кўллариндаги учунчи жойланган конверт-ни бермаңда эдилар. Сайлов бутун босқунчилик ҳолин олган эди.

Бу ҳолни кўргач, милитсияга мурожаат қилдим. «Маат-таассуф³, муллалардан қўрқаман!» деган жавобни эшигдим. Раисга билдиримоқ бўлиб эдим, тифизлиқдан уйга кирмоқ мумкин бўлмади. Ҳайрон бўлиб туриб эдим, бир танишим ёнимга келиб: «Бу ерда ўнунчидан дам ура кўрманг, муллаларнинг тарафидан қўюлган маҳсус кишилар бор, агарда муллаларга еткузсалар сизга ҳужум қилувлари эҳтимол», деди. Во-қильян ҳужум қилувларин ўзимда сезган эдим. Чунки баъзи муллалар-нинг ва бойларнинг ўз оғзидан: «Ҳар ким ўнунчига тарғиб қилса тўб-тўғри уриб ўлдириш» деганларини ҳалидан ҳали эшигтмаңда эдим. Бу ҳолларни кўргач, бутун ҳушим бошимдан учди.

Бояги эшик контроллари олдига қайтиб, оларнинг сиёсатларига қараб туриб эдим, қора куч тарафдорлариндан бир маҳдум менга ўқрай-ди. Бу муҳтарам зот-бобаракот маҳдумнинг хўмраювин дарров сездим ва дедимки: «Маҳдум афанди, мен ҳалқни таҳдид ва такфир ила кўркутиб «Шўрои ислом» испискасиға тарғиб қилмая чиқмин. «Шўрои ис-лом» бу ишни ҳар бир кишининг инсоф вижданона топширмишdir. Аммо сиз муҳтарам маҳдумнинг уламо-боён жамиятингиз тарафидан билмадим на учундир низом ва қонунға хилоф ҳаракатлар кўрулмак-дадир. Менга ўқрайманг! Ҳақсизлик қаю тарафда бўлса шу тарафка ўқрайинг!» дедим.

Шу аснода атрофимни ҳалиги маҳдумга ўхшаш зотлар чулғаб ол-миш, гўёки маҳдумнинг буйругини кутмақдалар, токи менга ҳужум келтурсунлар. Маҳдум ранги бўзарган ҳолда маним ёnlаримга ва қўлтуғим орасига қаранур эди. Токи ўнунчи нўмиридан бўлса тортиб олсун ҳамда дўстларига буюриб урдирсан. Менда ҳеч нарса йўқлигини билиб бошқа тарафка йўналди.

Ҳамон бояги босқунчилик ҳукм сурмакда, ўнунчини йиртиб, учун-чини бермоқ давом этмаңда, балки борган сайин ривожланмаңда эди. Такфир ва таҳдидалар...

Шул орада ёшлардан мулла Зайниддин афанди Хусаинов қора куч тарафиндан қаттиғ равицда қийналди. Бу ҳолларни кўргач, қора ҳалқ орасинда турмакни хавфлик санаб, участкадан чиқдим. Маним ила баробар кўб кишилар учунчига овоз берувга вижданлари қабул қил-май, ўнунчига бермоқга муллалардан қўрқиб сайловдан маҳрум бўлиб кетдилар. Биноан алайхи бу сайловимиз яширин, текиз, ҳар кишининг хоҳишича бўлмай, уламо, бой ва маҳдумлар босқунчилиги остинда

¹ Бадмазжаб — емон, хотўғри йўл.

² Мазаммат — емонлик, тубанлик.

³ Маат-таассуф — афсуски.

ижро этилди. Бунга таассуф этмаска мумкин тутил. Чунки учунчи испискада ҳуррият ва ҳукуқға шул қадар қарши эскилик тарафдори қора гурұхлар борки, булар ҳоким бўлғандан па бир тартибли мактаб ва на бошқа ислоҳот кўуруга мумкин тутил⁶.

МАЗЛУМ (Эски шаҳарлик)
«Улуғ Туркистан» — 1917 йил, 4 август.

ҚИММАТЧИЛИК ҲАСРАТИ

«Иштирокион»нинг бир нўмиринда Тошкун^{*} ўртоқ «Қимматчилик тинкамга тегди» унвонли бир мақола ёзиб: ман сўққабош бўлатуриб деб шунча қийналмоқдаман, аммо бола-чақалик акаларнинг ҳоли нима кечмоқда экан, мазманида бир сўз сўзлайдир. Бола-чақалик бир йигит ўлдигимдан Тошкун оғанинг бояги сўзи маним ярамга туз сепди. Шу қимматчилик вақтининг оиласор бир кишиси бўлувим сабаби ила қўлимга қалам олиб ман-да ўз ҳасратимни ёзиб ўтмоқчи бўлдим. Лекин маним кечирмоқда ўлдигим кунлар оддида Тошкун ўртоғимни ҳолва бўлиб қоладир. Мана тубанда ўқуб кўрулсун: Ош-нон емоқдан бошқага ярамаган бир чол отам ила бир кампир онам, ёлғуз сўз сўйлаш ила ош пиширишкя яратилган бир хотуним бор. Кўчага юз карра чиқиб, ҳар уйга кирганда «ойи, нон бер!»ни ўзиники қилиб олган бир қизим, топканини кўчада чиқим қилиб эрта-кеч маним овқатимга шерик бўла-

“Макола шаҳар думасига қайта сайлов муносабати билан ёнлаган. Думалар ҳайъатининг учдан иккى кисми христианлар ва учдан бир кисми мусулмонлардан иборат бўлан.

1917 йил 30 июнда Тошкент шаҳар думасига навбатдаги қайта сайлов бўчиши белгиланади. Бу сайловдада асосан юқиқини екловчи «Уламо» жамияти, тараққийпарвар «Шўрои исломия» жамияти ва боршевиклар орасидан номзодлик учун кескин кураш кетади. Сайлов кунидан бир чунча илчариек руслар сафарги дучага сайловда мусудмогъларнинг қўли баланд келишини сезиб «Иштирокион» янги кисми учун алоҳида дума сайланим», деб Тошкент думасини иккига бўлиш тақиғини кўтариб чиқадилар. Бу доилинг оддини олиш учун «Шўрои исломия» жамияти

агар рус тилини билмаган, сиёсий маълумоти бўлмаган «Уламо» жамиятишинг номзодлари сайловдада қолиб келса думада рус номзодлари билан биргаликда иш юрита олармиканлар, агар юрита олмасалар думанинг иккига бўлинишини анниқ билиб, оқибатда маҳаллий мукторият, мустақалик олишига ров бўлишларини, яна мустаҷзака қолида қолиб кетишларини билиб иложи борича ўз жамиятларидан дуча номзодларига оғми-кўбми руслар маълумотни янтича тарбияси бўлган юрист, доктор, комиссар, муаллим, зинли гавдолар, руслар маълумотни приказчик, очик фикрли уламоларни кўрсатадилар. Лекин «Уламо» жамияти Эски шаҳар авом ҳалси орасидан «Шўрои исломия» жамиятининг номиддари бадмажҳаб қафказли, динсиз татарлардан, уларга овон берманнлар деб ташвиқ киладилар. Натижада авом ҳалси чулаладар ва бойлар жамияти «Уламо»нинг номзодларига овоз бериб, улардан 62 номзод ўтди, тараққийпарвар ишёлилардан эса факат 11 киши сайланади. Думанинг ишларида бу «Уламо» жамиятининг номиддари «Мувакқат мактаб комитети» ҳайъатига номзод сайлашда ҳапто Мунавварқори ва Содик Абдузатировга эвоз бермайдилар. Ва бошқа ташкини ишлар ҳайъатига овоз бернишада ҳам ўша ўн бир тараққийпарвар ўрнига русларга овоз бердишади. Бахти қарши Тошкент думаси боршевикларнинг зўрлиги билан 1917 йил 2 декабрдати Фармонига биноан тарқатиб юборилади.

Ёзувчи Ҳабибулла Қодирий «Отам ҳакими» китобида Абдулла Қодирий ва унииг маҳалладоши, Зайниддин Ҳусайн ўзининг ўша йилги шаҳар думасига бўлган сайловада катнашганинни ва уларнииг бўшидан ўттан воқеани езиб ўтадилар. Езиб ўтилган хотира юқоридаги мақоланинг руҳи ва матъунига мос келгани учун бу мақолани Қодирий қаламига чансуб, деб тўпламга киритдик.

* Шадслар ҳакидаги маълумотлар китоб охирига жамланади

¹ Бу мақола газетанинг 1919 йил, 12 июн, 132-сонидаги бўх илган.

² Ўзигилмадан — бўлганлигимдан

дирган бир иним бор. Булардан бошқа таги бир яшар ўғлум бўлса ҳам, Худога шукур, ҳали тиши чиқсанча йўқ. Маним қаровимдаги жамъи мұфтихўрлар¹ олти жон, ўзим ила етти жон бўламиз. Мана шу юқорида кўрсаттаниларимни тўйдирмоқдик кафолати маним устимга юклангандир. Ўзим... да хидмат қилиб, ойлик вазифам саккиз юз қирқ сўм, ҳар кунига йигирма саккиз сўм 33 тийин тушса керак. Энди шу жонвор йигирма саккиз сўм 33 тийиннинг устидаги («Ишчи» ўртоқнинг таъбирина) машмашага томоша қилинса: ман Эски шаҳар озиқ шўъбаси тарафидин берилажак озиқларни ҳисобга олмай, тўп-тўғри бозор баҳосига ҳисоб юритаман, чунки Эски шаҳар озиқ шўъбасининг берадириган йигирма кунда бир карра нонини, икки ойда бир мартаба оила бошига икки қадоқ зигир мойини, бир ярим ойда жон бошига бир қадоқ сўк ва биришчни, оҳ ўлдим, деганда ярим қадоқ гўшини бутуилай ҳисобга олмайман. Ийднинг² биринчи кунидан бошлаб то алҳолгача билмадим, нима сабабдандир нон ҳам бергани йўқ. Бошқа нимарсалар ҳам ҳоказо... Агарда қаттиғ тегмаса озиқ шўъбасининг мутасаддилари шундай тавсияда бўлинур эдим: Бизадек камбағал Жулқунбойларни, ўзингизни. Ҳам комитотингиздаги икки юзми, уч юзми хидматчилингизни жавобини берингизда ҳаммамизни оворагарчиликдан ҳам тамуғлиқдан³ куткаринг!»

Максаддан йироқ тушибман. Эрталабки чойни беш дона нон ила ичамиз. Бир пут унни ўрта ҳисоб ила икки юз сўм қилганда ҳар донаси беш сўмдан тушиб йигирма беш сўм бўладир. Чойни ҳам уч сўм ҳисоблаганда юқорида кўрсатиб ўткан бир кунлик топишимнинг машмашаси тамом бўлиб, куннинг мундан бу ёрига бўладирган харажатлар бутунлай ўринилидир. (Эҳтимолки бу саҳиёна⁴ ёлғуз эрталабки чой учун бериладургандир).

Урни йўқ чиқимлар: тушлиқ чойга уч дона нон пули ўн беш сўм. Ўзим хизмат вақтида арzon баҳо ошхонадан бир коса ош ейман — пули олти сўм. Жамъи йигирма бир сўм. Энди кечкурунги ошлиқ тури ҳафтада шу равишча бўладир: шанба ила душанба кун мошхўрда, якшанба ила сешанба мошкичири, чаҳоршанба кун сўк оши, панжшанба куни убра, жумъя куни палов. Паловдан бошқаларининг чиқими озроқ фарқли бўлгани учун бир кунлик масаллиқ тубандагича ҳисобланса мумкинлар. Ярим қадоқ мош беш сўмдан етти сўм элли тийин. Ярим қадоқ биринч олти сўмдан туккоз сўм. Чорак қадоқ мой ўн сўм. Бир қадоқ картўшқа олти сўм (гўш ўрнига картўшқа ишлатса бошлаганимизга икки ойлар бўлди. Гўшнинг исминигина эшитамиз. Бу яқинда ўзини кўрганимиз йўқ). Хожжи туз⁵ ва ўтундан бошқа ош чиқими 36 сўм 50 тийин Ҳафтада кир собундан бир қадоқ кетадир. Пули 60 сўм. Бул ҳам бир кунга 10 сўм тушади. Ош ҳаражатидан таги бир нарса ёдимдан кўтарилибдир. Ҳафтага бир хурмача қатиқ пули 35 сўм, куни-

¹ мұфтихўр — гекинхўр.

² ийд — байрам, ҳайит.

³ тамуғ — дўзах, бу ерда энг смон азвол маънода.

⁴ саҳиёна — саҳийлик билан берилган пул.

хожжи туз — хожибок този тузи

га б сүмдан зиёдроқ түшса керак. Жамъи ўринсиз харажат 64 сүм 50 тийин. Ўринлик — 26 сүм ила жамъи 102 сүм 50 тийин. Юқорида ёлгуз овқат харажатларини күрсатдим. Тошқун ўртоқ айтмишли ҳам ёзниң күнгил сус кетадурған мевалари ҳам бор. Үлдим деганда ўттуз-қирқ сүмни бунга ҳам бермай иложинг йўқ. Майда-чуйдалари ила ҳисобла-ганда маишатимга бир юз сүм етадир. Бу юз сүмни нима қилмоқ керак. Бунга ким айбли? Молни қимматландирувчи испикулянтми?⁸ Ёки вазифани⁹ оз берувчи ҳукуматми? Бу хусусда чурқ этмасдан ҳукмни ўқигучининг муҳокамасига ташлаб ўтаман.

Боболаримизнинг «Қарзинг мингга етса, мурғи мусамман егин!»¹⁰ деган бир мақоллари бор. Лекин ҳозирда қарзим беш мингга етти ҳам мурғи мусаммандан дарак йўқ. Агарда бу сўз тўғри бўлса эди мурғи мусаммандан бешини еган бўлур эдим.

Ўюн-кулгига, томошага ўчроқ (харисроқ) бўлсан ҳам оқчасизликдан ташлаб юборганимга кўб вақтлар ўтди. Матбуотта майдада-чуйда ёзишка иқтидорим бўлса ҳам бу ишим яхшигина эди. Малъун қимматчилик қисириқидан кўбдан тарқ этиб юбордим. Юқоридаги бир неча сатр ҳасратни ёзарга «кампирни дарди гўзада» деган каби Тошқунбой мақоласи сабаб бўлди. Ман-да ўз дардимни ёздим. Йўқса эзмаланиб ўлтурмоққа вақтим ҳам йўқ эди. «Иштирокион» бошқармаси бу эзмаликни босарми, йўқми маним ишим эмас. Ҳар ҳолда ҳасратимни ёзиб, юракимни бўшатиб олганим учун ўзимни енгил каби сезмоқдаман. Бу ёзганларим ўқувчига ортиқча бир эзмалик бўлиб сезилур, шунинг ила баробар ўринлик ҳам деб ўйлайман.

Жулқунбой.
«Иштирокион» 1919 йил. 5 август.

ДУМБАСИ ТУШИБ ҚОЛГАН ЭМИШ

Кичкина фелетўн

(Эски шаҳар Озиқ шўъбасига бағишлайман)

Гўш...

Оtingдан ўргулай гўш!.. Нега мунча ўзингни биздан азиз тутдинг? Биз сенинг қадингта етмадикми?...

Мен ўқувчининг гўш ҳақиндандағи ҳолини билмайман. Лекин ўзим гўш отини эшитсан оғзимдин қалаба-қалаба сувлар келадир. Ўзини қассоб акалар қанорасида кўргандами? — Кўрганда васлига етолмай юрган маъшуқангта учрашган каби хуш бошингдан учадир. Ихтиёrsиз ичингдан гулдурос ила: «Эй гўш!» деган сўз ташқарига отиладир. Жонажонинг, меҳрибонинг бўлган гўшнинг икки қадогини золим ноин-

⁸ спекулянт — чайқовчи

⁹ валифа — чаош

¹⁰ мурғи мусамман — гавҳар тұхым қызылдайған само қуши; құш гүштини одатта асладаляр ейди. «Күннинг етиб қарзага ботиб кетгандың ҳам обрўни құлдан берма, отдан түшсанғ ҳам згардан түшма» деб муаллиф киноя қыялапти.

соғ қассобнинг қанорасидан ажратиб олмоқчи бўлуб, қаҳрамононасига жекириб: «Гўшнинг қадоги қанча?» Бадбаҳт қассоб овозини бузмай: «Гўшнинг қадоги ўттuz олти сўм, мулла ака!» — (Ўл мулла ака!) Ўттuz олти сўм! Эшиттач даминг ичининг тушиб кетадир. Бир сўз қайтармай мазлумона гўшга термула-термула ўз ийлингта жўнайсан. Дўстинг бўлган гўш маъюсона бир равишда орқангдан қараб қолур. Мана лофчига ёзмоқда ҳафасли бўлган ёшларга материал!.. Рамазон ийдидан бери жонвор гўшнинг иштиёқида оҳ-воҳ ила кун кечириб озиқ шўъбасининг марҳаматига интизорликда келмоқда эдим. Тўғрисини айтмоқга мажбурдирманки, бу орада бутун кечалар гўш иштиёқида ухлай олмадим. Кўз илингандан кўрилган тушка ҳам гўшдан бошқа нимарса кирмайди.

Қоқ ўттuz биринчи кун деганда, ҳалқ тилида, «эртага Озиқ комитети гўш берар эмиш», деган ҳабарлар юрий бошлаб юрагим азбаройи хурсандликдан торс ёрилаёди. Бу ҳабар ҳалидан ҳали тўғрилигига чиқиб дилим урмоқка бошлади. Бугун сабру қарорим қўлдан кетди... Уй ичимиизни энди суриштиришмай ҳам, етти яшардан тортиб то етмиш яшаргача гўш хурсандлигига чидай олмай рақста (тансага) келган эди. Шу кун маҳалла комитетидан гўш варақасини олганимни ўзим ҳам сезмай қолдим. Эртаги гўш шодлиги ила бу кун кечаси бутун уй ичимиизда уйқу ўрнига эртага оладирган гўшнинг қай ҳолда томоқ қиласмоқ маслаҳати эди: Ойимга монти дуруст эмиш, янгамга сомса яхши эмиш, ҳаммадан ҳам акамники қизик, эртага қориндан бошқасини еса ўзини ўзи шаҳид қилар эмиш; буни ҳам қўйинг, дадамга бир сих бўлса ҳам кабоб тузук эмиш, энди мени ҳам тилагимни эшитинг: менга ҳаммаси бўлса ҳам ноз қиласирган ўрним йўқ...

Эрта бирлан уй ичидан фотиҳани олиб, ё ху ё ман хуни тилимга жо қилиб, қўлда каттакон ҳалта ила .. ичи қассоблик дўкони қайдасан, деб йўлга равона бўлдик. Уйдагилар нуқул гўшнинг калта биқинини, мойнинг эса нуқул думбасини олмоқга таъкидлаб, дуолашдилар.

Энди йўлда гўшнинг бериладиган миқдори ҳақинда ривоятлар кўб. Бирор жон бошига икки қадоқ деса, бирор қадоқ, дейди. Икки қадоқ деганинг оғзидан ўпкинг, бир қадоқликни бўғинг келадир. Ёғ хусусинда ривоятлар уч хил: бирор жонга бир қадоқ, иккинчиси чорак қадоқ, таги бир шайтонори: «Ёғ оламан деб овора бўлманглар, комитет қўйлари даладан келишда думбасини йўлда тушуриб қўйибdir», деди. Менга қолса думбаси ўриланган бўлсун! Ишқилиб гўши ёғлироқ бўлса бўлгани.

Мана! Йигирма... ичи дўконнинг олдиға етдим. Одамлар ўттuz қулоч деб, ўттuz биринчи қулочнинг бошламасига биз турдик. Лекин ҳали гўш келгани йўқ эмиш. Думга турган чоғимда соат ўн бирлар чамаси эди. Офтоб пешонадан урадир. Биз қоврилиб, пешонадаги терни суриб турамиз. Орадан бир соат ўтди, гўш йўқ. Биз комитетдан койишиб, таги бир соат турдик. Лекин ҳамон гўш йўқ. Узоқдан бир ароба кўриниб қолса ана, ана, шу гўш, деб ҳовриқишиб, бир биримизни илгариға қараб итаришиб сикамиз. Ичимииздан аллаким «дод, сиқилдим», деб

юборса таги орқага қайтиб орани бўшатамиз. Орадан таги ярим соат вақт ўтиб кетди. Лекин ҳамиша йўқ, йўқ, йўқ. Офтобнинг иссики қувватланиб, қобқора терга тушиб кетдик. Ҳолдан тойғанлар: «Гўш, ёғ емаган ўлибтими?..» деб раддан чиқиб кета бошладилар. Оз фурсатни ичида ўттуз қулочлик думда менга ўхаш ўлуги бир пуллардан беш олти киши қолдик. Орадан таги бир соат вақт ўтгач, кундуз соат иккilarда узоқдан гўшлиқ ароба кўриниб қолди. Табиий, бу аробадаги гўш бизим учун эди. Узоқ-узоқ, «ух» тортишиб қўйдик. Ароба дўконнинг олдига тўхтагач, на кўз ила кўрайлик, бир ароба қиб-қизил ўпкага ухаш гўш — йигирма мартаба ағдариш-тўнтариш қилганда чигитдак мой топиш мумкин эмас. Бунинг устига устоб териси сўюлиб олинган бўланидан гўш устига чанг-тупроқ ўлтуруб алланичкаланган.

Гўшка қўйган муҳаббатимнинг ўрнини ҳозир бир нафрат олди, кўнгил ағдарилиб қайт қилаёздим. Мана сенга гўш! Бечора қўйнинг гавдасига хитобан: «Эй, бечора қўй, сен нима гуноҳ қилдингки, сени бу ҳолга тушуриб оздиридилар», дедим. Ихтиёrsиз қўйларга раҳмим келиб кўзим ёшланди. Биз қўйнинг думбаси иккинчи аробададир, деб ўйлаб ўлтурган эдик. Лекин ичимидан кимдир бирор: «Мой қани?» деб қассобдан сўради.

— Мойи йўқ! — деди қассоб. Мен ихтиёrsиз ҳаҳолаб қулиб юбордим. Эрталабки шайтоннинг «Комитет қўйининг думбаси тушиб қолган», сўзи эсимга тушган эди:

— Ҳа, бадбахт, рост гапирган экансан, — деб қўйдим. Гўш жонбoshiga ярим қадоқ эмиш.

Тўрт қадоқ шақир-шуқир сўнгакни уйга кўтариб келганимда уйдагиларни ҳам тарбузи қўлтуридан тушкан эди.

Жулқунбой.
«Иштирокиён». 1919 йил 11 август.

МАОРИФ ШЎРОСИ ДИҚҚАТИФА

Сўйлаб ўлтурувнинг ҳам лузуми йўқдурким, бизим учун бир-бир масаладан ҳам илгарироқ мактаб масаласига жиддий қараб, камчилик-етишмаган ерларини такмил¹ ва ислоҳ этмак маорифга чўл² халқимизнинг дикқатини шул нуқтага жалб этмак керакдир.

Бошқа ишларга эътиборсиз қараганимиз каби, бу маориф ишини ҳам муҳмал³ қолдирсак вақтидан истиъфода этмаган, тушимизга ҳам кирмаган енгиликларга куфрони неъмат этган бўлурмиз.

Истибод даврида биз мусулмон ёшларнинг кеча-кундуз мактаб-мактаб дея бакирдикларимизни кўз олдимизга келтирсак, энди ўшал вақтда имтилган амалимизни кўз олдимизда кўрармиз. Иш шундор

¹ такмил — чукаммаллаштириш, камолга етказиш.

² маорифга чўл — илмга чанқоқ, ташита.

³ муҳмал — чатъносиг.

экан, энди ҳам танбаллик этсак, бутун масъулият келажак тарихда бизим устимизда бўлур.

Мундан бир неча кунлар илгари бир неча ўртоқлар ила мусоҳаба этишмоқда эдик. Мусоҳиблар ичида ибтидоий мактабларимиздан бирининг мудири... афанди ҳам бор эди. Миллатнинг истиқболи фақат мактаблар ила порлаяжагига имон келтирдигимдан ҳалиги афандидан ҳозирги ибтидоий мактабларимизнинг боришиндан, бу йилги қишига мактаб ҳайтида ҳозирлиқдан саволлар бердим. Афанди шундок жавоб берди:

«Халқимизнинг янги мактабларга рағбати жуда яхши. Мактабда жой етишмайдир. Бошқа мактаб муаллимларининг ҳолидиши хабарим бўлмаса ҳам ўзимизнинг муаллимларнинг ўз вазифасига тушуниб ҳаракат этувчилар, дея оламан. Лекин ёзув асбобларига фавқулодда эҳтиёж кечирмоқдамиз. Ўқуш учун ёзув асбоблари сўраб гурухлаб «Маориф шўроси»га мурожаат этсак ҳам, шу чоққача бир натижа чиқмади. Маориф шўросининг бизга жавоби: «Шошманг, бариси топилур»дан нарига ўтмай бу йўлда ҳаракат этдиклари кўрилмайдир. Агарда қиши учун қалам, дафтар ва бошқалар ҳозирланмаса — кўнгилсиз натижа бериши табиийдир. Чунки мактаб болаларининг аксариси ишчи-камбағал болалари бўлиб, бир дона дафтари 40—50 сўмга, бир дона қаламни 30—40 сўмга олувлари тайримумкиндуру. Ҳолбуки дафттар бир бола учун ёлғуз биргина эмас, дарсга қараб олти-еттитатача лозимдир. Мана шу тарафларини ўйлаганда билмадим, мактабларимиз қишида не хол кечирар. Аммо маориф шўросини бу масалага илтифоти бояги».

Ман бу сўзни мундан илгари ҳам бир муаллимдан эшигтан эдим. Энди бунинг ила иккинчи бўлди. Ёзув асбоби масаласи ҳақиқатан ҳам муҳум бир масала бўлиб, вақтинда тадбири кўрилмаса ҳалиги афандининг айтканидек, яхшилик ила натижаланмаса керак.

Мактабдаги ўқувчи шогирдалар камбағал кишиларнинг болалари ўлдиқдан дафтар-қаламни ўз ёнларидан олувлари мумкин эмас. Зўргагина кунини ўтказиб турган ишчи ҳалқ ўғрининг дафтар қалами учун ойига бир-икки юз сўм чиқимдор бўлиб бола тарбия этуви, бошқа миллат ишчилари учун бизга қараганда онгли бўлдиқларидан енгил бир иш бўлса ҳам, бизнинг эндиғина шу йўлга оёқ боскан камбағал ҳалқимиз учун осон бўлмаса керак.

Бизнинг қора-нодон ишчиларимиз ўғрининг мактаби учун ойига бир-икки юз сўм чиқимдор бўлуви эса тўғридан-тўғри: «Ман сенинг мактабингга мунча чиқимдор бўлиб ўқита олмайман» дейдирда, ўғлини мактабдан олиб, ўқувдан маҳрум этар. Бу бизим учун табиий бир ишдир. Ҳозирда ўқув асбоблари бозордан топилиб турган бўлса ҳам сўнгроқ топилмов эҳтимоли ҳам бор. Ишчи болалари ёнлариндан дафтар-қалам олганларицида, оқчага ҳам топилмай бошласа таги бир бало бўлур.

Шунинг учун «Маориф шўроси»нинг бу масалага яхшироқ аҳамият беруви албатта лозимдир. Масаланинг аҳамиятига тушинган «Маориф шўроси» балки мунинг гадосига киришкан чиқар, лекин бу ҳолда



бу ишга тадбирсиз қарамак, эндиғина йўлга қўйилган ибтидой мактабларимизга ўтказилган миллат гуллари — болаларимиз учун бир жиноят бўлур.

Жу-бой.
«Иштирокион», 1919 йил. 23 сентябр.

ЭСКИ ШАҲАР ТЕАТРУ ҲАВАСКОРЛАРИГА

Маълумки санойи нафиса — театру бизим Тошканд мусулмон ёшлари орасинда жуда ҳам енгил бир иш онглашилганликдан фавқулолла бир бузукликда давом этмакда бўлиб, улуғлар мактаби бўлган театру саҳналари аллақандай сафсата ва ноҳиялар кишилар қўлинда бир ўйинчиқ бўлиб келмоқдадир.

Мундан сўнг ҳам шундай ҳолни давом этмови ва ўзларимизнинг ибраттоҳи бўлган саҳналарнинг ўз даражасинда бориши учун Эски Тошканд синфий иттифоқлар шўроси мусулмон театру ҳаваскорлари (любителлариға) шу тубандаги кўрсатилажак қоидаларга риоя қилуб театру қўюлариға таклифлар айтадир:

1. Саҳнага қўйиладирған асарларни ўйналмасдан илгари Эски Тошканд «Артистлар союзи» ила шул асар ҳақинда мутолаа юритилиб сўнгра саҳнага қўюлсин.

2. Ҳаваскорларнинг ўз ролларини яхши онглаб ўйновлари учун «Артистлар союзи»дан репетисия вақтинда бир киши чақирулсин.

3. Ўйналадирған бир асар ҳақинда «Артистлар союзи»ила келиша олинмаган тақдирда Эски шаҳар синфий иттифоқлар шўросига мурожаат этилсин.

Танбия:¹ юқоридаги қоидаларга риоя этилмаган тақдирда риоясизлик кўрсатувчилар масъулиятга гортилур.

Эски Тошканд синфий иттифоқлар шўросининг мудири:
Муборакшоҳ.

Саркотиб. Абдулла Қодир.

«Иштирокион» 1919 йил 24 октябр

ТОШКАНД ҲАБАРЛАРИ

Фози Юнусга очик хат

«Иштирокион»нинг сўнгги бир нўмеринда, эълон қисминда баъзи ваколатлардан; жумладан, Эски шаҳар синфий иттифоқлар шўросининг «реорганизация»² комиссиялигиндан истеъро берувингизни эълон этасиз.

Ўртоқ! Умумий мажлисимиз бу ишга сиздан дурустроқ бир киши тополмагач бу ўрунда сизни кўрсаткан эди. Сиз баъзи «сабабча»лар

¹ танбия — огоҳлантириш.

² реорганизация — қайта ташкил қилиш.

күрсатиб зиммангизга олмаганингизда, күрсатган сабабларингиздан бу ишнинг муҳимроқдигин ўзингизга қолдирилган эди.

Бу орада нима бўлганда бутун истеъфо берасиз. Сизнинг каби «идеальный» бўлиб топилган бир зотта бу даража енги ҳаракат «учиб юриш» келишиб ётмаса керак. Сизнинг зиммангизга қўйилган «реорганизация» иши ўттуз тўрт минг меҳнаткашларни уюштириш эди... Биз сизнинг хозир ишлаб турган артистлиғингиз «автўр»лиғингиз¹ ва бошқа ишлариниңиздан бу ишни юз қат муҳимроқ деб биламиз. Такрорлаймиз: Ўттуз тўрт минг меҳнаткашни уюштириб йўлга солмоқ бир юз театрудан фойдалироқдир...

Агарда таъбингиз нозиклашиб, қора рабочийлар орасида бир неча кун ишларга жирканган бўлсангиз, ул чоқда бизнинг бир сўз деюрга ҳам ҳаққимиз йўқ!

Ўртоқ! Ҳали ҳам бўлса келиб, ишка киришувингизни ишларга кишиси йўқ ўттуз тўрт минг меҳнаткашлар номидан сўраймиз.

Эски шаҳар синфиий иттифоқлар шўроси номидан:

Садр: Муборакшоҳ.

Котиб. Абдула.

«Иштирокион» 1919 йил. 30 октябр.

БИЗДА АСКАРЛИК МАСАЛАСИ

Бошқалар тарафиндан ҳуқуқингининг топталмови, четларга маҳкум мазлум бўлмаслик, чет миллатларга ўз товушингни эшитдируб эшитмоққа мажбур этувия шубҳа йўқим, қўлингдаги қуролингга, аскарий кучингга қараб бўлур.

Кўрамизким Оврупо, Омриқо миллатлари бунчалиқ шаън-шавкатни фақат ҳарбий куч ила қозонмишлардир.

Оврупо, Омриқо империалистлари шарқ ҳалқини фақат қурол кучи ила ўзларига асир этмишлар ва ҳали ҳам ҳарбий куч ила шарқ мазлумларини занжирда тутарлар.

Аммо биз шарқли мазлум мусулмонлар эса шу қуролсизлик, аскар йўқлик ила шу золим хунхўрлар занжирига банд бўлмишмиз. Дуруст, биз шарқлilar гарбилиларга қараганда маданиятча бик тубандамиз, биз им мазлумиятимиз маданиятсизлигимиз учун дейилса мумкин. Лекин шундօр бўлса ҳам истиқол олиб, аскарсиз яшамоқ бутунлай мумкин эмас.

Натижаси бошқа қуролли мамлакатларга қул асоратда юрилувдир. Бунинг учун далил қилиб афрон қариндошларимиздан кўрсатилса мумкиндирик, афрон ҳалқи хозирда ва мундан эали-олтмиш йил илгарида ҳам маданиятча биз туркистонлillardан ортиқ бўлмай юрар эди.

¹ артистлиғингиз — Фози Юнус ўша вақтда садида ҳам иштирок этган. Масалан, у ўзи ёзган «Заҳоки морон» схюя асарида Темиртош ролини ижро ўтган.

² «автўр»лиғингиз — Фози Юнус ўша пайтда таржимошлиқ ва ноширилик ишига машғул бўлиб кетиб, муаллиф шунга ишора қилипти. Бу ҳақда Қодирий «Қула-кула ұласан» номли фелетонида ҳам гапириб ўтади



Лекин бошқа маданий миллатларнинг таҳт ҳокимиятига ўткани йўқдир. Бу нимадан эди?...

Кўз оддимииздадирким, шу маданиятсиз афғон ҳалқи бутун дунёга ҳокимлик даъвосига етишкан О঱глиядан ўзининг озгина ҳарбий кучи или ўз тилагини имзо этдиради.¹ Аммо биз Туркистон ишчиларига келганда оғзимизга қўюлган тайёр ошни ҳам эблаб ичолмаймиз. Қурол, кийим, жой ва овқат ҳозир бўлган ҳолда аскар бўлувдин фарсаҳларча² йироқча қочамиз...

Дуруст, бизим бу қўрқоқлигимизни ҳам ўрни бор, мундин элли йиллар илгари ор-номусли Алимкулмиз, Қаноатшоҳларимиз³ ва ...ла-римиз бўлган, ватанимиз чор ҳукумати тарафиндан забт этилгач, энди ўз истибоди остинда кул этиб қолдирмак нияти золимонасиңда ёни-мизда пичоқ тақиб юритувни ҳам мањ ёткан. Шу золимона политика орқасинда ҳозирги қўрқоқлик ҳолига таназзул этканмиз.

Биз мусулмон меҳнаткашлари буюк Ўқтабр инқиlobидан сўнг ҳур-риятни, истиқдолни яна эгаллаш или бошладик. Ўзимиз учун маҳкуми-ягдан қутулиб яшовнинг мумкинлигин сездик. Бошлаб қўлдан кеткан ҳукуқларимиз ўз қўлимиизга кира бошлади. Сўнгри вақтларда ватани-миз бўлган Туркистон идораси ҳаммаси бўлмаса ҳам ярмиси деярлик ўз йигитларимиз қўлиға ўтди.

Демак, мамлакатнинг ярим идораси ўз қўлимида. Туркистоннинг бутун меҳнаткашларининг имони комил бўлса керакки, яқинда рус меҳнаткаш биродарлар: «Шу кунгача биз сизнинг ўз вазифангиз бўлган бу ишларга узвий биродарлик учун ёрдамлашиб келдик. Энди марҳа-мат этиб, ўз ишингизни ўзингиз ишлангиз, мундин сўнг биздан сизга ёрдам бўлмаяжак!» дебдурулар. Бу бир табиий иш.

Юқорида ҳам сўйланиб ўтилди: «Мамлакат идораси аскарсиз мум-кин эмас». Идора ўз қўлимиизга ўткач, табиий, ватанимизнинг душ-мандан муҳофазати ўз устимизга тушажак. Бунинг учун ўз аскаримиз бўлурга керак. Табиийдирки, мамлакат идораси бизнинг қўлда бўлиб аскарликни бошқалар қилмаяжак. Бу мумкин ҳам эмас. Шунинг учун агарда биз мустакил, қулиқдан қутулиб яшовни хоҳдар эканмиз, яқин истиқболимиздаги баҳтли кунлар учун аскар бўлувимиз, ватан муҳо-фазасига ҳозирланувимиз лозим. Лозимгина эмас алзамдир⁴. Мусул-мон ишчилариндан аскарлар ҳозирлов эҳтиёжи энди сиз ёшларга бўлса керакки мусулмон ишчилариндан кўнгилли аскарлар йиғмоқ ҳақинда Марказ мусулмон бюроси тарафиндан Эски шаҳар синфий иттифоқ-лар шўросига бир мурожаатнома тушурилган экан. Бу мурожаатнома мазкур шўроннинг шу сўнгри умумий мажлисинда кўрилиб, тубандаги

¹ Ўша вактда Афғонистон подшоси Омонуллоҳон (1892 – 1960) Афғонистоннинг мустакилли-ти учун кескин кураган олиб бориш ниятда қаналигини баён қилиб, Совет ҳукумати билан дипло-матик етишмалар олиб боради. 1919 йил май ойидан Совет ҳукумати Афғонистоннинг давлат мустакилигини таниди. Ўша кунларда инглизлар Афғонистонга карши куролли ҳужум уюштира-дилар. Лекин улар ҷағлубиятта учраб, Афғонистоннинг мустакилигини тан олишга мажбур бўладилар.

фарсал — (фарсанг) таҳминан 7–8 километрга тенг масофа ўлчови
алтаси — зарур, шарт.



қарор берилганки, аҳамиятига кўра шу қарорни айнан кўчириб ёзман:

«Мусулмонлардан кўнгилли аскар йиғмоқ Туркистон ўзбак ишчилар ҳаётини таъмин ва четлар тарафиндан топталган хуқуқини тиргизу деган Сўздир. Биз бу аскарлик масаласини шундօғ онглаб Марказ мусулмон бюросининг мурожаатини тамом шодлиқ ила қарши оламиз. Остиңда эзила-эзила тамом ишдан чиқған аскар бўлув сўзини бир ваҳималик ва ... деб онглий бошлаганлар. Шунинг учун мусулмон ишчилариңдан аскар йиғувга зўр ташвиқот лозимдир. Биноан алайҳи, бизнинг ўттуз тўрт минг меҳнаткаш намоёндалари Марказ мусулмон бюросига мурожаат этамизким, кўнгилли аскар йиғув ташвиқотига бизим ёнимизга муқтадири мушаввиқлар¹ бериб бизим ташвиқот ишимизга ёрдамлашсун. Эски шаҳарга таълим жойлари очиб ҳарбий муаллимларни мусулмонлардан қўйсун. Мусулмонларнинг ўзидан аскарий муаллимлар еткузмак учун курслар очиб, шу кундан эътиборан Эски шаҳар синфий иттифоқлари шўросига бир нафар ўз ҳарбий вакилини доимий этиб тушурсун».

Мана бу қарор ғоятда кўнгилли бир иш, лекин бошқа қарорларимиз каби бунда — қораздагина қолиб кетмови матлубдир. Яхши соатда!

Жу-бой
«Иштирокион» 1919 йил. 4 ноябр

БИЗДА ТЕАТРУ ИШИННИНГ БОРИШИ ТЕАТРУ ВА МУЗИҚА

Матъумдирки, бизим Туркистонда драма ҳам театрнинг тарихлари 1912-нчи йилдан бошланиб, буларни қабул этканимизга етти йиллар бўлади.

1912-нчи йилдан илгари Туркистонда татар қариндошлар тарафидан театр ўюнлари бўлуб турса ҳам табитий бизим турмушимиздан четдароқ, бир руҳдаги асарлар ўлдиқдаш ерли ёшларни у даражада ўзига жалб эта олмаған, тўғриси ул вақтда Туркистон ёшлари жуда оз ва шу нисбатда шеърий асарлардан йироқ масофада турарлар эди.

1912-нчи йилда бошлаб «Падаркуш» исминда ўз турмушимиздан олинған театр рисоласи Маҳмудхўжа Беҳбудий тарафидан майдонга қўйилур. «Падаркуш» рисоласи Туркистоннинг умуман деярли ҳар бир катта кичик шаҳарларинда мавқиль томошага қўйилуб, ёшларимиз учун бир даражада театру мақсади онглашилур. Мана шундан сўнг бизда театр масаласи бош кўтаруб ярим-ерти театр рисолалари ёза бошлаймиз. Бундай шеърий асарларни тақлид сўнгинда қабул этмак маданий миллатларнинг бир қонуни эса-да бизда биринчидан, бу ишга янгилиқ ва матбуотсизлиқка, алалхусус бундай нимарсаларни танқид қилурға

¹ муқтадири мушаввиқ — фидори ташвиқотчилар



иктидорлик мұнаққылдаримиз йүқлиғіндан шу күйинча қабул этилиб, матбугт злагиндан ўтқузилмас.

Бу ҳол 1912-шчи 1917-нчи йилгача давом этиб, 1918-йилдан зыти-боран, маълум ҳар бир иш учун кенг йўл очилдиғи каби маориф ишлари учунда ўртадаги тўсқинлар олинғач, театрлар ёзмоқ иши ҳам ҳар бир қўлидан ёзув келадирған ёшлар ва ўқувчи шогирдлар учун бир эрмак ёки ҳавас шаклиға кирди.

Бу ҳол Туркистоннинг бошқа гўшалариндан кўра бизим Тошканд ёшлари орасинда кўбрек кўрилди. Бир нечаларини истисно ила, ўз имлосин тўғрилаб ёза олмағанлар, «драматург», «комик» ҳатто «оператўр» ҳам бўлиб майдонга чиқдиларда («трагедия»ни ёзмағанларига шукур қиласан энди!) Тошкандни ола-чипор драма, комедия ва опера-лар ила тўлдирдилар. Буларни ўйналали турли формадаги артистлар ҳам топилиб, ҳафтада бир неча мартабалаб театр кечалари бўлиб, Тошканд том бир маданий ҳалқ турмушини онглататурған бўлди.

Бу театрулар ҳалқимизга табиий таъсирларин бераларми, масала-сига келганда маъттаассуф биз иккинчи турли таъсир сезамиз: томо-шачилар театрни бекорчиликка эрмак ва ўзларининг эскидан қолма масхарабозликлари, дея қарий бошлағанлар. Ҳақиқатан ҳам ўйлаб кўрганда бизда театр ишининг бу равишда бориши ярим маданий ҳалқимизга шундай таъсир қодирмай мумкин эмасдир. Бир неча аср-лардан бери сафсата ва сиҳрбозликлар ила захарланиб келмақда бўлған ҳалқимизга адабий мактаб бўлур умидинда бўлдинимиз театрнинг бу ҳоли роятда аяничилидир.

Театрларга ҳалқимизнинг бу назарда қарай бошлови ўзбҳасиз театр асарларимиз аҳдизлар¹ тарафидан бажарилувидандир. Театр, тур-мущдаги етишмаган ва ортиқча ерларни кўз оддимизга мужассам этиб кўрсатувчи бир ойнадир. Иш шундай экан, биз ҳам ўз театрувимизни кўрганда турмушимизнинг аксини кўрмагимиз керақдир.

Лекин биз ўз саҳнамизда шу чоққача ўзининг санъаткороналиғ ила ичига киритиб юбориб асарлантиратурған на бир драма ва на бир комедия кўрамиз. Аммо кўрдик, маъттаассуф, на драмалик номига, на комедиялиг отига мувофиқ бир асар учрата олмадик. Қайси бир янги ёзилған драмасига қарама, бузуқлиқ, саҳна учун хиёнат!..

Комедия, дегач нима тўғри келса шундан кула бермак эмас, балки ўзининг туб шартига мувофиқ этиб кулмак, драма ёзганда чавзуны турмушимизнинг нақ бир чирик жойидан олмоқ ва шунинг ила баробар адабиёт торозусига солиб ёзмоқ, керақдир.

Боқингиз, муҳаррирлик фурури ила ёзилған драмаларгаким, бунда бирисининг олдиги мавзуъ роят аҳамиятсиз, турмушимизда йўқ, яъни фантазия шаклли бир нарса, иккинчисининг олған мавзуъи аҳамиятли, лекин воқиъали тасвир йўли сўнг даража бузук, асаддаги қаҳрамон-нинг сўз ва иши характерига номувофиқ, диалог ўрнига монолог ишлатилган, монологни талаб этган бир ўрин бутун кўрсатилмаган, асар

¹ ахисит — чет одам.

қаҳрамонининг ички сири очилмай томошачиларни қабзиятга² еткур-
ган ва акллар тўла кўрсатилмаган учун кўб ерлар мажхул ва ҳоказо...

Шу яқин орада «Темир тўдаси»³ тарафидан «Жадид-қадим»⁴ исмли
бир драма қўйилуб ўтди. Таассуфки, баъзи монеълар сабабли бу дра-
мани кўра олмадим. Эшигувимга қараганда, бу драманинг мавзуъи
исминдан ҳам маълум бўлувиға кўра, жадид ва қадим орасиндаги мас-
лак кураши ила бошланур эканда, натижа қадим жадидни ўлдируви
иля тамомланур экан. Бу эса турмушимизда йўқ бир воқиъа. Дуруст,
жадид-қадим орасинда маслак кураши бор, бу маълум. Аммо жадид
қадимнинг бир бирини ўлдиришмак даражасига етуви шу асарда би-
ринчи мартаба кўрилур. Бу турмушимизда биринчи ихтиро!. Дуруст,
Бухорода қадимлар тарафидан (уламо фатвоси ила) кўб ёшлар қурбон
этилди. Бунинг омиллари қора халқ ва ҳукумат эди. Аммо бизнинг бу
ерларда бундай воқиъаларни юз кўрсатиши ҳеч эшигилмаган ишдир
Агарда бизда ҳам шундоқ яширин сирлар бўлса, ошкор этдиги учун бу
асар муҳарририга ташаккур этамиз.

Хулоса, мундок келишсиз ишлар театр оламинда шу даражажа кўбдир-
ки, буарни ёзив кўрсатув учун бутун вақтни фақат шунга боғламоқ
керак бўлур. Бу ҳолнинг давоми ёш саҳнамиз учун жиноят, сусте-
моддир. Бунинг каби эътиборсизликларни орадан кўтарув учун бирдан
бир чора бўлса, у ҳам танқид йўлидир. Лекин бундок ҳавасаки, майдад-
чийдаларни очиб кўрсатиб, аҳли тарафидан ёзилған шеъриятни театр
мажмуъаларнигина жавоҳирлан очиб бературган бир мунаққидимиз
йўқдир. Балки бордир, лекин майдонга чиқмилар.

Бундан бир неча кунлар муқаддам «Тўкма» театрининг⁵ бузуқлиги-
на қарши чиқған «Ишчи»⁶ ўзига бир даражажа кўнгил боғлатган эди.
Лекин анинг ҳам айтмакда бўлдиги танқидлар ёлғуз саҳна камчилик-
лари, артистларнинг ўюнни бузук ўйновлари ва шунга ўхшаш иккинчи
даражадаги ўринларни танқидидан нарига ўтолмади. Меним бу дедигимдан, «саҳна ва артистларни танқид этув ноўрин эмиш» деган, мақ-
сад онглашилмасун. Албатта буар ҳам ўз мавқеъинда тейишли ишлар,
лекин демоқ истайманки, кенг маънавий жиҳатдан ўлдиқдан илгари
театр асарларининг асл ўзини умумий адабиёт ўлчовина солиб опера-
сия қилиб чиқиш биринчи мартаба лозимдир. Билсунки, асар саҳнага
кўйилатурган бир нарсами ё йўқ.

«Ишчи»нинг этдиги танқидларидан ҳар бир чўпчак ҳам бир ҳақиқий
асар бўлиб танилуб, ҳалиги дедигимиз иккинчи даражадаги тараф,
тузук бўлса бас, деган мақсад онглашиладир. Бу камчилик эса «Иш-
чи»нинг оз тажрибалилигиндан бўлса керак Мен ўз тириклигимиздан
кўпия бўлған шеърий асарларни кўлаювич тилайман. Тилаймангина

² Қабзият — дикъат бўлиш.

³ «Темир тўдаси» — ҳарбий ватанларвар ешъардан тузилган гурӯхлар бўлиб, улар мактаб-
ларда ташкилӣ ишларни болжаришган, болаларга жисмоний тарбиядан дарс беришган, пъесалар-
ни саҳналаштирганлар.

⁴ «Жадид-қадим» — шоир Ҳуршидини асари.

⁵ «Тўкма» — бу ерда театрнинг номи матмунида.

⁶ «Ишчи» — Гози Юнуснинг тахаллуси.



эмас, ҳамон ҳарорат ила кутаман. Буни эса қўлидан ёзув келадурган ҳар бир кишидан эмас, ўзининг аҳлидан кутаман.

Ёшларимизнинг тарбия ери мактаби бўлса, катталаримизники театрлардир.

Катталаримизнинг мактаби ёзувчилик, педагогларнинг ёздиқлари дарслар. Фантазия, уйдирмалар бўлмасин.

Турмушимизнинг акси — уста рассом томонидан олинран акс бўлсин, — дейман.

Жу-бой.
«Иштирокион», 1919 йил. 11 декабрь

ТИЛАНЧИЛИК ЁҲУД ЕНГИЛ КАСБ

Инсоният оламинда энг мазмум¹ ва манфур² бир иш бўлса, ул ҳам тиланчилик — сойиллиқdir³.

Тиланчилик — илм-ҳунарсизлик орқали тарқалатурған бир мараз бўлғаниндан табий бу касал бизим ислом оламинда қўбdir; шу дарража кўбdirки, баъзи ислом мамлакатларинда, ойниқса, бизим Туркистонда бир касб тусини олмишdir. Бизим бу, тиланчиликни ўзларига касб этиб оловчи зотлар назаринда гўё бу иш олар учун шаръий бир ҳунар ҳисоб этилур. Ватанимизда тамаъ ила умр ўткарувчи эшон, шайх, назрихўр, дуогўй, билмам тағи аллақандай дарвишлардан қатый назар, очиқдан-очиқ тиланчилик этувчи қаландарларимиз, маддоҳ ва ашурочиларимиз, кўчама кўча тентировчи эр-хотун, бола-бакраларимиз ва тиланчилик савдосинда шаҳар-қишлоқларда кезувчиларимизга қаралса бизда тиланчиликнинг на даражада тараққий этиб касб суратига кириб борғанигин кўрилур. Буларнинг ҳаммалари деярлик ишларга қодир кишилар бўлғаниндан шаръян бўлсун, вижданан бўлсун тиланчилик этарга хақлари йўқ кишилардир.

Қаландар, маддоҳ... исмли сафиларимизнинг⁴ ичида катта-катта бойлари бор бўлғани каби топқан оқчаларини қимор, нашахоналарда барбод берувчилари ҳам ўзларига етмаган шекилли, ёш маъсум болаларини ҳам бу ёмон касбга қурбон этмақдадирлар. Бу бадбахтларга «Ўзинг-ўзинг, энди ўғлунгни ўқутуб бирор касб ўргатсанг яхши бўлмайдирми?» десанг: «Эй-й, бу касб бизнинг ота-боболардан қолиб келмақда бўлған иш. Ҳар кимга ўз ота касбини қилмоқ керак!» жавобини берадирлар.

Кўрасиз! Алар учун тиланчилик ўзи бир касб ота мероси! Исломият бунинг каби ялқов тамаъкорликга қаттиғ қарши бўлгани каби бу-кунги ижтимоий олимлар ҳам жиддан қаршидир. «Тоғдан ўтун келтируб сотиб, шундан муҳтожларга садақа берувингиз тиланиб юрмоқдан

Мазмум — айбланилган, ечоплананилган

манфур — нафратлананилган

сойил — тиҷанчи, гадой

сафил — пасткаш, тубан.



яхшироқдир», деган каби ҳадислар тиланчиликдан, ялқовчиликдан халқни қаттиғ манъ этадир.

Русия ижтимоий құшма шүролар жумхурияты ҳам тиланчиларға йўл қолдирмов учун «Ижтимоий таъминот» исминда кучдан-қувватдан қолмиш меҳнаткашларга ёрдамхоналар очмишлардирким, бу сойиллике қарши бир чорадир.

«Ижтимоий таъминот»лар бизим саломат вужудлик, юзлариндиң қон томар маддоҳ, қаландар исмали енгил касбчиларимиз учун эмас, балки қари, ишқа ярамовчи, кўр, шол касалли, саири, етимлар ва шуларнинг амсоли учундир. Исломиятнинг бўлсун ва олими ижтимоётнинг бўлсун бизнииг енгил касбчиларимиз бўлган маддоҳ, қаландар ва амсолига жавоби шулдир:

— Кучинг бор, вужудинг саломат ва ақлинг комил экан, ишлаб е! Бошқаларнинг қўлидариға осилма!!

Аммо биз бугун ҳаёти ижтимоия кечиур эканмиз; хануз бояги енгил касбчи сафилларимизнинг касбларинда мудовамат этувлари «дунё омиллари»¹ шиори қарисинда бунинг аксини ишловчиларнингда бўлинуви юята таассуфли бир ҳолдир.

Ишқа ноқобил заифаларимизнинг «ижтимоий таъминот»лари бўлинатуриб-да, кўчаларда залилона² кезинишлари бундай муассасаларнинг борлириндан беҳабарлиқдан ёхуд илгариги сойиллик лаззатини унута билмаганиликдан бўлуб, бунинг тевишили чорасига киришмак ўз аҳлининг биринчи навбатдаги вазифасидир.

Жу-бой.

«Иштирокион» — 1920 йил, 20 феврал

ЭСКИ ШАҲАР «ЧЕКА»СИ АТРОФИНДА

Икки йил энди ярим ёрти ҳукумат ишлари ўз қўлимизга берилиб келадир. Бизнинг учун ўлка масштабинда иш кўрмоқ (озгина истисно ила) тўғри келмаса ҳам шаҳар, уяз, қиплоқ ишларимиз ўзимизга топширилди. Икки йилдан бери баъзи жузъий ишларимизни ўзимиз юритиб келамиз. Табиий, илгарироқ идораларимиз бошига ўлтурган меҳмонлар тажрибасизликдан идора ишинда ўзларини тута олмаганиликдан в...лардан халқни ташвиш остинда қолдириб келдилар. Инқилоб тўлқуни босила тушди, сув тинди. Кимни ким эганлиғи аниқлана бошлаб, иш бошига ҳақиқий халқ хизматчилари бўлған номзодларгина ўтқузеуди.

Ўтқузуди, аммо айни бир фожиъа қарисига фаҳмим етди. Бу, ўзимиздан идора ишларини юргузарлик иш кишилари йўқлиғи эди. Табиий Некалай истибоди ила биз идора ишларидан четка қокиб, ҳайвон каби майшат этмоқча мажбур айладик. Аммо инқилобдан сўнг бизга керакли иш кишиларни ҳозирламоқ эди. Буни ишнинг кетиши

омил — ишчилар матмутида

² залилона — бечораҳол. ачинарли.

ҳам бизга сездирап эди. Лекин биз бунга эътибор этмадик. «Бўларкетар»да давом этдик, аммо бунинг натижаси бу кун қаршимизда гавдаланиб турадир.

Ҳозир идора ишларимизни юргузмоқча кишимиз йўқ, табиий, руслардан қўямиз. Лекин руслар бизнинг тилимизга, урф-одатимизга бутунлай таниш эмас. Ишка русдан хизматчи олсақ тил билмайдир, ёнига бир таржимон берай десак, бизда таржимон анқонинг тухуми! Мана фожиъа!..

Мен бизнинг идорамиздаги оқсовни шу лаҳзада деб билганлигимдан бу кундан эътиборан иш кишилари ҳозирлов чоралариға киришувли ўз аҳдининг ёдига тушуриб ўтаман. Бу кундан бўлак тадбирига киришмасак келажақда мундан ҳам ёмонроқ натижалар беруви кўз олдидаидир.

Эски шаҳар ЧeКаси¹ (тергов ҳайъати) уч-тўрт давр кечириб, бир неча хоинлар қўлинида ноҳақ ўюн бўлган кунлари ҳам бўлди. Аммо сўнгри вақтларда ўзимизнинг муктадири ҳалқ ходими² бўлган кишиларимизни бу ўрунга кўйдик. Дарвоқиъ, бу ўрунга лаёқатли деб билган кишиларимиз ҳозиргилар бўлиб, булардан бошқа лаёқатлигини топмоқ бизнинг учун ғаири мумкин эди. Лекин иш шундօр бўлса ҳам Эски шаҳар тергов ҳайъати ўз табиий ҳолинда бора олмайдир. Бунинг сабаби маълум: — иш кишиларимизнинг йўқлиги!

Шу яқин орада тергов ҳайъати ўринлашган бинода ёнгин воқиъ бўлиб, бир неча кунлар ЧeКанинг ишлари тўхтамоқча мажбур бўлди. Ҳайъат раиси Эргаш ўртоқ Нурмуҳаммад ўғли на учундур бир неча бора хизматдан озод этилувни сўраб истеъфо берди эса-да, қабул этилмади шекилли, у ҳамон истеъфосинда исрор этади.³

Эшитилган сўзларга қараганда, Эргаш ўртоқни юқори доиралар хизматига олинув эҳтимол тутиладир. Ҳар ҳолда Эргаш ўртоқ фидойи ҳалқ хизматчиси бўлганлигидан бу ўртоқдан фойдали хизматлар қутулса бўладир.

Эргаш ўртоқни бу ўрупдан олинган тақдирда Крайкомнинг лаёқатли кишини таъйин этувига ишонамиз. Аммо илгариги ҳолларнинг такрор этилмови кўзда тутилурга тевиш.

Жу-бой.

«Иштирокион» 1920 йил. 3 марта

¹ ЧeKa — Чрезвичайная комиссия, Фавқулодда Комиссия.

² муктадир — фидойи.

³ исрор этмоқ — қаттиқ киришмоқ.

БОЗОР СУРИШТИРМАЙДИР

Кичкина фелетүн

Мен ўзим ишёқмас дангасаман. Бунинг устига бир оз ватдараклигим¹ ҳам бор. Тажрибалик кишиларга маълум бўлса керак, аксар ялковлар ўзлари учун фойдалик бўлган ишларга дангасалик қилиб фойдасиз бўлган ишлар орқасинда умр ўтказалар.

Мен ҳам бир ишёқмас бўлувим сифатила баъзи ўзим учун фойдализ, аммо кўбинча халалимни² келтуруб юрган бир иш тўрисида бир оз гапурмоқчиман.

«Ховлининг бир ёнида этукчи қўшним бор. Уйқудан бўшаган вақтимда... ҳалиги этукчини ишхонасида ёнбошлийман».

Йўқ, сўзни мундоғ бошлаганда тузук чиқмайдирғанға ўхшайдир.

«Иштирокион» газетасиға баъзи вақт кўзим тушиб қоладир; илгарироқ (агар ёдимдан кўтарилимаган бўлса) «Ишчи» деган буров Хуршидми-муршидми³ деганинг ва таги⁴ аллакимларнинг ёзган театр китобини танқидми-манқидми қилиб юрар эди. Аммо кейинги вақтларда ҳалиги «Ишчи» деганимиз сувга уриб кетдими, осмонга учеб кетдими ҳайтовур танқидини ёзмий бошлаб, жимжит сув қўйгандак бўлди.

Энди ҳалиги сувга уриб кетканнинг ўрнига мула Мирмуллами, домла Мирмуллами⁵ деган таги бириси бош кўтариб: «Фалончи ўюн бўлди, пистончининг асари эди, орсизлар (орсизми, ортистми чиранишга унча ақдим етмайдир) тузук ўйнамади, асар бузук эди, фалончи писмадончининг асари эди!» деб илгаригисига ўхшаш жовраб, оҳ-воҳ қилиб, бошини тоғ-тошка уриб келадир. Бу сўнриси «театр музика» ёзганда бозор қули, мозор қули, таги алланима бало қули тасонифи» деб ёзадир Лекин «қули» деганига тушунмоқ учун — лугат кўролмадим. Мана маним энди шу «Театр музика» ёзиб, додвой қилувчига халалим келадир. Тўгрисини айтканда, бечоранинг ҳолига раҳмим келадир. Кўбдан бери шу додвойчини шу балодан қутқазишкага бир чора излаб юраман ва ўйлаб-ўйлаб тегига етолмай бошим оғриб кетадир. Энди мундан сўнг «Театр музика»сини ёзмас, деб турганимда таги лўп этиб додвойи ёзилиб чиқадир. «Бу бечоранинг боши оғримасмикин-а?» — деб ачиниб, бечорани шу балодан қутқазув чорасини азтаҳидил излайман, аммо тополмайман.

Таги «Театр музика», таги орсиз ўюнни бузди, таги ҳазрат пистончи бир сафсата ёзди...

— Эй боши оғримаган бечора, ўзинг камбағал одамга ўхшайсан, бирор касалга чалиниб қолма, қўй! Орсиз бузса бузсин ўюнни. Сафсатами, папсатами ёсса ёзипти! Сен бечорага нима керак? Ўзингни бошқа касалинг йўқми? — дейман. Шу сўзим оғзимдан чиқиб ҳам тугамайдир, таги бирини ёзиб «дод қароқчи» қилибдир!

Энди бечорага чинлаб бир ёрдам қилмасам бўлмас экан деб, кеча бир оз этукчининг ишхонасида ёнбошлаб ўйладим.

¹ ватдарак — бепарво

² ҳалал — раш

³ таги — тагин.

Ҳалиги «Театр музика»нинг бузуқлиги тұғрисида үйлабман. Нега бизнинг «Театр музика» мундоқ киши бузук бўлур экан дейман.

Этукчининг қўли қўлига тегмай билиска тақадир, бигиз тиқадир, кўва урадир, тери кесадир, тилиш тил, деб шогирдини койийдир, газан қайрийдир. Хуроса, шогирди ила ўзи жонлик мошина. Ман чалқанча ётаман. Этукчининг ҳаракати таажжубимни мужиби бўлди. Тиккан этутини олиб кўрдим: баҳаси катта, этук чокига қўл сиғадир, санъат йўқ. Кийганда хизмат қилса бир кунга чидайдир. Мандек ялпи одам Тошканднинг тошсиз, қишки лой деганидан ўн қадам кечса иш тамом.

«Бу ўтукингни ким олади?» — дедим. Этукчи: «хайф бўлмасин, бозор суриштирумайдир», — деди. Таги чалқанча ётдим. Фикрим «бозор суриштирумайдир»да тўхтади. Яна «Театр музика»чининг ташвишинига тушдим. Тўхта дедим. Ҳозир «Театр музика»ни ҳам бозор суриштирумас экан, дедим.

Этукдўзнинг жавоби «Театр музика» ила азобланувчига наҳ тўғри жавоб эди. Бозор суриштирумаса маним ҳам қўпол этук тикиб, уста фалончи бўлиб фойдалантим келди. Энди ҳалиги «музика»га қарши азобланувчига айтаман: Этукчи айткандак, орсизларнинг ҳам бозори кўтаргани учун ўюнни бузук ўйнайдиргандардир! Пъеса ёзувчилар ҳам бозор суриштирумаси учун қайдаги сафсата, чўб, ҳашак, супуринди-лардан ҳар соат пъеса ёзса дунёда ўзларидан «асар» қолдирмоқға ҳаракат қиласадиргандардир.

Азобланувчи ўртоқ! Ҳозир маълумки, ҳар бир нимарсанинг бозори «уста, манга бер!» Қўполдўз этукчи қўшнимнинг сўзидан маълум бўлдиким, бозор суриштирумас экан!

Ҳар ким бўлса ҳам ўтмас матохини ўткуриб қолсун. Вақт келур, бозор касод бўлур, ҳалқ молнинг яхлисини тилар, ҳар касбда ҳақиқий усталаргина қолур, бошқалар ўз чоруғини судрар ва судрашқа мажбур бўлур. Шунгача-чи ўртоқ, тишни-тишга қўйиб, дамни ичка олиб тинчгина юрмоқ керак! Аммо ҳозир бозор суриштирумайдир! Тошка ёмғур кор қиласадир!

Жулқунбой.

«Иштирокион», 1920 йил, 16 апрел,

НЕГА КИМ

Кичкина фелетўн

(Элбекга бағишилаб)

Элбек^{*} ўзининг мақоласида нега «негаким»ни кўб ёзадир?

— Негаким, Элбекнинг тупроғи «негаким» деган ердан олинуб «ким-ким» деган дарёнинг сувидан аралащдирилиб лой қилинғани учун.

Мирмулла ака нега Ҳамза Ҳакимни илгаригидек ерга урмай маҳтий бошлиди?

— Негаким, Ҳамза Ҳаким жонидан тўйғанидан сўнг Мирмуллаға соҳнада афсун ўқуб дам ургани учун.



Жаноб саодатмаоб¹ мұхтарам «Номакоб»нинг ёзған фалсафалари-га нега мен тушунмайман?

— Негаким, жаноб «Намакоб» ўртача олим бўлғани учун.

Нега ҳалқ бетоблануб саёҳат жабдугини тузий бошлади?

— Негаким, рамазон ойи яқинлашгани учун.

«Иштирокион» газетаси нега бир кун чиқуб, бир кун чиқмай оқсай бошлади?

— Негаким, ҳарф терувчи хизматчиларни ҳукумат ортиқча тўйду-руб қорун солдирғани учун.

Нега газеталарда турклар борасида даҳанаки ур-ур, сур-сур, жанжал, гўполонлар босилуб қолди?

— Негаким, ҳамма жанжал афандининг чопони устида бўлғани учун.

Нега мен «Нашриёти Фози Юнус» ҳақинда ёзмадим?

— Негаким, бунга хос қасиданинг борлиғи учун.

Нега сўзингни шу ерда тўхтатмоқчи бўласан?

— Негаким, бундан оргикни замон кўтармағани учун.

Жулқунбой.
«Иштирокион», 1920 йил. 8 май.

КУЛА-КУЛА ЎЛАСАН

Кичкина фелетўн

Бир вақтларда атоқли бир лўттичи турли лўттилар (фўксларни) кўрсатар эди.

Айниқса анинг чигилдак¹ бир қорозни оғзиға солуб ҳеч бир поёнсиз узун қилуб оғзидан чиқаруви бизни ҳайрон қолдирар эрди. Лўттибоз йўқ кунларда анинг ўрнига лўттичилик қилатурған бир мажнун бор эди:

— Кишилар-кишилар, потино-потино! Чунки лўттибоз ҳалқни йифмоқчи бўлганда «потино» деган бир ашула айтар эди. Ҳалқ мажнуннинг атрофиға қуруқ бир мазах учун йиғилганда мажнун яна бир марта «потино»сини айтуб олғач, чўнчагидан бир чантал² қороз чиқаруб, ҳалқа кўрсатуб чиқар эди. (Лўттичи орзига солатурған чигилдак қорозни ялмалкан³ эканлигин ҳалқдан тасдиқ эттирас ва оғзини ҳам очуб бошқа қороз йўқлиқни кўрсатар эди).

Мажнун кулуңч⁴ бир ҳолда ҳалқга оғзини а... а... қилуб очуб кулдиргач, бояғи бир чантал қорозни оғзиға солуб қизиқ бир вазият ила ялмий бошлар ва бир қанча вақт чайнаб қорозни ютуб яна «потино-

¹ Саодатмаоб — саодат соқиби.

² Номакоб — совет партия ва давлат арбоби, тиалшунос ва журналист Назир Тўракуловнинг тахаллуси

³ чигилдак — ўралган

⁴ чантал — сиким

⁵ ялмалкан — ялангаш

⁶ кулуңч — кулгили

потино»сини айтуб қоғозни лўмбоздек қилуб олур ва ҳунарини халқа ғурурлануб кўрсатуб чиқар эди. Мажнуннинг бу иши лўттибозлигидан ҳам халқа ортиқ кулаги берар, ҳаммамиз бу вақт кула-кула ўлар эдик.

«Ишчи»нинг кичкина фелетўни бўлған «Ости-устига»си босилуб чиқди, буниси «Кичкина фелетўн»и эмиш. «Ости-устига»си эмиш «ярам-ярам боғи» эмиш. Эски шаҳардаги инқилоб шунга ўхшар эмиш. Келишмаган қилиқ ўлсун дейми? Буни ўқуб: Кула-кула ўласан!...

«Нашриёти Фози Юнус»дан беш юз қирқ бир ва қирқ иккинчиси бўлған «Сўзлайтурган қўғурчоқ» ила «Туркистон табиби»си босилуб чиқди. «Нашриёти Фози Юнус»нинг йўллариnda ҳам беш юз қирқ нечаланчи мартаба ноширдан бир-икки сўз бор. Буюк ношир Фози Юнус жанобларининг нашриётларинда бўлатурған бир-икки сўзлари хақинда бир ўртоғим:

«Ҳар бир асарнинг бошинда бир-икки сўз ёзуб қоғозни бемаза қилуб юргандан кўра бир икки сўзларни ҳаммасини бирга йиғуб «Ноширдан бир икки сўз» исминда бир нарса ёзуб нашр этса китобнинг бошиға ёзғанига қараганда Фози Юнус исмини чиқаришға қулайроқ, ҳам бир асар майдонга қелган бўлмасми?» деган эди.

Бу сўзларга кула-кула ўласан! «Сўзлайтурган қўғурчоқ» озарбайжончадан буюк ноширнинг табдиллари эканки, тантана ила имзолари асар бошинда қўйилмишdir.⁶ Бирор «Калнинг танигани шўра»⁷ деса таги: Кула-кула ўласан...

Мусулмонча «РЎСТА» газетасининг⁸ Эски шаҳар шўъбасининг вакиллигида машҳур эслекли ёшлардан Фулом Зафарий⁹ таъянин этилган. Ривоятларга қараганда, Тошқандада бу ўрун учун ўзиндан бошқа эслек киши тополмажағ Фулом Зафарий ўзини таъянин этдирган. Бу ўртоқ шу кундан бошлаб ўз атрофига эслекли ёш ўсмирларни йира бошлади, дейлар... Таги: Кула-кула ўласан!...

Жулғунбой
«Иштирокион», 1920 йил, 13 июн.

¹ «Ости устига» — Ишчи (Фози-Юнус) «Иштирокион» 1920 йил, 5 июн, 2-бет. Мақолада Фози Юнус Эски шаҳардаги ишчилар синфи билан бой болалари ва зиёлилардан ташкил топган «Турон» жамияти орасидаги муносабатни болаларнинг «ярам-ярам боғи» номли ўйинига ўхшатиб бой болалари ва зиёлиларни танқид қилади.

² Фози Юнус ўша вақтда мамлакатда ўтказилаёттан кооперацияллаш компанияси муносабати билан Эски жўва майдонида хусусий босмаҳона очиб, ноширайк иши билан шутулланади. Машрифат йўлида форс, озарбайжон, татар езувчиларининг саҳна асарларини ўзбек тилига табдил қилиб ясар бадий таржима қилинмай, маъмурнигина берилади) уларга номерлар кўйиб чиқаради. Масалан, унинг «Турма хотириси ёхуд ҳақсизлик касофати» номли асари 1-номерда, Озарбайжон ёзувчиси Абдулла Шоикнинг «Сўзлайтурган қўғурчоқ» асари бешинчи, Маннон Уйгурнинг «Туркистон табиби» асари олтинчи, Ордубодий Муҳаммад Сайднинг «Андалусиинг сўнгти кунлари» — еттинчи, «Зоҳоки морон» асари — саккизинчи... деб ҳар бир китобчага ношир ўз номидан бир саҳифа енгил-елли сўзбоши ёзиб чиқараверади. Қодирий бу сўзбошилар мақсадга номуноғиқлиги учун киноя қиласди.

³ «Калнинг танигани шўра» — бу мақол бемаъни ишлар билан шутулланувчи одамларга нисбатан айтиллади.

⁴ Мусулмонча РЎСТА — Россия Телеграф Агентлигининг Туркистон бўлими. Бу деворий газета ўзбек тилида Тошкент ва ўлка ҳаёти ҳакида юқса хабар ва ходисалардан ёзиб турган. Тошкентда 1919, 1920-йилларда чиқдан.

ҚИРОАТХОНАЛАРИМІЗ

Эски вақтларда Туркистаннинг иккинчи даражадаги шаҳарларидан бўлған Самарқанд, Хўқанд ва Андижон каби шаҳарларда мусулмон қироатхоналари бўлса ҳам Туркистаннинг маркази бўлған Тошканда мусулмон қироатхоналари йўқ эди. Туркистаннинг бошқа ерларига кўра Тошканда зиёли синфи кўб бўлса-да, ўзларинда бўлмагандан биргина бўлсун қироатхона бўлиндира олмовлари қироатхонага жуда совуқ қарашлариндан — аҳамият бермовлариндан бошқа нарса эмас эди.

Маданий халқлар ўзларининг энг кичкина қишлоқларинда ҳам бўлмагандан бир-икки қироатхона бўлиндиралар, катта шаҳарларинда албатта йигирма-үттуз қироатхоналари бўладир. Бизнинг Тошканда биринчи марта бошқа очилған қироатхона 1918-инчи йилнинг декабринда бир икки йигитларимизнинг ғайрати или «Турон» жамиятининг¹ Ориф Клеблеев² номинга очилған қироатхонаси бўлди. Лекин биринчи марта бошқа очилған бу қироатхона яхши йўлга кета олмади. Чунки китоб келтурмакка атроф йўллари ёпиқ ва бунинг устига қироатхона учун ҳукуматдан ёрдам ҳам йўқ эди. Бошида қироатхона маҳаллий кишиларниң ҳадя эткан китоблари или юриб турса ҳам сўнгроқ Миллий ишлар комиссарлигининг Ориф Клеблеев исмига ёдгор бўлсун, деб берган ўн минг сўм оқчаси билан батъзи маданий ишлар ишлаб турди. Лекин бу оқча ва бу ҳол или қироатхона ўзинда бор китоблар билан халқни қаноатландирув мумкин бўлмагач, шахсий китоби бор кишилардан китоблар реквизисия³ тариқасинда қироатхонага олинди. Бунинг или ҳам иш радламагач⁴ юз минг балолар или ўшал вақтли Миллий ишлар комиссарлигиндан тўқсон беш минг сўмлар чамаси оқча олинган. Бу оқча или китоб келтурмакка атроф шаҳарларга вакиллар юборув китобхонанинг муддаоси эса-да, ҳамма йўлларнинг ёпиқлиги ва темир йўлларнинг тартибсизлиги бунга монеъ бўлуб, Тошкандинг ўзидағи кишилардан бўлған китобларни гарчи жуда қиммат баҳо билан бўлса ҳам олина бошлиған. Ушбу Миллий ишлар комиссарлигининг берган тўқсон беш минг сўм оқчаси билан 1919-нчи йилнинг ноябринга қадар қироатхона давом этмақда эди. Декабрдан зътиборан Ўлка кутубхонасининг назоратига ўтуб ушбу йилнинг апрелига қадар онинг қарамогинда давом этди. Бу вақтларда қироатхонанинг моддий жиҳати яхшигина таъмин этилиб, анчагина китоблар олмоқрада муваффақ бўлindi.

Таассуфки, Ўлка кутубхонасининг қарамогинда кўб давом этувга мумкин бўлмай ушбу йилнинг 1-нчи майиндан бошлаб Эски шаҳар маориф шўъбаси ёнидаги «Мактабдан иш маориф таратув шўъбаси» идорасига ўтди. Бунинг учун: «Энди қироатхона дардимизга яқиндан таниш бу шўъба қарамогига ўтди. Бундан сўнг албатта қироатхона

¹ «Турон» жамияти — тараққийпарвар зиёлилар жамияти, Тошкентнинг Эски Жўва майдони сенда. Максидўз кўчасидаги Ҳарбий комитет ўрнида бўлған, Тошкентнинг маданий-маърифий маркази бўлган, садна асарлари ижро этилган. 1927 йилда тарқатиб юборилган.

² реквизиция — мусодара

³ рафламагач — тартибга келмагач.

йўлга қўюлиб юборилса керак» — деб шодланилса ҳам, лекин умидимиз бўшка чикуб қироатхонанинг Ўлка кутубхонаси давриндаги вақтларини соғина бошлади. Бу кунда кутубхона сотуб олув оқчасизликдан бутунлай тўхтаған. Бунинг устига «Мактабдан иш маориф таратув шўъбаси» тарафидан қироатхона устига таъянин этилган киши қироатхона ишлари ила ноаҳл бир киши бўлғани учун, қироатхонага нима керак, қироатхонанинг эҳтиёжи нимага ортироқ ва ишни нима билан бошламоқ керак эканин билмас экан.

Тошканд мусулмон ҳалқининг бирдан-бир қироатхонаси бўлған бир кутубхонанинг бу ҳолда бўлуви, хусусан ҳолни маориф шўъбаси қарамогига ўткандан сўнг юз кўрсатуви таассуфли бир ҳолдир. Мактабдан иш маориф таратувни хоҳдаган «Маориф шўъбаси»нинг диққатини бу нуқтага жалб этамиз.

Клеблеев номига очилган қироатхонада ҳозир тўрт юз жилдга болиг¹ мусулмон китоблари бўлуб, Тошканд мусулмонлари каби икки юз минглаб ҳисобланған бир ҳалқ учун бўлған бу қироатхонага нол даражасинда оздир. Энг ози тўрт — беш минг жилдтарга еткурилуви матлуб бўлуб, бунинг учун ички Россия, Боку каби жойларға вакиллар юбориб китоб келтирилуви керақдир. Бўлғани шул, деб ётган билан мактабдан иш маориф таратув вивевскаси у даражада кўнгиллик натижада бермас.

Эски шаҳарда «Турк РЎСТА»нинг саксондан ортиқ қироатхонаси бор. Қайси чойхонанинг ёнидан ўтма «Турк РЎСТА»нинг фалончи қироатхонаси² деган вивеска ва чойхонанинг бурчагида устол устида чанг босуб ёткан беш-олти нўмир «Иштирокион» ва деворий «РЎСТА» газетасига кўзинг тушмаи қолмас. «Турк РЎСТА» қироатхоналари очилғандан бери буларда ўқуб турган бир киши кўрилмайдир. Бир вактларда ҳалқра ўқуб бермак учун ҳар бир қироатхонага кишилар таъянин этилгай, деган бир хабарни эшитуб сўюнган эдик. Лекин бу ҳол узок давом эта олмаганга ўхшайдир. Энди бу қироатхоналар ўргумчакка уя бўлуб ёта берсунми! Мактабдан ишчилар ва ё «Турк РЎСТА»чилар бунинг бирор тадбирини кўришкага ўйлаб боқадирларми?

Жу-бой.

«Иштирокион» — 1920 йил, 23 июн.

ТИНЧ ИШ

(Ҳикоя)

1

...Энди бу зот ҳам уламодан бири эди. Ўз аҳли тарафидан варасатул-анбиё¹ қаторига киритилган учун мертуқ-сертуқларнинг² фалончи туганига қулоқ солувнинг ҳам лузуми³ йўқ, эди. Иигирма беш-үттуз ийлини мадраса тупроғи ялаб ўткарған бир кишини, табиий, бизда ула-

¹ Болиг — тўлға: старши.

Варасатул-анбиё — пайғамбәрларнинг черосхўрлари (уламолар).

Мертуқ — сертуқ — ўтмас: ярамас: бу ерда паст даражадаги одамлар маъносидা.

³ Луум — қарурат, ҳожкат.



мо қаторига киргумай ҳол йўқ. Ҳам ана шу мадраса тупроғини ўтгуз йил ялаб, шул тупроқ ялов ажрини⁴ ҳам олған эди. Авом ўртасинда бўлсун, уламо орасинда бўлсун ул «Домла Шариф Охунд» бўлуб танилган ва бу исмни эшиккан, етти яшардан стмиш яшарнинг кўз олдига катта салла, узун чопон, семиз тан, ўнг кўлининг енгидан тўрт эллик тасбих, учи кўрунуб турған, қиб-қизил баркаш юз, мошкичири соқол бир зот келиб босар эди.

Бу зот диний бир олим бўлув устиға сиёсатдан ҳам хабарсиз эмас эди. Амрика, Гирмония, Онглия, Япўния, Фарансия, Белгия, шунинг каби ҳар давлатларни ёдлаб билар эди. Бунларнинг ҳунарларигача айрим-айрим ажратар эди. Масалан, Амрика, ўзи фарангларнинг бир табақаси, яъни қабиласи. Ҳунари: амиркон тери ишлайдир. Амиркон пактани ҳам шу чиқарған. Гирмония тўб тўпхона, уруш аслаҳаларини ишлайдир. Осмон попурини⁵ ҳам шу кофир чиқарған. Онглия — бу жуда ҳунарманд, локин ўзининг ер юзинда жойи йўқ. Аммо дengизга шаҳарлар бино қилған. Шунинг учун дengизлар подшоси деб айтадирлар. Фарансия ёки Фаранг — бу ўзи майда-чуйда ишларга жуда ҳам уста бир кофир; фарангига игна, машина, фарангига иб, грамафон, нағма ва шунга ўхшаш аллақанча ажойиб, фаройиб нарсаларни чиқарған. Япўния — ўрусадан Пўртортирии⁶ олған...

Ана бунлар энди чет қиронлар⁷ тўғрисида билган сиёсати. Ўзимизнинг яқин қиронлардан, масалан, Хитой, Туркия, Бухоролар ҳаққинда етти ёшлиқ вақтиндан бери маълумоти бор. Хитой — ҳунари хитой қоғоз, ипак жужум, жонон пиёла... нуфуси жуда ҳам кўб, на ҳисобда, на китобда бор.

Самаркентни⁸ олмоқга қўшун торғандада йўл устида дарёни Нилми, Жайхунни⁹ деган бир дарёга тўғри келар экан. Дарёни кўпруксиз кўрганда ижрәмиға¹⁰ келтурмай черигини¹¹ сувга босиб одамдан кўпрук қилиб ўтуб кетар экан. Мана, кўблиги шунча экан!!

Туркия — ер юзининг сultonи, аҳли куффордан¹² бож хирож оладир. Қаҳру-казабидан замину-замон, макину-макон титрайдир. Одамларини уч юз отмиш кун рўза, йигирма тўрт соат намоз ўқувчи «авалиё» деб биладир. (Бу ерда муаллимчилик қилиб юрған асир турқларни ул турк деб билмайдир. Балким ёғондаки турк оти остиға яширинган куффор, дин бузувчи, армани деб билганидан ушбу малъунларга эргашиб юрған мусулмон болаларига чин кўнгилдан ачинадир...)¹³

⁴ Ажр — чукофот, эваз.

⁵ Осмон попури — самолёт, юончада «вопур» кема дегани.

⁶ Порттортир — Порт-Артур шахри.

⁷ Қирон — давлат, мамлекат

⁸ Самаркент — Самарканд.

⁹ Жайхун — Амударе.

¹⁰ Ижрәм — торгинмоқ, ўланмоқ, ташвиш қилмоқ.

¹¹ Черик — күшин.

— Аҳли куффор — кофирлар, бу ерда мусулмон динидан ўзгаси.

¹² Биринчи жадон уруши (1914—1913) ишларида Туркия Россияга қарши урушиб, Россия турк асиrlарини Сибирда ишлаттан, инқиlob бўлиб, улар Туркистон ўлжасига. Волга бўйига қайтсан эдилар. Турклар бу ерларда маҳсуллий ҳалқи маданий, маърифий, туркийлик роқларини ташвиқ қилган эдилар, чуаллимчилик қилган эдилар. Улар Лозанна конференциясининг (1922—1923) ҳарбий асиrlарни ўзаро алмашув қарорига биноан ўз ватанларига қайтсан эдилар.



Бухоро тўғрисинда сўйлав керак эмас, ҳамамизга белгили: бошқа ислом шаҳарларига кўқдан нур ёғилған ҳолда, шу шаҳарларга ёғирмоқ учун Бухорои шарифдан фаришталар орқали кўкга нур чиқарилур экан!..

Мана анинг сиёсатдан, инглизнинг бир юз сиёсиюнидан ортиқ маълумоти.

Ўзи мударрисликка сайланмасдан илгари оқ подшоҳга нима учундир мастрравойлар каби душманлик сақлаб юрар эди. Алланарсамоф деган тўра ёғиндан мударрисликка «указ» берилгач,¹⁴ оқ подшоҳнинг ҳақиға кўл кўтариб дуо қилған кундан бошлаб ўзидан Некалайтаг¹⁵ бир ҳайриҳоҳлиқ сеза бошлайдир. Тўғри келган йигиналарда подшоҳликнинг нисфи нубувват¹⁶ деганлар, коғир бўлса ҳам «нубувват», яъни пайрамбарликнинг нисф қуввати бор, деб оқ подшоҳни юқори кўтариб қўядир.

Орада уруш бошланиб, Туркистонда «рабочий» масаласи кўзгалганда ғалаенга келган ҳалқга: «Подшоҳнинг амри вожиб. маънои вожиб фарзлиғинда озғина шубҳа бор, маънои фарз амри илоҳий»¹⁷ деб ҳаяжондан тўхтатурға тиришадир. Гирмон ундан ҳунар кўрсатибдир, оқ подшоҳнинг бунча шаҳрини олибдир, деган хабарларга сира ишонгуси келмай: «Яхши, Гирмоннинг юз ўн беш газ тўпи бор, мен буни Гирмоннинг ўзиданда яхшироқ биламен, аммо у ғарқи оҳан¹⁸ бўлса ҳам Русиянинг бир тола мўйини кам қила олмайдир. Русия бунга ўхшашиб Гирмоннинг бир юзи билан урушиб кўрган, оқ подшоҳ эмди эр назар қилған¹⁹ деб юрадир.

II

1917 йил феврал сўнгинда инқилоб бошланиб, оқ подшоҳимиз таҳтдан тобутга олинур. Биринчи марта бошлаб ҳалқ оғзинда «Мекалай таҳтдан тушурулиб, янги ҳукумат тузулубдир», деган хабарлар юрий бошлар. Локин бу хабарларга бизим «Охунд домла» сира ишонмайдир. Шу хабарларни сўйлавчига қизиқ туриш билан: «Эй, сен аҳмоқ бўлиб қолдингми? Оқ подшоҳни ўрнидан тушуруб бўлар эмиш? Яхшиким бу сўзни манга айтдинг, ёмонроқ кишига айтсанг бошинг кетадир — бошинг! Дамингни чиқарма! Бу хабар мастрравойларнинг хабари!²⁰

— Мастрравой деган ким тақсир?

— Ҳа, кўчаларга тош терадиргандар-чи, ана шунларни мастрравой дерлар, шунларнинг хабарига ишониб бўладирми?

¹⁴ Указ — фармон.

¹⁵ Некалай — Николай (II) Александрович Романов (1868—1918) охирги рус императори (1894—1917).

¹⁶ Ярим пайрамбарлик.

¹⁷ Подшоҳнинг бўйруги вожибдир, яъни мажбурий, вожибнинг маъносига шуки, буткул фарз, деб олмаймиз, фарз Оллоҳнинг бўйруги.

¹⁸ Ғарқи оған — гемирга бой.

¹⁹ Эр назар қилған — ҳаджнинг ишончига кирган.

²⁰ 1914-чи йилда исен этувчи рабочийлар домъамизга мастрравой бўлиб танилан. (Муал.).

Орадан ўн беш кун ўтуб кетадир...

Некалайнинг политса — миршаблари, қозилари, мингбошилари ўрундан чиқарнилаб, бошқалар сайланана бошлар. Юртнинг туруши ўзгарар. Сайлов — йигинларнинг бир нечасинда Охунд домламизнинг ҳам қатнашишлари бўладир. Охунд домламизға эмди оқ подшоҳнинг ҳақиқатдан тахтдан тобутга олингани сезилур. Локин бу ишга нима учундирким, аниң ичи бир турли ғаш бўлиб: «Эй худоё тўба, бу нима деган гап эмди!..» — деб қўядир.

— Оқ подшоҳ ўрнидан тушурулибdir, «янги ҳукумат» деган ҳукумат бўлубdir. Аммо мана бу «сайлов» деган нима деган номаъкулчилик? Худоё тўба! Худоё тўба!.. Одамларнинг оғзинданғи «хуррият» дегани нима деган сўз; ердан «хуррият», кўқдан «хуррият», бутун сайлов, эрта сайлов! Худоё тўба! Худоё тўба!.. Ҳалқ оғзинданғи «хуррият, хуррият» деган сўзга биринчи эшитувда тушунилмаса ҳам лугат кўрилгандан кейин бир оз тушунилди.

Охунд домламиз оқ подшоҳни ўрундан тушурулиб, Керенскийнинг²¹ подшоҳ, кўтарилганини «бўлибdir, бўлибdir эмди» билан зиҳнига сиғдирса-да, ҳалиги «янгидан сайловни» сира миясига сиғдира олмади. «Ҳалқ истагича янгидан сайлаб қўйиш» деган гап аниң ичини ари каби талий бошлади. Нечун ари бўлиб таламасин. ...мадрасасининг биринчи мударриси этиб Алланарсамоф ёриндан берилган указни бекорга чиқариб, Охунд домламиз ўрнига бошқани сайлаймиз, десалар!.. Үххх!..

III

Отун ойимда указни олиб чиқувни буюриб, ўзи айвонга ўлтурди. Шул вақтда даруни дилдан²¹ оҳ тортиб юборған ҳам эди. Указ қофози бундан бир йил илгари сандуқға тушувда Охунд домлагая қандай умидлар берган бўлса, бу кун сандуқдан чиқувда шу даража умидсизлик туғдирди.

Отун ойимдан указни олиб оча бошлади. Бу қофоз яхши сақданғани учун ҳар қабатини очилған сари шалдирар ва бу шалдирор Охунд домлани алланечук маъюс этар эди.

Указ очилиб бўлди. Домламизнинг русчадан хабари бўлмаса ҳам, ҳоким маҳкамасининг миrzаси ёғиндан указни беришда: «...Мадрасинкий первой мударрису господину Муллашариф Охуну Мулла Зариф Охунову» деб ўқуб бериши эсига тушуб, ўшал вақт бутун аъзоси тил билан онглатиб бўлмаслиқ бир лаззат билан жимиirlашиб кеткани эсига келиб кетди. «Господин первой мударрис»ни таъйин этиб чиройлиқ қилиб қўйилган бурмача имзолар билан семуруг қушли тамғаларга кўзи тушуб ўтди. Аммо шул вақт «хуррият, сайлов» шарт этиб эсига тушуб кетди. Указ кўлидан ерга тушуб кетаётди... Эмди бир неча вақт ҳуцдан ҳам кетган эди.

Эси ўзига келгач, указни буқлий бошлади. Указ: «Мени кўрма, ҳам

²¹ ғаруни фал — чин дилдан.

куйма!» деган каби бўлуб ўз-ўзиндан шалдировсиз буклана бошлади. Отун ойим указни сандуқга олиб кетмақда бўлганида ортидан алвидоъ қилған каби маъюсона қараб турар эди. Яна бир гулдурос билан ох, тортғандан сўнг оқ подшоҳни ўриндан тушурғанлари учун мастрвой-ларга лаънат ўқуди.

Шундай лаънат ўқудиким: «Шул соат мастрвойларни ер ютса оқ подшоҳ ўз ўрнига ўлтуруб, «хуррият, сайлов»ни йўқ қиласа, указ указ-лиқда қолса!..»

Аммо Охунд домланинг дуоси ижобат ҳадафига²² тегудан вақт ўткан эди. Локин домланинг бу «сайлов» ташвиши ва мастрвойларга дуойи бади ўринисиз бўлиб чиқған эди. Негаким, иш домланинг фойдасига куморила бошлаган, янги оқ подшоҳ (Керенский) вақтида домлалари-мизға ўхшаган «сайлов» сичқонлари учун ҳар қанча иш қилинса майдон очиқ эди. Елғуз... ёлғуз «ёш» деган бир фирмани иш бошидан ҳайдалса...

IV

Эмди ҳалқ орасига дин отидан ёшларға қарши ташвиқот юргузила бошламиш эди.

Ҳозир бизнинг Охунд домламиз нима қилур эди?

Домламизнинг ўзи политикан эмасми? Ишнинг тубига аллақачон тушуниб, ёшларға қарши ташвиқот денгизинда юзар эди.

Иш Охунд домламиз кабиларнинг фойдаси билан натижаланди. Эмди Окунд домламизнинг оғзи қулоғида, «Дин бузувчи даҳрий ёшлар!» деган жаҳр²³ оғзидан фаввора уруб чиқадир. Домламиз масти лояъ-қил,²⁴ ҳозир домлаға Некалай золим, Керенский одили аъдал²⁵ указ-нинг ҳам бир тийинлик қиймати йўқ; тиласа мударрис, тиласа қози, тиласа дўма!²⁶ Вассалом ..

V

1917-нчи йилнинг сентабрлари эди, шекилли... Янги ҳукумат қарши-шиға большевиклар қўзғалмоқда... деган хабарлар юрий бошлади. Ил-гарирак домламиз бу хабарларға кўбда ишонмаса ҳам кейинрак ўйлий бошлади. Большевиклар ҳақинда маълумот эгаси бўлмагани учун ундан, бундан суриштурмоқға турди.

Ўҳўй... большевик! Ер ютсан, ер ютсан!! Динни билмаса, бой ва уламо (хони уламо)ни²⁷ ер билан яксон қилмоқ тиласа. Мол-мулкни муштарақ²⁸ деб билса!..

²² Ижобат ҳадафи — нишон

²³ Жаҳр — товуш.

²⁴ Масти лояъқиц — беҳуш даражада маст бўлиш.

²⁵ Одили аъдал — одиллар одили.

²⁶ Дўма — дума аъзоси.

²⁷ Хони уламо — Туркистон мухторияти эълон қилишунга қадар Умум Туркистон мусулмон-ларининг тўртта съезди бўлиб ўтади. Бу съездларда «Уламо» жамиятининг мутавассиб уламолари гарәққийтварар «Шўрои исломия» ва «Марказ Туркистон шўроси» уюшимлари билан доим рақо-батда туриб, Туркистонни идора шакли хусусидаги масалада замон талабига жавоб бермайдиган

Бу маълумотни одрач кеча-кундуз: «Эй бор худоё, Керенский ҳукуматини қиёматғача оғдан йиқитма!» деб қилмоқра киришди. Вокытъан ҳазрат Охунд домламизнинг бусотдари бор дастмоялари шулгина эди.

VI

Йигирма неchanчи... ой эди, оламни тўп гум-туми, пулемит тартараги босған эди. Икки фирмә, яъни бой уламо билан камбағал бенаво²⁹ жон бериб жон олмоқда эди. Охунд домламизда бошқа камолот кутгандан ортиқ бир равишда бўлса ҳам юрак деган неъматдан маҳрум бўлғанлари учун биринчи миљтиқ товши билан узлатни ихтиёр қилмишлар эди. Ҳар бир тўп товши Охунд ҳазратимизга эшитилган сари узлатхонада ичлари шувиллашмакда эди.

Натижада камбағал бенаво бой ва уламони етти қат ернинг остира киргузуб юборадирған даражада енди... Бу хабар Охунд домламизнинг узлатхоналарига ирсол этилмиш.³⁰ Домламиз жондан умид узуб ҳар минут «Калимаи тайибиба»³¹ ва «Калимаи шаҳодат»ни³² вирди забон³³ этишлар эди.

VII

Орадан ўн кун ўтди. Охунд домламиз йўқ, йигирма кун ўтди, дараксиз, ўттуз кун деганда аёвли жонни бир ҳович қилиб, узлатхонанинг эшикidan мўраладилар. Ўттуз биринчи кунда атак-чечак қилиб узлатхона атрофинда синов учун юриб кўрдилар.

Тадриж ба тадриж³⁴ аҳли аёл ёниға борувни жаноб ҳақ тинчлик ва осойишталиқ билан Охунд домламизга муюссар қилди. Тўп билан пулемит, большевикларнинг астаҳидил тутған сиёсати ва алалҳусус сиёсиюниқ Охунд домламизнинг юрагини олиб қўйғанлиқдан бундан сўнг сиёсатга оралашмаслиқ аҳли аёл ўртасинда аҳд этилди.

Тинчнина имомгарчиликда давом этила бошланди. Илгари болше-

28) Тартиб-усулларни, хонликин ғеклаб чиқадилар. Сиёсий курашларда қатнашиб келаётган нуғузларни «Уламо» жамиятининг ноўрин бу талаби Умум Туркистон мусулмонларни съездини ва сънгра эса Туркистон мухториятини авом ҳалқда қисман бўлса ҳам ёмон кўрсатнища бодшеник-ларга дастак бўлиб келади. Ҳатто Тошкентнинг қадимчи уламолари «Уламо» съездидан (1917 йил, 17–20 сентябр) юкорида айтилган уюшмаларга аччиқ қилиб большевиклар билан тил биректириди. Гарчи Туркистон Мухторияти ҳалокатининг сабаблари мухторият ҳайтати аъзолари орасида ноаҳиллик, миллий сармоянинг йўллиги ва куролсизлик, миллий аскарсизлик ва бошқалар бўлсада, мухторият кунларида (1917 йил, 25 ноябр – 1918 йил, 9 феврал) Шерали Лапин бошчиллигидаги Тошкент «Уламо» жамияти мухториятни тағ олмай, ўзларига «Тошкент уламо жумхурияти» тузиб, Туркистон мухториятида парокандаликни бошлаб бериб хоннлик қилган эди. Муаллиф шу воқеаларни назарда тутяпти.

²⁹ Муштарак — уртада, умумий.

³⁰ Бенаво — фәқир, қашшоқ.

³¹ Ирсол этиш — иборориши, етказиш.

³² «Калимаи тайибиба» — Ала илаҳа иллал-лоҳу Муҳаммадур-росувлулоҳ. (Оллоҳдан бошқа маъбуд йўқ ва Муҳаммад унинг расули).

³³ «Калимаи шаҳодат» — Ашҳаду ал-ла илаҳа илла-лоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдужу ва росувлух. (Гуваҳлик бераманки, Оллоҳдан бошқа ҳеч маъбуд йўқ ва Муҳаммад унинг бандаси ҳамда пайтамберириди).

³⁴ Вирди забон — тида тақрорлаш.

³⁵ Тағриж ба тағриж — аста-секин.



вик оғаларнинг, кимнинг отини, кимнинг молини, кимнинг ерини тортиб олувлариға қандай маъни беришга ожиз бўлған Оҳунд домламиз «Мифтоҳул-жинон»³⁵ ва амсоли³⁶ китоблардан истихрож этиб.³⁷ «Замона охир бўлиб, қиёмат яқинлашган экан, бу кунги большевик деганимиз яъжуҷ-маъжуҷ³⁸ ва ё доббатул-арз³⁹ бўлур» деб ўйлар эди Ўшал вактда бундай демакга балким анинг ҳақи ҳам бўлғандир, локин бу кунда анинг яъжуҷ-маъжуҷ, доббатул-арз ҳақиндафи фикрлари ўзгариб, большевикларнинг ҳам инсон эканлигига имон келтурди.

Яқинда халқ... мадрасасига Оҳунд домламиз ўрнига бошқа бир мударрис таъйин этилди. Аммо бунга домламизниң сира илтифоти бўлмади. Шунинг билан баробар указ ҳам сандукда унутилиб ётадир, балким эсига келганда йиртиб ҳам ташлар. Шундай қилиб тинчгина имомгарчилигига давом этадир.

Сиёсиюнлик вақти эсига тушганда сесканиб кетиб. «Йўқ, шайтон оздирған экан ва ё эс кеткан экан!» деб қўядир. Бугунги имомгарчилигига келганда: «Бунинг ўзи хўб тинч ишде!» дейдир. Воқиъян Оҳунд домламизниң ўзига лойиқ иш шуниси эди.

ЖУЛҚУНБОЙ
«Тонг» журнали, 1920 йил, 2-сон.⁴⁰

ЯНГИ СИСТЕМ БЕТАРАФЛИК

Инқиlob баракасинда ҳисобда ҳам бўлмаган аллақанча янги систем ажиб, ғарип иҳтиrolар юз берди ва бермақдадирким, бу янги ажойибул тараша бозорларни ёзуб кўрсатув инсон тоқатидан фавқ¹ бир ишдир. Бутун дунёning театру бозорида, адабиёт тарихида кўрулмаган равишда янги нафис ўзбак театрулари, ўзбак адабиётлари, ўзбак артистлари, муаллимлари, мунажжимлари, мұхандис мұхтарильари², мұхаррир ва имлочилари, қомпозитур — рассомлари, шупургичи арабакашлари, қўйингчи, домлаларча қилуб сўзни қисқартланда ва ҳоказо, ва ҳоказолари ўзбакларнинг янги систем санои нафисалари жумласидандирлар...

Оллоҳдан барака ва давомини сўрарға керакдурким, ўзбаклар бундай янги систем иҳтиrolарни ҳали ҳам кун сайин ва дақиқа, сония сайин йўқлиқ оламидан борлик дунёсира чиқаруб, ақлларни ҳайрон, кўзларни кўрмас, қулоқларни эшитмас, қўлларни тутмас, оёқларни юр-

³⁵ «Мифтоҳул-жинон» — {Жаннатлар калиди} — авлиёлар ҳаётига, ислом руқнларига оид китоб, муаллифи Мұхаммад Мужир Адаби.

³⁶ Амсоли — каби

³⁷ Истихрож этиши — цитата чиқариш, келтириш.

³⁸ Афғонага кўра — хунук башара, бақайбат, ҳамма нарсани нобуд қилувчи, одамхўр маҳаллар. (Муал.).

³⁹ Доббатул-арз — қиёмат куни ердан чиқиб кофирларни ҳалок қилувчи маҳлук.

⁴⁰ «Тонг» журнали — 1920 йил 3, 4 та сони чиқдан, ташаббускори Абдурауф Фитрат. Ношири Бухоро коммунистлар партиясининг нашриёт шўйбаси. Журнал араб, форс сўзларига қарши туриб «Чиратой гурунгি» атзолариниг маколалари босилган.

¹ Фавқ — юкори, ташқари.

² Мұхандис мұхтарильари — иҳтирочи инженер.

мас, оғзингдан қалава-қалава сұлакайларингни оқузыб баъзиларни ҳайвони нотиқалиқдан¹ ҳайвони ғайри нотиқалиқта² айлантиrmоқдадирларким, бу ҳол эса янги систем иқтиrolарнинг асари маҳсусаи маждубай³ макшуфай⁴ маҳсусасидандурлар.

Ўзбак злига яна бир башорат!

Қандай башорат?

Жуда ҳам катта, жуда ҳам шаъшиштадор⁷ башорат. «Янги систем бетарафлик» башорати! Яна бир янги ихтиро башорати!

Башоратномамизнинг ва «янги систем бетарафлик»нинг асл ихтироиға сабаб бўлғани учун асл масаланинг жараёнидан қисқағина бўлса ҳам ёзиб ўтайлук:

Ёдимдан кўтарилимаган бўлса, «Қизил байроқ» газетасининг 131-рақамида «Илмий хидмат» лавҳаси остида «Биров» имзоли бир бечора («Қизил байроқ» таъбирича ҳам бечорадир) машҳур «авантюрист»⁸ (бу таъбир «Биров» биродаримнидири) Мунавварнинг янги имлога қаршилиғи учун⁹ марҳум немиснинг бир юз ўн беш дуймалик тўпидан «авантюрист» устига шу қадар ўқ ёдирған эдики, каминангиз мазлум Мунавварни бу жаҳаннам ўти ичида куюб кул бўлғанлигига қарор қўйған ва беихтиёр тилимга «Инна лилаҳи ва инна илайҳи рожиъун»¹⁰ оятини жорий¹¹ қилған эдим. Аммо меним бу фоли бадим¹² бекорга кетуб орадан бир қанча вақт ўтар-ўтмас «авантюрист» Мунавварнинг тирик қолғанлиғи ва майдонда ўзининг Некалай давридан қолған эски гурзисини кўтаруб, жавлон қилғанлиғи кўрилди-да, Лашавла...¹³ ўқуи бошладим. Чиндан ҳам бу, «авантюрист»нинг «Биров»

¹ Ҳайвони нотиқ — гапиравчи жонзод, одамзод.

² Ҳайвони жори и нотиқ — нутқсиз жонзод, ҳайвонот.

³ Маждуба — хайратта келтирадиган.

⁴ Макшуфа — қашф қилинган.

⁵ Шашшаш —

⁶ Авантурист — фитиначи.

⁷ Мунавваркори Абдурашидхон ўали (1878—1931) Тошкентнинг Шайҳантодур даҳасида. Дарҳон маҳалласида турилган. Туркистонда жадидчилик харакати раҳбарларидан бири, маърифатпарвар, музалим, матбаачи, жадид мактаблари учун дарсликлар ёзган. Шахсга сикиниш даврининг курбони бўлған. 1922 йил 23 феврал — 4 апрел кунлари Тошкентда маданият ва маърифатодимларининг «Тил — имло курултойи» бўлиб ўтди. Маълумки, жадид маърифатпарварларнинг максади авом ҳалқни жадолат комидан тезроқ олиб чиқиш учун саводсиз ҳалқни тезроқ саводли қилиб, дунёвий, айниқса фаний имл бериш эди. Мазкур курултойнинг максади ўша давраги мавжуд араб имлосини ислоҳ қилиш, яъни Фигратчилар — «Чиратой гурунги» чиар араб имлосида ишлатимайдиган ўзли товушларни ёзува жорий қилиш, араб тилига хос бўлған уч хил оҳангда талафузу тилувчи битта ҳарфларни туркий тилга кос бўлған битта ҳарф-тovуш билан ифода этиш ва арабча сўзларнинг ўрнига тиличизда бўлған туркийча сўзларни ишлатишни еклаб чиқадилар. «Илмий хидмат» маколосининг музалифи «Биров» ўз маколосида «Мунавваркорининг янги имлога қарши бўлишининг сабаби жадид мактабларида ўқитилиб турилган «Ҳавойжи диния» китобининг қўйта-қўйта нашридан келадиган пулидан қуруқ қолишида» деб ва бошқа бир қанча сабаблар билан айблаб ёзди. Мунавваркори эси «Ҳаққими, мунозарами?» номли жавоб маколосида (К. б. 139-сон) ўз китобини нашриёт эгасига сотиб юборилганлигини, китобидан даъвеси йўқлагини... «Мактабларда янги имло ёлиғиз туркий сўзларда тадбик тилуб, арабий сўзлар ҳозирда ўз ҳуруф ва имлолари ила ётилсунлар», «Янги имлога тадрижий йўллар ила киришилсун..» деб бир қатор талабларини езib ўтди.

⁸ «Инна лилаҳи ва инна илайҳи рожиъун» — Албатта, биз Оллоҳникимиз ва албатта, биз унга қайтуячимиз. (Бакъера сурсасидан).

⁹ Жорий — айтмоқ.

¹⁰ Фоли баг — ёмон тилак.

¹¹ «Ла давла ва ла кувватла шлоқ бўлмоҳи алиюл азим» — қудрат ва куч ёлиғиз Худодандир (дуо).

афандининг жағаннам ҳужумидан саломат қолувининг ўзи ҳам Лаҳавла ўқутдиарлік зди.

«Авантиорист» Мунаввар инқилобдан бери турли томондан муштум еб, аммо чүрк этмай келганикідан мен уни энді жуда ҳам абжақ бўлуб қолғандир деб ўйлар эдимки, аммо иш бу фикримнинг тамомо акси бўлуб чиқди

Андоғ ривоят қилурларким, Мунаввар «авантиорист» майдонда жавлон уради, гурзисини салмолаб бошидан айлантурди ва наъра торти. «Қизил байроқ» таъбирича, бечора «Биров» ўртоғимнинг устига андоғ зарб урдики, ерлар титради, кўклар дарз кетди. Бир вақт қарасам, 139-нчи «Қизил байроқ» маидонининг ўртасида мажруҳ «Биров» ўртоғимни бағрига босқан ҳолда «Қизил байроқ» идораси ўлтурладир. Идора атрофидағи томошачиларға айтадир: «Бу музораба¹⁴ тұғрисида саволжавобни чўзуб ўлтурмаслик учун «Қизил байроқ» бундан кейин бу тұғрида иккинчи музорабаларга йўл бермайдур. Шунинг билан бирга бетараф бўлган ҳолда ўзининг фикрини баён қиласадур».

Бу вақт «Қизил байроқ» идорасининг кўзи бағридағи кўзини термултуруб ётқан мажруҳ «Биров»га тушадир-да, иктиёrsиз оталиқ ва оғалиқ кўз ёщисини тўка бошлайдур. Қаршисидағи «авантиорист»га бокадир-да: «Сиёсий ўюнчи» дейдур. Бағридағи мажруҳга қарайдирда: «Бечора бирорим, мазлум бирорим» дейдур, ҳўнграб йиглайдур. Яна аччиғига чидолмай «авантиорист»ни қарғиб бошлайдур: «Ҳийлагар, макрчи, жувонмарг!

«Қизил байроқ» идораси кўзидан ёшини оқуза-оқуза алла нарсаларни сўзлаб, «авантиорист»нинг зарбасини, «мантиқсизлик ва золимлик», дейдир. Шунинг ила «Қизил байроқ» ўзининг юқорида сўзлаган «бетараф бўлган ҳолда» жумласини унутуб, юборадир-да Мунавварга очиқдан-очиқ ҳужум эта бошлайдир.

Мана бу «бетарафлик» ўзимизнинг ота-бободан қолған эски бетарафлик эмас, «янги систем бетарафлик!» Бу — «Қизил байроқ» газетасининг янги иҳтириой, янги ижоди!

Янги шҳтироҷиларға дуючи: Жўлкунбой.
«Инқилоб» — 1922 йил, 2-сон.

ОТАМ ВА БОЛШЕВИК

Кулгулик

Отам 1242 ҳижрий — 1823 мелодий йиллари Тошканда туғулуб, алхол,¹ 99—100 ёшларидаadir. Руслар истилоси вақтида 42 ёшида бўлуб, Тошкандин руслардан мудофаа қилган қаҳрамонларнинг бириди.²

Туркистон хонларидан Шералихонни³, ундан сўнг Худоёрхон⁴, Мал-

¹⁴ Музораба — уруш, жанжал

¹ Алхол — ҳозир

² Тошкентни руслар 1865 йил 15 июнда Кочолон дарбозасидан кириб забт эттан эдилар. Ҳозир Камолон махалласидаги Хўжа Аъзамбадор қабристони ёнида русларнинг ўша тарихий кунга атаб қуриб қолдирган ёдгорлик осори ҳам бор.



лахон' ҳам бу орада йиллаб ва ойлаб хонлиқ қилуб ўткан Муродхон', Саид Султон' ва бошқа хонларни, Тошканд бекларидан (ҳокимлари-дан) Мұхаммад Шариф оталиқ', Салимсоқбек' (бу зот Бухоро амири томонидан Тошканд беклигига қўйилған эди. Мусулмонқул томонидан ўлдирилди), Азизбек', Нормуҳаммад құшбеги', Шодмон ўроқ', Қаноат шоҳ', Мирза Аҳмад құшбеги', Маллахон' (Маллахон оғаси Худоёрхоннинг хоналиғи вактида Тошкандда уч йиллаб бек бўлуб турғандир). Энг охирдан Қўшдодхоларнинг' беклигини кўруб, ўткузган. Хонлиқнинг бош нозири ва қўмондони ўрнида бўлғанлардан Мусулмонқул' ва мулла Алимкулларни' кўрган ва урушларида бўлран. Пискатлик Қашғар амири машҳур Ёқуббекни Қашғарга кузаткан.

Шундоқ қилуб, қирқ йиллаб мусулмон хонлари замонини, элли йиллаб Русия чор истибдодини ва энди беш йиллабдирки меҳнаткашлар ҳокимиятини кўрадир.

Табиий, отам, Русия чор ҳукуматини сира ҳам тиламайдир. Чунки унинг элли йиллик истибдодини ўзи истиқбол эткан Чорнинг аччиғчучугини кўб татиған. Бу кунги меҳнаткашлар ҳокимиятига ҳам унча дўст эмас. Бунинг ҳам сабаби маълум. Аммо хон замонларини ўйлаган чоқларда: «Эй, хўб замонлар бор эди, тилла жобдуқлиқ отлару ва басавлат беклару, ўрдаларда ҳар кун қарса базиму... Ўтуб кетди энди бир замонлар», деб афсус еб қўядир.

Чорлар замони тўғрисига келганда: — Хоҳ, хоҳ, хоҳ, хоҳ! Хўб оқ подшоҳ экан-ку... оқ подшоҳни ҳеч ким енголмас эмиш. Оқ подшоҳга ҳеч бир қирон бас келмас эмиш!.. Кушандаси дуч келганда шундай ҳам думини хода қилас эканки... Хоҳ, хоҳ, хоҳ, хоҳ, хо...! Ҳой Абди... ҳали оқ подшоҳни большевой отуб юборди дедингми?.. Баракалла большевойингта, балли большевойингта, хўб қилубти-да! Оқ подшоҳлигини бурнидан чиқарипти... Хоҳ, хоҳ, хоҳ, хо-о-о...

Шўролар ҳукумати тўғрисида ул ҳеч бир тушуна олмайдир. Шўролар ҳукумати ҳақида юз қат истифсор¹ қилуб унутади. Унингча, оқ подшоҳни енгиг ўрнига ўлтургучи — большевик отлиқ бир қаҳрамон ийитдир:

— Большевойинг неча ёшда борикин?

— Большевик бир киши эмас, дада... большевикнинг маъноси кўбчилик, камбағал деган сўздир. Мисол сиз камбағалсиз, сиз ҳам большевикдан саналасиз, ҳозирги большевик ҳукуматидан мурод — камбағаллар ҳукумати дейишидир... Илгариги оқ подшоҳ ҳукумати бойлардан иборат эди. Аммо бу ҳукуматнинг оқ подшоси ҳам йўқ ва бунда бойларға ҳам ўрун берилмайди. Ёлгуз сиз ва бизга ўхшаган камбағаллар ҳукумати...

— Ҳа, ҳа, шундоқ дегин-чи...

Орадан ё уч кун ўтади ва ё ўтмайдир. Эски турмуш билан заҳарланниб қолған чолингиз бояғи бир мирилиқдак қилуб рўмолға тутуб берилиган тушундиришни унутадир-да, большевикни бир шахс, камбағалдан чиқсан улур бир оқ подшоҳ деб била бошлайдир:

¹ Истифсор — сўраб билиш.



— Большойинг жуда ҳам ботурбой йигит экан-да, аскари ҳам бир-икки лак бордир?

— Ҳа, беш-олти лак бор!..

— Ўбба баччаталоқ... ўзи ҳам ҳирс қўпған экан.⁴ Ўзимнинг бир оз дармоним иўқроқ-да, ўғлим. Бўлмаса, большойингга йигит бўлуб ки-рар эдим. Агар большойинг олдиға чиқсанг мендан салом дегин. Сани дегин, бобой дуо қилди дегин... Баччаталорингни бечорапарвар деб эшитаман: кўйнак-иштонга беш-үн олчин' мата сўрасанг берарми-кин?.. Хайр, бермаса ҳам гўрга. Ишқилуб солиқлардан дарҳон⁵ қиласа бўлди. Ҳаммадан ҳам бокқа кўз олайтира кўрмасун.

Баъзан чолингиз истиқбол қўмсаи бошлайдир:

— Ҳудонинг хоҳлагани-да, кофирнинг қўлида қолуб кетдик... Ўзимизда ғайрат йўқ. Агар юрт бир оғизга тупуруб, яроғ тополмагандা ҳам қора калтак бўлуб чиқса, исни-биска кўймас эди. Қадимги замоннинг йигитларидан шу кунда ҳам бўлғандачи, эй-ҳа, ўрусингта йўл бўлсун.

— Қора калтак бўлишнинг нима кераги бор, дада? Большойнинг каттаси ўзимизнинг мусулмондан. Қушбегилар, оталиқлари ўзимиздан, ўртада улардан битта-яримта додҳоҳлар бўлса бор!..

Бу сўзни эшитиш билан чол таажжуб ва тахайюрда' қоладир:

— Нима дединг?..

— Большойнинг улуғи ўзимизнинг йигитлардан.

Чол ҳозир боши берк кўча ичида... шу ҳолда бир-икки тамшаниб олғач, яна узундан-узоқ большевикнинг асли-насли ҳақида истифсор талаб қиласи...

— Тузук, тузук, кўб яхши. Большойинг одамохун экан. Сарбоздан кел, сарбоздан. Ўзимиздан сарбозлар борми?

— Бор, лекин бўлса ҳам йўқ ҳисобида.

— Аттанг, шуниси чакки экан.

— Нима зарари бор, дада.

— Эй, ўғлим, одам бўлғандан кейин ҳар нарсанинг ҳам бошида бўлиш керак, «нон кўйнимда, ит кейинимда!..»

Шундоқ қилуб, отам большевойга йигит бўлмоқчи-я. Бироқ бир оз дармони йўқроқ-да... Эҳтимолки, баҳорга чиқуб дармони яхшила-нур, соchlари қораюб, бошқа ўрлон тишлари чиқуб бўлса ҳам, лекин ҳозирга эндиғина милк ёруб келмақда бўлған иккита жағ тишлари ҳам чиқуб бўлур-да, чолни большевой ҳам йигитликка қабул қилур ва ул большевойга чин «сарбоз» бўлур

Ўли. Жулқунбай
«Инқилоб», 1922 йил, 7—8-сон.⁶

⁴ Ҳирс қўпған — тўнриздек.

⁵ Олчин — аршин (0,71 метр).

⁶ Дарҳон — озод.

⁷ Гашайюр — ҳайратланиш.

⁸ «Инқилоб» журнали 1922 йил 1 февралидан 1924 йилнинг октабр ойигача ойда бир марта тиқкан. Баш мұхаррири Назир Тұрақулов, ношири Туркестон коммунистлар фирмаси. Журналда сиёсий, иктисадий, адабий, тәләмий, миллий масалалар өртилган.

ИЖМОЛИ САЁСИЙ

Кичкина фелетүн

Юқоридаги сарлавҳани ўқуғач миянгизга Генуя канференсияси,¹ Лўйд Жўржнинг² ич оғриғи-ю Пуанқаранинг³ итланиши ва бошқа шунинг каби бир бирисига зид бўлған фикрлар қаторлаша бошлар. Агар чиндан ҳам шундай фикрлар қаторлашкан, чўчиткан ва юрагингизни безиллаткан бўлсалар, сиз тинчлана кўрингиз. Чунки манинг «Ижмоли саёсий» сарлавҳаси остида ёзатурған мақолам бошқа тўғридадир. Агар ичингиз келмай «Ижмоли саёсий»имни ҳозирдан билиб олмоққа юрагингиз шопириниб, иштибоҳингиз³ кучайган бўлса, бердисини ҳам айтиб қўя қолай:

Оting қуруб, эгасиз қолғур масаланинг таъбири ҳам қийин... нима деб таъбир этсан экан?

Масаланинг мавзуъи — «Имлойи ижмоли саёсий»; йўқ, бу келишинқирамади; «Ижмоли саёсий имло»; энди бу таъбир уттасидан⁴ ҳам қўполроқ чиқди. Бундаги таъбирларнинг иккаласи ҳам ўзимга ёқмайдир. Лекин сиз бу икки тумтоқда бир нарса сезган бўлсангиз фақирингизга етар. Жойи келганда шуни ҳам айтиб ўтаи: фақирингиз жаноб Али ҳазрат дарвеш каби алсабаснаи, шарқияи, гарбияи, қалмоқиялардан таъбирлар тўқумокқа ва сухан гулистонининг булбули хуш алҳони⁵ бўлмоққа қўлимдан келмас.

Мақсадра кўчайлик:

Шарқ сиёsat дунёсининг айнуқса турклик оламининг миясини айландирган масалалардан бири ва биринчиси имло саёсатидир. Шарқ саёсиянларининг баъзиларининг сўзларига қарағанда шарқнинг бутун озодлиги ҳам шу имло саёсатига келиб боғланур экан.

Бу кунгача имло политикаси қочиқ урушувлари каби, ундан-бундан парт-пурт товиш чиқариб қўйса ҳам лекин кейинги кунларда ойнуқса Тошканда жиддий суратка кириб кетди. Тошканда маъориф курутойи бўлуб, белгуланган қурутой «имло харб майдони» тусини олиб юборди. Бутун қиши бўйи бир бирисига қарши тишини ғижирлатиб келган икки фирмә ихтиёrsиз суратда бир-бирига ҳужум қилишди.

Аҳволнинг битишига қарағанда, чапларнинг муваффақияти очиқ кўриниб қолди. Чунки чапларнинг авангардларидан бўлған Фитрат ҳалфа⁶ Бухорога кетканидан бери кечакундуз тинмай, ўзининг негиз қўйған масаласига муваффақият тилаб ҳазрат Баҳоваддиннинг⁷ даҳмасидан бир қариш ҳам ажралмаган. Ривоятларга қарағанда, унинг дуоси

¹ Генуя конференцияси — 1922 йилнинг 10 апрел — 19 май кунлари Италиянинг Генуя шаҳрида ўтказилган ҳалқаро иқтисодий, молиявий конференция. Унда 29 давлат қатнашган. Конференция биринчи жаҳон урушидан сўнг Марказий ва Шарқий Европа иқтисодиетини тиклаш программасини ишлаб чиқиши мақсадида чакирилиб, унда асосан Совет ҳукуматини капиталистик мамалакатларга иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан бўйсундиришга уринилган.

² Ижмоли саёсий — сиёсий воқеалар хуносаси.

³ Иштибоқ — шубҳа.

⁴ Утта — униси, анови.

⁵ Хуш алҳон — еқимли овоз.

мустажоб⁶ бўлған дейдирлар. Бироқ, ўнгларниң бошлиқларидан саналған Мунаввар қори гарчи ҳазрат Шайхқовандитахур мозоридан бир қариш ажралмай гунаб ва кунаб чиқсан бўлса ҳам, лекин бузрукнинг назари асносида кўпинча мудраб юфил қолди, дейдирлар. Хўқанд атрофи Ашурали Зоҳирий ишоратида бўлса ҳам, бироқ ул амалий ишлар ишлай олмаған. Чунки бу кунгача ул чаплар билан биринчи тўқнашувда олған жароҳатини гузатмак билан саргардон бўлуб, бошқа ҳозирликлар кўра олмаған экан.

Ишончилик манбалардан олинған хабарларга қарағанда, бу даҳшатлик фожиъани ўз фойдалари билан битирмак учун ҳар икки томон ўз вакилларини дуогўй Назир маҳзум узлатхонасига киргизиб, назир берриб ҳолисона дуолар олған эканлар. Биринчидан Назир маҳзумнинг кўнглиниң юмшоқлиги, иккинчидан ўзининг ҳам қайси ёққа ўтмакка бўлған тарафдуди сабаблари билан ҳали бир гарафка ҳам дуои хайр қиласиги маълум бўлмай, бир томоннинг муваффақияти ва иккичининг мағлубиятига йўл бермай қолраналиги маълум бўлди.

Имло политикасидан бошқа масалаларга ўтканда қурултой ағзоларининг турлук томонга гуруб кетиб, устол ёнида президиумнинг ёлғуз қолған вақтларидағи тинчликлардан кўз юмуб ўтилса «мухораба — қонлиқ борди» демакка арзигулиқдир.

Бу тўғридағи афкори умумияга⁷ келганда ишлар бундайдир:

Тошканднинг Яхъяхўжа эшон, Этемас эшон ва Чўпқўймас эшонлари кеча-кундуз йиглаб-сихтаб Мунаввар қори ва Авлоний⁸ ҳаққира дуо қилиб, чапларга лаънат ёғдириб ётадирлар.

Шарқда имло саёсати ва хорижий давлатларнинг қараши масаласига тўхтағанда иш бундай борадир:

Лўйд Жорж лўрдлар палатасида: «Шарқдаги янги имло политикаси агар ишқа ошса, Ҳиндистоннинг исёнига ҳам буюк таъсири бўлмай қолмас» деган.⁹ Пуанқара ўзининг олий шўрода сўзлаган сўзи орасида: «Генуя канференсияси биз учун на даража машъум бўлса, шарқнинг имло политикаси ҳам шунчалиқдир» деган.¹⁰

«Наримон Наримонов» ўзининг бир тўрба лотин ҳарфларини орқалаб Туркистон йўлиға чиқди» деган хабарлар юрса ҳам, бироқ бу ишончилик манбадан олинған хабарга ўхшамайдир.¹¹

⁶ Мустажоб — қабул бўлиш.

⁷ Афкори умумия — жамоат фикри

⁸ Ҳакикатан 20-йиллар бошида Ҳиндистонда Маҳатма Ганди бишгичигида инглизларга қарши миллий озодлик ҳаракатлари авж олган ва ҳатто ҳиндлар билан Ўрга Осие мусулмонларининг сиесий бирдамлик ҳаракатлари бошланган эди. Бу ҳадда Ахмад Закий Валидий ўти хотигизларидан ениб ўтади Албетта бу ҳаракатлардан капиталистик дуненинг ҳавотири табиий эди.

Генууда бўлиб ўтган иктисадий конференциянинг мақсади — капиталистик мамлакатлар Россияни биринчи жадон урушидан сўнг иктисадий томондан қамал қилиб ўтариға қарама ҳолатта келтириш эди. Улар Чор Россиясидан ўз қарзларини тўлашни ва кусусий муаллярни ўз ғаларига кайтарishiни талаб қилганиларди. Большевиклар Россияси аввал мачмакатта урушдан келтирилган зарарларни тўлаш шартини кўйиб, уларни ўйлатиб кўйган, охир оқибат совет ҳукуматини эътироғ этишига мажбур қиласан эди. Шунингдеги имлонинг ислолоқати ҳам асрлардан бери асоратда, жадончигда яшаб келаштан Ўрга Осие ҳалқарининг чиалий онгига ҳисса бўлиши ва бу орада турк миллатларининг ягона лотин алифбигига ўтиш ҳарикатлари бошланниб қолганлиги капиталистик кучларининг ҳаётини манфаатига катта ҳавф эди.

1922 йилда Бокуда Кавказ зиёдилари, адиллари, муаллимлари, ҳукумат ҳодимлари ва

Ҳар ҳолда имло мұхорабаси жуда дахшатлик бир равишта кириб бутун дүнёнінг диққатини ўзига торімоқдадыр.

Ҳар икки томоннинг қаҳрамонлари сафка!

Жулкунбой.
«Қазақ байроқ» — 1922 шул, 15 апрел

АЗОБ БОҚЧАСИДА — ЙИГИ-СИҒИ КЕЧАСИ

Кичкина фелеттүн

23-нчи апрель деворда «Роҳат боқчаси»¹ бўлатурған «Қизиқ кечаси»²нинг Үратепанинг суфрасидек башоратномасини (опишасини) кўрдим-да, дарров ҳимм..., исни-бисга қўймасдан миям золига умумий мажлис йигиб, буқун кечқурун қизиқ кечасига ташрифи қудум³ этмакка қарор ҳам бериб қўйдим. Чунки кўбдан бери бундай қизиқ кечаларидан четда — шукул қайғу кечалари, кулфат водийларида кезиб, бунингдак кечаларга муштоқ эдим — ташна эдим. Кечқурун ўзимга ўхшаған бир дўстимнинг бормаганига ҳам қўймасдан судраб қизиқ кечасига югурдик. Боқчада кишилар кўб бўлмасалар ҳам йўқ эмас эдилар. Дўстим билан ман кўбдан бери бундай маданият боқчалариға келмаганиligимиздан, юриш-туришимиз ва кийим солимимиз⁴ ваҳшийларча бўлмаса ҳам далатобларча эди. Маданият боқчасининг маданий йигитлари бизга: «Шу аҳволларинг билан санларга ҳам маданият боқчаси ҳайми?... демасалар ҳам уларнинг маънолиқ этиб бизга боқишлиари бу сўзни ифода қилиб бизни туртмоқда эди. Биз ўзимизнинг бундай таназзулда⁵ қолғанилиғимиз учун уялдик, ҳасратландик.

Маданият боқчасининг маданий йигитлари ўз ёнларида битта-битта топилса «туташ»⁶ топилмаса «баба» етаклаб юрганиларини кўриб биз афсус қила бошладиқ, чунки биз ҳам овилдаги чечалардан⁷ иккитасини олиб келган бўлсақ, етаклашиб юрган бўлар эдик. Энди кейинги галда уч-тўрттасини олиб келмакни дўстимиз билан аҳд этишдик.

«Қизиқ кечаси»нинг бошлануви соат 8 га белгуланган бўлса ҳам артистлардан иккисининг марги мағожот⁸ билан марҳум бўлуб қолмоги қизиқ кечасини соат 10 дан бошламоққа мажбур этди. Кўб кишилар бу икки марҳумни гупроққа топширмоқ учун узатиб кетканликдан табиий «Роҳат боқчаси»нинг хилватхонаси томошачилардан бўш қолди. Шу ҳолда ўюн бошланувини кутуб мудраб ўлтурсам бутун хил-

Туркянининг вакильлари иштироқида араб алифбосини лотин алифбосига алмаштириш масаласи хусусида биринчи марта конференция очилади ва унда Наримонов бу ҳаракат Кавказ ва Туркистон ўллагига муносаб эканалигини еклаб нутк сўзлайди. Муаллиф шу воқеани пазарда тутяпти.

¹ «Роҳат боқчаси» — бу боғ сабиқ «Ғишти масжид» билан «Хўжа рўшнон» маҳалласининг орасида, ҳозирги Қодирий боғи билан циркнинг орасида бўлган, маъориф шуъбасининг қарамо-рида бўлган

² Ташрифи ташриф буюриш.

³ Қийим-солим — киним-кечак.

⁴ Таназзул — ўзини пастда тутиш.

⁵ Туташ — хоним, жонон.

⁶ Чеки — келинойи.

⁷ Марги мағожот — фожиали ўлим.



ватхонани «шал-шуп, шап-шуп» босуб кетди. Кўзимни очуб қарасам қатор-қатор эшиқдан курбақалар кирадирлар.

— Хи, хи, хи... курбақалар ҳам маҳлукми?

— Маҳлук, маҳлук! Булар маданий маҳлуклар! Боқча идораси киши йўқлиқдан билетларни қурбақаларга сотмай кимга сотсин?⁸ Нихоят тўрт кўз, қирқ қулоқ билан кутканимиз қизиқ кечаси бошлануб парда кўтарилиди. Биринчи парда «Уй тарбиясининг бир шакли» — тўғрисини айтканда чин қизиқлик. Аммо бунда бошламасиданоқ қайғу-ҳасрат иси онқуб кетди. Кулгуда иштирок эткан ҳамма ортистлар ҳам марги мафожот билан марҳум бўлган икки дўстлари учун қайгулиқ здилар. Қайғусига чидалмаган артистлардан иккиси ибтидо парда очилишидан ўпкаларини тутолмай ҳалқга орқа бериб истинага⁹ салом бериб тўхтадилар. Тағин бирисининг кўзидан оққан ёши соқолини хўл қилдида оз қолдики соқоли тушуб кетиб, ўзи шарманда бўлсун. Яхшики вақтида саҳнадан қочиб қолиб бу расволикдан қутулди. Орсизларнинг бу ҳолларига биз томошачи (публик)ларнинг ҳам инсоният ҳисларимиз жим ёта олмади. Нихоят биз ҳам йиглаша бошлаб пиққилий-пиққилий аранг биринчи пардани тутатдик. Иккинчи пардада «Турсунали Балли боди» ўйналди. Бу пардада ҳам кулагу ўрнига йиги-сиги авж олиб, саҳна билан золда аросат бошланди. Ёғиз золдағи инсонларғина эмас ҳатто томошачи қурбақалар ҳам чуриллаша бошладилар.

Зол саҳнада рўзи маҳшар эди. Лекин бу фавқулодда ҳолларға чи долмаган баъзи тентаклар кеча мудириға. «Сиз билан артистларингизга бу шармандаликларнинг нима зарурати бор?» деб савол киргuzган здилар, саволлариға қарши: «Ўзи байида шунақа» деган жавоб олиб бироз тинчландилар.

Ман билан дўстим бундай йиги-сиги мажлисларидан ортиқ тўйган ва учунчи пардада «Ҳамشاҳар манзили»¹⁰ ўйналатурган бўғанлиқдан бунисини кетмай кетмакка мажбур бўлдик.

«Бирники мингта, мингники туманга» дегандак, ярим иўлга келганда милитсиялар «Военний положение»¹¹ деб бизни ушладилар. Элтуб ертўлага ётқуздилар. Бугун туни биз ер тўлада «Қизиқ кечаси» ҳақида ажиб, ғарип тушлар кўруб чиқдик.

Азоб боқчасининг муассасаларига ва ўзбек «орсизлар» тўдасига марги мафожот тилаб ер тўла ичидан: Жулқунбой Думбулбой ўғли.

«Қизил байроқ», 1922 йил, 28 апрел

Бордан нарида, пастайқдан оқиб утадиган «Жанггоҳ» сувининг четидаги ботқоклиқда курбақалар жуда кўп бўлган экан. Муаллиф шунга ишора қиласпти

⁸ Истина — сцена, саҳна.

«Уй тарбиясининг бир шакли», «Турсунали балли боди», «Ҳамшаҳар манзили» пьесалари Озарбайжон адабиарининг асари

Военное положение — муаллиф мамлакатда ҳали ҳам давом этадиган «ҳарбий коммунизм» ҳолати ва босмачилик ҳаракати авж олганларига сабабли жорий қилинган ҳарбий ҳолатта ишора қиласпти.

ҚАЗОИИ ОСМОНИЙЛАР

Кичкина фелеттүн

Шу кеча-кундузда бир қанча қазои осмонийлар¹ ёғилиб кетди. Жумладан:

— «Инқилоб» журналиға материал топа олмағани учун ўртоқ Назир Тұрақулов² истироҳат бақонаси билан Хитойға қочиб кетмакчи бўлиб турадир.

— «Инқилоб» журналининг кўмакчи муҳаррири бўлган зот бобаракот² Бўлат Солиев³ бир неча вақтдан бери Бухорода эътикофда³ эли. Энди Тошканд қишлоқларидағи азизлар қабрин тунаб чиқмоқға азмаланиб йўлга чиқған. Тунашдан сўнг Бўлат афандининг аҳли карамотдан⁴ бўлиши кутиладир.

— «Инқилоб» журналимиз масъул мудири Ҳоди Файзий⁵ афанди адресини «Инқилоб»га тикишдирди-да ўзи алла қайси гўрга қочди.

— Йилдаги каби бу йил ҳам тош қизиги бўлув билан Шапоқ маҳзумнинг⁶ жунуни⁶ қўзғаб, қишангга тушаёзди. Ривоятларга қарағанда «Қизил байроқ» газетаси кундалик қилинмаса қишангни ҳам узмоқчи эмиш.⁷

— Ички Русияда ун ўғрилари кўпайгани учун Пиёнбозорнинг⁸ унфуруш жуҳудлари Тошканд фуқароларининг қонлари баробарига инсофларини сота бошладилар.

— Татар адилларидан бўлган Абдураҳмон Саъдий⁹ билан Неъмат Ҳаким¹⁰ ибдошлар⁹ елимлик тил талаша бошладилар.¹⁰

— Машҳур ёзғувчи Кабир Бакир¹¹ афанди Бухоро билан Тошканд орасида испикулатсия бутхонасиға чўқинуб турадир. Кейинги кунларда «чин ҳақиқат ёзууда эмас, бозорда экан» лигини ҳам улуг бир митинде лексия тариқасида сўзлаган¹¹.

— Композитор Гулом Зафарий қиши бўйи эрмак қилиб чиқған «Чин Темир ботур» операсини илмий ҳайъатка яхши баҳо билан сошиб, эълони ифлос¹² қилди. Энди бундай опералар ёзиб, тириклик

¹ Қазои осмоний — Оллоҳнинг ҳукми билан бўлган ишлар.

² Бобаракот — Оллоҳнинг марҳаматига сазовор бўлган.

³ Эътикофда ўтириш — рамазон ойида масжида билан кундан ўн кунгача тоат-ибодат билан машгул бўлиш.

⁴ Аҳли каромат — авлиё.

⁵ Шапоқ маҳдум — Ғози Юнуснинг мустаор таҳаллуси.

⁶ Жунун — жиннилиқ.

⁷ Ўша вақтда «Қизил байроқ» газетаси ҳафтада иккى-уч марта чиқған.

⁸ Пиёнбозор — бозор ҳозирги «Навоий» номли опера балет театрининг ўрнида бўлган.

⁹ Ибдош — ишташ (татарча) — ўртоқ, дўст.

¹⁰ Татар адабиётшунослари Н. Ҳаким ва А. Саъдий, рус тиъшуноси Е. Д. Поливанов ва Элбеклар «Тил — имло қурултойи» кунларида турк тиллари қонун-қоидаларини таҳлил қилиб мақолалар ёздишлар. Маълумки мўгул-турк тиллари ўзакка кўшимча қўшиш орқали (аплутинация), ҳинд-европа тиллари эса ички ўзаги ўзагириб (флексия, зъроб) сўз ясалади. Бу хоссани Н. Ҳаким «Қизил Байроқ» газетасидаги «Ҳарф — имло масаласи» номли мақоласида «елимлик тил» деб. А. Саъдий эса «Инқилоб» журналидаги «Турк тилларининг қонун ва қоидаларин ўрганиш ҳам тузища асослар» номли мақоласида «туташма тил» деб ифодалайди. А. Саъдий мақоласида «келажақда тутапшалик билан овушмалиқларнинг (флектив) айирмаси йўқ бўлажакдир» деб зиёлилар орасида шов-шувага сабаб бўлган эди.

¹¹ Муаллиф машҳур матбаачи К. Бакир мамлакатда давом этаётган иқтисодий танглиқ туфайли ўз қасбидан кечиб савдо ишига шутуланиб кеттанидан киноя қиляпти.

¹² Эълони ифлос — бечораликни, қашшоқликни эълон қилиш.

ҚИЛМОҚ МУМКИН ЭКАНЛИГИГА ИМОН КЕЛТИРИБ, ХАЛҚ ЧҮПЧАКЛАРИНИ СҮРДІ,
ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ БЕЗОР ҚИЛА БОШЛАДІ.

ЖУЛҚУНБОЙ
«Қызыл байроқ», 1922 йыл, 13 май.

БИЛДИРИШЛАР

Хангама ЙҮҚОТДИМ

Башараларни сепкил босған, енгил хизматка хүй қилиб олған саккиз бош маржа йүқотдим. Даъволари баришналик бўлса ҳам ўзлари ҳомилаликлар. Дарак бергучиларга суюнчи берилур. Агарда Шайхантахур мозоридан топилиб қолсалар, эътибордан соқитдирлар.

Мирзавитс.

КАМИСИҮННИИ МАГАЗИН ОЧИЛДИ

Шаҳарда машҳур ишончлиқ муттаҳамлардан иборат камисиүнний магазин очилди. Дунёда бор ҳамма нарсаларни, масалан: одам, қумрон, жовли, тошбақа, курбақаларни сотиб бермакка қабул қиласадир. Камисия ҳаки жуда арzon: сотилиб берилган молнинг оқчаси арра. Оқча беришда ҳам бошқалар каби қистатилмайдир. Ярмисини мол сотилғанда берилмайдир, қолған ярмисини сира ҳам берилмайдир.

«ТИЛХАТ»

Манким, Туркистон ўзбекларининг вакилидирман: Берамап ушбу тилхатни Татаристон вакили ибдаш Абдураҳмон Сатъдийга шул хусус-даким, Чингиз, Оқсоқ Темир, Аҳмад Яссавий, намангонлик Шоҳ Машраб, Абу Али Сино... булалининг ҳаммаси ҳам татардирлар. Татар қариндошлар мазкурларни ҳар бир йўсун билан тасарруф этмакка ҳақдидирлар. Оқсоқ Темир, Аҳмад Яссавий, Шоҳ Машраб марҳумларнинг қабрларини бузуб наъшларини Татаристонга кўчирилганда ўзбеклар чурқ этмай, балки кўмак берурлар. Навоийнинг татарми ва ё ўзбекмилиги масаласи алоҳида бир ўлтуришда ҳал қилинур.

Ўзбек вакили: Думбулбоев.

БАҲО АРЗОН!

Бутун ҳуқуқлари билан мукаммал бир камбаралчилик сотилур. Бунинг билан тез кунда бойиса бўладир: эрталаб чой-нон ўрнига яхшилаб уч-тўрт мартаба оғизни каппа-каппа очиб ҳамёза тортасиз, тушда бир чимдимгина сабр еб қўясиз, кечкурун ёки ётарда бир ҳовуч қано-

ат ичиб юборасиз Шулар билан бир кунлик овқатингиз уч пул чиқимсиз ўтуб кетадир. Уч-турт кундан кейин ойнаға қараб кўрсангиз, боёнлиғингизни бемашаққат ажратса оласиз.

Баҳо жуда арzon!!

Билдиришлар мубошири:- Жулқунбой.

«Қиэзл байроқ», 1922 йил, 17 май.

НАФСИ ШАЙТОН

Ҳангама

Ҳангама талаб бўлсанг,
Шайҳантакурга йўрта бер,
Бир ноз эгаси қанжуқ —
Минг думсизни ўйнатур.

Ўқуғучи ўртоғим! Агар сиз манинг бу мақоламдари мавзуъ масаламга тегишлиги йўқ, бир эски мусулмон бўлсангиз ўзингизда иқори сархи саҳиҳи мўътабари шаръий қилурсиз!

Нимага дейсизми?

Ҳар кун кечаси Шайҳантакур бозори шабида¹ учрайтурганингиз маржалар² орқасидан эргашиб юритурган ўзимизнинг занжирсиз исковичларимизга!

Яна нимага дейсизми?

Волидаси билан ҳамширасининг упа-элиги ва ўсма-сурмасини ўғурулган навнусҳа ёшларимизга ва ўзларининг сунъий дийдори шарифига мафтун акаларнинг оғзидан оқдан сўлакайларига!

Ол-ҳа, ҳайитингиз муборак!

Бу сўнгри синф воғурушлар³ ҳақида марҳум парикмаҳер Ҳожининг қачоңдир манта: «ўзлари матоъларини бозорга солсалар на қиласай?» деган узуромуз сўзининг тўғрилиғига имон келтуруб ҳаммамиз ҳам файласуф Ҳаким ҳожининг руҳига дуо қиласайлик.

Домлаларча этканда олам ҳодис-де.

Хо-ҳо-ҳо-ҳо... Олам ҳодиснинг уйи куйсунки, ҳар кун кечаси шу ҳангама юз кўрсатса, ҳар бозори шаб бир мартабагина эмас, юз марталаб юз берса! Агар эсингиз бўлса, бунинг ўзи охир замон аломати...

Ёки бўлмаса нафси шайтон!..

Нафси шайтон? Агар нафси шайтон эндиғи кунларда шундай киши танимаслик бўлуб ўзгарган бўлмаса... астағуруллоҳ... Бизнинг илари-ги замонларда нафси шайтон деган нарса Мирза Бекёнтиснинг чиройлик пивохонасида бўлар эди. Наинки Шайҳантакур бобонинг⁴ гумбази устида!... Сиз ҳам ҳар кун кечаси кўтарсиз: милитсанинг гўристонлиқдан ушлаб чиқатурған тупша-тузук одамшавандада сочи тараған, думи

¹ Мубошир — бошқарувчи

² Бозори шаб — рўёла кунлари Шайҳантакурда ифтордан сўнг бошланиб саҳаргача давом этган, унда ҳар нарса сотилган. 1930 йилгача давом этган

³ Маржа — ўрис аёллари.

⁴ Воғуруш — маҳси, калиш, ковуш сотувчи; бу ерда ўзини бозорга солувчи маъносида.

⁵ Олам ҳодис — оламда булиб турадиган гап, воқеа.

юлук қиб-қызыл баркащдаккина юзлик сунъий афандихон ҳазратлари билан үзини фиръян қызи¹ билган дилбархон..ларни!..

Бали, бали, юзингдан нур томадир-а афандим?..

Бу ҳолни күрганлардан қайсиdir бир янги мусулмон эски мусулмонарга хитобан:

*Номига мусулмонлар,
Хақлиқда қуруқ жонлар!
Булғатди бобонг устин,
На бўлди мусулмониш! — дейдир.*

Яна бирови Шайҳантхаҳур бобоға қараб:

*Устингда ўтар ҳар тун
Бир минг жўра ҳайвонлик!
Эрдингку валийлардан²
На бўлди бузурвонлик?! — дейдир.*

Лекин бу хитоблар ортиқ бир таассуб³, аммо ҳақиқатка келганда: «Нағси шайтон!»⁴

Жулкунбой
«Қызыл байроқ», 1922 йил, 20 май.

ТАРБУЗ ҚЎЛТУҚДАН ТУШДИ

Ҳангама

(Генуя конференсиясидан олдин)

Эй... гапдан хабарингиз борми ҳали, ҳожи почча, «Карбало»ми, «Кирбало»ми⁵ деган мамлакатда «кампиримсе»⁶ бўлармиш. Ўзимизнинг большевой ҳалиги кампиримсегача қирилған бўлур эмиш. Катта қиронлар⁷ кампиримседа большевой вакилларига: «Кел энди қўй, бечора бойларингнинг, мулкдорларингнинг ерларини ўзларига қайтариб бер!» дер эмишлар Катта қиронларнинг сўзини қайтаришқа бизнинг большевойда ҳеч ҳад бўлмас эмиш. Худо: «Ол қулем» деб юборса, сизнинг ерингиз илгаригидек ботмон-ботмону, бизнинг қўра билан завўднинг ойлик келими милярд-чилярд-да!

— Ҳа, ҳа, Мулла Ходибойбачча, ҳали гап шундай денг-чи; сиз

Фиръян қызи — ривоят қилишларича пайтамбар Мусо алайхиссалом Миср подшоси Фиръянни «Оллоҳга имон келтир, кофирилкни қўй» деб кўп марта исломга даъват қиласди. Аммо Фиръян ҳар гал «мен ўзим тудоман, еру-кўкни чен яратдим, ҳалойик, мени ҳукмимда» деб кибрланади, найранг қиласди. Охири-оқибат Оллоҳ таоло Фиръянни шаккоклиги учун аскаралари билан бирга денизга ёарқ қиласди. Бу ерда муаллиф маржаларнинг кибр-ҳаволалашини Фиръяннинг қизига ўхшатяпти.

¹ Вали — авлиё, азиз.

² Бузурвон — бузургвор, улут

³ Таассуб — ўхшатиш

⁴ Нағси шайтон — шайтоннинг измига тушиш, гумроҳлик.

⁵ Карбало — Генуя (муал.).

⁶ Кампиримсе — конференсия, форсича бўлганда «кампирим уч» (уч хотун) (муал.)

⁷ Қирон — маҷлакат, давлат.



билин меним молимиз закотлиқда, на ўтда куйсун ва на сувда оқсун!
Ҳали Фарангистонда «Кампирим чор»⁴ бўладир дeng-чи?

— Шундай, ҳожи почча, агар иш ўнгланиб кетса, «кампиримсе»ги-на эмас, сиз билан бизнинг кампиримиз шаш⁵, ҳожи почча, дуода бўлинг — дуода!

Канференсиянинг боришини кўруб:

— Келинг-келинг мулла Ходи, иш эбланаёздими, «кампиримсий»-дан нима хабарлар бор?

— Эй-й, большевойнинг уйи куйсун, ҳожи почча, худда тош-метин падар лаънати!... Қиронлар шунча афсунгарлик қилсалар ҳам большевойнинг Чечанбойи⁶ кўнатурған болага ўхшамайдир. Чечанбой «мулк қайтариб бериш қаёқда, мулк бўлса тагин ҳам оламан!» дейдир, ноинсоф! Большевойини жуда ҳам қайтгани экан, худо бехабар!

— Ўбба худо бехабар Чечанбоя?

— Х-а-а-а, ҳожи почча, жудаям пес экан.

— Мулла Буртул⁷ нима дейди?

— Эй-й, ҳожи почча, мулла Буртулбойнинг сўзи сиз билан бизнинг қоидамиз эди-я, лекин бўлмайтурғанга ўхшайдир. Мулла Буртул сиз ва биз учун чирана-чирана ўлаёзибдир!..

— Ўб бечора мулла Буртул, чулчутнинг кўлиға кирган нарса қайтуб чиқмас демайми эдим?.. Энди еримиз бадар кетди дeng-чи, уйи куйсун большевойнинг, ер ютсун большевойни!

— Қўлдан чиқди — кетди, ҳожи почча, маним қўрам билан завўдимнинг ўзи ҳам эскириб қолған эди.

— Сиз уни айтасиз мулла Ходи, еримнинг ўртасидан ўпқон чиқғанидан хабарингиз йўқми, ҳали?..

Жулқунбой.
«Қизил Байроқ» 1922 йил, 23 май.

САРТ ОФА-ИНИЛАРГА

Ҳангама

(Бир сиркуляр)

«Тарихий ҳалокат олдинга» мақоласининг эгаси машхур Олимжон Иброҳимовга⁸ бағишланадир

Тепа чочинг тик турдими, ўзбек ака? Бу галча кечирасан мани, чунки юқоридағи ғайритабии сарлавҳамни Остромумов⁹ тўра даврини эска туширмак учун ва бу кундаги баъзи қозоқ, тотор, нўйой зиёлиларининг ҳотири шарифларини олмоқ тилагида ёзил юбордим. Йўқса манда ҳад бўлхаймики дўндиқ¹⁰ ва шинам- «ўзбек» сўзининг бир тола мўйини ҳам қиласай ва ё «ўзбек» сўзининг алифини тескари қўяй?¹¹

¹ Кампирим тўрт. (муал.)

² Кампирим олти. (муал.)

³ Латиф маъносидা

Келишимлик

⁴ Араб имлосида «ўзбек» сўзининг бош ҳарфи алиф билан бошланиб, алифти тескари қўйилса яна алиф ҳолида қолаверади, лекин муаллиф ҳаелидаги бу ҳадди учун ҳам узр сўраб ўтгапти.



Тангрим сақласун бундай озғуналиқдан, түзғуналиқдан!

Бундаги «Узбек оға-иниларга» ўрниға «сарт» деб көтүвим юқорида саналған баъзи озғулар тушинсун учун, билсун учун «ўзбек» сўзини онгламасдан «Чигатой луготи»ға мурожаат ва қадам ранжида қилмасунлар учундир.

— Еинки сизники чаккими?.. Шу балияга¹ гирифтор бўлған ўзбек оға-инилардан каминага ҳамиша зорланиш хатлари ва бу балодан қутулмоққа тадбирлар сўраб мурожаатномалар кела бошлағач умумий равища ушбу сиркуляримни² ёзмоқға мажбур бўлдим. Хафа бўлмангиз ўқувчи; сиркуляримнинг «Мулла Насриддиннинг думи хуржинда»сига³ ўхшаб кетканига ҳозир ўзим ҳам тушуниб қолдим. Энди қозоқнинг бир мирилигидақ қилиб белингизга тутуб берай.

Сойи Идил⁴ бўйидан очиқиб Туркистонға келган татар қариндошларнинг хотун-қизларига бизнинг ўзбекларнинг баъзилари «ўзимизнинг мусулмон-ку» деб ва баъзилари «томиримиз, ҳаммамиз бир отанинг ва бир туркнинг боласику» деб уйлана бошлаған ва татар қариндошларға куёв бола бўлмоқ истаган эканлар. Келиннинг Идил бўйидан кийиб келган увадаси ўрниға янги кийим, янги зийнатлар ҳам олиб бериб хотунлиқға олур эканлар.

Лекин «сут билан кирган жон билан чиқар» мақоли билан ўсканлари учунми ва ё «сарт»нинг ўзи шундай жазога мустаҳиқми⁵, нимадан бўлса ҳам ҳалиги сарғға эрга чиққан Идил бўйи келини узоқ чидаса икки кун, бўлмаса биринчи куннинг ўзида ё ошға қорни тўюб, кекириб эрининг кўзини шамрилат қилиб бекиниб бутун янги кийимларини кўтаруб, тўғри келгурса тарин бошқа нарсаларини уруб алла қаёққа қочиб кетар экан. Бизнинг ўзбек «энди оғзим ошға, бошим бошға тегди» деганда пулдан, молдан, келиндан ажраб қолур экан.

Мана мундан тадбир сўраб мурожаат қилғучилар шу йўсундаги ўзбеклар эдилар.

Шундай положенияга⁶ тушкан ва мундан кейин Идил келинига уйланмакчи бўлған оғаларға васиятим:

1) — Биринчи мартабадан уйланатурғанингиз Идил бўйи келининг сизни ким деб билганини илгари билиб олингиз. «Ўзбексан» деса қулоқ қоқмай уйлана берингиз. «Сартсан» деса ундей никоҳдан ҳазар қилингиз! Чунки татарлар «сарт» сўзини «алдовға қобил» бир маънода англайдирлар.

2) — Шу тажрибани ўтказмасдан уйланиб қўйған бўлсангиз, бутун

¹ Балия — бало, оғат.

² Сиркуляр — циркуляр — юқори ташкилотнинг қўйи ташкилотта кўрсатмаси.

³ Афанди шагини сотиш учун боррга олиб кетаётган экан. Йўлда ботқоқдан утаётib думи юй бўлити. «Шу арзимаган нарса учун ҳаридорга хунук кўринимасин» деб шагини думини кесиб хуржунига олиб олибти Бозорда бир ҳаридор⁷. Хўт яхши шак экану, думи йўқ, эканда — деган экан. Афанди унга — Ёқдан бўлса савдосини қильавер, думи хуржунда, — дебти.

⁴ Сойи Ишші — Волга дареси.

⁵ Мустаҳиқ — муносаб, лойик.

⁶ Положение — ҳолат.

иши күчингизни таишлаб Идил бўйи келинини пойлангиз. Чунки сизни алдаб қочмоги яқин эҳтимоллардацдир.

3) — Яхшиси Идил бўйи қизига уйланмангиз, негаки «Тепкан билан қўшуулмайдир» мақоли кўб тажрибалар сўнгидаги айтилгандир...

Жулқунбой
«Қизил байроқ», 1922 йил, 3 июн.

ҲАҚИҚАТ — ОЧИБ СУЗЛАШДАДИР

«Қизил байроқ» газетасининг 179-чи сонида «Ўзбек қариндошларимизнинг диққатларига¹ сарлаавҳалик, «Оқ жўл» газетасининг кейинги сонларининг бирида босилган: «Топкандни (дурусти Сирдарё обlastини) «Қозогистонга қўшмоқ» мақоласи билан ҳаяжонга келган ўзбек ёшларининг (ҳаяжонланувчи ва нафсига тегувчилар ёлғуз ёшлар бўлмасалар керак) юзларига сув сепмак нияти холисонаси билан бошда ўртоқ Назир Тўрақулов (Дарвеш) бўлғанлари ҳолда «Оқ жўл» газетасининг идораси томонидан баённамо ва узурнамо бир нарса босилиб ўтди.

Гарчи биз «Оқ жўл»да ёзган бовуришимизнинг² «яхши ният ёрти мол» йўллиқ мақоласига у даража илтифот этмаган ва баъзи ўзбек оғаларимиз каби нафсимизга тегизмаган бўлсақда бизнингча, эътизор³ ва баённомаларга арзугулук бўлмаган «Ҳалво деган билан оғиз чучри?...» мақоласига баённомалар ёзиб ўлтурғанлари учун бу ҳақда бир неча йўл қораламоқ мажбурияти остида қолдик.

Баённома юқорида зикр этилгандек, нафсига теккан, қони қизиган, кутулмаган жойда маъюсият⁴ пайдо қиласан... (қандай маъюсият бўлсун, ажабо?)⁵ ўзбек ёшларига баённома ва тавзиҳот⁶ хизматини ўтарлиқ эмас эди.

Баённомада ўзбек ёшларининг насфларига теккан қўпол нуқтанинг икки ўрунда эканлагини кашф этиб, уларнинг бирисини «Топкандни қозоқ бовурларға бермак», иккинчисини «сарт бовурлар» сўзидаги «сарт» таъбирида деб кўрсаталар. Ўзбек ёшларининг нафсига тегиб маъюсиятларига боис бўлған нуқталарнинг биринчиси ҳар қанча баённома — тавзиҳот ва кўнтилдан чиқаришлар учун сазо⁷ бўлса, аммо иккинчиси (сарт таъбири) баённомалар ёзуб ўлтурмоқ учун арзугулук бир нарса эмас эди, гарчи ўзбекларга берилиб келмоқда булған ўрунсиз бу исм, ҳар бир ўзбек боласи учун ўзининг ярамас ачимсук таъсирини бермай қўймаса-да, лекин биз энди айнуқса бовурларимиз-

¹ Бу мақома китоб охирига илова қилиб берилиди.

² «Оқ жўл» — Туркистон республикаси М. К. КП ва МИК органи Газета 1922—24 йилларда Тошкентда қозоқ тилида чиқди.

³ Бовур — биродар, дуст

⁴ Эътизор — утргу сўраш

⁵ Маъюсият — умидсизлик

⁶ Тавзиҳот — баттафсил изоҳлаш.

⁷ Сазо — савовор, лойик

нинг «ҳур» оғизларидан бу таъбирини ҳозирғи «Оқ жўл» ва ўткандағи бошқа қозоқ матбуотида кўра-кўра бу тўрида сукутни хайрлироқ билиб, «қозоқ бовурлар бизни сарт атаса нима, ўзбек деса нима?» деган қарорға ҳам келгандирмиз. Иккинчи ибора билан айтканда, бовурларпинг «сарт» таъбирларига биз ҳеч бир аччиғланмаймиз. Бунга яхши ишонингиз. Шунинг учун баённома ва тавзиҳотлар ёзуб ўлтуришлар, бизнингча, ортуқ бир тақаллуф, чексиз бир меҳрибончилик эди...

Баённома мақоласининг борлиқ мундарижа ва руҳи тағин шу кейинги бизнингча (қозоқ бовурларни мустасно қилганда) аҳамиятсиз бўлған нуқтага қаратилиб, биринчиси (энг аҳамиятлиги) гўё нўл, гўё йўқ, ҳукмида қолдирилған. Холбуки баённома ва тавзиҳотлар учун (агарда кўнгилдан чиқармоқ учун меҳрибончиликлари қавий,⁸ бўлған бўлса) энг сазо ўрин биринчиси эди. Лекин бу нуқтага кишини ҳайрон қолдирарлиқ даражада бир усталиқ билан, қисқа ҳам маъносиз бўлмасада, шунга яқинроқ ўн-ўн беш йўл изоҳот ва баёнот, бошқача таъбирда айтканда «ёш болара татти ялатиш» қабилидан «Оқ жўл»да ёзилған ҳалво..га шарҳина боғланган ва бунда нафсиға теккан ўзбекларни тинчтарлик бир нарса бўлмай «Оқ жўл»да соғдилона (!) ёзилған ва ўзбекларни янглиш тутокдирған бир ҳол устига керосин сепиш хизматинигина ўтаган!...

Биз бу биринчи нуқта (борлиғи ўн беш йўл) баённомаси тўғрисида шунигина айтамиз: «Оқ жўл»да ёзилған соғдилона ҳалво... ўзимизнинг бирга тукуб, бирга ўскан қозоқ бовурларимиз тилида ёзилған бўлуб, Қалмоқ ва ё Хитой тилида эмас эдик, бунга шарҳлар, изоҳлар, ҳошиялар ёзилсун! Ўзбеклар соғдилона мақолага таржимонсиз тушунуб ранжиган эдилар. Шунинг учун икки оранинг бошида турған ўртоқнинг таржимонлиқ хизматини ўташлари фойдасиз бўлуб чиқсан! Ўн беш йўллиқ баённоманинг охирида: «мақоланинг ҳарфидан, маъносидан бошқача бир фикр чиқармоқ мумкин эмас» дейиладир. Бу тўғри, чиндан ҳам ўзбек ёшлигининг нафсларига теккан нарса бошқа маънони тушунуб эмас, балки юқоридаги таржимоннинг, ҳошиянинг, баённоманинг ҳудда ўзини онглаб эди.

«Оқ жўл» ва муҳаррири ўртоқ Тўракулов биринчи нуқта ҳақида ушбу тўрт энлик таржима билан кифоялангач, бутун баённомаларнинг қолған ўш беш кулоchlаб қисмини «сарт» сўзи устига кўчирадирлар.

Баённомада зикр этилган каби биз ўзбеклар кимлар томонидан бўлса бўлсун исмимизга қайси мақсад биланцир тақиғлан «сарт» сўзига қарши курашдик ва натижада ҳақиқатпараст татар қариндошлар, ҳатто ўрус ўртоқлар бизнинг датвомизнинг тўғрилиғига имон келтуруб ўз матбуотларида бўлсун ва хусусий мумалаларида бўлсун «сарт» сўзи ўрниға «ўзбек» деб юрита бошладилар. (Бундан албатта ўрус ва татарларнинг, авомлари⁹ мустаснолар). Лекин ҳол шундай экан, ўз орамиздаги бальзи яқинларимизнинг авомларигина эмас, ҳатто «мана» деган хос (хавос)ларининг¹⁰ ҳам нима учундир бу қуёшдан ҳам ёргулоқ

⁸ Қавий — кучайиш

⁹ Авом — оддий ҳалл

¹⁰ Хос — юқори табака одамлари

бир ҳақиқат яқинига йўлагилари келмади. Бу кейинги синф оғзидағи тиょқсизликқа қаноатланмай матбуотларида ҳам шу йўсун менсимаслик билан мудовамат¹¹ этиб келадирлар. Аммо бунга биз ҳафа бўлмаймиз ва бўлмадик. Нима учунким «Оқ жўл»нинг суги шунинг билан қотқан. Бизнинг ҳафаланишимизга Сўфимизнинг Насиҳат тингламас дил саҳти маҳжуб¹², Кўкармас тошга ёмғур ёғса ҳам кўб, — деган маънолик байти сад чекса¹³, боболарнинг «Гул тикансиз, қўй бўрисиз бўлмас» деган ҳикматлик сўзлари ҳам йўл бермайдир.

Баённомада буюк бир ҳарорат билан ўрун берилган «сарт сўзи» баҳси тўғрисида сукут этиб ўтмак асл мақсадимиз бўлса ҳам лекин байённоманинг бу қисмида бир-бирисига зид муаммолар ва ҳақиқатдан йироқ даъволар бор бўлғанлиқдан иложсиз тағин бир неча йўлларни қораламоққа мажбур бўлдик.

Саёсиёт ва тараққиёт тўғриларидан дам уруб келингач, дейиладир: «Бу кун келамизки, «сарт» сўзини бирор киши атиглаб ижод этмаган. Уйғур адабиётининг шоҳ асари бўлган «Қудатту билик»да¹⁴ ўзбек — чиратой адабиётининг муҳтарам ва биз томондан (қозоқ томондан) ҳам азиз кўрилган Амир Алишер Навоийнинг¹⁵, гўзал ашъорида¹⁶, Бобурнинг кенг руҳлиқ, ўз замонига очиқ фикрлик «Бобурнома»сида бу сарт сўзини кўрамиз».

Жуда яхши, буни ҳаммамиз ҳам кўрамиз. Лекин кўришда кўриш бор. Навоий ўзининг гўзал ашъорида (очуқроқ «Мұҳокаматул-луғатайн» асарида) «Сарт» деб ҳозирги батъи қариндошлар каби ўзбекни кўрсатадирми ва ё бошқаларними? Мирзо Бобур «сарт» деб ўзбекни белгуладирми ва ё ўз олдиға бошқа бир ургу ташкил эткан халқними?

Бизнингча қайта бошдан «Бобурнома»нинг ва Навоийнинг ашъоридан кўра «Мұҳокаматул луғатайн» тилини яхшилаб кўздан кечирилса, татбиқот тағин ҳам гўзалрак чиқар эди, биз бу ўрунда «Бобурнома» билан Навоийдан далиллар келтурмакка ўйланиб тўхтадик. Чунки «Оқ жўл» идораси ва муҳаррири ўртоқнинг «сарт» сўзи тўғрисидағи пеш келтурган «Қудатту билик», «Бобурнома» ва Навоийларни қайси муддаода орага солғанлариға тушунаолмай тараффудда қолдик, муаммо деб билдик. Чунки «сарт бовурлари» жумласини қувватламак бўлинған бўлса «сарт» сўзи маъносининг мажхулияти билан қатъий ҳукмига «Келажақдаги фаний ҳимматларга» лузум қолмас эди. Агарда дунёда «сарт» деган бир қавм бор»лиғи учун неча ва неча далил ва исботлар келтуруб машшақатланған бўлса бутун машақатлар ҳавога кетди, демакдир. Чунки, ўзбеклар ҳеч бир ўрунда, ҳеч бир маконда «дунёда сарт деган маҳлук йўқ» деб даъво этмадилар ва этмаслар. Бу тўғрида «Оқ жўл ва унинг муҳаррири билан ҳамфикр ва «якранг»дирлар. «Аср-

¹¹ Мудовамат — давом эттириш

¹² Саҳти маҳжуб — қаттиқ пардалапган

¹³ Сад чекмоқ — юв бўлмок, йўл бермаслик

¹⁴ «Қудатту билик» — муаллифи шоир Юсуф Ҳос Ҳожиб, ўн биринчи асрда ҳозирги Шарқий Туркистанда яшаб ўтган.

¹⁵ Фазлу — камоли учун ҳам Абайни азиз кўрамиз. (муал.).

¹⁶ Ашъор — шеърлар.

лардан бери халқ оғзида келаётқан бир сўзни уч-тўрт кунда битирмак мүмкін эмас» дейдилар. Мўътабар «Оқ жўл» идораси ва унинг муҳаррири ўртоқлар ўз орамизда бўлсун ва татар қариңдошлар ҳам ўруслар ўртоқлар ўрталарида бўлсун энди «сарт» масаласи ҳал этилган ҳукмидадир.

Яна бу ҳақда фаний татбиқотлар ижро этмакка ҳақиқатнараст қозоқ оға-иниларининг иштиёқ ва завқлари бўлур экан, марҳамат этиб ёзсуналар, текширсунлар, ҳақиқат учун бизнинг жонимиз қурбон.

«Ўзбекнинг ўзида ҳозирларда шаҳар халқини ҳануз сарт деб тўлуб ётқан мақолалар чиқармиш...»

Баённома эгаларининг бу жумлалари ичларида тўлқуланмоқда бўлған кучлик бир фикрнинг учқунидир. Лекин бу учқун саёсатчи оғизлардан жуда эҳтиёт билан чиқсан бўлсалар ҳам бизга ҳақиқат ҳолнинг ботинини оғдариб кўрсатарлиқдирлар. Биз бу жумладан шаҳарда турғучи ўзбекларнинг «сарт» деб онглатилған маънони дарак этамиз. Саёсат деган нарса бошқа ишларда қулайлик ва муваффақият берса ҳам, бундай масалаларда бизнингча зааралиқдир. Баённомачи ўртоқлар бизга чин дўст бўлсалар кашф этдиклари ҳақиқатни ичда саклаб эмас, гарчи аччиғ бўлса ҳам очиб-очиб сўзласунлар. Мана шундагина риёсизлик, чин оғалиқ майдонга келур ва шундагина «дўст ачитиб сўзлар, душман кулдируб» деган ҳикматлик сўзга яқинлашган бўлинур.

Юқоридағи ихтиёrsиз суратда оғиздан чиқсан сўздан сўнг бу жумлага моҳирона бир равишда «ўзбеклар аксари тоҷик халқини сарт дейдир» деб андава ҳам юритилуб қўйилған. Уста саёсатчиларнинг садағаси кетсанг арзийдир.

Сўзимиз охирида «баённома»даги буродарона сўзланган насиҳатларга биз чин кўнгил билан қулоқ берамиз. Буродарона насиҳатлар ва тушундирмак йўллари билан қозоқ бовурларнинг катта-кичиклари салоҳга¹⁸ келсалар эди, деб тилақда қоламиз.¹⁹

Жу-бой
«Қизил баўроқ», 1922 йил, 16 шон 2—3 бет.

МАТБУОТ

Ҳангама

Иккинчи сонигача ўн беш кунда бир, учунчи сонидан бошлаб ойда бир, тўртингчи нўмиридан эътиборан ойда бир, бешинчи сонини, худой билсун, йилда бир чиқатурған ўзбекча «Инқилоб» мужаллаи мубажжалласининг¹ 4-нчи адади² алайҳир-раҳмаси³ босмахонадан аранг қутилуб чиқиб қўлимизға тушибди. Журналнинг бу сони бошқаларига қарашанда мундарижага бой, маълумотга тўкус, сўзга устадир Журналнинг

¹ Ботин — ички ҳолат

² Салоҳ — тўрилиқ, одоблиқ, аҳлоқлиқ.

Н. Тўракуловнинг жавоб мақоласи китоб охирига илова қилиб берилди.

Мужаллаи мубажжала — ўтиборли журнал

³ Агақ — сон

Алайҳир-раҳма — раҳматли



ёзучилари ҳам қурама бўлуб; уч қозоқ, тўрт ўрус, етти татар, бир тојик, уч ўзбеклардан иборатдир.

Елимлик тил масаласини истисно қилафандан, журнал жанжаллиқ масаладан барийдир⁴, муназзаҳдир⁵.

«Инқилоб» журналинг ер юзига оға-инилиқ тухумини сочмоқға хизмат этувчи бир мужаллаи мубажжалла эканлигида шубҳа йўқ. Пўчталўнларнинг хабар беришларига қарағанда «Зуҳал» билан «Аторуд» юлдузларида ҳам «Инқилоб»ни суюб ўқур эканлар. «Миррих»да эса «Инқилоб»нинг 1—2 сонлари ортуқ бир муҳаббат билан ўқулған. Лекин учунчи сонидан бошлаб орада бир онглашилмовчилик чиққан ва 4-нчи адалда онглашилмовчилик тагин ҳам кучайсиб, «Миррих» ўқувчиларини иккига бўлинувларига сабаб бўлған. «Миррих» юлдузидан олинған кейинги пўчта хабарига қарағанда, онглашилмовчилик кичкинагина бир нуктада экан. Шундайки, (Ер юзидағи «Инқилоб» ўқувчиларига ҳам маълум бўлса керак) журналинг 2-нчи сонида «Асари бадиъ» лавҳаси остида марҳум қозоқ шоири Обойдан⁶ бир намуна ёзилған эди, мана ушбу «бадиъ» «Миррих»даги Обой ва унинг теварагидага бўлған қозоқ бовурларнинг руҳини нақадар юқори кўтарган бўлса, Навоий ва навоийчи ўзбекларни шу янглиғ руҳларини тупширмакка сабаб бўлған. Чунки Навоий биринчи галда намуна учун ўз «Асари бадиъ»сининг «Инқилоб»да қўйилмогини куткан экан. Хабарларга қарағанда, Навоий З-нчи сон «Инқилоб»даги «Асари бадиъ»дан бир оз ранжиган бўлсада, лекин 4-нчи сондан умидланиб «тўртингчида мандан бир нарса бўлур» деб кутиб турғани устига лўп этиб татар шоири Тўқайнинг⁷ «Жайги тонгги⁸ босилиб, Навоий ва навоийчиларга тагин ҳам ёмонроқ таъсир эткан, ривоятларга қарағанда, Навоий ва унинг теварагидагилар «Инқилоб»нинг «ўзбекча»лиги тўғрисида шак-шубҳага тупшанлар ва ҳатто сабағич қалам билан «...ўзбекча журнал» ўрнига «қозоқчататарча журнал» деб ёзил ҳам қўйғанлар. Масала бунинг билангина қолмай, «Миррих»нинг удаво⁹ ва шуъаролар¹⁰ йиғини¹¹ да Навоий Обой билан Тўқайга учурук қилиб, «зўраки шоирлар...» деб қўйған. Қизиққонлиқ Обой бунга қарши сукут этишкага чидай олмай «чидаганга чиқарған, пилтакач» деган. Тўқай ҳам жим турга олмаған: «син бунарга бик очуланма, Навоий ҳазрат шеғрингни татар онгламитурған бир тида бик ямсиз¹², бик чувар¹³ ёзилсинг. Ул энди шулай булмича мумкин тутил!» деган

Буларга қарши Навоий: «тотор учун чиратой тилини онглашмоқ оғир келгай» деб сўзлай бошлаган экан, мирзо Бобур:

Ашъоринг, исминг, фазлинг машхури оғоқ¹⁴ турур,

Арзимаған иш учун қизишувинг отингга келишмай турур.—

⁴ Барий — холи, озод

⁵ Муназзаҳ — пок, тоза

⁶ тонгти

⁷ Удаво — адиллар

⁸ Шуъар — шоирлар

⁹ Ямсиз — тушунварсиз, хунук

¹⁰ Бик чувар — жуда қўпол

¹¹ Машхури оғоқ — оламга машхур

деб Навоийни тұхтатқан. Мана шу «Миррих»даги қон қизишувларни истисно қылғанда «Инқилоб» мұттафақұн алайх¹² сүолуб үқулмоқада-дир.

Облошкасиңдағи масжид суратига ишониб бўлса керак сўнгти кун-ларда «Инқилоб» домлалар қўлида ҳам кўриниб қолди. Кейинги сон «Инқилоб»нинг идорадан жавоблар қисмида: «...чилбирни ўзимизга топ-шириб қўйсангиз ҳалқнинг тараққий ва саломатига мувофиқ бир жой-дан бошлаб олиб чиқамиз» деб берилган ваъда билан С. Айний афандининг ҳам «Инқилоб»га бўлған ихлоси илгариги ҳолиға қайтған. Ким-гадир: «Чилбирнигина эмас, арқонни ҳам «Инқилоб»га топширдим!» деган¹³.

Муҳисинигиз: ЖУЛҚУНБОЙ.
«Қизил байроқ» — 1922 йил, 17 июн.

ЖАСОРАТ — АЙБ ЭМАС!

Биз жасорат сўрар эдик. Лекин бериш қаерда — жасоратимизнинг қолған-күтганини ҳам олмоқ муддаосида здилар. Биз сўз эркинлиги сўрар эдик. Лекин тилимизни тек-туғидан кесмоқчи здилар. Жасорат биткан эди, тил кесилган эди... Юрагимиздаги бир оз умидни истисно қылғанда бошқа нарсалар юлинуб-юлқинган эди.

Ниҳоят: фифон ва нолаларимиз арши-аълоларға етканда умидимиз қуёши Ўктабрдан туғди. Жасорат бўғмагарларининг оёвлари осмондан, тил қассобларининг манфур гавдалари жаҳаннам тегидан келди.

Ўктабрдан биз бошлиқча жасорат олдиқ. Сўз эркинлиги олдиқ. Чиндан ҳам Буюк Ўктабр инқилобининг ишчи ва камбағаллар синфига берган емиши жасорат эмасми эди?!

Қарангиз:

Бутун умри рутубатлик ишхонада ўткан бир ишчи, ўлтуриш-туриши, ошаш-ичиши, ёлғуз меҳнатни — кетмөннинги тасаввур этмакка мажбур бўлған бир деҳқон бу кун бизнинг тушларимизга кирмаган фикрларни сўзлайдир, ҳайрон қолдираплик даражада хат-ҳаракатлар кўрсатадир, буниси кифоя қилмағандек уста дипломатларнинг етишмаган ерларини туртуб тўғриладайдир!!!

Нега бу мундоқ? Дорулфунун битирғанми эди бу ишчи? Сиёsat

¹² Мұттафақұн алайх — яқдиллик

¹³ Ўша вактдаты имло масаласи түфайли журнал идораси «Юбориладиган мақола ва шеърлар ўрта имло билан ёзила ва янгича езib идорани машаққатта солинмаса эди» деб берган зълонига С. Айний хат ёзди. Идора С. Айнийга қўйидаги жаюбни ёзди. Самарқандда С. Айнийга: «Хатингиз тегди «Инқилоб»нинг ҳозирги имлосида бир инқилоб тұзур эткан ҳолда езолмайман. деб ватъда бергансиз. «Инқилоб» идорасининг тұтқан часлаги умуман ўкугувчиларға белгүлікдір. Бинобарин мақола езмоқдаги тайратингиз отаймасун, — орзу қыламын ва бу масала тұтрасыда чилбирни ўзимизга топшириб қўйсангиз ҳалқнинг тараққий ва камолотига мувофиқ бир жойдан бошлаб олуб чиқамиз деб ватъда этамиш. Сизнинг ҳам орзу ва фикрингиз кўзда тутилур Хар ҳолда «Собирларнинг жойи жаннатидир». Муаллиф бу мақоласи билан журнал мұндариятаси бир оз миллий рұхда тузылса мақсадда мувофиқ бўлур әди, деб кинояли фикрини тақлиф қилиб ўтади

билин шуғулланғанми эди бу дәққон. Ва ё сосиализм әлчиси буюк Карл Марксдан беш-үн йил дарс олғанми эди бу иккиси?

Бу әхтимолларнинг биттаси ҳам эмас: Буюк Үктабр инқилоби уларга жасорат берди, онг берди, ҳақ берди!!! Шахсият кирлари, аксили ҳаралат губорларига мұлаввас бўлмаган¹ жасорат Шўролар ҳукуматининг негизидир — асосидир. Шунинг учун ҳалигидақ пок жасоратлар учун бепоён таажжубланмакка, ҳадсиз ҳайрон қолмоқра ҳеч бир кимсанинг ҳаққи бўлмаса керак.

Биз миллат ва миллатчилик дарёсида сўзгучи бир жасур бўлуб танилубмизки, бизни кечирсунлар!

Истанбул қаҳвахоналарининг мужассам типи бўлған бир норгила-хўрнинг² миллатчилик ва миллат масалалари билан неча ўрӯшилик³ иши бўлсун! Қувваи ақдиясини Истанбул қаҳвахонасидан бошқа бош оғри-ғиларга нега юборсун?⁴ Тузук, унинг бир оз айби, кечирилмаслик бир қусури бор: у арайишчи⁵, ҳажв эмас латойиф⁶ билан орамиздаги баъзи камчилликларни тузатмакчи!

«Қизил байроқ»нинг 186-инчи сонида бирдан бир ўзбекча, «Инқи-лоб» журналига ўзбек ёшларининг эътиборсизликларини кўрсатиб жур-нал ҳақида кўча-кўйларда маъносиз айб тақиб юрган баъзи ёшлари-мизни тасвир этуб ўткан эдик. Лекин «Паспурт йўқотдим» саҳифаси-даги бу мақола журнал муҳаррири ўртоқ Тўракулға қаттиғ теккан, маънони бошқа ёққа буруб ифодани, таркибни, мақсадни иккинчи томонга йўйилган. Шу муносабат билан мақола ёзгучигарина эмас, бошқа шоир, муҳаррир, драматург. «Қизил байроқ» ва тарин алла кимларга, ҳатто шу мақолани ўзига жойлаган қоғоз-сиёҳга довр ҳайф дейилган, афсус ейилган!

Ортиқ қизилған, адаб доирасидан чиқиб бўлсада сўкуб қолмоқ кўзда тутулған, шаънга лойиқ келмаган ҳаракатлар ҳам бўлған. Кўча сўкишларини келтуруб, тақдиси эҳтиром зиммамга юклатилиб қолди-рилған, матбуот риоясини ҳам эсдан чиқарилған.

Ёш ёзгучиларимизни илмисизлик, ишсизлик билан айблаб таъна тош-лари отасиз. Лекин бундай таъналар бизнинг каби ишқа янги бошла-ған бир миллат учун ўринисизdir. Биз мутараққий миллатларнинг тараққий тарихларини текширсак, кўрамизки, бошда уларда ҳам мат-буот ишлари билан юргучилар сизнинг таънангизга маҳкум ёшлар бўлғандирлар. Бир жиҳатдан сизнинг таънангиз эндингина матбуотга яқинлашиб келмақда бўлған ёш талантларни маюсиятта туширмақдан бошқага фойдаси тегмас.

Таънангизга маҳум ёшлар янги адабиётимиз учун тақдирга лойиқ нарсалар бердиларки, майдондадир. Лекин даъвоси тоғ-тошдан ҳам

¹ Мұлаввас бўлмаган — бўлғанмаган, беланмаган

² Норгилаҳур — чилимкаш

³ Ерӯш — куруш (арабларда майда пул бирлиги) грӯш

⁴ Истамбул қаҳвахоналари доим одамлар билан гавжум бўлиб, турунг килиб ўтираверадилар, бу одат дозир ҳам шундай.

⁵ Арайиш — тартиб

⁶ Латойиф — нозик маъноли сўзлар.

улут бўлған зотлардан ҳали адабиётимиз арзугулук бир нарса ҳам кўрмади...

Энди жавоб берайлик: бу кунгача биз Муҳиддин Арабийгагина эмас, ҳатто ўзимизнинг Абдуллатифларга⁷ ҳам тил тегизиш ҳамоқатидаги⁸ бўлмадиқ ва бўлмаймиз. Арабий билан ўз даражамизни яхши билди Арабий олдида офтобдан бир зарра ҳам бўлмаганилигимизни яширмаймиз. Ҳали жаҳли мураккабга⁹ қолғунимизча йўқ. Лекин шуниси бор: Арабийнинг кўрган тушларига, олам мисолига (олам мисол)¹⁰ ишонмак мажбурияти бизда йўқ. Бу эрса номашрӯй¹¹ бир жасорат бўлғани каби бунинг билан бизни ҳеч кимса айблай олмас. Йиғи билан кулмак орасида мутарафид¹² қолмоқнинг аслу лузуми йўқ!

Адабиётимизга Аёз Исҳоқов,¹³ Фотиҳ Амирхонлар,¹⁴ танқидчилар ва ҳажвқашлағимизга Олимжон Иброҳимовлар тилагида бўлинубсиз. Бу заарасиз ҳайриҳоҳдик бўлса ҳам орада бир оз онглашилмовчилик бор. Оналаримиз отини Аёз Исҳоқов, Олимжон Иброҳимов қўюб болалар туғуб берсунларми? Ва ёки тугулған болаларнинг қайси бириси Аёзга ва қаюси Олимжонга ўхшар экан деб умр ўздирайлукми?

Бизнинг кичик ва қисиқ миямиз бу масала тўғрисида шуни демакка мажбурдир: мұхитимиз ва ўзимизга яраша Аёзларимиз, Камолларимиз,¹⁵ Олимжонларимиз бордир. Бизнингча, Аёз ва ё Олимжоннинг худда ўзи бўлмоғи шарт эмасдир.

Танқид сўзига берилган маъно ҳам бизнингча дуруст эмас. Танқиднинг маънойи ауғавийси саралаш, арайшини олмоқ деган сўздир. Наинки ер билан яксон этмак! Бу кунгача биз танқид қилмоқ билан асарлиқдан чиққан ва ер билан яксон булған бир нарсани ҳам кўрмадик, балки мукаммаллашканларинигина кўрдик...

Бизни қадрношунослик ва нонкўрлик билан ҳам айбламакчи бўлғандар.

Мусо Жорулоҳ,¹⁶ Ризо¹⁷ ва Рашид қозиларнинг ҳам Исмоилбекларнинг¹⁸ қадрларини, туз ҳақларини лозимича билмаган шарқ йигити ичимиизда турмасун демакчи бўламан. Уларнинг хизматларини тақдир этмагучи мажнундир,¹⁹ бошқа эмасдир.

«Хангги» дейсиз. «Уят-уят!»ларни ўзингиз қатор-қатор чизасизда, лекин амалга келганда ўзингиз уялмайсиз. Бу уятсиз хитобингиз матбуот билан бизга янгилик баҳш этмайдир. Нечукким собиқда ўруснинг мустабид тўраларидан «хангти» хитобини кўб эшигуб келгандирмиз. Бу кун бу таъбирни (таъбирми-таҳқири) ўзимизнинг «мана» деган бир йигитимиздан эшигар эканмиз, бизнинг учун зихи саодат!²⁰

Шиъий ва ё суннийлик даъвоси ёки иғвогарлик муддаоси хошо ва

⁷ Подшоҳ Улугбекнинг ўғли Абдуллатиф кўнда тутиляпти; адашган, жоҳил маъносида

⁸ Ҳамоқат — аҳмоқдик

⁹ Мураккаб — мутлоқ, нодонлик

¹⁰ Олам мисол — олачнинг яратилиши

¹¹ Номашрӯй — шариатта хилоф

¹² Мутарафид — иккиланмоқ

¹³ Мажнун — ақлсиз

¹⁴ Зихи гаодат — қандай баҳт

калло¹⁵ бизда йўқ. Дуо қилингизки, бу балойи осмонийдан¹⁶ ҳаммамиз ҳам эмин¹⁷ бўлайлиқ!

Сиз «ҳаммамизга ҳам афсус» деб гувранасиз¹⁸, лекин ман «ҳаммамизга ҳам баракалла!» деб сўзимни тутатаман.

Жулқунбой
«Қизил байроқ» — 1922 йил, 1 июл 191-сон 2—3 бет.

ҚУРБОНЛИҚ ҮФРИЛАРИ

Кичкина ҳангама

- Қурбон ҳайити ҳам келди... бу йил қурбонлиқдан қалайсиз ҳожи?
- Ҳайронман бой, ҳайит харжилари ҳам кўпайиб кетди.
- Қилиш керак, қилиш! Худонинг ўзи етказадир. Сиз билан ман энди, қиласақ бўлмас.
- Шуниси ҳам бор... алҳамдулиллоҳ, сиз ва бизнинг давлат тўғрисидан камчилигимиз йўқ. Қора молға қўшулсақ мумкин?
- Шериклик ошни ит ичмас, қурбонлиқнинг энг яхшиси қўй! Қўй сўяберинг, ҳожи! Ўзингизда боқилған бўрдоқилардан бордир, албатта?
- Бор, уч-тўртта бор.
- Ана шулардан биттасини кўттариб уринг, қўйинг!
- Бултур имлама қилған эдик. Энди бу йил маҳаллада оч-ориқ кўб, имламага ҳам қараб турмаслар...
- Этканингиздек, ман ҳам маҳалладаги оч-ориқлардан жуда тўйдим, ўзлари сўрамасалар ҳам ёш болаларидан сўратуб уй ичимизни безор қилдилар. Яхшиси шуки, «имлама» ҳам қилуб ўлтурманг-ку, энг осони «димлама» қилинг, димлама хо-хо-хо...
- Ҳи-ҳи-ҳи... «димлама»нгиз ҳам қулоғимга иссиғ, иссиғ киради-я, бироқ шартига тўғри бўлмасмикан дейман...
- Қурбонлиқнинг шарти қон чиқариш, бундан бошқа шарти йўқ. Марҳум домла ҳам қилған қурбонлиқларини ҳеч кимга бермай ўзлари пок-покиза тушурар здилар.
- Ҳовва, марҳум домланинг садагалари кетсанг арзийдир. Лекин шундай ҳам бўлса кўнгил бўлмайдир..
- Сиз ман айтқандек қиласеринг, савоби сизга, гуноҳи манга! Агар ҳимматингиз жўш уруб кетса бизга ўҳшаганлардан бир-иккитасини чақириб дуойи-фотиҳа қилсангиз, тағин яхши, тузукми?
- Эй-й бизда жон² бор дейсизми, бу йил сиз ҳам шундай қилар-сиз бўлмаса?

¹⁵ Ҳошо ва калло — мутлақо йўқ

¹⁶ Балойи осмоний — тақдир

¹⁷ Эмин — тинч, ҳавфсиз

¹⁸ Гувранмоқ — минифирломоқ.

¹ Қурбонлик қилувчи ҳар бир киши ўзига қўй сўймай етти киши бир бўлиб битта қорамол сўйини мумкин. Албатта бунда бойга арzon тушади.

² Жон — жонлик, туёқ.

— Эйй, сиз ёш боламисиз, ҳожи, бизнинг қурбонлиқ ҳар йили «димлама» ҳи-ҳи-ҳи...

Эшигдингизми, бу икки уйинг куйтурнинг қурбонлигини¹

Қурбонлиқнинг борлиқ ҳикмат ва фалсафаси айёми саҳарғи куни-миздаги оч оиласарни тўйдирмоқдир ва Оллоҳ даргоҳида ийд кунлари оч ётқан оиласарни тўйдириш нияти билангина қилинған қурбонлар мақбулдир ва чин қурбон ҳам шунисидир.

Агар юқоридари икки ўрининг фикрида бўлсангиз, сизнинг ҳам уйингиз куйсун!

Жулҷунбой
«Қизил байроқ». 1922 йил, 4 август.

МОЧАЛОВ

Кичкина фелетўн

Оtingдан айланай Мочалов²... Исли шарифингни эшигсам бутун борлиримға сирқироқ кирадир, Мочалов!

Ўтуб кетди ўшал даврларинг: Эски шаҳар кўчаларида муборак вужудинг кўриниб қолса ҳомилалик хотунлар бола ташлар, йиглоқ болалар йигидан тўхтар, дағдагай золимонангни татиран бенаволар³ дирдир қалтирас эдилар. Кўлингда қамчин, белингда ошпичок, шопдак муртингнинг остидағи сассиқ оғзингдан «қизингни... онангни... динингни... ота-бобонгни...» деган зикри олийлар доим фаввора урар эди.

Эски шаҳарнинг етти ёшаридан то етмиш ёшариғача санинг сўкунингда, тепуғингда эдилар.

Балки қўмсарсан ўшал кунларингни?

Албатта қўмсайсан. Бошқаларини қўмсамасангда ифтровой гилди² кўпастар мекмонхонасида еган паловларингни, нориналарингни қўмсайсан Пудратчилар, заводчилар уйларида ичкан ароқдарингни, ҳафта сайин қозилардан келиб туратурган пакетларни, айниқса 1916-нчи йил рабочий воқеасида давлатхонангта арз-дод учун борғанларни отиб, гуноҳсиз қонларни сув ўрнига ичишларингни қўмсайсан!³

Фалакнинг гардиши қуриб уйи куйсунки, санинг машъум кунларингни қайтуб келмаслик этуб, тузатди. Бунинг билангина қолмай тинчкина ишлаб турған иссиғ ўрнингни совутди-да турмага кетириб тикиди.

Фалакат улуг, фожиъа катта...

¹ Бенаво — факир, қашшок.

² Вторая гильдия — Россияда савдоғарларнинг бойлигига қараб бериладиган I-II-III даражалар.

³ 1916 йил 25 июня подшо Николай ІІнинг «Империядаги бегона ҳалклар эркак аҳолисини ҳаракатдаги армия районида ҳарбий иншоотлар ва шунингдек давлат мудофааси учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай ишларга жалб қилиш» фармонига мувофиқ Сибир, Қозогистон, Ўрта Осиё ва Кавказ маҳаллий аҳолисидан 19 ёшдан 43 ёшгacha бўлган 400 минг эркак жумладан Туркистандан 250 минг эркак мардикорликка сафарбар қилиниши лозим эди. Ўшандай маҳаллий ҳалқ, бу қарорга қарши бош кўтарган, исен мустамлакачилар томонидан қонга ботирилган эди.



Бу күн инсофи йүк, раҳми оз (гуёки ўзинг) Тошканд мусулмонларининг борлиги деярлик санга даъвогар!

Эй фалак, уйинг куйсун фалак. Мочалов тўрага ўшал давлатларни ўзинг бермадингми? Энди бечоранинг қариган кунларида бу янглир сарсон, бунчалик саргардан қилишингда қандай ҳикмат бор? Қайғурма, тўрам.

Кўбчилик эмасми, балки шавкатлик кунларингда иссиғингни кўрганлар ҳимоянгда бўлурлар. Агар ишинг чаппа кетса, жонинг жаннатда бўлсун!..

Жулқунбой,
«Қизил байроқ». — 1922 йил, 26 август.

ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН

Кичкина фелетўн

Мақоланинг сарлавҳасини кўриб «Лайли ва Мажнун» операсига танқид экан, деб миянгни айнитиб ўлтурма, ака. «Лайли ва Мажнун»ни ва умуман театру кечаларини танқид қилиб: «Мана бу артист қинғир экан, мана буниси қийшиқ экан, китоби ундей экан, декаратсияси бундай экан деб критика санайтурған жинни бўлганимча йўқ. Ўюнни бир артист бузуб ўиласа, яхши белгилаки, «дарбисот»¹ дастмоянинг ўзи шул, тузатиб ўйнайдими, буниси ҳам ўзида бори; бир драматургнинг ёзғани тўртта шоптоли данакдан иборат бўлса, бунга ҳам ҳалиги «дарбисот»нинг ўзи кофий, шофий² — лўнда жавоб. Каминанинг назариясидек файласўфона бир назарияни кунчиқар билан кунботарға зир югуриб изласанг ҳам яхши билгилаки, тополмайсан!

Мавзудан четка чиқдим шекиллик, мақсадга кўчайлилк энди.

Ўнг бикинимда самарқандлик биртаси, чап бикинимда қўқонлиқнамо яна биртаси бўлғани ҳолда кетдик «Лайли ва Мажнуни»га қараб.

Ҳали соат етти. Демак, ўтон бошланишига бир ярим, икки соатла вакт бор. Куни бўйи тириклик орқасида юруб зериккан ҳалқ кечнинг енгил латиф шамоли остида роҳатланиб тоза ҳаво исинмақда эди. Биз ҳам уччовлашиб, оғзимизни тоза ҳаво сари каппа-капша очиб кўчанинг у бошидан бу бошига бўзчининг моккисидек бориб кела бошладик. Зебо бўй, сарвиқадсимон тан, шаҳло кўз, бодом қовоқ, юпқа томоқ санамлар ҳалидан-ҳали ёнимиздан ўтиб турадирлар. Бошқа вактдағи каби ситам, илтифотсизлик, нозу карашма деган гаплар ҳам билмадимки қаёққа кетибdir, йўқ. Ўёқ-буёқни холи, кўзни шамрилат қилиб санга қарайдурлар-да қошларини учуриб, кўзларини қисиб юборадирлар... Бу вакт манга ўҳшаган жиз ихтиёри қўлида бўлмаганлар пўрт учди, дейилса мумкиндири...

Ўзимизнинг бир йигит, ҳалиги қисқичбақалардан биртаси, бир дақиқалик «имқўқ» билан танишиб ҳам олдилар. Йигитимиз сўрайдир:

— Ўзингизга ўҳшаган лайлилардан тагин борми?

¹ Дарбисот — бисотида бори.

² Кофий, шофий — етарли

Қисқичбақа жавоб берадыр.

— Бор. Биз түрт лайли.

— Очен хорошо, биз ҳам түрт Мажнун, айда! Құлтуқлашиб ҳам кетадирлар. Савдо ортиқ қызын, бозор чаққон. Уларнинг лайлисига етарлик бизнинг мажнунларимиз ҳам йўқ, эмас.

«Колизей»да³ ўлтурамиз. Лайли ва мажнунлар танаффус чоқларида жантдан безор қиладирлар.

Биринчи қўнгироқ лайли-мажнунлар ташқарида, иккинчи қўнгироқ, ҳамон дарак йўқ, учинчи қўнгироқ чалиниб парда кўтарилгач, золнинг ичида дув тўполон. Саҳнада ўюн, бизнинг золда қий-чув, такур-туқур, худда кетмон бозор.

— Уйинг куйтурлар, илгарироқ ҳаракатингни қилиб олсанг бўлмасми», деятурған терговчи йўқ. Ман бўлсам.

— Лайли ва мажнунлар, — деб ўлтурабераман.

Ёнимда ўлтурган самарқандикни бошда эсли бир йигит, деб ўйлаган эдим; кейинда бунинг ҳам палчаваси чиқиб қолди, «оҳ» тортадир, афсус ейдир. Унинг кейинидан бир жуфт форсий ғазал ҳам ўқиб юборадир.

— Ҳа нима бўлди, акун?

— Маориф масаласи эсимга тушди...

— Маорифга нима қилибдир?

— Маорифимизнинг нима бўлгони майдонга. Самарқанддан маориф ишлари тўғрисига вакил бўлуб келган эдим. Ташканда бўлган маориф ишчилари думларини тутқузмайлар. — деб ҳасратидан чанг чиқара бошлади. Бизнинг Тошкандинг тараққийсидан хабари йўқ кўринди бечоранинг.

— Эйй, — дедим, — бизнинг Тошкандинг тараққийси ошиб кетди, ўртоқ, — дедим. — Бизнинг Тошканда маориф деган нарсанинг тарихга топширилғанира энди кўб вақт бўлди... Агар Тошканд маорифи билан кўришмакчи бўлсангиз муззи миллиямизга⁴ марҳамат қилингиз, дедим.

Чироф ўчди.

Парда очилди.

Лайли ўлган эди. Мажнун ҳам ўлди.

«Худо раҳмат қиласин!» — дедик-да кетдик...

Мана биз «Лайли ва Мажнун» кечасини шундай қилиб ўтказдик.

Жулқунбой.
«Туркистон». 1922 йил, 17 сентябр.

¹ Колизей театри — Тошкентдаги Амир Темур хиебонидаги Свердлов номли театрнинг собиқ номи, ҳозирги Ўзбекистон биржа маркази.

² Муззи миллия — миллий музей.

ПАСТУ БАЛАНД ДУНЁДА

Кичкина фелетүн

Иш ғарибхонадан¹ чиққунчалиқ, чиқдингми, пасту-баланд дунёда сайр этабошлайсан.

Ешини яшаб, ошини ошаған ўзимизнинг чолимиз. Соч оқ, соқол оппоқ, кўз нурсиз, гиш тушкан, бел буқчайган, қўлдаги асо кўмаклашмаса оёқлар ҳам юришқа қарши, аҳа... дейиш билан жон чиқарга ҳозир... Аммо у ўзининг бу ҳоли билан чин бир маслак кишиси, ўзининг «тўғри» деб билган бир нарсасини бир дақиқа бўлсун эсидан чиқармайдир.

Қаршидаги масжид ичидағи янгигина очилған эски мактабдан ёш болаларнингчувур-чувур ўқуш товушлари эшитилгач, чолимизнинг буқчайган беллари тўғриланиб ҳам кетадир-да, гўё ўзини ўн беш ёшли бола каби сеза бошлайдир.

— Худоё шукур, худоё шукур, товушингдан кетай болаларим! Бултурги йилларда бу кунлар қаёқда эди?! — деб шодланадир.

Кўчанинг иккинчи томонида бантайлардан иккитаси ўтуб борадир:

— Бу ерга ҳам очилпти дейман от тўрбадан?²

— Очилмай нима қўлсун?!

— Вокиъан...³



Кўчада фавқул-одат бир ҳол. Ҳамманинг кўзи биравда. Қизларимиздан биртаси юзини очибдир, ёврупча ясаниб оёғига тўфли кийибдир! Ҳайр, очибдир-очибдир, кийибдир-кийибдир, бунга нега бунча ота гўри — қозихона?

Бир томондан биртаси айтадир:

— Эй... эссис мусулмончилик, сатқи диёнат! Сани туғуб ташлаған ота-онангра лаънат!!

Иккинчи томондан иккита думи қопқонда қолғанлар⁴ кўзларини тўлатиб-тўлатиб қарайдирларда:

— Иби, бажо-ку?

— Пичноққа илингудакми?

— Илинармикин, дейман!!

Мана бу икки мусулмоннинг бир ишқа икки хил қараши. Мусулмонларнинг ҳақроҳи⁵ бўлған шариъат қандай қарап, буни пешвои ҳақиқийларимизга⁶ ташлаймиз... Агар бунлар ҳам кўзларининг қовоғи орқали қарасалар...вой бизнинг умумий ҳолимизга!

¹ Ғарибхона — қорин.

² От тўрва — мактаб болаларининг китоб соладиган жиади, ҳалтаси; отнинг ем соладиган тўрвасига ўҳшатиляпти.

³ Вокиъан — айтгандаи.

⁴ Думи қопқонда қолғанлар — кийими қопқонта тушиб юлиниб қолғанлар, яъни қалта кийинган замонавийлар.

⁵ Иби, бажо-ку — ии, тузук-ку, тайёр-ку.

⁶ Ҳақроҳ — тўғри ўла.

⁷ Пешвои ҳақиқий — шариъат пешвиҳи

Растанинг ичида тапур-тупур жанжал, тапур-тупур жанжал. — Ҳа нима?...

— Каримжоннинг⁸ — бинифиси⁹, Майрамхоннинг^{*} — гул ўюни. Бораверинг томоша, бораверинг томоша! Борянлар дармонда, бормаганлар армона!

Араванинг олдида иккита тасқара ўрус, кетида иккита масқара карнай. Тасқараларнинг биртаси худди Истанбулнинг «дорул-воъзин»⁹ ини икмол¹⁰ этиб чиқсан бир воъиз¹¹: чўзуб-чўзуб Майрамхонни маҳтайдир, бунинг орасида маймунларча ҳаракатлар ҳам қиласадир...

Бу бир арава тасқараларга қарши ҳалқ, фикрда, ишда, амалда бирликни сақладайдир. Ҳамма Дажжол¹² чиққандек араванинг теварагида, лабларнинг таноби қочсан, ҳамма шу тасқаралар билан кўнгил очсан, бунга қарши лом йўқ, мим йўқ, худда ҳалқнинг ўзи шу бир арава тасқара билан баробар деярсиз. «На ўро хатару ва на ўро зафар!»¹³. Бораверинг томошо, бораверинг Майрамхон!

Бундан бир неча йил илгари Ҳадра мавзеъида бир катта тўполон чиққан эди:

— Ҳа нима гап?

— Буз ҳовлиларни, ҳайда эгаларини, ур, ийқит, текисла, гиш келтур, кўтар тупроқни, ол пудратини, қур вивескани, чақир артистканни, ёз песангни, соламиз «Шарқ саҳнаси»ни!

Ол-ҳа... бу орада нечта одам ўлган-у, нечта чўлоқ, нечта мўлого, бир неча ўн милярдлаб чиқиму, ё раббим ўз паноҳингда асра бу балолардан!..

Тунов кун бошим оғиб шу «мажматьул-асхиё»дан¹⁴ ўтуб қолурманми? На аҳли ғайратдан дарак ва на аҳли меҳнатдан хабар. Бўлгуси «Буюк Шарқ саҳнаси» биносининг ўрнида баъзи аҳли ҳожатлар ўз ишлари билан оворалар...

— Ҳа, нима жин урди?

— Эй, ака плони тўғри келмади. «Муассисони саҳнаи Шарқ»¹⁵ «муассисёр»¹⁶ликни ихтиёр айлаб «азми дарёйи Жангоҳ» олдилар, дейишлари борми, жон-поним чиқиб кетиб, «Энди тошкандикларнинг тоза уйлари куюбдур» дедим. Чунки у қаҳрамонлар «муассисёр»ликни

⁸ Бенефис — даромади тўла еки қисман маълум бир актерга тўланадиган спектакл.

⁹ Дорул-воъзин — воъзизлар мактаби.

¹⁰ Икмол — камолга етказиш; тутатиш.

¹¹ Воъиз — ваъз айтувчи; сафсатачи.

¹² Дажжол — мусулмонларнинг зътиқодига кўра, қиемат куни яқинлашганда одамлар гумроҳ бўлар экан. Шунда бир кўзли мажлук — Дажжол пайдо бўлиб, нагма чалиб одамларни нотўғи йўлга орташтириб борар экан.

«На ўро хатару ва на ўро зафар» — бундан на хатар бор, на ғалаба бор; фойдаси ҳам зарари ҳам йўқ, бекорчилик.

¹³ Мажмавул асхие — саҳиллар жамияти; муаллиф бу ерда киноя қиласади.

¹⁴ Муассисони саҳнаи Шарқ — Шарқ саҳнасининг қурувчилари.

¹⁵ Муассисёр — всос солувчи, яратувчи, бу ерда муаллиф киноя билан сўз ўйини қиласади.

ихтиёр қылған бўлсалар «Буюк Шарқ саҳнаси» учун на Топканднинг бузулмаған бир томи қолсун ва на кавланмаган ери!...

Жулқунбой,
«Туркистон» — 1922 йил, 5 октябр.

ДАВОСИЗ ДАРДЛАР

Ҳангама

Дард кўб — давоси йўқ, ҳасрат узоқ — кечалар қисқа, манзаралар ажаб — кўзлар кўр, жарт-журт зўр — натижалар кичик, манзил узоқ — роҳила оз, ваҳима катта — тўй бедарак, осмон узоқ — ер қаттиқ, бўйи бир қарич — соқоли икки қарич.

Сиз ўқуй берсангиз, ман шунаҳангги бир-бирисига тескари жумлаларни Маллахоннинг давангидек¹ қатор-қатор, сулайтириб-сулайтириб ташлайберсам. «Мифтоҳул-жинон»нинг ривоятига қараганда, агар дарелар сиёҳ бўлиб, харилар қалам бўлса, япроқлар қорозға айланиб, қурбақалар ўқуғучи бўлсалар, бу аживай-таралаларни чоп қилиб тарқатуучи Давлат нашриётининг Эски шаҳар матбааси бўлса, бунинг савоби бутун Туркистон мамлакатининг думоғиға худда сассиқ сарим-соқдек таъсир бериб, ҳар қайси ўзбекларнинг номаи-аъмолларига² ҳар йили тўрт фаслда хурракни батанг қўйған мўмин ва мусулмоннинг аъмоли солиҳаси³ ёзилур экан.

Энди бир озгинаға фалсафа, эътиқодиётни қўятурайлик-да «дарди бедаво»ларимиз устига ўтайлик.

Туркистон истатистика идорасининг тўплаған сўнгти маълумотига кўра, Эски шаҳардаги «ҳаракатдан баракат» мактабарининг сони шу кейинги ҳафта ичида юзга-юз ортиб кеткан. Масалан: ўткан ойда етти юз қирқ бир оғилхонадан иборат бўлған ҳалқ ибтидоий дорул-жунунлари⁴ ярим мингта, қорихоналар беш юздан тўққуз юзга етмишdir (қорихоналарда бир оз секинлик). Бу сўнгти очилған ибтидоий дорулжунун ва қорихоналарнинг муаллимларида ҳам фавқулоддалик бор, дейдирлар: соқоли от тўрбадак, саводи чиқар чиқмас фариштасуфат зотлардан иборат бўлиб, ёш болаларимизни бир йил комил деганда муллаи боамал, бунинг устига даққи, калвак, оғзинг қани десалар қулоғини кўрсататуриган «дарди бедаво» қилиб чиқарап эканлар.

Бу ҳақда сиёсий доираларнинг юруткан мулоҳазаларига қараганда, ўзбеклар ишни бу тариқа олиб бора берсалар, уч йил комил деганда, Туркистон гўёки иккинчи Амриқо-ку, ўзбеклар орасида ғарчча маданият, на у ёққа ўта оласан, на бу ёққа; худда девори қиёмат!! Яна ўшал истатистика идорасининг берган маълумотига қараганда, иккин-

¹ Маллахоннинг давангидек — Туркистон ҳонларидан ўтган Маллахон ҳайвон, парранда боқишига; ит, қўчкор уруштиришга ишқибоз бўлған экан, муаллиф шунга киноя қиляпти.

² Номаи аъмол — килинган ишлар баёни

³ Аъмоли солиҳа — яхши ишлар.

⁴ Дорул-жунун — жиннихоналар; бу ерда муаллиф эски усуладаги мактабларни танқид қиляпти.



чи томонда қилтиллаб турған Эски шаҳарнинг маъориф шўрваси¹ бу маданият мактаблари қаршисида қаддини кўтаришга ўйлашар экан. Аммо шуниси бор эканки, ановларда йўқ шағаша, ановларда йўқ дабдаба бизнинг маъорифнинг шўрвасидан топилур экан!.. Бул ҳам бир дарди бедаво!..

Бизниkilар «Бўрк ол!» деса, бош олишга ҳозир, бир маблағлар десанг, эҳтимолки, нишка тушкан бўлурмиз². От билан эшакка солик солинибдур, хайр, солинса солинибдур; бу орада бир эшакчи камбағалнинг эшаги очлиқда ҳаром қотибдур; хайр, қотса қотибдур

— Улган эшагингнинг солигини бераверасан!

— Бечора эшагим марҳум бўлди ака, бу ерда жони узилиб, мана бу ерда ювуди, ана у ерда жаноза ўқилиб, мана бу ерга кўмилди, ака...

— Йўқ, бера берасан! Эшагинг бешдан кам эмас!

Бечоранинг эшаги ўлгани-ўлган, устига-устак мана бу «бош олғучилар»нинг фотиҳаҳоналиғи қизиқ...

Бул ҳам бедаво дардларнинг бириси³.

Эски шаҳарнинг бошдан-оёғи, оёқдан боши, етти яшаридан етмиш яшари қўтур... Эски шаҳарнинг афкори умумияси⁴ шу қўтур масаласи билан машғул (Бизда афкори умумия йўқ дегувчилар номақул айтиб-дирлар).

Бечора ҳалқ шу қўтур истибодидан қутулмоқ учун ўткан-кеткан-дан илож⁵ сўрашдан бўшай олмайдур. Аммо берилган дору-дармонлардан тўққуз чақалиқ фойда йўқ; ҳамон ҳар кимни кўрсанг: қирт-қирт, қирт-қирт... Пуввак борларан Ёврупо дўқтурлари ниҳоят келиб-келиб бизнинг «қўтур масаламиз» устида эълони ихдос⁶ қилдилар. «Ҳалқ соғлиқни сақлаш бўлими» бу тўғрида қимир этмайдир. Кейинги кунларда қўтурларнинг ҳаммаси: «Ҳалқ соғлигини сақлаш бўлими эмиш» деган бир резалотсия қабул этди.

Мана бул ҳам бизнинг давосиз дардлардан...

Жулқунбой,
«Туркистон», — 1922 йил, 14 декабр.

¹ Маъориф шўрваси — «маъориф шўъбаси» демокчи.

² Ниш — мўлжал; сира, моҳият.

³ Бу ерда муаллиф марказ налогларни бир сари соглан бўлса ҳам, мадаллий налогчилар соликларни ҳаддан ташкари кўпайтириб юборгандарини танқид қиляпти.

⁴ Афкори умумия — жамоат фикри.

⁵ Илож — дори-дармон.

⁶ Эълони ихдос — янгилик эълон қилмоқ.



ОEZИНГГА ҚАРАБ ГАПИРІ

Хангама

«Туркестон»нинг 36-сонида «Мухбирларимиздан» биттаси бир нарсаны ёзибдирким, ўқуб кўриб нах мухбирнинг оғзини ёриб юборгум келди.

Ахир, уйинг куйтуп, сағал оғзингга қараб гапир-да:

— «Истрофлик тўй...», «Самарқандда ўртоқ Қурби ўгулларини кестирди, уч-тўрт кун тўй берди, бир-икки миллиард пул кетди. Тўйға истроф қилған ақчасини «Кўмак» уюшмасига берганда фалон бўларди...»

Заб куракда турмаган ваҳмаларни қилибсанда, иним! Сенинг «Кўмак» уюшманг бизнинг мулла Қурбининг кори хайрига қанча кўмак берди? Оғзинг бўлса гапир-чи, бетийик! Ва ё бу вағир-вугуринг мулла Қурбининг тўйига қилған тўёнангми? Ҳайф сенга-э!

Самарқандлик мулла Қурби билан камина — тошкандлик мулла Жулқунбойнинг оналари нима учун туғуб ташлади? Доячимиз нима деб танглайимизни кўтарди?

— Яхши бойларга куёв бўл, увалик-жувалик бўл, ўгулларингнинг тўй-томошасини кўр!..

Аммо, «Тўй қилатурған пулингни «Кўмак»га бер!» дейилмабди-ку? Бас, шундай бўлғандан кейин биз ҳам беш кунлик дунёда бола-чақамизнинг орзу-ҳавасини кўрайлик. Чиқ эшикка-э, туф бетингга-э... Мухбир деган ҳар бир маза-бемазани хабар деб газетага ёзавермайдир. Андиша керак, риоя¹ керак. Агар мен шундақанги беандишалик қилиб ёзаберсамчи, нах бутун Тошкандни кийиб юбораман. Тағин меним ёзганларимнинг энг кичкинаси түядек бўлур. Йўқ, мен сенларга ўхшаш беандиша эмасман. Агар мен беандиша бўлсам:

— Фалон даҳянинг бошлиғи, писмадончи ўртоқнинг ўзининг ёшигина хотунининг устига яна бир хотун олмоқ ҳаракатида бўлуб юрганини яхши биламан, шуни ёзсан бўлмасми эди?

Агар мен риоясиз бўлсам:

— Туппа-тузук ишбоши, яхшигина онги бор бир тавия ўртоғим қайдандир пул топиб, иморат солди, унинг кетидан гуваладек пул истроф қилиб, ҳовли тўйи ҳам қилиб берди. Ўртоғимнинг қилған иши қип-қизил жиннилик, деб газетага ёзсан қўлимдан келмасми эди?

Агар мен андиша қилмасам;

— Эски шаҳардаги солинатурған театру биносининг мубоширлари кам ҳаржу болонишин² деб «Жангоҳ»га солиб берган театрларида қурбақалар театру бошладилар¹ деб хабар ёзмасми эдим?

Агар Эски шаҳардаги пули кўпайган хунасан нотантиларнинг бир оз андишалари бўлса:

— Беш кунлаб айқиртириб қилған тўйимизни, ўн миллиардлаб

¹ Риоя — уят.

² Кам ҳаржу болонишин — ҳаражати оъи, кўриниши ҳашаматли.

¹ Бу кичкинатина театр Эски Жўвадаги болалар театрининг жанубий ен бошида бўлгаган, 1940 йиллар арафасида бу тиб юборилган.

түйга қылған исрофимизни маҳалламиздаги күксини захга бериб ёткан оч-оғриққа бериб, олқышларини олсақ бўлмасму? — деб андиша айламасми эдилар?

Ҳар ҳолда оғизға қараб гапириш керак. Бунинг устига бир чимдим андиша ҳам керак?

Сўз узоқ эрди, муҳтасар қилдиқ. Ёмон кўб эрди, муттаҳам қилдиқ.
Ҳозирча хайр:

Жулқунбой,
«Туркистон», 1922 йил, 26 декабр.

ТИЛАК

Ҳангама

«Лўли элаклик бўлди, эшаги тилаклик бўлди!»
Хиж-хиж-хиж-хиж!

Киратурғанимиз 23-нчи йилдан тилак эмиш!!

Анов маданий миллатлар қаторида биз ҳам янги йилга тилак билан кирамиз эмиш!

Яхшики, яқин орада: «Эй нотавон кўнгилга қўтур жомашовнинг орқаси» дейтурған иши бузук йўқ! Бўлмасачи, нах шармандавозлиқда!

Мия ровлаб ўлтурғанда бирдан кўнгилга «Янги йилдан тилак» савоси тушуб қолмасунми?... «Отанг неччилик-бўэчилик, санга ким қўюбдир бу номаъқуличилик?!» дегандек, ўзимизнинг битта-ю уч чорак ибтидоий мактабларимиз, бўқча-ю елча ўрта мактабларимиз, ботмону даҳсар сиёсионларимиз, «тана-манаси» билан мунча муҳаррирларимиз билан гўё маданий миллатлар қаторига кириб қолдик-да, бизга энди янги-янги йилга тилак билан кириш иши кўндаланг келди!

Эй нотавон кўнгил, эй бирмирига уч қадоқлиқ шаптолиқоқи, кучала еган жойингга бориб тиришкин-э!¹

«Етмиш яшаран қизнинг етти-етти тилаги бор» дейдирлар. Унга ўшшаран бу нотавон кўнгилнинг ҳам тўққуз-тўққуз тилаги, ўткун-ўткун улкани бор!

Бўлмаса ул ёзсун, сиз эшитинг нотавон кўнгилнинг тилакларини:

1 — «Мен қиласман ўттуз, тангри қилур тўққуз! Бу сўз бизнинг янги йилда давом этатурған ибтидоий мактабларимизга жуфт тушкай эди! Омин!

Ўтқандагидак, bemаза қовуннинг уруғини кўпайтирилса, мактаб ремўнти худда ўқиш бошланатурған кун эска тушса, болалар совуқда айлдирашиб бит қоқишисалар, ҳар бир тутантуруқсиз муаллим ва мураббий қилинуб белгулансалар, болалар билан кўчкор урушдиришиб ҳалқ ўртасида янги мактабларга янги «обрў» ортириб берсалар, иншооллоҳ, тилагимиз кузаткан ўпқонимиздан чиқар!

Ихтор: шаҳар мактабларининг ҳоли шу бўлса, худо ризоси учун

¹ Кучала — кишига кайф берадиган ўсимлик, унга ўргантан — емай қолса тиришади. Шу ҳолатдан олиб ўрияси тапларни гапираверадиган одамга нисбатан бу ибора айтилади.

қишлоқда мактаб очишни тилга олинимасун. Чунки «ёпирлиқ қозон ёпигалиқ»да...

2 — Биз күбдан-күб муҳаррир, адіб ва шоирларға муҳтожмиз. Шунинг учун бу йилда ибтидоий мактаб битирмаган талантлик муҳаррир ва адіблар, саводи чиқмаған шоирлар «майдони матбуотимиз»ға қадам ранжида қылрай әдилар! Ҳозирги шоир ва адібларимиздан: Фитратта инсоф, Элбекка илхом, Чүлпонга жиннилик, Фозига түзим, Санжарга ялқовлиқ, Ҳожи Мұынга¹ «Самарқандда чиққан янги асарлар»,² Гулом Зафарийга «Ҳалима»нинг кайфидан ҳушёрлик, Салриддин Айнийга «Бухоро жаллодлари»³, Абдураҳмон Саъдийга домлалиқ, учун «Имом Фаззолий билан Яссавий»⁴, Шаҳид Эсонга⁵ «Ҳақиқат»дан бүшаб «Туркистан» газетасига атак-чечак, Мирмуҳсинга⁶ партиядан узулмайтурған кишин, Ашуралы Зохирийга имло жанжалыға ҳафсала, Усмонхонга⁷ ўн түққуз идорадан хидмат (токи чопа-чопа оғеғдан йиқилсун), энг охирда Кабир Бакирга Пиёнбозордағы бутка ўрнига Сабурнийдан⁸ муҳташам магазин тилаймиз...

3 — юзда беш фоиз ташкил эткан ўрус оға-иниларнинг «Правда»-лари 10 мингта етканда, 95 фоизлик ўзбекларнинг «Туркистан»лари 8 мингдан 3 мингта тушуб қолди деб «Туркистан»даги оға-инилар гуврана-зорлана бошладилар. «Туркистан»ни 8 мингта эмас, 80 мингта еткүзиш учун энг оддий, энг абжақ, бир чора бор:

Аввало «Туркистан»ни бир яхши домладан уч күн ўқутиб олинсун, сониян⁹ «Туркистан»да бу кунгача бўлуб келган бўлимлар шу йўсун билан ўзгартилсун:

- Сиёsat ўрнига «Жангномаи ҳазрат Али»дан¹⁰ тўрт оғиз;
- Иқтисод ўрнига «Жангномаи Жамшид»дан¹¹ бир фасл;
- Фелетўн ўрнига «Нот пинкартўн»¹² ва «Шерлўк Хўлмс»¹³ ажина-

¹ Ҳожи Мұын «Февраль инқилобигача Самарқанд вилоятидаги чиққал янги асарлар» сарлаъхаси билан «Туркистан» адабиетини тафтиш қиласурған ёки адабиётимизнинг тарихини ёзатурган юлларга бир кун керак бўлуб колур», деб бу рисолаларни босилиши, тариси ва ёзувчиларининг отлари билан ётиб «Инқилоб» журналида турли китоблар ҳақидаги ахборотномасини чоп этиради. Қодирий муаллифга бундан кўра мухимроқ ишлар лозимлаганини, бу иш юзаки эканлитикини киноя қиялти.

² С. Айнийнинг «Бухоро жаллодлари» романидаги айрим боблари «Инқилоб» журналида чоп килинган эди. Муаллиф Айнийнинг ўтмишда бошидан кечирган кунларини — Бухоро амирининг берган азобларини эслатиб ҳазил қиялти.

³ Муаллиф «Инқилоб» журналида А. Саъдийнинг Фаззолий ва Яссавий ҳасти ва ижодига баришлаб ёзган мақоласига ишора қиялти.

⁴ «Ҳақиқат» — диний, адабий, ижтимоий журнал. 1922 йилда иккى сони чиқиб тўхтаб қолган. Ш. Эсон шу журнал таҳририятида ишлаган. Муаллиф Ш. Эсонга ҳазил йўсинида «Туркистан» газетасига хизматта ўтишга, фаол хизматга даъват этяпти.

⁵ Сабурний — Тошкентдаги «Амир Темур хиёбони» ёнидаги «Сайилгод» кўчаси. Унда янги шаҳарнинг энг катта савдо дўконлари бўлган.

⁶ сониян — иккинчидан.

⁷ «Жангномаи ҳазрат Али» — ҳазрати Алиниң гайри динлар билан олиб борган курашини афсонавий тасвирларни китоб.

⁸ «Жангномаи Жамшид» — эрониларнинг қадимдан душманларга қарши курашиб келган воқеаларни афсонавий ҳикоя юлувчи китоб.

⁹ «Нот пинкартўн» — Пинкертон — детектив адабиёт қаҳрамонининг номи. Бу ном асли 1850 йилда Америкада кидирив агентлигини ташкил қиласан изкувар А. Пинкертон номи билан бўлди. Унинг номидаги детектив асарлар йигирманчи аср бошларида Америкада ва Европада оммалашган.

¹⁰ «Шерлок Холмс» — инглиз ёзувчиси А. К. Дойл асарларининг боз қаҳрамони.

ларидан бир парча (негаким, бизнинг зиёлиларимиз учун бу худда пўладга сув бергандек бўладир).

— Улка ва Тошканд хабарлари ўрнига, «Алдаркўса» ҳикояларидан, «Алифлайло»¹² воқиъларидан ширин-ширин ривоят (эълонларға тегила кўрулмасун, чунки эълон учун «Туркистон»ни олғучи саводгарларимиз кўб кўринадирлар).

4 — «Инқилоб» журнали бир йилда уч мартаба чиқсан: «янги йилга бағишлину бир нўмир, май байрамисига бир нўмир, ўктабр ўзгаришига бағишлину яна бир нўмир, жамъи уч нўмир. Аммо Усмонхон билан саркотиб (Хаккин) бир йилда чиқсанни ўн нумир деб талтаймасунлар!

5 — «Билим ўчори»¹³ ўликми, тирикми, буни Усмонжон маҳсус журнал чиқаруб эълон қилсун!

6 — Эски шаҳарда солинатурған «Буюк театру биноси» ўн ерга кўчурилуб солинсан. Шу бино биткунча ҳеч ким пъеса ҳам ёзмасун. Шунгача артистларимиз унда-мунда дам «Ҳалима»ни, гоҳ «Абомуслим»-ни¹⁴ қўя-қўя, қариб-чуруб дорул-фанодан¹⁵ кетуб чиппакка чиқсанлар!

7 — Беш йилдан бери пўчта-телеграф курсида ўқуб, энди оғзим ошға, бошим тошға тегди, деб қувонған ўзбек йигитларининг пўчта-телеграф ишларидан ҳайдалғанлари — ҳайдалған бўлсун! Уларнинг додини ҳеч ким эшитмасун!

8 — Некалай даврида туркистонликлар темир йўл чўчқаларидан қандай туртилган-суртилган бўлсалар, 23-нчи йилда ҳам ундан баттарроқ туртила берсунлар. Бу тўғрида чурқ, этканинг оғзира хоппози чиқсан!

9 — Маҳкамаси шаръиянинг раиси Заҳиридин аълам фалончи, пистончи домлаларға танча кўрпани иссиғлаб бериб¹⁶, ўзи томоша қилуб ўлатурсун! Ҳар замон — бир замонда «ислоҳи мадорис»¹⁷ учун «Оламгирия»¹⁸ билан «Раддул-мухтор»дан¹⁹ ривоятлар ахтариб қўйса бас!

10 — «Татаристон» газетасида Туркистон ҳақида «балойи баттар» ёзуб маташғучи²⁰ ибташ²¹ Ш. Бойчура агар иложини топса оиласи билан Туркистонга келиб, яна бир йил истиқомат қилсун. Бундаги «вақ табиъатли»²² ўзбеклар (сартлар) орасинда юруб тирноқ остидан кир изласун Бир йил тўлғач Қозонга қайтуб, шал этириб²³ «вақ та-

¹² «Алифлайло» — «Минг бир кеч» ҳикояларининг арабча номи.

¹³ «Билим ўчори» — журнали 1922 йилнинг сентябр ойидан 1923 йилнинг майигача учта сони чиқиб тўхтаган. Туркистон халқ Маориф комиссарлигининг нашри.

¹⁴ «Абомуслим» — Фитратнинг драматик асари.

¹⁵ Дорул-фено — бу дунё.

¹⁶ Танча кўрпани иссиғлаб бериш — югурдаклик, хизматкорлик; лаганбардорлик.

¹⁷ «Ислоҳи мадорис» — мадрасаларда ўқитиш услубини янгилаш.

¹⁸ «Оламгирия» — «Оламгири фатова» — ўн олтинчи асрнинг иккинчи ярмида Бобурийлардан Авраангеб Оламгирининг бўйруги билан етилган фикъ китоби.

¹⁹ «Раддул муҳтор» — фикъ китоби, муаллифи Муҳаммадаммин Аш-шахир ибн Обиддин, хижрий 1306 йилда Афғонистоннинг Маймана шаҳрида ёзилган.

²⁰ Маташмоқ — уринмоқ, гимирлаб юрмоқ, овора бўлмоқ.

²¹ Ибташ — ўртоқ, дўст.

²² «Вақ табиъатли» — пасткаш, майда гап.

²³ Шал этириб — тўсатдан.

бигъатли» ўзбеклар (сартлар) ҳақинда вакъ-тиягин²⁴ нашр этсун. Ул агар шулай этса бик шап²⁵ муҳаррир²⁶ була, сабаби иштиҳор²⁷ була. Ўзи айтмишли шунинг билан Фалимжон Иброҳимовнингда кимлигин очуб сола...

Зинҳор²⁸ келсун али Ш. Бойчуро, зинҳор Фотиҳ Бурнашида²⁹ олсун Бойчуро... зинҳор ипташкаим!³⁰

Жулқунбой,
«Туркистон»— 1923 йил, 1 январ.

ЛУЗОНДА КЎНГИЛ ОЗИШЛАР ВА ИСИРИҚ СОЛИШЛАР

Ҳангама

(Радио хабарларидан)

Лифлид-20. Озчилик ташкил этган эркатойлар масаласини қарай-турған шаллақилар камисияси кеча шундай таклифлар киргизди:

1. Ҳазрат Исонинг туғулиш байрамида (рождествода) Туркия ҳукумати христианларға ҳаддялар тарқатсун.

2. Туркия қўл остида бўлған христиан хотин-қизлари дунёга «янги итбачча» ташласалар (ҳаромзодалари ҳам шу ҳисобда) Туркия ҳукумати тўхтосиз суюнчиларини берсун.

3. «Янги тугилған ҳаромзодалар»нинг ногорачисига, юпқа-чўзмасига, бўйнига осатурған олтун бутига ва бешик тўйисига ҳам кафил бўлсун.

4. Туркия ҳазинаси христиан бутхоналарига ҳар йили янги қўнғироқ ишлатуб берсун.

5. Христианларға мутобиъатан¹ ҳар бир турк ўз уйига «Она худо бола худо»нинг суратларини оссун.

6. Ҳар бир бўйнига беш вақт намоз фарз бўлған турк, ўқуған намозидан кейин христианлар ҳақига дуо қилмоқда вижданан мажбур бўлсин.

Агар турклар ушбу таклифларни бош тўлғамай қабул қилсалар, иншооллоҳ, ўт балосидан, сув болосидан ва бошқа анвойи турлук зиён-заҳматлардан эмин бўлгайлар.

²⁴ Вакъ-тиягин — майдара-чўйда
Бик шап — жуда яхши, жуда соз.

Муҳаррир — езувчи.

²⁵ Иштиҳор — машкур.

²⁶ Зинҳор — илтимос
Ипташкаим — ўртоқжоним.

Козон шаҳрида нашр қилинувчи «Бизнинг байроқ» начни газетада Шариф Бойчуро катта мақола езиб, унда жумладан шундай деб ўтади: «Туркистонда татар очларин қарши олув яхши бўлмади. Оларга, ўтай онанинг ўтай болага муносабати кибиқрак мумомала этилуви кўзга ташланади». «Шаҳарли узбекларнинг роят зўр улуши фавқулоада вақ табиъатли, бир тийин чуун улатурган, кишр (сабзи) тураб сотувчи вақ савдогар; олар нутой — урусларга бир тилим икмак (иони), ё бир оз оқча беруви қоғ тови (тоги) кучруданда зурга соний...» «...Бу Йўлда (аэлларни) вақ савдогар йигитлардан паловга эсиртикич (шаша) солиб, эсиртиб фахш Йўлнина тортулар оз бўлмади». Қодирийнинг киноялари ҳам ушбу жумлалар сабабли эди. Шокиржон Раҳимий ҳам бу мақолага қарши, «Уйинта кириб ошингни ер, ташкари чиқиб бошингни ер», — номли катта мақолоси билан «Туркистон» газетасининг январ ойи сонларида жавоб берган эди.

¹ Мутобиъатан — тобе бўлган долда.

Таклифчилар ўз талабларини турклар тарафида лом-мим дейил-май қабул қилинишига ишонған эдилар. Лекин Туркия вакиали Ризо Нурибек¹ бу таклифларга қарши шундай жавоб берди.

— Таассуфки, биз бундай эркаликларга қулоқ бера олмаймиз.

Бу жавобдан сүнг бутун иттифоқчи вакилларига безгак касали арз бўлиб икки парашоқдан хининг истеъмол қилишдилар. Керзўннинг кўнгли озиб қолиб, ва назилус-кинначига югурди². Иккинчи томонда Исмат поша³ билан бизнини Чичерин тўра Ризо Нурибекка исириқ солдилар. Бу кун Лузонда қизик томошалар бўлди⁴.

Таржимон: Жулқунбой,
«Туркистон», — 1923 йил, 5 январ.

ИККИ ОФИЗ ТАРИҚАТДАН ҲАМ БЎЛСУН

Ҳангама

Хилават кунлари¹ ҳам яқинлашди. Кўрпа ёстиқни сотиб бўлса ҳам баъзи совуқ сўфилар Туркистон йўлини — Султонул-орифин² қабри-

¹ Хинин — бетгак касалининг дориси.

² Натулус-кинначи — киннани туширувчи.

³ Аузон (Лозанна) конференсияси — Яқин Шарқдаги вазиятни тартибга солиш мақсадида Швейцариянинг Лозанна шаҳрида 1922 йилнинг 20 ноябрдан 1923 йилнинг 4 февралигача халқaro конференция бўлиб ўтади. Унда Англия, Франция, Италия, Греция, Руминия, Югославия, Япония, АҚШ, РСФСР, Туркия катнашади. Кўрилган масала: Туркияни мустакиллигини тан олиш ёки олмаслик. Кора деңгиз бўғозларининг иш тартибини белгилаш. РСФСР нинз бўғозлар кусусидаги масала Ленин тоҷонидан ишлаб чикилиб, улар тинч ва ҳарбий ҳолатларда ҳарбий кемалар учун ёшлиб, факат садо кемалари учун бутунлай очик эканлиги назарда тутилган ёди. Англия вакиллари эса, Туркия бетарафлик йўлини ташчаши, бўғозларни куроллардан холи қилиш ва унинг устидан Антантада давлатларини назорати ўрнатилишини талаб қилиди. Туркия ўзига иктисадий ҳудудий ва бошқа масалаларда ердам беришини назарда тутиб Англия вакилларининг бу таклифига рози бўлди. Лекин Англия вакиали Керзон: «Туркия мустакилликка эришиш учун ушбу талабларни бўлжариши лозим» деб, кўйидаги муджиш шартларни кўйди:

1. Ҳалифаликни бутунлай бекор қилиш;

2. Ҳалифани Туркия ҳудудларидан ташқарига чиқариб юбориш;

3. Унинг мол-мулкини мусодара қилиш;

4. Давлатнинг диндан ажратиланини ёълон қилиш;

Туркия бу шартларга рози бўлмайди Зотан Европанинг бош мақсад-юйси, аз ал орзуни мана шу сўнгти шартлар эди. У бунига кеъинроқ, 1924 йил 24 апрел куни эришди. Мақода муаллифи Антантада давлатларининг Туркияга қилган таклифларини ана шундай кинояли тарзда танқид қилиб ўтган ёди.

¹ Ҳожа Аҳмад Яссавий Суфийлик матъаби — яссавия сулуқига асос солди, илохий ишқни кўйлади. Оллоҳ жамоатига мушаррафлиғ факат узат-хивматда, зикру-самода, вужуди мутлак билан сұхбатда деб биёди. Яссавий «етти» ракамини илохий билиб «тарикат йўлида етти кун кильватда бўлиш 40 кунлик чилла ўтириш билан баробар» деб муридларига уткирган. Хилават Яссавийнинг ружасига кўра уч жойда — Туркистонда. Сайрамда ва Қорамукт қишлоғида ўтказилган. Хилаватни ўтказувчи шахслар — шайхуслом — шарипъат билан боғинқ ишларга жавобгар; ноиб ҳўжалик ишларига жавобгар; сўфидонишманд — намоз лайтнини ёълов қилиш ва ҳифз марга, зокирларга навбат берувчи; сўфичиродчи хилават иштирокчиларини жойига ўтказиш ҳамда ҳалим ва таом тарқатиш вазифагини бажарганилар. Туркистон хилавати жаддийда — декабр ойининг сўнгти жумасидан бошланиб етти кун давом этган. Чоршанба ва пайшанба «Айем кунлариз» дисобланниб, пайшанба — вазифа куни аҳли мўминларга ҳалим ва холвайтар тарқатилган. Жума куни ҳам пешин намозидан сўнг далим тарқатилган. Таомдан сўнг муридлар азизларни ўйда кўтариб хилавтхонага келгандар. Йўлда ҳофизлар ҳазратининг бевоҳт ўзига атаб «Охинадомат»ни кўйлагандар. Ҳар бир азиз ўз қавми билан Яссавий қабрини зиёрат қилиб сўнгра хилавтхонага тушган. Азизлар мечрӯбда кўлида тасбех, бўйнида оқ рӯчоқ (ридо) билан ўтириб фотиха бергач, ҳофизлар «Муножот»ни айтганлар. Ҳофизлар таталхонлик ва мақомотлари билан етти кун тун ҳофизлар килгандар. Хилаватда иштирок этиш ҳофизлар учун ўзига юқ



ни күзлай бошладилар. Фақириңгиз ҳам тариқат ишларидан унча бепарво эмасман. Түқсон тушуб¹ даҳага кириш² масаласи чиқғач, фақириңг күз ўнгидә еғлиқ хасиб, қызил палов, аччиғ сомса, заҳардек чой гавдалана бошлайдыр.

Ўзимизнинг шаҳардан топилиб турғанда Туркистон шаҳарига бориб юргум келмайдир. Бултур ўзимизнинг Ҳазрат эшон ҳам Миён бузрукнинг рақобатига «даҳа» ўлтуришни одат қиулиб кўрган эдилар, натижада жуда яхши чиқди. Ўн еттита ҳилватхона тикилди. Ўттуз бештача муридлар даҳага ўлтурдилар. Ҳар кун намозшомдан кейин масжиднинг ичида сайл, ҳилватда ўлтурған ошна, оға-инининг олдиға кирсак узоқ-яқин ёр-дўстлардан келган анвоғи турлук неъмат, қозоқ бовурники ҳам қолмасун десак, яхна эт, эй... қайси бирисини санай энди..

Қоринни дўпшайтириб олғандан сўнг бошланади жаҳр. Ҳазрат эшон меҳробда, ҳалқанинг бир чеккасида иккита ҳофиз, бир пайт зикр, бир пайт ҳикматдан ҳофизлик, йифи-сиги, аросат! Бу вақтда тош битиб кетканлар ҳам эрийдир. Аду олиш учун бир онда эшон бобомиз қоғоз оқча билан меҳроб оралаш кўмилган... ким ўғул талаб, ким қиз талаб, ҳой бовур, нима тилагингиз бўлса қўл дуода, ҳонақоқ ичи қизрин бозор.

Нима кўп дунёда, ёмон кўп, яхши ишни кўра олмагучилар кўб. Шу яқин орада ўзининг қўлидан эшонлик иши келмаган муллалардан биттаси: «Ҳонақоҳда савдо иши ҳаром. Бас, савдогарликдан иборат бўлған «зикр самоъ» ҳам ҳаром!» деб юбормасунми, бетамиз!³ Узоқ-яқиннинг ҳалфамуриidlари ҳалиги пештаҳамни⁴ ушлаб олуб «ҳайф санга!» дейищдилар. Маҳалла аҳлининг ҳамияти диниялари қўзғаб кетиб тиуюқ-сизни юртчиликдан ҳам чиқаришга қарор берищдилар. Эшонимизнинг «илми ботиналари⁵ кўб бўлса ҳам «илми зоҳириялари⁶ бир оз бемазароқ. Бўлмаса ҳалиги мулланамонинг кофирилиги билан ҳукм қилиш мана-берда турған гап эди. Шундай бўлса ҳам маҳалла «юрт оғаси»

Кўрик бўлған. Улар асосан Яссавий ҳикматлари, Навоий, Фузулий, Атоийнинг ғазалларини сўғийларининг камолотта стишадиган тўрт босқич — шаригат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатта мос равишида кўйлаганлар. Орир, самоқли талқин бора-бора тезлашиб, авжита чиққан. Зикрчилар ҳам ҳофизларнинг мусиқий овозиги мос равишида төбраниб ўтириб, талқиннинг тезлиги ошган сари төбранганлар ва охир жазавага келгандар. (Тасаввуфнинг яссавия тариқатидаги зикр тилда [зикрал-жадри], нақшбандия тарниятидаги эса дилда [зикрал-ҳофий] айтилади). Зикр пайтида мусиқий талқин жуда таъсири бўлиб, уни «самъ» (арабча — само эшитмоқ) деб атаганлар. Ҳилватда «зикр-самъ» (заштиб, худони едга олиш) атамаси шундан пайдо бўлған. Ҳилватхонадан бир ҳафта ўттач, жума куни пешин намозидан кейин чиққандар. Ювиниб, янги кийим кийганларидан сўнг, уларни муридлари кўтаришиб, уйига олиб борганлар. Сўғидонишманд навбатдаги ҳилватни ўзон қилиб, мурид ва иштирокчиларга рухсат берган. Ализларни бир неча кун давомида ҳалқ зиерат қиласан.

¹ Султонулу-орифини — Яссавийнинг илмий рутбаси.

² Тўқсон тушиш — уч ойлиғи қиши.

³ Даҳага кириш (тътикаф) — Рамадон ойида масжида бир кундан ўн кунгача тоат-ибодат билан машғул бўлиб ўтириш.

⁴ Ҳар кандай мағмундаги савдо ишларининг ҳонақоҳда ҳаромчиги «Ҳадис»да тасдиқланган. Зикри башкарувчилар ва зикрчилар одамлардан Оллоҳ Яўлига деб ҳадиялар олганлар. бу моддий манфаат ҳаром дейилган.

⁵ Пештаҳам — оғзи бузук.

⁶ Илми ботина — тариқат илми.

⁷ Илми зоҳирия — шаригат илми.

қаерда муфти аълам' бўлса шунга етти танга пул билан югурууб туруб-дир.

Фақирингиз маҳкамай шаръиянинг¹ ишсизлигига туруб-туруб ҳайрон қоламан. Пайти келганда шундайин бемаза муллаларнинг кофирлиги ва тошбўрон қилиниши билан ҳукум қилуб дунёда ўзидан бир от қолдирмайдирми? Ҳар ҳолда дунёда эр зоти куриған кўринаадир.

Мұхаббут-тариқат:² Жұлкунбай,
«Туркистан» — 1923 йил, 12 январ.

ЧУВИ ЧИҚДИ

Ҳангама

Шариъатсиз киши учса ҳавоға
Кўнгил берма унингдек худнамога!³

Сўфи Оллоёр.

Тўртта бемаъни бир ерга йиғилиб олибдири-да отини «Маҳкамай шаръия» қўйибдири

Маҳкамай шаръия очдик, шариъати набиянинг² равнақини истасангиз бизнинг ёнга марҳамат қилингиз! — деб рўйач учун солда домлалардан бир нечаларини ўз ичларига олибдириларда уялмай-суялмай «Тошкаңд маҳкамай шаръияси» деган вивескани ҳам Кўколтош мадрасасига осибдирилар.

— Эй уялмаганлар! Бу кун бўлмаса, эртага сиримиз очилиб шарманда бўламиз деб ўйламадингизларми?

Алҳамдуиллоҳ сумма⁴ алҳамдуиллоҳқим, аҳли мусулмонга ашро-рун-носнинг⁵ заарлари тегмай туриб «сирлари» очилди. «Маҳкамай шаръия» деганинг чуви чиқиб, бизнинг томондан бир парча чурук латтага тутилди

Маҳкамай шаръиянинг чувининг чиқиши жуда осон бўлибдириким, эшигуб зиёда хурсанд бўлдик ва аҳли солиҳ⁶ диндошларнинг анзори олийларига⁷ тортиқ қилишни ўзимизга фарзи айн билдик:

Маҳкамай шаръиядаги «Ислоҳи мадорис»чилар (ба чимаъни?) ҳаракати беҳудага юз қўюб мадрасаларга янги усули дарс ва янги мудар-

Муфти аълам — шаритаг конунгларини талқин қилувчи, шаритат ва ҳуқуқ масалалари юзасидан ҳужм чиқарувчи, фатво берувчи лаво имал уламо.

¹⁰ Маҳкамай шаръия — 1923 йил Турк МИКнинг рухсати билан тузилган. Низомга кўра бу мұассаса «Омма ўртасида тараққиет, маддият ва инсоният маслагини тарқатиш» мақсадида тузилган, шунингдек у ҳукумат билан ҳалқни бир-бирағ яқинлаштириши, динни ислоҳ, қолинши, исломда бўлган турли кераксиг очимлар билан курашиши, оммавий диний ташвиқот олиб бориши ва фаний фикрлар тарқатиши учун кадрлар тайёрлаши лозим эди. Ушбу вазифаларни бажара олмагани учун бу жамият ўша йили ешилган.

¹¹ Мұхаббут-тариқат — тариқатни севувчи.

Илмсиг⁸ киши олий мартабага эришса ҳам ундан ҳудбин, шуқратпарат, риекор одамга ихлас қилма.

⁹ Шариъати набия — пайрамбар йўли.

¹⁰ Сумма- ва яна (худога шукур)

¹¹ Ашрорун-нос — ёвуз оламлар.

¹² Аҳли солиҳ — тўғри йўлдан юрувчилар.

¹³ Анзори олий — улут наъарлар.



рис тайинламакчи бўлғанларида А. аълам домла жаноблари мударрислик учун ўз тарбияларида етишкан зотларни таклифи босавоб' қилибдурлар. Аммо ислоҳотчилар бу таклифи босавобни рад айлаб, чиртинг-пиртинглар билан жавоб бериб, ҳаракати нописандада бўлибдурлар.

Иккинчи, Шомий домла⁸ деган бемаъни мажхулун-носнинг⁹ ўрнига мулла Зиёуддин маълумун-нос вал-хос вал-авомни¹⁰ мударрис бўлсун, деб меҳрибончилик қилган эканлар. Яна ул бемаънилар дағаллик айлаб ва яна бунинг устига бирмунча шўртумшуклик¹¹ ҳам қилибдурлар

Учунчи, «мадрасаси шукрхония»ни булғатуб олудаи нажас¹² айлаб ётған жамоаи жадидни калтак олиб ҳайдамоқ маҳкамай шаръия афродига¹³ фарзи айнадир¹⁴, деб меҳрибончилик қилғанларида яна улар сустлиқ кўрсатибдурлар.

Шунинг ила А. аълам домлаға «Маҳкамай шаръия»нинг сири очи-либ «Маҳкамай жадидия»лиги ошкор бўлибдур. Ва яна «ҳамияти диния»лари жўппка келиб «Маҳкамай шаръияда шарифъят йўқ экан!» деб хитоб айлабдурлар. Ва яна «шайхул-ислом»лик мансабларидан ҳам истеъро берибдурлар. Ва яна «Маҳкамай шаръия»нинг чуви чиқибдур...

Мулла Жулқунбой,
«Туркистан» — 1923 йил, 25 январ.

БИР ЧИМДИМ БИЛДИРИШ

Кўчада учраган ҳар бир елкаси яғирнинг чопонини ўғурлаб олмоқ одатим бўлмагани учун ҳар кимта ўхшаб бекорга кучана бергим келмайдир.

Ўқувчи ўртоғим, маълуминг бўлсинки, ман ҳар вақт санинг кўнглинг-га қараб жиннилик қила бермайман; қалам деган нарса ҳам ўқлоги эмас. Аммо отамни партияга киргизиб олиб унинг «ҳа бер»идан қутулуб олсан, ундан кейин хурсанд қилиш меним вазифамdir. Ҳозирга хайр ўртоғим!

Жулқунбой,
«Туркистан» — 1923 йил, 1 феврал.

ХУСУСИЙ МАКТУБЛАРДАН

Ҳангама

Каминалари хусусий кабинетларида ўлтуруб, янгигина пўчталйўн томонидан топширилған дўст-душман мактубларини ўқуб, гоҳ кулар эдилар, гоҳ йиглар эдилар. Дўст-душман мактубидан бир неча нусха:

⁸ Таклифи босавоб — тўғри таклиф

⁹ Мажхулун-нос — одамларга номаълум.

¹⁰ Маълумун-нос вал хос вал-авом — юқори ва қўйи табака одамларга маълум одам.

¹¹ Шўртумшук — жадди тез, жizzаки.

¹² Олудаи нажас — аллатта булғанган.

¹³ Афрод — фардлар, кишилар.

¹⁴ Фарзи айн лозим.

«...Оеғингта қараб юр!.. Кечаги газетда ҳақимда алжиганингни бу галча бола-чақанг ҳұрматига кечирдим. Йўқса битта каллакесарга за-каз берилган зди... Имзо...»

Резалютсия:¹ үзим ҳам жондан түйғанман!

«Биродар! Құчқор подачининг сиғири тескари туғубдир. Шуни үхша-туб газетингта ёзмаисанми? Үзи жуда қызық гапда!..

Имзо...»

Резалютсия: саники ҳам маъқул!

«Үртоқ! Ман санинг шаҳарнинг четроғида туришингни биламан. Шунинг учун сандан бир илтимос бор. Худо учун илтимосимни рад қылма. Оилас ила яқинғинаңдан бери бир балоға йўлиқдиқ. Ёлғиз ман-гина эмас, бутун маҳалла аҳди йўлиқдилар. Бу воқиъага энди уч ойлар чамаси бўлди. Кундузлари ҳарчику нотинчлик билан ўткурамиз. Аммо кечалари! Сўрама биродар, бизнинг ҳолимизга мушуклар йиғласун! Бир чимдим ухлаш йўқ, бутун кечаси жонсараклик Ўзимизни ҳам кўябера. ҳаммадан ҳам бешикдаги болани айт... Эй, бечора-бечора, санинг нима гуноҳинг бор зди?!

Товушинг ўчқурнинг товушини эшиккан сайин бешикда ётқан гу-ноҳсизнинг ўтакаси ёрилиб шайтонлайдир. Эртасига бутун кун домла кўжа қилуб умримиз ўтадир...

Бунинг маҳалласига деб дориган- экан, деб ўйлай кўрма. Бу унинг олдида ҳеч нарса. Аждарҳо пайдо бўлғандир, деб ҳам ўйлама. Чунки биз аждар деганингдан .. оламиз, бу үзи ажиб бир бало, хунук бедаво!

Энди бўлмади, энди уйни ташлаб қочаман. Йўқ, у турсун — йўқ ман турай. Санга илтимос шулки, ўзинита яқин ердан бир ҳовли топ, ман кўчай шу маҳалладан, бошимни олиб кетай шу уйдан Бир мангина эмас, бутун маҳалла кўчиш қасдида. Бечоралар: «шаҳардан ҳовли топилмаса уязга бўлса ҳам чиқиб кетамиз», дейдилар.

Үзи ажиб бир бало, ишонмасанг бир кун кел, бутун тун мижжа қоқтирса ҳар нарса де. Санга байталмоннинг отини айтишка ҳам юра-гим йўқ. Хайр нима бўлса ҳам айттай: «Шарқ» саҳнаси билан «Турон»-нинг² тўртта карнайи ға-а-а-а-ат, ға-а-а-а туту-у-у-ға-а-а-ат! ғарт-ғарт-ғарт!! Ҳа товушинг ўчкур, ҳа, эгасиз қолғур!

Махсидўз маҳалла: Имзо...»

Резалютсия: шу гапингта номаъқул бузоқнинг гўштини ебсан. Жим-гина қимирламай уйингда ётабер. Товуши санинг маҳаллангта ёқмаған карнай шарқ «альт мусиқия»сидан³ бир навъидурки, унинг инсонга уч турлук фойдаси бор, дейдирлар Чуончи:

¹ Ревюлюция — карор.

² Дормоқ — келмоқ, ораламоқ.

³ «Шарқ» ва «Турон» саҳнаги — Тошкенттинг Эски Жўва майдонидаги Махсидўзлик кўчасида, тики ҳарбий комиссариат биносида бўлған.

⁴ «Альт мусиқия» — паст овозда чалинувчи асбоби.

1 — Хар инсон, форсийча «хар», ўзбекча «эшак» деган ҳайвоннинг нафмаи жонсўзини эшитсуи ва ё карнай товушини!

2 — Мусиқийшуносларнинг сўзларига қарагандо, бу икки жонворнинг товуши ижрои таъсирида баробар бўлуб, кишининг миясини тўлғузар экан ва яна рухига озиқ, бўлуб табиъатини ҳам нозиклашдирар экан!

3 — Хусусан, карнай бизнинг халқа гишнўтиэм қабилидан таъсири бериб, беихтиёр карнай товуши чиқсан томонга югуртирап экан. Шу муносабат билан «Турон» ва «Шарқ» саҳналарининг картина белатлари чақа пул бўлуб, мурод-мақсадга етилар экан.

Мана укајон, кўрдингизми, карнай деган «альт мусиқия»нинг «ҳикмати комедия»сини! Кўчаман-нетаман деб ўлтурмангки, миянгиз тўлсун ва ўзбек миллатига оз деганда бир маҳалла мусиқийшунослар етишсун!

Торт-ей карнайингни, садағанд кетаи!

Жулқунбой,
«Туркистон» — 1923 йил, 6 феврал.

ҚУРБОН БАЙРАМИ

Ҳангама

Бойларнида имлама, ҳасисларнида димлама.

Бу кун қуввати келган ҳар бир «мусулмони комил» ўзларига ўхшаган бир ҳайвонни қурбон қиласди. Қурбонлиқ қиласдан мусулмонларга охирада бўладирган имтиёзлардан қуруқ қолмайлик, деб машҳур сиёсий тулки лорд Керзўн ҳам бу ҳайит Лондон халқи учун бир қўй қурбонлиқ қилмоқчи бўлди. Чунки у дунёда сирот кўпргуи¹ деган ваҳмалик бир нарса бор эканига Керзўн ҳам ишонибди. Ҳар кимнинг бу «қиличдан тез, қилдан нозик кўпрук»дан ўтиши мажбурийдир. Керзондан каттароги ҳам мусулмонларнинг ақлига ҳайрон қолмасдан мумкинми? Сирот кўпргуидан ўтиш учун бир мингта ҳаво флотининг икки чақача аҳамияти йўқдир. Қурбонлиқ қиласдан қўйни минасизда, пилдирраб ўтуб кетаберасиз-да, тўп-тўғри сиз учун ҳозирланған жаннатта кириб, бир қулоги бу дунёга юз минг баробар келадирган ҳур², бурнининг катаги мана шу Туркистон ўлкасига бир юз миллион баробар келадирган ғилмонни³ бир тийин налўт тўламасдан тасарруф қиласиз («Мифтоҳул-жинон» таъбири). Мана бу имтиёзлардан кимнинг шўппайиб қолгуси келадир.

Ҳамма ҳам роҳат ва саодатни яхши кўрадир.

Баҳо ҳам унча қиммат эмас: бир қўй ё икки кишига бир ҳўкуз, вассалом... Тарин бу томони ҳам бор, қон чиқарилса кифоя.

Бойларимиздан Салимсоқ семиз бултур қиласдан қурбонлиги билан

¹ Сирот кўпргуи — дўйзак устига тортилган қил кўпприк.

² Ҳур — жаннатда бўладиган тўзал фаришта қиз.

³ Ғилмон — жаннатда бўладиган гўзал хизматкор йигит.



қизини чорлади. Кўчкоркўжа акам жўраларига гап берди. Болтичўлок маҳалла сўфиси билан имомини ва ҳам уч-тўрт маҳалла муштумзўларини имлаб қурбонлигини едириб юборди. Булар-ку маили, Ёдгор семиз шундай бой бўлса ҳам зикна-да, қурбонлик гўшт-ёғини димлаб кўйди.

Бу тўғрида ҳеч кимга айб қўйиш керак эмас. Қурбонлик гўштлардан очларра насиба чиқариш учун пайғамбарнинг декрети босилган қонунлар мажмуаси ҳам умматлар қўлиға теккани иўқ, уламолар қўлиға теккан бўлса ҳам улар бундай буйруқларни бекорга чиқарғанларига кўб замонлар бўлди.

Қон чиқди — кифоя.

Ҳай-ҳай, қандай яхши... бу дунёда қадри йўқ мусулмон оға-иниларнинг у дунёда бундай роҳат билан кун кечиришларига ҳасад қилғу-чи кофиirlарнинг кўзи чиқсан.

Мусулмонлар учун жаннатнинг баҳоси бир қўй, икки кишига бир хўкуз, тия бўлса ҳам майли. Қони чиқарилса кифоя. Ҳай, ҳай... ҳамма пайғамбарнинг уммати ичида баҳтиёр Мұҳаммад уммати. Ҳай, ҳай... бу давлат бизга етмасми, Мұҳаммад умматидирмиз.

(Ж—К)
«Туркистон» — 1923 йил, 24 июл

Ҳ У Қ У Қ

Кичкина фелетўн

(Хотун-қизларимизга баришлаб)

Азбаройи Худо айтингиз-чи, ҳуқуқ деган нарса ўзи нима?

Ҳуқуқ нимадан иборат? Гуваламики, уни биз майдалаб ҳожатимизга яратайлик?! Нима ахир? Бунинг жавобини — «ҳуқуқ» деган дарди бедавони бўйнига осиб олғанлардан сўраймиз.

Шўролар ҳукумати ҳар бир чоти айри, боши юмалоққа, ҳар бир ҳайвони нотиқу ва ғайри нотиққа, ва ҳар бир инсу-жину, деву парига том-том боло-боло бом¹ ҳуқуқ берди, деб гапуришадирлар! Бу тўғрими, баковул — ясовуллар, қозию-қуззотлар бу гапка, бу ишларга ту-шунадирларми?

Гап бундай: ўзингизнинг Халча опангиз; аллақаердан ҳуқуқ текширадирған бўлуб, эрга берилаётқан бир қизнинг уйига борибдир. Хайр, яхши — текширсин.

Нега энди 13 ёшлиқ Ойнисани сёғидан, қулогидан чўзиб, елмай, ютурмай 18 ёшатуб қўядир?

Тагин бир иш. масалан, ўзингизнинг Зайнаб опангиз: эридан, қўйинг-чи, уйидаги ҳар бир ясси-япасқи қинғир-қийшиқ, ажива-тараладан ейдур калтакни; шилқ-шилқ; ўзи оч, боласи оч; нон деганда фириллайдир кесак... Бечора опангиз ундан-бундан сўраб-сўрорлаб борадир катта

Том-том боло-боло бом — чукмамал.



вивескалиқ бир ҳуқук олиб берадурғанга. Йиғлайдир, сиқтайдир, арзি
бандалик қиласы; аммо құл қурук, ёғиз бол!

Чақириладир эри, ёнида уч-түртта гумашта, илтимосчи, азайимхон,
тутатқи, иҳи-пихи, гап бийрон, ғарч-күрч, ўлли-булли, ўлумдан хаба-
римиз бор бундан йўқ!

Мурофаа:- икки коски³, яна бир гуржи. Қанақа гуржи дейсиз? Ҳа,
тушунадурған мухторият, фалон писмадону гўёки бу мажлиска ўзи
шундай киртиш⁴ қидирибгина келган, тавба!

— Зайнаб опа, оғзинг қайси?

Бечора қулоғини кўрсатади

— Ҳуқук!!

Ёнида жаллод ва бошқа қасамхўрлар; ғўдайиш, пичинг! Бечора
дир-дир қалтираган, қози маҳсимнинг ҳам гаплари айлантирмалик:

— Ким яхши?

— Эрим, почча!

— Ким ёмон?

— Ҳуқук, почча!!

Ҳуқук — гап билмаган, иш билмаган Зайнаб опаларники эмас,
шайтон устози бўлган Хожи Абдиларники, шайтон мардикори бўлган
Салоҳиддин муфаттинзодаларники!⁵ Шоир Ҳоқоний,⁶ дегандек: холати
манхусада⁷ қолган «ул» эмас, тўртта наҳснинг орасида боши айланган
ану бечора!

Гап кўп, кўмир оз; кези келди, бир ёздиқ!

Ҳақиқат эълони: Жулқунбой,
«Туркистон» — 1923 йил, 24 декабр.

ЧИҚИБ БОЗОР АРО ПОШШОЙИ ТАНГА КИРИВ ЎЛТУРДИ КЕТКАН ЖОН ТАНГА

Кичкина фелеттўн

Ана энди туфлаб тугадурған пуллар ҳам чиқди... Отангта раҳмат,
дадаси кўрган!

Ман-ку, ҳали тангани ушлаб кўрганим йўқ, аммо ўша моянахўрлар
янги пошшойи тангадан йигирматасини бир қўлга ушлаб иккинчи қўлга
қатор тушурсалар борми, жирине-жирине, шалдир-шулдир-да!

Тусингдан айланайнинг кўрими ҳам яхши, товуши ҳам худда қиз-
ларники, бежирим... Девонахонингизнинг бир тилагим бор эди-ки, энди
ул ҳам бўлди. Яъни ўша ўроқ билан болгаю бир тутам бошоқни қороз-
да эмас, ана шунақанги боши тошдан бўлған нарсанинг устида кўргим

³ Мурофаа — суд мажлиси.

⁴ Коски — оғзи бузук.

⁵ Киртиш — күшхонада түёқ, сўйилганда терисини туз сепиб жийлашдан олдин ички томо-
нидаги пай-шалхаклари киртишлаб олиб ташланади. Бу қиртишларга доим дайди итлар мазахў-
рак бўлишиади. Бу долатни мажозан доим бирорнида қорнини тўйдириб юрган одамга нисбатан
ҳам айтилади: «За, у киртиш еб катта бўлған» дейишади.

⁶ Муфаттин — фитначи, извогар.

⁷ Манхуса — ювингмаган, наҳс.



келар эди. Шукур, ўзим ушлай олмасам-да, оға-иниларнинг қўлларида кўрдим; оға-иниларнинг бошлари омон бўлса шунақанги кўрсатиб юра-берарлар-ку, ахир! Нима, ман уларнинг тангасини еб қўяманми?..!

Беш кундан сўнг чақабой чиқсалар, ўн кундан кейин тилла тўрам² ҳам чиқарлар, а? Энди биз ҳам боқдолнинг олдига бориб бир миллиарт, ўн миллиарт деб оғиз кўпуртириш ўрнига елкамизни сиқибгина: «бир пақирга³ носвой, бир мирига⁴ савзи!» деб айтармиз-ку.

Бердивой акам бўлса: «Э ука, большевойингнинг пулидан хафа бўлдим-ку, ҳисобини билиш бир сари, курсинига тушиниш икки сари... Бизларга ота-бободан қолған чақачамизни чиқариб берсин!» дер эди.

Ман:

*Сабр қилсанг тўрадан ҳолва битар.
Сабрсизлар ўз оёғидан йитар! —*

деганимда, бир тиллои пулинни курсиндан йиқилиб тушуб ўзининг анча зарар қилғанидан шикоят қилар ва «Э, ман, курсинидан зарар қилабериб буд-шудимдан айрилиб қолайми, ундан кейин бу итбачаларингни ким боқадир, а?» деб манта пичинг қилар эди.

Одамларнинг қўлидағи пул бўлуб юрган тамға қофозлар⁵ энди кўзимга худда моҳховға ўхшаб кўринадир. Аммо ман пошшойи тангасига⁶ қойилда!

*Чиқиб бозор аро пошшойи танга,
Кириб ўлтурди кеткан жон-танга!*

Кейинги мисрани абжад ҳисобига олсангиз ба илми каромат (1924)⁷ тарихи чиқар.

Думбул девона.
«Туркестон» — 1924 йил, 25 март.

«МУШТУМ» ТАЪРИФИДА

Тарихга бир айланиб қаралса, муштнинг аҳамияти зогора нондек бўлиб кўз ўнгидаги гавдаланур. Аммо ҳоли ҳозирламизга ҳам кўз қирини ташланса, мушт деган ҳайвони рапи нотиқнинг сиёсатда подшоҳ, иқтисода авлиё, фанда кимё ўрнини ишғол этканини кўрилур. Буларни ҳам бир ёққа қўя туриб, муштнинг аҳамияти муҳиммасини ўзимизнинг манави маҳалла-кўйдан¹ қидирилса тафтишотга тағин ҳам яқинроқ турилған бўлинур:

¹ 1924 йилда мумомаладаги пулнинг қадри кетиб пул ислоҳоти ўтказилган эди. Мақола шу муносабат билан ёзилган. Бу ерда муаллиф бир сўмлик ва эллик тийинлик сўлқавой дул ҳақида тапирияпти.

² Тимла тўра — 1922—1947 йилларда СССРда мумомала бўлган ўн сўмлик червон пул.

³ Пақир — икки тийинлик чақа.

⁴ Мири — беш тийинлик чақа.

⁵ Тамға қофоз — тантагуллар чиққунча бир-уч-беш тийинлик гербли қороз пуллар мумомала-да юрган, тап шу ҳақда боряпти.

⁶ пошшойи танга — червон пул.

⁷ ба илми каромат — Оллокнинг каромати билан.

¹ Кўй — кўча.



Маңалла-күйларимизда битта-битта бүйни иўғон — бүйни ғавслар борлигини ҳар бир кимса билур ва уларнинг маңалла ижтимоиётида ўйнайтурған рўллари ҳам катта-кичикка белгулуқдир. Бизнинг текшириш ва қашфиётимизга асл хусусият бүйни йўғонлиқда бўлмай, унинг замиридаги муштададир ва муштумзўрлиқдадир.

Лекин бу таъриф жаҳонгир ва буржуазия фойласуфлари нуқтаи назаридан бўлиб, аммо пролетариатнинг муштка бўлған назарияси бунинг аксидир. Журналимиз шу кейинги қўли қадоқлар синфининг «Муштум»и бўлғанлиқдан унинг маъноси ҳам ҳалиги таърифнинг таоман тескарисидир.

Бу «Муштум»зўрлиқ муштуми эмас, ҳақлиқ муштумидири; бу «Муштум» — золимлар муштуми эмас, мазлумлар муштумидири. Шунинг учун бунинг маъноси ҳам бошқачадир.

— Ҳамманикига дўлона ёққанда, бизникига девона ёғди!

— Қовун, деб экканимиз шунгия¹ бўлуб чиқди!

— Олтун қўнғуз деб маҳтағанлари қора қўнғуз эканки, рўмолча билан бурунни ўрашга мажбур бўлдик...

— Богдан гапирсак — тоғдан келадилар!

— Али, десак — бали, дейдилар...

— Шу йўсун: гулшан разолатда², гулзор сафоҳатда³, бозор сиёсатда, майдон ҳамоқатда⁴, бойимиз, мулламиз, эшонимиз, ёшимиз ва мөховимиз, песимиз сайру гулустон этмоқда ва жунуни маърифат⁵, фунуни шайтанат⁶ водийларида масти-лояъқил⁷ кезмакдалар...

Мана, шундай «овони саодат»ларда⁸ тўрт томондан мўралаб, эл ичига оралаб, ҳақиқатни қоралаб, яхшидан ёмонни саралаб; шахсий бараздан соғ, тўғри юргаганга боп бир «Мушти пурзўр»га⁹ эҳтиёж сезилди ва узоқ ўйлаб турилмай узоқ-яқин, дўст-душманларимизнинг кўмаклари умидида ушбу «Муштум» журналининг нашрига ҳам қарор берилди.

Тумшуғингиз устига янги меҳмон муборак бўлсин, афандилар!!

Жулқунбой,

«Муштум» — 1923 йил, феврал, 1-сон.

СИЁСАТ МАЙДОНЛАРИДА

Сарлавҳани ўқуғач, Пуанқаранинг лўтгисидан¹, Керзўннинг Туркияга қилаётқан олифталигидан эшитамиз, ~~деб~~ кўнглингиз айнар. Воқиъ-

¹ Шунгия — бошқа экинлар илдицидан озиқланадиган текинхўр ёввойи ўт.

² Разолат — пасткашлик.

³ Сафодат — нодонлик.

⁴ Ҳамоқат — аҳмокдик.

⁵ Жунуни маърифат — жинниликни маърифат деб билиш.

⁶ Фунуни шайтанат — шайтоний ҳунарлар.

⁷ Масти-лояъқил — ақлсиз даражада маст бўлиш.

⁸ Овони саодат — баҳтади замонилар.

⁹ Мушти пурзўр — бақувват мушт.

¹⁰ Лўтти — найранг.

ан бу түгрида күнглингиз айнаб ҳазми қийин бўлған Ёврупо йиртқичларининг курақда турмаған сиёсатларини «воқ» этиб қусуб юборишга ҳам ҳақлидирсиз. Тўғриси ҳам бу ит эмгандарнинг тутқан сиёсатларини ҳар қандай шарқ боласи осонлиқ билан ҳазм қила олмайдир. Бундай заҳарзақум олуд сиёсатни илон катлети, чиён сомсаси еб, Лўндуң рестўранларида нашғу-намо қилған Керзўн чўчқанинг нозик меъдаси ҳазм қилмаса, эгаси ўлган эшакнинг гўшини (Германияни) Пуанқаранинг кўнгли тортмаса, бундай палид ва нажас сиёсатларни ишли ҳалқининг касби ҳалолғагина ўрганган меъдаси кўтара олмайдир

Ёврупо балохўрлари, ўз ора «олинг қуда-беринг қуда»ларни қачонча мазлум шарқ ҳисобига қиласар эканлар? — деб сўрарсиз, албатта². Бу саволингиздан нечоналик сабрсизлик ва самимилик ислари дунёни тутқанидек бунинг жавоби (агар ўзингиз, башарти аҳли салоҳ³ синфдан бўлсангиз, кўзингиз узоқни кўруб, қулогингиз инқилоб қийқурунни эшитса) ҳам ердан, ҳам кўқдан, ҳам тоғдан, ҳам тошдандир.

Қачонки бу муттаҳамларнинг балоси ўз ичидан чиқадир: қачонки Ёврупонинг ишли деган синфи хуружга келадир; ана шу вақтда бу шарқ елкасига миниб олған рўдаполарнинг мия қатиги бурнидан келиб, жойи жаҳаннамдан белгуланадир. Аммо шунда ҳам шарқ, оғзинг қани деганда бурнини кўрсатиб ўлтуратурған бўлса, қассобдан гўш олиб баққол билан гаплашса, маданият деган лаш-лушдан қирқ газ нарига қочишни қўймаса, яхшиси шуки, ўзининг иссиғ ўрнини совутмасун, эшак аравасини тортаберсун!..

Лузончи муттаҳамлар билан Туркия вакиллари «борди-кељди»си масаласига келганда, муттаҳамларнинг лўттиси жуда ҳам эшак мия еган даражададир

Бутун дунёдан ўзига кўмакчи излаган Туркия ўз ёнида Русиядан бошқасини кўрмайдир. Бизнинг Чечерин бўлса Туркияга юрак бериб:

— Шаллақиларнинг дўқидан қўрқма! — дейдир.

«Яланюч сувдан тоймас» дейдилар. Туркия бутун дунёning биринчи яланючи бўлғанлиқдан олабўжиларнинг ҳар бир «ваҳималик картина»сини кўришга ҳозирдир.

Жулқунбой,
«Муштум» — 1923 иш, 2-сон

САЛОМНОМА

— Отқа қоққан тақадек, сувдан чиққан бақадек, бир мирилик чақадек — маъориф шўросига сало-о-ом!

— Ўзи четка буқинуб, шахсиятка тўқинуб, аллакимга чўқинуб — ўгри ушлаганга сало-о-ом!

¹ Шарқ мамлакатлари бир печа юз йиллардан бирни Европа ва кейинроқ эса АҚШнинг иқтисодий-сиёсий маънбаатлари доирасидага келаётган бўлиб, 1910—1920 йилларда капиталистик кучлар бу мамлакатларни яна бир карра ўзаро тақсимлаётган әдилар. Масалан, Лозанн ва Генуя конференциялари шу ниятдаги ҳаракатларнинг ҳосили эди.

² Аҳли салоҳ — тўғри, ҳалол одамлар.

— Күрүнгән ер оқ салла, оқ бўлса ҳам бўш калла, оқу-қора ҳам
малла — Туркистон уламоларига сало-о-ом!

— Бошларига соч қўйған, отларини ёш қўйған, фахш¹ дегани фош
қилиған, яна отини ёш-қўйған — думсизларимизга² сало-о-ом!

— Масков бориб келибон, минглаб фойда қилибон, ҳафтада гап
еийбон, томга карнай қўйибон; ҳалқ қайғусин емайин, мактаб очай
демайин; эллик-олтмиш қўй берган, саккиз кунлаб тўй берган — Тур-
кистон савдогарларига сало-о-ом!..

Амма-ҳоласи ҳаводор, айланай!

Келин янгаси: Думбулниса.

«Муштум» — 1923 йил, 2-сон.

«МУШТУМ» ПОЧЧАМИЗГА АРЗ

Почча!

Биздан ҳол-аҳвол сўрасангиз, биз Тошканд деган бир шаҳарда
турнимиз. Шаҳримизни баъзи кексалар «Шош» деб, газетчилар «Туркис-
тон маркази» деб ҳам атайдирлар. Биз, мана шу «ойнабандлиқ» ша-
ҳарнинг¹ «Эшонгузар» отлиқ маҳалласида туруб ярим бедан лой ке-
чамиз, лой, почча! Маҳалламизга тош терилса биз ҳам бошқалардек
лоида шўлтиллашдан кутулсақ, деб мундан уч йил илгари «баладия
бўлими»га² ариза берган эдик. Лекин баладиянинг «ана-мана, эрта-
индин»лари билан шу кунгача сабр қиуб келар эдик. Ўткан кун бир
хушхабар эшишуб «ҳа, энди тухуми оғзига келибдир» деб чопишуб
баладияга борсақ: «Тош Юнусободга терилур, сизники кейинга қолди-
рилди» деган жавобни бердилар. Кейин билсақ, Юнусободга отбозо-
рини чиқарилур экан. Кечагина ур калтак — сур калтак билан белгу-
ланган отбозор бу кунга келуб оқсадими, бу қайси жинни қўйнинг
калласини егандан чиқған ақд? — Мана шу гапка нима дейсиз почча?

Маҳамма муштумзўрлари.

«Муштум» Баладия бўлими кўнглига келганини қилишга ҳақлиқ
бир идорадир. Агар ул отбозорни моҳховзорга олуб чиқамиз деса, сиз
нима дейсиз? — Лой кечищдан зорланмангки, гуноҳкор бўлурсиз. Чунки
одамнинг асли лойдир, тош эмасдир.

«Муштум» — 1923 йил, 2-сон, I март.

¹ Фаҳш — қинғир, нотўғри.

² Ёш — комсомоллар.

³ Думсиз — қалта кийинган.

⁴ «Ойнабандлик» шаҳар — эртакларда подшоҳларнинг саройлари «ойнабандлик», яъни кўркам,
муҳташам, деб тасвирлалади, муаллиф шунга ишора қилиб киноя қиляпти.

Баладия — коммунал кўжалик идораси.

ИТ УРУШДИРИШ ИШЛАРИ

Кўкча даҳаси билан Бешёроҷ даҳаларининг ораларидағи сиёсий муносабат қутулмаган жойда бузилиб кетиб сан-манга боришиб қолдилар. Бу бузилишнинг ибтидоси Кўкчанинг Чифатой¹ билан Бешёроҷчининг Чақаридан² ит урушдириш масаласидан чиқди. Чифатойнинг ўн йилдан бери сув ўрнига сут бериб, зўрайтириб келган олапарини Чакарнинг аҳамиятсиз тургиси қочираб қўймасуми. Бу воқиъдан кўкчаликнинг катта-кичиғи ҳаяжонга келиб Маллахоннинг тарихий итларидан бўлған «давангига» майдони харбга³ чиқардилар. Бу воқиъага ҳар икки тарафдан ўн минглаб киши тантана ва дабдаба билан иштирок қилиб урушдириш маросими маҳсус дуолар билан бошланди. Гарчи уруш майдонларида бўлиш хавфлик бўлса ҳам на чораки, тўғри хабар олмоқ учун муҳораба⁴ устида ҳозир бўлмоққа мажбур эдим.

Ярим соатлик қонли «ғов-в-в-в-в, ғув-в-в, ов-в-в, ов-в-в»дан сўнг Маллахоннинг давангиси мағлуб бўлуб, фажеъ бир суратда яраланди, баъзиларнинг тарбузлари қўлтуқларидан тушуб кўнгил озишлар ҳам воқиъ бўлди. Бешёроҷ оға-иниларининг бу вақтдаги қувончлари ичлагрига сифмас ва паҳлавон итларининг оғзидан ўпишлари ҳам файри ихтиёрий эди. Уруш вақтда олинған расмлар бор. Агарда журнолга мувофиқ кўрсангиз юборурман.

Бу кунларда кўкчалик оға-инилар қаёқдан бўлса ҳам паҳлавони забардаст ахтармоқдалар. Сиёсий доираларнинг сўзларига қарағанда, паҳлавон топилса, нурун алонур, бўлмаса фидойи йигитлардан биттасини ит суратига киргизб майдонга киргузэр эмишлар.

Ҳозирда «таб бости»⁵ учун ҳар икки томон хўрозд, каклик, кўчкор каби уруш олатлари орқали иш кўриб турсалар ҳам, лекин булар ит ўрнини босолмайдир

Бундан уч-тўрт кун илгари Самарқанд оға-иниларидан иккитаси Кўмирсарайда⁶ түя урушдириб кўрсатди. Каминангиз түя урушини умрида биринчи марта бўришиданми, «ҳар ҳолда бу хил томоша ҳам бизнинг Тошкандга керак экан», деган фикрга келдим. Бу томошада ўн минглаб ҳалқ иштирок этса ҳам лекин итникидек ўзаро чиртинг пиртинглар бўлмади.

Думбулбой ўли,
«Муштум» — 1923 йил, 2-сон.

¹ Чифатой — Тошкент маҳаллаларидан бирининг номи.


² Чақар — маҳаллалардан бирининг номи.

³ Майдони ҳарб — жанг майдони.

⁴ Муҳораба — жанг, уруш.

⁵ «Таб бости» — овуниш, совутиш.

⁶ Кўмирсарай — Тошкент атрофидаги қозоқлар тақсовулни куйдириб, писта кўмир қилиб туда шаҳарга олиб келиб Кўмирсарайда сотишган. Кўмирсарай Чорсуда, қозирги «Жаҳон тиллари университети»нинг орқасида, сайдон жойда бўлган.



«ТАВАККАЛТУ АЛОЛЛОХ»НИ ДЕГАН ЭР: НА ТАЛҚОНУ НА ҚАЛҚОННИНГ ФАМИН ЕР!

Ўзбек шиори

Мана бу бир жуфт байт, ўзимизнинг ота-бободан қолиб келган ҳалол молимиздур. Ушбуни ҳам ким маники, деса боши ўлумда, моли талондадур. Агар қўни-қўшниларнинг кўз олайтиришларидан қўрқмай, доирани кенгайтириброк юборсақ бу байтдан бутун Шарқни ҳам насибадор қила оламиз. Аммо бошқаларга йўл-йўруқ йўқдур.

Чунончи бу бир жуфт байтнинг маъхазини¹ текширсак, тарихнинг қулоч-қулоч ичкарисига кириб кетамиз; варақ-варақ тарих ҳамоқат ва шақоватидан- ўқуй-ўқуй ниҳоят ҳазрат Одамга, ниҳоят алмисоққа² боруб етамиз Ровийларнинг ривоятига қараганда, алмисоқ куни бир фариштанинг қўлида: «Ал-ҳаракату фал-барака»³, иккинчи фариштанинг қўлида «Ман таваккал фатасаққал»⁴ деган шиорлар кўтарилибдур. Шул вақтда жарчи чақирибдурким: «Эй арвоҳи бани Одам⁵, ушбу икки шиордан биттасини қабул қилишга эрклиқдирсизлар!»

— Олҳа... Қарабисизки арвоҳи миллати нажиб ўзбек «Ман таваккал фатасаққал» шиорини ушлаган фариштанинг устига тутдак тўкулуб:

«Таваккалту аломлоҳ»ни деган эр:

На талқону, на қалқоннинг ғамин ер!

— деган байтни хўр билан ўқуб етти қат кўкни титратибдирлар.

Бу текширишимиз, даъвомизни тарих билан исбот қилиш бўлуб, аммо далил ва исботни ҳалқимиз ва тириклигимизнинг ўзидан олғанда иш яна абжақ: Кимнинг оғзиға қулоқ солсанг «Бўлса бўлар — бўлмаса ғовлаб кетар», «Умаралихону Маъдалибек, таралагиждангу таралагижданг»⁶. қаҳрамонлар билан битта-битта танишиб боқсақ тағин ишлар жойида.

— Муаллимларимиз: «Чалакам чатти ёрам зувалам завзи қалам чанта?»ни⁷ билиб олғанлар-да нариги ёғиға бир орқа таваккул!⁸

— Ишчиларимиз оғзидағи: «Қўли қадоқ, пешона тери, ур калтак — сур калтак» сўзи қулоқларни гаранг қиласа ҳам амалда эҳе...¹⁰

— Хотунларимиз: «Қозонда жиз-биз, ўрунда сиз-биз» шеърини

¹ Маъхаз — манба

Шақоват — баҳтсизлик

² Алмисоқ — Оллоҳ таоло руҳлардан аҳду-паймон олган кун, ўзини ва фариштларини таҳ олған руҳлар мусулмон, олмаганлари коғир бўлган кун

³ «Ал-ҳаракату фал-барака» — ҳаракатда барака бор (Ҳадис)

⁴ «Ман таваккал фатасаққал» — кимки таваккалчи бўлса дангаса бўлиб қолади (араб маколи)

⁵ Бани Одам — Одам Атонинг болалари

Хонларимиз Умархон, Маъдалибеклар давлатчилик ишларини қолдириб майшатта берилниб кетган эдилар, шундан киноя қилинади.

⁶ Араб алифбоси тартибини кўрсатувчи саккизта сўз: абжад, ҳавваз, ҳутти, қаламан, саъуфас, қарашат, саҳзаҳ, зазак; ёки усул мактабда болалар ларсни шу сўзларни езиб, ўқишидан, абжадхонликдан бошлаганлар.

⁷ Бир орқа таваккул — у ёғига худо пошшо.

Бу ерада муаллиф синфий кураш авж олдирилиб, ҳамма кунни ишчилар синфига ваъда қилинса ҳам амалда улар ҳеч бир рўшнолик кўрмаганларидан киноя қилияпти.



ўқуидирлар-да, натижада беш-олтита дувараклар миллат учун ҳадя: яъни авлод, ватан, дейсиз-да, қулбаччаларни!

— «Зиёлик, ёш кўз очган ва янги фикр» — сарлавҳасидаги муаммолар эштишимизга қарағанда «Миллатга илм керак, маърифат керак!» деб ҳовлиқар эмишлар-да ишқа келғанда «Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ...»¹¹

— Тошмат акамизнинг бурунларидан ип тақиљан бўлса ҳам ҳамон таваккалту алоҳо...

Бас бу бир жуфт байт ҳар жиҳатдан ҳам бизницидир, бизнинг ила алжису ва ла билимдир¹².

«Таваккалту алоҳо»ни деган эр:

На талқону на қалқоннинг ғамин ер.¹³

Муштум.
«Муштум» 1923 йил 3-сон.

НИМА ҚАЁҚҚА КЕТАДИР?

Ишчининг топқани хўжайнинг ҳалтасига кетади.

Совдагарнинг топқани ўғул тўйисига кетади.

Тошканд кўнчиларининг топқани қишилиқ тўкма билан ёзлиқ, гапка кетади.

Қиморбознинг топқани гартикам¹ билан тўртта ошиққа кетади.

Беданабознинг топқани тариққа кетади.

Муриднинг топқани эшонга кетади.

Эшоннинг топқани саккизта хотунга кетади.

Хотунларнинг топқанлари иссиқ-совуқчи домларга кетади.

Бойбаччанинг топқани «Турквино»² билан баришнахонларга кетади.

Ёшларнинг топқанлари упа-элик билан ўсма-сурмаларга кетади.

¹¹ Ҳеч бир куч — кудрат йўқ, фақат Оллоҳ номи билан, ердами билан бўлади. (Ҳадис)
Алжису ва ла билим — яна билмадим, Оллоҳ билгучидир.

¹² Бу шиорнинг мазмуни Куръон оятлари ва ҳадислар билан асослангандир. Аслида бу шиорнинг мазмунида тоат-ибодатда, ихлос-этиқодда, зуҳду-таквода Оллоҳнинг қаломи-ажномаларини адo ётиб, ботиний покланниш, зоҳирӣ риёзатлар орқали марди ҳудолик мақомига етиб сўнг таваккул қилгучилар назарда тутилади. Бундай мақомга эришган Оллоҳнинг дўстларини табиийки дуолари қабул бўлгувчи қишилар дейилган. Яъни улар аввал талқоннинг (ризқ) ҳам, қалқоннинг (ҳимоя) ҳам тадбирини олган инсонлардир. Бунинг «Ҳадис»и ушбуидир: ҳазрати Умар разияллоҳу анҳу бир шаҳарга яқинлашиб боргандилар, ундан бир киши чиқиб шаҳарга кирмасликни, вабо борлигини ҳабар беради. Ҳазрати Умар ордага кайтишига қарор қиласдилар. Шунда аъёнларидан бири: «Эй амирал-мўминин, қадарда борини кўрамиз, тақдирдан қочасизми, кирайлик» дейди. У зот: «Қадардан қадарга қочаман, билиб туриб қадарда бор, дейишлик ақлсизлиқдир», деб жавоб берадилар.

Лекин бу буюк шиор бора-бора ўз қадр-қимматини йўқотди, илоҳий таваккулдан қолиб, юқорида айтилган араб мақолидек соҳта, куруқ таваккулга, ақидага айланди, шу ҳолича биз ҳалқнинг онгига, одатига кириб борди. Ушбу мақоласида муаллиф бурнидан боллаб ип тортса ҳам тақдирини Ҳудодан кўрувчи, таъзимда турувчи, имонсиз, кўрқоқ, махсум, нотавон ҳолга келган бир қавмидан шикоят қиласди.

¹³ Гардкам — ўртага тикилан нарсанинг ҳаммасига ўйналағанда айтиладиган сўз.

«Турквино» — ўша пайтда «Турквино» иомли Туркистон Давлат трести бошқармаси турли хил вино ичичиллари чиқарган.

Эски шаҳар исполқўмининг топқани ҳар хил юқори шефстволарга кетади.

Баладия бўлнимининг топқани хизматчиларнинг маошига кетади.

Вақф шўъбасининг¹ топқани идорасини бежаш учун қип-қизил гиламларга кетади.

Отнинг топқани эшакка кетади.

Бўрининг топқани тулкига кетади.

«Муштум»нинг топқани туркистонликларнинг тумшурига кетади.

Ушбуларнинг ўкуған кишининг дами — дамбалига² кетади!

Бизнинг топқанимиз аччиқ-тизиққа кетади! — деб

Мулла Жулқунбой ёзилар.

«Муштум»: ёзғанларингизнинг ҳаммаси ҳам ҳавога кетадур! — деб биз ҳам муҳримизни босдик.

«Муштум» — 1923 йил, 3-сон

ТАРАҚҚИЙ

Батқалдоқ, хужа: — Ҳой эшон, биз ҳам энди анча тараққий қилиб-миз-а?

Лўқидон хўжа: — Қаёқдан билдингиз?

— Хотунларимиз нос ўрнига попирўс чека бошлабдурлар.

— Қаёқда кўрдингиз?

— Қаёқда кўрар эдим, сентралний мўнчада³ кўрдим...

Шилғай.

«Муштум» — 1923 йил. 3-сон.

ПЎСКАЛЛАСИ

— Ҳай ака! Вақтинг бўлса гапимга бир оз қулоқ бер! Қалай, ўзинг тантимисан? Агар танти бўлсанг, санга бир гапим бор. Пўскалласини айтсам, сан ўзинг, йўқ сан эмас, санинг ҳалқинг била туриб сувга . шунаقا қиласидиларда...

— Йўқ-йўқ, ҳовлиқма, бердисини айткунча кишини белангি қилиб қўйма, тагин! Гап бор, жинни, гап:

Фирдавсий⁴ айтадики: «Тараққо-туруққу амуди гарон-Жаҳон шуд чу бозори оҳангарон!»⁵ Мана шу таъбирга ўхшаш ўзори, бурноғи йиллар, баҳоси суриштирилмасдан ҳувв ҳисобда ҳам йўқ, китобда ҳам йўқ талай янги мактаблар очилган эдилар. Шу вақтларда ўзимизнинг ота-

¹ Вақф шўъбаси — вақф ерлар инқилобдан сўнг маъориф ихтиерига берилиб, даромади мактаб ва маъориф эктиёжларига сарфланган.

² Дамбал — иштон

³ Мўнча — (татарча) ҳаммом, у Амир Темур хиебонидаги собиқ Свердов театри, ҳозирги «Ўзбекистон Биржа Маркази» биноси ёнида бўлган.

⁴ Гурзиларининг шундай тарақ-туруққидан гўё жаҳон темирчиларнинг бозоридек бўлиб кетди («Шоҳнома» асаридан).

бободан қолған панжшанба нон мактаблари оёқдан қолиб домлалар-нинг уйларига ўт тушкан эди.

— Эй, гапинг қурсун...

— Шошма-шошма, тентак, паловнинг мойи тегида! Хайр, шу билан муборазаъи ҳаёт², танозиъи бақо³ гапларига тушунган ўзимизнинг ўша-нақангги домлалар: бўлса ўгулларини, бўлмаса ўзларини олти ойлиқ курсларға уруб, бот фурсатда янги мактабларнинг саркардалигига ҳам етишкан эдилар.

Ўзингнинг ҳабаринг борки, янги мактабларнинг ҳам тегига сув келиб, яна «ўзимиз хон — кўланкамиз майдон» бўлған эди ва бўлмоқ-да.

Агар мандан гап сўрасанг, ўшал эски мактабдан чиқиб, курсда ўқуб, сўнгра янги мактабга саркарда бўлғанлардан биттаси кеча ма-халла масжидида мактаб очибдур. Секин бориб довол орқасидан қулоқ солсан: «Алиф ломга аза-ал, ҳени мимга ҳеза-хам...» «Абжад, нонинг бўлса жеб жот; Каламан, чирмандангни чаламан...» Шарқийси⁴ ҳам қизик:

«Эй оналар ёғ солиб юпқа қилинг,

Ўқлорига тоб беринг супта қилинг!»

Мана тентак, бу домлаға қараб пўскалласини айтканда «била туруб сувга...»

— Ўбба бадбахт жадид⁵ экансан, жадид! Ҳай сўзинг қурсун, қараб туриб гуноҳкор қилдинга!

— Ҳай тентак, тўхтасанг-чи, қизиги бор — қизиги:

«Абжад, нонинг бўлса жеб жот; Каламан, чирмандангни чаламан».

«Эй оналар ёғ солиб юпқа қилинг...»

«Алиф, бе, те, се...»

Думбул.

«Муштум» — 1923 йил, 3-сон.

НАҲС БОСҚАН ЭКАН...

Кашмиридан келган ромчининг олдиға ўлтуруб:

— Қани бир баҳтимизни синаб қараилиқ-чи, — дедим.

— Ранжми, ғойибми, ҳозирми? — деб сўради

«Кўрнинг тилагани икки кўзи», «Кампирнинг дарди гўзада» деган-дек, маним ҳам ўйлаганим сизга ўхшаган «Чоти айри, боши юмолоқ» дардисарлар эмасми, шунинг учун мақсадимни онглатдим.

— Кимдансиз?

— Кимдан бўлар эдим, шу кўриб турганингиз этаксизлардан¹.

— Яъни?

² Муборатои ҳаёт — ҳаёт учун кураш

³ Танозиъи бақо — бақий қолиш учун талаш.

⁴ Шарқий — ашула

⁵ Жағид — янгилик тарафдори

¹ Этаксиз — бетайин, тутуруқсиз



— Яъни, ўзбак.

— Истиқболимиз қалай экан, демакчисиз-да?

— Ҳа, шундай, садаға.

Кашмири қуръя тошларини йиғиб олиб рўмол устига чочди, тошларни еттига бўлиб етти жойга қўйди ва мулоҳаза билан сўзлай бошлади:

— Ҳалқингизнинг ошиғи олчи, пичоғингиз мой устида; ҳалқингиз рост кўчани қўйиб паст кўчадан юрар экан, кўпларингиз эшакка тескари миниб чирманда чалар экансиз...² тўғрими?

— Тўғри, садаға, — дедим.

— Банданинг боши — Оллоҳнинг тоши, дейдирлар: бирингиз Абдулқафоъ валлоҳи азим³, иккинчингиз — шоптоли қоқи дўст беданам, учунчингиз — Монийнинг ясаған сурати⁴, тўртингингиз — бўйни ғавслар⁵ учун лаганбардор; шаҳарларингиз хароба, қишлоқларингиз вайронна, ҳалқингиз ақл-хушидан бегона, хотунларингиз шинни⁶, каттала-рингиз нинни⁷, шунинг учун болаларингиз жинни, йигитларингиз юраксиз аҳмоқ, қизларингиз сочи узун-паҳмоқ, отларингиз эшак, эшакларингиз хўтук...!

— Каромат қиласиз, почча, дедим.

Кашмири давом қилди:

— Тошға қаранг, биродар, тошға: бу сўзларни ман сўзламайман, тош сўзлайдир, тошлар! Истиқболингиз куппа-кундузиdek ёрук, йигирма беш йил десаммикан, элли йил десаммикан, ҳар ҳолда муддат унча узоқ эмас, пичоғингиз мой устида кўринадир: Тўрт томонингиз қибла; ҳалқингиз томға чиқуб «ҳалала ҳашту» ўйнағайлар⁸. Мустамла-качилар «Том тепканга беш ёнғоқ — тепмаганга қўй қумалоқ!» деб маймун ўйнатқайлар... Истиқболингиз жуда ажиб: кўрганлар дармонда, кўрмаганлар армонда, йигитларингиз ҳез очқайлар, кўбларингиз табдили сурат⁹ қилиб эшак, ҳўкуз ва маймунашқайлар; уламоларингизнинг ишлари тағин ҳам қизиқ; бечоралар миядан ажралиб лозимларини салла қилғайлар ва кўча-кўйларда во дино во шариъато¹⁰, деб чопи-шуб юргайлар...

Пол шу ўрунға етканда ортиқ чидаб туролмай:

— Етар, садаға! — дедим. Кўнгил айнаб кўз ўнгларим қоронғила-ниб кетди. Полнинг назрини ташладим-да, бошим оққан томонға ка-

• Қаекқа кетаёттанингизни билмайсиз, лекин тантанабозлиқдан бўшамайсиз демоқчи муаллиф.

¹ Абдулқафоъ — абду-кул, қофіъ — энса: марказнинг қули, яна улуг тангрининг ўзи яхшироқ, билади

² Моний афсонавий хитой сураткаши, чизган суратлари тенгсиз гўзал, мумтоз адабиётда суратларига гўзлаликни нисбат бериб муболага қиласидар, муаллиф бу ерда одамлар Монийнинг суратидек чиройли, лекин улар тилсиз ички олачи қалтироқ деб киноя қиляпти.

³ Бўйни ғавс — бўйни йўтон, мансабдор.

⁴ Шинни — ўта аклли

⁵ Нинни — гўдак, ақлсиз

⁶ «Ҳалала ҳашту» — бир неча болалар доирада чўкка тушиб ўтириб «ҳалала ҳашту» деганда бошни ерга қўйилади. «куйжара кўпку» деганда қадиди кўтарилади, болалар ўйини.

⁷ Табдили сурат — киёфасини ўзgartириш

⁸ Во дино ва шариъато — эй диним, эй шариъатим.

лавлаб кетдим. Йўл-йўлакай кўзимга кўринган акалар энди шох чиқариб келмақда бўлған ҳўкузга ва гоҳо янги туфулған ҳўтукка ўхшаб кетар эдилар, уйимга кирап эканман:

Бизни тоза наҳс босқан экан, — деб бир ҳовуч совуқ сув ичиб юбордим...

Жулқунбой,
«Муштум» — 1923 йил, 4-сон.

«КЎМАК» УЮШМАСИГА ИОНАЛАР

Кейинги қунларда «Кўмак» уюшмасига¹ берилган ионаларнинг ҳисоби жуда ҳам кўпайиб кетди. Тушкан ионаларни уюшманинг битта кассаси эплай олмаганиликдан иккинчи касса очмоққа мажбур бўлинди. Кейинги ойда иона берган саҳийларнинг рўйхати мундайдир:

1. Валиҳожи — беш миллиард сўмга арзийтурган дуо.
2. Фуломшайх бойбачча — «Ўқушға кеткан йигитлар мулло бўлсунлар» деган яхши тилак (баҳо қўйиш комиссиясининг сўзига қараганда бу иона ҳам 5 миллиардга арзир экан).
3. Азимбойбачча кўмирчи — саккиз пут тошкўмир.
4. «Тужжор» ширкати — иккита сопол товоқ билан битта хурмача.
5. «Қамар» ширкати — чорак қадоқ олма чой
6. Пойафзал бозоридағи дўкондорлар ўзаро — бир пой бачкана этик.³
7. Чит бозорининг дўкондорларидан — бир газу уч чорак газлама.
8. Аттор оға-инилардан — икки қути упа.
9. Қассоблиқдан — беш дона ўпка.
10. Қандолатчилардан — уч истакан писташка билан бир қадоқ пашмак ва бошқалар.

Ушбулардан Берлин ўқуучиларимизга юборилди:

Берлин талабаларимиз ортуқча муҳтоҷ бўлғанлиқларидан биринчи галда тўрт пут тошкўмир, иккита сопол товоқ, бир посилка дуо юборилди.

Мухбир: Думбул.

«Муштум»: Олтун олма, дуо ол — дуо олтун эмасми?

«Муштум» — 1923 йил 4-сон.

«Кўмак» уюшмасига — 1921 йилда Туркистондан чет элага, масалан Германияга бориб ўқишиш ҳаракати бошланади. «Ўзбек билим ҳайъати» тузган «Кўмак» уюшмасининг ёрдачи билан 1923—1924 йиллар давомида Туркистон ва Бухородан 58 та талаба Германиянинг турли ўкув юртларига бориб ўқитанлар. «Кўмак» уюшмаси бу талабаларга моддий ёрдам ҳам юбориб турган. Афсуски, бу талабаларни ўқишини битириб ватанига қайтганлари 30-йиллар курбони бўлган.

² Иона — маддий ердам, нафақа.

Бачкана этик — болалар этиги.

ШҮХ БАЙТАЛ

Шүх байтал ҳар бир миллатда ҳам бор. Фаранг шүх байталлари¹ ҳақида ажиб ривоятлар эшитамиз.

Англиз сиёсийонлари Лўндўн шүх байталларини Шарқ амир ва шоҳларини ёввошландириш учун Арабистон, Эрон ва Ҳиндистонларга йўллар эканлар.

Лўрд Керзўн ўз сиёсатини Шарқда амалга ошириш учун қиззасини Эрон ҳукмдори Аҳмад шоҳга назир тортқан, деб ҳам сўзлайдирлар.

Кобулда ётқан собиқ Бухоро амирининг² бутун қайғу кулфатларини унудириб турган эрмакларнинг биринчиси англиз шүх байталлари бўлса, иккинчиси ўзимиздан чиқсан шүх айғирлар³, дейдирлар.

Чет элларда бўлган шүх байтал масаласи мана шу йўсинда. Аммо бизнинг мақсадимиз бунда эмас.

— Ички Русиядан олиқ-сотиқ учун бу ерга келгучи ўрус қаркуноқлари⁴ бор-гап булар устида ҳам эмас.

— Шариф афанди Бойчурда деганча наша солинган палов ошаб, эсириб⁵ юрган татар олатўғаноқлари⁶ ҳам йўқ, эмас — буларнинг ҳам бизга аҳамияти йўқ!

Бўлмаса гап сойда-ю, қайси қирда?

*Берди худо Тошканг учун бир лари.
Эсанкираб кетди гўдак ҳам қари!*

— Тисс!

Дуруст, Ўктахоннинг⁷ Тошканд келганига энди анча йиллар бўлди, унинг базмини, ҳуснини кўрмаган Тошканд меҳмонхонаси энди эҳтимол сира қолмағандир. Тўй-тўқунларда унинг бир пиёла чойини ичиб чаккасига юзалик қистирмаган эҳтимол сиз билан биздирмиз. Аммо шунчалик давру давронлар ўтқузилган ва ўтқузилмоқда бўлган бўлса ҳам бунчалик очуб... тисс!

Ёпиллиқ қозон-ёпиллиқ... Туя кўрдингми-йўқ...

Тузук, Хофизкўйки маҳалласидаги кейинги жанжаллар билан ишнинг усти бир оз очилуб кеткандек ҳам бўлди, шўх байтал масаласи ҳатто меҳроб жанжалларига ҳам айланиб кетди. Лекин биз шунда ҳам ишни ёпилуб қолмогини тилаймиз. Чунки, бу неъмат осмонининг устида кўб махлуқларимизнинг насибалари бордир Қурт-қурмисқа, ола қўнғуз-қора қўнғуз, баковилу-ясовулларимизнинг хиссалари бордир.

Биттаю-битта бўлуб етишкан шўх машрабимизнинг⁸ субҳи шом балки аладдавом⁹ дуойи жонини қилюб юрган:

— оқ салалик варасатуланбиёлар¹⁰ ва азиз авлиёлар ҳақ хурмати,

¹ Байтал — урлочи от.

² Айғир — эрқак от.

³ Қаркуноқ — бу ерда: ўтри; хуфя маъносида.

⁴ Эсириб — (татарча) маст бўломоқ.

⁵ Олатўғаноқ — чумчуксимонлар оиласига мансуб йиртқич қуш: бу ерда хуфя маъносида.

⁶ Шўх машраб — табиати шўх, ўйночи.

⁷ Аладдавом — доимо, ҳамиша.

⁸ Варасатул-анбие — пайғамбарларнинг ворислари, давомчилари.

- шүх байтални деб молидан, жонидан кечкаи, энг охирда уйидаги хотунини қўйған бойлар ва бойбаччалар ҳурмати,
- тўйларда, базмларда шүх байталнинг бир пиёла чойига ўлиб-ўлиб етишатурган йигит яланглар ҳурмати;
- Тисс! — деймиз, тую кўрдингми-йўқ! — деймиз.

Муштум,
«Муштум» — 1923 йил, 5-сон.

ДАРДИ ЙЎҚ — КЕССАК, ИШҚИ ЙЎҚ — ЭШШАК!

— Калникига ошға-а-а-а!!!

Гур-тур одам калникига туз ялаб чопадир...

— Айик полвон кураш тушадир, Жўра қизиқ маймун ўйнатадир, Фарронадан Арава полвон келди, Жиззахдан Ит полвон келди...

Кўрубсизки, кураш ўрнини ижарага олған зарвалдоқ хўжаларнинг қылған фойдалари минди-минди...

— Чет эллардаги ўқуғучи ёшлиаримиз фойдасиға бу кун «Турон»да театру кўйиладир!

Ла ҳавла ва ла қуввата... Тошканд мусулмонларини... яйзара¹ ер ютубдир ва ё катта-кичик оға-ини ин-инларига кириб кетибдир...

Шунга ўхшаш «Шарқ саҳнаси» яхши ният ёрти мол, деб кино қўяр, «одамови»ларни йифмоқ учун эшак ҳуркарлик қилиб томға тўртта карнай ҳам чиқарадир: лекин шунчалик атторчиликлар, «сурма кет, ўсма кет»лар бир пакир: саҳна ҳазинадорларининг оғизларига пашша ўлтурған, ўюнхона эшикидан «гинг» деган бир чибин учмайдир. Шу соатда шаҳарнинг барча чойхоналарида: ғиж-ғиж чурвақа, лим-лим... бузоқ:

- Оғзингми, ўрпилган ўрми,
- Башарангми, бадбахтнинг даласими,
- Кўзингми, пўстакнинг ииртифими,
- Энгахингми, йўлға чиқған ҳиндининг...ми?²
- Хо, хо, хо!

Топған-таянған совутмачоқ шу. Бошқа дастмоя йўқ. Бангиҳонада «ҳарб-зарб»³ олуб юргучи бир ўртоғим нашанинг тутуни гуркураган чоқларда:

*Харсак-марсак,
гарди йўқ-кессак,
ишқи йўқ — эшшак!⁴ —*

деб байт ўқуған бўлуб жоврар, ман бўлсан «бу нима дегани тентак-нинг» деб байтига тушунолмас эдим. Энди келиб-келиб бу байтнинг

¹ Яйзара — яксара, биратўла.

² Бу айтишув тақиялардаги бангиларнинг ўзига хос аскияси.

³ «Ҳарб-зарб» — ҳарбий стратегия жанг; бу ерда даҳанаки жант маъносида.

⁴ Бу байтни бангилар бангихонада карсак чалиб айтиб кетидан бири: «Соқий самадий, эски пўстакни ямади. Қўйга бўри келганда кўйчивон ҳай-хайламади» — деб «жаво!» — дейди. Кол-гапилар унга жўр бўлиб «жаво-о» деб бақиришади (жаво (ҳинҷча) — наша чекишига кел, дегани).

маъносини Эски шаҳар саҳналаридан топуб мавридсиз бўлса-да, ўзим шу байтни яккахонлик қилмоқдаман:

*гарди йўқ — кессак,
ишқи йўқ — эшшак!*

Воқиъян, дард бўлмаса, ишқ бўлмаса одамнинг кесақдан нима фарқи бўлсин-у, эшакдан нима айирмаси!

Валлоҳи аълам биссавоб,^{5,6}

Жулқунбой,
«Муштум» — 1923 йил, 5-сон.

ЁМОН КЎЗ

Ёмон кўздан сақланиш керак.

Баъзи-баъзида «Туркистон» билан «Ёш шарқ» газеталарига¹ кўзим тушуб қоладир. Нималарга йўлиқасан денг! Худо кўздан сақласун.

Газеталарда қизиқ-қизиқ байтлар босиладир. «Мамаданалар»нинг-гина оғзидан чиқатурған «тўти күш» гапларини ўшал байтларда кўрасиз. Гапка мунча чечан бу харомилар?

«Фалон мактабнинг фалон синф талабаси» деб қўл қўйилғандан кейин, албатта, уни ёзгучилар «аҳли соқол»² худо бандалари эмас, ёш гўдаклар, туркий қилиб айтсанг, кичкина тирранчалар!

Ёш болага ким қўйибдир катталар турғанда оғиз очиб гап гапиришни? Зомонанинг болалари бу ҳикматнинг маънисини биларми эди? Улар гапираберадирав.

Боланинг кўб гапирганини «мамадана» деймиз. Мамадана болалар кўпинча жинни бўладирлар. Бунинг сабаби-да шудирким, бола «ҳа» деб жовраб сайраб гапираберса бир очкўз мўъмин боради-да: «ўсдирганингта балли, хўб сайрайтурған бўлибдирми?» деб, кўзини мойлантириб бир қараб қўядир. Болага кўз тегиши шу бўладир.

Ана шу мўъминнинг қараши: ёмон кўз, яъни «бадназар» бўладир. Ёмон кўздан сақланиш ҳар бир мўъминнинг вазифаси.

Газеталарни ўқусантиз кичкина-кичкина тирранчаларнинг гапка усталиғига ҳайрон қоласиз. Ўшалар ҳам мусулмон боласи, мўъмин бандаларнинг ўғли.

Биттасини яхши танийман: худда Пирмуҳаммад аълам домламиз-нинг маҳдумлари. Ўшандай мусулмон фарзандларини ёмон кўздан сақлаш керак.

¹ Яна ҳам тургиси Оллоҳ, билади.

² Муаллиф чақолада мусулмон ҳалқарининг бекорчилигини, гумроҳлигини, ғафлат ўйқусига боттанилигини танқид қилияпти.

¹ «Ёш шарқ» газетаси — Туркистон комсомолининг органи. 1920 йилдан 1923 йилнинг декабр ойигача, «Ўзгаришчи ешлар» журналига айлантирилганча қадар чиқкан.

² Аҳли соқол — соқолни, намозни ўзига ниқоб қилиб риеда юрган одамлар.

Фараз:³ елкаларига битта-битта түмөр тақиб қўйиш қийин иш эмас. Ёмон кўздан сақлайтурған дуолар, түмөрлар кўзминчоқлари тўлуб ётадир.

Зомонанинг охир,
Катталар жим-жит,
Болалар сайрайдир.

Шунинг учун айткан-да ота-боболаримиз:
«Кичкина митти — Хонкўжани йиқитди» деб...

«Муштум»,
Муштум — 1923 йил 6-сон.

БИРИНЧИ МАЙ

Биринчи май куни — бизнинг башарамиз иржайган, иккинчидан бой, уламо, ашқиёларнинг¹ башараси тиржайган кундир.

Биринчи май — биз ўйнаған, кулган; мустамлакачи «мушфик, меҳрибонларнинг» қон йиғлаған, куйган кунидир.

Биринчи май — бутун дунё меҳнаткашларининг бирлашкан байрами, бутун дунё ифлосларининг бир-бирлари билан ит-мушук бўлуб ажрашқан кунидир.

Биринчи май — ишчи ва деҳқон халқи учун баҳт-саодат куни, буржуазия ва унинг құлларига баҳтсизлик келтирадирган кундир.

Биринчи май — бизнинг келгусимиз учун муайян бир чизик қолдирадир. Қаршимиздаги байнилминал тўнғиэ қўпқурларга аччиқ-тиззик қолдирадир.

Биринчи май — бизни шод ва хандон қиласидир. Бутун дунё жаҳон-гиrlарини хонавайрон қиласидир.

Биринчи май — бизга ҳуқук берганда, душманларимизга хўрлиқ ва ҳуқуқсизлик берадир. Энг қисқаси бизга яхшилик, уларга ёмонлик, бизга фазл², уларга ҳазл³; бизга инсоф, уларга ноинсофлик берадир.

Гарб ишчиси Шарқ ишчисига, Шарқ ишчиси Гарб ишчисига салом юборадир. Демак, бу кун бутун дунёдаги ишчиларга самимилик хиссини қўзнатадир. Бу кун бутун дунё оч-яланғочи байрам этадир, ҳам бутун куч-куватлари билан капиталга қарши курашиб учун сўз бириттирадир.

Ҳар ҳолда Биринчи май ўзгариш ҳасадгинларининг кўзини қамаштирадир, ҳиқилдоғидан хиппа бўгадир.

Бирлашингиз, бутун дунё йўқсуллари!

Муштум
«Муштум» — 1923 йил, 7-сон, 2-бет

¹ *Фараз* — мақсад.

² *Ашқис* — золимлар.

³ *Фа и* — устунлик, ортиқлик.

⁴ *Ҳати* — маҳзаралик.

СОВИНАК ҚОРИ БИЛАН МАҒЗАВА ҚОРИ

Совинак қори:¹ — Бу йил бай пули² неча кишидан олинди, Мағзава қори?³

Мағзава қори: — Э-эй, бу йилги рўза, маза йўқ ошнам. Такрор пули⁴ ҳам чиқмайтурған, кўринадир.

— Ҳа, нимага?

— Нимага бўлар эди, хатмчи⁵ йўқ...

— Итни урсанг Қуръон туширтиратурган чиқибдир-ку, хатмчи йўқ эмиш!

— Бор-борлиққа. Аммо мўмайроқ, митат⁶ чиқаратурған хатмчи йўқ!

— Иш билмагандан кейин хатмчи ҳам йўқ, митат ҳам йўқ!

— Совинак дейман, сан нимани билдинг!!!

— Мен иш билдим, сен саллага зеб бериш билан идом маъалфуннани⁷ билдинг!

— Хўш-хўш?

— Нима хўш-хўш, индинга Пўлавойнинг хатмини битирсам, уттаси кундан Шўлавойнинг хатмини бошлайман. Ундан кейин Сўнавойники. Шундай қилиб бу рўзи моҳи шарифда энг ками беш миллиард митат!

— Ҳа-ҳҳа, ҳаммасидан ҳам бай пули олдингми, Совинак?

— Олдим. Пўлавойдан беш юз, Шўлавойдан икки юз, Сўнавойдан уч юз!

— Қаңдай қилиб?

— Пўлавойнинг олдига бориб: «Шўлавой акам бу йил хатмни катта қилар эмишлар, шундай оғир вақтларда унча-мунча одамга хатм қилдириш ҳам қийин » деб юрагига ўт солиб қўйдим. Сўнавойнинг дўконига тушуб: «Бу йил хатмингиз йўқми, одамлар: «Сўнавойнинг дамаси⁸ йўқроқ» деб сўзлашадилар», деган сўз билан унинг ҳам пайтавасига қурт тушурдим. Шундай қилиб йўқ ердан ёлруз ўзимга уч хатм чиқардим. Мана иш, ана митат!

Мағзава қори кўнглиниңг энг чуқур жойидан чиқариб, уф-ф-ф деди ва ҳасратидан чант чиқара бошлади:

— Бу йил баҳтимиз сувга урган экан Совинак, ҳеч бир хатмчи «итмисан, эшакмисан» дея бермагач, ноилож «шунча такрорлар бекорга кетмасун» деб ўзимни бозорга сола бошладим. Қаерда бир эски хатмчини кўрсам маддоҳ баччалардек жоврадим: «Эшбой акам хатмга

¹ Совинак қори — енгил-елли, чала қори.

² Бай пули — баъзи одамлар рўзи арафасида қорига бай пули бериб маржумлари ҳакига Қуръон туширтирадилар.

³ Мағзава қори — эзма қори

⁴ Такрор пули — қорилар йил давомида Қуръон ўқиб такрорлаб турадилар. Савобталаб бирон киши ўқилаётган Қуръонни маржумлари руҳига ҳам бағишлишини сўраб қорига тул беради.

⁵ Хатмчи — (хатм-тамом қилиш, тутатиш) маржумлар арводига атаб Қуръон туширтирувчи ва шу муносабат билан худойи қилювчи.

⁶ Митат — даромад (арабча: мўтот — ҳак, ужра).

⁷ Идом маъалфуни — араб тилида ўшаш ҳарфни бир ёзиб ижкилантириб димоғда ўқиш (тажвид илмида); бу ерда Қуръон зеб бериб тиловат қилиш маъносида.

⁸ Дама — ўчоқда ҳаво юброридиган асбоб, дамгир; бу ерда: ғайрат, авж, куч маъносида.



айткан эдилар, бу рамазон қўлим тегмайдир», дедим. «Маним кўнглим сизда эди...» Иккинчи бировни кўрганда: «Бу йил хатм жуда кўб кўринаадир, Тошканда ўнг минг қори бўлса ҳам етишмас». Ниҳоят шунчалик авроқлар билан ўлиб-кутилиб битта жиз-бизини топсан ҳам лекин қуркуринг мандан ҳам ўлумтук экан: «Беш кунлик қилсангиз қанча оласиз-у, уч кунлик қилсангиз қанча берамиз⁹. Мардикор пулингизни гина олиб, ифтор билан саҳарликни уйингизда қилсангиз қалай бўлар экан» дейдир.

— Қизи талоғинг пудратини¹⁰ берар экан-да,xo, xo, xo!

— Шуни айткина, Совинак. Шундай қилиб хатмни беш юз миллионга баҳолаб одим. Уч юзни ўзим олсан, икки юзни сомеъга¹¹ бераман. Уч юзинг нос пулига ҳам етмайдир. Бу йил маза йўқ ошнам...

Шилғай.

«Муштум»: Оқчани кам берсалар «ялмаш» усулини¹² куллаш керак. Куръонни ялмаб ўкуйсан, десалар «бир мирига келгани шу» деб жавоб бериш керак.

«Муштум» — 1923 йил, 7-сон.

БИЗ КИМ ВА НИМАЛАРДАН ҚЎРҚАМИЗ?

Ҳар кимнинг ўзига яраша қўрқатурған нарсаси бўладир. «Иштон-сизнинг чўпдан ҳадуги бор», дегандек, шу вақтда иштонлик инсон — ҳадуксиз одам эҳтимол йўқдир Туркистон истатистика идорасининг кейинти йикдан ҳисобига қараганда, иштонсизлар банаъжи¹ кўпайиб-дирларки, биз уларни айнан қўйида кўчирамиз:

Мустамлакачи — аччиғланған чоғида сирининг очилишидан қўрқадир.

Ҳар турлук идора мудирлари — сайлов яқинлашса мансабдан тушиб қолищдан қўрқадирлар.

Янги кўз очқан ҳисобсиз ўзбек шоирча ва шоирачалари — минг машаққат билан азобланиб ёзган шеърларининг газеталарда босилмай қолишидан қўрқадирлар.

Тутантируқсиз мақола ёзишга ўрганган муҳаррирлар — тусундан тегиб қолатурған танқид калтагидан қўрқадирлар.

Бой ва совдагарлар — айниқса буларнинг қўрқунчлари поёнсиздир...

Чунончи: дўжон совдаси яқинлашса ижарапи ошириб юборатурған

⁹ Куръонни кунда ўн порадан ўқилса уч кунда, олти порадан ўқилса беш кунда хатм қилинади. Беш кунликнинг бадоси ортиқ бўлади.

¹⁰ Пудрат — хизмат ҳаки

¹¹ Сомеъ — қорилар ва шогирдлари ўзаро Куръон тиловат қилиб ўтиришса «даврадош» дейилади; қори таровихга еки ифтогра бир шогирди — сомеъ (эшигувчи) билан бирга боради. Қори тиловат қилаетиб адашса сомеъ луқма солиб туради ва ўзи ҳам тиловатда иштирок этади. Бу хизмати учун сомеъ ҳам ҳақ, олади.

¹² «Ялмаш» усули — тез-тез, нари-бери ўкиш.

¹³ Банаъжи — беҳад, ниҳоятда.

яканчилардан- күрқадирлар, құллариға құпроқ пул йигилиб қолса, моллар ошиб, пул қурсининг тушиб кетишидан күрқадирлар, қўлида анчайин қоз кўтарган кишини қўрсалар «торговой налўг» тушмоғидан күрқадирлар, рўза ойи кириб закот бериш¹ эска тушса, моллар ҳисобини олишдан күрқадирлар... Ҳар ҳолда бу дуркум халқ учун ер ҳам кўрқунч, кўк ҳам кўрқунч. Фақат қоро ернинг остигина тингчидир!

Камбағал дехқон ва ишчилар — кун сайин бозор баҳосининг бирга бир кўтарилишидан күрқадирлар.⁴

Ҳукумат идораларидағи битта-яримта порахўрлар— порахўрлик билан кураш бошланғандан бери ўзларининг сояларидан ҳам кўрқадирлар.

Кўқдаги булуғлар — ёғмай деса худонинг буйруғидан, ёғай деса ердаги маҳлуқларнинг чиртинг-пиртингидан кўрқадирлар.

Ўзбек хотунлари — эрларининг калтагидан, қизлари кўчага чиқай деса оналарининг туртутидан қўрқуб, песлар моховдан, моховлар пестан, аживалар тараладаи, тараалалар аживадан; қисқаси катта-кичик, ясси-япасқи, қингир-қийшиқ, узун-қисқа ҳаммалари ҳам кўрқоқдирлар...

Ман нима ва кимдан кўрқаман?

Айниқса маним ишим жуда ҳам қийин: ёзай десам, ошна-огайни-нинг шўртумшуклиғидан, ёзмай десам «Муштум» поччанинг жекири-гидан кўрқаман.

Яна бундан бошқа кўрқатурған икир-чикирларим:

— Эски шаҳар кўчаларидан юрсам бетимга лой сачрашидан кўрқаман.

— Ёғмур ёққан кунларида Эски шаҳар расталарининг ағнаб қетишидан, совдагарларнинг тўнғуз қўпишидан кўрқаман.

Билим юрлари ёнидан, бошланғич мактаблар қаршисидан ўтуб қолсам, истиқболдари алвир-шалвир ўзбек маданиятидан кўрқаман!

Ҳарҳолда маним ҳам кўрқунчларим ўзимга етарлик...

Ассалому ала маниттабаъ-ҳудо⁵.

Жулқунбой,
«Муштум» — 1923 йил, 7-сон.

УЗР

— Эй-й, муштуминг тошқа тегсун, рўзага тил тегизди! — деб «Муштум»нинг рўза нўмирларидан тарвақайлашганлар кўб бўлишубдирлар.

— Хумори башаралар, ифтор ва хатмчилар, Совинак ва Мағзавалар... хуроса, кўб акаларнинг кўнгилларини оздиривдир.

¹ Яканчи — инспектор: порахўр.

² Закот — шаритъят хуққи бўйича пулдор, молдор мусулмоннинг ўз моли ва пулинини кирждан бир улуши никдорида рўза вактида бева-бечораларга, камбаралларга берадиган хайрсадакаси.

³ Ўша йиллари чамлакатда пул қадрсизланиб нарх-наво кўтарилиб кетган ѫди, муаллиф шундан киноя қиляпти.

⁴ Тўғри йўлга эргаштанларга салом бўлсин (Хадисдан).

Күз бўлмаса қозиқнинг ўрни, деган эканлар. Мия бўлмаса шалоқ арава ҳам мияга ҳисобланур эмиш. Қувондиқ сассиқ ўз аибини била қолса юраги ёрилиб ўлар экан. Ўлса-ўлсун; тўнғуз қўпса¹ биз йўқ дедикми?

— Ҳа, рўзага тил тегизди; ҳа, мани Мағзава қори деди-ю муттафа-қун алайҳи- кофир бўлди. — Ҳа, бизнинг ифторимизни ит еса нима-ю, кучукка берсак нима зарар, бературган закотимизнинг усули билан қанақа иши бор экан?

Шунингдек, кўча-кўйларда билиқсиб юрган аштак-паштак оғаларга дегумиз келди-ки, қозонимизда бор экан, чўмичимизга чиқубдир; «бордан юқар, йўқдан нима чиқар?» деган экан бирор. Шунга ўхшаш ойнадан аччиғланиб ялқашнинг² фойдаси йўқ, халигидек афт башара-ни бир оз тозалаб олинса, ҳам масҳаралиқдан қутиларсиз, ҳам тас-қаралиқдан.

Бердисига тушунмай қилинған ўпкаворлиқдан, шовқин-сурондан бир мирилик натижа чиқмас. Шуниси ҳам бордир-ки, бунингдек оқ калтак-қора калтак бўлишлари билан «Муштум» поччангизни қўрқутиш қийин бўлуб, аммо тумшуклари устига мундан ҳам оғирроқ зарблар тушмоги аниқдирки, э-валло³, дегайсиз!

Мана бизнинг узримиз шудир. Тушунсангиз шул, бўлмаса «Эгам» чақиргай сизни!

Муштум,
«Муштум» — 1923 йил, 8-сон.

АРАЛАШ

(Байрам күнлуг бўлсун)

— Хўроzlаримиздан биттаси бир чаккада тўртта уюри билан ту-руб, боғларға, далаларға имлаб:

*Кўз очацлиқ ўртоқлар — ҳайт келди ёр-ёр,
Жажжи қизни илмоқча пайт келди — ёр-ёр, — дейдир.*

— Шайхантовур сайилига шўрвалар, жаркофлар отидан «пешбу-рун» қилиб буфет очқан ўртоқлар — ғаладонни салмоғлаб, «Эҳе... — дейдирлар, — фойда қилдиқми, зарар? Эҳе...» — дейдирлар.

— Шайхантовур ярманкасига рўза бўйи мол ёйған жувонлар, кам-пирлар, қизлар, тумсалар⁴ фажеъ бир қиёфа билан «алвидо ё моҳи рамазон», деб рўмол силкитадирлар.

¹ Тўнғуз қўпмоқ — ўзини мусулмон деб билган одам ислом динининг бешта фарзига амал қилиши лозим. Биринчи фарзи — Имон — тил ва дидан: «Мен Оллоҳга, унинг фаришталарига, китобларига, пайрамбарларига, охират кунига, тақдирдаги яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Оллоҳ томонидан бўлажагига, ўлгандан сўнг яна қайта тирилиши муқаррар эканлигига ишонаман» — дейишдан ҳосил бўлади. Гунонжкор бандалар маҳшар куни Оллоҳнинг ҳузурида жавоб бераёттан-ларида ҳайвон қиёфасида, масалан энг иопок ҳайвон — тўнғуз ҳолида кўпар эканлар (қўпмоқ — турмок). Бу ибора ана шу фарздан олинниб айтилади.

Муттафақун алайҳи — ҳамманинг розилиги билан.

² Ялқаш — ўпқалаш, гина қилиш.

³ Э-Валло — с Худо.

⁴ Тумса — тутмайдиган хотин.



— Ўттуз кун рўзада бўйни хурмачанинг боғига тенглашкан катта-
кичик акалар «уфф», дейдирлар, «моҳи шарифдан қутилар кун ҳам
бор экан», дейдирлар.

— Шайхантовур сайилидаги арzonчиликдан қутулған кармонлар,
ҳамёнлар бу кундан бошлаб белангидан қутулғандек бўладирлар.

Сайилга пул еткузолмасдан боқдолнинг тўпписини қассобға, қас-
собнинг тўпписини боқдолға кийгизиб юрган товламачилар, уй рўзго-
рини сотуб, ота-оналарини қон қақшатган афандилар сайл муомалала-
рини тўғрилаш учун уч кун ҳайитда обакидандон² сотадирлар.

*Чайнамай шиминг — чайнамай шиминг!
Обию, боби, ҳаммангишти гори!*

Ийди шариф қутлуғ бўлсун, қариндошлар!

Жулқунбой.

«Муштум»: Юқоридағи эҳе-пехенингизга яхши тушунолмагиқ, яъни
бултурғицек ҳисобини тоқ келтириб жуптоқ ўйнайдирлар демакчи бўла-
сизми? Кўйингки, мулла Жулқунбой, оғзингиз ҳам жуда бепаравуз-га³,
ўртоқ!

«Муштум» — 1923 йил, 8-сон

«МУШТУМ» ОҚСОҚЛАНГАН ЭМИШ

Бу хабар эл оғзида бир-икки ойдан бери юрубдир.

«Муштум» нимага ўз вақтида чиқмайдир, «Муштум» мушт едими,
нима бўлса-да «Муштум»ни давом этдириш керак, деган савол ва ти-
лаклар идорага ёмғурдек ёғиб турадир. Ҳар ҳолда савол ва тилакларда
«Муштум» каби бир ботирнинг майдондан йўқолмасалиғи керак экани
тақвия¹ ва тавсия этиладир.

Йўқ, «Муштум» мушт емади. «Муштум» давомидан тўхтамади, ҳам
тўхтамас деган умиддамиз. Лекин, масаланинг учи мулла-миржилинг
червон алайҳиссаломга бориб тақаладир.

«Муштум» ҳукумат ҳисобидан чиқмайдир. Томнинг қорини кураш,
сув, ўтун келтириш «Муштум»нинг ўз устига тушкандир.

«Муштум» аёлманд бир киши Ўқувчилар тушунмасдан:

— «Муштум» почча, гоҳ-гоҳ кўриниб туринг, нега кўринмайсиз,
сизни ёлғиз топиб бирта-яримта мушт урдими? — дейдилар.

Лекин «Муштум» мушт емади. Деҳқонларнинг белини синдириган
червонитис «Муштум»нинг ҳам белини синдириди. Чунки «Муштум»-
нинг эрка ўғли бўлған «Давлат нашриёти» червонитис ейдир. «Муштум»-
нинг бутун топқан-тутқани «Давлат нашриёти»га бериладир.

«Муштум» давом этиб келадир. Яна давом этмакчи. «Муштум»нинг
бир душмани бўлса, қаршисида минг дўсти бор. Лекин душмани иш-

¹ Обакидандон — шакар қиёмидан тайёрланган манпаси.

² бепаравуз — (паровуз — кўрпани майзи, адипи); бу ерда оғзи бузук, коски маъносида.

³ Тақвия — куватлаш, ердам.

лайдир, тинмайдир: дўсти қўб, лекин бир оз ҳимматсиз эди. Энди кўб ердан: «биз ҳам душманлардек ҳимматлик бўламиз, журнол сотиағанда қимматроқ оламиз», деб ёзилар. Биз шунга ишониб, у ер-бу ердан қарз ҳавола қилиб «Давлат нашриёти»нинг оғзиға уруб «Муштум» ботирни майдонга яна чиқардиқ.

«Муштум» — 1923 йил, 12-сон.

ЯШАСУН КЎНЧИЛАР ТАШКИЛОТИ!

Меҳнаткашлар ташкилотсиз яшай олмайдирлар. Бу мантиқий бир сўз. Бутун ўлкамизда бирар маҳкам ташкилотлиқ касаба уюшмаси йўқ. Магар бор бўлса-да, у ҳам якка ва ягона Тошканддаги кўнчилар ташкилотидир.

Бу ташкилот бизнинг «миллий анъана»ларимиённи оқизмай-томизмай сақлаб қелиши баробарида, уни кенг суратда тарқатиш учун ҳам жуда яхши ташаббус кўрсатмақдадир. Тангри кўнчилар ташаббусини самарасиз қолдирмасун!..

Бу йил далаларни ким обод қилди? Базмлар тарақ, ногора, чирманда қарс-вадаванг; бачча ва баччабозлик намуна бўларлиқ даражада эл қошида манзур этилди. Кўнчилар жумҳурияти бўлған Кўкча даҳасининг Муссўлиниси, Гардинги, Пуанқараси бор. Эски шаҳар милитса идораларининг кўнчилар ҳаракатига ирод еткизишга¹ ҳеч бир ҳаққи йўқ. Пайшанба кечалари қийқуруқдан қўшни жумҳурият ҳалқи мижжак қоқа олмайдир.

— Ҳа, нима ғалва?

— Қизил тирноқлар ташкилоти ўзининг қандай маҳкам ташкил топқанини кўрсатмақдадир.

— Аниқми?

— Аниқ!

— Бўлмаса миллат яшайди, десанг-чи.

Намойиш... пайшанба куни Янги шаҳар кўчаларидан арава, арава қизил тирноқлар ташкилоти ногора, чирманда чалиб, бачча ўинатиб кўча айланурлар.

— Ҳа, нима гап?

— Қизил тирноқларнинг айш-ишратини ёвруполик буродарлар ҳам кўрсун эмиш...

Ёшлар, комсомоллар деб қўя қолай, бир кун Кўйлўқский кўчадан намойиш қилиб ўтуб кетаётқан қизил тирноқ жамоатига «бу ишингиз четлар қошида кулги-ку», деган экан, ўшал он ҳалиги комсомаллардан бирави онасини учқўрғондан кўрган.

Афсус, ёз ўтиб ногора, чирманда билан бўладурған базмнинг вақти кетиб борадир. Энди тор меҳмонхоналарда дутор, танбур билан базм қилиш қандай кўнгиласиз...

Ирод етказиш — қаршилик қилиш.



Нима чора, жувонға кокил солиниб қўюлғандан кейин тор уйда ҳам кенг феъл бошланиб кета берадир.

Шунинг учун «Кўнчилар ташкилоти яшасун!» деймиз.

«Муштум» — 1923 йил, 12-сон.

БЎТҚА

Суқданми, мечкайданми, нима балодан бўлса ҳам «Туркистон»га кинна кириб, беш-үн кун юрак оғриги бўлуб қолди.

«Муштум» ҳам «Туркистон»нинг иситмаси билан анча шалайим тортиб қолди.¹

«Инқилоб» узоқ вақтлар сил касали билан оғриб, ниҳоят ўлуги агитпрофдан кафансиз суратда чўзулиб чиқди.

Ўзбекча «Коммунист йўлдоши»² журналига ҳам ўлат оғрири тегиб бир кунликка ўжраб³ кеткан бўлса ҳам, ўруссасини ўйнаб-кулуб юришига ҳеч бир таажжуб қилишнинг ўрни йўқ.

Демак, Туркистон матбуотининг жони чиқди. Пичоқ тегмай туруб қони чиқди.



Ҳозирги куннинг янги хабарларидан биттаси Масковда очилғон Бутун Русия қишлоқ хўжалик астафкасиdir.⁴

«Маскаф деган шаҳарда астафка деган от ўюнхона очилар эмиш».

«Астафкага ўн саккиз минг оламдаги барча ажойибот-ғаройибот нимарсалар чақирилған эмиш, маймунбозлик дейсизми, мушакбозлик дейсизми?!»

«Бизнинг маҳалладаги Ойша буви ҳам астафкага боруб чархини товлар экан, ҳе-ҳе-ҳе, тавба!»

«Фарғонадаги Юсуф қизиқ⁵ ҳам тўққуз ароба ҳез олуб астафкага кетубдир».

«Бу кофирнинг қилған ишига одамзоднинг ақли етмайдир. Гала-гала, — дейдирлар».

«Ҳа, худойға шукур... лайлакнинг кетидан қор ёғиб, ҳиндининг ақли тушдан кейин кириб, дегандек, бизнинг ёшларнинг ақли кирибми, эси костибми, ҳайтовур бу йил Маскафка ўқуш учун деб гала-гала!...»

«Маскаф кўчаларида сайёдона кезган зебобўй, сарвиқад, сийминтан⁶, шаҳло кўз, бодам қовоқ, юпқа томоқ, чиккабел албастилар ҳам гала-гала, — дейдирлар»

¹ «Муштум» журнали дастлаб «Туркистон» газетасига илова ҳолиди чиқарилган эди.

² Агитпроф — Ўзбекистон фирмаси Марка қўймитасининг ташвиқот ва тарбибот бўлими.

³ «Коммунист йўлдоши» — 1923 йилнинг февралидаги икки сони чиқиб тўхтаган. Туркистон Коммунистлар Марказий Қўймитасининг нашри.

⁴ Ўжрамоқ — куйиб, ковжираб кетмоқ

⁵ Астафка истилоҳини ўзимизнинг Кўвондиқ сўфидан олдим. Бундаги ривоҷлар ҳам ўша кишининг часжиднинг жиловхонасида ўлтуруб сўзлаган чексиясидандир. Йўқса виставка тўғрисида маълумотим йўқ, таъи (муаллиф).

⁶ Сийминтан — қумуш танли, оқ, танли.

Фариштанинг оминига тушмасун деб тилак қилинг!

Бўтқамизнинг лавлагиси учун:

Машҳур шоир ва муҳаррирларимиздан ўртоқ Абдулҳамид Сулаймон Тошкандан ўз юрти бўлған Андижонга бориб ўз миллати бўлған Андижон халқига муҳаррирлик қила бошлади.

Яшасун ўз миллатини таниған муҳаррирлар, деймиз!

«Фаррона» газетасидан⁷

— Гапинг ўзингга урсун, оғзингдан чиқуб ёқантга ёпишсун, — деймиз.

Жулқунбой газетасидан

Ашъори ғализа⁸

Фил миниб чоптуриб ўтуб келдим

Чўллон

Елиб-югуриб шоирнинг кўрган тушининг таъбирини сўрасақ ўшал куни паравўзнинг қоқ дўумбираисига минган экан.

Қитъа

Олақарға агар ул сайдаса тоғли тил ила,

Үйламанг «бизни севинтиргали ул сайдар» деб.

Йўқ-йўқ! Ул бизнинг учун оғзини очмас, қоллар,

Боре⁹, кўрса бир ўлумтук унга севиниб сайдар.

Элбек

Олақарға ҳам сайдар экан, деб қичиглик қилманг, биродар! Чунки Элбек афандининг олақарғаси тамоман бошқача олақарғадирки, сайдаса ҳам ажаб эмас. Кексаларнинг сўзларига қарағанда, башарти зағизроғон сурнайчи қурбақанисони ўз никоҳига олса, бу икки навжувондан бўлған бола булбули ҳофизни бир чўқища қочиратурган олақарға бўлур эканки, мана бу Элбек афандининг ҳалиги қушидир.

Лутфилла Олимийдан:

— Зери домани ту чи сон эй гулпераҳан!¹⁰

Чўмични келтир!.. бўтқанг тегига олуб кетди!....

Мирза Жулқун.

«Муштум» — 1923 йил. 13-сон.

«МУШТУМ»НИНГ ИККИНЧИ ЁШИ БИЛАН ТАБРИК ҲАМ УНГА БИРМУНЧА ПАНД ВА НАСИҲАТ

Шукур: кўбчиликнинг қарғиш баракасида бу кун сиз — шум «Муштум», бир ёшингизни тўлғузиб, иккинчи ёшга ўрмалай кетдингиз. «Ёмонга ўлум йўқ!» дейдирлар, бу тўғри эмиш. Азизларнинг садағаси кетаилик!

«Фаррона» газетаси Фаррона вилоят партия қўмитасининг ва вилоят ижрони қўмитасининг нашри. «Мехнат байропи» газетасининг ўрнига 1921 йил чай ойидан чиқа бошлаган. Уша иили Чўллон Андижонда босиачиликни тугатишга қарши чоп этилган «Дарҳон» газетасида ишлаган, муаллиф шунга ишора қилинти.

⁷ ашъори ғализа — ғализ шеърлар.

⁸ боре — марта, дафъа.

Эй гул кўйлаклик, этагингни остида нима бор?

Баъд аз муборакбод, фақир «Муштум» адамиздан сўрайманким, башарти ўзингизнинг-ку, исми шарифингиз ёмонлиққа йиртилиб, дуойи хайр ўрниға қарғиш, бүгдой экиб какра¹ ўрубдирсиз. Бас, вазифанғиз ёмонлик, кўнгил оғритиш, риоясизлик², тумшуққа тушуруб, манглайдан ғурра чиқариш бўлғандан кейин, бул вазифаи шарам-шараққосни «муллаларникидек» қилиб адо қилдингизми ва қилғанингизга имонингиз комилми?

Албатта бизнинг кирсиз, олмоққа арzon-емоққа маза бўлган бўрсилдок сўзимизга (ўзингиз тантн³ бўлғанингиз учун) бўйнингизни эгарсиз умидидамиз.

Тузук, сиз ўзингизнинг бир мириси кам бир йиллик умрингизда анчагина ваҳмалик картиналар кўрсатиб, кўб бемаъниларнинг елка қичикини қондиридингиз ва ўзини қоб-қора, кўнглини сип-сиё, яъни кўмир бозоридан лапкадор қилдингиз. Шундай, биз бундай хизматларингизга қойил!

Аммо латта чайнарликка қолиб хўжа али-али хўжа, икки ўн беш—бир ўттуз бўлуб, чуқурға тушуб қолган чоқларингиз, қичикини тимис-килашга мажбур бўлган замонларингиз ҳам бўлди.

Тузук, сиз айтарсизки, маним ёнимда туратурган «Тарсак» бўлмади, «Шапалоқ» келмади, ҳатто ўзинг ҳам бир неча вақт тарвақайлаб юрдинг, деб.

Яхши, ман тарвақайланаң бўлсан турмушнинг оғирлиғидан ва ўзимнинг аёлмандалигимдан тарвақайланаңдирман, аммо Самарқанддати «Тарсак» билан Фарғонадаги «Шапалоқ» ўз вазифасини билиб, тушуниб адо қилмас экан, уларга бизнинг сўзимиз шуғина:

— Бу кундан кўра ўлганинг яхши, икки юзинг қоро бўлсун, «Муштум» дадангни уволи тутсун!

Бу ергача бўлган борди-кељдимиз, фақат сиз «Муштум»нинг «сўз» ёғингизда бўлди. Аммо расм жиҳатингизга келганда тишимизни-тишимизга қўйишига мажбурмиз. Карикатура турмушнинг ичкарисига лўнда бўлуб кириб ўлтуролмас экан, ундан-бундан, устидан ғажиб-ялмаб юрар экан... нима деймиз энди, ўзингиз айткандек айб на дўлда, на тегирмонда⁴ Фақат пешонамизнинг шўрлиғида деймизми? Бўлмаса ўзимизнинг жунбошлардан⁵ «ўшанақалар» етишкунча эмас, онадан тугуб, ўсуб, ўкуб, ўрганиб бўлгунча «дим!» ўйнаймизда⁶, энди!

«Муштум» дада! Иккинчи йилга қараб асби тозининг⁷ бошини қўяр экансиз, тўғридан-тўғри лўли маҳалласига қараб эмас, пасқам, қинғир-қийшиқ кўчалардаги жиннихоналарга ҳам марҳамат қилингиз!

1 какра — ғалла экинларининг орасида ўсадиган таҳир ўсимлик.

2 риоя — хурмат

3 тантн — мард.

4 тегирмоннинг тез ёки секин айланишига қараб дўлм ҳам кўтарилади ёки ластта туширилади, бу иборада уннинг сифатсиз чиқиши унда ҳам, бундай ҳам эмас, гап бурдойда демокчи.

5 жунбош — ўша вақтда Тошкентда чиқадиган газета-журналларнинг рассоми австриялик Иоахим Тулла зди, у сочсиз зди, муаллиф шундан киноз қиляпти.

6 «дим» ўйнамоқ — ким биринчи гапирса ёки ҳаракат қиласа ютқизик ўшандада бўлади (болалар ўйини).

7 асби този — учкур от



«Муштум»га кўмаклашиш тилагида бўлған:

Хо-о-о-ов элдаги оғалар!

Менга томон қаранглар!

Элларингиз ичида қиттағина еридан бузулған мохов, кишан лозим бўлған тентак, ачиган қаймоқ, сасиган эт, таги йўқ челяк, бўри бақа-вул, тулики ясовул, ало-ҳазал қиёс¹ кўрсаларингиз тўрт эллик носвой қорозига битиб «Муштум»га юборингизлар» — «Муштум» қайғусини еб:

Абу Думбул.

«Муштум»: Панд-насиҳатингиз кам-кўстсиз қабул этиладир. «Муштум» ўз айбини иқрор қилувчи ўгул боладур Элимиз ичида ҳали пешибни кўрсатсан, «ун теккан эди» деб гўдаювчи висиқасиз хунасалар жуда кўбдир. «Муштум»нинг ҳар нўмири устида бўлған пала-партиш ҳужум, яланроч сўкушлардан шояд хабарингиз бордир. Лекин «Муштум»нинг уларға жавоби яна муштдир. Сўз ва каррикатурадаги камчиликларимиз бор. Уни тузатиш учун тиришамиз. Сўз жиҳати тобора тузалмақдадир. Расм жиҳатига келганда сиз жуда тез киришкан-сиз, расм жиҳатига сиз ҳам тишни тишқа қўйишини лозим кўрган экансиз, биз ҳам тишимизни тишимизга қўйиб турамиз. Ички турмушни «фақат ўчоқ боши турмушидан олиниши керак» деган фикр ҳам унча тўғри эмас. Мисолни 17-нчи нўмир «Муштум»дан олайлиқ; ижроқўм ҳақидаги ҳам, паранжи масаласига доир каррикатураларни ҳам турмушимизнинг бир қўриниши деб даъво қилсақ, тоят ҳақдимиз. Бундай Каррикатураларға устидан ғажиш деб қарааш жудаем ёпишмайдир. Ҳар ҳолда табрикингизга қарши ташаккур, камчилигимизни кўрса-тишингизга уядимиз...

«Муштум» — 1924 йил, 18-сон. 1-январ.

ЧАҚИРИШЛАР

Ўзим, «Муштум»да дағал-дағал, қўланса-қўланса сўзлар ёзишға ваъда берганим ҳолда ушбу ўртоқларни ҳам топсалар битта-битта, топмасалар учта-тўртта чирманда пул билан «Муштум»га кўмакка чақираман: Шоабди Мовлонқори локфуруш, Мирзақосим попирискачи, Зоиржон тўбчи, Абдиҳожи калишфуруш, Муҳаммадкарим ҳасфуруш, Абдуор-зиқбой кўнчи, Муллатўйчи чиннифуруш, Юсуфбек аттор, Иқбол деган читфуруш. Ва яна булардан бошқа эсимдан чиқкан оға-инилар.

Агар-ку айтдирмасдан берсалар кўб яхши, бўлмаса нах ўғурланған ҳўкузнинг териси² билан ўзим ҳам, бошқалар ҳам шарманда бўлуб ва

¹ ало-ҳозал қиёс — шунга ўхшаш

² лес — айб

Афанди мол бозорида кета туриб эгаси йўқ, ҳўқизга дуч келибти, уни стаклаб уйига олиб кетибди. Бундан эгаси ҳабар топиб Афандининг ётигини қоқиб: — Ҳўки зими ҳайтариб беринг, — дедти. Афанди — Мен ҳўқитингни кўрмадим, агар сўтимга ишонмасанг герисини олиб тикиб сени шарманда қиласман, — дебти.



яна ўзимни томдан ташлаб елкаларига миниб олрайман ва яна уволим бўйинларида қолғай. Чақирғучи:

Жулқунбой Совринбой ўғли,
«Муштум» — 1924 йил, 20-сон.

КЕЛИННИ КЕЛГАНДА КЎР, СЕПИНИ ЁЙГАНДА КЎР

— Ош тегса — тўй, тегмаса тафарруж...¹ деб оталар тўйға борадирлар... «Қорамол эгасига ўхшамаса ҳаром ўладир», «Аватига чавати, мисқозонга лой тувоқ!», Энг охирда: «Эшагига яраша тушови», — деб зор-зор, чун абри нав баҳор² йифлаған, ҳам «жув!» деб чўлу биёбонга чиқуб кеткан экан, бир бечора!..

Убайдилла хўжам билан Чайиб ичкин тўрам келдилар-да, елмай-ютурмай, ўйламай-бўйламай; карнай-сурнай, жарт-журт остида «нашириёт ширкати» деган муаммони даранг-дурунг билан очуб ҳам юбордилар. Мақсад ва маслак унча-мунча эмас: катталиги ботмону даҳсар... Мақсадимиз китобсиз «зир» юргурган элни ўз нашриётимиз билан думба-жигар қилишдир!..

— Вой, бўйингта қоқиндиқ!..

— Вой, сани ясаб ташлағандан айланай! — деб барчамиз ҳам нашриёт ширкатидан айланиб ўргулишдик.

— Ҳой, муаллим! Пишириб е дарсликларни, ҳой, ташлагани китоб, эплаб ол булатингни! — деб бир-бировимизни туртишдик. Аммо ҳеч бир иш бузуқининг эсига:

— Келинни келганда кўр, сепини ёйғанда кўр! — деган гап келмади...³

.....

— Кўчага ташлаб қўйған пул, текин офтобға чиққан мушук, юк ташибиман деган шалоқ арава... ана шундай ўнгу-терс сўзларга ҳар ким ишонса, ебdir номаъқул бузоқнинг гўштини, ичибdir Ибонўв бойнинг⁴ чиройлик қобогиға кириб, бир дужина' пивасини!

— Ҳой, нимага?

— Ўл, нимага?!. Ҳой уйинг куйгур, кутиш деган бир ой бўладир, икки ой бўладир, наҳотки бир йилу-үн икки ой бўлса?!..

Дуруст, «нашириёт ширкати» ўз хизматидаги бир неча бекасу-бечораларни яхшилаб боқуб келадир, айниқса буродаримиз нашриётка киргандан бери анчагина қорин ҳам солуб олди. Аммо... аммо... қиши билан

¹ Тафарруж — томоша.

² Чун абри нав баҳор — эрта баҳор булатидек.

³ Келинни келганда кўр, сепини ёйғанда кўр — бу мақол ҳали амалга ошмаган иш устидан чақтаниб юрма мазмунидаги айтилади.

⁴ Ивановбой «Тошкентда пива заводи қураман», деганда «Мусулмонлар пива ичишмайди. тиен қиласан деб рус савдогарлари уни қайтаришган экан. Ивановбой биринчи бўлиб 1886 йил Тошкентда Ўқчи маҳалласидаги собиқ б-пива заводини қуриб. Пиён бозоридаги дўйконида пивани дастлаб белул сота бошилабти. Эски шаҳдарининг чалани йилгитлари ҳам текин пивага ўрганиб кўчаларда ичкилик ичишни бошлиб берган жаилар. Пиён бозорининг номи ҳам шундан қолган.

⁵ Дужина — ўн икки дона (бир хилдаги нарсалар ҳақида) бу ерда бир тўда маъносида.

ҳар куз семиртириб қўкламни кутиш фақирингизча деҳқоннинг иши, наинки бошқаларнинг!

Ўзимиз хунук, сўзимиз аччиғ, тилагимиз татти;⁶ биноан алайҳи жазавамиз тутқандаги сўзларимиз маъзур қўрулғай...⁷

Жулқунбой
«Муштум» — 1924 иш, 22-сон.

ТОШКАНД БОЙЛАРИ

«Муштум»нинг борди-келдиси

Инқиlobгача Тошканд бойлари деб шуларни билар эдик.

1 — Шохолим ҳожи Шоҳисҳоқов⁸: (ҳозирда ҳам давлати катта, бошқалар инқиlobдан заарланган бўлса, бул киши фойдаланди), 2 — Вали ҳожи Абдулмалик ўғли⁹: (бунинг ҳам давлати чакки эмас, ҳозирда ҳам бирни учка сотуб эски ҳолига қайтмоқ ҳаракатида), 3 — Орифжон Маллабоев¹⁰: (вафот, дунёга келган бўлсада келмагандек), 4 — Орифхўжа Азизхўжаев¹¹: (бу кунда жуда пири бадавлат, Туркистонни сотқучи машҳур хоинлардан пўчутни гражданин Сайд Азимбойнинг шафоати билан Некалай ҳукуматига содик ўтул бўлуб танилған ва унинг кўмаги соясида бутхона, тўнгузхона ва амсоли... хоналарни таъмир пудратини олуб одамшаванда бўлуб юрган эди).

Иккинчи даражадаги бойтарошлар¹²: 1 — Комиажон Аҳмаджонов¹³: (бул жониворнинг аксар умри шаллақилиқ, лўлилик, моли-мардумхўрлик- билан ўтди), 2 — Абдулмавлонбой ҳожи¹⁴: (давлати чакки эмас эди. Ҳозирда ҳам ўғуллари иш сурмақда. Бу оила фақат еб-ичиб умр утказадир), 3 — Фулом қори Тиллашайхов¹⁵: (бул бечора кўб давлатини «Уламо» жамияти муфтихўрлари¹⁶ йўлиға тикиб, ўзи муфлис¹⁷ бўлаёзсан эди Ҳозирда эса «Уламо» жамиятидан олуб қолған дуолари баракасида таги ҳам боюб кетди. Охири баҳайр бўлсун), 4 — Буродарон Қурбонбоевлар¹⁸: (буродаронларнинг шуҳратлари масжид солиш биландур), 5 — Боқижонбой¹⁹: («оти улур — суфраси қуруқ» мақоли шу кишининг шаънига айтилган, лекин ўзи заарсиз киши), 6 — Иброҳим ҳожи Каримбоев²⁰: (бул кишининг барча ташаббуси тааддути завжот²¹ масаласига кетди Шунинг баракасида бир неча ўнлаб ўғуллари бўлдиким, бул кишидан миллатнинг қилған истиъфодаси фақат шундангина-дир, 7 — Азиз Ҳалфа²²: «Уламо» жамиятига кўб хизмат қилуб алҳол

⁸ Татти — нордом

Муаллиф бу мақолада ўлда-жўлда келаеттан маориф соҳасидан ҳавотир қилиб ҳалқининг қайтусини ўйламайдиган лоқайд, тамбал шахсларни танқид қилган эди. Журналгинг шу сонида шу мақолага бўғишилаб рассом ҳам янги очиғлан «нашриёт ширкати»нинг лашаматли биносини, ичидаги эса мудирининг ухлаб ўтирган холатини чизиб карикатура қилган эди.

⁹ Бойтарош — ўзини бой деб кўрсатадигилар.

¹⁰ Мардумхўр — бироннинг ҳакими ейиш.

¹¹ Муфлис — текинхўр.

¹² Муфлис — савдода синиш.

¹³ Тааддути завжот — хотинлар сони (муал).

тақсирот⁸ касалига мубтало бўлуб қолди), 8 — Буродарон Норбековлар⁹: (агарчандики бу авлод тараққийпарвардир, лекин мирқуруқлик буларга ирсий касаллиқдур). 9 — Тўхтажонбой Алижонбоев¹⁰: (тovlamachi бойларимизнинг энг ашаддийси эди, Масков фирмаларини қон қақшатуб Тошкандга муҳташам масжид солуб берди. Городдаги «Насионал»¹¹ биноси ҳам унинг хизмати меваларидан. Илгари тарс ёрилуб, сўнгидан шарт синди. Бу кунда бўлса қўйчилик қилуб яна қобирғасини ёпуб қолди).

Қисқаси, бу иккинчи даражага киратурган кишилар жуда кўб, машрут⁸ ва номашшуъ бу мавқеъга минган алмойи-алжойилар ҳисобсиз, аммо фақат тугуруғи борларнигина ёзиб кўрсатдик.

Инқилобдан кейинги НЭП фарзандлари гўғрисига тўхталсақ миямиз шишиб қоладир. Яъни нуқул фарчча мой еб, чўумучимиз мой устида сузадир ... Гап кўп — қалам тўмтоқ, иштаҳо карнай — палов бедарак, отимиз улуг — суфрамиз қуруғ... каби юқори-қўйи гаплар билан ҳозирга бу кейинги мавзузни иккинчи вақтқа қолдирсаниз ҳам бироқ НЭПнинг, Тошканд бойларининг «шоҳ асари» бўлған Азимбойбачча⁹ устида тўхтолмай ўтолмаймиз. Тузук, бу буродаримиз ўзининг гуруллаган кунларидан нишона қилуб, кейинги уч йилнинг бадалида етти-саккиз ердан масжид биню қилди, ҳатто Юсуфхўжа эшоннинг қабри устига даҳма қилиш ҳимматигача боруб етди. Бироқ бу ҳимматлар бизнинг ақли қосиримизча лойиқи шухрат ва тақдир эмас... Бизнинг ҳар биримизнинг ёнимиз дўппайдими, дарҳол масжидга урина кетамиз. Аммо ҳамма касал, барча тирриқлик мактаб деган муаммонинг устида! Демакчимизки, бу янги даврнинг «йўлбошчиси» Азим саркордек бир одам бўлсун, мактаб солиш ишини умумийлашдирсун!

Гапдан гап чиқуб, сўз узоққа кетди. Бу мақолани ёзишдан муддао шулақи, юқорида Тошканд бойларининг биринчисига Шохолим ҳожи акамизни қўйған эдик. Тўғриси ҳам бу мақола ўша кишининг туфайли билан ёзиладир.

Туркистондан Масковга вагон-вагон магиз, ўрик, гурунч, Масковдан Еттисувга той-той газлама, Еттисувдан Туркистонга қўшоқ-қўшоқ қўй, Туркистондан Масковга яна ҳалиги гап... худда чархфалак.

Бу ишни қилаёткан одам франсиялик Рўкфеллер¹² эмас, америкалик Рўтшилд¹³ ҳам эмас, ўзимизнинг тошкандлик Шохолим ҳожи акангиз! Бу гап тўғри, худо берса шундай бўлар экан. Ақд, иш, келим-кетим, ҳаммаси ҳам мосинавори.¹⁴ Албатта, бунчалик иш сурган кишининг чирмандаси ҳам бир неча қоплаб бордир, деб ўйларсиз. Фақирингиз ҳам сизнинг фикрингизда... Тунов кун бойнинг отаси ўлди, элли червонкалаб оқча фақат жанозаға йигилган қалани-қасанғиларға улашилди. Худо зиёда қилсун.

⁸ Тақсирот касали — иззатталаблик, манманлик.

⁹ «Насионал» меҳмонхонаси — Бухоро қўчасидаги бу бинода дозир Уруш ва меҳнат фахрийлари уюшмаси жойлашган

¹⁰ Машшуъ — шарый.

¹¹ Азимбой — Сайдазимбой.

¹² Мосинавори — ўз-ўзидан, иктиёrsиз.

— Неча масжид солди? — деб сўрарсиз, албатта. Ҳозирча солиниан масжид-пасжиiddан дарак йўқ.

— Неча мактабнинг оталини олди? — деб яна сўрарсиз. Лочин билан баҳслашкан олақарға айткан эканки, шуни олсам биркам юзтаси қоладир, деб. Унга ўхшашибизнинг ҳожи акамиз ҳам башартги энди бир мактабнинг оталини олса фақат битта бўладир.

Ҳожи акамизнинг ёшлари элидан ошқан бўлса ҳам лекин ўгул-қизлари иук, деб баъзи одамлар таъна қиладирлар. Биз айтамизки ўғулсизлик айб эмас, агар ҳожи акамиз чин ота бўлмоқчи бўлсалар (худоёв товба қилдим) бутун миллат болалари ул кишининг болалари, ўгуллари, қизлари! Дунёда бундай оталиққа ҳеч кимса ноил бўла олмас, тушунсалар!

— Ҳой, ҳожи!

Ёшинг анчага борди, бир оёғинг ерда бўлса, бир оёғинг турда, эсинг борида этагингни ёп! Илло йиғуб-тергандаринг фақат уч-тўрт қузғуналарға қолишими унумта! Яъни отинг, донғинг ўзинг билан бирга кўмилмасун...

Сўзимиз ёлғуз бир киши устидагина эмас. «Қизим санга айтаман — келиним сан эшиг!» қабилида бошқаларға ҳам ом.¹¹

Калвак маҳзумнинг жияни,
«Муштум» — 1924 йил, 23-сон.

ҲОЙ, ЕР ЮТКУР...

(Хотун-қизларнинг байналмилал кунига бағишилаб)

Бу кун хотун-қизларнинг байналмилал байрам кунлари. Албатта бу «муштипар»ларнинг кўнгилларини олмоқ ҳар бир белида белбори бор бўлған кишининг вазифасицир. Бироқ биз ҳайроңдирмизки, қайси йўсун билан уларнинг кўнгилларини олиш керак? Биз бу нуқтани ўбдан ўйлаб кўрдик. Аммо ақли қосиримизга¹ ҳеч бир эпақалик гап келмай, миямиз қотди.

Тўғрисини айтканда (орада эшикучи йўқми?), бу сочи узун, ақли қисқа анав-манавларга байрам қилишни ким кўюбдири?. Тузук, хотун-қизларнинг соchlари узун, ақллари қисқа, бу ҳақиқат. Аммо ўзлари худойи таолонини ширин қилуб яратқан маҳлуқларидандринки, бу гап ҳам тўғри. Бинобарин, уларнинг ўйнаб-кулишларига рози бўлмаган одам хумсадир.² Бироқ масаланинг шу ерга тушунолмаймизким, бизнинг соchlик эшонларимизга бир йил — ўн икки ой бўлса, шу ўн икки ойнинг ҳаммаси ҳам уларнинг байрамидир. Баҳор бўлса шулон³ қайнатғали мозорға чиқсалар, ҳайит келса яна иш йирик бўлса, туғуриқ

¹¹ Ом — умумий, ҳаммага баробар

Қосир — қисқа, ожиги.

Хумса — ҳунаса, ярамас.

¹ Шулон — бой, камбагал, бева-бечораларга бериладиган иссиқ овқат

чиқса яна байрам, түй бўлса бешик-белик, упа-элик, түй устига тўй... Энди тарин нима керак, бу ер юткурларга.

Хукуматчилик бўлғандан кейин кишининг тили қисиқ бўлуб, чурқ эталмас экан... Йўқса тунов кун... ҳалқ қозихонасида речь⁴ айткан «Жужунай сўфи» оғамизнинг сўзи наҳ бизнинг муддаомиз эди:

— Хотунларға ҳуқук, деб хотун-қизларимизни бузуб юбордилар, бу кунгача ҳуқуқсиз яшай билган хотун-қизлар бундан кейин ҳам яшай оладирлар. Хотун-қизларға ҳуқук олуб бергучи таъвиянинг кераги йўқ! — деди.

Речни биз, ҳалойиқ узоқ олқишиладик, қози афанди бўлса ашад таъсиротидан⁵ ҳўнгир-ҳўнгир йиглади. Орадан битта ҳуқуқчи чиқуб: «Бул киши хотуниға ҳуқук бериб оғзи куйди...» деб сўзлай бошлиған эди, уруб оғзини дабдала қилдик. Агарда сиз ҳам ҳуқук тарафдори бўлсангиз, сасиған ориздан ачиған сўз чиқар деярсиз, ҳавола ба худо.⁶ Аммо сирасини сўзлаб ўтдик биз. Агарчандики,⁷ фақирингиз бу байрамга бетараф қарайдир, шунинг учун бетарафона кенгашлар беришдан ҳам тоймайдир:

1 — Инқилоб тўполони билан хотун-қизларимизнинг паранжиларини янгилаб берилсун.

2 — Ошни қирмоч олдирған учун ҳам баъзи бир оға-инилар «ҳасм»-ларининг⁸ чангини қоқар эканларки, бу иш яхши эмасдир. Баъзи унчамунча иш учун шахтасавар қилинмасун.

Ихтор: 1. Бундан бошка мавзульарда масалан, сўзингизни қайтарса, ижозатсиз кўчага чиқса, маҳсингизни тортмаса ва шунингдек гуноҳлар воқиъ бўлса, шундօғ урингки, бадани унниқиб мўматалоққа айлангунча қўймагайсиз.

Ихтор: 2. Хотун-қизларни урадирган олат (миэрб) уч турлуқдир: а — қамчи; иш вақтида сувлаб олинса хотун уриш учун бундан яхши олат йўқдир; б — мушт ва тарсак; в — оёғ; бу олат мазрубани ётқузуб олғандагина ишқа ярайдир, айниқса пошиаси баланд этик бўлса... ўткуррак қайиноналар келин-кеватка ҳужум қилғанда ўқлоги, ўгуч каби олатларни истеъмол қиладирларки, бу ҳам яхши усуладир.

3. Хотунингиздан аччиғлансангиз, уни фақат мошхўрдага боғлаб, ўзингиз чойхона ва ошхоналарда мойлиқ паловни тушуринг. Хотун-қизга одоб беришда бул ҳам яхши усуладир. (Аммо баъзи бир акалар хотунларини умр бўйи мошхўрдага боғлаб, ўзлари ҳамиша чойхонада қолур эканларки, айниқса буниси фақирга кўб пором⁹ келадир). Ана бизнинг сўзимиз шул: ёқса сизга, ёқмаса ўзимизга.

Хой, ер ўткур! Киши-киши, юзингни бекит!..

Жулқунбой,

«Муштум» — 1924 йил, 24-сон

⁴ — нутқ, маъруза

⁵ Ашад таъсирот — қаттиқ таъсирланиш.

⁶ Ҳавола ба худо — Худога ҳавола.

⁷ Агарчандики — гарчи

⁸ Ҳасм — душман.

⁹ Пором — кўнгилдагидек, еқимли.

ТОШКАНД ХАБАРЛАРИ

Тошканд ва теварагида маориф ойи билан бирга ёғмур ойи ҳам эълон қилинди. Чакканинг ўтиши чаккидир, негаки, Эски шаҳар халқи сувда сузиш илмидан баҳрасиздир, вақтдан истиъфода қилуб ҳар бир оила ўрдак боқсун, ҳозирга бир юз етмиш уй йиқилуб, катталардан уч юз киши шаҳид ва гўдаклардан 500 тасининг гуноҳсиз қонини аранг думахона ўз зиммасига олди. Яна беш юзлаб уй рукуъда¹ йиқилғанлар сужудадир.²

Ёғмур агар эбидаги ёғса маълумки, оби раҳмат, яъни манбаъи ҳаёт деймиз, илло ҳалокати табииётнинг энг кучлиги ҳам ёғмурдир, десак шояд янглишмаған бўлурмиз. Начукким, ҳазрати Нуҳнинг балоси тӯфон билан эди.³ Бу хабарларни ёзар эканмиз, қўркунч бир ҳақиқат кўз ўнгимида эди. Ажабо, биз мусулмонлар иргидодда⁴ қавми Нуҳ дара-жаларига бориб етдикми?

Кечирмақда бўлғанимиз кунларни биз явмин-нахсадан⁵ ҳисоблай-миз. Шунинг учун ҳар кимга билиб оёғ қўймоққа, чакка балосидан, шабоблик⁶ касофатидан эмин⁷ бўлмоққа тавсия қиласиз. Айниқса, «ба-ладия бўлими ҳеч нарса демади-ку», деб эски том остида ўлтурмангиз, ўлтурсангиз ҳам том қисирлашди дегунча қочуб қолингиз-ки, ҳамма нажот шундагинадир.

Хусусан Эски шаҳар расталарига тушиб, Маллахондан⁸ қолған осо-ри атиқа лафқаларнинг ёнидан ўтишдан албатта, албатта ҳазар қилинг, ўтар бўлсангиз ушбу дуони ўқунгиз: «Оллоҳумма иҳфазни мин фала-котил инқилоби ҳозад-дўккона ва насьалука ан турсиланна жамиъа балоика ва қазоика алаш-шўъбатил-баладияти.⁹»

Ушбу дуо кўб баракатлик дуодир. Ман шакка фақат кафара.¹⁰ Бу дуони бир қоғозга ёзиб думахонанинг вивескасига боғласангиз ҳосияти ошкор бўлғай!

Мухбир: Совринбой

Илова: Заҳириддин аъламдан фатво сўраймизки, башарти катта кўчадаги бир иморат ёки девор ўткунчилардан бир нечасини босса, уларнинг хунини ким тўлайдир? Уй эгасими ёки думахонами? Фатво китобингизда албатта бунинг бир хукми бордир.

«Муштум» — 1924 йил, 24-сон.

¹ Рукуъ — намозда икки букилиб туриш; эгалиш.

² Сужуд — намозда бошни ерга қўйиш; йиқилиш.

³ Нуҳ — миљоддан аввал яшаб ўтган пайтамбар, одамлар йўлдан оғзанлиги учун Тангри уларга жазо қилиб тӯфон юборгая. Нуҳ, қавмини ҳалок қилган экан. Нуҳ пайтамбар эса оғнидан оғод қилингани учун ўз яқинларини ва барча жониворлардан бир жуфтдан олиб кемада жон сандаб қолган экан.

⁴ Иргидод — диндан қайтиш.

⁵ Явмин нахс — ёмон кун.

⁶ Шабоблик — ешлик, бебошлик.

⁷ Эмин — ҳавфсиг, тинч.

⁸ Маллахон — Ҳудоғронининг ўтай акаси, 1856—58 ийларда Тошкент ҳокими бўлган.

⁹ Эй оллоҳ, мени бу дўконнинг ағдарилиш фалокатидан саклагатил ва жамиъи бало ва қазола-рингни шўъбай баладия устига юборишингни сўрайман.

¹⁰ Ким шак келтирса коғир бўлади.

ИСТАТИСТИКАНИНГ КҮРСАТИШИЧА..

(Юшлэйимиз муносабати билан)

Исттистикаси бор бир миллат ойнаси бор бир қавм, демақдир. Ойнангиз қўлингизда бўлса шубҳа йўқки, дийдори шарифингиз сайхонидаги барча қинғир-қийшувқулларни кўрарсиз.

Исттистика деган нарса ҳалқимизнинг тушига ҳам кирмаган, яъни миллати нажибамиз¹ бундай неъмати ажибадан маҳрум бўлса-да, аммо бу ўрунда ҳоли ҳозиррамизнинг исттистикасидан баъзи бир нимарсаларни «юмaloқ-ясси» қилмоқчиридмиз-да! Кўб яхши гап.

Мамлакатимизда нима бор, ҳайвонлар ижтимоъидан² ҳам фойдалик бир ҳисоб тузуб бўлурми? — дегучи сассиқ такалар балки бор чиқар. Бу гап бир томондан нечоғлиқ тўғри бўлса, иккинчи томондан шунчалик эгридир. Негаки, ҳайвонлар ижтимоъи деган жумланинг ифодаси омдир. Башарти умуман Туркистон ҳайвонлари кўбчилигини «хўкуз» деб ақида қилинса-да, улар ҳақидағи ҳисобу-китобларни фойдасизга чиқарилса; иккинчи томондаги шу хўкузлар етакчиси бўлиб кўринган ва ўзларини доно ва донишманд олған девсийрат,³ тўнғузнамо, маймун қилик, қуёнсифат, бўри келиш, тулақи мисол, илон шувиш, бақа мижоз... афандиларнинг ҳақдариға хиёнат қилған бўлурмиз.

Демак, биз шу кейинги тасқаралар тўғрисида ижмолан⁴ бўлса-да, бир исттистика жадвали тузмакчиридмиз. Маълумки, бизнинг жамоат ходими бўлиб танилған кишиларимиз бир неча қисмга бўлинадирлар:

1. Сиёсионлар.
2. Муаллимлар.
3. Муҳаррирлар.
4. Зиёли ёшлар.

Башарти бизда ҳам исттистика деган жонвор бор деб кўз юмиб, исттистика идорасига кирган бўлсақ, гўёки, шу идорадан ўзимизнинг қизиқсинган маълумотимизни олуб чиқсан ҳам бўлсақ, мана биз ўзимизнинг ўрлон кўзларимиз билан нималарни кўрган бўлур эдик:

3789 бош сиёсион; булардан тўқсон фоизининг бор-йўқлиги ҳеч кимнинг ҳам кўнглига келмайдир, беш фоизи туллақдан чиқмаран мақиён,⁵ уч фоизи мушкилики⁶ уларга қандай ҳукм беришдан «Мухтасарул-виқоя»⁷ ҳам ожиздир. бир фоизи ҳайбаракалла,⁸ бир фоизи хом чучвара.

Мана бу ҳисобдан шу эҳтиёж ҳис қилинардирки, тўқсонни йўқсонға чиқариб қўйиш, макиёнларни уюрга қўшиш, мушкилларни омоложение усули билан бир ёғлиқ қилиш,⁹ ҳайбаракаллачиларга хуббулмулк¹⁰

Нажиб — ҳурматли, мұғътабар

Ижтимоъ — гурух, тўда, пода.

Девсийрат — девга ўхшаш, йўрон-елли.

Ижмол — қиска, мұхтасар

Фойдасиз, хосилсиз демакчи.

Мушкил — қунаса.

«Мухтасарул-виқоя» — фраких Бурхониддин ал-Маргинонийнинг (вафоти — 1197) «Хидоя» номли фикр, асарига езилган шарҳ, китоби, мушалифи Убайдулла ибн Масъуд ал-Махбубий.

⁵ Ҳайбаракалла — лаганибардор, мансабпарат.

⁶ Ёшартириш; бу ерда эрқаклаштириш лозим демокчи.

⁷ Хуббулмулк — мансабпаратлик.

бериш, хом чучвараларни қайнаған сувга солуб олиш керакдир. Зереки, тажрибаларни күрсатишича, биздаги юрак оғриғи касали шу хом чучвараларданың.

Бутун үлкәндер мұаллимлар сони 17 855 дир Булардан 57 фоизи әски гүнг (буларни ерга солинса-да, таппи қилинса-да, мұстәғидлірлар),¹¹ 17 фоизи янги ахлат, үн фоизи палағда, саккизи пойнак,¹² олти-си мояқ,¹³ учи пучак, бирининг ўндан бириси сарап,¹⁴ қолғани күрақда турмантурған пачоқдир. Шунинг учун «бўлмаганга бўлишма» қабилида очилған ўрта мактаблар «Дорул-эгов»лардан чиқуб келган муллабаччаларни одам афтига олишқа, бунинг учун қирқ саккиз синфлик таҳририялар¹ очишқа ва шундан сўнг асосини бошлишқа мукаллафидирлар.¹⁶

Матбуотимизнинг қон томири бўлған мұҳаррир ва шоирлар сони... (бай-бай-бай; пишти кабоб, пишти!) Оқмирзакарим айтар эрдики: «Сан хоро-о-о бан хоро». Шунга ўхшаш ман ҳам айтаманки, «биз хоро-о-о, мұҳаррир ва шоир хоро!». Тўғриси жим-жиму, тия кўрдингми, йўқ; ёниғлиқ қозон — ёниғлиқ!

Мунаввар зиёлиларимизнинг сони агарда истилоҳ топуб¹⁷ ўқушни збласангиз 1900, 7000, 8000, 500 000 дир. Очикроқ таъбир қилғанда «ҳисобда ҳам йўқ, китобда ҳам йўқ!» деб шундай сонлик ҳисобқа айтадирлар. Бу ўртоқ мадрасада сиғайи муболағани кўпрак истеъмол қилған экан, деб балки мандан куларсиз Лекин бу ҳисоб муболага эмасдир. Чунки бизнинг мунавварларимизнинг ҳар бирисида минг эмас үн минг ҳайвони нотиқнинг ақли, фикри, сезгузи, даъвоси ва бошқа лаш-луши бордир. Мана шундан онгланған бўлса керакки, бизнинг сўзимиз пуч эмас, кучдир.

Бу мунавварларимизнинг асосий машғулиятлари қуйидаги режада кўрсатиладир:

- 1 — Үн беш фоиз ёшларнинг асосий ғоялари ичулукка;
- 2 — Йигирма беш фоизнинг яратилиш сабаблари ўрус ва бошқаларнинг фоҳишаларига;
- 3 — Йигирма беш фоизнинг туғилиши соч ўсдириб, хина қўюб, янги мўда кийим билан бирга оқишиқа;
- 4 — Үн фоизи қуруқ маҳмаданагарчиликка;
- 5 — Қолған йигирма беш фоизнинг ғоялари НЭПга чин ўғул бўлмоққадир.¹⁸

Бу ўрунгача ҳисоблари кўрсатилган ҳалқ етакчиларидан бошқа яна бир дуркум оқ салла, қора кўнгил мунавварлар бордирки, инқилобдан

¹ Мустақ — лойик, мұносиб.

Пойнак — тухумнинг тўмтқ, томони

² Мояқ тұхум.

³ Сарап — бутун, сизматан тұхум.

⁴ Таҳрир тұзатиш.

Мукаллаф — вазифадор, бурчали.

Истилоҳ - термин, атама.

¹¹ Ёвуз «дарбин коммунизм» сиесати, еки унинг бироз енгил нусхаси бўлған «Янги иқтисодий сиесат» даври учуман олганда Туркистон ҳалқининг ижтимоий-иқтисодий турчуш тартибиет бир тартиб әди Муаллиф бу ерга шахсий фойдаларини кўриб, лекин умумий тарарни кўрчай бу сиесатни тартиб килиб юрган айрим туркестонлик тұтиқуш иериларниңдан киной килиб утади

сүнг эълони ифлос¹⁹ қылғанлықларидан уларни ҳисобга олиш ва олмас-лиқ «адам вужуд»²⁰ бизнингча баробардир.

Жулкунбой,

«Муштум» — 1924 йил, 25-сон.

ДҮСТАЛАРГА УЗРИМ

«Муштум» бу кун ўзининг 25-нчи сонини тўлдириб байрам қила-дир. Бу байрамда ўзимнинг ҳам иштироким бўлғани учун... уэрсиз безрайгали уядим, тўғриси. Яъни узр айтмакчиман.

Узрим гуноҳимдан (?) хунук чиқса, яна узрим бор!

Биз, шўролар ҳукуматининг баракасида «Муштум» деган бир кулаги журналга эга бўлдиқ. Ҳа, эга бўлдиқ... тушунибми, ёхуд «бўлғанлар» қаторидами?..

«Кулаги журнал» от қўюб «Муштум»ни чиқариб келган бўламиз. Чиндан ҳам кулагими эди, ёхуд унинг ўзидан ҳам кулганлар бўлдими?

Бу кун унинг сонини йигирма бешга тўлдириб «юбилей» қиласиз. «Юбилей» қай вақтларда ва қандай иш, ҳам кишиларга қилинадир, албатта бунинг моҳиятини белгулаш қийин эмас. Мана шу маълум бир иззатни ба ҳаққи қозониб байрам қилинадирми ё йўқ?

Кундалик матбуотимиз бир эмас: учлаб, тўртлаб бор. Уларнинг анчайин ҳавои мавзуълардан баҳслар очуб, гуллар сочуб ҳовлиқишлиари ҳам йўқ эмас. Иккинчи томонда «Муштум»ман, деб мушт кўтариб чиқсан журналимиз бу кун йигирма бешинчи сонини тўлдириб «юбилей» нўмири билан байрам қиласидир, қадаҳ, кўтарадир... — Ҳой тентак, ким санга юбилей қилишга ҳақ берди? — деб агар унга савол берсак, эҳтимолки ҳеч кимдан ҳам туртки емаймиз. «Нега?» десангиз, шу йигирма беш сон «Муштум»нинг бирортасига кундалик матбуотимизда танқид ва ё тақриз йўллаук бир гап ёзиладими? «Бунинг тузук, унинг чакки» деган йўл-йўруқ кўрсатилемиз, «Фарғона»да, «Зарафшон»да,¹ «Туркистон»да? — ҳеч!

Бунга қандай маъно бериш керак, кундалик матбуотимизнинг ҳамо-қати деймизми, мағрурияти деймизми, нима ахир? Лекин бу «Муштум» учун ҳақоратдир, анувлар учун разолатдир, жаҳолатдир.

Биз «Муштум»ни йўлга sola олурлиқ кишимиз бор чиқар, деб хом хаёлда юрган эканмиз... ҳақиқатда эса манзил узоқ, роҳила оз эмиш...²

Ҳой, ўртоқ! Яҳши онглаки, матбуот дунёсида кулгандан-кулиш қонуни ҳали ҳам бор. Иштони йўқ тиззаси йиртиқдан кулган бўлсада ажаб эмас... ўзинг ҳам кулагучининг масъулияти тўғрисида ҳеч бир назария ўқуван эмасдирсан!

¹⁹ Эълони ифлос — сипланлигини, яроқиззилигини эълон килиш (масалан сиёсий майдонда).

²⁰ «Адаму вужуд» — бор йўқлиги, ўлик-тириги.

«Зарафшон» — 1922 йил октябр ойидан Самарқандда вилойт миқомидаги чиққан газета.

Манзил узоқ, роҳила (улов) оғ — максад буюк, куч йўқ.

Бу кунда кулгулук — ҳажвиётнинг чин эгаси йўқлиғидан фойдаланиб «сув йўғида — таяммум»,³ «эшагига ярама-тушови», деганлари идеқ, марди майдон сифатида икир-чикирлар ёзиб «арзимаса-да, арзитарсиз» умидида келаман Келасидаги кулгулук боғимизнинг булбули эмас — загизғони, гули эмас — тикони бўлмоғимни-да иқрор этаман. Гул ёғочида бошлаб чечак эмас — тиканак ўсадирким энг ози шу ҳолни кузатиб ажзимни⁴ иқрор қилишқа мажбурман. Биноан алайҳи сўзим қўпол, муомалам дағал, латифам аччиғ, мутоябам хунук; кулдириб йирлатиш, ачитмай тўқуниш ҳунарлари манда йўқ. Шул ҳунарсизлигим орқасида ҳолис пандларимдан, кирсиз тўқунишларимдан' хаёлий натижалар, шайтоний мақсадлар чиқаришга тиришкучи «фаттойи кафш»-лар⁵ оз эмаслар. Лекин ман ўшандай шумшук' маҳдумлардан сатки хафалик қиласман. Чунки шу кунгача маним мезоним виждоним бўлуб келди, бундан сўнг ҳам жиловим ўшанинг қўлида. Демак, маним истиқболим таъмин қилинғандир. Қоро ниятилк киши моҳхов бўлғай.

Узрим шул: тиласанг йигла — тиласанг кул!

Жулқунбой (А. К.)

«Муштум» — 1924 йил, 25-сон.

ЎРГАНГАН КЎНГИЛ ЎРТАНСА ҚЎЙМАС

Яхшилиқка ўрганган бир банда осонлиқ билан ўз яхшилигини қўймаидир. А ёмон-чи, худо паноҳ берсун, ит суюк чайнамаса тиши қичийдир.

Хулоса, ёмон ёмонлигини, яхши яхшилигини ташлай олмайдир. Мабодо ташласа боши оғрийдир, кўзи чиқадир.

Демак, масаламизнинг фалсафий ёғи тамом бўлиб, жиҳдий ва амалий томонига ўтиб, ёмонлар хусусида бир неча жумла таҳрир этмакчимиз. Қисқаси, омманинг назарига эски даҳандан янги ва суви қочмаган бир сўз ва матбуот оламида мўролламаған бир неча силиқ ибора қолдирмоқчимиз.

Табиъий, бу даъвомиз тўғри бўлса бўлар, тўғри эмас экан, ўзингиз минг мартадан эшиткан сўзларингиз қаторига киритиб қўяқолурсиз, чунки замонамиз эзмалик, матбуотичиз чайнов бир замондан хали жудаям нарига жилгани йўқдир.

Кўрмайсизми, ўзгаришқа еттинчи йил, ҳамон бир чархни айлантирамиз, ҳамон бир сўз ва бир қадам устида жонбозлиқ қиласмиш. А, етти қироннинг бири бўлған матбуотимиз бир сўзни узун бир муддат чайнайдир, фажийдир. Субхоноллоҳ!⁶

³ Таяммум — сув бўймаган жойда тупроқ, пахта, латта каби нарсалардан фойдаланиб олинадиган шартли таҳорат, бу ибора керакли нарса йўғида бошқа нарсадан фойдаланишга тўтиривлаганда айтилади.

⁴ Алж — ожиглик, юнфлик.

⁵ Тўқуниш — уришиш, койниш

⁶ Фаттойи кафш — кафш патаги.

⁷ Шумшук — ночор, бечора

Шоирларимизнинг бир қисми, муҳаррир ва муҳаррирчаларимизнинг бир бўлғаги ҳамон бир-биридан андоза олиш ва бир-биринидан нусха олиш билан машгулдир. Ўқугувчиларимиз бўлса, сабоқ бериш эмас, сабоқ олишқа лойиқ ва сазовордирлар.

Энди мақоламизнинг сарлавҳаси бўлған «Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас»га келайлук:

Муҳаррирчилик бўлғандан кейин қалам туткан замонинг фалсафа соткинг келадир. Узун-узун монологлар ёзиб ўзингни майдонга ташланг келадир. Мана бу касалдан каминангиз ҳам қутула олмағанимга ҳозирғи мақола жонлиқ шоҳид бўлса-да, тарихни дунё яратилишдан, ёки Нуҳ, тўфонидан бошламағанимга, ҳеч бўлмағанда хоин, золим Некалайнинг қонхўрлигидан бошламағанимга ўзим шукур қиласаним каби сизнинг ҳам холис шукур қилишингизни бир карра тавсия этмакчиман.

Уҳ... мен шу ерга ёзиб келиб эдим, шоирлигим эсимга тушди. Қанақа шоирлиқ дeng, камина ҳозирғи замон шоири эмасманми, шеъримга сарлавҳа қўймоқчи бўлдим. Қандай сарлавҳа дeng, умумий қоидага мувофиқ сарлавҳамни «Гул» деб қўйдим. «Гул» дедингми, кетидан «булбул» калимаси лоп этиб оғзинтга келмасунми. Гул ва булбул билан қўшулиб чиройлик бир сарлавҳа таъмин этилди. Бу одат умуман шоирларимизда бор бўлрани мени таскин қилди. Шеърни ҳам бошлаб юбордим. Ёздим, чиздим. Бош мисраънинг охири гул келди. Иккинчи мисраъ бевосита булбул келди. Чунончи:

Ўзбек қизицир мисоли бир гул
Ўзбек ишити у боғга бўлбул.

Демак, шеъримнинг бошлангичи таъмин этилди. Қолған мисраълари мени унча қийнамади. Битириб, шеърнинг остига тахалусимни қўйдим, газета идорасига югурдим.

Газета саркотиби вуқор билан олиб, дафтарга қайд эткан чоқда шеъримнинг сарлавҳаси қатордаги мақола сарлавҳаларининг белини буқкандек кўринди.

Эртасига ҳалиги шеър газетанинг иккинчи бети бошида босилиб чиқиб, ҳамманинг оғзида қироат қилинди.

Элимиз ўрганган, бундай шеърларни ўқуш элимизга унча оғир эмаслиги белгули. Чунки шеърнинг сарлавҳаси «гул ва булбул» экан, мисраъаларнинг ҳаммаси ҳам «гул ва булбул» билан тамомланур.

Мақола ёзишда ҳам бошқа муҳаррирлар каби умумий ихтисосқа моликлигим бор. Сарлавҳалар: «Етти йиллиқ ўзгариш ва биз», ёки «Маъориф ва қўшчилар», ёки «Франсия буюк инқилоби ва бизнинг вазифамиз», деб шундай сарлавҳадан бирини қўйиб олдингми? Сарлавҳа остидан чизиб мақолаларни киришканда, хоин, золим, қонхўр Некалай ва унинг думларининг бизга қиласан зулм ва ваҳшати, ва ул хоин-золимнинг ахранник ва полисияларининг бизга қиласан жабр-зулми ва ҳакозо... Бир неча жумла золим, қонхўрлардан кейин мақсад устида поймапой бир неча жумла тузилиб, мақола шу жумлалар билан тамом бўла

бошлайдир: битсун золим, қонхўр Некалай, яшасун Шўролар ҳукумати!.. Остиға имзо чекиб, буни ҳам газета идорасига юбориладир.

Демак, масаламиз «Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас», устида экан, шоиримиз ва ёзувчимизки шундай шоирлик ва муҳарририкка ўрганган экан ўрганибdir. Бунда сўз йўқ. Мен ҳам ўрганганман. Бунда ҳам сизнинг ишингиз бўлмасун. «Гул ва булбул» шеърларини, хоин, золим Некалайнинг зулми тўғрисидаги мақолаларни ёзабераман ва бемалол сиз ўқуб ташлайберасиз, газеталар ҳам босаберади. Шоирлик ва муҳарририкка кўнглумиз ўрганибdir. Ўртанса нима қилайлук.

Эски шайтон,

«Муштум» — 1924 йил, 25-сон.

ТАРЖУМАИ ХОЛ:

ЭШОНЛАРИМИЗ

I

Эҳтимолки, сарлавҳани ўқуванингизда тасфияи нафс,¹ тазкияи қалб² қылғучи ва қилдирғучи, нур ичига чўмилган, риёзат³ билан чўпустихон, тамом фоний⁴, фақир ва эҳтиёж билан ҳамнишин бўлған вужудларни кўз ўнгимиизга келтурасиз. Лекин ҳар кимнинг кўриши ҳар турлукдир.

Эшонларимиз!..

Мана, маним кўз ўнгимга кимлар келиб кўринди: таҳбис нафс⁵ ва таъбис қалб⁶ сулукига солик,⁷ икки дунёда ҳам юзлари қоб-қора, тикинхўрлик билан чиб-чирадак,⁸ ўб-ғўмбак, тамом семиз, давлати шахриёри билан мусаллаҳ,⁹ фақиру фано билан ёв, ўюн-кулги, айшу тараб,¹⁰ нозанин хонимлар, париваш маҳрамлар foяи аъмоллари¹¹ бўлған вужудлар... Бас, бу икки турлук кўришдан шу нарса келиб чиқадир: ё сиз кўр ва ё ман! Ё сизнинг кўзингизга оқ тушкан ва ё маним!

Журналимиzinинг шу сонидан бошлаб биринчи галда эшонларимизнинг, иккинчи галда уламоларимизнинг таржумай ҳолларини ёзмоқ фикридаман. Бироқ сизнинг айтмоғингиз мумкиндирики, «Кўришинг бу бўлса — ёзишинг қалай бўларикин?» деб. Аммо ман сизга шуни айтамки, таржумай ҳол деган гап шамолдан ёки ҳаводан олинмайдир, аҳволи баён қилинатурған шахснинг ўз ҳаётидан олинадир. Қозонда

¹ Тасфияи нафс — нафсни пошчаш

² Тазкияи қалб — милини поклаш

³ Риёзат — машаққат

⁴ Тамоми фоний, фақир ва эҳтиёж билан ҳамнишин — уткинчи дунедан бутуслай кечган, фикрилик ва чуқтоҗликни ихтиёр қиласан.

⁵ Таҳбис нафс — нафси бузук

⁶ Таъбис қалб — кўнгли шайтон

⁷ Сулукига солик — ўз йулида собит юрган

⁸ Чиб-чирадак — ўранган

⁹ Давлати шахриёри билан мусаллаҳ — куч-кудрати билан куромланган.

¹⁰ Тараб — хурсандчилик, айшу-ишрат

¹¹ Foяи аъмол — мақсад

нимада бўлса чўмичқа ҳам шу нарса чиқадир. Ман ҳам шу қонундан четка чиқмасман, қозонда мошова пишкан бўлса албатта палов сузмасман. Иккинчи шулки, «Эшонларимиз» бобида Тошканднинг йигирма чоғлиқ авалиёларининг маноқиблари¹² сўзланадир. Улардан (албатта уларнинг ўлук — тирикларидан) умид шудурки, ҳақиқат отиға,¹³ деб ёзган таржумай ҳолимиздан ранжимаслар ва ҳақиқат отиға гарчи бадхазм бўлса ҳам ҳазм қилгайлар!

Эшонларимиздан биринчиси: Иzzат сиришт¹⁴ ва саодат сарнавишт¹⁵ некукирдор¹⁶ орифулло¹⁷ Саид Маҳдихон бинни Саид Боқихон бинни Абулқосимхон эшон бинни қутбул-ақтобхон¹⁸ Тўрахон эшон алавий¹⁹ нақшбаңдийдирлар. Аммо биз бу силсиланинг таржумай ҳолини Абулқосимхон эшон марҳумдан бошламоқчимиз. Шундоқки, Абулқосимхон эшон ўз замонининг қутби эди. Унинг валоятига²⁰ Тошкандгина эмас бутун Туркистон, ҳатто Некалай I ҳам ройибона қойил эди. Абулқосимхон эшонни Русия истибдодига танитқан кишиларнинг биринчиси унинг Тошканд муридларидан бўлған машҳур Саидазимбой билан Шарафийбой (татар)дир. Ул вақтларда Туркистон хонлар қўлида бўлуб хали Русия истибдодига ўтмаган, шунинг учун улуғ оқ подшоҳ қутби замонимиз бўлған Абулқосимхон эшоннинг валоятларидан умидвор эди. Бу жаноб ҳам ўзларининг югурдаклари бўлған Саид Азим ва Шарафийлар орқалиқ оқ подшоҳга ройибона хусни таважжуҳларини²¹ юбориб турар эрдилар.

Вақтики Абулқосимхон тўрамнинг дуолари ижобат ҳадафига²² тегиб Чернаеф²³ Тошкандни фатҳ қилди; дўстлар шод, душманлар ғамгин бўлуб тўрамнинг ўзлари улуғ жондорол гўбарнатур Чернаефнинг олдида гулдек очилган эди. Кўнгил тинчид орадан бирор йил чамаси ўткач жондорол гўбарнатур фатҳу нусратда²⁴ улуғ фидокорлик кўрсаткан авалиёларни ўз ҳузурига зиёфатка чакирған, устол атрофи Шарафий, Абулқосимхон эшон, Ҳожи Алим, Ҳакимхўжа²⁵ каби оқ саллалик гўллар билан тўлған, дастурхонда тўнғуз гўштидан бошқа ҳар нарса муҳайё қилишган эди. Вақтики зиёфат хитомига²⁶ етуб, баъдаз фотиҳа адютант томонидан қаҳрамонларга инъом улашиладир. Жумладан Абулқосимхон эшоннинг олдига бир кумиш самовор, Ҳакимхўжанинг олдига кумиш патнус қўйиладир. Бу вақт Ҳакимхўжа қози патнусни

¹² Маноқиб — сифатлар, фатилатлар

¹³ Ҳақиқат отиға — ҳақиқат учун

¹⁴ Иzzат сиришт — азалдан иззат заси

¹⁵ Саодат сарнавишт — азалдан пешконасига баҳт биттиаган

Некукирдор — якши феъл-авторли

¹⁶ Орифулло — Оллоҳни танитган

¹⁷ Қутбул-ақтоб — даҳсолар даҳоси

¹⁸ Алавий — саҳоба Алийнинг вволоди

¹⁹ Валоят — докимлик

²⁰ Хусни таважжуҳ — яхши муносабат

²¹ Ижобат ҳадиғи — нишон

²² Фатҳу нусрат — ғалаба қолониши

²³ Ҳакимхўжа 1865-йичи йиллардаги Тошканднинг қозисидир. Ул вақтларда Тошканд қозиси ёлғуз бир кишидан иборат бўлур эди. (муал.)

²⁴ Хитом — хотима, нишон

самоворнинг ўрнига қўюб, самоворни ўз олдиға тортадир... Бу ҳолдан вокиф бўлған адютант самоворни эшоннинг олдиға олуб Ҳакимхўжага айтадир:

— «Сизни таниғанимизга ёлғуз биргина йилдир. Аммо эшон, бизнинг ҳукуматга ўн беш йилдан бери хизмат қилуб келадир!» Ҳакимхўжа қозининг дами кесиладир. Шу вақтда мажлиска онглашиладирким, эшон унча-мунча одам эмас...

Бас, оқ подшоҳнинг навкарлари бўлған жондоромлардан шунчалик иззат, ҳурмат, инъом, эхсон кўргучи бир бузруквор эшонга бутун ҳалқ мурид кесиладир, каромат, валоят ортадир. Кауфман¹ Туркистонга во-лий умумий² бўлуб келгач, каромат камаядир эмас, балки, юз қат яна ортадир.

1884-нчи йилда фон Кауфман ўладир. Унинг тағзиясига чиқсан бизнинг Абулқосимхон эшонимиз бутун Тошканд мусулмонларини ҳай-ратда қўюб Кауфман руҳига «Таборак...»ни тиловат қилуб бағишлай-дирлар...

Шу аҳвозда бу дунёning барча баҳт-саодатларини кечириб, ниҳоят (1309 хижрия, 1891 мелодияда) миллионлаб муридларни зор йирлатиб, барча йигуб терғанларидан умид узолмаганлари ҳолда дунёдан кўча-дирлар. Эшоннинг тирикликларида тўёлмай қолған ҳалқ тобутни эрта-дан кечкача қўлма-қўл кўтаришиб юрадирлар. Энг охирда тобутни бурда-бурда қилуб, ўзаро тақсим қилишғач тинчийдирлар. (Эшон бузрукворнинг қабр тошлари: «Ин марқади» мунаввар муршиди комили мукаммал шайхул-ислом валмуслимин ҳофизи қалом раббул-оламин мухиббул уламо ва малжаул-ғурабо³ ҳазрати эшон Абулқосимхон бинни кутбул-ақтоб ҳазрат эшонхон Тўрахон алавий нақшбандий» деб битикиклидир).

Мархум эшоннинг бағзи бир хислатлари: Ул зот аксар авқотлари-ни⁴ ёш, маъсум ўрлонларнинг сұхбатида кечирап эдилар. Ҳаққитаоло дийдорининг аксини шу ўрлонлар юзида мушоҳада қилар ва бир ўрлоннинг қўлидан ичилган бир пиёла чойни кавсар сувидан⁵ беҳроқ⁶ ҳисоблар эдилар. Ўзларидан сўнг ўн парлаб нозанин ёш хотун ва чўрилар соchlарини ёйиб қолдилар.

Ул зотдан Саид Боқихон отлиқ бир ҳалаф⁷ қолиб, ота қадрдони бўлған оқ подшоҳнинг ҳимоясига сифинадирлар. «Эгасини сийлаган итига сүяқ ташлар», деганларидек Саид Боқихон отасининг туфайли билан Бешороч қозилиғи белгуланадирлар ва шу маснадда⁸ йигирма йиллаб давр сурадирлар.

Бир томондан қозилиқ тушими, иккинчи томондан эшонлик касби билан оталаридан қолған бор, шоликор, ҳовли, мол, обжувоз, тегирмон

¹ Волийи умумий — вилоят ҳокими

² Ин марқади — бу нурли гўр

Малжаул-ғурабо — камбаалпарвар

Авқот — вақтлар

³ Кавсар суви — жаннат булоғи

⁴ Беҳ — яхши

⁵ Ҳалаф — фарғанд, шогира.

⁶ Маснад — мартаба

ва бошқа амлеклар ёниға яна ўн қайта бойлиқ изофа³⁴ қиласырлар Шу йүсунда бу жаноб ҳам дунёга видөй қилуб, барча йиғуб терганиларини маҳдумлари бўлған Маҳдихон эшонга омонат қолдирадирлар.

Энди Маҳдихон эшон таржумай холига ўтайлик.

Жиян,
«Муштум» — 1924 йил, 25-сон.

II

Маҳдихон эшон ана шу Абулқосимкон эшон марҳум набирасидир. Бу зотнинг ҳам мансаб ва дунё суйища боболаридан қолишатурған ўрни йўқдир. Некалай замонида бу жанобнинг кўнглига ота мероси бўлған қозилиқ орзуси тушиб бир неча вақт нуфузлик, ҳукуматта яқин бойларнинг эшигида йиглаб юрди. Бир томондан бойларнинг кўмаги, иккинчи жиҳатдан пристаф ва элибошиларга канверт орқалиқ улашилган «бадал»лар ёрдами билан туппа-тузук «Қозийи ислом» ҳам бўлуб олди. Биз қорнини ёғранда алиф ўрнига лоақал калтак чиқмайтурған дардисарнинг қозилиққа нечук ўлтуриб олиш йўсунини шунда кўрдик. «Бир, деганда тўрт томондан» дегандек эшонликка тушатурған назру ниёз ҳам қозилиққа тушиб турған унча-мунча чой-чақалар баракасида узоқ тарихдан тортилиб келган давлат қалпайғандан-қаппайди; ерга-ер, молға мол қўшулаборди.

Сайд Маҳдихон поччамиз 1911-нчи йиллар орасида шариъат курсисига ўлтурған бўлса, то 1917-нчи йилгача Мочалоф-Почалофларнинг кўлиға сув қуйиб «отам, онам» билан қилтилаб кела олди. Аммо чархи кажрафтор даврасини тескаридан олуб, шартта инқилоб деган касофат юз кўрсаткан эди, шилдэ этиб бизнинг Маҳдихонимиз ҳам шариъат курсисидан қулаг тушди.


Лекин бизнинг жасур эшонимиз бундай муваффақиятсизликлардан умидсизланиб ўлтурмади. Ҳамон ишнинг томирини қидирғандан қидира бориб, ниҳоят, «Уламо» жамиятидан тешиб чиқди ва бу жамиятнинг ўрта қўлдек «мана» деган айғирларидан бўлди. Ҳатто шу жамиятнинг таважжуҳи соясида қайта бошдан қозилиқ ўрниға минмак эҳтимоли ҳам чиқуб қолған эди. Бироқ бир кеткан баҳт иккинчи қайтуғ келмас экан. Бу орада большевик деган кофирлар бош кўтариб «Уламо» жамиятининг суробини тўғрилаб қўймасунми. Шунинг ила бизнинг тогамиз дарҳол ўзининг бошқа ҳамқурблари билан Бухорога қочди. Бухорода икки йиллаб риёзат чекиб, кўб балоларға йўлиқуб ниҳоят Тошкандага қайтуғ келса ҳам лекин уйдан эшикка чиқолмайтурған бўлған эди. Ва ўша кундан бошлаб кўбчиликни «яка мохов» қилуб ўзи обрўсизлик ва амалсизлик балосига гирифтор бўлди. Баракат берсунки, ота-бободан қолған эшонлик, ҳам муриidlар бор экан. Йўқса аллақачон сил касалига мубтало бўлуб, бу дунёи фонийдан видөй қилған бўлур эди.

Бутун юртни «яка мохов» қилуб, «Уламо» жамиятидан хасипни совитиб чиққач бир қанча йиллардан бери сакталиқка³⁵ учраған эшон-

³⁴ Изофа — қўшичча

³⁵ Ҳамқурб — яқин дўсі

³⁶ Сакталик — тургунилик, чалажон



лик касбига чинлаб киришди, ғам-андуҳни кенг саҳрода тарқатмоқ ва шу баҳона билан мурид овламоқ қасдида саёҳатга чиқди. Эшоннинг ота-бободан мерос тариқасида қаламрӯига³⁷ ўткан муридлар; Авлиё ота³⁸, Туркистон, Қарноқ³⁹, Чимканд; Тошканддан Калас, Чинос, Нишибош, Хумсон ва шунга ўхшаш ерлардир. Мана шу ерларнинг минглаб гўсхўр⁴⁰ муридлари ичидаги ҳам саёҳат, ҳам тижорат қилуб ғам-андуҳни тарқатиш билан бирга неча юзлаб қўй, эллик-олтмишлаб қорамол, минг путлаб дон, юзлаб тўн, қоплаб оқча ортдириб қайтди. Аммо мундан сўнгги асосий касб — эшонлик; хонаги эрмак — даҳага ўлтуриш;⁴¹ тижорат — эшонлиқдан тушкан юзлаб қўйларни бўрдоқи қилуб сотиш; мажлис, яъни гапу-гаштак — кал Абдулқодир, Имом шайтон, Иброҳимхон ва шунга ўхшаш ҳафта фаҳм, пайтава қулоқ бойлар билан бўлмоғига қарор берилган эди.

Бир вақтларда эшоннинг ўрдадек мактаббоб ҳовлиси интернатта олинған бўлса ҳам лекин бу балодан «анов-манов»лар билан аранг кутулиб олинди.

Энди таржумай ҳолни тўхтатиб, эшонга шуни айтамиз: Абулқосимхон эшон бобонгизнинг ўз умрида яхши иш қилғани бўлса ул ҳам халқдан оқча йиғуб, ўз отига мадраса солғани ва унда болалар ўқитғани эди⁴². Аммо сизнинг бўлса ҳозирги давлатингиз, мулки ашёнгиз мундайин мадраса ва мактаблардан бир қанчасига ҳам етадир. Нима қиласиз? Бирорта хайр ишқа қадам ранжида қиласизми? Ёки шу кўйи сув қўйғандек бўлуб кета берасизми?

(Эшоннинг шу яқинда бўлған бир можароси ҳақида Хумсон қишлоғидан олған бир мактубимиз бўлса ҳам у нарсани бу ўрунга киргизиб ўлтурмадик).

Эшонларимиздан иккинчиси жаноби Шамсиiddин маҳдум бинни Фиёс маҳдум бинни Аҳмад маҳдум. Аммо Аҳмад маҳдумни шаксиз каромат соҳиби эди, деб ривоят қилғучилар бор. Лекин ул киши тўғрисидағи ривоятларга аниқ ишонилса ҳам бўлатурған кўринадир. Зероки Аҳмад маҳдум ўзларининг каромат ва мўъжизалариға мункир⁴³ келгучи бағзи бир шаккокларга далил ўрнида «Яъти мин баъди исмуҳу Аҳмад» оятини⁴⁴ ўқуб мудофаа қилур ва ўқраб йиглар эканлар. Мазкур оятдаги «Аҳмад»нинг сарих⁴⁵ шу Аҳмад маҳдум бўлғанилиғига уламо байнода⁴⁶ бир иттифоқ борлиғи Тошканд ҳалқининг маълуми бўлса керак. Ҳар ҳолда марҳумнинг Қуръонда хабар берилган «Аҳмад» бўлишида шубҳа

Қаламрӯй — бирор ҳукмдорнинг кўл остидаги ерлар
Авлияга — Жамбул шаҳри

³⁷ Қарноқ — Туркистон шаҳрига яқин қишлоқ
Гўсхўр — лаҳма, гўл.

³⁸ Хонаги эрмак — даҳага ўлтуриш — бекорчиликдан ибодат қилиш.

³⁹ Ҳозирги Ҳалқлар дўстлиги майдонидаги Абулқосимхон мадрасаси

⁴⁰ Мункир — инкор этиш

⁴¹ Исо бинни Марям: «Эй Бани Исройл, албатта чен Оллодонинг сизларга (юборган) пайғамбаридирман. (Мен) ўзимдан олдинги Тавротни тасдиқлагувчи ва ўзимдан кейин келадиган Аҳмад исмли бир пайғамбар ҳақида хулиҳабар бергувчи бўлган ҳолда (юборицдим)», деган эдим. Қуръон, «Сағ» сураси б-оят.

⁴² Сарих — аниқ

⁴³ Байнин — ораси

йўқдир. Демак, онглашилған бўлса керакки, ҳақида сўз юритмакчи бўлғанимиз Шамсиiddин маҳдум шундай бир зотнинг фарзандидир. Бу кишини лоақал ўша боболари ҳурматига таниш ва эътиқодни маҳкам қилиш ҳар бир мўъмин-мусулмон бўлған кишига фарзи айнdir.

Бу зотнинг ўзлари ҳам ғоятда нозик табъ, зиёда аллома, ҳам такал-луфсиз бир муршиддирлар.⁴⁴ Ҳар ҳолда улуғ зотнинг фарзанди, десак комил бир мадҳ қилған бўлурмиз.

Шамсиiddин маҳдум Тошканддан тортиб то Самарқандгача мурид тарбия қиласидирлар. Тушим важқи⁴⁵ чакки бўлмаса ҳам аммо бу зот доим мир куруқ бўлуб юрийдирлар. Чунки ишлаб топилған мол нафис кийимларга, лазиз таомларга аранг етуб турадир. Бошқа эшонларимиз нечоқлиқ исқиорт, қанча мумсик⁴⁶ бўлсалар, бу қиши уларнинг зиддига шунча сермаишат ва сарзавқдирлар. Уйларида дуруст майшат кечира олмаганлари фурсатларда тузукрак кишиларникуга «айтмаган жойға, йўнмаган таёқ» ҳам бўлуб оладирлар. Бу муршидинг завқларини шундан ҳам онгласа бўладирким, аксар йирин, яъни зикр самоъ кезларида бир томонда таважжух бўлса,⁴⁷ иккинчи томонда миллий оркестр ча-либ миллий ашулалар айтилиб турадир.

Жанобнинг зиёфатларда жумъя ва таважжух, асноларида айтатурган сўнгги сўзлари шул: «Замона оғир, шу оғир замонларда бир муршиди комилга топширилмаган мусулмон фарзандининг ҳолига вой!...»

Маҳдум поччанинг иршодларидан⁴⁸ ўтуб яқинғинада «Қўшқулоқ маҳдум» деган бир ҳалфа ҳам етищи. Бу Қўшқулоқ ҳам ўз одигига сулук тебратиб кўб мусулмонларни роҳи ростга⁴⁹ солмоқдадир.

(яна бор)

Жиян,
«Муштум» — 1924 йил, 2(27)-сон.

ҒИДИ-ҒИДИ ГАПЛАР

Кишига қулоқ керакми, йўқми? Бир камбаҳални ҳа деб эза беришми ё бир чимдим-икки чимдим инсоф ҳам лозимми?

Бу юқори-куии сўзларни, бу «сан қўй, ман сенчай»ларни, бу ғиди-ғиди гапларни нима қиласиз, ахир?! Панжшанбадан зериккан бир бечора «ё панжшанба турсун, ё ман» деб панжшанбага қатъий протест баён қилған экан.¹ Унга ўхшаш биз ҳам шу юртнинг ғиди-ғиди гапларига шу сўзни айтиб қўя қоламиزمи?

Муршид — тўғри йўл кўрсатувчи, пир, эшон

Важқ — ҳизмат ҳаки, даромад

⁴⁴ Мумсик — хасис

⁴⁵ Таважжух — Оллоҳга муножот

⁴⁶ Иршод — тўғри йўл кўрсатмоқ,

Роҳи рост — Оллоҳнинг йўли

Афанди хотини билан ҳар пайшанба якинлик қилачоққа иттифоқ, қилиб, хотини: эсингитга солиш учун саллангизни қозиқка илиб кўйман, дебди. Маслаҳат Афандига маъқула бўлибди. Лекин хотинининг нафси устун келиб саллани ҳар куни қозиққа илибди. Беш-үн кунда Афандининг куввати кетиб дебдики: — Эй хотин, дод пайшанбадан, пайшанбани зулмидан ўлдим, бу уйда ё пайшанба турсин, ё ман турай, дебди.

Кече биттаси қулбамизга келибдур; ҳаллослаб энтиккан, тили бўлса бир ярим қарич...

— Ҳа, таги қайси жин урди?

— Эй ука, бизни уратурған жин нечта бўлар эди, ёлғуз ўшанинг ўзи-да!

Бу жин урганнинг касали ёлғуз битта: қачон бўлса гиди-гидиси; «Қордан қутулиб ёмғурға тутулдинг-э?» эмиш. «Вақф шўъбасида² ўлтурған кишилар ана унақа-ю, мана мунақа! Ҳа, савдо шўъбачаси жухуд растандаги дўконларни бирин-бирин ижарага қўйиш ўрнига барисини бирдан кўлоб юборди! Ҳа, улгуржи³ сувни лойқатиб лаққа балиқ тутмоқчи эканлар-да!⁴ Бу-ку — бу. Бир саркарданинг⁵ юз хотираси учун жимилдириғи йўқ бир мадрасанинг мутаваллиигига ўшанинг хеши Мамашариф белгулануб, неча ойдан бери беш чирмандадан⁶ маош берилиб келадир! Эй ука, қордан қутулиб, ёмғурға тутулдик! Бир пиёла совуқ сув ичмасам, юрагим куюб кетди-я!» — деб мендан совуқ сув сўрайдир.

Бир вақт қарасангиз оғзида оши, кўзида ёши бўлған яна биттаси:

— Баҳай-баҳай?

Ҳой, шу ҳукуматларинг, шу шопу шалофларинг⁷ нимага керак-а! Сан қўй, ман сенчай; сан ўғри, сан нодон; ман семиз эмас, сан семиз!
— билан умр ўтаберсунми? Шу алвир-шалвир ҳалғанинг шу гилдирак тегида қолған қурбақаларнинг юз хотираси, тиниб-тинчиши йўлида ҳам ўйладурған бирорта иши бузуқ борми? Ёки фақат бир-бировини кулала қилиш⁸ йўлида беш отарға ўқ қидиришринами?... Эй, бу куни миздан ўлганимиз яхши, қолғанларнинг тингани яхши; туф, группа-бозлигинг номуборак юзига! — дейдир.

— Ўзинг айт ука, қўғурчоқ ўюнидан нима чиқади-а?! Ё иш ўлсун, ё одамми? Ё моҳхов бўлсун, ё песми? Бизда одам ҳам ўлган, иш ҳам; моҳхов ҳам бўлғанмиз, пес ҳам!.. Кўрдингми ҳали, баладиядек бир ўруннинг курсисида қумологини кака, деб юрган бир телба ўғлон!.. Шаҳарнинг эндиғи куни шундай энтак-тентак, шақа-шулларға қолдими?

Тўртунчиси — яна бир сўфи; кўзининг ёшидан соқолиға марварид минчоқ осибдир.

— Ҳа, сўфи?

— Эй иним, биздан ҳол-аҳвол ҳам сўрамайсан... агар бир саркарда

¹ Ҳарбий тўтаришнинг (инқиlobнинг) биринчи йилларидақ Туркистонда бошқа мулклар қатори вакф мулки, яъни диний муассасаларнинг мулкларини давлат томонидан мусодара қилиниши маҳдвалий ҳалқ тоҷонидан кучли норозилик ўйнотган ёди Туркистон Шўролар Жумқурияти Чарказий Илкория қўмитаси томонидан 1923 йил 11 январда маориф комиссарлиги қошида бош вакф шўъбаси ташкил ўтилади, раиси Алиев, илмия чудири Мунавваркори Шўъбанинг вазифаси вакф мулкларини тиқлаб, даромадиги маориф ва ҷаданият соҳасига сарфлаш эди.

² Улгуржи — катта

³ Уғрилик қилиш, даромад олиш

⁴ Саркарда — мансабдор

⁵ Червонец тул

⁶ Шопу-шалоф — ўски вактда амалдорларнинг тақиб юрадиган курол-аслаҳалари.

⁷ Кулала қилиш — ўлдириш

бир масжиднинг гиламини янги тушурган келинчагининг кўрманасига бериб юборса сан нима дейсан? Бу гап қайси мазҳабда жоиз-у, қайси закўнда қойим!⁹ Масжиidlарнинг гиламини ачаларининг тўйига олуб кетишлариға биз сўфилар бир нарса демас эдик; энди кўрмана қилишлариға биз чидамаймиз-да, иним!

— Ҳўнг-ҳўнг йиғлайдир.

Қисқаси, шундай ғиди-ғиди гаплардан жуда ҳам миям қотди, сира тинчлик керакми, йўқми, қўлингдан келса янчиб юбор-а, уйинг куйтуп!

Жулқунбой,
«Муштум» — 1924 йил, 1/26-сон.

СЎНГ ОИЛАРДА ТОШКАНД

Газеталардан

«Зарафшон»нинг 129-нчи сонида ўртоқ «Биров» ўзининг «Тошканд мактублари»да мундай деб ёзадир!

«Тарих — ибодат бибининг ҷархидан иборатдир, деб айткучилар янгилишмаған кўринадирлар».

«Бундан икки-уч йил бурун маориф, матбуот жиҳатидан талай илгари кеттан Тошканд бу кун наҳсада қолуб борадир. Икки-уч йил бурун Тошканд маориф ишлари жиҳатида ҳақиқатан Туркистоннинг маркази эди: ҳисобсиз тутуруғи йўқ мактаблар, bemaza қовуннинг уруғидек мажбурий хизматдан қочқан ўқуғучилар, кийимсизликдан дирдираган, очлиқдан довдираган турлук-турлук дорул-муаллимин ва курсларнинг ўқуғучилари, даранг-дурунг тўдалар ва унда тарбияланатурган совдогарзодалар... мана буларнинг барчаси ҳам марказ, яъни Тошкандада бўлар эди».

«Матбуот тўғрисига келсак, ҳар муассаса қошида журнallар, газеталар ва мумкин қадар мунтазам ва мукаммал чиқишига тиришгучи яна кундалик ва ҳафталик газета ва мажмуалар (такаллуфингдан айланай!) ва валар... Энди-чи, худойға шукур, энди барча фаолият Самарқандга ўткандир; даста-даста ибтидоий мактаблар, қўша-қўша дорул-муаллимин ва техникумлар ва булардан бошқа анвоғи турлук курслар ва уларда кеча-кундуз ёнуб турған машъала ва фонарлар... Зотан Самарқанд узоқ ва яқин тарихда Шарофат бибининг ўрнини тутмайдирми? Биринчи мартаба тузатилган шалоқ, арава мактаби Самарқандда очилмағанми? Бундан ўн олти йил бурун бир минг олти юз китоблик кутубхона қайси шаҳарда бор эди?»

Ўртоқ «Биров» она тили билан бўлған саноғида давом этадир:

«Биринчи мартаба газета ва журнал Самарқандда чиқмадими? 1904—1906-нчи йилларда Тошкандда чиққан «Хуршид»,¹ «Тараққий»²,

¹ Қойим — қарор килинган

² «Хуршид» — илмий, сиёсий, адабий мавзуларни, жадидизм ғояларини ёритган, муҳаррири ва ношири Мунавваркори

¹ «Тараққий» — жадидларнинг тўнгич газетаси, муҳаррири Исмоил Обидий (Тараққий),

«Шұхрат»,³ «Тижорат»,⁴ газеталарини газет, деб үйлайсизми?² (Агар үиласанғиз. ҳайф сизга!) — Бириңчи «Падарқуш»⁵ Самарқанддан чиқуб ва Самарқандда үйналмадими?... Ҳайф Тошкандаға-ю, раҳмат Самарқандга!»

«Электрсиз лампа билан қиши чиқарған «Навоий техникуми» нима бўлар эди деб үйлайсиз? Ҳолбуки, Самарқанд билим юрти кундуз кунлари ҳам электр лампа истеъмол қиласадир».

«Тошканда кутубхона очилғаниға олти йилгина бўлди ва унинг китоби ҳам шундан бери бир дона бўлсун ошмайдир!»

Бундан сўнг «Бирор» ўргофимиз «кўр вижданларга лаънат» ўкуб олрач, сўзида давом этадир:

«Тошкандинг матбуоти тўғрисида ёзиш учун сўз эссиздир. Муддао шулки, марказ газетаси оти билан (ўзи билан эмас) «Туркистон» ва «Муштум»гина қолғандир, «Туркистон» газетасига идораси шунча аҳамият берадирким, аввалан берилган «олим мақолалардан» бир нечаси йўқотиладилар. Сўнгра бир нечаси «жоҳил қаламлар» томонидан чизилиб, «олим қаламлар» ҳаққиға хиёнат қилинадир ёки бузулиб, расво қилинуб босилуб чиқғанда ҳам «эгаси таний олмаган эшак» ҳолиға тушириладир».

«Туркистон» газетаси муҳаррирлари «Ал-хаёу минал-имон»⁶ сўзига жуда ҳам ишонған маҳлуклардирлар. Зероки «олим қаламлар»нинг эшакларининг думи хуржундалигини юзларига айтолмай, «олим қаламлар»ни уч ойлаб саргардан қиласадирлар. Ҳолбуки «Зарафшон» газетаси «олим қаламлар»нинг ҳар бир қолған-қутқан, чайнди-ювинди ва бошқа амлеки рўзгорларини босуб, материал жиҳатидан бойийдир. Бутун ўлқадаги ясси-япасқиларни, ҳатто Тошкандинг «олим қаламлар»ини ҳам ўзига тортадир»

Бу муқаддимамиз-ла шуни демак истаюрз: «Ортиқ⁸ Тошканд ифлос⁹ этмишдир, ташаббус ва фаолият Самарқанд тараф кечмишдир Ажабо, буни Фарғона ва Самарқанд ҳамонми эътироф этмаюр? Занимизча¹⁰ этмишдир. Эмди биза фақат пойтахти Самарқанами, Қўқонами кўчирмак масаласи қолијор. Ават¹¹, Самарқанд шаҳрина қўчирмилийиз¹². Самарқанд шаҳрининг мозийиси порлоқ ўлдиги каби истиқболида муҳтарам «Зарафшон» газетасила таъмин этилмишдир!»

«Тошканд, янгилик деб «янги имло»ни қабул қиласадир. Аммо Самар-

¹ «Шұхрат» — жадидлар газетаси, муҳаррири А. Авлоний.

² «Тижорат» — бу газета Тошканд бойларидан Саидазимбойнинг хомийлагида чиқсан.

³ Абдулатиф эмас, театрға рисоласи (муал.) «Падарқуш» Беҳбудининг асари, муаллиф бу ерда подшоҳ Улугбекнинг ўлии Абдулатифга ишора бериб сўз ўйини қиласпти.

⁴ Абллаҳиқи рўзин равшан шамъи кофурни ниҳад

Зуд биники ба шаб рўған набошад дар чарор. (Саъдий) (муал.)

(Агар абллаҳ, ергу кунда кофурий шам екса, ҳадемай кечта бориб чироғда еғ қолмаганлангини кўрур).

⁵ Ҳаё имондандир. (Ҳадисдан) Имони борнинг ҳаеси бормир.

⁶ Ортиқ (усмонли туркча) — энди.

⁷ Ифлос — синмоқ, ишқироз

Зан — фикр, ўн

⁸ Ават — ха

⁹ Кўчирмилийиз — кўчиргаймиз

қанд билан Фарғона уни танимайдирлар. «Тошканд янги имлоси» дедик. ават, биз бундай дейишга маъзурмиз Ават, биз «Тошканд янги имлоси»га чўқдан бери биргина баслаюрз». ¹³

Шундан сўнг ўртоқ «Бирор» бу янги тарихий даври билан «Зарафшон»нинг қўлини сиқадир ва «шўлп» этиб Исломзодаи Мозаидаронийнинг юзидан ўпуб ҳам оладир.

Ҳозирга «Муштум» ўқуғучилариға бу мақоланинг муқаддимасинигина кўчириш билан кифояланиб турамиз. Достон бўлмори эҳтимол тутуған бу «Тошканд мактублари»нинг қолған қисмларини ҳам мўътабар «Зарафшон» газетаси маалмамнуният ўз ичига олар, деб ўйлаймиз. Чунки «Ҳар нимарса маҳтағанинг қули», дахи¹⁴ очиқроқ таъбир қилғанда Қувондиқ акамнинг эшаги ҳам «жонвор-жонвор» деб сиртини силасангиз бўйини эгиб турадир.

Кўтаргучи: Думбул девона.
«Муштум» — 1924 йил, 1/26-сон.

МАТБУОТ КУНИ

Меҳнаткашлар босмасининг бойлар думи, капитал хуржуни бўлған тескари матбуотнинг қаршисиға ўзининг соф нияти, покиза ҳиммати билан чиқуб ишлай бошлаганиға энди ўн йилдирки байрам ясалиб келинадир. Бу кун, истимлок¹ орзуси, хўжалиқ, кайфи, жунун шароби², босқинчилик дағдагалариға қарши чин «Муштум», ҳақиқий гурзининг жавлонига бўлған байрам кунидир. Меҳнаткашларнинг машрути хукуқлари йўлида итдек ишлаган ва бу йўлда дунё тарихи кўрмаган муваффақиятлар қозонған меҳнаткашлар матбуоти кунидир.

Нечакак бош, ёғоч оёқ акаларни эпка олиб одам шавандагилган яна шу меҳнаткашлар чопидир. Кўсаларга соқол, соқолмикларга хина, маҳховларга даво, давосизларга дард ва баражналарга³ пўшак берган кўбчиликни якранг ва як нусха қилуб фақат бир тўғрида — мазлум, мақхур⁴ синф тўғрисида ўйлатқан, ажабо, ким ва шимадир?

— Башарги миянгизга қурт тушуб муҳокамадан айрилмаган бўлсангиз, шўролар чопи ва чопхонасидир, деб билмоғингизни ожизона илтимос қиласмиш!

Бобомиз «Правда»⁵ биз болалари дунёға келмаган вақтда дунёда эди, ҳам занжирсиз ҳирслар⁶, қонсираған бўрилар майдонида танҳо эди; чунки ўзининг интилган юясининг ким ва шималар учун бўлғанлигини, бу йўлда берилган қонлар, жонларнинг юятда ўринлил кетканини хўб тушунган эди. Мана шунинг учун ҳам гала бўрилар ичида ул ёлғуз арслон эди. Баракат берсунки соф ният, гидрсиз жиҳоди

¹³ Кўпдан бери умид қиласмиш

¹⁴ Даҳи — яна

¹ Истимлок — мустамлака қилиб олиш.

² Жунун шароби — жиннилиқдан маст бўлиш

³ Баражна — яланюн

⁴ Мақхур — газабга дучор бўлган.

⁵ «Правда» — Россияда инқиляб пайтларида чиқсан газета.

акбар⁶ қаршисида ғояси фақат «эзид ички» гагина⁷ бўлған шалид фикрлик муттаҳам қора матбуот ўзининг галаси билан думини хода қилишга мажбур бўлди ва иш «жоъал-ҳақ ва заҳаққал—ботил»⁸ сўзига келиб тўхтади. Энди етти йилдирким, бу ҳақиқат арслони чин маъноси билан яшайдир ва яшаган сари унинг болалари, яъни ҳақиқат ўғуридағи жонбозлар кўпаядирлар, урчийдирлар. Уларнинг борлиқ фидокорликлари; «мазлум, мақҳур, меҳнаткаш синфиининг роҳат саодати йўлида!»

Журналимиз ҳам шу ҳақиқат оловининг учқунидири. Шунинг учундирким, биз тегиб ўткан қитиқлик ерлар эгасини чўчитмай, жонларни ачитмай қўймайдир. Чунки биз ҳақиқат ўтининг учқунимиз, биз бутун руҳни, борлиқ маънони шу арслон бободан оламиз. Биз тескариликнинг, капиталнинг, эгриликнинг душманидирмиз; негаки бобомиз шундай эди. Биз риоясизлик, андишасизлик, ошна-офайниларни сийламаслик ҳунарининг энг авжида турамиз; чунки бобомизнинг васияти бу; биз мазлум ишчи синфининг йўлиға жон берамиз; негаки...

Матбуот кунимизга бағишланиб ёзилган бу мақолани меҳнаткашлар матбуоти тўғрисида марказий матбуот камиссиясининг шу ораларда тузиб, Шўролар Иттифоқи Марказий Комитетининг тасдиқига тоширган низомномасининг бир ўрнини кўчириш билан тамомлаймиз:

«Меҳнаткашлар матбуотига хусусий шахсларнинг ҳам маъмурларнинг хиёнатларини ва шу фирмә ҳам жамоат ташкилотларининг хато ва нуқсонларини очиб кўрсатмак ҳукуқи бериладир».

Демак матуботимиз яна қенг ҳукуқли ясавул бўладир; демак, «Муштум» сир очиш, ҳақиқатни айтиш йўлида яна каттакон амр, яъни «фармони ҳумоюн» оладир ва бўйнига тумор қилуб осадир. Пичоқ мой устида!..

Яшасун, меҳнаткашлар ҳукуқини ҳимоя қилгучи озод шўролар
матбуоти!

Битсун, энг сўнгги ёвимиз бўлған мустамлакачи ва хиёнатчи ўғрилар!

Жулқунбой

«Муштум», 1924 йыл 2(27)-сон, 2-бет, 20-май

МАҲКАМАИ ШАРЬИЯДА ҲОЛВА ТАЛҚОН МАСАЛАСИ

Барчанинг маълуми бўлса керакки, шу кеча-кундузларда Тошканд маҳкамай шаръиясида ажид бир фаолиятлар кўрила бошлади. Жумладан, ҳалқ орасидари бидъати саъиялар¹ билан курашиш ишида маҳкамай шаръия ўз зиммасидаги улуғ вазифаларни бажармоқдадир. Юқори доираларнинг сўзларига қараганда, агарда ғайри шаръий саъияларнинг оддини шу кезларда олуб қолинмаса кўб фасодлар чиқмори мумкин

¹ Жидоди акбар — улутт уруш (дин учун)

² «Эзид ички» — курофот

³ «Жоъал ҳақ ва заҳаққал-ботил» — ҳақ нарса келди — пуч нарса кетди. Куръондан, 17-сура, 81-оят.

Бидъати саъия — бидъат одатлаар

экан. Биноан алайҳи аксар аҳли донишлар маҳкамаи шаръияга ўзларининг миннатдорчиликларини тутата олма ётибдирлар. Аммо аҳли фасод ҳалқ бўлса айниқса маҳкамаи шаръиянинг ҳайит кунлари кўча-ба-кўча кезиб, ҳолва-талқон йигуб юрганидан ранжиби: «Эй, шариъатда мундан бошқа иш қуриб қолған эканми, энди ҳайит учун дастурхон ёздирмайтурган закўн чиқарилдими?» деб дув-дув шикоят қилишсалар ҳам аммо, бизнингча бунингча аҳамияти йўқдир.

Хулоса шулки, бу ҳайит бидъати саъиялар билан курашища маҳкамаи шаръия аъзолари энг яхши самарали операсиялар ижро қилди. Келин қўриб юрган ва келин бўлған «ақди қисқа» хотун-қизларнинг ўтакасини ёриб, нечталарининг болаларини туширди. Отаси ўлиб дастурхон ёзғанларнинг чуви чиқарилди, чўнчак-чўнчак писта-бодомлар маҳкамаи шаръияга ташилди. Маҳкамаи шаръиянинг бу шаръий ҳарататига қарши қизишған авом ҳалқ ҳар турлук юқори-куйи сўзлар айтиб, «бу иш товоқ-қошиққа тегиши эмасми?» дейишадир ва ўз томонидан маҳкамаи шаръияга бирмунча таклифлар қиласадир:

1. Хотун-қизларнинг ҳайитда кўчага чиқмоғиға шаръиат рухсат бермаса, уларнинг очилмоғиға рухсат берсун. Чунки, хотун-қизлар фақат уч кунлик ҳайитдагина уй заҳидан ёзилар эдилар. Ҳар ҳолда иккининг бири.

2. Таъзиялик уйларда дастурхон ёзишға изн берилсун, агарда дастурхон ёзиш бутунлай ҳаром бўлса, ул вактда ҳайит кунлари ўлукларга фотиҳа ўқуб юришнинг бидъатлиги билан фатво чиқарилсун. Ўлганларга Қуръон ўқуш манъ қилинса, дастурхон ёзиш ҳам ўз-ўзидан йўқ бўладир. Чунки, биз ҳалқ уйимизга келган ошна-օғайниларни дастурхонсиз қарши ололмаймиз, келмасалар дастурхон ҳам ёзмаймиз!

3. Биз бу кунгача имомларимизни пулга ёллаб намоз ўқуб келамиз, пул бермасамиз домламиз тахта-ўқлоғини йиғиштириб қўядирлар. Ўқуған намозларимиз «холисаниллоҳ» бўлсун десангиз, имомларга ҳам бир фатво чиқариб, уларни бир касб қилишқа ундангиз, токи бизнинг елкамиизда доим рўдапо бўлиб, солиқ солдириб юрмасунлар. Агарда маҳкамаи шаръияга «холисаниллоҳ»лик шаръиатда йўқ бўлса, буни ҳам газнитда буйруқ тариқасида ёзиб ўтилсин.

4. Маҳкамаи шаръиянинг аъзоларидан бўлған ҳалиги имомлар бой кишининг жанозасига бориб, камбағалникига бормайдирлар, чунки бойникида оқча олиш аниқ. Жаноза ҳам оқча баробарига ўкуладирми, шу кунгача бу ҳақларда маҳкамаи шаръия бирарта туш-пуш кўрмадими?

5. Маҳкамаи шаръия аъзоларининг тўй-зиёфатларга борганде елкалари қичимасун. Чопон кийдирмакчи бўлсалар «йўқ, бираవдан эвазсиз тасарруф ҳаром», десунлар.

Қисқаси, авомнинг бундай алмойи-алжойи таклифлари жуда кўб бўлса ҳам биз ўрун торлиғидан аксарини ёзмай қолдирдамиз ва «Яшасун ўз вазифасини билиб адo қилгучи маҳкаман шаръиямиз!» деб мақоламизни тутатамиз.

Домла думбул,
«Муштум» — 1924 йил, 2/27-сон.

ТОШКАНД ХАБАРАРИ

Руъият¹ масаласи

Тошканд маҳкамай шаръияси «сувни кўриб этик ечамиз» деб рўзанинг 28-инчи кунидан бошлаб ҳар қаердаги мезаналар устига чиқуб, янги ойни кўрмакчи бўлған эдилар. Лекин янги ой «ювиқсизларға» юзини кўрсатмагани учун якшанбалик ҳайитни сесланбага қўйдилар. Бироқ ҳайитнинг биринчи куни уч кунлик ойни кўрган маҳкамай шаръия аъзолари ва уламолар кўзларининг ожиз бўлғанига икрор қилмасалар ҳам, аммо кўз дўхтуриға чиқуб кўзларининг оқини олдиришга қарор бердилар.

«СУЗУК ОТА» ХЎЖАЛАР ЖУМҲУРИЯТИДА

Бу жумҳуриятнинг ўз олдира тузилган усули идораси бор бўлиб, жумҳурият ҳалқи бу тузукотга² бўйин эгмакка мажбурдир.

Бу жумҳуриятнинг аҳди каромати³ ўз ичидан чиқуб турганлиқдан бошқа ёқлардаги авлиё-хўжаларга бориб юрилмайдир (яъни ўзларидан тинчигандирлар). Шунинг учун ҳамиша бир жон-бир тан бўлуб «азизлар» (жумҳурият раиси) хизматида тинчгина яшайдирлар. Бироқ жумҳуриятта «азизлар» сайлови вақтида унча-мунча юқори-куйи ота гўри-қозихоналар чиқуб қолғанда ҳам лекин тезгина жанжал битуб иш тутувликка айланадир.

Шу ораларда жумҳуриятнинг эски азизлари (халифаси) ўлиб, унинг ўрнига азизлар сайлаш масаласи чиқған эди, анчагина тортишмачоқлар сўнгиди иш аранг эбка келди. Шундокки, азизлар бўлиш учун ёши улуғ бўлған (азизлар наслидан) бир киши сайланмоғи қонун асосида кўрсатилгандир, аммо бу сайловда азизлар наслидан⁴ бўлған икки кишининг ёшлари баробар келганиликдан кўб жанжал ва онглашимовчиликларға сабаб бўлди. Бу жанжални битириш учун фавқулодда бир қурултой чақирилди. Қурултойда оташин нутқлар, энсани қотиравлик сўзлар бўлуб ҳалқ иккига айрилди. Лекин таассуфким, орадан қонли воқиъалар чиқмай қолди. Ур-ур, сур-сур натижасида одатта қарши ўлароқ икки «азизлар» сайланиб, кеча қурултойи ёпилди. Сайланғучи азиз афандиларнинг битталари Мўминхўжа беданабоз, иккинчилари Абдулхолик чирмандакашдир.

Қурултойға йигифлан жумҳурият гражданлари, яшасун янги азизларимиз битбилиқ, эшон билан тараалагижданг хўжалар! — деб суюнч-қувонч билан қизил гул сайлига⁵ жўнадилар.

Қурултой аъзоларидан мухбириңиз: Қақилдоқ хўжа.


Руъият — [руъияти ҳилол] — кўриш. илгари календар бўлмагани учун ой-кунларни ойнинг чиқишига қараб белгиланган.

¹ Тузукот — қонув, қонда

² Аҳди каромат — каромат кимувчилар, авлиелар.

³ Азизлар — азизлик (шевада азларлик) мансаби Яссавий авлодига мансуб бўлган, улар шаръий хукмларни, урф-одатларни наъорат қилиб турғанлар

⁴ Қизил гул сайли — илгари Тошкент ҳалқи эрта баҳорда шаҳар енидаги Иброҳим ота мозори (Чуқурсой мавзеида) төврагидаги борғ-адирларда очиладиган қизил, сарик гул сайлига чоршанба куни кетиб жума куни қайтишар экан. Сайлда турли таомлар пиширилар, созлар чалиниб ашула, пайров-аскиялар, дор, кураш, ўйин-кулгилар бўлар экан.



— Ҳимматли Аҳмат акам Жангиоб театрсунин битириб бермоқчи бўлғандан кейин Эски шаҳар эскилари ўртасида зўр шов-шув бўлиб, оз муддат ичида Аҳмат акамнинг кофирлигига 150 та фатво ёзилди.

— Руъият масаласидан кейин «Махкамай шаръия» аъзолари ўртасидан иккита қора мушук ўтуб кетди.

— Губчак қорун бойларимиздан энг машҳури бўлған Шохолимхўжа яқинда бир очни тўйдирган экан, шунинг қасофатига қулғуна⁶ касалига мубтало бўлиб қолибdir.

— Эски шаҳарда бўлған мушук-сичқон жангидага ўнг минг кишининг бурни пачоқ бўлиб, қирқ минг кишининг ияги эзилди.

— Уламолардан Абдулвоҳид қори⁷ сўнг вақтларда яна қадрини кўтариб, динсизларга қарши мушт дўлайишкага киришди. Агар ёшлар гусл⁸, истинжо⁹, ҳайз¹⁰, нифос¹¹ масалаларига ирод еткарса¹² икки ямлаб бир ютаман деб юрган эмиш.

— Мулла Пирмат аълам рафиқаи муҳтарамалари бўлған «саволи муқаддар хоним»дан¹³ ажрашқаңдан бери эслари кирди-чиқди бўлиб қолибdir.

«Муштум» — 1924 йил, 2(27)-сон.

ОЛТИ ЙИЛЛИК БАЗМ

Инқилобий матбуот базмимишнинг ёши олтиға етди, деб бу кун ўзбек қизил матбуотининг чирмандақаш ва ноғорачилари «тўй устига тўй» қиласар эканларки, бу хабари жонсўзни¹ кеча эшишиб чуқур бир энтикиб қўйдим. Чунки фақирингиз бу базманинг аъзоларидан бир фард² баракаллачиларидан бир менгров³ қийкуруқчиларидан бир тутал.⁴ ҳам чарчамайтурған бир тентак чапакчиси эдим. Шунинг учун бу тўйда иштирок этиб, олти йиллик бу базмдан олған таассуротимни юмолоқ-ясси қилишим керак бўлар эди.

Иштирок йўсунини узоқ ўйлараж, хотири шарифимга хунук-хунук гаплар, чучма-чучмал ишлар келиб ҳайрон бўлдим ва бу галги вазифамнинг нечоғлиқ «хумса» ҳам «дағал» эканини онгладим. Ўлай-ўлай, ниҳоят отнинг бошини тортиброқ иш кўрилсин, акаларнинг энсаси қотарлиқ гаплар бўлмасин, деган қарорни бердим.

¹ Кулғуна — заҳм, сифилис қасаллиги

² Абдулоҳид қори — бу киши ҳақида «Калъак маҳзумининг хотира дафтари»да эслаб ўтилади

³ Гусл — чўмилиш

⁴ Истинжо — тоғаланиш

⁵ Ҳайд — кон кўриш (аселларда)

⁶ Нифос — аел тукканидан кейин қирқ кун сақланадиган кун

⁷ Ирод етка ўш — танқид; баҳделашиш

⁸ Саволи муқаддар — сирли, номи яширилган.

⁹ Хабари жонсўт — жон ўртовчи

¹⁰ Фару — киши, шахс.

¹¹ Менгров — меров, овсар

¹² Тутал — бирон фикрни телба-тескари ифодалаш сўт ўйини; масалан, олтига қозон олдим; тўрттаси тешик, иккитасининг таги йўқ.

Фақириңгиз бир хил ақалардек құрбақа ҳам лайлаклардан мисоллар көлтириб, фалсафага бўкиб, ўқутучининг миясини қоққач, қатиги-ни қўлиға бериб ўлгуришни унча дўст тутмайман-да, тўйпа-тўтри ма-саланинг манбаинга қараб йўл соламан Чунки ҳамма фисқу-фасод ман-баъда бўладир, манбаъдан бир нарса тополмагандан қўлга асо ушлаб тимискилашнинг на қалга⁵ ва на кўрга⁶ бир пақирлик фойдаси йўқдир. Олти йиллик матбуот байрамимизда ҳам шу хатти-ҳаракатни таъкиб қиласам иш бениҳоят енгил кўчиб, кундуз куни чироқ ёқиб ўгри қиди-ришга ҳожат қолмайдир. «Олти йиллик қизил матбуотимизда ким нима иш қиди?» — деб ўзим-ўзимга сўроқ берсам-да, бунинг жавобларини санаб кетсам албатта гапдан-гап, чўпдан-хас чиқиб иш бемазага айла-надир. Бас энди нима иш қилиш керак?

Манимча, ишни астар-авра қилиб ўлтурғандан кўра шу олти йиллик базмдаги чирмандақашларнинг номаи-аъмолларини⁷ бир карра кўздан кечиришнинг савоби етмиш йиллик ибодатдан ортиқдир. Бино-ан алайҳи сурнайчиларнинг номаи аъмол ёхуд қисқача таржимаи ҳолларини бир-бир кўздан кечиралиқ.

Олти йиллик қизил матбуотимизнинг биринчи марди-майдонлари-дан санаб, тепанинг бошига Фитрат билан Назир Тўрақулларни қўямизда, уларга ожизона арз этамиш: «Мерси, сизларга!». Шундан кейин бир оз ризосизлик вазиятини олиб айтмасак-да, айткандай бўламиш:

— Суқдан бўлдими, мечкайдан бўлдими, ҳар нечук-да юқори кўча-ни қўйиб, қуи кўчадан кетдингиз? Тўри кўчадан алжиб, лўли кўча-сига бурилдингиз ва шунинг ила довдираган матбуотимизни қовжи-ратдингиз...

Карнайчиларимизнинг учунчиси Усмонхондир. Тўрт томонга югу-риб тили бир ярим қарич осилган; бир кўзи мағрибда, бир кўзи маш-риқда; серҳаракат-у бебаракат, бир кишини истаб юрган бўлсангиз бевосита ўртоқ Усмонхонга учрашингиз.⁸ Зиёда чимегўям?⁹

Шоирларимизнинг биринчisi Чўлпон афаңдидир. Бу кун қизил гулу, эрта нафармон гул; ҳали дengиздаги чўб бўлса¹⁰, бир оздан кейин дунёни сел олганда тўпуғига чиқармайтурган, маслакида собит, аҳдида қойим¹¹, кўз кўриб қулоқ эшитмаган ажиб бир қаҳрамон. Унинг олти йиллик хизмати ҳам шу йўлда бўлди.

Ашурали домла — «Садойи Фарғона»дан¹² жонли бир тарих. Инқи-

Кал — айер

Кўр — нодон

⁷ Номаи съомал — яхши-емон ишлар етилган қороз

⁸ Муаллиф Усмонхоннинг бир вақтнинг ўзида жуда кўп юқори лавозимларда ишлаганилигига ишора қилипти

⁹ Бундан ортиқ нича ҳам дердик.

¹⁰ Муаллиф Чўлпоннинг «Сомон парчаси» шеъридаги:

Мұхит гирдобига бир сомон парча

Бир поҳол чўпидек оқиб бораман .

Кирмайман кўчанинг боши беркига

Чунки таслим бўлдим мұхит эркига...

мисраларига ишора қилиб, шоирнинг тушкунлик кайфиятини танқид қилиб, озодликдан умид узмасликка далда бериб ўтапти.

¹¹ Қодим — қарорли

¹² «Садойи Фарғона» — 1914 йил Фарғонада биринчи марта ўзбек тилида чиқарилган газета. Унда А. Зоҳирий мусахидҳ бўлиб ишлаган Юзтача сони чиқиб тўхтаган.

лоб тулқини бир жил ақаларни четка қоқиб турған бўлса, аммо Аштурали инқилоб билан бирга оқди, унга берилатурган қийматнинг маркази сиклати¹³ ҳам шундадир. Имло туполонида¹⁴ домлалар сафига ўткан бўлса ҳам, кейиндан бир неча фирибгар, айниқса Абдулла Раҳматнинг¹⁵ авроғига осонғина алданди.

Абдулла Авлоний — бир маҳал гаримсар тегиб, кутулмаган жойда қора косов бўлиб қолди. Ҳозирда ўчоқ кавлашдан бошқага ярамайдир¹⁶.

Мирмуҳсин ўртоқ тўғрисида нима дейишга ҳам ҳайронмиз. Матбуотимиз Мирмуҳсиндан фойдаландими ёки Мирмуҳсин матбуотданми, ҳар ҳолда шу иккининг бири бўлса керак.

Садриддин Айний¹⁷ — инқилобнинг бошларида бир мунча ишлаб юрди, ундан кейин «Бухоро жаллодлари»ни ёзди, шундан сўнг ўзи ҳам Бухоро жаллодларининг қўлиға тушди. Инна лillaҳи ва инна илайҳи рожиъун¹⁸.

Шаҳид Эсон — Истанбулнинг Туркистонга бўлған ягона совғасидир. Лекин шуниси ажабдирким, Эсон афандининг сўзига матбуот тушунмаганидек, матбуотникига Эсон афанди ҳам тушунмайдир. Бу уни бир пулга олмаса, у ҳам буни уч пулга олмайдир. Ҳар ҳолда айб дўлдами, тошдами, бунинг ҳукмини келгусига ҳавола қиласми.

Ҳожи Муъин ибн Шукруллонинг олти йиллик умри таржимаи ҳол ёзиш билан ўтди. Ишсиз қолғанида соғ кишиларнинг таржимаи ҳолини сўраб, юракларини орзикдирди. Бир вақтларда мутаваккилан алolloҳи¹⁹ биттасини «ўлди»га чиқариб «Зарафшон»да марҳумнинг таржимаи ҳолини ёзиб бошлаған эди, бироқ таассуфка қарши «раҳматалик» ўлмаган экан, яъни марҳумнинг ўзи билғеъ²⁰ газетада узр ёзиб, Ҳожи Муъиннинг юзига бир шапалоқ қўйиб, аранг таржимаи ҳолчининг чангалидан қутилиб олди. Ҳар нечукда Ҳожи Муъин кўз остиға олған кишилари (мавзулари) кўб бўлса ҳам баҳтка қарши ҳамон марҳум бўлмай, бечорага тузукрак ишлашга имкон бермай келадирлар. Бу жиҳат билан қараганда Ҳожи Муъин афанди маъзурдир²¹.

Олти йиллик базмимизда иштирок қилған татар ўртоқларнинг биринчиси Абдураҳмон Саъдийдир. Тарелқа тутиш²² ва бошқа анов-манов, олди-қочдиларини истисно қилғанда холис бир сиймо бўлиб қоладир.

Немат Ҳаким — Абдураҳмон Саъдий билан ёқа ушлашканда тан-

¹¹ Маркази сиклат — моҳият, матиз.

¹² Имло туполони — 1921 йилнинг январ ойида узум ўзбек тил-имло курултойи бўлиб, катта бажслар бўлиб, унда араб графикасининг ислоҳ, қилинган шакли тасдиқланган эди.

¹³ Абдулла Раҳмат — фарғоналик маорифчилардан.

¹⁴ Абдулла Авлоний — (1878—1934) олим ва ёзувчи, шоир, жадид матбуотининг асосчиларидан. Сўнтрақ маъориф ва давлат ишлари билан банд бўлиб, матбуотдаги фраолияти сусайланган эди, муаллиф шунга ишора киляпти.

¹⁵ Биз барчамиз Оллоҳнинг бандаларимиз ва албатта яна унинг қузурига қайтувчидирмиз. (Куръондан, Бақара сураси, 156-оят)

¹⁶ Оллоҳга тавакқал қилган ҳолда. (Куръондан)

¹⁷ Билғеъ — амалда

²⁰ Маъзурдир — узрли.

²¹ Тарелқа тутиш — лаганбардорлик, хушомадгуйлик, чақимчилик, сотқиналик.

да бозорни— яхшифина қизитқан эди. Саъдий билан оғиз-бурун ўпуш-ғач томошабин анқовларни жуда зериктириб қўйди²¹.

Иззииддин Сайфулмулук^{*} — ўзининг ягона хизматининг самараси бўлған сифилисни биринчи галда Туркистонга тақдим этди, минбаъд ундан сўзак, сил, моҳхов ва бошқа юкумлиқ қасаллар кутамиз.

Зариф Баширий^{*} — билар-бilmас лўлининг эшагини суориб, пулни олиб келди, унча-мунча иғвоси ҳам йўқ эмас.

Вали Алломўв (Нурмат)^{*} — ажойиб бир истеъодда молик таржи-мондир. Ўзи ҳақиқатда элли оғиз чамаси ўзбекча сўз биладир Лекин ўзининг фавқулодда истеъоди соясида шу элли оғиз дастмояси билан ўн минг калималик маъноларни ифода қила оладир. Ўзбекча сўз ҳақат-лигига учралған бир замонда Алломўв ўртоқнинг бу ҳунари шоёни таҳсин ва тақдирдир.

Ёш ёзгучиларимизниг бириси бўлган Санжар^{*} ўртоқ ялқовлиқда ягона бўлиб чиқди. Кўринишда иш по горло, ҳақиқатдачи; эҳе...

Вадуд Маҳмуд ўртоқ^{*} — бир буродаримизнинг тасвирича «қўклам»-дир, қўкламнинг ёзи билан кузи қалай бўлишини ҳозирдан айтиб қўймоқ номаъқул бузоқнинг гўштини емақдир.

Ўқтам афандини^{*} ҳам Санжар билан никоҳлаб қўисақ ажойиб бир ялқовлар оиласи вужудга келтирган бўламиз. Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ, деганларидек бу қурғуримиз ўлгунча мамаданаи худо урган бўлиб чиқди.

Шокиржон Раҳимий^{*} — пулни жуда-жуда яхши кўрганидек, «командирўвкани» ушанча ёмон кўрадир. Пуллик жойга ўзини томдан ташлайдир. Командирўвка десанг безгаги ушлайди. Пешонаси кенг, томоқнинг заволи.

Зиё Саид^{*} — ёхуд ногорачининг баччаси, уста кўрмаган шогирда ҳар мақомга ҳам йўралайди.

Зеҳнийга^{*} — Элбекда нима раразинг бор?

Элбекка^{*} — Сани Зеҳний чақираяпти...

Олти йиллик қизил матбуотимизнинг ўғутлари²⁴ мана шулардан иборат, десак бўладир.

Тош-торозу ўқугучининг қўлида. Шунинг учун баҳо қўииш комиссиясининг кераги йўқ.

Жулқунбой,

«Муштум» — 1924 йил, 4(29)-сон.

²¹ Танда бозор — тез, чақдон, жипни бозор, ўтмас чоллар кўр харидорига сотиладиган бозор.

²² 1921 йилда ўтказилган тил-имло ислоҳотида бу иккى татар олимни матбуотда ўзбек тилимлоси хусусида кўп имлй мунозара қилган эдилар, муаллиф шунга ишора киляпти.

^{*} ўгут — тайрат, ўт.

قىلىيە تونلە، كارولن جولقۇنى باىر - عەبدۇللا قادىرى



كولدىرىپ يېفلاتادر، يېفلاتب كولدىرىه در

Муштум журналида Абдулла Қодир ишланган шарж сурати.
1924 йил.

МАСКОВ ХАТЛАРИ

1

«Муштум»!¹

Хұзурингдан чиқар чөғимда манга берган ваколатинг ҳамон бүйнимда түмөрдир Бироқ, сипоришиңгни² қайси йўсун билан бажаришка ҳайронман. Чунки Масковнинг барча ишлари олипта, санга ярарлық ерини тутиб бериш қийин; кўз тиниб бош айланган, мия ишламайдир.

Сан бундаги узоқ яқиндан бир оз чақ-чақ қилмоқчи эдинг шекиллик? Лекин бир оз янгишкан эканмиз; неғаки Масковнинг ўзи жуда серчақ-чақ одамлар эмас. Озгина айбингни тутиб кулабошлайдилар. Иштони йўқ тиззаси йиртиқдан кулган... бу тўғри гап: бир чорак упа, ўн пайса³ элик⁴, бир плакўн атири, бўйинингта пайтава, отаси фиж-фиждан, онаси жим-жимдан келган, шовдирاما энгил кийиб, довдирاما бўлиб кўчага чиқмасанг иш кашал⁵. Акс ҳолда мойлиқ кийимингни модмозелга, қадоқлик қўлингни баринга тегизиб бўлмайдир. Ишчи халқ устида чақ-чақ бўлиши мумкин эмас. Чунки, ул сан айтмасанга завод ҳам фабрик, тутун ва чириклари билан ҳозирга қорайған, вақтинча кайфу-сафони бу охират кишиларига топшириб, ўзи шу гўрсўхталарга қабр қазиш билан овора.

Санга нималардан ёзиб юборишига ҳайронман. Чунки Туркистондан келиб бу ерда тўралика ўқуб ётқан ора-иниларга яқинлашиш, яъни «маҳрами асрор»⁶ бўлмоқ учун анчагина борди-кељди керак. Масков — марказ, унинг бинолари ҳам етти-саккиз қават, осмони кенг; манга ўхшаш тупроғи енгил кишилар ҳаш-паш дегунча «айраплон» бўлиб учадир! Ман юқорида «борди-кељди керак» деган эдим. Тўғри, уларга яқинлашиш учун албатта васиқа⁷ керак. Ўзинг яхши билсанг керакки, фақириңг васиқасизлардан. Жилла қуриғанда улар билан алоқа боялаш учун энг ози беш йиллик «стаж»⁸ лозим. Баҳтка қарши каминангда бу қурғур ҳам йўқ. Шунинг учун бу товаришиларинг билан тўрт оғиз гаплашиб олмоқ ҳам мушкул. Унга майнабозлиқ керак бўлса-ку, хайр; зинсаси қотиб турғанинг устидан чиқған бўлсангми, эҳе... сўзингизни қайтариб олишига тўғри келадир Нима қилай, танқа бурунларининг энига йулолмай чет-четда «қўнқабой» бўлиб юрибманда!

Кечак тўсатдан ўша «буродарони истажувлар»нинг тўрттасининг мажлиси устидан чиқиб қолибман. Дарров одамизоднинг ёввойисини кўриш билан ҳол ўзгача-ю ситам бўлакча бўлди. Гўёки фақириңг бир челак совуқ сув бўлиб ёниб турған оловга сепидим... Ойим-оимгага бокар,

Қодирий 1924 йилнинг етида Москвага кетиб, Валерий Брюсов номидаги СССР давлат Журналистлар институтидан бир йил ўқиб қайтади Куйидаги «Масков хатлари» ўша сурдан редакцияга йўлланган эди.

¹ Сипориш — топширик.

² Бир пайса — таҳминан 50 грам.

³ Элик — крем.

⁴ Кашал — чатоқ.

⁵ Маҳрами асрор — сирдош.

⁶ Васиқа — азмал, лавозим.

⁷ Стаж — малака.



ойим туйнукка боқар¹⁰; ундан кейин санда пичир, манда пичир... лис этди-да, пувакдан дам кетди; шув этди-да, аканг қарағайни нам босди! Үгүл-қизнинг маслаҳати экан-да, — деб ўладим.

Айтчи ўзинг, бу стажфурушларингнинг мақсади нима, ахир? Ёки манинг ўт-бетимда песим борми, Худо ҳаққи тушунсам! Нима, манда ўгул-қиз йўқми, манга кенгаш керак эмасми?

Сўзни нимадан бошлаб ёзишига ҳайронман: Масковнинг «Мирзақи-рон чиллаки»ларининг савдоси билан умргузаронлиқ қилғучи баъзи бир ўқуғучиларимизнинг «бири бит, бити сирка» бўлолмаганидан ёзайми, ундан бунга савдо-сотиқ учун келиб, қаёқдаги тутуриқсиз шилинг-поча¹⁰ гўзаллардан шатта еб, Масков кўчаларида саланглашиб юрган каммерсант акаларимизнинг ҳаётидан ёзайми?

Ҳар ҳолда миям ўзимга келгунча кутиб турчи.

Жулкунбой,

Масков.

«Муштум» — 1924 йил, 7 (27)-сон.

МАСКОВ ХАТЛАРИ

II

Гоҳо Туркистон ва Бухородан бу ерга савдо учун келган судратма чопон, ёпма салла¹ акаларга учраб қолишлар ҳам бор. Салла-чопон, кавш-маҳси, белбоққа қистирилған кир ёвлиқ², айниқса маҳсининг қўнжига ҳавсала қилған кенг-ковул иштон³, буларнинг устига қўлдаги қаҳрабо тасбих... ҳаммаси ҳам жойида!

Акамнинг ўзларича айтканда, «чин мусулмон», ўзимга қўйиб берсангиз «тирик намойиш» бу афандини кўриш биланоқ еганим оғзимда, ютканим бўғзимда қоладир. Ва эсимга Туркистон ва Бухоро тушиб гўёки араққа янги ўрганганд бойбачадек бир сесканиб ҳам юбораман. Балки, анувлардан уялиб сесканарсан, дерсиз. Тўғри, лекин қисман. Чунки аксимни қўзгуда кўруб ойнага туфлашни аҳмоқлиқдан санаб юрмаган бўлсам эди... Шунинг учун бу ерда сескантиратурган омилнинг каттаси бошқа гап.

Бошни чўлғаб олған салла билан ер супириб юрган тўн остида биласизми, қанақа лаш-луш бор? Эшакка тескари мингган дангалдор таассуб!!!⁴ Ҳозирги кунда тилга олишкина эмас, оёққа босиш ҳам уят бўлған бу акамнинг фикрича кўб кишилар кийим ўзгартириб диндан чиқиб кетди, а бунинг ўзи бўлса, алҳамдуиллоҳ эскича, яъни диндан чиқран эмас. Нега десангиз салласи ҳамавақт бошида, тўни бўлса ер

¹ Бу мақол бир-бирини қўролмайдиган, зидан адоватда юрувчи, бир-бирини кўрса энсаси котиб четта қаровчи хотинларга нисбатан айтилади.

¹⁰ Шилинг поча — оғи очиқ.

¹ Ёпма салла — дўпининг ўрнига ўзидан чиқариб ўраладиган салла.

² Ёвлиқ — дастрўмол.

³ Ковул шиштон — оғи кент иштон.

⁴ Таассуб — фанатик.

супирадир. Агарда ул шундан бошқа фикр билан салла ўраганда эди, тун кийганда эди, айтингизчи, уни ким айблай олур эди, айб қилишга кимнинг ҳаққи бор эди?

Ёврупо одамлари ўрта асрдан қолма асарларга жуда қизиқиб қарайдирлар, уларнинг бўш вақтлари музаларга 'мунҳасир'. Тасодифни қарани, кўчада ўрта асрдан қолма бир сиймо... Халқ ўрта аср осорини кўб кўрган-кўришқа, лекин шунинг билан бирга бунда-кўчада мужассам жонлик ўрта асрнинг бир сиймоси, текин, машаққатсан томошадан ким зерикади, дейсиз? Ҳамманинг кўзи шу маймунда... таажжуб, муҳокама, истеҳзо, илжайиш...

Московда бўлған кишига айткулиги йўқ; Севет, Тевер ва... булварлари'. Айниқса «Севтинўй булвар» ҳақиқатан аҳли дарднинг⁸ ёруғлиқ жаҳони!'

Қош қорайғандан сўнг шу булварлар бўйинча инсонлар денгизи оқадир. Бу денгизни ўзимизнинг турмишта олиб тасвир қилиш — ўхшатиш қийин. Лекин ўқуручи мандан кулса ҳам ўзимнинг кечаги ўхшатишични айтмай кетмайман. Сиз ёшлик чоғингизда онангизга эргашиб «келин тушди»га борғанмисиз? Унда (келин тушдида) болабакра, хотин-қиз, йигит-яланг, бўғоз-қисир халқнинг қий-чув ва борди-келдисини кўрганмисиз? Ана шу «келин тушди»да кишига аллақандай бир сезгу ҳосил бўлур эди. Булварни ҳам кеча шунга ўхшатаёздим, лекин манови ёқдан «келин тушди»нинг соддалиги, поклиги бор! Кеча бир соат чамаси шу булварларнинг бирида дәфъи дилгирлик¹⁰ қилиб юрдим, булвар қоронги эди Яқинринада ишчилар томонидан ийқитилған қора турмишнинг булвар ва рестўранлардагина қолған қора изига табиъат ҳам қовоғини солиб қарағандек ҳаво булат, ойдинсиз тун эди. Яшил ёючлар орасидан тушкан теваракдаги биноларнинг милт-милт ёруқлиги, ҳам боғнинг одим-одим еридаги ичкулук дўконларининг чирори, бошқа рўшнолик йўқ. Қисқаси булвар-бульварчиларнинг нах кўнглидек. Ичкулук дўконларининг бирига яқинлашқан эдим. Шу вақт узоқдан чирогда аллақайси бир ҳамватаним қўзимга иссиғ-иссиғ кўринмасинми? Ҳовлиққапча олдига югурдич. Янгишишмаран эканман. Ҳақиқатан ҳамватан бўлған бояғи бухоролик мусулмони комил, лекин бошда тожи шариъат¹¹ йўқ, узун тўн устидан бел боғлапран, қўлтуқдагу... (тавба!) жамжондеккина бир хотун! «Астағфуруллоҳ» деб қўйдим.

Ҳамватан-ёки миллати нажиб¹² билан таниш эдим, кўришдик, ҳолаҳвол сўрашдик. Мандан ийманди шекиллик хотундан қўлини олмоқчи бўлди Бироқ, хотун қўймайдир, гўёки ўзингиз билган эшикнинг ошиқ-

⁸ Муза — музей.

⁹ Мунҳасир — боғлик.

¹⁰ Цветной. Тверь булварлари.

¹¹ Шариат — ошиқлар.

¹² Булварларни сун истеъмол қилғучилар гўрисида ҳукумат томонидан қаттиғ чоралар кўриладир деб эшитдим (муал.).

¹³ Дафъи дилгирлик — зинғинни, ножушланни тарқатиш.

¹⁴ Тажи шариъат — салла.

¹⁵ Нажиб — журматли, тътиборли.

мошиги! Шармандаузалиқ... Бу мусулмони комилни хогун билән күрган-даёқ бошимға бир фикр келган әди.

— Масковдан уйландингизми? — деб сүрадим. Кутылмаган жойда имонлик құлнинг ранги үчди, юзида ивир-гивир үзгариш сезиди ва ёнидағи ёңқозуқ бўлуб турған хогунчага қараб оди.

— Хи... — деди ва қийналиб давом этди, — мусофиричилик, айбка қўшмайсиз...

— Иҳим... — дедим.

Маним, қўндоқда теккан дейсизми ёки онадан турма дейсизми, ишқилиб бир адабсиз — ярамас қилиғим бор. Яъни пайрави келгандан риоя, андиша деган гапларни эсимдан чиқариб чўрттаки бўламан-қоламан: — Эй ўқуван беш вақт намозинг жигарингдан урсин! — дедим ва давом этдим: — Эй туткан рўзанг, ўтирган тасбиҳинг луччангдан¹ урсин! — дедим.

— Иби, хи...

— Ўл, хи, — дедим ва кегабердим.

— Иби, бери қаранг мулло... ахи ўзингиз ҳам мусофири-ку...

— Ўл, ку!

— Ахи...

Жулқунбой,

Масков, 30-нчи июл.

«Муштум» — 1924 йил, 8-сон.

МАСКОВ ХАТЛАРИ

(Кечикиб келди)

III

Бу кун Туркистондан газеталар олдим. Қўлтуғимда «Фарғона», «Зарафшон», ҳам «Туркистон» газеталари; йўл бўйича ўқуб бораман. «Туркистон» кўз кўриб, [«]туткундек (Ўратепанинг суфрасидек дейишса оғзим бормайди) байналхалқ¹ катта бир газета бўлибдир. (Мундаги «байналхалқ» истилоҳини² «байналмилал»³ деб тушинмоғингизни ўтинаман. Мехробдаги домла имом поччани беҳаловат қылған Афанди, ўзининг жавобида «ҳикматини орқамдағидан сўра» деган экан. Унга ўхшашиб сиз ҳам бу истилоҳнинг ҳикматини эгасидан сўрангиз!)

«Туркистон»нинг 327-нчи сонини оғдариш-тўнтариш қиласар эканман, кўзим Элбек ўртоқнинг «Текинхўрларга» деган шеърига тушди. Шоир бу ўринда жуда ҳам тўлиб-тошиб текинхўрларга хитоб қиласадир.

Талаб олмоқ сизларга кубдан қолма одатдир;
Аммо талаб егучи, бизча ёлғиз, бир итдир.

¹ Лучча — луча, лаб.

² Байналхалқ — ҳалқаро.

³ Истилоҳ — термин, атама.

⁴ Байналмилал — миллатлараро, интернационал.

*Кимки талаб төп-текин еса, бىлгил, ҳаромдир;
Ҳаромнига егувчи яна ёлғиз бир итдири...*

Элбекнинг ёлқинлик бу хитобиға қарши талағучи тилидан шундай жавоб берилса бўладир:

*Сўксанг сўкгил, урсанг ургил, ёлғиз санинг итингман.
Кирлик танингта кирган бўрдоқидек битингман.
Ҳаром танга ҳаром бит, аватига-чавати;
Қичинмангиз, сабчиманг, тинчроқ туринг, бир сўрай!*

Алқисса, шу сон «Туркистон»нинг бошқа қисмларини ҳам кўздан кечира бордим. Келиб-келиб кўзим «Файратий» отлиқ ёш шоиримизнинг имзосига тушиб қолмасунми? Юрак ошиқинди, ёш шоирнинг шеър бозоримиздағи янги ҳунарини томоша қилмоқчи бўлдим:

«ЭҲТИЁТ БЎЛИШ КЕРАК

Янги шаҳар бозорларида ҳар хил газлама кўтарифиб сотиб юргучи ўрис, татарлар бор; булар 2—3 газ газламани қишлоқларга 5—10 газ деб алдаб сотиб кетадирлар. Бечора қишлоқи чапак чалиб қоладир.

Эҳтиёт бўлиш керак.

Файратий.»

Бу имзо устидаги гапни шеър вазнига солиб кўрмакчи бўлған эдим, лекин уҳдасидан чиқиб бўлмади. Сўнгра шоирнинг дард ва самимиятига таҳсин ўкуб қўйдим

194-сон «Фарғона» газетасини очдим. «Капирадия ҳам унинг аҳамияти» — бош макола: «Жаҳон уруши ҳам сўнгти ватандошлар уруши орқасида Шўролар ҳукумати тузилиши билан баробар, бу шўро меҳнаткашлар ҳокимиютини келгусида сақлаб қолмоқ ҳам мустаҳкам бир йўлга қўймоқ учун бизга керак эди Қайси йўл билан бўлса ҳам хўжалиқ ишларимизни тузатмак, вайронага айланган рўзгоримизни тўғри йўлга солмоқ учун бу тўғрида турли чораларга киришмак лозим эди...».

Кўнак аравага⁴ тескари ўлтурғанда бошим айланиб қусатурған одатим бор. Бу мақолани ўқуй бошлашданоқ шу ҳолга учраб дарҳол мутолаани «валаззолин»га еткузиб⁵, имзони томоша қилдим: лолақизрал-доққа ўхшаш бир нарса кўзга аранг-аранг илинар эди... Газетанинг ичкарисини очдим, Шокир Сулаймоннинг «Сўзим...» деган шеъри яғрин ташлаб ётар эди. Бунда шоир кимгадир хитоб қиласадир:

*Эркин боғларда сен чечак отдинг,
Қаро изларни кўрмадинг, кетдинг,
Умиғ, амалга кенг қулоч очдинг,
Қайгу аламга ёндошмай қочдинг...*

дегач, шоир ўзининг бу ючишга бўлған ризосизларини изҳор этиб:

⁴ Кўнак арава — Кўнка арава.

⁵ Валаззолинг еткузиб — «Фотиха» сурасидан; бу ерда гапни тезда ниҳоясига етказиш маъносида.

*Унитса бўлмас маҳзун кунларни
Унитмак мушкил қонли туналарни... — дейдир.*

Фақир, бундаги «қаро изларни кўрмагучи» тўғрисида узоқ тафаккурга кетиб «Тибби Юсуф»⁶ ва «Тибби Акбар»ларни⁷ очиб ниҳоят шуңдай гап топдим: «Тибби Акбар»нинг айтишига қарағанда, агар бир кимарса ёрғулиқни тарк этиб, аммо қоронгулиқни имтиёз қилмаса ул одам «шабкўр»дир. Ва яна янги тибни кўрдим. Бунинг айтишига қарағанда, агарда бир кимарса йиги ўрнида қах-қаҳа қилса ундан одам «истерика» деган асабий оғриқча мубталодир. Бас, бу тафтишотдан маълум бўладирким, инсон сиҳатининг мезони эътидолдир⁸. Замона-миздаги эътидолларини йўқотгучиларға беланчакдан гушмаган ёш бола ҳукмини бериш тўғри бўлур деб ўйлайман! Валлоҳи аълам биссанавоб⁹.

«Зарафшон» газетасини очдим. Садағанг кетай иш жуда катта. Бу газетамиз катталиқда Ёврупо газеталаридан сира қолишмайдир. Маъно жиҳатидаги фикримни сўрасангиз, ўилашиб жавоб бераман; чунки, ҳозирги мақсадим унинг тили устида. Ҳар бир сон «Зарафшон»ни қўлға олгач бир мунча тожик калтагини еб уста бўлған ўзбек тилини учратмай мумкин эмас. Бу газетада ўзбек тилининг салмоги (оҳанги) ва уйғунлик ҳам очиқлири кўпинча тожик кудинитини¹⁰ еб беланги бўлиб чиқадир.

«Жаҳон муҳорабасининг кўб қаторида шарқ хотунлариға ҳам кўб зарарлар кетириши «Кўммунист» газетасида ношир Ж. Иванова ўртоқнинг «Шарқ хотуни ва муҳораба» исмлик бир мақолосида очиқ кўрсатиладир» («Шарқ хотуни ва муҳораба» деган мақола «Зарафшон» сон-173). Яна; «Англата¹¹ вакиллари шўро қарзини таъмин қилиш ваъдаси сабаблик лойиҳанинг оғур («оғир» бўлса керак буродарлар!) лаштирилганлигини сўзладилар!» (шу сонда). Тағин: «Мўпирнинг хитобаси»¹² (марҳум «Мулла Насриддин»¹³ тириклик кунларида «Хитобномаси» деб ўқур ва ёзар эди!) ва бошқалар, ундан кейин «скидка»ни «гузашт» дейдир. «Чегириш» деган билан тили кесилиб қоладир, деб эшитдим.

Энди бу уч газетамиз имлоси устида дасти дарозлиқ¹⁴ қилайлиқ:

Лўлининг лозимини кўрганингиз борми? Кўрган бўлсангиз иш осон. Яна сизга бир ҳикоя:

⁶ «Тибби Юсуф» — муаллифи Юсуф ал-Хиравий Навоийнинг замондоши Бобурнинг шахсий табиби, шоир ва олим, тиббий асарлар муаллифи.

⁷ «Тибби Акбар» — муаллифи Муҳаммад Акбар бинни Мирхожа Муҳим Муҳаммад, ҳалқ оғизида Арzonий номи билан чашхур табиб. Аврангзеб даврида яшаган, бир неча тиббий асарлар чуаллифи.

⁸ Эътидол — ўртача.

⁹ Валлоҳи аълам биссанавоб — Улур Тангри яхшироқ билади.

Кудинг — матога таҳ (едириш).

¹¹ Англата — Англия (усмони туркчада).

¹² МОПР — Международная организация помощи борцам революции — Инқилоб курашчи-ларнга ҳалдари ердам уюшмаси — 1922 йиљигин сентабр ойида Москвада кекса бўлшевиклар ташаббуси билан ташкил топган. Уюшма фашизмга, миллий зулмга қарши курашувчиларга моддий ва маънавий ердам бериш, террор турбонларини ҳимоя қилиш ҳалдари компанияларини уюштириш масалалари билан шугулланган.

¹³ «Мулла Насриддин» 1907—1932 йилларда Озарбайжонда чиқкан сатирик журнал. Кейичалик «Кирпин» деб шомланган.

¹⁴ Дасти дарозлиқ — қўли узунлик, куч кўрсатиш.

Сурнайчилардан биттаси машқ қилиб турған экан, шул вақт сави-ли¹ ҳам қүшилишиб юборибдир. Бу бемаза машқдан аччиғланған сур-найчи, сурнайини құліға олиб:

— Ё сан чал ва ё ман чалай! — деган.

Шунга үхшаш бизнинг имоларимизнинг «үниси қолсину ва ё бу-ниси!» Шу өзкәча бу түғрида сүз айтқучи бирарта бемаза мардикор йўқдиги ажойиб бир ҳодисадир.

Хозирги газеталарингиздан олған таассуротим шугина, бошқа гап-лар бошқа вақтға.

Ҳа, айтгандек, бир гап эсимга тушди, бу ерга ёзиш бу гапнинг урни бўлмаса ҳам, нима бўлғанда ҳам китобка кириб қолсун, деб ўйладим. Тошқаңдагилардан биттаси ёзадир:

«Машҳур фалончи ошпанг дейди, хотуни устига олған ёш маҳбуба хотунчасини, дейди, ўз ризо ва ихтиёри билан, дейди, ўз уйида бир ботавфиқ² йигитка никоҳлаб берди, дейди. Бу түғри гапми?

— Зериккандир ва ё янгиси топилрандир, деб ўйладим.

Жулкунбой, 22-август.
«Муштум» — 1924 йил, 10-сон.

КИЧКИНА БИЛДИРИШ

«Ҳезлар жамияти» тузилди.

Шаҳримизнинг фаъол ҳезлари томонидан кенг прўграммалиқ «Ҳез-лар жамияти» тузулди. Бу жамиятнинг асосий вазифаси жумалик гап ва базмларга ҳезларни тўғри тақсим қилишдир.

Жамиятка четдан Тўллаган қизил кўз, сартарош Ҳожи акалар чақи-рилди.

Жамиятнинг адреси: Маҳкамада Ҳудойберди ҳез дўкони.

Вакил: Бемаза маҳзум,
«Муштум» — 1924 йил, 11-сон.

ТОШКАНДА

СОВУҚ УРДИ

Сўнгги бемаҳал тушкан совуқ бизнинг Кўкча даҳасидаги базмчи кўнчи йигитларни уриб кетди. Бўлмасам ёзи билан пайшанба кечаси новора базмдан мижжа қоқа олмас эдик.

Худоға шукур, совуқ ургандан бери сув қўйғандек жим-жит.

АРВОҲ УРДИ

Кўкча-Айрилиш маҳалласининг имоми Абдуллаҳожи шаккоклик қиласан учун арвоҳ уруб, бир-икки ҳафта оғзи қолиб тескари тушкан қозоқи кавицдек кийшайиб ётди.

Савил — орқа, кет.

Ботавфиқ - инсоғали

ЗИКИРЧИЛАР

Зикирчилардан бир-икки ақмөк ҳар куни ТурЦИК останасига жағини қўйиб ётар эди. Кеча шулардан бири останода ухлаб қолған экан, бир қизил аскар туртуниб келиб жагини босиб одди.

Ярим соатдан кейин скўрий помош келиб олиб кетди, жароҳати оғир, эҳтимол қазо қиласа.

ХИЛИ ТУЗАЛИБ ҚОЛДИЛАР

Маҳалла комиссияларини қайтадан сайлаш хабари чиққандап кейин, маҳалла комиссиялари хили тузалиб қолдилар.

Дуо қилинг, булар яна ўрунларида қолсунлар.

Қақилдоқхўжа,

«Муштум» — 1924 йил, 11-сон.

«МУШТУМ» ЖУРНАЛИГА

Футурист¹ шоиримиз Олтой² ўртоққа тақлидан баъзи шеърлар иншод қилған³ эдик. Узоқ ўйлаб турмай журналингиз орқалиқ нашр этишқа ҳам қарор бердик. Аммо бу шеър биринчи тажрибамиз бўлғани учун журналга босмасдан илгари Масковнинг атоқли футуристларидан бирортасининг кўзидан кечирмакчи бўлиб уч кишилашиб ончинон⁴ қидиришиб кўришдик ва лекин бирорталаридан дарак бўлмади.

Баъзи кишилар уларнинг Масковдан Тошкандга кўчиб кетканларини сўзладилар. Баҳарҳол эндиғи ихтиёрни ўзларига топшириб, шеърни арз қиламиз

ПИЛДИР, ПИС...

*Пилдир, пис...
Гувала, лўмбоз, замбил, —
Аштак-паштак
Темиртак-писттак!
Тоғдан лов-лов,
Миянг ғов-ғов!*

*Қорнинг катта
Елкасига мин, ҳа,*

Футурист — [хотинча, келажак], 20-асрнинг 10—20-йилларида бадий ижодда юзага келган илор оқим. Асосчиси италян адаби Ф. Т. Маринетти. У урушни, «жаҳоннин ягона гигиенасин» деб таърифлаган ва Италия футуризмини фашизм билан қароти оқим сифатида тарғиб қилған. Матмуни: онгинт турмушга чуносабатини идеалистик асосда ҳал қилиш, адабиет ва санъатнинг ғоявилигини рад этиш, бадий ижодни ижтиёйи матчундан оюд этиш, ниҳоят инсонни унугиб метални, механизмларни тасвирлаш кабидир. «Бизни аёл кишининг табассуми ва кўз ешларидан кўра бир парча ёрон ёки темирдан чиқкан ўт кўпроқ ҳаяжонта солади» деб сўяди Ф. Маринетти. Қидирий ушбу шеърида ўзбек футуристларини, хусусан уларнинг етакчиси бўлған шоир Олтойнинг нокобил, бемални шеърларини танқид қилиб ўтади.

¹ иншод — шеър битини

² ончинон — тоза, роса.



*Чечагини юл, ҳа,
Күттар-күттар, ҳа-ҳа!
Мунинг оти мойқовоқ
Ўпқонира пахта тик!*

*Кинна-кинна, чиқ-чиқ!
Тоғдан, тошдан,
Ун яла аллоф,
Қон яла қассоб!
Чуғурчиқ, чир-чир.
Тар-тарак, тар-тарак,
Сопқон, гўлак.
Отолмади падар чаллак
Уйинг куйсин ҳожимирак.*

*Суфани қўлтиғла,
Ходани ковша.
Мол гўштини қоқла
Қора кунга сақла.*

*Кабоб пишти,
Белини ечти,
Косовни ўпти,
Бетамиз қўпти!*

*Бу йўлим тиканак,
Манзилим узоқ,
Қўйғанинг тузоқ
Лақабинг бузоқ,
Ҳов-ҳов
Умооо
Ғум-ғум,
Така-така, тум-тум!*

*Бири анбар,
Она қиз қайдай?
Ола була тоғда.
Гулдир губ,
Пилдир, пис.*

.....!
деб янги футуристингиз —

*Овсар,
Масков.*

Қўшоқ: Башарти шеърим маъқул бўлса билдирилсун, қўлим тегмаса ҳам ёзиб туришка ваъда бераман. Гонарар арра.

*Овсар,
«Муштум» — 1924 йил, 17-сон, 3-бет, 28 октябр.*

МАСКОВ ХАТЛАРИ

IV

Мадҳал:¹ тумов ва учуник фалсафаси

Тибби жўгининг² айтишига қараванда, тумовнинг маншаъи³ учдир: биринчи — боди мухолиф⁴, иккинчи — сувдан ясалған ҳолва, учунчи — тузсиз ош. Аммо учуник тўғрисида ҳукамои қадим⁵ тумовнинг маншаъи бўлған ҳалиги уч унсурнинг инсонга бирдан ёпишған ҳоли дебдиirlар. Баҳарҳол бу назариялар гарчанд асир дийдалардирлар⁶ ва лекин ҳукамои аср ҳозиранинг⁷ фикрларига ҳам унча мухолиф эмасдирлар.

Аммо фақирул-ҳақир, ходимул-ҳукамо ва муҳиббул-атиббо⁸, гарчи устодларнинг ақли салимларига қарши борищдан ҳазар қилурман, илло тумов ва учуникқа бўлған ўз назариёт ва кашфиёти жадидаларимни⁹ бу ерда арз қилмасдан ҳам ўтолмайман. Шуни ҳам айтиб қўяйинким, фақирнинг кашфиётим маҳзи¹⁰ тажриба асосига мабни¹¹, кўриб кечирганиларимнинг айнидир.

Ожизингизча, Масковдаги «Бухоро билим юрти»дек бўйининг қариш бўлғанига қарамасдан соқолининг икки қариш бўлмоқлиғи; битта яшчик билан тўртта прикашчик ёлланмори; усти ялтирағани билан ичининг қалтирамори; саноги бўлғани билан салмогининг йўқлиғи — мана буларнинг ҳар бириси янги замон тумов ва учунигининг омилларидан-дир. Бу ҳоллар бирма-бир тажриба ва синашлардан ўтказилиб сўнгра арзи бандаликка¹² қўйиладирлар. Валлоҳи аълам биссаноб.

МУҚАДДИМА: ҚАРИ ҚИЗ ПЕШОНАНГГА ЙИФЛА!

Бу кун ҳам туни билан бел ва болдиrlарим сирқирашиб, оғриб чиқди. Сим караватнинг чўкуртаклари похол тўشاқдан туртиб чиқиб, ҳалиги сирқирашлар билан биргалашиб менга ҳужум қилғанда фақир маҳбубаси тўғрисида ўйлаб кўзига уйқу келмаган ошиқлардек билонғлаб тўлранар эдим. Билонғлай-билонғлай бир оз уйқуға борғач, кўз ўнгимдан баъзи туркистонлик акамларнинг нутқиға ўхшаш тутуриғи йўқ тушлар ясов торта бошлади. Ва бу орада қилобхон тўрам¹³ жizz этиб алла қайси еримни ўпид олған эдилар, кўзим мошдек очилиб

¹ Мадҳал — кириш.

² Тибби жўти — жўти (хинҷча), йўт — одамни руҳий ва жисмоний усул билан чиниктириб даволаш, ҳалқ орасида бу сўз фирибгар, алдамчи матъосида ҳам ишлатилади.

³ Маншат — келиб чиқиш жойи

⁴ Боди мухолиф — шамолнинг тескари эсиши.

⁵ Ҳукамои қадим — қадим ҳакимлари.

⁶ Аср дийдалар — бир асрни яшаганлар.

⁷ Ҳукамои аср ҳозира — ҳозирги аср ҳакимлари.

⁸ Муҳиббул атиббо — табибларнинг дўстлари.

⁹ Кашфиётни жағиға — янги кашфиёт

¹⁰ Маҳз — факат.

¹¹ Мабни — курилган.

¹² Арзи бандалик — ўз ҳолини бәен қилиш.

¹³ Қилобхон тўра — клапа, бурга.

кетиб, қоровул чақирғанимни ўзим ҳам сеzmай қолдим. Хуллас, ҳар кундағыдек бу күн ҳам миңжака қоқиши қийин, тұлғаниш ораларида бир неча қайта караватдан ҳам юмалаб ерга түшдим. Зарари йўқ, бирон ерим қалтис-палтис емади.

Эрталаб бошим лақиллаб сувга түшкан иондек бўлиб, энсам қотқани ҳолда уйғондим. Кичкинагина кулбамиз муздақкина совиган, баданимдан баъзи ўрунлари бир мунча мўғорлағансумол эди. Оғизими кеппакеппа очиб рутубат микрўбларидан уч-тўрт юзини наҳорга тановул қылғач, устидан қир-қир қилиб йўталиб ҳам қўйдим. Баъдазон юзимни қиблага қаратиб Масковнинг шундай болонишин¹⁴ еридан уй олиб, менга ўхшаган нимжонларни рамақижонлик¹⁵ даражасига еткузишга таважжух қылған¹⁶ ваколатхонамиз ҳақиға дуюи холис учун қўлимни очдим. Аснои дуода негадир, пол тегидан чўл қурбоқа ҳам чуриллаб юборди, қўлимни юзимга суртишим билан шўрлаб ётқан девордан шитир-шитир қилиб бир-икки ҳовиҷ турпок ерга тўкиди. Мазмуни, аду қабул бўлди шекиллик!

Имирсиб-ғимирсиб, ихраб-сиҳраб карридўрга чиқғанимда бир бурчакка беш-ўнтаси йиғилишиб «бойчечак»¹⁷ айтишиб турар эдилар. Уларнинг ёниға силтонглаб ман ҳам бордим.

— Бахай?¹⁸ — дедим.

Улар ҳам манга ўхшаш войвояги бола очқанлардан эмиш; қайсиси белангиллик дардига мубтало бўлибдир, кими оёғидан айрилаёзибдир ва қайсиси ноҳина тумов¹⁹ ва ҳоказо ва алоҳозал-қиёс²⁰.

Биз туркистоуликларнинг маҳримизга баробар саҳни билан ўн бир ёғочлик уй, тўққуз ёғочлик айвон ва амлаки рўзгор²¹, сарик сигир, яssi қозон, қақир-қуқир дегандек қайин отамизнинг чорвоидан, яъни Маскови фирмавс монанднинг²² гадой топмас кўчасидан түшкан. Қари қиз, пешонангта йиғла, деярсиз албатта; ҳаққингиз бор.

Ҳалиги войвояги бола очқанларға Аюби собирнинг²³ сабрини тила-гач, кулбай аҳzonдан²⁴ чиқиб жўнадим.

Х О Т И М А: ЭШАГИДАН ТУШОВИ ҚИЙМАТ!

Манзил узоқ, роҳила оз дегандек, манзилга етиб олиш учун икки громвойга миниш керак, аммо роҳила оз...

Силтонгланиб ботмону даҳсар йўл юргач, йул устида бўлған Бухорий шариф билим юртларига етдим²⁵. Силла қуриған, бир оз нафасни ростлаб олиш тақозо қилур эди — Бухоро билим юртига бурилдим.

¹⁴ Болонишин — баланд.

Рамақижон — жуда озган, тўлған.

Таважжух қылған — ҳаракат қылған, юзләнған.

Боичечак — бекорчилик.

Бахай — бахайр, беморни еки бирор баҳтсизликка учраган кишини кўрганда кўнтил сўраш учун айтиладиган ундалма.

¹⁵ Ноҳина тумов — от шамоллагиңда бурун қатагидан ўсимта ўсиб чиқиши; одамда шамоллаб бурундан сув келиши.

¹⁶ Ало ҳорал-қиес — шўнга ўхшаш.

¹⁷ Амлаки рўзгор — рўзгор анжомлари

Жаннаттага ўхшаш: Москва шаҳри.

Бўсағада Бухоронинг амирзодалари дэяйинми, ўқуғучилари дэяйми, ҳайтовор иккисинг бириси; олипта кийим, пуфф-пуфф, соч таралған, батинка мойланған, оғизда совнаркўмский попириш, буралиб-буралиб чиқған тутун, кўз ўткан-кеткан аллакимларда... Энса қотиш касалим қўзиғлон қилиб Лахавл... билан бу биринчи тилсимотдан ўтдим. Нарироқ бориб бир вақт қарасам теварагимни она суги оғиздан келган ёш гўдаклар ўраб олиб ман билан ҳойдуқи ўйнамоқчи бўладирлар. Болалари тушкир зерикиб қолған эканлар шекилич, бирави тўнимдан, бирави почамдан юлиб-юлқиб саккиз томонга торта кетдилар. Балзи бир сут қўмсағанлари мени аллакимлари фаҳмлаб кўкрагимга тирманша бошлиған эдилар, узр айтиб аранг унатдим. Бўлмаса шармандаузлиқ десангизчи! Шундан сўнг болалар билан маним ҳолимга четдан кулиб, томоша қилиб турған бир Турсунбойдан сўрадим:

- Булар қаерда туғилған болалар, Бухородами, Масковдами?
- Бухорода.
- Қочон келгандар?
- Йўргакларида.
- Нима қилмоқчилар?
- Ўқумоқчилар.

— Оналари ҳам биргами? — дедим ва оёғим остида чувалашиб ётқан болаларни алдаб-сулдаб четлаатгач, илгари юрдим. Эшик олдиға этишим билан шу орада ўлтурған етти-саккизта қиз бирдан бор товушларини қўйиб «Йиғлама ёрим»ни куйлаб юбордилар. Қулоқ солмоқчи бўлған эдим, энсам қотинқироғондек бўлиб, дарҳол ўзимни ичкарига оддим.

Каттакон зол; тўғриға юрсангиз бое, чапга юрсангиз дарсхона, ўнгга бурилсангиз қулуб ва қироатхона, яъни тўрт тарафингиз қибла, шақшақа майдону умбила байтал. Ман қироатхонага кирдим. Билим юртидаги болакай ўқуғучи ўртоқларимдан биттаси ўзининг катталарча ақли билан сўрашиш ўрнига манга попириш тутди. Раҳмат айтиб олдим. Попирисли саситиб, кўб қисмини паашша чайнаган газета ва китоблар ичидан янгилик охтара бошладим. Кўб мащаққатлар ниҳоятида Бухоро билим юртининг яқининада чиқған «Юбилей мажмуъаси»га кўзим тушди. Ман ҳам юбилейга иштирок этиб, бир путу ўттуз етти ярим қадоқлиқ ҳавсала билан мажмуъани ўқуй кетдим.

Бир йиллик юбилейга аталиб ёзилған ранго-ранг мақолалар, ҳайт-ҳайт шиорлар, шакардан тотлиқ, асалдан лазиз оби раббано⁷³ нусха «ол кетти!» умидлар, ҳайбаракалла тантаналар ўруслага таржумаси билан мавжуд эди. Ундан кейин сўнг мўдада туширилган расмлар, айниқса «юбилей куни зиёфатка йиғилган меҳмонлардан бир қисмининг чой ичиб ўлтурған вақтлари» ва ўзгалар кишига ажаб бир мароқ бағишлиар,

⁷³ Аюби собир — исломиятдан аввал ўтган Аюб пангамбэр тапидалги жароқатларнинг азобига 73 йил сабр билан тоқат қиласан экан.

Кулбаш аҳлон — ғамлар уйи.

⁷⁴ Бу билим юрти Бухоро республикаси ҳукуҷати ҳисобидан ташкил этилган эди.

⁷⁵ Оби раббано — Ҳудонинг куруқ суви.

юбилей куни ажойиб тантана билан ўтказилгани онглашилар эди. Текканга тўй, текмаганга тафарруж²⁷ дегандек, баъзи ўртоқларға тўйдан гўккоз-туқкоз тегиб расмда қайта-қайта қўнқайибдирлар.

Мажмуъани кўздан кечиришим ҳамоно баданимда бир уюшканлик, энсамда буришканлик ҳис этдим. Бунинг билангина қолмай бир неча қайта атсам воқеъ бўлди, яъни кутилмаган жойда байталмон тумов теккан эди.

— Хапшу!..

Жулқунбой,
«Мўштум» — 1924 йил 12-сон.

МАСКОВ ХАТЛАРИ

V

Беҳад ва беҳисоб салом ва паёмлардан¹ сўнг бошлаб ҳар жиҳатдан том ҳуқуқлиқ мерос бойбачаси Ўзбекистон шўролар жумхуриятини янги рўзгор ва янги ҳовли билан табрик қиласман. Ва қўшкан кўшори билан дунё тургунча туриб болалиқ-чақалиқ, увалик-жувалик бўлгай эди. Оқни қорадан, фойдани заардан ажратиб рўзгор тебраткай эди, деб кўлни юзимга суртаман!-

Сўнгра ожизларидан ҳол сўрасалар тангрига шукур, ўйнаб-кулиб юрибман ва яна ҳамма вақт барчаларининг дуойи жонлари билан машғулдирман. Бу ердаги болалари ақволларидан сўрасалар, алҳамдулилоҳ, улар ҳам эркагу-урғочи, бўғозу-қиср дегандек ўйнаб кулиб юрийдирлар. Субҳи шом балки алладдавом² таҳсили улум³ кўйидадирлар. Аммо болаларингиз орасида беъоя ва беомол⁴ ошиқ ўйнаб, ит уришдириб, кўйнак-иштон ийртиб юрганлари йўқ, деб айта олмасам ҳам лекин бор, дейишка ҳам тилим бормайдир.

Елончини Тангри душманим, деган экан: бор, десам йўқ чиқса; йўқ десам бор чиқса тонгла⁵ рўзи маҳшарда⁶ нима деб жавоб бераман?

Қисқаси сўз шулки уларнинг ичига оралашиб, азмойиш⁷ қилиб кўрганим йўқ. Башартги жаноблари бул маънини билишкага орзуманд бўлсалар ва яна тўрт энлик нос қоюзни дарига тутмай ишоратини қиласалар, камари хизмат белдадир (уч-тўрт куним садқаи азмойиш кетсин!)

²⁷ Тафарруж — томоша.

¹ Паём — ҳабар.

1924 йил 27 октябр СССР МИКомитетининг 2-сессиясида Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикалари қудудида янгидан миллӣ давлат чегараларини ўтказиш ҳамда янги совет социалистик республикалари ва вилоятларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. 1925 йил 13—17 февралда Ўзбекистон ССР Советларининг 1-сеzdida Ўзбекистон ССР тузулганлиги тълон қилинди

¹ Субҳи шом балки алладдавом — ўртаю кеч балки доимо.

² Улум — илмлар.

³ Беомол — мақсадсиз.

⁴ Тонгла — қиёмат куни (туркийда).

⁵ Рўзи маҳшар — қиёмат куни (форсийда).

⁶ Азмойиш — суриштириб билиш.

Ва яна махфий қолмағайким, маърифат исини олиб Масковга чопқан бирмунча искавичларингиз азбаройи мактабларнинг тиқилинчлиги сабабидан, сони⁹ илгариги ўзингиз кўрган катта толларнинг кесилиб кетканлиги¹⁰ жиҳатидан кўча-кўйларда сарсон ва саргардан бўлиб қолдилар. Буларнинг фикрини қилиб, бирар айбини ўзингиз кўрмасангиз аҳвол кўб паришондир.

«Озигини топиб беролмагач, искавич кўпайтиришнинг нима ҳожати бор?» деб Овсар махзумингиз марҳамат қиласидирлар Айбга қўшилмасин!

«Элакка кирган ойимнинг элли оғиз гапи бор», дегандек бир-икки калима эзмалик қиласидурган бўлсан, бошлаб Масковга юборган баъзи бир... туталларингиз аҳволларини ёзмасдан ўтиб бўлмайдир. Шундоқки, улардан қайсилари тўппа-тўғри Хўжабой халфанинг халтасидан чиқкан сузма куртдек мазалиқ эканлар ва яна «юрган — эл кўрган» дегандек, уч-тўрт кун Масковда анқайишиб юрдилар, сўнгра паловни соғингандек бўлиб алланглашга бошлиған эдилар, хайтовир биз талабаларингиздан баъзи биравларимиз икки ёрти бир бутун бўлишиб уларни палов жиҳатидан мамнун қилишдик. Ўёғ-буёғдан қилиб, дегандек палов олдидан «қизилча»¹¹ ҳам ўтилиб туриди, шекидалик...

Шу анқовларингиз тўғрисига баъзи биравлар баришнами-ей, маржами-ей, ишқилиб алланарса балоларни қўшиб сўзлашиб юрган эдилар, аммо ожиз ишонинқирамадим, чунки шаритатда руъият — зътибор¹², деган сўзни эшитканим бор эди.

Муҳиддин қори ашулачингиз келди. Бечорага чойчақани оз берганга ўхшайсиз, пулсилиқдан «бефарзанд арвоҳ»дек чирқираб юрибдир¹³, гўё Масковни тинчиткандек, энди Италияга бормоқчи эмиш.

Овсар махзумдан бу тўғридаги фикрини сўраған эдим: «Отант нечилик — бўзчилик, санга ким қўйибдир бу номаъқулчиликни» деган жавобни берди (ўзи ҳам жуда чўрттаки-да!). Нўябр ўтаёзған бўлса ҳам, ҳали оғир оёғингиз Масковдан қимир эткани йўқ. Ёз бор, қиши бор, дегандек «ёв кувди» деб ўйлайсизми? — Бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар, савил қолғури!

Қочиқларингиз¹⁴ бирин-сирин келишиб туришибдирлар. Хотиржамъ бўлурсиз. Овсар махзумингиз бўлса улар тўғрисида туллақдан чиқсалар одам бўлиб кетарлар, деб юрийдир. Ҳа, айткандек, шу кеча кундузларда болаларингизнинг овқат важҳидаги аҳволлари жуда танг бўлиб, кўб умирлари Туркпредседателингизнинг эшигига ўта бошлади.

Пулни вақтида юбормас эмишсиз. Ўлдим-ўлдим, деганда бир сўм, икки сўм ялатиб қўядирлар. Бечораларингиз пул кутиб, сабоқни бил-

⁹ Сони — иккинчи.

¹⁰ У даврлар ўтиб кетган.

¹¹ «Қизилча» — коняк.

¹² Шаритат ҳукмича аввал кўриб, кейин холоса қилинади.

¹³ «Бефарзанд арвоҳ» — айтишларича, фарзанд қодирмаган одамнинг арвоҳи дуога умидвор бўлиб доим чирқираб юрар эмиш.

Қочиқлар — бирон бир сабаб билаг келишолмай Масковга бошпана истаб қочтанлар назарда тутиляпти

май домладан калтак еб, жуда довдирашиб қолищдилар. Қиши бўйига ҳам шу мужмалингизни давом этдирсангизми. Ҳа, дея уч-тўрт қанор пахта-махтадан сотиб бўлса ҳам шуларингизни тинчтиб қўйинг, дада! Пахта пишиб қолди-ку, ахир.

Ўзим бўлса бир-икки ҳафтадан бери уйдан эшикка чиқмай тухум босқандек тинчкина ётибман. Масков кўчаларицек серташвиш жойларда санқий бериб нима қиласай? Худой кўрсатмасин, хаптамабил-маптамабилнинг тегида қолсама...

Ожиздан ул ердаги қилтириқ хўжа, жимиадириқ сўфи, тузоқ узар махсум, олбости тўра ва бошқа анвони турлик чўб-хас, шарабараларга салом айтарсиз, деб қалам тебраттучи:

Жулқунбой,

20-инчи ноябр.

«Муштум» — 1924 йил, 18-сон.

МАСЛАКУ МАҚСАДДАН ШАММАИ ИЗҲОР¹

Бу йўлларни қоралағучининг ота-бобоси ҳазрати Одам-атодан тортиб, гоҳи деҳқон, гоҳи мардикор, гоҳи саржинчи, қисқаси шулки, зодагонлар таъбирича, «бири бит — бити сирка» бўлмай келган ўнқовсизлар²- синфидаидир. Аммо мен бўлсан мустамлакачилар калтагини еб, калтак зарби билан кўзим мөшдек очилиб, (уруб қолинг айланай почча!) алқисса, ота касбим боғдорлиқ бўлса ҳам замонанинг зайди, тўғриси, мўдаси билан отимни муҳаррир, ўзимни зиёли, Шарқни мазлум, Англияни золим, батинка кийишни маданият, гуруппабозлиқни салоҳият, динни таассуб ва моддани табиъиётдан ҳисоблаб келмакда-дирман. Шунчалик фазлу камолни санағандан сўнг ўз-ўзидан маълум бўлса керакки, фақир унча-мунча кафши кўчада қолган алвир-шалвирлардан эмасдирман «Ранг кўр ҳол сўр», деган экан машойихлар.

Бу энди, маслаки шариф³.

Баъзи бир яратилғанча қолган ўртоқларим майдонда бўлмасалар эди, ўзимни шунчалик кенг маслагимга яраша мақсадимни ҳам очиқдан-очиқ сўзлаб берар эдим. Лекин гап шундоқ бўлса ҳам бу ўринда фақат сизгагина юрагимни очиб солмоқчиман. (Бироқ, сўз шу ерда қолсин, зинҳор сўзничувалтириб, темирчилик қилиб юрманг ўртоқ, зинҳор!) Дуруст, оёрга олишимни кўргач, душман синфниш «нотавон кўнгилга кўтур торора», дейишида шубҳа йўқ. Модомики, маним мақсадимга, яъни орзу-ҳавасимга замин бор экан ва замон мусоид⁴ экан, нега ман дўсти-душманинг таънасидан-тўввасидан хуркиб турай? Модомики, маним ҳаммаслак ва ҳаммақсадим бўлран ўртоқларим ўз ғояи омолларини феълан ва амалан исбот қилмоқда эканлар, нега ман мулоҳаза дарёсида чўмилай?

¹ Шаммаи изҳор — озгина арт

² Ўнқов — имкон

³ Маслаки шариф — улуг йўл

⁴ Мусоид — мутоғифик, уйрун

⁵ Голи омол — мақсад



Бирлаб эмас, юзлаб ўртоқларим расмий бўлмаса-ю, думалоқ ясси равища хотунни икки қиласоқда эканлар, токай ман бир хотун билан азиз умримни барбод берай?

Тўққузлаб эмас, тўққуз юзлаб ишчи ўртоқларим оғилда отлиқ, дада қўшлиқ, чўбонда қўйлиқ бўлиб қолған эканлар, ман токай яғир эшакка ҳам эга бўлмай?

Баъзи биравларим Бухоро ва Хўтган деган жойлардан ипак гиламлар келтирганларида ва Москв, Ленинград деган шаҳарлардан роял деган маблағлар, ойнаи жаҳоннома деган лаш-лушлар олдириғанларида токай ман отам марҳумдан қолған эски пўстақда умур кечирай. Хоғунгинам рояль ўрнига ҷарх йигирсин ва ман ойна тополмай афтиими тиниқ сувдан кўрай?

Дўстларим, оқ уй ола баргоҳлар солиб айшу ишрат қурғанларида, токай ман ҳар соат саждага «мойил турған чорчўпнинг орасида «Ла-ҳавла»... ўқуб кун кечирай?

Дўстларимдан биттаси икки минг червоинска тушириб шохона бир иморат қиласан экан, ўткан кун фотиҳага бориб келдим. Нафси ламрага қарагандо, Тошканда ўзининг олий бинолар солиши билан машҳур бўлған Тўхтажонбой ва Орифхўжа эшонларни бир чўқишида қочиратурған бино бўлибдир. Ҳордик чиқарғандан сўнг «кўча томонга исириқ боғлаб қўй, меҳмонхонангдан ошна-оғайнини узма, дастурхонингни калу-кўрдан аяма!» дедим. Ошнамнинг яхши ният билан қиласан иморатини баъзи бир маорифсираган муттаҳамлар, «Мактаб учун мувафиқ бино бўлибдир, от айланиб қозигини топар!» деб ивир-шивир қиласар эканлар. Кўчага чиққан эдим, иморатни томоша қилғучилардан бўлған бир тийинқиз шоир:

*Вақтпоки афтодаҳол эдинг, елкангда апкашинг,
Сут ўрнига сув сотиш касб эрди санга яккашинг.
Ажабо, бу кўрдигум тароққо-турӯқ надир?
Ажабо, бу шоҳона қасру равоқ надир?!*

— деб таъна тошини отмоқчи бўладир. Буржуазия идеолўтияси билан сурорилған бу шоирни яхшилаб койидим ва «товшингни ў chir, ҳароми!» дедим.

Бас, санга ўртоқ, маълум бўлған бўлса керакки, бу мақолам билан нима демакчиман. Ҳудойға шукур, манда ҳам ўтул-қиз бор, бас, манда ҳам орзу-ҳавас бор, лекин толеъ деган муттаҳам йўқ.

Ман бошда:

*Қалам гуфтоки, ман шоҳи жаҳонам
Қаламкашро ва давлат мерасонам,⁶*

— байтига ишониб ёзғучилик касбига киришкан ва ҳар соат тепа түйнукдан тушиб келатурган давлатни куткан эдим. Лекин энди етти йилдирки, на давлатдан хабар бор, на қорним тўйиб томоқ еган ку-

Қалам дейди, мен шоҳман жаҳонга
Қалачкишни етқизурман давлатга.

Низомий Ганжавий.

нимни эслай оламан. Этагим-этагимга еткан бўлса Тошпўлад тажангнинг ҳақку-хурмати! «Қалам гуфтоки...»нинг шоири тўнғуз қўпсачи, мани етти йилдан бери бекорга сарсон ва саргардон қилди, ҳаром тукимга турмайтурған ҳашпара⁷ маҳсимлар ёруғ дунё орзу-ҳавасининг арши аълосигача бориб етканларида, ман қўтири итнинг кейинги оёғи ҳам бўлолмадим. Кеча уйда ўлтуриб, ўткан самарасиз кунларимга во-вайло ўқур ва нафсимга анвоғи сарзанишлар⁸ берар эдим. Ниҳоят бошимга бир савол келди:

— Модомики, дунёға келиб орзу-ҳавас кечирмакчиман, модомики, ипак гиламларда, шоҳона биноларда сайру гулистон этмак асли ғояи омолимдир; бас, энди нима қиласай?

Албатта, биринчи галда эски шиорим бўлған «қалам гуфтоки..»ни чурук латтага туғиб, тоқчага ташлашим керак эди, ташладим ва қаламимни қарс этириб иккига бўлдим, шунинг ила баракасиз ёзгучилик қасбим билан видоълашдим. Аммо муроду мақсадга тезроқ етишмак учун восита бўлған янги қасб сайлаш масаласида миям сунила бошлади.

Янги қасбим учун дехқончилиқни чорлаб боқдим Лекин бу қасб хусусан шу замонда эпақалиқ ҳунарга ўхшаб кўринмади. Шундоқки, башарти дехқончилиқ қилғанимда бир йилда бир юз пут ҳосил олсан, бир пут буғдой саксон тийин бўлса, мундан ўттуз пути капсанга⁹, яъни пўстдумбага чиқиб кетса¹⁰, сотиб пулига ноҳотшўрак олиб есам... «Йўқ», дедим: — сан манга тўғри келмас экансан, дедим Сўнгра пахта экишни жўплаб кўрдим. Башарти икки ботмон ерга пахта эксан, пахтам бўлди, деб турғанимда чеълаклаб қору-ёмғурни қуйиб берса-да, биринчи сўрт пахтам иккинчи — учунчига тушиб, яъни беш сўмим ярмига қолиб орзу-ҳавасгина эмас, уиимдаги эски пўстагим билан бошқа қақир-куқурларим ҳам пахтанинг ямогига кетса... «Лаҳавла»... ўкуб, дехқончилиқ тўғрисида тавба-тазаррӯз қилдим. Савдогарчилик ҳам ёнбошқа келарлик кўринмади; «ур» дейишдан қичиган жойинг қаерда, деб ноўгини солиб берсалар борми, орзу-ҳавас қия-да, худой кўрсатмасин. Тағин бу ҳунарнинг ёввойи чиқимлари¹¹ ҳам беҳисоб, деб эшиятканим бор. Сўнгра ҳозирги мўзабзаб¹² замонада орзу-ҳаваснинг энг аъло даражасига бориб еткан ўртоқларнинг қасбларини текшириб кўрдим: Уйингта буғдой тўлаберғурларнинг кунлари ё бир саркор¹³ ва ё битта яримта олақарғахўжанинг¹⁴ ўчорининг кулини олиб ҳалигидек ўтилнинг тулагини тўқкучи инсон афт тўнрузнамо, мағзава маҳсим ўртоқларим бўлиб чиқдилар. Дарҳол ман қарор бердим:

Отингни сот, тўннингни сот шу иккининг бири бўл,
Бўлолмасанг аё бахтсиз бу кунингдан кўра унниқиб ўл!

Балки сиз: «Шу афти-ангоринг билан санга ҳам ҳеми?» деярсиз ва-

⁷ Ҳашпара — ҳашпора, бир пул, арзимас

⁸ Сиржиниш — таъибх, койиш

⁹ Капсан — кирмон кўтарилиганда камбагалларга бериладиган улуш

¹⁰ Чикитта, яъни ғаша вақтдаги Янги Иктиносид Сиёсатга мувоғик дехқонлардан олинадиган соликларга, демокчи.

¹¹ Еввойи чиқум — турли налог ва поралар

¹² Мўзабзаб — истиғ, бетайин

¹³ Саркор — хўжайин

¹⁴ Олақарға — келтинди

«Яғир эшагингни чух де!» деб куларсиз. Йўқ, ман бу ҳунардан энди ортиқ туйдим, бу сўзимни Мадикаримнинг олдида ҳам айтаман, Абди-каримнинг олдида ҳам. Модомики, маним мақсадимга замон мусоид экан ва замин бор экан ман нега умицисизланай?

Шул кеча кўрибман бир яхши туш
Бошимда жигам, қўлимда қуш!..

Сиз ҳозирга «кўжнорини кўпроқ ичибсан» дерсиз ва ҳолимга куларсиз. Аммо бир йилдан сўнг уйимга бир меҳмон бўлингиз-чи.

— Борища ўнг қўлда, келища чап қўлда шоҳона бир иморат. «Бу кимники?» — деб сўрасангиз албатта фақирнинг исмим тантана билан қироат қилинур, дарбозадан ичкарига кирсангиз бир гулзор, тўрда худда амири Бухоронинг аркидек олий, мутантан¹⁵ бир зол; бу маним сизнингдек гўсхўрларни қабул қилатурган меҳмонхонам, етти зина орқалиқ юқорига чиқсангиз олди ромлик кайвони¹⁶ айвон; лекин ҳозир бўлингиз, эсингизни йўқотиб қаршидағи ойнага тўқиниб пешонангизни қашқа қилиб қўйманг тағин! Бу ойнани Маскўв шаҳридан бир ошнам келтириб берган, баҳосини билмасам ҳам лекин қиммат, деб эшитдим. Буёқда киринг, буёқда; гиламнинг устидан, ҳа-ҳа-ҳа, гиламни босишга ҳайф кўрдингизми Тўрга, тўрга, ишкафнинг тегига!

— Янги ҳовли муборак бўлсин?!

— Кутлук, бўлсин!

Кўлингизни фотиҳага кўтарганингизда кўзингиз девордаги шу байтка тушар:

Замонимиз замон бўлсин,
Манманлари омон бўлсин!

Жулқунбой,

«Муштум» — 1925 йил, 2-сон.

«МИЛЛИЙ АШУЛАЧИМИЗ» ҚОРИ МУҲИДДИН ИТАЛИЯДАН ЎҚУБ ҚАЙТДИМИ?

Ўзбекистоннинг ҳаммасига маълумдирки, қори Муҳиддин ҳад-ҳисобсиз пул тўплаб Италияга кеткан эди.

Муҳаррирингиз бир ўзбекистонлик бўлғаним учун дунёнинг иссиқ совуқидан унча яхши хабарим йўқдир, биз ҳар нарсага ишонадирган ва ҳар бир оғанимиздан кўл ейдирган¹ бир миллатмиз.

Мана суруштирмасдан олган Муҳиддин қоримииздан ҳам қўл еганимиз бизга маълум бўлди.

Ҳар шаҳардан минг сўмлаб пул тўплаб бердук, «Муҳиддин қори кечаси» ясаб, таёқ билан² билет сотдирдик, Бухоро жумқуриятида ҳам таёқлаб тўпланган пуидан ташқари минг сўм ашрафи кўмак³ берилди.

¹⁵ Мутакатан — дантиллама

¹⁶ Кайвон — баланд

¹ Қўл ейиш алданиш.

² Таёқ билан — маълбуран, зўрлаб

³ Ашрафи — 19-аср охири, 20-аср бошларида муюмалада бўлган Эроннинг тилло танга пули, у Бухоро ва Туркистонда ҳам юрган.



У қаерда театру қўйса бино бепул, хизматчи бепул қилинди. Қандай қиласиз, бизда ҳалигача бир тузукрак ашулачи чиққани йўқ, эди, бунга мажбуран бўлса-да, ҳалқ ашулачиси ном бердик, ҳатто олий муассасаларимиз «Халқ ашулачиси» унвонини бериб, 17-нчи маъсул ишчилар ставкаси¹ билан ойлик белгиладилар. Ҳар шаҳар Муҳиддин қорининг Италияга кетиши шарафига хайрлашув кечалари қилиб ўтқазиди, ҳар қайси кечадан тушкан пул боши ёрилмасдан, кўзи чиқмасдан қори афандига берилиди, ниҳоят ҳалқ ашулачиси хайрлашиб, Италияга жўнади.

Камина ўқуш мақсади билан Московга келиб, узоқ фурсат юрганимдан кейин, кўчада Муҳиддин қорига ўхшаган, лекин Англия лордларича кийингаи бир кишини кўруб, одам одамга ўхшар экан, бу жудаям Муҳиддин қорига ўхшар экан, деб ўз йўлимга кетабердим, ишониш ҳам мумкин эмас эди, чунки кўриниш жуда бошқа, бошида американча шлала, кўлида фил тишидан зийнатлаган таёқ, кийим-бош жудаям қулуңг ўргулсан. Илакчага билакчасини ўтказган, бошдан-оёқ илакка ўралған бир мадам!

Ётотқлонага келиб бир ўртоғимдан сўрадим: бу Муҳиддин қоримиз Италияга кеткан эди. Мен шу бутун худда Муҳиддин қорига ўхшаш бир Ёвропо бойбачасини кўрдим, деганим он, ўртоғим шақиллаб кулиб юборди. Деди: «Муҳиддин қори апирист, қандини урсун, ҳукуматни алдади ва ўзбек ҳалқини гўсхўр қилиб Московда тараласини тортиб юрибдир. Ўша акам худда миллий ашулачимизнинг ўзгиналаридир. Ишонмасанг яна ўша бойбачча дуч келганда орқасидан эргашиб боргин, қандай воқиъаларни кўрасан», деди. Яна бир кун ўқущдан келиб турганимда дуркин ҳалқнинг ичида ҳалиги бойбаччани кўруб, кейинидан Асҳоби қаҳф итидек² эргашибдим. Бордилар Московнинг машҳур бир рестўранига, палтоларини ешиб кирдилар ичкарига, камина нима қиласин, ичкарига кириш учун мулламиржиринг керак, ҳеч ўйлаб ўлтурмасдан миллатнинг шунча пули қори афанди учун барбод бўлғанда, бизнинг ҳам элчихонадан ёрдам тариқасида олған пулимиздан биринки сўмига чой ичиб чиқсақ чиқибмизда, деб бевосита камина ҳам жулдур палтони қозиқقا илиб, оёғдан шолб этиб калушни чиқариб ичкарига кирдик. Ҳайҳот, ёриқ дунёнинг жаннати!

Қори афанди мадам билан илгаридан заказ берган усталлари бўлса керак, бориб ўлтурдилар. Қори усталига яқин, бироқ аҳамиятсизгина бир ўрунга бориб ўлтуриб, бир истакан чой чақириб, китоб мутолаасига киришдим. Китоб мутолааси қаёқда дейсиз, кўз, диққат қори афанди усталида эди. Румкалар урущди. Шунда ҳам бунинг Муҳиддин қори эканига ишонмайман, мадамга кайф орасида Ўзбекистонни мактабан вақтида дағал бир ўрусча сўзлаганидан кейин, бу кишининг

¹ Олий дарражадаги иш ҳаки.

² Асҳоби қаҳф ити — ривоят қилишларича, бир гурӯҳ авлиёлар золим зулмидан қочиб қаҳфга — юрга кириб яширинадилар. Шунда бир ит ҳам ҳайдашларига қарамай садобалар ортидан бориб юрга киради ва улар билан бирга ҳалок бўләди. Шу йўсин ит гўё «инсон» каторига киради.

Мұхиддин қори әканиға жазм құлдым ва шу он Туркистанда бунинг шарафига ясалған кечалар, түпланған оқчалар, театруда қорининг сурати сотишиб турғанда бир мүйсапид өзінің қызыбы кетиб «яшасин үқувчиларимиз, яшасин миллий ашулачимиз, четка бориб үқур әкан, қориға жонимиз, молимизни фидо қыламиз», дегани күз олдимдан бирма-бир сағ торғиб үтаверди. Иккі соатча базм давом этди, бизнинг ҳам чой, нонимиз иккі-уч сүмга яқынлаша борди. Миллий ашулачимиз урди усталған, келди хизматчи, бир қатор червон узатди, мадам билан гандираклашиб чиқдилар кийимхонага, кийдилар палтони. Хизматчига «на чай» беріб чиқдилар эшикка, миндилар автомобилде, кетдилар хоҳлаған жойларға. Биз бұлсақ сарф қылған иккі сүм элли тиін ҳасратида мушшайиб, оёқ автомобилиға сувора бўлиб келдимиз ётқыншынан!

Үқувчи учун иккі сүм элли тиін эмас, йигирма тиін ҳам катта бир нарсадир.

Масков талабаларидан: Мулла Эшонбой.

«Муштум» — Мулла Эшонбайнинг бизга Мұхиддин қори үстигаги мағжығынан худда «Муштум» сақиғасыда ўн сақиға бўлар эди, биз шуни миллий «ашулачимиз» хурматига қўлдан келганча қисқартиб босдиқ,

«Муштум» — 1925 йил, 10-сон.

«СУЗУК ОТА» ХЎЖАЛАР ЖУМҲУРИЯТИ. ЯНГИ ТАЪИИНЛАР:

«Муштум»нинг қайси бир сонида «Сузук ота» хўжалар жумҳурияты»нинг тузилиши ва бошқа хусусларида ёзилиб ўткан зди. Журнални батартиб ўқуб борувчиларға маълум бўлса керак!

Мана шу жумҳуриятда муҳим-муҳим ўринларга кишилар белгиланди.

Жумҳуриятнинг бошлиғи «Сузук ота»даги машҳур бир эшон бўлғанинг учун шу ердаги масжиғднинг неча йил и қадрдан имомини ўриндан бекор қилиб, ният қилишин¹ билмайдурған ўзларининг ўғилларини имом белгиладилар.

Сўфи ўзларининг хусули хос' итлари бўлғанилиғидан ўз ўрнида қолдирилди. Ақли овар² бўлиб намозхон коммунистлардан бирининг отаси ўтди.

Жумҳуриятни, айниқса ҳасти³ эшонни теваракдаги душманлардан сақлаб туриш вазифасига ўз маҳаллаларида бўлған муттаҳам бир қиморбозни интихоб⁴ қилинди. Ҳар ким шу янги жумҳурият кўчасидан вақти бевақт ўтса пропуска сўрамай илиғидан оладир.

¹ Ният қилиш — намозни бошлашдан олдин арабча еки форсча ният дуоси ўқилади. Масалан: ният кардан би гузорам ду ракаат фэрзи намози бомдод... каби, ният қилинмаса намоз дуруст бўлмайди

² Хустули хос' — ўзлари етиштирган

³ Ақли овар — ақл беріб турувчи, ўргатувчи

⁴ Ҳасти — ҳазрати

⁵ Интихоб — сайлаш



Бундан бўлак бир қанча ўринларга киши белгилаш кичик президиумнинг ихтиёрига қолдирилиб мажлис ёпилди.

Мухбир «Ж»

«Муштум»: — Нима бало, ўзинг ҳам намозхонми?

Ният билгани қайси шаҳарни олиб берадир, билмагандага қайси шаҳарни, имомгарчилликка иш ҳам ярайдир, қуш ҳам, қайси бир имомнинг тузукрак саводи бор, жоним!

Муштум — 1925 йил, 11-сон.

ЁЗИШҒУЧИЛАРИМИЗҒА

«Муштум» ўзининг ёзишғучиларининг самимиятини, дардини яхши биладир. Чунки дард бўлмаса, самимият бўлмаса, биз подачини қўлида калтаги билан кўрмас эдик.

Биз бу ўринда шу самимиий йўлдошларимизға, қўлдошларимизға бир-икки оғиз гап сотмоқчи бўламиш: сиз бир мұхитда яшайсиз; яъни қишлоқда, шаҳарда ёки кўида¹. Шу ўзингиз яшаган мұхитда шубҳасиз дағаллик бор, кўполлик бор, қинғирлик бор ва қийшиқлик бор. Шу аносиро арбаъадан- қайси бўлса бўлсин мутақиб² сизнинг ижтимоий руҳингизга ўзининг чучмал таъсирини бермай ва нафратингизни уйғотмай кўймайдир. Албатта шу вақт «Муштум»ни жўплаб қўлингизға қалам оласиз. Аммо шу қалам олишдан илгари бир мунча андиша лозимдир, шошмаслик керақдир. «Шошкан қиз эрга ёлчимас», мақолини балки эшитканингиз бордир. Ўн карра ўлчаб бир мартаба кесмак яхши: 1) Сиз олган мавзуънинг ижтимоий ва сиёсий манфаати; 2) Қош кўйиб, эвазига кўз чиқармайсизми; 3) Масала замирауда шахсий манфаатингиз, яъни олди-берди жанжалингиз йўқми ва бошқалардан таъминотингиз бўлиши керак. Бу жиҳатдан қаноатингиз том бўлса, энди навбат қаламницидир.

Яхши билиш керакким, қалам ўқлоги ва матбуот кетмон бозори эмас. Йўсунсиз равишда хотирга келган ҳар бир сўздан жумлалар тўқимоқ фазилат санаалмайдир. Сўз қолиб, фикр унинг ичига қўйилған гишт бўлсин, кўбчилик хумдонидан пишиб чиқлач янги ҳаёт айвонига асос бўлиб ётсин!

Кулги журналида иштирок қилиш бир оз назокат талаб қиласадир. Чунки сизни нафратландирган, истеҳзоландирган масала ёки шахсни ўз ҳаётидан, ўз хусусиятидан олиб кулги ҳолиға қўйишингиз керак. Яъни сиз бу кулгуликни ясаған бўлиб кўринманг, балки ўзи ясалган бўлсин. Ўз ҳолини ўзи арз қиссин. Токи ўқугучингизгина эмас, ҳатто кулгига қолган рақибингизни ўзи ҳам чорасиз сиз билан биргалашиб кулишмакка мажбур бўлсин.

Адабиётда бир неча хил кулги йўллари бўлса ҳам (масалан: пичинг,

¹ Кўй — кўча.

² Аносиро арбаъа — тўрт унсур: ер, сув, ҳаво, ўт.

³ Мутақиб — кетма-кет.

кесатиш, киноя, тарофул⁴ ва бошқалар...) лекин энг мұльтабари харakter күлгисидирким, юқорида айтиб үтдік, аммо бунда қүйидағи шарттарнинг топилиши керак:

1) Қаҳрамоннинг харakteri (яни сизнинг олған масаланғызында) — ёки кишиңгизнинг үзидегін топылған табиъат), ~~масалан~~ сүз иш феъл ва...

2) Шу харakterистика ичидан сиз бермакчи бўлған маъно ёки ибратнинг ўз-ўзидан томиб туриши;

3) Шу икки турлик нарса ичидан истехゾ ёки хо-хо-хо моддаси-нинг табиъий суратда келиб чиқиши.

Бу ўринда масала яхши оиглашилсин учун бир мисол берайлик: Тошпўлад ака маҳалла камисиясидан ўз таъбирича бир қийиғ қоғоз оладир-да, сўйиниб кетадир. «Ха, дедим, пошшоликка энди йигит керак бўлтими, дедим» дейдир. Таҳдил қиласақ бунда кўрамиз:

а) Тошпўлад тажангнинг ўз иборати — сўз харakteri (кўринишдан);

б) Тошпўладнинг оч қолиб пошшоликдан иш кутиши (маънодан);

ж) Ҳолбуки бу қийиғ қоғоз билан уни ишка чақирилмайдир, балки ундан беш сўм налўқ олинмоқчи (кулки).

Сўз сўйлашда ва улардан жумла тузишда узоқ андиша керак, ёзгучининг ўзигина тушуниб бошқаларнинг тушунмаслиги катта айб. Асли ёзгучилик, айтмакчи бўлган фикрни ҳаммага баробар онглата билишда, орага онглашилмовчилик солмаслиқдадир. Мундан бошқа, фикрнинг ифодаси хизматига ярамаган сўз ва жумлаларга ёзувда асло ўрун берилмаслиги лозим. Шундагина идоранинг тузатиб босишига йўл қўймаган ва мустақил услуб ва ифодага эга бўлиб ўзингизнинг қаламдаги истиқболингизни таъмин қилған бўлурсиз. Кишига ишониш ва бехуда кучаниш маъқул гап эмас, биравга орқа қилиб ўзингизда бўлған талантнинг руҳига фотиҳа ўқуй кўрмангиз! Бир соатда эмас, ўн соатда ёзиш, бир қайта эмас, ўн қайта тузатиш кишининг ёрдамиға термулишкага қарағанда ҳам фойдалик, ҳам умидликдир.

Мундан сўнг «Муштум»ни кичкина қилиб чиқариладир. Аммо сиз сифмай қолишидан қўрқмай ёзғанларингизни бизга йўллай берингиз Ёзишфучи сўфиларимизда ҳунар бўлса хонақоҳ ҳеч бир вақт торлик қильмас. «Муштум» эскича ўғрилик, жаҳолат, залолат ва ғайрилар билан курашини давом этдирадир. Бироқ мундан сўнг ул тилга, санъатка, адабка риоясини том қилиб қўлидан келганча ёш талантларни шу доирада ўсдиришка тиришадир.

Ўртоқларига хурмат билан: «Муштум» идораси.

1925 йил, 17-сон.

⁴ Тарофул — билиб билмасликка олиш.

ТОШКАНД ФИРҚА КАНФЕРЕНСИЯСИНИ ТОМДАН КҮРДИМ

(Хотира)

Овсарлигим асар қилиб бирорта мандатнинг иложини қилоамалим Часавойларға ялиниб-ёлборган эдим: «Канференсиянинг эшиги жинилар учун очиқ эмас!» жавобини бердилар. Овсарлигим учун ахир, саккиз йиллик истажим бор, десам ҳам қулоқ солғучи бўлмади Шундан кейин аччиғим билан мадрасанинг томига чиқдим.

Канференсияда катта одамлар кўб экан. Ўзимнинг бирга ёнгоқ ўйнаған ўртоқларимдан Ақмал фирром¹ — (ўйинда жой отмас эди). Тош тегирмончининг ўғли (ўзининг оти эсимдан чиқибdir, дадаси раҳматлик менга татти нордон² берар эди), Алимбой акамнинг ўғли — Комил читр³ (ўзи қўқи⁴ ошиқни яхши кўрар эди), Бурнаш абзи, Исмат новвой (ноннинг зуваласини кичик узиб ўзини қиммат сотар эди). Турғин бўзчи ва бошқалар ҳам кўринди. Бу тентаклар мандатни қаёғдан олди, деб оғзим очилиб қолибdir.

Мен томга чиқсанда ҳамма одамлар қулоқларини шолволлатиб музыка эшитар эканлар, юқорида ўлтурган каттакон одамнинг олдида кумишга ўхшаган ўрис қўнғуроқни кўрдим. Комил читрнинг жони ичига сифмай чевиртқадек сакрай берган эди, ҳалиги кумишга ўхшаган қўнғуроқ, чинғир-чинғир қилиб Тошмат тегирмончининг ўғли «тартиб!» деб бўкирди. Ҳамма бўйинни ичига олиб жимгина мўлтиллашиб қолди.

Бир вақт қарасам, қизил устолнинг ёнида ҳалиги Ақмал фирром... дунёйи олами чавак босди. Мен, чуғурчиқ келдими, деб кўкка қарамадим.

Кудратингдан кетай, худо! Бу анови ўзим кўрган Ақмал мишиқи эмас: худда грамафўнчи — булбул бўлиб сайрайди! Гапининг мазмунини олиб кўрсам... ахир, ўз умрингизда қаймоқ еганингиз борми? Бўлса мен ҳам томда ўлтуриб баррадек нон билан қаймоқ едим. Болалиси тушкир, ишчи-дехқоннинг эгилиги⁵ нима билан бўладурган бўлса ҳаммасини ҳам бирма-бир ипка чизди, дунёда сира гап қолмади.

Кенг ерларда яйраб ётқан тўнғиз тароқларни⁶ шу яқин фурсатларда ва саъид соатларда бадбахтнинг чўлига⁷ томон гала-гала ҳайдалишларини айтди⁸, Фирқа гулзорига янгиш кириб қоған яғир эшакларнинг қулоғи кесилиб тегирмончиға топширилғанларини ҳам сўзлади:

Ўзбекистон КП МКнинг частьул секретари Ақмал Икромов назарда тутиляпти.

Татти нордон — манпаси (муал.)

¹ Комиљон Алимов — «Қизил Ўзбекистон» газетасининг бош мухаррири.

² Қўқи ошиқ — (муал.) эчки, кўзичоқнинг ошиғи.

³ Этилц — яхшилик.

⁴ Тўнғиз тароқ — төғ-адирларда ўсадиган бир ҳил ўсимлик.

Бадбахтнинг чўли — Қозоғистоннинг жанубидаги «Бадбахт чўли», у ҳозир ҳам ўлик ҳолдадир.

⁵ 1921—1922 йилларда Туркистонда ўтказилган ер-сув ислоҳоти даврида ўлкага келиб ўрнашган жуда кўп рус заминдорларининг ерларидан бир қисми мусодара қилинган эди. Ислоҳотнинг иккинчи босқичи эса 1925 йил декабр ойидан бошланган эди, муаллиф шу вожеаларга ишора қиляпти.



кейинги «сурги»дан сўнг фирманинг ичи тузалиб шифоёб бўлғанини ҳам гапурди⁹. Шу ҳикматлик гаплар ичида: «яна бир вазифамиз, ўзимизда етишкан ҳоммолларни ўз жойимизда ишлатмак учун корхоналар очиш!» деб юбормасинми? — Ҳаҳ, — дедим, — тилингни чиқар, Акмалжон, дедим; Кўктеракка солинмоқчи бўлғон чит фабрикони энди битар экан, дедим. Йилига йигирма тўрт ой бекорчиликдан қўли қавариб, очлиқдан ҳамёза тортқан шаҳар ишчисининг мундан сўнг егани мой экан, дедим. Йилдан-йилга ўлгали жой, эккали ер тополмай оёғи ерда, кетмони кўкда қолған дехқонбойлар ҳам «энди дунёга келдик» деяр эканлар, дедим¹⁰.

Хулласки, ўртоғим мулла Акмалжон нуқул менга пором¹¹ келатурган гаплардан сўзлар эди. Мен қуёшда жилинған бақадек, отқа қоққан тақадек унинг оғзига тикилган эдим. Бора-бора вужудимда бир роҳат сезиб секингина ёнбошладим. Эшита-эшита томнинг лабига чўзилдим...

Кўзимни очсан, ҳамма қоп-қоронғи, мадраса тип-тинч. Бидимки, бояғи роҳатда кўзим илинған ва шу орада бу кунги мажлисни ёпиб жўнаған эканлар.

Овсар,

«Муштум» — 1925 йил, 18-сон.

САККИЗ ИИЛ

Бу кун Ўкрабринг саккиз ёши. Томда ногора, белда зорора. Майли: қўисин ногорасини, урсин зогорасини!

Ўкрабринг ёши саккизга етти: бир туккуз кўинак, икки тўқкуз гайрат ва уч тўқкуз ҳиммат керак, деб қатта-қичикнинг оғзида карнак!

Майли: олдиға ўғул кўйған ота-онанинг мундан бошқа нима қайфуси бўлсин? Тортабер карнайингни!

Кечагина: тукдан болангнинг оғзи сўлак, эрта-индин лави лунжи икки бўлак, деб томда юрган мағриб сатанглари бу кун Ўкрабрчага қизларини бериб қудалашмоқчи эмишлар.

— Шотини тикланг, томдан түшсинлар!

Қизил шоирлардан биттаси:

Ўкрабрча ўсадир,
Ёв ўйини тўсадир;
Асовланған эшакнинг
Кулоғини кесадир! — деб байт гўқингти.

Кулоғинигина эмас, менга қолса думини ҳам кесиш керак.

⁹ «Сурги» — чистка, партияни тозалаш компанияси.

¹⁰ 1925 йилларда ишсиълар сони Ўрта Осиёда 28 мингдан ошганларини ахборотномалар хабар беради.

¹¹ Пором — маъкул.

Ўткан кун танишлардан биттаси кейинига чиганиб¹ туриб ўзимизнинг ҳангамалардан сўз очадир:

— Кўр Саъди билан Кал Файзининг саккиз йиллик умри ёқалашмоқ билан ўтти, биз томоша қилдиқ! — дейди.

— Бали! — дедим.

— Ишчи иситма, дехқон безгак эди; бунга ҳам биз шоҳид! — дейди.

— Кўргулик! — дедим.

— Қишлоқнинг ҳаммаси, шаҳарнинг барчаси саводсиз! — дейди.

— Жаҳд хирмонингизга барака! — дедим.

— Қишлоқлар вайрон, шаҳарлар хароб! — деб, оҳ уради

— Сиз бойқуш эмишсиз! — дедим.

— Кўр Саъди ҳамма ғайратини хотинга, Кал Файзи червонга берди. Чунки ғояи омол чўнчак ва бурчакдан мутасаввар² эди! — дегач, ер тепиниб қаҳру-ғазаб сочади: — Лаънат ул тўдаи бетавфиқларгаким, ишчи-дехқон ҳолига сўқир кўзларидан қатра нам тўқмадилар; ҳайф ул Фирқаи мансабпаст мажнунларгаким, кўзлари устоддан бошқани илғамади ва Ўқтабрнинг руҳларга ижтимоий ларzon бериб эскан шамоли ҳам ул рўкаш³ виждонларни тўлғамади⁴ — дейди.

Мен:

— Шоирона ҳаёлингдаги шу ҳақиқатларни кўрмакчи бўлсанг ҳозир турмаларга кириб чиқ! — дедим⁵.

Шу шоир танишимнинг айтишича, бу ҳол саккиз йиллик достонимизнинг чучмал саҳифаларидан бир кўриниш эмиш, истиқбол учун унинг фикрини сўраған эдим:

Ўқтабрча ўсадир,
Ёв йўлини тўсадир,
Чўнчакпаст жонларнинг
Кулорини кесадир! — жавобини берди.

Мирза соврин,
«Муштум» — 1925 йил, 19—20-сон.

АИ, ХУДАЙ УРҒАНЛАР

— Бачимаъни ер ислоҳот?¹ — деб маҳдум почча сўрайди. Мухотабким², қуи масжииднинг имоми мулла Тошохунд эрдилар. Мадрасада ўқулған калом ва мантиқ баҳсларини хотирлаб кўзлари юмиқ ҳолда марҳамат қиладиларким:

— Ислоҳул арз.. мунбит кардани замин³, яъни ўзбаки ерни ислоҳ!

Чирланмоқ — тисланмоқ, қўрқмоқ.

Мутасаввар — тасвиранган.

¹ Рўкаш — усти яътироқ, ичи қалтироқ (муал).

² Тўлғамоқ — таъсир қилмоқ, ҳор қилмоқ.

Яхшилар турмага қамалиб, емонлар инқиlobга сотилиб кетди, демокчи муаллиф.

³ Ер ислоҳотининг маъноси нима?

⁴ Мухотаб — эшитувчи.

⁵ Ерга ишлов бериш .. ерни серҳосил қилиш.

Мулла Тошохундким, латифа ва азкияда мадрасанинг пешвоси эрдилар. Маҳдум поччанинг «лонусаллим»га⁴ ҳозирланғанини сезиб, мутояба тариқасида яна марҳамат буюрдиларким:

— Чиғатой гурунгининг модари лисонида:⁵ ерни гүнглаш, яъни гүнгни ер — хих, хих, хих...

«Лонусаллим»ни унутиб, маҳдум почча ҳам кулгига иштирок қилди.

111

Жаҳли басит⁶ иззатмандаридан икки пешвонинг масжид жиловхонасида таппилашларидан бу бир намуна. Аммо «ер ислоҳоти» тӯғрисида қишлоқ мулқдорларидан Сотимдовнинг фикрини билмакчи бўлсангиз яна ўзга томоша:

- Ассиламалайкум! — дейди агар Сотимдовга учрашиб қолсангиз.
- Ваалаикум ассилам! — дейсиз.
- Бола-чақа совми?
- Сов. Ўзингиздан сўрасақ?

Бу сўроққа Сотимдов жавоб бермайди-да, қўйнидан бир қанча латта-пугтага ўралган уч қадоқ чамаси бўғжомани олади. Сиз мундан биласизки Сотимдовнинг совлири жўқ.

— Аслида бободан қаған жер 25 тенаб; васиқаси монов! — деб бўғжома ичидан бир қорозни сугуриб сизга кўрсатади. Аммо сиз гапка тушунмай Сотимдовнинг оғзига қараб онграйасиз.

— Раҳметлик атам, — дейди Сотимдов, — қистовга⁷ ақсақал бўғандада Карим бўқақнинг балаларидан ўттуз тенаб жерни нақт ақчага сатиб аған, васиқаси нақ ўсы чиқар! — деб яна бир қоғазни олади; — Монови бўлса бобой вақтида жанжелга кирган Тас сўғининг жерига, атанинг файдасига деб сут ҳукм қиран. Сиз ўрус жазувини биласиз-йўй?! Буси Азим кененинг⁸ метрукаси⁹ арага тусканда берасалар¹⁰ бир батман жерни ўз иқтиярларимен атага тексимиона, деб қат¹¹ қиғанлар! Моновлар ата марҳум бўлуб, ўзим жерларни қамраҳаним сўнг журт балаларидан бирда-иҳида нақт пулга қард¹² қиранмен. Бўған эчкимнинг сўз айтаси жўқ!³ — деб Сотимдов йигирма-ўттуз васиқаларни битта-битта тарихлари билан сизга уқлириб чиқадирда:

— Жигит дейман-ов! Буларингди болсобойинг кўрса аттенга айтиб қолар-ов?! — дейдир.

— Албетта! — дейсиз.

⁴ Лонусаллим — таслим бўлмаслик.

⁵ Чиғатой гурунги — йигирманчи асрнинг 20-йиларида вужудга келган ўзбек зиёлиларининг ташкилоти. Бу ташкилот низомига кўра ўзбек тилини бегона сўзлардан тозалаш мақсадини ҳам қўйган эди.

⁶ Жаҳли басит — ўта иодон.

⁷ Қистов — жойноми.

⁸ Кене — кана (муал.)

⁹ Метрука — гувоҳнома.

¹⁰ Берасалар — ворислар.

¹¹ Қат — ҳат

¹² Қард — ҳарид

Ҳеч ким ҳеч нарса деслмайди.

— Жер айланиб¹⁴ теқсемшиларинг жетиб қолғудек күрінса¹⁵ айтиб күйған¹⁶ бес-үн тенга незримиз ҳам жүқ, эмас-ов, жигит! — деб Сотимдов васиқаларни йиғиб, қайтадан күйніра тиқадир ва сиздан жүялиқ гап әшитиб тамом хатиржамъ бўлған ҳолда ўз йўлиға кетадир.

Сотимдов, албатта Ибраим бўқага қараганда содда Бунда шубҳа йўқ. Албатта буниси пих ёрган, ер ислоҳоти эълон қилинғандан берига энг ози ўн беш қадоқ қовжиради. Битта яримта ҳол сўрағанга: «Ичим оврий» ёки «Беззегим услади» деб жавоб беради. Худой кўрсатмасин уч жуз тенаб жер тексимга кириб қолса борми, ҳаммангиз ёппасига Ибраим бўқанинг жанозасига!

Ибраим бўқани пих ёрган деган эдик. Чунки ул юқорида биз кўрган Сотимдовдек ҳар кимга васиқа пеш қилиб юрмайдир. Балки, қишлоқ ерсизларининг ёниға бориб секингтина даромад қиладир.¹⁷

— Қосим томир-ов, ишлар чеппағўй!

Тошимбой гапка эътиборсиз «қиরт-қиরт» қилиб этини қашийдир. Умартоz носини туфлаб сўрайдир.

— Чеппаси не?

— Гезитда ўқудим! — дейди бўқа — … ҳукумат, жер мужукка, деб жарлик¹⁸ чиқарған!

Умартоz Тошимга қарайдир. Тошим бўлса энди қашинишдан ўтиб бит ўлдириш билан овора

Сўз навбати яна бўқанинг ўзига:

— Мен ўйлаған эдим, жер беттарин¹⁹ мужукка бўғандан ўз томиримизга қолсин, деб, ақчаси бўлса-жаз бар, қис бар, дегандек… ўз томиримизсиғўй! — дейдир.

Тошимбой жавоб ўрнига оғзини дўпидек қилиб очиб юборадир. Умартоz бўлса шу тобда ҳўкуз ҳайдаб келган Султон жигит билан совлиқ сўрашиб, Ибраи бўқадан бир неча одим узоқлашадир. Бу ҳолдан тамом ёрилиш даражасига еткан бизнинг бўқамиз бўлса:

— Ай, худай урғанлар! Болсебоймен барингиз серик²⁰ чиқарсиз-ов! — деб ичдангина ёнадир-да, қўргонира қайтадир²¹.

Думбул,

«Муштум» — 1925 йил, 19—20-сон.

¹⁴ Жер айланиб — ыамон айланиб (муал.)

Жетиб қолғудек күрінса — келиб қолса.

¹⁵ Айтиб кўйған — атаб кўйган.

¹⁶ Даромад қиммоқ — гап бошламоқ.

¹⁷ Жарлик-ёрлик.

¹⁸ Беттарин — баттарин (муал.)

²⁰ Серик — шерик.

Мулла Тошохунд ер ислоҳотининг устидан кулар эди-ю, лекин аслида бу ислоҳот Туркистон халқининг повидан олганига фаҳми етмас эди. Большевиклар «ҳарбий коммунист»ни тұхтатиб. Янги Иқтисодий Сиёсатни жорий эта бошладылар. Бу сиёсатта кўра, ер-сув ислоҳоти Туркистонда ҳам уч босқында 1921—1922; 1925—1929; 1929—1936 йилларда ұтказылды. 1—2 босқында вакф ерлар ва бир қисм катта, ўрта ер әгаларининг ерлари тортиб олинниб, әгалари қулоқ қилинди, дастлабки колхоз-совхозлар тузилди, ерсиз деҳқонларга ер ижара берилди. Айникса пахтакор деҳқонларга катта имтиёзлар берилди, большевиклар Чор ҳокимиятидан кўра жуда кент

ЭЧКИНИНГ ОТИ АБДИКАРИМ

Кўйнинг косасини оқартириш эбида, аммо эчкининг оти Абдикарим¹.

Ани чўллаған кезда бир бечора сув келтирди. Худа ичиб турған пайтда битта нахс кўвачани синдириди. Оғзи қийшиқ бўлса ҳам бойвачча гапирсинг. Янги чиқсан жимжималик ҳақиқатка қарағанда яна ўша жанаңники мәъқул!

Домлаларча айтсак, фалак қажрафтор², ҳақиқат сўқир ва маҳтовлиқ сигирлари қисир эмиш. Зеро шу хумса фалакни уч кунгина ўзинг синаған йўргасида кўрганинг борми? Ахтахонангга қантарған арғумоқингнинг тезагидан бошқа нимасига эга бўлдинг? Ҳақиқат сўқир бўлмаса нега унга битта харидор чиқмабдир? Ана шу тўғриларда ҳам бир ўйлаб боқ, хонавайрон!

Тузик, сен яхши ният билан тариқ экасан ва устига сувлар сепасан. Натижা?

— Уйи куйсин натижанинг, боласи ўлсин, бурнига ел тушкан ҳақиқатнинг. Кўнгил айнайдир.

Бу элнинг неси кўб? Чўталчиси ёки бўталчиси. Айтиш уят, аммо айтмаслик номус. Қўлдан бир иш келиши гумон, бироқ иштаҳа карнай! Дармон йўқ ва лекин юракнинг қора бурчакини обод қилған бир армон бор.

Нима қилсан бечора?

— Туф!

Ичиб турған ошингта бир муфси³ томонидан шу меҳрибончилик. Товоқ-қошиққа ит тегди. Ош ихтиёрингдан кетти.

Тошпўлад ака. «Сўзимнинг тариқча гидирини топсанг худойға сол!» деб онд ичадир. Шунга ухашаш сўзимдан зигирча гидир топсанг мени ҳам ўша товоқ-қошиққа теккучининг ёнига боғла!

Анови саккиз йиллик гапларни возеъи вазъ қилғандა албатта маинови кўриб турганинг шисмиқларни йўқотишқа буюрган. Бироқ биз,

чиқесда пахта монополиясини көргиза бошлади. Бозорга рухсат берилди... «Харбии коммунизм»—да оч-яланюн қолган ҳалқ ўзини бироз тикиди. Ўрта дол дехқонлар кўлпайди.

З-босқичда эса барча ерлар ялписига колектив хўжаликларга бирлаштирилди, оз қоллап катта ер этлари, айникса энди Я.И.С. туфайли пайдо бўлган минг-минглаб ўрта дол дехқонлар ишончсиз синф сифатида қулоқ қилинди, мол-мулки мусодара қилинди. Аслида узокни ўйлаб режа қилинган Я.И.С.нинг моҳияти ишчилар диктатурасига дехқонларни иқтисодий-роявий боблаш ёди, коллективаштириш эса қишлоқ хўжалигига хусусий мулкни тутатиб, давлат монополиясини ўрнатиши ёди. Мана шу зўрлик билан, босқичнилик билан олиб борилётган совет сиёсатига чула Тоштохунда. Сотимдов ичиди норози, карши.. лекин овоз чиқарган ҳар қандай шахста аевсиз равишни «аксилингилобчи» тарраси қўйилиб турған бир паллада муаллиф — иложсиз холда худой урган томошибини бу ҳалиқни нозиги бир алабий услубда танқид қилиб ўтган ёди.

¹ Утмишда Абдикарим исмий қассоб харидорларни алдаб эчки гўштини қўй гўштига аралаштириб сотар икан. Буни харидорлар билиб қолиб, бошқа қассобдан гўшт оллёттаниларида «Бу Абдикаримни гўшти ўчасми, эчкининг оти Абдикаримчи?» деб сўрар тканлар. Жумлада чуаллиф ўзбек ҳалди рўшинолик кўриши мумкин, лекин ҳукумат тепасида ёлончи, фирибгар Абдикаримлар ўтирибти, доб киноя қилиб ўтпили.

² Жанаң — тезак

³ Қажрафтор — тескари, иғри юрувчи.

⁴ Муфси³ — фасодчи, бузуучи.

⁵ Возеъи вазъ қилин — асосчиси асос соглан.

айниңса биз, ҳамон шу чандирлардан қутылаолмаймиз. Бу иғво тұраларидан билемдімкі, қачон супургини тозалармиз⁶.

Бахархөл узун сүзнинг қисқаси, мұхим идораларимиздан биттаси идорачилар айтканча үзгариб, әшаклар яйловға чиқди ва идорасизлардан биттаси чиппакка кетди.

Мақсад онглашилмаған бўлса сўзимизнинг шираси кейинги аравада. Худо илҳомчингиз. Бираҳматика ва фазлика ва қарамика ё архамар-роҳимин⁷.

Овсар,
«Муштум» — 1925 йил, 21-сон.

БИР ЙИЛ

(Жигдий)

Үйчи үйини битирғунча, ишчи ишини қип қўяди, депти боболар. Шунга ўхшаш «Иттиҳоди ислом» ва «Иттиҳоди турк» деб жовраб, бошини қовуштируса оёғига ҳайрон бўлиб юрган аҳли иттиҳодлар¹ истиҳорадан² бош кўтаргач кўрдиларким, арава лайлак! Лаҳавла валақувватга ўқилди ва оҳистагина савол берилди:

— Бу нима деган гап? Худоё тавба: қозори ўз оддига хон, тожики ўз бошига султон, ўзбеги ўз жўнига³ бек! Бас, бизнинг иттиҳоди фалон отлиқ сассиқпопишагимиз⁴ қани? Бу жоноворнинг қанот-қуйруғини қайси уиинг куйгур мутади ва уйимизга ким ўт қўяди?

Қопини йўқотқанларнинг ишини қип қўйған албатта биз эдик Зеро кўкармаган дараҳтни албатта кесиши ва ўрнига янгисини экиш керак эди. «Иттиҳоди фалон» деб, дўконига вивиска қоққан бу бенаволар⁵ юз йиллардан бери кўбчиликка қуриған ариғдан сув боришлиб, шамолдан луқма берар эдилар. Байи бу дунё, пули оҳират бўлған бу «иттиҳод» хўлелари⁶ ҳудда ваҳиманинг онаси ва лофнинг айни bemазаси эди.

Шубҳа йўқким, ўша «иттиҳод» жиннилари бу кун ҳам бизга бурчак-бурчакдан фисқ, отарлар:

«Миллатларни қирқ тўққузга бўлиб, ўзбошимчалиқ кўйига солдингиз ва дард деса куйдирги айтадиган қилдингиз», — деярлар. Ушбу бурчак иттиҳодчилариға бизнинг берадирган жавобимиз бир: «Биз

¹ В. И. Ленин Туркистон М. И. Кни эгаллаб турган миллатчи коммунист русларни маҳаллий коммунистларнинг шикояти билан бир неча марта Русяяга ҷақыриб олиб, ўрнига бошқаларни юборган эди. Бу писмиклар бу ерга келиб энг катта, энг хавфли сиёсий иғволардан бири — маҳаллий ҳалқлар орасида ўзаро миллатчилик иғволарини тарқаттан эдилар, муаллиф шунга ишора қиляпти.

² Раджат ва фазлу қараманинг бирла эй раҳм қылғувчиларнинг раҳмлироғи (дуо)

³ Иттиҳод — иттиҳод

⁴ Истижора намози — ухлащлан олдин бирон ният қилиб истижора намози ўқиб ёғилса, жавобини Оллоқ қишининг тушида аен қилас экан, Оллоҳдан илҳом сўраш.

⁵ Жўнига — ҳақида, тўғрисида

⁶ Сассиқпопишак — Худхуд (муаллиф)

⁷ Бенаво — фақир, қашшоқ (ғоявии)

⁸ Хўле — ҳомлайл

ҳақиқатни ҳаётдан олдик. Ҳаммадан илгари шахс ўзини танисин, сўнгра бошқани! Зеро, «ўзини билмаган ўзгани билмас», сўзи турмуш онасининг дард чекиб туққан тўнгич ўғлидир. Биз миллатларни озод ўсдиргач, доираси ғоят тор булған, иттиҳоди ислом ва ё туркгина эмас. балки бутун дунё меҳнаткаш ва дехқонлари иттиҳоди; энг авжидаги бутун дунё инсонлари иттиҳоди вужудга келтирамиз!»

Озод Ўзбекистоннинг бир йиллик тўнида орамиздари ўзбек, тожик ва қозоқлик иғволарини алангалатиб юрган дуварак одамларни йўқотмоқ қасамини ичайлик.

Шилрай,

«Муштум» — 1925 йил, 22-сон.

ҲАР КИМДАН АНОВ — МАНОВ

ЎШЛИК ҚАЛПОҚБОШ ЁЗУВЧИДАН:

— Кўчаларинг чақир-чуқур, қурбақалар бақир-буқир, кафшларинг шап-шапига патакларинг чапак чалар; қапаратга югурга кўров, хотинга упа оласан, қизингта бўлса ироқи собун, ўғулчангга ошиқ оласан; ўчириб зерикмагил, кутиб-кутиб савоб оласан. Сенга савоб керак-мас-а — бошингта бир шапка керак, қўлингга бир папка керак, ичкари қараб ўтаберасан, Сўна биби, Шашаниса жамолини қўраберасан — ўлаберасан. Азабон бўлис чойхонаси: Аширматаканг ўғлини кўр, чойхонага чўйкалаткан — таннозгина Қумрини кўр, тунда келиб базмини кўр, ёшлини азмини кўр!

Пошишахўжа ўғли яна, волижроқўм аканг била: хотин-қизнинг вакиласи, камсомоннинг жажжигинаси, кечалари дутор-сатор, димогларинг мушки ифор. Мен ёзаман қақир-қуқир, босаберасиз апир-шупир!

АВЛИЯТАЛИК ЧЎКИЧДАН:

— Мулла Кумуш домла тўрам: Оёққа масҳ тортма¹, ҳаром, — деган эди. Авлиятанинг муллаларин жаҳди чиқиб: Фатвонг сенинг эрур шалоқ, ўзинг коғир хотин талоқ, аслинг сенинг чалма қозоқ! Мунозара-муқолама², мубоҳаса-мужодала³, ажаб ширин муомала, китоб очиб, китоб ёпиб, бир-бирини итдек қопиб; натижада икки томон, бўлиб олиб қопқора қон, ҳарсиллашиб-гурсиллашиб мурожаат қилди Қозон.

ТОШКАНД ЎРДА САМОВОРИДАН БИР ДЕВОНА ЕЗАДИР:

— Ўзбек қизи очилибдир, ерга бодом сочилибдир, очилса ҳай очилибдир. бир хиллари шошилибдир; чойхонада саккиз йигит, ўртасида

¹ Оёққа масҳ тортшиш — сунний мазхабида таҳоратсиз, сеқ кийимсиз оёққа масҳ (папжа) тортгилмайди, шиаларда таҳоратсиз, оёқ кийимсиз тортилади.

² Муқолама — сұхбатлашиш

³ Мужодала — баҳсласишиш

битта чигит, какир-кукир этар чилим, катта-кичик унга елим! Бу на бало, бу на қазо? Мақсад шуми очилишдан? Ёху дедим шошилишдан!

Күттаргучи: Думбул,
«Муштум» — 1925 йыл, 23-сон.

ШОМИЙ ДОМЛАНИНГ ОҚ САЛЛА ТАШВИҚОТЧИЛАРИ

Сағар ногорасини қоқиши олдидан сурнай «Наво»ни эзис башлаған эди.

Ёш-яланглар Шайхантахурдан тарқала бошлағанда биз худда Дегроз маҳалласидан ўтдик. Думахонанинг марҳамати билан унда-бунда ўтқазилаған «интриксфанор»нинг заиф ёруғини менсимаган катта күча зулматида ажойиб ва нуроний бир манзар аста-аста түрт тарафка тарқалмокда: бутун күча оппок, салла билан тұлған, белі мұкчайған, сүянчиғи фақат ҳасса бўлиб қолған чоллар, олдинда қўл қовуштириб, фонус кўтариб кетаётқан ёш муллабаччалар орқасидан тўда-тўда бўлиб кетишиб борадир. Бундай миътиллаган фонуларнинг боши билан оёғига кўз етиб бўлмайдир. Биз ҳайрон бўлдик, нима гап бўлғанини билмак орзусига тушдик, булар қачон соб бўлар экан деб, кўчанинг бир четида турдик. Ҳа, деганда буларнинг кети узилмайди, ногора чалиниб бўлди, қарасақ, «саҳарлик»дан қоладурғанмиз. Бизнинг маҳалла томонига ажралған беш-олтита мўйсафиidlар билан биргалашиб кетдик.

Ёнимдаги шеригим ҳалигиларни гапка солди: буларнинг ичидаги бир писмиқ, чол ҳеч индамади. Биртаси «таравиҳдан тарқадик» деб сўзни битирди. Бир соддароги Шомий домланинг мадхларига тушди. Биз ҳам сўз ораларида маҳтаб-маҳтаб кўйиб эшитдик:

— Домланинг садағалари кетай, — деб бошлади ҳалиги содда мусулмон, — у кишининг билмаган илмлари, ўқумаған китоблари, дунёда бормаган, кўрмаган жойлари йўқ...

Биз билдикки, булар Дегроз мачитида таравиҳдан кейин Шомий домланинг «масала»ларини эшиткали йигилар эканлар.

Писмиқ чолнинг «мазмунлик йўталиб қўйиши»ни онгламай ҳалиги содда мусулмон сўзда давом этди:

— ...Арабистон, Миср, Чин, Мочинларни юз марталаб айланганлар. Ҳар бир мушкил масалаларга дарров жавоб айтадирлар. Бу кишининг масалаларини эшитмак учун Дегроз мачитига ўн икки дарвозадан галагала мусулмонлар йигиладирлар. Бу кун чамаси икки мингдан ортироқ одам бор эди. Рўза, ҳаж, закот, фитр, хайр, нифос масалаларидан ташқари шу замон гапларидан ҳам айтиб қўядирлар, деди.

Писмиқ чолнинг нафаси тикилиб, олонглай бошлади. Замон ҳолидан, дегандан кейин биз ҳалиги дилқаш отамиздан Шомий домланинг ёшларға қандай қарашини сўрай бошладик. Писмиқ чол ёшлардек тетик бўлиб югуриб, дилқаш отамизнинг ёнига ўтди. Дилқаш отамиз бу тўғрида домламизнинг фикрларини айтиб бермакка киришкан эди.

— Ёшларнинг мўйсафиid ва уламоларға ҳурматсиз қарашлари динни заволга олиб бормоқда, деб домлам кўб ғамгин бўладирлар...



Сўз шунга етканда дилкаш отамизниң тили тўсатдан тўхтами Қулоқ солиб турсақ ҳеч ун чиқмайдир. Сездикки, писмиқ чол югуриб тушкандан кейин дилкаш отамизга бир бало қылғандир; лекин мен ўзим писмиқ чолнинг ҳасса билан туртиб қўйғанини хира-шира кўрган эдим. Туртилмаган вактда ҳалиги дилкаш отамиз бизга кўб нарсаларнинг ҳақиқатини балки айтиб берар эди. Балки шу домланинг эскиларга ва ёшларға бошқа-бошқа гапириб тирикчилик қылғанлиқларини, яъни мунофиқлиқ билан умр кўрганликларини, мунофиқлиқнинг уламолар фойдасига жоиз эканлигини, балки ўзларининг ётиб чиққанлиқларининг сабабларини ва бошқа сўзларни бирин-бирин айтиб берар эди.

Шомий домлаға бир маслаҳатимиз бор: таравиҳ ва ҳатм баҳонаси билан зўрватдан ташкил эткан одамларини тозалаб олсинлар, ҳалиги «маҳмадана» чолдек оғзи бўшларни, сирларини ҳар кимга айта берадурган лақмаларни ўз сухбатларидан чиқариб юборсинлар, фақат маҳалла-кўйлардаги ҳеч нарсадан хабари йўқ одамларни авраб, Шомий домлаға «мурид-мухлис» кўпайтиргучи пишиқ ва писмиқларни қолдирсинлар.

Ж.-й.

«Қизил Ўзбекистон»,
1925 йил, 16 апрел.

«УЛУФ АЙЁМ»

Эрта тонг вақти алоҳида бир сезги берадир.

Мусаффо ҳаво, майин ва ёқимли шамол куртакдан эндиғина чиқиб баҳорни саломлаган ёш ва тиник япроқларни еллиб турадир. Баракалик ёмғурлардан кейин яшнаб кеткан барра майса ўтлар ерлар бетини секин-секин ўпид кеткан тонг шамолида ҳиллираб-ҳиллираб кетиб, ҳазил қилишгандай бир-бирларини қучоқлайдирлар. Бутун ер юзи, том — тош, ёғочлар кўк билан безангандар...

Табитъатнинг шундай ширин чоғида сурнай, карнай орқасидан ногора чалиниб кетадир. Буларга қулоқ бериб ётасан; лекин кўб ёта олмайсан, турғинг, шуларга қўшилиб қувонинг келадир...

ҲАЙИТ

Ҳарким маълум бир жойга кетмақда. Кўчаларда ҳар кунги тирикчилик ғами йўқ...

Кун чиқар томонни қизартириб қуёш чиқди.

Саффан-саффан!

Намоз ўқураги эмас, жанозага эмас, намойишга тизилиш!

Саф-саф тизилган ҳалойиқда салла йўқ; қизил байроқлар, ленталар салла ўрнида...

Биринчи май ҳайити.

Ёш қашшоғчалар, комсомоллар, ўқучилар, фирмалилар, ботроқ-қўшчилар, касабалар қатор-қатор ўтиб, тўрт тарафга қараб кетмақда-

лар. Ҳар кимнинг оғзида сўз бор, бирори ўз қаторидаги одамларга биринчи майнинг бутун меҳнаткашлар ҳайити эканини астойдил ту-шунтириб бормоқда; бирори унинг янгилишларини, баъзи «тарихий ха-то»ларини тузатмақда... иш қилиб ҳаммасининг сўзи бир жойга тақа-ладир:

— Биринчи май — бутун меҳнаткашлар ҳайити.

Бу қаторларда бир камчилик бор, жуда катта камчилик: ерли хотин-қизлар йўқ; хотинлар бу қаторларда расман иштирок этмаганлар. Улар шундай ажойиб ва ёқими фурсатда томлардан, деворлардан, жин кўчаларнинг узоқ бир чеккаларидан, эшик тирқишиларидан қараб иштирок этадирлар. Кўчаларга чиққанлари ҳам кўб: лекин намойишдан узоқда оғир паронжи остида босилиб борадирлар. Аммо уларда бу куннинг табиъий хушнудлиги очиқдан-очиқ сезилиб турадир. Аммо намойиш ўтмаган, ногора, сурнай эшитилмаган жин кўчалар, қоронги бурчаклар бизда жуда кўб; бу жойларда, тўрт девор каталаги орасида қисилиб ётқан хотин-қизларимизнинг биринчи май ҳайитидан хабарлари борми?

Аҳволни паришон қиласурған нарсанинг каттаси мана бу.

Намойишларда, ҳам «ваъз»лик қилинған жойларда унча-мунча кўзга чалинған ўкувчи қизлар ва «эркаклардан ҳайиқмайтурған» хотинлар бор Мана шулардан бири ўзбек хотинларининг ҳолидан хафа бўлиб нималар айтадир:

Узоқ эмас, олис бўлса икки-уч иили бу майдонлар, кўча-куйлар ҳаммаси хотин-қизлар билан тўлиб тошадир. Бундан кейинги май байрамларини хотинлар эркаклар билан қўшилиб ҳайитлашадирлар.

Бутун афтомобиллар сафарбарликка олинған.

Юк афтомобилларининг устида оғир юклар бор, уларга эскилар, пулдор, тўра, пўп, эшон, домлаларнинг оғирлиги тушкан. Ёшлар, комсомоллар ўшаларни тоза ҳам майна қилиб курсанд бўлишиб юрибдирлар. Гувиллар ўтиб турған афтомобилларда ўзларининг масхараликлигини томоша қиласан одамлар, мулла, эшон, тўралар тавба деб, чанг еб қолищдан бошқа нарсага арзимайдирлар...

Юмшоқ афтомобилларда «гўдак камисарлар» визиллаб ўйнашиб ўтиб турибдир: бошларига кўк ўтдан тож (иклил) ўраб олған ёш қиз ва болалар, кўчаларда, том-тошда қараб турган оналарига, опаларига афтомобилдан кўкат, гул ташлаб ўтиб кетадирлар, уларнинг қизиқ-қизиқ, ширин-ширин ашулалари қизил байроқлар билан безалган кўчаларнинг нозик нағмаси бўлиб эшитиладир.

Ҳалиги «ваъз»чиларнинг гапи рост, биринчи май бутун дунё меҳнаткашларининг ҳайити ва бойларга қарши намойиши бўлса, биз хўб яхшилаб ўтказдик. Аммо бошқа подшоҳликларда бу кун меҳнаткашларнинг ҳоли нима кечди экан? ... деб биринчи май кечаси намойиш ва сайнидан тарқаб келаётган халқ орасидан гаплар эшитилар эди...

Хулласини айтканда, бундай биродарлик ҳайитининг олдида рўза, ҳайит, қурбон, пасхалар жуда шумшайиб қоладурган бўлди. Сабабки, биринчи май — умум меҳнаткаш ҳалқининг биргалашиб, катта мақсадларни кўзда тутиб кўчаларга чиқиши билан ўтди-да...

Ж-бой

«Қизиша Ўзбекистон» 1925 йил, 3 май, 115-сон, 2-бет.

«МУШТУМ»

(Танқиг)

«Муштум» отини эшитканда муштуминг қичийдир, аччиинг қистайдир, энсанг қотадир, чунки «Муштум»дан бизнинг кутканимиз чин «Муштум»лиқ эди. Икки йилдирки мавзуъ бир:

«Эшонимнинг тасбиҳлари носвой қовоқ,
Домла поччам саллалари узун чўзок!»

Кўб кутдик: «Э, эшонингни тасбиҳи билан домла поччангни салласи қурсин-э!» дейтурган одамни. Ҳеч қаердан садо чиқабермагач, яна кутиб ўлтуришка сабр чидамай бу чидамасликка яна «Муштум»нинг ўзи қитиқ солди. Яъни «Муштум» кейинги вақтларда йўл йўқотиш устига мажнунона ҳужумга ҳам киришди: унарга ҳам мушт, унмаска ҳам мушт! Ниҳоят «Муштуминг тошка тегсин, ҳароми!» дейиш дарајасига етдик. Кетма-кет тушиб турган бу думбул муштларингиз кимга, мушт егучилар кимлар, отаси ва ўзининг касби нима? Кимлар билан яшаб, қаиси bemazанинг суфрасидан нон ейсиз? — деб сўрамоқчи ва шу баҳонада «Муштум»нинг ўзини ҳам бир кўздан кечириб чиқмоқчи бўлдик.

Устиға қарайсиз: «Муштум» — сиёсий, ижтимоий... ойда икки даб-қир чиқатурган расмлик кулки журнал! Ичкарита қараймиз: сиёсатда на сатира унсури ва на ижтимоётда юмор таъми! Очикдан-очиқ қоровул чақириш ва «тут мани!»

Биз «Муштум»нинг «кулки» деб аталишидан сатира маъносини оламиз, аммо «Муштум»чи, кулки, деб аталиб қолғанига ўзи ҳам ҳайрон. Чунки томдаги тараша ерга томон «тап-тап!»

Ҳар бир касб ўз ҳунарини илгарига юборса бизнинг «Муштум» орқаға қараб тисланадир, жиддийлаша борадир. Гузарда чойхўрлик қилиб ўлтурган Тўхтамурод билан Тошпўлад aka мажлисни ҳазилдан бошлаб натижани жиддий сўкиш ва ёқа тутиш билан тугатар эдилар. Шунга ўхшаш «Муштум»ни ҳам ўшаларнинг жияни-да, деб қўя қолмоққа яна бўлмайдир.

Ёзгучиликда бир қонун бор: ҳаммадан илгари маъно, ундан сўнг шу маънени-фикрни ифода қилиш учун сўз қуриш, сўз эмас — санъаткорона, яъни шундог сўзки, айтмакчи бўлған фикрингни ифодаси



учунгина маҳсус яратилған бўлиб, ясама бўлмасин! Фикр-кулки пардасидами ифода қилинмоқчи ёки жиiddий равишдами — бу албатта вивескага¹ қараб бўладир. Мана шу шароитни бажарилиб бу жиҳатдан таъмин этилгач бошқа масалаларга ўтишқа хақ олған бўласан. Аммо бизнинг «Муштум»да бу биринчи гадда кузатиладирган шароитни топиши қийин, «Муштум» ҳаммадан илгари танпарастлик- қайғусида. Тузсиз ва мазасиз ошлиар билан бўлса ҳам қорнини тўлдириб қашпаймоқчи; саккиз саҳифасини саксонга етказмакчи. Журналнинг чин эгаси бўлган дехқонда тил йўқки, «маъносиз ғовлаған палак мени қон йиглатадир!» деб айтса...

Ўзбекистоннинг ҳар бир гўшасидан ўзингта муҳбир ва ёзишкучилар етиштирдинг, деб «Муштум»га ташаккур айтамиз. Аммо шу ёзишкучиларга йулбошчилиқ қилаолмадинг, уларни ўз йўлингта солиб ишдан чиқараёздинг, деб ҳалиги ташаккуримизни қайтиб олишга яна мажбур бўламиз. Қисқаргиш йўқ, мулоҳаза йўқ, кулки ранги бериш йўқ. «Пайтава қош» нима ёзған бўлса бас! Мисол учун фақат «Муштум»нинг кейинги 13-нчи сонидаги мақола ва хабарларгагина бир кўз ташлайлиқ: «Оқладар»нинг² бош мақоласи — башарти муқаддимадаги «Чалакам-чатти...» билан хотимадаги «рад бўлишг, фалакимизга тушкан шунғиялар!» кулкига ҳисобланса, «Муштум»нинг ўз таъбирича «нима десангиз ҳам ихтиёр сизда!» Иккинчи мақолада ўртоқ «Пайтава қош» муқаддима қилиб, «Муштум»да фазилати ёзилмаган ҳеч бир жонлиқ жонсиз нарса қолмади» дейдир ва бу ифтихор афт дастмоясизлик узридан сўнг «ноилож шаҳарларимизнинг фазилатини ёзмоқчи бўлдим», деб тўқсон тўққузинчи мартаба сайралиб ўтилган чор байтни ўқуйдир. Бу эрса «Муштум»нинг энг маънодор ва серкулки мақолаларининг бири бўлғани учун ҳаволани муҳаррир ўртоққа қиласмиш...

Олтинчи ҳам еттинчи бетлардаги «Дуойи салом» ва «Ягона қулуб» мақолаларининг ўрни бирор бетдан эмас, энг кўпи ўн беш сатр бўлади. Тўққузинчи бетдаги «Тарихи истиқбол» тўғрисига берилган маълумот гарчи жиiddий ёзилған бўлса ҳам заарсиздир. Бироқ журналнинг асл характеристига ҳам заарсиз, деб айтиш қийин. Ва шу мақола кетига уланган «Ҳақиқий тарих» манзумаси қорознинг жонига биткан бало бўлмаса ўзга фойдаси тегар, деб айтиш яна қийин. Чунки йигирма йиллардан бери бизнинг каттадан кичигимизнинг ашулемиз фақат шу қора тарихни такоридан иборатдир. Яна ҳам такорори кекириқдан бошқа ярамас, деб ўйлаймиз. Агарда «Мушфикаий» ўртоқ шунча ҳимматини «Тарихи истиқбол»га таклидан халқимизнинг келгусини кулки ҳолда тасвир қилиш учун бағишлигаんだ эди, эҳтимолки «Муштум»га янги бир материал берган ҳам бўлар эди.

Ўн биринчи бетдаги «Эси жойида экан» ҳикоясининг асло босилиш лаёқати йўқдир. Асарнинг этаси бўлған «Тегишқоқ» хафа бўлса ҳам унга айтамиз: «Муштум»ни аямасангиз ҳам бир оз ёзгучилиқ ис-

¹ Вивеска — мундарижа

² Танпарастлик — тании семиртириш; ҳудбинлик

³ «Оқладар» — Рози Юнуснинг мустаор тақаллуси.

мини ҳурмат қилингиз! Башарти ўзингизнинг ҳам эсингиз жойида бўлса икрор этасиз: шу ҳикоянгиздаги қаҳрамонингизнинг нусхаси Ўзбекистонда топиладирми, йўқми? Агарда шу ҳолни «онаси туқданда ўлган», десангиз бизни маъзур кўрингиз!

Хуроса: «Муштум»нинг мундарижаси тўғрисида бирма-бир танқид жадвали тузуб ўлтуришнинг ўзи ҳам бир эзмалик ёхуд вақтни сунис-теъмодdir. Энди «Муштум»нинг тилига тўхталсақ:

1—Тилсизлик (дудуқлик ёки соқовлик);

2—Бўғоз-қисирлик (дагаллик);

3—Услубсизлик;

4—Сўзда иқтисодсизлик ва бошқа сиз-сизликлар яна унинг хусусиятларидан бўлиб чиқадир.

Хеч ким инкор этмаса керак: бошқаларнинг матбуоти ҳиссасига иккита вазифа тушса, бизнига тўртта тушадир. Ўзгаларнига тўртта тушса, бизнига саккизта тушадир. Чунки қўшни матбуотнинг вазифаси фақат ҳалқни танвир⁴ ва йўлга ташвиқ бўлса, бизда бу вазифалар устига зам қилинған тилни тузатиш ёки ишлаш масъулияти ҳам бор. Таассуфки, бу масъулиятни яхши тушунган кишиларимиз жуда оз ва кундалик матбуотимиздан «Фаргона»ни истисно қилганда бошқалари бу масалага жуда аҳамиятсиз қарайдилар. Шу аҳамиятсиз қарагучилар жумласига бизнинг «Муштум» оталиқ вазифасини ўтайдир.

«Муштум» оталиқ вазифасини ўтайдир, дедик. Чунки бунинг исботига қийналиш йўқ: «Муштум»ни ўқуй оларлиқ ҳар бир киши унинг бу айбини тил билан икрор қилмаса ҳам лекин яхши хис этадир. Даъво жуда куруқ бўлмасин, десангиз шу қўлимиздаги 13-нчи сон «Муштум»нинг 2-нчи бетидаги «Лўттибозлиқлар» бош мақоласидан олиб бир-иккита мисол кўрсатаилик: «Ерли ҳалқ билан ёвруполиқлар ўртасида бўлған ва онгиз қисмини фақат ерли ҳалқ бордорлари ташкил қилган янги шаҳар ижроқўми, баладия идораси қандай қилиб текширилса бу идора ерли ҳалқдан кулиб тургандек кўриладир». (2-нчи устун, 25-нчи йўл) Бу илмий жумладаги тилга мен билан ўртоқ «Оқладар» тушунмасак, ишчи-дехқонининг тушуниши жуда мушкул ва бу тил тузатиш эмас — бузиш! Яна биттаси. «Рад бўлинг, фалакимизга тушкан шунриялар!...» (З-нчи бет 14-нчи йўл). Бу жумла эса маълумотсизлик устига яна тил билмаслиқdir:

1 — «фалак» эмас — «палак»дир;

2 — шунгия палакка тушмайдир, балки палакнинг илдизидан кўкариб чиқадир.

3 — Ўртоқ «Оқладар» ўйлаған палакка тушадурған нарса шакар куртидир. Қисқаси: ўзбекчада чиқмоқ билан тушмак маъноси бир эмас...

«Муштум» ўзининг тилсизлиги устига яна бўғоз-қисирлик (дагаллик) касалига ҳам мубталодир. Маълумка ўзгаларницидек бизда ҳам икки турлук тил бор: ҳалқ тили, матбуот ёки адабиёт тили, мана шу асоси бир бўлса ҳам лекин фарқи катта бўлған икки турлук тилни «Муштум» аралаш юритадир. Ўртоқ «Оқладар» ўзининг тўрт эллик

⁴ Танқир — матрифат

мақоласида ҳам матбуот тилини, ҳам халқ тилини ишлатадир. Даъвони яхши оңглатиш учун бундоғ десак ҳам мүмкин: Мақола бир; мавзуз бир; аммо ёзгучи бўлсачи, ҳам Тошпўлад тажанг, ҳам Калвак маҳдум, ҳам... шу дағаллик баракасида «Муштум» жонсиз ва руҳсиздир. Дона учун ўзини бўяған зоюча икки тарафдан ҳам рондаи даргоҳ¹, сарсон ва саргардондир. Бу тўғрида мисол кўрсатиб ўлтурмаймиз, мисол учун сизга «Муштум»нинг ҳамма сонлари.

Услубсизлик тўғрисида гапуриб ўлтурмай шунигина айтамиз: услуб деган нарса тил билишқа боғлиқ бўлған ва ҳар бир ёзгучининг тилининг характеристи қаби бўлиб танилған бир хусусиятдир. Демакчимизки, ёзишға малака ҳосил қилинғач услуб ҳам ўз-ўзидан туғиладир. Сўзда иқтисодсизлик ҳақида юқорида бир мартаба ёзиб ўтдик. Аммо бу ўринда тамом қаноат билан шуни айта оламиз: йигирма тўрт бет «Муштум» кулгисини саккиз бетка келтириш асл сиз қўзлаган мундарижа ва тўлалиққа зарар бермаганидек, қуийдагича иқтисодий ва ижтимоий манфаатлари ҳам бўлур:

- 1 — Қорознинг уч ҳиссаси иқтисод;
- 2 — Наборщиклар ўринсиз хизматдан озод;
- 3 — Ўзларига ҳам ҳафтада уч кун сайл ва тўртинчиси, ҳам энг каттакони: халқни зериктирмаслик.

Унинг расм қисмидан ҳам қаноатланиш қийин, аммо ичкарисидек эмас. Шу 13-инчи сондари турмушдан, болалар саҳифаси, дажол, ҳаётмамот масалалари ва соғлиқни сақлаш расмларини айбситиб бўлмайдир. Биринчи бетдаги «Ёврупо саҳнасида» расмининг эскирганлиги ва бизнинг ишчи-дехқон савиясига ётлигини ўзтиборга олмасак, бу ҳам чакка бўлиб чиқмайдир. Яъжуҷ-маъжуҷ расмига доир «Тарихи истиқбол» тузук маълумот бермаганидек, уларга тирмашқан қитъалар исми ўрисча қўйилған. Тиш-тирноги билан ўзбекчалаштириш ҳомийси бўлиб танилған бир журнал учун бу гап катта камчилик бўлмаса ҳам, аммо Ёврупо мажмуалари феълидан хабарсиз ва ўрисча билмаган ўқуучиларни бир мунча вақт қабзиятка² солиб қўйиши шубҳасиздир ва лекин бошқа фойда-зарари албатта бўлмас. Охири бетдаги динга қарши қўйилған карикатура ҳам ақлга сурмайдирган эмас. Аммо бизнинг ишчи-дехқон руҳидан тамоман жоҳиллик ва рафлат, деб айтиш қийин бўлса ҳам бироқ қилтилаб турған «Муштум»нинг ишчи-дехқон орасидаги обрӯ ва ҳурматига ҳам ўқулишиға кўр-кўrona сунқасдир ва сиёсий саводсизликка яқинлашаёзған бир андишасизлиқдир, деб ўйлаймиз:³ бу мулоҳазасизликни унинг ичкарисидан ҳам кўпинча учратилса бўладир.

¹ Рондаи даргоҳ — қувланиш

Қабишият — дикқат бўлмоқ, сиқилмоқ.

Аслида бу икки мұнаққиданың баҳслашувига икки диннинг орасига низо солувчи ва шаккоклик наұнасси бўлған мана шу карикатура-сурат сабаб бўлған эди. Сурат Исо лайғамбар ва Мұхаммад лайғамбар бир-бирларининг либос этакларини сиқиб турған ҳолатда чизилиб остига куйидаги изоҳ берилған эди:

Исо. — Эски ридоингни сиқдан сари маҳаблар кўпайдир

Мұхаммад. — Насиҳатингни ўзинтта киль, мен қанча сиқсан ҳам саникидек кўлаймайди.

Муштум. — Ё Мұхаммад бўш келма, тайратинг жойнда. Исодан камлигинг йўқ.

Умуман биз «Муштум»нинг расм қисмиға юзакироқ қараб ўтдик. Чунки матьони суратдан эмас сийратдан⁸ олиниши машхур бир мезондир.

Ундан сўнг ўз ҳаётимизнинг лавҳаларига чин либос кийдиргучи ўз кишимиз, ўз сураткашимииз йўқ, бу йўқлиқ ҳам тиљни тишлатадир⁹.

Жулқунбой,
«Қизил Ўзбекистон» — 1925 йил, 7 август.

ШАЛЛАҚИ

Халқда бир мақол бор: «Ўгри кулиб енггар, гар йифлаб.» Шунга ўхшаш ўртоқ Фози Юнус ҳам шаллақилиқ билан енгмакчи!

Ўқумаган бўлсангиз «Қизил Ўзбекистон»нинг 193-нчи сонидан «Муштум» деган сарлавҳа тегини кўриб чиқингиз-да ундан сўнг ўшани 201-нчи сонидари «Танқидми, тош отиш» мустазодига¹ солишибирингиз!

Қизик гап: «Мен нима дейману эшагим нима дейди?» деган экан бир бечора!

Мен мўътабар Фози Юнусдан бунчалик таназзул кутмаган эдим. Тузук, куткан эдим: салмоғлиқ жавоб, саноғлиқ мулоҳаза! Наинки тутканда тутдек тўклиб, ютканда йўқдек сафсата.

Муддаъининг даъвосича демагогиядан² соф, юмрукқа³ ёцишмоқдан ҳоли бўлған бу баённомани ўқуғандан дафъатан жавоб бериб ўлтуришни қаламим учун эмас, қимматлик ва муқаддас газета саҳифасига, ундан кейин ўқуғучилар вақтига ҳайф билган эдим. Бироқ Мулла Фозининг бу падарона тараҳҳумномасининг⁴ фожиаи алимасига⁵ дафъатан тушунгучи аҳли басират⁶ бармоқ билан санарлиқ, аммо қурбон бўлғучи ёш-ялан аксарият эди Ана шу кўбчиликни мулоҳаза қилиб яна жавоб бериш фикрига келдим

Жавобдан илгари бир оз кейинга қайтайлиқ: мен ёзғанда сарлавҳа остиға «танқид» деган гапни туширдим. Чунки муддаъининг ҳақиқат кўзи бир оз оқсағанини ва елмай-югурмаи демагогия, деб бақиришини билар эдим. Ҳақиқатан шундай бўлиб чиқди-да, ахир!

Матбуоткагина эмас, ҳаётнинг ҳар бир кўчасига кириб юргучи ва аксар ўз сўзини ўтказгучи «танқид» отлиқ чапаннама бир маҳлуқ бор. Бу маҳлуқнинг холиқи⁷ ҳаётнинг ўзи ва лекин отасига йўлбошлиқ қиласидир. Чунки ҳаётнинг узоқ муддатлик тажрибалари ва аксар хатолари ана шу ўз сўзлик, аччиғ тиллик нафсоният, гараз ва шахсият оғриқларидан тоза «танқид» маҳдумни тутдирғандир. Ҳаётни янгидан-

¹ Сийрат — хулқ-автор, хислат

Фози Юнуснинг жавоби китоб олирига илова қилиб берилди.

Мустазод — иловга.

Муддағаш — даъвогар.

Демагогия — сафсата.

Юмрук — мушт.

Падарона тараҳҳум — оталарча меҳрибонлик.

Фожиаи алима — аламли фожиа.

Басират — ўткир кўзли, селгир одамлар.

Холиқ — яратувчи



янги муваффақиятларга судрагучи, маърифат деган муаммонинг калидай, маданият дунёсининг бешиги ана шу «танқид»дир. Мен танқидни шу маънода тушуниб бирнечча йиллик ярим-ёрти тажрибаларим устига ва ўша тўғрилардаги назариётлар асосига (тўғрими, эгрими, лекин холисона) маълум фикрлиримни тердим. Лекин Фози Юнус ўртоқ «танқид» истилоҳини бошқа маънода юритиб келган бўлса керак, хесиз ва бесиз кишини қовоқ арига чакдирмоқчи¹, шиш устини «тиби Юсуфий»нинг кенгашича қора балчик билан чапиб яна нахс босдирмоқчи бўладир...

Танқидга бир нима демасдан туриб лўли кўчасига кириб кетадир: «Ҳа, Жулқунбойта тарелка тута-тута¹⁰ тарелкаларим синиб кетти, шаҳарнинг бир бурчагидаги ҳовлисига қатнай-қатнай кавшимизнинг чакаги йиртилди...» дейдир. Ўйлаб кўрилсин, бу нима деган маънисизлик? Бу сўз замирига нимани яширмакчи? Агар мақсад: «Жулқунбой келса журнал яхши бўлар эди», бўлса камоли эҳтиром билан айтаманким, буни кимга уқдирган бўлса ҳам шайтоннинг уйи ёнсин!

23-нчи йилнинг февралида шекиллик, «Туркистон» газетасига ўртоқ Абдулҳай Тожи¹¹ муҳаррир белгиланди ва шу ўртоқ бир кулки журнали чиқарингиз, деб мен билан Фозини чақирди. (Бу вақтда Фози газетанинг мудири эди), биз иков ишга киришдик-да, натижада саккиз сонча «Муштум» чиқди. Шу ўргада Абдулҳай газетадан кетди, унинг кетиши билан (идоранинг оқчасизлиғидан бўлса керак) мен ҳам ишдан озод қилиндим. Журналга четдан ёрдам бергучи, яъни озод ёзишғучи сифатида кирдим. Маълумки, ҳар бир кишининг (жумладан Фозини ҳам) ўзига яраша даҳмазаси бўладир ҳам томогинг қаердан тўйса ўша жойнинг ашуласини айтишка тила, тилама мажбур қоласан. Шунга ўхшаш мен ҳам баъзи идоралардан иш олиб, эртадан-кечкача матбаада ишлай бошладимки, Фозининг кўзи юмилган эмас, аммо шунда ҳам «Муштум»ни унутмадим, масалан Фози бўлмаган вақтларда баъзи сонларни ўзим чиқардим ва биринчи йилнинг 15-нчи сонидан бошлаб то 35-нчи сонгача давом эткан «Калвак маҳдум хотираси» ва бошқалар уста Фози айткандек, тарелка ва ялинишлар натижаси эмас, маҳзи¹² самимият тўлқинидир Заказ ва тарелка билан айниқса таълифотда¹³ бир иш чиқариб бўладир, деса номаъқул бузоқнинг гўштини есин, Фози! Тарелка қаердан келар экан, деб қаламингни йўниб ўлтурсанг мешдек шишиб ўласан, садара!

Энди Фозининг шалоқ жавобиға ўтайин:

— Фози «олимус-сирри-валҳафиётдир»¹⁴, чунки Жулқунбойнинг унга очик белгиллик бўлған бир сирри бор! Ўзи хўб яхши биладир. Аммо ҳозирча очмайдир. Негаки, бу сир Жулқун кўрқоқни чўчитиб, тилини

¹ Бирор орқали жабр бермоқ.

² Тарелка тутмоқ — лаганбардорлик, ялнимоқ.

³ Мади — факат.

⁴ Таълифот — асар еиш

¹¹ Олимуг-сирри-валҳафиёт — ошкора ва маҳфий нарсалардан ҳабардор, билувчи, бу хусус факат Олондагина ҳосдир.

қисиқ қилиши учун күб мужарраб¹⁴ доридир. Ҳой, мулла Фози! «Мард бўлсанг майдонда ҳангра!» деган гапни эшитканинг борми? Ахир юракка жуда ёмон ваҳма солдингиз-ку? Диндор демакчимисиз, миллатчи дейсизми? Нима ахир?

Агар фақат сизгагина маълум бўлған фақирнинг муддиш мақсадим шу иккенинг бири бўлса яна карнайчига яхтак-иштон йўқдир¹⁵. Отингизни бу ердан «чух» денгки қоровулнинг кураги бўш эмас!¹⁶

Бўш вақтингиз бўлса, ўткан асрда эмас, шу 20-инчи асрнинг 20-инчи йилида нашр қилинған асари ожизонангиздаги «ҳамд»ни ўқингиз:

«Ҳамд айтарман ўзелаб-ӯзелаб худойимга
Тўкиб ёшим роз айтарман Олмоҳимга
Жоним бирла наът айтурман расулиллоҳ
Ҳабибингни ҳурматидан бергил паноҳ».

(«Турма хотираси». Фози Юнус асари)

Фози Юнус дабдурустдан кишини элаб ташлайдир: «Муштум»нинг мавзуъи бир, дейсан; бунга исботинг қани? — дегач «йўқ, бу демаготия», деб ҳукм ҳам бериб қўядир. Ўша 20-инчи йилда ҳамдни айтканинг ҳурматига кўзингизни каттароқ очиб лоақал 13-инчи сон «Муштум»ни бир кўздан кечирингда, мавзуъларни бир-бирига чақиширингиз ва ундан кейин ғўлдираш воқиъ бўлмаса жавоб берингиз! Кундуз куни чароғ қўтаришдан безорманки, бу мақсадим ҳам сизга маълум!

Фози Юнус ажойиб бир тил олимидир. Ўзининг даъвосига тўғрилаб тил қоидалари ҳам тузадир: «Муштум»да жиҳдий танқидлар ҳам бўла берадир. Устида ҳам сиёсий, ижтимоий, танқидий, деб ёзилған», дейдир. Дуруст, шундай дейилган. Бироқ шу тавсифлар кетига уланған «кулки журнали» хабарига нима дейсиз? Мундан чиқдикни, сизнинг тил қоидангизда «сиёсий кулки, ижтимоий кулки, танқидий кулки» деб ёзилмоғи керак экан-да?! Агарда шу даъвонгиз дуруст бўлса, нега шу чоққача на сиёсатдан ва на танқид ва ижтимоётдан бирорта мақола ёзиг ўқугучиларни сероб қилмадингиз?

— Ҳақиқатдан қочиб, тиага янги қоидалар тузиш разолатdir, ўртоқ!

Фози Юнус ўзини қўруғлаща танҳодир. Мен: «атроф ёзишиучиарини тўтри йўлга сололмади», деб ўткан мақоламда ёзган эдим. Лекин бу сўз ўртоқ Фозининг уста сиёсатига курол бўлаёзибди. Шундоқки, бир неча янги ёзабошлаган ёшларни бағриға босиб: «ануни қара, санларни фалон деяпти-я!» демакчи ва ўзининг соясидан ҳуркиб «ўтири!» деб бақирмоқчи, соддалавҳларни¹⁷ ишдан кўймоқчи! Аммо шу ёш қаламларнинг ҳомийси бўлиб кўринган Фози, ўз бағриға олғанларнинг бири ўртоқ «Пайтава қош»ни раҳмисиз суратда ўз манфаатига қурбон чалиб айтадир: «Пайтава қош»қа ишлаш учун берилган материаллар бир оз тузини йўқотадир! Фозининг бу ҳолини ўқугучилар муҳокамасига бе-

¹⁴ Мужарраб — синалаётган, текширилаётган.

¹⁵ Илгари карнай-сурнайчига тўйдан кейин тутунда сарпа берилган.

¹⁶ Бу қочирим ибора: сиз қўтартган масала (от) — матбуот майдонини ифлос қилади, уни тозалашга вактимиз йўқ, маъмунида.

риб, мен ўз томонимдан бундай дейман: агар сиз китоб сўзига ишонсангиз виждонингизнинг сал обияти¹⁸ қочибдири!...

Фози Юнус ўзининг жаҳлига мункирдир¹⁹, аммо жаҳолати қавийлашканда²⁰ тешиб чиқиб хўжасини шарманда қиласадир. Мен «сўзда иқтисодсизлик», деб «Муштум»нинг ниҳоятда серсўз ва кам маъно эканини мурод туткан эдим. Мулла Фози бўлса «иқтисодсизлик» замираша тилимизнинг ишланмаганини, услубсизликни ва тарин алланима балоларни кўрсата келиб: «бу кун имлочиларнинг ҳар бири бир бошقا имло билан ёзганда бир жумла сўзни ўн киши ўн хил гузадир», деб ўзини куяни бир ҳолға қўядир. Сизга муаллимлик қиломайманку, бирор, айтиб ўтаман: бир жумла сўзни албатта ўн киши ўн хил тузадир. Сиз буни бир хил ёзмайди, деб айтмангки, уят. Агар қабул қилсангиз бир маънони онглаткан бир жумлани ўн киши тарафидан ўн турлик ёзилиши сиз айткан имлонинг тузалишига ҳеч бир вақт қарамайдурған табиъий бир қонундир. Имло тузалгач, кишилар бир тус, бир сурат ва бир бўйда туғиладирлар, деб кутиш айниқса сизга — Фози Юнусга келишмайдир... Бунчалиқ ҳам ўзингизни, ҳам бошқани овора қилиб ўлтурғандан билмаган масалангизга сукут қилсангиз нима бўлар эди. Ва шу қизрнч²¹ ҳолингиз устига «кўб кеккяберма!» деб тумшук, чўзишдан уялмадингизми?

Фози ўзи майдонга чиқарған ихтиродан ҳам тоғмоққа моҳирдир. Мен «Муштум»дан айнан кўчириб айтаман! «Рад бўлинг, фалагимизга тушкан шунғиялар!» дейсиз. «Бу тўғри эмаску», деб Фози қарайдирки, ҳақиқатан иш чатоқ! Шундан сўнг: «дехқонлар ҳам палагимиздан шунғия чиқди, демасдан, палагимизни шунғия бости, деб айтадурлар» дейди ва елмай югурмай «тушкан» сўзни «бости»га алмашдириб қўядир-да, майдонда ётқан ўн минг нусха «Муштум»даги «тушкан» сўзини «бости»га оғдариб чиқишқа вақт тополмайдир...

Эзмалик бўлса ҳам яна бир тўғрида Фози айтканча «изҳори фазл» қилайлик; «шунғия чиқди» деган сўз озчиликка айтиладир, аммо «шунғия бости» сўзи ғалабаликка дейиладир. Масалан: «шунғия чиққан эди» (битта-ярим) «палакни бости» (чиқа-чиқа кўпайиб) шунга ўхшаш «ёв келди» (уришмоқчи ёки уришиб турибдир) «ёв бости» (ёв кучайиб бости, кутулишқа чора қолмади) бўладир. Демак, сиз мени айткан «чиқди» сўзини қабул қилмай туриб «бости»ни ўзлаштиrolмайсиз. Бу бурма бичигингиз ҳам ўзингизга тан бўлсин!

Фози ўртоқ! Агар даъвонгиз сиёсий саводлилиқ бўлса жавоб берингизчи: шўролар ҳукумати ва фирманинг шарқда туткан сиёсати билан ички русиядаги сиёсати орасида фарқ борми, йўқми? Русия ишчи-дехқонлари орасида юргизилган бир кампания бизнинг Ўзбекистонда ҳам ўтказиладими, йўқми? Истиснолар, фалонлар?²² Бас, сиз

¹⁸ Соддоловд — гўл.

Обият — сув, қамаймоқ мазмунида

¹⁹ Мункир — инкор түвчи

Қавий — кучаймоқ, жўшмоқ, қувватланмоқ

²⁰ Қизрнч — ачинарли.

²¹ Албатта фарқ бор эди. Ўзбешвилтим ўяси миллатни, динни, маъддий шарт-шароитни тан

билин мен ишчи — дәққон ходими бўлатуриб, нега валиненъматимизга²³ оёқ, хизматини²⁴ ўтаемиз?

Бултур, Масковдаги собиқ «Бухоро билим юрти»да ўртоқ Исталин отиға «Қулуб» очилатурган бўлиб расми күшодга²⁵ ҳалиги ўртоқ билан Калинин бўбои²⁶ тақлиф қилинган эдилар. Мажлиска Масков ўқуғучиларимизнинг кўблари иштирок қилиб, ўртоқ Калинин раислик этди ва ярим соатлик насиҳатомуз нутқида «Масковга маърифат истаб келган сиз мазлум шарқнинг дәққон болалари биринчи галда билим олмоққа, ундан сўнг шу олган билимингизни ўзингиз туғилиб ўскан ердаги онгсиз, мазлум, динда мутаассиб²⁷ ишчи-дәққонларингизга силлиқлик билан юқдиришқа ҳаракат қилингиз. Русия шароитидан тамоман бошқа бўлған бир мұхитда жуда нозик масъулиятни ўтагучи қаҳрамонлар эканингизни унутмангиз!» деди.

Бу улуг раҳбар Шарққа келмай туриб мундаги таассуб билан ғойибона ҳисоблашар, биз шогирдларига энг маъқул ва ҳассос²⁸ васиятини сўзлар эди. Бу васият умуман Шарқ ҳалқларида кўрилган ҳалиги хусусиятни яхши билганлиқдан ва мавзуъ ниҳоятда эҳтиёткор иш кўришни талаб қиласанлиқдан сўзланар эди Агар бизнинг кўхна адибимиз бўлган Фози катта раҳбарнинг ҳалиги васиятига қулоқ солмағанда ҳам ўткан йиллардагина номозини ўқуб, рўзасини тутиб юргучи ва матбуот орқалиқ ҳамду-наът тарқатқучи — ўзидан ўринак олса «салласига яраша ақли ҳам бор экан», деб катта-кичик баракалла ўқур эди.

Раҳбарнинг сўзи: Русия шароити бошқа, сизники бошқа бўлиб турған бир замонда икки асрлик маданият эгаси «Безбожник»²⁹ тақлид қилиш «бутим йиртилиб ўламан» дейишдир. Йигирма беш йиллик тажриба эгаси ва элли йиллик маданият соҳиби бўлған «Мулла Насридин»³⁰ тўгрисида маним фикримни сўраш, яна рухсат бермасангиз ҳам ҳамоқатдир. Ўзим кўрмаган, билмаган ноошно бир ўлканинг чўпига ҳам кўр-кўронга тақлиддан ҳазар қиласан, ўртоқ!

Жулқунбой,
«Қизил Ўзбекистон» — 1925 йил, 25 август.

олмади. У ўрта Осиега ҳам кириб келиб исча асрлардан бери шаръий ажкомлар билан ҳимоя қилиб келинаетган хусусий мулкни бекор қилди. Ёлон ватъдалар билан «Ер дехонга!» деб 1921—22 йиллар ер ислохотини ўтказиб ер оғаларнинг ерларини, заводчи бойларнинг завод-фабрикаларини, тижоретчи бойларнивг мол-мулхини мусодара қилди. Динни давлат ишларидан ажратиб, Туркистаннинг жон томони бўлған шаръий ажкомлар жорийсини тақиқдади. Вакф ерларини давлат ихтиёрига олди, мадрасаларни, эски ва янги усуздаги жадид мактабларини ёди Оқибатда ҳалқ озодлик учун большевикларга қарши уюшиб сөксә турди. Бундан кўрқиб, Совет ҳукумати 1922—23 йиллардан вакф ерларини маориф шўъбаси ихтиёрига берди, шаръиат макъкамалари очилишига, мактабларда дин илим ўқитилишига рухсат берди, ер-сув ислоҳоти тўхтатилди. Лекин бу компаниялар Россиянинг ўзида аёвсиз равиша олиб борилган эди.

²³ Валиненъмат — бу Сталин назарда тутиляпти.

Оғқ ҳизмати — чалмок, тўсик бўлмок.

Расми күшод — очилиш маросими.

²⁴ Калинин М. И — СССР МИК раиси.

Мутаассиб — динга кўр-кўрхана бериувчичи, фанат.

Ҳассос — сезгир

²⁵ «Безбожник» — 1922—41 йилларда Москвада чиқсан «Худосизлар» атеистик газетаси ва 1925—41 йилларда чиқсан журнали, бу ерда Русияда матбуотнинг пайдо бўлган вакти назарда тутиляпти.

²⁶ «Мулла Насридин» — 1907—1932 йилларда Озарбайжонда чиқсан сатирик журнал. Кенинчалик «Кирпи» деб номланган.

ҰЖАР ҚҮР

Қалам қўлимда, лекин, нима учундир, бир неча гаддан бери равон кетмайдир... Кимдандир нафратланиб, қайси бир жанасдан¹ ҳуруккан-дек бўладир... Ҳурукма, дейман, лекин ул ҳамон йўлда тезак кўрган ариумоқдек чимирилиб буриладир... Оёғи остидағи тезакни босиб, янчиб утмакка унамайдир. Эҳтимолки, унинг бу ҳоли ахлатни босадурған оёғини ҳайф билгани учундир!-

Арабларда «аввал йўлдош ташла, шундан сўнг йўлга туш!» мазмунида бир мақол бор. Шунинг сингари йўлим тўғри ва хатарсиз бўлса ҳам йўлдошнинг ўтача ифлосига йўлиқибман, яъни чаким² шалтоққа тушибдир... нима қилай? «Қўшнинг кўр бўлса кўзингни қис!» мазмунига амал қилмай чора борми?

Ҳақиқатан қўшним кўрдир. Ўзи илгарига бир одим боса олмаганидек, етакка ҳам унамайдир, яъни ҳалқ айтқанча кўрларнинг ўжаридир.³ Унатмоқ мақсадида «Хой, қори ака! Ўлтурған жойингиз жуда ифлос, бир икки қадам берига юритиб келай!» десангиз, тагидаги ифлосидан олиб сизға ва девор-тошға чангл-чангл отадир ва катта-кичикни ҳаммом боришига мажбур қиладир. Ўзи бўкиб ултураберса биз ўзиники ўзига ҳалол дер эдиг-а, бироқ бошқаларни бетаҳорат қилғани ёмон, бу сўқирнинг!

«Шаллақи ким?» деб Фози Юнус 211-нчи сондаги, билмадим, нима номасида менга савол ташлайдир. Мен камоли эҳтиром билан жавоб бераманки, «шаллақи — сиз!» Чунки шаллақининг шохи ва ёқим узун шалланғ қулоги бўлмайдир. Сиз ўзингизда шох ва шалланғ қулоқ ахтара кўрманг! Агар билишкага ҳавасингиз бўлса «шаллақи» деб ҳалқ ўртасида машҳур бўлган сизнинг уруғингизда кўрилган хусусиятлар қўйидагича:

- 1 — даъвода асоссизлик;
- 2 — таги йўқ ҷелакка сув тўлдириш;

3 — мақсад, бир ҳақиқатни майдонга ташлаш эмас, балки қайси йўл билан бўлса ҳам шу ҳақиқатнинг устига тапти қалаш ва шу уч чоралар орқасида юракни мустамлака ҳолига қўйған обрў ва кимсан — фалончиликларнинг шоирона кайфига ҳалал бермаслик. Мана, шаллақининг иммий таърифи шуддир. Фози Юнус агар бу таърифга бовар қилмай «шаллақи» аталишдан нозланса, шу 211-нчи сондаги менга берган иккинчи жавобираёқ ўзи инсоф қилиб (инсофи бормикан, тавба!) бир кўз ташласин.

Жулқунбойнинг шахси устида (танқиди устида эмас, чунки меним ёзғанларим танқид эмас эмиш!) тиши ўтмаса ҳам талайрина қуруқ суюк ғажибдир, лекин Жулқунбойнинг асосий талабларига келганда

Жанас — тезак.

Ҳақиқатан ҳам насли айри отъар тезакни ҳеч босмайди еки устида отмайди.

¹ Чак — чек, хисса.

² Ўжар-худбин: ҳар бир ишни ўзи тилаганча юритмакчи бўлган киши. Фарблиларча романтика яқинлашиб қелса ҳам, бироқ Европа романтиклари бининг ужарча жоҳил бўлмайдилар (муал.).

думини қайчи қилиб, ўзини араванинг тагига олибдир.⁷ Ҳолбуки, унга ола-бўжи бўлиб кўринган Жулқунбойнинг танқиди Фозининг куруққина сяяк мужиб, Тошканд билан Қашқар орасида тилини бирярим қарич осилтириб чопишида эмас, балки «Муштум»нинг мавзути, сўзда иқтисодсизлиги, тил билмас ғалчалиги ва бошқалари тўғрисида эдиким, «Қизил Ўзбекистон»нинг 193-нчи сони ўқуучининг қўлидадир. Ўзини «Муштум»нинг бобойи калони эълон қилиб майдонга от сурган, садоқат ўрнига шахсият маржонидан⁸ бўйин тумор осиб вирди нафсоният,⁹ зикри шақоват¹⁰, оғиз очиши ёлғон ва маҳтанчоқдиқ бўлған Фози Юнусдан жавоб куткан эди. Лекин ул чин раддия ва ёки таслим ўрнига унинг тувагини тўғриламоқчи бўлған бир кишининг устига занжирини узмоқчи, ошнолик алоқасини бузмоқчи бўладир.

«Куруққина уйимга ўт, кўзимга чўп тушди!» деб дод-фарёд қилиш билан ҳалол луқмани бу ерда кўйиб тоғдаги машоққа бесаранжом ютуриш¹¹ билан «Фози Юнус»ликнинг тамтамроқ¹² обрўсини саклаш, ажобо мумкинмикин? Шу жаҳолат, шу сиёсий ва адабий саводсизлиқ билан тумшуғини чўзиб қачонғача вовайлого ўқур экан, бу бечора? Ақллilar наздида, аҳли донишлар назарида уятсизларча афтига қора суртиб «ололмайди кал!» рақсини адо эткучи ва асафоки,¹³ оғам Фози Юнусдир!

Шу ўринда сизга «юрт ичида шўра кўрсаткан олий»га¹⁴ оталарча бўлмаса ҳам, оғаларча бир кенгаш берай:

Ўзлари марҳамат қилғандек, кундан-кунга замон ўзгарадир, ишлар янгарадир. Ачасини кўйнагини кийиб чиққан Фози Юнуслар катта-кичикдан жиртак оладирлар. Матбуот саҳифаси ва адабиёт саҳналари-гагина эмас, ҳаётнинг ҳар бир соҳасига чурук-чорик, латта-пугта ёзғанлар раҳимсиз суратда супирилиб, аксар кунлари жувоз ҳайдашга қоладир. Сиз, Фози Юнус, ўзингиз иқрори шаръий қилғанингизча, жаҳл тўрнагизни ҳар кимга амонат топшириб жаҳолат интишорига¹⁵ қўшиш¹⁶ қилмангиз-да (чунки жаҳолагимиз Фози тўрва очмаса ҳам ҳадсиздир), култа¹⁷ соқолингизнинг, кекса мўйингизнинг мулоҳазасини қилмай, савод мактабига кирингиз! Чунки ёшлиғида обакидандон шимиб, ақли тушдан кейин кирган Фози Юнусларга илм суви билан жаҳолат тўрvasини покизалаш лаҳадгача фарздир!

Мен Фозининг кечаги берган жавобини ўқуб, кайфланиб-кайфланиб кулдим. Чунки бу кунги матбуотимиздаги чўлтоқ супургилардан бири, ҳам биринчисининг жонлиқ характеристикасини ҳам фақат бу

⁷ Бу қочирим ибора қўрқиб қочган итдан олиниб айтилади.

⁸ Шахсият маржони — худбинлик.

⁹ Вирди нафсоният — иззатталаблик, манманлик.

¹⁰ Зикри шақоват — бадбахтлик.

¹¹ Бу қочирим ибора «қўлингдан келмайдиган ишга қўл урма» маъносида ишлатилади.

Тамтам — олифта, дабдаба.

¹² Асафо — афсус, надомат.

Бу ибора яхши ишлар қолиб емон ишлар билан шуғулланувчи лодон одамларга нисбатан қўлланиб айтилади.

¹³ Интишор — ойилиш.

Қўшиш — ҳаракат.

¹⁴ Култа — хотигиларнинг бу кунда истеъмолдан қолган бош кийимлари. (муал.).

мақола берар эди. Аммо сукишдан, риторика — маънисиз фасоҳатдан¹⁶ нарига ўтаолмаған ўғри фазилатка қирғин келсин, дедим. Юқорида айтканимдек, ҳақиқатан чаким шалтоққа тушкан эди. Чунки мен ораға ташлаған асли масала Фози Юнуснинг алдар халтасига тушиб кеткан, орада маълумингиз ранги ўчиб қони қочқан бир сиймо — Фози Юнус кўлида ўқлогиси билан юрар эди. Ҳой, — дедим, — ҳали ҳам бузогингиз тошилмадими, эгачи? — дедим.¹⁷

Бузок йўқотиб, қўлиға ўқлоги ушлаб кўчага чиққан Фози Юнусда юмишим йўқ. Сиз ўкуғучи мендан умид тута кўрмангки, Фозининг йўқолған бузогининг шаънига бирма-бир марсия ёзар, деб. Ёзмайман. Нега, десангиз мен бу боққа фақат бир кинначи сифатида кирган эдимки, бузок йўқотқан эгачим ўқлоги кўтариб қаршилади. Бу боғнинг холис эмчи сўзига тушинадирған йигитлари бордир-ку, ахир!

Фози Юнус бир ўринда ҳақиқатка томон эшикнинг тирқишидан қарагандек бўлиб, Тошканд билан Қашқарнинг фарқига бориб кела-дир. Агарда ул Қашқар каби Тошканд билан Ўзбекистоннинг ўзга гўшаларини ҳам чақишдира бошласа эди, тоқчада хатна муомаласини кутиб ўлтурғучи болалар «Чил-чил...» ғазалини ўқуб юборар эдилар.¹⁸ Аммо Фози типирчилайдир. Айби йўқ, бул ҳам қолсин, ўқумай таббат-ка тушкан¹⁹ оҳундимиз алмай-юргумай мактаб масаласига ҳам сўна-қайсиз чўмични уриб оладирлар. Шу вақт афти-башарага бир қараб олсангиз, гўё айтарсиз, қайси боғнинг гули ва қайси чаманинг булбу-ли экан бу зот, деб.

Мактаб қайғисини егучи бу педагог, бу мутафаккир шу ўзи кун-дан-кунга интибоҳини кўриб турған мактабларимизнинг маъсум болалариға ва қизлариға кечаги 15-инчи сон «Муштум» орқалиқ нимани ҳадя қилди экан? «Муштум»ни таъқиб қилиб борған мактабларимиз-даги маъсум болалар, фаришта қизчаларнинг ҳолига раҳм ва шафқат борми сира?

Бу мулоҳазасиз бадмастнинг гўдаклар ҳуқуқини поймол, ахлоқини ҳалалдор²⁰ қилиши ўзининг банголуд²¹ миясига сиғмаса, яна айтаман, меним миямга сиғмайдир.

Ё Фози! Бу андишасизликни қайси оғилдан ўргандингиз ва биз буни сиз айткан интибоҳнинг қайси қисмига қўшайлиқ? Ёки сиз бун-дай мулоҳазасизликлардан воз кечкунингизча болаларни мактабдан олуб уйига қамаб қўяйлиқми? Журналда болалар саҳифаси очқан, гўдакларни «Муштум» шериги қилған Фозининг андишасига таппи қаланди-ми, ажабо?!

¹⁶ Риторика — фасоҳат — чиройли сўмлаш.

¹⁷ Бузок — бу кочирим ибора мақсад, масала, қалаванинг учи маъносида.

¹⁸ Илгари Тошкентда хатна тўйида болалар уйни тўлдириб, тоқчаларга ҳам ўтириб одиб бола хатна бўлган замони «чил-чил хасса» деб бакириб ўз хургандчиларини билдирадар эдилар.

¹⁹ Таббат — Куръони каримнинг 110-«Наср» сураси. Таълимда оддин «Муаллими соний», «Тажвид» дарсларидан сўнг Куръон ўқишига тушилади, бу ибора ўқимай иш бошига чиқиб олганлардан киноядир.

²⁰ Ҳалал — нуксон, айб.

Банголуд — бант аралаштан; булванган.



Уят, Фози Юнус! Маъсум гўдакларнинг, фаришта қизчаларнинг уволи, лаънати ва нафрати сизга бўлсин, Фози Юнус!!

Мен сизни ўткан мақоламда мулоҳазасиз кўр муқаллид, деган эдим. Бу ўринда яна сизни «Ўжар кўр!» дейман. Чунки бу расмни Русияда чиқиб турған баъзи бир адабсиз журналларга тақлидан олғансиз. Ҳолбуки, ўша сиз тақлид қилған журналларнинг сизга ўхшаш алоҳида ўқуғучилари бўлиб, мактаб эшигидан киргизиш мамнұ²² бўлғанидек, оила усталига ҳам ўйланиб қўйиладир.²³ Таассуфки, сиз ўз қўлингиз билан мактабларга «Муштум» улашиб изҳори фазл қиласиз ва оғилхона ахлоқингизни гўдаклар орасига тарқатасиз! Сиз айткан интибоҳ шу бўлдими? «Муштум»ни чиқариш учун чеккан заҳматларингиз ва Аюби собирман, деб қилған даъволарингиз шунинг учунми эди? Ҳайф сизга, Фози Юнус! Нафрат сиздек адаби шаҳирга!²⁴

Мени кўпроқ тадрижчиликда²⁵ айблайсиз. Очиб айтай: маълум ма-салада мен тадрижчи! Қўлингиздан нима келади? Ҳолбуки шарқ бешигида катта бўлған бу кунги адаби шаҳир Фози Юнуснинг ҳамма умри ҳам тадриждан иборатдир: онаси туғди, ногорачи келди, чўзма чалпак қилинди, ўсади. Мадрасага кирди, мияси таассуб полхоли билан тўлди, ниҳоят, ўзи айткандек, мундан ўн икки йиллар илгари фикрида бир ўзгариш пайдо бўлиб, муашшахлар²⁶ ёзди, муашшахдан ўтиб «Ишчилар дунёси», деган сиёсий журналини²⁷ чиқарди, турмага тушиб худога зори ва тазарруъ қилди ва ўзи айтканча, босмачиларга қарши нашриётда бўлинди ва охирда бу кунги думбул ҳолатка келиб тўхтади. Мана бу ҳолни тадриж деб айтадирлар. Янги табиъат бўлса ҳам²⁸ бизнинг барча кишиларни Фози ҳолида кўргим келар эди-я, бироқ, буни мен кўрган ҳақиқат майдонидан топиш қийиндир. Орада «Ҳарким Фози Юнус бўлаберса подани ким боқадир», деган эски ҳақиқат ҳамон ҳукм сурадир. Фози Юнус йўлидан бориб ҳақиқатка эришмак менимча бир хўледир.²⁹ Ҳақиқат эса ҳалқнинг биринчи бир мартабада иқтисодини тузатиш, ундан сўнг чин маърифат бериш, ҳам шулар асосига бошқа масалаларни қўйишдадир. Ҳолбуки, Фози Юнус ўзи сузишни билмаса ҳам, сузишка ҳаваскор кишига ўхшайдирким, иштонидан чиқарған дўмбираисига ишониб кўл ичида оёғи кўқдан келган бир йигитнинг ҳолини кўрганим бор.

Тўрт йилдирким, янги иқтисодий сиёсатда яшаймиз, ҳам шу асосда кундан-кунга маълум мақсадга яқинлаша борамиз. Нега биз отни қамчилаб борган жойда тўсатдан бир неча қадам кейинга қайтдиқ? Фикри салимингизча, бунга нима маъно берилсан? Ҳолбуки бизнинг ўлкалар-

Мамнұ — ман этилаган.

²² Журналнинг шу сонида уятсиз сурат чоп этилаган эди.

Шаҳир — машхур.

²³ Тадриж — табиат ва жамият ҳодисаларининг дарражама-даража ривожланиш усули, звонюция.

Муошшах — байт ёки мисра бошидаги ҳарфларни тартиблигандан кишининг исми ҳосил бўладиган ғазал.

«Ишчилар дунёси» журнали 1918 йил 18 январдан бошлаб Тошкентда чиқсан, олти-етти сони чиқиб тўхтаган.

²⁴ Янги табиъат — коммунист, большевик.

²⁵ Хўлё — факат хаёлда, тасаввурда зоҳир бўладиган, аслида йўқ нарса.

даги маълум кураш НЭП тадрижидан ҳам нозикроқ бир масала экани майдондадир.³⁰

Яна мисол учун ўз ҳаётингиздан олиб бир намуна: ўз оиласига ва яқинларигиз, укаларингиз, эгачи-сингилларингиз ва онангиз сизнинг қарамоғингизда ва ишоратингизда әди. Нега шу оиласидан қувланмоққа, болта таҳдида остида қолмоққа мажбур бўлдингиз? Чунки пўстак ақлингизни мой босиб, биздаги бу кучлик таассубни ҳечка санаған, асосни маърифатдан эмас, сафсата ва оғзи бузуклиқдан бошлиған здингиз. Бас, Фозининг вужуди ҳақиқатдан ва андишадан иборат бўлса, шу ҳақиқатга барчадан ҳам яқин турған унинг оила можароси нимадандир? Нега ўзига енг бўлмаган шаллақи ўзгага бўй бўлмоқчи бўладир?

Халқдаги таассубни ўрганиш учун ҳар ким ўз оиласига ва яқинларига кўз ташласин, халқ ижтимоий шу оиласидан уюшканидек, унинг руҳий ҳолларини ҳам шундан ўрганиш қулайдир. Лекин бизнинг «Муштум» фуруш оғамиз ичдан кесилишга³¹ маст бўлиб, ўзи онглаб етмаган масала устида ҳўл кириб, қуруғ чиқадир. Раҳбар «силлиқдик билан юқдириңгиз!» деб васият қилинганда кўзини кўр, қулогини кар қилиб дағаллик кўчасига кирадир. Лоқал ўз бошидан кечирган можароларидан ҳам ҳисса оломайдир, бу ўжар!

Фозининг яна бир асоси «ҳозирча мулоҳаза керак бўлса ўн йилдан сўнг нима қиласан?» мазмундаги абраҳона бир саводдир.

— Ўзинг марксистхўммисан³² Фози? Ёки тақдан шопу-шолопларинг эл кўрсинг учунми? Вой сани ўша одам суратига қўйиб бежаландан ўргулай! Ман ҳам сандан сўрайинчи: ўн йилдан сўнг НЭП нима бўлар экан-а?! Жаҳл тўрвангдан бир сўраб қарачи, иши бузук!

Сўёни яна чўзмоққа фурсатим йўқ, чунки айтиладурған гаплар безнамо бир ўжарга, олиптанамо бир кижрга³³ эмасми? Аммо сўз охирида ўртоқ Фозига қиладурған бир тавсиям бор:

Табъи салимингиздан³⁴ чиқиб кисай ҳимматигиз билан босмачиларга қарши нашр этилган асари ноҷизонангиз³⁵ хусусида матбуотда бир изоҳ бериб ўтмак муддаосида юрганингизни эшишиб кўб хурсанд бўлдим. Башарти фурсатингиз кифоя қиласа, таҳти таҳрирингиздан чиқиб босмачиларга эмас, ўзингиз билган яна бир расмий идорага қарши нашр этилган «Ишчилар дунёси» отлиқ яна бир маблагингиз³⁶ бор. Ана шунда ҳам баъзи бир изоҳка муҳтож мақолаларингиз йўқ эмас. Сўрайманки, шу тўғрида ҳам бир нарса деб қўйингиз! (Тавба қиласизми, тонасизми майли-да, ишқилиб) сизга эҳтироми том билан:

Жулқунбой,
«Қизил Ўзбекистон» — 1925 йил, 6 сентябр, 218-сон³⁷.

Кураш — бу орда Туркистон ўлкасида ҳукм сурэттган саводсизлик, маърифатсанглик, жаҳолат назарда тутиляпти.

Ичғон кесилиш — турурланиш.

Хўм — хумса, хунаса.

Кижр — кучи етмаса ҳам кишига епишгучи дуварақ одам. (мулл.).

Табъи салим — пок кўнгли.

Асари ноҷизона — артичас асар

³⁵ Маблаг — бойлик.

Муҳтарам ўқувчи, сиз бу иккى мунахқиднинг натарий мунозараларини ўқиб чиқдингиз, гарчи унда баъзан учар ўзаро шахсият донрасида ҳам сўз қотган бўлсалар-да, лекин уларнинг

ЧҮЛПОННИНГ «ТОНГ СИРЛАРИ» ШЕЪРИЙ ТУПЛАМИГА СҮЗБОШИ

Баъзи бир ўртоқлар Чүлпонни йиғлоқ, деб айбсигадирлар. Балки ҳақлари ҳам бордир. Чунки, унинг:

Чечаклар ўскуси кўз ёшларимдан
Бўғинлар унгуси ўйлашларимдан... —

деб ҳасратланиши бизнинг кўз ўнгимизда «йиғлоқ» бир шоирни гавдаландирадир. Бирок, шоир шу тўккан кўз ёшларидан чечаклар ўсдирмоқчи бўлмаса эди, биз ҳам унинг мұттаризлари¹ қаторига кирган бўлар эдик.

Анқов таъначилар шоирни ранжитишда мудовамат- қиласидирлар, ҳатто: «Сен кўк шоири!» дегучилар ҳам бўлиб, чорасиз шоир уларга ўз ҳолидан очик жавоб беришга мажбур қиласидир:

Сиз дейсизким, мен кўкларни ўйлаймен,
Ер бетига сира назар солмаймен.
Янглишасиз: мен кўкларга беркинган
Ер қизидан хаёлимни олмаймен!..

Ўктабр ўзгариши қора тунимизнинг тонгини отдириди эса-да, бу мудҳиш кечнинг баднамо кўлагалари ҳамон шоирнинг юрагини титратдилар ва ул чор-ночор йиглади... Шу иифи орасида барқ уриб кўринган эрк қуёши бу кўз ёшларидан «чечаклар унгуси»ни сўзлади...

Менимча, «Тонг сирлари»да кўрилган кўз ёшларининг сири шудир. Шу қисқа жумлада ўқуғучини бу кунги Чўлпон билан танищдира олан бўлсан ўзимни баҳтилик санар эдим.

Жулқунбой,
Тошканд, 1925 йил, 6 сентябр.

ИБИ, АҲМАҚ БЎЛЛИНГ-ЧИ?

Кулгулик

Бир одам бор: эртаю кеч босқон билан курашадир. Бурнининг катаги ва қулоғининг жимжимаси ҳамишаликка қоракуядан сурма қўйған. Яъни қасби темирчилик Илгарилари шу темирчи билан жуда қалин оғайнин бўлсақ ҳам бу кунларда орамизга чўп тушкан. Зеро ул тоҷик, мен ўзбек; «Овози тоҷик»нинг таъбирича, мен — тоҷик мактабларига ўзбек тилини зўраки ва мажбурий равишда киргизгучи зо-

даъво қилиб чиққан сархил мақсади — адабий-назарий, маданий-чательфий ва ижтимоий-сиёсий масалалар билан хушлёр ўқувчиларнинг мезон назаримиздан қочмаслиги лозим. Зотан улар тоғрарларининг охирига қадар моддии омас, маънавий-юъйий дўст бўлиб колган эдилар. Буни Ҳабибулла Қодирийтинг ва Гози Юнуснинг ўғиллари Тўлкин ака Юнусовнинг ёзган хотиралари дақ ҳам ўқиб билиш музкин.

¹ Мұттариз — эътироғ қилювчи.

Мудовамат — давом этириши.



лимларнинг ўғли, ул бўлса, зўрланған, жабрланган мазлум тожикларнинг боласи! «Овози тожик»нинг тилагича адоватимиз мана шу йўсин табиъий равищада хўқизнинг шохидек ўсиб чиққандир.

Кечираисиз, ўқуғучи. Бандангиздан шу ўринда тариқдеккина ёлғончилик кечти. Зеро, мадрасада сиғани муболағани¹ кўп ўқуғанман. Ҳалиги темирчи тожикнинг менга адовати йўқ, аммо сизга таърифини қиласним хўқизнинг шохи фақат мендагина ўскан эди. Шунинг учун фақат менгина гемирчини кўрганда қоворимнинг тўқимини солиб, тумшуримни бир ярим қарич осилтириб ўтар ва саломига жавоб бермас эдим. Тунови кун ишсиз кишига эрмак, деб йўл устида латта чайнаб ўлтурған эдим. Орқамдан бирор келиб туртади... Қарасам ўша темирчи тожик:

— Ассаломалайким!

Зардам қайнаб алик ўрниға оғзимга шу гап келибdir:

— Нима қилардинг?

Тожик бу муомаламга ҳайрон қолди:

— Иби, жинни бўллинг-чи!

— Ҳа, жинни бўлдим.

— Иби, жинники бўлибсан, — деди тожик, — нега бизга айтмадинг?!

— Домлангта ҳожатим йўқ! — дедим.

— Иби, иби! — деди темирчи. — Ахи биз мулло Қурбиники боқиб тўхтабмиз. Паланатингни нимага фойдаси тегсин? Акунки², сап жинни бўллинг беҳуда вақтда, Самарқанд қочиб кетди-чи? Оташ аробасига пақириңг³ бўлмаса баҳудо ман берай!

Кўрдимки, тожикнинг сўзи юрақдан, етмаса ёнчигини ҳам ковладир:

— Тўғрисини айтайми, оғайни, — дедим, — ҳарқанча меҳрибончилиғинг бўлса — тожикка қил, мен бўлсам домла — хўжани ўзбекдан кутай.

— Иби, иби. Замон охир бўлли-чи?

— Замон охир бўлмаса ҳам, — дедим мен, — кечаги «Овози тожик»⁴ сенинг одамларингдан биттаси худда қиёмат қилиб юборди!

— Иби, сан ҳам аҳмак бўллинг-чи?

— Аҳмоқ бўлмасам ҳам биздаги «Қўшнинг кўр бўлса кўзингни кис!» мақолига бўйинсундим.

Тожик мендан жуда ранжиган эди. Тепинди, гижинди, сўкинди, нос отди ва оғзида носи билан сўради:

— Шу гапка аниқ хафа бўллинг?

— Хафа бўлмайдурған гапми?

— Ҳай, хафа бўлибсан, — деди тожик. — Мекалай пошшонинг вақтига, мусулмонободнинг вақтига ана боринг-ки, беш юз йилга сиз ўзбакларнинг домуллолари мактабларга, бо яна мадрасаларга тожик

¹ Ортдирма даражаси.

² Йиғор — танди.

³ Пақир — икки тийинлик чақа, пул маъносиди.

⁴ «Овози тожик» — 1924—31 йилларда Самарқандда чиқкан газета. «Совет Тожикистони» газетасининг дастлабки номи.

тилига дарс айта эканлар. Бо ана шу ерга қандай чикин сиёсат бор экан? Анаки шу инқилоб бўлли, мактаблар очилли, ўзбак тилига китоблар ёзилли, анаки шу бизнинг тожик болаларга янги китоб йўқ бўлли. Анаки бу ерга мажбурият бор эди. Зўраки йўқ эди. Шуники фаҳмига бормайсан, сан кўб аҳмақчи одамсан!

— Аҳмақчи мен эмас, оғзингга қараб гапир! — дедим.

— Ҳай, аҳмақчиларнинг сўзига бовар қилиб, ўртоғингдан юз ўгирди қиласан?

— Нима бўлса ҳам кишига оғир-да Мамашариф! — дедим. Ўртоғимнинг оти Мамашариф эди.

— Сан тангла¹ шундайчикин дарди ҳарина² газатчиларнинг лофи ни, — деди Мамашариф. — Ахи, сан занбалчи, ман темирчи, бо яна бизга кина чи даркор? Агарда даркор бошад лофни газатчилар урсин, адоват донасини аҳмақчилар сочсин! Бизгачи? Ахи, биз беш юз йилки... жур бизнинг тўконга, манки сан аглақка бир наботчой қилиб берай, сан ичиб «ху» айткун!..

Бир-биримизга бўлған ҳурматимиз эски ҳолига қайтди. Баробар юришиб, кўкчойга кетдик. Кинани Мамашариф айткандек, мен ҳам аҳмақчиларнинг ўзига ҳавола қилдим.

ёзгувчиси: Жулкунбой
«Ер юзи» журнали — 1925 йил, 2-сон.

БЎЛСУН — БЎЛМАСУН

Беш ёғоч «Ўлка намуна иш мактаби»да ўқутучи Иноқбой инимиз янги йилга бағишилаб идорамизга ёзган тилагида:

«Тилидан дабба бўлған ёшларимиз: «ни» ўрнига «нинг» ишлатиб «ни» бечорани қарилатиб бу йил ҳам «нинг-нинг» лашиб қолсинашлар. Ундан кейин баъзи «мужик юткан» ўрисларимиз: «ҳам» ўрнига «и» ишлатиб мажлисларда «и-и»лашиб юрсинашлар!» — дейди.

Себзор даҳасидан ёзгучи Онбир номлиқ жиянимиз:

«Ўткан 25-нчи йил самовор — чойхоналарда Пучукқори ва Кучуккорилар патнус қўлда, мақсад пулда ханграшаберид бизни жуда безор қилдилар. Энди 26-нчи йил албатта шу эшакларни нўхталаб берсин!» — дейди.

Намангандан ёзгучи Хиракўз отлиғ набирамиз:

«Халча қори акамиз 26-нчи йилда ҳам Сардоба даҳа «Кушчилар союзи»га аъзо бўлиш учун ва бўлиб олиб биронта бўш устолга миниш учун ариза беравуриб миямизни қоқиб қўлимизга берсин!» — дейди.

Тошканд уязи, Полвон ариғдан ёзгучи Ёш бўғин укамиз:

«Полвон ариғнинг имоми мулла Жўра Охун қори ўғли 26-нчи йилда ҳам эски кароматида давом этиб, қишлоғимизнинг түғмаган ёш хотинлариға ҳомила тарқата берсин ва бундақанти имоматни ташлаб, жар-журларда қочиб юрмасин сўраймиз!» — дейди.

¹ Тангла — ташла.

² Дарди ҳарина — бўлмакур гап.

Шерободдан (Сурхондарё) ёзгучи Санжар афандимиз:

«Биз ерлилашдиришдан, ерлилашдириш биздан зерикиди. 26-нчи йилда шу бопи оғриғидан оғиз очмасликка бир товушдан қарор қиласыл!» — деб күбчилукни тартибга чақирадир.

САГУ талабаларидан Отахон Инагамов отлиғ бир мажхул:

«Эски шаҳар билан Янги шаҳар орасида шўлтилашаберид жуда шалтогимиз бошимизга чиқиб кетди. 26-нчи йилда Янги шаҳар Камхўзи ўз хизматчилари қаторида бизга ҳам янги бино солиб берсинг ва ёки эски бўшаған оғилхоналарға бизни жойлаштирун!» — дейди.

Ўртоқ Инагамовга янги йил муносабати билан биз ҳам ўз тарафимиздан тилак билдирадар эдикки. сиз ҳам Янги шаҳар оғилхонасига жойлашиб олсангиз шукронасига фамилияянгизни Иньомов деб қўйинг ёки «Игнатов»га алиширинг Чунки Инагамовни ўқуванда кўнгилга «янги чўқунған ўруслами?» — деган савол тушар экан.

Конимех районининг Беш работ бўлисидан ўртоқ Холис:

«Беш работ бўлисининг раиси Йўлдош Тўхта ўғлиниңг халққа қилған меҳрибончилиги ва хотинларға босқинчилиги кундан кунга бола очиб борадир. Меҳрибончилик ва босқинчиликдан безори жон бўлған биз халқ аризамизни кўтариб ревкомга топширамиз. Ревком ишни текшириш учун жиноят қидириш шўъбасига ҳавола қиладир. Фурраги бола очқан Йўлдошбой бўлса бўйинни эгиб қидирив шўъбасининг бир жонивориға йиғлайдир. Раҳмдил жонивор бўлса «Ҳозирча иш бизга келгунча йўқ, келса ўзим тўғрилаб юбораман!» дейдир. 26-нчи йилда шунаقا тўғрилаб юборгучилар ҳам кўпайсин!» деб тилак билдирадир.

Самарқанддан ёзгучи пўчта-телефраф хизматчиси Лаллов ўртоқ:

«Эски шаҳар пўчта-телефраф мудири 26-нчи йилда ҳам бўш биноларни ўзининг Расидан келадирган хотунининг-опасининг-эрининг-эгачи синглисига, яъни шўрвасининг шўрвасига зайнит қилиб қўйиб, биз хизматчиларни уйсиз очиқ ҳавода сарсон қилаберсинг, зоро бу ҳам нияти ғазотка¹ қўшиладир!» дейди.

Аммо биз фақирул-ҳақиқар жомеъул-ҳикоят² «бўлсун-бўлмасун» ўз тарафимиздан шу тилакларни билдирамизки, 26-нчи йилда театртуларимизнинг қолган қутқанига ҳам ўт тушиб ёниб кетсин, артистларимизга вабо тегсин, сиёсийларимиз орасида гурутпабозлиқ яна бош кўтарсинг, шаҳарларимиз вайрон, қишлоқларимиз ер билан яксон бўлсинг, мактабларимиз ёпилиб қорихоналар очилсинг, ерларимиз бадрақлар орасида парча-парча бўлсинг. Мулқдорларимиз тоғу-тошларға ҳижрат қилсинг, тўнгузлар боқсинг, матбуотимизнинг туттурури бўлмасинг, аммо саҳифаси саксонга етсинг. Турғунбой яхши десинг, камиссия кўзини юмиди туриб ёмон десинг, қовунлар етилмай узилсинг, нафсониятчилар³ атидан бузилсинг, яхшилар кетсинг, ёмонлар яшасинг!

Мен кўтардим билагимни, тангри берсинг тилағимни, омин!

Овсар,
«Муштум» — 1926 йил, 24-сон.

Нияти ғазот — жиҳод, бу ерда чиълатчилик демократич.

Жомеъул-ҳикоят — ҳикояларни жамловчи.

¹ Нафсониятчи — манбаатпараст.

БУРУН ВА ҲОЗИР

(Қаламкашлар ҳаётидан)

Хар бир замоннинг ўз олдига оч девоналари, дамбалсиз¹ шармандалари бўлғанидек, иккинчи томонда шаҳзода ва киромаңдалари² ҳам бўладир. Бизнинг ҳозирги қунимиизда аксар мисолни ўз касбимиздан олсақ, мухбирлар борки, бир-икки сўм оладирган гонорари (қалам ҳаққиси) учун эртадан кечкача идорадан идорага, чукурдан чуқурга тушиб, итдек ҳориб, ўша пешона териси бўлған уч ярим пақирни ҳам жанжал ва оворагарчилксиз ололмайдир. Ёзгучиларимиз борки, эртаю кеч матбааларнинг тақ-туки, қўрошинларнинг заҳри, бахтсизликнинг қаҳри остида ишлаб, кези келганда нон, деб кесак тишлайдирлар ва идоралар марҳаматидан ҳар ўн беш кунда белларига тугиб берилган беш-ўн тангани ҳам кўпинча уйга еткунча йўлда тушуриб қўядирлар. Одамлар борки, мўйлабини бураб, қорнини силаб, ҳузур ва ҳаловаг деганингни икки ямлаб бир ютқани ҳолда яна ойига фалонча червонни белига туфлаб тутадир.

Бу ўринда ёзган гапларимизнинг муносабати шунга боғлиқдирким, идорамизга наманганлик «Фиқ»³ рафиқимиз ўткин асрнинг Қўқон шоирларидан марҳум Абдураззоқ девонанинг⁴ ўз асрининг шаҳзодасига салла сўраб ёзган бир парча туталини юбориб «шуни журналингизга боссангиз экан, аслидан кўчириб юбордим» дейдир. Биз тутални ўқуб чиқдиқ, ва бобомиз девона марҳумнинг фожиъаси кўз ўнгимизда гавдаланди.

Бечора бобо мұхтоҷ ва шу эҳтиёж бахтсиз бобони «девона» ясанған. Меҳнаткаш елкасида кун кўргучи «бахтлилар» шоирнинг мұхтоҷлигидан истиъфода қилиб, унинг талантини ўз кайфларига, эрмакларига қурол қилғанлар ва ўзини «девона»лар қаторига киритканлар. Уларнинг арзимаған инъомлари ва эҳсонлари учун кўрингиз бечора бобо нималарни ёзадир:

«Сайидим, тожисарим, нуктарасим, аҳди қадим баңдага бир салла карам қылған здилар, магарам хотири ашрафларидан маҳв ўлуб кеткан учун ёди муборакка солай, деб баҳри тавил⁵ айладим иншо:

Малиқай доди расо, мұхташамо, онглаки, калламдаги саллам титилиб қиймаю парча қийилиб, илма улок, лахлаху равзан, кўзанинг тешиги, утра ювуқ, бурда чувик, кўҳна кафандек чириғтан, эски ямоқ солғали бўлмас, ярамас ҳам сузук, афсурда тутун, зўрга турган, куя урган, чириги хўрда надомат, или чандима чилтари гадодек ўралиб, балки юзубошимга тушиб, суфра-сочуғдек осилиб, бу эрта-ю кеч боди сабо қиласидир. Нолаю фарёд ила қулогимга уриб наъраи ҳайдар уру-

¹ Иштонисиз.

² Кироманда — азиз, иззатли.

³ «Фиқ» — адаб ва мұхбир Рафиқ Мўминнинг таҳаллуси.

⁴ Абдураззоқ девона — Абдураззоқ, Бимий, ҳалқ шоири, Фарғонанинг Ойим қишлоғида 1917 йил вағғот ўтган.

⁵ Баҳри тавил — узун дарё демақдир, газалнинг бу вазнида жуда кам шоир езган.

шиб, қичқиришурларким бориб ҳазрати шаҳзодага арз эт, йўқ эса энди сани хар қиласиз, елкангда самоълар тепишиб жаҳр қиласиз, охири басар қиласиз, деб ҳама он турфа тумав айлади, бизни бу сабабдан ҳамаи сурати аҳволни умидгаҳим меҳри ваҳим хизматига равшан этурман. Масалан, рӯдай чиркин монанди лўлийи ҳаромзодаи шовқунчийи бирав каби йиртиқ кафан, кўҳна ватан, диққи расандин қутилиб эски дасторларин ёки аниг ҳаржини марҳамат айлаб кара-мингиз етишиб, сўнгра халос этмасалар уч йилги жанае рӯда фалокат зададин қутилмас киши асло!»

Шаҳзоданинг эски салласини сўраб баҳри тавил иншо қилған Абдураззоқ девонанинг ҳоли билан бу кунги «девоналаримиз» орасида бўлса озғина фарқ бордир. Ул ҳам Шўролар ҳукуматининг кейинги «девоналар» турмишини тузатиш ниятидалиги.

Шилғай,

«Муштум» — 1926 йил, 24-сон.

26-НЧИ ЙИЛДА КУЛДИРГУЧИЛАРИМИЗ

(Жигддий)

Адабиёт дунёсида икки турлик танқид бор; жиддий танқид ва ҳажвий танқид. Жиддий танқид ўзининг кузаткан нишонаси устида ўзгарышлар ясаса ҳам аммо кўпинча авомга мажхулроқ бўлиб ўтадир. Айтиш мумкинки, жиддий танқид баҳс қилинған масаланинг ўз аҳдига, яъни юқори табака — зиёлиларга маҳсус кабидир. Ундан сўнг жиддий танқид турмушнинг ҳар бир бурчакига кириб юриш учун ҳам таназзул¹ этолмайдир. Бу жиҳат билан қаралса-да, у оммавийлик хусусиятидан йироқдир.

Танқиднинг иккинчи хили бўлған ҳажвийни (сатира маъноси билан) оммавий дейилса бўладир. Чунки кулки танқид-турмуш бўлиб учқучи бургутдир. Ҳаёт шароитига ярамаған заиф, қизғанч², манфур, музир³ ва шунинг сингари унсурлар унга емдир.

Ҳажвий танқид авомнинг руҳига яқин ва унинг ҳис эткан, аммо ифода қилаолмаган масалаларига таржимондир.

Хуоса, ҳажвий танқиднинг табигъатидаги кулгулук унсури авомнинг маҳбуби, тарин тўғриси унинг ўз ижодидир.

Бир миллатнинг ҳар бир соҳада туткан мавқеъи маданиятидаги даражасига, яъни савиясига қараб ҳукм қилинса ҳам, аммо ҳажвиётдаги даражаси бунга қарамайдир Миллатнинг кулгулик даҳоси аксар ўшал қавмнинг интибоҳ⁴ тарихининг қалдирючи бўлиб кўринадир. Масалан, Италияда — Данте, Испанияда — Сервантес ва Россияда — Гоголлар каби. Чунки даҳоларни етиштирғучи бош омил бузук шароит эди.

¹ Таназзул — тушмоқ, кирмоқ

² Қизғанч — аяничли

³ Музир — зарарли

⁴ Интибоҳ — уйлониш

Бизнинг кулгулигичизнинг ўз оддига бир мунча тарихи бўлса ҳам, аммо янги ҳажвиётимиз ўзининг чин негизини ҳали сола олған эмас. Зоро, Ўкабр ижтимоий инқолобининг туртуги бизни интибоқ кўчаси-га томон уйқусиратти. Онадан турма турлик соҳаларда иш кўра бошладиқ. Шунинг учун-да, биз бу кунги ҳажвиётимизда кескинлик кўролмаймиз, «Машраб» ва «Муштум» каби кулки мажмуаларимиз ҳажвиётда унча чуқурлаша олмайдилар. Бироқ, шуни айтиш керакким, улар шу асоснинг кетмонини чопкучи ва истиқбол ҳажвкашларининг ундовчисидирлар.

«Муштум» журналининг тўртинчи ёшка қадам қўйиши муносабати билан унинг ёзишқучилари борасида бир неча сўз айтмакчиман. Яъни ҳозирги ҳажвиётимизнинг тақдири кимлар қўлида ва уларнинг истиқболи қалай? Ўз мuloҳазамни айтиб ўтаман.

Юқорида айканимиздек, биз «Муштум» ёзишгучилари орамизда ўтқир кулки ижодчилари йўқ, ҳаммамиз ҳам ўз ҳолимизга яраша кулки тўқуимиз, жамият қитиғифа тўғрилаб кўл юбора олмаймиз. Буни иқрор қиласдан чора йўқ. Бироқ яхши хусусиятимиз шундаки, ҳар замон жамиятнинг қитиғини излаймиз, излашдан чарчамаймиз ва ўлтуриб қолмаймиз, масалан, мен ўзимнинг беш-үн кунлик «Муштум» билан бўлған яқин алоқамда яхши ҳис этдим. Доимий ёзишгучиларимизнинг ўн беш кун илгари ёзгани билан ўн беш кун кейин ёзғани орасида кўб айрма бор.

Мисол учун, жумладан, ўртоқ «Тирмизак»ни олсақ, 18-нчи сонда ёзган хабари билан шу қўлингиздаги 24-нчи сонда босилған мақолоси орасида жуда катта фарқ бордир. Умуман ёзишгувчиларимизда кўрилган бу ҳол кулкулигимиз истиқболининг хайрлик фолларидандир¹.

Ёзишгучиларимизнинг иккинчи яхши хусусиятлари шундаки, ёзган мақолаларини босилиш ва босилмасига қарамайдирлар. Босилмади, деб умидсизланмасдан ёзишни давом этдира берадирлар. Бу ҳам уларнинг ўз касбларидағи самимийликни ва дардни онглатадир. Узун сўзнинг қисқаси, биз ҳажвиётда кундан-кунга илгари борамиз. Бу соҳадаги муваффақиятимиз таъмин этилгандир.

«Муштум» журнали 26-нчи йилда қуйидаги куладиргучиларимизга ишониб иш кўрса бўладир:

Марзава, Мехтарбод, Чафанд (Ямоқчи), Бўрибай (Баҳман), Беандиша, Мухбир (Марғилон Ёрмозоридан), Қурум, Мурот, Дардманд, Иблис, Зарра, Ўш шапалоги, Санжар, Эски қўрқоқ, Гуруппабоз, Чалпак, Тирранча, Ачичақўқон, Ёзабилмас, Ё дўст ва бошқалар. Ёзгучилар ичидага булардан бошқа аҳёнда бир ёзиб қўйса-да, аммо қалами умидлик бўлған ўртоқлар ҳам йўқ эмаслар.

Жулкунбой,
«Муштум» — 26 йил, 24-сон.

¹ Хайрлик фол — яхши келажак

ИИФИНДИ ГАПЛАР

Ўқуучилар билан дардлашмаганимга қарийб бир ярим ой бўлди.

— Қайси бурчакда ухлаб қолдинг? — деб сўрама, жиян Бу ўлкада нима кўб экан — ухлайдирған бурчак ва унда ўмпайиб, тўмпайиб ухлагучи менга ўхшаш овсарлар! Мен сенга айтсан, ўзбекнинг итичи-си, деҳқони, маъорифи, маданияти, иқтисоди, шалтай-балтайи, хуллас барчаси ҳам ухлайди. Аммо ўчоқбошини¹ холи топқан олақарғалар² бўлса хўбам билган номаъқулчилигини қилаяпти! Қиласерсин, эгасига товоқ-қошиқ керак бўлса, ахир бир кун қатрон-патрон қилиб олар-ов, оғайнин! Иш қилиб ўлмасдан баҳорга чиқиб олсақ, бўлти... «ўпса нетар, ювса кетар» деган экан ота-бобо.

Мен шу дунёдаги одамзоднинг куйди-пиштисини темиртакда қий-наб ўлдурсам дейман:

— Ерлилашдириш! Ўзбеклашдириш! Фалончининг виждонига куй-дирги чиқғанми? Ўлиб бўлдикку! (Тўнғиз қўпсанг йўқ, дедимми!) Ярам янгиланди! Кўрчипқонимни кимнинг олдида ёрай?! — (бувингни олди-да ёр!) Маҳалламдан мунчаси ишсиз, фалончаси оч! (Оч бўлса кафа-нини ҳозирла!)

Кўчага чиқсанг кўринган кишидан эшитадирган сўзинг шу. Қуло-фингга пахта тиқмасанг бошқа иложи йўқ!

— Вой ўша куйди-пиштини йиғиб, териб эгам чақирсан!

Ҳали-ку бу оғзаки ғиғзиша Аммо кечаги кун газетда Охунбобо-евдек³ битта саркорингдан⁴ ҳам феълим айнай ёзди. Ҳаммадан ҳам буники қизиқ. Мадантлик⁵ маориф ходимчилари қурултойида маъруза ўқиб нима дейди, дент:

— «Жумхуриятимизда ҳар 200 мурассасъ⁶ чақирим ерга, ёхуд ҳар 4909 одамра битта мактаб бор. Ёки ўқиш ёшида бўлған болаларнинг ҳар (эмас, хўтук) 979 тасига бир мактаб тўғри келадир!»⁷

Ана бу мияси ачимаганнинг гапига қаранг энди! Худора шукур қорнинг тўқ, қайғунг йўқ, бас, тинчкина фаройизхонлик⁸ қилмасдан оқсоқоллигингни қиласерсанг бўлмайдими, уста Йўлдош!

Тузик, чақирим-пақиримингга маним ҳам қаршилигим йўқ. Раҳ-матлик бўбой: «Саккиз чақирим⁹ бир тош бўлади, бир тошни яхши отинг бўлса бир соатда босасан», — деб айтар эди. Икки юз чақири-минг... ҳисобнинг калласи минан 24 тош бўлса, ҳалигидек отинг ча-ман¹⁰ бўлмаса бир қўниб эртасига туш чорида аранг етиб борасан. Уловинг эшак бўлса-ку ниятни сафарга қилиб рўзангни баҳузур еявер!¹¹

¹ Үчоқбоши — ҳукумат

² Олақарға — келгинди

³ Йўлдош Охунбобоев — Ўзбекистон ССР МИК раиси

⁴ Саркор — раҳбар

⁵ Мадантлик — маданий

⁶ Мурассасъ — қийматли тошлар билан беталган, маърузачининг сўзида бу сўз мурабба (квадрат) деб берилан.

⁷ Йўлдош Охунбобоевнинг маърузаси «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1926 йил, 4 феврал, 29-сонида босилган.

⁸ Фаройизхонлик — ҳисобданлик

⁹ Чакирим — 1,06 километрга тент узунилик ўлчови

¹⁰ Чаман от — қирчанги, секин, юрадиган от ёки эшак

Гап қаерда эди, ҳали... ҳа, айткандек ҳар беш минг одамга битта мактаб ёхуд 979 тагина уйида энасини зериктирган гүдакка биттагина эрмак түгрисида эди.

Шу замонадаги баъзи одамларға ажаб ҳайрон қоламан. Бир минг болага битта мактаб бўлса нима-ю, ўн мингига битта тўғри келса сен билан менга нима ҳасрат! Башарти муддао мирзабошиларни¹² кўпайтириб, идораларни ерлилашдириш бўлса азбаройи Ленин ва Маркс узаткан оёғингни йиғма!¹³ Кўча чиқсанг ҳар қадамда битта мирзабоши, ҳасратидан чанг бурқииди: иш йўқ, куч йўқ, ўн тўққузта ерлилашкан идорадан ҳафта ўтмай чиртинг-пиртинг қофозини олибdir. Ростини айтсам, «Кул ўлмас, ризки камимас» мақолини унча-мунча одам тўқиб ташламаган. Дарҳақиқат, ҳар беш мингига битта мактаб бўлса ҳам бечоралар йиғлаб, сиқтаб, яғирита кул сепиб, бир кунини кўрайяпти Бунинг устига кун сайин таппа-таппа келиб турған бешик-белик ва қадр, ҳурматлик меҳмонларга ҳам сиррини бергани маълум эмас.¹⁴ Энди бир мингига битта мактаб тушкан ҳар беш мингнинг хўтуклари ҳам бир кунини кўриб кетар, деб ўйлаймиз. Битта-яримтанинг ўчогига косов бўлар ёки от боқарми, ахлат қоқарми, иш қилиб бир бало бўларку! Бас, менга қолса мундоғ майда гапларнинг қайғусини чекиш ҳеч арзимайдир.¹⁵

¹ Маълумки, сафардаги одам рўза тутмайди, рўзанги очавер, барибир етиб боролмайсан, демоқчи

¹² Мирзабоши — хизматкор, малай

¹³ Оёқ ўштаслик — йўлдан, ниятдан қайтмаслик

¹⁴ Бу ерда чет эллардан ва марказдан келаётган меҳмонлар назарда тутиляпти.

Давлат бошқарув аппаратини, умуман Туркистонда «миллий жумқуриятлар» ҳаётини миллийлаштириш, ўзбеклаштириш — идора ҳат-хужжат ишларини ўзбек тилида юритиши, дегандა барча бошқарув аппаратини ерли аҳоли кўлига топшириш деган маъно тушунилади. 1919 йил, 12 июлда РКП(б) МК Туркистон республикаларининг ҳалқ комиссарларига «ерли аҳолини кенг ва мутаносиб равишда давлат фаолиятига жалб этиш зарурлиги» түгрисида жиҳдий фармойиш берілан эди. РКП(б) МК бу масалани миллий жумқуриятлар тузилгаётган сўнг, чет эллик меҳмонлар келиб миллий масалалар жумқуриятларда қандай ҳал этилаёттанлигини кўриб, билиб кетаётгандаридан сўнг қайта кўришга мажбур бўлди.

РКП(б) МК ўзининг 12-курултойида ҳар бир жумқуриядта идора ициларини миллиилаштириш масаласини қайта кўради. 1924 йил, 29 март сонида «Зарафшон» газетасининг мухбири «Муштум» танқидинг ўринисиз» номли мақоласида шундай деб ёзиб ўтади: «Хозирги хўжалик ишларимизнинг тўқсон фозини, балки кўпраги овруполик ўртоқларнинг кўлидадир. Шу вакттача буларнинг ораларида синфий аюрма масаласи кўззалганини кўрмаймиз. Балки иш нуктаси назаридан оддий кишилар бир тарафда турсун, хўжаюн ва оқсуяклар кўюландир. Чунки улар умарининг мутахассисликлари орқасида кўб вақт зарар ўрнига фойда ҳам бера о ...»

Ҳалқ комиссариати қошида очиглан ерлилашдириш комиссияси жойлардан синфий мансубияти, ижтимоий аҳволини текшириб ўлка ва вилоят идораларига тажриба учун кўплаб кадрларни йиқиб жўнатадилар. Лекин бу тадбир ҳам самарасиз қолаётани: юборилган кадрларни кеч бири лаёқат ва истеъоди зътиборга олинмагани, бошқарма мудирилиги фаолиятини ўрганишга кўйилмай мухбирлик, кассирилик, қозоз тикиш каби зинг оддий ишлар билан овора бўлиб юрганлари ҳақида мухбирлар газета мақолаларида ёзиб ўтадилар. Большевикларниң бу тадбирларини Георгий Сафаров «Мустамлака инқилоби, Туркистон сабоқлари» (1921 й.М.) номли китобида «Мустамлакачиларга ерли ҳалқдан чиқсан ҳақиқий раҳбар, ўзлари билан бир сафда турадиган тенг ҳукуқи ўртоқ, керак эмас эди. Уларга тиамочлар ва ижрочи миршаблар зарур эди» деб изоҳлаб ўтади.

Октябр инқилобининг ўн йиллиги муносабати билан Масковга борган француз ишчи делегациясининг бир гурухи Туркистонга ҳам ташриф бўюради, ва улар сафарлари якуннада ўз таассуротлари билан декларация зълон қиласдилар. Шу декларация муносабати билан 1928 йида Парижда юшаб турган туркистонлик мухожики, ватанпарвар Мустафо Чўқай ўғли «Туркистон шўролар ҳокимияти даврида» номли рисолосини ёзади. Адаб Абдулла Қодирйининг ушбу «Йириди гаплар» фелетонида кўтарилган айни шу масалаларни Мустафо Чўқай ўғли ҳам ўз рисолосида батафсия таҳдил қилиб ўтади.

Энсамни қотирған гапларнинг яна биттаси анови кун бўлиб кечкан маданглик маориф ходимчиларининг қурултойидир. Тўғрисини айтканда зиёнилларни фойдалик қилиш масаласидир. Лекин ашаддий қаҳқаҳамга мужиб бўлған гап ҳам шуниси. Ўртоқ Акмалча Чўлпонбойнинг:

Зиёли massesen зиёнили хезлардан,
Упа-элик олудаси қизлардан —
Охунг бобо ўғли каби эр керак,
Боёнлардан олинғуси ер керак! —

деган шеъри билан зиёнилларининг афтига туфургани ҳолда яна нима учундир имони сусайиб «хезлар тавба-тазарруъ қиласа, фирмәнинг кучоги уларга очиқ¹⁶» деб қўядир.¹⁶ Дарҳақиқат хезлардан биттаси тавба қилиб, истиғфор¹⁷ айтса Акмал жиндак бу тавбага ишонадими, йўқми, ҳозирча унинг ичига кириб чиқсан махлуқ йўқ. Бироқ бунга ишонар экан Акмалингга айтадирган икки оғиз гапим бор:

Сенга мисол бериш учун Шайх Саъдийнинг ҳикматига ва ё Калиланинг Димнасиға¹⁸ мурожаат қилиб ўлтурмайман. Мисолни худда нақ мутакаллимдан¹⁹ эшит:

Мен ҳар куни худоға тўққуз мартаба осий бўлиб, ўн саккиз марта-ба тавба ва истиғфор айтаман. Исёним²⁰ бепоён бўлғанидек, истиғфорим ҳадсиз ва лекин исёнсиз қолған соатимга жуда оз учрарман! Бас, онглағилким, эй Акмал! Тавбага бўйин буқкан банда, бандаларнинг энг ярамасидир, қуллик бунёд қилған расво-расволарнинг яна ашаддий расвосидир. Ўз бутунлигини сақлай олмаған бошқага эн бўлаоладир, деган гапни ҳеч бир китобда учратолмадим. Айтмакчиманки, тавбаси бошини есин, сен бўлсанг ишингдан қолма, отингни чух, де! Ҳақиқат олдида бўйин эгиш товбадир, ўзгаси ғовғадир!

Шу оралардағи муҳум ҳангамаларнинг яна биттаси «Миллый қўшиннинг фирмә канференсияси» деб арз қилсан эҳтимолки, ҳеч кимнинг кўнглига оғир келмас. Нафсијамир, қилай деса иши, ётай деса оғрии йўқ, йигитларимизни башарти мувофиқ кўрилса ва газармаларнинг бўш бўлиб кўнгилларига гап келмаса қўллариға миљик топилмағандა ҳам битта-битта кетман даста бериб, қўруқчиликка қабул қилиш чакки бўлмас, деб хаёл қилурмиз. Яна раъий ўзлариникидир.

Ер ислоҳоти муносабати билан Ўзбекистонда бошқа ислоҳотлар

¹⁶ 1926 ва 1927 йилларда Тошкентда Ўзбекистон маданият ва маъориф ходимлари қурултойи бўлиб ўтади. Бу қурултойда большевикларнинг мамлакатда ўтказаётган бир неча хил кампанияларидан бири — зиёниллар масаласи кўрилади. Унда зиёниллар иккита: пролетар ва эски зиёниллар гурӯҳига бўлинади. Эскиларга миллатчи, пантуркист ёрликлари осилиб, уларга қарши қаттиқ сиёсий ҳужум бошланади. Мажсус қарорлар қабул қилиниб, эскилар санъат, адабиёт, матбуот ишларидан, айниқса раҳбарлик лавозимларидан четлаштирилади, баъзилари таъқиб остига олиниди (архивларда бу икки қурултойга оид материаллар жуда кўп). Қурултойни Акмал Икромов матбузуза қилиб очади, иккита ғламачиликдан иборат бўлған бу маъруза «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1926 йил 21 январ, 18-сонида босилган.

¹⁷ Истиғфор — кечирим сўраш, тавба килмоқ.

¹⁸ «Калила ва Димна» — шаҳзодаларга таълим-тарбия берувчи, панд-насиҳат услубида ёзиған хиндуларнинг «Панчнатара» китоби.

¹⁹ Мутакаллим — сўзловчи; нотик, ўзимдан

²⁰ Осий, исён — Оллоҳнинг амрини бажаришдан бош тортиш, диндан қайтиш, муртадлик.

ҳам ясалар эмиш, деб эшиздим. Дарҳақиқат, мамлакатда ислоҳотга муҳтоҷ масалалар кўбdir. Масалан, катталарга ақд ва басират²¹ ислоҳоти, муҳаррирларга тил ва маъно, шоирларга илҳом ва услуб (маъно бўлмаса ҳам майли), ёшларға аҳлоқ ва кийим, хотинларға жабру-зулм, домлаларга дин ва салла, «Муштум» ёзишгучилариға фақат шахсларнинг ёқасига ёпиша беришлик ва бошиқа мавзуульар тўғрисида ўйлаб ҳам қарамаслик ва ҳоказо ислоҳотларга ниҳоят даражада эҳтиёж кўбdir.²²

Овсар,
«Муштум» — 1926 йил, 2(27)-сон.

АНОВ — МАНОВ

(Мошхўрданома)

Кимга?

— Баъзи ерга бўлиб мудир жиннилар,
Жинни эмас, ўргак ичра ниннилар;
Мундан ўзга оғат бизга йўқ эмиш,
Шунинг билан ев курсоги¹ тўғ эмиш, — дема:
— Иш бошига бўлса агар бир гўдак,
Алёр учун бўлса ўшал худ кўрак,
Ўрисчаси настоящиймиш дурак,
Сенга нима керак, менга нима керак,
Чалиб нима қилдинг, бояга татарак?² — чунки:
— Сўзида бўлмаса зарра тузи,
Нима қилғанини билмаса ўзи,
Ҳам пойма-пой бўлса айткан сўзи,
Айб этма, балки кўрдиր кўзи! — фақат сан:
— Таъзимичун қўл бояла,
Айтиб сано тил енла,
Ёғлиқ насибанг, чоғла!
Үмпайтири, тўмпайтири, чўнқайтири,
Сен бирла бўлмас ҳеч иши! — ва лекин:
— Гар бўлсанг сен тўғри сўз,
Суймас эсанг ўғри сўз,
Ул бедаво қийқонгланиб,
Нафсониятка боғланур,
Сен шунда асло «уф» дема,
Афтини чоғлаб «туф» дема!
Зоро — туфукка арзимас!

²¹ Басират — кўриш; кўзни очиш.

²² Бу мақола босилгач Қодирий Ўзбекистон жиноят қонунлари мажмуасининг «Аксилинки-лобчи...», «Раҳбар ходимларни обрўсизлантириш...» моддалари билан кораланадилар, жиноий иш қўйнатилади, уч ойлик сўроқ-терговдан сўнг Ўзбекистон Олий Суди Қодирийни суддайди. Судда Қодирий ўзини оқлад, қўйидаги узрнамо маърузани сўзлайдилар

¹ Курсод — корин

— Бу кимга?

— Ҳой ошнам, тарелка тут,
Аҳду паймөнларинг унум,
Тилинг тегуга сақла тил,
Ҳузур, ҳаловатшынги бил,
Четдан туриб ҳолимга кул,
Ҳар ҳолда мойлик луқма ил,
Қуйруқ бурашига устасан,
Давлат учун шоистасан,
Мағзи бузулған пистасан,
Қыл билганинги айби йўқ,
Ким мұхтарамадир? — Қорни түқ! — бирок;

— Олис кетолмас отса ўқ!
Қайтмайди йўлдан урма дўқ,
Ҳар ерга қилғай кўзни лўқ!

Лекин сен одам бўласан,
Охир бир кун ўйла, нимам бўласан?

— Албатта ўртогим!

— Буниси-чи?

— Бир бедаводир хўжамиз,
Хумса чиқибдир жўжамиз,
Билмас ишидан дарс берар,
Ёвғон пишибдир гўжамиз;
Энсанг қотар, кўнглинг кетар,
Куз ҳам кечиб, қиши ҳам ўтар,
Бир кун келиб кўклам етар,
Райҳон униб ажриқ битар!

Буниси ўзимга:

— Қўй ҳасратинги мақсад нима,
Бехуда сўзларни дема!

Шуҳрат талаб, иззат талаб,
Бўлсанг агар ушбуни қыл, ақлинга кел:

— Ҳой, десалар икки букил,

Мисли тариқ ерга тўкил,

Иззатни кўр — ҳурматни кўр.

Шуҳратни кўр — давлатни кўр! — ўйқса:

— Келса қилич бўйнингни тут,

Ичғил заҳар-зақумни ют,

Қирқлиқ билан қайтинги унум!

Мошхўрдачи: Шилрай,
«Муштум» — 1926 йил, 28-сон.

ШУ ЯҚИНДАҒИ БИР МУСОҲАБАДАН

Ҳангама

Мусаннифдан¹ нонуштага бир икки оғиз узрнамо эзмалик:

Тошідек қотиб ухлаған экайман. Күзимни очиб теварагимга қараған здим — манзил узок, роҳила² оз. Ортимра боқсам, юқори бир ўринда бобойларнинг «озиқлик от ҳоримас» деган сўзлари. Яйланиб учмоққа — чайланиб учмоққа³ қанот-қуйруқ, керак. Билдимки, бу ҳолим билан бу кунми, эртами Боқи акамнинг мойжувозига ҳам ярамайман, яъни қоп қўйман, деб Эшимқулни моховга ошна қилсан-да, ажаб эмас. Шу мулоҳазаларда уч-тўрт кун яхшиларнинг сўзини ҳам эшитайин, дедим. Ёмоннинг яхиси бўлиб юргандан яхшининг ёмони ҳам бўлиб кўрайин, дедим. Ҳам сиз ўқуғучидан беш-ўн кунга узоқлашиб туришни бўйнимга олиб диёри бакрдан⁴ кўзғалдим.

Уч-тўрт кунлик бўш вақтимнинг бошим оғримаған кезларини гоҳ Тошпўлад aka билан ва гоҳи Каљвак тога билан мусоҳабага⁵ барипладимки, кулмасдан ва сўкмасдан ўқуб турмогингиз айни самимул-қалб маржудир.^{6,7}

Жулқунбой

ТОШПЎЛАД ТАЖАНГ НИМА ДЕЙДИ?

(Чапанилар ҳаётидан)

Ман шу замоннинг ҳезалакларига сира тушунолмадим-да. Буларнинг на мансабига ман қойил, на ҳукуматига! Шу икир-чикирларингни, шу шопу-шалоп таққанларнингни писанд қилсан Жамшиднинг арвойи...

Бу нима ўзи? Худой ҳақики тушунсам... бунисасими?⁸ Муртимни кўтариб турай, ўтуб кетсун!... Эски жўвасидан яғрин ташлаб ўтар здим; избошкасига тескари ўлтуруб, телпакчасини чаккачасига қўйманча қилуб бир ҳезалақ ўта қолди-ку. Ўз кўнглида олигга шекиллик. Вой, дедим, вой сани ўша олигта қилуб тукқанни... дедим. Олипталика... қилдингми, дедим. Ишингдан қолмай, ўша олуб берган шаҳарингни попкачангга солуб берай!..

Хабаринг йўқ ҳали, Маҳкам полvon, кеча исполқўмидати ҳезим-

¹ Мусанниф — езувчи.

² Роҳила — от-улов.

³ Яйланмоқ — қанот қоқмоқ маъносига келадир. Болалар артичоқ (халинчак) учканда: «яйланниб учдим, чайланиб учдим, арғамчиларга бойланиб учдим», деб ашула қиласидирлар. Чайланмоқ — чоққаланмоқ деган маънода. (Муаллиф).

⁴ Двери бакр — ёўл тегизилмаган, бузилмаган мамлакат. Айтиб ўтанимиздек, Қодирий маъака учун Москвага борган эди. Тошпўлад aka, Каљвак тоганинг беъзи ҳикоялари ўша ердан йўллаб турилган эди. Бу ерда муаллиф ўқиш туфайли юртдан бироз узоқлашиб турганини эслатиб ўтгани.

⁵ Мусоҳаба — сұхбат.

⁶ Чин қалбдан умид қиласман. Тошпўлад аканинг сўзини вхлит сизганимиз учун нақвий ва бошқа хатолар кўб, кечирсингилар (муал.)

⁷ Бунига — милитсия демакчи (муал.).



кашларнинг «канасиртига»- боруб қолубман... санга ёлғон худога чин, нуқул ҳез, нуқул толмача...вой үлай-қутилай дебман... Битта ҳезалак, олипгасумол ўзи, битта отинчага осилған бўладир...вой шўрим курсун, дедим. Кошки эпласанг, ўзи борми? — дийман...

Ҳезларингта йигит товши ҳам ёқмайдир... Тисс,³ дейди. Сўраймиз¹, дейди. Сан айтчи, Маҳкам! Тисс, дегани нима бу ҳезларингнинг... Одам боласидан қўрқсан ҳар нарса дегин, Маҳкам! Пинагимни бузмай, тараламни тортуб, ашуlamни айтиб ўлтурабердим... Бизда пул йўқми? Биз, нима бериб «канасиртига» кирдик, пулеми — ҳазонми?² Айтчи ўзинг?!

Ҳой, қизилбош!⁶ Чойингни катоб қил ҳозир!

Бу иши бузукларинг нима дейди, а? Анав кун битта тўққуз қайтқани маъракага чиқуб, худо йўқ дер эмиш-а? Бу нима дегани бу ўрусадан бўлғанингни? ...Шарти Мустафо қўш қўллаб урмасмикинлар? Уламоларинг ҳам сувга урипти ўша куни... пириңгнинг арвойи, ўша маъракада ман бўлмапман-да! Бўлмаса-чи, наҳ, калласини шартта олуб, ичагини салла қилас әдим, тўққуз қайтканингни...

Худой ҳаққи, замонангга тушунсам, шу мусулмонларингдан ҳам кўнглум қайтуб қолди!

Ҳой, қизилбош! Битта тайбасни⁷ ясаб ташла, пириңгнинг арвойи! Галавам айнади.. жаво!⁸

Жаво-жавоси билан,
Чилим садоси билан!
Амма холаси билан,
Жиян тоғоси билан!..

Ҳой Маҳкам, бу кун тосни⁹ қаерға қурамиз, а?...

Оқизмадим, томизмадим: Жулқунбой,

«Муштум» — 1924 йил, 23-сон.

Шу замонангнинг ишларига тушунсам, худойра сол! Бу нима ўзи? Афанди мактабими? Буни ким чиқар-ди, а? Анав куни хўрозимни қувлаб кириб қолибман, бир уй жужук, салом йуқ-алик йуқ... Ҳаммаси ҳам қўрқоқ! Боборим нима деган гап, ахир! Қут-қут-қут! — деб болаларнинг оддидан ўтса ҳаммаси ҳам қочуб бир бурчакка тўпланиб-дир! Вой, дедим, вой юракларингдан аканг, дедим. Ҳой Маҳкам! Шу афанди мактабида ўкуған болаларнингни юрагида ўғути¹⁰ бор йигит бўла-

¹ Канасирт — концерт.

² Тисс — жим.

³ Сўраймиз — яна бўлсин, бис.

⁴ 1924 йилда пул ўлгариб, қадрсизланган эди, шунга ишора килингатти.

⁵ Тошпӯлад тажанг томонидан чойконачига берилган исм. (Муал.).

⁶ Тайбас — чилимга солиб чакишга тайерланган наша.

⁷ Жаво — нашаге кел, деган сўз. Бангишлар ўз истилои (муал.).

⁸ Тос куриш — тўпланиб ўтириш.

⁹ Ўгут — гайрат, кўр, ўт.



ди, деб ўйлайсанми? Шу оймтиллаларинг ҳезалак бўлиб чиқмаса итнинг олдига боғла, мани!

Ит эмган Ҳайдарингнинг² гапини эшитдингми, ҳали? Ҳа, дейди, шу афанди мактабида ўқуб чиқдан болалар, дейди, айрапланига тушуб учар эмиш, дейди. Шу айраплани нима ўзи, а? Тушунасанми, ўзинг? Ану бирда учурған олабайроқ варрагимни кўрган эдинг, а?! Худоё тавба, тўртга кучук болани боғлаб учурибман думига! Анг-анг қиласди, қийқуриқ... Бу нима ўзи, бу лаш-лушларингни писанд қиласам пилингни арвойи! Шошма-шошма қасамхўр, Маҳкам! Қаёқса, қовоқчами? Мани ҳам беш пақир-тўрт пақир³ қарздор қиласангчи, ит эмган! Обираҳматидан⁴ ичуб қолайлиқ биз ҳам... Худой ҳаққи ҳукуматингта қойил бўлсам. Бу нима ўзи, қовоқхонами, тиллахонами, а? Фуқараси оқча қоқиб исчунми? Шу вақтда: — ким чин пошшо эди? — десант, пилингнинг арвойига «Мекалай» пошшом, дейман. Қора кўзингни айт, дўйндиқникини ўйла! Қизил эшигингда⁵ шакардак пиваси олти пақир, қизил винаси тўқуз пақир, оппоқ арари уч оқта!⁶ Қойилман, Мекалай пошшом!..

Истаканинг непочўм лублу ма-мажжону,
Истаканга тўлдириб сол! Лублу уважай!⁷

Фиръянингники ҳам жонга тегди⁸. Кўрчи, шу беданамни, кеча тўрқовокдан олдим! Битта-яримтага ишқаб бер,¹⁰ пилингнинг арвойи қочиқ бўлса... Салим каваринг нима қиласман, дейди, а? Ютиғимни сўрасам тескари қарайди; нима, мани ҳам гўзимат қилмоқчими?¹¹ Айт, яхшилиқча берсун! Чалақайим келганда¹² наҳ, тўнғузнинг боласидек савайман... Худой ҳаққи шу кеча-кундузда пулсизлигим ощи!

«Муштум» — 1924 йил, 25-сон.

Шу кеча-кундузда куфрлигим жудаям ощи-да... Бу белбоқсизларинг нима қилмоқчи ахир? Тушунсан, пилингнинг арвойи!

Кеча маҳаллага борған эдим, Маҳкам полvon. Биттаси келиб, сизни

¹ Ҳайдар афанди — турк асрларидан бўлиб, ҳозирги «Аброр Ҳидоятов театри»нинг қаршисидаги собиқ «Намуна» мактабининг мудири бўлган, гимнастикадан дарс берган.

² Пақир — икки тийинлик чақа.

³ Оби раҳмат — арак.

⁴ Тиллахона — ҳожатхона

⁵ Қизил эшик — пивахона.

⁶ Та. — танга (муал.)

⁷ Туркистонга гостролга келган рус циркчиси Липатов қизи Марямхон Қўқонининг Қайнарбулоғида сайр қилиб юриб шоир Муқимийнинг дўсти, ҳофиз Мухаммаджон Макайнинг даврадаги қўшигини эшигади, унга ўз томошасига таклиф этиб хат узатади. Муҳаммаджон дўстлари билан томошага боради. Марямхон саҳнада туриб:

Люблю, люблю Мамажан, люблю Мамажан
Зачем нужен мне другой, люблю Мамажан...


деб қўшиқ куйлади. Ҳайратли бу қўшиқ, Туркистон ёшлари орасида тезда тарқалади.

⁸ 750-бетдаги изоҳга қаран.

⁹ Ишқаб бер — сотиб бер.

¹⁰ Гўзимат қилмоқчими — газетага ёзмоқчими.

¹¹ Чалақайим келганда — зўр жаҳлим келганда



камасия чақиради, дейди. Бордим. Камасияси қўлимга бир носвой қоғозини бериб: — Сизга етти ярим сўлкавой налўтовой келипти, дейди. Феълим айнаб кетди: — Ким айтипди, дедим. Ҳукумат, — дейди. — Ҳукуматинг ким ўзи, дедим. Олипталик қилмай етти ярим сўлкавойни бераверинг, дейди. Вой, — дедим, вой, вой сани ўша олипталингта пес қиласай¹ дедим. Кекирдагингни чўзма-ей, тумшугингга ел тушкур, дедим. Бир нарса қилиб кетинг буни полвон, дейди.

Етти ярим сўлкавойни жой ростонда² оласан, деб жўнаб кетдим. Айтчи Маҳкам, шу налўтовойи ўзи бор тапми, ёки камасияга чойчақа керакмикин, а?

Тузук, Маҳкам! Нима, ман тул қоқяпманми?

Чой чақасини ундан-мундан қилуб, тараласини тортиб юрган Тошпўладинг етти ярим сўлкавойни тагин қайси гусхўрдан³ олсин, а? Бобогимни⁴ сотиб берайми? Ёки сайратмамними?⁵ Этигим бўлса-ку, ўн беш кундан бери гаравда, чопонни бўлса ўткан кун ўзингни олдингда уч сўлкавойга сотдим. Худой ҳақди, галавам айнади... Нима, бермасам мани остиармиди, шу хезларинг?! Саттор⁶ бир тийин берсам.

Хой, қизилбош! Чилимингни берасанми, йўқми, ит эмган?

Қара-қара, Маҳкам! Дўндуқ экан-ку, анавинг! Суяги борми, а? — Бир пиёла чойимиз бор, ҳов! Итдан туққанинг қарамади-ку. Ҳай, ким, Салим каварнинг боласи эмасми, тўлишипти ўзиям. Сартарош ҳожи кўриб қолса ўлди, дегин!

Бодом қовоқ-юпқа томок, додимга етсанг-чи...

Хой-хой!

«Муштум» — 1924 иш, 3 (28)-сон.

БЎЗАХОНАДА

Тунов кун кайфимиз бир оз ширалангандан сўнг, Тошпулад тора косани узатиб айттар эдики:

— Иччи, шуни ич! Замонангни шундан бошқа нимаси қолди, ахир?.. Корнинг ёрилса ҳам ич, ука!

— Маним олдимда унга-бунга тил тегиздинг, деб таъбинг олинмасин, ука! Агар сўзимнинг тариқча гидирини топсанг, худойга сол! — Ич ука, ич. Шу замонангга тушинсан пирингни арвойи. Ман на фуқаранг-га қойил ва на ҳукуматинига, худой ҳаққи миям қотди! — бу нима, ўзи, лўттими⁷, майнавозлиқми?

«Бир одил пошо бўлса,
Ҳар ким суйганин олса...»

¹ Пес қиласай — сиймок.

² Жой ростон — растан — турмок, ҳамма ўрнидан қўпадиган, турадиган кун, маҳшар куни.

³ Гусхўр — лақма, гўл.

⁴ Бир наянъ урушқоқ катта хўрозга «бобоқ» дейдирлар (муал.).

⁵ Сайратма — бедана (муал.).

⁶ Саттор — қиморбозларча қасам калимаси (муал.).

⁷ Лўттими — нағрант.

— Машойихинг нимага айткан ахир бу ғазални? — Ёнингда бир мириң бўлмағандан кейин, ишлашка ишинг — ётишка касалинг бўлмағандан кейин суйранинг у ёқа турсин, жониворнинг талисига ҳам қўлинг етса саттор! Нима, қассобчилиғингдан қолма дейсанми, томингни тешавер дейсанми? Шу топгачаку ҳомчут қилиб кўрсанг, ўн бир калимагўйнинг бошини олибман, иккита ўруsvоингни саранжом қилибман; армани билан пирсиёнигдан³ ҳазрати Баҳоваддин⁴ бўлибдир. Тузук, касби кор қилиб манак-манак' бебилискасини⁵ ҳам топдим. Топдим-топишка эши бузуғингни; пичофимнинг қонини юнагдан туриб ёнимда тўртта ўзимга ўшшаган дабба... Биттаси — «Қорним оч, беш оқ та бер», дейди. Биттаси — «галавам айнади, битта араққа узатуб тур», дейди. Нима қилай, ёнимда бўлатуриб хумсалик⁶ қилайми, одамгарчилик қўимайди, ахир: Ма, дейман — ма, дейман, бўйинни экканни оғзига пул билан ураман Чойхонада битта кўкчойни шопириб ўлтурсан бир кампир: болам оч, — дейди, — қизим касал, эрим ўлган, — дейди. Йифи-сиги, худой ҳақи юрагинг ачийди. Ўзинг одам фарзандимисан! Нариги бурчакда муртини қанжик думи қилиб бураб ўлтурган силлиқ тўп ҳумсанг бўлса, — худой берсин, — дейди... Бери кел, она дейман, ма, дейман, обор, дейман, дуо қил она, дейман... шундоғ қилиб бир ҳафтани жўнатиб, мандан ҳисобингни олсанг, ўзимдан бошқа ҳеч ким иўқ!⁷ — Ҳа-ҳа-ҳа, тавба... Хайри-худойингга қойилман Тошпўлад!

— Санга ёлрон, худоға чин, Жулқин читр!⁸ Етти марта турмасига кириб чиқдим. Овахтисида ёта-ёта ёнбошлар тешилиб кетди, ука! Муни қара, муни: шу чандиқларингни⁹ ҳаммаси турмачасиники! Вой адолат-чангга айтай Мекалай! Нима қил дейсан энди? Худой ҳақи бебарака ўтириғинг ҳам жонга тегди; қиморингта ҳам ганак¹⁰ йўқ. Нима, энди

¹ Тали — ероқ (муал.) — талалиғ, ҳайвотнинг суюксиз эти.

² Пирсиен — инглизча першиян (форслар, зрондар) ўзбек тилида бузилиб пирсиен дейилади.

³ Сўфи Оллоернинг «Сабот ул-ожизин» асарига илоҳиетчи олим Тожиддин Ёлчугулнинг «Рисомай Азиза» деб ёзган шарқ қитобида айтилишича. ҳожа Баҳовуддин кимхоб тикиб, тириклик қилас экан. Ҳожа бир кун теллак тикиб ҳар нина санчганида «Ла илаҳа ималмоҳу Мұхаммад-тур расувлуллод» деб етмиш мартаба айттар экан Теллакни етти йида тикиб битириб, кимки бу теллакни сотиб олса баҳоси етти жаннатидир, дебти. Бир куни Оллоҳ-таоло бир фариштани занги суратига киргизиб: «Бориб Баҳовуддиннинг теллакини сотиб ол» дебти. Фаришта бориб нархини сўраб Ҳак ҳутурига кайтиби, дожанинг сўраган баҳосини айттиби Оллоҳ таоло. «Бориб олти жаннатта сотиб ол, зеро мен дожанинг тилагини биламан», дебди. Фаришта бориб савдолашиб, охри ҳожа олти жаннатта теллакни сотибди. Оллоҳ таолонинг унинг тилагини билгани шу эканки, «Олмоқчи бўлган бу олти жаннат унинг ўз мулки, қачонки клемат куни бўлса олти дўзахга Мұхаммад умматини киргизмай, ўз мулки бўлган олти жаннатта раво кўрур». Оллоҳ, таоло дожанинг бу ишидан мамнун бўлиб, личин қаҳримдан омонда қолмасинлар деб, еттинчи жаннатни бермаган экан.

Ҳазрати Баҳовуддин етти рақамини табаррүк деб билган экан. Шундан бўлса керак Баҳовуддин Йўлиғ тангдан еки иондан еттита ҳадя қилиб келинади. Бозорда ҳозир ҳам «нархини Баҳовуддин пиримга топширдим», «пирим пиширади», «лирим айтканлари бўлади» деб савдолашадилар. «Қўйнинг нархи қанча бўлди?» деб сўрасалар. «Бадовуддин бўлди» деб жавоб қиладилар, яъни бу жавоб шаронитта қараб нархи 7 сўм, еки 70 сўм, еки 700 сўм бўлганлигини билдиради. Бу ерда Тошкўлат калимагўйнинг сони еттига бўлди, демоқчи.

⁴ Манак — сопол кўвача (муал.).

⁵ Бебилиска — машадқатсиз, меҳнатсиз.

⁶ Ҳумса — хунаса, ярамас.

⁷ Читр — тиканаклик бир хиз ҳовушмаган ўт (муал.).

⁸ Чандиқ — жароҳат ўрни (муал.).

⁹ Ганак — тикиб кимор ўйнайтурсан оқча ёки бошқа нарса (Муал.).

ота касбингни қил, дейсанми, бўзингни туки, дейсанми? Вой ўша сўзингни тузидан акаси Жулқинчаси! Ўрусвойингни читини қара — серсуннаини¹¹ қара; олмагул читчаси турганда бўз матингни ким кийсин? Пирингни арвойи, галавам айнади ..

— Бодроғи нима ўзи айт-чи, манга. Жоҳорининг бодроғими¹² ё рўста¹³ бодроқми-а? Анув Матиқули танийсан-ку, жанобинг! Ана шу хумсанг ҳам бўзчиликдан сининти, пирингни арвойи. Тунов куни кўрибман: ҳа, ҳорма Матиқул, моккингни отиб турибсанми, хумса! — дейман. Бозорни мазаси кетти, Тошпўлад; бўзчилиғинг ҳам қия бўлди ука,— деди. Энди бодроққа қўшилиб кетмакчиман, — дейди. — Бодроғи нима у, а? Сабитисканг¹⁴ ҳам тоза ҳижжани¹⁵ кўпайтириб юборди-ку, ҳумса.

— Ҳали дехқон бўламан дейди, дегин, пошшоликдан ер оламан, дейди, дегин. Ростини айтами, Матиқулингта пошшолигинг ер берса пақкос кўйди, худой ҳаққи кўйди. Матиқулинг жоҳори экса азбаройи худо итқовун унади. Ман санга айтсам, дехқончилиги учун самарска мужукка сира тўтри келадигани бўлмайдир. Бодроққа ер берадирган пошшолигингни ҳам эсхонаси бутундир-ку. Ит эмганинг ҳам тоза тўлиб боради-да.¹⁶

— Ичсанг-чи, ич, шу-чи: пошшоликка хизмат қилиб юрган бесоқолларинг¹⁷ ҳам тоза ҷарвилапти-да. Билсанг тунов кун чиройлик пивасига кириб эдим; ўша лапка¹⁸ кўтарган хумсаларингдан тўрттаси.. усталчанинг теги оқ бугилкага тўлипти, ишонсанг ҳар бир чақирғанда бир жужнасини¹⁹ заказнай қиласди — мушкилларинг. Ваҳмам кепти. Ман иккитасини ичиб чиқдим.

— Ҳоким ит эмганинг ҳам сабитискага хизмат қилиб тоза ҳам бойипти-да!²⁰ Хумсангни солмача қиласан иморатчасини кўрдингми? Ёпқан томчасини кўриб вой исириқ осипча дейман, вой ўша худоға ёқдан бир қилиғингни хиналай, дейман. Ўзига оёғим тегиб кетса азбаройи худо оёғимни уч қайта ювиб ташлайман; худой ҳаққи бетаҳорат қиласди, ит эмганинг ўзи партийнай экан-а, ҳумса.

— Анув, Ҳошим ҳезалакни танийсанми. Ана ўша лапка кўтарган

¹¹ Серсунний — шерстенной (муал.).

¹² Бодроқ — батрак (муал.).

¹³ Русто — қишлоқ.

¹⁴ Сабитиска — Совет ҳукумати.

Ҳижжа — янги тўқилған сўз демаки (муал.) термин.

¹⁵ 1925 йилдан совет ҳукумати Матиқул сингари хусусий мулк эгалари бўлган косиб-хунарманандларга катта-катта солиқлар солиб, уларнинг касбини синдириди. Ва улар батраклик қилишга маъжбур бўлиб, давлатдан ер олиб, дехқончилик тилини билмай бу касбда ҳам «куйдилар», ишсизлик кўпайди... яъни маълум даражада саноат ва қишлоқ ҳўжалигига зарар етказилди. 1921—1922 йилларда Туркистанда ўтказилган «Ер-сув ислоҳоти» баҳонаси билан маҳаллий ер эгаларинг мусодара қилинган унумдор ерларидан катта қисми «самарский мужикларга ҳам бўлиб берилиб маҳаллий ҳалқининг миллӣ манбаатлари топталган эди. Муаллиф шулардан кинои қиласди.

¹⁶ Бесоқол — илгари бесоқоллар эгасига хизмат қилиб, ҳадялар олиб юрганлар, бу ерда ешлар, комсомоллар назарда тутилали.

¹⁷ Лапка — папка.

¹⁸ Жужна — дюжина.

¹⁹ бу киши Ҳоким сутчи номи билан таниқли бўлиб, НКВД ташкилотида фаол хизмат қиласдан, Тошкентда Аррапоя маҳалласидан.

саки бедуминг¹ ҳам түртта гўдаги билан хотунини қўйипти, ит эмган, энди бир татарскасига ўйланар эмиш — ҳезалак! Хумсангни қўйған хотуни тегармикин, манга? Нима, жувон бўлса ҳам бир ўйланниб қўймайми, ўладирган дунёнгда² Шу замонангда ўйланмаган ҳам дуруст, ука, дард устига чипқонинг нимаси-а?

Калвак тоғанг ҳам очлиқдан ит ғажиган ошиқдек бўлипти-да шу кунда; саллангни сот, тасбиҳингни кўзмунчоқ қилиб атторлиқдан дўкон оч, деидирган битта мард йўқ, пириңгни арвойи. Тунов куни кўриб, худо ҳаққи, раҳмим келди!

— Иччи шуни, ич! Ундан кейин узатчи бўзантни мирисини.²² Ёнимда тўқкуз тулим бўлса худойға сол!..

Албатта Тошпўлаг акамнинг сўзида бирмунча ғайри адабий гаплар бор. Таассуфки, истиноғрафияга олишда буларни чиқариб ташлаш мумкин бўлмади. Ўқугучиларимиздан афу сўралур.

Ж.
«Қизи Ўзбекистон» — 1925 йил, 23 июн.

ЙЎЛДА

Шошма, Жўлқин ука, шошма. Қаёққа йўрғалайсан, бозоргами? Чилимни бир сўриб олай-чи, хумсани, ундан кейин биз ҳам санга ҳамро. Тўхта, ука.

Калвак тоғанг нима депти ҳали, ўқучи манави гўзиматингни!¹ Гўзиматингни ўқийдурган айнагимни кўрпачанинг тегида унтибман, тавба. Санга ёлрон, худора чин, ука: етти дон² Ҳафтакни³ кушод⁴ эзив ички қылдим, 'Чол китобинг⁵' билан Сўфоқиёргандан⁶ тўрттаси нукул варваракка дардарақ бўлипти; кампир бўлса пайшанба нонни сира аямас эди — раҳматлик. Шунча борди-келди билан алиф хумсанг ичимга калтак бўлиб кирган бўлса пиринита сол!

*Саноул ахлиқул ғоббову аббок
Яратти қатратингдин кавсари пок...⁸*

¹ Сакибедум — калта дум ит, 1920-йилларда кийимни калта хийин расм бўла бошлаганда хунук кўриниб калта дум дейишган.

² Миро — беш тийинлик чақа.

Гўзимат — газета (муал.).

³ Етти дон — «Чаҳор китоб» туртта китобдан иборат бўлиб, иккинчи китоб «Бидон, асъада коллоҳу фид-дорайн.. (онглайтики, оллоҳ сени икки дунеда ҳам баҳти қиласин...) деб бошланади Тошпўлат «еттидан» сўзини ана шу «бидон» сўзига ұшшатипти.

⁴ Ҳафтак — Ҳафттияқ (муал.). Куръоннинг қисқароқ сураларидан тўпланган еттидан бир бўлаги.

⁵ Кушод — ростдан, ҳақиқатан.

⁶ Эзив ички — сув еки чойга чайқаб эзив ичса гўе бўладиган дуо қорози.

⁷ «Чаҳор китоб» (муал.). — «Ночи ҳақ», «Бидон», «Қоланиаби» ва «Ҳамди беҳад» деган форсча китобчалардан иборат бўлган мактаб дарслекларидан бири. Бу китобни Мавлоно Шарафиддин Бухорий Фаридулдин Атторнинг (1148—1219) асарларидан тутган. Унда Олдоға ҳамду сано, ислом руҳнари, кисман тасаввубуф ва фикоға онда мавзууларга сўз критилади (Илоҳ С. Айний асарларининг 5-жиллидан олинди).

⁸ Сўфи Оллоёр (муал.).

⁹ Сўфидан:

*«Саноул ахлиқу ғаброу афлок,
Яратти қатрағин гавҳари пок..»*

иляҳ /муал/. (Коинотни яраттганга ҳамду санолар бўлсинки инсондек азиз бир жонзотни бир қатрадан яратди, ва бўшқалар.)



Шундан бошқа эсимда қолған бўлса домла поччангни Имоми Аъзам¹ урсин. Вой, ўша жазазалик пайшанби нон еган тишингни қоқиб олай сани... қани, ўқучи!

Хо-ҳо-ҳо — тавба, ҳали камтарингни куфрга чиқарипти, дегин-чи. Вой, ўша санга мандат қилиб берганингни ўмарай! Тантимисан ўзинг, танти бўлсанг торт-чи, имонимни — кушод етти пут келмаса, азза ва жаллага¹⁰ сол. Ман санга айтами, шу шаплатилмишиндан тожики чиқариб¹¹, кишини куфр қиласидирган миллаларингдан¹² беш пайса имон топсанг итингни олдига бояла мани. Вой ўша қози дасторларингни¹³ йиғиштириб лишнамга¹⁴ қистирай!

Бўлди, ўқума — тоғангнинг чиқарған гўзиматини, азбаройи худо мижров гапка куфрагим ошади Йигит бўлсанг мандан икки калима достон эшишт — эшитасанми... Қиссаи кўтоҳ¹⁵ шуки, жанобинг айткан-дек қилиб, тунов кун мардикор бозорига тушкан здим — қулинг, қарасанг кетман кўтарган хумсаларинг арофат¹⁶. Қулинг ҳам қаторга кириб ўлтурдим. Ҳайтовур мардикор бозорингни ижарага олған хумса йўқ экан.¹⁷ Санга ёлон, худога чин, ука, одамзоднинг юзтаси тўқкуз пул: ўзваги, тожиги, маччоси қозоги, қалмоги... борчи, етмиш икки жамарғасидан¹⁸ ҳам топасан Боҳо олти та, одам оладирған хумсанг бўлса анқо. Феълим айнади, вой камбағалчиликни чиқарғани, дедим. Кетманни тегимга қўйиб ўлтурдим. Ёнимда бир безгак, рангини қара-санг сарик сумалак; бунинг устига эҳи-эҳи қилиб йўталиб ҳам қўяди. Ҳа дедим, касалингни мардикор бозорида тортасанми, ака, дедим. Ёки бу ерни пошшоликни касалхонаси, деб ўйладингми, дедим. Эй ука, деди, йўқчилиги қурсин, жўжавирдек жонман, деди. Ўзи дехқон фар-занди экан, бобойи дехқон тоза қўллаптилар, камбағални! Азбаройи худо, таъбим тириқ бўлди Борди-келимни ҳисоблаб қараган здим. чўлоқ кетмандан бошқа ҳеч гапим йўқ, ранги-рўйига қарасам жуда увол, Сан кет, ака, — дедим. Ана шу бу кун қанчаки ишласам саники бўлсин, касалингни уйингда торт,— дедим. Безгак хумсанг марҳама-тимга сира ишонса-чи. Индамадим. Қаҳрим билан мардикор бозоринг бўйича ягрии бериб гурс-гурс одим ташлаб бир-икки ўтиб солдим.

¹ Имоми Аъзам — (тажаллуси, мелодий 699—767) исми Абу Ҳанифа Нуъмон бинни Собит. Исломдаги ҳанафия матҳабининг асосчиси. Сунний ҷаҳҳабағилар Имоми Аъзамни пир тутади-лар.

¹⁰ Азза ва жалла — азиз ва улуғ (Худонинг сифати).

¹¹ Шаплатилмишиндан тожики чиқарип — шапалоқлаш; маълумки эски мактаб таълим-тарбиясида уриш, жазолаш жорий ўтилган, бу ерда ётувчи эски мактабнинг қалтагини еб, фор-сий дарслукларни қуруқ, ёдлаб, ҳарфтўр, ҷаласавод бўлиб чиқаётган ўзбек боласидан ва муалли-мидан қиноя қиляпти

¹² Мула — мулла (муал).

¹³ Дастор — салла.

¹⁴ Липпа — иштонбоя тевараги (муал).

¹⁵ Қиссаи кўтоҳ — гапнинг қадтаси.

¹⁶ Арофат — ҳаж қылганлар Макканинг шарқидаги тоғ тепаликлари — Арафотта чиқиб, ҳаж расмларидан бири — икки ракат намоз ўқийдилар. Тошпӯлад мардикор бозорини шундай гавжум, мұқаддас жойга ўқшатиб, қиноя қиляпти.

¹⁷ 1920-йилларда ҳалто мардикор бозори ҳам ижарага берилиб, ижараки бойлар мардикорга солиғ солиб давлат солигини тұлаганлар, шундан ўзлари ҳам даромад қылғанлар.

¹⁸ Жамоя (муал).

Ақли кўзида бўлган бир хумса совлатимга пўрт учди. Ҳа, дедим, ўн бир кунлик ишингни бир кунда бажариб берайми, ака,— дедим. Етти оқ тага гаплашдик. Безгагингни ҳам шу боҳога сўзлапиб, ёниға келдик. Апти-башарани кўриш биланоқ хўжайнинг кайфи учди. Ҳа, дедим, бу хўроз-ку ака, дедим. Бунингни ранги ўзи туғма, ўнта нарратерингни¹⁹ ишини қилмаса ҳалол тузингга сол, — дедим. Бўлмади, хумсанг жудаям пих ёрган туллак экан. Аранг отанг яхши, онанг яхши билан бир сўлкавойга баҳаял итарибман. Бордик, ҳайтовур хўжайнин жониворинг бизни ишка солиб, ўзи бозорға жўнаб солди, касофатингни салқинга чўзилтириб, ўзим кушод кетманинг оловини чиқардим. Хумса асртага егулугини еб, ёткан ерида ваддираб ётди. Кечқурун баминадор ўн икки оқ тани олиб ўн бирини безгакка узатдим, бир оқ тани ўзим нашамга олиб қолдим, хумсанг ҳали ҳам марҳаматимга ишонса-чи, нуқул «ортиқ бердингиз» дейди-я, вой сани эгам чақирсин, дийман.

Кеча кетманини ҳам олти ярим тага сотиб юбордим. Нима, очингдан ўл, дейсанми. Ахир уч кунгача киши иш тополмаса нимани ейди?

Ана шу бир извошка бўлиб ўткан кажава қоринни танийсанми, жанобинг? — Баракалла. Ана шу чўлғинг ким ўзи, айтчи манга? Нечта мачит солди, мадрасадан нечта, а? Ёки топкан-тутканини қорниға йигиб борадими... Вой сани ўша қорнингга шибба қўйиб юборай. Ман сантага айтсам, буларингни миридан-сириси ўзимни қўлимда. Агар пошшлиғинг мани тергавскасан²⁰, деса борми, шу бойларингни энкантенкасини чиқармасам пирингга сол, худой ҳаққи қийқуриқ қиласман.

«Қизи Ўзбекистон» — 1925 йил, 16 июл.

ЙЎЛДА

(Кечаги сондан давоми)

— Шу-чи, ука, Тошканингдаги мана, деган бойларинг бариси ҳам тирноғимнинг юзида: Бувадаҳон тўранг, Азимбой кўмилинг, Соиб маҳсиминг, Азим шайтонинг, Мирхолик қийшиғинг, Матишкуринг, Юсуф хўжанг, Шоолим чўлғинг, янги чиқған Азиз яканчинг, қўйчи — чит бозорингта кириб ҳам ўлтурмайман. Шу хумсаларинг қайси бир камбараҳни бошини силади. Еки маҳтаб-пахтап¹ солиб берганини билсанми? Вой ўша ҳамманга ҳам липпамини қоқай, бойлар!

— Тунов кун Кўктеракка² ўтиб қолган эдим: Азиз яканчинг Лўли маҳалладаги йўл устига шийпончасини ёпмача қиласан экан. Худой ҳаққи, тўрт томондан туриб томоша қилибман: ўзи бўлса пар ёстиққа Шарвон бибининг ёғ хумчасидек ағнаб ётипти. Вой, дедим, вой ўша мерос бойвачасини хиналай, дедим. Хумса семизинг келди-кеттини фақатла оқсоқол³ билан сурорар экан Ана шунисига ман қойил!

¹⁹ Наррашер — тўрак шер, бу ерда чард маъносида.

²⁰ Тергавска — тергавчи (муал.)

¹ Маҳтаб — мактаб (муал.)

Кўктерак — Тошкентнинг шимолидаги бир чавзэ.

³ Оқсоқол — спирт (муал.).

— Манави ўтканинг ким ўзи, бошидаги шапкасини қара, ўзи мусулмон фарзандими-а?.. Ҳали юрт сўраб ётқанларинг шулар, дегин! Вой ўша оберган шаҳарингни шалварингга солиб берай. Қовоғини қара, қовоғини:⁴ ушла хода ўғриси, хумсанни!

— Анав кун шу афанди хумсаларингдан биттаси, қизил тўппини⁵ чаккачага қўймача қилиб битта-битта босиб бораяпти. Қушбеги билан қошиқ солишса пирингта сол!⁶ Рўмолчани тумшукчанинг тегига боскан. Ҳудой ҳаққи кўчангда чанг бўлса. Гаврилигим тутти⁷, тўхта-чи Тошгўлад, дедим. Шу афандини таъбасини бир тирриқча қилиб қўйчи, ахир савоби бўлар-ку, дедим. Иштонимни липпа уриб, кўчанинг қоқ ўртасига тушдим. Оёғ акангни пал-пап қилиб қўйишим бор-ку, аунёйи оламингни чанг бости. Ана энди қўлингдан келса афандингни таниб ол! Шу, кўрсанг, оёғни началгай ташлаб бораяппан, худда кўрсанг орқамдан дудбўрон очибман, ука. Бирдан кўчада шуштаквозлиқ. Тўхта, дедим ўзимга, қайси бир хумсанг қулоги остида қолдийкин⁸, дедим. Шуштак, устига шуштак; ўртада ўзимдан бошқа буниса⁹ йўқ. Бир вақт қарасанг, турпогингизни ичидан худда Гўрўели султондек бўлиб ҳалиги афандинг чиқибо келди-ку. Ҳа, дедим, мондаҳо¹⁰, абскачи¹¹ йўқми, дедим. Хумсангни авзойи бузик;

— Кўчани чангиткан ким? — деди Жуда ит айт. Бирдан қарасанг, қаҳрим қирқ, қадам берига келиб қолмасинми, бургитдек қанот ёзига устига бордим:

- Ман! — дедим.
- Нега чангитдинг!?
- Нима қилар эдинг?!?
- Жур раёнга!
- Раён қарзим йўқ!

Қарасам бўлмайдирған. Шошма, дедим, бўлмаса раёнчабоп бўлиб олай-чи бир, дедим. Яхтакни ешиб кўчага отдим, тўппини мағлайга туширдим. Шил этиб афандингни бўйнига боғлаган пайтавасидан тутдим. Бўлмади, айни боплайдирған пайтда одамлар йиғилиб қолди, аранг афандингни чангалимдан кутқаришилти, пирингни арвойи. Вой, дедим вой; чиқ ўша чанги йўқ Андирисканга¹² — дедим. Бу шаҳар, дедим, мусулмон фарзандини манзили, — дедим. Ўша жийда ҳалта қилиб келган Қалдарочингдан¹³ ўргулай сани, — дедим. Ҳой, айт-чи манга, шу ялли қайтканларингни¹⁴ гарадскага чиқиб кеткани ростми-а?

¹ Қовоғи — димоги демоқчи.

² Қизил тўпли — 1920-йилларда зиёлиларга қизил дўппи кийиш расм бўлган.

³ Қушбеги — ҳокялар саройида бош вазир ёки ҳукуки вазирга тенг бўлган йирик бир амаддор. Лекин бу афанди шундай кеккайтипти-ки, қушбеги билан бир товоқдан овқат ейишини кам ўзига эп кўрмас экан.

⁴ Гавр — габр, кофир, жоҳил.

⁵ Қулоги остига қалмоқ — ўлмоқ.

⁶ Буниса — милитсия (муал.).

⁷ Мондаҳо — ҳорманг.

⁸ Абскачи — обиск қилювчи.

⁹ Андириска — Андрейск — янги шаҳарда руслар яшайдиган жой номи, у ерда ичкиликлар ва жирхоналар кўп бўлган экан.

¹⁰ Янги шаҳарда «Қалдироҷ» маддаси бўлган. Бунда бир туркум ўзбек ва рус зиёлилари яшаган

¹¹ Ялли қайлитин — Ҳудодан қайттан.

Хайрми: шошма-чи бўлмаса, йигирма беш пақирингдан қарз бериб тур-чи, манга. Бу кун чой ичкан бўлсам ҳалол пулингта сол! Эртага Наби қизил бошнинг самоворига бир кел-чи, пажалска!

«Қизил Ўзбекистон» — 1925 йил, 19 шул.

— Саломалайкўм! Э бормисан, ука, ўра-пўрага тушиб кетмадингми ҳайтовур? Жуда соғиндим, мани соғинмайсанам, хумпар!

— Худойлиғимни айтами: шу афандичаларишгни биттасигаям қойил эмасман, худой ҳаққи! Бу хумсаларингдан ҳам ҳасишим совиди, соч ўсдириб ақлни гаравга қўйғанми? Хўб деявер, азбаройи худо янглишсам!

— Шу афандичаларингни биттаси санми? Шойи кўйнакчангни қара! Вой ўша чўнчакчасига мишиғимни қоқай!.. Кулма, худой ҳаққи куфрлиғимни оширасан! Сан ҳалойиқни ҳамманг ҳам тирногимни юзида¹ пошшолиғинг шойи кўйнакка, деб беш сўлкавойни узатдими, симинт Тошпўлад акангни унутасан, худой ҳаққи, унутасан!

— Кулма, дедим, кулма! Санни кулгига ўргатканни айтами? Машиначида ишинг бўлмаса² Тошпўлад бойваччадан икки оғиз гап эшиш! Эшиласанми? Ўқу, манави қийик қозозини, ўқучи! Хўб чайна мағзини! Вой сани ўша налўтбоши қилғани қайчилай!

— Мани-ку ҳоли паришонимни ўзинг ўбдан биласан, кечадан бери ноништа қилған бўлсам ҳазрати Жаброилга сол!³ Ўткан кун Набининг самоворида ётиб эдим, камасия чақиради, деди. Бордим. Ҳе йўқ, бе йўқ, қийик қозозини узатади. Ҳа, дедим, пошшоликка энди йигит керак бўптими, дедим. Кулади. Ҳа, дейди, сизга беш сўлкавой налўтвой кепти, дейди. А, дедим, бazzозлиқдаги⁴ дўконимни барҳам берган эдим-ку. Дедим. Бориб ўзига арз қилинг, дейди. Худой ҳаққи куфрлиғим ошди. Қийик қозозини липпамга қистириб, тўппа-тўғри налўтбошисига бордим. Манга ўхшаш бўйинни эккан хумсаларинг жуда кўб экан. Ҳа, дедим, налўтбошинг қайси хумса ўзи, дедим, усталчада ўлтурган биттасига тўғрилашди. Липпамдагини олиб қўлига бердим. Муни додига ет, пажалиска, дедим. Отингиз нима? — Тошпўлад. Отангизни оти? — Эшмурод. Сўраб нима қилди, дегин: Ҳа, дейди: «Сиз Тошпўлад Эшмурод ўти беш сўм тўлар экансиз!» Ҷақаси бўлмаса-чи, дедим

— Нима иш қиласиз?

— Бекорчилик.

Шундан кейин монда дафтарини⁵ очди.

¹ Тирногимни юзида — қилмишинг чаълум.

² Симинт — сию минута: дарров демакчи (муал.).

³ Илгари одамлар кийим-кочагини ўт уйидаги тикиб кийишган. Тиқув машинаси пайдо бўлиб, тиқувчига кийим тикириб, европача кийиниб юрган бойларни, тиёлиларни ҳалқ олигта, жезалак, тиқувчини «хезимкаш» деб атаган. Тошпўлад шунга шатель қиласиги.

⁴ Ҳазрат Жаброил ошпаз ва новвойларнинг пиридир. Қорним тўқ, бўлса, ош-нон пиширгучиларнинг пири бўлган Жаброилга ҳавола қила, демакчи (муал.).

⁵ Баттот — гагламафуруш.

⁶ Монда дафтар — қарздорчар лифтари.

«Тошпўлад Эшмурод ўғли тегирмончи».

Худой ҳаққи кулгим қистаб, гаврлигим тутди:

— Сиз кўрган тегирмонимни тоши синиб қолған, ака! Бир йилдан бери беш чорак ун тортқан бўлсан пилингга сол! — дедим.

— Тегирмон тошингизни кафилини олған эмасмиз!

— Тошпўлад тоғанг ҳам беш сўлкавойингни кафилини олған эмас!

— Бораверинг!

— Сан ҳам баҳузур ўлтуравер, ука! — дедим.

Оғзимда носим бор эди башарасига туф, дегим келди-ку, тағин шайтонга ҳай бериб, тўплум арава⁷ чиқа келдим.

Нима, оч итингни бурнидан ип тақади, деб ўйлайсанми?

Ана шу налўтбоши хумсани танидингми? Анув бой бор-ку ахир, Эшонхўжа гупчак деган... Ана шунинг ўғли экан бу налўтбоши бўлған хумсанг... оти Неъмон бужир!.. — Тош тегирмончининг олдига тушиб, унча-мунча шана⁸ қилиб юрар эдим. Бирар кун кўриб қолған бўлса Тошпўлад тоға тегирмончи экан, деб ўллади-ёв, бу эшбужир! Энди худой ҳаққи тегирмонига тушмайман. Шу қийик қозозини сан олиб қўй-чи, пилингни арвойи! Сандан сўраб қолса, энди тайбасни тегирмонда қилмайди, деб айт, хумсангга!

Муалифдан: ариза битиб беринг деб уйимга келгувчи Тошпўлад тоғанинг ўртоқлари жуда кўпайиб кетди. Ҳатто уйда ўлтуриш ва ош-сувга қарашиб ҳам мумкин бўлмай қолди. Ва аризанавислигимни бошқа даҳаларнинг Тошпўлад бойваччалари била кўрмасин, деган хавф ҳам туғылди. Шундан сўнг Тошпўлад тоғанинг ҳалиги сўзини ёзмоқча мажбур бўлдим.

— Мундан бошқа ўзининг бой тоғасига тўққуз сўм налўқ ёзиб тоғасининг гумаштаси ҳам бўлолмаған яна биравга тўқсон сўм налўқ соладирған одатлари ҳам бор эмиш, бу эшбужирнинг... Үғиллиги тутиб кетиб дадасини налўқдан дархон қилиб қўймаған бўлса шу-ёв!

«Қизил Ўзбекистон» — 1925 йил, 23 август.

Азбаройи худо, қуфрагим ошти. Савобингни ҳам теги тешук чиқти. Аит-чи, манга: бапиржа турдиси¹ ким ўзи? Башарти тош-тарози қиласам, шу хумсангни кучи неча пут келарикин?

— Азбаройи худо, шу хумсангни эшигига күшод икки ой бўйнимни эгиб «нон» деганимда, кесак гириллайдирған бўлди. Агар сўзимни тариқча гидирини топсанг, қирқ тўрт йиллик имонимга сол! Лоақал тромбойингни ариғига ҳам курагимни уролмадим, ука!² Ҳар ким ёлғон гапирса, ётар жойи ёлғиз, жиян!

¹ Тўплум арава — дўппини чаккага қўйиб (қийшайтириб) кийиш.

² Шана — наша (муал.).

³ Бапиржа турди — биржага труда (муал.).

⁴ Илгари трамвай рельсининг ариқаси кўчанинг лойига тўлиб қолавергани учун болалар ва аеъларни ишга еллааб уни темир куракча билан тозалаб турилган. Бу иш энгил ишлардан ҳисобланган.

Салим сўтагинг¹ том сувоқ қилған экан, кеча ҳашарга борған эдим, худой ҳаққи, шу хумсангни ҳам косаси сира оқармай кетаяпти! Анави йил Тожи ямоқчининг қизига уйланган эди. Хотинчаси тозаям ташлаб берипти. Қарабманки, бешта гудак! Ҳа, дедим, бу чувириди баччаларни қаёғдан йириб олдинг, хумса, дедим Салим сўтагинг куләди ҳа лейди, ҳаммаси ҳам худой берган қулбаччаларинг, Тошшўлод, дейди. Вой, дедим; вой ўша ўйламай иш қилған одам фарзандига, дедим. Битта арпа саватинг борми, Салим, дедим. Бўлса, дедим, қама ҳамма жўжаларингни, пуллаб берайин-чи ман санга, дедим. Худой ҳаққи, Салим сўтакка жудаям оғир бўпти: ёнингни кавласанг оғзини очади гўдаклари тушкир! Ўзоги йил хумсангни иши йирик: тегида от-араваси, ёнида чойчақаси гатоп² эди. Шу пул топиб ақл йўқоткан хумсаларингни уриб ўлдирсанг ҳам арзийдир, ука! Бултир шу хумса Салиминг нима қипти дегин? Битта нахс босқан билан шерик бўлиб, амиркон экипти, фабрикончи ўруссвойингдан беш-үн сўлкавой пул ҳам олипти. Эсон-омон кузга етиб, қанорчасини йиртигини ямаб турғанида, шартта нима бўпти, дегин, урипти ёнғирни-уритпи ёнғирни, бир вақт қарабсанки, пахтасининг бари пўристой!

— Нима, ўруссвойингни салапўй³ деб ўйлайсанми? Феруза кўэзига оқ оралашмаган⁴ бўлса ҳам, даррав айнагини тақмасдан иложи йўқ, хумсангни! Чўт қоқиб, чўрт-пўртини қипти-да: Салимбай, сеники бари ямониска ну карзга тутри⁵ — депти. Иннайкейин қарабсанки, Салимингни войвояги бола очиб, қишиминан жўжаларига от-аравани сотиб едирипти. Энди бу йил бувайи деҳқоннинг арвойига ҳатми-қуръон ўқиб тинчкина ўлтурған эмиш Кечя лой ташиб турғанида манга шу ҳасратни қилди. Бу гап ҳалиги Абдикарим⁶ ясад ташлаан бешта жўжалардан чиқди-ёв! — Ҳа, дедим, бўлар, иш бўигти, энди нашангни баҳузур чакавер, Салим, дедим. Манави жўжаларингни бўлса, дедим, худо йўлига қўявер, дедим.

— Санга ёлғон, худойға чин, ука! Айни лойни ичида кетманни началғай ташаб ўрдакчасига сузиб турған эдим, шу пайтда йўлақдан ўзингни хумсаларингдан битгаси кўриниб қолди-ку! Қўлида ўша ўзинг кўрган хилондони⁷, оёғида нағмалик этиги!.. Ҳа, дедим, юрtingиз тинчликми хўжайин, дедим. Салом йўқ, алик йўқ, ҳорма, бор бўл ҳам қўлтиғда... Закўн бўйи, юриб олдимга келди.

— Бу уйнинг эгаси ким?

Салим сўтагингни жон-пони чиқиб кетти. Безгаги ҳуруш қилиб нима деганини ўзи ҳам билмай қолди.

— Сиз одамларни қаёғдан олиб келдингиз?

¹ Сўтак — иш билмас, уждасигу одам (муал.).

² Гатоп — тайер (муал.).

³ Салапўй — слепой — кўр (муал.).

⁴ Оқ тушиш, оқ парда, глаукома.

⁵ Салимбай, пахталаринг ярамас ҳар долада олган пулингта тўтири келадир, яъни қартинг йўқ. (Муал).

⁶ Абдикарим — анқов, меров, ақслиг.

⁷ Хилодон — соқол тароқ, поки, тиш кавлагич каби буюмлар солинадиган чарм сумкача.

- Ўиидан олиб келдим.
 — Нега биржадан олмадингиз?
 Салим манга қаради. Ҳашарчилар ҳам томнинг лавидан мўраласиб қолдилар.
 — Шу кўриб турғанларинг ҳаммаси оқибат ука, — дедим.
 — Оқибатинг нимасси?
 — Чой-чақани ўйламасдан этигинг билан устингдаги бурма кўйнакни ешиб, маним ёнимга тушсанг ана ўшанинг оти оқибат ука! — дедим.
 — Унақа закўн сўқма! — дейди.

Худой ҳаққи авзойим бузилиб купрагим ошти:

- Бор-бор! — дедим, — васиқанг йўқ, экан¹⁰ мирзабоши, алтингта лой сачрайди, — дедим. Лойни пишигмоқчи бўлиб шаб-шуб кетманни ташлай берган эдим, ўзини четка олди. Ҳа, дедим, закўн билганинг билан китоб сўзини ўқумабсан-да, хўжайин, — дедим:

«Ҳашар ишлаб ухлағанга маҳшар куни азоб ўлмас,
 Тайбас қилиб шароб ичсанг яна санга ҳисоб ўлмас».

Китоб сўзига ҳам қулоқ солмайди, хумсанг. Дафтари ни чиқариб, ҳашарчиларнинг бир-бirisини битта-битта тўи хати¹¹ қилди. Шуминан давлатингни қўланкасида барчамиз ҳам эрталаб ўша ўзинг билган бапиржа турдисига бормоқчи бўлдиқ. Ана ука, кечаги ҳодиса шу! Ҳозир бапиржасига қараб юритаман. Худой ҳаққи, шу замонангни оқибатидан ҳам хафа бўлдим. Ёнингда беш-олти пақир-сақир тулинг бўлса узат-чи, пириңгни арвойи!¹²

«Қизил Ўзбекистон» — 1925 йил, 20 сентябр.

Азбаройи худо, бошимни шу йўлга тиқдим. Откан ошиғим қаҷон кўрсанг чик-да¹, хумса. Қиморингданчувим² чиқа бериб, чикига-чирк деб тиқдан пахтанг ҳам ҳеч нима бўмай қолди. Нон ўрнига кесак тишлаб, ёз бўйи сув ичиб ишлаб оёғида битта чилим қовоқда эга бўлиб ўлтурибман. Ёриғ ёзинг ўтиб лоақал уч-тўрт қадоқ нашани ҳам ўмарид ололмадим, ука. Буни ҳам қўяберов, манави бўбайдан қолған бир-икки таноп ер устидан ҳам хуш қиморларинг³ дов⁴ сўраб ўлтурипти. Уч юз олмиш уч томирим жунбушка келиб турған пайтда ҳалиги чалдеворни ҳам гардкамга⁵ бериб юборсам борми, уйдаги камширинг ўлуксиз аззасини оча берсин!

¹ Вақиғти дўй — бетайин.

² Тўй хати — чакириқ, қоғози, повестка.

³ Хумса хўжайнинг терғашда жон бор, юқорида айтиб ўтганимиздек, агар Салим сўтак одамларни, биржада трудадан — мардикор бозордан олса давлатта ҳам, хўжайнинг дам фойда келар ёди.

⁴ Чик — олчи — пошшо (ютуқ — бажт), товва — қазир, пукка — сўфи, чикка — ўри (ютқизик — баҳтсизлик).

⁵ Чув — қиморда ютқизиш термини.

⁶ Хуш қимор — қиморла қўли кеялан одам.

⁷ Дов — қиморда ўртага тикилган пул ёки қиммати нарса.

⁸ Гардкам — ўртага тикилган нарсанинг ҳаммасига ўйналанганда айтиладитан сўз.

Шу-чи, ука! Санга ўғил бола гапни айтсам, ўзимиз айни одамизод фарзандининг ғариби эканмиз Юргингда кимсан фалончи бўлиб шунинг орқасида экамга уйланиб, бола-чақанинг кафилини олса ҳам фақатла салласининг пашига ишониб кеккайтган⁶ ўша хумсанг агар падарим бўлса ҳам тўнғиз қўпсин, азбаройи худо, чаккам тиришти! Ўёрини сўрасанг, каминангта оқ сутини бериб ўсдирган экамга ҳам ишонмай қолдим. Тошпўладча туғилди, деб сўйинган экамни ҳам омбор тегига ёқкан учи⁷ билан қилған чўзма-чалпаги урсин!

Қиссан кўтоҳ шуки, «беш-ўн кунлик наша ўмарарманов» деб кечади Сарикўлдаги⁸ дехқон оғайниларнинг қўрғониға йўрткан эдим. Борсам Сарикўлинг йиги-сиги! Ҳа, дедим — қўрғонларнинг бўри бостими, хумсалар, дедим. Худой ҳаққи, Сарикўлингни ҳоли паришонига икки соат томоша қилибман. Ит эгасини танимайди, барисиям калла деб қовоқни елкасига тўнкаришти. Ҳангамаси нима дегин? Сарикўл мамлакати ҳазти Исойингни қаламрўйига⁹ ўтар эмиш, гарадсканинг камхез¹⁰ деган битта мушкили ўн етти соат ичида Сарикўл қаламрўйидан бари муҳаммадонинг¹¹ чиқиб солсин, деб печатини босиб, зимламирски¹² бўлса жамики ерларнинг хомчўтини чизиб қўйибти. Ҳа, дедим — пошшолигингни бадрагискага¹³ ер бериши аниқ экан-да, хумса, дедим. Майлисимга¹⁴ Сарикўлингни нуқул манга ўхаш саркардалари¹⁵ йигилған эди. Асавларингни гапи-гапига қовишмайди. Ҳа, — дейди — пошшолигинг ўтгуз газлик тўпидан отиворсам Сарикўлдан салсем силжиш йўқ, дейди. Пошшолик билан ҳазил ўйнайди-ёв бу хумсаларинг. Ҳой — дедим — ўрусвойингни сўқиб қўйған закўнини бузиш бир чилим нашани чакиб ташлаш эмас, ҳалойик! — дедим. Ҳа, нима қиловиз бўлмаса, деб биттаси жекиради. Нима қилардинг, — дедим, — ерни ибонга бериб ўзларинг бўри овлайсан. Ҳалигиdek ичинда подачиларинг бўлса тўнғиз боқасан! — дедим. Чувур-чувур. Гапни-гапка қовиштиrsa худойга сол. Насим кўкчингдан икки қадоқ наша ўмарид, Сарикўлингни худойга топширдим. Ҳайтовур, ибонларинг қўймайди-ған кўринади. Энасининг маҳрига тушкан бўлса олавурсин, тўғри айтдимми, ука?

Ж.
«Муштум» — 1925 йил, 23-сон, 2-бет.

Илми, мартабаси еки бойлигининг дарражасига кўра салланинг лечи солинар эмиш.

Уч-учига пахта ўраб, ерлаб, ази-авлиеларнинг арвоҳи шод бўлсин деб, пайшанба, жума оқшомлари екиб қўйиладиган чўп чирор.

⁶ Сарикӯ қишлоғи — Тошкентдаги Шимолий течири йўл вокзалининг жануб томонида бўлган. Ҳозир ундан Сарикӯ кўчаси колган.

⁷ Урисларнини маҳрига утади, демоқчи.

⁸ Камеъ — комхол, коммунал хўжалик ташкилоти


⁹ Муҳаммадон — Муҳаммад пайғамбарнинг умматлари, мусулмонлар.

¹⁰ Зимламирска — ўша вақтда Россиядаги землемерлар ташкилотининг Туркистон шўбаси Тошкентда ҳам очилиб, у танобчилик, статистика, индро-техника ва шу каби ишлар билан шутулланган.

¹¹ Бағралиска — батракларга, бу ерда ўрисларга демоқчи.

¹² Майлисимга — мажлисимга, атрофимга,

¹³ Саркарда — чанаман, деганлар



МАЪЛУМОТ УЧУН

«Мулқорлар қия кетди, бадроқлар ила¹ кетди!» — деб бизнинг «бекорчилар қулуби»нинг ялан оёғ шоирлари ўз ора ҳангама тўқишибидирлар.

Мақсадга ўтмасдан илгари ўқуғучига «бекорчилар қулуби» тўғрисида албатта қиттагина изоҳ бериш лозим. Бекорчилар қулуби, деганимиз маҳалла ва гузарлардаги чойхоналарнинг замонавий либос кийган исмиdir. Ялан оёғ шоирлар эса ўша қулубларнинг туксиз², қирриқ аъзоларидирким, эртадан-кечгача:

— «Бу бозор камбағалчилликни сотиб, пулига бекорчилик олиб емасам бўлмай қолди!» — сўзи билан умргузаронлик³ қилурлар.

Тумшугуға тирговуч қўйиб⁴, қўлатигига битта-иккита нозанин оскан⁵ баъзи рустамнамолардан⁶ таваққу⁷ ўлинурки, сарқадам⁸ шу қулублардан бирига марҳамат қилиб, қуфраги ошиб ўлтурған Тошпўлад аканинг бир пиёла «оби худойи»сини⁹ ичиб кетсинлар. Лекин «оби сурҳ¹⁰ билан меҳмон қилмади, деб кўнгилга келтирилмасин. Ахир, Тошпўлад аканинг ҳам орқасига офтоб тегар, ул ҳам сизни (янги чиқған) «қирқ газлиги»¹¹ билан бир кун меҳмон қилиб қолар, шошмоқ шайтоннинг иши!



Мен маҳалламиэнинг «қулуби»га келиб кирганимда орада қизғин бир музокара давом этиб, мажлиснинг раислик лавозиматини муҳтарам Тошпўлад ака адо қиласр эди. Масала барчанинг дикқатини ўзига жалб эткан бўлса керак, ҳалқадан менга илтифот қилғучи кўринмади. Тошпўлад ака оғзида носи билан бўйин томирини ўқлогидек ўйнатиб айтар эди:

— Бадрақ хумшаларинг ўжидан тиниб қолди-ёв, бироқ шанлар минан мани пайғамбарим қўшқўлладилар... Туп! (Оғзидағи носини бўйранинг тегига ташлаб давом этди) — Азбаройи худо, таллонлигими¹² оширасанлар, қашигани тирноқларинг йўқ, сўфиликни қўлдан бермайсанлар!¹³ Хулласини айтсам, бадрақларинг сабитискангта эрка ўғил бўлса, сан хумсалар ҳам ўтай онанинг фарзанди эмассанлар. Энди яланроғ гап¹⁴ шуки, шу ўлтурған бекорчи хумсалар ҳам бир ўрам бўли-

¹ Ила — юқори.

² Туксиз — айер, хирпи.

³ Умргузаронлик — умр ўтказиш, яшаш.

⁴ Кеккайиб.

⁵ Марусиялардан қўлатиқлаган.

⁶ Рустамнамо — куруқ савлат, усти ялтироқ ичи қалтироқ.

⁷ Таваққу — кутиш, умид қилиш.

⁸ Сарқадам — йўл усти, оек, ости.

⁹ Оби худоиӣ — чой.

¹⁰ Оби сурҳ — қитъил сув, вино (муал.).

¹¹ Қирқ газ — ароқ.

¹² Таллон — тажант, дикқат, тоқати-тоқ.

¹³ Қўлингдан бир иш келмайди-ку, лекин насиҳатдан, сафсатдан бўшамайсанлар.

¹⁴ Яланроғ гап — очик гап.



шиб, сабитисканинг олдиға борамиз, саломалайкүм хўжайнин, биз келдук, деймиз. Хўш, дейди. Бадрагискангни тинчтибсан, энди бизнинг ҳам додимизга ет, пажалиска, чақасизлифинг жонга тегди, деймиз. Поврикон очаман, сенларни мастиравой¹⁵ қиласман, деб афсун ўкуса кўнмаймиз. Ҳа, нима қиласа бўлмаса, ғазначамга ҳар бирингни якта-якта шўнгутиб олсан вақтларинг хуш бўладими, деб албатта пичинг ўқуиди. Шалтай-балтай керак йўқ, хўжайнин деймиз. Гардани ғавсларингдан¹⁶ ерчани олиб бадрагискангни тинчтидинг, энди савдогар хумсаларингни дўкон-даскогини ҳам бизга бўлиб берасан, азбаройи худо, пажалиска, деймиз. Биз ҳам, деймиз, санталакатингдан¹⁷ мол олиб бирни икки қилишни хуб биламиз, деймиз.

Тошпўлад тоға гапни шу ерга келтуруб сомиъларни¹⁸ кўзи билан сузиб чиқди, ҳамма унинг оғзига тикилган эди. Тошпўлад тоға руҳдан-ди шекилли, яна:

— Ерни бўлишка кучи еткан сабитиска хумсанг магазинларни бўлолмайди, деб ўйлайсанми? Азбаройи худо, бўлишка кучи етади, фақатла арзангга қўл қўйиб берса — гатаба!¹⁹ — деди ва носковогидан кафига нос қоқиб менга қаради. Табиъий унинг гаплари маним учун кулги эди.

— Бўлмаган гапни сўзлайсиз, тоға! — дедим, — ер бошқа, дўкон бошқа.

Тошпўладнинг менга қарши авзойи бузилди:

— Сан, гўзиматчи²⁰, жим ўлтур! — деб жекирди, — гўзиматингга «ол кетди» ёзиб, ойига юз сўлкавой гиришингни²¹ бил!

— Лекин ҳалиги гапингиз сира қовишмайди, — деб яна қулдим.

Тошпўлад тоға ўрнидан туриб маним ёнимга келди. Оғзида носи бор эди, қўлимдан попкамни олиб очди:

— Қовищдими, йўми, шан қўяғур, жиян! Некин «магнумот учун» попканга туплаб қўяман! — деди.

Попкамнинг ичига оғзидағи носини ҳалиги «туф» дейишида ташлаған эди, ҳамма кулишиб юбориши. Мен ўсал тортиб, нима дейишимни билмай қолдим.

— «Магнумот учун» эмиш!

Гўзиматчи,

«Муштум» — 1926 йил, 28-сон.

Баъзи вақт гапка тушунмаган волидангдан ҳам хафача бўлиб қоласан. Эрта ғиш-ғиша, кеч ғиш-ғиша, азбаройи худо, таллон қиласди Ҳа, волидачалиш, ёдинг бахай? Нима дейди дегин, ука Маҳкам:

Мастиравой — ишчи.

Гардани ғавс — муштумзўр.

Синдикат, демакчи (муал.).

Сомиъ — эшитувчи.

Гатаба — готова, тайёр.

Газетчи (муал.).

Гириш — олиш.

— Тўрт қор тушиб томни курамадинг, курагингни кўтариб томга чиқ!

Азбаройи худо, чакана гап, чакана гапка тобим бўлса худойға сол; тўрт қор деганинг нима ўзи, Маҳкам халфа? Ўн марта қор тушиб, томнинг қори бир ярим газга етмасдан қўлимга курак ушлаган бўлсан ширингта сол, Маҳкам тентак! Кучингга борабар келган иш билан панжалаш, чаканаси азбаройи худо, сув очиради!¹ Маҳкам!

— Каимпирларингни гапи нуқул ғиди-ғиди — «Кучимга баробарлашсин, деб ўлтурсанг чакка ўтади, том босади» — дейди. Чаккангни ўзи нима, Маҳкам? — Оби раҳмат. Том қуласа нима? — Янгидан солиш!

Кўчага чиқсан, маҳалла тўпалон.

— Ёдинг баҳай?

— Бу кун сайлов!

Саккизта камбағал каминангни ўраб опти.

— Ҳа, нима гап!

— Сани улуғ сайлаймиз.

Ризойи худо, галаванг айнайди:

— Сайлов бошида мўйлав қиласидирған- қадимги элибоши поччалинг қани? Тожи хўжайин, Беназар ҳожиларинг қаёқда ахир?

Худой ҳаққи, ҳукуматингни бу ишини писанд қилдим: маҳалладаги ҳамма элиги-энсизи, домла-помла, Эназар ҳожи — Пиназар ҳожи... ке қўявиричи, бари боовраларингни ўз уйига қамаб, устидан шартта қуал соити! Агар биттганг омбор-помбордан чиқиб сайловға оралашсанг, — депти, — кўравурасан мандан, хумсалар, — депти!

Мекалайингни оқ соққа, қора соққа сайлови² эсимта тушса азбаройи худо феълим айнайди: қози поччанг минан Бадалмат дўманг ли-фофадаги³ пулни маҳалла элиигига' нима учун берар эди, ахир? Ялатса оқ соққа, ялатмаса қора, шуям энди хумсаликка қўшилдими-а? Вой ўша дўмавойинг⁴ минан қози домлангни бурнига чертай!

Шу қўл кўтарди минан⁵ усталчасига ўлтурсам дейманку, бироқ Ажавар қорингни⁶ чиртинг-пиртингидан чўчиб қолдим, Маҳкам! Санга ёлон, худойға чин, ука, Ажавар қоринг каминангни тергавга тутипти,

¹ Сув очиради — лаюж қиласи.

² Мўйлав қилиш — мўйлаб учирис, ишини тўғрилаш.

³ Биринчи жадон урушида ички фронтда ишлаш учун мустамлака ўлкалардан ишчилар олинган. Ишчиларни олиш тартиби шуки, яшикка оқ, хат, қора хат солиниб кимга оқ хат чиқса у онла урушга одам бермаган, қора хат чиқса одам берган. Бу тадбир маҳаллаларда дума ва маҳаллани амаддорлар бошчилигига ўтказилган. Оқ, соққа — инқилобдан илгари шарый ҳукмлар бўйича шаҳар қозилингига ва русларнинг янги ҳукмлари бўйича шаҳар думасига номзодлар сайлари учун ёючдан ишланган оқ соққалардан фойдаланиб, қайси бир номзоднинг яшигига кўп оқ соққа тушса унинг номи баланд келган. Тошпўлат бу ерда оқ хат билан оқ соққа сайловини аралиш ифодалаятти.

⁴ Ли-фофа — конверт (муал.).

⁵ Эмшиг — элибогиши.

⁶ Дўмавой — давлат думаси. 1906—1917 йилларда Россиядаги қонук чиқарувчи ваколатни муассаса Бу муассаса Туркистон ўлкасида ҳам мустамлакачилик фаолиятини олиб борган.

⁷ Қўл кўтарди — овогза қўйиб сайлаш.

⁸ Абдулжаббор қори Сиддиқов (1897—1940) бу киши Тошкентнинг Чорсусига яқин Мирза Фози маҳаллалик, ўз даврининг фаол маорифчиларидан бўлган.

бафармони худо, бамисоли мункир-накир,¹ ўлдимми десанг оғзингда носинг бор.

- Кимсан?
- Тошпўладман.
- Нима иш қиласан?
- Юк орқалайман.
- Хўлеганмисан?¹⁰
- Го ҳўл, го қуруқ дегандек, иш қилиб, топилғанини еб тураман.
- Қимор ўйнайсанми?
- Ҳа, ганак топилса эрмак-да.

Азбаройи худо, шу замонангни борди-кејдисига тушунсам; ҳўл егани нимасси-а, халфа? Тиқилса ҳўл, тиқилмаса қуруқ еябериш-да, а Маҳкам!

Жулкунбой,

«Қизил Ўзбекистон» — 1927 йил, I феврал.

КАЛВАК МАХЗУМНИНГ ХОТИРА ДАФТАРИДАН

«Муштум»нинг борди-кејдиси

Эй боши бўш донолар, эй қовоқ кийган диндошлар,вой мусулмони комиллар!

Замона охир бўлди: кўб бехуда ишлар чиқди. Шарорат пешалари-нинг¹ ишлари авж олиб бизнингдек фақирлар хор бўлди. Кийимлар қисқариб, соchlар узайди, эркаклар хотун, хотунлар эркак қиёфатига кирдилар. Барчадан ақл кетди, ҳамма гумроҳ; борар йўлидан, қилар ишидан адашди, уламога ҳурмат, ёшларға шафқат, ўғлонларға муҳаббат иўқ! Бас, буларнинг барчаси охир замон аломати бўлмай нима бўлсун?!

Тунов кун икки чораклик салла бошимда, юз битталик тасбиҳ қўлимда,mallачопон эгнимда қўча-бакўча, гузар-багузар кезиб, охир-замон ишларини бирма-бир тамошо қилур эрдим. Мишиқ-тупуги оқған болагиналар ярим беъдан лой кечиб, ит урушдириш билан машғуллар, кўриб зиёда завқим келди:

«Эй гўдаклар, — дедим, — биз ҳам бир вақтларда шундай эдик, этиди ўтуб кетти ўша замонлар». — дедим. Ёшлиқ бир подшоҳлик, ўйнағани қоладир шу гўдакларнинг.

Шу йўсунда болалиқ кунларимни эслаб борур эрдим, орада нима бўлди-ю, олдимда лўп этиб милтиқ, кўтарган бир ўрус чиқуб қолди, кофирнинг зеҳни койимасун деб йўл бериб четроққа туруб эрдим, ҳалиги бадбахтнинг оғзидан «Ассалому алайкум» чиқуб қолмасунми?. Бощда «мазак қилдиёв бу кофир!» — деб ўйладим-да, менга қараб келаёткани учун «кофирнинг саломига жавоб жоизми, йўқми?» деган

¹ Мункар-накир — кишини ўлгандан кейин гўрда сўрок қиладиган икки фаришта.

¹⁰ Хўлеган — хулиган, беъори (муал.).

Шарорат пешалар — очонлик қиалувчилар.

шубҳада қолдим. Қарасам, менга қўлини узатаётидир. Ноилож кўлимни бериб башарасига қарадим. Тавба-тавба, ўзимизнинг қуий маҳалалик Абжал сариқ!

— Ҳа, Абжал, чўқиндингми, шапқани қанчага олдинг?! — дедим. Теги мусулмон боласи эмасми, бир оз қизарди.

— Иўқ, тақсир... милисияларга яқинда шунаقا кийим беришди, — деди.

— Ахир бутхонада бергандир, берса ҳам! — дедим.

Куди. Демак худда сирнинг устидан чиқғанман. Мендан ўн адимча узоқлашиб кеткан эди, кўнглумга бир гап келиб, уни тўхтатдим:

— Азтойдил бўлдингми, ёки шунчаки замонасозлиқми? — дедим.

— Ҳазиллашманг, тақсир!

— Уялма Абжал, бу вақтда тириклик тошдан қаттиқ, бола-чақа-нинг ташвиши кишини қайси кўйларга солмайдир... — дедим.

— Ҳа, тақсир! — деди.

— Яширинча бўлса ҳам намозингни ўқи, чўқинғанингда ҳам ичинг-дан — «худоё ўзинг кечир...» деб тур, қани бўлмаса бир «таждиди имон»- қиласилик! Лоилоҳа илло...

Бечора теваракка аларнилаб қалима айтди. Ул кеткандан сўнг мусулмонларнинг ҳолига ниҳоятда афсус қилиб йирладим: — оҳ, — дедим, — бу кофир мусулмонларнинг бошига нималар солмади, — дедим.

Бозорга қараб борур эрдим. Ёнимдан худда қўғирчоқнинг боласи-дек ўруслар кийим кийиб ясанған, қўлида чўчқанинг терисидан ясалған нарсага китоблар солган ўн икки яшар чамалиқ бир қиз бола шипил-лаб ўтуб кетди. Ўз-ўзимга, тўхта-чи, шу мочағар билан бир сўзлашай, деб:

— Тўхта, қиз! — дедим. Тўхтади.

— Қаёққа борасан?

— Мактабга!

— Мактабинг қаерда?

— Шу яқинда.

— Отин ойинг борми?

— Бор.

— Отин ойингнинг эри нечта?

Мазмуни отин ойиси оғзини шишиглаб қўйған шекиллик, жавоб бермай ерга қаради. Ман ҳам сўэни айлантирмай, ичимдан «етти-саккизта бордир», деб ўйладим. Қизи тушкур жажмондеккина экан. Хайфки бузулғанда...

— Ўруснинг инжилини ўқиябсанми? — деб сўраған эдим, бунга ҳам жавоб бергуси келмади. Энди ўзига яраша гапдан гапурай деб, сўрадим:

— Эмчагинг олмадек бўлуб қолибдир. Ўйнашинг ҳам борми?..

Қизи тушкурнинг ҳали қитик пари ўлмаган экан: юзини чирт ўтуруб: «Ху, соқолинг кўксингта тўкулсун!» деб қарғади ва йўлига югуриб кетди. Ўйлаб, қизнинг аслини билдимки, онаси юқоридан тавба қилиб

Таждиди имон — имонни янгилаш.



тушкан ҳаромзодалардандир ва отаси ҳам...лардандир. Бўлмаса, тухум-даккина қизини шу бошидан инжил ўқутуб, бузуқчиликқа қўярмиди?.. Ва шу боланинг топиб келган пулини баҳузур еб ўлтуармиди?.. Асли бузук, тийнати³ бузук, тавба дийтурған замон, буродарлар!

Шундай анвоёи — турлик фитна-фасодларни кўра-кўра бозорга етдим. Ўйлаб қарасам, бозорда анчагина юмушларим бор кўринади: Ауқчидан кампирга бир неча дуг⁴ олишим керак; наваранинг қўлига ўн-ўн бешта кўзмунчок, бел оғриғим тўғрисида Самад ҳаким билан кенгаш, ажалга омон берса, ундан кейин — шаҳарни сайр ва саёҳат...

Ҳайтовур дүкчи ошнамнинг ўзи бор экан. Кўришиб сўрашдик Имоматдан тушканимни эшиткан экан, кўнгил кўтарган бўлиб:

— Қул ўлмас, ризқи камимас, домла, бу маҳалла бўлмаса — нариги маҳалла, еттининг оши бўлмаса — йигирманики! — деди, кулишкан бўлдик.

— Ҳа, айтканингиздек, ҳали ҳам бир кунимиз ўтаётити, баҳти-мизга кампир бор экан, ипу ишлиқ қилиб рўзгорни тебратиб турубдир, — дедим. Яхши хотун билан ёмон хотуннинг тағриф-тавсифини қилишдик. Ошнам хотунлар тўғрисида машойихларнинг айтиб кетканлари-дан ўқуди:

Яхши хотун саҳар туруб,
Чархини товлар, дўст беданам.

Ёмон хотун саҳар туруб,
Ўчогини ковлар, дўст беданам,
Ёмон хотунга кумоч бериб,
Қорнига тепсанг, дўст беданам.

Яхши хотунга шакар бериб,
Лабидан ўпсанг, дўст беданам...

Садағаси кетай машойихларнинг. Нимаики айтибдирлар, ҳаммаси ҳам пурҳикмат-да!

Яхши дугдан иккитасини танлаб олиб, салламга қистирдим, барадаз хўшвошлишиб атторликка кетдим.

Жулқунбой,
«Муштум» — 1923 йил, 16-сон.

Атторликда мулла Берди деган бир ошнам бор, ўзи беҳад донишманд, ақли расо, илми сифоҳигарчиликнинг¹, илми сиёсат ва илми ҳикматларнинг² барчасидан ҳиссаманд одам. Буларнинг устига алҳол³ газнит ҳам ўқийтурған бўлубдир. Каминани начанд фурсатлардан бери зиёрат қилмаган эрди, бағоят хурсанд бўлуб, дарҳол чой-нон қилди.

— Камина охирият илмига, сиз дунё илмига моҳирсиз, қани газни-

¹ Тийнат — ҳулқ. феъл.

² Дуг — ҷархининг йигирилаёттан ип ўралиб борадиган қисми.

³ Илми сипоҳ — давлатчилик, маъмуриятчилик илми.

Илми ҳикмат — фалсафа.

Алдор — ҳозир.

тингиз ҳам бор экан, илми сифохигарчилклардан нима хабар? — деб сүрадим.

Ушбу ҳафт иқлимда бўлуб турған кўб катта ҳодисалардан хабар бериб, худда кўриб келгандардек қилиб сўзлади. Фақирнинг қувваи муҳофизам озроқ, шунинг учун бу ерда фақат эсимда қолған хабарларнига нақл қилурман.

Гермоннинг юргида большовий тойифаси пайдо бўлуб, ҳалқни кўп бесаранжом қилур экан; шунинг учун ул вилоятда бир қадоқ ион саксон минг туман⁴ бўлубдир, халифаи Румнинг сарбозлари инглизларни билоди Румдан⁵ суруб шаъни-шавкат ва фатҳи-нусрат, асьаса ва дабдаба бирлан Истомбул шаҳарига кириб, барқарор бўлубдирлар. Ёпон кофирнинг бутун мамлакатини ер ютуб, подшоси аранг осмон вофуринда⁶ қутулиб қолибдир, бутун оламдаги кофир зоти ушбу кечакундузларда ниҳоятда бесаранжом бўлуб, аммо атроф ва жавонибдаги мусулмонлар беҳад фаровон фароғатда умргузаронлик қилиб, тинчкана савдо-сотиқ, оди-берди қилур эканлар.

Ўзимизнинг юрт сўраб туриан амалдорлар аҳволотидан савол қилиб эрадим, дўкон ижараси билан правой қорозни⁷ ошириб юборганларидан дуру-дароз шикоят қилди ва яна ушбу кунларда ҳамма маҳкамаларда ўзимизнинг туркона она тили билан иш қилаётғанларидан хабар берди.

Ҳа, энди ўзимиздан ҳам булохтир⁸, десатнай⁹, анжирнай¹⁰, сакратар¹¹ ва кофириллар¹² етушуб қолди-да, деб ўйласам ҳам, кўнглимга: «Она тилини маҳкамаларда ишлатиш жойизмикин, йўқмикин» деган шубҳа келди. Аммо бу масала тўғрисида бир ўзга вақтда китоб кўрмакчириман. Бағдаз мулла Бердининг олдидан хўшвошлишиб, чит бозорига юзландим.

Эй, баракалла! Эрвіт¹³ дейсизда, худда Эрвіт! Юрт ғамини егувчи савдогарларимиз қайта бошдан чит бозорини баайни фабрикон қилиб юборибдирлар, фабрикон! Худо зиёда қилсун, чирманда¹⁴ деган бир пул чиқибдир. Ўзи ниҳоят бақувват эркан. Агар толиғ ёрлиқ қилиб, қўлда бир-икки чирмандангиз бўлса — чит бозорида «гижданг!» Йўқса, жаннатда кўриш бору, ейиш йўқ. Ҳий, ҳий, ҳий, тавба!

Гузарим¹⁵ исполковнининг¹⁶ ёнида тушкан зди. Шу чоқда гажирнай¹⁷ от қўшилған резинка арава келиб, бўсағада тўхтади. Аравадан иккита

⁴ Туман — ўн минг (пул бирлиги).

⁵ Билоди Рум — Туркия мамлакати.

⁶ Осмон вофури — воцуп (юнонча: кема), самолет.

⁷ Правой қорози — права қорози, илгари дўкон очиш учун вақфдан бериладиган рухсат қорози, ҳозир ҳокимиятдан берилдиган рухсатнома. Калвак маҳзум аъзолик бадалининг нархи ошиб кетаётганидан шикоят қиласпти.

⁸ Булохтир — буҳгалтер.

⁹ Десатнай — десятник.

¹⁰ Анжирнай — инженер.

¹¹ Сакратар — секретар.

¹² Кофирили — исми мусулмонча, ўзи кофир

¹³ Эрвіт — Ирбит шаҳри. Россияда ўтган асрларда Ирбит ярмаркаси билан машхур бўлган.

¹⁴ Червон(еу) пул.

¹⁵ Гузар — йўл

¹⁶ Исполковни — ижроком.

¹⁷ Гажирнай — козений.

арманинамо пирсиён башара йигитлар тушуб эрдилар, факир улуглари-миздан бўлмагай, деб тавозуғ қилдим. Биравининг кўзи оғриған бўлса керак, ойнак тополмай қалпогини бурининг устига кийибdir. Бу ким, деб сўраған эрдим, «садирнишин»¹⁸ дедилар. Аммо иккинчисини биринчи кўришдаёқ таниб одим. Агар янгишмасам, бу киши ман билан бир жанозада учрашқан ва ўзи аллақайси маҳалланинг имоми эди, яъни факир билан ҳамкасб одам. Эшитишинг қарагандан илми ҳам факирнинг илмига ета-қўпа бўлса керак Бечоранинг толиги ёрлиқ қилиб, имомати устига исполковнига қойиммақом ҳам бўлубdir.

Ҳар кимарсада толиғ бўлсун — ҳеч кимарса фақирдек биргина имоматдан ҳам қувланиб, кўча-кўйларда бесару-сомон бўлмасун!

Исполковнининг олдидан Хадрага қараб юрмакчи бўлған эдим, «лоғ» этиб, бир иш эсимга тушди-да, Маҳсидўз маҳалласига¹⁹ томон буруладим.

Сабаби бурилиш шундан иборат: марҳум Микалай оқ подшоҳнинг хазинасида чаҳорёллардан²⁰ қолған бир Мусҳафи шариф бўлур экан. Микалай подшоҳ ушбу Каломи шарифга бениҳоят ихлосманд бўлуб, бир минг беш юз сарбоз билан мазкурнинг муҳофазасига кўшиш қилур эркан. Вақтики мастрвой деган ҳалойиқи бепарҳезлар бош кўтариб, орада кўб жангни жадал юз бериб, неча одам ўлуб ва неча нафар мажруҳ ва маъюб бўлуб, бағдазон ўтил мастрвой деган ҳалойиқи бепарҳезлар ғолиб бўлуб, барча тахту баҳтларни қўлға олиб ва яна ул фитначилар ичидан болшеби деган яна бир бепарҳез чиқиб ва яна мастрвойлар билан бениҳоят қаттиғ жанг қилиб ва мағлуб айлаб ва яна оқ подшоҳнинг қизига уйланиб, бағдазон тахтда барқарор бўлған эрди. Ана ўшал жангда бизнинг Тошканд уламоларидан Абдулоҳоид кори²¹ деган бир уламои забардаст болшеби ботирнинг жиловида коруб, ауойи зафарни доимо ўқуб ва яна болшеби подшоҳга дамида²² қилур эркан ва яна болшеби ботир жуҳуд қорига айтиб эрканки, агарда ушбу жангда зафарёб бўлсан, нимаики тилагинг бўлса берайин, деб. Вақтики, болшеби зафарёб бўлуб, бағдазон Абдулоҳоид қоридан сўрабдирким, нима тилагинг бор? — деб. Дафъатан қори домла бетоқат ва саросима бўлуб, бағдаз кўл кўтариб ширин сўзлар билан дуоға тил очиб ва яна бандаликни бажо келтириб сўрабдирки, камина қулингиз давлатингиз кўланкасида беташвиш Тошканднинг тў-ю маърака.

¹⁸ Садирнишин — раҳбар.

¹⁹ Маҳсидўз маҳалласи — бу маҳалладан қозир Тошкентнинг Эски Жўва майдонидан Чорсу боторига тушиладиган Маҳсидўз кўчаси қолган.

²⁰ Ҷаҳорерлар — (тўрт дўст) Мудаммад пайғамбар вағоғидан кейин араб ҳалифалигига ҳокимият тепасида турган тўрт ҳалифа. (Абу Бакр — 632—634, Умар — 634—644, Усмон — 644—656, Али — 656—661).

Абдулоҳоид қори — Тошкент чузоғлигининг машқур уламоларидан. Мударрис, шоир Оатойнин отаси. Акмал Икромовнинг яхин қаридоши. Шайқонтоҳур даҳасининг «Дукчи» маҳалласи идии. 1907 йил З-Россия дучасига Туркистон ўлкасидан депутат бўлиб сайланниб, маҳликларда чиллий-сиеий масалаларда ўтироҳда бўғани учун Тула вилоятига сургун қилинган. У ерда Ачи Тоҳстой, Булаковлар билан учрашиб баҳслашади. 1938 йил 82 ёнда ҳалқ душмани сифатида катта тилган.

Жадид уламоларининг ташкилоти «Шўрои Исломия» ҳайъатининг аъзоси.

Дамида — куғ-сүф қимоқ, дую ўқимоқ.



гапу гаштак, иситма-совутмаларида иштирок қылсам, деб ва яна иккинчи тилагим булдурким, хазинадаги Мұсқафи Ұсмонийни³ берсанғиз ва фақириңиз олиб боруб, Тошканда уламо ва мусулмошарига тұхфа ва ёднومа қылсам деб. Болшеби подшо дарҳол домланинг тилагини қабул айлаб, ёрлиғ ёзуб Тошканда йүллабдур.

Фақириңің Қуръон түғрисидәғи билганим шүлдир ва яна бу үринде нимани билған бўлсан шуни ёздим. Валлоҳу аълам биссавоб.²⁴

Жұлқунбой,
«Муштум» — 1923 йил, 17-сон.

Мазкур Қаломи шарифнинг зиёрати кўбдан бери кўнглимга үрнашқан эрди ва шунинг учун Маҳсидўз маҳалласига қараб йўл солған эрдим.

Барчага матълум бўлса керак: Маҳсидўз маҳаллада кўб олий ғищтин фабриконлар¹ бор ва яна Қаломи шариф ҳам шу ерда, деб эшигдим.

Бир фабриконнинг ёнига етуб эрдим, эшиқдан бир хунасай мушкил соч қўйған бедин чиқуб келди. Дийдори номуборакига кўзим тушкач, имоним қирқ газ нарига сапчиб, дарҳол калима келтириб тўхтадим. Занталоқ бедин такаббурона ҳаракатлар билан попирскасига ўт беруб, у ён-бу ёнға аланилар эрди. Замонасозлиқ учун:

— Идраска! — деб қўйл кўтариб, ичимдан «лаънатуллоҳи алайҳи»² дедим. Фақирдек бир содда мулланинг ўрус забонида сўзлаша билга-

² Мұсқафи Ұсмон-Мұхаммад пайғамбар с.а.в. вафотларидан кейин давлатни бошқариш унинг энг яқин саҳобалари ихтиерига қолади. Вақт ўтиб, халифа Умар давлатни бошқараётган халифа Абу Бакрға айтадыки: «Қорилар дунедан ўтиб кетишяпти, жумладан пайғамбаримиздан Қуръонни тъзим олган буюк етимишта саҳоба шаҳид бўлиб кетди, Қуръонни жамлаб китоб қылсақмикин», деб таклиф солади. Абу Бакр «Пайғамбаримиз «ғангиллар» деб айтмаган эдиларку» деб ўтироғ қылганида, халифа Умар: «Ганингиз тўғри-ку, балки пайғамбаримиз Олдоҳдан Қуръоннинг давоми яна нотил бўлурмикин, фикрида қолиб, ёзинглар, демаганлармикин. Лекин расгулуппохнинг «Баллутуу аний валов кона оятан, яъни мендан кейин келдиган умматларимга мендан бир сўз бўлса ҳам «тказинглар» деб қылган васиятларига амал қылсақ зарарли бўлmas» дейди. Ва шундан кейин ёзишга қарор қилишиб, ҳофизи Қуръонъар тиљдан пайғамбаримизниг котиблари Зайд бинни Собит кийик терисидин ишланған китобга Қуръонни ёзади. Бу Қуръон Мұхаммаднинг хотини, халифа Умарнинг кизи Ҳафса онанинг қўлида сакланади. Халифа Ұсмон даврида ислом давлатининг сарҳади янада кенгаяди. Бирор, унинг ғодлари борган элларда Қуръонни турли ҳолда қироат шта бошлайдилар. Бу ҳолдан ташвишланган халифа Ұсмон Ҳафса онадан Қуръонни олиб ундан тўрт нусха кўчиртириб Мисрга, Шомга, Басра ва Туркияга жўнатади.

XV асрда нақибандия тарикатининг нуғузли начоюндаларидан тошкентлик Ҳожа Убайдуллоҳ Ахирор Валий (1401—1490) Кичик Осиёга сафар қилиб, унин табибиқдан боҳабар ҳамроҳ шоиридан бемор бўлиб ёттан мамлакат подшосини касалдан тузатади ва подшоҳ бунинг эвазига табибининг тиљиги билан чамлакатда сакланғандаштан ушбу Мұсқафи Ұсмонни сайдеч мөжмонларга тақдим этади. Шундай қилиб Мұсқафи Ұсмон таҳминан 1480 йилда Самарқандга олиб келинади. (Амир Темур Ироқни забт эттанды бу Қуръонни Бағдоддан олиб келган, деган таҳмин ҳам бор).

Самарқанд Россия томонидан истило қилингандан кеинин бу Қуръон 1869 йилда генерал Кауфманнинг бўйрути билан Петербургта жўнатилади ва 1918 йилгача император кутубхонасида сакланади. Шу йили январь ойда Бугун Россия мусулмонлари жамиятиниг талаби билан татар мусулмонлари ихтиерига бериллиб Уғода сакланган. 1923 йили эса Ўрта Осиё мусулмонлари ихтиерига берилади ва у ҳозир Мовароуннаҳр диния бошқармасининг кутубхонасида сакланмоқда.

³ Улут тангри яхшироқ биладир.

¹ Фабрикон — иморат.

² Лаънатуҷаҳи алайҳи — унга Олоджиниг лаънати бўлсин; шайтон.



нимга таажжубланди шекиллик бошдан-оёқ Махзум поччангизни кузатиб чиқди. Тұхта, дедим: ўрс динига кирибсан, билурмикинсан ўрсучани ёки ман дедим, ичимдан. Бағдазон ҳамияти диниям құзғалиб кетиб, «идраска»нинг устига асл мақсадимни ҳам құшиб юбордим:

— Куда Инжил, топориш? (Куръон қаерда, ўртоказ?) — дедим.

Фақирни бу балоғати лисонда күргач, ҳа, довдирамас экан, занталоқ, бедин! Оқарди күкарди, аммо бир оғиз жавоб қайтарса-чи!. Қамина бу бадбахтнинг сиррини хұб билиб олғаним устига, ўзини ҳам яхширина ўсал қылдым. Дуруст, ўрс тиляда лоақал фақирча баҳраманд бұлса, ўрсуча кийиниб чўқунсун-да!..

Бағдазон бечоранинг ҳолиға раҳмим келиб, ҳижолатдан чиқармоқчи бўлдим ва табассум қилиб дедим:

— Мусҳафи Усмоний қаерда?

Бу сўзимдан бояғи ўрсучанинг маъносига тушунди, ҳижолатидан арақ ичканлардек қизарди ва яна ўзини тақабурликка солиб кулади ва сўради:

— Ўрсучани қаерда таҳсил қылдингиз, тақсир?

— Ўрс забонини билишга таҳсил керакми? Ба назди уламо таҳсил як аст — нахвул-лисонил-араб¹. Масалан, бизнинг маҳалладаги Эш қийшүқ яканчи ҳам ўрс тишини сувдек биладир, аммо ул ўрс тишини таҳсил қылған эмас. Ўрс тишини билмакчи бўлған одам чўқинуб бутхонага чиқуб юрмай, ҳалиги Эш қийшүқ билан икки кун ҳамсуҳбат бўлса бас!..

Бечора кўб лоҳаз бўлуб қочқали жой тополмай қолди, камолот ва заковатимга таҳсин ва офаринлар ўқуб, фақир билан баҳслашканига пушаймон бўлди.

— Мусҳафи Усмоний қаерда, деб сўрадингиз-ов, тақсир?

— Ҳовва, — дедим.

— Мен қаерда эканини яхши билмайман, ана шу мишидаги бинога кириб сўрасангиз-чи!

— Бу бино ўзи қанақа жой? — деб сўрадим.

— Қироатхона, Махкам қори деган бир мубошири² ҳам бор, шунга учрашингиз, — деди.

Тўнғуздан бир ўн адим узоклашиб эрдим, фақирга ашадди³ бир қаҳ-қаҳа рўй берди:

— Эй, нодон-нодон, ҳайф санинг ўткан умрингта, ҳайф санинг бошингдари сочингта, бу оғзингдари попирискангта, совлатинг бўлса эшак ҳуркитадир, аммо дунё ва охират илмидан бир зарра баҳранг йўқ эркан: ҳайф санга, лаънат сандек фарзандни вужудга келтирган ота-онангра — дер эрдим.

Эй буродорлар! Агар ўзларингизда андак фаросат, андак илм бўлса ўйлаб кўрингиз, бул малъун манга нима деди ва деганига ўзи тушундими, азбаройи худо?!

¹ Уламо назисига таҳсил биттағир — яъни арабчанинг грамматикасидир.

² Мубошир — бойшаруви

³ Ашадди — зўр.

Қироатхона — иборатдир тиловати Қуръон қиласынан жойдан, мулла Маңкам қори — иборатдир ҳофизи Қуръон⁶ бўлған зотданки, ўшал қироатхонада доимулавқот⁷ тиловати Қуръон қилсун. Бу даюсни қарангки, ўзининг оғзидан чиқсан иборатка тушунмайдир. Ваҳоланки, айткан иборати каминанинг саволимга жавоби босавобдир⁸.

Бас, ба дурустки, фақирга зиёрат мұяссар бўлди. Абдулвоҳид қори домланинг имонларини худо саломат қилсунки, бунчалик дин йўлида хизмат кўрсатиб болишбекдан Қуръонни сўраб ва яна келтуриб ва яна қироатхона очуб ва бир қорийи мураттабни⁹ бунга мутасадди айлабдирлар. Бинобарин ул зоти шарифга барча мўъминлар изҳори миннатдорчилик қилсалар керак.

Бағдазон салавот¹⁰ айтиб, тиловатхонанинг¹¹ эшигига етдим. Ойнабандлик икки қанот эшиги бор эркан, биринчисидан кирдим. Ичкаридан бир мунча саллалик ва салласиз одамлар кўриниб, кафшимни ешиб, бағдазон ичкарига кирдим ва саросимага қолдим, атроф ва жавонибни девдек-девдек катта суратлар босубдир, туппа-тузук одамлар ўрус курсинга ўлтуриб газнит ўқуидилар. Кўб ҳайрон бўлуб мулланамо, одамшаванда бирисини бориб туртиб «Нима гап?» дедим. Ҳайрон бўлуб менга қаради. Қўл узатиб эсон-соғлиқ сўраша кетдим. Бечора ҳамон ҳайрон эрди. Сўзни иккинчи томонга бурмасам бўлмайтурған кўриниб, «Тиловатхонанинг мубошири мулла Маңкам қори қаердалар? — деб сўрадим, ичкарига ишорат қилди.

Аммо ажаб бир иш воқиъ бўлди. Фақир адашиб ўзга жойга кириб қолибман-ов, деб ўйлаган эрдим, бироқ мулла Маңкам қорининг шу ерда бўлиши ажаб бир ҳодиса бўлуб чиқди. Киришимни-да, қайтишимни-да билмай миям қотуб, ниҳоят киришга қарор бериб, равон орқалиқ ичкарига кирдим. Тилсимотдек бир жой эркан, рафларга анвони турулук китобларни уюб ташлабдирлар. Ҳайрон ва саросима қараб туриб эрдим, ичкари томондан бир заифанинг товши эшитилиб, сескашиб, орқамга қайтдим.

— Ох, — дедим, — бул бепарҳезларнинг¹² сўзларига инониб бир мўъминнинг хонадонига кириб қолибдирман, — дедим.

Шул замон ичкаридан кўзимга бойбаччалардек бир йигит кўринди. Дарҳол «узур!» деб орқамга қайтмоқчи бўлдим, йигит етуб келди ва: «Нима юмушингиз бор эди?» деб сўради.

— Банда бехато бўлмас, бойбачча, бехабар хонадонингизга кириб қолибдирман!

Йигит кулди. Ўзи бениҳоят боадаб эркан:

— Бу ер хонадон эрмас — қироатхона, сизга нима керак эди?

Камина ҳижолатдан кутулиб, бойбачча бирлан кўришдим, бағдазон сўрадим;

⁶ Ҳофизи Қуръон — Қуръонни ёд билувчи.

⁷ Доимула-авқот — ҳамма вақтлар.

⁸ Жавоби босавоб — қониқарли жавоб.

⁹ Қорийи мураттаб — ўтиз пора Қуръонни ёд билувчи.

¹⁰ Салавот — раҳматлар, дуолар.

¹¹ Тиловатхона — ҳозирги Маҳсидағы «Турон» кутубхонаси

¹² Бепарҳез — тийинқиз, иопок.

— Мулла Маҳкам қори шу ердамилар?

Йигит борлиқ ишораси берип, фақирни илгарига бошлади. Бордим, нима кўрай, бурчакда, ажаб бир нозанин қиз... Курси берди, ўлтуриб фотиҳа ўқудим, билдимки, бул нозанин бойбаччанинг ўйнаши эркан. Икки ошиқ хилват қылған фурсатда камина кириб қолған эрканман. Бағдазон мулла Маҳкам қорини сўрадим. Нима ишингиз бор, деди. Ишим ўзларида, дедим. Бойбачча табассум қилуб: «Фақир Маҳкам қори бўламан», — деди. Бу йигитнинг боадаб бўлганидан ҳам дуруст одам деб ўйлаған эдим. Аммо ўйнаш қилиши бўлса ўзига, чунки эчки ҳам ўз оёғидан, қўй ҳам ўз оёғидан осиладир. Бағдазон Мусҳафи Усмонийни сўрадим. Бизда йўқ, деб жавоб берди. Мусҳафи Усмоний «Маҳкамаи шаръия» деганинг қўлида эркан, пўлад сандиққа солуб сақлар эканлар.

Фақир ниҳоятда ҳайрон бўлуб қолдим, барча меҳнатларим зоеъ кетди ва яна мусҳафнинг зиёратига мушарраф бўломадим. Шул замон таассуф ва надомат ичида мулла Маҳкам қори инимиздан савол айладимки, бул жойни қироатхона, деб тасмия¹³ қилишдан мурод нимадир ва яна бунчалик китобларни жамъ айлаб ва бунчалик ускина — дастгоҳлар қуруб ўлтуришдан нима фойда бордир, деб. Ҳамма саволларимга бирма-бир жавоб берса ҳам аммо бул ишларга ақли қосирим бовар қилмай мутаҳайюр¹⁴ бўлдим.

Дуруст, бунча китобларни йифуб, одамларга ўқутуб, ўқуғанинг бадалига чизи¹⁵ бир маблағ олинганда ҳам эрди, фойдаси бор эркан, деб билар эрдим. Аммо чизи олмасдан эрта-ю кеч бир неча одамлар овора ва саргардон бўлуб, китобларни урунтириб ва яна супуриб-сидириб ва печка қалаб ултуришдан нима мақсад бор? — Фақир бул ишка тушунолмадим ва бошқа оқида кишилар ҳам бул ишни хўб ўйлаб кўрсунлар!

— Қандай китобларингиз бор, фақир ҳам ўқусам жоиз, яъни имкони борчи? — деб сўрадим

— Китоблар ҳисобсиз, тақсир, ҳар бир кимарса учун кутубхонамиз очик!

— «Шарҳул-виқоя»нгиз борми?¹⁶

— Йўқ, тақсир.

— «Шарҳи мулло Жомий?»¹⁷

— Йўқ.

— Маслаки муттақин?¹⁸

— Йўқ.

¹³ Тасмия — аташ, исм бериш

¹⁴ Мутаҳайюр — ҳайратда қолмок.

¹⁵ Чизи — озгина.

¹⁶ «Шарҳул-виқоя» — муаллифи Убайдулла ибн Масъуд ал-Махбубий, машҳур фақиҳ Бурхониддин ал-Марғинонийнинг (вафоти — 1197) «Хидоя» номли фикр, асарига ёзилган шарҳ китоби. «Мұхтасарул-виқоя»нгиз муаллифи ҳам шу киши бўлиб, бу китоб «Хидоя» асарининг қисқача мағлумчунидир.

¹⁷ «Шарҳи мулло Жомий» — Абдураҳмон Жомийнинг араб тили грамматикасига оид қитоби.

¹⁸ «Маслакул-муттақин» — Сўфи Оллоеркинг фикрла оид қитоби.

- Бас, сизда нима бор?
- Бизда ҳар бир китобдан бор.
- «Далойили ҳайрат»¹⁹
- Йўқ.
- «Қанзили Ҳусайн?»²⁰
- Йўқ.
- «Нурмонаи шариф?»²¹
- Йўқ.
- «Кимёйи саодат?»²²
- Йўқ.
- Йўқ-йўқ-йўқ! Бас, бул китобларингиз қуруқ қоғозларми?
- Йўқ, тақсир, булар сиз сўрағандан бошқа хил китоблар, масалан, илмий, фанний, диний ва дунявий.
- Бўлмаса бобийман²³ дeng-чи, китобларим жадид²⁴ — мажит китоблари дeng-чи...

— Йўқ, тақсир, китобларимиз мусулмонча. Ўзимиз ҳам бобий эмас.

Шул вақтда беҳад қаҳру ғазабим келиб кетди, ҳар бир туким бир ханжари обдор бўлди, бир наъраи — раъдивор тортиб мусулмонларни озгурмоқда бўлған шул жадид китобларни ағдариш-тўнтариш қилуб, кўчага чиқарип ташлагим келди Шул замон рафнинг устига кўзим тушди, кўрдим-ки бир қуён бола очибdir ва шул жоноворға узоқ фурсат қараб қолуб, ғазабим бир аңдак пасайибdir. Бағдазон бадбаҳтдан сўрадим:

— Агар сиз башарти жадид бўлмасангиз, бундаги девсийрат²⁵ суратлар нимадир? Башарти, алҳол намоз вақти шуруй²⁶ қилуб, ушбу жойингизда адойи салот²⁷ қилмоқчи бўлсан, аммо тўрт тарафим сурат бўлса... ва ёки сизнинг мазҳабда бул гап жоизми?!

— Масжиқ яқин, тақсир!

— Башарти, таҳоратим танг қилған бўлса, ёки ушбу жойдан бошқа ерга чиқуб намоз ўқуш хавфлик бўлса, аммо сизнинг тиловатхонангиз нопок китоблар ва газнитлар ҳамда бутлар билан тўла бўлса, бул тақдирда нима қилурсиз!..

Аммо бул жой тиловатхона эрмас эркан, шайтонхона эркан!

Ғазабим борған сайин аланга олур эрди, бул жойда узоқ қолишни

¹⁹ «Далойилу-ҳайрат» — долойилхоналарда ўқилган. XV-асрда араб ақоидшуноси Сулаймон ибн Язурининг Мухаммад пайғамбар ва авлиёларнинг ҳаётлари ҳақида накл ва ривоят китоби.

²⁰ «Қанзили Ҳутайн» — сиҳр, дуо, кароматта оид китоб. Муаллифи Фулом Ҳусайн ибн Сайд Мухаммад. 1833 йил Ҳиндистоннинг Жадонобод шахрида ёзилган.

²¹ «Нурмонаи шариф» — бу ҳам сиҳр, дуо, кароматта оид китоб.

²² «Кимёйи саодат» — Абу Ҳомид Муҳаммад ибні Муҳаммад ал-Фаззолийнинг (1058—Тус (Эрон) — 1111) тасаввуғга оид китоби.

²³ Бобийлик — XIX-асрнинг 40—50 йилларида Эронда шиа мазҳаби ичида вужудга келган диний оқим. Асосчиси Муҳаммадали Бобуллоқ. У «Баен» номли китобида ўзини Муҳаммад ўрнига келган пайғамбар деб, ўз китобини эса Қуръон ҳамда шариатнинг ўрнини олиши керак деб, исломга янтилик, ўзгариш киритмоқчи бўлган. Ҳозир ҳам бу оқимнинг тарафдорлари мусулмон мамлакатларида анча нуфузга эга.

²⁴ Жадид — (жадидчи — янтилик тарафдори) — XX-аср бошларида туркий ва тожик ҳалқлари орасида юзага келган матърифаттарвар, ислоҳотчи сиёсий оқим.

Девсийрат — ўхшаш, йўпон елни.

маслаҳат кўрмай, сўзига ҳам қулоқ солмай чиқуб кетдим. Ташқарига чиқсан, кафшим йўқ, ундан-бундан сўрасам аҳадди²⁸ дуруст жавоб бермади, ниҳоят танг бўлдим. Қоровул чақиришни ҳам билмадим, милиска ҳам тополмадим. Билдимки, бу ишни қылған ҳалиги қоридир. Китобларни текинга ўқутаман деб, одамлари орқалиқ фақирдек содда одамларнинг кафшини ўғурлар эркан, аммо бундай палид бир жойга киришимни арвоҳлар ҳам ёқтирмаған бўлсалар керак. Бо ин ҳама²⁹ кавш кетди. Маҳсичан қолдим. Кўчанинг чети бирлан битта-битта юруб уйга жўнадим, аммо йўлдағилардан кўб ҳижжолат чекдим...

*Ҳарки хонағ дуо шамаъ дорам,
Зонки ман баңдағ гуноҳкорам³⁰*

Асл нусхасига тўғрилаб кўтардим, деб фақирул-ҳақир: мулла Жулкунбой.

Ва яна узоқ-яқин дўстларимизга маҳфий қолмағайким, домланинг саргузаштлари дуру дароздир, фурсати билан қолғанларини ҳам кўтарсамиз керак.

«Муштум» — 1924 йил, 18-сон.

ТАРЖИМАИ ҲОЛИМ

Падари марҳумимиз Шош¹ шаҳрининг забардаст уламоларидан мулла Мирзасалимсоқ Охунд домлаи ҳожиул-ҳарамайн аш-шарифайндирлар² Марҳум падари бузруквор алломаи замон ва машҳури жаҳон бўлуб, ул жанобнинг ҳалқаи тадрисларидан³ беҳисоб уламо ва фузалолар етишуб, баъзилари қозилиқ мансабига ва баъзилари мударрислик мартабасига ва кўблари имомат ва мактабдорлиқ вазифасига ҳам энг адилолари⁴ азайимхонлиқ касбига мушарраф бўлубдирлар. Алҳол бўлса, ул жанобнинг шогирдларининг кўблари пири бадавлат бўлуб, уйга кириб қолғандирлар.

Марҳум бузруквор Бухородан ҳатми кутуб қилуб келганларидан сўнг Қамбар ясовулбоши деган бир амалдор ўзишинг Махинабону отлиғ хушрўй қизини тўю-тамошолар билан падарга назр тортибдир. Бағдазон ул покдоман бирлан нечаңд фурсат умргузаронлик қилсалар ҳам, аммо фарзандлари бўлмабдур.

Падар бул боисдин бениҳоят маъбули хотир⁵ бўлуб, дойим зори ва тазарруъ айлаб, худойи таолодан бир фарзанди солиҳ талаб қилур

¹ Агои салот — намоз ўқимоқ.

² Шурӯй — бошлиш.

³ Адаби — бирор киши

⁴ Бо ин ҳама — шундай қилиб.

⁵ Кимки дуо ўқиса, мен умидворман! чунки мен гуноҳкор баңдаман.

¹ Шош — Тошкент

- Ҳожиул-ҳарамайн аш-шарифайн-икки ҳарами шарифни (Макка ва Мадинани) ғиерат қилган киши.

¹ Ҳалқаи тадрис — бирор муаллимда сабоқ олган талабалар доираси.

¹ Ағно — паст, қўйи.

¹ Маъбули хотир — ғамгишлик, ҳафалик.



эрканлар. Шул ахволда неча фурсатлар ўтуб ва яна бузруквор кўб мозоротларни тунаб ва яна жонлиқлар суйиб, ниҳоят ҳомталаш айлар эканлар⁹, падар қирқ беш ёшга борғанларида худойи таолонинг раҳми келиб фақир волидаи марҳуманинг раҳмларида қарор топибдирман.

Ало ҳозал-қиёс¹⁰ тўққуз ой, тўққуз кун ва тўққуз соат ўтуб, рўзи душанба ярим кечакида яшадиган замонидаги ўн тўртингчидан куни моҳитобоннинг айни тўлишкан замонидаги ёруғ дунёға барқ уруб, қадам ранжида қилинубдирман. Дўстлар шод, душманлар ғамкин бўлуб, падари бузруквор дарҳол ҳазрат Баҳоваддин йўллариға етти нон худойи қилубдирлар. Доя бўлмиш хотун фақирни ердан олуб, йўргакламакчи бўлғанида камина чирқираб, гиря оғоз қилуб,¹¹ асло йиғидан тўхтамаганимдан, падар сезибдирларки, фарзандлари бечиз эмасдир. Чунки ул доя бўлмиш лаллаи¹² маккора ва нопок бир хотун бўлуб, фақир бул нопокни ёқтирмабдирман. Бағдазон ул жаноб фақирни ўз қўллариға олған эрканлар, дарҳол гирядан тўхтаб, падарга табассум қилубдирман...

Бағдазон фақирининг тарбиятига кўшуш айлаб, етти кечамни эсономон ўткузуб, саккизинчи куни бешикка солубдирлар. Аммо ўн биринчи кечамда бир оз чалиглаб¹³ ўтубдирким, алҳол бул маънинини асорати каминада боқийдир, яъни такаллум¹⁴ қилғанимда «қиҳ-қиҳ» қилуб ва яна «мош» дейиш ўрнига «бош» деб, «мим»ни айта олмайдирман. Бамисоли ҳазрати Мусо алайҳиссаломнинг «син» ўрнига «шин» ўтканларидек ва яна фақир волидаи марҳумага осойиш бермай, доимула авқот фифон ва зори¹⁵ қилур эрканман. Бул боисдин сабаби вужудлар бениҳоят паришонхотир бўлуб, ҳукамо¹⁶ ва кексалардан чора сўраганларида фақирга кўкнори бермакка кенгаш берибдирлар. Бағдазон бирмунча кўкноридан ҳалво пишириб каминага истемол қилдирғанларида фақир кум босқандек фароғат қилуб, зори ва фифондан тўхтабдирман. Аммо ўпкам амиркон маҳсилик фижирлайгурған бўлубдир.

Фақир шу йўсун икки йил комил бешикда сирилиб ёта-ёта «атта жий, анна оппоқ», дейтурган такаллумга тилим гўё бўлғани ҳолда бошқалардек бешикдан қутулиб эркка чиқибдурман. Аммо назир бошим кесак қисқан қовундак қийшиқ бўлуб ва яна жовдирлаған кўзим қассобдан эт олуб, боқдол бирлан муомала қилатурған дараражага етубдир.

Эркка чиққан кунимдан бошлиб эмчақдан чиқуб, нон кавшашни таълим олубдирман. Фурсати келганда волидаи марҳума: «Боламнинг чайний-чайний жаги узулди», деб ҳолимга тараҳҳум¹⁷ айлаб, лўмбалўмба нон чайнаб, оғзимга солур ва фақир ҳам филқа-филқа ютар эрканман. Ул замонда падари бузрукворнинг давлатлари кўланкасида нон важҳидан беармон бўлуб ва яна эртадан-кечгача нон бирлан ҳам-

⁹ Ҳомталаш қышиш – бепул улмишиш.

¹⁰ Ало ҳозал-қиёс – шунга ўжашаш.

¹¹ Гиря оғоз қилмоқ – йиги бошламоқ.

¹² Далла – кўшмачи.

¹³ Чалигламоқ – кўзликиш.

¹⁴ Такаллум қилмоқ – талирмоқ.

¹⁵ Зори – ўрланиш.

¹⁶ Ҳукамо – ҳакимлар, табиблар.

¹⁷ Тараҳҳум – раҳм қилиш.

нишин эрканман. Аммо фақирнинг қорни кундан-кунга ювлаған тарбуздек ўсиб, бул маънидан падар бирлан волида «боламиз қорин сола бошлади» деб бениҳоят хушнуд бўлар эрканлар.

Алқисса, фақирни томоқ босқанлиғиданми, ҳайтовур, беш ёшғача оёғим чиқмабдир. Бул боисдин волидайин мұхтарамайин¹⁵ паришон ва дилгир бўлуб, чорасига киришиб, фақирга ғалтак арава мұхайё қилубдирлар. Аммо фақир ғалтакка тутунғаним замон гурс этиб ортим билан ерга йиқилур ва ғалтак арава ҳам фақирга табиъатсозлик қилғандек иккинчи томонға ағнар эркан. Бундан сўнг камипани бир саватта солуб етти эшикка олуб кириб, «оёғизға оёқ борми?» деб сўрабдирлар, «Оёғ бор!» деганлари билан ҳам мақсад ҳосил бўлмай, қимирламасдан фароғатда ўлтура берибдирман.

«Муштум» — 1924 йил, 19-сон.

Олти ёшқа кирганимда (буниси эсимда бор) ўлтура-ўлтура ўзим ҳам зериккан бўлсан керак: ниҳоятда эҳтиёт бирлан деворларни ушлаб, андак-андак сайдир ва саёҳат қилишқа бошладим. Бул маънидин волидайин мұхтарамайин бисёр хушнуд бўлуб, дарҳол бир эчкуйи бод рафтторни¹ бўнузлаб ва унинг қонидан бир сопол табоққа солуб, фақирнинг оёғимға сурдилар. Бағдазон мазкур эчкунинг барча сўнгак-саёғини бир қозонға солуб фақирнинг «оёғ тўйим» учун ҳамма қариндош-уруғларимизни чақирибдирлар.

Кудрати илоҳий бирлан ўшал кун иттифоқ оёғимға юйидан бир куввати кириб, ҳатто ўчоқ бошиғача саёҳат қилуб ва яна қозонда пишиб турган этка кўнглум кетубдир. Волидаи марҳума дарҳол бир устихоники сергўштни олуб, фақирнинг қўлумға тутқазғанларида ўшал ўчоқ бошидаёқ, жойимдан силжимай пок-покиза тановул қилубдирман. Ва яна иштаҳом айни жунбушқа кирган экан, яна қозондаги бир устихонни кўрсатиб, олуб беришқа ишорат айлабдирман.

Худо волидани раҳмат қылсунки, фақирга бениҳоят меҳрибон эрдилар. Дар он ратийимни қайтармай уни ҳам қўлим-ға тутқазғанларида иштаҳойи тамом бирлан буни ҳам тановул айлаб ва яна қуруқ суюкини қайтадан қозонға ташлабдирман. Аммо бул вақт ўз оёғим бирлан қайтуб кетишига қудратим етмай, тўйға келган бир заифанинг муованати-бирлан базур манзилга етуб олубдирман. Аммо оёғ тўйимға йигилған хотунлар фақирнинг кўнглумни олмоқ учун қўюнларида, чўнчакларида нок, қурт, туршак ва шуларга ўхшаш анвоғи турлук неъматлардан келтирган эрканлар: этагимни, қўлимни ва тўппимни мазкур нозу неъматлар бирлан тўлдириғанларида борира бозор қилуб ва яна ниҳоят саросималик бирлан шошуб-пишуб борчасидан андак хўрак қилубдурман.

Бағдазон меҳмонларга айни шўрба тортилған фурсатда фақирға

¹ Волидайин мұхтарамайин — мұхтарач ота-она,

Чоророн ёчки

Муованат — ёрдамлашни.

сассиғ меңдалик юз бериб ва яна юрагимда бир боди пайдо бўлуб ва яна қулдир-қулдир деган овозлар эшишилуб, бул ҳодиса бора-бора кўнгулни беҳузур қилишгача етуб ва яна кўзларим олайиб беҳуд бўлуб қолубдирман. Бул замон тўйимиз азага айланиб, шўрба-шўрбада, эт-этда қолуб, ким кинначига, ким домлаға югуруб, аммо фақирнинг ҳам оғзимдан, ҳам ортимдан хилт ва сафролар кета бошлаб, бош ёстиқча етуб, ўзим беморалик даражасига борибдирман.

Бул ҳодисани ҳар ким ҳар нарсага йўйиб, бирав кинна кирди, деса, бирав ҳасан урди, деб ва яна учинчиси нарса тегди, деганда тағин бириси кўзиқди, деб. Аммо ўша тўрт эҳтимолларнинг барчасининг чоралари кўрилганда, яъни кинна солдирилиб, чиллаёсин қидирилиб, кўз тумор тақдирилганда ҳам бир фойдаси кўрилмай, фақир шу касалим билан олти ой чамаси кўб қаттиқ риёзат³ чекиб ётиб қолдим. Бул касалим асносида чўб-устикон бўлуб, озиб, самоворнинг ичидан кўринатурган ажива аксдек бўлуб, кишилар ҳазар қиласурган даражаларга етуб, меъдам ҳазимадан қолуб, таом ботмай, аммо эндиликда волидайнин муҳтарамайин фақирни юрмасданоқ тинчкина егулигимни еб ўлтуришимгагина рози бўлған здилар.

Аммо бул касали хавфнокдан андаккина соғлана бошлаганимдан сўнг табиъатим ниҳоятда нозиклашиб, ундай-бундай гаплар қуловимга ёқмай, эгри деган ҳам, тўири деган ҳам гуноҳкор бўлуб, аммо бул феълим падарга ниҳоят хуш келиб, фақирни «Инжиқ махзум» деб хитоб қилур эрдилар. Ва лекин волида бул маънидин рози бўлмай, фақирга жинлардан хабар бериб, гоҳо ажиналар хикоясидан сўзлаб харҳаша қила бошлаган замонимда «ана келди!» билан товшимни ўчурар здилар. Аммо камина жинлардан бисёр кўрқар эрдим, қорайиб турган девор ва ёроҷ кавакларининг ичига ҳам шу жинлар ваҳмаси билан боколмас эрдим. Бир кун эмаклаб бориб, кийизнинг тегидан нимадир олмоқчи бўлған эрдим, «лоп» этуб бир ажина чиқуб қолмасуни, ўтакам ёрилуб, биниллаб йиқилдим. Бир вақт ўзимга сепилган совуқ сув билан ўзимга келиб кўзимни очсан, ажина ҳамон менга қараб турубдир. Дарҳол ўзимни волиданинг бағирларира олуб қолдим.

— Ҳа, нима бўлди?

Фақир ажинага ишорат қиласига эрдим, волида қаҳқача бирлан кулиб, ажинани қўлларига олдилар. Фақир диққат билан қараған эрдим, волиданинг тароқдан чиқсан сочлари эркан. Аммо фақирнинг алҳол ёшим эллиқдан ошқан бўлса ҳам ажиналардан бисёр қўрқадирман. Бул боисдин кечалари ёлғиз юролмай ва яна бир ўзим ҳам ётолмайдирман. Ва лекин ҳар кимга ҳам инсу-жиндан ҳазар қилмоқ лозим ва любудир.

Алқисса, каминага бирмунча қувват кириб, оҳиста-оҳиста ҳожатимга бориб келатурган бўлдим: бора-бора йўлакларга чиқуб касб-ҳаво қиласига даражага етдим, гоҳи остоңада ўлтуриб, кўчадаги болаларнинг ўюнларига тамошо ҳам қилур эрдим. Аммо болалар орасида бирар турлук жанжал ва тўшонон чиқса, орада мушлаш бошланса фақир

³ Риёзат — азоб, машакқат.

чиркираб йиғлағанимча уйга қараб чопар эрдим. Гарчи болалар ўзаро ўйнаб, ўзаро ёқалашсалар-да, бунда фақирнинг фойда ва ё зарарим бўлмаса-да, аммо камина бисёр сулхпарвар ва жанжалларға тобим йўқлиғидан бул ишни қилур эрдим, деб ўйлайман.

Фақирнинг ёшим саккизга кириб, андаккина қадлимни ростлаб олган эрдим, сабаби вужудлар ҳам «боламиз ўсиб-унди» деб қувонған эрдилар. Бул орада фалокат босиб, фақирга иситма арз бўлуб, бир неча кун ғингшиб ётқалимдан сўнг ҳар бириси турشاқдек-туршақдек бўлуб чечак тошуб кетмасунми...

Камина беҳуд бўлуб ўзимдан кетибдирман, волидайин муҳтарамайн ҳам «боламизнинг таги қандай кўргулути бор экан!» деб хўнгур-хўнгур йиғлашибдирлар. Кундан кунга ҳолим оғирлашур эркан. Ул жаноблар фақирдан умидларини узиб, қўлларини ювиб, қўлтиқларига уриб, ҳалтаи кафандаримгача ҳозирлаб, ҳар бир ишка муҳайё бўлуб турубдирлар. Аммо ўн биринчи кун, худойи таолонинг қудрати бирлан фақирға атса келиб, кўзимни очибдирман. Руҳсиз танааларга жон кириб, суюнч-қувонч бошланибdir. Дарҳол етти қадоқ буғдойдан қўғурмоч қўғуруб ажаб бир хурсандиклар қилубдирлар. Ба тадриж¹-ба тадриж² фақирнинг гулларим тўкулуб, ўн еттинчи кунда салимул-аъзо³ бўлуб, туруб ўлтуратурған бўлдим.

Лекин бул чечак деган нимарсанинг ажаб бир ҳусн бузатурған хоссаси бўлур эркан. Агарда ўзингизга ҳам чечак чиққан бўлса сезарсиз: мисоли юзингиз ғалвирак бодом... Аммо фақирнинг юзимда баъзи чандиқлар ҳам зуҳурга келгани учун гўёхи ҳусни Юсуф бизда хотима топди. Агар сиз бир ҳовуч тариқни юзимизга қаратиб сепсангиз-да бир дона ерга тушса биз минават⁴...

«Муштум» — 1924 йил, 20-сон.

Вақтики, фақир кўз кўриб, қулоқ эшитмаган анвоғи турлук амрозлар¹ бирлан тўққуз-ўн ёшларға етдим ва андак ўзимни бул бевафо дунёнинг иситма ва безгакларидан, сассик, кекирдак ва юрак буруғларидан фориғбол² ва ҳоли кўрдим. Бағдазон худойи таолоға шукурлар айтиб доимо волиданинг олдиларида камари хизматни берк боғлаб дасти алиф лом турар эрдим.

Падарнинг муҳаббатлари каминага бисёр эрди. Фақирнинг одоб ва заковатимдан ниҳоятда хушнуд ва ҳар замон муборак қўллари билан орқамга уриб навозиш³ бисёр қилур эрдилар. Ва яна гоҳо ул жаноб рўйимоллари бирлан оғзимга оқуб тушаёзлан бурнимнинг обиятини покиза айлаб ва бул маънига бирмунча панд ва насиҳат ҳам қилур эрдилар.

¹ Ба тадриж — аста-секинлик билан.

² Салимул-аъзо — соғлом тан, соғаймок.

³ Минават — виноват, айбдор.

⁴ Амроз — касалликлар.

⁵ Фориғбол — озод, тинч.

⁶ Навозиш — сийлаш, марҳамат.

Шул ахволда волидаи меҳрибонимизнинг бағриларида қорозда асралган қантдек парвариш топар эрдим. Кунлардан бир кун, факир волидаи марҳума бирлан «чорий — чамбар» ўйнаб ўлтурған эрдим, падар бул маънидан ранжийда хотир бўлуб меҳрибончилик қилдилар-ким: «Маҳдумнинг бўйи чўзулиб қолди, эмди аңдак-аңдак сабақ бошласунлар», — деб. Бағдазон факир волидадин сабақ олуб, бениҳоят файзиёб⁴ бўла бошладим.

Бул миёнада падари бузруквор факирнинг қўлимни ҳалолламоққа ҳаракат айлаб ва яна қўлларида дунё важҳи⁵ каминанинг кори ҳайримга кофий⁶ бўлмагани учун боғимиздан қирқ беш туп дараҳт сотуб ва яна бу маблағ ҳам озлиқ қилуб, боз боғимиздан бир аңдак ер ҳам фурӯҳт⁷ айлаб, бағдазон кори хайрни бошладилар.

Факирнинг тўйимға жамиъи оламдин уламо ва фузалолар, давлатманд ва зукколар чақирилған эрдилар.⁸ Бир неча кунгача юртдаги жамиъи хотуналарга бир пут зигир мойидан ош берилиб, аларни жамиъи таом важҳидин сероб ва мамнун қилинди. Бағдазон тўрт дона гунон қўйни забиҳ⁹ айлаб ва яна ботмон биринч ва шул миқдор сабзи бирлан уч қозон ош дамлаб жамиъи қурту қурмисқаларга табак-табақ ош берила бошланди. Кўча бошидан тортиб то манзилимизгача шаҳарнинг казо-казолари сағ боғлаб асо ушлаб келган-кетканни кузатиб турар эрдилар. Тўй бисёр шукуҳлик эрди. Ош ҳам факирдек беҳад ширин бўлған ва мойи ҳам шилқиллама эрди. (Аммо бул замондаги тўйи қилаётқанлар ушбу тўйимиздин ибрат олсалар кўб яхши бўлур эрди) Камина кимҳоб ва дуҳоба саруполарга ўралуб ясанған эрдим, бошимға ажаб бир нафис салла ўраган эрдим, ҳар ким каминага тамошо қилур эрди.

Алқисса, тўй асносида баъзи бир беҳирадлар факирға дагал муомала бирлан ҳазил-мутояба қилур эрдилар ва яна айтар эрдиларким: «Маҳдумга бир ароба қайроқ буюрилди. Болта бирлан кесамизми, арра бирлан ...» Агарчандики бул гапларга бовар қилмас эрдим ва илло кўнглимга кўб ҳавотир ўрнашқан эрди ва яна аснойи забиҳ, яъни хатна замонида атрофимга йиғилған гўдакларнинг башарти тифнинг заҳрига чидолмай гири оғоз қилсан қаҳқаҳа қилишларидан беҳад ҳавотирда эрдим.

Бағдазон ош хитомира етуб, факирни чекка ўринга олуб бордилар. Факирнинг атрофимга кўб бемаъни йигитлар йиғилған эрдилар, яккаш мазкур бир ароба қайроқ бирлан бир қанча аррадан дам урар эрдилар, факир бўлсан бениҳоят ҳавф-ҳаросга тушар эрдим. Бағдазон ул ҳаромзодалар бир чилимга банг (дар истилоҳ фиръавннинг тезаги)¹⁰ тўлди-

⁴ Файзиёб — баҳраманд.

⁵ Дунё важҳи — маблағ.

⁶ Кофий — етарли.

⁷ Фурӯҳт — сотишиб.

⁸ Домланинг «жамиъи оламдин» деб киборншларки муболаган сұхандир. Буни ажли донишлар онгласалар керак (Муал.)

⁹ Забиҳ — сўйиш, бўғизлаш.

¹⁰ Дар истилоҳ фиръавннинг тезаги — ҳалқда нашани фиръавннинг тезаги деб аталади Ривоют қилишларича. Миср подшоҳи Фиръавн учини «Меч худоман» деб эълон қилган экан. Бир

риб чекищдилар ва яна фақирга ҳам таклиф қылдилар, камина бул манига ризолиқ бермаганимда ҳаромзодалардан бириси айдиким: «Эй Маҳдум, агар бул таклифға рози бўлмасангиз, аснойи суннатда шарманда бўлурсиз». — деб. Аммо фақир қабул қылмадим, зўрлаб эрдилар, гири оғоз қылдим.

Аммо бир ҳаромзода бангнинг тутунидан оғзиға йифуб бағдазон фақирга дамида¹¹ қилур эрди. Фақир, аснойи суннатни кўб мулоҳаза қилур эрдим. Ҳаромзадалар айткандек, гаплар вуқуъга¹² келса кўб ёмон бўлур эди. Бул ҳавф-ҳарос бирлан агарчандики фиръавининг тезаги бўлса ҳам бангдан бир андакни истеъмол айлаб кўроқчи бўлдим. Бениҳоят аччиғ эрди, андак-андак қақир-қуқир қилиб тортидим. Бул фурсатда йигитлардан бири қўлимға муштумдек набот тутқузди ва яна «бекор ўлтурманг, тақсир», деб меҳрибончилик қилған эрди, беандоза хурсанд бўлуб мазкурни эрмак қилуб ўлтурдим. Ва яна бириси бирмунча магиз инъом қилди. Ул таррорлар¹³ фақирни бениҳоят сийлар эрдилар.

Иштаҳойи тамом бирлан набот ва магизларни тановул қилуб тутаткан эрдим, фақирга ажаб бир ҳоле юз берди. Нафасим оғзимга тикилиб келгандек бўлур эрди, кўзимга ажаб бир нимарсалар кўринур эрди. Бул фурсатда ул таррорлардан бири фақирга табассум қилуб ва яна бармоқларини кўрсатиб: «Бул нечта, Маҳдум?» деб майнабозлиқ оғоз қилуб эрди. Фақир бул замон ул набот ва магизларнинг банг билан олуда қилинған бўлғанини онглар эрдим. Зиёда маст бўлған эрдим, кўзим одамларни илғамас, хушим бошимдан учкан эрди. Аранг-аранг қулоғимга чилдирманинг дангир-дунгир қилған нағмаси киради, ул таррорлар фақирни бул аҳволга солуб, ўзлари ажаб бир хурсандлиқ қилуб рақс айлар эрдилар. Бағдазон фақир, бангнинг асорати билан беҳуд бўлуб қолубдирман...

Бир замон кўзимни очсан бошимда волида бирлан падар пиқ-пиқ йиғлаб ўлтурибдилар. Фақир улардан аҳвол сўрадимки, бул йиғининг боиси нимадир ва яна тўйлар тинчлик бирлан ўтдими, деб. Ул жанобларнинг сўзларидан маълум бўлдики, фақирнинг суннатим бажо келтирилибди, аммо камина ўшал банг асорати бирлан беҳуд бўлуб йиқилғанимдан бүён тўрт кечакундуз миёнасида беҳушона ётар эрканман, бул беҳушлик ўшал фирмъавининг тезагининг хосияти эркан. Бо ин ҳама фақир зиёда хурсанд эрдим, зероки, ул бангнинг асорати бирлан

куни фирмъави ўз душманини ёнгомочи бўлиб аскарларига айтибдики, «Сизлар шу адирнинг у томонидан, мен бу томонидан бориб душманини куршаб ёнгамиш» деб жангла киришибдилар. Аскарлар мўлжалдати жойга этиб борибтилар, лекин подшоҳдан дараҳ бўлмабти. Хавотир олиб адиринг у томонига ўтсалар фирмъави езилиб ўтирган эмиш. Ёзилган жойидан наша ўсиг чикъан эмиш. Шунда аскарчари «Худо бундай иш қилмайди-ку, ген Худо эмас икансан», деб ундан юз ўтирган эканчар Шундан бери ҳалқ нашапи фирмъавининг нашаси, тезаги деяр экан.

Ҳақиқатда ёса қадимги Миср фирмъавлари ўта зулмкор бўлғани ҳатто Тавротда, Итхисида ва Қуръонда, шунингдек, ислом диний тарихларида қайд этилган Шунинг учун турмушдаги сенон нарсалар, емои феъл-авторлар ҳалқ орасида фирмъавиларга нисбатан айтиб келингган. Мисалан, ким айерлик еки тақаббурчиқ қиласа фирмъавимсан, дейишиди.

¹¹ Дамида — димогта туфлаш.

¹² Вуқуъ — юз бериш — вое бўлиш.

¹³ Таррор — кисавур, ўтири, фирмъигар.



гудакларнинг таънасидин қутулиб ва яна аснойи ҳатнада гиря қилиш бу ёнда турсун андак бетоқатлик ҳам вужудга келмабдир. Аммо ул икки меҳрибон бениҳоят андуҳ тортибдирлар. Ва яна тўйлари азага айланибдир.

Бағдазон фақирнинг ахволимдан хотиржамълик айлаб, падари бузруквор фаройиз¹⁴ машқ қилуб кори хайрга масруф¹⁵ бўлған маблағни ҳисоблаб кўрган эрдилар, йирилған тўёналар бирлан жамъул-жамъи тўрт юз сўлкавой Микалай ақчаси чиқум бўлубдир.

«Муштум» — 1924 йил, 21-сон.

КАЛВАК МАХЗУМДАН ИДОРАМИЗГА ОЧИҚ ХАТ

(Имлоси ўзгартирилиб босшадир)

Алф-алф¹ салом ва паёмларимиз баъдида сиз баланд мартабалик «Муштум» китоби мусаннифи буродаримизга етуб андоғ маълум ва равшан бўлсунки, алҳамдуиллоҳ, биз дуоғўйлари бул жонибда сиҳнат ва саломатлик даражасида барқарордирмиз, аммо ул жонибдаги сиз мусанниф буродаримизнинг дуойи жониларини салоти ҳамса³ олдида борий⁴ таолодин талаб айлаб турмоқдамиз.

Бағдазон сизга сўз шулки, чоп қидираётқан «Муштум» китобингизнинг бир неча жузъилариға фақирнинг назарим тушди. Аммо китобнинг гоҳи жузъиларида фақирнинг таснифотлари ҳам бор эркан. Мулла Жулқунбой жиянимиз фақириңгиздан беижозат таснифотларимиз баъзисидан сиз ҳурматлу буродаримизга нусха кўтариб берган эркан, «Зар қадрини заргар билар — чилангар нени билар» деганларидек, фақирнинг қадримга сизлардек донишманд мусаннифлар етмаса, каминанинг имоматимни ҳам кўралмаган маҳалла бўрсуқлари⁵ етсунларму. Кўб яшант, буродар, фақирнинг таснифотларимиз⁶ писанд айлаб китобингизда нўтой босмаси бирлан чоп қилубдирсиз.

Аммо таснифотимдаги имло — иншоларимга бир андаккина ҳалал етканлигини кўрдим, бул маънидан кўнгилга бир андак кудурат етди, сўзларнинг ёнига «ҳе» қўюб, «бе» қўюб ёзишдан ва яна «сот», «зот», «итқи», «изғи», «зе» ўрунлариға ўзга нимарсалар битищдан мурод ни-мадир? Башарти бул замондаги саводсиз одамларнинг бехирад ва беидрок бўлғанларини назарда тутуб, таснифот учун бундай қилған бўлсалармукин ёинки ул соч қўйған калтадум ҳаромзодалар бул маънига ҳам закўн чиқардиларму ва яна закўн чиқарған бўлсалар ул бехирадларнинг қаршисиға бирар закўн айтиб мағлуб айлаб бўлмадиму, ба-

¹ Фаройиз — зарурий ҳисоб-китоб.

Масруф — сарфланган.

² Алф-алф — минглаб.

³ Жониб — томон, тараф.

⁴ Салоти ҳамса — беш вақт намоз.

⁵ Борий — яратувчи (худонинг сифати).

⁶ Маҳалла бўргуқлари — маҳалла катталари.

⁷ Таснифот — китоб, ётишма.

шарти мусаннифнинг ўзлари закўн айтишдан ожиз бўлған бўлсалар, Ибонуфдек бирар адвакатта бир-икки сўлкавой бериб, закўн айтти-ролмадиларму, баҳарҳол бул ишқа кўб ғайрат керак эрди.

Иккинчи сўзимиз шулки, таснифотлари пинг исмини «Муштум» деб аташ фақирлари чашни сизга ҳам бўлсаларни гапнинг ўрнига «Ибратантиз» ёки «Маслаки муттақини соний» деб тасмия қиласалар бениҳоят маргуб бир тасниф бўлур эрди ва яна таснифотингиздаги сурати қабиҳаларни ўзингиз жўрттага тортдирасизму» ёки китобингизга қоғоз тополмай ноиложлиқдан шундай суратлик қоюзларнинг оқ томонига чоп қиласизму? Башарти бул тақдирда узур воқиъ бўлуб сизга ҳам бизга ҳам ҳеч боки бўлмай гуноҳ ёки куфр хавфи йўқдир ва илло тонгла рўзи қиёматда ул сурати қабиҳаларга жон бериш биз баңдаларнинг кўлидан келадирган иш эрмасдир. Факир, ўз таснифотларим чоп қилинган жузъиларни уйимда сақлашдан ҳароснок бўлуб, аввало мазкур жузъилардаги сурати қабиҳаларни бирмунча сув бирлан ювиб ташламоқчи бўлған эрдим, аммо кетказиш бисёр қийин бўлди, бағдазон сиёҳ, бирлан ул қабоҳатларнинг пешоналарига «лоши-лоши»¹⁰ деб битиб, суратлик ҳолатдан чиқариб қўйдим. Агарчандики, фақирнинг кўнглум бундай суратларга эътиқод қилмоқдан пок бўлса ҳам, баҳарҳол, эҳтиёти шарт ва ўзингиз ҳам бизнингдек аҳли илмларнинг парҳезига қойилдирсиз, деб ўйлайман. Яна сизга илтимос шудирки, башарти бундан кейин ҳам каминанинг таснифотларимдан қўлингизга етишуб чоп қилмоқчи бўлсангиз зинҳор ўшал суратлик томонга босмоқдан эҳтиёт қилингиз, зероки, бул маънидан кўб ташвишга тушуб қолдим.

Шул миёналарда баъзи кишилардин «Лилим»¹¹ подшо ўлди» деган хабарларни эшитадирман, бул хабарга башарти ишонса бўладирму, ҳайтовур тунов кундан бери ушбу шоиъа¹² чиқуб қолди, аммо «Лилим» деган кишини кўб шижаатлик одам деб эшитар эрдим.

Бағдазон арз шулки, камина имоматдан тушуб қолғанимдан берли бениҳоят дилгирдирман, эрта-кеч қилатурған ишим уйга кириш, эшикка чиқиш — бундан бошқа гап йўқ, бул маънидин волидангиз ҳам кўб танглик изҳор қилуб, фақир бирлан ҳар кун юқори — қўйи сўзлашиб каминани ранжитиш даражаларига ета бошлиди. Аммо бул иш иккимизнинг ҳам охиратимиз учун яхши иш эрмас. Эндиликда фақирга ўгуллиқ қилуб ўшал яқинлардан бўлса ҳам бирар имоматдан ўрун топуб берсангиз ва илло кўб тандирман, башарти имомат топилмаса маҳкамаларга миrzабоши бўлиб киришга ҳам розидирман. Бул тақдирда фақирнинг бисёр омилкор, корчолон ва чапдаст эрканимни ва яна ўрус забонидан ҳам бирмунча баҳраманд бўлғанилигимни, мираз-

¹ «Маслаки муттақини соний» — фикрла оид форсча китоб.

² Сурати қабиҳа — емон сурат.

³ Бу ерда маҳзум ўзининг «Муштум»да босилган суратини (корикатурани) айтмоқчи.

¹⁰ Лоши-лоши — жонсиз, ўлик.

¹¹ Лилим — маҳзум «Ленин» демоқчи.

¹² Шоиъа — тарқалган миш-миш гап.

боши лозим бўлган маҳкамага яхшилаб уқдиарсиз. Бул маънилардаги хабарларни Мулла Жулқунбой жиянимизга айтсангиз, ул факирга еткузар деб қиссаи кўтоҳ қилдим.

Домла маъ бужур мұлаққаби Каівак Махзум ибни Салимсоқ Охунд
Шоший.

Ва яна маҳфий қолмағайким, шу яқин күнларда туткан нафл рўзаларимиздан¹¹ бирисини сизнинг уйингизда очуб бағдаз ихтиер мусанниф буродаримиз билан байтута¹⁴ Қайтқаймиз, агарда ажалга омон берса деб.

Ассалому алайкум.
«Муштум» — 1924 йил, 22-сон.

АВВАЛИ ИЛМ ҚАДОМ АСТ, ОХИРИ ИЛМ ҚАДОМ АСТ

Алқисса бағдаз тўи волиданинг пинжаларидан чиқмай ул муштипардин шаб-рўз сабақ ўқур эрдим. Фақирнинг зеҳним бениҳоят эрди. Бинобарин олти ой миёнасида алифбени батамом ёдлаб чиқдим Бағдазон «абжад»га тушуб, буни ҳам шул фурсатда ҳатм қилдим ва яна «Ҳафтияқ» бошлаб, «озодлиғим»¹ учун падари марҳум волидай муҳтарамага бир кўйлак ва бир лозимлик чит олуб бердилар. Бир йили комил деганда «Ҳафтияки шариф»ни ҳижжалаш тариқасида тамомлаб, бағдазон «Каломи шариф»² бошладим. Ало ҳозал-қиёс «Чаҳор китоб», «Сўфи Оллоёр»³, «Хўжа Ҳофиз»ларни⁴ гоҳи волидадин ва гоҳи падардин ўқуб ёшим ўн олти-ўн еттиларга етди.

Бағдазон бузруквор факирга меҳрибончилик қилдиларким: «Эмди саводингиз чиқди, баъдал-явм⁵ мадрасага борурсиз», — деб. Алқисса, фақир учун янги саруполар тикилди, бағдазон рўзи душанба, бағдаз нонушта шул тариқада ясандим:

Оқ сурфдан ёқасира ироқи жияк тутулған кўйлак, олти газ сурфдан кенг-ковул иштон, оқ сурфдан кашта тикилган белбор ва яна бурун артиш учун гул тикилган рўймолки, буни белбоқча қистирған эрдим. Бағдаз устимдан бухори бичик оқ-сарик олачадан тўн, кафшмаҳси, оқ дўппи... Аммо салла олиш падари мархумнинг ёлларидан

¹ Нафл рўза — ихтиёрий рўза

¹⁴ Байтута — тунамок, кечани ўтказмок.

¹ Озодлик — ўсишининг чальум қисми тугағланганда олиб келинадиган тортиқ. Тортиқ келгандаки домла болаларга дарсдан жавоб бўриб юборади, «козод» итади.

² «Каломи шариф» — Куръон

³ «Сўфи Оллоёр»—Бухорода минглар қишлоғидан, вафоти 1720 йил, «Саботул-ожизин», «Тукфатт-толибиин», «Маслаку-муттакин», «Муродул-орифин» номлari китобларни ёзган. Асарларидаги асосий мавзу ақоид масаласидир. Яъни «одамнинг тўри птиқолда бўлиши унинг инсонлигини белгиловчи ягона оминал» ўксидир. Бу юяни у турмуш хужжатлари — оят-сунналар билан гўзал шаклда ифодалаган. Асарлари мактабларда уқитилган

⁴ Хўжа Ҳофиз Шерозӣ — таҳаллуси, исчи Шамсиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад (тахчинан 1325 — Шероз — 1389), буюк форс шоири, «Девон»и мактабларда ўқитилган.

⁵ Баъзалиям — бундан кейнинг куи.

фаромуш бўлган эркан, бинобарин, агарчандики, фақирга номуносиб бўлса ҳам ул жанобнинг қариб ўн беш газлик дасторларини ўрадим (ўшал вақтгача амомага" зарурат тушса волидаи марҳуманинг даканаларини чулғар эрдим).

Шул тариқа шукуҳ бирлан кўлатигимга «Кофия»⁶ кистириб, падарнинг орқаларидан батамом викор, тамкин, тавозиълар бирлан бир-бир босуб борар эрдим. Кўй — гузарлардаги ҳалойиқлар гоҳи падарга ва гоҳи фақирга дasti алиф лом ўрунларидаи туруб, салом берар эрдилар. Ва яна бир-бирларига айтар эрдиларким, бул муллабачча қайси борнинг гули ва қайси алломанинг ўғли ва яна бул муллабаччанинг юзидан илму урфон нурлари хувайдодир⁷, деб...

Алқисса, мадрасага етдик. Жамиъти муллабаччалар фақир маҳзумларнинг истиқболимга чиқуб, иззат-икром бирлан падарнинг дарсхоналариға тушурдилар. Фақир бузрукворнинг ёнлариға ўлтурдим, муллабаччалар теварагимизда ҳалқа олдилар Бағдаз дуойи фотиҳа муллабаччалар тарафидан муҳайё қилинған дастурхонлар ёзилуб, чой бирлан андак-андак тановул қилған бўлдиқ ва яна ул дастурхондаги неъматларни падари марҳум йигуб-теруб қутиласиға саранжом қилғанлари баъдида фақирға китобни очмоққа ишорат қилдилар. Бузруквор уйда экан чогимда китобнинг қаеридан ибтидо қилишимни баён қилған эрдилар. Бинобарин, фақир беистиҳола «Аввали илм»ни очдим Каминанинг заковатимдин барча муллалар ангушти таҳайюрни⁸ дандони тафаккурга⁹ олуб бордилар...

Бағдаз аузибисмиллоҳ, падар ўқудилар ва фақир эргашдим: «Агар шахсе гўядки, аввали илм қадомаст ва охири илм қадомаст... жавоб мегўямки аввали илм шинохтан оллоҳ, таоло аст ва охири илм гузоштан ҳамаи амриҳоаст...»¹⁰ Падар аввали илм бирлан охири илмнинг таърифини қилғанларидан сўнг фақирнинг ҳаққимга дуо қилинуб, биринчи дарс хатм бўлди.

Аммо бузруквор шул миёнда ҳалқада ўлтурган мутаваллига юз ўтуруб мутояба тариқасида айдиларким, маҳзумга вақф вазифасини¹¹ авват¹² бирлан берурсизму аъло бирланму, деб. Мутавалли одоб бирлан табассум айлаб жавоб бердиким, аъло бермасак бўлурму, деб. Бағдазон падар мутаваллининг ҳаққига дуо қилдилар...

Агарчандики таснифотимизнинг бил жузъи мундог мабҳаснинг¹⁴ ўрни эрмас эрди, илло мазкур бўлған ул илм баҳсидин файзиёб бўлуб, фақирнинг қоним лойқаб ва яна ул ҳаромзодаларнинг илм деб юрган нимарсаларининг ҳақиқатини ошкора қилмоқ муддаосида бирмунча қалам тебратмоқчи бўлдим.

* Амома — салла.

¹ «Кофия» араб тили грамматикаси.

² Хувайдо — аён бўлмоқ, кўринмоқ.

³ Ангушти таҳайюр — ҳайрат (кўрсаттиз) бармоги.

⁴ Данлони тафаккур — ақл тиши.

⁵ Агар бирор: «Илмнинг аввали қайси охири қайси» деб сўраса, жавоб бераманки; аввали худони таниш ва охири уннинг буйрукларига буйсуниш.

⁶ «Вакф вазифаси — ойлик.

Бул фитна замонида жадид бўлуб ва яна соч қўюб юрган ҳаромзодалар илм деб кўб бемаъни нимарсаларни айтар эрканлар. Ва яна табиъиёт, фалакиёт деган илмларга кўб катта эътибор қилур эрканлар. Ул бемаънилар ерни юмaloқ деб, даъвойи *Бохуда* қилғанлари баробарида офтоб қаерда, юлдузлар неча дона, гиёҳлар нимадан пайдо бўлған, раъд¹³ нима, ой нега қуиди-ю, ер нима боисдин қимиirlади, деб таажжуб қилур эрканлар.

Аввало шулки, ул ҳаромзодаларнинг илм деб юрганлари мазкур аввали илм бирлан охири илмта алоқаси бўлмаған хаёли фосидлардир¹⁴. Бас, батаҳқиқ¹⁵ уларнинг даъволари фосид ва ботилдир¹⁶ ва шу нарсаларни илм деган киши шубҳасиз кофирдир Аз баски илмнинг таърифин «ду қисм»га йиғуб «аввал — охир» бирлан тамомлабдилар, аммо «се» ва ё «чор» демабдилар.

Иккинчи шулки, жайробия¹⁷ бирлан табиъиётларни ҳар бир киши биломашаққат¹⁸ қисса бўладир. Аммо машаққатсиз таҳсил қилинған илм-илм эрмасдир. Зероки, илм ба маънойи машаққатдир ва яна бизнинг туркийда, «илм таҳсил қилмоқ игина бирлан қудук қазиш бирдур», деган гап ҳам бор. Масалан, ул бемаънилар айтадурларким, Арабистон дунёning қайси тарафидаидир, деб. Алжавоб инастки,²¹ аввало оташ аробага²² ўлтурсиз, сўнгра Адасга²³ борурсиз, бағдазон Манбай²⁴ бағдазон Шоми шариф²⁵, бағдазон Попур²⁶, сўнгра бедав халқининг юрти²⁷, бағдаз бевосита Арабистон!

Башарти ул ҳаромзодалар айткандек ер юмaloқ бўлса ва яна доимо ҷарҳфалакдек айланиб турса, нима бўлур эрди, одамларнинг оёғлари осмондан келиб (худоё тавба) ва яна дарёларнинг суви ҳар тарафга тўкилиб, тўфон бўлмасму эрди? Ва яна ул аҳмаклар ернинг курралигини қаердан кўрдилар. Сони шулки, офтоби оламтоб бўлса бешакшубҳа тўртингчи осмонга михлангандир. Гиёҳлар нимадан пайдо бўлган? (Аҳмакцининг катта-кичиги борму.) Гиёҳ илдииздан чиқсан, илдиз уруғликдан пайдо бўлған, гиёҳ деган зот ёғмурдан баҳра оладир... Шу ҳам илм бўлдиму.

Юлдузлар илмига келганда ул ақлсизларга факир савол берсамики, — Соқолимнинг туки нечадир? — деб. бас, нима дер эрдилар.

Ойнинг куиши бирлан ернинг қимиirlashi бўлса ўшал ҳаромзода-

¹³ Авсат — ўрга.

¹⁴ Мабдас — баҳс, мавзу.

¹⁵ Раъг — момакалдирок.

¹⁶ Ҳаёли фосид — бузук фикр.

¹⁷ Батаҳқиқ — ҳакиқатан.

¹⁸ Ботил — хотўри, асоссиз, пуч.

¹⁹ Жайробия — жутрофия [муал]. — география.

²⁰ Биломашаққат — машаққатсиз.

²¹ Алжавоб инастки — аниқ жавоб шуки.

²² Оташ ароба — поезд.

²³ Адас — Одесса.

²⁴ Манбай — Бомбай.

²⁵ Шоми шариф — Дамашқ. (Шом) Сурияning пойтахти

²⁶ Попур — вотур, кема.

²⁷ Бедав халқи — бадавийлар

ларнинг гуноҳи касофатидандир. Ул озғанларни ер ютмаса, юzlари қаро бўлмаса, фақир асло рози эмасдирман. Бас, маълум бўлдики, жайробия деган гаплар илм эрмас, ботилдир. Таснифотимизда ул ботил илмларнинг ҳақиқатини бирин-бирин очиб борсақ, керак.

«Муштум» — 1924 йил, 24-сон.

Алқисса, мадрасадаги беш йиллик умримнинг ҳосили ушбу эрди.

Бидон, асьада коллоҳу фид — дорайн, ки қалимоти араб бар се қисм аст: исм аст, феъл аст, ҳарф аст. Исм ҳамчун «ражул», феъл ҳамчун «зараба», ҳарф ҳамчун «мин», «ан», «ила»...

Зараба — мозий, зад як мард дар замони гузашта... Йазрибу — музореъ, мезанад он мард дар замони оянда...

Аз феъл иштиқоқ бо ин тариқа мебошад: зараба, йазрибу, зорибун, мазрубун, изриб, лийазриб, ло тазриб, лам йазриб ..

Исм бар се қисм аст: сулоси, рубои ва хумоси. Феъл бар ду қисм аст, сулоси ва рубои... Аммо ақсоми исм ва феъл аз ҳафт қисм берун нест, саҳиҳ аст ё музоаф, ё мисол, ё ажваф, ё ноқис, ё лафиф, ё мултави. Саҳиҳ он аст ки...

Ҳарфи иллат бар се қисм аст: алиф, ёй, вов.

Ал-қалимоту лафзун вузиаъ лимаъна муфраден ва ҳийа . ал-эъро-бу маҳталафа охирұху биҳи лийадулла алалмаъони алмуътавирати алейхи. Ваанвоъуҳу рафъун ва наасбун ва жаррун фаррафъу...¹

Аммо илм денгизига шўнғиран эрдим ва яна фақирни қории жамоа² қилган эрдилар. Шериклардан ҳеч бирида фақир бирлан муколама қилишга ҳад йўқ эрди, баҳслашганларни дарҳол авомилдан, наҳвдан³ мисол келтуруб мулзам қилур эрдим. Бурун мулла Салимсоқ Охундинг маҳдумлари бўлуб иззат кўрган бўлсам, эмдилиқдаги кўргуликларим ўз ижтиходимнинг⁴ самаралари эрди деб фикр қиласидирман.

Алқисса, таҳсил ҳафтада уч кун эрди: шанба, якшанба, душанба,

Онглагилки, Оллод сени икки дунеда ҳам баҳтли қислин, араб сўзлари уч қисмга бўлинади: исм, феъл ва ҳарф Исм «ражул» (киши) сўзига ўқшаш, феъл «зараба» (урди) сўзига ўқшаш, ҳарф «мин», «ан», «ила» сўзларига ўқшаш.

«Зараба» — ўттан замон: бир эркак ўттан замонда урди. «Язрибу» — ҳозирги — келаси замон: у эркак келажан замонда уради.

Феъздан сўз ясаш куйидаги тартибда бўлади, зараба (урди), язрибу (уради), зорибуни (урувчи), мазрубун (урулган), изриб (урпин), лийазриб (урма), ламизриб (урмади).

Исм уч қисмга бўлинади: уч ҳарфли, тўрт ҳарфли во беш ҳарфли. Феъл икки қисмга бўлинади: уч ҳарфли ва тўрт ҳарфли Аммо исм ва феълнинг бўлаклари етти қисмдан иборатдир: саҳиҳ (сөвлом, яъни тўтири феъл), музоаф (таркибида икки бир хил ҳарф бўлган феъл), мисол (бошидаги ҳарфи иллатли феъл), ажваф (ўрта ҳарфи иллатли феъл), ноқис (охиридаги ҳарфи иллатли феъл), лафиф (икки карра иллатли феъл), мултави (бошида ёки охирида иллатли феъл).

Саҳиҳ феъл шундайки...

Иллатли ҳарф уттадир: алиф, ёй, вов. Калима бир сўз бўлиб, у бирон-бир маънони ифодаайди, у... Эъроб сўз охирининг шундай ўзгаришики, бу ўзгариши сўзга бериладиган маъноларни кўрсатишга хизмат қиласиди Эъробнинг турлари: рафъ (сўзнинг бош келишидаги кўриниши), наасб (сўзнинг тушум келишидаги кўриниши) ва жарр (сўзнинг каратқич келишидаги кўриниши)...

¹ Қориён жамоа — бир жамоанинг қориси

² Авомил, наҳв — грамматика.

³ Ижтиҳоқ — интилиш, гайрат



аммо сешанба куни ҳар бир жамоанинг ўз олдига гашлари бор эрди. Биз ҳам ўз жамоамиз бирлан гап қилған эрдик. Фақирға падари марҳум бир ҳужрани хослатиб берганлари учун кеча-кундуз мадрасада истиқомат қилур эрдим.

Бизнинг жамоада Мұхаммадкарим отлиқ бир навжувон бўлур эрди. Ўзи бениҳоят хушрой ва закки табъ ўғлон эрди. Фақир ўшал Мұхаммадкарим барнони бисёрга дўст тутар эрдим. Мазкурсиз фақирдин таом ўтмас эрди. Ва яна бошқа пешқадам муллалардан тортуға тоғрошга-ча уни дўст тутар эрдилар. Ҳатто падари марҳум ҳам мазкурга табас-сум қилуб боқар эрдилар ва яна дарсхонада ёлғуз қолған фурсатларида чой қўйдириб ичканларидан воқиф эрдим. Алқисса, Мұхаммадкаримни дўст тутқучиларға қарши бисёрга рашким келур эрди, аммо шуниси ажаб эрдики, ул нозанин аксар вақт фақирдин безонглаб қочар эрди. Фақир бўлсан бу важҳдан бисёрга маълули хотир бўлуб, ҳар турлук чораларни кўрар эрдим. Ва яна ҳар турлук баҳоналар бирлан унинг ёнига яқинлашар, азбаройи шул Мұхаммадкарим барно учун ош дамлаб, уни ўз ҳужрамга таклиф қилғанимда, башарти таклифимни бажо келтурса шоддигимдан дунёға сирмас, агарда келмаса, ош ҳам фақирга заҳар бўлуб, аччиғимдан қозони билан фаррошта тутқазар эрдим ..

Сешанбалик ўлтуришимиznинг бири эрди. Жамоамизнинг барчаси ҳам ҳозир бўлуб дастурхон ер эрдик. Мұхаммадкарим навжувон фақир бирлан амакбаччаси мулла Маъруфнинг орамизда ўлтуриб, аммо амакбаччаси бирлан сұхбатлашур эрди. Фақир бир неча савол берган эрдим илтифот қилмай мулла Маъруфдан юз ўтурмади. Бениҳоят ҳўрланим келиб ўз-ўзимга дедимки, бул қандай инсофким, мулла Маъруф бирлан ҳамҳужра бўлса ва яна кеча-кундуз ул ноинсоф бирлан ҳар турлук ишлар қилуб сұхбат айласа, аммо фақирнинг саволимга жавоб бериш у ён турсун ҳатто юзини ҳам кўрсатмаса... Бағдазон ғазабим аланга олуб баланд овоз бирлан айдимки: «Эмди сўзнинг бақиясини ҳужрада сўзлашурсиз!» деб. Бу сўздан Мұхаммадкарим навжувон дарғазаб бўлуб фақирга қаради:

— Бу ерда сўзлашсак нима-ю, ҳужрада сұхбатлашсак сизга нима рам?

Фақирнинг ғазабим яна аланга олди:

— Шунча ишларни қилуб яна баҳслашгали уялмайсанму?.. — дейм. Мулла Маъруф қўрқоқроқ бир йигит эрди, бинобарин ҳароснок бўлуб қолди, аммо Мұхаммадкарим кўб қизишқан эрди...

— Ман қандай уялғулуқ иш қилдим!?

— Мулла Маъруф бирлан ҳужрада қилғанларингиздан тонасанму?! Мадрасадек бир жойда бул иш жоизму?! Бул қайси мазҳабда бор, сан ҳаромзода ҳали қараб тур!

Бениҳоят ғазабланган эрдим, орага муллабаччалар келиб тушдилар, «қўйинг-қўйинг, шайтонга ҳай беринг, маҳдум!» дейишидилар. Мулла Маъруф бўлса бисёрга бўшашран эрди Бағдазон сирт бериб ўлтурдим.

Эмдилиқда ул навжувон каминага илтижо қылғандек тез-тез боқар эрди ва лекин фәқир димор — фироқ бирлан терсаяр эрдим.

Алқисса, фәқирнинг бул тадбирим бениҳоят жойгир бўлуб бул соатдин бошлаб ул парирў каминага андак ром бўлғаннамо эрди. Бо ин ҳама ул шаккаргүфтторга сўз қотқали агарчандики талабгор эрдим. Илло сир бой бергали нафсим бовар қилмас эрди. Шул аснода орага бир баҳс тушуб «ялин» феъли сулоси мазидму, рубои мужтаррадму⁹ деган муколама бошлануб, ҳар ким ҳар нимарса дер эрди. Ул шаккаргүфттор ҳам баҳста аралашуб айдиким, сулоси мазид, деб. Бул замон фәқир ул нигорга қараб айдимки, — Лонусаллиму. Он сарвқад савол кард ки исбот? Ман дар жавоб ба он гар гуфтам ки дар асл феъли он «яли» аз қисми «лафиғ» аст, аммо бо нуни таъкиди мушаддада «ялиянна» шавад маънаний айни феъл музориъ бо нуни мушаддада ин аст ки — албатта дўст мешавад он мард дар замони оянди. Аз ин тақрири равшан ва бо лутф он нигор ханда кард, аммо ёрон дигар ба ман таслим ва таҳсин кардандир¹⁰.

Ушбу хангамадин сўнг Муҳаммадкарим навжувон фәқирга беандоза лутғу қарамларини чизи дарир тутмас, доим-ул авқот ҳужрамдин кегмас ва беижозат киши бирлан сўзлашмас эрди. Фәқир ошиқи нотавон ҳам ҳамиша ул хўбнинг¹¹ кўнглини олмоққа кўшуш қилур ва анвоъи турлук нозу-неъматлар бирлан зиёфат айлар эрдим.

Алқисса, ул хўб ҳам фәқирга кўнгил борлаб нозу карашмалар бирлан ҳар бир амирларни берар, ошиқ бўлса «етса мол, етмаса жон» деб доимо ҳар бир фидокорликка муҳайё эрдим. Киши сийлағанинг қули, деганларидек ул хўбларнинг сultonи, мулла Маъруф бирлан ҳамқуралик аълоқасини узуб фәқирнинг ҳужрамда истиқомат қила бошладики, бутун мадраса бул маънидин бесаранжом бўлған эрди. Аммо падари бузрукворнинг туфайлиаридин фәқирга бир сўз айткали ҳеч кимда жасорат йўқ эрди. Гоҳи волидадин ва гоҳи падардин чизи маблар ҳосил қилуб, рўзгоримнинг шамъига сарф айлар эрдим ва яна ишқим түрён қилған миёналарда беихтиёр ул хўбонга:

Дорам умеде аз шумо, —

байтини ўкур эрдим. Шул тариқа ошиқ бирлан маъшук дунё ишларидин мосуво¹² бўлуб умргузаронлиқ қилур эрдик...

Алқисса, икки калима сўзни ул фитнаангиз мулла Маъруфдан эши-тингким, ўшал мажлисдан бошлаб фәқирга улуғ кина сақлар эркан, аммо ул таниз фәқирнинг ҳужрага кўчкандан эътиборан ул чаённинг кинаси яна ҳам аланга олған эркан. Ва лекин фәқир содда лавҳ бул

⁹ «Ялин» феъли қўшимча қабул қиласидиган уч ҳарфли ўзакми қабул қиласидиган тўрт ҳарфли ўзакми.

¹⁰ Биз қўшилмаймиз. Ул сарвқад савол қиёдиким, исбот? Мен ул нигорга қараб айдимки, «яли» (дўст бўлади) феълининг ўзаги «лафиғ» феъллар жумласидандир. Аммо тащдидли нун қўшилганда хозирги—келаси замонда «ялияппа» бўлади. Маткур феълининг маъноси ушбуудир—у киши келажакда албатта дўст бўлади. Ушбу равшан шарҳларимдан ва қочириқларимдан сўнг у нигор куиди, аммо бошқа дўстлар менга таслим бўлиб, таҳсин қилдилар.

¹¹ Хўб — гўзал, жоюн

¹² Сиздан умидим бор.

¹³ Мосуво — йироқ, нари бўлиш.

маънидин жиддан¹¹ хабарсиз юрар эрдим. Кунлардан бир кун ул наммом¹² фурсатини топуб падари бузрукворга фақир бирлан ул бегуноҳ ҳаққида бўлмаған бўхтонлар, шаънимизға нолойик тухматлар арз қилубдир. Дарҳол ул зот дарғазаб бўлуб ўzlари фақирнинг хужрамга қадам ранжида қилубдирлар. Бул аснода икки ошиқ айни ширин сұхбатда эрдик. Саросималик бирлан салом бериш у ён турсун, ҳатто ўрнимиздин туришни ҳам ёдимиздан чиқаруб қўйдик.

— Чиқ ҳозир падар лаънат! — дедилар ва бегуноҳга ва яна фақирга юз ўтуруб айдиларким. — Бул нима деган расвониқ?

Каминанинг тилим тағлайимға тортилған, бир сўз дейишкан қудратим қолмаған эрди. Ул жаноб ҳар фақирга қабиҳ бир назар бирлан қараб турар эрдилар. Гўёки итдан қўрқан мушукдек титрар эрдим.

Бузруквор шул аҳволда узоқ қараб турғач, ҳеч бир озор бермай чиқуб кетдилар. (Камина урарларми, деб зиёда қўрқан эрдим).

Алқисса, ул наммом ҳаромзоданинг касофати бирлан сарви равонимдан жудо бўлдим. Яъни шул куни ул хўбларнинг султони мадрасадин қувланған эрди. Камина ошиқи зор қанотимдан айрилуб қолған эрдим. Кечалари зор-зор йиглаб ул инсофсизнинг ҳаққиға дуойи бадлар қилсан ҳам аммо фойдаси йўқ эрди.

«Муштум» — 1924 йил, 25-сон.

Алқисса, падари марҳум фақир фарзанди ноқобилларининг мадрасадаги кирдикоримдан волидаи мушфиқага шаммаи изҳор¹ айлаб, бул маънидин бисёр маълули хотир бўлғанларини баён қилғанларида волида ҳам фақирларидан андак ранжибдирлар. Бағдазон малолатни кўнгилдан чиқариб фарзандларини бул балиятдин² озод айламакликка кўшуш қилуб ул икки меҳрибон билиттифоқ³ фақирнинг бошини икки қилишға қарор берибдирлар.

Ўшал кундан бошлаб ул мушфиқа атроф жавонибга азбаройи совчилик учун юрганларида фақирға мувофиқут-табъ⁴ бир нозанин топилмас эркан Аммо топқанларида ул қадирношунослар фақирнинг баъзи жузъий айбларимни сўзлаб ва яна илми ирфонимдан қатъи назар рад қилур эрканлар. Бағдазон узоқ жойлардағи «этуклик» кишиларнинг қизларидан умид узуб, ўз яқинларимизнинг қизларига борганиларида ул бадкирдорлар ҳам «орзи сассик, кўзи гилай, юзи чўтур, боши қийшиқ» деган жузъий айблар билан жавоб берар эрканлар. Аммо узоқ — бегона одамлар фақирни «куёв кўрар» воситаси билан тамошо қилуб бағдазон айнаган бўлсалар, бул кейинги абллаҳлар фақирни кўруб мулоҳаза қилмасданоқ ўшал хирадсизликни⁵ қилур эрдилар.

¹¹ Жиғдан — қатъий.

¹² Наммом — чақиҷми.

¹³ Шаммаи изҳор — озигина арз.

¹⁴ Балият — бало.

¹⁵ Билиттифоқ — иттифоқлик билан.

¹⁶ Мувофиқут-табъ — табъга мос.

¹⁷ Хирағ — ақл.

Алқисса, бул маңнидин волида бирлан падари мархұм зиёда танглика келиб, узоқ мулоҳаза қылғанларида волиданинг күнгилларига бир андиша тушуб, бул маңнини падарга айтканларида ул жаноб ҳам мувофиқ күрибдирлар. Бағдазон биздан узоқ бұлған бир хонадоннинг ажыб бир париваш нозанин қызининг совчилигіға бориб ва яна қызининг ота-онасига падарнинг ким бұлғанларынни ва каминанинг кимнинг шұсті камаридан бұлғанлығымни ва яна құсни жамолим, ҳадли камолим, илми ирфон ва сұчук сүзларымдан шаммаи баён қылуб, уйжайимизни ва яна лозим құрсалар фақирни ҳам тамошо қылуб келишга таклиф қылубдурлар. Аммо бул таклифдан фақирнинг аслы хабарим йўқ эди. Алқисса, күёв құргали келгучи хотунларға бағдаз зиёфат қўшнимизнинг ўғли бұлған мулла Субҳонқулини фақирнинг авазимда⁶ қўрсатканларида аларга бениҳоят марғуб кўриниб ва яна бир неча кундан сўнг жавоби босавоб берибдирларким, тезроқ туйни бошлайлик ва яна фотиҳа қылғали кишилар юборилсун, деб.

Алқисса, каминанинг пешонам очилуб, токи орадағи бузуқи ҳаромзодалардан қайин ота бўлмишимизға фақирнинг ҳақимда бузуқи сўзлар етмасун ва яна биткан иш йитмасун деб, дарҳол тўйни бошлаб юбориљди, аммо камина ул нозаниннинг тавсифини эшигуб, зиёда хурсанд ва юйибона ошиқи бекарор бўлған эрдим: шул аҳволда тинчлик ва осойишталиқ бирлан тўйлар саранжом топуб, алқисса, никоҳ куни қўш сурнай или мадрасадаги жамиғи муллабаччалар ҳамроҳлиғида қайин отамизнинг уйларига бордик.

Бағдаз никоҳ фақир гўшантага кирган эрдим, ҳавлидаги бир ҳужрада ажаб бир бесаранжомлик юз бериб, бир заифанинг фарёд ва фифон қылғани эшигилиб қолди. Фақирдан тортиб никоҳдаги борча одамлар бул жонсўз⁷ фарёдан зиёда таваҳҳумга⁸ тушкан эрдик. Бул фарёд бирмунча фурсат қулогимға кириб турди. Бағдазон ош тортилиб, андин сўнгра фақирга заррин чопон ва яна жигалиқ салла келди. Кийиб ва яна буродарларнинг дуоларини олуб, қайин отамизнинг уйларидан чиқдик.

Аммо мазкур фарёд-фифон тўғрисида ёр-дўстлардан сўрашиб билдимки, ул бехирад ақли кўзида бўлған қайин отам фақирни никоҳ асносида кўриб, бечора қайин онамни беҳуда ҳақоратлар айлаб ва яна: «Сенинг кўруб ёқтириян күёвинг шу бўлдиму, қизингга эр топилмаганму эрди?» — деб ул мазлумани итдек урган эркан ва фарёд-фифоннинг сабаби ҳам шул эркан.

Бул маңнидан фақир зиёда маҳзун бўлуб ва яна ўз-ўзимға хўрлиғим келиб, муножот⁹ қылуб айдимки: «Эй парвардигоро, фақир, бандай хосингда¹⁰ нима ҳикмат бор? Бул бехирад бандаларингнинг жазоларини ўзинг бергайсан!» деб.

Бағдазон хонамизға келиб баъзи урф-одатлардан сўнг хотунлар

⁶ Авал —

⁷ Жонсўз — жон ўртовчи, аюб берувчи.

⁸ Таваҳҳум — вадима, қўркув.

⁹ Муножот — ёлвориш: ҳудога еланориш

¹⁰ Бандай хос — қула.

хамроҳлиғида ул хўбон ҳам етуб келди. Андин сўнгра янгалар фақирни ул нозаниннинг ёнига ундан эрдилар, камина ҳам бул таклифка ижобат қилдим. Аёлларнинг «тортишмачоқ» деган одати ҳасанаи пур ҳикматлари баъдида ул тўтиқушга камина лочини баланд парвоз човут қилуб, кўтариб бағримга босуб хотунарнинг қий-чувлари ичида ул хўбон билан фақирға хосланған гўшангага олуб кирдим.

Алқисса, ул нозанин юзини фақирға кўрсатмай, бурчакка қисилиб, нима боисдандир зор-зор йиглар эрди. Фақир бул маънидун диалигир бўлуб на яна йигитлик томирим ҳаракатка келиб, бир хезланиш билан ул парирўнинг юзидағи пардани олуб ташладим ва яна кўрдимки, юзи ўн тўрт кунлик ой: қалам қош, қаро кўз ва яна маммаси ҳам чиқмаған ўн икки-ўн уч ёшлиардағи бир нозаниндири. Аммо фақирға етти ёт-бегоналардек адоват бирлан хўмрайиб ва яна девордан бир ёриқ топса ҳузуримдан қочиб кетиш ҳаракатларигача қилур эрди. Ва яна зор-зор йиглар эрди. Янгалари ҳарчаңд насиҳат қилсалар ҳам бовар қилмас эрди

Билдимки, ул нозаниннинг бундай беҳуда ҳаракатлари азбаройи ёшлиқ ва гўдаклигидандир. Чунки фақир завжидан андак бад ҳаракатлик, андак ёмонлик алҳол ўткан эмасдир.

«Муштум» — 1924, 1 (26)-сон.

Аммо бир неча кундан сўнг билдимки, каминага хотун олуб берган эмас эрканлар, билъакс, бир бадбаҳт, бир беидрок гўдакни азбаройи нозанинлигига қизиқуб, нима бўлса ҳам ўғлимишга яар, деб олуб берган эрканлар. Ва лекин тамоми уч рўз ҳамнишинлик баъдида зиёда тангликка келган эрдим. Агарчандики,¹ гўдак эрди илло-худраъй, худбин, одобсиз бир мочаҳар эркан. Аммо никоҳ асносида қайнотамизнинг хотунига айлаган муомаласидаёқ бундай золим, беандиша падарланънатининг фарзандидан хурсанд бўлмоқдин умидимни узиб қўйған эрдим. Дарвоқиъ бул мулоҳаза дуруст чиқди. Ул итбачча бир рўз мутакаммил йиглаб юрди, иккинчи шаб, яъни зафоғ шаби² йигидан тўхтаб каминанинг муомалаи шаръиларимга куч билан мудофаағача иқдом³ қилуб ва яна ожиз келгач, фақирни анвоғи таҳқиромиз сўзлар бирлан тақдир⁴ ва тақбих⁵ аиласи ва яна эшикка қараб қочмоқчи бўлғанида янгаларнинг базур: «Тут-тут! Ушла-ушла!» деб қилған хужумлари баъдида аранг уйга олуб кириб ва яна ялиниб ялпогланғанимдан ҳам бир мурод ҳосил бўлмай, кўб бесаранжомлик ва шармандаликлар юз бериб, волида йиглаб, фақир разабланиб, падар йўлаккача келиб-кешиб, баҳарҳол бул кечани амал-тақал навъи қилуб кечирган эрдим.

Учунчи шаб агарчандики ҳама рўз уйдаги катта-кичиклар ул сак-

¹ Агарчандики — гарчи.

Рўз мутакаммил — кун бўйи.

² Қўшилиш кечаси.

³ Иқдом — журъат.

Тақдир — коралаш, хаифсан.

⁴ Тақбиҳ — ёмонлаш.

баччага панду насиҳатлар баён қылғанларида ҳам яна кечаги бесаран-жомликни бадтарроқ қилди. Ҳатто фақирнинг шаънимга нолойқ, молояньиларни¹ айтса ҳам камина сукут қилуб, ром қилишниңг күшүши-дә² эрдим. Аммо, хинзирибаччанинг асло эпка келишига ақдим бовар қилмай бошлаган эрди. Алқисса, тұртинги күн үйдагилар ул мочахарни бир азайимхон домладин ўқутуг ташламоқ андишасига тушуб, биар адсоватпешанинг сихрига дучор бүлуб, эрига мұхаббатсиз бўлдуму деб забардаст бир домлага ўқутуг «эзиз ички» ва «тутатки» ва «тумор»лар олуб ва яна фақирнинг ўзим истеъмол қилдирғанимда ҳам бир фойда-си кўрилмай, танглигим зиёда ошди.

Бул тадбирларнинг жамъидин ноумид бўлуб, алқисса ёр-дўстлардан маслаҳат сўрағанимда улар ҳам бул маънидан таажжубга тушуб, аларнинг ичидан бириси фақирдан сўрадики «сиздан қўрқадирму» деб. Ман «йўқ» деганимда яна савол қилдик, уруб қўрмадингизму деб. Ман ҳамиша ялинуб гоҳи оғзаки даваралар қилғанимни сўзларанимда ул киши кулди ва айдиким, «хирс мулло мешавад аз зарби чуб»³. Эй маҳзум, бул тариқа лавандлик ва лабдирилик⁴ бирлан хотун ушлаб бўлурму, яқинаи билингизки шул йўсун муомала қиласантиз хотундан ажралуб ва яна оёғ ости бўлурсиз. Башарти ул мочахарни хотун қилмоқ, муддаонгиз бўлса, ўшандоқ бадҳаракатлик қилуб, сизга қўпол сўзлар айткан фурсатда айбини курсатиб шундог урингки, ҳатто тавба қилуб қилмишларидан пуштаймонлигини икрор қилғунча қўйманг, деб. Алқисса, бул маслаҳат каминаға бисёр писанд бўлди. Дарвоқиъ алдолгача ҳар бир чораларни кўрган бўлсан ҳам ва лекин бул тадбири бописандани қилмаған эрдим.

Шул куни уйга келиб анинг ёнига бориб, жўрттага бағри ширин сўзлар бирлан ишқибозликлар оғоз қилғанимда ул баттола қадими тундлигини қўймай тескари қараб эрди, дарҳол фурсатни ғанимат билди, тарсаким илан андоғ урдимки, азбаройи шиддати зарбимдан гарангсиб муккасича йиқилди. Алқисса, «ёмонлигингдан тавба қиласанму йўқму», деб гоҳи оёғим бирлан, гоҳи қўлим бирлан андоғ урмоққа оддимки, дунё бунёд бўлуб хотун боласи эр кишидан мундай калтак еган бўлмаса керак. Ул мачаҳарнинг фарёд-фиғонига ҳавлидаги бала- чақалар югуришиб уйга кириб, ул баттолани чангалимдан қутқариб олмоққа ҳарчанд кўшуш қилсалар ҳам аммо фақир асло куч бермай айни қон чиқмас ерини чоғлаб, мазкур шиддат билан зарб берар эрдим ва яна ул адабсизга ҳар замон: «Тавба қилдингму, сакбачча?» дер эрдим Алқисса, калтакнинг зарби билан тамом ҳолдан кетиб, ҳатто фарёдга ҳам оғзи келмай, ниҳоят ул мочахардин «тавба қилдим» сўзи-ни бир-икки бора ўз қулогим бирлан эшиткач, бағдазон шул кўйи қолдириб кўчага чиқуб кетдим. Бир неча соатдан сўнг қайтиб кирган эрдим, ани ҳушсиз равишда кўрпа-ёстиқ қилуб ётқизилған ҳолда

¹ Молояни — бемяъни нарсалар.

² Кўшуш — ҳаракат

³ Айнқалтак «б» мулла бўлган жан

⁴ Лабдирип — шалвираган, бўлпант.

кўрдим. Аммо оғиз теваракларида андак қон аломатлари ҳам намоён эрди. Ва яна волиданинг юзларидан паришионлик зоҳир эрди. Шул вақт волида маҳзун товуш бирлан айдиларким, «санга хотун олуб бермай ўлай, биравнинг қизини ўлдирдинг, жувонмарг!» Гарчи бул сўздан фәқирга бир оз ваҳима тушкан эрди. илло одамгарчиликни қўлдан бермай, «мундай сакбаччани ўлгани дуруст», дедим.

Билдимки, калтакнинг зарбидан оғзидан бирмунча қон ташлаб ва яна муғомбирлик билан ўзини хушсизликка солуб ётар эркан. Шул миёналарда падар ҳам мадрасадин қайтуб келиб, бул жаҳд ишидан зиёда паришин хотир бўлуб, фәқирдан зиёда ранжиб, «бизларни ерга қаратдинг, бунинг ота-оналарига нима деб жавоб берамиз», деганла-рида камина жавоб бердимки, ўзи муғомбирлик қилуб ётибдир, деб. Аммо падарнинг ташвишлари ортиб ул адабсизнинг пешонасини ушлаб ҳол сўраб эрдилар, кўзини очса ҳам аммо муғомбирлик бирлан жавоб бермаганида падарнинг яна ваҳималари зўрайиб дарҳол ўzlари ҳакимга югуриб кетдилар.

Ҳаким келиб томирини кўриб ва яна турғузиб, ўтқузиб кўкрагини кўтариб ололмагани важхидан «кўкраги бир оз лат ейибдир, кўкка қаратиб тинч ётқузилсун ва тез-тез кепак қиздириб кўксига кўюлсун», деди.

«Муштум» — 1924 йил, 2 (27)-сон.

100

Алқисса, эртаси кун бул хабар анинг отасига етиб, дарҳол ул ҳаромзода беандиша сакчашм¹ бўлғани ҳолда етиб келди. Қизининг бул ахволда ўз жазосини тортиб ётқанини кўруб, беандоза ҳашмгин² ва дарғазаб бўлған эрди. Аммо падар ул келган аснода уйда йўқ эрдилар. Фәқир анга салом бериб эрдим, жавоб бермай тарки суннат қилуб ва яна қизининг ҳолини билиб, фәқирдин дурушт³ овоз бирлан савол қилдики:

— Буни қайси итдан туқдан урди? — деб. Одобни қўлдан бермай дасти алиф лом жавоб бердим:

— Фәқир! — деб. Бул жавобдан анинг ғазаб ва сакчашмлиги ортиб, тевадек бўкириб савол берди:

— Санга нима гуноҳ қилди? — деб.

— Гуноҳини сизга айтишдан шарм қилурман!...

— Қизимни бул ахволга қўйишга санга ким ҳақ берди?

— Шарийат!

— Шарийат?!

Ҳаромзоданинг кўзлари ўтдек ёниб, ўзи қабиҳ суратта кирган эрди. Алқисса жавоб бердим:

— Қизингиз фәқирнинг шаръян ҳасмимдир, бас, ўз ҳасмимни ҳар турлук йўллар бирлан тасарруф қилсан ва яна одоб берсан жоиз-

¹ Сакчашм — итғөъл

² Ҳашмгин — ғазабланган, аччиғланган

³ Дурушт — қўпол, дагал.

дир, — деб. Аммо қаминанинг бул шаръий жавобимдан хили сукутга бориб бағдазон яқинимға келиб савол қылды:

- Шариғатнинг қайси китобида?
- Барча китоби мұтақаддиминде!¹
- Қайси китобида, дейман?
- Ахли илмга құлингизни паҳса қилманг, ноинсоф бўлурсиз...

— Мана ноинсофлик! — деб фажъатан ул коғир фақирнинг юзимга андоғ бир шапалоғи урдикі, қамина гарангсиб қолған эрдим. Алқисса, устимга итдек ҳужум қилуб, яна бир неча зарб берган эрди, уйда қий-чув қўшиб, волида устимизга югуриб келдилар. Бул миёнада ул золим яқинда турған болтаға қараб юргурган эрди, фақир фурсатни ғанимат билиб, «дафъи қазо аз қабли вуқуъ»² сўзига амал айләб, кўча томонға қараб қоғдим. Лекин ул ҳаромзодаи бедин орқамдин тамоми бир суръат билан қувлаб келур эрди... Алқисса, ул золим тарафидин бешак дара-жай шаҳодатта³ етишмокимга ақдим етиб, аранг кўчага чиқдим, бағда-зон бор овозим бирлан: «Дод, мусулмонлар бормусан!» деб бонг уриб ҳамон фирорда⁴ эрдим. Алҳосил, катта кўчага қадар чиқиб орқамға қарадим, ҳайтовур ул ҳаромзода кўринмай, бағдазон нафасимни рост-лаб, худога шкурлар айтиб, оҳиста-оҳиста мадраса сари равона бўлдим.

Алқисса, мадрасага бориб, падарга воқиъани баён қилғанинда ул жаноб ҳам мазкур ҳаромзода ноинсофдин тарсида⁵ бўлуб, алҳол ҳав-лига борғандин бормаганин беҳроқ⁶ деб, кечкача мадрасада бўлдимиз. Бағдазон падар ёнларига бир неча забардаст муллабаччалардан олуб уйга келдик. Келсак, эшик остида волида пиқ-пиқ йирлаб ўлтурибдир-лар. Ҳол-аҳвол сўрағанинг баъдида маълум бўлдиким, ул ҳаромзода фақирни тутолмай ноумид бўлуб ва яна баланд овоз бирлан во-войло-лар айтиб, атрофига бисёр одамларни ийғиб, фақир бирлан падарнинг шаъниларимизда бўлмаған бўхтон ва ифтироларни¹⁰ тўқуб, бағдазон бир ароба келтуруб ва яна қизики қаминанинг ҳасмим, яъни манку-ҳам¹¹ эрди, ани мазкур аробаға ёткузуб, фақир завжидан беижозат ўз уйига олуб кетибдир. Ва лекин қамина бул эўрлиқдин бисёр андишага тушуб қолдум. Падар ҳам бениҳоят паришон бўлған эрдилар. Алқисса, падар бирлан дуру — дароз ўйлашиб бирар чорасини тополмай, нисфи шаб¹² эллибоши бирлан юрган оғасини чақириб келиб, маслаҳат қилуб кўрганимизда уларнинг сўзларидан маълум бўлдиким, иш кўб катта фасодга айланибдир ва яна тезлик бирлан ул ҳаромзодани бул қилған беҳуда ҳаракати юзасидин шаръиятка чақирилмаса, бизларнинг кори-миз ҳаробга айланур эркан. Дарҳол юрган оғаси бирлан падари бузрук-

¹ Китоби мұтақаддимин — қадимги китъблар.

² Бало келишидан олдин уни даф қилиш керак.

³ Даражаси шаҳодат — шахид бўлиш даражаси.

⁴ Фирор — ючиш.

⁵ Тарсида — кўрқом.

⁶ Беҳ — яхши, маъқул.

¹⁰ Ифтиро — бўхтон.

¹¹ Манкуҳа — никоҳли хотин.

¹² Нисфи шаб — ярим кеча.

вор күйи маҳалладаги мулла Шамсидин муфтига маҳзар¹³ ёздирғали кетдилар. Аммо ҳамма шаб барча лозим тадбирларни саранжом айлаб, бағдазон хотиржамълик бирлан ухлаган эрдик.

Алқисса, әртаси күн баңдаz ноништа падар бирлан биргалашиб, қозининг уйларига бориб, мазкур маҳзари Шаръийни ушлаганимиизда эшони қози маҳзарни ўқуб, күб яхши ёзилибдиr, аммо муддаи алай-хингиз¹⁴ кеча аробада қизи бирлан келиб, мазрубанинг¹⁵ жароҳатлари-ни кўрсатиб, сизларнинг устларингиздин ёздриб кеткан эрди, бинобарин сизлар кечга қолубсизлар, деганида бизлар бениҳоят саросималиқ-да қолдик. Падари бузруквор қозидан эндиги тадбирни сўрағанларида ул қози ислом жавоб бердиларким, агарда шаръи шариф ҳукмига сўралманда албатта, сизларга кўб жарималар тушадир, ва лекин сизлар-дек зотларнинг ишларини, албатта, безараp қылғаймиз ва яна бул важ-ҳидан хотиржамъ бўлғайсизлар, деб. Алқисса, қози исломнинг ҳақла-риға дуо қилишиб, ул зотнинг ҳузурларидин чиқар вақтда падари марҳум ёнларидин бирмунча пул чиқариб узатқан эрдилар, эшони қози «ҳожат эмас эрди-ку, хайр, энди сизнингдек кишиларнинг пулини табаррукан оламиз», деб мазкур ҳаққи хизматонани астагина ёнлариға солдилар. Аммо бул маънидин бизларга хотиржамълик юз берган эрди.

Алқисса, орадан бир ҳафта ўткандан сўнг мулоzим фақирни истаб келганида эшони қозининг таълимотларича бирмунча оқча бирлан му-лоzимни «уйда йўқ эркан», деб қайтарған эрдик. Ало ҳозал-қиёс уч-тўрт чақириқларга ҳам шу янглиғ радду бадал¹⁶ воқиъ бўлди. Аммо ул сакбаччанинг ўшал олған зарбидан сихдат тополмай ётқанини эшигуб турар эрдик. Аммо бул маънидин бизларга бисёр ташвиш ортар эрди.

«Муштум» — 1924 йил, 3 (28)-сон.

КАЛВАК МАҲЗУМДАН

Бухоройи Шариф билодида фақирнинг ота қадрдон бир ошнамиз бўлур эрди, ўзи бисёр алломаи замон ва яна содот¹ наслидан эрди. Аммо дарсгўйлик касби бирлан машгул эрди. Ва лекин шул фурсат-ларда ул азизга ҳозирги дорул-ҳукумат² ҳаромзодаларидан кўб заҳ-мат ва аламлар етубдир ва яна миёнада ул бепарҳез ҳаромзодалар ул бечора мулла Аброрхўжа ҳожиул-ҳарамайн буродаримизга беҳад зўрлиқлар қилубдирлар. Фақир бул замонанинг ҳукуматдор бўлған ҳаромзодаларига ҳайрон бўлурманким, бирбегуноҳ одамнинг фарзан-дини закўнчи қилурман, деб ва яна хирсхоналарға зўрлиқ тариқасида ўқушга юбориб кўб бесаранжомлиқлар қилур эрканлар. Ва яна ул ҳаромзодалар фикр қилмас эрканларки, бизнинг бул ислом мамлакат-

¹ Маҳзар — арзнома

² Муддат алайҳи — даъво қилинувчи

¹³ Мазруба — калтакланган аср

¹⁴ Раггу-бадал — борди-келди.

¹⁵ Содот — саййидлар, мўътабар одамлар. (Мұхаммад пайғамбар аводи).

¹⁶ Дорул-ҳукумат — пойтахт-ҳукумат уйи.

ларида закўнчи ўруслар бисёрдир. Бас, бирар закўн айтмак эхтиёжи тушканда ўшал аҳли кафара¹ закўнчиларининг биттасига бир андак маблагини бериб, закўн айтдирилса иш халос, наинки мулла Аброрхўжа ҳожи мударрисдек кишиларнинг фарзандарини зўрлиқ тариқасида Тошканд ва Маасткўф хирсаналарига² жўнатиб ва яна бир мусулмонни андоғ ташвишларга қўишиб. Сони шули, ҳукуматдорликка етишкан амирларнинг таомили боин тариқа бўлмас, аввало фуқародин таноб ва закот тариқасида солиқ олғайлар, сони, мамлакатнинг муҳофазати учун бир лак, икки лак сарбоз сақлагайлар, учланчи, раиятнинг осойишига кўшуш қиласайлар, чахорум, умури диния³ масалан мадраса ва вакъфларни ўз соҳибларига топширгайлар, панжум, намоз, рўза, закот яъни аркони исломнинг⁴ назорати важҳига бир раиси забардастни муҳтасиб⁵ таъйинлагайлар ва яна бул муҳтасибининг ужраси⁶ дорул ҳукуматдин бўлгай: шашшум, улуламир бўлмиш фориғбол айшу ишратда бўлгай, башарти пирликка етишкан бўлса уламолар бирлан сұхбат тутқай. Амирларнинг вазифалари мана ушбулар турур, нучукким, ўтмиш султон-салотин, ҳоқон-ҳавоқин, аъни⁷ Норбўтахон,⁸ Олимхон,⁹ Умархон,¹⁰ Ботирхон,¹¹ Маъдалихон,¹² Шералихон,¹³ Худоёр¹⁴ ва Маллахонларнинг¹⁵ таомиллари ушбу эрди. Аммо фуқароға мундоғ зулмни право кўрмас эрдилар.

Ва лекин ул азиз қадрдонимиз бул зўриқдин бисёр ранж тортуб Бухоройи шарифининг ижроиясига бир ариза бериб, аммо ул белархез¹⁶ ҳукуматдорлар илтифот қилмаганларида мазкур аризанинг нусхасини факирга пўчтавойдин юбориб, мадад сўрабдир. Аризанинг нусхаси ушбу турур (айнан):

¹ Кафара — кофирилар.

² Ҳирсан — фоҳишахона.

³ Умури диния — диний ишлар.

⁴ Аркони ислом — ислом рукнлари — Олмоғга имон келтириш, намоз, рўза, закот, ҳаж.

⁵ Муҳтасиб — шаърий урф-одатлар, маросимларни назорат қиливачи маъсус лавозим.

⁶ Ужра — маош.

⁷ Аъни — яъни.

Норбўтахон — Ҳожибекнинг ўғли, Абдураҳмонибийнинг иевараси 1770—1800 йилларда Қўқон хоти бўлган.

⁸ Олимхон Норбўтахон ўғли (1775—1811) 1798—1811 йилларда Қўқон хоти бўлган, укаси Умархон ўлдиртирган детан тап юради.

⁹ Умархон Норбўтахон ўғли (1785—1822) Олимхоннинг укаси, 1811—1822 йилларда Қўқон хоти бўлган.

¹⁰ Амир Баҳодир Ботирхон — Насруллоҳон (1826—1860 йилларда Бухоро амири) назарига антигувлувчи лақаб.

¹¹ Маъдалихон (Муҳаммадалихон) Умархон ўғли (1806—1842) 1822—1842 йилларда Қўқон хоти бўлган. Насруллоҳон ўлдиртирган.

¹² Шералихон — Норбўтахоннинг акаси, 1842—1845 йилларда Қўқон хоти бўлган, Олимхоннинг ўғли Муродхон ўлдиртириб, ўти ҳам ўн бир кундан сўнг таҳтдан маҳрум бўлган.

¹³ Худоёрхон Шералихон ўғли (1832—1881) 1845—1858; 1862; 1863—1875 йилларда Қўқон хоти бўлган.

¹⁴ Маллахон — Худоёрхоннинг акаси, 1856—1858 йилларда Тошкент ҳокими бўлган, Худоёрхонни таҳтдан қувиб 1858—1861 йилларда Қўқон хоти бўлган. Маллахонни 1861 йили ўз одачи Алимкул бошлиқ ҳиптоқлар ўлдирган.

¹⁵ Белархез — тийиксиз, нопок

«Бухоройи шариф ижроииясира

Ҳазрат Шайх Шамсиддин кулол, раҳматуллоҳи алайҳи авлодлари-дин мулла Аброрхўжа ҳожи мударрис, эшони пир набиралари мулла Асрорхўжа судур¹⁹ ўғли тарафидин камоли сҳтиром ила ҳузурингизга арз шулким, дуогўйни дунё тириклиқда бир ўрлим бордирким, исми Хўжа Муҳаммад Боқий, умри гўё сабаби тамоми ҳаётим ва асосу маишату рўзгорлигим ушбу ўрлимни ҳузуримга бўлурға вобастадир. Биз фақирни касби дехқончиликдур. Ўн саккиз нафар кабиру сағир нонхўрдумиз, ҳаммамизға шул ўрлимни саъии ва кўшуши билан бўлған сабабдур, бозор ва хариду фурӯҳт шул бачани ихтиёрида эрди. Бул ожизи нотавони дуогўй аз аввал дар умури дунёким иштиғол эрдук.²⁰ Ҳозирда мазкур Хўжа Муҳаммад Боқий хонаи дорул-ҳукумат тарафи-дин амр беруб, Тошкандга ўқутмоқ учун юбордилар. Ба сад ажзи²¹ маълум қилдук ва аҳли ҳукуматларға ҳам хўб маълумдур. Бул маъни бутун фақири дуогўйни маъюс этиб, ниҳоят андуҳ ва маҳзунликда қолдим. Алҳамдулилоҳ, жаноби азиз ва муҳтарам саодатпаноҳ гул-шанларини фаҳмида қилуб,²² шукри ба даргоҳи қози-юл ҳожот²³ этиб, умид ила маъруза қилурманки, қодиру боғазл ҳакимдурлар. Амр қил-саларки, қайтариб олиб фақири нотавонни хурсанд қилуб бизға топ-шурсалар топқай нафси ҳақларинда икки живор зоти шарифда²⁴ дуо ҳайриятларин қилурман, илоҳи омлоҳ таоло мақсадот ва муродот до-райн некини²⁵ ҳосил қилсун, омин, ба ҳаққи раббил оламин ал фақир, ал фақир, ал фақир».²⁶

Эй қалам тебраткучи азиз қадрдоним, Бухоройи шарифда мундоғ бепарҳезлар ҳукуматдорликка миниб сизнингдек аҳли илмларга озор берган бўлсалар уларнинг ҳам жазоларини бергучи қаҳҳори зулжалол²⁷ этам бордир. Аммо бизнинг Тошканд шаҳрида ҳам ўшал Бухо-ройи шарифдаги бепарҳез ҳаромзодаларнинг бир тойифаси ҳукумат-дорлик қиладирлар. Ул ҳаромзодалар бундаги сиз ва бизга ўҳашаш аҳли илмларнинг фарзандларимизни зўрлиқ бирлан ҳирсхоналарда закўн ўқутиб, занона²⁸ сочлар қўйдирив ва яна кўтоҳ кийимларга одатланди-риб, фисқу-фассодга ривож берадирлар. Биз аҳли илмлар бўлсақ, улар-га қарши сўз айталмай гўшаларда зор-зор йигълаб манишат қилурмиз. Аммо бундаги фисқу-фасод ашаддий даражага етди, болшавой хотун-лар пайдо бўлуб, кўчаларда эркаклардек бараҳна²⁹ юрийдурлар ва яна

¹⁹ Судур — катта амалдор, вазир, Бухорода энг юқори диний илмий унвон.

²⁰ Аз аввал дар умури дунёким иштиғол эрдук — аввалидан шу иш билан машрул эдик. Ба сад ажзи — бир неча бора.

²¹ Саодатпаноҳ гулшанларини фаҳмида қилуб — Оллоҳнинг марҳаматини тушунган ҳодда.

²² Шукри ба даргоҳи қози-юл-ҳожот — ҳожатларни чиқарувчи (Оллоҳнинг сифати)га шукур қилиб.

²³ Топқай нафси ҳақларинда икки живор ўти шарифда — қилган ердамлари эвазига дуо ва расулга сириниб туриб.

²⁴ Мақсадот ва чуродот форайн некшин қилсун — орзу ниятларини ва ҳар икки дуне яхшиликларини берсин.

²⁵ Ал фақир — қуалингизман.

²⁶ Қадҳори тулжалол — ҳудонинг сифатларидан бири.

²⁷ Зан — аёл, хотин.

²⁸ Бараҳна — яланнор.

ёш қизларни йўлдан оздириб ҳирсоналарга бошлайдирлар, шарму-
ҳаёй йўқ, парҳез³⁰ йўқ, бул ҳодисалар ҳаммаси қиёматнинг аломатиму,
деб бисёр кўрқадирман.

Бо ин ҳама факир ул ҳаромзодалар ила азбаройи муросасозлик
учун «ҳа-па» қилуб, пурс-порслар бирлан навъти тириклик қилурмиз.
Аммо ёзған маърузангизда ул фосиқларга саодати дорайн³¹ талабида
бўлғанлиғингизнинг маъносига дарҳол вақиф бўлуб, муросасозлик та-
риқасида айтилган деб билдим, илло ул бепарҳез ҳукуматдорларга сао-
дати дорайн талабида бўлмоқ куфр бўлур эрди, ҳоказо аҳли куффорга
ва лекин мусулмон фарзандидан чиқған муртадлардан³² жаҳаннам ота-
ши ҳам ҳазар қилур эркан. Аммо маърузангиз бисёр фасих³³ ёзилган
эркан, ўқуб ҳузурлар қилдим. Башарти ул ердан бирар иложининг
имкони бўлмаган бўлса, факир бул жонибда³⁴ чизи ҳаракат қилуб
кўргайман ва яна «Муштум» китобининг мусанифи бирлан ҳам андак
алоқамиз бордир. Бул маънида унинг бирлан ҳам сухбатлашгаймиз.
Аммо маърузангизни бул ердаги ҳукуматдорларга ушлаб юриш бисёр
хавфлик кўринадир, зероки, ул ҳаромзодалар андак сабабини айтиб
дарҳол қамоққа олмоқдин ҳам тоймаслар, баҳарҳол аёлманд одамга
тинчлик ғаниматдир. Оллоҳи таоло сиз қадрдонимизга сабр бериб, ул
золимларнинг жазоларини берсун, омин, ба хурмати Қитмир, Қитмир,
Қитмир.³⁵

Камина домла маъ бужур³⁶ мулакқаб³⁷ ба Калвак маҳдум ибн мулла
Салимсоқ Охунд мударрис марҳум Шоший Нақшбандий.

Бу мақола аслига маҳзум томонидан мулла Аброрхўжа дом-
лага ёзилган бир мактуб эди. «Қалам учি» бериш ваъдаси билан мак-
тубнинг бош томонига бир муқаддима ёэдириб ҳам мулла Аброрхўжа-
нинг маърузасини айнан кўчиртириб олдим ва «Муштум»га юбордим.
Агар мувофиқ кўрсангиз, ўқутучиларнингизга тақдим қилурсиз. Ва яна
маҳфий қолмасунким, домланинг «хотира дафтари»ни бир неча кундан
бери ўйқотиб кўйиб, тополмай юрибман. Топқан кунимдан бошлаб бу-
рунгича ҳоли қудрат кўчириб туарман.

Жулқунбод
«Муштум» — 1924 йил, 6 (26)-сон.

Аммо юрт орасининг кенгashi бирлан ул сакбаччанинг амлок рўзго-
ротини қўшниларникуига таратиб, уйини шипшийдам қилуб қўйған эр-

³⁰ Парҳез — кўрқиши, ҳайикиши.

³¹ Саодати дорайн — ҳар икки дуне саодати, яхшилиги.

³² Муртад — диндан қайттан.

³³ Фасих — равон.

³⁴ Жониб — томон, тараф.

³⁵ Қитмир — ривоятларга кўра, бир гурӯҳ йигитлар золим ҳоким зулмидан дину имонларини
саклаш учун қочиб бир қаҳғга — торга яширинадилар. У йигитларга Қитмир номли ит ҳам
эрғашиб, торғе кириб жанинати бўлған экан. Яхшиликни қабул бўлишида, ёмонликни қайтаришда
үқиладиган дуоларда ана шу садобаларни ёди каторида ушбу итнинг номи ҳам эсланади

³⁶ Маъ бужур — маъ би жавр — жабр кўрган.

³⁷ Мулакқаб — лақабланган.

дик. Зероинки, ул мочаҳарнинг отаси бўлған ҳаромзода Абу жаҳл¹ мингбошидан одам олуб келиб, уйни ҳатлатишдан ҳам тоймас эрди. Ва лекин бул ақл падари бузрукворга бисёр писанд бўлған ва яна юрт оғасини дуойи ҳайр қилған эрдилар.

Алқисса, бизлар бул жиҳатдан саранжомимизни олуб, ишнинг оқибатини кутиб турғанимизда, Абу жаҳл ҳаромзоданинг томонидаги одамлар падарга хабар берибдиларким: «Кудангизнинг авзоъи бузук, сизлар мурофаага ўлгурмай қочқанларингиз важҳидан қудангиз қизининг олған жароҳатининг Ботиршин дўхтурға кўрсатиб ва яна ул дўхтурнинг тазкираси- бирлан ишни акражнайни² сутта бериб, сизларни катта жаримага тортмоқчиидир», — деб.

Аммо бизлар ул ҳаромзоданинг бунчалик гаврлигини билмаган эрдик. Бул хабарни падар эшитканлари замон уйга югуриб келдилар ва ул жацоб бисёр бесаранжом ва беҳаловат бўлуб ва яна ташвишта тушуб, фәқирға итобомиз³ сўзлар билан хитоб қилдиларким: «Сан ҳаромзода фарзанди ноқобилнинг жатингга⁴ қоладирғанға ўхшайман. Кексайган кунларимда манга акражнайни сути нима эрди? Кофирнинг судя пристуфи⁵ бирлан баҳсу жавоб қилиш осонму? Кофир шариъатни билмаса, йўл-йўриққа тушунмаса, закўн китобига қараб риоя-ю андишасиз шартта Сибирга ҳукм қиласа, нима қилур эрдинг? Ва яна бул тақдирда эшиткан одамлар нима дейдирлар. Кимсан, фалончининг ўғли хотунини уруб, Сибирга кетибдир, ҳайф бундай фарзанд ўстирганға, демаслармуму, бул кунингдан кўра ўлганинг яхши эмасму?»

Аммо факир сукутка кетиб жавоб бермас эрдим, падарнинг барча сўзлари ҳақ ва рост эрди Алқисса, обидийда қилуб, падарга жавоб бердимки: «Фарзанди ноқобилнингизнинг ҳақиға нима десангиз оздир, нима қилсалар соҳиби ихтиёр ўзларибдирлар...»

Алқисса, шул кун кечаси эли боши бирлан юрт оғасини чақириб келиб, падар улар бирлан дуру-дароз кенташ қилуб, алҳосил натижада сулуҳ-салоҳ, йўлини кўзлаб, эртаси кунига ул ҳаромзода гаврнинг уйига эли боши бирлан оғаси боратурған бўлуб ва яна азмойиш олиб, ҳалигилик жанжал акражнайнига чиқатурған бўлса битикчилик тарикасида ишни бартараф қилатурған бўлдилар. Эртаси кун улар борғанларида ул ҳарамзоданинг ўшал нопок мақсади ҳақиқат чиқуб ва яна факирнинг ҳақимда анвоъи беҳуда дўқлар айтиб, сұхандарозликлар қилубдир. Дуру-дароз гуфтигўлардан сўнг «отанг яхши, онанг яхши» қилуб ул гаврни бо ин тарика битикчиликка кўндирибдирлар: аввало факир хотунимни талоқ қилғайман, сони ул сакбаччага тегишли рўзгорот, ҳамчинин кийим-бошларни бекам-кўст топширгайман, аммо бун-

¹ Абу жаҳл — асли исми Амр ибн Ҳишам. Мухаммад панѓамбэр с.а.в. даврида яшаб ўтган бойлардан. исломга қарши қатъин курашгани учун шундай ҳақаб олган. Қалъак махзум шунга ухшатяпти.

² Тазкира — маълумотнома маъносида.

³ Окружной — Округ суди

⁴ Итоб — таъна.

⁵ Жат — жатингга қолдим, қасофагинита, емонлигинта, шумлигинға қолдим (Муал.).

⁶ Пристуф — пристав, мажаллий полиция бошлиғи.

га қарши ул ҳаромзода ўзининг даъвосидан кечар ҳам маҳрни талаб қилас.

Бул маънига падари бузруквор дарҳол ризолиқ бериб, бириси куни қозихонаға тушиб талоқ хатисини бердим ва яна бир аробага молларини юклаб жўнатдим. Бул аснода волида фифон кўтариб каминани маъюсият босқан эрди.

Хулласи калом, бул биринчи уйланишим анвоъи ташвиш ва тўплон бирлан баайни тушдагидек бўлуб ўтди, икки миёнада етти юз сўлкавой Микалаи оқчаси дод деб кетди, фақирнинг оғзим ошқа етмасдан, бошим тошқа тегди. Онадан турма бева бўлуб қолдим, баҳарҳол ишимиз безараар эрди.

Алқисса, кўрпа-ёстиқни кўтариб мадрасага йўртдим, қайта бошдан эски хужрамни ясатиб мадрасада истиқомат қила бошладим. Бу миёналарда «Шамсия»нинг⁷ мантиқ баҳсига қаттиғ берилган эрдим ва яна «Мухтасарул-виқоя»ни тамомлаб «Шарҳул-виқоя» бошладим. Фақирнинг машғулотим фақат шулардан иборат бўлмай, бўш вақтларимда кофияхон болаларнинг бир нечасига мукаррирлик⁸ ҳам қилур эрдим. Бевалигим унча сезилмас эрди, падарнинг тазъийиқотлари бурунгидан кўб юмшаган, илгаригидек ҳар бир молояни гапка ишона бермас эрдилар. Аммо иккинчи тарафдан волидаи мухтарама тинч фақирни уйлантириш қасдида эрдилар Башарти қиз топилмаған тақдирда эри ўлган ва ё эридан чиқсан мусулмони қобил жувон бўлса ҳам майли, деб камина ризолиқ билдирган эрдим.

Аммо тақдирнин тақозоси бирлан икки йил чамаси фурсат бева юрдим ва лекин юқорида мазкур бўлғанидек кўб умрим мадрасада ўтиб, бинобарии бевалик унча билинмади. Алқисса, тақдир соати сўқиб, фақир учун теглиқ бир жойға унашилди, ўзи эри бирлан муроса қилолмай ажралишқан эркан.

Куда бирлан бўлған тўй шарт-шароитлар осонлиқ ила битиб, тўй кунлари ҳам белгуланганида бирдан падар бетобланиб қолдилар, мазнинг ибтидосига бизларнинг бепарволик қишлоғи, кўрпа-ёстиқ қишлоғининг бешинчи кунида ул жаноб ниҳоятда бетоқатликка тушиб, алқисса камина ҳакимга югурдим. Ҳакимнинг муоянаси⁹ баъдида маълум бўлдиким, падар зотилжон¹⁰ бўлған эрканлар, дарҳол ҳаким енгини шимариб қон олиш ҳаракатига тушди. Ва лекин во афсуски вақт ўткан эркан, падарнинг томирлари бир томчи қон бермай бениҳоят андуҳимиз ортиб, алқисса, ҳаким таваккулга¹¹ буюриб жўнади. Вақт битиб қазо еткан эркан, ул жаноб алломаи замон, обрўйи мадорисон, пешвойи мусулмонон, шул кун кечаси бу дунёйи фонийга видоъ қилуб, ул дунёйи боқийға риҳлат этдилар.¹²

«Муштум» — 1924 йил, 8-сон.

⁷ «Шамсия» — арабча дарслик,

⁸ Мукаррир — асистент.

⁹ Муояна — текшириб кўриш.

¹⁰ Зотилжон — зотулжонб, ўтқанини шамоллаши.

¹¹ Таваккул — Оллоҳнинг иродасига топширмоқ.

¹² Риҳлат — кўчиш; вафот этиш, қазо қиласи.

Падари жаннатмакон вафотлари билан неча юзлаб толиби илмларни дарёйи файз осорларидан маҳрум қилдилар, ҳар бир эшиткан кимарса: «Во дариф, шундай қутби замондин¹ айрилибмиз», — деб фарёд чекар эрди, бул хабар мадрасага етиши бирлан ундаги жамиъи катта-кичиклар бел боғлашиб югуришиб келдилар ва яна кечаси бирлан такфин, тажхиз² чораларини кўриб, ўз киссаларидан тўн ва йиртишлар³ муҳайё қилдилар. Жаноза учун шаҳардаги барча мадрасаларга хабар берилган эрди. Алқисса, уламо, фузало, ағниё, шоҳу ва гадолардан жамоати азим йигилди, ҳар кимга ўз қадру қийматига қараб тўн ва йиртиш эҳсон қилинди, жанозани ҳазрати қози домла ўқудилар ва томомий иззат-ҳурмат бирлан ул жанобни дағн қилинди, бағдаз дағн ҳалойик анбарни⁴ бурда-бурда қилуб талаб кетдилар, азбаройи табар-рук деб.

Фақир бузрукворнинг барча расм, тағзияларини тамом обрў бирлан адо қилишга бел боғлаған эрдим, масалан, етти, йигирма, ҳатми, қирқ ва ҳоказоларни ул жанобнинг ўз мартабаларига қараб бажо келтирилди. Илло, тўйга аталған оқчалар тағзия бирлан саранжом топиб, шул сабабдин тўй тўхталиб қолған эрди. Фақир бўлсам падар бул дунёдин нима олиб кетдилар, деб инъом-эҳсондин чизи ақча дариф тутмаган эрдим.

Алқисса, мадрасанинг бош мударрислигига, яъни бузрукворнинг мақомларига домла Солиҳ маҳзум таъйинланиб фақир шул жанобдан дарсимни давом қилдирдим. Илло, етимлик асар қила бошлиған эрди. Зероки, уй-рўзгороти каминанинг зиммамга тушиб, аммо фақир даромадим маълум эрди, яъни вақфдин бошқа тўрт пул йўқ. Бул вақф ҳам аъло бирлан бир йилга олтмиш беш сўм эрди. Иккинчи тарафда тўрт ойдан берли бечоралар каминанинг фурсатимни кутиб ва лекин оқча важҳидан ҳайрон эрдим.

Алқисса, тўй тўғрисида волида бирлан маслаҳатлашиб ниҳоят, боғдин бир танобини сотишига қарор бердик.

Бағдазон тўй жўнашди, эсон-омон тўйни ўтказдик, аммо бул иккинчи хотундан ниҳоят хурсанд бўлдим, агарчандики, сайiba⁵ эрди, илло эр кўрган мўъмин-мусулмон эр ҳурматини бажо келтиргучи оқила ва болига бир покдоман эрди

Эндилиқда хотун важҳидан хурсандчилик бўлди, магар рўзгор важҳида сиқилдим. Падарнинг тириклари фақирнинг давлатим эркан, тоинки, маҳалла имоматига ўтуб олгунимча кўб аборчилларни кўрдим, таҳсилдин ҳам футур кетди, яъни бирмунча дуохонлиғ ҳамда бағзи

Кутби замон — давранинг улури, ягонаси
Такфин, тажхиз — кағанлаш ва жихотлаш.

¹ Тўн ва йиртиш — марҳумнинг яқинлари жаноза куни доли қудрат турли матолардан, янги қудали бўлган бўлса, қудаси тўнсарташлар олиб келиб, мардум сартахтага олингандан сўнг тўнсарташлар уй эгаларига берилади, матолар йиртилиб яқинлар орасида тарқатилади. Иримида гўе мато йиртилганда марҳумнинг жони — оиласдан узичади

² Анбар — тибут устига ёниладиган чойшаб.

³ Сайiba — бевә.

йигит-яланларга иссиқ-совиқ қылуб беришлар бирлан овора бўлуб қолдим. Агарчандики, шаҳарда катта азайимхонлар кўб, фақирдек янги рўзгорларнинг қадр-қиймати йўқ эрди, илло «кул ўлмас, ризқи камимас» деганларидек, ушбу баҳона бирлан навъи тириклик ўтиб гурди. Маҳалла имоматига таъйинланғанимдан сўнг ишлар бир андак ўнгланғандек бўлди, ўзим ҳам дуохонликни кутиб ўлтурмай мадрасага бориб, дарсимга кирищдим. Падарнинг вафотларидан сўнг учуланчи йил таҳсилда «Ақоид»ни⁶ тамомлаб таҳзид⁷ қилдим.

Худойи таоло уйланганимнинг учунчи йили бир ўгул ато қилған эрди. Садҳайфки, пешонага симай бир ёшига етиб, айни суйгунчи бўлғанида қизамиқ деган касал бирлан қазо қилди. Бешинчи йили яна бир қиз ато айлаб, аммо бул ҳам ёшлай дунёдин ўтуб, бул миёнада волида ҳам дорул-фанодин дорул-бақога риҳлат қилдилар. Қўлдан келганча иззатларини бажо келтируб кўмдим. Учунчи фарзанд Ўлмасбиби, агарчандики, ожиза эрди, илло умри бирлан берган эркан, ўткан йили ўн олти ёшида домла Сайдхўжа Охундининг набираларига тў-ю, тамошо бирлан узатдим. Фақирнинг кўзимнинг оқу-қораси бўлған фарзандим фақат шул ожизадир. Алҳол кампир ҳам қариб қолди, ўзим ҳам кексайдим, лекин кўнгил қаримас эркан. Эбини топсам бирарта ёшроқ хотунга уйланиш хаёлим ҳам йўқ эрмас, лоақал қариган кунларимда бирарта ўғлим бўлар эрди-ку, деб ўйлайман. Бу тўғриға кампир ҳам рози: «Ўзингиз топиб, ўзингиз уйлансангиз манга нима, боқишни ҳам ўйлаб қўйинг!» — дейдир.

Бул ўйлаганларнинг барчаси ҳам осонлиқ бирлан вужудга чиқар эрдими, магар болишиб деган ҳаромзодаларнинг касофати бирлан биз уламолар мадрасалардин ҳайдаламиз, бизлар учун мадраса эшиклари беркилди. Аҳли илмнинг ҳаққи шаръийси бўлған вақфлар бепарҳез жадидларнинг кўлиға ўтуб, бизнингдек уламо-аҳли илмлар кўча-кўйларда сарсон бўлуб қолдик. Бул бепарҳез жадид ҳаромзодалар мадрасаларнинг ўзи бирлан қаноат қилмай ҳатто тумшукларини маҳаллакўйнинг қозонига ҳам тиқа бошлидилар Маҳаллалардин ҳам жадидлар чиқди. Жумладан, фақир маҳалладаги бир неча янги бобий, жадид палидларга ёқмай, алар фақирнинг мақомимга янги жадид имом таъйинлаб, аввало мадрасадан қувланған бир аҳли илмни охирда имоматдан ҳам маҳрум қилдилар. Оллоҳ-таоло илмни жазоларини берсун. Ҳозирги касбим фақат дуохонлик бўлуб қолди. Аммо дуохонлик орқасидан кун кўриш бисёр қийин. Зероки, дуохонлиқдағи шуҳратим ҳалойиқа унча ошкора эрмасдир. Шул кеча-кундузларда уйга кириб, эшикка чиқишидан ўзга гап йўқ. Худо кампирнинг ҳайрини берсунки, чархи бирлан жонға оро кириб турибдир Йўқса, бир аҳли илм сойиллик⁸ қилур эрдиму?! Назанбиллоҳ!

⁶ «Ақоид» — Оллоҳнинг мавжудлигиндан, бирлигидан хабар берувчи илм.

⁷ Таҳзид илиш — покланиш, «Ақоид» илмини эталлаган киши Оллоҳ, таолога имон келтириб, унинг қудрати ва ҳикматини тафаккур қиласди, ҳар бир ишни унинг иктиерига ҳавола қиласди. Исломга жилоф иллатлардан, ҳуроғотлардан ҳоли бўлди, яъни ружан ва маънан покланади.

⁸ Сойиллик — тиланчи, гадой.



Махзум домланинг хотира дафтарининг биринчи қисми шу ерга тамом бўлди. Хотира дафтарининг биринчидан сўнг киратурган қисми «Муштум»нинг 16—17 ҳам 18-нчи соннарида намуна тариқасига ёзилиб ўтилган эди. Домланинг эндири хотиралари, агарда худо домланинг ажалларига омон берса, ҳамда «Муштум» ўқуғучилариға малол келган бўлмаса, ўшал шигариги тариқа езилиб боршур. Биринчи қисмни асл нусхасига мувофиқлаб кўтириб битирдим.

Жулқунбой,
«Муштум» — 1924 йил, 9-сон.

КАЛВАК МАҲЗУМДАН ХАТ

Тошпўлод тажанг номли ҳарамзоданинг куфри баёнида

(Бир оз кечикиб босилди)

Эй мўъмин буродарлар, ривоятда келтурубурларким, охир замон яқин бўлса, фосиқ ва фожир¹ одамлар китоб таълиф² қилуб ва ул китобларда фисқу-фужудин³ дам уриб аҳди имонлардин шикоят ва забондарозлиқ қилғайлар, деб Алқисса, бул замони беамон дунёйи фонийининг охири эрмасмуким, жадиди мактабнинг тўққуз ёшлиқ бир шогирди шеър иншод⁴ қилуб ва фасоҳати шайтони⁵ билан ағниё⁶ ва уламони саббу шатама⁷ айлаб юрар эмиш ва ҳукуматдор бўлған ашрофлар⁸ бул бемарни гапларни ўз газнитларида чоп қилуб, ул саодати манхусада⁹ дунёға келган ҳаромзодаи жаҳаннами гўдакга ҳой-ҳуй демас эрканлар. Аммо ул гўдагиким, тўққуз ёшда шеър иншод айлаб, ағниёни ҳақорат қилубдир, албатта тавба қиласа аз жиҳати сағрлиги мақбул бўлғай¹⁰ ва лекин Тошпўлод рўинатанким¹¹ тунов кун газнитда бирмунча фисқу-фасод сўзлардин ёзиб ва кўб бегуноҳдарга забондарозлиқ билан ҳақорат айтиб аз жумла уламодин фақирни ҳам ҳақорат қилған эрканким, дарҳол камина бир маҳзар ёзиб, ул пешвойи шаризъат қозию ислом ҳузурларига таклиф қилдим. Албатта мурофаа¹² асносида жавобини берса керакдир, ул бепадар!

Ва лекин ул Тошпўлод ҳаромзода тўғрисида бирмунча ривоят қўриб, ул рўинатаннинг ўз феъли атворидин ва яна ўз иқроридин мағно чиқариб мутолаъя юритқан эрдик, наузанбилоҳ, куфрида¹³ шубҳамиз

Фосиқ ва фожир — ёмон ишларни қилювчи ва елончи.

Таълиф — езмок, битмоқ.

¹ Фисқу-фужур — фосиқлик ва ахлоқсизлик.

² Иншод — шеър битиш.

³ Фасодати шайдон — шайтони гаплар.

⁴ Алие — бойлар.

⁵ Саббу шатама — сўкмок.

⁶ Ашроф — эътиборли, олий одамлар.

⁷ Саодати манхуса — наҳс бостаг бахти замон.

Шоир Чўлпон тўқдиг ёшида уламоларни ва андижонлик Миркочилбойнинг золим ва тиқиалигини танқид қилиб газетага шеър ёзган экан Муаллиф шунга шама қиласиги.

⁸ Рўинатан — тажанг, ўжар.

¹² Мурофаа — суд чамлиси.

¹¹ Куфр — коғир, динсиз.



қолмади. Андоғким, бир кимарса уммул хабоис¹⁴ ичса, хуни ба тайри ҳақ¹⁵ қилса, киши молини ўғурласа, ууламирга, яъни ҳукуматдорларга дурушт сўзлар айтса, бир мўъминнинг пўшида¹⁶ сирини ошкор айласа ва яна фақирликка сабр қилмаса ва энг ашаддайси уламони алфози қабиҳ¹⁷ бирлан ёдласа ва яна саллани ва тасбиҳни таҳиф¹⁸ қилса бешакку шубҳа коғир бўлғай. Шул мағнига «Раддул-мухтор»¹⁹ ва «Оламгири фатова»²⁰ларида «мансабул-уламоа фақад кафара²¹» мазмунидаги наклар бор, наузанбиллоҳ. Бас, ўшал Тошпўлод ҳаромзоданинг куфри сарих²² маълум бўлди. Сони шулким, ул газнитда мирзалик қилуб ва яна маданият тараққий бўлуб ўлтурған муаллиф буродарларга одамизданинг ақли ажаб ҳайрон қолурким, ул подшоҳи амир ва навоҳиларни²³ ёзиг интишор⁴ қиласурған газнитда Тошпўлоддек ҳардаҳаннинг²⁴ қабиҳ, сўзини чоп қилуб ва бир неча бегуноҳларни ҳалойиқ наздида рӯи бар замин²⁵ қилурлар. Ба чи маъни?²⁷ Ва ёқим сўз тополмай қолдиларму. Башарти сўз камлик қилған бўлса, ўшандоғ алфози қабиҳа ўрнига эски газнитчилардек пошшолиқдин амалдорларга берилган медаллардин ёзиг турсалар бўлмасму.²⁸ Аввало ул ҳаромзоданинг сўзида бир маъни борму, фасоҳат борму, балоғат борму ва яна вазгу ва насиҳатдин амри маъруф,²⁹ нахӣ анлумункардин³⁰ чизи ажэ³¹ мумкинму, ҳоказо. Бул жиҳатларни ул газнитнавислар хўб мулоҳаза қиласалар керак эрди.

Ул ҳаромзода забондарозлиқ қилғанлардин мулла Ҳокимийким,³² алжол шаҳри Шошнинг ашроф ва акобирларининг олди ҳисобланур, синни соли³³ шул жойга етиб бирар кишидин ит эмгани ҳусусида эшиткан эмасдирман. Ўзи бўлса кўб йиллардан буён ҳукуматда барқарор туриб ширин сўзлик ва сучук забонлиқ бирлан арниёларга алоқа ҳосил қилуб ва яна аларнинг ионалари³⁴ бирлан ажаб бир тахсин

¹⁴ Уммул хабоис — ичкилик.

Хуни ба тайри ҳақ — ноҳақ, қон тўкиши.

¹⁵ Пўшида — яширип.

¹⁶ Алфози қабиҳа — емон сўзлар.

¹⁷ Таҳиф — узунлигини озайтирмоқ, донасиши камайтирмоқ.

¹⁸ «Раддул-мухтор» — фикрҳо китоби, муаллифи Муҳаммадамин Ашшакир ибн Обиддин, хижрий 1306 йилда Афғонистоннинг Майчаша шаҳрида ёзилган.

¹⁹ «Оламгири фатова» — XVI асрнинг иккинчи ярчиди Бобурийлардан Аврангзеб Оламгирининг буйрути билан ёзилган фикрҳо китоби.

²⁰ «Кимки уламоларни ҳақорат қилса, албатта коғир бўлади».

²¹ Сарид — очик, ошкора.

²² Навоҳи — теварак-атроф.

²³ Интишор — ёйилиш, тарқалиш.

²⁴ Ҳардаҳан — оғзи емон.

²⁵ Рӯи борзамин — ер билан баробар; юзини ерга қаратмоқ.

²⁶ Ба чи маъни — нима маънода?

²⁷ Чор ҳукумати ўзига содик маҷаллий амалдорларга чедаллар тақиб, мукофотлар бериб, раҳматлар айтиб «Туркистон вилояти газети»да эълон қилиб турган. Каъвак маҷзум шунга шама қияляпти.

Амри маъруф — яхши ишларга буюриш.

²⁸ Нахӣ анлумункар — ёмон ишлардан қайтариш.

²⁹ Чизи ажэ — бироз ожизлик.

Бу кишидан Тошпўлат ҳам татьна қилиб ўттан эди.

³⁰ Синни соли — ёш, умр.

³¹ Иона — ёрдам, кўмак.

ўқурулғиқ иморатлар бино қиодиким, ақллар ҳайрондир. Аммо ҳукуматда йигирма ширвон³⁵ ўттуз ширвон вазифадор бўлганлар алҳолгача бир сари паноҳга молик бўломай ҳар кимнинг ҳавлисида ижарабардор юрибдирлар. Бу ҳама тадбирсизлик касофатидир, ўзларидан кўрсинглар Мулла Ҳокимнинг алҳол алоҳида тижорати ҳам бор ва яна ганжи ағниёлардин шериклари ҳам мавжуд. Туркийда келтурибдирларким:

«Кўнса давлатнинг куши бир бедавонинг бошига,
Кўргали келгай Сулаймон³⁶ ул гадонинг қошига».

Аммо ул Тошпўлод ҳаромзоданинг ёнида тўққуз пули бўлмаса ўзининг қилимишидан кўрсин. Ва яна Мирзаҳошим номлиг тўртта гўдаги бирлан хотунини талоқ қилған бўлса ҳеч боки йўқ. Шаръян жоиз ва яна закўнга ҳам сирадур, деб масмуъим бўлди.³⁷ Башарти ул тўртта гўдакка тараҳхум назари бирлан қаралса, шаръийси шулким, қиз онаға, ўгул отага бўлур. Ва яна қизларға нафақа бериб турилур, халос. Агарчандики, факир ул бенадар айтканидек, кўб тангдирман, илло кимарсага шикоят қилишдин ор қилурман ва яна алҳолғача рўзгордин чизи фуруш³⁸ қилғаним маълум эрмас, ҳоказо. Имоматдин ва яна мадраса вазифасидин маъзуул³⁹ бўлган бўлсан яхшиларнинг назаридин маъзуул бўлған эмасдирман. Тўй, маърака, жаноза, зиёфат ало ҳозалқиёс, башарти Тошпўлода чизи диёнат бўлса ва яна киши ҳаққидин хавф қилса уч йиллик имомат муздумни⁴⁰ берсун, илло қарғарман, деб Калвак махзум ёзиб қўйдим қурбон ойида.

Идорадан: *Сиз айткандек, Тошпўлаг тажангнинг сўзи кўб бемаъни эрди, бо ин ҳама⁴¹ ўзи ҳозирги ҳукуматнинг низомидаги ялан оёқ бўлған важҳидин сузини газетамиэда босқан эрдик. Агар сўз берса яна босармиз. Зоро замона зўрники, томоша кўрникисидир. Ўзлари ҳам андак пайқасалар керак.*

Чичора,
«Қизил Ўзбекистон» — 1925 йил, 7 июл.

ОДАМИЗОДНИНГ АҚЛИ ЕТМАИДИР

(Калвак махзумдан хат)

Ушбу фитна замонасида кўб гаплар борки, одамизоднинг ақли бовар қилмайдир. Фақир форијбол фурсатларимда жиян келтурган газнитлардин андак-андак мутолаа қилуб, бадғазон ул газнитда битилган норасо сўзлардин таажжубга қолурман. Ул ақли кўтоқ ва яна саводи норасо ҳаромзодаларнинг битиб чиқарган сўзларидин чизи истиъфода

Ширвон — червон пул.

Сулаймон — ер юзидағи инсонларнинг ва инсу-жинъларнини ҳукмдори.

Масмуъим бўлди — ўшиптаним бор.

Фуруш — сотиш.

Маъзуул — озод бекор.

Музд — дигизмат дақи

Бо ин — шу билан бирга



одамизөд фарзандига күб душвордир.¹ Алқисса, камина тунови күн азбаройи фориғболлиқдин дилгир бўлуб мулла Ҳомид кафшдўзниңт дўконига чиқиб эрдим. Кўзим бир қитъя йиртиқ коғазга тушиб ва ул коғазда «Қишлоққа юзингни ўтири», деб нўғойи босма бирлан битилган бемаъни гапдин билдимки, ҳаромзодаларнинг чоп қилған газнитлари-дин эрур. «Қишлоққа юзингни ўтири!» — ба чи маъни? Кўб ҳайрон бўлдим. Бирар қишлоқдин аҳли каромат² чиқдиму? Ва яна аҳли диё-натларга³ рўи ба қишлоқ фарз бўлдиму! Аммо хотирга бир хавфи тушкан эрди, — ул ақли норасо, бобий ҳаромзодалар қишлоқдин бир ўрунни муқаддас билиб ва яна намозни шул тарафка ният қиласидирган бўлдиларму, деб ва лекин ул палид табиъатларнинг ибодатка сустлиги важҳидин яна кўнгиага ғайри гаплар келур эрди. Боз шулки, қишлоққа чодир хаёл⁴ келдиму ёинки қишлоқдин масхарабоз чиқдиму, бо ин ҳама шаҳардаги олий иморатлар, анвоъи илму-ҳикмат ва яна айшу-ишратларга қаноат ҳосил қиласидин бул абллаҳдар босмачихона⁵ ва боз айронхўр,⁶ яни оғилнишин,⁷ дарҳақиқат сарупо баражна,⁸ мунқариз андоз⁹ қишлоқ ҳалойиқидин парҳез қилмайдирларму, деб. Магар бир воқиъя боз кўнгила хуттур¹⁰ қилур эрди, андорки, факир даҳанаки дўстлик¹¹ изҳор қилуб юрган бир афанди бор эрди, ўзи ҳажга борма-ған бўлса ҳам азбаройи мактабдорлиги важҳидин «афанди» бўлған эрди. Алқисса, ўшал афанди бир неча замон қишлоқда мактабдорлик қилуб тез фурсатда шаҳардаги чодир хаёл, масхарабозхона¹² ва яна илму ҳикматларни соғиниб, алҳол шаҳардаги бир эмлибоши камисар-нинг отбокарлик хизматига кирганини факирга изҳор қиласидин эрди.

Алқисса, кафшдўз мулла Ҳомид бирлан ҳарчанд ақллашиб мазкур норасо сўзниң мазмунига бисёр танглик воқиъ бўлди. Фараз¹³ бул мактубдин шулки, «Муштум» мусаннифи бизларни бул ақли кўтоҳлар-нинг фикридин огоҳ қиласалар, деб ёзилди.

«Муштум»: Домланинг ақлари бовар қилмағанидек, бу масала ус-тида бизнинг ҳам бошимиз қотди. Келаси сонга бирарта эси бутун чиқиб бу тўғрида жавоб ёэса сўйинчисига домланинг саллаларидан бир куличини ўиртдириб берар эдик.

«Муштум» — 1925 йил, 16-сон.

¹ Душвор — мушкүр, қийин.

² Аҳли каромат — башоратчи.

³ Аҳли гиенат — инсоф ва адолат пешалари.

⁴ Чодир хаёл — кино (муал.).

⁵ Босмачихона — тўпланиб маслаҳатлашадиган жой.

⁶ Айронхўр — ароқхўр.

⁷ Оғилнишин — ҳайвонсифат яшаш.

⁸ Сарупо баражна — боцдан оеқ ялангоч.

⁹ Мунқариз андоз — инқирозга юз тутгани; бечораҳол.

¹⁰ Хуттур — хотирга келиш, ўтиш.

¹¹ Даҳанаки фўстлик — оғидагина, номига дўстлик.

¹² Масхарабозхона — театр (муал.).

¹³ Faraz — мақсад.

«ҚИШЛОҚҚА ЮЗИНГНИ ЎГИР!» БАЧИМАЬНИ?

(Калвак маҳзум поччамизга)

Азизул-вужуд¹, касирус-сужуд², олиюл-қадр маҳдум поччамга чунон равшан ва мубархан³ ўлгайким, зоти олийингизнинг ўн олтиланчи адад «Муштум» китобида: «Қишлоққа юзингни ўтири!» ба чи маъни?» деб улуғ бир иштибоҳлик⁴ саволингиз чоп бўлиб, Мовароуннақринг умумуламо ва фузалолари миёналарида ҳаддан зиёда қилу қолларға⁵ сабаб бўлди. Камина ҳам мазкур соҳибул-амомалар зумрасидан⁶ бўлғанимдан манга ҳам иштибоҳи куалли⁷ воқиъ бўлиб, дуру-дароз мулоҳазаларга боис бўлди. Шул манвол⁸ узра бир неча кунлар хаёл дарёсига гарқ бўлиб юрган эдимки, баногоҳ жадиди лоюфлихунлардан⁹ бир нафари бу оир мушкилимни осон қилди. Ул жадид ҳам бундан саккиз йил мукаддам ўз аҳдимиздан, яъни соҳиби амомалардан бўлса ҳам, «бадўстон муруват, бодушманон мадоро»¹⁰ деб айтилган мазмунлик суханға амал қилған бўлса керак, эгнига жомаъи кўтоҳ ва оёғига патинка пўшида айлаб бобий ҳаромзодалар миёнасиға ихтилот¹¹ қилиб кеткан эрди. Жашобингиз ҳам мағҳум¹² ва мазмунинг қосирлиқ¹³ қилған «Қишлоққа юзингни ўтири!» деган мушкил масалани ул маҳмадона шул тариқа ҳал қилди:

«Қишлоққа юзингни ўтири!, яъни: Эй болшавойлар дафтариға ёзилран хураду-калон¹⁴ амалдорлар ва гайри камсомонлар! Большавой ҳукумати оқ подишаҳни мақомидан азл қилуб, ўзи таҳтия жулус¹⁵ қилғанинг батъдида, жамъи шаҳар ва билодларни¹⁶ ободон қилишга ҳадлан зиёда кўшуш қилдингиз; беадад жадид мактаблар очуб, уларга саводи бурро муаллимлар қўйдингиз, жамиъи фуқаро ўгул-қизларини ўшал аъло ва авсат мактабларга доҳил¹⁷ қилдингиз ва уларни осмонға муаллақ қилуб, яъни сакраб-сакраб ўйнамоққа моҳир айладингиз, кўча ва маҳаллаларнинг баланд-пастлик ва чақир-чуқур ерларини ва ҳам кўпрукларини бир зарра қолдирмасдан тузатиб ислоҳ қилдингиз; олий томошахоналар ва тўратўр (театр)ларни ҳеч бир нуқсонотсиз тамомига еткиздингиз; етим-есир, сару-по бараҳналарга либос ва таом бериб

Азизул-вужуд — мўътабар.

Касирус-сужуд — сернамоз.

Мубархан — аник, белгили.

Иштибоҳ — шубҳа, като.

Қилу-қол — чиш-чиш.

Соҳибул амома тұмраси — (айнан: саллалилар сираси) зиенеллар сираси.

Иштибоҳи куалли — тўйлик шубҳа, като.

¹ Манвол — тарз, тариқа, йўсии.

Жадиди лоюфлихун — омадсиз жадид.

«Ба дўстон муруват, бо душманон мадоро» — дўстларга муруват душманлар билан муроса.

² Ихтилот — аралаш.

Мағҳум — фахманинг, тушунилган

Қосир — ожиз.

Хурду калон — катта-кичик.

Жуулс — ўтириш, эгаллаш.

Билод — вилоят, ўлка.

³ Доҳил — тегишли, даҳилдор.

ўзларингиздан мамнун қиалдингиз; ағниёларнинг давлат ва савлатидан, мулла ва эшонларнинг дуойибад ва кароматидан ҳеч хавф-ҳарос ва андиша қилмасдан уларни шарманда ва сарафканда¹⁸ қилуб зери по¹⁹ айладингиз; умум амалдорларнинг лақабларини тағиир топтиридингиз,²⁰ ҳоказо ва ҳоказо!..

Энди қишлоққа юз ўғириングиз, яъни югириングиз! Уларни ҳам бир ярим олчинлик кўйлак ва лозимлардан баҳраманд қилингиз, яъни калтадум айлангиз! Янги мактаблар очуб, эр ва қиз болаларни ўқуттириб, мактаб фойдасига йигилган доналарни шаҳарга кетириб, уйингизга босиб олуб, муаллимларга ўз тишларининг кирини сўрдириингиз! Сигирларга ҳўкуз ва ҳўкузларга бузоқ деб ном берингиз! Отлиқ кишини эшакка ва эшакли кишини отфа миндириингиз! Қишлоққа қадам раңжида қилуб борғанингизда бообру, оғзи катта шахсларнинг хоналариға меҳмон бўлуб, шул шахсларнинг маслаҳати билан бир танталик солиқни ўн танга қилуб йигиб, ортугини орада бўлуб олингиз! Ҳукумат томонидан берилган отлар, ҳўкузлар ва бошқа дехқончилик ашёларини фақир дехқонларға тақсим қилмасдан ўзингизга фойдалиқ ва қорни түқ одамларға тақсим қилингиз! Сепадирган доналарнинг тоза ва поки-засини ўз фойдангизга сарф қилуб, дехқонларга бошқа ярамас доналардан олуб берсангиз ҳам катта илтифот қилган бўласиз! Ўзингизга доимул-авқот фойда чиқуб турмоқ учун қишлоқ муштумзўрларини ҳам ҳеч нарсадан қайтмайдирған бўлис ва овлу ижрокўмларини ҳимоя қилингиз! Арақ ва бўза қайнатувчи майфурушларни дўқ қилуб қўрқи-тиб ўзингизни мазкур шароблар билан сероб қилуб турингиз!

Батрак ва камсомонларға зоҳирда ривож берган бўлуб, орқадан тўсқин бўлишнинг йўлини излангиз! Ҳар вақт маҳфий ришватчилардан ва ўзингизга аҳил бўладурған одамлардан маҳкамаларга сайлаб қўйишиға фикр юритингиз! Мана шул тариқа ишларни бажо кетирсангиз майшатингизга аслан ва қатъян ҳалал етмасдан амну²¹ -омонда даврон сурарсиз!»

Мана маҳдум почча, ман мазкур жадиднинг ҳал қилған бу масала-сига бир оз қаноат ҳосил қилғандек бўлсам ҳам яна жанобларининг маслаҳатларига мунтазир бўлиб қоидим. Энди қандай маслаҳат берадирлар? Ёки, шул болод²² зикр қилинған мулоҳазотлар коғий бўлмас-микин ва ёки мазкур жадиддан ҳам маҳмаданароқ бўлған гайри бир жадидга ҳавола қиласақмикин? Ҳар ҳолда ўзлари соҳиби ихтиёрдирлар; бандага нима ихтиёр!

Кўчирувчи: Шаккок,
«Муштум» — 1925 йил, 17-сон.

¹⁸ Сарафканда — таҳқирлаш.

¹⁹ Зери по — оек, ости.

²⁰ Тағиир топтиримоқ — ўзгартмоқ.

²¹ Амн — тинчлик, осойишталик.

²² Боло — юқори.

ҚИШЛОҚҚА ҚОПИНГНИ ЎТИР!

Калвак махзум бўлса «Қишлоққа юзингни ўтири!» гапига тушунолмай кўб ҳайрон қоладир. Тўғриси ҳам маҳдум поччанинг бунга ҳаққи бордирки, «Қишлоққа қопингни ўтири!» шиори билмадим, қайси бир соддалавҳнинг¹ табъидан чиқғандир?! Башарти сиз ўқуғучининг бир оғина фикри салимингиз² бўлса ўзингиз ҳам иқрор этарсиз: елмай, югурмай «Қишлоққа юзингни ўтири!» шиорини майдонга отишдан илгари бунинг амалда татбиқи учун замин ҳозирламоқ керак ва мантиқ, пишириш лозим эди. Мантиқ сўзи бизга қолса фарднинг³ манфаати, манфаат эрса шахснинг оғзидан мой қуйиб бурнидан чиқаришдир. Башарти, ўша соддалавҳларнинг тилаги бизнингдек аҳли мантиқларни қишлоққа чиқариб биз орқалиқ «аммамнинг бузоқлари»⁴ манфаат еткурмак бўлса, аввало лозим эди: «Қишлоққа юзингни ўтири!» бойчечаги ўрнига «Қишлоққа қопингни ўтири!» шиорини қабул қилиш ва ундан сўнг ҳар биримизни қишлоқдағи катта мансабларга, масалан, ижроқўм, саркотиб, суд, ер-сув, шўъба, милисия бошлиғи, хўжалик идора (аммо муаллим белгилаш яна ярамайдир, чунки бу дунёда шундай расво ва унумсиз ҳунар йўқ!) ва бошқа амалларга белгулаб баъдан зон ҳар биримизнинг қўлнимизга топилса қоп, топилмаса халта бериб қишлоқларға чиқариш керак эди. Бу тақдирда ҳалиги «Қишлоққа юзингни ўтири!» шиори хоҳ-ноҳоҳ амалга ошиб шаҳарда қоллан катта гўзимларни ҳам биз каминалар топиб тутқан жийда халталаримиз билан қишлоқ томонга табассум қилдирған бўлар эдик.

Сўз бир мантиқ устида айтилса киши ҳеч вақт дард қолмайдир. Шунингдек, мен ҳам бу даъвомни «тарихга бир нуктадан қарааш» мет-ӯдлари⁵ билан ва ҳозирги кунимизнинг туртиб чиқсан фактлари билан исбот қилишга ҳозирман. Мисол учун кечагина бўлиб ўткан бир воқиъя:

Куркулдак⁶ суви ва унинг устига солинадирған кўпрук; бу кўпрукга дехқонларнинг эҳтиёжи ва иккинчи тарафда пахтақўм. Ҳалиги иштонсиз дехқонлар кўпрук солиб чарчаған фурсатларида пахтақўм⁷ эшигига ўн икки дона хари сўраб «шайъян-лилоҳ»⁸ ўқийдирлар. Пахтақўм бўлса попирисининг кулини, черта-черта: «Худой берсин!» жавоби жалиласини⁹ берадир.

Ана, жоним!

Даъвом анови, исботим манови! Фақирнинг кутканим оёқ остимдан лўп этти, яъни пахтақўмдек бир идора ҳам алтини четка буриб қопини кенг қилиб, қишлоққа ўтири!

¹ Соддалавҳ — тўл, бу ерда муаллиф киноя қилилти.

² Фикри салим — сорлом фикр.

³ Фард — шахс.

⁴ «Аммамнинг бузоқлари» — қишлоқ, аҳли.

⁵ «Тарихга бир нуктадан қарааш» методи — бирон масалага бир томонлама, яъни манфаат наъзаридан қарааш

⁶ Куркулдак суви — бу сув янтийўла шаҳридан оқиб ўтади

⁷ Пахтақўм — дехқон жамоа хўжаликлари ердам тарикасида «Пахтачилик комитети»дан карз пули олиб, досилни келишган додда шу комитетта сотар эди. Бу комитет колективлаш даврига келиб тутгатиди.

⁸ Шайъян-лилоҳ — Худо йўлига бир нарса беринг

⁹ Жалила — улуғ, буюк.



Демак, яна бир қайта янги шиорни тақрор қилайлиқ: «Қишлоққа қопингни ўтири!» — нажот шунда!¹⁰

Дүмбүл,
«Муштум» — 1925 йыл, 18-сон.

ДАРДИСАР

Бир неча айёмларким фәқир дардисар¹ бирлан ранжида эрдим. Мулла Абдусамад ҳакимким, ки бул замондаги ахли хукамонинг пешвоси туур, ҳарчанд муолажа күшүшила ҳабби танакор,² ҳабби раммонлардин³ истеъмол қилдирди, аммо чизи манфаат воқиъ бўлмади. Бул маъни ҳароратдан эрурму, деб бир неча кун агарчандики, тарки суннат эрди, амома истеъмол қилмай, боз дафъи ранж хусулга келмади. Волидангизким, фәқирга бисёр меҳрибон эрур, ушбу ранж айёмларида кўб ташвиш чекиб, туркона адвиялардин⁴ муҳайё қилуб, алқисса ноилож фолбинга мурожаат қилғанида маълум бўлубдирким, бул маъни лаъини шаётин⁵ ва асари инсу жиндуру.

Ушал адвиялар истеъмолида ранжнинг тащиди⁶ важҳидин ҳам ушбу маънини фәқир гумон қилған эрдим. Тафсирида келтурибдирларки, одамизодга уч хил қазо бордур. Аввалинчи нафси ҳарисдур⁷, иккilanчи шаётиндир⁸, учуланчи қазоий осмонийдир.⁹ Аммо учуланчи балодин бани одамга¹⁰ нажот йўқ, дебдурлар.

Алқисса, фолбин дарҳол бир қора кўйнинг бошини пишириб етти қўшнига улашиб ва яна ўшал раиси гўсфанднинг¹¹ мағзи саридин¹² чизи хомакини ранжиданинг миясига чапласин ва яна ўпкаси бирлан

¹⁰ Ҳакиқатан дам Совет қукумати инқилобни душманлардан сақлаб қолиш учун ҳарбий коммунизм даврида (1918—1921) дехқон калкынни талади, разверстка — дехқон етиштирган маҳсулотта паст нарх кўйиб, қишлоқларга «Озик отрядлари» юбориб, рўзгоридан ортиқ маҳсулотининг ҳаммасини сотиб олди, тортиб олди. Бозор йўқолди, очарчилик бошланди...

НЭП даврида эса дехқон ҳалқи бирмунча жонланади. 1925 йиллардан партия «Қишлоққа юзингни ўтири!», «Ишлаб чиқаришга юзингни ўтири!» шиорларини майдонга ташлаб шахардағи завод-фабрикаларнинг, партия ташкилотларининг минглаб ишчи ва ходимларини дехқон аҳлига илм-хунар ўргатиш учун, кадрлар тайёрлаш учун қишлоқларга юбоғсан зди. Бу тадбир «пастдан-юкорига» яъни эски зиёлилар ва ишбилиармоналарни ишдан четлатиб ўрнига пастдан — ишчи дехқон синифидан кадрлар тайёрлаш сиёсий компаниясининг оқибати зди. Оқибатда қишлоқларга чиқкан ҳашарчилар озми-кўпми ёрдам берган бўлниб, яна бир марта дехқон аҳлини талаб қайттан зди.

¹¹ Бош отриғи (муал.).

¹² Ҳабби танакор — бура билан ош содасининг биргалиқдаги эритмаси (болалар тутқаноғида берилади).

¹ Ҳабби раммон — анор пўстлоғининг қукуни (из сургандга ва ички яраларни қотирища ичилади).

² Адвия — дорилар.

³ Лоъини шаётин — лоъинати шайтийлар.

⁴ Ташибиг — кучайиши зўрайиши.

⁵ Нафси ҳарис — нафснинг ихтиёрига берилиш; очкўзлик.

⁶ Нафси шаётин — шайтоннинг ихтиёрига берилиш; туйѓуга берилиш.

⁷ Қазоий осмоний — Оалоҳининг иродаси, ҳукми.

¹⁰ Бани одам — одам авлоди.

¹¹ Раиси гўсфанд — қўчкор.

¹² Мағзи сар — мия қатиби.

сотқоғлатилсін,¹¹ деб таълимот берган эркан. Калла хариди учун фәқирда чизи маблағ йүк эрди, бисёр танглиқ воқиъ бўлди Алҳамбой маъракасидан кийган сурра пўшакни фурӯхта борасида маслаҳат солғанимда волидангиз ҳайф кўрди.

Алқисса, билмоқ, керакким, тангри таолонинг бир оти раззоқдур,¹⁴ чунончи, Сўфи Оллоёрда келтурибдирларким, байт:

*Агар дарё тегуга бўлса жойинг
Баҳона бирла еткүргай худойинг.*

Ваҳолонки, аҳли куффор¹⁵ ҳам ул парвардигорнинг иноятидин насибадордурлар. Чунончи ушбу рубъи маскундаким,¹⁶ алҳол Ўзбекистон деб тасмия қилубдирлар, неча лак аҳли бедин умргузаронлиқ қилурлар ва яна ул қавми лоюфлихунлардин¹⁷ ҳар рўз ва ҳар шаб оташ ароба бирлан вакон-вакон сарупо бараҳна хурду қалон бул жонибларга азимат қилуб ва андак фурсатларда ҳўраклик¹⁸ ва пўшаклик¹⁹ бўлуб даражот ба даражот ўшал мағриби заминда умргузаронлиқ қилғучи фарангилардек кўпас бўлуб кетар эрканлар. Ваҳоланки, биз қалимагў аҳли мамлакатлар ул парвардигорнинг чизи марҳаматига як рўз ташна ва як рўз гурусна бо ин ҳама шукур ва зикри илоҳийга забонгўёлиқ қилурмиз.²⁰

Алқисса, калла хариди борасида таҳайюрда²¹ қолуб ва яна кечлик таом важҳига чизи иссиғдин ҳўрак мавжуд бўлмай тангри таолоға зори ва тазаррӯъ қилуб, бағдаз хуфтан эру хотин кўзимиз уйқуға кетубдир. Моҳи тобон айни ба жониби мағриб мойил бўлуб, фақирнинг кўзим бир овози бирлан очилиб бошимнинг оғриғи андак дафъи бўлубдир. Алқисса, андак фурсат у ён-бу ёнға қулоқ осқанимда дарбоза жиҳатдин қоқилған товуш келур эрди: «Ушбу ним шаб фурсатида чақирғучи ким эркан ва яна жин ўюни бўлмасун» деб андак таҳаммул²² қилған эрдим, боз тақ-тақ овози муқаррар бўлди Алқисса, кампирни бедор қилуб, азбаройи эҳтиёт учун, бо ҳамроҳи йўлакка чиқуб, эру хотин як овоз «ким», деб савол қилғанимизда, кўча тарафдин одам товши масмуъимиз бўлуб, бо ин ҳама фақир «Оятул-Курсийни»²³ дамида қилуб, дарбозани очуб, кўчада бир кишини кўриб, бемаҳал дарбоза

¹¹ Сотқоялаш — жонликни садака килиш, қушноч беморнинг оғриғттан аъзосига кўра янги атаб сўйилган жонликнинг (асосан кўй, тчки) ўша аъзосини олиб, беморнинг устида айлантириб дуо ўқиди, қонини беморнинг бўгинларига суртади, сўнтра у аъзосини итта беради. Шунинг билан гўе беморнинг дарди ўша жонликқа ўтади Товукни юса тохисидан қон чиқарип, қонини беморнинг бўгинларига гуртади, ўзини бечорнинг устида айлантириб дуо ўқиди. Товук қушночга бериб юборилади.

¹⁴ Раззоқ — ризқ берувчи.

¹⁵ Аҳли куффор — коғирлар

¹⁶ Рубъи маскун — одамлар яшаб турган ер, қуруқлик.

¹⁷ Лоюфлихун — тўғри йўлдан адаштаничар.

¹⁸ Ҳўрак — овқат.

¹⁹ Пўшак — кийим.

²⁰ Бир кун ташна, бир кун оч бўлишимизга қарамай Оллоҳнинг еди билан машрулмиз.

²¹ Таҳайюр — ҳайронлик.

²² Таҳаммул — сабр

²³ «Оятул-курсий» — «Бақара» сурасининг 254 ояти, жумладан қўрқкан пайтда ҳам ўқилади.

қоқишининг маъносидин савол қилаванимда, улуғлардин бирининг вафотидин хабар берди. Фақир ҳайрон буубайтдимки: «Алҳукми лиллох,²⁴ эрта бирлан жанозага борурмиз», — деб. Ул одам арз қилди: «Марҳум ўзи ўшал, наузанбиллох, ҳақдин тонғанлардин эрди, аммо ботинда дини исломни дўст тутиб, қабзи руҳ²⁵ асносида васият қилубдирким, «агарчандики маҳфий бўлса ҳам фақирни жаноза бирлан дағн қилингиз», деб. Алҳол мурдашўй марҳумнинг такфин қилур, жаноблари таҳорат олуб, дарҳол сари қадам²⁶ жанозани ўқуб берсалар» деганида, камина бул маънига ижобат қилуб ва ул одамни таҳорат учун андак таваққуфга²⁷ буюриб, бағдазон биргалашиб кетдим. Азбаройи адовати важҳидин ўшал маҳалланинг имомига ҳам ҳабар берилмаган эркан, токим ўзга улуғларнинг қулогига бу маънидик чизи ҳабар етмасун, деб. Узоқ-яқин қавми-қариндошларидин қарийб ўнбеш нафар одам ҳозир эрканлар, давра²⁸ ва исқот²⁹ баъдида аларға амри матъруф, наҳй айлумункардин сұхан қилуб ва яна жанозанинг ҳар бир ислом фарзандига хоҳ маҳфий, хоҳ ошкор фарзлиғидин, аммо фарзи кифоянинг³⁰ агарчандики, як фарди адо қиласа ҳам ўзгалар зиммасидин сүкүтини³¹ баён қилдим. Ва лекин марҳумнинг ака-укаларининг жабҳасидин улуғлиқ ва яна истаршин десатнайлар ҳувайдо эрди. Эрта бирлан ўшал мансабдор партиналар тушиб, муздакон³² бирлан закўнска³³ қилуб, марҳумни кўмар эрканлар. Алқисса, бағдаз жаноза фақирнинг қўлимга чизи ҳадя бериб узатдилар. Фақир ҳавлига яқинлашқанимда атрофдин субҳ азони масмуюм бўлуб, мазкур ҳадяни моҳи тобонға³⁴ солуб қараған эрдим, сариг тамғалик ширвон маълум бўлди. Ул раззоқи меҳрибонга ҳазорон³⁵ шукурлар айтиб, уйга кирдим.

«Муштум» — 1925 йил, 21-сон.

²⁴ Алҳукми лиллох — ҳукм Оллоҳдан бўлади.

²⁵ Қабзи руҳ — жон олиш.

²⁶ Сари қадам — ёёқ устида, тезда.

Таваққуф — тўхтаб туриш, кутиш.

²⁷ Давра — марҳумнинг аел қариндошлари (айрим жойларда эса фиқат эркаклар) давра туриб, инг яқинлари эса тоқ ҳодда (3—5 тадан) унинг ичига — садрга тушиб ўлганнинг бирон кийимларини кийлиб, фазилатларини марсия қилиб, айтиб йиғлаш (тескари ашула деб ҳам аталали). Садрга тушганлар айтиб йиғлашади, атрофдагилар аста қарса уриб, ҳай-хов-ҳа, деб жўр бўладилар. Бу одат фиқат жаноза кунида қилинади.

Исқот — дағн пайтида, мозор төлпасида одамларга бериладиган рўмочча, чорси ёки масжида ҳадя қилинадиган милем, ёки шолча ёки кўрпача. Илгарилари кўй, қорамол, от, шароитга қараб дон ҳам берилган.

Фарзи кифоз — бир жамоа мусудмоҳлар зиммасига фири этилган амал бўлиб, масалалларини жойда жаноға борлатгини эшишиб жамоадан бальзилари иштирок этса ўзгалари гуноҳкор бўлмайди. Агар жамоадан деч бири иштирок этмаса ҳаммалари баробар гуноҳкор бўладилар.

²⁸ Сүкут — соқит бўлиш, халос бўлиш.

²⁹ Муздакон — стакан.

³⁰ Закўнска — закуска, егулик.

Моди тобон — ой.

³¹ Ҳазорон — минглаб.

БАЧТУР ЗАМОНА ДУЧОР ШУДЕМ?

Бачтур замона дучор шудем?¹ Ҳай дарис, бул найрангбоз ҳаромзодалар рүз ба рүз аҳли мұйыннларни сарипш² қылуб, аз меҳроб³ амри маъруф, нахй анлмункардан ҳам ваҳимадор бўлди. Эмди бул ноинсоф худобехабарлар ўз асҳобларини⁴ масжид ва хонақоҳларға ҳам жойигир⁵ қилубдирларки, фақирдек одамлар бехабар эрканмиз.

Рўзи душанба бағдаз ҳуфтанд қавмларға амри маъруф, нахй анлмункардин сўзлаб ва яна ўшал ер ислоҳот деб, амлоқдорлардин⁶ базур тасарруф қилинган заминларни агарчандики, як мушт гуфроғини эвазсиз тасарруфоти аҳли мұйыннларга ҳаромлигини оёту аҳодис⁷ ва жумҳури уламо қавллари⁸ бирлан исбот қилуб қўйған эрдим. Алқисса, рўзи дигар бағдаз пешин уйда волидангиз бирлан ўлтурғанимда дарбозанинг тақ-тақ урилғани масмуъим бўлуб, ташқаридин хабар олғанимда, бўсағадин қоровул кўриниб, биронта одам вафот қилдиму ёки Бобоназарнинг маърака ошиға даъват борасида келдиму, деб йўлақдан бир неча қадам илгари барванимда анга ба ҳамроҳи шапкапш⁹ милтиқбардор бир бадбуруш милискани кўриб, тамоми ағзо дар ларза бо ин ҳама забон дар таваккул рўбару бўлдим.¹⁰ Ул ҳаромзода деви сийрат камар бандидин бир повускани сутуриб, фақирдин: «Калвак Марзим сизму», деб сўраганида каминадин «оре»¹¹ жавобини олиб, «сизни раёниска-нинг бошлуги даъват қиласидир», деганида, ҳароснок¹² бўлуб, уйда киши йўқдигини ва яна ўзимнинг чизи нотоблигимни ҳарчанд узр мақомида пеш келтурдим, асло ул деви сийрат бовар қилмай, закўн айтиб, алқисса, ноилож ҳаросида ўшал уфритнамо¹³ бирлан йўлга тущдим. Аммо шайтон анвоъи¹⁴ васвас бирлан машгул эрдим. Дам-бадам ул ҳайон: «Чаққон юринг, домла!» деб милтигини силтаб елкасига олғанида камина «астағифиуллоҳ» айтиб чор-ночор қадам узар эрдим.

Алқисса, арақ-арақ тер босиб ва яна қалб мисли кабутар бачча бетоқат ва беором ул тўдаи саклар жойигир бўлған буқъага¹⁵ етдим. Ул деви сийрат фақирни бўсағада девбаччаи дигарга¹⁶ топшуриб ўзи го-йиб бўлди.

Бул қаш-қашон гардан-қашон¹⁷ маъносидин ҳайрон ва ҳаросон таҳорат танг қилуб, аммо як қадам силжимоққа ул деви сийрат ва мажхулун-насад¹⁸ андишасида эрдим.

Қанаай замонга дучор бўладик?

¹ Сарипш — юз-қўзини етиш.

² Аз меҳроб — меҳробдан туриб айтилувчи

³ Аҳодиб — дўст, яқин

⁴ Жойигир — жойлашмоқ.

⁵ Амлоқ — мулклар.

⁶ Оёту аҳодис — оятлар ва ҳадислар.

⁷ Жумҳуриуламо қавллари — кўпичалик уламо сўзлари.

⁸ Бутун аъюни баданим қалтираб, таваккал килиб унга рўпара бўлдим.

⁹ Оре — ха, худди шундай.

¹⁰ Ҳарос — қўркув

Уфритнамо — девга ўхшаш.


Анвоъ — турили.

¹¹ Буқъа — ер, жой.

Дигар — бошқа, ўзга.

¹² Қаш-қашон, гардан — қашон — сарсон-саргардон.

¹³ Мажхулун — насад — насли номаъум.



Алқисса, ичкаридин ўшал шапкапўш чиқуб, фақирни чақирғанида «дуойи забон басти»¹⁸ такрорлаб бир эшиқдин кириб, биравидин чиқуб, боз бир эшикни босиб, алҳосил учуланчи хонада сандалниши¹⁹ бир бадхайкал сарбараҳнала²⁰ йўлиқдим. Албатта, ҳаромзодаларнинг сардори шул бўлваи деб, муросасози дасти алиф лом тағзим адосидин сўнг, ул сардор «келинг, домла» деб заҳарханда қилди. Шапкапўш орқага қайтиб, фақир ул сандалнишин сари атфи назар- қилганимда ошинаға ужшатиб ва яна ул сардор сандали дигардин²¹ ўрин кўрсатиб ўлтурғаним баъдида фақирдин ном-насаб сўради. Жавобдин сўнг ҳайрон эрдимки бул амалдорни қайси жойда кўрган эрканман, жанозадаму, тўйдаму, маърака ва ё намоздаму? — деб.

Алқисса, амалдор чорпоянинг²² мурдигардон кутисини тортиб ичи-дин бир тазкирани олиб, сўради: «Гўристон маҳалланинг²³ имоми ким бўлур?» — деб. Фақир айдим: «Уч ой бўлди, Гўристон маҳалла имоматини фақир адо қилуб туурман», — деб. Амалдор табассум бирлан айди: «Ушбу кеча масжида қавмларингизга кўб яхши амри маъруфлар баён қилубсиз», — деб. Фақир айдим: «Ер ислоҳоти тўтрасида муштоқ?» — деб. Амалдор айди: «Оре, башарти сизга бемалол бўлса, ўшал борада ўз оғзингиздин ҳам чизи эшитмоқда муштоқ эрдим», — деб. Фақир айдим: «Амри маъруф борасида уламога малолат гуноҳи кабирадир»,²⁵ — деб. Алқисса, кечаги бағдаз ишо²⁶ қавмларға сўзланған ер ислоҳот борасидаги амри маъруфдин баён қилуб, хоҳ мол, хоҳ мулк, алҳосил, ҳаққи дигарни эвазсиз тасарруфотининг аҳли мӯъминларга ҳаромлиғидин, аммо аҳли бадроқлар олса жавоизидин²⁷ шаммаи изҳор қилдим. Амалдор фақирнинг фасоҳатнавоз сўзимдин табассум қилуб, сўради: «Бадроқлар ким, деб ўйлайсиз?» — деб. Камина айдим: «Бадроқнинг марнайи лувавийси шулдирким, форсийда «бад» — деб ёмон, яъни арабий «ҳабис»га айттурлар, «роқ» — деб туркийда исми тафзил²⁸ ва ёхуд сиғаи муболағага²⁹ келур. Бадроқ — яъни туркийси одамларнинг ёмонроқи, деган сўздир. Азбаски³⁰, аҳли мӯъминлар ҳар ду жаҳон масъуддирлар.³¹ Бадроқ фақат ўшал ер ислоҳотини чиқарган мастиравойларнинг исми хосидир³² Ҳаққи дигарни³³ эвазсиз тасарруф³⁴ ҳалоллиги борасида Инжили шарифда оёт ва аҳодис бўлса керак», — деганимда ул сарбараҳнанинг чехраси бузилди ва яна алти-

¹⁸ «Дуойи забон басти» — ёмонликка қарши ўқиладитан дуо.

¹⁹ Сандалнишин — мансабдор.

²⁰ Сарбараҳна — бошяланг.

²¹ Атфи назар — меҳрибонлик билан, лутф билан қараш.

²² Сандали дигар — бошка курси.

²³ Чорпоя — устал (муал.).

²⁴ «Гўристон» маҳалласи — бундай маҳалла бўлмаган, чуаллиф киноя қилялти.

Уламоларга амри маъруф қилишнинг малол келиши катта гуноҳдир.

²⁵ Ишо — хуфтан намози.

Жавоиз — жоиз.

²⁶ Исми тафзил — сифатнинг қиёсий дарражаси.

²⁷ Сиғаи муболаға — ортдирма даража.

²⁸ Азбаски — шундай экан.

²⁹ Ҳар ду жаҳон масъуддирлар — фоний ва бокий дунёда баҳтидирилар.

³⁰ Исми хос — маҳсус, аталаған исм.

³¹ Ҳаққи дигар — ўзганинг ҳаққи.

³² Тасарруф — эгаллаш, босиб олиш.

да тундлиқ зоқир бўлуб: «Сиз кавантирсиз!»³⁵ деди. Дафъатан саросима бўлдим. Бағдазон шикасташол сўрадим. «Ба чи маъни кавантир бўлурман, вақтоти худо йўлиға амри маъруф қилсан ва яна мусулмонларни наҳӣ анлмункар қилсан!»

Ул бадҳайкал фақирга мутабассум³⁶ узоқ фурсат қараб турди. Бағдазон меҳрибончилик қилдиким, «Бу гапингиз бирлан албатта қамалсангиз вожиб эрди, аммо тунов кунги хизматингиз важҳидин ушбу марта-бада гуноҳингизни авф қилурман ва лекин минбаъд бундоғ бемаъни гапни масжида айтманг», — деб. Ушал лоҳазлик фурсатимда тунов кун ним шаб дардисар асносида ўқуған жанозанинг соҳиби ёдимга тушди. «Аҳли дунёнинг жанозадин, аҳли уламонинг закўндин хабари йўқ, адашкан бўлсак кечиругрсиз», — деб узр айтдим ва «— Яна хизматларингиз ва жанозаларингиз бўлса шабу рӯз тайёрмиз», — дедим. Баҳархол ул бадҳайкалдин сиҳҳат-саломат қутилиб чиқдим. Аммо чаҳор тақбир жанозанинг³⁷ хосияти улуғ эрди. Бул охир замонада ҳар бир аҳли меҳроб³⁸ шунингдек амри маъруфдин ҳазар қиласун, деб қалам тебратдим токи бало ва қазодин омонда бўлғайлар.

«Муштум» — 1926 йил, 24-сон.

«ҚАВОИДУЛ-УМАРО»

(Бюрократизм кимга ёқаги)

Нодон пастарин одамлар ушбу замондаги бағзи арбоби ҳукуматларимиздин шикоят қилиб айтурларким: «Фалони маҳкаманинг баланд мақомнинг ҳузурларига кирмак учун изн сўраб уч соату яна фалон дақиқа бўсағада бекорга кутиб ўлтурдим ва гайри интизор кишилар ҳам бор эрдилар ва лекин охирил-амр¹ ҳузурдин «Алҳол фурсатим йўқ, рўзи дигар келсунлар!» деган фармон бўлди ва яна биз бул саргардонлиқдин беҳад ранжиб ўз маконларимизга пароканда бўлдиқ», деб.

Ва яна маҳалламиздин Исҳоқ баграк кеча фақирга шикоят мақомида хабар бердиким: «Бул кун ҳам ул садрнишинимизнинг боши оғриб, яъни дардисарга мубтало бўлиб ва яна шул боисдин арзи доғимни боз айталмай келдим», деб.

Ҳарчи нодон косиб фуқаролардин ушбу мақомда турли шикоятлар эшитурман ва яна уларнинг бул маънидаги шикояти беҳудаларидин ханда қилурман. Зоро, ул нодонлар илми сипоҳгарчиликдин- хабарсиз ва яна «Қавоидул-умаро»² китоби ҳикматларидин баҳрасиздирлар, деб.

«Қавоидул-умаро»да андоғ келтирибдурларким: Агар бир зот ма-

¹ Кавантир — кўнтр (муал.), контрреволюционер.

² Мутабассум — табассум билан

Чадор тақбир жиҳота — чусулмончиликда фарз бўлган беш маҳал намоиздан ташқарин жаноза қозир бўлганда ўқиладиган фарзи кифоя — тўрт тақбир жаноза намози. Тақбир айтиш — жаноза намоизда сано, салавот, дуо орасида «Оллоҳу акбар» деб айтиш

* Аҳли меҳроб — нақозхонлар

Охирил-амр — охири, пироварди

¹ Илми сипоҳгарлик — давлатчилик, чатъмурятичиллик илми.

² «Қавоидул-умаро» — амирларнинг қондлари.



қоми аднодин¹ мақоми аълоға етушса, зинҳор ва зинҳор неъмат қадрини билгай, деб. Масалан, пастарин фуқаронинг саломига илтифот этмагай, улар бирлан дуру-дароз сұхбат тутмагай, бир табақдин таом тановул қилмагай ва ҳузурига киргизмагай ва яна бир зарурат бирлан бар тақдир ўз ҳузурига қабул қылмоқчи бўлса, неча кунлар саргардан айлаб ва яна ўз қадрини билдириб, баъдаз арзи-додига етгай, деб. Агарчанди арбоби ҳукуматдин бирининг қадим вақтларда қадрдан бўлған дўсти роҳи омда² учрашиб қолса саломга ёйинки қаломга тутиш эҳтимолидин ҳазар айлаб юзини четка ўтурсун ёхуд осмонга назора қилсун, яъни ул ҳукуматдор ўзини тағофилга солса маъзур, деб.

Ушбу «Қавоидул-умаро» китоби қадимул-айёллардаги жумла подишоҳ ва амирлар, сulton ва салотинлар наздида кўб мўътабар эрди ва яна ул баҳодир Худоёрхоннинг бек ва бекзодалари ва яна ул Мекалай оқ подишоҳ марҳумнинг жондорол губирнатўрлари, фурустуф, палас-каминистр ва ҳоказо бадҳайбат, дароз мўйлаб тўралари ҳам ушбу қонунни маҳкам ушлаб ва яна закўнга амал қилур эрдилар ва яна алар бирлан ҳар ким кўрқуб, хавфу хатар остида муомала қилур эрди, деб. Аммо ушбу ҳуррият, мардикор, сарадеҳқон³ замона ҳукуматдорлари орасида ҳам ўшандор кўҳна ва лекин пухта қоидаларга амал қилгучи арбоблар бор экан, деб бениҳоят хушнуд бўлуб. мазкур шикояткунанда бемаънилар аҳволига табассум қилур эрдим, деб.

Қиссан кўтоҳ, «Қавоидул-умаро» китобидин баҳраманд бўлған ўшал арбобларга сўзим шулки, ул бемаъниларнинг шикоятига қулоқ солмасунлар ва яна алар саргардан бўлсалар ҳам қоидан қадима ҳукуматдорлик низомларини риоя қилсунлар, тумшуғини бир қарич чўзиб ва яна димогидин ягон-ягон⁴ қурт ташламоқ казолика⁵ арбоб учун жоиз, деб фақир муҳрим бостим, деб,

Калвак Махзум Шоий,
«Қизил Ўзбекистон» — 1927 йил, 34-сон.

ШАРВОН ХОЛА НИМА ДЕЙДИ?

— Йилдан-йилга замонани ер ютвотти айланай эгачи. Эркак-ку эркак, ёш-яланг хотинларният худо тенг-теппасидан уриб товонидан чиқарвотти, ман сизга қоқиндиқ!

Ўткан жума Нор поччавонининг кичкина ошҳарамиси⁶ ўзига ўхшан шиллинг поччаларга⁷ зиёфат қилиб берган экан, жоним ўргилсин сиздан. Нор поччавони ош-сувга қарашиб берсин Шарвон, деб боладан айттирипти. Йўқ, дейишкага қиёлмай чиқсан бир уй фиски-фасод, айланай эгачи. Гап шўтта қолсин-ку, чиққанимга минг пушмонларни

¹ Ағно — паст, күйи.

² Роҳи ом — кўча.

³ Сарадеҳқон — ишбилармон, миришкор деҳқон.

⁴ Ягон-ягон — тоҳ-гоҳ.

⁵ Казолика — шунингдек.

⁶ Ошҳарами — бу ерда: ҳаром лукмани еб ўстган фарзанд.

⁷ Шиллингпоча — кийимсиз; оекъланг.

едим. Тўвва, бу авлоднинг бир зуваласи ҳаромдан, Хамфабуви, Норпичани ўзи қуриб кеткурният шайтон али¹ қоплаган. Ёшинг ўлгур отмишқа борипти: эндигина номозингни ўкуб, ниёзингни этиб ошҳа-рамиларингни тийиб олсанг нима қипти? Қачон кўрсанг оғзида чақич чап-чап, илоё лавинг бичилмай ўлсин.. Кези келганда тағин шу ошҳа-рамисини маҳтайди: «Кичкинам маҳтапка муғаллим, ўзи янги кифрға қўшулған!» — ху янги кифрға² қўшулмай қоро турпоққа қўшилсин, ўлинг!

— Сизга ёарон, худога чин, жоним ўргилсин. Бувҳамфа: теразадан мўраласам бир уй хотин, эркак аралаш! Жоним ҳик эттию ҳалқумимга келди-турди. Илоё дедим, ҳаммангни азиз авлиёлар тенг-теппангдан урсинала. Сан шариъатни хор тутсанг санлани худо хор қилсин, дедим.

— Бир вақт ош-сувдан қутулиб Норпичахонимминан бир пиёла заҳарни³ ичиб ўлтурсам эшиқдан нортуюдек бўртиб иккита яллачи ўлгур келвотти. Бош яланг, оғзи ўлгурда папириска. Ҳар бало бўлсаям мусилмон фарзанди-ку, туриб кўришай дедим. Ўрнимдан туриб кўришишга кўтарган қўлим кўтариғланча қолаверди. Мачаларинг⁴ ман ўлгур минан кўришишга йирганди. Жувармакнинг биттаси: «Биз кўришишни барҳам берганимиз, хола!» дейди. Шу вақтда ер ёрилмадики, ерга кирсам... оғзи ўлгурдан алламбало гуркийди. Тўвва денг айланай Бувҳамфа!

Худу⁵ ўлим берсин очилған маҳтапи минан янги кифирига. Мусилмон фарзандини сон-савақдан чиқариб қўяр экан, тўвва!..

Думбулиса,
«Муштум» — 1926 йил, 24-сон.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ — ЖУЛҚУНБОЙНИНГ 1926 ЙИЛ 15—17 ИЮНДА БЎЛИБ ЎТКАН СУДДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Мен 1926-инчи йилнинг 10-инчи январидан 10-инчи февралигача отпусқага кетуб дам олуб юрганимда бу «Йигинди гаплар» ном мақолани ёзганман. Отпусқадан қайтқандан сўнгра 14-инчи — 15-инчи числада навбатдаги чиқатурған «Муштум» журналининг сони учун материаллар тайёрлаганимда уларнинг ичида бу мақолани ҳам қўшуб масъул муҳаррир Комил Алимовга⁶ олуб борғанман. Масъул муҳаррир Комил Алимов ҳалиги «Йигинди гаплар» ном мақоласини маним кўлумдан олуб, ўзининг кабинетида баланд овоз билан ўқуб берди. Ул мақолани ўқуб берган вақтда унинг кабинетида ўртоқ Фози Юнус, Санжар⁷, Шермуҳамедов⁸ ва қонтуршик Халучев бор эди. Масъул муҳаррир

¹ Алайкин латна (муғл.).

² Янги кифр — янги фикр, қизиллар, большевиклар.

³ Заҳар — арок.

⁴ Мача — моча, урвочи эшак; хотин-қизларга айтиладиган қарғиш.

⁵ Худу — худо (муғл.).

Санжар Сиддиқ

⁶ Мирмуҳсин Шермуҳамедов



Алимов мақолани ўқуған вақтда баъзи жойларини хато ўқуғани учун мен тузатиб турдим. Кейин ўқуб тамом қилғандан сўнг «хўб, бостирайлик», деди, ҳам «яхши кетди» деб қўшимча қилди ва мен бостириланман, чунки Алимов ижозат бермаган ҳолда табиъий мақоланинг материали йиртқилануб ташланса керак эди.

Мақолани масъул мұхаррир Алимовга кўрсатмасдан илгари Зиё Саидийга ҳам ўқуб берган, худда бошлаганимда ҳодисанинг тепасига Хуршид¹ ҳам кириб қолди. Мен ўқуб бергандан сўнг «кўб яхши кетди» деб мақтаб юборди. Бу онглашмовчиликдан илгари расмият, яъни идорага келган мақолаларни босдириш ёки босдиримаслик тўғрисида мұхаррир резолютсия солмас эди. Ўшанинг учун бу мақола резолютсиясиз бостирилған. Расмият фақат журналнинг 28-инчи сонидан бошланади.

Бу мақола фақат кулгу тариқасида ёзилған, ҳеч бир ҳукуматка ёки сиёсатка тегадирған жойи йўқ. Мақола босилуб журнал тарқалғандан сўнгра беш кунча ўткандан сўнгра Алимов Самарқандан қайтуб келди ва мени ўзининг олдига чақиртириб, «нимага бостиридинг, мен ижозат бермаган эдим», деди. Ман «сен ижозат бердинг, ман бостиридим», деб жанжаллашдик. Мақолани Алимовнинг кабинетида ўқуғанда Зиё Саидий йўқ эди, ҳам кирган эмас, шахсий адоватка кетуб, бор эдим деб гапирадир.

Бу гувоҳларнинг муңдок гапириши фақат шахсий адоватдан иборат, чунки бирон вақт жонларига теккан бўлсан керак, аммо қай тариқада уларга гап тегдирганимни айта олмайман Гувоҳ Зиё Саидини оғзаки танқид қиласр эдим. Матбуотда танқид қиласраним йўқ. Қисқаси, умуман Зиё Саидий ва бошқалар манга қарши бўлғанлари учун ёлрондан гувоҳлик берадирлар.

«Йиғинди гаплар» мақоласининг маъниси келган-кеткан гаплар деган сўздир, ҳам фақат кулги тариқасида ёзилғандир. Ҳақиқатда кулги ёзилғанини исбот қилмоқ учун қуийдаги изоҳотни беруб кетишни лозим топаман: Кулгуликнинг бошланиш тарихи жуда эскидир. Кулгулик инсонлар билан бирга туғилған, унинг бошқа хусусиятлари, яъни камолат ва руҳий холатлари ила ёндошдир. Шунингдек, биз ўзбекларнинг кулгулигимиз ҳам ўз тарихини эскидан бошлиадир. Аммо янги инқилобий кулгулигимиз ўз тарихини буюк Ўктабрдан сўнг ёэди. Мунда албатта дунё маданияти интибоҳининг ва янги шўролар маданиятининг кулгуликка баршишларан хадялари, янги қўшимчалари орқалиқ кенг қанот ёйған ҳолатда кўринадир. Яъни бу кун бошқа масалалар ўз доираларини кенгайтириб улрайғанда сарбасталангандаридек,⁴ кулгулик ҳам ўзига ҳуқуқни катта олған. Бу кунги музҳикани⁵ ўртоқлик кулгулиги, музҳикаси маъноси билан онгланмайдир.

Юқорида деганимиздек, бизнинг янги музҳикамиз жуда ёш, унинг туғулиши ҳам Ўктабрнинг емишларидан бўлди, десак янглишмаймиз,

¹ Шоир Хуршид — Шамсиддин Шарафиддинов

² Сарбаста — мустаҳкам

³ Музҳика — қуладириш

чунки Ўқтабргача бўлған ўн йил ичида жадидлик байроғи остида чиққан матбуотка назар ташланса, кулгу рангидағи шарчага жуда оз учрашилади ёки сира учрашилмайдир. Демак, бизга янги давр кулгулигини бошлаб бергучи, бизга ухшашиб кишиларни бу йўлга тортқути улур Уқтабрдир. Унинг шу ёшлири ва камчилиги бўлиши ҳам табиъийдир.

Ҳар бир нарсани туғулиш тарихига назар ташланиб кўриладирким, ул ибтидоий даврида албатта бир эҳтиёж орқалиқ дунёга келса ҳам, аммо бошда ғояга тегишилик даражада хизмат қилолмайдир. Шунга ухшашиб кулгулик ҳам туғулишда шахсий ҳангама йўлинигина ўтаб, тақомил қоидаси бўйинча бу кунги ҳолатка келган. Фарбдаги маъноси билан эмас, бизнинг Шарқ учун ўрта аср—қуруни вуста даврини хотирлатқан хон замонлари музҳикасига бу кунги кулгуликни тақдос киуб кўрсак, шубҳасиз ер бирлан кўкча фарқ кўрамиз. Бунинг учун, албатта, таажжубнинг жойи йўқ, биз хонлар замонида эмас, меҳнаткашлар даврида яшаймиз.

Мисол учун эски замон кулгулигини бу кунги музҳика билан тенглаштириб қарайлиқ: масалан, хон замонларида хонга ёки шунинг каби катта мансаблик бекка ҳазил тўқиш мумкин эмас, аммо қуйи мансаблик қози, ўн боши¹, чўрол² ва шулар сингари кичик маъмурларга муқаллид ва мутояба қилиш мумкин эди. Бунга мисол учун тарихдан излансак кўрамиз³ ўткан асрнинг 80-нчи йилларида Афғонистондаги таҳт жанжаллари ва ички иғтишошдан⁴ қочиб, амир Абдулраҳмонхон Туркистонга сиринадир. Мунда бир неча вақт қолуб, тошкантлик Калпараши исмлик ўз замонасида машхур бир қизиқ билан танишиб қоладир ва унинг ҳазилига, тақлидига мафтун бўладир. Абдулраҳмонхон бир неча замондан кейин Афғонистон таҳтига ўлтуриб, тошкантлик бояғи Калпараши ўз ёнига чақирадир. Калпараши ижобат этиб Кобилга борғач, хон воситаси билан ундан мансабдор ва аён билан танишадир. Хоннинг ишорати билан анжумани олийлардан аёнга ҳазил тўқуб, уларга муқаллид бўла бошлайдир. Хон билан бўлған бир мажлисда хоннинг рухсати или Калпараши олдин бекларга бирма-бир ҳазил ва тақлид қиуб чиққан. Кайфи келиб хурсанд бўлған хон «Менга ҳам муқаллид бўл, ҳазил тўқи!» деб Калпарашига буюрадир. Калпараши буйруқ бўлғандан сўнгра хоннинг ўзига муқаллид бўладир: Хон каби таҳтда ўлтуриб, чилим сўрайдир. Пояси⁵ чилимни яхши тайёрламагани учун ғазабланиб, уни ўн дарра уришга буюрадир. Бу тақлидни Калпараши шундай адо қиладирким, кўргучилар худда хоннинг ўзини айни ҳолатда кўрадирлар. Аммо хон ўзининг қилиридан орланадир ва шу ҳолатда Калпараши жаллодга топшириб, ўлдиритирадир.

Бу мисодан муддао шундаким, бу кунги музҳика ўзининг эски сиқиқ доирасидан чиққандек, бу кун ишчи-дехқон бошлуклари ҳам уларнинг, яъни ишчи-дехқонларнинг ўз ораларидан чиққан ўз оғала-

Ўн боши — ўн беш аскарнинг бошларни

¹ Чўрол — бакувалт, кучли хизматкор

² Иғтишош — битинч

Поя — чилим тайерлаб чектирадиган хизматкор

ридиirlар. Ҳозирги кулгулик ҳам қанот қуйруқланиб бу кунги бир Калпараш мазкур ўз ҳукуматининг арбобидан бир оғиз сўз ҳазил ва мутояба тўқий оладир, деб биламан.

Юқорида айтилди: кулгулик кишилар билан бирга туғулиб, улар билан бирга камолатка эриша боргуси, деб. Албатта кулгулик бошлинишда тор, сиқиқ доирада бўлғанилиғида шубҳа йўқ. Масалан, маданиятда ибтидоий бўлған ҳалқларнинг кулгусини оддий ҳазилдан, вазият музҳикасидан юқорида кўриб булмайдир. Инсонлар бир оз ўсиб, орада синфлар туруландан сўнг, кулгулик бир мунча ўскан, яъни бир синфикинчи синфдан, бой камагалдан, мурид эшондан кулиб бошлаган. «Ошқовоқни қайнагиб, ёғини олған авлие» ёки «Эшонимнинг тасбихлари носвой қовоқ», каби синфий ҳажвлар шу жумладандир.

Кулги майдонида кейинги янгилик сажия¹⁰ музҳикасиdir. Яъни куалуликнинг учунчи пояси сажиявий кулгусидir. Биз бунинг мисолларини маним «Тошпўлат тажсанг», «Калвак маҳзум», «Овсарлар» ва «Ўткан кунлар» рўмонимдан «Ўзбек ойим» ҳам бошқаларда кўрамиз. Бизнинг янги адабиётимизда характерли нарсалар оз, балки йўқ даражасида бўлғаниликдан бунинг учун мисолни ўз асарларимдан олдимки, бунда мени маъзур кўрсинлар.

Албатта кулгуни кейинги мактабнинггина қолипига солиб юргазиб бўлмайдир. Сажия кулгусида ҳам нариги унсурлардан бир мунча қўшилмай чораси йўқ. Инсон деган сўздан, умуман дунёдаги кишилар онгланганидек, ул сажида ва ҳолати рухияда ҳам бир-бирисидан жуда узоқлаша олмайдир. Биз юқорида музҳикадаги уч давр таърифини қилған эдик. Ҳам шу уч давр бир-бирисининг устига келиб ўлтурған деймиз. Масалан, наъма¹¹ дунёга янги чиқишида бир хил товуш берган ва бу кун камолга эришгуб, чин наъмалик ҳолини олған: уни ҳамма оҳангини кўшуб бирга чалинмаса бир хил товуш билан куолнинг ясағанлари шуштагидан ортиқча камолатни беролмайдир. Демак, нима бўлғанда ҳам ҳозирги кулгуликда ҳар ҳолда юқорида мазкур уч поянинг бирлиқда бўлиши мажбурий бўлуб тушадир.

Ички маънавий томондан кулгулиқда уч турлик унсур ҳам бор. 1—мутояба (шарж маъносида), 2— юмор (ҳажв), 3— сатира (ибрат). Шу уч турлик кулгуликни ифода килишда ёрдамчи (воситачи) ҳизматини ўтагучи унсурлар эрса: ҳазил, киноя, муболага¹², тасфир, ташбия,¹³ тамсил¹⁴, истиора¹⁵, татоққул,¹⁶ тажоҳул,¹⁷ ҳалқ мақоллари ва таъбирлари ва шунга ўжашаш гаплар.

Маним 27-нчи сон «Муштум» журналидаги «Йиринди гаплар» сарлавҳалик кулги мақолам ҳам шу асосларга солинуб ёзилған сажиявий

¹⁰ Сажия — характер

Наъма — мусиқа

¹¹ Муболага — ортириш

Ташбия — ўжватищ, мажоз

Тамсил — мисол кетариш

Истиора — бадиий ўжватма

Татоққул — кўчиб ўтиш

Тажоҳул — билиб биламасликка олиш

чин кулги эди Мазкур мақоладаги мақсадим кулги мезони билан ҳарфат жадидга¹⁸ олинғанда қуйидағи мазмұнлар ҳар кімга, ҳар бир гүдакка ошкора бўладир: мақоланинг биринчи устун 4-нчи йўлидаги «узбекнинг ишчиси, дәхқони, маорифи, шалтай-балтай . илаҳ ухлайди» жумласи фақат муболага мақомида қўлланган бир гаңдир. Мундан бошқа маънолар чиқариш хаёлот ёки васвасадир. Зеро бошида бир оз муҳокамаси бўлған ҳар бир киши Ўзбекистоннинг Улуғ Ўктабр инқилоби-рача бўлған ҳоли билан Ўктабрдан кейинги тўққуз йил ичидаги интибоҳини¹⁹ (ижтимоиятда, илм ва маданиятда, хуроса, ҳар бир жабҳада) чакищдириб кўрса ўзини тамоман бошқа бир оламда ҳис этадир. Бас, мундаги жумла муболага орқалиқ ишчи-дәхқонни қитиқлаш, яъни уни яна ҳам юқори томонга қараб судраш мақсадида келтирилган; бу жумла зоҳирий тузилишдан муболага кулги, ички маънодан қитиқлаш Турмушдан мисол келтирилганда масалан: Тошпўлат аканинг бир ўғли бор. Тошпўлат ака ўғлининг ишга ихлосини, ўз ишида муваффакиятини яхши биладир. Лекин, шундօғ бўлса ҳам ўғлини «сен ялқовсан, одам бўлмайсан!» деб камситадир. Бу камситиш, яъни пўписа камси-тилғучининг чиндан ҳам ялқов ва гафлатда эканини кўрсатмайдир, балки унинг яна ҳам излатишга ва ўз нуқсонини қидириб тагин ҳам юқориланишга хизмат этадир.

Мазкур жумладан кейинги: «Аммо ўчоқ бошини ҳоли топқан ола-қарғалар бўлса хўбам билан номаъқуличилигини қиласяпти!» жумласидирки, мазмуни ҳаммага ҳам яширин эмас: Чор ва сармоя ҳукуматининг Ўзбекистонда қолған ва қўй терисига бурканиб эски ҳўжалиқни диморидан чиқаролмаған жониворлари ҳамон шўро идораларида ҳукм сурадирлар. Албатта улар қўлларидан келганича ишчи-дәхқон иқтисодига ва шу восита орқалиқ унинг маъориф ва маданиятига зарба беришга тиришадирлар. Ҳам заарлиқда шулар қаторидан қолишмайдирган, фақат ўз шахсий роҳати йўлида элни эмиб, қайрусиз, тоясиз, эчкининг оти Абдикарим бўлуб, етмаса иғвогарлик билан кун кечиргучи ўзимизнинг баъзи устолпараст, танпараст шахсларимиздан киноядир. Мундан кейинги «Қиласверсин, эгасига товоқ-қошиқ керак бўлса, ахир бир кун қатрон-патрон қилиб олар-ов оғайнин! Ишқиуб ўлмасдан баҳорга чиқиб олсамиз бўлти...». Бу ердаги эга — ишчи, дәхқондир ва чиқладирган баҳор уларнинг юксалиб чин сосализмга етишмакларидир Яъни ишчи-дәхқонларимиз иқтисодан юксалиб, маърифатан юқори-лашсалар, ўшандай заарлик мустамлакачи ва бошқа унсурлардан қутилурлар, қатрон қилиб уларни йўқотурлар, юварлар, деган маънода.

«Ерлиашдириш, ўзбеклашдириш илаҳ».²⁰ — Бизда бир хил кишилар бор, яъни зиёлиномалар. Ўзлари амалда бир пуллик иш қиласядирлар, аммо оғизда кўча саситиб, хасратлануб юридиirlар. Мазкур жумлалар ўшандай ишсиз, фақат ҳасраттагина таянған унсурлардан киноядир. Масалан, «ерлиашдиришдан ҳеч бир натижа чиқмади, фа-

¹⁸ Янги ҳарфат, янги алифбо

¹⁹ Интибоҳ — уйлониш

²⁰ Илаҳ — ... гаҳа

лон иш билан мундай ҳолатка түщим, ҳасратингни кимга айтасан», деб юргучи олифталарга ҳамма вакт учрашиладир. Овсар бўлса уларга «бингни олдида ҳасрат қил, хезлар!» деб заҳарханда қиласадир. Юқорида зикир қилинғанидек, мақсадлари фақат мансабдан, кайфу-сафодан иборат бўлган унсурлар бизда ҳали қуритилған эмаслар ва бунга газета бетларидаги хабар ва шикоятлар жонли шоҳиддир ва шулар қаторида ҳалигидек қуруқ ҳасратчилар ҳам йўқ эмаслар. Аммо буларнинг қаршисида жони билан, тани билан ишчи-дехқон саодатига қурбон бўлуб бош тикканлар ҳам кўб, жумладан ўртоқ Охунбобоев бунинг тимсоли мужассамидир. Ул ҳар қачон ҳар ерда камчилик ва нуқсонларимиздан сўзлаб, бунинг учун чоралар, тадбирлар излашка ҳам ишчи-дехқон саодати йўлидағи тўсиқ-ғовларни олиб ташламоқ учун барчани кўмакка чакирадир.

Биринчи устуннинг 25-нчи йўлидан бошлаб иккинчи устуннинг 4-нчи йўлияча бўлган ўртоқ Охунбобоев тўғрисидаги гаплар ёлиз унинг шу сифатидан киноядир. Масалан, фақат кўча сасигиб, оғзаки ғишиша қилуб юрган анави ҳасратчилар қаршисида ўртоқ Охунбобоев активний равища мајслис ва газеталарда камчиликларни чертиб отадир. «Ҳали-ку бу оғзаки ғишиша, аммо кечаги кун газетада... илаҳ» (5-нчи йўл, биринчи устун) муқаддимаси шуни ифодалайдир.

Иккинчи устун 5-нчи йўллардағи: «Шукур, қорнинг тўқ, қайғинг йўқ, бас тинчкина оқсоқоллигингни қилаверсанг бўлмайдими?» жумласи шахсий ҳазил бўлиши баробарида юқорида зикр қилинған қорни тўқ, бошқа қайғиси йўқ унсурлардан замзамадир. Яъни айтилмоқчим: Эй Охунбобоев! Нега сен анавиларға ўшамайсан! Қайғирасан, изланасан, билган ва ҳис эткан нуқсонларингни очик, айтасан, ўртоқлашасан, сен ҳам ўшалардек қорнингни силаб ётсанг бўлмайдими? Аммо бу жумладан анави танпарастларга онглатимоқчи бўлинған, айтилмак исталингган маъно бундайдир: Эй абдулҳақлар²¹ ва эй тан бандалари, ўртоқ Охунбобоевдан нега намуна олмайсизлар, ул сизларга ўхшаш қорним тўқ, қайғим йўқ деб тинчкина ётибдирми? (Мана шу ўринда айтилган маънени қуидаги жумлалар, яъни кулгунинг кетиши ҳам таъкидлайдир).

Иккинчи устун 7-нчи йўлдан бошлаб 13-нча йўлнинг охирича бўлған «Тузук, чақирим-пақиримингта маним ҳам қаршилиғим йўқ...» жумласи эса ўртоқ оқсоқолнинг мазкур маърузасини дарҳақиқат илтифот этишкага лойиқ бир цифр эканини, бизнинг тўкис маъориф — маданиятта эришмагимиз учун яна катта фидокорликлар кераклигини кўрсатиб онглатиш учун келтирилган.

Иккинчи устун 17-нчи йўлдан бошлаб «Шу замондаги баъзи одамларга ажаб ҳайрон қоламан, бир минг болага битта мактаб бўлса ни маю, ўн минг болала битта тўғри келса нима қайғи?» жумласи билан яна юқорида айтканимча ўртоқ оқсоқолнинг чиндан ишчи-дехқон маъорифи ва бошқаси учун ғамхўр ва бош оғиритканини кўрсатмакчи ва шу гуноҳи, яъни мазлум ҳалқ маъориф-маданияти йўлида ўз-ўзини

²¹ Абдулҳақ Тангрининг қули

машаққатлагани учун овсарона уни шилтalamакчиidirman -. Бундоf ки-
ноялик мадх аксар халқ орасида истеъмол қилинадир. Масалан, тириш-
қоқ ва жонкуяр бўлған кишига иккинчи бирор ўзини овсарликка со-
либ «қўй, нима керак сенга мунча ташвишни! Шукур бир кунинг
бўлса ўтиб турибдир; беш кунлик дунёда сен ҳам гинчкина юрсанг-
чи!» дейдирлар.

Иккинчи устун 20-нчи йўлдан бошлаб 3-нчи устуннинг бешинчи
йўлиғача бўлған «муддао мирзабошиларни кўпайтириб, идораларни ер-
лилашдириш бўлса... илаҳ» кулгулари ёлғиз ўртоқ Охуибобоевнигина
эмас, балки бошқа ўртоқлар дикқатини ҳам ерлилашдириш ва мада-
ний маъориф ишларига жалб килиш учун қўлланилгандир.

Маълумки, бизда икки хил зиёлилар бор: 1) эски, яъни Ўкрабргача
бўлған зиёлилар, 2) Янги Шўро зиёлилари. Такорга ҳожат йўқ; инқи-
лоббача бўлған ва Ўкрабрдан кейинги зиёлиларни етишдириган омиллар
ва шароит ҳаммага маълум. Шунинг учун мен уларни таҳдилига ки-
ришмай мазкур «Муштум» сонидари зиёлилар ҳақида бўлған кулгули-
ким устида гапираман:

Учунчи устун 15-нчи йўлдан бошлаб то 35-нчи йўлвача бўлған
гаплар мазкур икки хил зиёлиларни текширув мақсадида ёзилгандир.
Масалан: «Ўртоқ Акмал Чўлпонбойнинг... шеъри билан зиёниларнинг
афтига тупургани ҳолда яна нима учундир, «хезлар тавба қиласа уларга
фирқанинг кучоги очиқ!» деб қўядир. Дарҳақиқат хезлар тавба қиласа
ўртоқ Акмал бу тавбага ишонадими, йўқми аммо унга айтадириган га-
пим бор....». Бу жумлалар зиёлиларни фирқа кўзида тавба қилған бўлуб
кўринуб риёкорлик қилмасинлар, тавбаларга қуруқ сўз беришдан ибо-
рат бўлмасин мақсадида айтилган. Мундаги ҳарфан кузатилган муддао
эрса мундоf: Эй зиёлилар! Сизлардан баъзи бирларингизнинг яқин
мозийдаги камбагаллар ҳукуматига берган зарарларингиз майдонда,
бунинг учун меҳнаткашлар афтларингизга туфласалар ҳақлидирлар.
Меҳнаткашларнинг кучоги бизга очиқ экан деб риё билан меҳнаткаш-
лар ишига аралаша кўрмангиз, чунки меҳнаткашнинг ақли ҳуши бо-
шида, яқин ўткан кунларингиз унинг кўз оқида. Эй ўртоқ Акмал, агар
улардан биртаси мазкур риёкор мунофиқлик ҳолатида ишка аралаша-
дириған бўлса, сен бунга ҳозир бўл, эҳтиёт тур! Аммо тавба тўғрисида
сенга айтадириған сўзим бор: «Мен ҳар куни худога тўққуз мартаба
осий бўлуб ўн саккиз мартаба тавба ва истиғфор айтаман». Яъни бу
гапдан журод уларнинг тавбалари биздаги оддий маънода юрган тавба-
дан бўлмасин. Бу кунги фирмә олдида қилинадириған тавба тамоман
яни, чин маънодаги тавба бўлсин. ҳар куни тўққуз мартаба истиғфор
айтиб ўн саккиз мартаба қайтадириған тавбадан меҳнаткашларга фойда
йўқ.

«Тавбага бўйин буқкан банда бандаларнинг энг ярамасидир, қуллик
бунёд қилған расво, расволарнинг яна ашаддий расвосидир». Бу жумла
билан ўша оддий маънода бўлған тавбани инкор қилинадир, яъни тав-
ба қулликдир, бўйин эгиш бандалиқдир, банда эса ҳақиқатка тушуниб

эмас, күчланиб, ожизланиб бўйин букадир. Бас, бу ҳолдаги тавба тавба эмас, балки шахсий ихтиёрни, муҳокамани қўлдан бериб одамгарчиликдан чиқишидир. Тавба, қуллик бу дунёда қилиш бўлмасин, чунки бу расвоник, аммо ҳақиқат олдида бўйин эгиш бўлсин. Ўзинг бир ҳақиқатка қонмай туруб ва ўзингнинг хатойингта тушумай туруб фақат ожиздан қилинған тавба тавба эмас; ҳам ўзингни, ҳам ўзгани алдашdir, расвоникдир.

«Ўз бутунлигини сақдай олмаган бошқага енг бўлаолмайдир». Бу жумла юқорида айтилган ихтиёрий шахсни такрорладир. Яъни шахсий бутунлик, мустақил шахсият қуллик билан зиддир. Шахсий бутунлиги бўлмаган, яъни ўзида ҳақиқатни ихтиёр қилабилиш кучи тополмаган ожиз, ихтиёrsиз одамлар жамият учун фойдалик ва чин ағзо бўлолмаслар. Чунки, аксар мунюфиқлик ва майдалик ихтиёrsиз ҳам ўзига ишончсиз ва имонсиз кишилардагина гавдаланиши илмий равишда исбот қилинғандир.

Мени маъюблар²³ курсисига ўтқизған «Йифинди гаплар» мақоласининг асли кузаткани ва ёзғучисининг мақсади юқорида мазкур шарҳлардан иборатдир. Бундан бошқа маънолар чиқариб, турлиқ ихтимолларга бориб қайтиш ўринсиздир. Агар баъзи ўртоқлар шундай мулоҳазаларга кеткан эканлар, бу эса кулгуликнинг, айниқса адабий кулгуликнинг бизда ҳали ёшлиғидан ва ўзлашиб етмаганлигидан келадир. Шуни ҳам айтиб ўтишни, ёддарингизга солишини лозим топаманки, кулги мақоладаги мустаор имзо мақоланинг ҳаракатини аксар ваqt ўз тарафига буруб юритадир, яъни музҳика ёзғучининг мустаор шахсига лойиқ гаплар, жумла ва таъбирлар орқасидан эргашадир. Мақоланинг имзоси Овсар қўйилған, демак ундаги кўб таъбир, ифодалар овсарона, далиёнадир.²⁴ Тентакни тентак тинглайдир, деганлариdek, кулгуликдагина эмас умуман сажиавий адабиётка яқин турған кишилар бу мақолани шу нуқтадан қараб текширсалар яна ҳам ҳақиқат очиладир. Масалан, маним кулгуликда ишлатадирган неча турлик мустаор имзо²⁵, яъни қаҳрамонларим бор: Калвак маҳзум, Тошпўлат, Овсар, Думбул, Шилғай ва бошқалар. Агар сиз шу имзолар билан ёэилған кулгуликларни текшириб чиқсангиз, мунда асли ёзғучининг шахсини тамоман кўролмайсиз, фақат сўзни имзо эгасининг ўз оғизданғина эшитасиз: Калвак маҳзумни ўқинг: кўбдан ҳақиқий ҳаёт билан алоқаси узилган, мадраса хурофоти билан мияси ғовлаган холис бир маҳалла имомини кўрасиз. Тошпўлатни ўқинг: ишсиз, бири бит, бити сирка бўлмаган ва шу фақирилик орқасида ўғрилик ва фахшият денгизида сузиб тажангланган холис бир чапанин кўрасиз. Овсар ва Думбулларни ўқинг ва текширинг, ҳоказо.

Одил судлардан сўрайманким, мен айблантган мақолани, маним устимда турлик шубҳалар тутдирған кулгуликни шу юқорида санаған мезонларга солиб текширилса ва ҳукум берилса экан. Кулгуликда улар

²³ Маъюб — айбдор

²⁴ Дали — тентак, девона

²⁵ Мустаор — иширип тахаллус

айткандек ёмон нияг билан яширилған ҳеч бир маңын йўқ. Ҳарна ёзиғани бир «Овсар» тилидан фақат ишчи-дехқон манфаати кузати-либ айтилған, ҳукумат кишиларига бўлған гаплар, ўртоқлик ҳазили, шахсий мазоҳар²⁰, мунда бошқа гаплар, маънолар бўлса юқорида бир даражада төъзод²¹ қилуб ўтдим. Шоҳидлардан Олий Судга мен қоралан-гучи — қора курсида ўлтургучининг фақат шахсий адоват орқасида бу ҳолга тушганим яхши онглашилди деб биламан. Шундоғ бўлса ҳам, яна бир даражада шоҳидларниң ўз сўзларидан холоса ясаб адолатлик суд-ларниң хотирларига тушуриб ўтаман:

1. Гувоҳлардан ўртоқ Левченконинг ўрта Осиёда сиёсий жиҳатдан юқори ўринни ушлаган ГПУ²² 27-инчи соннинг дунёга чиқарилишига рухсат берган, яъни ГПУнинг рухсат беришидан шу маъннон онглашиладирким, маним мазкур сондаги «Йиғинди гаплар» мақолам судларга илмий ва адабий йўлда шарҳлаб берганимдек заарасиз, нафсониятчилар айткан маънода эмасдир, ҳам шундоғ бўлиши табиъий. Йўқса ҳар бир нуқтани эринмай текшириш билан машҳур бўлған сиёсий идора 27-инчи сон «Муштум»нинг дунёга чиқарилишига йўл қўймас ва рухсат бермас эди. Аммо бир неча шахслар бу мақолани ўзларининг, билмадим, қандоғдир тарозуларига солиб, зааралик то-пишлари эрса ғаразгўйлик, тирноқ остидан кир излашдан бошқа нарса эмасдир.

2. Хуршид Шараф маълумки, олган таълимоти бўйинча мени қора-ламоқчи бўлади. Лекин ўрисларниң «бигизни қопда... алх» деган мақоллариdek, унинг маним устимда бўлған туҳматлари, бўхтонлари ўзи-нинг берган жавоблари орасида «манаман» деб қопнинг қорини ёруб чиқиб турди. Хуршиди тобон деганимиз ўзини жинниликка-тентак-лика солиб қаради. Аммо адолатлик судларниң тўғри текширишлари ҳақиқатни оча боруб ёлғон шоҳидни ўбдан довдиратди, алвон рангта киргизди. Мен унинг довдир шаҳодатининг ҳамма нуқталари устида тўхтамайман. Чунки улар муфассал равишда суднинг забтномасига²³ киритилгандир. Аммо шунигина айтиб қуяманким, Хуршид дейдир: «Мирмуҳсин-мен «Бон-бон» деган манзумасини» «Босилмасин» деган эдим» деб айтди. Бу гап билан Хуршид ўртоқ Мирмуҳсиннинг бир ваколатини содикона адо этмоқчи эди. Бирок, таассуфки, муваффақи-ятлик чиқмади. Хуршид ўзининг бошқа шаҳодатлари каби — «Мир-муҳсин «Босилмасин» деб резолютсия қўйганда мен қараб турган эдим», деса, иҳтимолки, маним устимга оғир юкни қўюб эгасига содик қолған бўлур эди.

3. Зиё Сайднинг ҳақиқатка тескари шаҳодати тўғрисини унинг коммунистлик виждонига ҳавола қиласман. Аммо бир неча нуқталари устида тўхтаб олишга мажбурман: «Мұҳаррирнинг хонасига кириб Ко-мил билан Жулқунбойнинг жанжаллари устидан чиқдим», дейдир. «Ора-

²⁰ Матоқар — ҳазил

²¹ Төъзод — санаш, тисоблаш

²² ГПУ — Государственное Политическое Управление

²³ Забтнома — протокол

²⁴ Мантума — шеърий асар

да Санжар билан Фози Юнус ҳам бор эди», дейдир. «Ундан сўнг матбаага тушуб архивни ахтариб юрсам «Бон-бон» манзумаси чиқди, қарасам «Босилмасин. М.» деб имзо қўйилған экан, лекин ўзим Хуршидининг «Баҳри қадам» мақоласини олиш учун борган эдим», дейдир. Шундан кейин «Бон-бон»ни папкамга солуб идорага олиб бордим, ундан сўнг терговга топширдик», дейдир. Зиё Сайднинг бу сўзи нимани онглатадир? Унинг бу сўзидан шу келиб чиқадиким, ул «Баҳри қадам» мақоласини олиш учун бормаған, балки менга 116-инчи статьяни бердириш нияти билан борган. Чунки, қонунан лозим эдики, архивни қарағанда ёниға холис кишиларни чақириб текшириш ва акт қилиш. Мана бу томондан ҳам маним устимга ишланган соҳтагарлик ўз орзи билан айтуб турадир. Янада Зиё Сайднинг кеча берган жавоби ичидаги: — «Муштум»да босилиши мувофиқ кўрилганлиги резолюция қўйилмаган мақолалар ҳам бўлар эди, — деган сўзи ҳам одил судлар учун шоёни дикқатдир.

4. Энди обллитнинг саркотиби ўртоқ Милков устида тўхтайман. Мен тўғрилик орқасида бош кетса «эҳ» дейдирган йигит эмасман. Муқаддимадаги сўзимда айтдим: Мен ўша кун матбаага тушганимда ёлғиз «Ийинди гаплар»дагина эмас, балки бошқа материалларда ҳам обллитнинг штампаси йўқ эди. Энди бутун ҳайрон қоламан, бундаги штампалар қаёқдан келди ёки бунда ҳам маним устимга бир юқ ортмоқчи эдиларми? Ўртоқнинг дабба жавобидан маълум бўладирким, бу орада ҳам бир найранг курмоқчи бўлғанга, ишни чалқаштируб, маним бошимни қотириб, довдиратмоқчига ўҳшайдилар. Дарҳақиқат, гап шундай бўлмаса обллит деган мастьул бир ўринда ўлтурувчи ўғил боланинг жавобига қаранг: эмиш фирмә ўргани бўлғани учун «Муштум»нинг материаллари текширилмасдан устига штамп босилиб берилар экан. Бу ҳолда журнални обллитнинг рухсатисиз чиқарабериш лозим бўлмасмиди? Ҳар бир сақифа материалга штампа босишнинг нима ҳожати ва карточка ёзишининг қандай зарурати бор эди? Бу масала жуда муаммо. Тузук, обллитнинг рухсати, яъни штампаси бўлиши маним учун зарарлик эмас, лекин ўзим матбаада материални кўрган чоримда штампа йўқ эди.

Мен қайси йилда ва қайси ойда туғилғанимни билмайман. Ҳар ҳолда бемавридироқ бўлса керак, камбағал, боғбонолик билан кун кечиргучи бир оиласда туғилуб, яқинларимнинг сўзларига қарағанда, мустабид Некалайнинг таҳтка ўлтурған йилида туғилғанман. Бошида бой оиласда гуғилдимми ёки камбағал оиласами, албатта билмадим. Аммо ёшним 7—8 га етгач, қорним ошқа тўймаганидан, устим тузукроқ кийим кўрмаганидан аниқ билдимки, беш жоннинг томоги фақат 80 ёшлик бир чол отамнинг меҳнатидан, 1300 саржин борнинг ёзда етишдириуб берадирган ҳосилидан келар экан. Агар баҳор ёмон келуб, боғ мевалари офатка учраб қолса, биз ҳам очлиққа дуч келуб, қиши билан жоворашиб чиқар эканмиз. Ёшим тўққуз-ўнларга борғандан сўнг мени мак-

табга юбордилар. Мактабда икки-уч йил чамаси эски усулда ўқуб, кейинги вақтларда оиласизнинг ниҳоятда қашшоқдиқ, кечиргани важ-хидан ўн икки ёшимда мени бир бойра хизматчиликка бердилар. Хўжа-йиним ўзи савдогар киши бўлуб, ўрисча ёзув-чизув биладурган одамга муҳтоҷ эди. Шу тамаъда бўлса керак, мени ўрис мактабига (русско-туземная школа) юборди. Мактабдан қайтиб келгандан сўнтра хўжа-йинимнинг хизматини қилуб юрганим учун мактабдан тегишлиқ исhtiъфодани ололмадим; икки йил мундоқ хизматда юруб, чидай олмасдан отам-онамга ёлворуб, ўз уйимга қайтуб келдим. Ва ўз уйимдан боруб ҳалиги мактабда ўқуб юрдим. Акам дуродгорлик, яъни тоқичилик қилур эди. Уйга келгач, мактабдан бўшаған кезларимда тоқичилик ҳунарига ўргата бошлади. Икки-уч йил чамаси шу тоқичилик ва бор ишлари билан бўлуб юрдим. 1912-нчи йилда мануфактур билан савдо қилгувчи бир кишига йилига 50 сўм баробарига прикашчик бўлуб кирдим. Ва шул хўжайнинда 1915-нчи йилгача хизматда бўлдим. Шу миёналарда бозор воситаси билан татарлардан чиқадирға газеталарни ўқуб, дунёда газета деган гап борлигига имон келтурдим. 1913-нчи йилда ўзбекча «Садойи Туркистон», «Самарқанд», «Ойна» газеталари чиқа бошлағач, менда шуларга гап ёзуб юриш фикри уйғонди.

Идорадагилар билан танишлигим бўлмағани учунми ёки ёзган гапларим маъносиз бўлғани учунми, кўпинча «Идорадан жавоб» билан мени мамнун қиласар эдилар. 1913-нчи йилларда чиқсан «Падаркуш» пьесаси таъсирида «Бахтсиз куёв» деган театр китобини ёзуб юборганимни ўзим ҳам пайқамай қолдим (1915-нчи йилда). Яна шу йилда татарларда чиқиб турған ҳикоя ва рўмонларга тақдидан «Жувонбоз» отлиқ ҳикоячани ёзуб, ношир топилмаганидан, ўзим нашр қилуб юбордим. Энди чин мусанниф³¹ бўлдимов, деб қувонар эдим.

1915-нчи йилда (прикашчик бўлғанимнинг учунчи тўртинчи йиллари) хўжайнинимнинг иши тўхтаб, дўконига печат тушди. Шунинг билан маним прикашчилик тақдирим ҳал қилинуб, уйга қайтдим. Яна акам билан эски тоқичилик касбимга киришиб, ҳар кимларнинг эшигига кунлик ишлаб юрдим. Қиши кириб, дуродгорлик иши тўхталғандан кейин мадрасага ўқушга кирдим. Бир қиши мадрасада ўқуб, кўклам чиққач, яна тоқичиликка кетдим. Шу ҳолда 1917-нчи йил феврал инқилоби етди Некалай таҳтдан йиқилғандан кейин оддий ҳалқ милитсасига кўнгилли бўлуб ёзилемдим. Шу хизматда бир ой чамаси турганимдан сўнг, Тошкант Эски шаҳарида очилган «Озиқ комитети»га мирза бўлиб кирдим. Шу чоққача мен ўзимда бирорта сиёсий фирмага мансубият ёки яқинлик ҳис этмас эдим. Бу эрса менда асослик маълумот йўқлиғидан, яна тўғриси саводсиз авомлигимдан келар эди. Некалайнинг таҳтдан йиқилиб хуррият бўлғанига хурсандлитим, албатта дунёга сифмас эди ва сифмаслиги табиъий эди. Айниқса 1916-нчи йил рабочий олиш масаласидан кейин умуман Туркистон ишчиларида уйғонран истибоддога нафрат менда ҳам кучлик эди. Феврал инқилобидан кейин

³¹ Мусанниф — огувчи



учредителний собрания бўлар эмиш, деган тап чиқди Ўзимиздан бўлса «Турон жамияти», «Турк адам марказият», «Мухторият», «Уломо жамияти», «Шўрои ислом» деган муаммолар тўқилуб, миям шишиди. Кўнгилли милитсия бўлуб юрганимда «Турон»га аъзо бўлуб юрган эдим. Аммо «Озуқа комитети»га хизматка киргач, мени «Турон» аъзалиғидан чиқарғанлар эмиш, деб эшиткан эдим. «Хўб» дедим ҳам юра бердим.

Шу вақтларда матбуотда Русиядаги сиёсий фирмалардан «сосиал-демўқрат», «сосиал-революционер», «кадэт», «интернационалист» сўзлари сўзланиб туар эди. Айтиб ўтишим керакки, ҳалиги сиёсий исмларга газета ўқуидирған бўлғанимдан бери таниш бўлсан ҳам уларнинг чин маъноларига тушуна олмас эдим. Чунки бизнинг ўзбекчада ва на татарчада бу сиёсий фирмаларнинг йўллариға оид ҳеч бир ўқуидирған асар йўқ эди. Феврал инқилобидан кейин газеталарда ўртоқ Ленин исми ва «большевик» деган гаплар чиқа бошлади. Аммо айта оламанки, ўша вақтларда бизнинг Туркистонда (бу кунги Ўзбекистонда) коммунизм, умуман социализм маслакидан тублик маълумотка эга бўлған киши йўқ бўлса ҳам эҳтимолки, битта-яримта бўлғандир. Шунинг учун мен ўзимни бу тўғрида умуман Ўзбекистон ишчи-дехқонларидан ва бу кунги масъул ва ғайри масъул ишчиларимизнинг ўша тарихидаги ҳолларидан юқори ўринга қўя олмайман: яъни мен ҳам ул вақтларда большевикларга бир онгиз ишчи ёки деҳқон ва бир мутаассиб мулла ёхуд имомдан ортиқ баҳо бера олмас эдим. Буюк Ўктабр инқилобини ҳам шу йўсун онгиз миллат ичида қаршиладим. Ўктабр инқилобидан сўнг ўртоқ Исмоил Обидов³² билан танишдим. Ул инқилобдан кейин доҳилия комиссарига ўринбосар таъйинланған ва Эски шаҳар ўзбек ишчи-мехнаткашларини уюшдиришда раҳбарлик қиласа эди. Унинг илан танишганим менга кўб фойда берди. чунончи большевик ва бошқа сиёсий фирмаларнинг йўллари билан ошнолащдим ва унинг таклифига мунофиқ Эски шаҳар ишчилари орасида бел боғлаб ишлашкан киришдим. Ул вақтларда Тошкантда биринчи уюшкан ишчилар — бинокорлар бўлиб, агар мен зиёли ҳисоблансан, уларнинг орасида ишлай бошлаган бир зиёли фақат менгина эдим. Буни ҳозирги вақтда Марказий Ижроқўм раисининг мусовини ўртоқ Султонхўжа Қосимхўжаев' яхши биладир. Исмоил Обидовга мирза бўлуб, уламо ва бойларға қарши хитобнома ва ишчиларни ташкилотка чақириб, тарбибломалар ёза бошладич. Уларнинг баъзиси ўшал вақтдаги «Улур Туркистон» газетасида ва баъзиси варака равишда босилуб, тарқатилар эди. Мундан бошқа, Эски шаҳарда янги уюшдирила бошлаган касаба союзларининг ҳар бирини янги очища саркотиб тариқасида иштирок этар ва уларга кўлимдан келгани қадар раҳбарлик қиласа эдим.

1918-нчи йилнинг бошларида «Эски шаҳар озиқ комитети»ни бойлар қўлидан олинуб, комитетнинг раислиғига ўртоқ Султонхўжа Қосимхўжаев таъян қилинган эди ва мен мазкур комитетнинг ўзбекча саркотиблиғига кирдим. 1919-нчи йилнинг аввалларида «Озиқ комитети»

исмидан чиқарилмоқчи бўлған «Озиқ ишлари» газетасида муҳаррир бўлуб таъиниландим. 1920-нчи йилда касабалар шўросига саркотиб бўлуб кирдим ва Эски шаҳар касабачилик ҳаракати тўғрисида газеталарга хабар ва мақолалар ёзуб турдим. Шу кунгача шўро идораларида кильган хизматларимни бирма-бир санаб ўлтуриш узоққа чўзиладирған бўлғанидан, мундан кейин муассаса исмларинигина аташ билан кифояланаман «Рўста» деворий газетасида муҳбир бўлуб, «Иштирокиён» ва «Қизил байроқ» газеталарида сотрудник, собиқ Туркистон марказий фирмә қўмитасининг ташвиқот бўлимидан чиқадирған «Инқилоб» ва «Коммунист йўлдоши» мажмуаларида саркотиб ва сотрудник бўлуб, ҳам «Муштум» журналининг муаниси ва таҳририя аъзоси бўлуб, то 1924-нчи йилгача меҳнаткашлар манфаатига холис ишлаб келдим. Шу ўткан етти йил орасида шўролар ҳукумати ва фирмадан бир оғиз танбия¹³ олмадим. Холоса, бошқаларнинг хизмати дафтари билан событ бўлса, маним хизматларим матбуот билан равшандир. Ва хизматим инқилобий «Қизил Ўзбекистон»нинг ҳар бир аъзосига маълумдир. Ишчи-дехқонлар ёзған асарларимни сўйиниб ўқуидилар ва мени ёзғучилар қаторига киргиздилар ва ҳамон ўқурлар ва унутмаслар. Чунки мен уларнинг ўз ичларидан чиқсан, уларнинг дард ва тилакларини яқиндан билгучи, бунинг устига Улуғ Ўқтабр инқилобидан сўнг унинг шароитида, тарбиясида етишкан бир ходимлари эдим. Мени бойлар, эшонлар, уламолар кўролмас эдилар, чунки мен уларни ишчи тилидан чақсан ва сирларини очқучи душманлари эдимки, буларни ҳам сўзлаб ўлтуришка ҳожат йўқ, ҳақиқат майдонда.

Шу хизматларимни албатта осонлик билан майдонга қўймадим. 1917-нчи йил билан 1923-нчи йил ораларини хотирингизга олингиз. Мамлакатда рўзгор бузғунлиги, босмачилик, очлик ва бошқа хароботлар.

Ишчилар ҳукуматига хизмат қилища оиласи билан оғир, фожиъ, очлик кунларини кечиришга тўғри келди. Оладирған маошим менга қарашлиқ тарбиямдаги етти-саккиз жоннинг озигига етмас эди. Лекин озодлик йўлида ҳар қандай оғирлиқка ҳам чидаб, муқаддас хизматимни ҳамиша давом этдира бердим. Бас, шу ҳолда мантиқ қолипига солиб муҳокама қилинсин, меҳнаткашларнинг заиф ва ҳар бир жиҳатдан нуқсонлик бўлған кунларида улар ёнида событ қолуб, бу кун меҳнаткашнинг гуллай бошлиған даврида тескаричилек қўчасига кирсинми? Бойлар, уломолар, чўнтакчи хони ва ўғрилар, умуман, Ўзбекистон тескаричиларига қарши матбуот майдонида жиҳоди акбар¹⁴ эълон қилуб, ўзига қарши ҳар бир бурчақдан тескаричи душманлар қаторлашдирған бир киши шўролар ҳукуматининг айни гуллаган кезида зиёни деб топилсинми?

Балки мени фирмасизлиқда айблагучилар, ўзинг меҳнаткаш, дехқоннинг дардига шунчалик яқин бўлатуриб нега фирмага кирмадинг, дегучилар ҳам бўлур. Бу ҳақли гал, дарҳақиқат мен мунда айблиқман,

¹³ Танбия — оғозлантириш

¹⁴ Жиҳоди акбар — дин йўлида уруш



чунки маним габиъатимда фардликка³⁵ яқин бир хусусият бор эди. Фирқанинг интизомига бўйсuna олмаслиғимдан қўрқар эдим. Аммо ўзим foя ва иш эътибори билан чин коммунист эдим.

Ўктабр кундан-кунга ўсти. Унинг ўсиши баробарида маданий, илмий эҳтиёжлар ҳам ўсти. Юқорида ҳам айтиб ўтдим. Мен тартиблик мактаб қўрмаган нодон бир йигит эдим. Унча-мунча билган нарсаларим ҳам ўз тиришувим орқасида зомон шароити ва мажбурияти остидари чала-чулла гаплар эди. Кейинги кунларда нодоналиғим ўзимга қаттиғ ҳис этила бошлаб, бу ҳол билан узоққа кета олмасимни сездим. Ва 1924-нчи йилда хизматимдан жавоб олуб, Московга ўқушға кетдим. Мақсадим, уч-тўрт йил илмий муассасаларда бўлинмак эди. Московдан 1925-нчи йилнинг июн ойида ёзғи таътилга Тошкантга қайтдим. 1925—26-нчи йилнинг таҳсилита Московга бораман, деб тайёрланған вақтимда Алимов мени олиб қолди. Алимовнинг мени олиб қолишининг сабаби шуаки, ул маним қандай киши эканлигимни яхши билар эди. Чунки бултур мен унинг билан Московда олти ой бир хужрада яшаганман ва маним қандай йигит эканимни ул яхши синаған эди. Биринчи ноябрда бўлса керак, «Муштум» хизматига киришканман ва тўрт ой ишлаганимда мени тамом ҳайратда қўйған маълум арзимаган гап билан қамоққа олиндим.

Қисқача таржимаи ҳолимни баён этиб, сўзимнинг охирида шуни айтмоқчиман: мақолани заарарсиз ва журналга мувофиқ топиб босишиға рухсат бергучи Комилнинг ўзи эди. Бу кун ўз лавзидан қайтуб виждо ни оддида қибқизил ажива бўлгучи, мени қоралағучи ва устимға бошқа бўхтоналарни тақиғучи ҳам унинг ўзи бўлди. Уч ойлардан бери матбуот саҳифаларида ўринисиз ва бошқа фақат менга қаратилиб бўлган ҳақсиз ҳужумлар, онглашилмовчиликлар, bemаза иснодлар ва жимжималик замзамаларнинг бош омили ҳам шубҳасиз Комил ва шериклари эди. Хулоса, адоват мамлакат рангида бўялди...

...Сўзим охирида одил судлардан сўрайман: гарчи мен турлик бўхтон, шахсият ва сохталар билан, ҳам онглашилмовчиликлар орқасида иккинчи оқданмайдирған бўлуб қораландим. Лоақал уларнинг, қораловчи қора кўзларнинг кўнгли учун бўлса ҳам менга энг олий бўлған жазони бера кўрингиз. Кўнглида шамси губороти, тескаричилик мақсади бўлмаган содда, гўл, вижданлик йигитка бу қадар хўрлиқдан ўлим тансикроқдир. Бир неча шахсларнинг орзусича маънавий ўлим билан ўлдирилдим. Энди жисмоний ўлим менга қўрқунч эмасдир. Одил судлардан мен шуни кутаман ва шуни сўрайман.³⁶

³⁵ Фардлик — ёланзлик

³⁶ Суд 1926 йил 15, 16, 17 июн кунлари бўлиб ўтиб, охири Қодирий устидан унга икки йил қамоқ жазоси бериш ҳақида ҳукм чиқарилади. Бироқ Олий Суднинг ўзи шу куни Ўзбекистон ССР Олий Советига уни озод қилиш тўхрисида илтимоснома ёзди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми маҳсус мажлис чакириб қарор чиқаради, тайер езилган қарорга президиум аъзолари: Охунбобов, Биксон, Фозиев, Волик, Икромов, Иванов, Қосимхўжаев, Рахимий, Строгонов, Челогузов ўртоқлар «мен розиман» имзо қўйиб, Ўзбекистон Олий Суднинг илтимоси қондирилади. Абдулла Қодирий 18 июнда ҳамоқдан озод қилинади. лекин бундан сўнг матбуот ишларидан узоқ тутилади.

РАВОТ ҚАШҚИРЛАРИ

«Равот қашқирлари» картинаси ҳақидағи мұлоҳазалар ёнида мен ҳам қысқагина фикр баён қылмоқчи бўлдим.

Шу кунгача ўзбек ҳаётидан ёки, умуман Ўрта Осиё ҳалқлари гурмушидан олиб ўйнаған фильмларнинг ҳаётимизга ёндашиб келган лавҳалари, кўринишлари бус-бутиң деб бўлмаса-да ва лекин қисман ҳаёлий, соxтанамо бўлади. Бу ҳол ёлғиз кинолардагина эмас, ёвруполикларнинг ҳатто Ўрта Осиёда чиқадурған кундалик газета, журнallарида ва адабиётларининг бизга барышланиб ёзилған парчаларида, лавҳаларида ҳам шу ҳаёлот ёки ривоят орқалиқ ёзилған ваҳималарга кўб учрашамиз. Аксар шундай соҳталикларга йўлиқкан ўзбек табитий, ўзини кулгидан тўхтата олмайди, ёқа ушлаб ўзига иснод қилинған «нав ижод ҳаёт»ни бир неча вақтгача кулги мақомида ўртоқлариға, ҳазилмандалирига сўзлаб юради.

Шунга ўхшаш бултур ўйналиб, бир неча ойлаб кино чодирларини обод қилин «Ажал манораси», «Мусулмон хотин» каби фильмлар ўз навбатларида тўқиб ташлаған «афсона»лари билан бизни кулдирган — «гурмушимиздағи шундай гапларни биз билмас эканмиз-да!» — деб ўз аро мутояба қилишқан эдик.

Ўзбек давлат киносининг «Равот қашқирлари» ҳусулини¹ чодирда кўрсатила бошлағанини эшитгач, кўнгил яна суслана бошлади, балки ... деб шубҳаландим, чунки кўб йиллик тажриба бунга бир жиҳатдан ҳақ ҳам берар эди. Шу сусов ораси «Равот қашқирлари»ни кўргали бордим. «Таассуф» эмас, «тақдир»ким, ўзбекнинг биринчи кино ўюнидан рози, қаноатланган ҳодда қайтдим.

Ўзбекнинг уяtsиз бойи, камбағал дехқони, Каромат бибиси, домаамоми, Содики, Жалили, тўй-хашами, ерсиз камбағал дехқоннинг онгизалиғидан фойдаланиб, ўзи каби қашқирлар подаси тузган босмачисини кўрдим. Буларни қуруққина кўриб қолмадим: Работакнинг «бой ака» исмида юргучи қашқирларини жонлиқ, камбағал дехқоннинг чорасиз, гарип ва эқтиёж орқасида қизини қашқирға баҳолаб бергучини кўрдим. Содикни хўжасиға итдек ихлос билан ишлаб бергучи лаванг, таёқхўр² ва сўнгра шўролар ҳукуматининг ташвиқот ҳам таъсири барракасида одамшаванда кўрдим. Айниқса, Жалил, босмачилиқнинг томир ёйиши маншаъининг жонлиқ тимсоли эди. Жалил онгсиз, саводсиз; ўйлаб-нетиб туриш йўқ, Каромат қўлдан кетди. Абдунабибойдан ўч олиш керак! — отига минди, човига қамчи берди, от шаталоқ отди, кетди — босмачи!

Дарҳақиқат, қўрбоши акалар нима билан бир неча кун жон сақлай олдилар? Шўро қонунлари йўлра қўйила олмаған янги даврда уяtsиз Абунабибойлар ва қўй терисига яширинған қишлоқ арбоблари ва бошқаларнинг ўз тилаганларича иш кўриб. Жалил каби ихтиёrsиз, заиф батрак, камбағалларни жондан тўйдирғанлиқларидан келди. Улар ўзла-

¹ Ҳусул — досиа. натижаси.

² Ақласиз.



рининг қоралиқлари орқасида, қордан қутилиб, ёмғурга тутилиб «амирул мўминин» қўрбошиларға яна ем бўлдилар.

«Равот қашқирлари»ни томоша қилған кўбчилик ёвруполикларнинг олған таассуротлари, тушунишлари қандайдир, билмадим. Аммо ҳар бир ўзбек ўз томошасини роҳатланиб, завқланиб томоша қилди; Абдунабининг уятсизлигини, ўз «бой акаси»нинг виждансизлигидан ажратолмади. Совчиликқа, деб судралиб юрган домла-имомни «Калвак махзум эмасми?»¹, — деб бир-бирига қарашиб олишди. Кароматнинг дадаси эзилган, бари-барига етмай қарзига одам баҳолаб бериб юрган бир ориқ дехқон ва бошқалар Умуман ҳаётимизнинг бир қанча нуқталарини ҳикоя сифидирған қадар «Равот қашқирлари»да жонлик кўрдик, десам янгиш бўлмас. Бу тўғрида биринчи мулоҳазасини «Правда Востока»да ёзған ва «ҳаёт йўқ» деб ачинган Гафиз ўртоққа «ҳаёт бор, лекин хаёл йўқ» деб мутояба қилғум келади.

Бундаги масъул рўлларни ҳаваскор бўла туриб ҳам дуруст адоқилған ўзбек артистларимиз ўзларига яхши умид боғлатдилар. Айниқса Содикда талант мўл кўринди. Ўзбек қизи рўлидаги Кароматхоним ўзининг сиймоси ва аксар ҳаракатлари билан ёвруполик эканини унугдира ёзди. Бой рўлидаги ўртоқнинг бир мунча ортдириб, тузлаброқ қилған ҳаракатлари сезилиб борди Камбағал дехқон рўлидаги «ота»нинг типи жуда муваффақиятли сайланған.

Энди қартинанинг бизча таңқидбоп нуқталари устида қитта тўхтаб оламиз. Қарз олғани келгап Жалил дехқоннинг бойнинг олдига тиз чўкмай қақдайиб туришлари ва турған ҳолда пулни олиб кетишлари тўғри эмасдир. Никоҳ куни бойникига мажбурият ва зўрлиқ остида жўнайдурған Каромат дадасидан фотиҳа олғач, бошқа хотинлар билан бирга чопиб аравага чиқади. Ҳолбуки, ўзбекнинг кекса бойига ёки ўзи хоҳламаған кишига берилган қизи тикирлиқ билан, хотинларнинг зўри, судраши билан аравага юзланади. Бой Кароматни уриб турған ҳолатда хизматкори Содикнинг ичкарига кириб бойни кўтариб олиб чиқиши ҳақиқатдан узоқроқдир. Чунки ҳар қандай ҳолатда ҳам «номаҳрам»нинг киши уйига кириши мумкин эмас, балки урулған хотинни уйдаги бошқа хотинлар, масалан, бойнинг онаси ёки катта хогини ажратиб олади. Кароматнинг ишдан бўшаған ҳолида эчки билан овениши ҳам бизга ётрок, қўшни қизлар билан копток ўйнаш, ҳалинчак (арғимчок) учиш ва шунинг каби ўйинлар бор Босмачилиқ масаласида ўртоқ Гафизнинг фикрига тамоман кўшула олмасақ-да, уларнинг бачча сақлашдан ғайри тарафларини ҳам кўрсатиш керак эди (масалан, Шайхулислом, қози, муфти кабиларнинг босмачилиқда дин номидан фатво беришлари, қўрбошидан инъом-эҳсон кўриб йигитларни ғазотқа даъват қилишлари ва бошқалар). Ҳолбуки, босмачилиқда энг зўр рул ўйнағанлар шу уламолар эдиларким, буларга кўзим тушмади.

«Правда Востока»нинг ёвруполик ўқуғучиларини хатога солғани учун ўртоқ Жўрабоевнинг кечаги сондаги, айниқса бир жумласи тўғрисида изоҳ бериб ўтишни лозим топаман. Жўрабоев «Жўрабоев» бўлса

¹ Калвак нахум — ўзбекча бир ҳикоянини ҳаҳрамони (муал.).

ҳам янги куёв Абдунабибойга хотинлар томонидан солинган исириқни «тўғри эмас» (неправдаподобно) деб ўтади. Ҳолбуки, бу одатни ўзбекнинг ети ёшлиқ боласи ҳам билади. Жўрабоевнинг инкорини ўқиб «Жўрабоев онаси билан тўйға бормаган экан, ёки отасидан етим қолиб, ўзбекдан ғайри бир оиласда тарбияланган экан», деб ўйладим. «Жўрабоев» ўзбек бўла туриб тўйда келин ва куёвга солинадурған исириқни инкор қилиб ўлтуриши уягдур. Билмаган нарсасини биламан даъвосида бўлиб кўбчилкни адаштириши, билмадим тагин нимадир.

Сўзим охирида ўзбек давлат киноси биринчи қадамни озгина хато билан, аммо келасидаги муваффақиятига бизни ишонтирган ҳолда бости ва «Равот қашқирлари» бизга бу тўғрида ҳар жиҳатдан таъминот берди. дейман. Менга қолса, ўзбек давлат киносини чин муваффақиятка олиб борадурған нарса мумкин қадар сценария ёзувчиларни ўзбеклардан етищдириш ва ҳозирча бўлса ёврополик сценаристлар ёнига ўзбекларни тиркаб қўйиш, артист ва аристкаларни ўзбеклардан тарбиялашдир. Чунки ўзбек турмушининг майдо-чуйдасигача ўзбек боласи билади. Ўзбек бўлмагач, ҳар қандай мутахассиснинг ҳам афсона кўчасига кириши аниқ ва бу ҳолда «ўзбек киноси»нинг маъноси ҳам бўлмас.

А. Қодирий — Жулкунбой,
«Қизил Ўзбекистон» — 1927 йил 28 апрел.

ИЗОХ

Кечаги 94 (708)-нчи сон «Қизил Ўзбекистон» газетасида ёзилған «Равот қашқирлари» тўғрисидаги маним мулоҳазаларим бундан бир ярим ойлар илгари «Правда Востока» газетасига атаб ёзилған ва шу кунгача, нима утундир мазкур газетада босилмай келган ҳам шу мақолани «Қизил Ўзбекистон»да босишқа мувофақат берилган эди. Мақоладаги фикрлар кейинги кунларда «Қизил Ўзбекистон»да ёзилған мақолаларнинг мажмуъи, мундарижа ва фикрлари билан бир бўлғани учун, гўё, мундаги мулоҳазалар ўшалардан олингана ўхшаб қолибдир. Биноан алайхи «Қизил Ўзбекистон» ўқуучилариға шуни изоҳ қилиб ўтишни лозим кўрдим.

А. Қодирий — Жулкунбой,
«Қизил Ўзбекистон» — 1927 йил 29 апрел.

«ЎТКАН КУНЛАР» ҲАМ «ЎТКАН КУНЛАР» ТАНҚИДИ УСТИДА БАЪЗИ ИЗОҲЛАР

Меним «Ўткан кунлар»им тўғрисида Сотти Ҳусайннинг^{*} катта танқиди босилиб, яқинда тамом бўлдиким, бу муҳтарам «Шарқ ҳақиқати» ўқуучиларининг маълумидир. Ижтимоий ёш олимимиз С. Ҳусайн ўзи-

* С. Ҳусайн «Ўткан кунлар» ҳам «Ўткан кунлар» номли жуда катта маколасида етувчини ва ушбу романни социалистик реализм қолиб-қоидларига солиб таҳлил қилади, таҳқираму ғадо-лайди. Мақоланият мақсади езувчиги ва ижодини синфиий жиҳатдан буржува синфиға киритиб унга коявий ишончсизлик турдириш эди.

нинг кўб вақтини сарф қилиб, танқидчилик бобидағи бирмунча нуқ-сонларимизни тўлдурушқа буюк жасорат ва ғайрат кўрсатдиким, бунинг учун биз, адабиёт муҳиблари, С. Ҳусайнга ташаккур айтишқа, ҳар доим бу йўлда унга моддий ва маънавий ёрдам бериб туришка бурчлимиз.¹

Бундан бирар йиллар муқаддам ўртоқ Сотти Ҳусайн «Ўткан кунлар»-ни танқид қилиш ниятида бўлғанигини менга изҳор қилиб, ёрдам сўрағанида, унга хурсандигимни билдирган, «агар сен шу ниятингда собит қолсанг, танқидчиликдағи бир нуқсонимизни йўқотасан!» деган, керакли маълумотлар бериб, ҳатто мени рўмон ёзишға ҳавасландирган Миср фузалосидан устоз Жўржи Зайдон² билан уни таништириб, Жўржи Зайдоннинг рўмон ва ғайри асарларини С. Ҳусайнга тавсия қилиб ва орзуси бўйинча таржимаи ҳолимни ҳам ёзиб берган эдим. Дарҳақиқат, сиз ва бизнинг вазифамиз бундай ёш, ғаюр³ йигитларга ҳар доим далда беришлиkdir.

Бу қадар катта ва тўла танқидни кўрмаган хонаңдалардан² бальзи-лари (эҳтимолки, меним юзим учун бўлса керак) «зериқтириди, мавзуъ-дан чиқди, фалон» каби шикоятда бўлиндиларким, баҳорхол бу йўсун сатҳий³ тушуниш ёки бундай муфассал танқидни ўзбек матбуотида биринчи мартаба кўришдан ёхуд мунаққиднинг⁴ баҳсига яхши тушун-маганлиқдандир. Дуруст, бирмунча мавзуъдан чиқиш каби ҳоллар кўрилди, аммо мунаққиднинг билоқасд⁵ мавзуъдан чиқишидағи мақсади ўзбек ёш ёзгучилариға адабиёт бобида бир қадар дарс бериш, уларга раҳ-барлик қилиш эди, деб ўйлайман. Бошқа жиҳатларда танқидчининг қусури кўрилар экан, бунинг ёшлиғига ва тажрибасизлигига ҳавола қилиш лозимдир.

Мўътабар «Шарқ ҳақиқати» газетасининг шу устунларини қора-лашдан мақсадим С. Ҳусайннинг «Ўткан кунлар»им тўғрисидағи тан-қидига жавоб бериш фалон бўлмай (чунки бу меним вазифамга кир-мас деб ўйлайман), балки сарлавҳада кўрсатилганча менга ғариброқ туялған бир неча нуқталар устида изоҳлар беришdir.

Сўз чўзилмасин, ўқуғучининг қийматли вақти исроф бўлмасин, деб изоҳдамакчи бўлған бир неча нуқталаримни баndlарга ажратиб юри-таман:

1. Танқидчи — «Юсуфбек ҳожи дабдуруслан исён чиқаради, озғи-на жарчилиқдан сўнг тўполон бошланиб, уруш бўлиб кетади» («Шарқ ҳақиқати», 132 -сон) деб ажабланадир Ҳолбуки, ўша исенning жараё-ни айнан мен ёзганчадир. Ёлон-яшиғи йўқ, исён «дабдуруслан!» Материалистча ўйлаганда ҳам бу «дабдуруслан»нинг сабаби очилса керак. Масалан, 70 кун мұхосарада⁶ қолған, очиқдан, нонсиз бир ҳалқа бун-дан юз йил илгариги курс билан 32 танга (бир ярим тилла баробари)

¹ Ғаюр — ғайратли.

² Хонаңда — китобхон.

³ Сатҳий — юзаки.

⁴ Мунаққид — танқидчи

⁵ Билоқасд — мақсадсиз.

⁶ Мұхосара — камал.

солиқ солинсин-чи, қандай томоша бўлар экан! Шундай кезларда халқقا бир раҳбаргина керақдир. Шу раҳбарликни «дабдурусдан» Юсуфбек ҳожи ўтаса на ажаб.

2. «Ўткан кунлар»да кўпрак кўлланған дидактика тўғрисида. Ди-дактика усулини кўпрак қўлланишнинг сабаби «Ўткан кунлар»нинг оммамизнинг савиясига қараб ёзилишидандир. Маълумки, бизнинг омма то шу кунгача ҳам Ўрта аср достон ва ҳикоялари билан озиқланиб келадир. Омманинг шу ҳолини назарга олғанда, бармоқ билан сана-рик, беш-ўнтағина (улар ҳам ўз қунарларида нўноқлардирлар) ёшлари-миз учун «сўнгги приём»ни бериш—тиши чиқмаран болага қурт ши-митиш каби бўлар эди. Ҳолбуки, бу эски приём жўртта, халқимизнинг савиясини эътиборга олиб қабул қилинғандир. Ҳалқнинг завқини, ру-ҳини назарда тутилмаса, «сўнгги приём» деб Ёвропонинг сўнгги мўда-сини тақдим қилинса, бундан нима маънно чиқариб бўлар эди. Ҳаттоки мен «сўнгги приём»лардан баъзисини «Ўткан кунлар»га эртарат кир-гизган бўлсан керакки, чойхонада ўлтурган таниш бир деҳқондан «мул-лака, шу Кумушбибининг китобини⁷ хўб ёзғансиз-ку, бироқ, бу баъзи ерида гапини худда чови аралаш ушлайсиз-да, тушуниб олғунча энка-тенкамиз чиқди-да!» деб «сўнгги приём»дан шикоят эшиткан эдим.

«Ўткан кунлар»ни ёзар эканман, доим қўз ўнгимда ўқуучи омма-миз турар эди. Мен бу китобим билан халқимиз рағбатини бир оз бўлса ҳам янгиликка тортай дер эдим. Шунинг учундириким, ҳатто бир фаслни тамом ташлаб ўтар эканман, «фалон ҳолни бундан сўнгги фасл-ларнинг бирида ўқурсиз» каби сўз билан ўқуучига таъминот бериб қўйишишқача мажбурият сезар эдим.

Машрабнинг «бердисини айткунча» калтак еб олғанини тушунар эдим. Бу ҳақда ҳануз бир фикрим бор:

Модомики, асар савияси ўзимизга маълум шу халқ учун ёзилар экан, яна бирмунча вақт «сўнги приём»лардан кўз юмиб туриш, ора-лиқда «сўнгги приём»ни оз-оз қистира бориш лозимдир. На учунким, «сўнгги приём»да ёзилган шеър ва насрларимиз бир табақағафина хос бўлиб қолаберғани даъвомизга далилдир. Вақтени, биз кўбчилик — ишчи ва деҳқон оммаси учун ёзар эканмиз, «ески приём» билан ёзади, биноан алайҳи⁸ бу ёзғучига биринчи нўмирни бермаймиз», деб қилинған танқидлардан ҳуркмаймиз.

3. Танқидда «дидактика» деб ҳиссий чекиниш (лирическое отступ-ление)ни ҳам аралаштирилиб юборилған. Масалан: «Мен — ёзғучи...» деб, кундаш жанжали тўғрисидағи ўз ҳиссиётимни айтиб ўтар эканман, ҳатто буни «янги приём»лар ҳам маъғу⁹ санаб, йўл берадир. Бу «дидактика»дан бошқа гапдир.

4. Танқидчи мени мантиқсизлиқда айблаб келиб, мисолга — «Ку-муш қиз экан, ота-онаси ундан сўрамай, ризолигини олмай эрга бера-ди, эрдан чиқғандан сўнг (Отабекдан сохта ажралғандан кейин) ик-кинчи эрга берища ота-онаси Кумушнинг ризолигини оламиз, деб

⁷ «Ўткан кунлар»ни демакчи (муал.).

⁸ Биноан алайҳи — шунга биноан.

Алф атилган, узрли



овора бўлишдилар. Бу мантиқсизлик А. Қодирийнинг эсига келмайди, чунки шу мантиқсизлиқни ишламаса, рўмонни боялайлирған ип чувалиб кетади» («Ш. Ҳ.» 137-сон) деб ўтади.

Холбуки, бу «мантиқсизликқа» турмуш ҳақиқатига қараб иртикоб¹⁰ қилингандир. Зеро, эски турмуш айтади: «Кумри қиз экан, ота-онасининг танлашлари билан эрга чиқсин, бу одоб, иффат тақозоси. Вақтики эри ўлди ёки эрдан чиқди, эндиликда ота-онасининг унинг эр қилишида ихтиёрлари йўқ, фақат улар маслаҳатчиларгина (бу одат йигитлар устида ҳам шундай. «Ўткан кунлар»нинг 1-бўлим 1-фаслига мурожаат). Қизлари эндиликда куёвни ўз кўзи билан кўради, уй-жойларини, касби корини текширади — унга рухсат». Бинобарин, «Ўткан кунлар»даги «мантиқсизлик» ҳам шу мақомдадир. Бунда мунаққид Сотти Ҳусайн маъфу. Зеро, Кумушдан ризолик сўраш устида озғина тўхтаб «дидактика» истеъмол қиласам иш тамом эди. Аммо мен ҳалқ орасида маълум ва машҳур бу урф устида «дидактика» ёзишни лузумсиз топкан эдим.

Танқидчи С. Ҳусайннинг бир фикрига мен ҳам қўшиламан: ёзгучиларимиз ва танқидчиларимиз учун ҳалқ орасига кириш, унинг урф одатига гарчи машаққат бўлса ҳам вуқуф¹¹ ҳосил қилиш лозимдир.

5. Хушрўйиби танқидчига ғайритабиъий (бўлмаған) тип бўлиб кўринади. Бошқа типларни ғайритабиъийроқ топилса ҳам бироқ улар устида Хушрўй каби қатъий ҳукм беришмайдир. Хушрўйнинг табиъийлигини онглаш учун яна турмуш кишиларини ўрганиш машаққатини зиммага олиш керак.

6. Танқидчи мени «Ўткан кунлар» билан ўтри қиласа ҳам, лекин адабиёт ўтилари тўғрисида баҳс қила келиб: «Ўткан кунлар»нинг анча ери Жўржи Зайдоннинг «Армануса», «Ўн еттинчи рамазон»¹² рўмонларига ўхшаб кетса ҳам, унда Абдулла Қодирийнинг ўз сўzlари ҳам кўбдир» («Ш. Ҳ.», 175-сон) дейдир. Ўқуучилардан баъзилари бу билан шубҳага тушиб, «Ўткан кунлар»даги Жўржи Зайдоннинг сўzlари қайси ва сизнинг сўzlарингиз қайси?» деб менга мурожаат қилдилар. С. Ҳусайннинг юқори ва қуидаги йўлларидан бундай маъно англашилмагани учун уларға «Оқилон пайрави нуқат нақунад»¹³ жавобини бериш билан кифояландим ва ҳануз шу фикрдаман. Шунга ўхшаш танқидчи — ёзууда, тилда бир оз нўноқроқ ва бепарво ҳаракат қиласа керакким, унинг жумлаларидан бир қисми изоҳга мухтоҷ кўринадилар Жумладан, танқидчи, Ўкабр инқилоби вақтида меним ҳолимдан дам уриб, «А. Қодирий бу ўзгаришлар вақтида ҳаёт эди» («Ш. Ҳ.», 199-сон) деб кўяди. Албатта бундан меним ҳозирда холи ҳаётда¹⁴ бўлманилигимни (яъни ўлганлигимни) онглаш тўғри бўлмайдир.

7. Отабекнинг ишқидан ва умуман муҳаббатдан баҳс қилиниб, «ишқ-муҳаббат доимий бўлмайди» дейиладир. Бу фикрга мен ҳам қўшула-

¹⁰ Иртишкоб — киришиш, ҳаракат қилиш.

¹¹ Вуқуф — воқиғлик, ҳабардорлик.

¹² С. Ҳусайн Жўржи Зайдоннинг фақат шу икки асаринигина ўқутган кўринади. Мен унга Жўржининг ҳамма асарлариши тавсия қиласан, рўйхатини топширган эдим. (муал.)

¹³ Оқилон шуқтага аҳамият қиласмайдилар.

¹⁴ Ҳоли ҳаёт — ҳаётлик, ўлмаганилик.

ман. Аммо ишқнинг беш-үн йилга тортилиши аниқдир. Бунинг мисоллари ҳаётда беҳад кўб. Отабекнинг ишқи уч-ярим-тўрт йилгина Бундан тинчсиз, ҳажр ва фироқли шароитда ундан ҳам кўбга тортилиши маълум.

8 Баъзан «меним сўзга усталигим» тўғрисида ҳазм ва қолибдан юқорироқ мадҳларда бўлинған — «бу ҳолни тасвирига қалам ожиздир» каби узрларимни «ёлғон айтади, сўзга жуда уста» деган каби талқин қилинадир. Дуруст, менга қарағанда тубан кишилар учун мен «жуда ҳам сўзни қотирадиган кўринарман», бироқ «ўзимдан ўтади, ўзим биламан», деганларидек, ҳар кимнинг аҳволи ўзига маълумдир. Баъзи руҳий кечинмалар (переживание) борки, киши сезади, тушунади. Бироқ шу ҳолни қоғозга туширмакчи бўлинғанда сўз топилмай, ифода қилолмай ҳайратда қолинади, ноилож ажзни¹⁵ иқрор қилишга, «қаламим ожиздир» дейиншка мажбур бўлинади. Меним «Ўткан кунлар»-даги ажзларим ҳам шу жумладандирлар.

Изоҳотаарим яна бир банд билан битадир. Юқорида айтканимча танқидчининг ҳар бир баҳс ва мақоласига тўхташ меним вазифам эмас.

9. Танқидчи: «Абдулла Қодирий пролетариат инқилобига нисбатан узокроқ қишидир. Чунки ҳақиқатан А. Қодирий майда буржуазия ёзувчисидир. Унинг синфий асосини белгилаш таҳдил вақтида катта аҳамиятта эгадир» («Ш. Ҳ.» 123-сон), деб меним синфий асосимни белгилашни ўз таҳдилнинг негизига олмоқчи бўлса ҳам, бироқ анчагина узун мақолада белгилаш учун кўли тегмагандек бўлиб қоладир. (Ёки ул меним таржимаи ҳолимни ёзиб, ижтимоий аҳволимни белгиладими, шаҳардан четроқда турғаним жиҳатдан «Ш. Ҳ.»ни тартибли ололмайман. Езган бўлса, мени афв қилсин). Меним қўлинидари газеталарда фақат «маида буржуазия вакили» дебгина кетаберадир ва гоҳи «А. Қодирийни нотариус ва банкалар сиқиб кўйди, ўзи майда буржуазиядан тутулди» («Ш. Ҳ.» 201-сон), дегандек ҳам бўладир. Мен шунга ҳайратда қолдимки (агар ижтимоий аҳволимни белгиламаган бўлса), меним таржимаи ҳолим ҳаммадан ҳам С. Ҳусайнга маълум эди-ку, яна шу ҳолда мени... Бунчалик лобар ҳаракатни Сотти ўртоқнинг ўзи «чунки А. Қодирий шундай мантиқизлиқдан кўз юммаса, рўмоннинг ипи чувалиб кетади», деб ҳукм қилганича, танқиднинг ҳам ипи чувалиб кетишидан қўрқиб қилмадими ёки танқидчи тасаввур қилган «реализма» тақозоси шуми ва ёки ўз таъбирича «бу нарсалар Жулқунбойға даврни, у яқин турған майда буржуазия синфининг илган хуржинининг натижасидир»ми¹⁶.

Ҳар ҳолда танқиднинг шу тарафи (башарти мен газета сонларини кўрмай кечирган бўлмағанимда), меним назаримда нуқсонли сезилди

Ўртоқ Ленин ҳақиқатнинг кўзига тўғри қарашка ўргатадир.

А. Қодирий (Жулқунбой),
«Шарқ ҳақиқати» — 1929 йил, 218-сон

¹⁵ Аж — ожизлик

¹⁶ Бундати таъбир маъзур кўрилсин С. Ҳусайннинг ўз мақоласидан айнан олини (муал.).

¹⁷ «Шарқ ҳақиқати» газетаси 1923- 30-йилларда Тошкентда чиқкан. Тошкент вилояти партия комитети органи.



ТАРБИЯ ИШЛАРИГА ДИҚҚАТ

ВКП(б) Марказқомининг 1932-нчи йил 23-нчи апредда чиқарған тарихий қарори Ўзбекистон шўро адабиётида зўр ўзгариш ясади, адабиётимизга кенг доира чизди. Аммо биз ҳали бу қарордан тегишинча фойдаландик, деб айта олмаймиз. Ёш ёзувчиларимизга адабий тарбия бериш бобида ҳануз қатъий бир ҳаракатимиз йўқ; уларни адабиёт тарихи, адабий мактаблар, адабиётдаги фалсафий жараёнлар ва бошқача адабиёт ҳунарлари билан танишириш учун қимирламадик. Бу масалаларга яна совук ҳолда қарар эканмиз, ёш талантларни яна йўлсиз ташлаған бўлиб ВКП(б) Марказқомининг тарихий қароридан чинлаб фойдаланмаған бўламиз, адабиётимиз сактали¹ ва хом ҳолда давом эта берадир.

Абдулла Қодирий,

ВКП(б) М. Қ нинг адабий-бадиий ташкилотларни қайтадан қуриш ҳақидаги қарорининг бир йиллиги муносабати билан ёзилган мақола.

«Қизил Ўзбекистон» — 1933 йил, 23 апрел.

ЎЗИ ХОН — КЎЛАНКАСИ МАЙДОН

Ёрқори ака коранды ишлатиб, киши кучидан фойдаланувчи эди ва подшоҳ, вақтида порахӯр ариқ оқсоқоли эди, деб «Ёв» қишлоғидағи «Ўтқун» колхозида мувакқат раис бўлиб турған Тожибой Ёрқориевни айблаб бўлмайди. Тожибайнинг ўзи шу яқинларда Кўктерак бозорига ошпазлик дўкони очиб, неча йиллаб савдо билан шугулланған ва отасидан қолған 13 таноб ерни ижарага берган эди, деб яна уни тергаш қийин. Бу томонларни текшириш вазифаси бошқалар зиммасида. Аммо бизнинг вазифамиз Ёрқориев «Ўтқун» колхозини йўлга қўниш учун райондан белгиланиб келган эди, у ўз устига юклатилган вазифасини адо қилдими, колхозни йўлга солиб юбордими, устидадир.

Партияниң чин аъзоси бўлган киши синфий душман билан қизғин курашмоги керак. Ҳолбуки, бизнинг Ёрқориев қишлоқ муштумзўрлари билан илгарилар очиқча ва ҳозирда зиддан алоқа юритади. Сўнгги очилишларга қараганда, алоқа ҳам қуруқина эмас: қишлоқ муштумзўрларидан бири бўлған Тўлаган Назаров тергов ва суд ҳузурида Ёрқориевга «қарз тариқасида» бир телпак, бир кумуш соат, бир пут ун, 350 сўм пул берганлигини икрор қилади.

Ёрқориевга қулоқлардан олинган «қарзлар» кифоя қилмайди, чунки, «эҳтиёж» зўр... Бинобарин, молия идорасига тегишли бўлған икки қоп ун, бир қоп буғдой ва бир челяк эритилган мойни уйи томонга «шамғалат» қилишига ҳам мажбур бўлади...

Ўтган 1932 йилда Ёрқориев колхоз ячейкасида икки ой чамаси мувакқат саркотиб бўлиб турған эди. Таассуфки, ўша вақтларда ўзи асосан транспортда хизмат қилиб, забор¹ билан фойдаланған жиҳат-

¹ Сакта жонси.

¹ Зabor — озук-овқат олиш ҳукуқини берадиган ҳороз



дан уни колхоздан ҳам таъмин қилиш ўринсиз топилған эди. Бу йил Єрқориев колхоз раислигига белгиланиб келгач, бултурги ячейкалик күнлари учун ўн пут бұғдойни «ундириб» олади.

«Рўзгор» деган сўз «чор ишқал»нинг биринчиси Нима бўлғанда ҳам бу «ишқал»дан чиқиш керак. Fўзакеңтдан колхозчилар учун бұғдой сотиб олинади. Бұғдой у қадар иззатталаб бўлмаса ҳам Єрқориев бұғдойни «истикбол қилиш» учун ячейка котиби Қобиловни йўлга чиқаради. Лекин.. лекин шу қадар иззат ва эҳтиёт билан келтирилган бұғдойнинг вазни кутилмаганда 240 кг. кам келади. Єрқориев ҳам бунга «таассуф» баён қилиб, акт билан «таъзия» изҳор қиласди.

Колхознинг қалин-қаттиқ, қоровул ва кўруқчили омборларидан 7 пут мөш, 2 пуд мой йўқолади. Колхозчилар идора ва раисдан дуруст бир тафтиш ва тергов кутадилар. Аммо Єрқориевнинг бу гўрида у қадар хуши кетмайди. Бир-икки далқир «тут ўтрини» дейди-да, шу билан бу достонни ҳам осоннина хатм қиласди. Колхозчилар эса тури «васваса»га тушиб қолаберадилар...

Ёрқориев хотин-қизларга сериштаҳалиғи билан ҳам чакки эмас. Ҳозирда учунчи мартаба уйланиб, тўртинчи ва бешинчи уйланиш фикри ҳам бор, деб эштилади.

Шу бевафо, таги пуч дунёда ичищдан бошқа қандай овунчоқ бор, деб ўйлайсиз. Бунга Ёрқориев билан ячейка котиби «чорчашм» (чунки колхозчилар уни тўрт кўз атайдилар) Қобиловлар яхши имон келтирғандирлар. Шаҳар ва станциядан яширип ва ошкора келтириб турған ичкиликлар бу икки дўстни ва учунчи томондан мажлисдошлиғи лозим бўлған қишлоқ шўро раиси Раҳимовни унчалик қониқтириб етолмайди. Йигитларимизга четвертлаб ва челяклаб бўлмаса план 100 процент бажариди, деб бўлмайди. Кооперативга ушланиб келган ароқдан 2 ярим четвертини хариц қилған Ёрқориевга колхозчилардан бири:

— Хўжайн, бунча ароқни нима қиласиз? — деган савонни бергандা:

— Сигир сугораман.. Сенинг бундай гапларга аралашиб ёка қандай ҳаққинг бор?! — деб Ёрқориев бўкиради.

Дарҳақиқат, Ёрқориев айттанича, сигир сугориладими ёки утта ҳўқиз сурориладими, колхозчининг текширишга қандай ҳақди бор!

Ўта ичкан бир кун Ёрқориев ўз дўстлари билан «сан-ман»га боришиди-да, ўз-ўзини жағидан отади Ҳушёрлиқда ўйланиб кўрилса, албатта, партия аъзоси учун бу яхши гап эмас. Докторға элтадилар Ёзилған актда «душманлар колхозни бузмоқчи бўладилар, мен шунга чидоммай, ўзимни отдим...» деган «маъқул» важни кўрсатади. Яна шу ҳолда унинг иши контролъ комиссияга жўнайди. Ўзи бўлса бу ёқда лунжига жимжилоқдек ўқни берикитиб ҳануз оғзини саситиб юрибдир.

Ичкилик деганин совуқ сувдек симирган билан унча кайф қила олмайсиз. Хуруши бўлмаса, бу ҳам бир бало. Аммо Ёрқориев ва шериклари бу ишқалдан ҳам осон қутуладилар. Аини пахта экиш ва чопик маъракаларидан қатъий назар колхозчилардан уч нафари балиқ тутушга сафарбар қилинади-да, отини ҳам «артел» деб тасмия этилади. «Ар-

тел» томонидан тутилган балиқлар ҳар кун хуруш-закуска учун қовурилиб турилади Ҳозиргача балиқ тутиш «артели»га 130 ишчи куни сарф бўлиб, колхоз бу жиҳатдан ҳам катта муваффақиятларга эга!

Эрта-кеч аччиқ сув ичилавергандан сўнг одамзоднинг шилиниб тушиши аниқ. Ёрқориев бунга ҳам қулай йўл топади. Колхоз қарамоғидаги ҳамма бияларни ўз «раҳбарлиги»да бўлган 11-нчи бригадага йиғиб, қимиз қилдира бошлайди, «рўзгор»дан ортса қимиз бозорга чиқади, ортмаса, унча қийналиб гурилмайди. Хулоса, ҳамма жиҳатдан ҳам мамнунчилик...

Ёрқориевларнинг «маъқул» бу ҳаракатлари табиъий колхозчиларнинг тинкасига тегади. Орада танқидчи, дод-фарёдчи меҳнаткашлар кўриниб қоладилар. «Қаттиқўлли» Ёрқориев бунда ҳам унча шошмайди. Ўзини танқид қилувчи башарти бригадир бўлса, вазифадан олиб ташлайди (тасқара каби), дала мудири бўлиб келганлар колхоздан ҳайдаладилар (Зуфар Фулом шу жумладан), колхозчи бўлса чопиқ ишларининг нақадар зарурлигига қарамай, юнг юватурған заводга «командировка» қилинади (бундай меҳнаткашлар олтмишлаб ҳисобланадилар). Ишни жуда яхши олиб борған бригадалар «орқада қолди» деб қора тахтага ёзиладилар (15-бригада). Аммо Ёрқориевнинг ишратига қарши сукут қилган бригадаларнинг экин ишлари нақадар орқада бўлмасин, қизил тахтада турдилар. Танқид қилған кишиларнинг хотинлари чопиқ вақтида ишлаб турған жойидан ҳайдалади (чунки бунда иш нуқтаи назаридан эмас, нафсоният нуқтасидан иш юрийди). Танқидчининг бир таноб, ярим таноб боғи бўлса, «боғингни умумийлаштирамиз» деган таҳдидга йўлиқади. Танқидчи четдан келиб колхозға қўшилған батраклар бўлса, Ёрқориев «колхоздаги кўрпа кўтардиларнинг... га тепиш керак» деган шиорни ташлайди.

Колхозчиларнинг дод-фаредлариға на район шўроси ва на бошқалар илтифот қилмайдилар, эҳтимолки, уларнинг ўзлари Ёрқориевга шундай йўриқ берган бўлсалар...

Натижада ҳозирда колхознинг 1, 2, 4, 5, 9, 10, 11, 13 ва 14-бригадаларнинг пахта ерлари танқиддан тубан ҳолда, ҳатто сўнгги текшириш асосида Ёрқориев ва Қобиловлар «раҳбарлиги»га боғланған бригадалардан икки гектар пахтанинг биринчи чопиқни ҳам кўрмаганлиги акт қилинди. Аммо «жанжалчи» бригадалар (3, 6, 7, 12, 15) ишни нақадар ауруст олиб борған бўлмасинлар, яна ҳануз қора тахтада яшайдилар...

Яхшини ёмон, ёмонни яхши кўрсатиш «ўзи хон — кўланкаси майдон» бўлиб юрган Ёрқориевнинг кўлида бўлгандан сўнг, кўлингиздан нима ҳам келарди?!

Йўловчи,

«Қизил Ўзбекистон» — 1933 йил, 12 август.

ЛУГАТ ПУДРАТЧИЛИГИ ВА ҚУРУҚ РАСМИЯТ

(Шўро ёзувчисининг хати)

1933-нчи йил август ойларида Ўзбекистон давлат нашриёти бир неча ўртоқлар билан «Русча-ўзбекча тўла сўзли лугат» тузиб беришга шартнома боғлади. Ўша вақтда шартнома тузувчи колективнинг бир аъзоси ҳисобланган Абдулла Сайдов «П» ҳарфини ишлашни ўз устига олади. Ўзбек тилига оз ошно бўлганилигиданми ёки киши кучидан фойдаланишини ўзига касб қилиб олганлигиданми, бир неча вақт лугатни ишламай судрайди. Сўнгра Ўзнашр тазиيқи остида коллектив аъзолари билан келишиб тузилган шартнома асосида «П» ҳарфини ишлаб беришни сўраб менга мурожаат қилади. Мен қабул қиласман, бир қанча вақтлар ўлтириб «П» ҳарфини тузиб чиқаман. Колектив қабул қилиб олади.

Мен Сайдовни вижданли билиб, шартномани ўз отимга ўтқазиб олиш тўгрисида ўйлаб ўлтирмайман.

Бу кун лугат босилиб, контрол сонлари Ўзнашрга олинади. Ўзнашр билан ҳисобни битириш чори етади. Бироқ, ўртоқ Сайдовнинг мен билан сўзлашгиси келмай қолади. Шартнома устидан оқча олганлиги устига қолмиш ҳисобни битириш учун Ўзнашрга ўз отидан счёт ҳам топширади. Мен мақсадини онглаш учун Сайдовга мурожаат қиласман. Сайдовнинг менга қарагиси келмайди. Муомала гўё ёвларча, бегоналарча. Мен коллективга ариза бераман. Колектив: «П» ҳарфидан 497 сўздан бошқаси («П»ни тахминан 11000 сўз дейдик. А. К.) Абдулла Қодирий томонидан ишланган. Бунда Сайдовнинг ҳечқандай алоқа ва хизмати йўқ. Ўзнашр ҳисобни Абдулла Қодирий билан юргузсин» мазмунли қарор чиқариб нусхасини Ўзнашрга юборади. Ўзнашр коллективнинг қарор ва мурожаатига илтифот қилмайди. Биз формал равишда Абдулла Сайдовни таниймиз, сиз билан ишимиз йўқ, судга берингиз, деди.

Муҳаррир ўртоқ!

Иш, хизмат менини, ўзнашр архивида сақланган асл қўлёзма менини аммо бу меҳнат бараварига ҳақ олиш «вижданли» Сайдовники!

Сайдовлар учун илгарилар бу хилда «ҳалол касб» билан кун кўриш мумкин бўлса бўлгандир; аммо энди, айниқса бу кун, яъни ёруғ очик кунда ўғрилиқ?!

Абдулла Қодирий — Жулқунбой.

Редакциядан: Ўзнашр идорасининг масалага бундай куп-куруқ расмийат кўзи билан қараб, асл ҳақиқатда ишлаган кишини овора қилиши ҳечбир кечирилмасликдир. Ўзнашр масалага чиндан қарағанда адабиёт ва тилни пудратта олмоқчи бўлганилар билан алоқа қиласалиги керак эди.

«Қизил Ўзбекистон» — 1934 йил, 11 август.

Ёзувчи ўз ижоди тўғрисида

Абдулла Қодирий — Жулқунбой докладиган

«Ўткан кунлар», «Мехробдан чаён», «Обид кетмон» ва бошқа бир мунча асарларнинг ёзувчиси Абдулла Қодирий 10 марта «Ёш ленинчи»нинг адабий тугарагида ўз адабий тажрибаларини ёш ёзувчилар билан ўртоқлашди. Ёзувчи ўзининг узун докладида ўз ижодининг ҳамма томонларини ёритишга уринди. Унинг докладининг биринчи қисми то биринчи романни ёзишгача бошидан кечирган саргузаштларига, унинг турмуш мактабига бағишланган эди:

— Менинг бошимдан кечирғанларимни айтишимдан мақсадим шуки, ҳақиқий ёзувчи бўлмоқ учун турмушни ҳар тарафлама ўрганиш, бунинг учун унинг ҳар соҳаларидан хабардор бўлиш керак. Қисман менинг бошимдан кечирғанларим менинг ёзувчи бўлишимда каттагина роль ўйнаганлар. Ҳақиқий ёзувчи бўлишни истаган ёшларимиз ҳам дастлаб шу турмуш ичига киришлари, уни билишлари керак, — дейди ўртоқ Абдулла Қодирий.

— Турмушнинг турли соҳаларида ишлапим натижасида мен ўзбекларнинг урф-одатларини, улар ичида учрайтурған типларни ўрганолдим.

Асарлар устида қандай ишлашига кўчиб, ёзувчи айтади:

— Мен бир асар ёзишдан аввал шу ёзмоқчи бўлган нарсам ҳақидағи материалларни пухта ўрганиб чиқаман. Мен бирор жой тўғрисида асар ёзмоқчи бўлсан, ўша жойни аввал неча марта бўлганим эсамда, яна бориб текшириб, яхшироқ ўрганиб келаман. Материални ўрганиш маҳалида энг майда нарсаларга (деталларга) ҳам аҳамият бераман. Масалан, мен ҳалиги ўрганмоқчи бўлган ерда қанча дараҳт борлиги, уларнинг қанчаси эски ва қанчаси янгилиги, мен борган маҳалда ўша дараҳтларда қандай қушлар қайси хилда қўниб турганлиги ва шунга ўхшашиб жуда майда нарсаларгача. Биринча қараганда бу нарсалар ҳеч аҳамиятга молик бўлмайтурғандек кўринса ҳам, кейинроқ фойдаси тегиб қолиши жуда мумкин. Масалан, «Ўткан кунлар»ни ёзиш чоғида Марғилонға борганимда бир кўчада ўтаётib, намозшом маҳалида дов қилинаётган зигирёгининг ҳиди бурнимга урулди, мен буни эсда тутиб қолишга тирищдим. «Ўткан кунлар»нинг бир жойида шу кичкина бир детал киргизилганида, берилаётган тасвирнинг яна ҳам одам ишонарлик бўлиб чиққани эсимда. Умуман деталлар ўқувчида ёзувчига ишонч уйғотади. Лекин мен ҳар қандай майда деталларни ҳам асарга киргиза бермайман. Уларнинг шу асарнинг худди жойида тасвир этилаёттан аҳволга, идеяга тўғри келиш-келмаслигини суриштириб ишлатаман.

Ёзувчи бўламан деган ҳар бир киши ўзида мана шундай турмушни майда-чуйдаларигача кузата олатурған қобилиятни ўсдириши керак.

Ёзувчининг ўзидан қўшиши (русча айтганда «вымысль») адабий асарда катта роль ўйнайди, — дейди яна ёзувчи, — лекин мен турмушда кўрмаган, билмаган нарсам ҳақида ҳеч нарса ёзмайман. Ҳар бир асаримнинг ёзилишига турмушда учраган бирор воқеа сабабчи

бўлади. Масалан, мен колхозларда юртанимда ҳақиқатан ҳам Обид кетмоннинг баъзи хусусиятларига эга бўлган бир типни кўрдим.

Мен материалларни ўрганиш маҳалла асарни қайси хилда ёзиш ҳақида бош қотириб юраман. Шунинг натижасида мен ўзимга асаримнинг жуда ҳам тажминий бир схемасини тузиб олиб, кейин ишга тушман. Шундай схема бўлмаса, ҳеч қачон ёзувга ўтиролмайман.

Ўртоқ Қодирий назарий билим олишнинг жуда ҳам зарурлигини уқдириб ўтади:

— Ёзувчи бўлатурган ҳар бир киши адабиётдаги оқим ва мактабларни яхши билиб олиши керак. Энг яхши ёзувчиларнинг асарларини бир неча қайталаб ўқиш зарур. Ўқиғанде ҳам ёзувчининг нима демоқчи эканини ва ўз фикрини қаңдай йўл билан ўқувчига англата олганини дикқат қилиб суриштириб бориши керак. Шундагина ёзувчилардан хунар ўрганиши мумкин.

Ёзувчининг айтишига қараганда, у бундан кейинги романни тарихий материаллар юзасидан ёзмоқчи. Ёзувчида яна ўзининг ҳажвчилигини янгидан бошлаш тилаги бор.

«Қизил Ўзбекистон» — 1935 йил, 14 марта.

ЭСКИ КИТОБЛАР САВДОСИНИ ҚЎЛГА ОЛАЙЛИК


Эски китобларнинг аҳамиятини сўилаб ўтиришга ҳожат йўқ. Умуман ҳамма маданий мерослар ичida энг катта ўрин туткан китоблар экани барчага белгиллик.

Жумҳуриятимизнинг турли бурчакларида, ҳар кимларнинг қўлида бекиниб, ортиқча матах бўлиб ётган қимматли асарлар жуда кўп. Булар эгасини тополмай чанг-тупроқ орасида кўмилиб ётади. Ҳолбуки кундан-кунга сони ўсиб турган илмий ҳодимларимиз учун улар жуда керак. Ундан ташқари, савияси ўсиб, маданий даражаси кўтарилиб турган омма ҳам янги ва эски китобларга талабгор.

Иттифоқнинг бошқа қисмларида эски китоблар савдоси давлат музассасалари қўлига олинган. Булар қимматли асарлар тушганда дарҳол илмий ташкилотлар, кутубхоналар ва музейларга топшириладилар. Шу билан бирга оммавий талабгорни ҳам қондириб турадилар. Чунончи Москвада нуқул эски китоблар олиб сотилатурган ўнларча давлат магазинлари бор. Бизда ҳам эски китоблар бойлигининг зўр эканига қарамай, бутун Ўзбекистонда лоақал бир киоска ҳам йўқ. Шунинг учун бу иш аллақандай саводсиз одамлар, тўғриси чайқовчилар қўлида қолиб келмоқда.

Бизнинг фикримизча, Ўзнашр бу ишга айрим аҳамият бериб «буканист» дўконлар очмори ёки ўз катта магазинларида айрим бурчаклар ташкил қиласори керак. Эҳтимол баъзи ўртоқлар «Ўзнашр янги китоблар савдосини қанчалик йўлга қўйиб эдики, энди эски китоблар билан машрул бўласин?» деб айтарлар.

Ҳеч бўлмагандага Ўзнашр тажриба учун Тошкентнинг ўзида бундай бир магазин очиши мумкин. Бунинг устига яна, албатта, бу масала



аҳамиятли бўлгани учун, маориф комиссарлиги ҳам кўмаклашмай қолмаса керак. Айрим кутубхоналар бу ишга қизикқанлари учун улар ҳам аралашиб турарлар. Демак, жамоат контроллиги ва ёрдами ҳар жиҳатдан таъмин этилажайдир.

Бундай бир магазин очилганда қадимги босма ва ёзма асарларни таниш, уларни керакли кишилар ва муассасалар қўлига тўплаш мумкин бўлганидек, сўнгги вақтларда чиқиб тарқатилиб кетган ва қайтадан босилмаган китобларни айрибошлиб туриш учун ҳам имконият ҳосил бўлади

Бинобарин, маориф комиссарлиги ва Ўзнашрдан бу ишга зътибор қилиб «саҳҳофлик» (букинист) магазинлар очиш тўғрисида чора кўрмакларини сўраймиз.

А. Қодирий, Чўлпон, Элбек,

Н. Алимухамедов, С. Сиддиқ,

«Қизил Ўзбекистон» — 1935 йил, 27 май.

ШУБҲА

(Ҳикоя)

— Колхозимизда ва қишлоғимиздағи якка хўжаликлар орасида бунчалик жиноятга жасорат қила олатурған душманлар топилар, деб ўйлай олмайман, — деди колхоз раиси Фозиев сўзининг охирида, — балки мен янглишарман... Янглишган бўлсан, мана, ўртоқлар яна бу тўғрида ўз фикрларини айтсинлар!

Идора аъзолари ва ячейка котиби ҳам Фозиевнинг фикрига қўшилишгандан сўнг комиссия узоқ ўйланиб қолди...

— Хайр, — деди комиссиянинг раиси Ходдоров, — қишлоғингизга шу ўн куннинг ичида четдан ҳеч ким келганмиди?

Бу саволга орадан ҳеч ким жавоб бермади, аммо жавоб бериш ўрнига идора аъзолари ва ячейка котиби сўз қўйишгандек колхоз хўжалик мудири Зухуровга қарадилар... Зухуров ўнгайсиз ҳолга тушгандек сезилди, гарданига ўнг қўлини кўтариб қирт-қирт қичина бошлади. Комиссия Зухуровни кузатди.

— Саккиз кундан бўён меним бир меҳмоним бор, — деди Зухуров, бир оз ўзини йўқотган афт, — менга қолса, бизнинг қишлоққа шу воқеадан илгари ва кейин ҳеч ким келган эмас... Бироқ бу меҳмон шубҳалантурган...

Ходдоров уни тўхтатиб, бир неча савол берди.

— Ўзи шаҳарлик, ишчи, — деди шошинқираган Зухуров. — «Қизил шарқ» заводининг электр цехида ишлайди, коммунист...

Ходдоров ўчиб қолган папиросини тортиб, овора бўлгандан сўнг кулдонга ташлади.

— Сизнинг бу меҳмон билан қандай яқинлигинги бор?

— Мен колхоз тузилгунча «Қизил шарқ» заводида қора ишчи бўлиб ишладим. Шунда бу меҳмон — Тўйчибоев билан ўртоқлашдим.



Холдоров янги папирос тутатиб овора бўлди, бошқалар илтифот билан Холдоровнинг оғизга тикилиб қолдилар.

— Меҳмонингиз, яни Тўйчибоев, — деди оғзидан тутун бурқитган Холдоров, — нега заводни саккиз кундан буён ташлаб, сизга меҳмон бўлиб ётади?

— Бир ойлик истироҳат олган, — деди Зухуров. — Мен уни ҳар йил истироҳат чоғида бизнинг қишлоққа чиқиб дам олишини таклиф этар эдим. Бу йиалиги истироҳатини бизнинг қишлоқда ўтказиш фикри билан менга меҳмон бўлган.

Холдоров комиссиянинг иккинчи аъзоси Султоновга қаради.

— Меҳмонингиз истироҳатни қандай ўтказади? — деган савонни берди Султонов.

— Мен аксари кундуз кунлари колхоз ишлари орқасида юрганилигимдан унинг нималар ва кимлар билан машғул бўлганлигини яхши билмайман. — деди Зухуров, — аммо ўз сўзи ва бутидаги ўртоқларнинг айтишларига Қараганда, баъзан қизил чойхонамиизда, гоҳо ишлаб турган колхозчиларимиз орасида, қайси вақт менинг ов милатигимни кўтариб қирларда бўлар эмиш; кечалари бўлса ҳамма вақт мен билан бирга бўлади, бирга ухлайди.

— Кеча ва ўттан кунги воқеалар тўғрисида меҳмонингиз қандай фикрлайди?

— Қулоқлар иши, деган мулоҳазани билдиради.

— Сиз, ўзингиз меҳмоннинг бу фикрига қўшила оласизми?

— Йўқ, мен қўшила олмайман, — деди Зухуров, — чунки орамиздаги чет унсурларни яхши тозалаганмиз!

— Шу ҳолда уч гектар гўзангиzinинг сувга бостирилиши, икки минг бор қуруқ бедангизга ўт қўйилиши сизнинг фикрингизча кимлардан бўлиши мумкин?

Зухуров бу саволга эпақалик жавоб беролмади. Бошқалар ҳам бундаги омила лоақал ихтимол ҳам кўрсата олмадилар. Райондан маҳсус белгиланиб келган комиссия қуруқ акт ёзиб қайтишга мажбур бўлди.

Қўш отлиқ извошга ўлтирас экан, Холдоров колхоз ячейка котибни бир четта элтиб, ниманидир унинг қулогига шивирлади. Извош жўнар экан, колхоз идора аъзоларига хитоб қилди:

— Шу хил латтачайнарликда туар экансиз, букун гўзангиzin сувга бостирилиб, бедангизга ўт қўйилган бўлса, келаси кун яна бундан ҳам баттарроқ фалокатни кутиб турингиз!

Комиссия жўнаб кетди. Идора аъзолари ҳам ўз ишларига машғул бўлдилар. Бироқ идора аъзоларидан ҳар кимнинг ҳам кўнгли бир турли ғаш бўлиб қолди.

Зухуровнинг кўнгил ғашлиги икки қат эди. Чунки унинг энг яқин дўсти ва қадрли меҳмони бўлган Тўйчибоевга ҳам шубҳа қаратилган эди Зухуровга қолса, Тўйчибоевдан колхозга қарши бундай зараркунданалик асло мутасаввур¹ эмас. Ҳолбуки комиссиянинг «қишлоғин-



гизга шу зааркунандалик асноси четдан кимлар келган?» саволининг аҳамиятига тушунган-да.

Зухуров васваса ва ташвиш ичида кундалик вазифасига машғул бўлди. Мияси жуда ҳам шишган ҳолда қандай ишлар қилаётганлигини фарқ қилолмас эди.

Кечки пайт Зухуров қўрғонига қайтганда, Тўйчибоев ҳовуз ёнидаги суфада чалқанча ётиб, қандайдир китобни ўқир эди. Зухуров унинг ўқишига халақит бермаслик учун астагина қўрғонига ўтиб кетди. Орадан ярим соатлар вақт ўтгандан кейин Зухуров кўйлакчан ва яланг сёқ ҳолда қўрғондан чиқиб суфа ёнига келди.

— Уқишингизга халақит бермадимми?

Тўйчибоев ётган жойидан қўзгалмади, кўзини бир неча сонияга китобдан узиб Зухуровга қаради.

— Ҳозир! — деди ва яна ўқишида давом этди. Зухуров ҳовуз бўйида турган рух чилобчинни² олиб, теваракка сув сепа бошлади. Тўйчибоев китобнинг бир бетини узунасига букиб, қайтиб очишига танийлик қилгандан сўнг ёстиқнинг тагига тикиди, чираниб керишди ва ёстиқдан туриб ўтирди.

Зухуров чилобчинда сув олиб супага чиқди. Тўйчибоевга сачрат-масликка тиришиб кийиз теваракларига секин-секин соча бошлади.

— Нима гаплар бор! — деди Тўйчибоев шер каби ғўрқираган товуш билан.

— Қандай гаплардан сўрайсиз?

— Фаним кўрсата олдиларингми, комиссия қандай фикрга келди?

— Фаним кўрсата олмадик, — деб Зухуров илжайди, — фанимни биз кўрсата олмасак ҳам комиссиянинг ўзи топди...

— Фаним ким экан, — деб Тўйчибоев тиззасига уриб қўйди.

— Фаним сиз экансиз...

Тўйчибоев жиддий вазиятда комиссиянинг бояги савол-жавобларини эшлитиб ўтириди.

— Комиссия жуда тўғри шубҳаланган, — деди Тўйчибоев товушини яна ҳам дўриллатиб, — модомики, сиз ўз ичингиизда фаним кўрсата олмагансизми, комиссия шу ўртада четдан келгучини сўраган, бунда комиссия жуда ҳақли, жуда!

Зухуров Тўйчибоевнинг мақсадига тушуниб етолмади, баҳарҳол яна унга савол назари билан қараб қолди.

Тўйчибоев давом этди:

— Комиссиянинг кейинги аччиқ-тизиги жуда тўғри; агар сиз ўз ичингиизни сидирга гуноҳсиз кўрсатиш билан бирга қишлоғингизга четдан келгучиларга ҳам қўл тақиздирмаслик тарафида қолсангиз, колхознинг эртага яна бундан ҳам каттароқ фалокатта йўлиқиши аниқ, мен бунга сўз бераман...

² Чилобчин — дастишӣ.

Зуҳуров чамаси яна тушуниб етмади, ҳайрат ичида Тўйчибоевга бир неча вақт қараб турди.

— Сиздан шубҳалансак, сизни тутиб қамашга берсак, туфри иш қилган бўлармилик?!

— Албатта, албатта, — деди Тўйчибоев.

Зуҳуров, энди бу йигитга бошқача бир назар билан қарашга мажбур бўлди: девона, дарвеш, йўқса...

— Янглиш фикрга борасиз, — деб кулади Тўйчибоев ва ўз манглайига қўли билан уриб қўйди, — бу яхши ишлайди, бу ҳали жойида...

Зуҳуровнинг мияси жуда ҳам қотди, қаршисидаги девона эмас, ҳозир унинг назарида шайтонга ўхшаб кўрина бошлаган эди... Дарҳақиқат, Тўйчибоев бир неча вақт у билан шайтонларча ўйнашгандек кўз қораочугини гидир-гидир гиддиратиб қулимсиб турди.

— Ҳайрон қолманг! — деди Тўйчибоев, — модомики, колхозингиз, умуман олганда, қишлоғингиз ғанимдан холи бўлса, ундан кейин шу зарапкунандаликни ўзим билан бирга олиб келган — мен ҳам гуноҳсиз бўлсан, шу ҳолда... шу ҳолда бу зарапкунандаликни ким қиласди, кўқдан шайтон тушган, деб ўйлайсизми? Ишни текширган комиссияни мен жуда яхши кишилар, деб биламан, мен агар шу комиссияда бўлсан идора аъзоларининг бирини ҳам қўймай қаматар эдим Азбаройи худо, қаматар эдим!

Бу девсифат меҳмоннинг комиссиядан четда турганига ва буқунги мажлисда иштирок қилмаганига ичдан шукур қилиб ўтирган Зуҳуров энди бир оз мақсадга тушуна бошлади...

Тўйчибоев чорданасини бузиб, ўчоқ қуриб олди ва икки қўли билан тиззаларини бағрига тортиб ушлади, ҳозир унинг кўзида муҳим бир сирни очишга тиришувчи терговчининг ҳолати бор эди.

— Мен сизга бир неча саволлар бераман! — деди Тўйчибоев бутун аъзоси билан олд ва орқасига тебранар экан, — раисингиз ўзи қандай одам?

— Раисимиз — ерсиз, коранда.

— Фирқада борми?

— Бор.

— Унинг қариндош-уруглари қандай кишилар?

Зуҳуров яхшигина ўйланиб олгандан сўнг жавоб берди:

— Камбағал кишилар.

— Уларнинг ичидаги қулоқ бўлганлари йўқми?

— Йўқ.

Шу йўсинда Тўйчибоев раис муовини ва идора аъзоларини бирма-бир суриштириб борди. Бошқалари Тўйчибоевнинг дикқатини жалб этолмасалар ҳам, идоранинг бешинчи аъзоси, ўрта дехқон, фирқасиз Турсун Холиқовнинг баъзи жиҳатлари унга қизиқроқ туолланга ўхшади.

— Турсун Холиқов қулоқнинг қизига уйланган денг-чи? — деб такрорлади саволни.

— Ҳа.

- Қачон уйланган?
- ...Түрт йил бўлган чиқар.
- Ким, ҳали қайнатаси Эшонбўрсук дедингизми. Шу одамнинг қулоқликка тортилганига кўп бўлганми?
- Иккинчи йил.
- Ҳозир қаерда?
- Ўзи ва икки ўғли билан Андижон теварагидаги Янгиобод жойига сургун қилинган.

Тўйчибоев бир оз бошини қашиб ўйлагандан сўнг, ёнидаги халтасини қўлига олиб, тамаки ўрай бошлади.

- Турсун Холиқовнинг хотини бўлмиш — қулоқнинг қизи... ўзи очилганми, афти қалай?

Зухуров қулди, эринибгина жавоб берди:

- Очилган... Афти бежирим — қишлоқнинг кўркам келинларидан...

— Холиқов билан тотув турсалар керак?

- Билмадим, — деди Зухуров ва бир оздан сўнг илова қилди, — овозага қараганда хотин эрига анча ўткур бўлса керак.

- Тўғри, буниси тўғри, — деди Тўйчибоев тамакининг кулини чертар экан. — Мен буни кутган эдим!

Зухуров кейинги жумладан ҳеч нарса англамади. Тўйчибоев ҳам «терговчиликни» шу ерда тўхтатиб, янги мавзудан сўз очди.

Қўргон эшигида Зухуровнинг хотини кўринди, эридан кечки ошни сузуб чиқаришга изн сўради. Хотин суза беришта изн олиб, ичкарига киргач, Тўйчибоев бу куннинг жуда ҳам димлигидан шикоятланди. Шикоят қиласар экан, ўтирган жойида кўйлагини аста бошидан чиқариб ташлади ва шалоп этган товуш чиқариб ўзини суфа остидаги ҳовузга ташлади. Ҳовузнинг кўм-кўк суви ташланувчини ўз бағрига олиб чайқалди, сув бетида қуббалар зоҳир бўлиб, узоқ вақт Тўйчибоев кўзга кўринмай қолди. Зухуров кўз очиб юмгунчалик вуқуға¹ келган бу уста ҳаракатдан кулимсиради ва Тўйчибоевни ҳовузнинг қайси бурчагидан бош кўрсатишини кузатиб турди.

...

Тун қоронги, теваракдан беҳисоб чигирткаларнинг чириллаши бу қоронғиликка яна ҳам бошқача бир оҳанг бермақда, узоқ-узоқдан эшитилиб турган хақчи қушнинг «хаақ-хаақ» деган товуши кўнгилга сабаби англашилиб битмаган бир маҳзунлик барипсламоқда.

Тўйчибоев ўрнига чалқанча ётиб бармоқлари орасида тутиб турган тамакисини ора-чора чакиб қўяди. Унинг қаторига ёндош солинган ўринга ёнбошлаган Зухуров қўлидаги пиёласидан гоҳо қултиллатиб чой ичади.

Ниҳоят орадаги узоқ сукутни Тўйчибоев бузди:

— Турсун Холиқов билан орангиз қандай?

¹ Вуқу — воже бўлиш, юз бериш.

— ...Турсун Холиқов билан яхшимиз, ўзи жондек⁴ йигит.

Түйчибоев индамади, яна узоқ вақт тамакисини тутатиб ётди.

— Йўқ, мен чойга қондим, — деди Түйчибоев узатилган пиёлани қайтариб. — Сиз, Зуҳуров, фирмага кирганингизга неча йил бўлди?

— Уч йил.

Түйчибоев ўрнидан туриб муштутидаги қолдиқни қоқиб ташлади, яна тўшагига ётиб олди.

— Сиз, Зуҳуров ўртоқ, фирманинг ғоясини яхши тушунасиз-а?

— Биламан, мамлакатимизда социализм қуриш!

— Тўгри, лекин социализм қуриш енгил иш эмас, ўзимиздаги етишмовчилик, қолаберса бу ғояга очиқдан-очиқ душманлик кўрсатувчи унсурлар... Сиз бу ёқни ҳам яхши тушунсангиз керак?

— Албатта.

— Энди бир масала бор, — деб Түйчибоев ёстиғига ёнбошлади. — Масалан, бирор ўзи меҳнаткаш, устига фирмали; лекин онгизлигиданми ёки бошқа сабабданми, ҳалиги сиз айтган социализм фойдасига зарар етказмақда... Ўзи бизнинг энг яқин дўстимиз бўлган шу зааркунанда кишининг корбадини сезиб қолганимизда биз шу дўстимиз билан қандай муомалада бўлишимиз керак?..

— Насиҳат қилишимиз, тўғри йўлга бошлашимиз керак бўлади.

— Жуда яхши... Башарти насиҳатга қулоқ солмаса-чи?

Зуҳуров бир оз жавобсиз турди, пиёласини ичиб бўшатди.

— Нима қилишимиз керак? — деб тарафдудланди Зуҳуров, — албатта сирини фош қилишимиз керак бўлар?

— Албатта! — деди жиiddий турда Түйчибоев. — Мен сизнинг қишлоғингизнинг ва районингизнинг душман билан кураша билиш иқтидорини синаб қараш учун шу уч-тўрт куннинг ичида икки зааркунандалик қылдим: Улардан бириси, уч гектар гўзани сувга бостириш, иккинчиси, икки минг бор қуруқ бедани ёндириш бўлдиким, бу сизга маълум!

— Хўш?

— Қишлоғингиз ҳам хўш, деб қолаверди, — деди кулиб Түйчибоев. — Душманни тутиш иқтидорингиз йўқлиги устига ҳатто комиссиянинг меним устимдаги тўғри шубҳасига ҳам эътибор этмадингиз, аксинча мени оқлашга тирищдингиз...

Зуҳуров кейинги жумлалар билан тамом ҳайронликка тушди..

Түйчибоев давом этди:

— Энди мен учинчи зааркунандаликка ўтаман... Бир ой сизнинг қишлоғингизда дам оладиган бўлсан, колхозингизнинг кулини кўкка совуришимдан шубҳам йўқ... Мен бу ишда ёллиз ҳам эмасман...

— Синаш учун колхозга зарар бериш! — деди ҳайрат ичида Зуҳуров. — Мен бундай синашига тушунолмадим?

— Албатта тушунолмайсиз, шу билан бирга сиз меним зааркунандалигимни била туриб ҳам сирни очолмайсиз... Чунки сиз, қишлоқ халқи ошиналикка қурбон бўлган халқларсиз, мен буни яхши биламан.

⁴ Жондек — ширин, азиз.



Түйчибоев Зухуровни лол ва маҳбут⁵ қўйгандан сўнг, ваҳший бир товуш чиқариб хаҳолаб юборди... Зухуров дармонсизлангандек узоқ тин олиб ичини бўшатди.

— Мен сизнинг феълингизга... сира ҳам тушунолмадим.

— Мен боя тушунолмайсиз, деб айтдим-ку, — деди Түйчибоев яна заҳарханда билан, — агар тушунсангиз эртага эмас, ҳозироқ иссиқ ўрнингиздан туриб, меним тўғримда колхоз идорасига хабар берар эдингиз.

Зухуров яна уфлади.

— Мен сизнинг даъвойингизга ишонмайман!

— Ишонмайсизми? Мен ҳозироқ сизга ҳужжат қиласам ҳам ишонмайсизми? Мен боя айтдим: меним бу ишда ёрдамчиларим ҳам бор, деб. Агар ёрдамчиларим бирор сабаб билан турган жойларини ўзгартиришмаган бўлсалар, ҳозироқ мен улар билан сизни таништиришга тайёрман!

Бу кейинги сўз Зухуровнинг тарааддудини бартараф қилгандек бўлди.

— Хўп, таништиринг! — деди қатъий.

— Улар билан сизни таништиргунчалик бир шартим бор: танишганингиздан сўнг бу сирни менинг рухсатимсиз ҳеч кимга сўзламайсиз!

— Нега сўзламайман! — деди тааажжуб билан Зухуров. — Зарапкунандалар очиқ маълум бўлгандан сўнг нега хабар бермайман?

— Тўғри! — деди Түйчибоев кулиб, — ёрдамчиларим фақат меним мажбур қилишим орқасида бу ишга қадам қўйганлар, улар бу ишда гуноҳсизлар... Тутиб берганингизда ҳам фақат мени кўрсатасиз, шунда ҳам фақат мен ижозат берган вақтимдагина!

Зухуров кўнди, бироқ энди унда бориб кўриш ва кўрмаслик тўғрисида иккиланиш бошланган эди. Түйчибоев ўридан туриб кийина бошлиди. Ёстиқ остига яширган тўппончасини олиб ичидан осди.

— Нега қўзғалмайсиз? — деди Зухуровнинг устига келиб. — Туринг, кийининг, сиз ҳам милитингизни олиб чиқинг!

— Чиндан айтасизми?

— Чиндан, чиндан, мен сизни бирор мартаба алдаганмидим?

— Мен ишондим.

— Сиз кўрмасдан ишонманг. Қўзғалинг тезроқ. Нима, сиз мени аҳмоқ, қилмоқчисизми?

Жекириниб айтилган сўнгти жумла билан Зухуров чор-ночор туриб кийинишга мажбур бўлди ва қандай балога йўлиқканман, деб кўнглидан кечиради.

Зухуров кийиниб бўлгач, ичкаридан милитини олиб чиқишга борар экан, Түйчибоев ўқдан кўпроқ олиш, эҳтиёт учун бир арқон ҳам олиб юришни тавсия қилди.

— Арқон нима учун керак?

— Кейин биласиз, ҳозир ола беринг.

Зухуров ичкаридан чиқди, йўлга тушдилар, беш-ён қадам қўрғондан узоқлашганда Түйчибоев Зухуровга қайрилиб тўхтади.

⁵ Маҳбут — мағлуб бўлиш.

— Мен улар туратын күрөнни кечаси топиб боролмайман, сиз бошлаб борасиз, — деди!

— ...?

— Улар кимнинг күрөнида туришларини ҳозир айтаман... Илгари шуни билиб қўйингизким, бу ишимиз хайрли гап эмас, шунинг учун сиз йўлни биладиган кишисиз, бошқа жойлар билан бошланг!

Зуҳиров «хўп» дейишдан бошқа гап айтмади. Чунки ҳозирги қоронги кеча каби қора бу иш билан мияси айнаган, муҳокамаси чувалган эди. Ўзи ҳам Тўйичибоев олдида илон томонидан авралган чумчукдек ихтиёrsиз қанот қоқар эди.

Тевараги гўза ва жўхори каби экинлар билан ўралган бу қўрғоннинг яқинигача бир қанча итлар акиллашиб келдилар. Итларнинг ҳужумидан қўрқдан бир мушук иргиб, бўғотни тирноқлари билан тирнаб, қўрғон томига чиқиб кетди. Қўрғоннинг муюшидаги катта туб дараҳтда тинч ухлаб ётган паррандалар қанот қоқишиб партиллашдилар. Итлар ҳужумидан қўрқдан кимдир бирор ўзини жўхорилар ичига олди чоғи, узун бўйли жўхорилар шитирлашган товуш чиқардилар. Ёқимсиз, оҳангиз итлар товуши остида теваракдаги чигирткалар чириллаши эшитилмас бўлди...

Итлар беш дақиқа чамаси ҳуриб, сўнгра бирин-сирин қўрғондан узоқлаша бошладилар. Бир оздан сўнг қўрғон тевараги типч ҳолга айланиб, ҳашарот.govушлари эшигилди. Жўхориларнинг қўрғонга яқин жойи яна шалдираб кетди. Орадан икки кўлага чиқиб, секин-секин қўрғон девори остигача юриб келди. Шунда иккиси ҳам бир оз тўхтаб, недир шивирлашгандан сўнг қўрғон ихотаси бўйинча юри бошладилар. Қўрғоннинг уч томонидан айланиб, бўғотнинг қадди ерга яқинроқ қўринган бир жойида олдинда борувчи кўлага тўхтаб, бўғотни кузатди.

— Шундан.

Иккинчи кўлага жавоб бермади. Биринчи кўлага яна нимадир фўринглади. Иккинчи кўлага қўлидаги таёқ каби нарсага суюниб, орқасини тутди Биринчи кўлага иккинчининг орқасига минди. Остидагини тебратиб юбормаслик учун аста-секин унинг елкасига чиқиб қаддини ростлади, бўғотдан қўлтуригача юқори кўтарилди. Ўзини томга олиш учун чамалаб кўрди, бўлдиромади.

— Бир оз қадингизни ростланг, — деди шивирлаб, остидаги инклилаган товуш чиқариб кучанди. Устдаги иргиб ўзини томга олди. Бўғот шитирлашиб остига тупроқ тўкилди. Томдаги бир оз ўзини ростлаб теваракка разм қўйди. Атроф ёришиб кетди, кўқда юлдуз учган эди. Узоқроқда ит ҳурган товуш эшитилди. Онда-сонда хўroz қичкирган товушлар қулоққа тўқинар эди.

Кўлага том бўйлаб эмаклаб кетди: қўрғон томи деворнинг шарқи билан жанубида бўлиб, шимол ва ғарб қуруқ пахсадан иборат эди. Эмакловчи шарқий томдан ўтиб, жанубий томнинг ўртасигача келди ва шунда бир оз тўхтаб олгандан сўнг ҳовли томонии бўғотига қараб

сурала бошлади. Бўғот лабига етгач, бошини жуда ҳам қуий қилиб ҳовлига мўралади: тун обдан қоронги бўлса ҳам ҳовлидаги қора кўлагалардан баъзи нарсаларни белгилаш мумкин эди: тўғридаги пахса девор остида қора бир сигир боғланиб турмоқда, ҳовли ўртасидаги зўр ёғоч катда бирор ухлаб ётмоқда; булардан бошқа, саҳнинг тури жойларида қора-қура нарсалар кўриниб кўзга чалинмоқда. Бўғот ёнидан мўраловчи буларни кўздан кечирар экан, гўё ўз ёнида бирорнинг товушланганини эшитгандек бўлди... Товушланиш қуийдаги бинодан келар эди: кимдир хуруллаган товуш чиқариб ухлар эди, шундан сўнг эмакловчи яна эмаклаган ҳолда орқасига қайтди.

Қуийдаги кўлага ҳануз бўғот остида сўррайиб турар эди.

— Зухуров! — деди шивирлаб томдаги.

— Мен...

— Милтиқни менга узатинг.

Милтиқ узатилди.

— Арқоннинг бир учини менга ташланг!

Арқонни уни ташланди.

— Арқонни ушлаб, юқорига!

Зухуров эпчил эмас эди. Тўйчибоевга қўл машақкат бериб, базур бўғот олдига ўлтириб олди. Буёқдан хотиржам бўлган Тўйчибоев устидаги қора тужуркасини ўлтирган кўйи ешиб ташлади ва осғидаги этикни ҳам икки ҳаракатда ешиб қўйди.

Зухуров бир нарса англамас эди. Кечалик «овга» янги чиқсан ёш ўғридек кўнгли тури ташвишлар билан тўла эди.

Тўйчибоев ечилган тужуркасини кавлаб гугурт олди. Унинг тамаки чекиш учун гугурт ёқишидан кўрқсан Зухуров «бунда ёқманг», деб танбех ясашга мажбур бўлди. Тўйчибоев гугурт ёқмаганидек, унга жавоб ҳам бериб ўтирамди.

— Сиз ана шу қорайиб кўринган тарновга эмаклаб боринг! — деди шивирлаб Тўйчибоев, — мен ҳовлига тушаман!

— Нима учун?

— Катда бирор ухлайди... Мен унинг бетига гугурт ёқаман, сиз уни таний олишга ҳаракат қилингиз!

Зухуровнинг аъзосига зирқироқ кириб кетди.

— Нима учун бу?

— Таниб олиш учун, дедим-ку.

Зухуров, номус кучли, Тўйчибоев кўрсатган томонга қараб эмаклади.

Тўйчибоев шарқий томнинг девор бошланган жойига келиб, шундан қўргонга тушишни мувофиқ кўрди. Чунки бу ернинг сарҳоки⁶ ийқилганданми ёки қўргон эгалари шундан томга чиқиб юрганданми, баҳарҳол устидаги ўлик тупроғи йўқ, ўзи пахсанинг бошқа жойларига қараганда пастроқ эди. Ўлик тупроқли бўлганда остига нураб товуш чиқариши мумкин ва бу Тўйчибоевга матлуб эмас эди.

Тўйчибоев қулайлик билан ўзини пастга олди. Бир оз катни кузага

⁶ Сарҳок — девор устига қўйиладиган серсомон лўмбоз.

тиб тургандан сўнг бинолар ёни билан оғилхона, ошхона, уй ва энг охирида — бояги хуруллаган товуш эшигиладиган айвонга келди. Ёнига бешик қўйган бир эр ва бир хотин данг қотиб тўшақда ухлар эдилар. Бир оз тўхтаб айвоннинг нариги ёнига ўтди. Буниси дарвоза йўлаги эди. Йўлакка кириб дарвозагача борди. Қоронғида тимирскилаб занжирни тоғди. Таажжубланди, чунки занжир очиқ эди. Машаққатланиб томга чиқиб юрганига пушаймонланди.

Секин-секин ерни босиб ҳовли ўртасидаги катда ухловчи устига келди. Ухловчининг бош томонига ўтиб тикилди, аниқлаш мумкин эмас эди. Юқоридаги, бўғотдан мўралаб турувчига қўли билан «ҳозир бўл» ишорасини бериб, гугуртни олди. Қутичадан чўпни чиқара бошлагандা бўғот ёнидаги Зухуров бир нарса ишоратлар қила бошлади. Тўйчибоев унга қарамадими, ёки қараса ҳам унинг қўрқоқдигига таҳмил қилдими, баҳарҳол чўпни дорига суртиш учун тегизганда йўлак томондан дарвозанинг аста гижирлагани эшитилди. ...Буни илгаридан сезиб турган Зухуров қўли билан «қоч, яширин», ишорасини бера-бера томониг нариги томонига эмаклаб кетди. Тўйчибоев қўрғонга киши кирмакда эканини фаҳмлаган эди... Катдан четланиб кетишга вақт тополмади. Секин турган жойида чўқди, иккинчи ҳаракатда ўзини кат тагига олди. Шундан бир-икки сония ҳам вақт ўтмади, йўлак оғзида бир кўлага кўринди. Кўлага айвонга ўтиб қарагандан сўнг тўғри катта томон кела бошлади. Катнинг худди Тўйчибоев яширинган жойига келиб тўхтади. Тўйчибоев келгувчининг оёғларидан қучоқлаб олса мумкин эди.

— Солиҳ, Солиҳ! — деб шивирлади ва қўли билан ухловчининг манглайини туртди — Солиҳ, Солиҳ!

Солиҳ чўчиб уйғонди, бир неча вақт кўзини очолмай турди.

— Мен, мен, Ҳамрабой.

Солиҳ бир оз уйқусини қочириб кўқдаги юлдузларга қаради.

— Вақт етдими?

— Етди, ҳулкарга қара.

— Қули?

— Қули шунда.

Солиҳ ўрнидан туриб ўтирди, устига кийимини илди ва шундаёқ этигини кия бошлади.

— Сиз чиқа беринг, мен ҳозир! — деди Солиҳ.

Кўлага шипиллаб йўлакка ўтди. У дарвозага етар-етмас Солиҳ, катдан тушди.

Зухуров дарвоза теварагида бир неча кишиларниг юрганларини, дарвоза гижирлатганларини, катда сўзлашганларини аниқ-аниқ пайқаб ётди. Тўйчибоев тўғрисидаги англашимовчилик яна унинг назарида ўн қат ортди. Дарвоза тевараги тинчib, оёқ товушлари биттач, аста ёттан жойидан бошини кўтарди ва эмаклаб бўғот ёнига келди, катта ва кат теварагига қаради. Катда бирор ётадими. Йўқми, буни ажратолмаса ҳам кат ёнида Тўйчибоевни кўролмаганидан сўнг саҳнадаги ҳар бир қорани дикқат билан кўздан кечириб чиқди. Томга чиққанми, деб теварагига қараңди. Нарида Тўйчибоевнинг тужурка ва этигидан бош-

Қа қора күрінмас эди... Бир неча вақт сағнни таъқиб этиб турғандан сұнг ажаблана бoshлади: осмонга ошдими, ерга кирдими, ёки... ёки, унинг ўзи айттанча, ёрдамчилари билан яна бир заарқунаңдалик сари қадам қўйдими?

Яна ўн дақиқа чамаси ўтгандан сұнг зериқди. Тўйчибоев тужуркаси турған жойга эмаклаб келди. Бунда тағин бир оз кутғандан сұнг ортиқ чидашга тоқати қолмади, этикни тужуркага ўраб ерга ташлади, миљтиқнинг ўқини бўшатиб қўлига олди. Бир неча вақт ерга тушишга қулай ўрин излаб, боя Тўйчибоев қўрғонга тушган раҳнадан қулайроқ ўрнини тополмади. Бирмунча қийналиб ахирида ерга тушди, миљтиқни янгидан ўқлаб бир оз илинжли ҳолда Тўйчибоевнинг кийимлари устида иккиланди: кийимларни олиб қайтайми ёки шу ерга ташлаб кета борайми, деган тараддууда эди. Ахири олиб қайтиш фикрига келди... Кийимни кўтариб йўлга тушди.

Қўрғондан қирқ-эллик одим йироқлашган эди, яқин орадан тўйпонча товушини эшилди. Яна ўн қадам босмасдан иккинчи, учинчи мартаба ўқ отилиб, Зухуровнинг қулоқлари тиккайди ва тўхтади... Кўнглига қўрқув аралаш таажжуб жойлашган эди. Яна ўқ отилди... Ўқ товуши олдиндан келмоқда эди. Зухуров одимини тезлатди. Энди ора-чора қулогига кишиларнинг олағовури ҳам кела бошлади. Олағовур келган томонни аниқлаш учун йўл увотида ўсган девпечак ёнида тўхтади. Шу ҳолда йўл ёқасидаги гўза пайкалидан шатир-шутир гўза тупларига тўқинган товушлар эшитилиб, девпечак орқали пайкалга мўралади: гўзалар ичидан сузуб уч кўлага ошиқа-ошиқа шу томонга келмақда эди... Зухуров бир оз Тараддууд ичидан турғандан сұнг ўзини секин девпечак остига олди. Гўза ичидан сузувчилар бирин-бирин увот орқали йўлга чиқа бошладилар. Учинчиси ҳам йўл устида тўхтади.

Зухуров улардан бирисининг оғир-оғир тин олаёттанилигини сезар эди.

— Изимизда одам бор экан! — деди бирови.

— Бор экан! — деди иккинчиси нафаси оғзига тиқилган ҳолда. — Меним оёғимга ўқ тегди, этигим қонга тўлди!

— Сўзлашиб туриш вақти эмас, — деди учинчиси, — бундан силжиб қолайлик!

Ҳар уч кўлага Зухуров келган томонга қараб йўл солди. Улардан бириси оқсаб орқадан бормоқда эди.

Зухуровнинг қалби қаттиқ тепиб нафаси оғзига тиқилиб келгандек бўлди. Яна шу ҳолда товушланди:

— Кочма, отиласан!

Ҳали ўн қадам ҳам босмаган кўлагалар бирдан йўл устида тўхталди, бироқ девпечак остида турған Зухуровни бирови ҳам кўролмади.

— Бизда асбоб йўқ, деб ўйладингми? — деди бирови ва қарс этириб тўйпончадан ўқ узди.

Девпечак ичидан ҳам қарсилаган товуш чиқди. Кўлагадан бириси муқканча ерга йиқилди. Колмиш икки кўлага икки томонга ажralиб олдинга югуриб кетди.

Зуҳуров миљтиқдан бўш гилзани чиқариб янги ўқни жойлагунча қочқинчилар кўздан йўқолдилар. Зуҳуров ўқлаган миљтиқни қўлида ушлагани ҳолда нима учундир қалт-қалт титрар эди ва йигирма қадам нарида жон чекишиб ётувчига даҳшат билан қараб турар эди.

Девпечак ичидан яна ўқ узилди, бироқ буниси ҳадафсиз' отилган ўқ эди. Зуҳуровнинг қалтираган бармоғи тепкига ихтиёrsiz тўқинган эди.

Зуҳуровнинг шанғиллаган қулоғи аллақанча оёқ говушларини эшигди. Кўз очиб юмгунчалик ўз теварагида ўнлаб кўлагаларни кўрди. Зуҳуров девпечак остидан чиқа бошлади. Кишилар йўл ўртасида хириллаб жон чекиша ётувчининг устига тикиддилар.

- Ким буни отди?
- Отилган ким ўзи?
- Ёлпира!
- Вой қудратингдан кетай!

Бирор жон чекишувларининг юзига гутурт ёқиб тутди. Яна олағовур қўпти:

- Ҳамрабой-ку!
- Қулоқ!
- Ҳамрабойинг ҳўқиз ўғриси бўған экан-да!
- Колхознинг бедасига ўт қўйиш ҳунари ҳам бор десанг-чи!
- Фўзани сувга бостиришга ҳам уста!
- Имонини ўтири⁸, Жонбой, оғзидан қони кепти!

Ҳангама ва кулги.

- Ким отган буни-а, боплапти-ку!

Тўдадан товуши дўриллаган аллаким овоз қўйиб чақирди:

- Зуҳуров, ўртоқ Зуҳуров!

Зуҳуров қўлида миљтиғи билан ўртага келиб кирди.

- Мен .. ўртоқ Тўйчибоев, сизми?

— Мен, мен..

Яна гутурт ёқилди, ҳамманинг кўзи Зуҳуровга тушди.

- Вой отангга раҳмат, Қурвон Зуҳуров!

— Мерган экансиз-ку Зуҳуров!

Зуҳуров олқишиларға қулоқ солиб турмади, чунки унинг кўзи Тўйчибоевнинг қип-қизил қонга беланган ўнг қўлиға тушган эди.

- А, а, сизга ўқ тегдими, ўртоқ Тўйчибоев??

Бошқалар ҳам ўз ичларидағи бу бегона ярадорга биринчи мартаба илтифот билан қарадилар. Тўйчибоев мажруҳ қўлини қурсоғи⁹ тўғрисигача кўтариб, сўл қўли билан тўппончасини ушлаган ҳолда илжайиб турар эди.

— Сиз яхши шогирдсиз! — деди кулиб Тўйчибоев, — коммунистликка лойиксиз.

⁸ Нишонсиз.

⁹ Имонни ўғириш — қазо қиласетлан кишини мусулмон қавмида кетини учун имонга келтирилади, яъни «Каличай гайийба» айттирилади еки тилга келмаса унинг ўрнига айтиб турилади.

¹⁰ Қурсоқ — корин

Зуҳуровнинг қулогига мақтov кирмади. Қўлидағи миљтиқни бировга бериб, ўзи Тўйчибоевнинг мажруҳ, қўлини очиб қарай бошлади. Икки-уч томондан гутурт ёқилиб, ўрта обдан ёриди.

— Арзимайди, сал! — деди Тўйчибоев, — ўқ ўпib ўтди!..

Зуҳуров дарвозани уч-тўрт карра тўхтаб қокқандан сўнг занжир очилиб, ичкаридан кўйлакчан, яланг оёқ биров чиқди.

— Ким бу?

— Мен, Зуҳуров.

— Хуш келибсиз!

— Вақтсиз сизни бетинч қилганимиз учун кечиравасиз, Холиқов, — деди Зуҳуров. — Гўёки... гўёки айтишларига қараганда қўрғонингизда қишлоқ учун зарарли ҳисобланған биров турар эмиш... Биз шу кишини текширгали...

Холиқов бошини қашиди, тараддулланди.

— Ким экан... оти нима?

— Солих.

Холиқов чуқур сукутга борди... Бирор дақиқа чамаси Зуҳуровни куттириди.

— Ёнингиздаги ким? — деб сўради охирида.

— Ёнимдаги... ёнимдаги Солиҳнинг сизнинг қўрғонингизда турғанигига маълумот олган киши!

— Қоронги кечада кишини тинчсиз қилишга ким унга ҳақ берган?

— Сизнинг хиёнатингиз! — деди заҳарханда билан Тўйчибоев ва Зуҳуровга мурожаат қилди: — Сиз бу одам билан ҳозирча баҳслашиб турмангиз!

Шу сўзни айтиб сўл қўли билан тўппончасини қинидан чиқарди ва ичкарига кира берди. Зуҳуров ҳам миљтирини отишга ўнглаб Тўйчибоевни таъқиб этди. Холиқов дарвозанинг табақасига суюнган ҳолда қолди.

Иккиси йўлакдан қўрғонга юзланмай туриб, қўрғон ташқарисида «тут, тут!» деган товушлар эшитилди. Олағовур кўтарилди... Иккиси орқага қайтишга мажбур бўлди.

Ташқаридан қўрғонни қуршаб олган колхозчилар деворлар ошиб, тушиб қочмоқчи бўлган Солиҳни тутиб келтирдилар.

— Қули қаерда? — деб сўради Солиҳдан Тўйчибоев.

Солих жавоб бермади.


— Ўртоқ колхозчилар! — деди Тўйчибоев. — Тонг ёриштунча қишлоқ шўроси идорасида сақлаб бериш учун Солиҳни ва Холиқовни сизларга омонат топширамиз!

Колхозчилар дарҳол иккисини қўлтиглашиб олдилар.

— Меним нима гуноҳим бор? — деб яворди Холиқов.

— Сиз ўз уйингиздан ўғриларга жой бергансиз! — деб кулди Тўйчибоев.

Халқ тарқала бошлади. Солих ва Холиқовни етаклаб бораётган колхозчилардан: «Тўғри юр! Силтанма, қадамингни чаққон уз!» деган мағрур ва амirona ҳайқириқлар эшитилди.



Тун бўйи уйқусиз кечинган Тўйчибоев билан Зуҳуров инлапмасдангина қўрғонга қайтиб борар эдилар. Кўп қон оққаңдан ёки тонг салқини тушганданми, баҳарҳол Тўйчибоев ўз вужудида бир увушиш, титроққа яқин бир қалгираш ҳис қилас эди.

Қишлоқ устидан кеча қоронғилиғи бир оз кўтарилиб, табиат қуюқ гуман ичида каби ғўзал кўринар эди. Теваракдан хўрот қичқирган товушлар эшитилиб, онда-сонда қуш сайроқлари ҳам кулоққа кирап эди.

Яқин ўртадаги бир эшак ҳиқ-ҳиқ-ҳиқиллаб тургандан сўнг жуда ҳам баҳайбат ҳанграб юборди. Бу ҳанграш билан аллақайси дараҳтда ўлтуриб «чили-вили, чало-чилий» деган оҳангда сайраб ўлтурган жиблажибон сайроғи эшитилмас бўлди.

Шарқ уфқидан аста-аста қоронғулук кўтарилиб, ўрнига субҳи содик жойлашмоқда эди.

1935 йил

1819 ЙИЛ ЁДГОРИ

Учқўрғонлик ўртоқлар менинг Умархон ва Маъдалихон даврига оид тарихий маълумотлар йигиб юрганлигимни сезгач: «Бизнинг қишлоқда Аҳмад амиркончи исмли бир чол бор, учрашсангиз, эҳтимолки, ундан баъзи маълумотлар оларсиз», — деган таклифда бўлдилар Унинг ёшини 116 да деб эшиттач, бориб кўришга қизиқсандим. Учқўрғон район ижрокўми раиси ўртоқ Обид Маҳзумов ва яна бир неча дўстлар ҳамроҳлигидан Аҳмад амиркончи турган жойга яёвлаб кетдик.

Учқўрғон қишлоғи Норин дарёсининг ёқасида қурилган, манзараси ғўзал бир қишлоқдир. Нориннинг телба суви тошларга тўқиниб «шувшув» товиш чиқариб қўйи шакллар ҳосил қилиб оқади, куннинг энг қизғин шамоли бетта уруниб туради.

Қишлоқдан анчагина йироклашиб, темир йўлдан кесиб ўтгач, узоқдан дарё устига солинган кўпрук (темир йўл кўпругидан бошқа) кўринади. Бу кўпрукнинг бу юзи Ўзбекистон, нариги юзи Қирғизистон ҳисобланади. Кўпрук ёнига яқинлашгач, кўча юзида ўсган тут дараҳти остидаги катда ёстиққа суюниб ўлтирган бир чолни ишорат қилдилар. Бу бояги Аҳмад амиркончи эмиш. Илгари йирик гавдали бўлса ҳам ҳозир эти қочиб, суяклари ўлтирган, орқадан қарагандা 12—13 ёшли бола ҳолини эслатади. Юзидағи беҳад ажинлар офтобда қовжираган шафтолини эсга тушуради. Соқол-мурти оз, қовоқ ҳалтимлари орасидан аранг-аранг кўз чизиги сезилади. Оппоққина ювилган, олди очик, кенг чит яхтагининг боричини бўшгина борлаб, тек ўлтиради. Катнинг остида ингичка, узун бўйли бир сув қовоғи юмалаб ётади. Кат теварагида бизларни кўргач, қовжираган кўзини каттароқ очишга тиришиб, қаддини ростланқираб ўлтиради ва ҳар қайсимиз билан қўл олишиб кўришди. Қулоги бир оз оғир, товушни бирмунча кўтарибрак гапиришга тўғри келди. Менинг унинг зиёратига маҳсус келганлигим англатилгач, ўлтиришга жой кўрсатди.



Бундагилар чолнинг бу қадар ёшта кирганлигига ишониб етмайдилар. Шунинг учун мен уни бир оз синамоқчи бўлдим:

- Соғ-саломат, тетиккина ётибсизми, ота?
- Шукур, ўғлим...
- ... Асли қаерда туғилгансиз, ота?
- Менми? Мен Хўжандда туғилдим.
- Учқўргонга келганингизга кўп йил бўлганми?
- 90 йилдан ортди.
- Нима касб учун келдингиз?
- Мана шу кўприкка қоровул бўлиб келдим.
- Ҳали ҳам қоровулмисиз! — деб кулиб қўйдим.
- Ҳа, қоровулман.

Айтишларига қараганда чол ҳануз ўзини кўпрукка қоровул деб билади.

- Ҳонлардан кимларни кўриб-кечирдингиз?
- Ҳонлардан... ҳонлардан Мадалихон, Шералихон, Худоёрхон, Маллахонларни кўрдим.
- Сиз «жаннатмакон»ни¹ кўрмадингизми?
- Йўқ, мен кўрмадим. Мадалихоннинг 1256 ҳижрий ёки 1834 йил мелодий йилда Бухоро амири Насрулло томонидан ўлдирилганлиги менга маълум.
- Сиз Мадалихонни неча ёшда кўрдингиз, қаерларда кўрдингиз?
- Мен Мадалихон вақтида 15 ёшлар чамалиқ бола эдим. Ўзини Хўжандда кўрдим.

Қўлимдаги бაъзи тарихий хужжатлар ва кишиларнинг ривоятларига кўра, мен бир даража Мадалихоннинг қиёфат ва сиймосини биламан. Бинобарин, унга бу тўғрида саволлар бердим. Жавоб қўлимдаги хужжатларга мувофиқ чиқиши билан баробар чол менга мажкул нуқталарни ҳам сўзлаб чиқди.

Яна бир қанча воқеалар устидаги саволларимга яхши жавоблар берди. Жумладан, Маллахон тўғрисидаги бир ҳикояси ҳонлар ваҳшатини очик гавдалантирдики, уни кўчириб ўтаман.

— Мен бир вақт Хўжандга бордим, — деди Аҳмад ота, — Маллахон Хўжанд теварагига қўрғон олдирмоқда, шаҳарнинг ёши-қариси, хотин-қизлари зўрлик билан деворга ишлатилмоқда эканлар. Ҳар қандай узрни ҳам хон ва кишилари қабул қиласермас, хон олдида ўлимдан бошқа нарса узрга ўтмас экан... Ой-куни яқин бўлган бир ҳомилали хотин шотида туриб қўргонга лой ирғитар экан, туриб юборди... Боласи ерга тушуб, жон берди, ўзи ҳам шотидан боласи устига йиқилиб, шунда ўлди. Бу ҳолга чидолмаган ҳалқ ҳонга қарши кўзғолон кўтарди...

Аҳмад отанинг «амиркончи» деб аталишига сабаб унинг бир касби этикчилик бўлиб, дастлаб амиркон тери тикиб, Учқўргон теварагига тарқатганилиги учундир. Ҳануз уни «Аҳмад амиркончи» деб атайдилар.

Чол бир неча марталар уйланган. Хотин-болалари ўлиб кетган. Ҳозир ўзи ёлғиз яшайди. Шундаги кўпрук қоровули ва қишлоқ меҳ-

¹ Эскилар Умархонни «жаннатмакон» лақабида яхши танийдилар. (муал.)

наткашлари ундан хабар олиб турадилар. Бу ёрдам бўлмаган кунларда чол қийналади.

Хайрлашар экан:

— Охунбобоевни кўрсангиз айтасиз, ҳолим оғир... Агар ўлсам ўзи кўмсин. Эсингиздан чиқармангиз! — деб зориллаб қолди.

Жу-бой,

«Қизил Ўзбекистон» — 1935 йил, 6 июл.

ҚЎРҚҶАН ОЛДИН МУШТ КЎТАРАР¹

Тошкент шаҳар Дарвозаи Самарқанд мавзеъи (Тошкент, Сталин районида) маданий оқартув ишларида олдинги бўлиши билан атрофдаги маҳаллалардан ажрашар эди. Бироқ сўнгти йилларда бу мавзеъ гурӯҳбозлик, безорилик ва шунинг сингари яна бирқанча бемаъниликлар манбаига айланди. Бу ерда Раҳимберди Худойбердиев исмлик беданабоз, Нуридин Зокиров каби муттаҳам, Беркин Азизов, Карим Абдураҳмонов сингари безори ва Вали Усмонов кабилар мавзеънинг «катта»лари бўлиб олиб, хоҳлаганларича бўлмагурликларни қилиб келдилар. Улар порахўрлик ҳам қилдилар, жамоат мулкини ҳам барбод этдилар, шу атрофдаги колхозларнинг аъзолари орасида ифво тарқатиб, уларни бузулишга ҳам ундалилар.

Беданабоз Раҳимберди халқдан йигилган 3 минг сўм оқчани еб қўйди. Нуридин Зокиров «Иттифоқ» колхозининг 2 минг сўмини исроф қилди. Вали Усмонов бўлса ёрдам кассасининг 3100 сўм оқчасини совурди. Мавзеъдаги совет ходимларидан Шоусмон Шоқосимов, Абдулла Умаров, Карим Инъомов ва Шобилол Шоқосимов ўртоқлар ҳалиги ярамасларнинг хиёнатларини очишга киришдилар. Хиёнатчилардан баъзиларнинг сирлари очилиб, ишлари терговгача бориб етди. Энди улар учун бу оғир аҳвоздан қутулиш керак эди.

Узоқ ўйламай дардга илож ҳам тоцдилар. Бир кечаси йўлда Вали Усмоновга «босмачи» хуруж қиласди. Лўттибозлар илгаридан белгиланиб қўйилган планга кўра «шилиб кетган» босмачилар қилиб, Шоусмон ва Шобилол Шоқосимов, Абдулла Умаров ҳам Карим Инъомовларни кўрсатди. Шу «босмачилар» айби билан юқоридаги ўртоқлар қамоққа олиниб, беш ой ётдилар. Ярамаслар яна лўттибозликни учига чиқарабердилар, уларнинг ўғрилиғи, порахўрлиги ва ҳоказо ярамасликлари борган сари орта борди. Қизиги шундаки, уларга қарши бирон киши ҳам индамади, бирон идора ҳам ишларини суруштирмади. Ўғрилар эса баҳузур «иши»ни давом этдира бердилар.

Шу йил 15-инчи сентябрда Ўзбекистон Олий судининг сайёр ҳайъати Дарвозаи Самарқанд мавзеъида ҳалиги «босмачилар»нинг ишини кўрди. Суд етти кун давом этди. Ўттиз бир гувоҳ сўради, суд золида минглаб ҳалқ бўлди. Суд натижасида материаллар ҳалиги найрангбоз-

¹ Бу фелетон «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1935 йил, 21 сентябр сонида Жўра Алимов ичюси билан босилган. Фелетоннинг езилини сабаблари ҳакида Ҳабибула Қодирий ўз хотира-ирида этиб ўтади.

лар томонидан уйдирилган бўхтон эканлиги аниқланди. Суд «айбдорлар»ни оқлади.

Суд ҳукмидан тамом рози бўлган мажлисда ҳозир бўлган халқ, «даъвогарлар»ни қаттиқ масъулиятга тортилишини сўради. Дарвозаи Самарқанд меҳнаткашлари хиёнатлари очилган фирибгарларни дарров масъулиятга тортилишини талаб этади:

Жўра Алимов.

«ЖИНЛАР БАЗИМИ»¹

(Мавҳум ҳикоя)

Отам бу ҳикоясини бошлаган вақтда менинг вужудимни қўрқув ўраб олар эди-да, ичимдан: «Мени ҳам шундай жинларга йўлиқтирма», деб тангрига ёлбориб қўяр эдим.

Кеча холам бизнинг уйга меҳмон бўлиб келган эди. Кечаси ошдан



¹ Бу ҳикоя 1921 йилда нашр этилган «Шарқ чечаги» номли болалар журналида биринччи марта босилган эди.



кейин отам, ойим, холам учовлари чой ичишиб ўлтирап ва ўтган-кеттандан сўзлашар эдилар. Сўз айланиб келиб яна ўша жинлар, парилар, девлар тўғрисида тўхтади. Отам бўлса ўзи кўрган «жинлар базими»ни сўзлашдан яна тийиломмади. Отамнинг бу ҳикояси, юқорида сўзлаганимча, менинг учун ортиқча ваҳимали бўлганидан дарров ўрнимга кириб, кўрпамга бурканиб ётиб олдим. Отам менга бир кулиб қарадида, «жинлар базими»дан сўз очди:

«Янги уланган вақтларим эди. Тириклик билац овора бўлиб, борнинг поясига ўз вақтида қаролмадим. Бир куни пайт топиб боққа бордим, ток жуда ҳам ўсиб кеткан, бардидағ ҳатто икки қаричғача ўсиб чиққан эди. Шунинг учун ишкомларни шитоброқ тиккайтиришга тўғри келар эди. Боққа бора бошлаганимнинг тўртингчи куни кечаси бир оз ёмғир ёғиб чиқди. Гўё ёмғирни кутиб турган токлар яна ҳам ўсиб кетдилар, шўралар барди устига энгашиб, ишком устига олмаганим учун гуё мендан аразлагандек кўрунар эдилар. Мен нима бўлса ҳам поя ишини бутун битирмоқчи бўлдим. Эртага токни очмасам, ҳам ўзим учун, ҳам ток учун жабр қилған бўларман, деб ўйладим.

Истакни озрок олған эканман. Охирпешин¹ вақтига истак тамом бўлиб қолди. Истак учун бозорга борай десам бир ишкомгина ямоқ қолди, ундан кейин бозордан қайтиб чиққунча кеч ҳам бўлади. Нима қилиш керак? Узоқ ўйлаб турмай, тут, қайрагоч ва тол каби дараҳтлардан истак чилидим. Чилпиган истакларни йигиштиргунча ҳам бир чой қайнар вақт ўтди. Истакларни белбоғимға қистириб ишкомга кирдим.

Қош қорайиб, қоронги тушган пайтда арант поя ишидан қутулдим. Юз-қўлларимни ювиб, салла-чопонимни кийганимда обдон қоронги босган эди. Бор ишлагани келган қўшнилардан ҳеч бириси қолмаған, ҳамма шаҳарга жўнаб кеттан, кўчада чигирткаларнинг чириллаши, курвақаларнинг қуруллашидан бошқа товуш йўқ эди.

Мен бордан чиққанда хуфтан бўлмаса ҳам шунга яқинлашиб қолған эди. Қоронгида туртиниб-туртиниб йўлга тушдим.»

Отам холамга хитобан деди:

«Сиз биласиз, бизнинг борнинг тевараги қуюқ дараҳтлик майдонлар билан ўралган. Катта кўчага тезроқ чиқиб олиш учун мен шу майдонлардан юрдим. Майдон ниҳоятда қоронги ва ваҳимали эди. Лекин мен қоронгида бепарво борар эдим, ёғиз қоронгида туртуниб қийналар эдим. Катта кўчага чиқиб олмогим учун орада биттагина Ҳамдам хумдончининг чакалаги қолди».

Отам ҳикоясини шу ерга келтириб тақагач, мен кўрпамга яхшиrok бурканиб олдим

Отам сўзида давом этди:

«Бир-икки қадам Ҳамдам хумдончининг майдонига томон юрдим...

¹ Барди — камиш ўзагининг тагида ер бағирлаб ўсадиган ўсичлик, барглари ўриб олиниб, токни етқизиб кўндоқлагандан сўнг совуқ урмасин учун устига етилади

¹ Истак — тол, тут, қайрагочнинг бураб юмшатилган ингичка новдалари, уни ток баразларини борлашда осон ишлатилади.

¹ Охирпешин — соат тўрғлар атрофи, аср намозидан олдинроқ пайт.



Йироқдан келган ёруғликин сезиб, теварагимга қарадим-да, ҳайрон бўлиб қолдим.. Қаршимдағи майдондан ўтқир нур шарпаси тушар эди. Бугина эмас, кишиларнинг ҷағир-чуғур сўзлашиб кулушлари, гижданг-гижданг билан чилдирма, ора-чора дугор, танбур, гижжак каби созларнинг заиф, аммо юракни қитиқлайтурған товушлари эштиilar эди.

Мен тонг қотиб бир неча вақт туриб қолдим. Дарҳақиқат, бойқушлар уяси бўлган бир вайронада бундай воқеанинг юз бериши кишини албатта ҳайрон қилас эди. Ҳолбуки, мен шу кун эрталаб ҳам шу майдондан ўтган эдим. Бу ерда бирор зиёфат бўлатурған бўлса, эрта билан унинг бир асари кўринар эди. Ёш-яланглар кундуз куни ҳаракат қилганлар-да, хара-кўчалар¹, деб фикримдан ўтказдим.

Мен базим бўлаётган майдон орқали ўтмоқчи бўлиб, девор нахрасидан² ошиб гущдим... Ўх-хўй-ўй, майдон ичи кундузгидек ёруғ, дарахт шоҳларига чироқлар осилган, ерларга ипак гиламлар ёзилган. Бир чеккага катта оқ самоворлар қўйилған, бир тарафда катта қозонлар қурилған, жиз-биз давом этар эди. Майдоннинг ўрга ерида юз чорлиқ ёш-қари кишилар қуршалиб ўлтириб, дугор, танбур, чилдирма, ногоналар чалиб базим қилас эдилар.

Шу чоқда бир киши олдимга югурди ва базимдагиларга қичқириб:

— Мана, Ўсар акам ҳам келди! — деди.

Базимдагиларнинг ҳаммалари ҳам менга қарадилар.

— Келинг, келинг, Ўсар ака, поядан қутулдингизми? — дейишдилар.

Ўша онда уларга нима деб жавоб берганимни ҳозир эслаёлмайман, чунки жуда ҳам гарангсиган эдим.

Улар мени ўз ихтиёrimга қўймай, судраб, тортиб тўрга чиқардилар. Одатда мажлисга кириб ўлтиргандан кейин фотиҳа ўқилар эди. Бироқ, уларнинг ҳар турли савол ва муомалалари билан овора бўлиб, фотиҳа уқиш ҳам ёдимдан чиқдан. Бир оз эсимни йигиб олгандан кейин мажлисдагиларни кўздан кечириб чиқдим. Кўпларини қайси жойдадир кўргандек бўламан... Аниқлаб қарасам, умримда кўрмаган-танишмаган ёт кишиларга ўхшайдилар. Фақат уларнинг мен билан худди танишларча муомала қилишлари, отимни атаб чакиришлари, қилған ишларимни сўраб, ҳатто бояги истак чилпиб юрганимни билишлари мени жуда ҳам ажабга қолдирған эди.

Орадан кимдир, билмадим, ролибо мажлиснинг бошлиғи бўлса кепрак:

— Ўсар акамга дастурхон ёзиласин! — деди.

Тўрда ўтирганлардан яна бириси унга қарши чиқди:

— Илгари бир базим қилиб олайлик, сўнгра дастурхонга ҳаммамиз баравар қараймиз³ — деди ва менга юзини ўтириб:

— Сиз ҳам базимни соғиниб қолгандирсиз. Илгари базим қилайлик-а? — деб сўради.

Менинг қорним оч бўлса ҳам, меҳмонлигим важхидан унинг фикрига қўшилишдан бошқа чорам йўқ эди.

¹ Хара — кўча-бекорчи

² Нахра — раҳна, деворнинг упирилган жойи.

Созандалар созларини тұғрилай бошладилар. Созлардан танбур, дутор, гижжак, рубоб, чант, най ва даф кабилар менга таниш бұлсалар ҳам, яна мен күрмаган ва билмаган бир қанча созлар ҳам бор эди. Созлар созландылар, бир хил босиқ оғир машқ чалина бошлади. Машқ сихрлик эди... Мен ерга сингиб кетарлық даражада әзилмокқа, асарланмоққа, ичимдан бир түлкүн келиб үзимни қаерға уарымни билмай әзтиикмакка бошладым. Созандалар ҳамон ҳалиги босиқ машқни секин-секин авжга чиқариб бордилар... Ахир чидаб туролмадым, пиқпиқ йиглай бошладым. Нега ва нима учун йиглар эдим, буни үзим ҳам билмайман. Узоқ йигладым. Нихоят машқ битди. Битди, лекин мени ҳам үзи билан бирга битирди. Икки тегирмон тоши орасыда яңчилган кишидек мажрух, эдим. Қимир этгали мажолим йүқ эди. Құзимни оғдим. Мажлисдагиларнинг барчаси ҳам гүё бир күздан менинг ҳолимга кулиб қараб турар эдилар. Мен ўз ҳолимдан уялиб ерга бокдим.

Созлар яна иккінчи машқни чалиш учун тайерланар эдилар. Лекин мен ҳалигидек машқни әзитищдан безор бўлган эдим. Юрагим гуп-гуп уриб қолди. Боягидек машқни яна бирини тингласам эҳтимол ажалимдан бурун ўлар, ер билан яксон бўлар эдим.

Иккінчи машқ бошланди. Машқ бошланиши билан бутун вужудимга ҳаёт суви югурди. Үзимда аллақандай бир лаззат ҳис қилдим. Машқ ғоятда шодликли эди. Бу машққа не деб исм беришни билмайман.

Шу вақт ўртага ўн беш-ўн олти ёшлик бир қиз келиб кирди. Унинг сочлари жингила-жингила, юз ва кўзлари дўндуқ, устида яшил баҳмадап бурма қилиб тикилган чиройли делвагай кийими бор эди. Бир неча қадам чалишиб ўртада юрган эди, оёғидаги қўнғироқлари жинғираб кетди. Қиз машқ билан баравар ўйнай бошлади.

Машқ давом этар, гүё нафис соз товушининг ели ўйинчи қизни ғайри ихтиёрий бир ҳаракатга келтиради. Дунёга бир шодлик, бир рух, ёғади, гүёки ўликлар тириларлар, ерлар силкинарлар, тоғ-тошлар куларлар, юлдузлар учарлар, дараҳт шохлари титрагандек бўларлар.

Ахир шодликларим юрагимга сифмади. Ўз эрким билан эмас, аллақандай бир куч ўтирган жойимдан турғузиб юборди. Қизнинг ёнига кириб мен ҳам ўйнаб кетдим».

Ойим билан холам ўзларини тутолмай кулиб юбордилар. Менинг бўлса кўз ўнгимга дадамнинг ўйнагандаги аҳволи келиб тўхтагандек бўлди.

Дадам давом этди:

«Шундай, мен ўйнай бошладим. Нима бўлса ҳам қиз билан бирдек ўйнамоққа тиришаман. Қиз мен билан бир оз ўйнаб тургандан кейин ўртадан чиқиб бир четта кетди. Лекин мен ўйинни тўхтатмадим, тухташи хотиримга ҳам келмаган эди. Кишилар қарс уриб турадилар ва мени масхаралагандек қийқириб, оғиз-бурунларини қийшайтирадилар, лекин мен уларга парво қилмай, ўйинни давом эттираман...

Бир вақт алланарсага гуртиниб ерга йиқилдим. Үзимни ўнглаб олиб яна ўйинга ҳаракат қилған эдим, тагин муккамча йиқилдим.

Бир қанча вақтдан сүнг ўнгланиб ўрнимдан турдим ва кўзимни очиб теварагимга қарадим...

Орада на кишилар, на созлар ва на бошқалар — ҳеч ким, ҳеч гап иўқ!.. Қоп-қоронги майдон, бир ариқ ичида турибман...»

...

Мен отамнинг бу кўрган ҳодисасини муаллим афандига сўзлаган эдим, кулди: — Ваҳима, хаёлот! — деди.

— Чиндан ҳам ваҳимми, ваҳим бўлса кишида қандай воқиъ бўлади? — деб сўраган эдим, афандим:

— Келаси жума болалар ўртасида бу тўтирида маълумот бераман, сен ҳам шу мажлисда ҳозир бўлсанг ваҳимнинг қандай воқиъ бўлишини билиб оласан! — деди.

Мен албатта жума куни мактабга бориб, афандимиздан ваҳимнинг кишида пайдо бўлишини эшитаман. Вақтингиз бўлса жума куни сиз ҳам борингиз.

Абдулла Қодирий-Жулқунбой,
(Ҳикоя 1936 йилдаги қайта нашридан олинди.)

УЛОҚДА¹

(Ҳикоя)

I

Кеча дадамдан сўраб қўйғаним учун бу кун акам ҳам «керак эмас, борма!» деган жекиришини қўлмади. Чойни наридан-бери ичиб, отхонага югурдим.

Дадам билан ойим:

— Оёғинг олти, қўлинг етти бўлиб қолдиёв! — деб кулишиб қолдилар.

Қашлоғични олдим-да, қора қашқамни яланроchlаб, уёқ-буёгини қашлаб чиқдим. Жонивор типир-типир қиласди, бош чайқайди, ер тепинади, дум силкитади... Шунинг билан менинг кўнглумга: «Худо хоҳласа келаси йилга бирор улоқлар чопайки, ҳамма мени: «Турғун ча-вандоз» деб атасинлар» деган орзулар тушади.

Улуғ ҳайитдаги ҳайитликка олдириған мўғор эгарча² билан ғалатича қилиб тойчамни эгарладим. Тогамга ялиниб-ялпогланиб олдириған ўрус юганни артиб-суртиб солдим-да, ўзим четроқдан туриб кам-кўстини кузатдим:

— Қуюшқони ҳам ўрнида, эгар ҳам яхши қўнған, қоринбориси ҳам жипс, югани ҳам тўраларникидек!..

Бу ҳикоя 1915 йилда езилган эди. Болалик давримнинг ёдгори бўлғани учун ортиқча ўзгаришлар киритмадим (муал.).

Мўғор-эгар — Самарқанд эгари ҳам дейилади. Асосан отни салт мингданда ёки улок чопганда отта урилади, одатдаги эгарлардан кичикроқ бўлади.

Лекин умулдиригининг йүқлиги бир оз кўнглимни ғаш қилди. Анчагина ўйлаб турганимдан кейин, акамнинг юган учун асраб қўйған қайиши эсимга тушиб, секингина ертўладан ҳалиги қайишни олиб чиқиб, умулдириқ ясадим.

Энди тойчам жуда ҳам гижинглаб, худда тўраларникидек бўлиб кетди. Уёқ-буёғини супургандан кейин устунга қантариб қўйдим. Энди қолди: оқ, жужунча камзулимни, ўрисча шимни, амиркон этикни, бахмал тўппини кийиш... Ана шундан кейин отта минсак чин тўрача бўламиз-да!

Ойимнинг бир қизиқ одати бор: ҳар қачон янгироқ кийим киймакчи бўлсан, кўзини ола-кула қилиб: «Қақшағир, кир қиласан, тўйпўйга боргандга киярсан!» — деб қарғай бошлайди. Озгина «шайтон йиғиси» қилмағунингча иш ўнгланмайди. Бу гал ҳам ўшандоқ йиғидан қилиб олғанимдан кейин, кийимларимни кийиб, шоҳи қийиқчамни белимга борлаб олдим. Ойимга билдирамасдан секингина уйга кириб, дадамнинг кумуш чопқон қамчисини ичимга тикиб, ташқарига чиқдим.

Хизматчи гўшт келтириб турган экан. Отхонадаги қора қашқани қўчага чиқариб туришга буюриб, гўштни ойимга киргизиб бердим-да, ташқарига қараб чопдим.

Ойим орқамдан:

— Кийимларингни кир қилма, тойингни қаттиқ, чолтирма, улоқчилар орасига кириб бирор ҳодисага йўлиқма, ўртоқларинг билан бир четдан туриб томоша қил! — деб жавраб қолди.

Хизматчидан отни олиб миндим. Тўнимнинг этакларини йиғиштириб, қашқачамнинг човига бир-икки қамчи берган эдим, жонивор шаталоқ отиб кетди. Хизматчининг: «Ҳа, баракалла! Чавандоз!» деган товушини эшишиб, қаттироқ қамчилаб эдим, жонивор қашқачам кўтариб кетаёэди.

II

Чуқур ариқдан тойимни сурориб чиқаётганимда бир тўда улоқчи чавандозлар учраб қолдилар. Уларнинг баъзиси акамнинг ўртоқлари эдилар, мен билан сўрашдилар. Улардан бири акамнинг қаердалигини сўраган эди, мен эрталаб улоқда кетганлигини айтдим.

— Бизнинг Маҳкамбой улоқда жуда ҳам ишқибоз-да! — деди ҳалиги.

— Йўл бўлсин, бойвачча? — деб сўради мендан яна бири. Мен уялинқирадим:

— Улоққа! — дедим.

— Баракалла чавандоз! Баракалла Турғун чавандоз! — дейишиди улар. Айниқса мени «чавандоз» деб аташлари жуда ҳам кайфимни келтириб, ичимдан: «Отангта раҳмат», — деб қўйдим.

Биз бир дуркум отлиқ борамиз. Жонивор тойчам бошқа отлардан қолишмайди ва гоҳо уларнинг отларидан ўтиб ҳам кетади. Тойчам ўтақолса: «Отингиз жуда ҳам йўрга экан-да, бойвачча», — деб менга пичинг отишадилар.

Ҳар ким ҳар нарсадан баҳс қиласди, орада менга ҳам сўз қотиб

күядилар. Мен уяламан. Сўз уриниб яна Маҳкам акам устида тўхталди:

— Шу чоққача кўп улоқчи кўрдим, лекин Маҳкамдек улоқча серзавқини кўрмадим! — деди биттаси.

— Маҳкам бойваччанинг ота-бобоси улоқчи бўлиб келган-да! — деди Собир тегирмончининг ўғли. — Ахир ўн икки яшар укасини кўрмайсизми, шу ёшидан улоқ чопмоқчи!

Бу сўздан менинг аъзойи бадданим жимиirlашиб кетди ва оз қолдик кулиб юборсам.

— Дадам Маҳкамнинг бобосининг улоқ чопишини галираберса киши ҳайрон қолади, — деди яна бир мўйлови шопдек йигит, — юз, икки юз чавандоз ичидан ёппа-ёлғиз улоқни ажратиб чиқар экан-да!

— У вақтнинг одамини улоқнинг пири десанг-чи! — деди Собир тегирмончининг ўғли.

— Отинг яхши ва билагингда куч сероб бўлса, сен ҳам улоқнинг пири бўлаоласан! — деди яна бири.

Мен бобомнинг мақтовини эшитиб, кеккайиб бормоқдаман... Шу пайтда орқамиздан от шаталори эшитилиб қайрилиб қараган здик, олдига бир ола эчкини ўнгарган, кўкраги очик, яктакчан, саман отлик бир йигитни кўрдик. У бизга етиб тўхтади ва ҳамма билан от устидан туриб сўрашди.

— Бу ҳафта ёрдамлашасиз-да, карвон! — деди кулимсираб Тўғон ака.

— Ҳа, бўлмасам-чи, сиздек орайниларга кўмаклашмасам бўладими! — деди ҳалиги йигит ва тўзумсизланди: — Қани, илдамроқ юринглар!

Йигит билан биргалашиб кетдик. Бир оз боргач, бизнинг отимизнинг оёғи билан чавандоз йигитнинг сабри тугади шекиллик, отига бирдан шартиллатиб қамчи берди ва қущдек учиб кетди. Биз фақат унинг «Мен тезроқ борай», — деган сўзини эшитиб қолдик.

Энди сўз ҳалиги чавандознинг оти тўғрисида бошланди.

— Валаднинг оти жуда ҳам чопқир-да, — деди Тўғон ака. — Улоқчи бўлганингта яраша шундақанги отинг бўлса!

— Худди бодирафрафдек³ учади! — деди мўйлови шопдек йигит.

Шу вақт нима учундир ҳамма бирдан шарақлаб кулиб юборди. Кулги сабабига тушунмасам-да, мен ҳам уларга биргалашиб кулишдим.

— Бодирафрафми, бодисарсар? — деб сўради ундан аллаким.

III

Биз, акамга «Дўмбуровот» гузарида учрадик. Акамлар самоворчига палов дамлаб қўйиш учун ўзаро пул йириб беришгандан кейин, биз яна йўлга тушдик.

Даланинг кўчаси қишдан бошқа вақтда сув кўрмагани учун икки

³ Шамолдек демокчи.



газ келатурған билқ-билқ гүппон тупроқ; йигирма-үттис улоқчилар бирданига йўл босиб, қайси отини чоштириб, қайси лўкиллатиб боради. Кўчани тўзон қолларан, киши-кишини танимаслик ҳолга келган. Мен бўлсам уйга қайтиб борганимда: «Кийимларингни пес қилибсан!» — деб ойимнинг қарғашидан қўрқиб бораман.

Талайгина йўл босгандан кейин улоқ чопилатурған жойга етдик. Ўзи, тўрт тарафи кўз илғамайтурған даражада катта ва сайҳон бир ер экан. Бу жойга жуда кўп ҳалқ йирилган, бундаги улоқчи отлар билан томошачи яёвларнинг ҳад-ҳисоби йўқ.

Катта садақайрағочнинг тагида иккита бордондек самоворга ўтиш қалаб қайнатадилар. Ундан нарироқда бир-икки киши уч-тўрт қоп бодрингни бир-бирисига тираб қўйиб: «Мирза қирон бодиринг! Қасир-қусир бодиринг!» деб мақташадилар.

Акамлар саданинг остига — самоварчининг палосига отдан қўнди-лар Кун қизигида туриш қийин бўлгани учун мен ҳам тойчам билан садақайрағочнинг бир бағрига бориб турдим. Теваракдаги кишилар бир менга ва бир тойчамга қарайдилар. Мен уялиб тойчамнинг ёлини тарайман. Теварагимдаги кишилар орасида вағир-вугур гап, тўзумсизланиб улоқнинг бошланишини кутадилар. Бириси: «Бу кун улоқ қизимайди», — деса, иккинчиси: «Бекор айтибсан, бу кун улоқ жуда ҳам қизиди, чунки Салим билан Мурод чавандозлар келар эмиш», деди. Яна бири: «Ҳа, ҳа! Агар Салим келса, улоқ жуда ҳам қизир экан», деса, аллаким: «Салимнинг оти қозоқи от, қамчи кўтармайди, ҳайт деса бас!» — дейди. Тағин бирор: «Улар уч киши эди, икки йилдан берли бири кўринмай қолди, ана ўшенисига чавандоз боласи бас келомас эди!» — деса, яна аллаким: «Ўлма, ўлма! Мен ҳам шуни кўпдан бери кўрмайман, гирдиғумдан келган, ердан бичиб олгандек йигит-а?» «Балли, балли! Отангта раҳмат, худда ўша йигит, қанча сўроғласам ҳам ҳеч кимдан дарагини билолмадим!»

Шу йигигнинг устида анчагина жанжал бўлиб олди, бири: «Ўлиб кеткан», — деса, иккинчиси: «Тирик!» — деб қичқиради. Уларга яна бириси қариши туриб: «От босқан, докторхонада ўлган!» дейди, сўфироқ бир одам: «Бирорга ёмон нафас қилманглар!» — деган эди, аллақайси киши: «Ўлса ўландир, бунга нима жанжал!» — деб қўиди, тағин бирор: «Бекор ҳам ўлтирибмиз-да!» — деб кулди. Яна: «Сираси-сираси!» Тағин шовқин-сурон, яна: «Ҳа, ҳа!» Тағин: «Йўқ йўқ...».

Бир кишининг «Ана улоқ келди!» деб юбориши билан ҳамма тип-тич бўлиб улоққа қараб қолди. Яна бир оздан қейин: «Улоги ёш экан! Яхши чавандозга учурвоқ ҳам бўлмайди!» «Шуниси тузук, шуниси!» — деган жанжал бошланган ҳам эди, майдонга икки чавандознинг от ўйнатиб кириши ҳамманинг товушини ўчириб қўйди ва секин-секин: «Салим чавандоз!», «Мурод чавандоз!» деган шивирлашишлар эшитилиб қолди.

— Қораси Салимми, чўтири-чи?

— Салимнинг билаги кучликка ўхшайди!

Чавандозларнинг бириси кўк човкар ва иккинчиси ола отта мўнган

баҳайбат чапан йигитлар эдилар. Булар келгандан кейин ҳалқ чидамсизланиб қолди:

— Ана энди чин улоқ кўрасан! — дейишадилар.
— Бу кун қиёмат улоги бўлар экан! — деб бошларини чайқатиб қўядилар.

— Муроднинг отини кўр, худда қаноти борга ўхшайди.
— Кўж човкарни айтасанми, тўруқними?
— Ҳар иккаласига от етмайди, иккови ҳам яхши зот!
— Қулоғи чимирилган от чопқир бўлади!
— Қулоқда гап йўқ, гап зотда!
— Йўқ, йўқ! Серкишновда, ўзим синааб кўрдим!
— Қора от чопқир бўлади, деганлар, қораси яхши, қораси!
— Дадам раҳматлиқ от олганда туёғига диққат қиласар эди, гап туёқда.

Баҳслашадилар, ҳар ким ўз ёнидаги билан талашда. Мен ҳам шу тўғрида ўйлаб, уларнинг айтган нишонларини қора қашқамдан қидириб топсан суюниб, топмасам куюниб турман.

Маҳалламиздаги ўртоқларимдан Нурхон, Ҳайдар соқов, Шокир мишиқилар ҳам отларини лўқиллатишиб келиб қолдилар. Биз тўртовимиз отларимизни қатор қўйиб, ўёқ-буёқдан гаплашиб турдик. Нурхон дадасидан ола йўргани сўраганда қиласан баҳонасини айтиб кулади, Ҳайдар соқов саман отининг йўлда Шокир мишиқининг байталига қараб кишинаганини айтиб, Шокирни масхара қиласи. Кулишамиз. Шокир бўлса бурнини торта-торта: «Уялиб кетдим, бундан сўғун бия минмайман», — деб қизариб-бўзаради. Отимнинг умулдириғига уларнинг ҳаваслари келиб баҳосини сўрашадилар, мен: «Ўн беш тантга», деб кумуш қамчини ҳам кўрсинар учун ўйнагансимон эгарнинг қошига «тақтак» уриб кўяман. Улар: «қани-қани, кумушми?» — деб қамчини қўлимдан олиб кўрадилар. Мен секингина бошимни қимирлатиб, ўзимда алланима сезинаман. Уларнинг отларига, ўзимниги, кийимларига, кийимимга қараб, ўзимни улардан аллақанча юқорида кўраман. Ҳайдар соқов тутила-тутила... «Келинглар, бир чоптирайлик», — деди. Нурхон кўнмаса ҳам юганидан тортиб олиб кетиши. Уларнинг орқасидан Шокир ҳам байталини югуртириди. Чидаб туриб бўлмас экан, улар орқасидан тойчамга бир қамчи бериб юборган эдим, жонивор икки ямлаб бир ютиб, ўн одимда уларни йўлга қолдириб кетди. Анчагина узоқлашфанимдан сўнг орқамдағиларга қараган эдим, ҳамманинг кўзида мен эканман. Яна қаттироқ ҳайдадим. Қирнинг бир чеккасига бориб, отимни тўхтатдим, талай вақтдан кейин улар отларини лўқиллатишиб ёнимга етдилар. Бу ерда отларимизнинг чопқирлиги гўғрисида сўзлашдик. Нурхон отининг чопмаслигига акасининг иссиқ ҳолда сув берганлигини сабаб қилиб кўрсатади. Ҳайдар соқов бўлса Эсон кўкнорининг ўғини сўка-сўка:

— Бозорга ун учун бораёттанимда бехос том бошидан гувала ташлаб юборди. Шундан бери қамчи билан юз минг урсанг ҳам жонивор қулоғини чимириб, ҳуркиб тураберади! — дейди.



Менинг қашқачам түғрисида Ҳайдар айтади: «Сенинг — дейди, — отингга ҳеч от боласи етмайды!» — дейди. Нурхон айтади: «Отдан сенинг бахтинг бор экан, лекин, — дейди, — ем хашакни ўзинг бер, хизматкорга ишонсанг отингни бузиб қўяди, ўртоқ, мен сенга бир айтиб қўйдим», — дейди.

Шу ерда узоққина сўзлашиб тургандан кейин яна отни кейинга қараб қўйдик. Тағин улардан ўзиб кетдим. Ҳалққа яқинлашғанимдан кейин «мени ҳам таниб қўйсилар» деб қашқачамни уст-устига қамчиласми борми, шамол-дая, шамол... энди ҳалқ бир ўзимга ва бир қора қашқамға тикила бошлади. Мен бўлсам, «мени энди танийсизлар!» деб тойимнинг ёлини қамчи сопи билан тараб турабердим.

IV

Томошачилар орасида яна олағовур қўпти:

«Ана, улоқнинг солиғини йирагётидилар! Улоқ ҳозир бошланади!», «Мурод чавандоз ҳам турди!», «Салим қалпоғини кийди!», «Рўзи қассоб улоқни бўғизламоқчи, пичогини қайраяпти!», «Бойваччалар ҳам кўзгалишдилар!», «Салим чопонини ечмоқчига ўхшайди!», «Ҳай бара-калла, шоввозлар!»

Ўртоқларим билан мен ҳам улоқнинг тезроқ бошланишини кутмоқдамиз. Чавандозларнинг қайсиси тўнини ечмоқда, баъзиси отининг айлини тортмоқда ва қай бирорлар улоқнинг солиғини бермоқда эдилар. Акам ҳам шоҳи салласи билан бекасам тўнини менга бериб, ўзи ўртага от ўйнатиб кетди.

Улоқчилар бирин-сирин ўртага жум бўла бошлаган бўлсалар ҳам, ҳануз улоқ ўртага кирмаган эди. Ҳамма томошачилар сабрсизланиб: «Шу тобгача тuya бўғизласа ҳам бўлар эди, улоги яхлаб қолдими?» — дейишадилар.

Орадан талай вақт ўтгандан кейин бўғизланган улогини олдига ўнгариб Ориф саркор ва унинг орқасидан бояги машхур чавандозлар қалпоқни чаккага қия қўйиб, згарга қийшиқ ўтириб ўртага кирдилар. Томошачилар улоқни кўрганлари он: «Ҳоҳ, жонвор, бормисан!» дейишадилар.

Орадан аллаким: «Улоқнинг қони яхши ювидими?» — деб сўраган эди, Ориф саркор:

— Хотиржам! — деди ва улоқни шалқ этиб ерга ташлади, сўнгра ҳалққа якинроқ келиб:

— Огайнилар! Бола-чақаларни четта чиқаринглар, от оёғида қолғилиқ бўлмасин, ўзларинг ҳам эҳтиётроқ жойда туринглар, ҳайвон билан бўлган иш қийин! — деб вағз айтди.

Ориф саркор ҳалқдан фотиха олиб, отини югуртириб тўдага кетди. Томошачилар тўдадаги ўз яқинларига: «Бу кун ғайратларингни кўрамиз-да!» деб бақиришдилар.

Улоқ бошланди...

Бириси олади, иккинчиси тортади. Иккинчисининг ёнига учинчиси ва тўртинчиси қўшилиб, бирдан саккиз томонга тортқилашадилар, орага

четдаги улоқчилар ҳам сиқилишиб кириб, яна улоқни буйдалашадилар. Жуда қизиқ... Ҳар ким улоқни ўз тақимға босиш ҳаракатида, лекин улоқнинг думидан, оёғидан, ёлидан тортувчилар жуда ҳам кўп. Тўдадан олиб чиқиш жуда қийин. Баъзан улоқни тўдадан олиб чикувчи ҳам кўриниб қолади, бироқ унинг кетидан улоқчилар чуғурчиқдек ёпирилишиб, ўн-ўн беш қадамда тутиб оладилар. Яна тортиш бошланади. Бу ёқдаги томошачилар:

«Тақимға бос, тақимға!», «Отнинг бошини қўй, човиға қамчини шиғаб бер!», «Бўш келма, маҳкам тут!», «Юганин бўшат, қамчинингни тишлаб ол, ёнингга алақсима!», «Олдинг, оддинг! Берма, чапга бурил, чапга!», «Тут, қўйма!», «Вой тўймагур, бериб юбординг-а, ўз кўнглингда сен ҳам улоқчисан-да!», «Оting ҳаром қотсин, отми, эшакми — бу ҳаром ўлгуринг?..» — деб ҳар хил товушда бақиришадилар. Улоқ ерга тушиб кетиб қолса, томошабинлардан баъзиси югуриб бориб ердан улоқни азод кўтариб олади, укасими, ошнасими, — ишқилиб бирорта яқин кишисига тутқизмоқчи бўлади. Лекин бошқа чавандозлар улоқни ундан олмоқчи бўлиб устига дув йигиладилар, у бермасликка тиришади, бошқалар ўртага санжоб қилиб сиқадилар. Бечора анчадан кейин оқсоқданиб ёки қўлинни силаб ўртадан аранг чиқиб келади. Чеккан азобини сўзлай-сўзлай бир четта кетади.

Отаси боласини, акаси-укасини танимайди, чанг-тузон, терланган, пишилган, ҳар ким улоқни тақимға босиш қайғусида. Бош ёрилиб, кўз чиқдан билан, отдан йиқилиб қўли синган билан парвойи-фалак . Ишқилиб, улоқни тақимға босилса бўлди... Тақимға босиш ўзи жуда ҳам нашъалик-да!

Лекин тақимға босиш ҳар кимга ҳам мұяссар бўлавермайди, тақимға кўпроқ босувчилар бояги чавандозлар; азобланиб, ўлаёзид бўлса ҳам улоқни тақимға босгач, отта қамчи бериб эллик-олтмиш одим нарига қочиб борадилар-да, яна орқадагилар тарафидан ўралиб олинадилар. Яна тортиш

Улоқ бошланганидан бирор соат вақт ўтган эди. Бирдан улоқчилар сув қуйғацдек тинчиб, тортиш ўрнига тўпланишиб қолдилар. Биз, отлиқ-яёв томошабинлар ҳам ҳаммамиз ўртага югуришдек. Мен кейинроқ борганим учун отлиқ-яёв ҳалқ ўртани сириб олган эди. Мен чеккада қолдим. Ҳар қанча уринсам ҳам ўртага киришнинг эпи бўлмаганидан кейин одамларнинг оғзига қараб турдим. Лекин улоқчилар орасидаги ҳодиса ҳаммага ҳам номаълум эди. Ҳар кимнинг юзида таажжуб ва бир-бирисидан: «Нима гап?» — деб сўрашар эди.

Бир неча дақиқадан кейин: «Қимирлатманг, қимирлатманг!» деган товуш эшитилиб, ҳалқ яна таажжубга тушди.

— Нари бўлинглар, ҳовв! — деб ўртадан бирор бирори

Ҳалқ бир четлик бўлиб, йўл очди.

— Нима гап, нима гап?

— Ҳеч нарса эмас... Эсонбойни от босибди!

— Кўрқинчли эмасми?

— Йўқ, сағал.

Кишилар бир-бирларига қараб: «Фалакат-фалакат», — дейишиділар. Нари тур-бери тур қилиб, беш-олти киши отта босириқ бўлганни ўргадан олиб чиқдилар. Кишиларнинг кўмаги остида келтириб, саданинг остига ётқиздилар. Дарров бир киши аравага юборилди, биттаси ўзига келармикан, деб ўлукдек бўлиб ёттан Эсонбойнинг юзига сув сепиб кўрган эди, қимир этмади.

— Беш-олти отнинг тагида қолди-да, бечора!

— Ўнта отнинг тагида қолса ҳам ҳеч гап эмас-ку, бироқ қалтисроқ жойидан босганга ўхшайди...

— Умри боқи бўлса ҳеч гап эмас.

«Бечора бултурги ҳайитда менга ярим сўм ҳайитлик берган эди. Илоҳи яхши бўлсин», деб кўнглимдан ўтказдим.

Арава келди. Эсонбой акани аравага етқиздилар. Акам уч-тўртта ўртоқлари билан арава ёнида Эсонбойни кузатиб шаҳарга жўнаб кетди.

— Шўр пахта қиласин, кепак қиздириб боссин, — деб халқ чувиралишиб қолди.

Улар жўнагандан кейин улоқ яна бошланиб кетди. Мен улоқ туга-гунча томоша қилиб турдим. Лекин яхшики энди ҳеч кимни от босмади.

Кечак мени от қоқдан экан. Ўрнимта киришим билан тиррақдек қотиб ухлабман. Эрталаб ойим: «Тур, тур тезроқ, даданг келса нах ўлдиради!» — деб кўрпани тортиб ташлади. Мен уйқулик кўзим билан: «Дадам бозор кетмадими?» — деб сўраган эдим, ойим:

Эсонбойнинг жанозасида! — деб жавоб берди.

Менинг уйқум ўчди.

Абдулла Қодирий

(Ҳикоя 1936 йилдаги қайта нашридан олинди.)

ЎҚУШ — ЎРГАНИШ

(Майдага ҳикоялар ёзганда сўзни қандай тежаш керак)

Майдага ҳикоялар устаси Чехов сўз тўғрисига келгандага ҳаддан ташқари ҳасис, ортиқча сўзлар сарф қилиш у ёқда турсин, керакликларидан ҳам мумкин қадар юлишга ҳаракат қиласи. Ўзи айтади: «Майдага ҳикоялар ёзганда сўзни ортиқча исроф қилғандан кўра керакликларини ҳам мумкин қадар озоқ ишлатиш керак». Унинг ҳикояларида сўз исрофгарчилигига сабаб бўлатурган ортиқча деталлар ҳам бўлмайди. У бутун деталларни ўзи айткан асосда ишлатади. «Биринчи кўринишда милтиқ бўлса, шу милтиқ учинчи ёки тўртинчи кўринишда албатта отилиши керак, йўқса милтиқ тўғрисида сўзлашнинг ҳожати йўқдир».

Унинг «Буқаламун»¹ ҳикояси ҳам бошқа кўп ҳикояларида (жур-

Буқаламун — Африкада бўлатурган бир турли эчкемар. Буқаламун ўзининг пўстини тез ўзгартира олади. Қаерда турса ўша ернинг туслига кира олади (муал.).

налимизнинг 10-нчи сонида «Чиновникнинг ўлими» номли бир ҳикояси ҳам босилган эди) ғоят сиқиқ, қуюқ ёзилгандир.

Унинг сўзга хасислиги ўқувчига малол келмайди. Яъни, айтмакчи бўлган фикрининг тушунилишини оғирлаштирмайди. «Буқаламун»да воқеа йилнинг қайси фаслида бўлаёткани айтилмайди, аммо бундаги сўзлардан фаслини аниқлаш мумкин. (Албатта бу сўзлар йилнинг фаслини билдириш учунгина келтирилмайди). «Палтомни еч-чи, Едирин... Кун жуда исиб кетди... ёмғур ёрса ҳам ажаб эмас».

Қуйидаги сўзлардан воқеа тушки овқатдан кейин бўлаётканини ҳам билиб бўлади:

«Теварак жим. Майдончада ҳеч ким кўринмайди. Дўкон ва қовоқхоналарнинг эшиклари очик, ҳувуллаб турадилар. Бу эшиклар ёнида гадой у ёқда турсин, бир зор ҳам кўринмайди».

Мана булар икки мақсад кўзда тутилиб айтилган сўзлар бўлиб, иккинчи мақсад мантиқий равишда биринчисидан келиб чиқади

Деталлар (воқеани ташкил этган воқеачалар) ҳам ўзи ёлриз қолиб, кераксиз сўз бўлиб қолмайди. Масалан, ҳикоянинг бошида «Очумилов янги шинел кийган» дейилган экан, бу нарироқда бориб, шинелнинг ечилиши, яна кийилиши билан боғланади.

Хрукеннинг ўнг қўлини юқорига кўтариб, халойиқقا қонаған бармолини кўрсатиши, унинг: «Энди, шу мажруҳ бармолим билан эҳтимолки бир ҳафта ишга ярамасман», деган арзи Очумиловнинг: «Сен аҳмок, қўлингни тушир! Айб ўзингда!» деб қичқириши билан боғланган.

Ҳикояни «сер сув» (кўп сўзли) қилатурған нарсалардан бири кўрсатиш ўрнига сўзлаб беришдир. Агар Очумиловнинг «Буқаламун» эканини унинг сўзлари орқали кўрсатилемаса, автор томонидан таърифланса, дунё-дунё сўз кетар эди. Чехов буни ўзи айтиб бермасдан, Очумиловнинг ўз сўзи билан кўрсатади.

Очумиловнинг дастлабки фикри:

« — Итни ўлдириш керак, кутурған бўлса ҳам ажаб эмас».

Ит генералга қарашли, дейилгандан кейин:

« — Ит нозик, сен ҳўқиздай, бўйингни қара!»

Яна ит генералники эмас, дейилгандан кейин:

« — Генералнинг итлари қимматбаҳо нарсалар эди. Бу бўлса, эгасиз дайди итга ўхшайди. Эпақалиқ юнги ҳам йўқ. Шундай бемаъни итни ҳам сақлайдими киши!»

Яна, ит генералники, дейилгандан кейин

« — Балки қимматбаҳо зотли итдир».

Ошпаз, ит генералники эмас, дегандан кейин:

« — Бу эгасиз дайди ит».

Ит генералнинг акасига қарашли экани маълум бўлганда:

« — Яхшигина ит кўринади. Ўлгунча югурдак кўринади».

Мана бу диалогларга авторнинг ҳеч қандай изоҳи керак эмас. Бу диалоглар ҳам воқеани силжитади, ҳам ҳикоя қаҳрамони Очумиловни характерлайди.

Чехов услубидаги айрим хусусиятни сезган Л. Толстой бундай ган эди: «Чеховнинг импрессионистларга» ўхшаган ўзига хос формаси бор... Яқиндан қарасак, худди ҳар бир тўғри келган ва бир-бирига алоқаси бўлмаган бўёқларни фарқ қилмасдан ишлатганга ўхшайди, аммо узоқроқдан қарасанг, бу бўёқлардан ажойиб бир манзара вужудга келганини кўрасан».

Толстойнинг бу сўзи Чеховнинг ўз сўзига жуда мос келади У дейди: «Табиъатни тасвир қилғанда майда бўлаклар олиш ва буларга шундай тартиб бериш керакки, ўқиб кўзингни юмганингда кўз олдингга бир манзара келсин».

«Буқаламун» ҳикоясидан бирон сўзни чиқариб ташлаш ёки бирон сўзни қўшиш мумкин бўлмаганилиги, сўзга нақадар диққат қилғанилиги кўрсатади.

Абдула Қодирий—Жулқунбой,
«Совет адабиёти» — 1936 йил, З-сон.¹

ТАРЖИМАИҲОЛ

(Ёзувчи тилга олган шахсларни таништирув асарларнинг жойлашув тартибига кўра берилди.)

Тошқун — Мўминжон Муҳаммаджон ўғли Тошқин (1883—Тошкент—1964) матбаатчи, ёзувчи, шоир, муаллим. Бир неча мадрасаларда ўқиган, Эски ва янги усул мактабларида ўқитувчилик қилган. Матбуотда фаол иштирок эттан. Бир неча китоблар муаллифи.

Рози Юнус — (1885—1942) Тошкент шаҳрининг Охунгузар маҳалласида бинокор уста оиласида туғилган. Эски мактабда ва Тошкентдаги «Бароқхон» мадрасасида ўқиган. Матбуотда фаол қатнашган. «Иштирокиён», «Қизил байроқ», «Туркистон» газеталарида мухаррир, «Муштум» журналида (1923—1925) бош мухаррир бўлиб ишлаган. Кўплаб ҳажвий ҳикоялар, фелетонлар, кичик саҳна асарларининг муаллифи ва асарларнинг таржимони. Шахсга сириниш даврининг қурбони бўлган.

Махмудхўжа Беҳбудий — (1875—Самарқанд — 1919 — Қарши). Туркистонда жадидлик ҳаракатининг раҳбари — ёзувчи, журналист, матбаачи, жамоат арбоби. Уламо оиласида туғилган Мадрасаларда таълим олган. Самарқанд қозихоналарида мирзолик қилган. Арабистон, Миср, Туркия ва Россия мамлакатларига саёҳат қилган. Беҳбудий қадимйлар ва мустамлакачилар сиртмоғидан фақат маърифий йўл билангина қутилишни тарғиб қилиб чиқсан.

Хуршид — Шамсиiddин Шарағиддинов (1892—Тошкент—1960) шоир, драматург, режиссёр, таржимон.

Мирмулла Шермуҳамедов (1886—1923) Тошкентнинг «Махсидўз-

Санъатда рассомнинг, санъаткорнинг ўз субъектив мушоҳадаси, хис туйғу ва таасуротларини бечвосита акс эттириш

¹ «Совет Адабиёти» — «Ўзбекистон Шўро Адабиёти» журналининг кенинги номи.



лик» маҳалласида туғилган, Мирмуҳсин, Мирмуслим Шермуҳамедовларнинг акаси, ўзбек театрининг биринчи таңқидчиларидан.

Элбек — Машриқ Юнусов (1894—Тошкент вилояти, Хумсон қишлоғи—1942). Шоир, носир, тилшунос, таржимон, таңқидчи. Шеър ва ҳикоялари ўша вактдаги вактли матбуотда чоп этилган, мактаб ўқувчилари учун дарслеклар ёзган. Шахсга сифиниш даврининг қурбони бўлган.

Фулом Зафарий (1889—Қўқон—1944) ўзбек шоири ва драматурги. 20-йилларда машҳур бўлган «Халима» драмасининг ҳамда «Татимбой ота», «Эрк болалари», «Турғунбой» номли пьесаларнинг муаллифи. Асарлари ўзбек профессионал болалар театри ва драматургиясининг пайдо бўлиши ва шаклланишига асос бўлди. Шахсга сифиниш даврининг қурбони бўлган.

Клеблеев Ориф Шокирович (1874—Тамбов губернияси —1918 —Хўжанд) 1915 йилдан Хива ва Хўжандда Чор армиясида хизмат қилган. 1918 йилдан РСФСР Миллий ишлар халқ комиссари, «Иштирокиён» газетасининг ташкилотчиларидан ва биринчи муҳаррири.

Керенский Александр Фёдорович — 1917 йил 7 февралидан 25 октябргача Россиянинг Вақтли ҳукумат бошлиғи бўлиб турган. Эслерлар партиясининг ва Вақтли ҳукумат Давлат думасининг аъзоси.

Шералихон Ҳожибек ўғли — 1842—1845 йилларда Қўқон хони бўлган. Ўз укаси Норбўтахоннинг набираси Муродхон хонлик даъвосида ўлдиртириб, ўзи ҳам ўн бир кундан кейин Мусулмонқул томонидан ўлдирилиб, Худоёрни хон кўтарадилар.

Худоёрхон Шералихон ўғли — (1832—1881)(1845—1858; 1862; 1863—1875) — йилларда Қўқон хони бўлган.

Маллахон — Худоёрхоннинг акаси, 1856—1858 йилларда Тошкент ҳокими бўлган, укаси Худоёрхонни таҳтдан қувиб, 1858—1861 йилларда Қўқон хони бўлган. Маллахонни Алимқул бошлиқ, қипчоқлар ўлдиргандан кейин Шералихоннинг набираси, Салимсоқхоннинг ўн ёшли ўғли Муродхонни 1861 йилда хон кўтарадилар. Шу вақтда таҳтни ташлаб кетган Худоёрхон яна таҳт учун урушиб уни эгаллайди. Бухоро амири Музаффаридин 1862 йилда ўзаро ўзбек-қипчоқ низоларидан фойдаланиб, Қўқонга юриш қиласи, Худоёрхонни ўзи билан бирга олиб, мамлакатга Муродхонни хон қилиб қолдириб кетади. 1963 йилда Муродхонни Алимқул ўлдиртириб, ўрнига Маллахоннинг ўғли Сайд Султонни хон кўтаради. Амир Музаффаридин Султон Сайдни бир муносабат билан Жиззахга чақиртириб, шу ерда қатл эттиради.

Муҳаммад Шариф оталиқ — Шералихоннинг хонлиги даврида Бухоро амири томонидан Тошкент ҳокимлигига қўйилган эди. Уни Шералихон ўлдиртирган.

Салимсоқбек Шералихон ўғли — Худоёрхоннинг катта акаси, Муҳаммад Шариф оталиқдан кейин Тошкент ҳокими бўлган. 1846 йили таҳтга даъво қиласин деб Мусулмонқул ўлдиртириб, ўрнига Чуст ҳокими Азизбекни ҳоким тайиналади. Азизбек эса Худоёрхон хонлигининг тўртинчи йили ўзига мустакил ҳокимлик тилаб чиққани учун

ўлдирилади, ўрнига Кировчи қасабасининг ҳокими Нормуҳаммад қушбеги ҳоким тайинланади (тахминан 1853—1856 йиллар). Ундан кейин эса Шодмон ўроқ ҳоким белгиланиб, у Алимқулнинг Фарғона мамлакатига ҳокимлиги даврида қатл этилало.

Мирза Аҳмад қушбеги — илгари Марғилонда, кейин Чимканда ҳокими, 1864 йили Чимкандни жангсиз русларга ташлаб, Тошкандга қочган. Ўша вақтда Тошкентда Қўшдодҳоҳ ҳоким эди.

Мусулмонқул — 1844—1853 йилларда Қўқон хоналигиде мингбоши, амирилашкар бўлган. Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар» китобида унга шундай изоҳ беради: «Шералихон Мусулмонқулнинг синглисига уйланган эди. Шералихоннинг ўғли Худоёрхон шу Мусулмонқулнинг синглисидан туғиљди. Мусулмонқул яхши иш кўриш учун жияни Худоёрга қизини бериб, ўзига куяв қилған эди...» Мусулмонқул мамлакатни ўз ихтиёрича бошқариб, ўзбек-қипчоқ низоларининг бошида туриб, кўп бегуноҳ ўзбекларни қатл қилдиргани Худоёрнинг нафсига тегади, уни орадан кўтариб, кўп урушлардан сўнг тутиб ўдиртиради.

Қаноатшоҳ — ҳозирги Тожикистоннинг Қоратегинидан, Қўқон хонларининг бир нечасида амирилашкар лавозимида, шунингдек Туркистон вилоятининг ҳокими бўлган. Русларга қарши курашганлардан Бухорога элчи бўлиб борганда амир Музаффар томонидан 1862 йилда қата этилган.

Алимқул — (1833—1865) Андижон атрофидаги қирғиз-қипчоқ ургулагаридан бирида туғилган, ўзбек-қипчоқ ўзаро урушларида Худоёрхонга қарши курашган. Русларга қарши курашган лашкарбошларидан бири. 1865 йил 9 май куни Тошкентнинг Шўртапа мавзеъсида руслар билан бўлган жангда ҳалок бўлган. Шайхантоҳур қабристонига дағн қилинган.

Саркарда Алимқул ҳалок бўлганидан сўнг унинг ўрнига тайинланган Ёқуббек шаҳарни русларга ташлаб, Қўқонга йўл олади. Лекин фитначи ифвогарлар Ёқуббекдан илгарироқ ҳонга «Ёқуббек Тошкентни пора олиб русларга ташлаб чиқди», деб гап етказадилар ва Ёқуббекка Андижон йўлида, агар хон ҳузурига борсангиз, ҳибста олинасиз деган хабарни берадилар. Шу кезлардан Шарқий Туркистон мамлакати Хитой хонининг тасарруфида бўлиб, маҳаллий мусулмон аҳолисининг мустақиллик ҳаракати жонланиб қолган эди. Даврининг машҳур авлиё уламоси Шаҳрихонлик Бузрукхон тўранинг (авлиё Офоқхўжа авлоди) маслаҳатига кўра, Ёқуббек 1865 йилнинг баҳорида тахминан олтмиш олти нафар содик сарбозлари ва Бузрукхон тўра билан бирга Қашгар томонга йўл олади, у ерга бориб жанг қилиб хитойларни мамлакатдан ҳайдайди, ўз ҳокимиятини ўрнатади. Бу хизмати учун Бухоро амири ва Шарқий Туркистон уламолари Ёқуббекка «Оталиқ ғозий», кейинроқ эса Туркия сultonи Абдулазиз унга ҳомий бўлиб «Амирал-мўминин» фахрий унвонини беради. Тез орада Ёқуббек мамлакат сарҳадини кенгайтириб, «Етти шаҳар» номли қудратли мусулмон давлатини қуради. Ва бу давлат инглиз мустамлакачиларнинг манфаатига мос бўлиб, Хитой ҳоқонлигининг ва Россия империясининг жанубидаги мустамлака-

чилик манфаатига муносиб рақиб бўлиб, сиёсий майдонга келади. «Ўша вақтда хитойларни ҳужум қилиши учун уларга қурол, маслаҳат ва озиқ-овқат билан таъминлаб турдик, ўзимиз ҳам Қашғарга бостириб кириш учун доим тайёр ҳолда турдик, — деб ёзади генерал-адъютант М. Д. Скобелев ўз хотирасида, — 1875 йилда марҳум Ёқуббек Осиё сиёсий майдонида юлдуз бўлиб турган эди. Унинг хитойлар устидан қозонган ғалабаси, русларга бўлган адовати, Туркия ва Хиндистон билан алоқаси, инглиз элчиси Форсайтни Қашғарда тантанали кутиб олиши, бизнинг савдогарларга қилган жабрлари ва бошқалар бизнинг ҳукуматнинг Бадавлат орқасидан диққат билан кузатишимизга тулиқ ҳақ берар эди». Туркистоннинг Пискент шаҳрида тугилиб ўсган Бадавлат Муҳаммад Ёқуббек 1877 йил 27 май куни тўсатдан вафот этади. Гарчи унинг ўлими ҳақида турли таҳминлар юрса-да, ҳар ҳолда у ўз ажали билан ўлмагани аниқ... Мамлакатда фарзандлари Бекқулибек, Ҳаққулибек ва Бузрукхон туранинг ўғли Ҳакимхон тўра ораларида таҳт учун кураш бошланади, бундан Хитой хонлиги фойдаланиб, мамлакатни бутунлаи босиб олади.

Қодирийнинг отаси Қодирмуҳаммад бобо ўша Ёқуббек билан Қашғарга кеттан олтмиш олти нафар сарбозлардан бири эди, ўша жангларда қатнашиб, ўз юргита қайтган эди.

Ллойд Жорж — (1863—Англия—1945) давлат арбоби, 1916—22 йилларда Англияning премьер министри, Совет Россиясига қарши ҳужумнинг ташкилотчиларидан, 1919—20 йилларда Туркияning миллий мустақиллигига қарши урушни уюштирган. Генуя конференциясига борган Англия вакилларининг бири.

Пуанқара — Пуанкаре Раймон (1864—1934) француз сиёсий арбоби, 1913—20 йилларда Франция президенти, 1922—24 йилларда бош министр ва ташқи ишлар министри, 1928 йилгача молия министри. Советларга қарши ҳужумнинг ташкилотчиларидан бири. Генуя конференциясига борган Франция вакилларининг раҳбари.

Абдурауф Фитрат Абдураҳим ўғли (1886—Бухоро—1938) ўзбек адаби, шоири, мунаққид, матбуотчи, тиљшунос олим, маърифатпарвар. Бухородаги Мир Араб мадрасасида ва Истамбул дорулфунунида ўқиган. 1914 йилда «Ёш бухороликлар» харакатига бошлил қилган. Бухоро коммунистик партияси аъзоси (1918—24), «Чигатой гурунги» ишида иштирок этган (1919—21), БХСР ҳалқ маъорифи нозири (1921), Бухоро Коммунистик партияси сиёсий бюроси аъзоси, Москвадаги Шарқшунослик институтида (1923—24), ЎзССР давлат илмий тадқиқот институтларида, СамПедакадемиясида, Бухоро ва Тошкент ўқитувчилар тайёрлаш ўқув юртларида, Тил ва адабиёт институтида ишлаган. Ўша давр матбуотида фаол иштирок этган. Шарқнинг кўплаб мумтоз адаблари ижодига бағишлиб назарий мақолалар ёзган. Повест, ҳикоя ва драмалар муаллифи. Шахсга сириниш даврининг қурбони бўлган.

Баҳоваддин Саид Муҳаммад ибни Жалолиддин (1318—1389) нақшбандия тариқатининг асосчиси. Одамлар Баҳоваддинни «балогардон» деб биладилар.

Ашурали Зоҳирий (1885—Кўқоннинг Ойим қишлоғида туғилган — 1938) маърифатпарвар, матбаачи, тиљунос, муаллим. Дастлаб Кўқондаги Мадалихон мадрасасида тахсил олган. 1907 йилдан Кўқон рустузем мактабида ўзбек тили ва адабиётидан дарс берган. 1916 йилдан «Садой Фарғона», сўнгра «Фарғона» газетаси редакциясида адабий ходим бўлиб ишлаган. Шу даврда Фарғона педтехникумидаги ўзбек тили ва адабиётидан дарс берган. Навоийнинг «Муҳокаматул-луготайн» асарини (1918) ва икки жилдик «Русча-ўзбекча лугат»ни (1925) нашр этгирган. Шахсга сифиниш даврининг қурбони бўлган.

Абдулла Авлоний — (1878—Тошкент—1934) шоир, драматург, матбаачи, маърифатпарвар ва жамоат арбоби. «Шуҳрат», «Осиё» номли газеталарни чиқарган. Янги усуlda мактаблар очиб, болаларни ўқиттган, дарслклар ёзган. «Муаллими аввал» (1911), «Муаллими соний» (1912), Туркий гулистон ёхуд ахлоқ (1913), «Адабиёт тўплами» (1909—1915) ва бошқалар. «Адвокатлик осонми», «Пинак», «Икки муҳаббат», «Тўй» ва бошқа саҳна асарларининг муаллифи. 1919—20 йилларда РСФСРнинг Афғонистондаги элчиси бўлиб ишлаган

Наримонов Наримон Кербалай Нажаф ўвли (1870, Тбилиси — 1925, Москва), Совет давлат ва партия арбоби, ёзувчи ва публицист.

Назир Тўрақулов — таҳаллуси Дарвеш, Номакоб, (1892—Кўқон—1939) Совет партия ва давлат арбоби, тиљунос, журналист. 1918 йилдан компартия аъзоси. Кўқон савдо билим юрти (1905—13), Москва савдо институти (1913—16) да ўқиган. Фарбий фронт (Белоруссия), кейин Тўргай вилоятида Бутун Россия Земство иттифоқида ишлаган (1916—17), 1917 йили сўл эсерлар партиясининг аъзоси (1918—19), Турк АССР МИК раиси, Турк МИК секретари (1920), РКП(б) МК Туркистон бюроси ва Туркистон комиссияси аъзоси (1920—22), СССР Халқлари Марказий нашриёти бошқармасининг раиси (1922—28), СССРнинг Ҳижоздаги бош консули (1928—32), муҳтор элчиси (1932—36). 1936 йилдан Ленинград, кейинчалик Москвада Шарқ халқлари тили ва адабиёти институтида ишлаган. Турк, форс, араб, рус, немис, француз тилларини билган. «Халқ газети», «Оқ жўл» ва «Инқилоб» газетаси ва журналида маъсул лавозимларда ишлаган. Шахсга сифиниш даврининг қурбони бўлган.

Бўлат Солиев — (1882—Астрахан—1937) тарихчи олим, матбуотчи, ўзбек тарихшунослиқ мактабининг асосчиларидан, 1908 йилдан Туркистон ўлкаси қишлоқларида мактаблар очиб, ўқитувчилик қилган. Фарғона ва Тошкент билим юртларида мудирлик қилган. 1927 йилдан Самарқанддаги Ўзбекистон Олий педагогика институтида профессор бўлиб ишлаган. Ўрта Осиё тарихига оид кўплаб илмий асарлар ёзган. Шахсга сифиниш даврининг қурбони бўлган.

Ходи Файзи — татар матбуотчisi.

Абдураҳмон Саъдий — (1889—Уфа губерняси, 1956—Самарқанд) адабиётшунос, муаллим. Троицк шаҳрида мадрасани тутатиб (1906) рустатар мактабларида ўқитувчилик қилган. Истамбул дорулфунунини та момлагач (1907—11) ватанига қайтиб ўқитувчилик қилган. Адабиётдан дарслклар тузган. Тошкент, Самарқанд, Фарғона ўрта ва олий ўқув

юргларида дарс берган. (1921—56). Дастребки ўзбек адабиёти кафедраларини шу киши ташкил қылган.

Неъмат Ҳаким — татар адабиётшуноси, тилшунос.

Кабир Бакир — татар матбаачиси.

Шайх Хованд Таҳур (пок шайх) — илоҳиёт ва тариқат илмининг ирик намоёндаси. Тошкент ёнидаги Бўстонлиқ туманинг Богистон қишлоғида туғилган шайх Умар Богистонийнинг ўғлидири. «Яссавия» тариқатидан бориб илми зоҳирий, илми ботинийдан воқиф бўлган ҳамда кароматгўйликда юксак мақомга эришган. «Рашаҳоти айнулаҳаёт» (муаллифи Фахриддин Али ас-Сафий) китобида айтилишича, оталари Шайх Умар ўғилларига буюар эмишларки: «Тоҳир бўлма, сўфий бўлма, у бўлма, бу бўлма, мусулмон бўл», яна «Рашаҳот»да ёзилишича, Шайх Хованд Таҳурнинг тариқати суфияда кўпгина асарлари бўлиб, рисолаларининг бирида «Тавҳидотни шаҳватдин (нафсадан) айрмаси ибодаг учун ва кўнгилни хатаротдин айрмоқдир убудият (бандалик) учун», деб ёзиз ўтадилар. У зотнинг аждодлари наасабда ўн олти ота-бобо билан саҳобалардан ҳазрат Умар ибни Хаттобга бориб туташар экан. Шайх Ҳожа Аҳрор Валий онасининг амакисидир. Мақбарасини ўн бешинчи асрда Ҳожа Аҳрор Валий қурдирган.

Барту (муал.) — Жан Луи Бартў (1832—1934) француз сиёсий арбоби, адвокат, тарихчи. Биринчи жаҳон урушида Советларга қарши ҳужум уюштирганлардан бири. Генуя конференциясида Франция делегациясига бошчилик қилиб, Совет давлати билан муносабатда муросасиз мавқеда турган.

Олимжон Иброҳимов — (1887—1938) татар ёзувчisi, олим, публицист, жамоат арбоби. Кўплаб роман ва илмий-танқидий мақолалар муаллифи. Шахсга сифиниш даврининг қурбони бўлган.

Остроумов Николай Петрович (1846, Тамбов губерняси — 1930, Тошкент) рус шарқшуноси, миссионери. Қозон Диний академиясида таълим олган. 1877 йили Тошкентта кўчиб келиб маориф соҳасида ишлаган «Туркистон вилояти газетаси»нинг мұхаррири. Рус ёзувчisi ва шоирларининг ҳамда ижтимоий фанларга оид асарларни рус тилидан ўзбек тилига таржима қилдириб нашр эттирган. Сиёсий маслакда Остроумов мустамлака халқларни руслаштириш сиёсатини олиб борган.

Сўфи Оллоёр — Букорода Минглар қишлоғидан, вафоти 1720 йил. «Саботул-ожизин», «Тухфатут-толибин», «Маслакул-муттақин», «Муродул-орифин» номли китоблар муаллифи. Асарларидағи асосий мавзу ақоид масаласидир, яъни «одамнинг тўғри зътиқодда бўлиши унинг инсонлигини белгиловчи ягона омил», боясидир. Бу рояни у турмуш ҳужжатлари, оят-сұнналар билан гўзал шаклда ифодалаган. Асарлари мактабларда ўқитилган.

Обой Қўнонбоев — (1845—1904) қозоқ шоири, ёзувчisi, маърифатпарвари

Абдулла Тўқай — (1886—1913) татар шоири.

Абу Бакир Мұхиддин Мұхаммад ибни Али Арабий (1150—1240) мұтазила мазҳабининг ирик намояндаси, «ваҳдати вужуд» таълимотининг асосчиси. Мўтазилийлар олам мисол — яъни Оллоҳдан аввал

олам яратилган, Қуръон ва сунна таълимотини ақл билан идрок этиш мүмкин, деб биладилар. Ахли сунна эса олам ходис—оламни Оллоҳ яратган, барча шаръий ҳукмларга Қуръон, Ҳадис, саҳобалар ва мужтахид уламоларнинг таълими асос, деб биладилар. Арабий ҳатто кўрган тушларини ҳам ҳақиқат деб билган экан. Зотан туш шариъат ҳукмича ҳужжатта ўтмайди, тушнинг рост келиши пайғамбарларгагина хосдир.

Аёз Исҳоқ Иложиддин ўғли — Идилли — (1878—Қозон, 1954—Анқара) татар ёзувчиси, матбуотчиси, жадид арбоби, уламо оиласида туғилган Идил-Урал туркий халқларининг мустақиллиги учун катта сиёсий фаолиятда бўлган.

Фотих Амирхон Зариф ўғли (1886—Қозон—1926) татар ёзувчиси, публицисти, жадид арбоби, «Ал-ислоҳ» газетасининг ташкилотчиси (1907—1909).

Камол Фалиасқар (1878—1933) татар ёзувчиси, публицисти, матбуотчи, жадид арбоби.

Мочалов — Подшо замонида Тошкент шаҳар полицияси бошлиғи.

Мусо Жоруллоҳ Бигиев (1901—Қозон, 1954—Миср).

Ризоуддин Фахридин (1858—Мусо Жорумоҳнинг устози).

Рашид Қози — булар татар мужаддиқ уламолариidlар.

Исмоилбек Гаспиринский (Гаспрали) Крим. (1851—1914) жадидчилик ҳаракатининг отаси.

Карим Зарипов — (1890—1960) биринчи ўзбек циркининг асосчиларидан.

Майрамхон Саримсоқова — ғарб типидаги биринчи ўзбек миллий цирк ўюшмасини тузган, унинг циркида очиқ аёллар ижросида саҳналар намойиш қилинган, халқ рақслари ижро этилган.

Чўлпон — Абдулҳамид Сулаймон ўғли, (1893—Андижон—1938 Тошкент) ўзбек шоири, носири, публицисти, таржимони, санъатшуноси. Дастрлаб мадрасада, сўнгра рус-тузем мактабида ўқиган. «Садойи Туркистон», «Турк РоСТА», «Иштроқиён», «Қизил байроқ», «Бухоро ахбори», «Дарҳон» газеталарида адабий ходим. Ўзбек давлат театри ва труппасининг мудири, 1924 йилдан Москвадаги ўзбек драма студиясида, СССР Марказий ижроия қўмитасида таржимон бўлиб, кейинроқ Узбекистонда маориф ва театр соҳаларида ишлаган. Кўплаб шеърий китоблар ва драмалар муаллифи. Шахста сириниш даврининг қурбони бўлган.

Санжар Сиддик — (Босит Сиддиков, 1902, Тошкентнинг «Сарчопон» маҳалласида туғилган—1938, Тошкент) таржимон, журналист, танқидчи. Ўзбекистон ССР Давлат нашриётида адабий ходим (1926—27), мухаррир (1929), «Китоб ва инқилоб» (1932—33), «Гулистон» (1935—37) журналларнинг масъул котиби. Ўша давр матбуотида фаол иштирок этган. Куплаб адабий, сиёсий асарларни ўзбек тилига таржима қилган. Шахста сириниш даврининг қурбони бўлган.

Ҳожи Муъин Шукрулло — (1883, Самарқанд — 1942, Тошкент) эски мактабни тутатиб, 1901 йилдан ўқитувчилик қилган. 1913—14 йилларда «Самарқанд», «Ҳуррият» газеталарида, «Оина» журналида адабий ходим бўлиб ишлаган. Шеърий тўпламлар ва драма асарлари му-



аллифи. Умрининг сўнгтига қадар ўша давр матбуотида фаол иштирок этган. Шахсга сифиниш даврининг қурбони бўлган.

Шаҳид Эсон Муса ўғли — (1885, Тошкентнинг Сассиқховуз маҳаласида тутилган — 1938, Тошкент) Каллахона маҳалласидаги биринчи ва иккинчи босқичдаги бошланрич мактабларида таълим олади. 1909 йил ўз ҳовлисида жадид мактаби очиб болаларни ўқитади. 1911 йилда Истамбулга кетиб дорулфунунда тил-адабиёт, тарих-география факультетида ўқиди. 1916 йилда тутатиб, шу дорулфунунда тил тарихи ва қадимги туркий халқ оғзаки адабиётидан дарс беради. 1917—18 йилларда ўша ердаги Султония педагогика билим юргида гурк тили грамматикасидан ҳам дарс беради. 1920 йил «афанди» (профессор) илмий даражаси берилади 1922 йил баҳорида Туркистанга қайтади ва бу ерда «Наримонов» билим юргига мудир этиб тайинланади. 1928 йил аксилиңқиlobчиликда айбланиб уч йилга қамалади. Қамоқдан қайтиб, ўзбек миллий кутубхонасида ишлайди. 1937 йилда август ойида қамоққа олиниб, 1938 йил 5 октябрь куни отилади.

Мирмуҳсин Шермуҳамедов — (1895, Тошкент, Махсидўзлик маҳаласида тутилган. — 1929, Тошкент). Ўзбек матбуоти асосчиларидан бири, журналист ёзувчи. 1913 йилдан маҳаллий матбуотда ижтимоий сиёсий руҳдаги мақолалари ва шеърлари чоп қилинган. 1916—17 йилларда Уфадаги «Олия» мадрасасида таҳсил олган «Иштрокиён», «Қизил байроқ», «Туркистан», «Касабачилик иши», «Батраклар», «Қизил Ўзбекистон» газеталарининг, «Коммунист», «Касабачилик ҳаракати» журналларининг муҳаррири. Шахси қораланган.

Усмонхон Эшонхўжаев — (1898—Андижон — 1938) муаллим, журналист, таржимон. 1915 йилдан компартия аъзоси. Москвадаги Я. М. Свердов номли коммунистик университетда ўқиган. (1920—22). ТуркАССР Маориф халқ комиссарлигида ишлаган. (1922—24). 1924—25 йилларда «Қизил Ўзбекистон» газетасининг муҳаррири, ЎзбКП МК ташвиқот-тарғибот бўлими мудири, сўнгра Сирдарё вилоят партия комитети секретари (1926—31), 1931—36 йилларда Москвадаги Қизил профессорлар институтида ўқиган. 1936—38 йилларда ВКП(б) Нижний Новгород ўлка комитети ташкилий бўлими мудири, Шимолий Кавказ вилоят комитети секретари, Красноуфимск т. й бошқармаси бошлигининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари. Шакста сифиниш даврининг қурбони бўлган.

Ш. Бойчуро — ўша даврнинг зиёли матбаачиси

Фотиҳ Бурнаш — (1898—1946) татар драматурги, шоири, публицисти.

Ризо Нурибек — (1879—1943) тиббиётчи, Туркиянинг сиёсат арбоби. Лозанна тинчлик конференциясида делегат бўлиб иштирок этган.

Керзон Жорж Натаниел (1859—Англия—1925) давлат арбоби, дипломат 1899—1905 йилларда Ҳиндистоннинг вице-қироли бўлиб турган. 1914—24 йилларда Англия ташкии ишлар министри. Советларга қарши ҳужумни уюштирганлардан бири. Лозанна конференциясига инглиз вакиларидан бири бўлиб борган.

Иннуу Мустафо Исмат — (1884—1974) турк қўмандони ва давлат



арбоби. Туркия жумҳуриятининг иккинчи президенти (1938—1950) ва уч марта бош вазири (1923—1924, 1925—1927, 1961—1965), Лозанна конференциясида Туркия вакили бўлиб иштирок этган.

Шомий домла — Саид ибни Мұхаммад ибни Абдулоҳоид Ашшомий Аттароблис — Шомда (Сурия) туғилган. Ислом ғояларининг тарғиботчиси бўлган. Шарқий Туркистон ва Марказий Туркистонга келиб, хусусан 1920 йилларда Тошкентдаги «Дегроз» ва «Қўмирчи» маҳалларида яшаб, мактабларда «Ҳадис» ва «Қуръон тафсири»дан дарс берган, турк тилини яхши билган.

Хоқоний Ширвоний Афзалиддин Иброҳим Али ўғли (1120, Шемаҳа — 1199, Табриз) Озарбайжон шоири.

Бухоро амири — Амир Сайид Олимхон (1881 — Кармана, 1944 — Кобул).

Ўқтамхон Шарипова — (1869—1959) Фарғонанинг Навқат қишлоғида туғилган. Тошкентнинг собиқ «Ҳофиз Кўҳакий» маҳалласида, хозирги «Сағбон» кўчасидаги 39-йида яшаб вафот этган. Машҳур яллачи, қўшиқчи.

Ҳофизкўйки — Султон Мұхаммад Ҳофиз Кўҳакий Тошкандий (туғилган йили номаълум, 1572 йили вафот этган), ўз замонасининг кўзга кўринган йирик олим, машҳур Али Қушчининг невараси. Паркентнинг Кўжок қишлоғида туғилган. Тошкентда ҳозирги «Сағбон» кўчасидаги «Қайнама» ариғидан то Чорсу бозоригача бўлган маҳаллалар «Ҳофиз Кўҳакий маҳалласи» деб аталган, у шу маҳаллада яшаган. Тарих, ҳуқуқ, таржима, география, этнография, хандаса, риёзат, фалсафа ва адабиёт соҳаларига оид кўплаб китоблар ёзган.

Муссолини Бенито (1883 — Италия — 1945), италян фашистик партиясининг ва фашистик ҳукуматининг раҳбари (1922—43).

Гардинг — Хардинг Уоррен (1865 — АҚШ — 1923), давлат арбоби, 1921 йилдан АҚШнинг президенти.

Лутфилла Олимий — (1893 — Наманган — 1938), деҳқон оиласида туғилган. Эски мактабни тутатиб, 1913 йили Оренбург Олий ислом мадрасасига ўқишига кириб, икки йил ўқиди.

1924 йили Москвага кетиб Журналистика институтини битириб қайтади, 1927—29 йиллар Қўқон партия мактабида ота-тили ва адабиётидан дарс берган. 1930 йилда «Ангурали Зоҳирийнинг думи» деб ўн йил қамоқ жазосига ҳукм қилинади, лекин барваҳт қайтади. 1938 йили ўлим жазосига ҳукм қилинади. Вақтли матбуотда фаол иштирок этган.

Юсуфжон қизиқ Шакаржонов — (1869 — Марғилон — 1959) ўзбек анъанавий театрининг йирик намоёндаси, Ўзбек ҳалқ артисти.

Шоҳолим ҳожи Шоҳисхоқов — ҳовлиси Чорсуда, масжиди жомеъни атрофида бўлган.

Валиҳожи Абдумалик ўғли — Ўрдага яқин Занжирилик маҳаллалик, инқилоб кунлари мол-мулкини давлатга топшириб, ўзи Лабзахдаги кичкина ҳовлида яшаб тўқсон ёшлардан ошиб вафот этган.

Орифжонбой — Хадрада, Дегроз маҳаллалик.



Орифхўжабой — ота ҳовлиси Бешёочнинг Қоратош маҳалласида, янги ҳовлиси Ўрдада — Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўрнида бўлган. Тошкент — Оренбург темир йўли, Тошкент вокзали қурилишини пудратта олган. Саидазимбойнинг куёви.

Саидазимбой — Тошкентнинг энг катта бойларидан бири, ҳовлиси Хадрада, собиқ Тоштрам ўрнида бўлган.

Комилжонбой — Тошкентнинг машҳур чойфуруш бойларидан, Каллахоналиқ, қулоқ қилиниб, 1930 йил Ўзгантда вафот этган.

Абдумавлонбой — ҳовлиси ҳазрати имом Қаффоли Шоший маҳалласида, Жинкучалик бўлган.

Ғуломқорибой — бу киши ҳам ўша маҳаллалик.

Ақа-ука Йўлдошҷожи, Тошматбой Қурбоновлар Дегрез маҳаллалик.

Боқижонбой — ҳовлиси Чорсуда, ГУМни ўрнида бўлган, Чорсудати бузиб юборилган машҳур ҳаммом шу кишининг мулкидан бўлган.

Иброҳимҳожибой — Тошкентнинг кўнчи бойларидан, Чорсунинг «Бедабозор» маҳалласидаи, 1925 йил вафот этган.

Азизбой — Ҳофиз Кўҳакий маҳалласидан, Эски Жўвадаги Аброр Хидоятов номидаги театр биноси шу кишининг инояти билан қурилган.

Каримбек, Комилбек Норбековлар — Соғон маҳалласидан.

Тўхтажонбой — Чақичмон маҳаллалик.

Жон Рокфеллер — (1839—1937) 19-аср охиридан АҚШдаги нефт саноати ва савдосининг монополия соҳиби.

Майер Амшел Ротшилд — 19-асрнинг биринчи ярмидан бошлаб Европанинг марказий шаҳарларидаи банкларнинг соҳиби.

Кауфман Константин Петрович (1812—1884) — Тошкент, 4 май) Туркистон генерал губернатори (1867—82); у Бухоро амиралигини (1868), Хива хонлигини (1873), Қўқон хонлигини (1876) истило қилди. Ўрта Осиёни мустамлака ҳолида сақловчи, Россиянинг хом ашё манбаига айлантирувчи «Туркистон ўлкасини бошқариш низоми»ни жорий этган.

Черняев Михаил Григоревич (1828—1898), (Белоруссия, Могилёв вил.) генерал-лейтенант, дворян оиласида туғилган, ҳарбий академияни битирган. Оренбург бош губернатор штаби бошлиғи, 1865 йили Черняев кўшинлари Қўқон хонлигига қарашли Авлиё ота, Чимкент, Тошкентни босиб оди. 1865—66 йилларда Туркистон вилоят ҳарбий губернатори, 1882—84 йилларда Туркистон бош губернатори, 1886 йил истеъфога чиқсан.

Сузук ота Сайрам шаҳрининг жанубида, Бодомариқ тарафда Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг набираси Сузук отанинг қабри бор. Бу ҳақда «Сайрам тарихи»да шундай битик учрайди: «Марқади мутаббарака ҳазрат шайх Мустафоқул Ҳожанинг турбатлари бор. Эшон фарзанди аржиманд, ҳазрат Алиҳўжа ота эрдилар. Ва тақи ҳазрат Султон Ҳожа Аҳмаднинг қизларидаи (Гавҳар Хуштари) бўлган набиралари эрдилар. Ёш баччалик вақтида боболарининг хизматларига борур эрдилар. Ногоҳ, боболарининг назари мубораклари тушиб, муҳаббат бирлан айдилар-



ки: «Менинг сузутим, хуш келдингиз, менинг сузутим, хуш келдингиз». Шунинг учун мардумлар Сузук ота дейдирлар»... Сузук ота бобосидан 50—60 йил кейин, таҳминан 12—13 аср ораларида яшаб ўтган. Сузук ота маҳалласи Тошкентда Самарқанд Дарвозасига қўшни маҳалла. Маҳаллада у зотта аatab ўтган асрларда қурилган масжид ҳам бор, ёнида мақбара ҳам бор. Умуман Тошкент музофотида Сайрам, Туркистонда яшаб ўша ерга дағн өтилган валийларнинг номидаги маҳалла-мавзелар кўплаб учрайди, бу ҳодисани ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Садриддин Айний — (1878 — Фиждувонга яқин Соктаре қишлоғи — 1954 — Душанбе) тожик-ўзбек ҳалқининг улкан ёзувчиси, публицисти шарқшунос олим, жамоат арбоби.

Ўқтам-Қаюм Рамазон (1897 — Тошкент — 1942), муаллим, тиашунос олим, эски ва янги усуллардаги мактабларда ўқиган. Мактаб, техникум ва институтларда ўқитувчи, илмий ходим бўлиб ишлаган. Ўзбек мактаблари учун ўзбек тилидан дарсликлар ёзган. Шахсга сифиниш даврининг қурбони бўлган.

Иззииддин Сайфулмулук — татар доктори, бу киши ўша давр матбуотида турли тиббий мавзуларда мақолалар ёзиб ҳалқни маърифатга доҳил қиласган эди. Умрининг охирларида Сибирда ўн йил ахлоқ тузатиш лагерларида хизмат қилиб қайтиб, Тошкентда саксон ёшларда, 1946 йил вафот этган.

Зариф Баширий — (1882—1962) татар шоири, адаби, публицисти, Фердинанд Дюшеннинг «Тамилла», «Қамар» рўмонларини ўзбек тилига таржима қиласган.

Вали Алломов — татар журналисти, узоқ йиллар «Қизил Ўзбекистон» газетаси муҳарририятида ишлаган.

Вадуд Маҳмуд — (1898—1977) — Самарқандда турилган — адабиётшунос, мунаққид, 20-йиллар матбуотида фаол қатнашган. Шахсга сифиниш даврида узоқ йиллар жабрланган.

Шокиржон Раҳимий — (1898 — Тошкент — 1938) шоир, ёзувчи, матбуотчи, муаллим, кўплаб дарсликлар муаллифи, маориф бўлимларида ишлаган. Шахсга сифиниш даврининг қурбони бўлган.

Олтой (Боис Қориев) 1903 — Тошкент — 1977) ўзбек шоири, журналисти, Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан маданият ходими, 1927 йылдан партия аъзоси. Дастреб эски мактабда сўнг бошлангич совет мактабларида ва муаллимлар тайёрлаш курсида ўқиган. «Ёш ленинчи» газетасининг биринчи муҳаррири (1925), «Қизил қалам» жамиятининг раиси (1929—30), 1930—50 йилларда турли хўжалик ва қурилиш соҳаларида ишлаган. Ўзбек тили ва адабиёти институтида (1956—66), Навоий номидаги адабиёт музейида илмий ходим бўлиб ишлаган. Бир неча шеърий тўпламлари бор. Шахсга сифиниш йилларида жабрланган.

Чечарин (муал.). — Чичерин Георгий Васильевич (1872—1936) совет давлат арбоби, Генуя ва Лозанна конференцияларида совет делегациясига бошчилик қиласган.

Али Исмоилзода Мозондороний — «Зарафшон» газетасининг бош муҳаррири, моҳир журналист. Шахсга сифиниш даврининг қурбони бўлган.

Зиё Саид — (1901—1938) — журналист, ёзувчи, драматург Қосим Солиҳовнинг тахаллуси, шахста сифиниш даврининг қурбони бўлган.

Зеҳний — Тўрақул Нарзиқулов (1892 — Самарқанд — 1983 — Душанбе) муаллим, матбаачи, адабиётшунос, тилшунос олим. Шахста сифиниш даврида жабрланган.

Мұхиддин қори Ёқубов — (1896 — Фарғона — 1957 — Тошкент) Биринчи Туркистон халқ ашулачиси (1923) УзССР халқ артисти (1936).

Абдулҳай Тожиев — (1889 — Тошкент — 1937). Я. М Свердлов номидаги Коммунистик университетида ўқиган (1920). 1920—21 йилларда Тошкент Эски шаҳар район партия комитети тарбибот ва ташвиқот бўлими мудири. 1921 йил апреддан халқ маорифи бўлими мудири. Июлдан Туркистон КП(б) Сирдарё вилоят шаҳар партия комитетининг масъул секретари. 1922 йил ноябрда «Туркистон» газетасининг ходими, сўнг масъул муҳаррири. Ўзбекистон КП(б) Тошкент вилоят секретари (1925—29). 1929—35 йилларда СССР Олий Советининг Миллатлар Совети секретари, 1935 йил июлдан Тошкент шаҳар Совети раиси. 1937 йил ЎзССР Советлари МИК раиси ўринbosари. Шахста сифиниш даврининг қурбони бўлган.

Шайх Саъдий — (1203—1210 — Шероз — 1292) Муслиҳиддин Абдуллоҳ Саъдий Шерозий, форс шоири.

Сотти Ҳусайн — (1907 — Қўқон — 1942) ўзбек совет адабиётшуноси. Ўрта Осиё Коммунистик университетида ўқиган (1923—26). «Ёшлиничи» газетасининг муҳаррири (1927—28), Тожикистонда босмачиларга қарши курашда қатнашган (1931—33). Москвада Қизил профессура институтида ўқиган (1935—38), тил ва адабиёт институтининг мудири (1938—40), Ўзб КП.МК агитация ва пропаганда бўлимида мудир ўринbosари (1941—1942).

Жўржи Зайдон — (1861 — Байрут, 1914 — Коҳира) араб адаби. Адабиётшунослик, тил, фалсафа, тарих, ҳуқуқ, география, журналистика, ёзувчилик соҳаларида самарали ижод қилган, кўплаб тарихий рўймонлар ва илмий публицистик асарлар муаллифи.

Комилжон Алимов — (1903 — Тошкент — 1938) журналист ва давлат арбоби. 1922—1924 йилларда Сирдарё вилояти, сўнг Туркистон комсомоли МКнинг секретари, 1924—1925 йилларда Москва Давлат журналистика институтида ўқиган. «Қизил Ўзбекистон», «Камбағал дечқон», «Коммунист», «Муштум», «Ер юзи» газета-журналларининг муҳаррири. 1934—1937 йилларда Қорақалпоғистон АССР партия комитетининг секретари. Шахста сифиниш даврининг қурбони бўлган.

Султонхўжа Қосимхўжаев — (1871 — Тошкент — 1961) инқолобчи, 1890 йилда Ўрта Осиё Темир йўл ва Тошкент вокзали қурилишида ишлаган, Тошкент рус-тузем мактабида ўқитувчи (1910—1916), ўзбек ишчи касаба союзлари ташкилотчиларидан бири, Эски шаҳар Озиқовқат отрядининг раиси (1918—1919), Тошкент Эски шаҳар район партия комитетининг масъул секретари, Турк АССР МИК раиси ўринbosари (1920), Тошкент вилоят судининг раиси (1925—1928) ва ҳ.к.

Ғайратий-Абдураҳим Абдуллаев (1905 — Тошкент — 1976) Ўзбекистон халқ шоири, кўплаб шеърий китоблар муаллифи.



СҮНГИ СҮЗ

(*Абдулла Қодирийнинг кичик асарларига*)

Қодирийнинг бу кичик асарларини кутубхоналарда сақланаётган, 1920-йиллар газета-журналаридан қидириб топиб, олиб келар эдимда, дадам билан ўқиб муҳокама қиласр эдик. Бир куни дадамга — «Дадангиз менимча Москвага ўқишга бориб фикрларида бирон бир нарса ўзгармаган бўлса керак, қайтага ниятлари ўзгариб келган, бу ёзганларидан билиниб турибти» — дедим. Дадам бироз ўйланиб туриб: «Ха, бир куни дадам: Уёқда ўқишга бориб ўзимга ҳеч бир янгилик олоамадим. Ҳамма гап ўзимизда бор экан Қайтага бориб кўнглим бузилиб келди, деган эдилар» — дедилар. Мен ҳаддим сифиб «бу гапни кимга, нимага, қаерда айтдилар?» деб сўролмай у кишидан гап кутиб турдим — «Бир куни уйимизга киночи Сулаймон Хўжака келиб, ўқиш, Москва ҳақида сұхбатлашиб ўтиришганда шу гапни айтган эдилар. Чамаси уттиз бешинчи йиллар эди. Унда дадам ҳеч бир ерда ишламас эдилар», деб қўшиб қўйдилар дадам.

Бир йил ўқиб, Қодирий 1925 йилнинг ёзида Москвадан қайтиб келадилар. У кишининг ёзганларига эътибор берсак, ҳақиқатан ҳам ўша ёз ойидан берида ёзган «Тошпӯлад тажанг», «Калвак маҳзум», «Эчкининг оти Абдикарим» ёки «Йигинди гаплар» каби ҳажвларида янада сирилиб келаётган мустамлакачилар сиртмоғидан кўнгли бузилганигини ёки бу сиртмоғни қанча тортса ҳам ўзи таъзимда, қўли кўксида қотган ҳалқидан кўнгли совиганлигини пайқаш мумкин.

Мен ўша вақтда Қодирийнинг бу исёни, Фози Юнуснинг фифони, Чўлпоннинг надомати, Элбекнинг ноласини ўқиб, улар бирон бир кучга, мақсад-ғояга суюнса керак, ўз бошига ўзи бош кўтармаса керак, бу мақсаднинг боши қаерда экан, деб ўйлар эдим. Мустақиллик ҳаракатининг раҳбари Мунавварқори ўз хотираларида шундай деб ёзади: «Бизлар, айниқса миллий чегараланиш ўтиказилганидан кейин лировард мақсадимиз — буржуа демократик Ўзбекистонини барпо этишини амалга ошириш умидига ўз фаолиятимизда асосан қуидаги уч ҳолатни ҳисобга олган эдик:

1. Оммада миллий руҳни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;
2. Шўро ҳукумати томонидан кўтарилган шўро аппаратини маҳаллийлаштириш ҳақидаги шиордан фойдаланиб, аста-секинлик билан шўро аппаратини унга миллий кайфиятдаги кишиларни жойлаштириш йўли билан қула олиш;

3. Муҳожирлар билан алоқани ташкил этиш, муҳожирлар ва уларнинг оиласларига, шунингдек аксиш ўравий фаолиятда жабрланганларга ҳам ёрдам бериш.

Бизлар ўз фаолиятимизни бу кўрсатилган вазифаларга қаратишда, шўро ҳокимиятининг Оврупо буржуазияси билан тўқнашувда муҳаррар равишда ҳалокатга учрашини назарда тутдик. Бизлар шўро ҳокимиятининг ийқ қилинишига ишондик ва бунга тайёргарлик кўриш-

га, шўро ҳокимиятини ҳалокати юз берганда ҳокимиятни қўлга олишга тайёр туришга қарор бердик.

Чегараланиш миллиатчилик майларининг кучайшишига туртки бўлди. Бизлар миллиатчиликнинг ўсишини ҳамма жабҳаларда — оммага ҳам, матбуотда ҳам, агадиётда ҳам, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида кузатиб турдик. Бу ҳолатдан бизлар миллийликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун фойдаланишга қарор қилган эдик... Миллий юя, милий руҳни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш соҳасидаги тарғибот ишларини олиб бориш коммунистик кадрларининг савиаси паст бўлганлиги сабабли осон кўчди. Тошкентдаги газета ва журналарнинг редаксияларида ҳамда агадиётда Фози Юнус, Жулқунбай, Санжар, Элбек каби миллий зиёлилар катта мавқега эгаликлари билан бирга салмоқли таъсирга эгадирлар. Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларида ҳам аҳвол шундай эди. Матбуотда миллий таъсир коммунистик таъсирдан кучли эди. Масалан, чегараланишдан кейинги дастлабки даврдаги миллий матбуот аҳволи тўғрисида аниқ ва тўғри тасаввурга эга бўлиш учун маҳаллийлаштириш масаласи соҳасидаги газета мақолалари билан танишишининг ўзи кифоя. Фози Юнус очиқдан очиқ, ёсса, бошқалар ўз миллий юяларини инқилобий сўзлар остига яширган ҳолда, эҳтиётлик билан ёзди...

Ана шу хотираларни ўқиб Қодирийнинг ёзган жанговар, сағъаткор танқидий-ҳажвларидан, романларидан менда туғилган ҳалиги савол ойдин бўлди, қўйди... 1926—27 йилларда маданият ва маориф ходимлари қурултойини урҳо-ур билан ўтказиб, миллиятнинг ифтихори бўлган зиёлиларни иккига бўлиб, эски зиёлилар нега қувғин қилингани мана шу хотира мазмунидан ҳар кимга энди маълум бўлса керак. Қодирийнинг бу қурултойга саркорлик қилиб катта нутқ сўзлаган Акмал Икромовни бегонанинг норорасига ўйнамай бу масаладан ҳам муҳим бўлиб турган ҳақиқатга—мустақилликка томон ғайрат қилишга даъват қилиб ўтгани бежиз эмас эди...

1910—20-йилларни ўша давр матбуотида «Туркистон ҳалқларининг уйғониш даври» деб таърифлашади. Муаллиф ҳажвий ҳикояларига атаб эҳтиёткор, сермаъно муқаддимани ёзганда 1925 йил яъни, Сталин ҳокимияти келган эди. Қирғинга асосланган болжевизм сиёсати қўйнида уйғонган Туркистон ҳалқлари энди истиқдол манзилини тобора узоқда кўриб, унга олиб бора диган от-уловлардан ажраёттап, яна аниқроғи, истиқдол тулпори чопиб ўтиб кетган, омад қўлдан кетаёттган эди. Қизилпараст мутаассиблар эса тобора урчиб кўпаяётган эди. Энди муаллиф Боки аканинг мойжувозидан хавотир қилиб, ҳалқининг кўрадиган кунларига куйган, фифони қелиб ўтмишидан, келажагидан афсус-надоматлар қилган, «доҳийларнинг ўсиб-унган ва нашъу-намо қилғанлари бир ўлкани ҳалокат чуқурига қараб судрагучи албатта Тангрининг қаҳрига сазовордир», деб карамат қилган эди.

Агар хонларимиз, уламоларимиз дунё сиёсати, дунё маърифий-маданияти билан бирга қадам-бақадам босгандарида, маънан мустаҳкам турганларида улуг боболаримизнинг мисқоллаб йигған илму-маърифатини, тахту-бахтини, шану-шавкатини кимларнингдир қўлига бериб қўймаган бўлармидилар ..

1917 йил Русиядаги феврал инқилобидан сўнг Тошкентда нашр этилган татар демократларининг «Улугъ Туркистон» газетаси. «Инқилоб бўлди, замон тузуми ўзгарди, мустамлака миллатлар ўз истиқоли йўлида турли фирмалар тузиб курашиб келяпти. Инқилоб бўлганига саккиз ой бўлибтики, аммо Туркистон уламолари ҳали ҳам бир фикрга кела олмайдилар» — деб мутаассиб уламоларни танқид қилиб ўтган эди. Уша йиллари Туркистон халқининг энг етакчи кучи бўлган уламолар агар ҳушёр бўлгандарида Умумтуркистон мусулмонларининг қурутойларида Туркистон халқларининг яна асоратда қолиш-қолмаси ҳал бўлиб турган бир паллада «Мухторият нима», «Демократик жумҳурият нима», деб соатлаб тушунтириш сўраб ўтиргмаган бўлармидалар, болаларга дунёвий илм берилмасин, бу Қуръонда айтилмаган, деб тараққийпарвар жадид уламоларига қарши турмаган бўлармидалар?.. Ёки Тошпўлад aka айтганидек, Арафотдек муқаддас Туркистон ўлкаси мардикор бозорига айланмаган бўлармиди?.. Болалари Калвак маҳзумга ўхшаб радъ нимаю, соқолимнинг туки нечта, деб хуроффотта ботмаган бўлармиди?.. Зотан, Ҳадиси шарифда айтиладики: «Диннинг офати учтадир: беамал олим, золим подшоҳ, ва илмсиз мужтаҳид».

Отабек тузсиз Фузулийни ўқимай ёпиб қўйган экан, Раъно ҳушсиз бошини Умар Хайёмга қўйган экан, Тошпўлад акани на фуқаросига, на ҳукуматига қойил қолиб мияси қотган экан Кишига шундай кунлар келар, уша узоқ-яқин йилларда ўтган боболаримизнинг ВАТАНИ, ҲАЛҚИ, МИЛЛАТИ, ФОЯСИ учун чеккан дарди, ташвиши, балки бу кунларда биз авлодга бироз малол келар. Лекин барибир кўнглингиз, кўлингиз Қодирийга келаверади. Чунки унда шундай бир хислатлар борки, улар сизни кўп нарсадан қайтаради, кўп нарсага еткизади... Унда Қодирийнинг нафрати бор, муҳаббати бор...

Мұхтарам ўқувчи, гарчи бу ҳикояларнинг баъзилари сизга таниш, илгари бир-икки бор нашр қилинган бўлса ҳам ёзувчининг ушбу асарлари бу қадар тўлиқ, мукаммал ҳолида илк марта нашр этилмоқда. Бу хайрли иш шу кунларга насиб этибди. Тошпўлад төғанинг бегидир, аччиқ, куфр, дангал гапларига ёки ҳар қадамидан, ҳар сўзидан хурофа анқиб турган Калвак домланинг кўз чиқарадиган, содда, иштибоҳди гапларига ёки ўнинчи-йигирманчи йилларда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларга рўйи-рост, ҳоли-қудрат изоҳ беришга ҳаракат қилдик. Ушбу асарларни ҳам уша вақтдаги асли ҳолига мувофиқ тайёрладик, китобхон қўлига, мулоҳазасига тақдим этдик.

Ушбу китоб жилдининг комил чоп этилишида қимматли маслаҳат ёрдамларини берганлари учун мунаввар устозларимиз Жўра Қори Бўтакўз, Абдулазиз Мансур ва Бойбўта Дўстқора ўғли жанобларига миннатдорлигимни билдираман Шунингдек, кейинги саҳифада Қодирийнинг танқидий фикрларига замондош ҳамкасларининг билдирган мунозара мақолаларини илова тарзида ўқувчилар ҳукмита ҳавола этилмоқда.

Хондамир Қодирий



МУНОСАБАТ

И л о в а

ЎЗБЕК ҚАРИНДОШЛАРИМИЗНИНГ ДИҚҚАТЛАРИГА!

Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл. «Оқ жўл» газетининг ўткан нўмирларининг уч-тўртида Сирдарё — Еттисув музофотларининг Қозоқистонга муносабати ҳақида мақолалар босилиб эди. «Ўйинцап ўтчиқар» дегандай бу мақолалардаги бир-икки қўпол иборалар ўзбек ёшларининг нафсиға тегиб кетканда ўйланмаган, кутулмаган жойдан маюсият пайдо бўлган. Бу сабабдан «Оқ жўл» идораси қозирги муҳаррири бошида бўлган ҳолда ушбу баённомани ўз томонидан интишор этмакни лозими фарз топди. Аввал бир-икки сўз қўпол иборалардан: «Жетисув — Сирдарёни Қозоқистонга қўшув тарихи дурус» (128 нўмир) исчилк мақолада учунчи устун тўққизинчи йўлда оға-иниларга қаттиқ теккан бундай ибора бор: «Қозоқдинг ўрталиқ хукумати турарлиқ лойиқти фалони бўлмаган сўнг бочкурт, тотор ҳам ўрус оға-иниларимиз Ўринбурғедида бериб эди. Чиракдан кездинг ортиқдиги бор. Тошкантди сарт бовурлари қозоқча берса ғажаб эмас».

Мана бу иборада «қулайсиз» нуқта бор: биринчи Тошкант масаласи ва иккинчи — «сарт» сўзи. Тошкант масаласидан бошласак мақоланинг эгаси «Чиракдан кез ортиқ» (Чоряқдан газ ортиқ), яъни атрофида мусулмонлар кўбчилик ташкил этмаган Ўринбурғдан шарққа яқин, ичи, тиши ўз элизимиз ва ўз орайнимиз билан тўлиқ Тошкант яхши деган маъни чиқар. Саккиз-тўққиз миллийнлик бир элнинг биргина бўлсун шахри йўқ. Табиий шундай бир элнинг бир кишиси оғзидан соғдилона шул сўз чиқиб, кўнгли шарққа, оға-иниларига қарай тортибдир. Мақоланинг харфидан, маънисидан бошқача бир фикр чиқармоқ мумкин эмас. Сарт сўзига келайлик: бу сўз ўн-ўн беш йилдан бери ўзбек-тотор матбуотида ҳам мавзуи баҳс бўлуб келди. «Вақт» газетига ўн беш йил бурун ўзбек ёшлари томонидан ул вақтларда татар матбуотида мустамал бўлган «сарт» сўзига қарши протест ёзилиб бундан кейин «сарт» сўзи ишлатиласун деган талаб қўюлди ва бу сўз Туркистонга биринчи ўрус қўшунлари билан тўра-тиломоч бўлуб келган қозоқларнинг оғзидан чиқиб ёйилиб кеткан эди. Шул замондан бери неча йил, ой, кун ўтди. Туркистонликлар бу муддат ичида хили ўсади. Ҳар қаисиси ўзини — йўлдошини таниди. Узбек Амир Навоийсини топди, қозоқ Обойни тутди. Сиёсий ва тараққий йўлларида бир-бири билан маҳкам қўлга-қўл беришиб ўртадаги умумий душман бўлган мустамлакачига қарши курашмак, олишмоқнинг лузумини билди. Бу

тараққий ва саломат йулида улур бир ҳодисаки, ҳаммамизниң идрок этмагимиз керак. Бу күн келамизки сарт сўзини бирар киши атиғлаб ижод этмаган. Уйғур адабиётининг шоҳ асари бўлған: «Кудатқу билиг»да ўзбек — чигатой адабиётининг муҳтарам ва биз томондан ҳам азиз кўрилган Амир Алишер Навоийнинг гўзал ашъорида, Бобурнинг кенг руҳлик ўз замонига очиқ фикрлиқ «Бобурнома»сида бу сарт сўзини кўрамиз. Туркманларда «Тангри билмаяни тот¹ билар» деган мақол бор. Можорлар словак ҳалқи ҳақида бундай дейдилар: «Бўйтқа таом эмас, тот одам эмас» Бу балки сатхий мисолларнинг ўзидан ҳам сарт сўзининг турк ҳалқлари оғзида бурундан келаёткан бир сўз эканлиги-гина маълум бўлуб маъниси албатта ҳаммага мажҳулдир.² Ҳар ҳолда шуниси маълумки сарт деб аксари (Кауфман) савдогар синфини демишлар. Келажакда ижро этилатурган фанний химматлар, балки маънисини лозим даражада очиқ ва аниқдиги билан топар. Лекин ҳозирги маълуми бу даражада. Асрлардан бери ҳалқ оғзида келаёткан бир сўзни уч-тўрт кунда битирмак мумкин эмас. Одатга тортиб кетаберар. Ўзбекнинг ўзида ҳозирларда шаҳар ҳалқини ҳануз сарт деб тўлуб ётқан мақоллар чиқармиш. Ўзбеклар аксари тоҷик ҳалқини сарт дейдир. Ўратепа, Самарқанд атрофида ним кўчма ҳолда қолған, найман, жалойир, юз, хитой, қанғли, кўнғирот исмлик ўзбек эллари орасида юрган кишилар тасдиқ этсалар керак. Қозоқда, қора ҳалқ ўзбек ҳам сарт ҳақида «Ўзбек ўз оғам, сарт-садағам» деяр. Бинобарин масаланинг фанний жиҳат тўғрисида кўб ва кўб ҳалқларнинг адабиётини, урф ва одатини, мисол ва тамсилларини изламак керак, балки бу йўл фанний кашфиётга кўб хизмат берадир. Келайлик расмий матбуот ва истилоҳотимизга: юқорида марҳум «Вақт»нида келтирдик ва неча ва неча узун, қисқа мисолларни ўртага солдиқ. Мақсадимиз татар матбуоти ҳам бир неча узун муноқаша, бир неча кўнгилсиз сиёслардан кейин бориб бояғи сўзни кўйди, ташлади. Одат инсонда зўр бўлур. Табиий Туркистоннинг ўзида ҳам бу суз кўб вақтгача чўзулиб юрап. Матбуотларда ҳам кўб муноқашаларга сабаб бўлур. Фақат бу муноқашаларни биродарона насиҳатлар билан бир бирларига тушундирмак йўли билан даф қилмоқ чорасидан бошқа чора йўқ. Маюсиятдан орада мустамлакачилик бор, фойда чиқмас, балки неча ва неча сиёсий зарарлар пайдо бўлар. Ҳар бир гўдакга маълумдир бу.

«Одат зўр, бу сўз эски сўз» деган фикрлардан «Оқ жўл» е бир бошқа газет ва матбуот бу сўзни истеъмол эта берадир. «Худога йифлангиз» деган билан натижа чиқмайдир. Қатъян бу сўзлар билан касалнинг узоқдан келганлигинигина кўрсатдик. Масаланинг сурати зуҳурини баён этканда нафсига оғир тушкан йўлдошларнинг жаҳли бир даража тушар деган умид билан ёзиди. Бошқа ғараз йўқ. Фурсатдан истифода қилиб айтамизки: бизнинг орамизда ҳам бошқа ҳалқлар

¹ Туркманистоннинг Чоржўй, Марв, Байрамали шаҳарлари ва теварагидаги яшовчи элат, тоҷик тилида сўзлашади, қайсараги билан машҳур.

² Сарт сўзининг маъноси мажхул бўлмаса керакки, бу кунга довур «Оқ жўл» газетасида хоин, ўри ва чуттаҳам ўринларида ишлатилиб келмақда эди. Бу тўғрида «Оқ жўл» идорасининг расмий изоҳи ҳам бор. («Қизил байроқ»).

каби миллатчи мутаассиблар бор. Бизнинг орамизда ҳам жоҳил ва жаҳолат синфи бор. Зиёликларнинг сафида, юргининг бошчилари орасида ўнлар камчиликни ташкил этар. Ўнларнинг қозоқ юрти исмидан расмий суратда сўйламакка ҳақлари йўқ ва ҳеч вақт умид этмаймиз. Бўлмасада ўнлар юртни харобаликка, сиёсий ва ижтимоий фалокатларга бошлар, тарихимиз шоҳиддир. Бизнинг эътиқодимизга, мустамлакачиликка қарши танда жон, юракда дам бор — олишмоқ, тортишмоқ ва шул бечора мамлакатни улутт йўлга, најжот йўлига олиб чиқмоқдир. Уз юртимизни яхши кўрамиз. Бошқа юртларни да шул даражада яхши кўрамиз. Бу риёкорлик эмас, чунки бошқа инсонларнида эҳтиром эта билмаган киши ўз юртинида эҳтиром эта билмас. Киши қадрини билмаган ўз қадринида билмас. Бу қуруқ, дастур эмас, балки энг ҳаётний, амалий бир қоидадир. Туркистоннинг баҳти ва саодати туркман, ўзбек, қирғиз ва қозоқ меҳнаткашларининг баробар химоятларига, сотсиализм ва оға-инилик йўлида ҳаракат қилмоқлариға мувофиқдир. Бошқа йўл йўқ. Ҳеч бир кўзи очиқ Туркистон ёши инкор этмас. Фақат ўртада бир доғ ҳасрат қолдирган «Ўшандоғлар» (173 нўмири) мақоласи бор. Бу ҳақда ўзбек оғайнилари хузурида айни самимулқалб билан эътизор этармиз. Идоранинг бошлиқлари кўрмасдан, хусусий бир масъулиятсиз бир киши томонидан берилган ва босилиб кетган фелетўн бўлуб бу ҳақда идора масъулият чекмакка тайёрдир. Ҳар бир киши ва ҳар бир муассаса қаторида масъулият чекмак ҳалоддир ва бу йўл билан ўртадаги оғайнилиқ шартини ўрнига келтурмак номига ҳар бир жавобгарлиқдан қочмас. Идора ўз томонидан мазкур киши томонидан яна мақола қабул этмайтурған бўлди ва бундан кейин маюсиятлардан ҳоли бўлмак учун нозик мақолалар келган ҳолда идоранинг бошлиқлари томонидан рухсат бўлмай туруб босмайтурған бўлди.

*Чу узви бадард оварағ зўргор
Дигар узвхоро намонағ қарор (Саъдий)¹*

«Оқ жўл» газетасининг вақтинча муҳаррири Назир Тўрақулов (Дарвеш)

«Қизил байроқ» — 1922 йил, 27 май, № 179.

ЖАСОРАТ

Жулқунбой мени сўймоқчи: лекин пичоги ўтмас. Жулқунбой мени тепмакчи; аммо оёри қисқа. Нима қилсун бечора?!

Матбуот майдони очик, бўш. Кўринган киши йўқ. Бор бўлса-да, кўрсатарлик иши йўқ. «Балиқ бўлмаса қисқичбақа ҳам балиқ ўрнини босар» деган ўрус мақолига мувофиқ, эр бўлмаса хезалаклар ҳам қаторига кириб қолар. Шул ҳолатни биз ҳозир ижтимоий ҳаётимизда кент бир миқёсда бўлуб ётқанини мушоҳада эта оламиз:

Ўқутқич кўб — ўқутғучи йўқ.

¹ Оғриқ келса бирон аъзога
Оғриқ келар ҳамма аъзога.

Ёзгич кўб — ёзгучи йўқ.

Фирингчи кўб — танқидчи йўқ.

Буларга: «Хой муаллим, мухаррир, танқидчи, сиёсион, табиблар!

Ҳар қайсиларингиз кучингизга қараб кучсансангиз-чи!» деган киши йўқ. Бир ҳафта ўтур икки пардалик фожеа ёзиб ташлайтурсан театрчи, зежнга илинмас, қўлға тутулмас, тутуруғи йўқ сўзларни йигиб шеър оти билан ўртага чиққан шоир, ёки ҳаммасидан боҳабар ва айни замонда ҳаким, донишман, дипломат, сиёсатчи муаллим, мухаррир... соҳиби иқлиmlар Туркистоннигтина эмас, бутун шарқнинг «мазиди хусусия»ларидандир. Истанбул қаҳвахоналаридан аҳди шоҳид эмасми? Фотиҳ Каримнинг «Истанбул мактублари»ни ўқунгиз — кўрарсиз. Жулқунбой бу жиҳатдан мамлакатимизнинг ижтимоий типларидандир. Ул танқидчи. Танқидчи — адабиёт ва қисман сиёсат ва қисман ҳаётчи, билмайман, тарин нима танқидчиси. Бир хислати бор: жасорат, бепоён жасорат. Масалан, миллат дарёси масаласи олдидан чиқар экан, жасурона от қўюб дарёга ўзини ташлар. Кечув қай ерда, ёки қай ерида сув тез, қай ерида саёз? Фалон саволларни бермак мажбурия ақлиясидан ўзини озод этмиш бир жасур ўғлон.

Масалан адабиёт, ҳаёт ёки илми руҳ, ёки илми лисон, ёки ҳатто Муҳийиддин Арабий марҳумнинг масмаки каби тоғ масалалар йўли устидан пайдо бўлсун, кўб фикрлаб турмас, тўғри чопар. Ҳеч бўлмаса «довонгача чопиб чиқмоқра кучим етарми экан, яъни тилим чиқиб сулайиб қолмайин», деган андиша йўқ.

Унингча тафаккур — таасубдир: андиша — хурофот; мулоҳаза — жаҳолатдир; риоя — «аксилҳаракат»дир. «Хой» деган киши йўқ. Маълумот ва тафаккуротнинг нима кераклиги бор. Чопса бўлди. Жасорат, доим жасорат!

Жасур, фақат бечора, бенаво, ғариф. Ғариф йўлдошим! Йиглайними, кулагинми аҳволингта? «Қизил байроқ»нинг 186-номерида «Ўн миллион сўм ва бир паспурт йўқотдим» саҳифасида Жулқунбой ғарифнинг хангама эмас, дашномасини ўқудим. Ўқудим-да афсус, дедим. Афсус сени ёзган танқидчига, хайф сени кўтарган қороз ва сиёҳга, афсус сени босқан жаридаға!

Жулқунбой «Инқилоб» журналини «гажит» қилибдир. Ва ним жиддий ва ним ҳажвий танқидида фақат ўзинигина мазлум матбуот дорига осибдир. «Инқилоб» журналининг тўртинчи номерини мундарижа жиҳатидан бой топиб «Мирриҳ» ўқуғучиларининг бир нуқтада бўлинуб жетканларини баҳс этар ва «Инқилоб» журналининг ўзбек журнали бўлмай, балки қозоқ, татар журнали бўлғанилигини ишорат билан дайво этар, даъвонинг асоси учинчи номерда Обойнинг шеъри босилган ва тўртинчида Тўқайнинг «Жайги тонг»и босилмиш, эмиш!

Унинг устига журналнинг «ёзувчилари» (Жулқунбойнинг ўзича ёздим. Ўзбекча «ёзгучи» бўлса керак деб ўтаман!) Қурама бўлуб, уч қозоқ (мен, Асфандиёров ва марҳум Обой бўлсақ керак!) тўрт ўрус, етти татар, бир тожик (Хожи Муин, Садриддин Айний, Авлонийлардан бирини мурод эткан бўлса керак Жулқун!), уч ўзбеклардан иборат, деб жасорат қилғандай бўладир.



«Мақола»сининг охириға бориб журналниң домлалар томонидан суюлиб ўқулғаниға ҳайроннамо бўлуб ўтуб алла қайдан келтуриб, муносабатсиз Садриддин Айнийни ёд айтадир.

Мана бу Туркистонда чиқиб турған ягона журнал ҳақидаги бутун топқан-таянғани!

Бошқа фикр — бошқа лавҳалар ҳам йўқ ва бўлмас. Бир-бирига боғланмаган сўзлар, ёпишмаган фикрлар, арzon қиёслар, ёроч оёқ ҳазл ва ҳажвлар — умуман натижада бу хунук бўлмоғи эҳтимоли бор кучанишлар!

Эмдигина оёққа туруб келаётқан ўзбек, қозоқ, тожик адабиётларида татар, ўрусларнинг ишламагигами таажжуб қиласиз Жулқунбой? Ё уларнинг шул мамлакатнинг баҳти ва саодатига хизмат қилмоқ вазифа ва ҳақлариними инкор этасиз? Ё уларданми ўзимизни маданийрак, маърифатлирак кўруб, сизнинг орқангиздан журтайлиқ? Ё Туркистон коронгуликқа ботиб, зулмга эзилиб етқан чоқларида И smoил Гаспиринскийнинг шогирдлари келмай, холабаччамиз келиб, жадид мактаблари очиб хизмат қилдими?

1906—1914-ичи йиллар даврида «Вақт», «Қуёш», «Онг», «Шўро» ўқумай сизнинг ҳангамаларингизнами ўкудуқ. Маданийрак ҳамсоянинг таъсирида бўлмоқ табиийдир. Туркистон уламоси орасидан Мусабеги, Ризо Қозиларни етишдирсан, адабиётда Аёз Исҳоқ, Фотиҳ Амирхоновлар чиқарсан, танқидчилик ва ҳажвкашлиқда Олимжон Иброҳимов ва Фуод Тўқторовга ўзингиз, Жулқунбой етишсангиз — ул вақтда табиий «Инқилоб» журналининг «тўрт ўрус, бир тожик, етти татарга» ортиқча ҳожати тушмай қолар.

Уят. Бу даража маърифатсизлик билан матбуот дунёсига отилиб чиқиб оғизға келган нарсани сўйламак уят. Ҳар ерда уят.

Германиянинг энг машҳур шоирларидан Хайна — бани Истроил; рус адабиётининг бениси Пушкин араб Иброҳимнинг авлоди; инсоният мағкурасининг имми бениси ва коммунизм маслакининг тожи яхудий Карл Маркс; араб сарфи нахвига хизмат қилған турклар ва алоҳо, залқиес.

Уят Жулқунбой! Чин бўлсун, ҳазл бўлсун, танқидни бу хилда ҳеч бир ерда ёзмаслар. Танқид қилмоқ керак, ер билан яксон бўлсун. Ҳажв қилмоқ керак, теккан ери қақшасун.

Аммо Туркистон каби хом ва нозик бир жойда бу хилда «ҳангиллаб» ҳангама ёзмоқ ё ифво қилмоқ, ёинки шул Жулқунбой айткан «ўрус» каби ақлига келганини қилабермак демақдир.

«Инқилоб» — ўзбек маданият жадидасининг журналидир. Қозоқ, татар журнали деганлар номаъқул бузоқнинг гўштини есиллар. Ҳар бир жоҳилнинг сўзига илтифот қилинmas. Уларнинг сўзи-сўз эмас ва бўлмас. Жулқунбойнинг пўчталон сўз ташимогига ҳеч бир заррача ҳожатимиз йўқ. Биз суннида эмасмиз, шиъада эмасмиз. Шишилик даъвосини кутармакчи экансиз — Карбалога борингки биз кўрмайлик.

Обойнинг, Тўқайнинг «асари бадиъа»сини ва минбаъд бошқаларининг асари бадиъасини ҳам дарж этар эканмиз — мақсадимиз, маълумдир, ғаразимиз равшандир («Инқилоб» журналининг 42-саҳифаси-

да «шоир» шеърининг одига қўюлған муқаддимани кўзни очиб ўқумоқ керак!). Журнал ўқуғучиларнинг зотан ихтиёрида. Хоҳласалар чурчут санъатидан намуналар кўрсатмак вазифамиздир. Бу жиҳатдан бизга...¹ отморингиз на йўлдошлиқ қоидасига, на инсоний риоя ва эҳтиром руҳига ва на агарда бу иккисини рад этсангиз — тўғри — деганда ақали бир ҳаракат доирасига сифас. Журнал бу даража мушкилот ичида чиқмоқда Бирорға бир мақола ёздиրмоқ Жулқунбойга нозик нуқталарни тушундирмақдан ҳам қийин, бовужуд чиқмоқда ва қундан кун такомул этиб жиҳдийлашиб тузалмакда ва унинг ўртага ташлаган фикр ва маслаки атрофига мамлакатнинг хили жонлиқ соҳиби каламларини тўпламоқда: Аммо бу вақтгача, таассуфларки, «Қизил байроқ»-да биргина жиҳдий, илмий бирор танқид эшитмадик. Доим F. Юнус ё Жулқунбойнинг маълум жасорат дастмоялари! Янги дастмоя йўқ. Лекин даъво улур.

Аммо шул ҳолға келдикки, ҳаммамизга афсус!

Назир Тўракулов.
«Қизил байроқ» — 1922 йил, 24 июн

ТАНҚИДМИ, ТОШ ОТИШ?

«Қизил Ўзбекистон»нин 193-нчи сонда Жулқунбойнинг «Муштум» тўғрисида бир танқиди босилиб чиқди.

«Муштум»нинг давоми ва кенгайиши, тил томонининг соддаланиб авом фаҳм бўлиши учун Жулқунбой каби кулгучи ёзувчиларнинг танқиди қуруқ танқид эмас, биргалашиб ишлаб бориш ва ҳатто «Муштум»нинг жиловини қўлиға олиши билан бўладир.

Бироқ, бу хусусият ўртоқ Жулқунбояда йўқ. «Муштум»ни бошлаб чиқаришда биз Жулқунбой каби кулгучиларимизга иониб чиқардик. Ялиниш ва ёлбориш, ҳатто тарелка тутиб бўлса-да икки йилгача иштирок этдириб келдик. Ўртоқ Жулқунбойга ялиниш ва ёлбориш устига шаҳарнинг бир бурчаги бўлған уйига ҳам бориб мақоласини олиб келиб, камоли эҳтиром билан боса бордик. Ҳали ҳам ялинишдан тўхтаганимиз йўқ. Қанча қийинчиликлар билан «Масков мактублари»ни олиб босдик, кўб ўтмади, ялиниш-ёлборишлар қуруқقا чопди. Хайр дедик, Жулқунбой омон бўлса ўзимизники-ку, ахир бир кун келиб қучогимизга кирад, камчилигимизни тўлдирад, деб кутдик. Бироқ бу умидимиз ҳам сувга урди. Агар Жулқунбой ўз вазифасини билса эди, ҳозирча «Муштум»ни Ўрта Осиёда бирдан-бир журнал ҳолига келтирган бўлар эдик. Жулқунбой яна қучоқ ёзиб келар, унинг устига теваракдан ҳам юзларча етишдирган ёш кулгучиларимиз ичидан Жулқунбой каби ҳажжонлар етишар, деб оғриған бошимизни маҳкам борлаб, босган қадамимизни илгарилатмақдамиз.

Биз бу ерда Жулқунбойнинг яширин, лекин менга очиқ белгилик

¹ Бу ерда тайри адабий дарвешона сўзларни тушуруб қўздиридик

бўлған мақсади орқасида четдан туриб «Энди ҳорманг!» мазмунида ёзған танқидига ўтамиш.

Жулқунбой: «икки йилдирки, мавзу бир», дейдир. Бу даъвога исбот қани? Қаңдай исбот бўлсун! Курук бир демагогия, бўлмаса даъво «бир мавзу» устида бўлатуриб, даъвони исбот қилиш ўрнига «Муштум» мажнунона танқидга киришиб кетди, деб ногора чалишга ўтадими? Жулқун нима дейдир? «Муштумнинг устига қарайсиз:

«Муштум» сиёсий-ижтимоий... ойда икки дабқир чиқатурган расмлик кулги журнали!» Ичқарига кирасиз: на сатира, ва на юмор? Очидан очиқ қоровул қичқириш...» Бўлмаса Жулқунбой ўз мақоласи босилмаган нарсани кўрмас ва ўз мақоласи босилмаган журнални ўқиб кулмас экан «Муштум» атиги кулагина эмасдир. Унда жиҳдий танқидлар ҳам бўлаберадир. Устида ҳам сиёсий, ижтимоий танқидий деб ёзилиб ҳам қўюлғандир. Бўлмаса «Калвак Махзум», кулдириш учун яхшидир. Аммо фойдаға келганда Оқпадарнинг «Лўттибозлиқлар»и ортиқчадир. У мақоладаги ярим жиҳдийлиқда ҳам «ҳосил» кўзда тутилғандир.

«Муштум» танпарастлик қайғусида, мазасиз ишлар билан бўлса ҳам қорнини тўлдириб қаппаймоқчи», дейдир. Бу бир янги Америка қашф этиш ёки илгаридан бери «Муштум»ни бир пул қилмасамми, деб қилинған даъвонинг исботидир Бўлмаса, «Ўзбекистоннинг ҳар бир гўшасида ўзингизга мухбир ва ёзишучилар етиштиридинг», деб ташаккур айтмакчи бўлған Жулқунбой уларнинг мақолаларини қисқартмадинг, тузатмадинг, деб таги йўқ чеълакка ўлтириши кишини ҳайрон қолдира-дир.

Жулқунбой! Келган мақолалар ақалли 50 фоиз қисқартириладир, тузатиладир. Бироқ, бу ерда барча мақола «Жулқунбой» мақоласидек тузлик бўлиб чиқмайдир. Ўша сиз масхара қилмоқчи бўлған «Пайтава қош»га материалларни ишлашни ўргатиш учун берилган мақолалар бир оз тузини йўқотадир. Эндиғина ёзишни ҳавас қилабошлаған «Тегишқоқ», «Мушфиқий», «Тирмизак»лардан «Жулқунбойлар» етишармикан ниятида уларга бир оз кенг йўл бериб қўйибмиз. Табиий, ўрганчукка ёзабошлағанларнинг олган мавзуи «Жулқунбой», «Оқпадар»-нинг олган мавзуидек бўлмаса ҳам келгусида улардан Жулқунбойлар етишдириш учун мана шу йўлни тутиш мақул кўрилди.

«Муштум»нинг сўзда иқтисодсизлиги тўғрисидағи танқид қаноатланурлиқ эмас, чунки бизнинг тилимиз ҳали ишланмаган бир тиадир, ҳали тиличиларимизнинг ёзған нарсаларида ҳам тилсизлик, дағаллик, услубсизлик, иқтисодсизлик бордир. Бу кун имлочиларнинг ҳар бири бир бошқа имло билан ёзғанда, бир жумла сўзни ўн киши ўн хил тузадир. Бўлмаса «Оқпадар»ни «Оқ фадар» ёзган Жулқун хато ўрнида кеткан, «Фалак»ни фалак эмас, «палак» деб кеккайиб ўлтирармиди?

Биз матбаа хатосидан жуда чиққанмиз. Матбаада бир жумла бутун қолиб, онгланиши хато бўлған жумлаларни тўплаб «қайси бир ишли-дехқон тушунадир» деган «Жулқунбой»га, «ўртоқ, санинг қайси бир ёзғанларингта қайси бир ишли-дехқон тушунадир?» десак жавоб бўлиб тушадирми, йўқми?

Расм жиҳатидан қаноатланмаган Жулқун ўзинингтина тарозуси билан ўлчайдир. Эл ва матбуотнинг «Муштум»нинг тузилиши, карикатура жиҳатининг беназир экани тўғрисида бир оғиздан қилиб турған икрорини, ёлғон, улар билмай айтадирлар, демакчи бўладир. Карикатурадаги типларни яхши кўрсатаолмаганлиқ, тўғрисида Жулқунбойнинг даъвосига қўшиламиз ва ўзимиздан карикатуристлар етишгунча қалампир чайнаб тураберамиз.

Бир жойда Жулқунбойнинг расмлардан мамнун эканлиги кўрилган ҳолда, 13-нчи сон «Муштум»нинг биринчи бетидаги «Ёврупо саҳнасида» деган карикатуранинг эскирганлиги ва бизнинг ишчи-дехқон савиясига ётлигини билдирамакчи бўладир. Бу томондан ҳозирги вақтнинг қайнаған бир масаласи бўлғани устида Русиядаги карикатура журналларидан кўра илгарирак босилғани учун биз эски демаймиз. «Ишчи-дехқон тушунмайдир» дейр экансиз, бу кун-эрта биз газета, журнал чиқариб дехқонларга «ўқинг» дейишимиш ҳам кулаги бир нарса бўлиб чиқадир. Жулқунбой ишчи-дехқон тушунсан! деб даъво қиласуриб, «Шунгия палакни босмайдир, чиқадир» деб изҳори фазл қилмоқчи бўларди. Буғдорни тортадими ёки эзib ун қиласурибми? Бу ердаги «палагимизни шунгия бости»нинг маъноси зиён келтирувчилар бости, маъносида келадир. Дехқонлар ҳам «палагимиздан шунгия чиқди», демасдан «палагимизни шунгия бости», дейдир. Бунинг учун на маъно бузиладир, ва на ота гўри қозихона!

«Яъжуҷ-маъжуҷ» расмига мусулмонча ёзилмаганида айлашкан ҳар ким ҳақлидир. Бироқ бунда ҳам бошқармадан бўлмаған бир сабаб билан шундай хато кеткан. Унга мусулмонча ёзиш, сарлавҳа ўрнига «Яъжуҷ-маъжуҷ» деб кўйиш иши бир матбаа хизматчисига топширилиб, қўлиға ёзib берилган бўлса ҳам «яъжуҷ-маъжуҷ» ўрнига, «яғуж мағуж» деб ёзив, қитъалар устига мусулмонча ёзишни эсдан чиқарған. Албатта бу айб умрда ишланатурған бир айбдир.

13-нчи сон «Муштум»нинг динга қарши қўйилған карикатураси ҳам ақла сирмайтурған эмас, «аммо бизнинг ишчи-дехқон руҳидан тамоман узоқ жоҳиллик ва ғафлат деб айтиш қийин бўлса ҳам бироқ қилтилаб турған «Муштум»нинг ишчи-дехқон орасидағи обрў ва ҳурматига ҳам ўқулишиға (Жулқунбой шу ерда нима деб қўйди!?) кўркўрона суиқасддир(?) ва сиёсий саводсизликқа яқинлашаёзған бир андишасизлиқдир», — деб Жулқунбой «даъвои саҳиҳ» қиласуриб.

Биз билган ишчи-дехқон бўлса, Жулқунбойнинг фараз қиласуриб ишчи-дехқонидан бус-бутун бошқадир. Унга тушундириш, ёлғон-яшиқ диний-хурофотларнинг ҳақиқатини онглатиб бориш суиқасд ва сиёсий саводсизлиқ бўлибдир!

Асрлардан бери ҳақиқатни яширдингиз, натижаси нима бўлиб чиқди? Бугун мазҳабларнинг кишилиқ дунёсира келтириб турған оғир заарларининг омили ва унинг қаердан келиб чиққани тўғрисида тушундирмоқчи бўлғанлар жоҳил бўладирми, диний таассуб пойгасида биздан қолишимайтурған Русия дехқонлари орасиға кундан-кунга кубрак тарқала бошлиған «Безбожник» (худосиз) журнали билан «Безбожник» газетаси ҳам тўхтаб туриши керак ва бундай журнал ва

газеталарни чиқарувчилар Жулқунбойнинг фикрича жоҳил ва сиёсий нодонлар эканку...

Ҳали биз «Безбожник» ёки «Мулла Насриддин» каби оёқ босқани-миз йўқ-ку, биздан бешбаттар бўлған озарбайжонлилар учун чиқиб турған «Мулла Насриддин» тўғрисида ҳам Жулқунбойнинг фикрини эшитсан экди.

Фози Юнус

«Қизил Ўзбекистон», 1925 йил — 17 август, 201-сон.

ШАЛЛАҚИ КИМ?

Так, так, Жулқунбой!

208-нчи сон «Қизил Ўзбекистон»да Жулқунбойнинг «Шаллақи» сарлавҳалик менга бир жавоби бор. Бу жавобни ўқиши билан Жулқунбоя берган шу жавобимга «Шаллақи ким?» деб сарлавҳа қўйишни муносиб кўрдим!

Хабарингиз бордир, «Қизил Ўзбекистон»нинг 193-нчи сонида Жулқуннинг «Танқид» сарлавҳаси остида яширирган «сўкиш дафтари» босилиб чиқди. Матбуот қоидаси билан «Жулқун акам чочини юлмасин!» тарзида жавоб ёзган экдим. Жулқунбой бўлса тўғри бир сўзнинг остиға ўзича алла қандай замирлар тиқишириб «Мен нима дейману эшшагим нима дейдир?» деган экан бир бечора», деб ичдаги жаҳолати бетига тепиб қипқизил «Тошпўлат тажанг» бўлиб сўкишкага киришадир, ўткандаги жавобларимнинг самимиятини йўқотиб, тирноқ орасидан кир излашга киришадир. Чайнаб-чайнаб тиши қамашқандан кейин куфирлиги зиёда бўлиб, мушт дўлайишгача келадир. Агар Жулқунбой мушлашишни хоҳласа, тўпла тўғри «Тошпўлат» оғасининг ёниға борсин!

Жулқунбой мени шахсият гуваласи билан уриб, яна мендан салмоғлиқ жавоб куткан экан, куткани бўлди. Жулқунбойга жавоб берганимда жаҳд тўрвамни Жулқунбойга амонат топширган экдим-да. Даъвом 201-нчи сон «Қизил Ўзбекистон»даги баёнимдан аёндир. Жаҳд чиққанда инсофлик кишилар бурнини тишлийдир, Жулқунбой каби адилларга ҳақиқат кўзини қўлтурига яшириш муносиб эмас экди, десак бизча ҳам бошқаларча тўғри экди. Бироқ, тўғри сўзни туққанингга айтма, дегандек, бу беғараз сўз Жулқунбайнинг медасига пором келмабдир. Бир томондан қарагандада бу тўғрида айб ўзимда. Жулқунбой бу юзимга урганда, у юзимни тутиб беришим керак экан, мен курғур уни қиласдан «Куруждонлиқ» қилибман. Бўлмаса Жулқунбой «Шаллақи» деб бошлаган «сўкиш дафтарча»сида мендан: «салмоғлиқ жавоб, саноқлиқ мулоҳаза» кутатуруб, қалами бир неча жумла узмай туриб, «муддаининг ҳақиқат кўзи бир оз оқсағанини ва елмай-югурмай «демагогия» деб бақиришини билар экдим. Ҳақиқатан шундай бўлиб чиқди, ахир» деяр экдими? Мана бу икки «мулоҳаза», бир-бирига ёпишмаган пойма-пой бир мулоҳазадирки, ўқуған киши: «бу сўзлар Жул-

қунбойнинг ўз сўзими, ёки Жулқунбой деб тегирмончи уйғотиидими-
кан?» деб шубҳа қиласа ҳақлидири

Жулқунбой танқид, танқид дейдир, бироқ танқид тўғрисида қора
нондеқ бижгиб қотқан бир фалсафа билан ўз «танқид»ини ғараз ва
шахсият оғриқларидан пок ва мунаzzах қилиб кўрсатишка киришадир:
«Фози Юнус танқидга (у қандай танқид?) бир нима демасдан туриб
«лўли кўчасига кириб кетадир», дейдир. Бироқ сўкиш сиёсатида Жул-
қунбой кўчасига ҳали кирганим йўқ. Жулқунбойнинг бошдан оёқ «дурри
ноёб»ини уқиб чиқиб, меним жавобимни ўқиб чиққан киши қисқа
бўлса-да, «Танқид»га жавоб берганимни кўрадир. Бироқ, Жулқунбой
тухум бўяидир, поинакни қилвир (қилбур) қилиб, бошқаларни ёш бола
қилмоқчи бўладир.

Журнални тузатиш ва кенгайтириш учун бизнинг «Жулқунбой-
лар»ғача ялинишимиз табиийдир. Бу мақсаднинг тагида ҳеч бир қан-
дай замир фамир йўқ, Жулқунбой ва «Жулқунбойлар»га ялинишни
биз ғар билмаймиз. Жулқунбой «Муштум»га бир қанча вақт ишлагани
кўрсатиб ўткан экан, ялинишимизни яширишга ҳеч эҳтиёж қол-
маидир, бироқ ялинғанга қийқонглаш Жулқунбойга ярашмайдир.

Жулқунбой ўзининг «сўкиш дафтарча»сининг бир ерида «мен қаер-
да ишласам ҳам, қай кўчада кезсам ҳам «Муштум»ни унугтадим, ма-
салан, Фози бўлмаған бир вақтларда баъзи сонларини ўзим чиқардим
(атиги тошқа олинған бир пўмерни чиқарған эди, миннатдормиз). Ва
биринчи йилнинг 15-нчи сонидан бошлаб то 35-сонигача давом эткан
«Калвак махзум хотираси» ва бошқаларга — Фози айткандек тарелка
ва ялинишлар натижаси эмас, махзи самимият тўлқунидир» дейдир.
Бироқ, бу даъво ростми, ёғонми бир текшириб кўрилса, Жулқунбой
тухумининг палағда экани аниқ бўладир.

Жулқунбой 1924 йил 30 ўқтабргача, истаган вақтида журналга иш-
тирок этди, 1925 йилнинг ўқтабри яқинлашиб келадир. Бироқ «Муш-
тум» тушига ҳам кирмайдир. Орқа оворатдан пўнниллаб сасиб юрадир.
Ҳар нарсанинг исботи керак эди, магар Жулқунбой жаҳли чиққанда
исбот билан ҳисоблашиб ўлтирумайдир. Ўзи айтканча «тут-ман!» бўлмаса
мен «Муштум»ни эсимдан чиқармадим, дегани бўлур, мадамларнинг
юзига берилган пудрадек ҳавоий бир гап эканини билмайдир дейсиз-
ми? Бунда на самимият ва на тўлқун бор! Мен Жулқунга: «Қўй ўргоқ,
ӯша силап-сийпаб елкага қўйиш деган фикрингни. Минг йиллаб ҳақиқат
яширилди, «фалончи» акам ранжимасин дейилди, ниҳоят Шарқ ҳалқи
ҳозирғи кўриб турғанинг бу ҳолга келди. Дини таассуб ва эл орасига
қонун бўлиб ўрнашқан бидъат-хурофотга қарши жиҳоди акбар эълон
қилайлик, ҳақиқат экан, мунофиқлик қилмасдан иқтидоримиз етканча
курашайлик», дедим. Бу тўғрида эски шаҳар матбаасида фикр олиш-
қанимда «Муштум»га иштирок этмаслигининг сабабини билдим. Жул-
қуннинг фикрича: қўй, ҳалқни хафа қилма, ҳалқ билан бориш керак,
«Муштум» тадриж билан бормайдир. «Муштум»га иштирок қилиб
бўлмайдир.

Жавобимда шунга суюлиб «менга маълум бўлган бир сир пора»,
деган эдим. Жулқун бу ерда ҳам тухум бўяшга киришиб кетадир.

Палағда тұхумни қайси ранға бўяғанини ўзи ҳам сезмайдир. Ўзини ҳам бошқаларни тортиб турған эскилик чуқуриға қўшоқ қилиб судратмакчидир. «Мени динчи дедими, миллатчи демакчими?» деб 18-йилда босилған «Турма хотираам»дан мисол келтириб: «Сен ҳам мен каби диндор эдинг», деб уялтиromoқчи бўлар. Яхши бўлди, кўпдан бери «Турма хотирааси» ҳақида матбуотда бир нарса ёзиб ўтмакчи бўлиб юрар эдим. Жулқунбойнинг масалани очқани далда бўлиб «Турма хотирааси» тўғрисида қисқа бир нарса ёзиб кетиш лозим келди. «Турма хотирааси» ёзилған ва босилған вақтда Фарғонада босмачилиқ ҳаракатининг куидан-кунга илдиз отаборған вақти — яъни 18-йиллар эди. Шу вақт худо ва расулни дастак қилиб хитобномалар тарқатилар эди. Яқиндағина ҳам маҳкамай шаръиянинг «худо ва расуллари» фирмә магбуотида нашр этилар эди. Ҳозирдаги бир неча лидер коммунистларимиз «Ҳақиқат» деган диний бир журналга иштирок этар эдилар ва у вақтда «Шарқ сиёсати» шуни истар эди, қилинди. «Турма хотирааси» ҳам ўша сиёсатнинг муҳитида ёзилиб тарқатилған эди. Ҳозирғи вақтда ахлатка ташланадурған «Турма хотирааси»ни босиб тарқатишира ўша вақтнинг матбуот идораларининг ижозат бериши ортиқча сўзга йўл қўймайдир. Айткандек, «Турма хотирааси» яширин бир матбаада бошимаган-ку, садаға Жулқун!

«Турма хотирааси» ва бошқа шундай «диний хитобнома»ларнинг тарқалиши ўша вақтда Шарқ сиёсати нуқтаи назаридан тўғри ва муносиб бўлса-да, ҳозир юмалоклаб эҳтиёжга ишлатишдан бошқара ярамайдир. Ўша вақтда «Турма хотирааси»нинг келтирган фойдасига келсак эс кетарлиқдир. Хиёнат, зулм ўчоги бўлған Тошканд уязида зўр ўзгариш ясади ва хиёнаткорларнинг бошини қўйи қилди. 18—20-йилларда мен тадрижчи эканман ва шу тадриж орқасида «Турма хотирааси» ёзил, ҳозир ундан фойдасиз тадрижлардан юз ўтирган эканман: «Нега мен эскича тадрижчи бўлиб қолдим, сен тадриждан қочасан!» деб дўқ уруш ҳеч бир ақлнинг миясига кириб чиқмайдурған сафсатадир, амаки Жулқун!.. Қалам қўлда деб тўрт томонга от чопиши куладир-гувчиллик эмас, клоуналиқдир. Шарқ сиёсати деган муаммо бир дасмояга от чопқанингизда, шимолгами, жанубками чопқанингиз маълум эмас. Қашқар ҳам — Шарқ, Тошканд ҳам — шарқ. Тошкандда туриб ўзингизни Қашқардаман деб ҳис қилишингизга қарағанда ё кўкнори ичкансиз, ё шаллақаликнинг учига чиққансиз!

Шарқнинг номи 100 йилда ҳам ўзгарилемайдир. Аммо Шарқнинг тузилиши, элнинг разолатдан қочиб маданият соҳасига бориб кириши турган гап. Шарқ сиёсати деган «зоти шариф» ҳам тошдек бир ерда қотиб турмайдир. Элнинг савиясига қараб ўзгарадир. Уни «Жулқунбойлар» ўзгартмаймиз, дегани билан бўлмайдир. Турмуш келтириб чиқарадир. Ана шу кучлик турмуш тракторининг тиши бўлишимиз керак. Эл чуқурға қараб судралганини кўра туриб «аҳволи руҳия», «тадриж» деб биз ҳам кетаберайлиқда, дейиш сира бу замонга ярашмайдир.

Бу ерда ўртоқ Калининнинг нутқини сепар қилиб чиқищдан кўра: кўкракдаги қатма-қат тугунни ечиб ташлаш афзалроқ эди. Ўртоқ Калини нутқида: «Масковга маърифат истаб келган сиз мазлум Шарқ-

нинг дәққон болалари биринчи галда билим олмоғда, ундан сўнг шу олған билимингизни узингиз тугулиб ўскан ердаги онгсиз, мазлум, динда мутаассиб ишчи-дәққонларга юқдириша ҳаракат қилингиз!» деган экан, у сўзларни биз ҳам биламиз. Бу ҳақиқатни кўз қорачиги-миздек тутамиз. Бироқ Шарқ Жулқунбой деганча муздек қотиб қолмайдир, мозийси бор экан, истиқболи ҳам бордир. Инқилобдан кейин биз янги мактаб очсақ эл боласини бермайдир, деб қўрқар эдик. Ҳақиқатан шундай бўлди. Ҳар томонда иғво кетди, «мактабларда дин дарси берилмайди», дейишди. Уни ҳам бердик, бўлмади. Кўп ердаги янги мактабларимизнинг равнақи йўқолди ва эски мактаблар ривож олди. Кун ўткан сайин эл фойда-зарарни қайда эканини тушунди. Бугун мактабларимиз лиц тўлған. Эл ош-нон демайди. Мактаб дейди. Мактабларда дин дарси йўқ деб норози бўлувчи бўлса, Жулқунбой исбот қиласин! Маданий маориф ишларимизда ҳам элнинг янги бир йўл тутқани, Жулқунбойларнинг тадрижига бурун қоқиб, липлага қистирғани ҳаммага билгилликдир.

Бу кун умумий интибоҳни кўрамиз, Ўзбекистоннинг онгсиз бир ишчиси билан нодон бир батрағида янги бир туйғу ва эскилика нафрат бор. 19—20 йилларда «пешонамизга биткани бўладир. Беш кунлик дунёда хўжайниларимизнинг сув-жойини олиб, тона пардаи рўзи қиёматда нима деб жавоб берамиз», деб сафсатага учиб юрган батрақлар билан фикр олишиб кўринг. нималарни сезасиз. Бутун Ўзбекистон бу билан ишчи ва батрақ оммаси руҳонийлар ва бой монополларга қарши кураш очиб ўз ҳақини дин номидан эмас, шўравий қонун билан қўла олмоқдадир. Фарғонаға ўртоқ Охунбобаев бораңда ҳар ерда деярлик батрақлар эски турмушга нафратларини билдириб, мактаб ва маориф сўрадилар. Бой ва руҳонийларнинг дин, шариъат номидан қўрқитишининг бир пул эканини майдонга чиқариб ташладилар. Нега бултурдан кўра бу йил аҳвол бунча ўзгарди экан? Афсона зўрми, ҳақиқат ва эҳтиёж зўрми Жулқунбой?!

Жулқунбой менга: ўткан йиллардагина намозини ўқиб рўзасини тутиб юргувчи, матбуот орқали «ҳамд ва сано» айтuvchi, деб тарона қилишига ҳеч бир эҳтиёж йўқ. Мендан бир киши илгари қандай эдинг деса, шундай жавоб берар эдим: «Мен мутаассиб бир жоҳил, диндорликда ҳозирғи Жулқунбойнинг худда ўзгинаси».

Бироқ, бултурғина эмас 12—13-нчи йиллардан бошлаб миямда зўр ўзгариш бўлабошлиди. Бу табиий ва тўғри ҳодисага Жулқунбой кулар экан мен ҳам Жулқунбойнинг ҳолига қўшулишиб куламан, Фози Юнус ўзини қўруғлаща танҳодир, деб «Муштум» ёзишфучиларни «ана сизни сўқди-я!» деб, қутуртироқчи. Бироқ камина бундай санъат бозоридан ҳали липпа қистириб ўтканим йўқ. Ўтиш кўнгилда ҳам йўқ. Журналнинг кулаги қисмидан ташқари жиiddий қисми бўлиши ажаб эмас, агар Жулқунбойга билиш керак экан, кулаги журнallарни кўриб борсин ва илгари чиққанларни ҳам бир карра кўздан кечирсин!

«Рад бўлинг, палагимизга тушкан шунғиялар» жумласи Жулқунбой учун «Обакидандон!» бўлди, бироқ ҳақиқатка ён бермайдир: Эл ичидагалиби келган баъзи таркиб ва атамалар бордирки, босди ўрниға эзди,

эзди ўринига тортди келадир. Кўп сўзлар бордирки, аслидан хили ўзгарадир, буни «галати машхур» дейдирлар. Масалан, «маъдан» калимаси аслида «маъдин» бўлса-да, асладаги «маъдин» ишлатилмасдан «маъдан» ишлатиладир. Бундай мисолларни турк тилларида ҳам жуда кўблаб учратиб бўладир. Бундай майда ва оғизға олишға арзимайлирсан нарсалардан мисол келтиришдан кўра иш ва натижга томонга ўтиш керак.

Даъво осон. Бироқ ишга келинг, мен ундаид қилдим, бундай қилдим билан иш битмайдир. «Танқид» отини ниқоб қилиб сўкиш осон Аммо қўлингиз билан қилғанингизда оғир воқеалар, қийин ҳолатлар кўндаланд қелиб турадир. Бўлмаса бирга чиқарған сон «Муштум»лар ҳам майдондаку, «хувалбори»сидан тортиб «нома тамом вассалом»гача 13-инчи нўмернинг ё акаси, ё укаси!

Осон эмас дедик. Сатираға бой бўлған, юморда ички Россия ва рус матбуотида ахсанта эшиткан «Муштум» журналиға қараб Жулқунбой ҳам таъна тошини отмайдир. Бироқ 13-инчи нўмернинг охирги саҳифасидаги динга қарши кеткан карикатура Жулқунбойнинг теппа сочини типплатик қиласадир. Ҳой бечора, ўн йилдан кейин нима қиласан? Осон эмас, дедик. Тўғри бир даъводир-у, — мен билан бирга ишлашканда Жулқунбой бир карикатурага мавзуу (тема) берган эди. «Фаргона» газетаси: «Тут ўғрини!» деб қоровул чақирди. Жулқунбой кам ранжидими? Шу кун мудофаа ёзили. Бунга Жулқунбой ҳақди ҳам эди. Жулқунбой Тошпўлат тажангона сўкишга киришиб «сен эшшаксан, мард бўлсанг Жувада ҳангра!» деб ахлоқ кўчасининг бир чеккасига буқиниб оладир.

«Муштум», отидан маълум, ҳажвий ва танқидий журналдир. Бошқа кулги журналлар каби унинг ҳам вазифаси солим бир суратда чақишадир. Тўғри сўз Жулқунға ёқмаганидан кейин Жулқундан орқада бўлған шоп-шалоп таққанларға пором келсинми? Муштумнинг бошиға келган оғирлиқларнинг бир мисқолига Жулқунлар чидаёлмайдир...

Масалан: бултур бир нарса ёзиб қўйиб ҳафталарча бетида бир қарич бўзнинг нархи танга мири бўлиб юрди.

Жулқунбой ҳар қадамда муҳокамани ўқуғувчиларнинг гарданига юклайдир. Мен ҳам муҳокамани ўқуғувчиларға бир мартаба юклайман. Жулқунбойнинг «сўкиш дафтари» ниманинг устида. «Муштум»нинг устидами, 13-инчи нўмер устидами, ёки меним устимдами? Биргина 13-инчи нўмерга борлаб меним устимдадир. Айлантириб 13-инчи нўмерни оладир. Ўргултириб мени сўқадир: «Ҳа, хумса, 13-инчи нўмерингни кўрдингми, мавзуларни бир-бирига чақишириб қарадингми, агар қарасанг ғўлдираб қоласан!» дейдир. 13-инчи нўмер босилиб тарқатиладир. Ҳамманинг қўлида деярлик бор. Унда турли мавзуда мақола ва карикатура борлиғи ҳаммага маълум бўлғани каби Жулқунбойға ҳам маълумдир, бироқ кўргиси келмайдир. Кўзини чирт юмаб «қоч, гаврон тегадир!» деб тўрт томонга чарх урадир. Ҳатто: «сиёсатдан ва на танқид, ижтимоётдан бирорта мақола ёзиб ўқуғувчиларни сероб қилдингиҳми?» дейдир. Мен қилмаған бўлсам сиз қилдингизми? Ёки даъвонгизча «Муштум» саҳифаси масхарабозларнинг «бозор сапида опшоқ

қоғози»ми? Ёки сизнинг «Тибби Акбар»ингизда, бор нарсани йўқ деб кўрсатиш жоиз дейилганми, Жулқунбой?

Жулқунбойниң жигибирёни чиққани 13-нчи нўмернинг бошидан оёғи бир мавзуда, ~~хам~~ кўр-кўронада даъво қилиши қаердан келиб чиқди. Бу тўғри эмас. Кўра била туруб бир мавзуда дейиш демагогия деганимдандир. Бўлмаса 13-нчи нўмер «Муштум»ни дастмоя қилиб бошдан оёқ бир мавзуда деб жар чақириши ҳақиқатан ёлғон, саккиз оёқли ургочи демагогиядир. Қони қизиганда ҳовруққан Жулқунбой, қони совуғанда бир оз инсофга келиши керак эди. Ҳеч вақт бир нўмерда бўлған камчилликка қараб юз нўмерга ўлпон баҳо бериш эслекларнинг эмас, тентакларнинг қилиғидир. Газета, журнallарнинг бальзи бир нўмерлари камбағал чиқар экан, мунаққидлар ўша нўмерга қараб ҳаммасининг баҳоси бир пул демайдир. Лекин бу қилиқ Жулқунбойда бор экан.

Ер юзида ягона бир мунаққид(!) Жулқунбойга «Тошпўлат тажанг»-нинг сұҳбати таъсир қилғанга ўхшайдир. «Калвак махзум»га мурожаат қиласин, «ихлос — халос», дебдирлар, шак келтирилмасин.

Ғози Юнус

«Қизил Ўзбекистон» — 1825 йил, 28-август.

МУНДАРИЖА

ҮТКАН КУНЛАР

Езғуцидаи 6

БИРИНЧИ БЎЛИМ

| | |
|---|----|
| 1. Отабек Юсуфбек ҳожи ўти | 7 |
| 2. Хон қизига лойик бир йигит | 12 |
| 3. Бек ошиқ | 17 |
| 4. Марғилон ҳавоси еқмади | 20 |
| 5. Киройи кувинг шундог бўлса | 22 |
| 6. Тошканд устида қоилиқ булатлар | 27 |
| 7. Мажбурият | 30 |
| 8. Қутлуг бўлсин! | 33 |
| 9. Қаршилаш | 38 |
| 10. Тўй, қизлар мажлиси | 41 |
| 11. Кутимаган баҳт | 46 |
| 12. Чакимчилик | 50 |
| 13. Қамоқ | 53 |
| 14. Нажот истаб Тошканда | 60 |
| 15. Тошканд қамалда | 62 |
| 16. Азизбек | 65 |
| 17. Юсуфбек ҳожи | 68 |
| 18. Жар | 71 |
| 19. Ҳукмиома | 74 |
| 20. Истиқлол дарди | 81 |
| 21. Инқилоб | 84 |
| 22. «Бир гарibi бечора» | 88 |
| 23. Мусулмонқул | 92 |

ИККИНЧИ БЎЛИМ

| | |
|---|-----|
| 1. Ота она орзузи | 100 |
| 2. Унутмайсизми? | 107 |
| 3. Қовоқ девонанинг белбоги | 121 |
| 4. Жодугар хинди | 124 |
| 5. Хиёнат | 132 |
| 6. Иситма орасида | 139 |
| 7. Қувланиш | 145 |
| 8. Баҳт ва баҳтсизлик | 152 |
| 9. Унтулмаса нима қиласин? | 162 |
| 10. Бизда ким кўп йиглайдир? | 165 |
| 11. «Наво» куйи | 171 |
| 12. Жопсўз бир хабар ва қўрқунч бир кеч | 175 |
| 13. Кулиб қарамаган баҳт | 179 |
| 14. Ракиб изидан | 188 |
| 15. Душанба кун кечаси | 197 |
| 16. Ўзни танитиш | 200 |
| 17. Хайриҳоҳ қотил | 205 |

УЧИНЧИ БЎЛИМ

| | |
|--|-----|
| 1. Мусулмонқул истибдодига хотима | 215 |
| 2. Қоронги кунлар | 224 |
| 3. Қипчоқча қирғин | 229 |
| 4. Ой этак билан ёпилмас | 235 |
| 5. Мактуб | 238 |
| 6. Ўзбек ойим — орма, Зайнабнинг дарди | 240 |

| | |
|---|-----|
| 7. Қудаларни кутиб олиш | 245 |
| 8. Зимнан адоват | 249 |
| 9. Ҳожи этак силккан | 253 |
| 10. Ҳасаналининг ҳийласи | 255 |
| 11. Кумушнинг сўз ўюни | 260 |
| 12. Қундаш — қуңдашdir | 265 |
| 13. Эсон бўлсақ, кўришармиз | 275 |
| 14. Хушрўйбиби ва Зайнаб | 282 |
| 15. Эсини киргизди | 286 |
| 16. Ой-куни яқин эди | 289 |
| 17. Хотима | 301 |
| Ҳабибулла ҚОДИРИЙ. «Ўткан кунлар» | 305 |

МЕҲРОБДАН ЧАЁН

| | |
|---|-----|
| 1. Раъононинг этаси | 309 |
| 2. Амир Умархоннинг қанизи | 310 |
| 3. Махдумнинг уйланиши ва мактабдорлиги | 313 |
| 4. Махдумнинг баъзи хислатлари | 314 |
| 5. Оила ва кишилар билан муомала | 315 |
| 6. Нигорхоним | 317 |
| 7. Раъно | 319 |
| 8. Бир ўрдалиқ | 321 |
| 9. Ўпка ва ҳазил | 325 |
| 10. Хайриҳоҳ бир одам | 328 |
| 11. Махдумнинг таҳдиди | 330 |
| 12. Бахмалбофда фақир бир оила | 335 |
| 13. Танийсанми шу жажжи қизни? | 337 |
| 14. Чин ўртоқ | 339 |
| 15. Махдумнинг баъти | 343 |
| 16. Ҳоннинг илтифоти | 346 |
| 17. Айварнинг андишаси | 348 |
| 18. Жиловхонада бир жанжал | 350 |
| 19. Ифлос бир мозий | 354 |
| 20. Ҳушёрик | 357 |
| 21. Ёрлиғ бериш маросими | 360 |
| 22. Адрас тўн ва иссиқ нон «фожиъаси» | 365 |
| 23. Китоб сўзи | 368 |
| 24. Шоирнинг сирри | 372 |
| 25. Ҳаёт шамъи | 376 |
| 26. Нега ерга қарайсан, Раъно? | 381 |
| 27. Зулм ўчори | 384 |
| 28. Ҳарам | 387 |
| 29. Оғача ойим | 391 |
| 30. Ҳоним ойимлар | 395 |
| 31. Кирқ қизлар | 398 |
| 32. Нозик | 402 |
| 33. Янги «ҳунар» | 406 |
| 34. Хайрул-умури авсатуҳо | 410 |
| 35. Ҳон кўнгил очмоқчи | 416 |
| 36. Қизиқлар | 419 |
| 37. Бирикиш | 424 |
| 38. Фарид кўнгли | 427 |
| 39. Бишуй, эй хирадманд | 429 |
| 40. Алдаш учун бола яхши | 432 |
| 41. Чақангиз сийқа эмасми? | 434 |
| 42. Қув одам экан | 438 |

| | |
|---|-----|
| 43. Чүлөк құш | 442 |
| 44. Қор йүқтәндінгизми? | 445 |
| 45. «Фотиха — мұхри худодир» | 448 |
| 46. Йигит | 451 |
| 47. Очиқ ҳат | 456 |
| 48. Түй арағасида | 459 |
| 49. Рамз | 462 |
| 50. Маңшұқа маҳбаси | 465 |
| 51. Жасур қызы | 468 |
| 52. Дүстлик «каромати» | 471 |
| 53. Җаённинг намойиши | 475 |
| 54. Икки хил садоқат | 480 |
| 55. Баримта | 485 |
| 56. Хайр энди, Раъно! | 490 |
| 57. Құрқуңчы бир жасорат | 494 |
| Мирзо Анварнинг кейинги ҳаёти түғрисида | 501 |

ДИЕРИ БАКР

(Кичик асарлар)

| | |
|----------------------------------|-----|
| Түй | 504 |
| Ажволимиз | 504 |
| Миллатимга бир қарор | 505 |
| Фикр айлағыл | 505 |
| Бахтсиз күёв | 507 |
| Жувонбоз | 521 |
| Шодмарг | 527 |
| Сайловми, босқунчилукми? | 528 |
| Қымматчилек ҳасрати | 530 |
| Дүмбаси тушиб қолған әмиш | 532 |
| Маориф шүрөси діққатия | 534 |
| Эски шаҳар театру ҳаваскорлариға | 536 |
| Тошкаңд җабарлари | 536 |
| Бизда аскарлық масаласи | 537 |
| Бизда театру ишининг бориши | 539 |
| Тиланчилек ёхуд енгил касб | 542 |
| Эски шаҳар «ЧеҚа»си атрофинда | 543 |
| Бозор суруштирмайдыр! | 545 |
| Негаким? | 546 |
| Кула-кула ўласан | 547 |
| Кироатжоналаримиз | 549 |
| Тинч иш | 550 |
| Яңги систем бетарафлик | 556 |
| Отам ва болшевик | 558 |
| Ижмоли саёсий | 561 |
| Азоб бокчасида йиғи-сирі кечаси | 563 |
| Қазойи осмонийлар | 565 |
| Билдиришлар | 566 |
| Нафси шайтои | 567 |
| Тарбуз құлтуқдан туцди | 568 |
| Сарт оға-ишиларга | 569 |
| Хақиқат — очиб сүзлашдадыр | 571 |
| Матбуот | 574 |
| Жасорат — айб әмас | 576 |
| Құрбонлық үт哩лари | 579 |
| Мочалов | 580 |
| Лайли ва Мажнун | 581 |
| Пасту балаңд дунёда | 583 |

| | |
|---|-----|
| Давосиз дардлар | 585 |
| Оғзигінга қараб ғапири! | 587 |
| Тилак | 588 |
| Лузонда күңгіл озишлар ва исириқ солишилар | 591 |
| Икки оғиз тариқатдан ҳам бұлсун | 592 |
| Чуви чиқди | 594 |
| Бир чимдім билдириш | 595 |
| Хусусий мактублардан | 595 |
| Курбон байрами | 597 |
| Хұқуқ | 599 |
| Чиқиб бозор аро иошшойи танга | 600 |
| «Муштум» таърифида | 601 |
| Сиёсат майдонларыда | 602 |
| Саломнома | 603 |
| «Муштум» поччамизга арз | 604 |
| Ит урушдириш ишлари | 605 |
| «Таваккалту алolloх»ни дегаң зер | 606 |
| Нима қаёққа кетадир? | 607 |
| Тараққый | 608 |
| Пұскалласи | 608 |
| Наңс босқан экан | 609 |
| «Күмак» уюшмасыга ионалар | 611 |
| Шұх байтал | 612 |
| Дарди йүқ кессак | 613 |
| Емон күз | 614 |
| Биринчи май | 615 |
| Совинак қори билан Мағзава қори | 616 |
| Биз ким ва нималардан құрқамиз? | 618 |
| Үзр | 619 |
| Аралаш | 620 |
| Муштум оқсоқланған эмиш | 621 |
| Яшасун күнчилар ташкилоти | 622 |
| Бұтқа | 623 |
| «Муштум»нинг иккінчи еши... | 624 |
| Чакиришлар | 626 |
| Келинни келганды күр... | 627 |
| Тошканда бойлари | 628 |
| Хой, ер юткур... | 630 |
| Тошканда хабарлари | 632 |
| Истатистиканинг күрсатишича... | 633 |
| Дүстларга үзрим | 635 |
| Үргаңған күңгіл ўртанса қўймас | 636 |
| Эшонларимиз | 638 |
| Фиди-ғиди галлар | 643 |
| Сүңг ойларда Тошканда | 645 |
| Матбуот күни | 647 |
| Маҳқамаи шаръияда қолва толқон масаласи | 648 |
| Рұыят масаласи | 650 |
| Олти йиллик базм | 651 |
| Масков хатлари | 656 |
| Кичкина билдириш | 662 |
| Тошканда | 662 |
| «Муштум» журналига | 663 |
| Маслақу мақсаддан шаммана изхор | 670 |
| «Миллий ашулачимиз» қори Мұхіддін Италиядан ўқуб қайтдими | 673 |
| «Сузук ота» хўжалар жумхурияти | 675 |
| Ёзишиучиларимизга | 676 |
| Тошканда фирмә канференсиясини томдан күрдим | 678 |

| | |
|--|-----|
| Саккиз иил | 679 |
| Ай, худай урганлар | 680 |
| Эчкининг оти Абдикарим | 683 |
| Бир йил | 684 |
| Хар кимдан анов — манов | 685 |
| Шомий домланинг оқ салла ташвиқотчилари | 686 |
| «Улур айём» | 687 |
| «Муштум» | 689 |
| Шаллақи | 693 |
| Ўжар кўр | 698 |
| Чўяпоннинг «Тонг сирлари» шеърий тўпламига сўзбоши | 703 |
| Иби, аҳмақ бўллингчи? | 703 |
| Бўлсун-бўлмасун | 705 |
| Буруй ва ҳозир | 707 |
| 26-инчи йида кулдиргучиларимиз | 708 |
| Йиғиңди гаплар | 710 |
| Анов-манов | 713 |
| Шу яқинидаги бир мусоҳабадан | 715 |
| Тошпўлад тажанг нима дейди? | 715 |
| Бўзахонада | 719 |
| Йўлда | 722 |
| Маълумот учун | 731 |
| Калвак маҳзумининг хотира дафтиридан | 734 |
| Таржимаи ҳолим | 744 |
| Калвак Маҳзумдан идорамизга очик ҳат | 752 |
| Аввале илм қадом аст | 754 |
| Калвак Маҳзумдан | 766 |
| Калвак Маҳзумдан ҳат | 774 |
| Одамизоднинг ақди етмайдир | 776 |
| «Қишлоққа юзингни ўғир!» бачимаъни? | 778 |
| Қишлоққа қошининг ўғир! | 780 |
| Дардисар | 781 |
| Бачтур замона дучор шудем? | 783 |
| «Қавоидул—умаро» | 786 |
| Ширвои хола нима дейди? | 787 |
| Абдулла Қодирийнинг суддаги нутки. | 788 |
| Равот қашқирлари. | 802 |
| Изоҳ | 804 |
| «Ўткан қунлар» ҳам «Ўткан қунлар» таузиди устида баъзи изоҳлар | 804 |
| Тарбия ишларига диккат | 809 |
| Ўзи хон кўланкаси майдон | 809 |
| Лугат пурратчилиги ва куруқ расмият. | 812 |
| Ёзуви ўз ижоди тўғрисида. | 813 |
| Эски китоблар савдосини қўлга олайлик. | 814 |
| Шубҳа. | 815 |
| 1819 йил ёдгори. | 828 |
| Қўрқсан олдин мушт кўтарар. | 830 |
| «Жинлар базми» | 831 |
| Улоқда. | 836 |
| Ўқиши — ўрганиш. | 844 |
| Таржимаи ҳол | 846 |
| Сўнгги сўз (Хондамир Қодирий) | 858 |

Муносабат (И л о в а)

| | |
|--|-----|
| Ўзбек қариндошларимизният диккатларига (Назир Тўракулов) | 861 |
| Жасорат (Н.Тўракулов) | 863 |
| Танқидми, тош стиш (F Юнус) | 866 |
| Шаллақи ким? (F.Юнус) | 869 |

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ
ТАНЛАНГАН АСАРЛАР
ЎТКАН КУНЛАР
(Роман)
МЕҲРОБДАН ЧАЁН
(Роман)
ДИЁРИ БАКР
(Кичик асарлар)

«Sharq» Нашриет-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2014

Мұхаррир *Вафо Файзуллоқ*
Дигайнерлар *Үйгүн Салиқов, Ҳусан Мәҳмонов*
Бадий мұхаррир *Ферула Башарова*
Техник мұхаррир *Рынно Бобохонова*
Сахифаловчи *Мастура Алхамова*
Мусаққиқ *Шарофат Ҳуррамова*


Нашр лицензияси AI № 201, 28.08.2011 йил.

Теришга берилди 10.10.2013. Босишга рухсат этилди 10.03.2014. Бичими 70x100'/
«BaltikaUz» гарнитураси. Офсет босма. Шартлы босма табори 71,29. Нашриёт-хисоб табори
61,39. Адади 5000 нусха. Буюртма № 3372. Баҳоси шартнома асосида

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси,
100000, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кӯчаси, 41-йўл.

280720

Абдулла
ҚОДИРИЙ



ISBN 978-9943-26-151-8



9 789943